(3S)-3-Аминодигидротиофен-2(3H)-он гидрохлорид.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 202 °C атрофида.

**DL-Гомоцистеин [DL-Homocysteine].** C<sub>4</sub>H<sub>9</sub>NO<sub>2</sub>S. (М.м. 135,2). 1136100. [CAS: 454-29-5].

(2RS)-2-Амино-4-сульфанилбутан кислота.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 232 °C атрофида.

**Гонадотропин, зардобли [Gonadotrophin, serum].** 1041200.

Эквин зардобли гонадотропин ветеринария учун (0719) га қаралсин.

**Гонадотропин, хорионик [Gonadotrophin, chorionic].** 1041100. [CAS: 9002-61-3].

Хорионик гонадотропин (0498) га қаралсин.

**Грамин [Gramine].** C<sub>11</sub>H<sub>14</sub>N<sub>2</sub>. (М.м. 174,2). 1189400. [CAS: 87-52-5].

1-(1H-Индол-3-ил)-N,N-диметилметанамин.

Ёрмалар. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди, ацетонда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 132 °C дан 134 °C гача.

**Гуанидин гидрохлорид [Guanidine hydrochloride].** CH<sub>5</sub>N<sub>3</sub>HCl. (М.м. 95,5). 1098500. [CAS: 50-01-1].

Кристаллсимон кукун. Сув ва 96 % ли спиртда осон эрийди.

**Гуанин [Guanine].** C<sub>5</sub>H<sub>5</sub>N<sub>5</sub>O. (М.м. 151,1). 1041600. [CAS: 73-40-5].

2-Амино-1,7-дигидро-6H-пурин-6-он.

Оқ ёки деярли оқ рангли аморф кукун. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда кам эрийди, аммиак эритмасида ва ишқорий металл гидроксидларининг суюлтирилган эритмаларида эрийди.

**Гуммиарабик [Acacia].** 1000100.

Гуммиарабик (0307) га қаралсин.

**Гуммиарабик эритма [Acacia solution].** 1000101.

100 г гуммиарабик R 2 соат давомида механик аралаштиргич билан аралаштирилган ҳолда 1000 мл сув R да эритилади. 30 мин давомида 2000 g тезланиш билан шаффоф эритма ҳосил бўлгунига қадар центрифуга қилинади.

Сақланиши: 0 °C дан – 20 °C гача бўлган ҳароратда 250 мл сиғимли полиэтилен контейнерларда.

**Даидзеин [Daidzein].** C<sub>15</sub>H<sub>10</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 254,2). 1178400. [CAS: 486-66-8].

7-Гидрокси-3-(4-гидроксифенил)-4H-1-бензопиран-4-он.

**Даидзин [Daidzin].** C<sub>21</sub>H<sub>20</sub>O<sub>9</sub>. (М.м. 416,4). 1178300. [CAS: 552-66-9].

Даидзеин-7-О-глюкозид.

7-(β-D-Глюкопиранозилокси)-3-(4-гидроксифенил)-4H-1-бензопиран-4-он.

**Дантрон [Dantron].** C<sub>14</sub>H<sub>8</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 240,2). 1024500. [CAS: 117-10-2].

1,8-Дигидроксиантрахинон. 1,8-дигидроксиантрацен-9,10-дион.

Зарғалдоқ рангли кристалл кукун, сувда амалда эримайди, 96 % спиртда кам эрийди, ишқорий гидроксидлар эритмаларида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 195 °C атрофида.

**n,n'-ДДД [p,p'-DDD].** C<sub>14</sub>H<sub>10</sub>Cl<sub>4</sub>. (М.м. 320,0). 1125300. [CAS: 72-54-8].

1,1-Бис(4-хлорфенил)-2,2-дихлорэтан.

Қайнаш ҳарорати: 193 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 109 °C атрофида.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**n,n'-ДДЕ [p,p'-DDE].** C<sub>14</sub>H<sub>8</sub>Cl<sub>4</sub>. (М.м. 318,0). 1125500. [CAS: 72-55-9].

1,1-Бис(4-хлорфенил)-2,2-дихлорэтан.

Қайнаш ҳарорати: 316 °C дан 317 °C гача.

Суюқланиш ҳарорати: 88 °C дан 89 °C гача.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**n,n'-ДДТ [p,p'-DDT].** C<sub>14</sub>H<sub>9</sub>Cl<sub>5</sub>. (М.м. 354,5). 1125700. [CAS: 50-29-3].

1,1-Бис(4-хлорфенил)-2,2,2-трихлорэтан.

Қайнаш ҳарорати: 260 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 108 °C дан 109 °C гача.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**o,n'-ДДД [o,p'-DDD].** C<sub>14</sub>H<sub>10</sub>Cl<sub>4</sub>. (М.м. 320,0). 1125200. [CAS: 53-19-0].

1-(2-Хлорфенил)-1-(4-хлорфенил)-2,2-дихлорэтан.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**o,n'-ДДЕ [o,p'-DDE].** C<sub>14</sub>H<sub>8</sub>Cl<sub>4</sub>. (М.м. 318,0). 1125400. [CAS: 3424-82-6].

1-(2-Хлорфенил)-1-(4-хлорфенил)-2,2-дихлорэтилен.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**o,n'-ДДТ [o,p'-DDT].** C<sub>14</sub>H<sub>9</sub>Cl<sub>5</sub>. (М.м. 354,5). 1125600. [CAS: 789-02-6].

1-(2-Хлорфенил)-1-(4-хлорфенил)-2,2,2-трихлорэтан.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**Дегидрокостус лактона [Dehydrocostus lactone].** C<sub>15</sub>H<sub>18</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 230,3). 1194700. [CAS: 477-43-0].

(3aS,6aR,9aR,9bS)-3,6,9-Трисметилендекагидроазулено[4,5-b]фуран-2(3H)-он.

**2'-Дезоксиуридин [2'-Deoxyuridine].** C<sub>9</sub>H<sub>12</sub>N<sub>2</sub>O<sub>5</sub>. (М.м. 228,2). 1024800. [CAS: 951-78-0].

1-(2-Дезокси-β-d-эритро-пентофуранозил)-1H,3H-пиримидин-2,4-дион.

Суюқланиш ҳарорати: 165 °C атрофида.

Хроматография. Йодоксиуридин (0669) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юпка қатламли хроматография усули (2.2.27) ёрдамида аниқланади: 0,25 г/л эритмасидан 5 мкл суртилади; хроматограммада фақат битта асосий доғ кўриниши керак.

**4-Дезоксипиридоксин гидрохлорид [4-Desoxypyridoxine hydrochloride].** C<sub>8</sub>H<sub>12</sub>NO<sub>2</sub>Cl. (М.м. 189,6). 1175500. [CAS: 148-51-6].

5-(Гидроксиметил)-2,4-диметилпиридин-3-ол.

**2-Дезокси-D-рибоза [2-Deoxy-D-ribose].** C<sub>5</sub>H<sub>10</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 134,1). 1163900. [CAS: 533-67-5].

Тиминоза. 2-Дезокси-D-эритро-пентоза.

**Дезметилмизонидазол [Desmethylnisonidazole].** C<sub>6</sub>H<sub>9</sub>N<sub>3</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 187,2). 1185600. [CAS: 13551-92-3].

((2RS)-3-(2-Нитро-1H-имидазол-1-ил)пропан-1,2-диол.

Миқдори: 95 % дан кам эмас.

Сарик рангли кукун.

**Дейтерий оксид R1 [Deuterium oxide R1].** <sup>2</sup>H<sub>2</sub>O. (М.м. 20,03). 1025301. [CAS: 7789-20-0].

Дейтерийланган сув.

Дейтерийланиш даражаси: 99,95 % дан кам эмас.

**Дейтерий оксид. [Deuterium oxide].** <sup>2</sup>H<sub>2</sub>O. (М.м. 20,03). 1025300. [CAS: 7789-20-0].

Дейтерийланган сув.

Дейтерийланиш даражаси: 99,7 % дан кам эмас.

d<sub>20</sub><sup>20</sup>: 1,11 атрофида.

n<sub>D</sub><sup>20</sup>: 1,328 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 101 °C атрофида.

**Дейтерий хлорид [Deuterium chloride].** <sup>2</sup>HCl. (М.м. 37,47). 1178800. [CAS: 7698-05-7].

Дейтерийланган хлорид кислота.

Газ.

Дейтерийланиш даражаси: 99 % дан кам эмас.

Огоҳлантириш: заҳарли.

**Дейтерий хлорид эритмаси [Deuterium chloride solution].** 1178801.

1 мл дейтерий хлорид R (38 % м/м) 5 мл дейтерий оксиди R билан аралаштирилади.

**Дейтерийланган ацетон [Deuterated acetone].** C<sub>3</sub><sup>2</sup>H<sub>6</sub>O. (М.м. 64,1). 1024900. [CAS: 666-52-4].

Ацетон-d<sub>6</sub>. (<sup>2</sup>H<sub>6</sub>)-Ацетон.

Дейтерийланиш даражаси: 99,5 % дан кам эмас.

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сув, диметилформамид, сувсиз спирт ва метанол билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,87 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,357 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 55 °C атрофида.

Сув ва дейтерий оксиди: 0,1 % дан кўп эмас.

**Дейтерийланган ацетонитрил [Deuterated acetonitrile]**.  $C_2^2H_3N$ . (М.м. 44,1). 1173100. [CAS: 2206-26-0].

Дейтерийланиш даражаси: 99,8 % дан кам эмас.

Рангсиз, шаффоф суюқлик, сув, ацетон ва метанол билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,78 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,344 атрофида.

**Дейтерийланган диметилсульфоксид [Deuterated dimethyl sulphoxide]**.  $C_2^2H_6OS$ . (М.м. 84,2). 1025100. [CAS: 2206-27-1].

( $^2H_6$ )-Диметилсульфоксид. Диметилсульфоксид- $d_6$ .

Дейтерийланиш даражаси: 99,8 % дан кам эмас.

Ковушқоқ, амалда рангсиз, кучли гигроскопик суюқлик. Сув, ацетон ва сувсиз спиртда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 1,18 атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 20 °C атрофида.

Сув ва дейтерий оксиди: 0,1 % дан кўп эмас.

Сақланиши: герметик идишда.

**Дейтерийланган метанол [Deuterated methanol]**.  $C^2H_4O$ . (М.м. 36,1). 1025200. [CAS: 811-98-3].

( $^2H$ )-Метанол. Метанол- $d$ .

Дейтерийланиш даражаси: 99,8 % дан кам эмас.

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сув, 96 % спирт ва метилхлорид билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,888 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,326 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 65,4 °C.

**Дейтерийланган сирка кислота [Deuterated acetic acid]**.  $C_2^2H_4O_2$ . (М.м. 64,1). 1101100. [CAS: 1186-52-3].

Тетрадейтеросирка кислота. Сирка- $d_3$  кислота- $d$ .

Дейтерийланиш даражаси: 99,7 % дан кам эмас.

$d_{20}^{20}$ : 1,12 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,368 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 115 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 16 °C атрофида.

**Дейтерийланган триметилсилилпропионат натрий [Deuterated sodium trimethylsilylpropionate]**.  $C_6H_9^2H_4NaO_2Si$ . (М.м. 172,3). 1179100. [CAS: 24493-21-8].

Натрий 3-(триметилсилил)(2,2,3,3- $^2H_4$ )пропионат. TSP- $d_4$ .

Дейтерийланиш даражаси: 98 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ кукун.

**Дейтерийланган хлороформ [Deuterated chloroform]**.  $C^2HCl_3$ . (М.м. 120,4). 1025000. [CAS: 865-49-6].

( $^2H$ )-Хлороформ. Хлороформ- $d$ .

Дейтерийланиш даражаси: 99,7 % дан кам эмас.

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сувда амалда эрмайди, ацетон, 96 % спирт ва эфир билан аралашади. Кумуш фольга билан барқарорлаштириш мумкин.

$d_{20}^{20}$ : 1,51 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,445 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 60 °C атрофида.

Сув ва дейтерий оксиди: 0,05 % дан кўп эмас.

**Декан [Decane]**.  $C_{10}H_{22}$ . (М.м. 142,3). 1024600. [CAS: 124-18-5].

Рангсиз суюқлик. Сувда амалда эрмайди.

$n_D^{20}$ : 1,411 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 174 °C атрофида.

**Деканаль [Decanal]**.  $C_{10}H_{20}O$ . (М.м. 156,3). 1149200. [CAS: 112-31-2].

Децил альдегид.

Мойсимон, рангсиз суюқлик, сувда амалда эрмайди.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган деканаль, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Шириң апелсин мойи (1811) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Деканол [Decanol]**.  $C_{10}H_{22}O$ . (М.м. 158,3). 1024700. [CAS: 112-30-1].

1-Деканол.

6 °C ҳароратда қотиб қоладиган, ковушқоқ суюқлик.

Сувда амалда эрмайди, 96 % спиртта эрийди.

$n_D^{20}$ : 1,436 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 230 °C атрофида.

**Декстран кўки 2000 [Blue dextran 2000]**. 1011700. [CAS: 9049-32-5].

Ўртача молекуляр массадаги  $2 \times 10^6$  декстрандан, моддани кўк рангга бўйядиган, полициклик хромофорни киритиб тайёрланади.

Алмашиниш даражаси 0,017. Музлатиш билан куриштилади.

Сув R ва тузларнинг сувдаги эритмаларида тез ва тўлиқ эрийди.

Оптик зичлик (2.2.25). 1 г/л эритмаси фосфат буфер эритмаси pH 7,0 R да, 280 нм тўлқин узунлигида ютилиш максимумига эга.

**Декстран хроматография учун, кўндаланг тикилган R2 [Dextran for chromatography, cross-linked R2]**. 1025500.

Молекуляр массалари  $15 \times 10^2$  дан  $30 \times 10^3$  гача бўлган пептид ва оксилларни ажратиш учун яроқли шарсимон шаклдаги гранулалар. Курук гранулалар 20 мкм дан 80 мкм гача диаметрга эга.

**Декстран хроматография учун, кўндаланг тикилган R3 [Dextran for chromatography, cross-linked R3]**. 1025600.

Молекуляр массалари  $4 \times 10^3$  дан  $15 \times 10^4$  гача бўлган пептид ва оксилларни ажратиш учун яроқли шарсимон шаклдаги гранулалар. Курук гранулалар 40 мкм дан 120 мкм гача диаметрга эга.

**Декстроза [Dextrose]**. 1025700. [CAS: 50-99-7].

Глюкоза R га қаралсин.

**Дельтаметрин [Deltamethrin]**.  $C_{22}H_{19}Br_2NO_3$ . (М.м. 505,2). 1125800. [CAS: 52918-63-5].

Қайнаш ҳарорати: 300 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 98 °C атрофида.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин

**14-Деокия-11,12-дидегидроандрографолид** [**14-Deoxy-11,12-didehydroandrographolide**].  $C_{20}H_{28}O_4$ . (М.м. 332,4). 1198300. [CAS: 42895-58-9].

3-[(1E)-2-[(1R,4aS,5R,6R,8aR)-6-гидрокси-5-гидроксиметил]-5,8а-диметил-2-метиленадекагидронаф-талин-1-ил]этилен]фуран-2(5H)-он.

**Демеклоциклина гидрохлорид** [**Demeclocycline hydrochloride**]. 1145600.

Демеклоциклин гидрохлорид (0176) га қаралсин.

**Деметилфлумазенил** [**Demethylflumazenil**].

$C_{14}H_{12}FN_3O_3$ . (М.м. 289,3). 1149300. [CAS: 79089-72-8].

Этил-8-фторо-6-оксо-5,6-дигидро-4H-имидазол [1,5-a][1,4]бензодиазепин-3-карбоксилат.

Рангсиз игнасимон кристаллар, диметилсульфоксид ва қайноқ метанолда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 288 °C атрофида.

**3,3'-Диаминобензидина тетрагидрохлорид** [**3,3'-Diaminobenzidine tetrahydrochloride**].  $C_{12}H_{18}Cl_4N_4 \cdot 2H_2O$ . (М.м. 396,1). 1098000. [CAS: 7411-49-6].

3,3',4,4'-Дифенилтетрамин.

Деярли оқ ёки бироз пушти рангли кукун. Сувда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 280 °C атрофида, парчаланиш билан.

**1,2-Диамин-4,5-метилendioксибензол дигидрохлорид** [**1,2-Diamino-4,5-methylenedioxybenzene dihydrochloride**].  $C_7H_{10}Cl_2N_2O_2$ . (М.м. 225,1). 1202100. [CAS: 81864-15-5].

2H-1,3-бензодиоксол-5,6-диамин дигидрохлорид.

Миқдори: 99 % дан кам бўлмаган (ЮССХ).

**Ди(2-этилгексил)фталат** [**Di (2-ethylhexyl) phthalate**].  $C_{24}H_{38}O_4$ . (М.м. 390,5). 1028100.

Ди(2-этилгексил)бензол-1,2-дикарбоксилат.

Шаффоф, мойсимон суюқлик. Сувда амалда эримади, органик эритувчиларда эрийди.

$n_D^{20}$ : 0,98 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,486 атрофида.

Қовушқоқлик (2.2.9): 80 мПа·сек атрофида.

**Ди(октадецил)-3,3'-тиодипропионат** [**Diocetadecyl 3,3'-thiodipropionate**].  $C_{42}H_{82}O_4S$ . (М.м. 683). 1031900. [CAS: 693-36-7].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда амалда эримади, петролейн эфирда осон эрийди, ацетон, 96 % спирт ва метилэтилэфирда ўртача эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 58 °C дан 67 °C гача.

**Ди-н-октилфталат** [**Di-n-octyl phthalate**].  $C_{24}H_{38}O_4$ . (М.м. 390,6). 1203500. [CAS: 117-84-0].

Диоктилбензол-1,2-дикарбоксилат.

Рангсиз, қовушқоқ суюқлик, сувда эримади.

Зичлик: 0,98 г/мл (20 °C) атрофида.

**Диазинон** [**Diazinon**].  $C_{12}H_{21}N_2O_3PS$ . (М.м. 304,3). 1125900. [CAS: 333-41-5].

Қайнаш ҳарорати: 306 °C атрофида.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мл изооктандаги) ишлатилиши мумкин.

**Диазобензолсульфон кислота эритмаси R1** [**Diazobenzenesulphonic acid solution R1**]. 1026500.

0,9 г сульфанил кислота R 30 мл хлорид кислота, суюлтирилганси R ва 70 мл сув R аралашмасида эритилади. Олинган эритмадан 3 мл олиб, унга 3 мл 50 г/л натрий нитрит R эритмаси қўшилади. Муз ҳаммомида 5 мин давомиди совитилади, кейин 12 мл натрий нитрит эритмаси қўшилади, яна совитилади ва эритмани ҳажми сув R билан 100 мл гача етказилади. Реактив муз ҳаммомида туширилади. Бевосита қўллашдан олдин 15 минут давомиди муз ҳаммомида сақлаган ҳолда тайёрланади.

**Диаммоний 2,2'-азинобис(3-этилбензотиазолин-6-сульфонат)** [**Diammonium 2,2'-azinobis(3-ethylbenzothiazoline-6-sulphonate)**].  $C_{18}H_{24}N_6O_6S_4$ . (М.м. 548,7). 1153000. [CAS: 30931-67-0]. ABTS.

Диаммоний 2,2'-(диазадедидилен)бис[3-этил-2,3-дигидробензотиазол-6-сульфонат].

Қаттиқ фаза имунофермент таҳлили учун яроқли хромоген субстрат.

Сувда осон эрийдиган яшил таблеткалар.

pH (2.2.3): 0,1 г/л концентрацияли эритма учун 4,2 дан 5,8 гача.

**Диатомли тупроқ** [**Diatomaceous earth**]. 1025900. [CAS: 91053-39-3].

Тошга айланган диатомли сув ўтлари ёки уларни бўлақларининг кремний қобиқларидан олинган, оқ ёки деярли оқ рангдаги майда грануланган кукун. Сув ва 96 % спиртда амалда эримади.

Микроскоп ёрдамида × 500 катталаштириш билан идентификацияланади.

**Диатомли тупроқ газ хроматографияси учун** [**Diatomaceous earth for gas chromatography**]. 1026000.

Тошга айланган диатомли сув ўтлари ёки унинг бўлақларининг кремний қобиқларидан олинган, оқ ёки деярли оқ рангдаги майда грануланган кукун. Сув ва 96 % спиртда амалда эримади. Микроскопда × 500 катталаштириш билан идентификацияланади. Хлорид кислота R билан қайта ишлаш ва сув R билан ювиш орқали тозаланади.

Заррачалар ўлчами: № 180 элакда 5 % дан кўп бўлмаган миқдорда қолиши ва № 125 элакдан 10 % дан кўп бўлмаган миқдорда ўтши керак.

**Диатомли тупроқ газ хроматографияси учун R1** [**Diatomaceous earth for gas chromatography R1**]. 1026100.

Тошга айланган диатомли сув ўтлари ёки унинг бўлақларининг кремний қобиқларидан олинган, оқ ёки деярли оқ рангдаги майда грануланган кукун. Сув ва 96 % спиртда амалда эримади.

Микроскопда × 500 катталаштириш билан идентификацияланади. Хлорид кислота R билан қайта ишлаш ва сув R билан ювиш орқали тозаланади.

Заррачалар ўлчамлари. № 250 элакда 5 % дан кўп бўлмаган қолиши ва № 180 элакдан 10 % дан кўп бўлмаган ўтиши керак.

**Диатомли тупроқ газ хроматографияси учун R2** [**Diatomaceous earth for gas chromatography R2**]. 1026200.

Тошга айланган диатомли сув ўтлари ёки унинг бўлақларининг кремний қобиқларидан олинган, оқ ёки деярли оқ рангдаги майда грануланган кукун.

Солиштирма сирт юзаси 0,5 м<sup>2</sup>/г атрофида. Сув ва 96 % спиртда амалда эрмайди.

Микроскопда × 500 катталаштириш билан идентификацияланади. *Хлорид кислота R* билан қайта ишлаш ва сув *R* билан ювиш орқали тозаланади.

*Заррачалар ўлчамлари*. № 180 элакда 5 % дан кўп бўлмаган қолиши ва № 125 элакдан 10 % дан кўп бўлмаган ўтиши керак.

**Диатомли тупроқ газ хроматографияси учун, силанланган [Diatomaceous earth for gas chromatography, silanised]. 1026300.**

*Диатомли тупроқ газ хроматографияси учун R*, диметилдихлорсилан ёки бошқа мос силанловчи реагентлар билан силанлаган.

**Диатомли тупроқ газ хроматографияси учун, силанланган R1 [Diatomaceous earth for gas chromatography, silanised R1]. 1026400.**

Майдаланган ўтга чидамли қизил гиштдан олинади ва диметилдихлорсилан ёки бошқа мос силанловчи реагентлар билан силанланади. *Хлорид кислота R* билан қайта ишланади ва сув *R* билан ювиш орқали тозаланади.

**Дибромметан [Dibromomethane]. CH<sub>2</sub>Br<sub>2</sub>.**

(М.м. 173,8). 1195500. [CAS: 74-95-3].

Сувда кам эрийдиган рангсиз суюқлик.

*Қайнаш ҳарорати*: 96 °С атрофида.

**Дибутил эфир [Dibutyl ether]. C<sub>8</sub>H<sub>18</sub>O. (М.м. 130,2). 1026700. [CAS: 142-96-1].**

Рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик. Сувда амалда эрмайди, сувсиз спирт ва эфир билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,77 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,399 атрофида.

*Агар дибутил эфир пероксид синовидан ўтмаса, ҳайдалмайди.*

*Пероксидлар*. 8 мл калий йодидли крахмал эритмаси *R* билан сиғими 12 мл ва диаметри 1,5 см атрофида бўлган, оғзи маҳкам ёпиладиган шиша тикинли цилиндрга қуйилади, синовдаги эфир билан тўлиқ тўлдирилади ва оғзи пробка билан ёпилиб аралаштирилади. Қоронғи жойда 30 мин давомида сақланади; ранги ўзгармаслиги керак.

Ёрликда қўшилган стабилизаторнинг номи ва концентрацияси кўрсатилади.

**Дибутиламин [Dibutylamine]. C<sub>8</sub>H<sub>19</sub>N. (М.м. 129,3). 1126000. [CAS: 111-92-2].**

*N*-Бутилбутан-1-амин.

Рангсиз суюқлик,

$n_D^{20}$ : 1,417 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати*: 159 °С атрофида.

**Дибутиламмоний фосфат ион бугларини ҳосил қилиш учун [Dibutylammonium phosphate for ion-pairing]. 1168800.**

Ди-*n*-бутиламинни 10 % дан 15 % гача (*ҳажм/ҳажм*) концентрацияли ва фосфор кислотасининг 12 % дан 17 % гача (*ҳажм/ҳажм*) концентрацияли суви, ион-буг юкори самарали суюқлик хроматографияси учун ярқили рангсиз эритмаси.

**Дибутилфталат [Dibutyl phthalate]. C<sub>16</sub>H<sub>22</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 278,3). 1026800. [CAS: 84-74-2].**

Дибутилбензол-1,2-дикарбоксилат.

Шаффоф, рангсиз ёки кучсиз рангли мойсимон суюқлик. Сувда жуда кам эрийди, ацетон, 96 % спирт ва эфир билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 1,043 дан 1,048 гача.

$n_D^{20}$ : 1,490 дан 1,495 гача.

**Диванадий (V) оксид [Divanadium pentoxide]. V<sub>2</sub>O<sub>5</sub>. (М.м. 181,9). 1034000. [CAS: 1314-62-1].**

Ванадий ангидрид.

*Миқдори*: 98,5 % дан кам бўлмаган.

Сариқ-жигаррангдан занг-жигарранг рангли кукун. Сувда кам эрийди, концентранган минерал кислота-ларда ва ишқорий металллар гидроксидлари эритмаларида туз ҳосил қилиб эрийди.

*Тиниқлик*. 1 г ванадий (V) оксиди 10 мл *сульфат кислота R* билан 30 мин давомида қиздирилади, совитилади ва шу кислота билан ҳажм 10 мл га етказилади. Эритма шаффоф бўлиши керак (2.2.1).

*Водород пероксидга сезгирлиги*. Тиниқлик синовини учун тайёрланган 1,0 мл эритмага, эҳтиёткорлик билан сув *R* қўшиб, эритманинг ҳажми 50,0 мл га етказилади (синалаётган эритма). 0,5 мл синалаётган эритмага 0,1 мл 0,1 г/л (H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>) *водород пероксид суюлтирилган эритмаси R* эритмаси қўшилади. Олинган эритманинг ранги 0,5 мл синов эритмаси ва 0,1 мл сув *R* дан тайёрланган назорат эритма ранги билан солиштирилганда унга нисбатан аниқ зарғалдоқ ранг бўлиши керак. Синов эритмасининг зарғалдоқ ранги *водород пероксид суюлтирилган эритмаси R* нинг 0,1 г/л эритмасидан 0,4 мл қўшилгандан кейин зарғалдоқ-сариқ рангга ўтиши керак.

*Қуйдиришдан кейинги масса йўқотиши*. 1,0 % дан кўп эмас.

Аниқлашни (700 ± 50) °С ҳароратда 1,00 г массадаги намунада ўтказилади.

*Миқдорий таҳлил*. 0,200 г ванадий (V) оксиди 20 мл 70 % (м/м) *сульфат кислотаси R* да қиздириш билан эритилади, устига 100 мл сув *R* ва 0,02 М калий перманганат эритмасидан қизғиш рангга келгунча қўшилади. Ортиқча калий перманганат 30 г/л *натрий нитрит R* эритмаси қўшилиши билан рангсизланади, кейин 5 г *мочевина R* ва 80 мл 70 % (м/м) *сульфат кислота R* қўшилади, совитилади ва тезда 0,1 М *темир сульфат эритмаси* билан яшилсимон-қизил рангга келгунча титрланади. Бунда индикатор сифатида 0,1 мл *ферроин R* дан фойдаланилади.

1 мл 0,1 М *темир сульфат эритмасига* 9,095 мг V<sub>2</sub>O<sub>5</sub> мувофиқ келади.

**Диванадий (V) оксидининг сульфат кислотадаги эритмаси [Divanadium pentoxide solution in sulphuric acid]. 1034001.**

0,2 г *диванадий (V) оксиди R* 4 мл *сульфат кислота R* да эритилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 100 мл га етказилади.

**Дигидрокапсаинин [Dihydrocapsaicin]. C<sub>18</sub>H<sub>29</sub>NO<sub>3</sub>. (М.м. 307,4). 1148100. [CAS: 19408-84-5].**

*N*-[(4-Гидрокси-3-метоксифенил)метил]-8-метилнонаамид.

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун, совуқ сувда амалда эрмайди, сувсиз спиртда осон эрийди.

**10,11-Дигидрокарбамазепин [10,11-Dihydrocarbamazepine]. C<sub>15</sub>H<sub>14</sub>N<sub>2</sub>O. (М.м. 238,3). 1028900. [CAS: 3564-73-6].**



10,11-Дигидро-5*H*-добензо[*b,f*]азепин-5-карбоксамид.  
Суюқланиш ҳарорати: 205 °C дан 210 °C гача.

**Дигидрокарвон [Dihydrocarvone].** C<sub>10</sub>H<sub>16</sub>O.  
(М.м. 152,2). 1160900. [CAS: 7764-50-3].

*n*-Мент-8-ен-2-он.

2-Метил-5-(1-метилэтилен)циклогексанон.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган дигидрокарвон, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Зира мойи (1817) хусусий фармакопея мақоласидаги хроматографик профил синовига мувофиқ газ хроматографияси (2.2.28) усулида ёрдамида аникланади.

Миқдори ички нормализация усули билан ҳисоблаб чиқилган:

- бош компонент (транс-дигидрокарвон): 70 % дан кам эмас;

- умумий цис- ва транс-дигидрокарвон: 98 % дан кам эмас.

**5,7-Дигидрокси-4-метилкумарин [5,7-Dihydroxy-4-methylcoumarin].** C<sub>10</sub>H<sub>8</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 192,2). 1149400. [CAS: 2107-76-8].

5,7-Дигидрокси-4-метил-2*H*-1-бензопиран-2-он.

Енгил сариқ рангли кукун, сувда амалда эримайди, 96 % спиртда ўртача эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 295 °C дан 303 °C гача.

**Дигидроксинафталин [Dihydroxynaphthalene].** 1029000. [CAS: 132-86-5].

1,3-Дигидроксинафталин *R* га қаралсин.

**1,3-Дигидроксинафталин [1,3-Dihydroxynaphthalene].** C<sub>10</sub>H<sub>8</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 160,2). 1029000. [CAS: 132-86-5].

Нафталин-1,3-диол.

Кристаллсимон кукун, одатда жигаррангсимон-бинафша рангли. Сув ва 96 % спиртда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 125 °C атрофида.

**2,7-Дигидроксинафталин [2,7-Dihydroxynaphthalene].** C<sub>10</sub>H<sub>8</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 160,2). 1029100. [CAS: 582-17-2].

Нафталин-2,7-диол.

Игнасимон кристаллар. Сув ва 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 190 °C атрофида.

**2,7-Дигидроксинафталин эритма [2,7-Dihydroxynaphthalene solution].** 1029101.

10 мг 2,7-дигидроксинафталин *R* 100 мл сульфат кислота *R* да эритилади ва рангсизлангунча ушлаб турилади.

Сақланиши: ярқилик муддати 2 сутка.

**Дигитоксин [Digitoxin].** 1028800. [CAS: 71-63-6].

Дигитоксин (0078) га қаралсин.

**Дигитонин [Digitonin].** C<sub>56</sub>H<sub>92</sub>O<sub>29</sub>. (М.м. 1229). 1028700. [CAS: 11024-24-1].

3β-[*O*-β-*D*-Глюкопиранозил-(1→3)-*O*-β-*D*-галактопиранозил-(1→2)-*O*-[β-*D*-ксилопиранозил-(1→3)]-*O*-β-*D*-галактопиранозил-(1→4)-*O*-β-*D*-галактопиранозилокси]-(25*R*)-5α-спиростан-2α,15β-диол.

Кристаллар. Сувда амалда эримайди, сувсиз спиртда ўртача эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Диглицин [Diglycine].** C<sub>4</sub>H<sub>8</sub>N<sub>2</sub>O<sub>3</sub>. (М.м. 132,1). 1191700. [CAS: 556-50-3].

2-[(2-Аминоацетил)амино]сирка кислота.  
Глицилглицин.

**Дигоксин [Digoxin].** 1203400.

Дигоксин (0079) га қаралсин.

**Дидодецил-3,3'-тиодипропионат [Didodecyl 3,3'-thiodipropionate].** C<sub>30</sub>H<sub>58</sub>O<sub>4</sub>S. (М.м. 514,8). 1027700. [CAS: 123-28-4].

Оқ рангли кристаллсимон кукун. Сувда амалда эримайди, ацетон ва петролейн эфирида осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 39 °C атрофида.

**Дидокозагексаеноин [Didocosahexaenoin].** C<sub>47</sub>H<sub>68</sub>O<sub>5</sub>. (М.м. 713,0). 1142700. [CAS: 88315-12-2].

Докозагексан кислотаси диглицериди (C22:6). Дидокозагексаеноат глицерин. (*all-Z*)-Докозагексаен кислотаси диэфири, пропан-1,2,3-триол билан.

**5,7-Дийодхинолин-8-ол [5,7-Diiodoquinolin-8-ol].** C<sub>9</sub>H<sub>5</sub>I<sub>2</sub>NO. (М.м. 397,0). 1157100. [CAS: 83-73-8].

5,7-Дийодоксин.

Сарғиш-жигарранг рангли кукун, ацетон ва 96 % спиртда ўртача эрийди.

Миқдори: 95 % дан кам бўлмаган C<sub>9</sub>H<sub>5</sub>I<sub>2</sub>NO.

**Диизобутилкетон [Di-isobutylketone].** C<sub>9</sub>H<sub>18</sub>O. (М.м. 142,2). 1029200. [CAS: 108-83-8].

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сувда кам эрийди, қўп органик эритувчилар билан аралашади.

*n*<sub>D</sub><sup>20</sup>: 1,414 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 168 °C атрофида.

**Диизопропил эфир [Di-isopropyl ether].** C<sub>6</sub>H<sub>14</sub>O. (М.м. 102,2). 1029300. [CAS: 108-20-3].

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спирт ва эфир билан аралашади.

*d*<sub>20</sub><sup>20</sup>: 0,723 дан 0,728 гача.

Қайнаш ҳарорати: 67 °C дан 69 °C гача.

Агар диизопропил эфир пероксид синовидан ўтмаса, қайта ҳайдалмайди.

Пероксидлар. 8 мл калий йодидли крахмал эритмаси *R* сизими 12 мл ва диаметри 1,5 см атрофида бўлган, оғзи маҳкам ёпилган шиша тикинли цилиндрга қуйилади, синовдаги эфир билан тўлдирилади ва оғзи ёпилиб аралаштирилади. Қоронғи жойда 30 мин давомида сақланади; ранги ўзгармаслиги керак.

Ёрликда қўшилган стабилизаторнинг номи ва концентрацияси кўрсатилади.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

***N,N*-Диизопропилэтиламин [N,N-Diisopropylethylamine].** C<sub>8</sub>H<sub>19</sub>N. (М.м. 129,2). 1204600. [CAS: 7087-68-5].

*N*-этил-*N*-(пропан-2-ил)пропан-2-амин.

*N*-этилдиизопропиламин.

Шаффоф, рангсиз ёки оч сариқ суюқлик.

Қайнаш ҳарорати: 127 °C атрофида.

***N,N'*-Диизопропилэтилендиамин [N,N'-Diisopropylethylenediamine].** C<sub>8</sub>H<sub>20</sub>N<sub>2</sub>. (М.м. 144,3). 1140600. [CAS: 4013-94-9].

*N,N'*-Бис(1-метилэтил)-1,2-этандиамин.

Рангсиз ёки сариқ, коррозия чакирувчан, осон алангаланадиган, гигроскопик суюқлик.

*d*<sub>20</sub><sup>20</sup>: 0,798 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,429 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 170 °C атрофида.

**Дикалий гидрофосфат [Dipotassium hydrogen phosphate].**  $K_2HPO_4$ . (М.м. 174,2). 1033000. [CAS: 7758-11-4].

Оқ рангли кристалл кукун, гигроскопик. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Дикалий гидрофосфат тригидрат [Dipotassium hydrogen phosphate trihydrate].**  $K_2HPO_4 \cdot 3H_2O$ . (М.м. 228,2). 1157600. [CAS: 16788-57-1].

Рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ кукун, ёки кристаллар, сувда осон эрийди.

**Дикалий сульфат [Dipotassium sulfate].**  $K_2SO_4$ . (М.м. 174,3). 1033100. [CAS: 7778-80-5].

Рангсиз кристаллар, сувда эрийди.

**Дикарбоксидин гидрохлорид [Dicarboxidine hydrochloride].**  $C_{20}H_{26}Cl_2N_2O_6$ . (М.м. 461,3). 1026900. [CAS: 56455-90-4].

Дигидрохлорид 4,4'-[(4,4'-диаминобифенил-3,3'-диил)диокси]дибутан кислота.

**2,2'-Ди(октадецилокси)-5,5'-спироби(1,3,2-диоксафосфорин-ан) [2,2'-Di(octadecyloxy)-5,5'-spirobi(1,3,2-dioxaphosphorin-ane)].**  $C_{41}H_{82}O_6P_2$ . (М.м. 733). 1031800.

Оқ рангдаги қаттиқ мумсимон модда. Сувда амалда эрмайди, гидрокарбонат эритмаларида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 40 °C дан 70 °C гача.

**Диметикон [Dimeticone].** 1105400. [CAS: 9006-65-9].

Диметикон (0138) га қаралсин.

**Диметил-β-циклодекстрин [Dimethyl-β-cyclodextrin].**  $C_{56}H_{98}O_{35}$ . (М.м. 1331). 1169100. [CAS: 51166-71-3].

Гептакис (2,6-ди-О-метил)цикломальтогептаноза.

Циклогептакис-(1→4)-(2,6-ди-О-метил-α-D-глюкопиранозил). 2<sup>A</sup>,2<sup>B</sup>,2<sup>C</sup>,2<sup>D</sup>,2<sup>E</sup>,2<sup>F</sup>,2<sup>G</sup>,6<sup>A</sup>,6<sup>B</sup>,6<sup>C</sup>,6<sup>D</sup>,6<sup>E</sup>,6<sup>F</sup>,6<sup>G</sup>-Тетрадека-О-метил-β-циклодекстрин.

Оқ ёки деярли оқ кукун.

**Диметиламин [Dimethylamine].**  $C_2H_7N$ . (М.м. 45,08). 1168900. [CAS: 124-40-3].

N-метилметанамин.

Рангсиз, ёнгин жихатидан хавfli газ.

Қайнаш ҳарорати: 7 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: - 92,2 °C атрофида.

**Диметиламин эритмаси [Dimethylamine solution].** 1168901.

400 г/л диметиламин R эритмаси.

Рангсиз, шаффоф эритма.

Зичлик: 0,89 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 54 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: — 37 °C атрофида.

**Диметиламинобензальдегид [Dimethylaminobenzaldehyde].**  $C_9H_{11}NO$ . (М.м. 149,2). 1029800. [CAS: 100-10-7].

4-Диметиламинобензальдегид. Оқ ёки сарғиш-оқ рангли кристаллар. 96 % ли спирт ва суюлтирилган кислота-ларда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 74 °C атрофида.

**Диметиламинобензальдегид эритмаси R1 [Dimethylaminobenzaldehyde solution R1].** 1029801.

0,2 г диметиламинобензальдегид R 20 мл 96 % спирт R да эритилади, 0,5 мл хлорид кислотаси R қўшилади, ҳосил бўлган эритма қўмир фаоллаштирилган R билан чайқатилади ва филтрланади. Эритманинг ранги йод эритмаси R3 рангидан интенсив бўлмаслиги керак. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Диметиламинобензальдегид эритмаси R2 [Dimethylaminobenzaldehyde solution R2].** 1029802.

0,2 г диметиламинобензальдегид R 4,5 мл сув R ва 5,5 мл хлорид кислотаси R аралашмасида қиздиришсиз эритилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Диметиламинобензальдегид эритмаси R6 [Dimethylaminobenzaldehyde solution R6].** 1029803

0,125 г диметиламинобензальдегид R 35 мл сув R ва 65 мл сульфат кислота R совитилган аралашмасида эритилади, 0,1 мл 50 г/л темир (III) хлорид R эритмаси қўшилади.

Фойдаланишидан олдин 24 соат ёруғликдан химояланган жойда сақланади.

Сақланиши: хона ҳароратида сақланганда 1 ҳафта давомида ишлатилсин; музлатгичда сақланган тақдирда бир неча ойлар давомида ишлатиш мумкин.

**Диметиламинобензальдегид эритмаси R7 [Dimethylaminobenzaldehyde solution R7].** 1029804.

1,0 г диметиламинобензальдегид R 50 мл хлорид кислотаси R да эритилади ва 50 мл 96 % спирт R қўшилади.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

Яроқлилиқ муддати 1 ой.

**Диметиламинобензальдегид эритмаси R8 [Dimethylaminobenzaldehyde solution R8].** 1029805.

0,25 г диметиламинобензальдегид R 5 г фосфор кислотаси R, 45 мл сув R ва 50 г сирка кислотаси, сувсиз R аралашмасида эритилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Диметиламинобензальдегид эритмаси R9 [Dimethylaminobenzaldehyde solution R9].** 1029806.

1,0 г диметиламинобензальдегид R 3,5 мл перхлорат кислотасида (600 г/л  $HClO_4$ ) эритиб олинад ва аста-секин 6,5 мл 2-пропанол R қўшилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**4-Диметиламинодолчин альдегид [4-Dimethylaminocinnamaldehyde].**  $C_{11}H_{13}NO$ . (М.м. 175,2). 1029900. [CAS: 6203-18-5].

3-(4-Диметил-аминофенил)проп-2-еналь.

Зарғалдоқ рангдан зарғалдоқ-жигарранг ранггача бўлган кристаллар ёки кукун. Ёруғликка сезгир.

Суюқланиш ҳарорати: 138 °C атрофида.

**4-Диметиламинодолчин альдегид эритмаси [4-Dimethylaminocinnamaldehyde solution].** 1029901.

2 г 4-диметиламиндолчин альдегид R 100 мл хлорид кислота R1 ва 100 мл сувсиз спирт R аралашмасида эритилади.

Фойдаланишидан олдин эритма сувсиз спирт R билан 4 марта суюлтирилади.

**Диметиламинонафталинсульфонил хлорид**  
[Dimethylaminonaphthalenesulphonyl chloride].

C<sub>12</sub>H<sub>11</sub>ClNO<sub>2</sub>S. (М.м. 269,8). 1030000. [CAS: 605-65-2].

5-Диметиламино-1-нафталинсульфонилхлорид.

Сарик рангли кристалл кукун. Сувда кам эрийди, метанолда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 70 °C атрофида.

**3-Диметиламинофенол** [3-Dimethylaminophenol].

C<sub>8</sub>H<sub>11</sub>NO. (М.м. 137,2). 1156500. [CAS: 99-07-0].

3-(Диметиламино)фенол.

Кулранг рангли кукун, сувда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 80 °C атрофида.

**Диметиламиноэтанол** [Dimethylaminoethanol].

C<sub>4</sub>H<sub>11</sub>NO. (М.м. 89,1). 1195600. [CAS: 108-01-0].

2-(диметиламино)1-этанол.

Рангсиз ёки озрок сарик рангли суюқлик, сув билан аралашади.

Қайнаш ҳарорати: 135 °C атрофида.

**2-(Диметиламино)этилметакрилат** [2-(Dimethylamino)ethylmethacrylate].

C<sub>8</sub>H<sub>15</sub>NO<sub>2</sub>. (М.м. 157,2). 1147200. [CAS: 2867-47-2].

2-(Диметиламино)этил 2-метилпропеноат.

$d_4^{20}$ : 0,930 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 187 °C атрофида.

**Диметиланилин** [Dimethylaniline]. 1030100.

[CAS: 121-69-7].

N,N-Диметиланилин R га қаралсин.

**2,3-Диметиланилин** [2,3-Dimethylaniline].

C<sub>8</sub>H<sub>11</sub>N. (М.м. 121,2). 1105300. [CAS: 87-59-2].

2,3-Ксилидин.

Сарғиш рангдаги суюқлик. Сувда ўртача эрийди, 96 % спиртда эрийди.

$d_4^{20}$ : 0,993 дан 0,995 гача.

$n_D^{20}$ : 1,569 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 224 °C атрофида.

**2,6-Диметиланилин** [2,6-Dimethylaniline].

C<sub>8</sub>H<sub>11</sub>N. (М.м. 121,2). 1030200. [CAS: 87-62-7].

2,6-Ксилидин.

Рангсиз суюқлик, сувда ўртача эрийди, 96 % спиртда эрийди.

$d_4^{20}$ : 0,98 атрофида.

**2,6-Диметиланилин гидрохлорид** [2,6-Dimethylaniline hydrochloride].

C<sub>8</sub>H<sub>12</sub>ClN. (М.м. 157,6). 1169000. [CAS: 21436-98-6].

2,6-Диметилбензоламин гидрохлорид. 2,6-Ксилидин гидрохлорид.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас.

**N,N-Диметиланилин** [Dimethylaniline].

C<sub>8</sub>H<sub>11</sub>N. (М.м. 121,2). 1030100. [CAS: 121-69-7].

Шаффоф, мойсимон суюқлик. Янги ҳайдалган диметиланилин амалда рангсиз, сақлаш пайтида қизғиш-

жигарранггача бўялади. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда осон эрийди.

$n_D^{20}$ : 1,558 атрофида.

Қайнаш ҳарорати чегаралари (2.2.11). 192 °C дан 194 °C гача; 95 % дан кам бўлмаган миқдорда ҳайдалиши керак.

**Диметилацетамид** [Dimethylacetamide].

C<sub>4</sub>H<sub>9</sub>NO. (М.м. 87,1). 1029700. [CAS: 127-19-5].

N,N-Диметилацетамид.

Миқдори: 99,5 % дан кам эмас.

Рангсиз суюқлик. Сув ва кўпгина органик эритувчилар билан аралашади.

$d_4^{20}$ : 0,94 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,437 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 165 °C атрофида.

**2,4-Диметил-6-учламчи-бутилфенол** [2,4-Dimethyl-6-tert-butylphenol].

C<sub>12</sub>H<sub>18</sub>O. (М.м. 178,3). 1126500. [CAS: 1879-09-0].

**Диметилглиоксим** [Dimethylglyoxime].

C<sub>4</sub>H<sub>8</sub>N<sub>2</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 116,1). 1030400. [CAS: 95-45-4].

2,3-Бутандиондиоксим.

Оқ рангли кристалл кукун ёки рангсиз кристаллар. Совук сувда амалда эримайди, қайнаётган сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 240 °C атрофида парчланиш билан.

Сульфат кули (2.4.14). 0,05 % дан кўп эмас.

**Диметилдециламин** [Dimethyldecylamine].

C<sub>12</sub>H<sub>27</sub>N. (М.м. 185,4). 1113500. [CAS: 1120-24-7].

N,N-Диметилдециламин.

Миқдори: 98,0 % (м/м) дан кам эмас.

Қайнаш ҳарорати: 234 °C атрофида.

**1,3-Диметил-2-имидазолидинон** [1,3-Dimethyl-2-imidazolidinone].

C<sub>5</sub>H<sub>10</sub>N<sub>2</sub>O. (М.м. 114,2). 1135400. [CAS: 80-73-9].

N,N'-Диметилэтиленмочевина.

$n_D^{20}$ : 1,4720 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 224 °C атрофида.

**Диметилкарбонат** [Dimethylcarbonate].

C<sub>3</sub>H<sub>6</sub>O<sub>3</sub>. (М.м. 90,1). 1119300. [CAS: 616-38-6].

Карбонат кислотанинг диметил эфири.

Суюқлик, сувда эримайди, 96 % спирт билан аралашади.

$d_4^{17}$ : 1,065 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,368. атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 90 °C атрофида.

**N,N-Диметилноктиламин** [N,N-Dimethyloctylamine].

C<sub>10</sub>H<sub>23</sub>N. (М.м. 157,3). 1030500. [CAS: 7378-99-6].

Октилдиметиламин.

Рангсиз суюқлик.

$d_4^{20}$ : 0,765 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,424 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 195 °C атрофида.

**Диметилпиперазин** [Dimethylpiperazine].

C<sub>6</sub>H<sub>14</sub>N<sub>2</sub>. (М.м. 114,2). 1030700. [CAS: 106-58-1].

1,4-Диметилпиперазин.

Рангсиз суюқлик, сув ва 96 % спирт билан аралашади.

$d_4^{20}$ : 0,85 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,446 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 131 °C атрофида.

**Диметилстеариламид [Dimethylstearamide].**

$C_{20}H_{41}NO$ . (М.м. 311,6). 1030800.

*N,N*-Диметилстеариламид.

Қаттиқ масса оқ ёки деярли оқ ранга эга. Кўпгина органик эритувчиларда, шу жумладан ацетонда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 51 °C атрофида.

**Диметилстеариламид [Dimethylstearylamide].**

1030800.

Диметилстеариламид *R* га қаралсин.

**Диметилсульфоксид [Dimethyl sulphoxide].**

(М.м. 78,1). 1029500. [CAS: 67-68-5].

Диметилсульфоксид (0763) га қаралсин.

Спектрофотометрияда ишлатадиган диметилсульфоксид, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Оптик зичлик (2.2.25): компенсацион суюқлик сифатида сув *R* дан фойдаланиб улчанганда 262 нм да 1,00 дан, 270 нм да 0,46 дан, 290 нм да 0,16 дан, 340 нм да 0,01 дан кўп эмас ва ундан катта тўлқин узунликларда аниқланади.

**Диметилсульфоксид R1 [Dimethyl sulphoxide R1]. 1029501.**

Миқдори: 99,7 % дан кам эмас. Газ хроматографияси усули билан аниқланади.

**Диметилсульфоксид R2 [Dimethyl sulfoxide R2]. 1029502.**

Миқдори: газ хроматографияси усули билан аниқланганда 99,9 % дан кам эмас.

Буглатилгандан кейинги қолдиқ: 0,0005 % дан кўп эмас.

Сув (2.5.32): 0,005 % дан кўп эмас.

**Диметилсульфон [Dimethyl sulphone].  $C_2H_6O_2S$ . (М.м. 94,1). 1030900. [CAS: 67-71-0].**

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун. Сувда осон эрийди, ацетон ва 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 108 °C дан 110 °C гача.

***N,N*-Диметил-*L*-фенилаланин [N,N-Dimethyl-L-phenylalanine].  $C_{11}H_{15}NO_2$ . (М.м. 193,2). 1164000. [CAS: 17469-89-5].**

(2*S*)-2-(Диметиламино)-3-фенилпропан кислота.

Суюқланиш ҳарорати: 226 °C атрофида.

**2,5- Диметилфенол [2,5-Dimethylphenol].  $C_8H_{10}O$ . (М.м. 122,2). 1162300. [CAS: 95-87-4].**

*n*-Ксиленол.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар.

**2,6-Диметилфенол [2,6-Dimethylphenol].  $C_8H_{10}O$ . (М.м. 122,2). 1030600. [CAS: 576-26-1].**

Рангсиз игнасимон кристаллар. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

Қайнаш ҳарорати: 203 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 46 °C дан 48 °C гача.

**3,4-Диметилфенол [3,4-Dimethylphenol].  $C_8H_{10}O$ . (М.м. 122,2). 1098100. [CAS: 95-65-8].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

Қайнаш ҳарорати: 226 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 25 °C дан 27 °C гача.

**Диметилформаид [Dimethylformamide].  $C_3H_7NO$ . (М.м. 73,1). 1030300. [CAS: 68-12-2].**

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сув ва 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,949 дан 0,952 гача.

Қайнаш ҳарорати: 153 °C атрофида.

Сув (2.5.12). 0,1 % дан кўп эмас.

**Диметилформаид диэтилацетал [Dimethylformamide diethylacetal].  $C_7H_{17}NO_2$ . (М.м. 147,2). 1113600. [CAS: 1188-33-6].**

*N,N*-диметилформаид диэтилацетал.

$n_D^{20}$ : 1,40 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 128 °C дан 130 °C гача.

***N,N*-Диметилформаид диметилацеталь [N,N-Dimethylformamide dimethylacetal].  $C_5H_{13}NO_2$ . (М.м. 119,2). 1140700. [CAS: 4637-24-5].**

1,1-Диметокситриметиламин.

Рангсиз, шаффофсуюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 0,896 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,396 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 103 °C атрофида.

**4,4'-Диметоксибензофенон [4,4'-Dimethoxybenzophenone].  $C_{15}H_{14}O_3$ . (М.м. 242,3). 1126300. [CAS: 90-96-0].**

бис(4-Метоксифенил)метанон.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, сувда амалда эрмайди ва 96 % спиртта кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 142 °C атрофида.

**Диметоксипропан [Dimethoxypropane].  $C_5H_{12}O_2$ . (М.м. 104,1). 1105200. [CAS: 77-76-9].**

2,2-Диметоксипропан.

Рангсиз суюқлик, нам ҳаво ёки сув таъсирида парчланади.

$d_{20}^{20}$ : 0,847 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,378 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 83 °C атрофида.

**3,4-диметокси-*L*-фенилаланин [3,4-Dimethoxy-L-phenylalanine].  $C_{11}H_{15}NO_4$ . (М.м. 225,2). 1191800. [CAS: 32161-30-1].**

(2*S*)-2-амино-3-(3,4-диметоксифенил)пропан кислота.

Миқдори: 95 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун.

**2-(Диметиламино)тиоацетамид гидрохлорид. [2-(Dimethylamino)thioacetamide hydrochloride].  $C_4H_{11}ClN_2S$ . (М.м. 154,7). 1181800. [CAS: 27366-72-9].**

**1,1-Диметилэтиламин [1,1-Dimethylethylamine].  $C_4H_{11}N$ . (М.м. 73,1). 1100900. [CAS: 75-64-9].**

2-Амино-2-метил-пропан. учламчи-Бутиламин.

Суюқлик. 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,694 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,378 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 46 °C атрофида.

**1,1-Диметилэтилметил эфир [1,1-Dimethylethyl methyl ether].  $C_5H_{12}O$ . (М.м. 88,1). 1013900. [CAS: 1634-04-4].**

2-Метокси-2-метилпропан. учламчи-Бутил метил эфири.  
Рангсиз, шаффоф, осон алангаланадиган суюқлик.  
 $n_D^{20}$ : 1,376 атрофида.  
Оптик зичлик (2.2.25): 240 нм да 0,30 дан, 255 нм да 0,10 дан, 280 нм да 0,01 дан кўп бўлмаган, компенсацион суюқлик сифатида сув *R* дан фойдаланган ҳолда аниқланади.

**1,1-Диметилэтилметил эфир R1 [1,1-Dimethyl-ethyl methyl ether R1].**  $C_5H_{12}O$ . (М.м. 88,1). 1126400. [CAS: 1634-04-4].

2-Метокси-2-метилпропан. учламчи-бутилметил эфири.

Миқдори: 99,5 % дан кам эмас.

$d_{20}^{20}$ : 0,741 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,369 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 55 °C атрофида.

**Димидий бромид [Dimidium bromide].**  $C_{20}H_{18}BrN_3$ . (М.м. 380,3). 1031100. [CAS: 518-67-2].

3,8-Диамино-5-метил-6-фенилфенантридиний бромид. Тўқ кизил рангли кристаллар. Сувда 20 °C ҳароратда кам эрийди, 60 °C ҳароратда сувда ва 96 % спирт ўртача эрийди.

**Димидий бромид ва сульфат кўки аралаштирилган эритмаси [Dimidium bromide-sulphan blue mixed solution].** 1031101.

0,5 г димидий бромид *R* ва 0,25 г сульфат кўки *R* этанол *R* – сув *R* (1:9) нисбатдаги эритувчиларнинг 30 мл қайноқ аралашмасида алоҳида эритилади ва аралаштирилади. Иккала эритма аралаштирилади ва эритмани ҳажми шу эритувчилар аралашмаси билан 250 мл га етказилади. Олинган эритмадан 20 мл олиб, уни олдиндан тахминан 250 мл сув *R* билан суюлтирилган 20 мл 14,0 % (ҳажм/ҳажм) сульфат кислота *R* эритмаси билан аралаштирилади, сув *R* билан 500 мл гача етказилади.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

**Динатрий арсенат [Disodium arsenate].**  $Na_2HAsO_4 \cdot 7H_2O$ . (М.м. 312,0). 1102500. [CAS: 10048-95-0].

Динатрий гидроарсенат гептагидрат. Икки асосли натрий арсенат.

Ҳавода учувчан кристаллар. Сувда осон эрийди, глицеринда эрийди, 96 % спиртда кам эрийди. Сувли эритма лакмус бўйича ишқорий реакциясига эга.

$d_{20}^{20}$ : 1,87 атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 57 °C атрофида (тез иситиш билан).

**Динатрий бицинхонинат [Disodium bichinchoninate].**  $C_{20}H_{10}N_2Na_2O_4$ . (М.м. 388,3). 1126600. [CAS: 979-88-4].  
Динатрий 2,2'-бихинолин-4-4'-дикарбоксилат.

**Динатрий гидрофосфат дигидрат [Disodium hydrogen phosphate dihydrate].** 1033500. [CAS: 10028-24-7].

Динатрий гидрофосфат дигидрат (0602) га қаралсин.

**Динатрий гидрофосфат додекагидрат [Disodium hydrogen phosphate dodecahydrate].** 1033300. [CAS: 10039-32-4].

Динатрий фосфат додекагидрат (0118) га қаралсин.

**Динатрий гидрофосфат эритмаси [Disodium hydrogen phosphate solution].** 1033301.

90 г/л динатрий гидрофосфат додекагидрат *R* эритмаси.

**Динатрий гидрофосфат, сувсиз [Disodium hydrogen phosphate, anhydrous].**  $Na_2HPO_4$ . (М.м. 142,0). 1033400. [CAS: 7558-79-4].

**Динатрий гидроцитрат [Disodium hydrogen citrate].**  $C_6H_6Na_2O_7 \cdot 1\frac{1}{2}H_2O$ . (М.м. 263,1). 1033200. [CAS: 144-33-2].

Цитрат кислотаси натрийли тузи. Динатрий 2-гидроксипропан-1,2,3-трикарбоксилат кислота сесквигидрат.

Оқ рангли кукун. 2 қисмдан кам бўлмаган сувда эрийди, 96 % спиртда амалда эрмайди.

**Динатрий тетраборат [Disodium tetraborate].** 1033600. [CAS: 1303-96-4].

Бура (0013) га қаралсин.

**Динитробензой кислота [Dinitrobenzoic acid].**  $C_7H_4N_2O_6$ . (М.м. 212,1). 1031300. [CAS: 99-34-3].

3,5-Динитробензой кислота.

Кристаллар деярли рангсиз. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда жуда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 206 °C атрофида.

**Динитробензой кислота эритмаси [Dinitrobenzoic acid solution].** 1031301.

Динитробензой кислота *R* нинг 20 г/л 96 % спирт *R* даги эритмаси.

**Динитробензоилхлорид [Dinitrobenzoyl chloride].**  $C_7H_3ClN_2O_5$ . (М.м. 230,6). 1031400. [CAS: 99-33-2].

3,5-Динитробензоилхлорид.

Ярим шаффоф, сариқ ёки яшилсимон-сариқ кукун ёки сарғиш кристаллар, ацетон ва толуолда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 68 °C атрофида.

Яроқлилик синов. 1 мл сувсиз спирт *R* га 0,1 г динитробензоил хлорид *R* қўшилади ва 0,05 мл сульфат кислота, суюлтирилган *R* солиб 30 мин давомида қайта оқимли конденсатор билан қайнатилади. Сув ҳаммомида буглатилгандан сўнг, қолдиққа 5 мл гептан *R* қўшилиб қайнагунча киздирилади. Иссиқ эритма филтрланади. Хона ҳароратида ҳосил бўлган кристаллар унча кўп бўлмаган миқдордаги гептан *R* билан ювилади ва эксикаторда қурилади. Кристалларнинг суюқланиш ҳарорати (2.2.14) 94 °C дан 95 °C гача.

**Динитробензол [Dinitrobenzene].**  $C_6H_4N_2O_4$ . (М.м. 168,1). 1031200. [CAS: 99-65-0].

1,3-Динитробензол. Кристаллсимон кукун ёки сарғиш рангли кристаллар. Сувда амалда эрмайди, 96 % спиртда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 90 °C атрофида.

**Динитробензол эритмаси [Dinitrobenzene solution].** 1031201.

10 г/л динитробензол *R* нинг 96 % спирт *R* даги эритмаси.

**Динитрофенилгидразин [Dinitrophenylhydrazine].**  $C_6H_6N_4O_4$ . (М.м. 198,1). 1031500. [CAS: 119-26-6].

2,4-Динитрофенилгидразин.

Қизғиш-зарғалдоқ рангли кристаллар. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 203 °С атрофида (дарҳол эритиш усули).

**Динитрофенилгидразин сирка хлориднинг эритмаси [Dinitrophenylhydrazine-aceto-hydrochloric solution]. 1031501.**

0,2 г динитрофенилгидразин *R* ни 20 мл метанол *R* да эритилади, тенг миқдордаги сирка кислотаси *R* ва хлорид кислотаси *R1* аралашмасидан 80 мл қўшилиб аралаштирилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Динитрофенилгидразин сульфат эритмаси [Dinitrophenylhydrazine-sulphuric acid solution]. 1031503.**

1,5 г динитрофенилгидразин *R* 50 мл 20 % (ҳажм/ҳажм) сульфат кислота *R* эритмасида эритилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Динитрофенилгидразиннинг хлоридли эритмаси [Dinitrophenylhydrazine-hydrochloric solution]. 1031502.**

0,50 г динитрофенилгидразин *R* ни хлорид кислота, суюлтирилган *R* да қиздириб эритилади, эритма ҳажми шу эритувчи билан 100 мл га етказилади, совитилади ва филтрланади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Динонилфталат [Dinonyl phthalate]. C<sub>26</sub>H<sub>42</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 418,6). 1031600. [CAS: 28553-12-0].**

Рангсиз ёки оч сариқ рангли қовушқоқ суюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 0,97 дан 0,98 гача.

$n_D^{20}$ : 1,482 дан 1,489 гача.

Кислоталилик. 1 мин давомида 5,0 г реактив 25 мл сув *R* билан чайқатилади. Қатламлар ажралгандан кейин сувли қатламни ажратиб олинадиган, 0,1 мл фенолфталеин эритмаси *R* дан қўшилади; 0,3 мл дан кўп бўлмаган 0,1 *M* натрий гидроксид эритмасининг қўшилиши билан эритманинг ранги ўзгариши керак (фталат кислотасига нисбатан 0,05 %).

Сув (2.5.12): 0,1 % дан кўп эмас.

**Диоксан [Dioxan]. C<sub>8</sub>H<sub>8</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 88,1). 1032000. [CAS: 123-91-1].**

1,4-Диоксан.

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сув ва кўпгина органик эритувчилар билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 1,03 атрофида.

Қотиш ҳарорати (2.2.18). 9 °С дан 11 °С гача.

Сув (2.5.12). 0,5 % дан кўп эмас.

Агар диоксан пероксид синовидан ўтмаса, ҳайдалмайди.

Пероксидлар. 8 мл калий йодидли крахмал эритмаси *R* билан сиғими 12 мл ва диаметри 1,5 см бўлган, оғзи маҳкам ёпиладиган шиша тиқинли цилиндрга қуйилади, диоксан билан тўлиқ тўлдирилади ва аралаштирилади. Қоронғи жойда 30 мин давомида сақланади; ранги ўзгармаслиги керак.

Суюқ синтиляциялашда ишлатиладиган диоксан тегишли даражада тозалikka эга бўлиши керак.

**Диоксан эритмаси [Dioxan solution]. 1032002.**

50,0 мл диоксан бошланғич эритмаси *R* ни сув *R* билан 100,0 мл (0,5 мг/мл диоксан) ҳажмгача етказилади.

**Диоксан эритмаси R1 [Dioxan solution R1]. 1032003.**

10,0 мл диоксан эритмаси *R* ни сув *R* билан 50,0 мл (0,1 мг/мл диоксан) ҳажмгача етказилади.

**Диоксан эритмаси R2 [Dioxan solution R2]. 1032004.**

2,0 мл диоксан эритмаси *R* ни сув *R* билан 50,0 мл (0,02 мг/мл диоксан) ҳажмгача етказилади.

**Диоксанин бошланғич эритмаси [Dioxan stock solution]. 1032001.**

1,00 г диоксан *R* сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини худди шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади. Олинган эритмадан 5,0 мл олиб уни сув *R* билан 50,0 мл (1,0 мг/мл) ҳажмгача суюлтирилади.

**Диоктадецил дисульфид [Diocetadecyl disulphide]. C<sub>36</sub>H<sub>74</sub>S<sub>2</sub>. (М.м. 571,1). 1031700. [CAS: 2500-88-1].**

Оқ ёки деярли оқ кукун, сувда амалда эримайди.

Суюқланиш ҳарорати: 53 °С дан 58 °С гача.

**2,2'-Дипиридиламин [2,2'-Dipyridylamine]. C<sub>10</sub>H<sub>9</sub>N<sub>3</sub>. (М.м. 171,2). 1157700. [CAS: 1202-34-2].**

*N*-(Пиридин-2-ил)пиридин-2-амин.

Суюқланиш ҳарорати: 95 °С атрофида.

**Диталимфос [Ditalimphos]. C<sub>12</sub>H<sub>14</sub>NO<sub>4</sub>PS. (М.м. 299,3). 1126700. [CAS: 5131-24-8].**

*O,O*-Диэтил(1,3-дигидро-1,3-диоксо-2*H*-изоиндол-2-ил)фосфонотионат.

Сувда, этилацетатда ва сувсиз спиртда жуда кам эрийди.

Мос стандарт намуна эритмаси ишлатилиши мумкин.

**Дитизон [Dithizone]. C<sub>13</sub>H<sub>12</sub>N<sub>4</sub>S. (М.м. 256,3). 1033900. [CAS: 60-10-6].**

1,5-Дифенилтиокарбазон.

Мовийсимон-қора ёки жигаррангсимон-қора ёки қора рангли кукун. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Дитизон R1 [Dithizone R1]. C<sub>13</sub>H<sub>12</sub>N<sub>4</sub>S. (М.м. 256,3). 1105500. [CAS: 60-10-6].**

1,5-Дифенилтиокарбазон.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас.

Мовийсимон-қора ёки жигаррангсимон-қора ёки қора рангли кукун. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Дитизон эритмаси [Dithizone solution]. 1033901.**

0,5 г/л дитизон *R* нинг хлороформ *R* даги эритмаси. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Дитизон эритмаси R2 [Dithizone solution R2]. 1033903.**

40,0 мг дитизон *R* хлороформ *R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл га етказилади. Олинган эритманинг 30 мл хлороформ *R* билан 100,0 мл ҳажмгача етказилади.

Миқдорий таҳлил. Симоб (*II*)хлорид *R* нинг, 0,1354 г HgCl<sub>2</sub> га эквивалент бўлган миқдори тенг ҳажмдаги суюлтирилган сульфат кислота *R* ва сув *R* аралашмасида эритилади ва эритманинг ҳажми шу

эритувчилар аралашмаси билан 100,0 мл гача етказилади. 2,0 мл олинган эритма тенг ҳажмдаги суюлтирилган сульфат кислота *R* ва сув *R* эритмалари аралашмаси билан 100,0 мл (эритма 20 ppm Hg сақлайди) гача етказилади. 1,0 мл олинган эритма ажратиш воронкасига солинади, 50 мл сульфат кислота суюлтирилган *R*, 140 мл сув *R* ва 10 мл 200 г/л гидроксиламин гидрохлорид *R* қўшилади. Тайёрланган дитизон эритмаси билан титрланади; ҳар бир титрант қўшилгандан сўнг аралашма 20 мартаба чайқатиб турилади, титрлашни якунига келиб аралашмани қатламларга ажралиши учун қолдирилади, сўнг хлороформли қатлам ташлаб юборилади ва титрлашни мовийсимон-яшил ранггача давом эттирилади. 1 мл эритмадаги дитизон миқдорига эквивалент бўлган симобнинг миқдори (Э) мг куйидаги тенглама 20/V бўйича ҳисоблаб топилади,

бу ерда *V* - титрлаш учун сарф бўлган дитизон эритмасининг ҳажми, мл.

**5,5'-Дитиобис(2-нитробензой кислота) [5,5'-Dithio-bis(2-nitrobenzoic acid)].**  $C_{14}H_8N_2O_8S_2$ . (М.м. 396,4). 1097300. [CAS: 69-78-3].

3-Карбокси-4-нитрофенилдисульфид. Эльман реактиви. DTNB.

Сарик рангли кукун. 96 % спиртда ўртача эрийди. Суюқланиш ҳарорати: 242 °C атрофида.

**Дитиол [Dithiol].**  $C_7H_8S_2$ . (М.м. 156,3). 1033800. [CAS: 496-74-2].

Толуол-3,4-дитиол. 4-Метилбензол-1,2-дитиол.

Оқ рангдаги гигроскопик кристаллар. Метанол ва ишқорий металл гидроксидлари эритмаларида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 30 °C атрофида.

Сақланиши: герметик идишда.

**Дитиол реактиви [Dithiol reagent].** 1033801.

1 г дитиол *R* га 2 мл тиогликол кислота *R* қўшилади ва 20 г/л натрий гидроксид *R* эритмаси билан 250 мл ҳажмга етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Дитиотрентол [Dithiothreitol].**  $C_4H_{10}O_2S_2$ . (М.м. 154,2). 1098200. [CAS: 27565-41-9]

трео-1,4-Димеркаптобутан-2,3-диол.

Кучсиз гигроскопик, игнасимон кристаллар. Сувда, ацетонда ва сувсиз спиртда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишларда.

**Дитиоэритриол [Dithioerythritol].**  $C_4H_{10}O_2S_2$ . (М.м. 154,3). 1187500. [CAS: 6892-68-8].

(2*R*,3*S*)-1,4-Дисульфанилбутан-2,3-диол. DTE.

Суюқланиш ҳарорати: 83 °C атрофида.

**Дифениламин [Diphenylamine].**  $C_{12}H_{11}N$ . (М.м. 169,2). 1032100. [CAS: 122-39-4].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда кам эрийди, 96 % спирт эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 55 °C атрофида.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Дифениламин эритмаси [Diphenylamine solution].** 1032101.

1 г/л дифениламин *R* ни сульфат кислота *R* даги эритмаси.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Дифениламин эритмаси R1 [Diphenylamine solution R1].** 1032102.

10 г/л дифениламин *R* ни сульфат кислота *R* даги эритмаси. Эритма рангсиз бўлиши керак.

**Дифениламин эритмаси R2 [Diphenylamine solution R2].** 1032103.

1 г дифениламин *R* 100 мл 99,8 % сирка кислотаси *R* да эритилади ва 2,75 мл сульфат кислота *R* қўшилади. Эритма дарҳол қўлланилади.

**Дифенилантрацен [Diphenylanthracene].**  $C_{26}H_{18}$ . (М.м. 330,4). 1032200. [CAS: 1499-10-1].

9,10-Дифенилантрацен.

Сарғиш ёки сарик кристалл кукун. Сувда амалда эримайди.

Суюқланиш ҳарорати: 248 °C атрофида.

**Дифенилбензидин [Diphenylbenzidine].**  $C_{24}H_{20}N_2$ . (М.м. 336,4). 1032300. [CAS: 531-91-9].

*N,N'*-Дифенилбензидин.

*N,N'*-Дифенилбифенил-4,4'-диамин.

Оқ ёки бироз кулранг кристалл кукун. Сувда амалда эримайди, ацетон ва 96 % спиртда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 248 °C атрофида.

**Нитратлар.** 8 мг реагентни 5 мл сув *R* ва 45 мл сульфат кислота, азот сақламаган *R* совитилган аралашмасида эритилади; олинган эритма рангсиз ёки бироз мовийсимон рангда бўлиши керак.

Сульфат кули (2.4.14). 0,1 % дан кўп эмас.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Дифенилбор кислота аминоэтил эфири [Diphenylboric acid aminoethyl ester].**  $C_{14}H_{16}BNO$ . (М.м. 225,1). 1032400. [CAS: 524-95-8].

Оқ ёки озроқ сарик рангли кристаллсимон кукун. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 193 °C атрофида.

**1,2-Дифенилгидразин [1,2-Diphenylhydrazine].**  $C_{12}H_{12}N_2$ . (М.м. 184,3). 1140800. [CAS: 122-66-7].

Гидразобензол. 1,2-Дифенилдиазин.

Зарғалдоқ рангли кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 125 °C атрофида.

**2,2-Дифенилглицин [2,2-Diphenylglycine].**

$C_{14}H_{13}NO_2$ . (М.м. 227,26). 1174300. [CAS: 3060-50-2]. Амино(дифенил) сирка кислота.

**Дифенилкарбазид [Diphenylcarbazine].**  $C_{13}H_{14}N_4O$ . (М.м. 242,3). 1032500. [CAS: 140-22-7].

1,5-Дифенилкарбондигидразид.

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун, аста-секин ҳавода пушти ранг ҳосил бўлади. Сувда жуда кам эрийди, ацетон, 96 % спирт ва 99,8 % сирка кислотада эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 170 °C атрофида.

Сульфат кули (2.4.14). 0,1 % дан кўп эмас.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Дифенилкарбазид эритмаси [Diphenylcarbazine solution].** 1032501.

0,2 г дифенилкарбазид *R* эритмаси 10 мл 99,8 % сирка кислотаси *R* да эритилади ва эритма ҳажми сувсиз спирт *R* билан 100 мл гача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Дифенилкарбазон [Diphenylcarbazone]**.  $C_{13}H_{12}N_4O$ . (М.м. 240,3). 1032600. [CAS: 538-62-5].

1,5-Дифенилкарбазон.

Зарғалдоқ-сарик рангли кристаллсимон кукун. Сувда амалда эрмайди, 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 157 °C атрофида, парчаланиш билан.

**Дифенилкарбазон-симоб реактиви [Diphenylcarbazone mercuric reagent]**. 1032601.

А эритма. 0,1 г дифенилкарбазон R ни сувсиз спирт R да эритилади ва эритманинг ҳажми худди шу эритувчи билан 50 мл га етказилади.

В эритма. 1 г симоб (II) хлорид R ни сувсиз спирт R да эритилади ва эритма ҳажми худди шу эритувчи билан 50 мл га етказилади.

А ва В эритмалар тенг ҳажмларда олиниб аралаштирилади.

**Дифенилметанол [Diphenylmethanol]**.  $C_{13}H_{12}O$ . (М.м. 184,2). 1145700. [CAS: 91-01-0].

Бензгидрол.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 66 °C атрофида.

**Дифенилоксазол [Diphenyloxazole]**.  $C_{15}H_{11}NO$ . (М.м. 221,3). 1032700. [CAS: 92-71-7].

2,5-Дифенилоксазол.

Оқ ёки деярли оқ кукун. Сувда амалда эрмайди, метанолда эрийди, диоксан ва 99,8 % сирка кислотада ўртача эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 70 °C атрофида.

$A_{1\text{ см}}^{1\%}$ : 1260 атрофида. Аниклашни эритувчи сифатида метанол R дан фойдаланиб, 305 нм тўлқин узунлигида ўтказилади.

Суюқ синтиляциялашда ишлатиладиган дифенилоксазол тегишли даражада тозалikka эга бўлиши керак.

**Дифенилфенилен оксид полимери [Diphenylphenylene oxide polymer]**. 1032800.

2,6-дифенил-*n*-фениленоксиднинг полимери. Шар шаклдаги ғовакли гранулалар, оқ ёки деярли оқ рангли; грануланинг ўлчами улар ишлатиладиган синовларда кўрсатилади.

**Дифлубензурон [Diflubenzuron]**.  $C_{14}H_9ClF_2N_2O_2$ . (М.м. 310,7). 1180000. [CAS: 35367-38-5].

1-(4-Хлорофенил)-3-(2,6-дифторбензоил)мочевина.

Рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристалллар. Сувда амалда эрмайди, диметилсулфоксидда осон эрийди, ацетонда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 230 °C дан 232 °C гача.

**3,5-Дихлоранилин [3,5-Dichloroaniline]**.  $C_6H_5Cl_2N$ . (М.м. 162,0). 1177800. [CAS: 626-43-7].

3,5-Дихлорофениламин.

Суюқланиш ҳарорати: 46 °C дан 52 °C гача.

**Дихлорбензол [Dichlorobenzene]**.  $C_6H_4Cl_2$ . (М.м. 147,0). 1027100. [CAS: 95-50-1].

1,2-Дихлорбензол.

Рангсиз мойсимон суюқлик. Сувда амалда эрмайди, сувсиз спиртда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 1,31 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 180 °C атрофида.

**2,4-Дихлорбензой кислота [2,4-Dichlorobenzoic acid]**.  $C_7H_4Cl_2O_2$ . (М.м. 191,0). 1185700. [CAS: 50-84-0].

Сўник жигарранг рангли кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 160 °C атрофида.

**2,5-Дигидроксibenзой кислота [2,5-Dihydroxybenzoic acid]**.  $C_7H_6O_4$ . (М.м. 154,1). 1148200. [CAS: 490-79-9].

Гентизин кислота.

Оч сарик рангли кристалл.

Суюқланиш ҳарорати: 200 °C атрофида.

**Дихлоросирка кислота эритмаси [Dichloroacetic acid solution]**. 1027001.

67 мл дихлорсирка кислота R дан 300 мл гача сув R билан суюлтирилиб, кўк лакмус қозоғи R бўйича аммиак эритмаси R билан нейтралланади. Совитилади, эритмага 33 мл дихлорсирка кислота R қўшилади ва сув R билан 600 мл га етказилади.

**Дихлорофенолиндифенолни натрийли тузи [Dichlorophenolindophenol, sodium salt]**.

$C_{12}H_6Cl_2NNaO_2 \cdot 2H_2O$ . (М.м. 326,1). 1027300.

[CAS: 620-45-1].

Натрий 2,6-дихлор-*N*-(4-гидроксифенил)-1,4-бензохинон-моноиминдигидрат.

Тўқ яшил рангли кукун. Сувда ва сувсиз спиртда осон эрийди. Сувли эритма тўқ кўк ранга эга бўлиб, эритма кислотали бўлганда пушти ранга ўтади.

**Дихлорофенолиндифенолнинг эталон эритмаси [Dichlorophenolindophenol standard solution]**. 1027301.

50,0 мг дихлорофенолиндифенол натрий тузи R 100,0 мл сув R да эритилади ва филтрланади.

Миқдорий таҳлил. 20,0 мг аскорбин кислота R 200 г/л метафосфат кислота R нинг янги тайёрланган 10 мл эритмасида эритилади ва эритма ҳажми сув R билан 250,0 мл гача етказилади. Олинган эритманинг 5,0 мл миқдори тезда 0,01 мл шкалали микробюреткадан фойдаланиб олдиндан тайёрланган дихлорофенолиндифенол эритмаси билан пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади, бунда титрлаш вақти 2 мин дан ошмаслиги, пушти ранг 10 секунд давомида йўқолмаслиги керак. 1 мл олинган эритма 0,1 мг аскорбин кислотаси ( $C_6H_8O_6$ ) га мувофик эритма олгунча дихлорофенолиндифенол эритмаси сув R билан суюлтирилади.

Сақланиши: 3 кун давомида ишлатилади.

Эритма ишлатилишидан аввал стандартланади.

**2,6-Дихлорфенол [2,6-Dichlorophenol]**.  $C_6H_4Cl_2O$ . (М.м. 163,0). 1177600. [CAS: 87-65-0].

Суюқланиш ҳарорати: 64 °C дан 66 °C гача.

**(S)-3,5-Дихлор-2,6-дигидрокси-*N*-[(1-этилпиррол-лидин-2-ил)метил]бензамид гидробромид [(S)-3,5-Dichloro-2,6-dihydroxy-*N*-[(1-ethylpyrrolidin-2-yl)methyl]benzamide hydrobromide]**.  $C_{14}H_{19}BrCl_2N_2O_3$ . (М.м. 414,1). 1142600. [CAS: 113310-88-6].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун.

$[\alpha]_D^{25}$ : + 11,4.

Аниклашни концентрацияси 15,0 г/л сувсиз спирт R даги эритмаси билан ўтказилади.

Суюқланиш ҳарорати: 212 °C атрофида.



**2,3-Дихлоро-5,6-дицианобензохинон [2,3-Dichloro-5,6-dicyanobenzoquinone].**  $C_8Cl_2N_2O_2$ . (М.м. 227,0). 1153600. [CAS: 84-58-2].

4,5-Дихлоро-3,6-диоксо-циклогекса-1,4-диен-1,2-дикарбонитрил.

Сариқ ёки зарғалдоқ рангли кристаллар. Диоксан ва сирка кислотасида эрийди, метилен хлоридда кам эрийди. Сувда парчаланади.

Суюқланиш ҳарорати: 214 °C атрофида.

Сақланиши: 2 °C дан 8 °C гача бўлган ҳароратда.

**Дихлорсирка кислота [Dichloroacetic acid].**

$C_2H_2Cl_2O_2$ . (М.м. 128,9). 1027000. [CAS: 79-43-6].

Рангсиз суюқлик. Сув, 96 % спирт ва эфир билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 1,566 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,466 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 193 °C атрофида.

**Дихлорфлуоресцеин [Dichlorofluorescein].**

$C_{20}H_{10}Cl_2O_5$ . (М.м. 401,2). 1027200. [CAS: 76-54-0].

2,7-Дихлорфлуоресцеин. 2-(2,7-Дихлор-6-гидроксиз-3-оксо-3Н-ксантен-9-ил)бензой кислота.

Сарғиш-жигаррангдан сариқ-зарғалдоқ ранггача бўлган кукун. Сувда кам эрийди, 96 % спиртта ва ишқорий металлнинг суюлтирилган эритмаларида осон эриб, сарғиш-яшил флуоресценцияли эритма ҳосил қилади.

**Дихлорфос [Dichlorvos].**  $C_4H_7Cl_2O_4P$ . (М.м. 221). 1101200. [CAS: 62-73-7].

2,2-Дихлорвинилдиметилфосфат.

Рангсиздан жигаррангсимон-сариқ ранггача бўлган суюқлик. Сувда эрийди, кўпгина органик эритувчилар билан аралашади.

$n_D^{25}$ : 1,452 атрофида.

**5,7-Дихлорохинолин-8-ол [5,7-Dichloroquinolin-8-ol].**  $C_9H_5Cl_2NO$ . (М.м. 214,1). 1157000. [CAS: 773-76-2].

5,7-Дихлорооксин.

Ацетонда эрийди, 96 % спиртта кам эрийди, сариқ кристаллсимон кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 179 °C атрофида.

Миқдори: 95,0 % дан кам эмас.

**Дихлорхинонхлоримид [Dichloroquinonechlorimide].**  $C_6H_2Cl_3NO$ . (М.м. 210,4). 1027400. [CAS: 101-38-2].

2,6-Дихлор-*N*-хлор-1,4-бензохинон моноимин.

Оч сариқ ёки яшилсимон-сариқ кристалл кукун, сувда амалда эрмайди, 96 % спирт ва ишқор металл гидроксидларининг суюлтирилган эритмаларида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 66 °C атрофида.

**Дихлофентион [Dichlofenthion].**  $C_{10}H_{13}Cl_2O_3PS$ . (М.м. 315,2). 1126100. [CAS: 97-17-6].

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександи) ишлатилиши мумкин.

**Дициклогексил [Dicyclohexyl].**  $C_{12}H_{22}$ . (М.м. 166,3). 1135300. [CAS: 92-51-3].

Бициклогексил.

$d_{20}^{20}$ : 0,864 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 227 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 4 °C атрофида.

**Дициклогексиламин [Dicyclohexylamine].**  $C_{12}H_{23}N$ . (М.м. 181,3). 1027500. [CAS: 101-83-7].

*N,N*-Дициклогексиламин.

Рангсиз суюқлик. Сувда ўртача эрийди, оддий органик эритувчилар билан аралашади.

$n_D^{20}$ : 1,484 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 256 °C атрофида.

Қотиш ҳарорати (2.2.18). 0 °C дан 1 °C гача.

**Дициклогексилмочевина [Dicyclohexylurea].**

$C_{13}H_{24}N_2O$ . (М.м. 224,4). 1027600. [CAS: 2387-23-7].

1,3-Дициклогексилкарбамид.

Оқ ёки деярли оқ кристаллсимон кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 232 °C атрофида.

**Диэдрин [Dieldrin].**  $C_{12}H_8Cl_6O$ . (М.м. 380,9). 1126200. [CAS: 60-57-1].

Қайнаш ҳарорати: 385 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 176 °C атрофида.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександи) ишлатилиши мумкин.

**Диэтанолламин [Diethanolamine].**  $C_4H_{11}NO_2$ . (М.м. 105,1). 1027800. [CAS: 111-42-2].

2,2'-Иминобисэтанол.

Ҳавода суюқланувчан бироз сарғиш рангдаги шаффоф, қовушқоқ суюқлик ёки кристаллар, 28 °C атрофида эрийди. Сувда, ацетонда ва метанолда жуда осон эрийди.

$d_{20}^{20}$ : атрофида 1,09.

*pH* (2.2.3). 10,0 дан 11,5 гача. 50 г/л эритманинг *pH* миқдори ўлчланади.

Ишқорий фосфатаза синовиди ишлатиладиган диэтанолламин, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Этанолламин. Газ хроматография (2.2.28) усули ёрдамида аниқланади.

Ички стандарт эритмаси. 1,00 г 3-аминопропанол *R* ни ацетон *R* да эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 10,0 мл гача етказилади.

Синалаётган эритма (а). 5,00 г субстанция ацетон *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 10,0 мл гача етказилади.

Синалаётган эритма (б). 5,00 г субстанция ацетон *R* да эритилади, 1,0 мл ички стандарт эритма қўшилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 10,0 мл га етказилади.

Эталон эритмалар. 0,50 г этанолламин *R* ни ацетон *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 10,0 мл га етказилади. Ҳосил бўлган эритмалардан 0,5 мл, 1,0 мл ва 2,0 мл дан олиб, уларга 1,0 мл дан ички стандарт эритмаси қўшилади ва ацетон *R* билан бир эритманинг ҳажми 10,0 мл гача етказилади.

Колонка:

–  $l = 1$  м,  $\varnothing = 4$  мм;

– Тўлдирувчи: дифенилфениленоксид полимери *R* (180-250 мкм).

Газ-ташувчи: хроматография учун азот *R*.

Ташувчи газ тезлиги: 40 мл/мин.

Ҳарорат:

	Вақт (мин)	Ҳарорат (°C)
Колонка	0 → 3	125
	3 → 17,6	125 → 300
Инъекцион порт		250
Детектор		280

*Детектирлаш:* алангали-ионизацион детектор.

*Намуна ҳажми:* 1,0 мкл.

*Этаноламин миқдорининг чегараси:* 1,0 % дан кўп эмас.

***N,N*-Диэтилэтан-1,2-диамин [*N,N*-Diethylethane-1,2-diamine].**  $C_6H_{16}N_2$ . (М.м. 116,2). 1028500. [CAS: 100-36-7].

*N,N*-Диэтилэтилендиамин.

*Миқдори:* 98 % дан кам эмас.

Рангсиз ёки бироз сарғиш рангли, кучли аммиак ҳидли мойсимон суюқлик. Тери, кўзлар ва шиллиқ пардаларга яллиғлантирувчи таъсир қилади.

$d_{20}^{20}$ : 0,827.

*Қайнаш ҳарорати:* 145 °Сдан 147 °С гача.

*Сув (2.5.12):* 1,0 % дан кўп эмас. 0,500 г оғирликдаги намунада амалга оширилади.

***N,N*-Диэтиланилин [*N,N*-Diethylaniline].**  $C_{10}H_{15}N$ . (М.м. 149,2). 1028400. [CAS: 91-66-7].

$d_{20}^{20}$ : 0,938 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 170 °С атрофида.

*Суюқланиш ҳарорати:* – 38 °С атрофида.

**Диэтиламин [Diethylamine].**  $C_4H_{11}N$ . (М.м. 73,1). 1028000. [CAS: 109-89-7].

Шаффоф, рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик. Кучли ишқорий реакцияга эга, сув ва 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,71 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 55 °С атрофида.

**Диэтиламин R1 [Diethylamine R1].**  $C_4H_{11}N$ . (М.м. 73,1). 1028001. [CAS: 109-89-7].

*N*-Этилэтанамин.

*Миқдори:* 99,5 % дан кам эмас.

Шаффоф, рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик, кучли ишқорий реакцияга эга, сув ва 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,71 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 55 °С атрофида.

**Диэтиламиноэтилдекстран [Diethylaminoethyl-dex-tran].** 1028200.

Гидрохлорид шаклидаги анион алмашинувчи қатрон.

Сув билан гел ҳосил қиладиган кукун.

**Диэтиленгликоль [Diethylene glycol].**  $C_4H_{10}O_3$ . (М.м. 106,1). 1028300. [CAS: 111-46-6].

2,2'-Оксидиэтанол.

*Миқдори:* 99,5 % (м/м) дан кам эмас.

Шаффоф, рангсиз, гигроскопик суюқлик. Сув, ацетон ва 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 1,118 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,447 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 244 °С дан 246 °С гача.

*Сақланиши:* герметик идишларда.

**Диэтилсульфон [Diethyl sulfone].**  $C_4H_{10}O_2S$ . (М.м. 122,2). 1203300. [CAS: 597-35-3].

1-(Этилсульфонил)этан. 1-(Этансульфонил)этан.

*Миқдори:* 97 % дан кам эмас.

Кристалл кукун.

*Суюқланиш ҳарорати:* 73 °С атрофида.

**Диэтилфенилендиамин сульфат [Diethylphenylene-diamine sulphate].**  $C_{10}H_{18}N_2O_4S$ . (М.м. 262,3). 1028600. [CAS: 6283-63-2].

*N,N'*-Диэтили-*n*-фенилендиамин сульфат.

*N,N'*-Диэтилбензол-1,4-диамин сульфат.

Оқ ёки озроқ сариқ рангли кукун. Сувда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 185 °С атрофида парчаланиш билан.

*Сақланиши:* ёруғликдан химояланган жойда.

**Диэтилфенилендиамин сульфат эритмаси [Diethylphenylenediamine sulphate solution].** 1028601.

250 мл сув *R* га 2 мл сульфат кислота *R* ва 25 мл 0,02 *M* натрий эдетат эритмаси қўшилади.

Олинган эритмада 1,1 г диэтилфенилендиамин сульфат *R* эритилади ва сув *R* билан 1000 мл ҳажмга етказилади.

Фақат рангсиз эритмаси ишлатилади.

*Сақланиши:* ёруғликдан ва иссиқдан химояланган жойда 1 ой давомида сақланади.

**Диэтокситетрагидрофуран [Diethoxytetrahydrofu-ran].**  $C_8H_{16}O_3$ . (М.м. 160,2). 1027900. [CAS: 3320-90-9].

2,5-Диэтокситетрагидрофуран. *Цис* ва *транс* изомер-лар аралашмаси.

Шаффоф, рангсиз ёки озроқ сарғишсимон рангли суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спиртда ва кўпгина бошқа органик эритувчиларда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 0,98 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,484 атрофида.

**Додецилтриметиламмоний бромид [Dodecyltrime-thylammonium bromide].**  $C_{15}H_{34}BrN$ . (М.м. 308,4). 1135500. [CAS: 1119-94-4].

*N,N,N*-Триметилдодекан-1-аммоний бромид.

Оқ ёки деярли оқ кристаллар.

*Суюқланиш ҳарорати:* 246 °С атрофида.

**Докозагексаен кислота метил эфири [Docosahe-xaenoic acid methyl ester].**  $C_{23}H_{44}O_2$ . (М.м. 342,5). 1142800. [CAS: 301-01-9].

ДГК метил эфири. Цервоник кислота метил эфири. (all-*Z*)-Dokoza-4,7,10,13,16,19-гексен кислота метил эфири.

*Миқдори:* 90,0 % дан кам эмас, газ хроматографияси усулида аниқланади.

**Доксициклин [Doxycycline].** 1145800.

Доксициклин гидрохлорид (0820) га қаралсин.

**Долчин альдегид [Cinnamic aldehyde].**  $C_9H_8O$ . (М.м. 132,2). 1020700. [CAS: 104-55-2].

3-Фенилпропеналь.

Сарғишдан яшилсимон-сариқ ранггача бўлган мойсимон суюқлик. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда жуда осон эрийди.

$n_D^{20}$ : 1,620 атрофида.

*Сақланиши:* ёруғликдан химояланган жойда.

**Дотриаконтан [Dotriacontane].**  $C_{32}H_{66}$ . (М.м. 450,9). 1034200. [CAS: 544-85-4].

*n*-Дотриаконтан.

Оқ ёки деярли оқ рангдаги пластинкалар. Сувда амалда эримади, гександа ўртача эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 69 °С атрофида.

*Аралашмалар.* 0,1 % дан кўп эмас,  $\alpha$ -токоферолацетат учун хос бўлган  $t_R$  қийматга эга аралашмалар;  $\alpha$ -Токоферол ацетат (0439) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ аниқлаш газ хроматографияси усулида олиб борилади.

**Д-Дофа [D-Dopa].**  $C_9H_{11}NO_4$ . (М.м. 197,2). 1164100. [CAS: 5796-17-8].

(2R)-2-Амино-3-(3,4-дигидроксифенил)пропан кислота. 3-Гидрокси-D-тирозин. 3,4-Дигидрокси-D-фенилаланин.

$[\alpha]_D^{20}$ : + 9,5° дан + 11,5° гача. Аниқлаш 10 г/л 0,1 M хлорид кислота эритмасида олиб борилади.

*Суюқланиш ҳарорати:* 277 °C атрофида.

**Зайтун ёғи [Olive oil].** 1061000. [8001-25-0].

*Қайта ишланмаган зайтун ёғи (0518)* га қаралсин.

**Ибупрофен [Ibuprofen].** 1197000. [CAS: 15687-27-1].

*Ибупрофен (0721)* га қаралсин.

**Изатин [Isatin].**  $C_8H_5NO_2$ . (М.м. 147,1). 1046800. [CAS: 91-56-5].

Индолин-2,3-дион.

Сарғиш-қизил рангли майда кристаллар. Сувда кам эрийди, иссиқ сувда эрийди, 96 % спирт, ишқорий металл гидроксидлари эритмаларида бинафша ранг ҳосил қилиб эрийди, вақт ўтиши билан сариқ рангга айланади.

*Суюқланиш ҳарорати:* 200 °C атрофида қисман сублимацияланади.

*Сульфат кули (2.4.14):* 0,2 % дан кўп эмас.

**Изатин реактив [Isatin reagent].** 1046801.

6 мг *темир (III) сульфат R* ни 8 мл *сув R* да эритилади, 50 мл *сульфат кислота R* аралаштириб турган ҳолда қўшилади; олинган эритмага 6 мг *изатин R* қўшилиб, эригунча аралаштирилади.

Эритма сўниқ сариқ рангга бўлиши керак, зарғалдок ёки қизил рангга ўтиб кетмаслиги керак.

**Изоамил бензоат [Isoamyl benzoate].**  $C_{12}H_{16}O_2$ . (М.м. 192,3). 1164200. [CAS: 94-46-2].

Изопентилбензоат. 3-Метилбутилбензоат.

$n_D^{20}$ : 1,494 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 261 °C атрофида.

Рангсиз ёки сўниқ сариқ рангли суюқлик.

**Изоамил спирти [Isoamyl alcohol].**  $C_5H_{12}O$ . (М.м. 88,1). 1046900. [CAS: 123-51-3].

3-Метилбутан-1-ол.

Рангсиз суюқлик. Сувда кам эрийди, 96 % спирт билан аралашади.

*Қайнаш ҳарорати:* 130 °C атрофида.

**Изоандростерон [Isoandrosterone].**  $C_{19}H_{30}O_2$ . (М.м. 290,4). 1107100. [CAS: 481-29-8].

Эпиандростерон. 3 $\beta$ -Гидрокси-5 $\alpha$ -андростан-17-он.

Оқ ёки деярли оқ кукун, сувда амалда эрмайди, органик эритувчиларда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 172 °C дан 174 °C гача.

$[\alpha]_D^{20}$ : +88°.

Аниқлашни 20 г/л концентрацияли *метанол R* эритмасидан фойдаланиб, ўтказилади.

$\Delta A$  (2.2.41):  $14,24 \times 10^3$ . Аниқлашни 1,25 г/л эритмадан фойдаланиб, 304 нм тўлқин узунлигида ўтказилади.

**N-Изобутилдодекатетраенамид [N-Isobutyldodecatetraenamide].**  $C_{16}H_{25}NO$ . (М.м. 247,4). 1159500. [CAS: 866602-52-0].

(2E,4E,8Z,10EZ)-N-2-(Метилпропил)додека-2,4,8,10-тетраенамид.

*Ташиқ кўриниши:* оқ ёки деярли оқ ранг ёки рангсиз кристалл.

*Суюқланиш ҳарорати:* 70 °C атрофида.

**N-Изобутилдодекатетраенамид эритмаси [N-Isobutyldodecatetraenamide solution].** 1159501.

*N-изобутилдодекатетраенамид R* нинг концентрацияси 10 мг/мл атрофида бўлган *метанол R* даги аниқ тортим орқали тайёрланган эритмаси.

**Изодрин [Isodrin].**  $C_{12}H_8Cl_6$ . (М.м. 364,9). 1128700. [CAS: 465-73-6].

1,2,3,4,10,10-Гексахлор-1,4,4а,5,8,8а-гексагидро-endo,endo-1,4:5,8-диметанонофталин.

Сувда амалда эрмайди, ацетон каби кўпгина органик эритувчиларда эрийди.

Мос стандарт намуна эритмаси ишлатилиши мумкин.

**Изокверцитрин [Isoquercitrin].**  $C_{21}H_{20}O_{12}$ . (М.м. 464,4). 1201600. [CAS: 482-35-9].

2-(3,4-Дигидроксифенил)-3-( $\beta$ -D-глюкопиранозил-окси)-5,7-дигидрокси-4H-1-бензопиран-4-он.

**Изокверцитрозид [Isoquercitroside].**  $C_{21}H_{20}O_{12}$ . (М.м. 464,4). 1136500. [CAS: 21637-25-2].

2-(3,4-Дигидроксифенил)-3-( $\beta$ -D-глюкофуранозил-окси)-5,7-дигидрокси-4H-1-бензопиран-4-он.

**Изолейцин [Isoleucine].** 1185000. [73-32-5].

*Изолейцин (0770)* га қаралсин.

**Изомальт [Isomalt].**  $C_{12}H_{24}O_{11}$ . (М.м. 344,3). 1164300. [CAS: 64519-82-0].

6-O- $\alpha$ -D-глюкопиранозил-D-глюкитол ва 1-O- $\alpha$ -D-глюкопиранозил-D-маннитолни аралашмаси.

Оқ ёки деярли оқ рангдаги кукун ёки гранулалар, сувда осон эрийди.

**Изомальтитол [Isomaltitol].**  $C_{12}H_{24}O_{11}$ . (М.м. 344,3). 1161200. [CAS: 534-73-6].

6-O- $\alpha$ -D-Глюкопиранозил-D-глюкитол.

Оқ ёки деярли оқ ранг кукун, сувда осон эрийди.

**Изоментол [Isomenthol].**  $C_{10}H_{20}O$ . (М.м. 156,3). 1047000. [CAS: 23283-97-8].

(+)-Изоментол: (1S,2R,5R)-2-изопропил-5-метилциклогексанол.

( $\pm$ )-Изоментол: (1S,2R,5R)- ва (1R,2S,5S)-2-изопропил-5-метилциклогексанол тенг қисмлар аралашмаси.

Рангсиз кристаллар. Сувда амалда эрмайди, 96 % спиртда жуда осон эрийди.

$[\alpha]_D^{20}$ : (+)-Изоментол: + 24° атрофида.

Аниқлашни 100 г/л концентрацияли 96 % спирт *R* даги эритмасидан фойдаланиб ўтказилади.

*Қайнаш ҳарорати:* (+)-Изоментол: 218 °C атрофида, ( $\pm$ )-Изоментол: 218 °C атрофида.

*Суюқланиш ҳарорати:* (+)-Изоментол: 80 °C атрофида, ( $\pm$ )-Изоментол: 53 °C атрофида.

(+)-Изоментон [(+)-Isomenthone].  $C_{10}H_{18}O$ .

(М.м. 154,2). 1047100.

(1R)-цис-п-Ментан-3-он. (1R)-цис-2-Изопропил-5-метилциклогексанон.

Турли хил миқдордаги ментон сақлайди. Рангсиз суюқлик. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда эрийди.

$d_4^{20}$ : 0,904 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,453 атрофида.

$[\alpha]_D^{20}$ : + 93,2° атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган изоментон, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Ялпизқалампир мойи (0405) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 80,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Изометилэвгенол [Isomethyleugenol]**.  $C_{11}H_{14}O_2$ . (М.м. 178,2). 1181900. [CAS: 93-16-3].

1,2-Диметокси-4-проп-1-енилбензол.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган изометилэвгенол, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Найоли мойи цинеол тури (2468) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Изоникотин кислота [Isonicotinic acid]**.  $C_6H_5NO_2$ . (М.м. 123,1). 1202200. [CAS: 55-22-1].

Пиридин-4-карбон кислота.

Кремсимон-оқ кукун, сувда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 311 °С атрофида.

**Изоникотинамид [Isonicotinamide]**.  $C_6H_6N_2O$ . (М.м. 122,1). 1193000. [CAS: 1453-82-3].

4-пиридинкарбоксамид. Пиридин-4-карбоксамид.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, сувда эрийди.

**Изопропил йодид [Isopropyl iodide]**.  $C_3H_7I$ . (М.м. 170,0). 1166600. [CAS: 75-30-9].

2-Йодпропан.

Миқдори: 99 % дан кам эмас.

**Изопропил метансульфонат [Isopropyl methane-sulfonate]**.  $C_4H_{10}O_3S$ . (М.м. 138,2). 1179400. [CAS: 926-06-7].

1-Метилэтилметансульфонат.

Шаффоф рангсиз суюқлик.

Миқдори: 99,0 % дан кам эмас.

Зичлик: 1,129 г/см<sup>3</sup> атрофида (20 °С).

$n_D^{20}$ : 1,418 дан 1,421 гача.

Қайнаш ҳарорати: 6 мм Hg да 82 °С атрофида.

**Изопропил миристат [Isopropyl myristate]**. 1047200. [110-27-0].

Изопропилмиристат (0725) га қаралсин.

**Изопропил толуенсульфонат [Isopropyl toluene-sulfonate]**.  $C_{10}H_{14}O_3S$ . (М.м. 214,3). 1191100. [CAS: 2307-69-9].

1-Метилэтил-4-метилбензолсульфонат. Пропан-2-ил 4-метилбензолсульфонат. Изопропил тозилат.

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас.

Тоза суюқлик.

Суюқланиш ҳарорати: 20 °С атрофида.

**Изопропиламин [Isopropylamine]**.  $C_3H_9N$ . (М.м. 59,1). 1119800. [CAS: 75-31-0].

Пропан-2-амин.

Рангсиз, кучли учувчан, осон алангаланувчан суюқлик.

$n_D^{20}$ : 1,374 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 32 °С дан 34 °С гача.

**4-Изопропилфенол [4-Isopropylphenol]**.  $C_9H_{12}O$ . (М.м. 136,2). 1047300. [CAS: 99-89-8].

Миқдори: 98,0 % дан кам бўлмаган  $C_9H_{12}O$ .

Қайнаш ҳарорати: 212 °С атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 59 °С дан 61 °С гача.

**Изопулегол [Isopulegol]**.  $C_{10}H_{18}O$ . (М.м. 154,2). 1139600. [CAS: 89-79-2].

(-)-Изопулегол.(1R,2S,5R)-2-Изопропенил-5-метилциклогексанол.

$d_4^{20}$ : 0,911 атрофида

$n_D^{20}$ : 1,472 атрофида

Қайнаш ҳарорати: 91 °С атрофида

Газ хроматографиясида ишлатиладиган изопулегол, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Ялпиз мойи (1838) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 99 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Изорамнетин-3-О-неогеспериозид [Isorhamnetin-3-O-neohesperidoside]**.  $C_{28}H_{32}O_{16}$ . (М.м. 625). 1205100. [CAS: 55033-90-4].

3-[6-Дезокси-α-L-маннопиранозил-(1→2)-β-D-глюкопиранозилокси]-5,7-дигидрокси-2-(4-гидрокси-3-метоксифенил)-4H-1-бензопиран-4-он.

**Изоринхофиллин [Isorhynchophylline]**.  $C_{22}H_{28}N_2O_4$ . (М.м. 384,5). 1197100. [CAS: 6859-01-4].

Метил (16E)-17-метокси-2-оксо-16,17-дидегидро-20α-кориноксан-16-карбоксилат. Метил (16E)-16-(метоксиметилиден)-2-оксо-20α-кориноксан-17-оат.

**Изосилибин [Isosilibinin]**.  $C_{25}H_{22}O_{10}$ . (М.м. 482,4). 1149900. [CAS: 72581-71-6].

3,5,7-Тригидрокси-2-[2-(4-гидрокси-3-метоксифенил)-3-гидроксиметил-2,3-дигидро-1,4-бензодиоксин-6-ил]хроман-4-он.

Оқ рангдан сарғиш ранггача бўлган кукун, сувда амалда эримайди, ацетон ва метанолда эрийди.

**Изоэвгенол [Isoeugenol]**.  $C_{10}H_{12}O_2$ . (М.м. 164,2). 1206200. [CAS: 97-54-1].

2-Метокси-4-[(1E)-проп-1-ен-1-ил]фенол.

**Имидазол [Imidazole]**.  $C_3H_4N_2$ . (М.м. 68,1). 1045400. [CAS: 288-32-4].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, сувда ва 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 90 °С атрофида.

**Иминодибензил [Iminodibenzyl]**.  $C_{14}H_{13}N$ . (М.м. 195,3). 1045500. [CAS: 494-19-9].

10,11-Дигидродибенз[*b,f*]азепин.

Сўник сариқ рангли кристалл кукун.

Сувда амалда эримади, ацетонда осон эрийди.  
Суюқланиш ҳарорати: 106 °C атрофида.

**Иминодисирка кислота [Iminodiacetic acid].**  $C_4H_7NO_4$ . (М.м. 133,1). 1192300. [CAS: 142-73-4].  
2,2'-Иминодисирка кислота.

**Императорин [Imperatorin].**  $C_{16}H_{14}O_4$ . (М.м. 270,3). 1180200. [CAS: 482-44-0].

9-[(3-Метилбут-2-енил)окси]-7Н-фууро[3,2-*g*][1]бензопиран-7-он.

**2-Инданамингидро хлориди [2-Indanapine hydrochloride].**  $C_9H_9ClN$ . (М.м. 169,7). 1175800. [CAS: 2338-18-3].

2-Аминоиндана гидрохлориди. 2,3-Дигидро-1Н-инден-2-амин гидрохлорид.

**Индиго [Indigo].**  $C_{16}H_{10}N_2O_2$ . (М.м. 262,3). 1192800. [CAS: 482-89-3].

Индиготин. 1,1',3,3'-тетрагидро-2-2'-би(индолилиден)3,3'-дион.

**Индиго кармин эритмаси R1 [Indigo carmine solution R1].** 1045602.

4 г индигокармин *R* ни сув *R* да эртилади ва ҳажм 900 мл гача етгунча сув *R* дан алоҳида қисмлаб қўшилади, сўнг 2 мл сульфат кислота *R* солинади ва эритма ҳажми сув *R* билан 1000 мл гача етказилади.

Миқдорий таҳлил. 100 мл сизимли бўйни кенг конуссимон қолбага 10,0 мл нитрат эталон эритмаси (100 ppm  $NO_3$ ) *R* солинади, устига 10 мл сув *R* ва 0,05 мл индигокармин эритмаси *R1* қўшилади ҳамда шу заҳотиёқ бир маротаба эҳтиёткорлик билан 30 мл сульфат кислота *R* солинади. Ҳосил бўлган эритмани дарҳол тайёрланган индигокармин эритмаси *R1* билан турғун кўк ранггача титрланади.

Титрлаш учун сарф бўлган *n* нинг миллилитрдаги миқдори, 1 мг  $NO_3$  га тўғри келади.

**Индигокармин [Indigo carmine].**  $C_{16}H_8N_2Na_2O_8S_2$ . (М.м. 466,3). 1045600. [CAS: 860-22-0].

Шульц кўрсаткичи № 1309.

Ранг кўрсаткичи № 73015.

Динатрий 3,3'-диоксо-2,2'-бисиндолилиден-5,5'-дисульфонат. Е 132.

Одатда таркибида натрий хлорид сақлайди.

Кўкдан бинафша-кўк ранггача бўлган кукун ёки кўк рангли гранулар, мисга ўхшаб ялтиради. Сувда ўртача эрийди, 96 % спиртда амалда эримади. Натрий хлориднинг суви эритмасидан чўктирилади.

**Индигокармин эритмаси [Indigo carmine solution].** 1045601.

0,2 г индигокармин *R* ни 10 мл хлорид кислота *R* ва 990 мл 200 г/л сульфат кислота, азот сақламаган *R* аралашмасида эртилади.

Эритма қуйидаги синовга жавоб бериши керак: 10 мл олинган эритмага 1,0 мг калий нитрат *R* ни 10 мл сув *R* даги эритмасидан қўшилади, дарҳол 20 мл азот сақламаган сульфат кислота *R* қўшилади ва қайнагунча киздирилади. 1 мин давомида эритманинг кўк ранги йўқолиши керак.

**BRP индикатор эритмаси [BRP indicator solution].** 1013000.

0,1 г бромтимол кўки *R*, 20 мг метил қизили *R* ва 0,2 г фенолфталеин *R* 96 % спирт *R* да эртилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100 мл гача етказилади ва филтрланади.

**pH индикатор қоғози [pH indicator strip].** 1178900.

Қоғоз тасмаси ёки қўплаб қоғоз бўлақларини сақловчи пластмасса тасмаси, турли хил бўёқлар билан шимдирилган бўлиб, берилган диапазонда асосий шкала билан солиштириш орқали pH муҳитини визуал аниқлашни имконини беради.

**Индирубин [Indirubin].**  $C_{16}H_{10}N_2O_2$ . (М.м. 262,3). 1192900. [CAS: 479-41-4].

1,1',2',3'-тетрагидро-2,3'-би(индолилиден)-2',3'-дион.

**Индометацин [Indometacin].** 1101500. [53-86-1].

Индометацин (0092) га қаралсин.

**Инозин [Inosine].**  $C_{10}H_{12}N_4O_5$ . (М.м. 268,2). 1169900. [CAS: 58-63-9].

9-β-D-Рибофуранозилгипоксантин.

9-β-D-

Рибофуранозил-1,9-дигидро-6Н-пурин-6-он.

Суюқланиш ҳарорати: 222 °C дан 226 °C гача.

**мио-Инозитол [myo-Inositol].** 1161100.

мио-Инозитол (1805) га қаралсин.

**Ирисфлорентин [Irisfloreintin].**  $C_{20}H_{18}O_8$ . (М.м. 386,4). 1186300. [CAS: 41743-73-1].

9-Метокси-7-(3,4,5-триметоксифенил)-8Н-1,3-диоксо-4,5-*g*[1]бензопиран-8-он.

**Йод [Iodine].** 1045800. [CAS: 7553-56-2].

Йод (0031) га қаралсин.

**2-Йодбензой кислота [2-Iodobenzoic acid].**  $C_7H_5IO_2$ . (М.м. 248,0). 1046100. [CAS: 88-67-5].

Оқ рангдан озроқ сариқ ранггача бўлган кристалл кукун. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 160 °C атрофида.

Хроматография. Аниқлашни юпқа қатламли хроматографияси усулида (2.2.27) ўтказилади, юпқа қатлам сифатида хроматография учун целлюлоза  $F_{254}$  *R* дан фойдаланилади. Хроматографик пластинканинг старт чизиғига 40 мг 4 мл 0,1 М натрий гидроксид эритмаси эритиб, сув *R* билан эритма ҳажми 10 мл гача суюлтириб, тайёрланган 20 мл 2-йодбензой кислота эритмасидан томизилади. Хроматографиялашда юқори қатламга силжиши учун ҳаракатчан фаза сифатида сув *R* — 99,8 % сирка кислотаси — толуол *R* (20:40:40) эритувчи-лар аралашмасидан фойдаланилади. Эритувчилар фронти 12 см га кўтарилгандан сўнг, пластинкани УБ-нурида 254 нм тўлқин узунлигида кўрилади. Хроматограммада фақат битта асосий доғ аниқланиши керак.

**3-Йодбензил аммоний хлорид [3-Iodobenzylammonium chloride].**  $C_7H_9ClIN$ .

(М.м. 269,5). 1168000. [CAS: 3718-88-5].

1-(3-Йодфенил)метанамин гидрохлориди. 1-(3-Йодфенил)метанаминахлориди. *m*-Йодобензиламин гидрохлорид.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар.

Суюқланиш ҳарорати: 188 °C дан 190 °C гача.

**Йод бромид эритмаси [Iodine bromide solution].** 1045901.

20 г йод бромид *R* 99,8 % сирка кислота *R* да эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 1000 мл гача етказилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йод ва сирка кислотали эритма [Periodic acetic acid solution].** 1063000.

0,446 г натрий перйодат *R* 2,5 мл 25 % (ҳажм/ҳажм) сульфат кислота *R* эритмасида эритилади ва эритма ҳажми 99,8 % сирка кислота *R* билан 100,0 мл гача етказилади.

**2-Йодгиппур кислота [2-Iodohippuric acid].**  $C_9H_8INO_3 \cdot 2H_2O$ . (М.м. 341,1). 1046200. [CAS: 147-58-0].

2-(2-Йодбензамидо)сирка кислота.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда ўртача эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 170 °C атрофида.

Сув (2.5.12) 9 % дан 13 % гача. Аниқлашни 1,000 г да ўтказилади.

**Хроматография.** Аниқлашни юпка қатламли хроматография усулида (2.2.27) ўтказилади, юпка қатлам сифатида хроматография учун целлюлоза  $F_{254}$  *R* дан фойдаланилади. Хроматографик пластинканинг старт чизиғига 40 мг 4 мл 0,1 М натрий гидроксид эритмаси эритиб, сув *R* билан эритма ҳажми 10 мл гача суолтириб, тайёрланган 20 мкл 2-йодбензой кислота эритмасидан томизилади. Хроматографиялашда ҳаракатчан фаза сифатида сув *R* – 99,8 % сирка кислота *R* – толуол *R* (20:40:40) эритувчилар аралашмасини чайқатганда олинган юқори қатламдан фойдаланилади. Эритувчилар фронти 12 см га кўтарилгандан сўнг, пластинкани УБ-нурида 254 нм тўлқин узунлигида кўрилади. Хроматограммада фақат битта асосий доғ аниқланиши керак.

**Йод кислота [Periodic acid].**  $H_5IO_6$ . (М.м. 227,9). 1108900. [CAS: 10450-60-9].

Кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 122 °C атрофида.

**Йод сирка кислотаси [Iodoacetic acid].**  $C_2H_3IO_2$ . (М.м. 185,9). 1107000. [CAS: 64-69-7].

Рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда ва 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 82 °C дан 83 °C гача.

**5-Йодурацил [5-Iodouracil].**  $C_4H_3IN_2O_2$ . (М.м. 238,0). 1046500. [CAS: 696-07-1].

5-Йод-1*H*,3*H*-пиримидин-2,4-дион.

Суюқланиш ҳарорати: 276 °C атрофида, парчаланиши билан.

**Хроматография.** Йодоксиуридин (0669) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юпка қатламли хроматография усули (2.2.27) ёрдамида аниқланади: 0,25 г/л эритмасидан 5 мкл суртилади; хроматограммада фақат битта асосий доғ аниқланиши керак.

**Йод хлорид [Iodine chloride].**  $ICl$ . (М.м. 162,4). 1143000. [CAS: 7790-99-9].

Қора рангли кристаллар. Сув, сирка кислотаси ва 96 % спиртда эрийди.

Қайнаш ҳарорати: 97,4 °C атрофида.

**Йод хлорид эритмаси [Iodine chloride solution].** 1143001.

1,4 г йод хлориди *R* 99,8 % сирка кислота *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу кислота билан 100 мл гача етказилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йод эритмаси R1 [Iodine solution R1].** 1045801.

10,0 мл 0,05 М йод эритмасига 0,6 г калий йодид *R* қўшилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 100,0 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатили-шидан аввал тайёрланади.

**Йод эритмаси R2 [Iodine solution R2].** 1045802.

10,0 мл 0,05 М йод эритмасига 0,6 г калий йодид *R* қўшилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 1000,0 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатили-лишидан аввал тайёрланади.

**Йод эритмаси R3 [Iodine solution R3].** 1045803.

2,0 мл йод эритмаси *R1* ни сув *R* билан 100,0 мл ҳажмгача етказилади. Эритма бевосита ишлатили-шидан аввал тайёрланади.

**Йод эритмаси R4 [Iodine solution R4].** 1045806.

14 г йод *R* 400 г/л калий йодид *R* нинг 100,0 мл эритмасида эритилади, 1 мл хлорид кислотаси, суолтирилган *R* қўшилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 1000 мл гача етказилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йод эритмаси R5 [Iodine solution R5].** 1045807.

12,7 г йод *R* ва 20 г калий йодид *R* сув *R* да эритилади, эритманинг ҳажми сув *R* билан 1000,0 мл гача етказилади (0,05 М эритма).

**Йод-123 ва рутений-106 маълум концентрацияли эритмаси [Iodine-123 and ruthenium-106 spiking solution].** 1166700.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади. Фаоллиги 18,5 кБк/мл бўлган, рутений трихлорид кўринишидаги рутений-106 нинг тенг ҳажмдаги 99,8 % сирка кислота *R* ва сув *R* аралашмасидаги 3,5 мл эритмаси ва натрий йодиднинг сув *R* даги эритмаси кўринишидаги фаоллиги 75 кБк/мл бўлган 200 мкл йод-123 эритмаси билан аралаштирилади.

**Йодат-крахмал қоғози [Starch iodate paper].** 1085101.

Фильтр қоғози тасмалари 0,1 г калий йодат *R* сақлаган, 100 мл йодидлар сақламаган крахмал эритмаси *R* га туширилади. Ёруғликдан ҳимояланган жойда қурилади.

Ёруғликдан ҳимояланган жойда сақланади.

**Йодацетамид [Iodoacetamide].**  $C_2H_4INO$ .

(М.м. 185,0). 1186200. [CAS: 144-48-9].

2-Йодацетамид.

Озроқ сариқ рангли кристалл кукун. Сувда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 92 °C атрофида.

**Йодбромид [Iodine bromide].**  $IBr$ . (М.м. 206,8). 1045900. [CAS: 7789-33-5].

Мовийсимон-қора рангдан жигаррангсимон-қора ранггача бўлган кристаллар.

Сув, 96 % спирт ва 99,8 % сирка кислотасида осон эрийди.

Қайнаш ҳарорати: 116 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 40 °C атрофида.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йодид кислота [Hydriodic acid].** HI. (М.м. 127,9). 1098900. [CAS: 10034-85-2]

Йодид кислотасини кизил фосфор устида ҳайдалади, ҳайдаш вақтида *углерод диоксид R* ёки *азот R* лардан ўтказилади. Доимий ҳароратда қайнаб турадиган (55 % дан 58 % гача HI) 126 °C дан 127 °C гача ҳароратда ҳайдаладиган рангсиз ёки деярли рангсиз аралашма ишлатилади.

Кислотани олдиндан *углерод диоксид R* ёки *азот R* билан шиширилган, кўнғир рангли, шиша тиқинли, катта бўлмаган шиша флаконларга жойлаштирилади ва парафинланади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йод-крахмал қоғози [Starch iodide paper].** 1085106.

Фильтр қоғоз тасмаси 100 мл *калий йодидли крахмал эритмаси R* га туширилади. Ортиқча суюқлик йўқотилади. Ёруғликдан ҳимояланган жойда қуригилади.

*Сезувчанликка синов.* 0,05 мл 0,1 М *натрий нитрат эритмаси*, 4 мл *хлорид кислота R* билан аралаштирилади ва сув *R* билан 100 мл гача суюлтирилади. Бир томчи эритмани йодкрахмал қоғозга томизилганда кўк рангли доғ пайдо бўлиши керак.

**Йодни хлороформдаги эритмаси [Iodine solution, chloroformic].** 1045805.

5 г/л *йод R* ни *хлороформ R* даги эритмаси.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йоднинг спиртли эритмаси [Iodine solution, alcoholic].** 1045804.

10 г/л *йод R* ни 96 % *спирт R* даги эритмаси.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йодплатина реактиви [Iodoplatinate reagent].** 1046300.

3 мл 100 г/л *хлорплатина кислота R* эритмасига 97 мл сув *R* ва 100 мл 60 г/л *калий йодид R* эритмаси қўшилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Йодплатина реактиви R1 [Iodoplatinate reagent R1].** 1172200.

Концентрацияси 50 г/л бўлган 2,5 мл *хлорплатин кислота R* эритмасини, бўлган 100 г/л бўлган 22,5 мл *калий йодид R* эритмаси ва 50 мл сув *R* билан аралаштирилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда, 2 °C дан 8 °C гача ҳароратда.

**Йодсульфит реактиви [Iodosulphurous reagent].** 1046400.

Реактивни тайёрлаш мосламаси сифими 3000 мл дан 4000 мл гача бўлган туби юмалоқ, уч бўгинли колбадан иборат бўлиб, унинг бўгинларига аралаштиргич, термометр ва қуритгич билан тўлдирилган трубка жойланган ҳамда тайёрлаш жараёнида ёпик ва қуруқ бўлиши керак. Колбага 700 мл *сувсиз пиридин R* ва 700 мл *этиленгликоль монометил эфири R* солинади, ҳамда доимий равишда аралаштириб турган ҳолда, олдиндан *фосфор (V) оксиди R* устида қуритилган 220 г майдалаб

янчилган *йод R* қўшилади. Йод тўлиқ эриб кетгунча (30 мин атрофида) аралаштиришни давом эттирилади, сўнг колбани – 10 °C гача совитилади ва доимий равишда аралаштириб турган ҳолда, тезлик билан 190 г *олтингурут диоксиди R* қўшилади. Реакцион аралашмани ҳарорати 30 °C дан ошмаслиги керак. Совитилади.

*Миқдорий таҳлил.* 20 мл атрофида *сувсиз метанол R* титрлаш колбасига солинади ва тайёрланган йодсульфит реактиви билан титрланади (2.5.12, сувни аниқлаш). Аниқ миқдорда тортилган сув *R* қўшилади ва сувни аниқлашни қайтарилади. 1 мл йодсульфит реактивига мос келадиган сувнинг миллиграммлардаги миқдори ҳисоблаб топилади.

1 мл йодсульфит реактиви минимум 3,5 мл сувга мос келиши керак. Эритмани атмосфера намлиги таъсиридан сақлаш чоралари кўрилиши шарт. Ишлатилишидан аввал тўғридан-тўғри стандартланади.

Сақланиши: қуруқ идишда.

**Йодэтан [Iodoethane].** C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>I (М.м. 156,0). 1099100. [CAS: 75-03-6].

*Миқдори:* 99 % дан кам эмас.

Рангсиздан озроқ сарғишсимон ранггача бўлган суюқлик, ҳаво ва ёруғлик таъсирида ранги тўқлашади. 96 % спирт ва кўп органик эритувчилар билан аралашади.  $d_{20}^{20}$ : 1,95 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,513 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 72 °C атрофида.

Сақланиши: герметик идишда, ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кадмий [Cadmium].** Cd. (А.м. 112,4). 1014100. [CAS: 10108-64-2].

Кумушсимон-оқ рангли ялтироқ металл. Сувда амалда эримайди, нитрат кислота ва қайноқ хлорид кислотада осон эрийди.

**Кадмий нитрат тетрагидрати [Cadmium nitrate tetrahydrate].** Cd(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>·4H<sub>2</sub>O. (М.м. 308,5). 1174900. [CAS: 10022-68-1].

Гигроскопик ромбиксимон кристаллар, сувда жуда осон эрийди, ацетон ва 96 % спиртида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 59,5 °C атрофида.

**Казеин [Casein].** 1016600. [CAS: 9000-71-9].

Сутдан олинган фосфопротеинлар турдош аралашмаси.

Аморф кукун ёки оқ рангли гранулалар. Сувда ва кутбсиз органик эритувчиларда жуда кам эрийди, концентранган хлорид кислотада оч бинафша рангли эритма ҳосил қилиб эрийди. Кислота ва асослар билан тузлар ҳосил қилади. Казеинни изоэлектрик нуктаси рН 4,7 атрофида. Ишқорли эритмалари кутбланган нур текислигини чапга буради.

**Калий 4-сульфобензоат [Potassium 4-sulfobenzoate].** C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>KO<sub>5</sub>S. (М.м. 240,3). 1190000. [CAS: 5399-63-3].

4-Сульфобензой кислота.

Калий 4-карбоксисбензолсульфонат.

Оқ кристалл кукун.

**Калий ацетат [Potassium acetate].** 1175900. [CAS: 127-08-2].

Калий ацетат (1139) га қаралсин.

**Калий бикарбонат [Potassium bicarbonate].**

1069900. [CAS: 298-14-6].

*Калий гидрокарбонат R* га қаралсин.

**Калий бикарбонатнинг метанолдаги тўйинган эритмаси [Potassium bicarbonate solution, saturated methanolic].** 1069901.

*Калий гидрокарбонатнинг метанолдаги тўйинган эритмаси R* га қаралсин.

**Калий бромат [Potassium bromate].**  $\text{KBrO}_3$ .

(М.м. 167,0). 1068700. [CAS: 7758-01-2].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар ёки грануланган кукун. Сувда эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Калий бромид [Potassium bromide].** 1068800.

[CAS: 7758-02-3].

*Калий бромид (0184)* га қаралсин.

*Инфракизил абсорбцион спектрофотометрияда (2.2.24) ишлатиладиган калий бромид, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

Олдиндан 1 соат давомида 250 °C ҳароратда курилган 2 мм қалинликдаги калий бромид дискиннинг ИК-спектри 4000  $\text{см}^{-1}$  дан 620  $\text{см}^{-1}$  гача тўлқин узунлигидаги ораликда деярли текис асосий чизиққа эга бўлиши керак. Сув учун 344  $\text{см}^{-1}$  ва 1630  $\text{см}^{-1}$  тўлқин узунлигидаги ютилишдан ташқари, асосий чизиққа нисбатан 0,02 дан юқори ютилиш максимумига эга бўлмаслиги керак.

**Калий гидрокарбонат [Potassium hydrogen carbonate].**  $\text{KHCO}_3$ . (М.м. 100,1). 1069900.

[CAS: 298-14-6].

Калий бикарбонат.

Шаффоф, рангсиз кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эрмайди.

**Калий гидрокарбонатнинг метанолдаги тўйинган эритмаси [Potassium hydrogen carbonate solution, saturated methanolic].** 1069901.

0,1 г *калий гидрокарбонат R* ни 0,4 мл *сув R* да сув ҳаммомида иситиб эритилади, устига 25 мл *метанол R* қўшилади ва айланма ҳаракат билан аралаштирилади, иситиш эригунча давом эттирилади. Эритма бевосита ишлатишдан аввал тайёрланади.

**Калий гидроксид [Potassium hydroxide].** 1070300.

[CAS: 1310-58-3].

*Калий гидроксид (0840)* га қаралсин.

**Калий гидроксиднинг 0,5 М спиртли эритмаси (10 %, ҳажм/ҳажм) [Potassium hydroxide in alcohol (10 per cent V/V), 0,5 M].** 1070302.

28 г *калий гидроксид R* ни 100 мл 96 % *спирт R* да эритилади ва эритма ҳажмини *сув R* билан 1000 мл гача етказилади.

**Калий гидроксиднинг 2 М спиртли эритмаси [Potassium hydroxide, alcoholic, 2 M].** 1070301.

12 г *калий гидроксид R* ни 10 мл *сув R* да эритилади ва эритма ҳажмини 96 % *спирт R* билан 100 мл гача етказилади.

**Калий гидроксиднинг спиртли эритмаси [Potassium hydroxide solution, alcoholic].** 1070303.

3 г *калий гидроксид R* ни 5 мл *сув R* да эритилади ва эритма ҳажмини 96 % *спирт*, *альдегидлар сақламаган R*

билан 100 мл гача етказилади. Шаффоф эритмани декантация қилинади. Эритма амалда рангсиз бўлиши керак.

**Калий гидроксиднинг спиртли эритмаси R1 [Potassium hydroxide solution, alcoholic R1].** 1070304.

6,6 г *калий гидроксид R* ни 50 мл *сув R* да эритилади ва эритма ҳажмини *сувсиз спирт R* билан 1000 мл гача етказилади.

**Калий гидросульфат [Potassium hydrogen sulphate].**  $\text{KHSO}_4$ . (М.м. 136,2). 1070100. [CAS: 7646-93-7].

Шаффоф, рангсиз, гигроскопик кристаллар. Сувда осон эрийди, кучли кислота эритмасини ҳосил қилади.

*Сақланиши:* герметик идишда.

**Калий гидротартрат [Potassium hydrogentartrate].**  $\text{C}_4\text{H}_5\text{KO}_6$ . (М.м. 188,2). 1070200. [CAS: 868-14-1].

Калий гидро (2R,3R)-2,3-ди-гидроксидбутан-1,4-диоат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки рангсиз, бироз жилосиз кристаллар. Сувда кам эрийди, қайнаётган сувда эрийди, 96 % спиртда жуда кам эрийди.

**Калий гидрофталат [Potassium hydrogen phthalate].**  $\text{C}_8\text{H}_5\text{KO}_4$ . (М.м. 204,2). 1070000. [CAS: 877-24-7].

Калий гидробензол-1,2-дикарбоксилат.

Оқ рангли кристаллар. Сувда эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Калий гидрофталатнинг 0,2 М эритмаси [Potassium hydrogen phthalate, 0,2 M].** 1070001.

1000,0 мл эритмадаги  $\text{C}_8\text{H}_5\text{KO}_4$  га нисбатан қайта ҳисобланганда 40,84 г *калий гидрофталат R* эритмаси сақлайди.

**Калий дигидрофосфат [Potassium dihydrogen phosphate].** 1069600. [CAS: 7778-77-0].

*Калий дигидрофосфат (0920)* га қаралсин.

**Калий дигидрофосфатнинг 0,2 М эритмаси [Potassium dihydrogen phosphate, 0,2 M].** 1069601.

1000,0 мл эритмадаги  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  га нисбатан қайта ҳисобланганда 27,22 г *калий дигидрофосфат R* эритмаси сақлайди.

**Калий дихромат [Potassium dichromate].**  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ . (М.м. 294,2). 1069500. [CAS: 7778-50-9].

Дикалий дихромат.

Спектрофотометрларни (2.2.25) калибрлаш учун ишлатиладиган калий дихромат 130 °C ҳароратда куритилиб, курук моддага қайта ҳисобланганда 99,9 % дан кам бўлган  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$  сақлаши керак.

Зарғалдоқ-кизил рангли кристаллар. Сувда эрийди, 96 % этил спиртда амалда эрмайди.

*Миқдорий таҳлил.* 1,000 г калий дихромат *сув R* да эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 250,0 мл гача етказилади. Ҳосил бўлган эритмадан 50,0 мл олиб, сиғими 500 мл бўлган колбага солинади ва устига 100 мл *сув R* да янги тайёрланган 4 г *калий йодид R*, 2 г *натрий гидрокарбонат R* ва 6 мл *хлорид кислота R* дан таркиб топган эритма қўшилади. Колба тикин билан беркитилади, ёруғликдан ҳимояланган жойда 5 мин давомида сақланади ва индикатор сифатида 1 мл *йодидлар сақламаган крахмал эритмаси R* фойдаланган ҳолда 0,1 М *натрий тиосульфат эритмаси* билан титрланади. 1 мл 1



*М натрий тиосульфат эритмасига 4,903 мг  $K_2Cr_2O_7$  мувофиқ келади.*

**Калий дихромат эритмаси [Potassium dichromate solution]. 1069501.**

106 г/л калий дихромат *R* эритмаси.

**Калий дихромат эритмаси R1 [Potassium dichromate solution R1]. 1069502.**

5 г/л калий дихромат *R* эритмаси.

**Калий йодат [Potassium iodate].  $KIO_3$ . (М.м. 214,0). 1070400. [CAS: 7758-05-6].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда эрийди.

**Калий йодвисмутат эритмаси [Potassium iodobismuthate solution]. 1070600.**

0,85 г висмут нитрат асосли *R* га 40 мл сув *R*, 10 мл 99,8 % сирка кислота *R* ва 20 мл 400 г/л калий йодид *R* эритмаси қўшилади.

**Калий йодвисмутат эритмаси R1 [Potassium iodobismuthate solution R1]. 1070601.**

100 г вино кислота *R*, 400 мл сув *R* да эритилади, устига 8,5 г асосли висмут нитрат *R* қўшилади, 1 соат давомида чайқатилади, 200 мл 400 г/л калий йодид *R* эритмаси қўшилади ва кучли чайқатилади. 24 соат сақланади ва филтрланади.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

**Калий йодвисмутат эритмаси R2 [Potassium iodobismuthate solution R2]. 1070602.**

Бошланғич эритма. 40 мл сув *R* да 1,7 г асосли висмут нитрат *R* ва 20 г вино кислота *R* ни суспензияси тайёрланади. Суспензияга 40 мл 400 г/л калий йодид *R* қўшилади ва 1 соат давомида чайқатилади ва филтрланади.

Кўнғир рангли шиша флаконда сақланганда эритмани ярқилик муддати бир неча сутка.

Пуркаш учун эритма. Эритма ишлатилишидан аввал 5 мл бошланғич эритма 15 мл сув *R* билан аралаштирилади.

**Калий йодвисмутат эритмаси R3 [Potassium iodobismuthate solution R3]. 1070604**

0,17 г асосли висмут нитрат *R*, 2 мл 99,8 % сирка кислота *R* ва 18 мл сув *R* дан таркиб топган аралашмада эритилади, устига 4 г калий йодид *R*, 1 г йод *R* қўшилади ва суюлтирилган сульфат кислота *R* билан 100 мл гача суюлтирилади.

**Калий йодвисмутат эритмаси R4 [Potassium iodobismuthate solution R4]. 1070605.**

1,7 г висмут нитрат асоси *R* 20 мл 99,8 % сирка кислота *R* да эритилади, 20 мл сув дистилланган *R*, 400 г/л концентрацияли 100 мл калий йодид *R*, 200 мл 99,8 % сирка кислота *R* қўшилади ва сув *R* билан 1000 мл гача суюлтирилади. Олинган эритма билан 200 г/л концентрацияли барий хлорид *R* эритмаси 2:1 нисбатда аралаштирилади.

**Калий йодвисмутат эритмаси R5 [Potassium iodobismuthate solution R5]. 1070606.**

0,85 г висмут нитрат асосли *R* га 10 мл 99,8 % сирка кислота *R* қўшилади ва эҳтиёткорлик билан

тўлиқ эриб кетгунча қиздирилади. 40 мл сув *R* қўшилади ва совитишга қолдирилади. Ҳосил бўлган эритмадан 5 мл олиб, устига 5 мл 400 г/л концентрацияли калий йодид *R*, 20 мл 99,8 % сирка кислота *R* ва 70 мл сув *R* қўшилади.

**Калий йодвисмутатнинг суюлтирилган эритмаси [Potassium iodobismuthate solution, dilute]. 1070603.**

100 г вино кислотаси *R* 500 мл сув *R* да эритилади ва 50 мл калий йодовисмутат эритмаси *R1* қўшилади.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

**Калий йодид [Potassium iodide]. 1070500. [CAS: 7681-11-0].**

Калий йодид (0186) га қаралсин.

**Калий йодид эритмаси [Potassium iodide solution]. 1070502.**

166 г/л калий йодид *R* эритмаси.

**Калий йодидли крахмал эритмаси [Potassium iodide and starch solution]. 1070501.**

0,75 г калий йодид *R* 100 мл сув *R* да эритилади, қайнагунча қиздирилади ва аралаштириб турган ҳолда 0,5 г эрувчан крахмал *R* нинг 35 мл сув *R* даги эритмасидан қўшилади. 2 мин давомида қайнатилади ва совутилади.

Сезувчанликка синов. 15 мл калий йодидли крахмал эритмаси, 0,05 мл 99,8 % сирка кислота *R* ва 0,3 мл йод эритмаси *R2* дан иборат аралашма кўк рангга эга бўлиши керак.

**Калий йодиднинг йодланган эритмаси [Potassium iodide solution, iodinated]. 1070503.**

2 г йод *R* ва 4 г калий йодид *R*, 10 мл сув *R* да эритилади, тўлиқ эриб бўлгандан сўнг, эритма ҳажмини сув *R* билан 100 мл га етказилади.

**Калий йодиднинг йодланган эритмаси R1**

**[Potassium iodide solution, iodinated R1]. 1070505.**

500 мг йод *R* ва 1,5 г калий йодид *R* ни сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан 25 мл гача суюлтирилади.

**Калий йодиднинг тўйинган эритмаси [Potassium iodide solution, saturated]. 1070504.**

Углерод диоксиди сақламаган сув *R* даги калий йодид *R* нинг тўйинган эритмаси эрмаган кристалларни сақлаши керак.

0,5 мл калий йодиднинг тўйинган эритмаси 30 мл хлороформ *R* – сирка кислота *R* (2:3) аралашмаси билан аралаштирилади, 0,1 мл крахмал эритмаси *R* қўшилади; агар кўк ранг пайдо бўлса, 0,05 мл 0,1 М натрий тиосульфат эритмасининг қўшилганда рангсизланиши керак.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

**Калий карбонат [Potassium carbonate].  $K_2CO_3$ . (М.м. 138,2). 1068900. [CAS: 584-08-7].**

Дикалий карбонат.

Оқ ёки деярли оқ рангли гранулаланган кукун, гигроскопик. Сувда жуда осон эрийди, сувсиз спиртда амалда эрмайди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Калий нитрат [Potassium nitrate].**  $\text{KNO}_3$ .  
(М.м. 101,1). 1070700. [CAS: 17757-79-1].  
Рангсиз кристаллар. Сувда жуда осон эрийди.

**Калий перйодат [Potassium periodate].**  $\text{KIO}_4$ .  
(М.м. 230,0). 1070800. [CAS: 7790-21-8].  
Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки рангсиз кристаллар. Сувда эрийди.

**Калий перманганат [Potassium permanganate].** 1070900. [CAS: 7722-64-7].  
Калий перманганат (0121) га қаралсин.

**Калий перманганат эритмаси [Potassium permanganate solution].** 1070902.  
30 г/л калий перманганат R эритмаси.

**Калий перманганатнинг фосфат кислотадаги эритмаси [Potassium permanganate and phosphoric acid solution].** 1070901.

3 г калий перманганат R, 15 мл фосфор кислота R ва 70 мл сув R аралашмасида эритилади, эритма ҳажми сув R билан 100 мл гача етказилади.

**Калий перренат [Potassium perhenate].**  $\text{KReO}_4$ .  
(М.м. 289,3). 1071000. [CAS: 10466-65-6].

Оқ рангли кристалл кукун. Сувда эрийди, 96 % спиртта, метанолда ва пропиленгликолда кам эрийди.

**Калий персульфат [Potassium persulphate].**  $\text{K}_2\text{S}_2\text{O}_8$ .  
(М.м. 270,3). 1071100. [CAS: 7727-21-1].  
Дикалий пероксидисульфат.

Рангсиз кристаллар ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда ўртача эрийди, 96 % спиртта амалда эрмайди. Сувли эритмалари хона ҳароратида парчаланади, киздирилганда тезроқ парчаланади.

**Калий пироантимонат [Potassium pyroantimonate].**  $\text{KSb}(\text{OH})_6$ . (М.м. 262,9). 1071300. [CAS: 12208-13-8].

Калий гексагидроксоантимониат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки кристаллар. Сувда ўртача эрийди.

**Калий пироантимонат эритмаси [Potassium pyroantimonate solution].** 1071301.

2 г калий пироантимонат R 95 мл иссиқ сув R да эритилади, тезда совитилиб, 50 мл сув R да 2,5 г калий гидроксид R сақлаган эритма қўшилади ва 1 мл суялтирилган натрий гидроксиди эритмаси R қўшилади. 24 соатга қолдирилади, филтрланади ва эритма ҳажми сув R билан 150 мл гача етказилади.

**Калий пироантимонат эритмаси R1 [Potassium pyroantimonate solution R1].** 1071302.

2,0 г калий пироантимонат R 100 мл иссиқ сув R да эритилади. Тахминан 5 мин давомида қайнатилади, тезда совутиб олинадиган ва 10 мл 150 г/л концентрацияли калий гидроксид R эритмаси қўшилади. Тиндириш учун 24 соатга қолдирилади ва филтрланади.

**Калий плюмбит эритмаси [Potassium plumbite solution].** 1071200.

1,7 г қўрғошин (II) ацетат R, 3,4 г калий цитрат R ва 50 г калий гидроксид R ни сув R да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100 мл гача етказилади.

**Калий сульфат [Potassium sulfate].** 1033100. [CAS: 7778-80-5].

Дикалий сульфат R га қаралсин.

**Калий тартрат [Potassium tartrate].**  
 $\text{C}_4\text{H}_4\text{K}_2\text{O}_6 \cdot \frac{1}{2}\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 235,3). 1071400. [CAS: 921-53-9].  
Дикалий (2R,3R)-2,3-дигидроксидбутан-1,4-дикарбоксилат гемигидрат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар ёки гранулаланган кукун. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртта жуда кам эрийди.

**Калий тетраиод меркурат эритмаси [Potassium tetraiodomercurate solution].** 1071500.

1,35 г симоб (II) хлорид R ни 50 мл сув R да эритилади, 5 г калий йодид R қўшилади ва эритма ҳажмини сув R билан 100 мл гача етказилади.

**Калий тетраиодмеркуратининг ишқорли эритмаси [Potassium tetraiodomercurate solution, alkaline].** 1071600.

11 г калий йодид R ва 15 г симоб (II) йодид R ни сув R да эритилади, эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100 мл гача етказилади. Олинган эритмани бевосита ишлатилишидан олдин 250 г/л натрий гидроксид R (1:1) эритмаси билан аралаштирилади.

**Калий тетраоксалат [Potassium tetroxalate].**  
 $\text{C}_4\text{H}_3\text{KO}_8 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 254,2). 1071700. [CAS: 6100-20-5].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда ўртача эрийди, қайнаётган сувда эрийди, 96 % спиртта кам эрийди.

**Калий тиоцианат [Potassium thiocyanate].**  $\text{KSCN}$ .  
(М.м. 97,2). 1071800. [CAS: 333-20-0].

Хавода эрийдиган, рангсиз кристаллар. Сув ва 96 % спиртта жуда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Калий тиоцианат эритмаси [Potassium thiocyanate solution].** 1071801.

97 г/л калий тиоцианат R эритмаси.

**Калий ферриперйодат эритмаси [Potassium ferriperiodate solution].** 1070801.

1 г калий перйодат R 5 мл янги тайёрланган 120 г/л калий гидроксиди R да эритилади ҳамда устига 20 мл сув R ва 1,5 мл темир (III) хлориди R1 эритмаси қўшилади. Ҳосил бўлган эритмани янги тайёрланган 120 г/л калий гидроксид R эритмаси билан 50 мл ҳажмгача етказилади.

**Калий феррицианид [Potassium ferricyanide].**  $\text{K}_3[\text{Fe}(\text{CN})_6]$ . (М.м. 329,3). 1069700. [CAS: 13746-66-2].

Калий гексацианоферрат(III).

Қизил рангли кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Калий феррицианид эритмаси [Potassium ferricyanide solution].** 1069701.

5 г калий феррицианид R оз миқдордаги сув билан ювилади, сўнгра сув R да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Калий ферроцианид [Potassium ferrocyanide].**  $\text{K}_4[\text{Fe}(\text{CN})_6] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 422,4). 1069800.

[CAS: 14459-95-1].

Калий гексацианоферрат (II).

Сариқ рангли шаффоф кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эримади.

**Калий ферроцианид эритмаси [Potassium ferrocyanide solution]. 1069801.**

53 г/л калий ферроцианид *R* эритмаси.

**Калий фосфат тригидрати [Tripotassium phosphate trihydrate].  $K_3PO_4 \cdot 3H_2O$ . (М.м. 266,3). 1155300.**

[CAS: 22763-03-7].

Трикалий фосфат тригидрати.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда осон эрийди.

**Калий фторид [Potassium fluoride]. KF. (М.м. 58,1). 1137800. [CAS: 7789-23-3].**

Рангсиз кристаллар ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, ҳавода эрувчан, сувда эрийди, 96 % спиртда амалда эримади.

**Калий хлорат [Potassium chlorate].  $KClO_3$ . (М.м. 122,6). 1069000. [CAS: 3811-04-9].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар ёки кукун ёки гранулалар. Сувда эрийди.

**Калий хлорид [Potassium chloride]. 1069100. [CAS: 7447-40-7].**

Калий хлорид (0185) га қаралсин.

Инфрақизил абсорбцион спектрофотометрияда (2.2.24) ишлатиладиган калий хлорид, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Олдиндан 1 соат давомида 250 °C ҳароратда қуритилган, 2 мм қалинликдаги калий бромид дискиннинг ИҚ-спектри 4000 см<sup>-1</sup> дан 620 см<sup>-1</sup> гача оралиқдаги тўлқин узунлигидаги деярли текис асосий чизикқа эга бўлиши керак. Сув учун 3440 см<sup>-1</sup> ва 1630 см<sup>-1</sup> тўлқин узунлигидаги ютилишдан ташқари, асосий чизикқа нисбатан 0,02 дан юқори ютилиш максимумига эга бўлмаслиги керак.

**Калий хлориднинг 0,1 М эритмаси [Potassium chloride, 0,1 M]. 1069101.**

Калий хлорид *R* эритмаси 1000,0 мл эритмадаги KCl га нисбатан қайта ҳисобланганда 7,46 г KCl сақлайди.

**Калий хромат [Potassium chromate].  $K_2CrO_4$ . (М.м. 194,2). 1069200. [CAS: 7789-00-6].**

Дикалий хромат.

Сариқ рангли кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Калий хромат эритмаси [Potassium chromate solution]. 1069201.**

50 г/л калий хромат *R* эритмаси.

**Калий цианид [Potassium cyanide]. KCN. (М.м. 65,1). 1069400. [CAS: 151-50-8].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллсимон кукун ёки масса ёки гранулалар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Калий цианид эритмаси [Potassium cyanide solution]. 1069401.**

100 г/л калий цианид *R* эритмаси.

**Калий цианид эритмаси, қўрғошин сақламаган [Potassium cyanide solution, lead-free]. 1069402.**

10 г калий цианид *R* ни 90 мл сув *R* да эритилади, устига 2 мл концентрланган водород пероксиди *R* нинг (1:5) нисбатдаги суюлтирилган эритмаси қўшилади. Эритма 24 соат давомида тиндирилади, сўнгра сув *R* билан 100 мл гача суюлтирилади ва филтрланади.

Эритма қуйидаги синов талабларини бажариши керак. 10 мл эритмага 10 мл сув *R* ва 10 мл водород сульфид эритмаси *R* қўшилади. 5 мл суюлтирилган хлорид кислота *R* қўшилгандан сўнг эритмада ранг ҳосил бўлмаслиги керак.

**Калий цитрат [Potassium citrate]. 1069300. [CAS: 6100-05-6].**

Калий цитрат (0400) га қаралсин.

**Калий-натрий тарtrat [Sodium potassium tartrate].  $C_4H_4KNaO_6 \cdot 4H_2O$ . (М.м. 282,2). 1083500. [CAS: 6381-59-5].**

Рангсиз призмасимон кристаллар. Сувда жуда осон эрийди.

**Кальконкарбон кислотаси [Calconecarboxylic acid].  $C_{21}H_{14}N_2O_7S$ . (М.м. 492,5). 1015300. [CAS: 3737-95-9].**

2-Гидрокси-1-(2-гидрокси-4-сульфо-1-нафтилазо)нафталин-3-карбон кислота.

Жигаррангсимон-қора рангли кукун. Сувда кам эрийди, ацетон ва 96 % спиртда жуда кам эрийди, натрий гидроксиднинг суюлтирилган эритмаларида ўртача эрийди.

**Кальконкарбон кислотасининг индикаторли аралашмаси [Calconecarboxylic acid triturate]. 1015301.**

1 қисм кальконкарбон кислота *R*, 99 қисм натрий хлорид *R* билан аралаштирилади.

Сезувчанликка синов. 50 мг кальконкарбон кислотанинг индикатор аралашмаси 2 мл концентрланган натрий гидроксид эритмаси *R* ва 100 мл сув *R* аралашмасида эритилади; кўк ранг ҳосил бўлади, унга 1 мл 10 г/л магний сульфат *R* ва 0,1 мл 1,5 г/л кальций хлорид *R* эритмаси қўшилганда бинафша рангга ўтади; 0,15 мл 0,01 М натрий эдетат эритмаси *R* қўшилганда яна қайта тоза кўк ранг ҳосил бўлади.

**Кальций гидроксид [Calcium hydroxide].  $Ca(OH)_2$ . (М.м. 74,1). 1015000. [CAS: 1305-62-0].**

Кальций дигидроксид.

Оқ рангли кукун. 600 қисм сувда амалда тўлиқ эрийди.

**Кальций гидроксид эритмаси [Calcium hydroxide solution]. 1015001.**

Янги тайёрланган тўйинган эритма.

**Кальций карбонат [Calcium carbonate].  $CaCO_3$ . (М.м. 100,1). 1014500. [CAS: 471-34-1].**

Кальций карбонат (0014) га қаралсин.

**Кальций карбонати R1 [Calcium carbonate R1]. 1014501.**

Кальций карбонат *R* учун талабларга ва қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Хлоридлар (2.4.4). 50 ppm дан кўп эмас.

**Кальций лактат пентагидрат [Calcium lactate pentahydrate]. 1015100. [CAS: 41372-22-9].**

*Кальций лактат пентагидрат (0468) га қаралсин.*

**Кальций сульфат [Calcium sulphate].**  $\text{CaSO}_4 \cdot \frac{1}{2}\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 145,1). 1015200. [CAS: 10034-76-1].

Кальций сульфат гемигидрат.

Оқ рангли кукун. Тахминан 1500 қисм сувда эрийди, 96 % спиртда амалда эримади. Кальций сульфат массасининг ярмига тенг ҳажмдаги сув билан аралаштирилганда кукун тезда қотиб, қаттиқ ғоваксимон массага айланади.

**Кальций сульфат эритмаси [Calcium sulphate solution].** 1015201.

5 г кальций сульфат R 100 мл сув R билан 1 соат давомида чайқатилади ва филтрланади.

**Кальций фосфат бир асосли моногидрати [Calcium phosphate monobasic monohydrate].**  $\text{CaH}_4\text{O}_8\text{P}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 252,1). 1157200. [CAS: 10031-30-8].

Кальций тетрагидробисфосфонат моногидрати. Фосфор кислотасининг (2:1) нисбатдаги кальцийли тузининг моногидрати.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, сувда эрийди.

**Кальций хлорид [Calcium chloride].** 1014600. [CAS: 10035-04-8].

*Кальций хлорид (0015) га қаралсин.*

**Кальций хлорид R1 [Calcium chloride R1].**  $\text{CaCl}_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 183,1). 1014700.

Кальций хлорид тетрагидрати.

*Темп:* 0,05 ppm дан кўп эмас.

**Кальций хлорид эритмаси [Calcium chloride solution].** 1014601.

73,5 г/л кальций хлорид R эритмаси.

**Кальций хлорид, сувсиз [Calcium chloride, anhydrous].**  $\text{CaCl}_2$ . (М.м. 111,0). 1014800. [CAS: 10043-52-4].

*Миқдори:* Куруқ моддага нисбатан ҳисобланганда 98,0 % дан кам бўлмаган  $\text{CaCl}_2$ .

Оқ ёки деярли оқ рангли гранулалар, ҳавода суюкланади. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спирт ва метанолда осон эрийди.

*Қуритишдаги массанинг йўқотилиши* (2.2.32): 5,0 % дан кўп эмас. Аниқлашни қуритгич шкафида 200 °C ҳароратда олиб борилади.

*Сақланиши:* герметик идишда, намлик таъсиридан ҳимояланган ҳолда.

**Кальций хлоридининг 0,01 М эритмаси [Calcium chloride solution 0,01 M].** 1014602.

0,147 г кальций хлориди R, сув R да эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Кальций хлоридининг 0,02 М эритмаси [Calcium chloride solution 0,02 M].** 1014603.

2,94 г кальций хлориди R, 900 мл сув R да эритилади, эритманинг pH муҳитини 6,0 дан 6,2 гача бўлган ораликқа келтирилади ва эритма ҳажмини сув R билан 1000,0 мл гача етказилади.

*Сақланиши:* 2 °C дан 8 °C гача бўлган ҳароратда.

**Кальций хлоридининг 0,025 М эритмаси [Calcium chloride solution 0,025 M].** 1014604.

0,368 г кальций хлорид R, сув R да эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Камфен [Camphene].**  $\text{C}_{10}\text{H}_{16}$ . (М.м. 136,2). 1139200. [CAS: 79-92-5].

2,2-Диметил-3-метиленибицикло[2.2.1]гептан.

*Газ хроматографиясида ишлатиладиган камфен, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Розмарин мойи (1846) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 90,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Камфора [Camphor].** 1113000. [CAS: 76-22-2].

*Камфора рацемик (0655) га қаралсин.*

*Газ хроматографиясида ишлатиладиган камфора, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Лаванда мойи (1338) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Синалаётган эритма. Ўрганилаётган модданинг гексан R даги 10 г/л концентрацияли эритмаси.*

*Миқдори:* 95,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**(1S)(+)-10-Камфорсульфон кислота [(1S)(+)-10-Camphorsulphonic acid].**  $\text{C}_{10}\text{H}_{16}\text{O}_4\text{S}$ . (М.м. 232,3). 1104100. [CAS: 3144-16-9].

(1S,4R)(+)-2-Оксо-10-борненсульфон кислота. [(1S)-7,7-Диметил-2-оксобицикло[2.2.1]-гептан-1-ил]метансульфон кислота. Рейхлер кислотаси.

*Миқдори:* 99,0 % дан кам бўлмаган (1S)(+)-10-камфорсульфон кислота.

Призма кўринишидаги кристаллар. Гигроскопик, сувда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 194 °C атрофида, парчаланиши билан.

$[\alpha]_D^{20}$ : +20 ± 1. Аниқлашни 43 г/л концентрацияли сув R даги эритмасидан фойдаланиб, ўтказилади.

$\Delta\lambda$  (2.2.41):  $10,2 \times 10^3$ . Аниқлашни 1,0 г/л эритмадан фойдаланиб, 290,5 нм тўлқин узунлигида ўтказилади.

**Каолин енгил [Kaolin, light].** 1047400.

[CAS: 1332-58-7].

Тозаланган, гидратланган табиий алюмосиликат. Диспергатордан таркиб топган. Оқ рангли енгил кукун, таркибида куйган қаттиқ заррачалар сақламайди, ушлаб кўрилганда ёғли. Сувда ва минерал кислоталарда деярли эримади.

*Йирик заррачалар:* 0,5 % дан кўп эмас.

Диаметри 35 мм ва узунлиги 160 мм атрофида бўлган оғзи зич ёпиладиган тикинли шиша цилиндрга 5,0 г каолин жойлаштирилади ва устига 10 г/л 60 мл натрий пирофосфат R эритмасидан қўшиб, кучли чайқатилади ва 5 мин давомида тиндирилади. Пипетка ёрдамида юзадан 5 см паст бўлган сатҳдан 50 мл суюқлик олиб ташланади. Қолган эритмага 50 мл сув R қўшилади, чайқатилади, 5 мин давомида тиндирилади ва юкорида кўрсатилгандек, 50 мл олиб ташланади. Бу жараён умумий миқдорда 400 мл олиб ташламагунча такрорланади. Қолган суспензия буглатиш учун чинни косачага солинади ва сув ҳаммомида қуригунча буглатилади ва 100 °C дан

105 °C гача ҳароратда доимий оғирликкача қурилади. Қолдиқ массаси 25 мг дан кўп бўлмаслиги керак.

*Майда заррачалар:* 5,0 г каолин 250 мл сув R билан 2 мин давомида кучли чайқатиб диспергирланади ва шу заҳоти диаметри 50 мм бўлган шиша цилиндрга қуйилади.

Пипетка ёрдамида 20 мл олиб, фарфор чашкага солинади, сув ҳаммомида қуригунча бугʻлатилади ва 100 °C дан 105 °C гача ҳароратда доимий оғирликкача қурилади. Суспензия қолдиғи 20 °C ҳароратда 4 соат давомида тиндирилади ва пипетка ёрдамида юзадан аниқ 5 см паст сатҳдан 20 мл ҳажми олиб ташланади, бунда чўкмага таъсир қилмаслик керак. Қолдиқ фарфор чашкага солинади, қуригунча бугʻлатилади ва доимий оғирликкача 100 °C дан 105 °C гача ҳароратда қурилади. Иккинчи қолдиқнинг массаси биринчи қолдиқ массасига нисбатан 70 % дан кам бўлмаслиги керак.

**Каприл кислота [Caprylic acid].**  $C_8H_{16}O_2$ . (М.м. 144,2). 1142200. [CAS: 124-07-2].

Октан кислотаси. Бироз сарик, мойсимон суюқлик.

$d_4^{20}$ : 0,910 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,428 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 239,7 °C атрофида

*Суюқланиш ҳарорати:* 16,7 °C атрофида.

*Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислота-ларининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган каприл кислота, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Сереноа пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Каприл спирти [Capric alcohol].** 1024700.

Деканол R га қаралсин.

**Каприн кислота [Capric acid].**  $C_{10}H_{20}O_2$ . (М.м. 172,3). 1142000. [CAS: 334-48-5].

Декан кислота.

Сувда жуда кам эрийди, сувсиз спиртда эрийди, кристаллсимон қаттиқ модда.

*Қайнаш ҳарорати:* 270 °C атрофида.

*Суюқланиш ҳарорати:* 31,4 °C атрофида.

*Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислота-ларининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган каприн кислота, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Сереноа пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Капрон кислота [Caproic acid].**  $C_6H_{12}O_2$ . (М.м. 116,2). 1142100. [CAS: 142-62-1].

Гексан кислота.

Сувда ўртача эрийди, мойсимон суюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 0,926 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,417 атрофида.

*Қайнаш ҳарорати:* 205 °C атрофида.

*Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислота-ларининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган капрон кислота қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Сереноа пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**ε-Капролактam [ε-Caprolactam].**  $C_6H_{11}NO$ . (М.м. 113,2). 1104200. [CAS: 105-60-2].

Гексан-6-лактam.

Гигроскопик тангачалар. Сув, сувсиз спирт, метанолда осон эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 70 °C атрофида.

**Капсаицин [Capsaicin].**  $C_{18}H_{27}NO_3$ . (М.м. 305,4). 1147900. [CAS: 404-86-4].

(E)-N-[(4-Гидрокси-3-метоксифенил)метил]-8-метилнон-6-енамид.

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун, сувда амалда эримайди, сувсиз спиртда осон эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 65 °C атрофида.

*Қаламтир (1859) аниқлашда ишлатиладиган капсаицин, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Қаламтир (1859) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юкори самарали суюқлик хроматографияси усули (2.2.29) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 95,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Кар-3-ен [Car-3-ene].**  $C_{10}H_{16}$ . (М.м. 136,2). 1124000. [CAS: 498-15-7].

3,7,7-Триметилбицикло[4.1.0]гепт-3-ен. 4,7,7-Триметил-3-норкарен.

Ўткир ҳидли суюқлик, сувда кам эрийди, органик эритувчиларда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 0,864 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,473 дан 1,474 гача.

$[\alpha]_D^{20}$ : +15 дан +17 гача.

*Қайнаш ҳарорати:* 170 °C дан 172 °C гача.

*Газ хроматографиясида ишлатиладиган кар-3-ен, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Мускат хушбўй мойи (1552) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 95,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Карбазол [Carbazole].**  $C_{12}H_9N$ . (М.м. 167,2). 1015400. [CAS: 86-74-8].

Дибензопиррол.

Кристаллар. Сувда амалда эримайди, ацетонда осон эрийди, сувсиз спиртда кам эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 245 °C атрофида.

**Карбомер [Carbomer].** 1015500. [CAS: 9007-20-9].

Акрил кислотасининг кўндаланг тикилган полимери, 80 °C да 1 соат давомида қуритилгандан сўнг кўп миқдорда карбоксил гуруҳларини тутади ( $CO_2H$ , 56 % дан 68 % гача). Ўртача молекуляр массаси  $3 \times 10^6$ .

$pH$  (2.2.3). 10 г/л суспензия учун 3 атрофида.

**Карбофенотион [Carbophenothion].**  $C_{11}H_{16}ClO_2PS_3$ . (М.м. 342,9). 1016200. [CAS: 786-19-6].

O,O-Диэтил-S-[(4-хлорфенил)тио]метил-фосфорди-тиоат.

Сарғиш рангли суюқлик. Сувда деярли эримайди, органик эритувчилар билан аралашади.

$d_4^{25}$ : 1,27 атрофида.

Ланолин (0134) хусусий фармакопея мақоласи учун, мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл изооктандаги) ишлатилиши мумкин.

**Карвакрол [Carvacrol].**  $C_{10}H_{14}O$ . (М.м. 150,2). 10164001. [CAS: 499-75-2].

5-Изопропил-2-метилфенол.

Жигаррангсимон рангли суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спиртда жуда осон эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 0,975 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,523 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 237 °C атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган карвакрол, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Қалампирялтиз мойи (0405) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Синалаётган эритма. 0,1 г тахминан 10 мл ацетон R да эритилади.

Миқдори: 95,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Карвеол [Carveol].**  $C_{10}H_{16}O$ . (М.м. 152,2). 1160400. [CAS: 99-48-9].

n-Мента-1(6),8-диен-2-ол. 2-Метил-5-(1-метил-этинил)циклогекс-2-енол.

Модда ўзгарувчан миқдорда транс- ва цис- карвеол сақлайди.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган карвеол, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Зира мойи (1817) хусусий фармакопея мақоласидаги хроматографик профил синовига мувофиқ газ хроматографияси (2.2.28) усули ёрдамида аникланади.

Миқдори: 97 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

(-)-**Карвон [(-)-Carvone].**  $C_{10}H_{14}O$ . (М.м. 150,2). 1160500. [CAS: 6485-40-1].

(-)-n-Мента-6,8-диен-2-он. (5R)-2-Метил-5-(1-метил-этинил)циклогекс-2-енон.

Суюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 0,965 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,4988 атрофида.

$[\alpha]_D^{20}$ : - 62 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 230 °C атрофида.

Миқдорий таҳлил. Зира мойи (1817) хусусий фармакопея мақоласидаги хирал тозалиги синовига мувофиқ газ хроматографияси (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Миқдори: 99 % дан кам эмас.

**Карвон [Carvone].**  $C_{10}H_{14}O$ . (М.м. 150,2). 1016500. [CAS: 2244-16-8].

(+)-n-Мента-6,8-диен-2-он. (5S)-2-Метил-5-(1-метил-этинил)циклогекс-2-енон.

Суюқлик, сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,965 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,500 атрофида.

$[\alpha]_D^{20}$ : +61° атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 230 °C атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган карвон, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Қалампирялтиз мойи (0405) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, синалаётган модда

синалаётган эритма сифатида фойдаланилган ҳолда газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Карвон R1 [Carvone R1].** 1016501.

[CAS: 2244-16-8].

Қуйидаги қўшимча синовлар бажарилганда карвон R га қуйиладиган талабларга мувофиқ келади.

Миқдорий таҳлил. Зира мойи (1817) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ хирал тозалигини синалган ҳолда, газ хроматографияси (2.2.28) усули ёрдамида аникланади.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас.

**Кариофиллен оксид [Caryophyllene oxide].**  $C_{15}H_{24}O$ . (М.м. 220,4). 1149000. [CAS: 1139-30-6].

(-)-β-Кариофиллен эпоксид. (1R,4R,6R,10S)-4,12,12-Триметил-9-метилен-5-октатрицикло[8.2.0.0<sup>4,6</sup>]додекан.

Рангиз, майда, уюмга тўпланган кристаллар.

Суюқланиш ҳарорати: 62 °C дан 63 °C гача.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган кариофиллен оксиди қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Терпентин мойи. Тун Pinus pinaster (1627) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Миқдори: 99,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**β-Кариофиллен [β-Caryophyllene].**  $C_{15}H_{24}$ .

(М.м. 204,4). 1101000. [CAS: 87-44-5].

(E)-(1R,9S)-4,11,11-Триметил-8-метиленбицикло

[7.2,0]ундец-4-ен.

Мойсимон суюқлик, сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган β-кариофиллен, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Чиннигул гуллари мойи (1091) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 90,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Кармин кислота [Carminic acid].**  $C_{22}H_{20}O_{13}$ .

(М.м. 492,4). 1156700. [CAS: 1260-17-9].

7-α-D-Глюкопиринозил-3,5,6,8-тетрагидрокси-1-метил-9,10-диоксо-9,10-дигидроантрацен-2-карбон кислота.

Тўқ кизил кукун. Сувда жуда кам эрийди, диметил-сульфоксидда эрийди, 96 % спиртда жуда кам эрийди.

**Кастинин [Casticin].**  $C_{19}H_{18}O_8$ . (М.м. 374,3). 1162200. [CAS: 479-91-4].

5-Гидрокси-2-(3-гидрокси-4-метоксифенил)-3,6,7-триметокси-4H-1-бензопиран-4-он. Сарик кристаллар.

**Каталпол [Catalpol].**  $C_{15}H_{22}O_{10}$ . (М.м. 362,3). 1142300. [CAS: 2415-24-9].

(1aS,1bS,2S,5aR,6S,6aS)-6-Гидрокси-1a-(гидрокси-метил)-1a,1b,2,5a,6,6a-гексагидрооксирено [4,5]циклопента[1,2-c]пиран-2-ил β-d-глюкопиранозид.

Суюқланиш ҳарорати: 203 °C дан 205 °C гача.

**Катехин [Catechin].**  $C_{15}H_{14}O_6 \cdot H_2O$ . (М.м. 290,3, сувсиз модда учун). 1119000. [CAS: 154-23-4].

(+)-(2*R*,3*S*)-2-(3,4-Дигидроксифенил)-3,4-дигидро-2*H*-хромен-3,5,7-триол. Катехол. Цианиданол. Цианидол.

**Катионит кучсиз асосли [Weak cationic resin].** 1096000.

Протонланган шаклдаги карбоксил гуруҳлар тутувчи, кучсиз кислотали полиметакрил катрони.

*Заррачалар ўлчами:* 75 мкм дан 160 мкм гача.

*pH фойдаланиш чегаралари:* 5 дан 14 гача.

*Фойдаланишнинг максимал ҳарорати:* 120 °C.

**Кверцетин дигидрат [Quercetin dihydrate].**

C<sub>15</sub>H<sub>10</sub>O<sub>7</sub>·2H<sub>2</sub>O. (М.м. 338,2). 1138100.

2-(3,4-Дигидроксифенил)-3,5,7-тригидрокси-4*H*-1-бензопиран-4-он.

Сарик кристаллар ёки сарғиш кукун, сувда амалда эримайди, ацетон ва метанолда эрийди.

*Сув* (2.5.12): 12 % дан кўп эмас. Аниқлашни 1,00 г да ўтказилади.

*Миқдорий таҳлил. Гинкго барглари* (1828) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юқори самарали суюқлик хроматографияси усули (2.2.29) ёрдамида аниқланади.

*Миқдори:* 90 % дан кам эмас (сувсиз моддага нисба-тан ҳисобланганда), ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

*Сақланиши:* ёруғликдан химояланган жойда.

**Кверцитрин [Quercitrin].** C<sub>21</sub>H<sub>20</sub>O<sub>11</sub>. (М.м. 448,4). 1138200. [CAS: 522-12-3].

Кверцетин 3-*l*-рамнопираннозид. 3-[(6-Дезокси- $\alpha$ -*l*-маннопиранозил)окси]-2-(3,4-дигидроксифенил)-5,7-дигидрокси-4*H*-1-бензопиран-4-он. Кверцитрозид.

Сарик кристаллар, совук сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 176 °C дан 179 °C гача.

*Хроматография. Золотарник ўти* (1892) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юпка қатламли хроматография усули (2.2.27) ёрдамида аниқланади: 20 мкл эритма хроматография пластинкасига шимдирилади; очувчи модда билан пуркалгандан сўнг хроматограммада *R<sub>F</sub>* киймати 0,6 атрофида бўлган сарғиш-жигарранг флюоресценцияланадиган доғ кўринади.

*Сақланиши:* 2 °C дан 8 °C гача.

**Квиллайя сапонинлари, тозаланган [Quillaia saponins, purified].** 1184500.

*Quillaia saponaria* Molina s.l. пўстлоғидан олинган бир оилага оид сапонинлар аралашмаси.

*Хроматография. Квиллайя пўстлоғи* (1843) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юпка қатламли хроматография усули (2.2.27) ёрдамида аниқланади: 5 мкл эритма шимдирилади; *сульфат кислота R* нинг метанол *R* даги 10 % (*ҳажм/ҳажм*) эритмаси билан ишлов берилади, 5 мин давомида 120 °C ҳароратгача қиздирилади ва кун ёруғлигида ўрганилади; пластинканинг ўрта қисмининг учдан биридаги юқори қисмида 3 та асосий зоналар кўриниши керак.

**3-Квинуклидинол [3-Quinuclidinol].** C<sub>7</sub>H<sub>13</sub>NO.

(М.м. 127,2). 1193800. [CAS: 1619-34-7].

(3*R*)-1-Азабицикло[2.2.2]октан-3-ол.

*Миқдори:* 99 % дан кам эмас.

Оч сарик рангли кукун.

**Кемпферол [Kaempferol].** C<sub>15</sub>H<sub>10</sub>O<sub>6</sub>. (М.м. 286,2). 1197200. [CAS: 520-18-3].

3,5,7-Тригидрокси-2-(4-гидроксифенил)-4*H*-1-бензопиран-4-он.

**11-Кето- $\beta$ -босвелл кислота [11-Keto- $\beta$ -boswellic acid].** C<sub>30</sub>H<sub>46</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 470,7). 1167600. [CAS: 17019-92-0].

3 $\alpha$ -Гидрокси-11-оксоурс-12-ен-24-оик кислота. (4 $\beta$ )-3 $\alpha$ -Гидрокси-11-оксоурс-12-ен-23-оик кислота.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, сувда эримайди, ацетон, сувсиз спирт ва метанолда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 195 °C дан 197 °C гача.

*Юқори самарали суюқлик хроматографиясида ишлатиладиган 11-Кето- $\beta$ -босвелл кислотаси, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Ҳинд Ладани* (2310) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юқори самарали суюқлик хроматографияси усули (2.2.29) ёрдамида аниқланади.

*Миқдори:* 90,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Кизельгур G [Kieselguhr G].** 1047600.

Хлорид кислотаси билан ишлов берилган ва 15 % кальций сульфат гемигидрати қўшиш билан кальцинацияланган кизельгурдан иборат.

Кулрангсимон-оқ рангли майда кукун; сув билан бирга ишқаланганда кулранг ранги янада аниқроқ кўринади. Заррачалар ўртача ўлчами 10 мкм дан 40 мкм гача.

*Кальций сульфат.* Аниқлаш *силикагел GR* учун кўрсатилган усул бўйича ўтказилади.

*pH* (2.2.3). 7 дан 8 гача. 1 г текшириладиган реагентни 10 мл *углерод диоксиди сақламаган сув R* билан 5 мин давомида чайқатиб олинган суспензиянинг pH ўлчанади.

*Хроматографик ажратиш қобилияти.* Аниқлашни юпка қатламли хроматография усули билан ўтказилади (2.2.27). 2,7 г/л *натрий ацетат R* эритмаси билан кизельгур G қуйқасидан фойдаланиб пластинка тайёрланади. Хроматографик пластинка старт чизигига 0,1 г/л дан лактоза, сахароза, глюкоза ва фруктоза сақлаган *пиридин R* даги эритмадан 5 мкл миқдордан томизилади. *Сув R* — 2-пропанол *R* — *этил ацетат R* (12:23:65) эритувчилар тизимида хроматография ўтказилади. Эритмалар фронтининг 14 см масофага ўтиш вақти 40 мин атрофида. Пластинка хавода қуритилади, *Анис альдегид эритмаси R* дан 10 мл сарфлаган ҳолда пластинкага пуркалади ва 100 °C дан 105 °C гача ҳароратда 5 мин давомида қиздирилади. Хроматограм-мада аниқ, яхши ажралган “думларсиз”, 4 та доғ пайдо бўлиши керак.

**Кизельгур хроматография учун [Kieselguhr for chromatography].** 1047500.

Оқ ёки сарғиш-оқ рангли енгил кукун. Сувда, суюлтирилган кислота ва органик эритувчиларда амалда эримайди.

*Фильтрация тезлиги.* Колонка ўлчами 0,25 м ва 10 мм ғоваксимон шиша (100) пластинкали 0,10 м ва 0,20 м баландликда иккита белгиси бўлган хромато-график колонка ишлатилади. Колонка синалаётган модда билан биринчи белгисига қадар тўлдирилади, иккинчи белгисигача *сув R* билан тўлдирилади. Колонкадан дастлабки томчилар оқиб чиқа бошланганидан сўнг қайтадан иккинчи белгисигача *сув R* билан тўлдирилади ва колонкадан дастлабки 5 мл сувни оқиб чиқиш вақти

ўлчанади. Оқим тезлиги 1 мл/мин дан кам бўлмаслиги керак.

**Ранглилик (2.2.2, усул I).** Фильтрация тезлиги синовиди олинган элюат рангсиз бўлиши керак.

**Кислоталилик ёки ишқорийлик.** 1,00 г текширилаётган реагентга 10 мл сув *R* мунтазам чайқатиб турган ҳолда қўшилади ва 5 мин давомида ушланади. Суспензия ювувчи сув билан нейтрал реакцияга қадар олдиндан иссиқ сув *R* билан ювилган филтр орқали филтрланади. 2,0 мл филтратга 0,05 мл метил қизили *R* қўшилади; эритма сариқ ранг ҳосил қилиши керак. 2,0 мл филтратга 0,05 мл фенолфталеин эритмаси *R1* қўшилади; эритмани бироз пушти рангга киришигача йўл қўйилади.

**Сувда эрийдиган моддалар.** 10,0 г синалаётган модда 0,25 м × 10 мм ўлчамли хроматографик колонкага жойланади, сув *R* билан элюирланади, дастлабки 20 мл элюат йиғилади, қуригунча бўғлатилади, қолдиқ 100 °С дан 105 °С гача ҳароратда қурилади. Қолдиқ массаси 10 мг дан кўп бўлмаслиги керак.

**Темир (2.4.9).** 0,02 % (200 ppm) дан кўп эмас.

0,50 г синалаётган моддага 10 мл хлорид кислота *R1* ва сув *R* тенг ҳажмдаги аралашмаси қўшилади, мунтазам чайқатиб, 5 мин давомида ушлаб турилади ва филтрланади. 1,0 мл филтрат темир учун синовга бардош бериши керак.

**Қуйдиришдан кейинги масса йўқотиши.** 0,5 % кўп эмас. Қиздириш вақтида (600 °С) модда жигарранг ёки қора рангга эга бўлмаслиги керак.

**Кислород [Oxygen].** O<sub>2</sub>. (М.м. 32,0). 1108800.

**Миқдори:** 99,99 % (ҳажм/ҳажм) дан кам эмас.

**Азот ва аргон:** 110 ppm дан кўп эмас.

**Углерод диоксид:** 10 ppm дан кўп эмас.

**Углерод монооксид:** 5 ppm дан кўп эмас.

**Кислород R1 [Oxygen R1].** O<sub>2</sub>. (М.м. 32,0). 1137600.

**Миқдори:** 99,99 % (ҳажм/ҳажм) дан кам эмас.

**Кислотали кўк 83 [Acid blue 83].** C<sub>45</sub>H<sub>44</sub>N<sub>3</sub>NaO<sub>7</sub>S<sub>2</sub>. (М.м. 826). 1012200. [CAS: 6104-59-2].

**Ранг кўрсаткичи № 42660.**

Бриллиант кўки. Кумасси бриллиант кўки *R* 250.

Жигарранг кукун, совуқ сувда эрмайди, қайнаётган сув ва сувсиз спиртда кам эрийди, сульфат кислота, 99,8 % сирка кислота ва ишқорий металл гидроксидларининг суюлтирилган эритмаларида эрийди.

**Кислотали кўк 90 [Acid blue 90].** C<sub>47</sub>H<sub>48</sub>N<sub>3</sub>NaO<sub>7</sub>S<sub>2</sub>. (М.м. 854). 1001300. [CAS: 6104-58-1].

**Ранг кўрсаткичи № 42655.**

Натрий 4-[[4-[(4-этоксифенил)амино]фенил]

[[4-(этил)(3-сульфонатобензил)амино] фенил]метиле] циклогекса-2,5-диен-1-илиден](этил)-(3-сульфонатобензил)аммоний.

Бинафша ялтироқли ва тарқалган заррачалари бор металл ялтироқли тўқ жигарранг кукун. Сувда ва сувсиз спиртда эрийди.

$A_{1\text{ cm}}^{1\%}$ : 500 дан ортиқ, қуруқ моддага нисбатан ҳисобланганда. Аниқлаш 577 нм тўлқин узунлигида, pH 7,0 0,01 г/л буфер эритмасидан фойдаланиб ўтказилади.

**Қуришишдаги массанинг йўқотилиши (2.2.32).** 5,0 % дан кўп эмас. 0,500 г реагент қуришиш шкафида 100 °С дан 105 °С гача ҳароратда қурилади.

**Кислотали кўк 92 [Acid blue 92].** C<sub>26</sub>H<sub>16</sub>N<sub>3</sub>NaO<sub>10</sub>S<sub>3</sub>. (М.м. 696). 1001400. [CAS: 3861-73-2].

**Ранг кўрсаткичи № 13390.**

Кумасси кўки. Аназолен-натрий. Тринатрий 8-гидрокси-4'-(фениламино)азонафталин-3,5',6-трисульфонат.

Тўқ кўк рангли кристаллар. 96 % спиртда кам эрийди, сув, ацетон ва этиленгликолниг моноэтил эфирида эрийди.

**Кислотали кўк 92 эритмаси [Acid blue 92 solution].** 1001401.

0,5 г кислотали кўки 92 *R* 10 мл 99,8 % сирка кислота *R*, 45 мл 96 % спирт *R* ва 45 мл сув *R* аралашмасида эритилади.

**Кислотали кўк 93 [Acid blue 93].** C<sub>37</sub>H<sub>27</sub>N<sub>3</sub>NaO<sub>9</sub>S<sub>3</sub>. (М.м. 800). 1134200. [CAS: 28983-56-4].

**Ранг кўрсаткичи № 42780**

Метил кўки. Пурье кўки.

Ди- ва трисульфонат трифенилрозанилин ва трифенилпарарозанилин аралашмаси.

Тўқ кўк рангли кукун.

**Ранг ўзгариши:** pH 9,4 дан pH 14, гача.

**Кислотали кўк 93 эритмаси [Acid blue 93 solution].** 1134201.

0,2 г кислотали кўки 93 *R* сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан 100 мл га етказилади.

**Кислотали хром қора 11 [Mordant black 11].** C<sub>20</sub>H<sub>12</sub>N<sub>3</sub>NaO<sub>7</sub>S. (М.м. 461,4). 1056800. [CAS: 1787-61-7].

**Шульц кўрсаткичи № 241.**

**Ранг кўрсаткичи № 14645.**

Натрий 2-гидрокси-1-[(1-гидроксинафт-2-ил)азо]-6-нитронафталин-4-сульфонат. Эриохром қора.

Қўнғир-қора рангли кукун. Сувда ва 96 % спиртда эрийди.

**Сақланиши:** герметик идишда, ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кислотали хром қора 11 индикаторли аралашмаси [Mordant black 11 triturate].** 1056801.

1 г кислотали хром қора 11 *R*, 99 г натрий хлорид *R* билан аралаштирилади.

**Сезувчанликка синов.** 50 мг индикатор аралашмаси 100 мл сув *R* да эритилади; жигаррангсимон-бинафша ранг пайдо бўлади, бу ранг 0,3 мл аммиак эритмаси, суюлтирилган *R1* қўшилганда бинафша рангга ўтиши керак. Кейинчалик 10 г/л мағний сульфат *R* эритмасидан 0,1 мл қўшилганда ранги бинафша рангга ўзгариши керак.

**Сақланиши:** герметик идишда, ёруғликдан ҳимояланган ҳолда.

**Кислотали хром қора 11 индикаторли аралашмаси R1 [Mordant black 11 triturate R1].** 1056802.

1,0 г кислотали хром қора 11 *R*, 0,4 г метил зарғалдоқ *R* ва 100 г натрий хлорид *R* билан аралаштирилади.

**Клобетазол пропионат [Clobetasol propionate].** C<sub>25</sub>H<sub>32</sub>ClFO<sub>5</sub>. (М.м. 467,0). 1097700. [CAS: 25122-46-7].

21-Хлор-9-фтор-11β,17-дигидроксид-16β-метилпрегна-1,4-диен-3,20-дион-17-пропионат.

Оқ рангли кристалл кукун. Сувда эрмайди, 96 % спирт ва ацетонда эрийди.



$[\alpha]_D^{20}$ : +104° атрофида (диоксанда).  
Суюқланиш ҳарорати: 196 °C атрофида.

**Кобальт нитрат [Cobalt nitrate].**  $\text{Co}(\text{NO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 291,0). 1021700. [CAS: 10026-22-9].

Қизил ёқут рангли майда кристаллар. Сувда жуда осон эрийди.

**Кобальт хлорид [Cobalt chloride].**  $\text{CoCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 237,9). 1021600. [CAS: 7791-13-1].

Қизил рангли кристаллсимон кукун ёки тўйинган қизил рангли кристаллар. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди.

**Кодеин [Codeine].** 1021800. [CAS: 6059-47-8].  
Кодеин (0076) га қаралсин.

**Кодеин фосфат [Codeine phosphate].** 1021900. [CAS: 52-28-8].  
Кодеин фосфат гемигидрат (0074) га қаралсин.

**Коллоид кремний, сувсиз [Anhydrous colloidal silica].** 1202000 [CAS: 7631-86-9].  
Коллоид кремний, сувсиз (0434) га қаралсин.

**Конго қизил қоғози [Congo red paper].** 1022002.  
Фильтр қоғози тасмалари бир неча минутга конго қизил эритмаси R га туширилади. Қурилади.

**Конго қизил эритмаси [Congo red solution].** 1022001.  
0,1 г конго қизили R ни 20 мл 96 % спирт R ва сув R аралашмасида эритилади ва ҳажми сув R билан 100 мл гача етказилади.

Сезувчанликка синов. 100 мл сув, углерод диоксид сақламаган R га 0,2 мл конго қизил эритмаси ва 0,3 мл 0,1 М натрий гидроксид эритмасидан қўшилади; кўк ранг ҳосил бўлади, шу ранг 0,3 мл дан кўп бўлмаган 0,1 М натрий гидроксид эритмаси қўшилганда пушти рангга ўтади.

Ранг ўзгариши: pH 3,0 дан 5,0 гача ораликда кўкдан пушти ранггача ўзгаради.

**Конго қизили [Congo red].**  $\text{C}_{32}\text{H}_{22}\text{N}_6\text{Na}_2\text{O}_6\text{S}_2$ . (М.м. 697). 1022000. [CAS: 573-58-0].

Шульц кўрсаткичи № 360.

Ранг кўрсаткичи № 22120.

Динатрий (бифенил-4,4'-диил-бис-2,2'-азо)бис(1-аминонафталин-4-сульфонат).

Жигаррангсимон-қизил рангли кукун. Сувда эрийди.

**Коридалин [Corydaline].**  $\text{C}_{22}\text{H}_{27}\text{NO}_4$ . (М.м. 369,4). 1204400. [CAS: 518-69-4].

(13S,13aR)-5,8,13,13a-Тетрагидро-2,3,9,10-тетраметокси-13-метил-6H-добензо[a,g]хинолизин.

**Кортизон [Cortisone].**  $\text{C}_{21}\text{H}_{28}\text{O}_5$ . (М.м. 360,4). 1175000. [CAS: 53-06-5].

Миқдори: 95,0 % дан кам эмас.

Суюқланиш ҳарорати: 223 °C дан 228 °C гача.

**Кортизон ацетат [Cortisone acetate].** 1097800. [CAS: 50-04-4].

Кортизон ацетат (0321) га қаралсин.

**Костунолид [Costunolide].**  $\text{C}_{15}\text{H}_{20}\text{O}_2$ . (М.м. 232,3). 1194600. [CAS: 553-21-9].

(3aS,6E,10E,11aR)-6,10-Диметил-3-метиле-3a,4,5,8,9,11a-гексагидроциклодека[b]фуран-2(3H)-он.

**Кофеин [Caffeine].**  $\text{C}_8\text{H}_{10}\text{N}_4\text{O}_2$ . (М.м. 194,2). 1014400. [CAS: 58-08-2].

Кофеин (0267) га қаралсин.

**Кофеин кислота [Caffeic acid].**  $\text{C}_9\text{H}_8\text{O}_4$ . (М.м. 180,2). 1014300. [CAS: 331-39-5].


(E)-3-(3,4-Дигидроксифенил)пропион кислота.

Оқ ёки деярли оқ рангдаги кристаллар ёки пластинкалар. Иссиқ сув ва 96 % спиртда осон эрийди, совуқ сувда ўртача эрийди.

Оптик зичлик (2.2.25). pH 7,6 бўлган янги тайёрланган эритмаси 288 нм ва 313 нм тўлқин узунликларида иккита ютилиш максимумларига эга.

**Краун-эфир силикагели хирал ажратиш учун [Crown-ether silica gel for chiral separation].** 1192400.

Хроматография учун ўта майдаланган силикагель, куйидаги хирал краун-эфир билан қопланган:



(R<sub>a</sub>)-6,23-Дифенил-8,9,11,12,14,15,17,18,20,21-декагидродинафто[2,1-q:1',2'-s][1,4,7,10,13,16]гексаоксациклоикозин.

**Крахмал эритмаси [Starch solution].** 1085103.

Кукун ҳолига келтирилган 1,0 г крахмал эрувчан R 5 мл сув R билан ҳосил бўлган аралашмага оҳисталик билан доимий аралаштириб турган ҳолда 100 мл қайнаб турган, таркибида 10 мг симоб йодид (II) R тутган сув R куйилади.

ИЗОХ: сотувда мавжуд бўлган реагентларни; шунингдек симоб сақламаган эритмалар ёки мукобил консервантлар сақлаганларни ҳам ишлатиш мумкин.

Реактивдан фойдаланишидан аввал ҳар сафар сезувчанлик синови ўтказилади.

Сезувчанликка синов. 1 мл крахмал эритмаси 20 мл сув R, 50 мг атрофида калий йодид R ва 0,05 мл йод эритмаси R1 дан иборат аралашма кўк рангли бўлиши керак.

**Крахмал эритмаси R1 [Starch solution R1].** 1085105.

1 г крахмал эрувчан R оз миқдордаги совуқ сув R билан аралаштирилади. Олинган аралашмани 200 мл қайнаётган сув R га куйилади, 250 мг салицил кислота R қўшилади, 3 мин давомида қайнатилади ва дарҳол совитилади.

Эритманинг яроқлилиқ муддати 4 °C дан 10 °C гача оралик ҳароратда 2 ҳафтадан 3 ҳафтагача. Янги крахмал эритмаси эквивалент нуктасида кўк

рангдан рангсизга ўзгариши кескин бўлмаган ҳолларда тайёрланади.

**Сезувчанликка синов.** 2 мл крахмал R1 эритмасига 20 мл сув R, 50 мг атрофида калий йодид R ва 0,05 мл йод эритмаси R1 дан қушилади; олинган эритма кўк рангли бўлиши керак.

**Крахмал эритмаси R2 [Starch solution R2].** 1085107.

1 г крахмал эрувчан R 5 мл сув R билан аралаштирилади, ҳосил бўлган аралашмани давомий аралаштириб турган ҳолда, охисталик билан 100 мл қайнаб турган сув R га қуйилади. Фойдаланишидан аввал тайёрланади.

**Сезувчанликка синов.** 1 мл крахмал эритмаси R1 га 20 мл сув R, 50 мг атрофида калий йодид R ва 0,05 мл йод эритмаси R1 дан қушилади; олинган эритма кўк рангга бўйлиши керак.

**Крахмал эритмаси, йодидлар сақламаган [Starch solution, iodide free].** 1085104.

Симоб (II) йодидсиз крахмал эритмаси R учун кўрсатилгандек эритма тайёрланади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Крахмал эрувчан [Starch, soluble].** 1085100. [CAS: 9005-84-9].

Оқ ёки деярли оқ кукун.

**Крезол [Cresol].**  $C_7H_8O$ . (М.м. 108,1). 1022700. [CAS: 95-48-7].

o-Крезол. 2-Метилфенол.

Кристаллар ёки ёруғлик таъсири ва ҳавода тўқлашувчи ўта совиган суюқлик. Сувсиз спирт ва эфир билан аралашади, тахминан 50 қисм сувда ва ишқорий металл гидроксидларининг эритмаларида эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 1,05 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,540 дан 1,550 гача.

Қайнаш ҳарорати: 190 °C атрофида.

Қотиш ҳарорати (2.2.18). 30,5 °C дан кам эмас.

Буглатилгандан кейинги қолдиқ. 0,1 % (м/м) дан кўп эмас. Сув ҳаммомида буглатилади ва 100 °C дан 105 °C гача ҳароратда қурилади.

Сақланиши: кислороддан, ёруғликдан ва намдан ҳимояланган жойда.

Ишлатишдан олдин ҳайдаб олинади.

**p-Крезол [p-Cresol].**  $C_7H_8O$ . (М.м. 108,1). 1153100. [CAS: 106-44-5].

4-Метилфенол.

Рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар ёки кристалл масса.

$d_{20}^{20}$ : 1,02 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 202 °C атрофида.

**m-Крезол [m-Cresol].** 1177100. [CAS: 108-39-4].

Метакрезол (2077) га қаралсин.

**m-Крезол қирмизи [m-Cresol purple].**  $C_{21}H_{18}O_5S$ . (М.м. 382,44). 1121700. [CAS: 2303-01-7].

m-Крезолсульфонфталеин.

Зайтун-яшилранг кристалл кукун. Сувда кам эрийди, 96 % спирт, 99,8 % сирка кислота ва метанолда эрийди.

**Крезол қизил [Cresol red].**  $C_{21}H_{18}O_5S$ . (М.м. 382,4). 1022800. [CAS: 1733-12-6].

Крезолсульфонфталеин. 4,4'-(3H-2,1-Бензоксатиол-3-илиден)бис (2-метилфенол) S,S-диоксид. Қизилсимон-жигарранг кристалл кукун. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда ва суюлтирилган ишқорий металлларнинг эритмаларида эрийди.

**Крезол қизил эритмаси [Cresol red solution].** 1022801.

0,1 г крезол қизили R 2,65 мл 0,1 M натрий гидроксид эритмаси ва 20 мл 96 % спирт R аралашмасида эритилади, ҳажми сув R билан 100 мл гача етказилади.

**Сезувчанликка синов.** 100 мл сув, углерод диоксид сақламаган R га 0,1 мл крезол қизил эритмаси ва 0,15 мл 0,02 M натрий гидроксид эритмасидан қушилади; қирмизи-қизил ранг ҳосил бўлади, ранг 0,15 мл дан кўп бўлмаган 0,02 M хлорид кислота эритмаси қўшилганда сариқ рангга ўтади.

Ранг ўзгариши: pH 7,0-8,6 оралиқда сариқдан қизилгача ўзгаради.

**m-Крезол қирмизи эритмаси [m-Cresol purple solution].** 1121701.

0,1 г m-крезол қирмизи R 13 мл 0,01 M натрий гидроксид эритмасида эритилади, эритма ҳажми сув R билан 100 мл гача етказилади ва аралаштирилади.

Ранг ўзгариши: pH 1,2-2,8 оралиқда қизилдан сариккача.

pH 7,4-9,0 оралиқда сариқдан бинафшагача.

**Кремневольфрам кислота [Silicotungstic acid].**  $H_4SiW_{12}O_{40} \cdot xH_2O$ . 1078000. [CAS: 11130-20-4].

Оқ ёки сарғиш-оқ рангли кристаллар, ҳавода суюкланади. Сувда ва 96 % спиртда жуда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Кремний органик полимер 100 % сувли ҳаракатчан фазга мувофиқ, октадецилсилил, қаттиқ ядрол, эндкепирланган [Organosilica polymer compatible with 100 per cent aqueous mobile phases, octadecylsilyl, solid core, end-capped].** 1201700.

100 % сувли фазаларни ўз ичига олган юкори сувли ҳаракатчан фазалар билан фойдаланиш учун яроқли, саккиз октадецилсилил ядродан ташкил топган, октадецилсилил гуруҳлари билан ингичка ташқи органосиликат полимер қопламаси билан ўралган. Асосий хусусиятли бирикмалар билан ҳар қандай ўзоро таъсирларни минималлаштириш учун уни кўпгина қолган силанол гуруҳларини ёпишга синчковлик билан эндкепирланади.

**Кремний органик полимер, аморф, қутб ўрнатилган октадецилсилил, эндкепирланган [Organosilicapolymer, amorphous, polarembdedoctadecylsilyl, end-capped].** 1150600.

Ҳам ноорганик (кремний), ҳам органик (органик силоксанлар) компонентлардан ташкил топган, сиртга қутб ўрнатилган октадецилсилил гуруҳларини бирикиши орқали кимёвий модификацияланган, синтетик сферик гибрид заррачалар. Асосий хусусиятли бирикмалар билан ҳар қандай ўзоро таъсирларни минималлаштириш учун уни кўпгина қолган силанол гуруҳларини ёпишга синчковлик билан эндкепирланади.

**Кремний органик полимер, аморф, октадецил-силил [Organosilica polymer, amorphous, octadecylsilyl].** 1144200.

Ҳам ноорганик (кремний), ҳам органик (органик силоксанлар) компонентлардан ташкил топган, сиртга трифункциональ октадецилсиллил гуруҳлар кимёвий модификацияланган, синтетик сферик гибрид заррачалар.

**Кремний органик полимер, аморф, пропил-2-фенилсиллил, эндкепирланган [Organosilica polymer, amorphous, propyl-2-phenylsilyl, end-capped]. 1178100.**

Ҳам ноорганик (кремний), ҳам органик (органик силоксанлар) компонентлардан ташкил топган, сиртга пропил-2-фенилсиллил гуруҳлар кимёвий модификацияланган, синтетик сферик гибрид заррачалар. Асосий хусусиятли бирикмалар билан ҳар қандай ўзоро таъсирларни минималлаштириш учун уни кўпгина қолган силанол гуруҳларини ёпишга синчиковлик билан эндкепирланади.

**Кремний органик полимер, хроматография учун, аморф, октадецилсиллил, эндкепирланган [Organosilica polymer for chromatography, amorphous, octadecylsilyl, end-capped]. 1164900.**

Ҳам ноорганик (кремний), ҳам органик (органик силоксанлар) компонентлардан ташкил топган, сиртга октадецилсиллил гуруҳлари бирикиши йўли билан кимёвий модификацияланган, синтетик сферик гибрид заррачалар. Асосий хусусиятли бирикмалар билан ҳар қандай ўзоро таъсирларни минималлаштириш учун уни кўпгина қолган силанол гуруҳларини ёпишга синчиковлик билан эндкепирланади.

**Кремний органик полимер, кўп қатламли, октадецилсиллил, эндкепирланган [Organosilica-polymer, multi-layered, octadecylsilyl, end-capped]. 1202500.**

Ҳам ноорганик (кремний), ҳам органик (органик силоксанлар) компонентлардан ташкил топган, сиртга октадецилсиллил гуруҳлар кимёвий модификацияланган, синтетик сферик кўп қатламли, гибрид заррачалар. Асосий хусусиятли бирикмалар билан ҳар қандай ўзоро таъсирларни минималлаштириш учун уни кўпгина қолган силанол гуруҳларини ёпишга синчиковлик билан эндкепирланади.

**Кристаллик бинафша [Crystal violet].  $C_{25}H_{30}ClN_3$ . (М.м. 408,0). 1022900. [CAS: 548-62-9].**

Шульц кўрсаткичи № 78.

Ранг кўрсаткичи № 42555.

Гексаметилпарарозанилин хлорид.

Тўқ яшил рангли кристаллар ёки кукун. Сув ва 96 % спирта эрийди.

**Кристаллик бинафша эритмаси [Crystal violet solution]. 1022901.**

0,5 г кристаллик бинафша *R* ни сувсиз сирка кислота *R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100 мл га етказилади.

Сезувчанликка синов. 50 мл сувсиз сирка кислота *R* га 0,1 мл кристаллик бинафша эритмасидан қўшилади; мовий-қирмизи ранг ҳосил бўлади, 0,1 мл 0,1 *M* перхлорат кислота эритмаси қўшилса мовийсимон-яшил ранга ўтади.

**Ксантгидрол [Xanthidrol].  $C_{13}H_{10}O_2$ . (М.м. 198,2). 1096100. [CAS: 90-46-0].**

9-Ксантенол.

Миқдори: 90,0 % дан кам эмас.

Оқдан сўниқ-сарик ранггача бўлган кукун ёки майда игнасимон кристаллар. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спирт ва 99,8 % сирка кислотасида эрийди.

90 г/л дан 110 г/л гача ксантгидролнинг метанол *R* даги сақлаган эритмаси кўринишида ҳам учрайди.

Суёқланиш ҳарорати: 123 °C атрофида.

Миқдорий таҳлил. 0,300 г ксантгидрол 250 мл сиғимли қолбага солинади, 3 мл метанол *R* да эритилади ёки 3,0 мл эритмадан фойдаланилади. 50 мл 99,8 % сирка кислота *R* қўшилади ва чайқатиб турган ҳолда 25 мл 20 г/мл мочевино *R* дан томчилатиб қўшилади. 12 соат тиндирилади, сўнггра шиша фильтр (16) ёрдамида филтрланади (2.1.2). Филтрдаги чўкма 20 мл 96 % спирт *R* эритмаси билан ювилади ва қуриштиш шкафида 100 °C дан 105 °C гача ҳароратда қурилади ва тортилади.

1 г чўкма 0,9429 г ксантгидролга мувофиқ келади.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда. Агар метанолдаги эритмасидан фойдаланилса, кичик қавшарланган ампулаларда сақланади ва зарурат бўлса фойдаланишидан олдин филтрланади.

**Ксантгидрол R1 [Xanthidrol R1]. 1096101.**

Ксантгидрол *R* учун талабларга мувофиқ ва қуйидаги қўшимча синовларига жавоб бериши керак.

Миқдори: 98,0 % дан кам бўлмаган  $C_{13}H_{10}O_2$ .

**Ксантгидрол эритмаси [Xanthidrol solution]. 1096102.**

100 мл сирка кислотаси, сувсиз *R* га 0,1 мл 100 г/л ксантгидрол *R* нинг метанол *R* даги эритмаси, 1 мл хлорид кислотаси *R* қўшилади ва 24 соатга қолдирилади.

**Ксиленол зарғалдоғи [Xylenol orange].**

$C_{31}H_{28}N_2Na_4O_{13}S$ . (М.м. 761). 1096300. [CAS: 3618-43-7]. Тетранатрий 3,3'-(3*H*-2,1-бензоксатиол-3-илиден)бис[(6-гидроксид-5-метил-3,1-фенилен)метилениминобисацетат] *S*, *S*-диоксиди.

Қизғиш-жигарранг рангли кристаллсимон кукун. Сувда эрийди.

**Ксиленол зарғалдоғи индикатор аралашмаси [Xylenol orange triturate]. 1096301.**

1 қисм ксиленол зарғалдоғи *R* 99 қисм калий нитрат *R* билан кукун ҳолига келгунча майдаланади.

Сезувчанликка синов. 50 мл сув *R* га 1 мл суялтирилган сирка кислота *R*, 50 мг ксиленол зарғалдоғи индикатор аралашмаси ва 0,05 мл қўрғоштин (II) нитрат эритмаси *R* қўшилади. Эритма ранги сариқдан бинафша-қизил рангга ўзгаргунча гексаметилентетрамин *R* қўшилади; 0,1 мл 0,1 *M* натрий эдетат эритмаси қўшилгандан сўнг эритма ранги сариқ рангга ўзгариши керак.

**Ксиленол зарғалдоғи эритмаси [Xylenol orange solution]. 1096302.**

50,8 мг ксиленол зарғалдоғи *R* ни сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан эритма ҳажмини 100,0 мл гача етказилади.

**Ксилит [Xylitol].  $C_5H_{12}O_5$ . (М.м. 152,1). 1190700. [CAS: 87-99-0].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллик кукун ёки кристаллар.

Миқдори: 96,0 % дан кам эмас.

**Ксилоза [Xylose].** 1096400. [CAS: 58-86-6].

Ксилоза (1278) га қаралсин.

**Ксилол [Xylene].** C<sub>8</sub>H<sub>10</sub>. (М.м. 106,2). 1096200.

[CAS: 1330-20-7].

Изомерлар аралашмаси. Шаффоф, рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,867 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,497 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 138 °C атрофида.

**о-Ксилол [o-Xylene].** C<sub>8</sub>H<sub>10</sub>. (М.м. 106,2). 1100600. [CAS: 95-47-6].

1,2-Диметилбензол.

Шаффоф, рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,881 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,505 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 144 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: – 25 °C атрофида.

**м-Ксилол [m-Xylene].** C<sub>8</sub>H<sub>10</sub>. (М.м. 106,2). 1117700. [CAS: 108-38-3].

1,3-Диметилбензол.

Шаффоф, рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,884 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,497 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 139 °C атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: – 47 °C атрофида.

**о-Кумар кислота [o-Coumaric acid].** C<sub>9</sub>H<sub>8</sub>O<sub>3</sub>. (М.м. 164,2). 1157400. [CAS: 614-60-8].

(Е)-2-Гидроксидолчин кислота. (2Е)-3-(2-Гидроксифенил)проп-2-ен кислота.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 217 °C атрофида.

**Кумарин [Coumarin].** C<sub>9</sub>H<sub>6</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 146,1). 1124900. [CAS: 91-64-5].

2Н-Хромен-2-он. 2Н-1-Бензопиран-2-он.

Рангсиз, кристалл кукун ёки ромбик ёки тўғрибурчакли кристаллар, қайнаб турган сувда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди. Ишқорий металллар гидроксидларининг эритмаларида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 68 °C дан 70 °C гача.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган кумарин, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Кассии мойи (1496) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматография усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Кумасси бўёвчи эритма [Coomassie staining solution].** 1012201.

99,8 % сирка кислота R - метанол R – сув R эритувчилари аралашмасидаги (1:4:5) 1,25 г/л кислотали кўк 83 R эритмаси. Филтрланади.

**Кумасси бўёвчи эритма R1 [Coomassie staining solution R1].** 1173000.

0,275 г кислотали кўк 83 R 200 мл метанол R да эритилади. Кристаллар эриши тугагунча ишқаланади (2 соат атрофида). 750 мл сув R ва 50 мл 99,8 % сирка

кислота R қўшилади. Тун давомида ишқаланади (ҳеч бўлмаганда 16 соат давомида), филтрланади.

**Кумасси кўк [Coomassie blue].** 1001400. [3861-73-2].

Кислотали кўк 92 R га қаралсин.

**Кумасси кўк эритмаси [Coomassie blue solution].** 1001401.

Кислотали кўк 92 эритмаси R га қаралсин.

**Кумафос [Coumaphos].** C<sub>14</sub>H<sub>16</sub>ClO<sub>5</sub>PS. (М.м. 362,8). 1124800. [CAS: 56-72-4].

Қайнаш ҳарорати: 91 °C дан 92 °C гача.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мл изооктан-даги) ишлатилиши мумкин.

**Кунгабоқар мойи [Sunflower oil].** 1086900.

Кунгабоқар ёғи рафинадланган (1371) га қаралсин.

**Куркумин [Curcumin].** C<sub>21</sub>H<sub>20</sub>O<sub>6</sub>. (М.м. 368,4). 1023500. [CAS: 458-37-7].

1,7-Бис(4-гидрокси-3-метоксифенил)гепта-1,6-диен-3,5-дион.

Зарғалдоқ-жигарранг рангли кристал кукун. Сувда деярли эримади, 99,8 % сирка кислотасида эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 183 °C атрофида.

**Куркуминоидлар [Curcuminoids].** 1183900. Куркумин (C<sub>21</sub>H<sub>20</sub>O<sub>6</sub>; М.м. 368,4), деметоксикуркумин (C<sub>20</sub>H<sub>18</sub>O<sub>5</sub>; М.м. 338,4) ва бис-деметоксикуркумин (C<sub>19</sub>H<sub>16</sub>O<sub>4</sub>; М.м. 308,3) лардан иборат аралашма.

**Қайта кристалланган йод (V) оксиди [Iodine pentoxide, recrystallised].** I<sub>2</sub>O<sub>5</sub>. (М.м. 333,8). 1046000. [CAS: 12029-98-0].

Дийод пентоксид. Йод ангидрид.

Миқдори: 99,5 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун ёки оқ рангдан кулрангсимон-оқ ранггача бўлган гранулалар. Гигроскопик, сувда ННО<sub>3</sub> ни ҳосил қилиб, жуда осон эрийди.

Иситилгандаги барқарорлиги. Дастлаб 1 соат давомида 200 °C ҳароратда ушлаб турилган 2 г реагент 50 мл сув R да эритилади, эритма рангсиз бўлиши керак.

Миқдорий таҳлил. 0,100 г қайта кристалланган йод (V) оксиди 50 мл сув R да эритилади, устига 3 г калий йодид R ва 10 мл хлорид кислота, суюлтирилган R қўшилади. Ажралиб чиққан йодни 0,1 М натрий тиосульфат эритмаси билан титрланади, индикатор сифатида 1 мл крахмал эритмаси R дан фойдаланилади.

1 мл 0,1 М натрий тиосульфат эритмасига 2,782 мг I<sub>2</sub>O<sub>5</sub> тўғри келади.

Сақланиши: герметик идишда, ёруғликдан химояланган жойда.

**Қайтарувчи аралашма [Reducing mixture].** 1074700.

Гомоген аралашмани олиш учун аввалдан майдаланган реактивлар кетма-кет аралаштирилади: 20 мг калий бромид R, 0,5 г гидразин сульфат R ва 5 г натрий хлорид R.

**Қатрон, кучсиз катионит [Resin, weak cationic].** 1096000.

Кучсиз катионит қатрон R га қаралсин.

**Қизил лакмус қоғози [Litmus paper, red].** 1049302.

Кўк лакмус экстрактига томчилатиб суюлтирилган хлорид кислота  $R$  кўк рангини кизил рангга ўтгунича қўшилади. Олинган эритма қоғоз тасмаларига шимдирилади ва курилади.

Сезувчанликка синов.  $10 \times 60$  мм ўлчамдаги фильтр қоғози 10 мл 0,02 М натрий гидроксид эритмаси ва 90 мл сув  $R$  аралашмасига туширилади. Силкитилганда қоғоз 45 секунд давомида кўк рангга бўялиши керак.

**Қоғоз хроматография учун [Paper for chromatography]. 1150900.**

Қалинлиги 0,2 мм атрофида бўлган, силлиқ сиртли, юкори тозалikka эга бўлган, целлюлозадан олинган юпка қоғоз.

*Хроматографиялаш.*

Хроматография учун қоғоз  $R$  нинг 2 та тасмасига алоҳида 2-5 мкл дан хроматография қоғозини текшириш учун синалаётган эритмалардан — синалаётган эритма (а) ва синалаётган эритма (б) шимдирилади. Эритувчилар фронтига (метанол  $R$  — сув  $R$  1:1 нисбатдаги аралашмаси) қоғознинг 3/4 қисмигача кўтарилишига имкон берилади. Курилади ва мос детектордан фойдаланиб, радиофаолликнинг таксимланиши аниқланади. Агар синалаётган эритма (а) бўйича олинган хроматограмма  $R_F$  қиймати 0,8-1,0 бўлган диапазонда битта радиофаол доғ бермаса ва синалаётган эритма (б) хроматограммаси шимдирилган нуктада битта радиофаол доғ бермаса қоғоз ярқисиз ҳисобланади ( $R_F$  қиймати 0,0-0,1 ораликда).

**Кўмир, фаоллаштирилган [Charcoal, activated]. 1017800. [CAS: 64365-11-3].**

Фаоллаштирилган кўмир (0313) га қаралсин.

**Кумуш диэтилдитиокарбамат [Silver diethyldithiocarbamate].  $C_5H_{10}AgNS_2$ . (М.м. 256,1). 1110400. [CAS: 1470-61-7].**

Кумуш диэтилкарбамодитиоат.

Сўниқ сариқ ёки кулранг-сарик рангли кукун, сувда амалда эрмайди, пиридинда эрийди.

У қуйидагича тайёрланади. 100 мл сув  $R$  да 1,7 г кумуш нитрат  $R$  ни эритилади. 2,3 г натрий диэтилдитиокарбамат  $R$  ни 100 мл сув  $R$  да алоҳида эритилади. Иккала эритмани ҳам 10 °С гача совитилади ва аралаштирилади ва аралашмани шиша филтрдан (16) (2.1.2) ўтказилади. Шиша филтр устига йиғилган сариқ чўкмени 200 мл совуқ сув  $R$  билан ювилади. Чўкма вакуумда 2-3 соат давомида куришиб олинади.

**Кумуш диэтилдитиокарбамат эритмаси [Silver diethyldithiocarbamate solution]. 1110401.**

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

0,100 г кумуш диэтилдитиокарбамат  $R$  пиридин  $R$  да эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 20,0 мл га етказилади.

Яроқлилик синов. Эритма шаффоф бўлиши керак (2.2.1).

Оптик зичлик (2.2.25). Эритманинг оптик зичлиги 450 нм да 0,15 дан кўп эмас, 510 нм да 0,01 дан кўп эмас ва 538 нм да 0,005 дан кўп эмас.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Кумуш нитрат [Silver nitrate]. 1078300. [CAS: 7761-88-8].**

Кумуш нитрат (0009) га қаралсин.

**Кумуш нитрат аммиакли эритмаси [Silver nitrate solution, ammoniacal]. 1078303.**

2,5 г кумуш нитрат  $R$  80 мл сув  $R$  да эритилади, чўкма эригунга қадар аммиакнинг суюлтирилган эритмаси  $R1$  дан қўшилади ва эритманинг ҳажми сув  $R$  билан 100 мл гача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Кумуш нитрат реактиви [Silver nitrate reagent]. 1078305.**

3 мл концентрланган аммиак эритмаси  $R$  ва 40 мл 1 М натрий гидроксид эритмаси аралашмасига 8 мл 200 г/л кумуш нитрат  $R$  эритмаси аралаштириб турган ҳолда томчилатиб қўшилади ва эритма ҳажми сув  $R$  билан 200 мл гача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Кумуш нитрат эритмаси  $R1$  [Silver nitrate solution  $R1$ ]. 1078301.**

42,5 г/л кумуш нитрат  $R$  эритмаси.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кумуш нитрат эритмаси  $R2$  [Silver nitrate solution  $R2$ ]. 1078302.**

17 г/л кумуш нитрат  $R$  эритмаси.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кумуш нитратнинг пиридиндаги эритмаси [Silver nitrate solution in pyridine]. 1078304.**

85 г/л кумуш нитрат  $R$  пиридин  $R$  даги эритмаси.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кумуш оксиди [Silver oxide].  $Ag_2O$ . (М.м. 231,7). 1078400. [CAS: 20667-12-3].**

Дикумуш оксиди.

Жигаррангсимон-қора рангли кукун. Сувда ва 96 % спиртда амалда эрмайди, суюлтирилган нитрат кислота ва аммиак эритмаларида осон эрийди.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кумуш сульфат [Silver sulfate].  $Ag_2SO_4$ . (М.м. 311,8). 1201000. [CAS: 10294-26-5].**

Миқдори: 99,0 % дан кам эмас.

Оқ ёки оч кулранг рангли кукун, сувда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 652 °С атрофида.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Кумуш-марганецли қоғоз [Silver manganese paper]. 1078200.**

8,5 г/л марганец сульфат  $R$  ва 8,5 г/л кумуш нитрат  $R$  сақлаган эритмага филтр қоғоз тасмалари туширилади. Тасмалар бир неча минут давомида эритмада ушлаб турилади, кислота ва ишқор бугларидан ҳимояланган жойда фосфор (V) оксиди  $R$  устида курилади.

**Лавандулил ацетат [Lavandulyl acetate].  $C_{12}H_{20}O_2$ . (М.м. 196,3). 1114200. [CAS: 25905-14-0].**

2-Изопропенил-5-метилгекс-4-ен-1-ил ацетат.

Ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган лавандулилацетат, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Лаванда мойи (1338) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматография усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

**Миқдори:** 93,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Лавандулол [Lavandulol].**  $C_{10}H_{18}O$ . (М.м. 154,2). 1114100. [CAS: 498-16-8].

(R)-5-метил-2-(1-метилэтилен)-4-гексен-1-ол.

Ўзига хос ҳидли мойсимон суюқлик.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган лавандулол, куйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

**Миқдорий таҳлил.** Лаванда мойи (1338) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматография усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

**Синалаётган эритма.** Синалаётган модда.

**Миқдори:** 90,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Лакмус [Litmus].** 1049300. [CAS: 1393-92-6].

Шульц кўрсаткичи № 1386.

Турли хил *Rocella*, *Lecanora* ёки бошқа лишай-никлардан олинган, кўк-индиго рангли парчалар. Сувда эрийди, 96 % спиртда амалда эримади.

**Ранг ўзгариши:** pH 5-8 оралиқда қизилдан кўк ранггача ўзгаради.

**Лакмус қоғози, кўк [Litmus paper, blue].** 1049301.

Дағал равишда майдаланган 10 қисм лакмус R 100 қисм 96 % спирт R билан 1 соат давомида қайнатилади. Спирт декантация қилинади, қолдиққа 45 қисм 96 % спирт R ва 55 қисм сув R дан иборат аралашма қўшилади. 2 суткадан сўнг шаффоф суюқлик декантация қилинади, филтр қоғози бўлақларига шимдирилади ва қурилади.

**Сезувчанликка синов.** 10 × 60 мм ўлчамдаги филтр қоғози тасмаси 10 мл 0,02 M хлорид кислота эритмаси ва 90 мл сув R аралашмасига туширилади. Силкитил-ганда қоғоз 45 сек давомида қизил рангга бўялиши керак.

**Лактобационик кислота [Lactobionic acid].**  $C_{12}H_{22}O_{12}$ . (М.м. 358,3). 1101600. [CAS: 96-82-2].

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эримади.

**Суюқланиш ҳарорати:** 115 °C атрофида.

**Лактоза моногидрати [Lactose monohydrate].** 1047900. [CAS: 5989-81-1].

Лактоза моногидрати (0178) га қаралсин.

**α-Лактоза моногидрат [α-Lactose monohydrate].**  $C_{12}H_{22}O_{11} \cdot H_2O$ . (М.м. 360,3). 1150000. [CAS: 5989-81-1].

α-D-Лактоза моногидрат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун.

**Миқдори:** 97 % дан кам эмас.

β-D-лактоза: 3 % дан кам эмас.

**Миқдорий таҳлил.** Ички нормаллашириш усулини қўллаган ҳолда газ хроматографияси (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

**Колонка:**

- ўлчамлари:  $l = 30$  м,  $\varnothing = 0,25$  мм.

- стационар фаза: поли(диметил)силоксан R. (қатлам қалинлиги 1 мкм)

Газ-ташувчи: гелий хроматография учун R.

**Ҳарорат:**

	Вақт (мин)	Ҳарорат (°C)
Колонка	0 – 12,5	230 → 280
Буглатувчи		250
Детектор		280

**Детекторлаш:** алангали-ионизацион детектор.

**Намунани киритиш:** тегишли тарзда дериватизация қилинган намуна.

**β-Лактоза [β-Lactose].**  $C_{12}H_{22}O_{11}$ . (М.м. 342,3). 1150100. [CAS: 5965-66-2].

β-D-Лактоза.

Оқ ёки бироз сарғиш рангли кукун.

**Миқдори:** 99 % дан кам эмас.

α-D-лактоза: 35 % дан кўп эмас.

**Миқдорий таҳлил.** Ички нормаллашириш усулини қўллаган ҳолда газ хроматографияси (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

**Колонка:**

-ўлчамлари:  $l = 30$  м,  $\varnothing = 0,25$  мм.

-стационар фаза: поли[(цианопропил)(фенил)][диметил]силоксан R (қават қалинлиги 1 мкм)

Газ-ташувчи: хроматография учун гелий R.

**Ҳарорат:**

	Вақт (мин)	Ҳарорат (°C)
Колонка	0 – 32,5	20 → 280
Буглатувчи		250
Детектор		250

**Детекторлаш:** алангали-ионизацион детектор.

**Намунани киритиш:** тегишли тарзда дериватизация қилинган намуна.

**Лактулоза [Lactulose].** 1189600. [4618-18-2].

Лактулоза (1230) га қаралсин.

**Ланатозид C [Lanatoside C].**  $C_{49}H_{76}O_{20}$ . (М.м. 985). 1163300. [CAS: 17575-22-3].

3β-[(β-D-Глюкопиранозил-(1→4)-3-O-ацетил-2,6-дидезокси-β-D-рибо-гексопиранозил-(1→4)-2,6-дидезокси-β-D-рибо-гексопиранозил)окси]-12β,14-дигидроксид-5β-кард-20(22)-енолид.

**Ташиқ кўриниши:** 96 % спиртдан қайта кристаллаб олинган, узун ясси призматик кристаллар.

**Эрувчанлик:** пиридин ва диоксанда осон эрийди.

**Лантан (III) нитрат эритмаси [Lanthanum nitrate solution].** 1048001.

50 г/л лантан (III) нитрат R эритмаси.

**Лантан (III) нитрати [Lanthanum nitrate].**

$La(NO_3)_3 \cdot 6H_2O$ . (М.м. 433,0). 1048000. [CAS: 10277-43-7].

Лантан тринитрат гексагидрати.

Ҳавода эрийдиган рангсиз кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Сақланиши:** герметик идишда.

**Лантан (III) хлорид гептагидрат [Lanthanum chloride heptahydrate].**  $LaCl_3 \cdot 7H_2O$ . (М.м. 371,4). 1167200.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун ёки рангсиз кристаллар, сувда осон эрийди.

**Лантан (III) хлорид эритмаси [Lanthanum chloride solution].** 1114001.

58,65 г лантан (III) оксиди R га 100 мл хлорид кислота R аста секин қўшилади, қайнагунча қиздирилади, совитилади ва сув R билан ҳажми 1000,0 мл гача етказилади.

**Лантан(III) оксиди [Lanthanum trioxide].**  $La_2O_3$ . (М.м. 325,8). 1114000. [CAS: 1312-81-8].

Лантан триоксид.

Деярли оқ рангдаги аморф кукун. Сув *R* да деярли эримайди, суюлтирилган минерал кислоталарда эрийди, ҳаводан углерод диоксидини ютади.

Кальций: 5 ppm дан кўп эмас.

**Лаурил спирт [Lauryl alcohol].**  $C_{12}H_{26}O$ . (М.м. 186,3). 1119900. [CAS: 112-53-8].

Додекан-1-ол.

$d_{20}^{20}$ : 0,820 атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 24 °C дан 27 °C гача.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас, газ хроматографияси усулида аниқланади.

**Лаурин кислота [Lauric acid].**  $C_{12}H_{24}O_2$ . (М.м. 200,3). 1143100. [CAS: 143-07-7].

Додекан кислота.

Оқ ёки деярли оқ, кристалл кукун, сувда амалда эримайди, 96 % спиртда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 44 °C атрофида.

Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислота-ларининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган лаурин кислота, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Сереноа пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Леводоп [Levodopa].** 1170000. [CAS: 59-92-7].

Леводоп (0038) га қаралсин.

**Лейокарпозид [Leiocarposide].**  $C_{27}H_{34}O_{16}$ . (М.м. 614,5). 1150200. [CAS: 71953-77-0].

2-(β-D-Глюкопиранозилокси)бензил-3-(β-D-глюкопиранозилокси)-6-гидрокси-2-метоксибензоат.

2-[[[3-(β-D-Глюкопиранозилокси)-6-гидрокси-2-метоксибензоил]окси]метил]фенил-β-D-глюкопиранозид.

Оқ ёки деярли оқ кукун, сувда эрийди, метанолда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 190 °C дан 193 °C гача.

**Лейцин [Leucine].** 1048500. [CAS: 61-90-5].

Лейцин (0771) га қаралсин.

**Лизилэндонептидаза [Lysyl endopeptidase].** 1188000. [CAS: 78642-25-8].

*Achromobacter* эндонептидаза I. Лизилга хос протеиназа (EC 3.4.21.50).

Серин-эндонептидазалар оиласига мансуб. Дастлаб *Achromobacter lyticus* дан ажратиб олинган. Шунга ўхшаш ўзига хос хусусиятли ферментлардан *Lysobacter enzymogenes* (эндонептидаза Lys-C) ва *Pseudomonas aeruginosa* (Ps-1) ҳам ажратиб олинади.

Фермент, лизин қолдиқларидаги ва S-аминоэтилцистеин қолдиқларидаги карбокситерминал пептид боғларини ўзига хос юқори даражада парчалайди.

30 °C ҳарорат ва pH қиймати 9,5 тенг шароитда 1 минут ичида N-бензоил-DL-лизин-*n*-нитроанилиндан 1 микромоль *n*-нитроанилинин олиниши 1 амидаза бирлиги (U) ёки фермент миқдори дейилади.

**(Z)-Лигустилид [(Z)-Ligustilide].**  $C_{12}H_{14}O_2$ . (М.м. 190,2). 1180300. [CAS: 81944-09-4].

(3Z)-3-Бутилиден-1,3,4,5-тетрагидроизобензофуран-1-он.

**Лимон кислота моногидрати [Citric acid monohydrate].** 1021000. [CAS: 5949-29-1].

Лимон кислота моногидрати (0456) га қаралсин.

Темир синовиди фойдаланиладиган лимон кислота қуйидаги қўшимча талабларга жавоб бериши керак.

0,5 г лимон кислота моногидрати 10 мл сув *R* да эритилади, 0,1 мл тиогликол кислота *R* қўшилади, аралаштирилади ва ишқорий реакция бўлгунча аммиака *R* эритмаси қўшилади ва олинган эритманинг хажми сув *R* билан 20 мл гача етказилади. Эритма пушти рангга бўялмаслиги керак.

**Лимон кислотаси, сувсиз [Citric acid, anhydrous].** 1021200. [CAS: 77-92-9].

Лимон кислотаси, сувсиз (0455) га қаралсин.

**Лимон мойи [Lemon oil].** 1101700.

Лимон мойи (0620) га қаралсин.

**Лимонен [Limonene].**  $C_{10}H_{16}$ . (М.м. 136,2). 1048600. [CAS: 5989-27-5].

D-Лимонен. (+)-*n*-Мента-1,8-диен. (*R*)-4-Изопропенил-1-метилциклогекс-1-ен.

Рангсиз суюқлик. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 0,84 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,471 дан 1,474 гача.

$[\alpha]_D^{20}$ : + 124° атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 175 °C дан 177 °C гача.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган лимонен, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Қалампириялтиз мойи (0405) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, синалаётган модда синалаётган эритма сифатида фойдаланилган ҳолда газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 99,0 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Линалил ацетат [Linalyl acetate].**  $C_{12}H_{20}O_2$ . (М.м. 196,3). 1107200. [CAS: 115-95-7].

(*RS*)-1,5-Диметил-1-винилгекс-4-енил ацетат.

Рангсиз ёки бироз сарик, ўткир бергамот ва лаванда хидли суюқлик.

$d_{25}^{25}$ : 0,895 дан 0,912 гача.

$n_D^{20}$ : 1,448 дан 1,451 гача.

Қайнаш ҳарорати: 215 °C атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган линалил ацетат, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Нероли мойи (1175) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 95,0 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Линалол [Linalol].**  $C_{10}H_{18}O$ . (М.м. 154,2). 1048700. [CAS: 78-70-6].

(*RS*)-3,7-Диметилгекс-1,6-диен-3-ол.

Икки стереоизомерлар (ликареол ва кориандрол) аралашмаси.

Суюқлик. Сувда амалда эримайди.

$d_{20}^{20}$ : 0,860 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,462 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 200 °C атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган линалол қуйидаги қўшимча синовларига жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Анис мойи (0804) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Линдан [Lindane].**  $C_6H_6Cl_6$ . (М.м. 290,8). 1128900. [CAS: 58-89-9].

γ-Гексахлороциклогексан.

Ланолин (0134) хусусий фармакопея мақоласи учун, мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**Линзидомин гидрохлорид [Linsidomine hydrochloride].**  $C_6H_{11}ClN_4O_2$ . (М.м. 206,6). 1171200. [CAS: 16142-27-1].

3-(Морфолин-4-ил)сиднонимина гидрохлорид.

3-(Морфолин-4-ил)-1,2,3-оксадиазол-3-ий-5-аминида гидрохлорид.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун.

**Линол кислота [Linoleic acid].**  $C_{18}H_{32}O_2$ . (М.м. 280,5). 1143200. [CAS: 60-33-3].

(9Z,12Z)-Октадека-9,12-диен кислота.

Рангсиз, мойсимон суюқлик.

$d_4^{20}$ : 0,903 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,470 атрофида.

Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислоталарининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган линол кислотаси, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Сереноа пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Линолеил спирти [Linoleylalcohol].**  $C_{18}H_{34}O$ . (М.м. 266,5). 1155900. [CAS: 506-43-4].

(9Z,12Z)-Остадеса-9,12-диен-1-ол.

Нисбий зичлик: 0,830.

Миқдори: 85 % дан кам эмас.

**Линолен кислота [Linolenic acid].**  $C_{18}H_{30}O_2$ . (М.м. 278,4). 1143300. [CAS: 463-40-1].

(9Z,12Z,15Z)-Октадека-9,12,15-триен кислота. α-Линолен кислота.

Рангсиз суюқлик, сувда амалда эримади, органик эритувчиларда эрийди.

$d_4^{20}$ : 0,915 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,480 атрофида.

Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислота-ларининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган линолен кислотаси, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Сереноа пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Линоленил спирти [Linolenyl alcohol].**  $C_{18}H_{32}O$ . (М.м. 264,4). 1156200. [CAS: 24149-05-1].

(9Z,12Z,15Z)-Остадеса-9,12,15-триен-1-ол.

α-Линоленил спирти.

Миқдори: 96 % дан кам эмас.

**Литий [Lithium].** Li. (А.м. 6,94). 1048800. [CAS: 7439-93-2].

Юмшоқ металл, янги кесилганда кумушсимон-кулранг рангли, ҳаво билан таъсирлашиб дарҳол хиралашади. Сув билан шиддатли равишда таъсирлашиб водород гази ва литий гидроксид эритмасини ҳосил қилади; метанолда эрийди, водород гази ва литий метоксид ҳосил қилади; петролей эфирида амалда эримади.

Сақланиши: петролейн эфир ёки суюқ парафин остида.

**Литий гидроксид [Lithium hydroxide].**  $LiOH \cdot H_2O$ . (М.м. 41,96). 1049100. [CAS: 1310-66-3].

Литий гидроксид моногидрати.

Оқ ёки деярли оқ рангли грануланган кукун. Кучли ишқор ҳисобланиб, тезда сув ва углерод диоксидини узига ютади, сувда эрийди, 96 % спиртда ўртача эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Литий карбонат [Lithium carbonate].**  $Li_2CO_3$ . (М.м. 73,9). 1048900. [CAS: 554-13-2].

Дилитий карбонат.

Оқ ёки деярли оқ рангли енгил кукун. Сувда ўртача эрийди, 96 % спиртда жуда кам эрийди. 20 °C ҳароратдаги тўйинган эритмаси 13 г/л атрофида  $Li_2CO_3$  сақлайди.

**Литий метаборат, сувсиз [Lithium metaborate, anhydrous].**  $LiBO_2$ . (М.м. 49,75). 1120000. [CAS: 13453-69-5].

**Литий сульфат [Lithium sulphate].**  $Li_2SO_4 \cdot H_2O$ . (М.м. 128,0). 1049200. [CAS: 10102-25-7].

Дилитий сульфат моногидрати.

Рангсиз кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эримади.

**Литий трифторметансульфонат [Lithium trifluoromethanesulphonate].**  $CF_3LiO_3S$ . (М.м. 156,0). 1173400. [CAS: 33454-82-9].

**Литий хлорид [Lithium chloride].**  $LiCl$ . (М.м. 42,39). 1049000. [CAS: 7447-41-8].

Кристаллсимон кукун ёки грануларлар ёки кубсимон кристаллар; ҳавода эрийди. Сувда осон эрийди, ацетон ва 96 % спиртда эрийди. Сувли эритмалари нейтрал ёки кучсиз ишқорий муҳитга эга.

Сақланиши: герметик идишда.

**Логанин [Loganin].**  $C_{17}H_{26}O_{10}$ . (М.м. 390,4). 1136700. [CAS: 18524-94-2].

Метил (1S,4aS,6S,7R,7aS)-1-(β-D-глюкопиранозилокси)-6-гидрокси-7-метил-1,4а,5,6,7,7а-Гексагидроциклопента[с]пиран-4-карбоксилат.

Суюқланиш ҳарорати: 220 °C дан 221 °C гача.

**Лонгифолен [Longifolene].**  $C_{15}H_{24}$ . (М.м. 204,4). 1150300. [CAS: 475-20-7].

(1S,3aR,4S,8aS)-4,8,8-Триметил-9-метилендекагидро-1,4-метаноазулен. Мойсимон, рангсиз суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.



$d_4^{18}$ : 0,9319.

$n_D^{20}$ : 1,5050.

$[\alpha]_D^{20}$ : +42,7.

Қайнаш ҳарорати: 254 °C дан 256 °C гача.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган лонгифолен, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Терпентин мойи (1627) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Лутеций (III) хлорид гексагидрат [Lutetium chloride hexahydrate].**  $\text{LuCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 389,4). 1199600. [CAS: 15230-79-2].

Оқ ёки сариқ кристалл кукун, сувда осон эрийди.

**Люмифлавин [Lumiflavine].**  $\text{C}_{13}\text{H}_{12}\text{N}_4\text{O}_2$ . (М.м. 256,3). 1141000. [CAS: 1088-56-8].

7,8,10-Триметилбензо[*g*]птеридин-2,4(3*H*,10*H*)-дион.

Сариқ рангли кукун ёки зарғалдоқ рангли кристаллар. Сувда жуда кам эрийди, метиленхлоридда осон эрийди.

**Лютеолин [Luteolin].**  $\text{C}_{15}\text{H}_{10}\text{O}_6$ . (М.м. 286,2). 1198500. [CAS: 491-70-3].

2-(3,4-Дигидроксифенил)-5,7-дигидрокси-4*H*-1-бензопиран-4-он.

**Лютеолин-7-глюкозид [Luteolin-7-glucoside].**  $\text{C}_{21}\text{H}_{20}\text{O}_{11}$ . (М.м. 448,4). 1163400. [CAS: 5373-11-5].

2-(3,4-Дигидроксифенил)-7-(β-*D*-глюкопиранозил-окси)-5-гидрокси-4*H*-1-бензопиран-4-он.

Сариқ рангли кукун.

Оптик зичлик (2.2.25). Метанол *R* даги эритмаси 255 нм, 267 нм, ва 350 нм тўлқин узунликларида максимал ютилиш намоён қилади.

Суюқланиш ҳарорати: 247 °C атрофида.

**Магний [Magnesium].** *Mg*. (А.м. 24,30). 1049500. [CAS: 7439-95-4].

Кумушсимон-оқ рангли сим ёки лента, қиринди ёки кулранг рангли кукун

**Магний ацетат [Magnesium acetate].**  $\text{C}_4\text{H}_6\text{MgO}_4 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 214,5). 1049600. [CAS: 16674-78-5].

Магний диацетат тетрагидрати.

Рангсиз кристаллар, ҳавода ёйиладиган. Сув ва 96 % спиртда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Магний нитрат [Magnesium nitrate].**  $\text{Mg}(\text{NO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 256,4). 1049800. [CAS: 13446-18-9].

Магний нитрат гексагидрати.

Рангсиз, шаффоф ҳавода ёйиладиган кристаллар. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Магний нитрат эритмаси [Magnesium nitrate solution].** 1049801.

17,3 г магний нитрат *R* ни 5 мл сув *R* да эхтиётлик билан қиздириб эритилади, 80 мл 96 % спирт *R* қўшилади, эритма совитилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Магний оксид R1 [Magnesium oxide R1].** 1049901.

Куйидаги узғаришлар билан Магний оксид *R* талабларига мос келиши керак.

Мишяк (2.4.2, *A* усул). 2 ppm дан кўп эмас.

0,5 г магний оксиди 5 мл сув *R* ва 5 мл хлорид кислота *R1* аралашмасида эритилади.

Оғир металллар (2.4.8). 10 ppm дан кўп эмас.

0,75 г магний оксиди 3 мл сув *R* ва 7 мл хлорид кислота *R1* аралашмасида эритилади, эритмага 0,05 мл фенолфталеин эритмаси *R* қўшиб, аралашма пушти ранг ҳосил бўлгунича концентранган аммиак эритмаси *R* қўшилади. Аммиакнинг ортикча миқдори 99,8 % сирка кислота *R* билан нейтралланади, 0,5 мл ортикча кислота эритмаси қўшилади ва ҳажми сув *R* билан 15 мл келтирилади ва лозим бўлса филтрланади. 12 мл эритма оғир металллар синовига жавоб бериши керак. Солиштирилувчи эритма, 5 мл қўрғошин эталон эритмаси (1 ppm *Pb*) *R* ва 5 мл сув *R* дан фойдаланиб тайёрланади.

Темир (2.4.9). 50 ppm дан кўп эмас.

0,2 г магний оксиди 6 мл хлорид кислота, суюлтирилган *R* эритмасида эритилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 10 мл гача етказилади.

**Магний оксиди [Magnesium oxide].** 1049900. [1309-48-4].

Магний оксиди енгил (0040) га қаралсин.

**Магний оксиди, оғир [Magnesium oxide, heavy].** 1050000. [CAS: 1309-48-4].

Оғир магний оксид (0041) га қаралсин.

**Магний силикат қолдиқ пестицидлар анализи учун [Magnesium silicate for pesticide residue analysis].** 1129100. [CAS: 1343-88-0].

Магний силикат хроматография учун (60-100 меш).

**Магний сульфат [Magnesium sulphate].** 1050200. [CAS: 10034-99-8].

Магний сульфат гептагидрат (0044) га қаралсин.

**Магний хлорид [Magnesium chloride].** 1049700. [CAS: 7791-18-6].

Магний хлорид гексагидрат (0402) га қаралсин.

**Магнолин [Magnolin].**  $\text{C}_{23}\text{H}_{28}\text{O}_7$ . (М.м. 416,5). 1200300. [CAS: 31008-18-1].

(3*S*,3*aR*,6*S*,6*aR*)-3-(3,4-диметоксифенил)-6-(3,4,5-триметоксифенил)-1,3,3*a*,4,6,6*a*-гексагидрофууро[3,4-*c*]фуран.

**Магнолол [Magnolol].**  $\text{C}_{18}\text{H}_{18}\text{O}_2$ . (М.м. 266,3). 1182800. [CAS: 528-43-8].

5,5'-Ди(проп-2-енил)бифенил-2,2'-диол. 5,5'-Диаллил-2,2'-дигидроксифенил. 5,5'-Ди-2-пропенил-[1,1'-бифенил]-2,2'-диол.

**Маккажўхори мойи [Maize oil].** 1050400.

Маккажўхори мойи рафинадланган (1342) га қаралсин.

**Макрогол 23 лаурил эфири [Macrogol 23 lauryl ether].** 1129000.

Макрогол 23 лаурил эфири (1124) га қаралсин. Лаурил спирти билан боғланган этиленоксидлар номиналь миқдори 23 га тенг.

**Макрогол 200 [Macrogol 200]. 1099200.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 200.

Шаффоф, рангсиз ёки деярли рангсиз, қовушқоқ суюқлик. Ацетон ва сувсиз спиртда жуда осон эрийди, ёғли мойларда амалда эримаиди.

$d_{20}^{20}$ : 1,127 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,450 атрофида.

**Макрогол 200 R1 [Macrogol 200 R1]. 1099201.**

500 мл макрогол 200 R 1000 мл туби юмалоқ колбага солиниб, 60 °C ҳароратда 6 соат давомида, ротацион буғлатгич ва 1,5 кПа дан 2,5 кПа гача вакуумдан фойдаланиб, учувчан моддалардан халос бўлиш учун ҳайдаб олинади.

**Макрогол 300 [Macrogol 300]. 1067100.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 300.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 400 [Macrogol 400]. 1067200.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 400.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 600 [Macrogol 600]. 1189700.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 600.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 1000 [Macrogol 1000]. 1067300.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 1000.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 1500 [Macrogol 1500]. 1067400.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 1500.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 4000 [Macrogol 4000]. 1198000.**  
[CAS: 25322-68-3].

Полиэтиленгликоль 4000.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 6000 [Macrogol 6000]. 1189800.**  
[CAS: 25322 68-3].

Полиэтиленгликоль 6000.

Оқ ёки деярли оқ мумсимон ёки ташки кўриниши парафинга хос қаттиқ модда. Сув ва метиленхлоридда жуда осон эрийди, 96 % спирт, ёғ мойлар ва минерал мойларда амалда эримаиди.

**Макрогол 20 000 [Macrogol 20 000]. 1067600.**  
Полиэтиленгликоль 20 000.

Макроголлар (1444) га қаралсин.

**Макрогол 20 000 2-нитротерефталат [Macrogol 20 000 2-nitroterephthalate]. 1067601.**

Полиэтиленгликоль 20 000 2-нитротерефталат.

Макрогол 20000 R 2-нитротерефтал кислота билан кайта ишлаб модификацияланган.

Оқ ёки деярли оқ рангли қаттиқ мумсимон масса. Ацетонда эрийди.

**Макрогол цетостеарил эфири [Macrogol cetostearyl ether]. 1196100.**

Макроголнинг цетостеарил эфири (1123) га қаралсин.

**Малатион [Malathion]. C<sub>10</sub>H<sub>19</sub>O<sub>6</sub>PS<sub>2</sub>. (М.м. 330,3). 1129200. [CAS: 121-75-5].**

Қайнаш ҳарорати: 156 °C атрофида.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл изоктандаги) ишлатилиши мумкин.

**Малахит яшили [Malachite green]. C<sub>23</sub>H<sub>25</sub>ClN<sub>2</sub>. (М.м. 364,9). 1050500. [CAS: 123333-61-9].**

Шульц кўрсаткичи № 754.

Ранг кўрсаткичи № 42000.

[4-[[4-(Диметиламино)фенил]фенилметилең]-циклогекса-2,5-диен-1-илиден]диметиламмоний хлорид.

Яшил рангли, металл ялтироқлигига эга кристаллар. Мовийсимон-яшил рангли эритма ҳосил қилиб сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда ва метанолда эрийди.

Оптик зичлик (2.2.25). 96 % спирт R даги 0,01 г/л эритмаси 617 нм тўлқин узунлигида ютилиш максимумига эга.

**Малахит яшили эритмаси [Malachite green solution]. 1050501.**

5 г/л малахит яшили R сирка кислота, сувсиз R даги эритмаси.

**Малеин ангидрид [Maleic anhydride]. C<sub>4</sub>H<sub>2</sub>O<sub>3</sub>. (М.м. 98,1). 1050700. [CAS: 108-31-6].**

Бутендион ангидрид. 2,5-Фурандион.

Оқ ёки деярли оқ кристаллар. Сувда малеин кислотасини ҳосил қилиб эрийди, ацетон ва этилацетатда жуда осон эрийди, толуолда осон эрийди, 96 % спиртда мураккаб эфир ҳосил қилиб эрийди, петролей эфирида жуда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 52 °C атрофида.

Толуолда эримайдиганган ҳар қандай қолдиқ 5 % (малеин кислота) дан ошмаслиги керак.

**Малеин ангидрид эритмаси [Maleic anhydride solution]. 1050701.**

5 г малеин ангидриди R толуол R да эритилади ва ушбу эритувчи билан эритма ҳажми 100 мл гача етказилади.

Саклаш муддати 1 ой; хиралашган ҳолатда эритма филтрланади.

**Малеин кислота [Maleic acid]. 1050600. [CAS: 110-16-7].**

Малеин кислота (0365) га қаралсин.

**Мальтитол [Maltitol]. 1136800. [CAS: 585-88-6].**

Мальтитол (1235) га қаралсин.

**Мальтоза моногидрат [Maltose monohydrate]. C<sub>12</sub>H<sub>22</sub>O<sub>11</sub>·H<sub>2</sub>O. (М.м. 360,3). 1193100. [CAS: 6363-53-7].**  
Моногидрат 4-О-α-D-глюкопиранозил-D-глюкопираноз.

**Мальтол [Maltol]. C<sub>6</sub>H<sub>6</sub>O<sub>3</sub>. (М.м. 126,1). 1202300. [CAS: 118-71-8].**

3-Гидрокси-2-метил-4Н-пиран-4-он.

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун, қайноқ сувда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 161 °C дан 162 °C гача.

**Мальтотриоза [Maltotriose].**  $C_{18}H_{32}O_{16}$ . (М.м. 504,4). 1176300. [CAS: 1109-28-0].

$\alpha$ -D-Глюкопиранозил-(1 $\rightarrow$ 4)- $\alpha$ -D-глюкопиранозил-(1 $\rightarrow$ 4)-D-глюкоза.

Оқ ёки деярли оқ кристалл кукун. Сувда осон эрийди. Суюқланиш ҳарорати: 134 °C атрофида.

**Маннитол [Mannitol].** 1051000. [69-65-8].

Маннитол (0559) га қаралсин.

**Манноза [Mannose].**  $C_6H_{12}O_6$ . (М.м. 180,2). 1051100. [CAS: 3458-28-4].

D-(+)-Манноза.

Оқ ёки деярли оқ рангдаги кристалл ёки майда кристаллсимон кукун.

Сувда жуда осон эрийди, сувсиз спиртда кам эрийди.

$[\alpha]_D^{20}$ : +13,7° дан +14,7° гача. Аниклаш 0,05 %  $NH_3$  тутган, сув R даги 200 г/л эритмасидан фойдаланиб ўтказилади.

Суюқланиш ҳарорати: 132 °C атрофида, парчаланиш билан.

**Марганец (II) сульфат [Manganese sulphate].**  $MnSO_4 \cdot H_2O$ . (М.м. 169,0). 1050900. [CAS: 10034-96-5]. Марганец сульфат моногидрати.

Кристаллсимон кукун ёки сўниқ пушти рангли кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эримади.

Қуйдиришдан кейинги масса йўқотиши. 10,0 % дан 12 % гача. Аниклаш 1,000 г моддани (500  $\pm$  50) °C ҳароратда киздириб ўтказилади.

**Маррубин [Marrubiin].**  $C_{20}H_{28}O_4$ . (М.м. 332,4). 1158300. [CAS: 465-92-9].

(2aS,5aS,6R,7R,8aR,8bR)-6-[2-(Фуран-3-ил)этил]-6-гидрокси-2a,5a,7-триметилдекагидро-2H-нафто[1,8-bc]фуран-2-он.

Рангсиз, майда кристаллсимон кукун.

Юқори самарали суюқлик хроматографиясида ишлатиладиган маррубин, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Шандри оддий ўсимлиги (1835) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юқори самарали суюқлик хроматографияси усули (2.2.29) ёрдамида аникланади.

Миқдори: 95,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Медрон кислота [Medronic acid].** 1193200.

[CAS: 1984-15-2].

Радиофармацевтик препаратлар учун медрон кислота (2350) га қаралсин.

**Мезитил оксид [Mesityl oxide].**  $C_6H_6O$ . (М.м. 98,1). 1120100. [CAS: 141-79-7].

Метилпент-3-ен-2-он.

Рангсиз мойсимон суюқлик. 30 қисмли сувда эрийди, кўп органик эритувчилар билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,858 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 129 °C дан 130 °C гача.

**Меклозин дигидрохлорид [Meclozine dihydrochloride].** 1051200. [CAS: 1104-22-9].

Меклозин дигидрохлорид (0622) га қаралсин.

**Меламин [Melamine].**  $C_3H_6N_6$ . (М.м. 126,1). 1051300. [CAS: 108-78-1].

1,3,5-Триазин-2,4,6-триамин.

Оқ ёки деярли оқ рангли аморф кукун. Сувда ва 96 % спиртда жуда кам эрийди.

**Менадион [Menadione].** 1051400. [58-27-5].

Менадион (0507) га қаралсин.

**Ментилацетат [Menthylacetate].**  $C_{12}H_{22}O_2$ . (М.м. 198,3). 1051800. [CAS: 2623-23-6].

(1R,2S,5R)-5-Метил-2-(пропан-2-ил)циклогексил ацетат.

Рангсиз суюқлик. Сувда кам эрийди, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,92 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,447 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 228 °C атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган ментилацетат, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Қалампирылтиз мойи (0405) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Ментол [Menthol].** 1051600. [CAS: 2216-51-5].

Левоментол (0619) ва Ментол рацемик (0623) га қаралсин.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган ментол, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Ментол рацемик (0623) хусусий фармакопея мақоласидаги ёндош моддалар учун таҳлилга мувофиқ газ хроматография усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Ментон [Menthone].**  $C_{10}H_{18}O$ . (М.м. 154,2). 1051700. [CAS: 14073-97-3].

(2S,5R)-2-Изопропил-5-метилциклогексанон.

(-)-транс-п-Ментан-3-он.

Турли миқдордаги изоментонларни сақлайди.

Рангсиз суюқлик. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 0,897 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,450 атрофида.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган ментон, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Қалампирылтиз мойи (0405) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аникланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 90,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Ментофуран [Menthofuran].**  $C_{10}H_{14}O$ . (М.м. 150,2). 1051500. [CAS: 17957-94-7].

3,9-Эпокси-п-мента-3,8-диен. 3,6-Диметил-4,5,6,7-тетрагидробензофуран.

Озроқ кўкимтир рангли суюқлик. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда эрийди.

$d_{15}^{20}$ : 0,965 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,480 атрофида.

$[\alpha]_D^{20}$ : + 93° атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 196 °С.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган менто-  
фуран, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Қалампирялтиз мойи (0405) хусу-  
сий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматогра-  
фияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас, ички нормаллашти-риш  
усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**2-Меркаптобензимидазол [2-Mercaptobenzimi-  
dazole].**  $C_7H_6N_2S$ . (М.м. 150,2). 1170100. [CAS: 583-39-1].

1Н-бензимидазол-2-тиол.

Суюқланиш ҳарорати: 302 °С атрофида.

**Меркаптопурин [Mercaptopurine].** 1051900.  
[CAS: 6112-76-1].

Меркаптопурин (0096) га қаралсин.

**2-Меркаптоэтанол [2-Mercaptoethanol].**  $C_2H_6OS$ .  
(М.м. 78,1). 1099300. [CAS: 60-24-2].

Суюқлик. Сув билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 1,116 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 157 °С атрофида.

**Метакрил кислота [Methacrylic acid].**  $C_4H_6O_2$ .  
(М.м. 86,1). 1101800. [CAS: 79-41-4].

2-Метилпроп-2-ен кислота.

Рангсиз суюқлик.

$n_D^{20}$ : 1,431 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 160 °С атрофида.

Суюқланиш ҳарорати: 16 °С атрофида.

**Метан [Methane].**  $CH_4$ . (М.м. 16). 1166300.  
[CAS: 74-82-8].

Миқдори: 99,0 % (ҳажм/ҳажм) дан кам эмас.

**Метан R1 [Methane R1].**  $CH_4$ . (М.м. 16). 1176400.  
[CAS: 74-82-8].

Миқдори: 99,995 % (ҳажм/ҳажм) дан кам эмас.

**Метанил сариқ [Metanil yellow].**  $C_{18}H_{14}N_3NaO_3S$ .  
(М.м. 375,4). 1052900. [587-98-4].

Шульц кўрсаткичи № 169.

Ранг кўрсаткичи № 13065.

Натрий 3-[4-(фениламино)фенилазо] бензолсуль-  
фонат.

Жигаррангсимон-сариқ рангли кукун. Сувда ва 96 %  
спиртда эрийди.

**Метанил сариқ эритмаси [Metanil yellow solution].**  
1052901.

1 г/л метанил сариқ R нинг метанол R даги эритмаси.

Сезувчанликка синов. 50 мл сирка кислота, сувсиз R га  
0,1 мл метанил сариқ эритмасидан қўшилади;  
пуштисимон-қизил ранг ҳосил бўлади, 0,05 мл 0,1 М  
перхлорат кислота эритмаси қўшилганда бу ранг  
бинафша рангга ўтади.

Ранг ўзгариши: рН 1,2 — 2,3 оралиғида қизилдан  
зарғалдоқ-сарикқача ўзгаради.

**Метанол [Methanol].**  $CH_4O$ . (М.м. 32,04). 1053200.  
[CAS: 67-56-1].

Шаффоф, рангсиз, осон алангаланувчи суюқлик. Сув  
ва 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,791 дан 0,793 гача.

Қайнаш ҳарорати: 64 °С дан 65 °С гача.

**Метанол R1 [Methanol R1].** 1053201.

Метанол R га қўйиладиган талабларга мос келиши  
керак ва қуйидаги қўшимча синовларни бажариши  
керак.

Оптик зичлик (2.2.25): Компенсацион суюқлик  
сифатида сув R дан фойдаланиб улчанганда 210 нм да  
0,70 дан, 220 нм да 0,30 дан, 230 нм да 0,13 дан,  
250 нм да 0,02 дан, 260 нм да 0,01 дан кўп эмас ва  
ундан катта тўлқин узунликларда аниқланади.

**Метанол R2 [Methanol R2].** 1053202.

Метанол R га қўйиладиган талабларга ва қуйидаги  
қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдори: 99,8 % дан кам эмас.

Оптик зичлик (2.2.25): 0,17 дан кўп эмас.  
Компенсацион суюқлик сифатида сув R дан фойдала-  
ниб, 225 нм тўлқин узунлигида ўлчанади.

**Метанол кислотали [Methanol, hydrochloric].**  
1053203.

1,0 мл хлорид кислотаси R1 метанол R билан 100,0 мл  
хажмга етказилади.

**Метанол, альдегидлар сақламаган [Methanol,  
aldehyde-free].** 1053300.

25 г йод R 1 л метанол R да эритилади, олинган  
эритмани доимий аралаштириб турган ҳолда 400 мл 1 М  
натрий гидроксид эритмасига қуйилади, сўнгра 150 мл  
сув R дан қўшилади ва 16 соатга қолдирилади. Филтр-  
ланади ва йодоформ ҳиди йўқолгунча қайта оқимли  
конденсатор билан қайнатилади. Эритма фракцион  
ҳайдаш йўли билан ҳайдалади.

Миқдори: 0,001 % дан кўп бўлмаган альдегидлар ва  
кетонлар сақлайди.

**Метанол, сувсиз [Methanol, anhydrous].** 1053400.  
[CAS: 67-56-1].

5 г магний R 1000 мл метанол R билан қайта  
ишланади. Лозим бўлса, 0,1 мл симоб (II) хлорид  
эритмаси R билан реакция иницирланади. Газ ажралиши  
тўхтагандан сўнг, суюқлик ҳайдаб олинади, ҳайдаш  
махсулоти куруқ контейнерга йиғилади ва намликдан  
ҳимояланади.

Сув (2.5.12). 0,3 г/л дан кўп эмас.

**Метансульфон кислота [Methanesulphonic acid].**  
 $CH_4O_3S$ . (М.м. 96,1). 1053100. [CAS: 75-75-2].

20 °С атрофида қотадиған шаффоф, рангсиз суюқлик.  
Сув билан аралашади, толуолда кам эрийди, гександа  
амалда эрмайди.

$d_{20}^{20}$ : 1,48 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,430 атрофида.

**Метансульфонил хлорид [Methanesulfonyl chlori-  
de].**  $CH_3ClO_2S$ . (М.м. 114,6). 1181300.  
[CAS: 124-63-0].

Шаффоф, рангсиз ёки бироз сариқ рангли суюқлик.

Миқдори: 99,0 % дан кам эмас.

Зичлик: 1,48 г/см<sup>3</sup>.

$n_D^{20}$ : 1,452 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 161 °С атрофида.

**Метафосфат кислота [Metaphosphoric acid].**  
( $HPO_3$ )<sub>x</sub>. 1053000. [CAS: 37267-86-0].

Таркибида маълум бир миқдорда натрий метафосфат тутувчи шишасимон бўлақчалар ёки таёқчалар. Гигроскопик, сувда жуда осон эрийди.

**Нитратлар.** 1,0 г синалаётган реагент 10 мл сув *R* билан қайнатилади, совитилади, 1 мл *индиго кармин эритмаси R* дан, 10 мл *сульфат кислота, азот сақлаган R* дан қўшилади ва қайнагунча қиздирилади. Кўк ранги бутунлай йўқолиб кетмаслиги керак.

**Қайтарилувчи моддалар.** 0,01 % дан кўп эмас.  $\text{H}_3\text{PO}_3$  нисбатан ҳисобланади.

35,0 г синалаётган реагент 50 мл сув *R* да эритилади, 5 мл 200 г/л *сульфат кислота R* эритмаси, 50 мг *калий бромид R* ва 5,0 мл 0,02 *M* *калий бромат эритмасидан* қўшилади ва сув ҳаммомида 30 мин давомида қиздирилади; совитилади, 0,5 г *калий йодид R* қўшилади ва ажралиб чиққан йодни, индикатор сифатида 1 мл *крахмал эритмаси R* дан фойдаланиб, 0,1 *M* *натрий тиосульфат эритмаси* билан титрланади. Текшириш тажрибаси ўтказилади.

1 мл 0,02 *M* *калий бромат эритмасига* 4,10 мг  $\text{H}_3\text{PO}_3$  тўғри келади.

**Сақланиши:** герметик идишда.

**Метил арахидат [Methyl arachidate].**  $\text{C}_{21}\text{H}_{42}\text{O}_2$ . (М.м. 326,6). 1053900. [CAS: 1120-28-1].

Метилэйкозаноат.

**Миқдори:** 98,0 % дан кам эмас, газ хроматография усули (2.4.22) ёрдамида аниқланади.

Оқ ёки сариқ рангли кристаллсимои масса. 96 % спиртда ва петролейн эфирида эрийди.

**Суюқланиш ҳарорати:** 46 °C атрофида.

**Метил ацетат [Methyl acetate].**  $\text{C}_3\text{H}_6\text{O}_2$ . (М.м. 74,1). 1053700. [CAS: 79-20-9].

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Сувда эрийди, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,933 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,361 атрофида.

**Қайнаш ҳарорати:** 56 °C дан 58 °C гача.

*Миқдорий таҳлил.* 0,150 г ни 50 мл сирка кислота сувсиз *R* да эритилади ва 0,1 М хлорид кислота эритмасида потенциометрик (2.2.20) усулда титрланади.

1 мл 0,1 М хлорид кислота эритмаси 20,22 мг  $C_7H_{15}NaO_3S$  га мос келади.

**Натрий гидрокарбонат [Sodium hydrogen carbonate].** 1081300. [CAS: 144-55-8].

*Натрий гидрокарбонат (0195)* га қаралсин.

**Натрий гидрокарбонат эритмаси [Sodium hydrogen carbonate solution].** 1081301.

42 г/л *натрий гидрокарбонат R* эритмаси.

**Натрий гидроксид [Sodium hydroxide].** 1081400. [CAS: 1310-73-2].

*Натрия гидроксид (0677)* га қаралсин.

**Натрий гидроксид эритмаси [Sodium hydroxide solution].** 1081401.

20,0 г *натрий гидроксид R* ни сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан ҳажми 100,0 мл гача етказилади. Эритма концентрацияси 1 М хлорид кислота эритмаси билан титрлаш орқали аниқланиб, индикатор сифатида метил зарғалдоқ эритмаси *R* ишлатилади; агар керак бўлса эритма концентрацияси оширилади ёки 200 г/л га қадар суюлтирилади.

**Натрий гидроксид эритмаси, суюлтирилган [Sodium hydroxide solution, dilute].** 1081402.

8,5 г *натрий гидроксид R* ни сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан эритма ҳажми 100 мл гача етказилади.

**Натрий гидроксид эритмаси, метанолли [Sodium hydroxide solution, methanolic].** 1081403.

40 мг *натрий гидроксид R* ни 50 мл сув *R* да эритилади, олинган эритма совитилади ва 50 мл метанол *R* қўшилади.

**Натрий гидроксид эритмаси, концентранган [Sodium hydroxide solution, strong].** 1081404.

42 г *натрий гидроксид R* ни сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан эритма ҳажмини 100 мл гача етказилади.

**Натрий гидроксид эритмаси, метанолли R1 [Sodium hydroxide solution, methanolic R1].** 1081405.

200 мг *натрий гидроксид R* ни сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан ҳажми 50,0 мл гача етказилади, олинган эритма совитилади ва 50 мл метанол *R* қўшилади.

**Натрий гидроксид эритмаси, углерод диоксиди сақламаган [Sodium hydroxide solution, carbonate-free].** 1081406.

*Натрий гидроксид R* ни 500 г/мл концентрацияга қадар углерод диоксиди сақламаган сув *R* да эритилади ва тиндириб қўйилади. Шаффоф эритма углерод диоксиди таъсирдан химоялаш чораларини кўрган ҳолда декантацияланади.

**4 М Натрий гидроксид эритмаси. [4 M Sodium hydroxide]. 1081407.**

168 г *натрий гидроксид R* таркибида *углерод диоксид сақламаган сув R* да эритилади ва шу эритма билан ҳажми 1,0 л гача етказилади.

**Натрий гидросульфат [Sodium hydrogensulphate]. NaHSO<sub>4</sub>. (М.м. 120,1). 1131900. [CAS: 7681-38-1].**

Натрий бисульфат.

Сувда осон эрийди, қайнаётган сувда жуда осон эрийди. 96 % спиртда натрий сульфат ва эркин сульфат кислотага парчаланаяди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 315 °C атрофида.

**Натрий гидросульфит [Sodium hydrogensulphite]. NaHSO<sub>3</sub>. (М.м. 104,1). 1115700. [CAS: 7631-90-5].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда ўртача эрийди.

Ҳавода қисман олтингугурт диоксидини йўқотади ва босқичма-босқич сульфатга кадар оксидланади.

**Натрий гипобромит эритмаси [Sodium hypobromite solution]. 1081500.**

20 мл *натрий гидроксид концентранган эритмаси* ва 500 мл *сув R* ни муз ҳаммомида аралаштирилади, 5 мл *бром эритмаси R* қўшилади ва эригунча эҳтиётлик билан аралаштирилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Натрий гипофосфит [Sodium hypophosphite]. NaH<sub>2</sub>PO<sub>2</sub>·H<sub>2</sub>O. (М.м. 106,0). 1081700. [CAS: 10039-56-2].**  
Натрий фосфинат моногидрати.

Оқ кристалл кукун ёки рангсиз кристаллар. Гигроскопик, сувда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди.

*Сақланиши:* герметик идишда.

**Натрий гипохлорит эритмаси, концентранган [Sodium hypochlorite solution, strong]. 1081600.**

*Миқдори:* 25 г/л дан кам бўлмаган ва 30 г/л дан ортик бўлмаган фаол хлор тутати.

Сариқ рангли суюқлик, ишқорий реакцияга эга.

*Миқдорий таҳлил.* 50 мл *сув R* колбага кетма-кетликда 1 г *калий йодид R* ва 12,5 мл *суюлтирилган сирка кислота R* ва 10,0 мл концентранган натрий гипохлорит эритмаси қўшилади, *сув R* билан 100,0 мл ҳажмгача етказилади. Олинган эритмадан 10,0 мл олиб реактивли колбага солинади ва 0,1 М *натрий тиосульфат эритмаси билан титрланади*, индикатор сифатида 1 мл *крахмал эритмаси R* дан фойдаланади.

1 мл 0,1 М *натрий тиосульфат эритмаси* 3,546 мг фаол хлорга мос келади.

*Сақланиши:* ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Натрий гликохолат [Sodium glycocholate]. C<sub>26</sub>H<sub>42</sub>NNaO<sub>6</sub>·2H<sub>2</sub>O. (М.м. 523,6). 1155500. [CAS: 207300-80-9].**

Натрий [(3,7,12-тригидрокси-5-холан-24-оил)амино] ацетат дигидрат. *N*-[(3,5,7,12)-3,7,12-Тригидрокси-24-оксохолан-24-ил]глицин монопотрий тузи дигидрат.

*Миқдори:* 97 % дан кам бўлмаган C<sub>26</sub>H<sub>42</sub>NNaO<sub>6</sub>·2H<sub>2</sub>O.

**Натрий глюкуронат [Sodium glucuronate]. C<sub>6</sub>H<sub>9</sub>NaO<sub>7</sub>·H<sub>2</sub>O. (М.м. 234,1). 1080900.**

Натрий D-глюкуронат моногидрат.

[α]<sub>D</sub><sup>20</sup>: + 21,5° атрофида, 20 г/л эритмада аниқланади.

**Натрий дезоксирибонуклеат [Sodium deoxyribonucleate]. (85 % 2 × 10<sup>7</sup> атрофида ёки ундан ортик молекуляр массага эга) 1079900.**

[CAS: 73049-39-5].

Оқ рангли толасимон модда; бузоқлар тимусидан олинади.

*Яроқлилик синов.* 10 мг ни *имидазол буфер эритмаси pH 6,5 R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу буфер эритма билан 10,0 мл гача етказилади (А эритмаси). 2,0 мл А эритмаси *имидазол буфер эритмаси pH 6,5 R* билан 50,0 мл ҳажмгача етказилади. Олинган эритманинг оптик зичлиги (2.2.25) 260 нм тўлқин узунлигида ўлчанганда 0,4 дан 0,8 гача бўлиши керак.

0,5 мл А эритмасига 0,5 мл *имидазол буфер эритмаси pH 6,5 R*, 3 мл 25 г/л (HClO<sub>4</sub>) перхлорат кислота қўшилганда, чўкма ҳосил бўлади, уни центрифугаланади. Чўкинди усти суюқлигининг 260 нм тўлқин узунлигидаги оптик зичлиги, компенсацион суюқлик сифатида 1 мл *имидазол буфер эритмаси pH 6,5 R* ва 3 мл 25 г/л (HClO<sub>4</sub>) перхлорат кислота эритмаси аралашмасидан фойдаланилган ҳолда ўлчанганда 0,3 дан кўп бўлмаслиги лозим.

Иккита пробирканинг ҳар бирига 0,5 мл А эритма ва *солиштирилувчи эритма сифатида* таркибида 10 ХБ/мл *имидазол буфер эритмаси pH 6,5 R* бўлган 0,5 мл *стрептодорназа қўшилади*. Битта пробиркага шу заҳоти 3 мл 25 г/л (HClO<sub>4</sub>) перхлорат кислота эритмаси қўшилади, чўкма ҳосил бўлиб, уни центрифугаланади ва чўкинди усти суюқлиги йиғилади (а). Бошқа пробиркани 37 °C ҳароратда 15 минут давомида қиздирилади, 3 мл 25 г/л (HClO<sub>4</sub>) перхлорат кислота эритмаси қўшилади, центрифугаланади ва чўкинди усти суюқлиги йиғилади (б). Чўкинди усти суюқлигининг (б), оптик зичлигини 260 нм тўлқин узунлигида таккослаш эритмаси сифатида чўкинди усти суюқлиги (а) дан фойдаланган ҳолда ўлчанади. Оптик зичлиги кўпи билан 0,15 дан кам бўлмаслиги лозим.

**Натрий дезоксихолат [Sodium deoxycholate]. C<sub>24</sub>H<sub>39</sub>NaO<sub>4</sub>. (М.м. 414,6). 1131800. [CAS: 302-95-4].**

Натрий 3α,12α-дигидрокси-5β-холан-24-оат.

**Натрий декансульфонат [Sodium decanesulphonate]. C<sub>10</sub>H<sub>21</sub>NaO<sub>3</sub>S. (М.м. 244,3). 1079800. [CAS: 13419-61-9].**

Кристалл кукун ёки оқ ёки деярли оқ рангли ёрмалар. Сувда осон эрийди, метанолда эрийди.

**Натрий децилсульфат [Sodium decylsulphate]. C<sub>10</sub>H<sub>21</sub>NaO<sub>4</sub>S. (М.м. 260,3). 1138600. [CAS: 142-87-0].**

*Миқдори:* 95,0 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун. Сувда осон эрийди.

**Натрий дигидрофосфат [Sodium dihydrogen phosphate]. 1080100. [CAS: 13472-35-0].**

*Натрий дигидрофосфат дигидрати (0194)* га қаралсин.

**Натрий дигидрофосфат моногидрати [Sodium dihydrogen phosphate monohydrate]. NaH<sub>2</sub>PO<sub>4</sub>·H<sub>2</sub>O. (М.м. 138,0). 1080300. [CAS: 10049-21-5].**

Оқ ёки деярли оқ рангли, бироз тарқалувчан кристаллар ёки гранулалар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эрмайди.

*Сақланиши:* герметик идишда.



**Натрий дигидрофосфат, сувсиз [Sodium dihydrogenphosphate, anhydrous].**  $\text{NaH}_2\text{PO}_4$ .

(М.м. 120,0). 1080200. [CAS: 7558-80-7].

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, гигроскопик.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий диоктилъ сульфосукцинат[Sodium dioctyl sulfosuccinate].**  $\text{C}_{20}\text{H}_{37}\text{NaO}_7\text{S}$ . (М.м. 444,6). 1170800. [CAS: 577-11-7].

Натрий 1,4-бис[(2-этилгексил)окси]-1,4-диоксобутан-2-сульфонат. 1,4-Бис(2-этилгексил) сульфобутандиеноат натрий тузи.

Оқ ёки деярли оқ рангли, қаттиқ мумсимон модда.

**Натрий дитионит [Sodium dithionite].**  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4$ . (М.м. 174,1). 1080400. [CAS: 7775-14-6].

Оқ ёки кулрангсимон-оқ рангли кристалл кукун; ҳавода оксидланади. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий диэтилдитиокарбамат [Sodium diethyldithiocarbamate].**  $\text{C}_3\text{H}_{10}\text{NNaS}_2 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 225,3). 1080000. [CAS: 20624-25-3].

Рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди. Сувли эритмаси рангсиз.

**Натрий додецилсульфат [Sodium dodecyl sulphate].** 1080500. [CAS: 151-21-3].

Натрий лаурилсульфат (0098) га қаралсин.

Миқдори: 99,0 %дан кам эмас.

**Натрий докузат [Docusate sodium].** 1034100. [CAS: 577-11-7].

Натрий докузат (1418) га қаралсин.

**Натрий йодид [Sodium iodide].** 1081800. [CAS: 7681-82-5].

Натрий йодид (0196) га қаралсин.

**Натрий карбонат [Sodium carbonate].** 1079200. [CAS: 6132-02-1].

Натрий карбонат декагидрати (0191) га қаралсин.

**Натрий карбонат моногидрати [Sodium carbonate monohydrate].** 1131700. [CAS: 5968-11-6].

Натрий карбонат моногидрати (0192) га қаралсин.

**Натрий карбонат эритмаси [Sodium carbonate solution].** 1079301.

106 г/л сувсиз натрий карбонат R эритмаси.

**Натрий карбонат эритмаси R1 [Sodium carbonate solution R1].** 1079302.

0,1 M натрий гидроксид эритмасидаги 20 г/л сувсиз натрий карбонат R нинг эритмаси.

**Натрий карбонат эритмаси R2. [Sodium carbonate solution R2].** 1079303.

0,2 M натрий гидроксид эритмасидаги 40 г/л сувсиз натрий карбонат R нинг эритмаси.

**Натрий карбонат, сувсиз [Sodium carbonate, anhydrous].**  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ . (М.м. 106,0). 1079300. [CAS: 497-19-8].

Динатрий карбонат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, гигроскопик. Сувда осон эрийди.

Куритишдаги массанинг йўқотиш ҳарорати 300 °C атрофида, 1 % дан кам бўлмаслиги керак.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий кобальтинитрит [Sodium cobaltinitrite].**  $\text{Na}_3[\text{Co}(\text{NO}_2)_6]$ . (М.м. 403,9). 1079700. [CAS: 13600-98-1]. Натрий гексанитрокобальтат (III).

Зарғалдоқ-сарик рангдаги кукун. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Натрий кобальтинитрит эритмаси [Sodium cobaltinitrite solution].** 1079701.

100 г/л натрий кобальтинитрит R эритмаси. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Натрий лаурил сульфат [Sodium lauryl sulfate].** 1081900. [CAS: 151-21-3].

Натрий лаурилсульфат R га қаралсин.

**Натрий лаурилсульфат [Sodium lauril sulfate].** 1081900. [CAS: 151-21-3].

Натрий лаурилсульфат (0098) га қаралсин.

**Натрий лаурилсульфонат хроматография учун [Sodium laurylsulphonate for chromatography].**  $\text{C}_{12}\text{H}_{25}\text{NaO}_3\text{S}$ . (М.м. 272,4). 1132000. [CAS: 2386-53-0].

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун ёки кристаллар, сувда осон эрийди.

Сув R да аниқланадиган оптик зичлик  $A_{1\text{cm}}^{5\%}$  (2.2.25): 210 нм да 0,05 атрофида; 220 нм да 0,03 атрофида; 230 нм да 0,02 атрофида; 500 нм да 0,02 атрофида.

**Натрий метабисульфит [Sodium metabisulphite].** 1082000. [CAS: 7681-57-4].

Натрий метабисульфит (0849) га қаралсин.

**Натрий метансульфонат [Sodium methanesulphonate].**  $\text{CH}_3\text{SO}_3\text{Na}$ . (М.м. 118,1). 1082100. [CAS: 2386-57-4].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, гигроскопик.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий молибдат [Sodium molybdate].**  $\text{Na}_2\text{MoO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 242,0). 1082200. [CAS: 10102-40-6]. Динатрий молибдат дигидрат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, ёки рангсиз кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Натрий нафтохинонсульфонат [Sodium naphthoquinonesulfonate].**  $\text{C}_{10}\text{H}_5\text{NaO}_5\text{S}$ . (М.м. 260,2). 1082300. [CAS: 521-24-4].

Натрий 1,2-нафтохинон-4-сульфонат.

Сарик ёки зарғалдоқ-сарик рангли кристалл кукун, сувда осон эрийди, 96 % спиртда амалда эримайди.

**Натрий нитрат [Sodium nitrate].**  $\text{NaNO}_3$ . (М.м. 85,0). 1082400. [CAS: 7631-99-4].

Оқ ёки деярли оқ рангли ёки рангсиз кукун ёки грануларлар, шаффоф кристаллар, ҳавода суюқланади. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий нитрит [Sodium nitrite].**  $\text{NaNO}_2$ . (М.м. 69,0). 1082500. [CAS: 7632-00-0].

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ рангли грануланган кукун ёки озрок сариқ рангли кристалл кукун. Сувда осон эрийди.

Миқдорий таҳлил. 0,100 г натрий нитрит 50 мл сув *R* да эритилади. Ҳосил бўлган эритмага 50 мл 0,02 *M* калий перманганат эритмаси ва 15 мл суюлтирилган сульфат кислота *R* қўшилади ва сўнгра 3 г калий йодид *R* қўшилади. 0,1 *M* натрий тиосульфат эритмаси билан титрланади. Индикатор сифатида 1,0 мл крахмал эритмаси *R* дан фойдаланиб, уни титрлашни охирида қўшилади.

1 мл 0,02 *M* калий перманганат эритмасига 3,450 мг  $\text{NaNO}_2$  мос келади.

**Натрий нитрит эритмаси [Sodium nitrite solution].** 1082501.

100 г/л натрий нитрит *R* эритмаси.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Натрий нитропруссид [Sodium nitroprusside].**  $\text{Na}_2[\text{Fe}(\text{CN})_5(\text{NO})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 298,0). 1082600. [CAS: 13755-38-9].

Натрий пентацианонитрозилферрат (III) дигидрат.

Қизғиш-жигарранг рангли кукун ёки кристаллар. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Натрий оксалат [Sodium oxalate].**  $\text{C}_2\text{Na}_2\text{O}_4$ . (М.м. 134,0). 1082900. [CAS: 62-76-0].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда эрийди, 96 % спиртда амалда эрмайди.

**Натрий оксидронат [Sodium oxidronate].**  $\text{CH}_4\text{Na}_2\text{O}_7\text{P}_2$  (М.м. 236,0). 1194000. [CAS: 14255-61-9].

Натрий гидроксиметилендифосфонат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун ёки рангсиз кристаллар. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда жуда кам эрийди, метиленхлоридда амалда эрмайди.

**Натрий октансульфонат [Sodium octanesulphonate].**  $\text{C}_8\text{H}_{17}\text{NaO}_3\text{S}$ . (М.м. 216,3). 1082700. [CAS: 5324-84-5].

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки ёрмалар. Сувда осон эрийди, метанолда эрийди.

Оптик зичлик (2.2.25). 54 г/л эритманинг оптик зичлиги 200 нм тўлқин узунлигида 0,10 кўп ва 250 нм тўлқин узунлигида эса 0,01 кўп бўлмаслиги керак.

**Натрий октансульфонат моногидрат [Sodium octanesulphonate monohydrate].**  $\text{C}_8\text{H}_{17}\text{NaO}_3\text{S} \cdot \text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 234,3). 1176700. [CAS: 207596-29-0].

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун.

**Натрий октилсульфат [Sodium octylsulphate].**  $\text{C}_8\text{H}_{17}\text{NaO}_4\text{S}$ . (М.м. 232,3). 1082800. [CAS: 142-31-4].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки ёрмалар. Сувда осон эрийди, метанолда эрийди.

**Натрий пентансульфонат [Sodium pentanesulphonate].**  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{NaO}_3\text{S}$ . (М.м. 174,2). 1083000. [CAS: 22767-49-3].

Оқ ёки деярли оқ рангли қаттиқ кристалл модда. Сувда эрийди.

**Натрий пентансульфонат моногидрат [Sodium pentanesulphonate monohydrate].**  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{NaO}_3\text{S} \cdot \text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 192,2). 1132100. [CAS: 207605-40-1].

Оқ ёки деярли оқ рангли қаттиқ кристалл модда. Сувда эрийди.

**Натрий пентансульфонат моногидрат R1 [Sodium pentanesulphonate monohydrate R1].**  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{NaO}_3\text{S} \cdot \text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 192,2). 1172500. [CAS: 207605-40-1].

Миқдори: 99 % дан кам бўлмаган  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{NaO}_3\text{S} \cdot \text{H}_2\text{O}$ .

**Натрий перйодат [Sodium periodate].**  $\text{NaIO}_4$ . (М.м. 213,9). 1083200. [CAS: 7790-28-5].

Натрий метаперйодат.

Миқдори: 99 % дан кам эмас.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки кристаллар.

Сув ва минерал кислоталарда эрийди.

**Натрий перйодат эритмаси [Sodium periodate solution].** 1083201.

Сув *R* да 1,07 г натрий перйодат *R* эритилади. Ҳосил бўлган эритмага 5 мл суюлтирилган сульфат кислота *R* қўшилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 100,0 мл гача етказилади. Эритма ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Натрий перхлорат [Sodium perchlorate].**  $\text{NaClO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 140,5). 1083100. [CAS: 7791-07-3].

Миқдори: 99 % дан кам бўлмаган  $\text{NaClO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ .

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар, ҳавода суюқланади. Сувда жуда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий пикрат ишқорий эритмаси [Sodium picrate solution, alkaline].** 1083300.

20 мл пикрин кислота эритмаси *R* 10 мл 50 г/л натрий гидроксид эритмаси *R* билан аралаштирилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 100 мл гача етказилади.

Сақланиши: тайёрланган вақтдан бошлаб 2 сутка давомида ишлатилади.

**Натрий пирофосфат [Sodium pyrophosphate].**  $\text{Na}_2\text{P}_2\text{O}_7 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 446,1). 1083600. [CAS: 13472-36-1].

Тетранатрий дифосфат декагидрат.

Рангсиз, енгил учувчан кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Натрий пируват [Sodium pyruvate].**  $\text{C}_3\text{H}_3\text{NaO}_3$ . (М.м. 110,0). 1204300. [CAS: 113-24-6].

2-оксопропан кислотанинг натрий тузи.

Сувда эрийдиган (100 мг/мл), оқ ёки хира сариқ рангли кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 300 °C дан юқори.

**Натрий родизонат [Sodium rhodizonate].**  $\text{C}_6\text{Na}_2\text{O}_6$ . (М.м. 214,0). 1122300. [CAS: 523-21-7].

[(3,4,5,6-тетраоксоциклогекс-1-ен-1,2-илен)диокси]динатрий.

Бинафша рангли кристаллар. Зарғалдоқ-сарик эритма ҳосил қилиб сувда эрийди.

Эритмалари бекарор, фойдаланиладиган куни тайёрланади.

**Натрий салицилат [Sodium salicylate].** 1083700. [CAS: 54-21-7].

Натрий салицилат (0413) га қаралсин.

**Натрий сахаринат [Saccharin sodium].** 1131400. [CAS: 128-44-9].

*Натрий сахаринат (0787) га қаралсин.*

**Натрий стеарил фумарат [Sodium stearyl fumarate].**  $C_{22}H_{39}NaO_4$ . 1195100. [CAS: 4070-80-8].

*Натрий стеарил фумарат (1567) га қаралсин.*

**Натрий сульфат декагидрат [Sodium sulfate decahydrate].**  $Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$ . (М.м. 322,2). 1132300. [CAS: 7727-73-3].

*Натрий сульфат декагидрат (0100) га қаралсин.*

**Натрий сульфат, сувсиз [Sodium sulphate, anhydrous].** 1083800. [CAS: 7757-82-6].

*Сувсиз натрий сульфат (0099) хусусий фармакопея мақоласида кўрсатилган талабларга мувофиқ сувсиз натрий сульфат 600 °C дан 700 °C гача оралиқда ёнади.*

*Қуришишдаги массанинг йўқотилиши (2.2.32). 0,5 % дан кўп эмас. Аниқлаш 130 °C ҳароратда амалга оширилади.*

**Натрий сульфат, сувсиз R1 [Sodium sulfate, anhydrous R1].** 1083801.

*Сувсиз натрий сульфат R учун белгиланган талабларга қуйидаги максимал таркиблар билан мос келади.*

Cl: 20 ppm.  
Pb: 10 ppm.  
As: 3 ppm.  
Ca: 50 ppm.  
Fe: 10 ppm.  
Mg: 10 ppm.

**Натрий сульфид [Sodium sulphide].**  $Na_2S \cdot 9H_2O$ . (М.м. 240,2). 1083900. [CAS: 1313-84-4].

*Динарий сульфид наонагидрат.*

*Рангсиз, тез сарғаювчи кристаллар, ҳавода тарқалувчан. Сувда жуда осон эрийди.*

*Сақланиши:* герметик идишда.

**Натрий сульфид эритмаси [Sodium sulphide solution].** 1083901.

*45 мл сув R — глицерин (85 %) R (10:29) эритувчилар аралашмасида 12 г натрий сульфид R ни киздириб эритилади, сўнгра совитилади ва эритма ҳажмини юқорида кўрсатилган эритувчилар аралашмаси билан 100 мл гача етказилади. Эритма рангсиз бўлиши керак.*

**Натрий сульфид эритмаси R1 [Sodium sulfide solution R1].** 1083902.

*Қуйидаги усулларнинг бири билан тайёрланади:*

– 5 г натрий сульфид R 10 мл сув R ва 30 мл глицерин R лардан иборат бўлган аралашмада эритилади.

– 5 г натрий гидроксид R 30 мл сув R ва 90 мл глицерин R лардан иборат бўлган аралашмада эритилади. Эритмани тенг икки қисмга бўлинади. Бир қисми совитиш жараёнида водород сульфид R билан тўйинтирилади, сўнгра иккала қисмлар аралаштирилади.

*Сақланиши:* тайёрлангандан сўнг ёруғликдан ҳимояланган жойда, тўлдирилган идишда 3 ой давомида сақланади.

**Натрий сульфит гептагидрат [Sodium sulphite heptahydrate].** 1084000. [CAS: 10102-15-5].

*Натрий сульфит гептагидрат (0776) га қаралсин.*

**Натрий сульфит, сувсиз [Sodium sulfite, anhydrous].** 1084100. [CAS: 7757-83-7].

*Натрий сульфит (0775) га қаралсин.*

**Натрий тартарат [Sodium tartrate].**

$C_4H_4Na_2O_6 \cdot 2H_2O$ . (М.м. 230,1). 1084200.

[CAS: 6106-24-7].

*Динарий (2R,3R)-2,3-дигидроксидибутандиоат дигидрат.*

*Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар ёки гранулалар. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда деярли эримайди.*

**Натрий тауродексоксихолат [Sodium taurodeoxycholate].**  $C_{26}H_{44}NNaO_6S \cdot H_2O$ . (М.м. 539,7). 1155600. [CAS: 110026-03-4].

*Натрий 2-[(3,12-дигидроксиди-5-холан-24-оил)амино]этансульфонат моногидрат. 2-[[[(3,5,12)-3,12-Дигидроксиди-24-оксохолан-24-ил]амино]этансульфон кислота, мононатрийли тузи, моногидрат.*

*Миқдори:* 94 % дан кўп бўлмаган  $C_{26}H_{44}NNaO_6S \cdot H_2O$ .

**Натрий тетрагидроборат [Sodium tetrahydroborate].**  $NaBH_4$ . (М.м. 37,8). 1146900. [CAS: 16940-66-2].

*Натрий борогидрид.*

*Рангсиз, гигроскопик кристаллар, сувда осон эрийди, сувсиз спиртда эрийди. Юқори ҳароратда парчаланади ёки кислоталар иштирокида ёки баъзи металл тузлари билан бура ва водород ҳосил қилади.*

*Сақланиши:* герметик идишда.

**Натрий тетрагидроборатнинг қайтарувчи эритмаси [Sodium tetrahydroborate reducing solution].** 1146901.

*Магнит аралаштиргичли 500 мл ўлчов колбасига 100 мл атрофида сув R ва устига 5,0 г натрий гидроксид R грануласи ҳамда 2,5 г натрий тетрагидро-борат R солинади, эригунча аралаштирилади. Сув R билан 500,0 мл гача суюлтирилади ва яна аралаштирилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.*

**Натрий тетрафенилборат [Sodium tetraphenylborate].**  $NaB(C_6H_5)_4$ . (М.м. 342,2). 1084400. [CAS: 143-66-8].

*Оқ ёки бироз сарғишсимон рангли ҳажми кенг кукун. Сувда ва ацетонда осон эрийди.*

**Натрий тетрафенилборат эритмаси. [Sodium tetraphenylborate solution].** 1084401.

*10 г/л натрий тетрафенилборат R эритмаси.*

*Сақланиши:* тайёрлангандан сўнг 1 ҳафта давомида фойдаланилади.

**Натрий тиогликолят [Sodium thioglycollate].**  $C_2H_3NaO_2S$ . (М.м. 114,1). 1084500. [CAS: 367-51-1].

*Натрия меркаптоацетат.*

*Оқ ёки деярли оқ рангли грануланган кукун ёки кристаллар. Гигроскопик, сувда ва метанолда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.*

*Сақланиши:* герметик идишда сақланади.

**Натрий тиосульфат [Sodium thiosulphate].** 1084600. [CAS: 10102-17-7].

*Натрий тиосульфат (0414) га қаралсин.*

**Натрий тиосульфат, сувсиз [Sodium thiosulfate, anhydrous].**  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ . (М.м. 158,1). 1180700. [CAS: 7772-98-7].

Динатрий тиосульфат.

Миқдори: 98,0 % дан кам эмас.

**Натрий флуоресцеинат [Sodium fluoresceinate].**  $\text{C}_{20}\text{H}_{10}\text{Na}_2\text{O}_5$ . (М.м. 376,3). 1080700. [CAS: 518-47-8].

Шульц кўрсаткичи № 880.

Ранг кўрсаткичи № 45350.

Флуоресцеин натрий. Динатрий 2-(3-оксо-6-оксидо-3Н-ксантен-9-ил)бензоат.

Зарғалдоқ-қизил рангли кукун. Сувда осон эрийди. Сувли эритмалари интенсив сарғиш-яшил флуоресценцияга эга.

**Натрий формиат [Sodium formate].**  $\text{CHNaO}_2$ . (М.м. 68,0). 1122200. [CAS: 141-53-7].

Натрий метаноат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки суюқланувчан гранулалар. Сув ва глицеринда эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 253 °C атрофида.

**Натрий фосфат додекагидрат [Trisodium phosphate dodecahydrate].**  $\text{Na}_3\text{PO}_4 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 380,1). 1094300. [CAS: 10101-89-0].

Тринатрий фосфат додекагидрат.

Рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Натрий фосфит пентагидрат [Sodium phosphite pentahydrate].**  $\text{Na}_2\text{HPO}_3 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ . (М.м. 216,0). 1132200. [CAS: 13517-23-2].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллсимон кукун. Гигроскопик, сувда осон эрийди.

Сақланиши: герметик идишда.

**Натрий фторид [Sodium fluoride].** 1080800. [CAS: 7681-49-4].

Натрий фторид (0514) га қаралсин.

**Натрий хлорид [Sodium chloride].** 1079500. [CAS: 7647-14-5].

Натрий хлорид (0193) га қаралсин.

**Натрий хлорид эритмаси [Sodium chloride solution].** 1079502.

20 % (м/м) натрий хлорид R эритмаси.

**Натрий хлорид эритмаси, тўйинган [Sodium chloride solution, saturated].** 1079503.

1 қисм натрий хлорид R, 2 қисм сув R билан аралаштирилади ва даврий равишда чайқатилади ва тиндирилади. Ишлатишдан аввал эритма декантация қилинади ва зарурат бўлган ҳолларда филтрланади.

**Натрий цетостеарилсульфат [Sodium cetostearyl sulphate].** 1079400.

Натрий цетостеарилсульфат (0847) га қаралсин.

**Натрий цитрат [Sodium citrate].** 1079600. [CAS: 6132-04-3].

Натрий цитрат (0412) га қаралсин.

**Натрий эдетат [Sodium edetate].** 1080600. [CAS: 6381-92-6].

Динатрий эдетат (0232) га қаралсин.

**Натрий-кальций эдетат [Sodium calcium edetate].** 1174000. [CAS: 62-33-9].

Натрий-кальций эдетат (0231) га қаралсин.

**Нафталин [Naphthalene].**  $\text{C}_{10}\text{H}_8$ . (М.м. 128,2). 1057100. [CAS: 91-20-3].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда амалда эримайди, 96 % спиртда эрийди. Суюқланиш ҳарорати: 80 °C атрофида.

Суюқлик сцинтилляцияси учун ишлатиладиган нафталин ўзининг тозалик даражасига мос келиши керак.

**2,3-нафталиндиамин [2,3-Naphthalenediamine].**  $\text{C}_{10}\text{H}_{10}\text{N}_2$ . (М.м. 158,2). 1199700. [CAS: 771-97-1].

Нафталин-2,3-диамина. 2,3-диаминонафталин.

Жигаррангсимон-сарик рангли кристалл кукун. 96 % спиртда кам эрийди, ацетонда амалда эримайди.

Суюқланиш ҳарорати: 195 °C дан 198 °C гача.

**Нафтарсон [Naphtharson].**  $\text{C}_{16}\text{H}_{11}\text{AsN}_2\text{Na}_2\text{O}_{10}\text{S}_2$ . (М.м. 576,3). 1121400. [CAS: 3688-92-4].

Торин. Динатрия 4-[(2-арсонофенил)азо]-3-гидрокси-нафталин-2,7-дисульфат.

Қизил рангли кукун. Сувда эрийди.

**Нафтарсон эритмаси [Naphtharson solution].** 1121401.

0,58 г/л нафтарсон R эритмаси.

Сезувчанликка синов. 50 мл 96 % спирт R га 20 мл сув R, 1 мл суюлтирилган сульфат кислота R ва 1 мл нафтарсон эритмаси қўшилади. Эритмани 0,025 M барий перхлорат эритмаси билан зарғалдоқ-сарик рангдан зарғалдоқ-пушти ранга ўтгунча титрланади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

Яроқлилик муддати 1 ҳафта.

**Нафтарсон эритмаси R1. [Naphtharson solution R1].** 1121402.

Ионсизлантирилган дистилланган сув R даги 1 г/л эритма.

Сезувчанликка синов. 50 мл 96 % спирт R га 20 мл сув R, 1 мл суюлтирилган сульфат кислота R1 ва 1 мл нафтарсон эритмаси R1 қўшилади. 0,025 M барий перхлорат эритмаси билан титрланади; ранг зарғалдоқ-сарикдан зарғалдоқ-пушти ранггача ўзгаради.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда; 1 ҳафта давомида фойдаланилади.

**Нафтиламин [Naphthylamine].**  $\text{C}_{10}\text{H}_9\text{N}$ . (М.м. 143,2). 1057700. [CAS: 134-32-7].

1-Нафтиламин.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, ёруғлик ва ҳаво таъсирида пушти рангга киради. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 51 °C атрофида.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**1-Нафтилсирка кислота [1-Naphthylacetic acid].**  $\text{C}_{12}\text{H}_{10}\text{O}_2$ . (М.м. 186,2). 1148400. [CAS: 86-87-3].

(Нафталин-1-ил)сирка кислота.

Оқ ёки сариқ рангли кристалл кукун. Сувда жуда кам эрийди, ацетонда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 135 °C атрофида.

**Нафтилэтилендиамин дигидрохлорид [Naphthylethylenediamine dihydrochloride].**  $C_{12}H_{16}Cl_2N_2$ .

(М.м. 259,2). 1057800. [CAS: 1465-25-4].

N-(1-Нафтил)этилендиамин дигидрохлорид.

Таркибида кристаллизацион метанол сақлаши мумкин.

Оқ ёки сарғиш-оқ рангли кукун. Сувда эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Нафтилэтилендиамин дигидрохлорид эритмаси [Naphthylethylenediamine dihydrochloride solution].** 1057801.

Сув R да 0,1 г нафтилэтилендиамин дигидрохлорид R эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 100 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**α-Нафтол [α-Naphthol].**  $C_{10}H_8O$ . (М.м. 144,2). 1057300. [CAS: 90-15-3].

1-Нафтол.

Оқ кристалл кукун ёки деярли оқ рангли ёки рангсиз ёки оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар, ёруғлик таъсирида қораяди. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 95 °C атрофида.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**α-Нафтол эритмаси [α-Naphtholsolution].** 1057301.

0,10 г α-нафтол R 150 г/л натрий гидроксид R нинг 3 мл эритмасида эритилади ва эритма ҳажми сув R билан 100 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади..

**β-Нафтол [β-Naphthol].**  $C_{10}H_8O$ . (М.м. 144,2). 1057400. [CAS: 135-19-3].

2-Нафтол.

Пластинкалар ёки оқ ёки озроқ пушти рангли кристаллар. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда жуда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 122 °C атрофида.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**β-Нафтол эритмаси [β-Naphthol solution].** 1057401.

5 г янги қайта кристалланган β-нафтол R ни 40 мл суюлтирилган натрий гидроксид эритмаси R да эритилади ва эритма ҳажмини сув R билан 100 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**β-Нафтол эритмаси R1 [β-Naphthol solution R1].** 1057402.

3,0 мг β-нафтол R ни 50 мл сульфат кислота R да эритилади ва эритма ҳажмини шу кислота билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Нафтол сариғи [Naphthol yellow].**  $C_{10}H_5N_2NaO_5$ . (М.м. 256,2). 1136600.

2,4-Динитро-1-нафтолнинг натрийли тузи.

Зарғалдоқ-сариқ кукун ёки кристаллар, сувда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Нафтол сариғи S [Naphthol yellow S].**

$C_{10}H_4N_2Na_2O_8S$ . (М.м. 358,2). 1143800. [CAS: 846-70-8].

Ранг кўрсаткичи №. 10316.

8-Гидрокси-5,7-динитро-2-нафталинсульфон кислотасининг динатрийли тузи. Динатрий 5,7-динитро-8-оксидонафталин-2-сульфонат.

Сариқ ёки зарғалдоқ-сариқ кукун, сувда осон эрийди.

**Нафтолбензеин [Naphtholbenzein].**  $C_{27}H_{18}O_2$ . (М.м. 374,4). 1057600. [CAS: 145-50-6].

α-Нафтолбензеин. 4-[(4-Гидрокси-нафталин-1-ил) (фенил)метилиден]нафталин-1(4H)-он.

Жигаррангсимон-қизил кукун ёки ялтироқ жигар-рангсимон-қора рангли кристаллар, сувда амалда эрмайди, 96 % спиртда ва 99,8 % сирка кислотада эрийди.

**Нафтолбензеин эритмаси [Naphtholbenzein solution].** 1057601.

2 г/л нафтолбензеин R 99,8 % сирка кислота R даги эритмаси.

Сезувчанликка синов. 50 мл 99,8 % сирка кислота R га 0,25 мл нафтолбензеин эритмаси қўшилганда жигарранг-симон-сариқ ранг ҳосил бўлади, сўнг 0,05 мл дан кўп бўлмаган 0,1 М перхлорат кислота эритмаси қўшилганда яшил рангга ўтиши керак.

**Неогесперидин [Neohesperidin].**  $C_{28}H_{34}O_{15}$ . (М.м. 610,6). 1182200. [CAS: 13241-33-3].

Гесперетин-7-неогесперидозид. (2S)-7-[[2-O-(6-Де-окси-α-L-маннопиранозил)-β-D-глюкопиранозил] окси]-5-гидрокси-2-(3-гидрокси-4-метоксифенил)-2,3-дигидро-4H-1-бензопиран-4-он.

**Нерилацетат [Neryl acetate].**  $C_{12}H_{20}O_2$ . (М.м. 196,3). 1108000. [CAS: 141-12-8].

(Z)-3,7-Диметилокта-2.6-диенилацетат.

Рангсиз, мойсимон суюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 0,907 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,460 атрофида.

Қайнаш ҳарорати<sub>25</sub>: 134 °C.

Газ хроматографиясида ишлатиладиган нерилацетат, қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

Миқдорий таҳлил. Нероли мойи (1175) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

Синалаётган эритма. Синалаётган модда.

Миқдори: 93,0 % дан кам эмас, ички нормаллаш-тириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Никел нитрат гексагидрати [Nickel nitrate hexahydrate].**  $Ni(NO_3)_2 \cdot 6H_2O$ . (М.м. 290,8). 1175300. [CAS: 13478-00-7].

**Никел сульфат [Nickel sulphate].**  $NiSO_4 \cdot 7H_2O$ . (М.м. 280,9). 1058000. [CAS: 10101-98-1].

Никел сульфат гептагидрати.

Яшил рангли кристаллар ёки кристаллсимон кукун. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда кам эрийди.

**Никел хлорид [Nickel chloride].**  $NiCl_2$ . (М.м. 129,6). 1057900. [CAS: 7718-54-9].

Никел хлорид сувсиз.

Сариқ рангли кристалл кукун. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди. Ҳавосиз шароитда

сублиматланади ва аммиакни осон ютади. Сувли эритмаси кислотали реакцияга эга.

**Никел-алюминий қотишмаси [Nickel-aluminium alloy]. 1058100.**

*Миқдори:* Аллюминий (Al; *А.м.* 26,98) 48 % дан 52 % гача ва никел (Ni; *А.м.* 58,70) 48 % дан 52 % гача.

Фойдаланишидан олдин майда кукунгача майдаланади (180) (2.9.12).

Сувда амалда эрмайди, минерал кислоталарда эрийди.

**Никель-алюминий қотишмаси, галогенлар сақламаган [Nickel-aluminium alloy (halogen-free)]. 1118100.**

48 % дан 52 % гача аллюминий (Al; *А.м.* 26,98) ва 48 % дан 52 % гача никел (Ni; *А.м.* 58,70) сақлайди.

Кулранг рангли майда кукун. Сувда амалда эрмайди, минерал кислоталарда тузлар ҳосил қилиб эрийди.

*Хлоридлар.* 0,001 % қўп эмас (10 ppm).

0,400 г ни 40 мл *нитрат кислота R* да эритилади, *эритма деярли қуригунга қадар* буглатилади. Қолдиқ сув *R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 20,0 мл гача етказилади. Эритма тенг миқдорда икки пробиркага куйилади. Ҳар бир пробиркага 1,0 мл 0,1 *М* кумуш нитрат эритмаси қўшилади ва 15 мин дан сўнг филтрланади. Пробиркалардан биридаги олинган филтратга (10 мкг/мл хлорид-ион сақлаган) 0,2 мл натрий хлорид эритмасидан қўшилади (солиштирма эритма) 5 мин дан сўнг синалаётган эритманинг (аликвотанинг иккинчи ярмининг 1 мл 0,1 *М* кумуш нитрат эритмаси билан аралашмаси) опалесценцияси солиштирма эритма билан солиштирилади. Синалаётган эритманинг опалесценцияси солиштирма эритма опалесценциясидан ошмаслиги керак.

**Никотин кислота [Nicotinic acid]. 1158600.**  
[CAS: 59-67-6].

*Никотин кислота (0459)* га қаралсин.

**Никотинамид-аденин динуклеотид [Nicotinamide-adenine dinucleotide].**  $C_{21}H_{27}N_7O_{14}P_2$ . (*М.м.* 663). 1108100.  
[CAS: 53-84-9].  $NAD^+$ .

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, жуда гигроскопик. Сувда осон эрийди.

**Никотинамид-аденин динуклеотид эритмаси [Nicotinamide-adenine dinucleotide solution]. 1108101.**

40 мг *никотинамид-аденин динуклеотид R* сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан эритма ҳажми 10 мл гача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Никотиноил гидразид [Nicotinoyl hydrazide].**  $C_6H_7N_3O$ . (*М.м.* 137,1). 1202400. [CAS: 553-53-7].

Пиридин-3-карбогидразид.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун ёки кристаллсимон кукун, сувда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 160 °C атрофида.

**Нил кўки А [Nile blue A].**  $C_{20}H_{21}N_3O_5S$ . (*М.м.* 415,5). 1058200. [CAS: 3625-57-8].

Шульц кўрсаткичи № 1029.

Ранг кўрсаткичи № 51180.

2-Амино-9-(диэтиламино)бензо[*a*]феноксазиний кислотали сульфат.

Бронза ялтироқли яшил рангли кристалл кукун. 96 % спирт, 99,8% сирка кислота ва пиридинда ўртача эрийди.

*Оптик зичлик* (2.2.25). 0,005 г/л *спирт* (50 %, ҳажм/ҳажм) *R* даги эритма 640 нм тўлқин узунлигида максимум ютилишига эга.

**Нил кўки А эритмаси [Nile blue A solution]. 1058201.**

*Сувсиз сирка кислота R* даги Нил кўки А нинг 10 г/л эритмаси.

*Сезувчанликка синов.* 50 мл *сувсиз сирка кислота R* га 0,25 мл Нил кўки А эритмаси қўшилади; кўк ранг ҳосил бўлади. 0,1 мл дан қўп бўлмаган 0,1 *М* перхлорат кислота эритмаси қўшилганда мовий ранг ҳосил бўлиб, кўк-яшилрангга ўтади.

*Ранг ўзгариши:* pH 9,0-13,0 оралиғида кўкдан қизил рангга ўтади.

**Нингидрин [Ninhydrin].**  $C_9H_4O_3 \cdot H_2O$ . (*М.м.* 178,1). 1058300. [CAS: 485-47-2].

1,2,3-Индантрион моногидрат.

Оқ ёки озроқ сарик рангли кристаллсимон кукун. Сув ва 96 % спиртда эрийди.

*Сақланиши:* ёруғликдан химояланган жойда.

**Нингидрин ва қалай (II) хлорид реактиви [Ninhydrin and stannous chloride reagent]. 1058301.**

0,2 г *нингидрин R* 4 мл иссиқ сув *R* да эритилади, 5 мл 1,6 г/л қалай (II) хлорид *R* эритмасидан қўшилади, 30 мин қолдирилади, филтрланади ва 2 °C дан 8 °C гача ҳароратда сақланади.

Бевосита фойдаланишидан аввал 2,5 мл олинган эритмага 5 мл сув *R* ва 45 мл 2-пропанол *R* қўшилади.

**Нингидрин эритмаси [Ninhydrin solution]. 1058303.**

*Нингидрин R* нинг суюлтирилган сирка кислота *R* – бутанол *R* (5:95 ҳажм/ҳажм) эритувчилар аралашмасидаги 2 г/л эритмаси.

**Нингидрин эритмаси R1 [Ninhydrin solution R1]. 1058304.**

1,0 г *нингидрин R* 50 мл 96 % *спирт R* эритилади ва 10 мл 99,8 % сирка кислота *R* қўшилади.

**Нингидрин эритмаси R2 [Ninhydrin solution R2]. 1058305.**

3 г *нингидрин R* 100 мл 45,5 г/л *натрий метаби-сульфит R* эритмасида эритилади.

**Нингидрин эритмаси R3 [Ninhydrin solution R3]. 1058306.**

*Нингидрин R* нинг сувсиз сирка кислота *R* – бутанол *R* (5:95 ҳажм/ҳажм) эритувчилар аралашмасидаги 4 г/л эритмаси.

**Нингидрин эритмаси R4 [Ninhydrin solution R4]. 1058307.**

*Нингидрин R* нинг 99,8 % сирка кислота *R* – 2-пропанол *R* (5:95 ҳажм/ҳажм) эритувчилар аралашмасидаги 3 г/л эритмаси.

**Нитразепам [Nitrazepam]. 1143900.**  
[CAS: 146-22-5].

*Нитразепам (0415)* га қаралсин.

**Нитрат кислота [Nitric acid].**  $HNO_3$ . (*М.м.* 63,0). 1058400. [CAS: 7697-37-2].

*Миқдори:* 63,0 % (м/м) дан кам эмас ва 70,0 % (м/м) дан кўп эмас.

Шаффоф, рангсиз ёки деярли рангсиз суюқлик, сув билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 1,384 дан 1,416 гача.

10 г/л эритма кучли кислота ҳисобланади ва нитратларга хос реакцияни беради (2.3.1).

*Ташиқи кўриниши* (2.2.1). Нитрат кислота тиник бўлиши керак.

*Ранглилик* (2.2.2, усул II). Нитрат кислотанинг ранги эталон  $Y_6$  га нисбатан интенсив бўлмаслиги лозим.

*Хлоридлар* (2.4.4). 0,5 ppm дан кўп эмас.

5 г нитрат кислотага 10 мл сув  $R$  ва 0,3 мл қумуш нитрат эритмаси  $R_2$  дан қўшилади ҳамда 2 мин давомида ёруғликдан ҳимояланган жойда сақланади. Олинган эритма хлоридлар синовига жавоб бериши керак. Эталон тайёрлашда 13 мл сув  $R$ , 0,5 мл нитрат кислота  $R$ , 0,5 мл хлорид эталон эритмаси (5 ppm  $Cl$ )  $R$  ва 0,3 мл қумуш нитрат эритмаси  $R_2$  аралашмасидан фойдаланилади.

*Сульфатлар* (2.4.13). 2 ppm дан кўп эмас.

10 г нитрат кислотага 0,2 г натрий карбонат  $R$  қўшилади ва қуригунча буғлатилади; қолдиқ 15 мл дистилланган сув  $R$  да эритилади. Олинган эритма сульфатлар синовига жавоб бериши керак. Эталон тайёрлашда 2 мл сульфат эталон эритмаси (10 ppm  $SO_4$ )  $R$  ва 13 мл дистилланган сув  $R$  дан фойдаланилади.

*Мишьяк* (2.4.2,  $A$  усул) 0,02 ppm дан кўп эмас.

50 г нитрат кислотага 0,5 мл сульфат кислота  $R$  қўшилади ва оқ буғлар ҳосил бўлгунча эҳтиёткорлик билан қиздирилади. Қолган қолдиққа 1 мл 100 г/л гидроксиламин гидрохлорид  $R$  қўшилади ва сув  $R$  билан эритманинг ҳажми 2 мл га етказилади. Олинган эритма мишьяк учун синовга жавоб бериши керак. Эталон тайёрлашда 1,0 мл мишьяк эталон эритмаси (1 ppm  $As$ )  $R$  дан фойдаланилади.

*Темир* (2.4.9). 1 ppm дан кўп эмас.

Сульфат қулига мос синов ўтказишда олинган қолдиқни 1 мл суюлтирилган хлорид кислота  $R$  да эритилади ва сув  $R$  билан эритма ҳажми 50 мл гача етказилади. Ҳосил бўлган эритмадан 5 мл олиб сув  $R$  билан эритмани ҳажми 10 мл га етказилади. Олинган эритма темир синовига жавоб бериши керак.

*Оғир металллар* (2.4.8,  $A$  усул). 2 ppm дан кўп эмас.

Темирга мос синов учун тайёрланган эритмадан 10 мл олиб, сув  $R$  билан эритманинг ҳажми 20 мл га етказилади. 12 мл олинган эритма оғир металлларни синовига жавоб бериши керак. Эталон тайёрлашда кўрғошин эталон эритмаси (2 ppm  $Pb$ )  $R$  дан фойдаланилади.

*Сульфат қули.* 0,001 % дан кўп эмас.

100 г нитрат кислота эҳтиёткорлик билан қуригунча буғлатилади; қолган қолдиқ бир неча томчи сульфат кислота  $R$  билан намланади ва оч қизил рангга киргунча қиздирилади.

*Миқдорий таҳлил.* 1,50 г нитрат кислотага 50 мл атрофида сув  $R$  қўшилади ва 1  $M$  натрий гидроксид эритмаси билан титрланади, индикатор сифатида 0,1 мл метил қизили эритмаси  $R$  дан фойдаланилади.

1 мл 1  $M$  натрий гидроксид эритмасига 63,0 мг  $HNO_3$  мос келади.

*Сақланиши:* ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Нитрат кислота, кадмий ва кўрғошин сақламаган [Nitric acid, cadmium- and lead-free]. 1058401.**

*Нитрат кислота  $R$*  га қўйиладиган талабларга мос келиши ва қуйидаги қўшимча синовларига жавоб бериши керак.

*Синалаётган эритма.* 100 г нитрат кислота  $R$  га 0,1 г сувсиз натрий карбонат  $R$  қўшилади ва қуригунча буғлатилади; қолдиқни сув  $R$  да кучсиз қиздириш билан эритилади ва эритма ҳажми шу эритувчи билан 50,0 мл га етказилади.

*Кадмий:* 0,1 ppm дан кўп эмас.

Атом-абсорбцион спектроскопия (2.2.23, II усул).

*Нурланиш манбайи:* ичи бўш кадмий катодли лампа.

*Тўлқин узунлиги:* 228,8 нм.

*Атомизация учун ускуна:* ҳаво-ацетилен алангаси ёки ҳаво-пропанли аланга.

*Кўрғошин:* 0,1 ppm дан кўп эмас.

Атом-абсорбцион спектроскопия (2.2.23, усул II).

*Нурланиш манбайи:* кадмий катодли ичи бўш лампа.

*Тўлқин узунлиги:* 283,3 нм ёки 217,0 нм.

*Атомизация учун ускуна:* ҳаво-ацетиленли аланга.

**Нитрат кислота, кўрғошин сақламаган [Nitric acid, lead-free]. 1058403.**

*Нитрат кислота  $R$*  га қўйиладиган талабларга мос келиши ва қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

*Кўрғошин:* 0,1 ppm дан кўп эмас.

Атом-абсорбцион спектрометрия (2.2.23, усул II).

*Синалаётган эритма.* 100 г нитрат кислота  $R$  га 0,1 г натрий карбонат, сувсиз  $R$  қўшилади, қуригунча буғлатилади; қолдиқни сув  $R$  да кучсиз қиздириш орқали эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 50,0 мл га етказилади.

*Нурланиш манбайи:* ичи бўш кадмий катодли лампа.

*Тўлқин узунлиги:* 283,3 нм ёки 217,0 нм.

*Атомизация учун ускуна:* ҳаво-ацетиленли аланга.

**Нитрат кислота, кўрғошин сақламаган  $R_1$  [Nitric acid, lead-free  $R_1$ ]. 1058405.**

1 мкг/кг дан кўп бўлмаган кўрғошин сақлайдиган нитрат кислота  $R$ .

**Нитрат кислота, кўрғошин сақламаган, суюлтирилган [Nitric acid, lead-free, dilute]. 1058406.**

5 г кўрғошин сақламаган нитрат кислота  $R_1$  га ионсизлантирилган дистилланган сув  $R$  қўшиб, эритманинг ҳажми 100 мл га етказилади.

**Нитрат кислота, никель сақламаган [Nitric acid, nickel-free]. 1058408.**

*Нитрат кислота  $R$*  га қўйиладиган талабларга мос келиши ва қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.

*Никель:* 0,005 ppm дан кўп эмас.

**Нитрат кислота, оғир металллар сақламаган [Nitric acid, heavy metal-free]. 1058404.**

*Нитрат кислота  $R$*  га қўйиладиган талабларга мос келиши ва таркибида концентрацияси қуйида кўрсатилган концентрациялардан юқори бўлган оғир металллар сақламаслиги керак:

As: 0,005 ppm.

Cd: 0,005 ppm.

Cu: 0,001 ppm.

Fe: 0,02 ppm.

Hg: 0,002 ppm.

Ni: 0,005 ppm.

Pb: 0,001 ppm.

Zn: 0,01 ppm.

**Нитрат кислота, суюлтирилган [Nitric acid, dilute]. 1058402.**

Таркибида 125 г/л атрофида  $\text{HNO}_3$  (М.м. 63,0). сақлайди.

20 г нитрат кислота *R* га сув *R* қўшиб, эритманинг ҳажми 100 мл гача етказилади.

**Нитрат кислота, суюлтирилган R1 [Nitric acid, dilute R1]. 1058407.**

40 г нитрат кислота *R* га сув *R* қўшиб, эритманинг ҳажми 100 мл га етказилади.

**Нитрат кислота, суюлтирилган R2 [Nitric acid, dilute R2]. 1058409.**

30 г нитрат кислота *R* га сув *R* қўшиб, эритманинг ҳажми 100 мл га етказилади.

**Нитрат кислота, суюлтирилган, оғир металллар сақламаган [Nitric acid, dilute, heavy metal-free]. 1058410.**

Суюлтирилган нитрат кислота *R* га қўйиладиган талабларга мос келиши ва таркибида концентрацияси куйида кўрсатилган концентрациялардан юқори бўлган оғир металллар сақламаслиги керак:

As: 0,005 ppm.

Cd: 0,005 ppm.

Cu: 0,001 ppm.

Fe: 0,02 ppm.

Hg: 0,002 ppm.

Ni: 0,005 ppm.

Pb: 0,001 ppm.

Zn: 0,01 ppm.

**Нитрат кислота, тутовчи [Nitric acid, fuming]. 1058500. [CAS: 52583-42-3].**

Озроқ сарғишсимон рангли, ҳавода тутовчи, тиник суюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 1,5 атрофида.

**Нитрилотрисирка кислота [Nitrilotriacetic acid].  $\text{C}_6\text{H}_9\text{NO}_6$ . (М.м. 191,1). 1137400. [CAS: 139-13-9].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, сувда ва кўпгина органик эритувчиларда амалда эримади.

Суюқланиш ҳарорати: 240 °C атрофида, парчаланиш билан.

**Нитроанилин [Nitroaniline].  $\text{C}_6\text{H}_6\text{N}_2\text{O}_2$ . (М.м. 138,1). 1058600. [CAS: 100-01-6].**

4-Нитроанилин.

Ёрқин сариқ рангли кристалл кукун. Сувда жуда кам эрийди, қайнаётган сувда ўртача эрийди, 96 % спиртда эрийди, кучли минерал кислоталар билан сувда эрувчан тузлар ҳосил қилади.

Суюқланиш ҳарорати: 147 °C атрофида.

**Нитробензальдегид [Nitrobenzaldehyde].  $\text{C}_7\text{H}_5\text{NO}_3$ . (М.м. 151,1). 1058700. [CAS: 552-89-6].**

2-Нитробензальдегид.

Игнасимон сариқ рангли кристаллар. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди, буғ билан сублиматланади.

Суюқланиш ҳарорати: 42 °C атрофида.

**4-Нитробензальдегид [4-Nitrobenzaldehyde].**

$\text{C}_7\text{H}_5\text{NO}_3$ . (М.м. 151,1). 1198700. [CAS: 555-16-8].

**Нитробензальдегид эритмаси [Nitrobenzaldehyde solution]. 1058702.**

0,12 г нитробензальдегид *R* кукуни 10 мл суюлтирилган натрий гидроксид эритмаси *R* га қўшилади, 10 мин давомида чайқатилади ва филтрланади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Нитробензальдегидли қоғоз [Nitrobenzaldehyde paper]. 1058701.**

0,2 г нитробензальдегид *R* 10 мл 200 г/л натрий гидроксид *R* эритмасида эритилади. Эритманинг ярқиллик муддати 1 соат. Олинган эритмага узунлиги 10 см ва эни 0,8-1 см бўлган, секин филтрланадиган қоғоз тасмаси пастки ярмигача туширилади.

Филтр қоғоз икки varaғи орасига тасмаси шимдирилиб, ортиқча микдорлаги реактив олиб ташланади. Тайёрлашдан сўнг бир неча минут давомида ишлатилади.

**4-(4-Нитробензил)пиридин [4-(4-Nitrobenzyl)pyridine].  $\text{C}_{12}\text{H}_{10}\text{N}_2\text{O}_2$ . (М.м. 214,2). 1101900. [CAS: 1083-48-3].**

Сариқ рангли кукун.

Суюқланиш ҳарорати: 70 °C атрофида.

**Нитробензил хлорид [Nitrobenzoyl chloride].**

$\text{C}_7\text{H}_6\text{ClNO}_2$ . (М.м. 171,6). 1059000. [CAS: 100-14-1].

4-Нитробензилхлорид.

Сўниқ сариқ рангли кристаллар. Кўз ёшини оқишини чақиради. Сувда амалда эримади, 96 % спиртда амалда эримади.

**Нитробензоил хлорид [Nitrobenzyl chloride].  $\text{C}_7\text{H}_4\text{ClNO}_3$ . (М.м. 185,6). 1058900. [CAS: 122-04-3].**

4-Нитробензоилхлорид.

Сариқ рангли кристаллар ёки кристалл масса, ҳавода тарқалувчан. Натрий гидроксид эритмасида сариқ - зарғалдоқ ранг ҳосил қилиб эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 72 °C атрофида.

**4-Нитробензой кислота [4-Nitrobenzoic acid].**

$\text{C}_7\text{H}_5\text{NO}_4$ . (М.м. 167,1). 1144000. [CAS: 62-23-7].

Сариқ рангли кристаллар.

Суюқланиш ҳарорати: 240 °C атрофида.

**Нитробензол [Nitrobenzene].  $\text{C}_6\text{H}_5\text{NO}_2$ . (М.м. 123,1). 1058800. [CAS: 98-95-3].**

Рангсиз ёки озроқ сариқ рангли суюқлик. Сувда амалда эримади, 96 % спирт билан аралашади.

Қайнаш ҳарорати: 211 °C атрофида.

Динитробензол. 0,1 мл нитробензолга 5 мл ацетон *R*, 5 мл сув *R* ва 5 мл концентрланган натрий гидроксид *R* эритмаси қўшилади ва чайқатилади; қатламлар ажралгандан сўнг юқори қатлами амалда рангсиз бўлиши керак.

**Нитрозодипропиламин [Nitrosodipropylamine].**

$\text{C}_6\text{H}_{14}\text{N}_2\text{O}$ . (М.м. 130,2). 1099900. [CAS: 621-64-7]. Дипропилнитрозамин.

Суюқлик. Сувсиз спирт ва концентрланган кислота-ларда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 0,915 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 78 °C атрофида.

Тозалик даражаси хемилуминесценцияни аниқлаш учун мос келади.



**N-Нитрозодиизопропаноламин** [*N-Nitrosodiisopropanolamine*].  $C_6H_{14}N_2O_3$ . (М.м. 162,2). 1176500. [CAS: 53609-64-6].

1,1'-(Нитрозоимино)биспропан-2-ол.

Қайнаш ҳарорати: 122 °C дан 124 °C гача.

**Нитрозодипропиламин эритмаси** [*Nitrosodipropylamine solution*]. 1099901.

Нитрозодипропиламин *R* сақлаган идишига идиш тиқинини инъекцион игна билан тешиб, 78,62 г сувсиз спирт *R* киритилади, сувсиз спирт *R* билан 1:100 нисбатда суюлтирилади ва 0,5 мл дан кисилган қопқокли контейнерга жойлаштирилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда 5 °C ҳароратда сақланади.

**N-Нитрозодиэтанолламин** [*N-Nitrosodiethanolamine*].  $C_4H_{10}N_2O_3$ . (М.м. 134,1). 1129800. [CAS: 1116-54-7].

2,2'-(Нитрозоимино)диэтанол.

Сарик суюқлик, сувсиз спирт билан аралашади.

$n_D^{20}$ : 1,485 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 125 °C атрофида.

**Нитрометан** [*Nitromethane*].  $CH_3NO_2$ . (М.м. 61,0). 1059700. [CAS: 75-52-5].

Шаффоф, рангсиз, мойисмон суюқлик.

Сувда кам эрийди, 96 % спирт билан аралашади.

$d_4^{20}$ : 1,132 дан 1,134 гача.

$n_D^{20}$ : 1,381 дан 1,383 гача.

Ҳайдаш ҳарорати чегаралари (2.2.11). 100 °C дан 103 °C гача; 95 % дан кам бўлмаган миқдорда хайдалиши керак.

**Нитромолибденливанадий реактиви** [*Nitromolybdovanadic reagent*]. 1060100.

*A* эритма. 10 г аммоний молибдат *R* сув *R* да эритилади, 1 мл аммиак эритмаси *R* қўшилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 100 мл га етказилади.

*B* эритма. 2,5 г аммоний ванадат *R* иссиқ сув *R* да эритилади, 14 мл нитрат кислота *R* қўшилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 500 мл га етказилади.

96 мл нитрат кислота *R* га 100 мл *A* эритма ва 100 мл *B* эритмаси қўшилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 500 мл гача етказилади.

**Нитротетразол кўки** [*Nitrotetrazolium blue*].  $C_{40}H_{30}Cl_2N_{10}O_6$ . (М.м. 818). 1060000. [CAS: 298-83-9].

3,3'-(3,3'-Диметокси-4,4'-дифенилен)ди[2-(4-нитрофе-нил)-5-фенил-2H-тетразолий]дихлорид.

*n*-Нитротетразол кўки.

Кристаллар. Метанолда шаффоф сарик рангли эритма ҳосил қилиб эрийди.

Суяқланиш ҳарорати: 189 °C атрофида, парчаланиш билан.

**3-Нитросалицил кислота** [*3-Nitrosalicylic acid*].  $C_7H_5NO_5$ . (М.м. 183,1). 1184300. [CAS: 85-38-1].

2-Гидрокси-3-нитробензой кислота.

Сарғиш рангли кристаллар. Сувда кам эрийди, 96 % спиртда осон эрийди.

Суяқланиш ҳарорати: 142 °C дан 147 °C гача.

**4-Нитрофенол** [*4-Nitrophenol*].  $C_6H_5NO_3$ . (М.м. 139,1). [CAS: 100-02-7].

*n*-Нитрофенол.

Миқдори: 95,0 % дан кам эмас.

Рангсиз ёки бироз сарик рангли кукун, сувда ва метанда ўртача эрийди.

Суяқланиш ҳарорати: 114 °C атрофида.

**Нитрофурантоин** [*Nitrofurantoin*]. 1099700. [CAS: 67-20-9].

Нитрофурантоин (0101) га қаралсин.

**Нитроэтан** [*Nitroethane*].  $C_2H_5NO_2$ . (М.м. 75,1). 1059200. [CAS: 79-24-3].

Шаффоф, рангсиз, мойисмон суюқлик.

Суяқланиш ҳарорати: 114 °C атрофида.

**Нонивамид** [*Nonivamide*].  $C_{17}H_{27}NO_3$ . (М.м. 293,4). 1148500. [CAS: 2444-46-4].

*N*-(4-Гидрокси-3-метоксифенил)метил]нонанамид.

Оқ ёки деярли оқ, кристалл кукун, совуқ сувда амалда эрмайди, сувсиз спиртда осон эрийди.

**Силикагель хроматография учун, гексилсилл [Silica gel for chromatography, hexylsilyl]. 1077100.**

Гексилсилл гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, гидрофил [Silica gel for chromatography, hydrophilic]. 1077200.**

Гидрофиллик хоссаларини таъминлаш орқали юзаси модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, диизобутилокта-децилсилилли [Silica gel for chromatography, diisobutyloctadecylsilyl]. 1140000.**

Диизобутилоктадецилсилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, диизопропилцианосилилли [Silica gel for chromatography, diisopropylcyanosilyl]. 1168100.**

Диизопропилцианосилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, диметиллоктадецилсилилли [Silica gel for chromatography, dimethyloctadecylsilyl]. 1115100.**

Диметиллоктадецилсилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

*Солиштирма сирт юзаси:* 300 м<sup>2</sup>/г.

**Силикагель хроматография учун, диол [Silica gel for chromatography, diol]. 1110000.**

Дигидроксипропил гуруҳларини боғлаш орқали кремний диоксидининг сферасимон силика заррачалари. Пораларининг ўлчами 10 нм.

**Силикагель хроматография учун, додекасилилли, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, dodecylsilyl, end-capped]. 1179700.**

Додецилсилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, кучли катион алмашинган [Silica gel for chromatography, strong cation-exchange]. 1161400.**

Сульфокислота гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, қутбланган октадесилсилилли, капсулали [Silica gel for chromatography, octadecylsilyl, polar-embedded, encapsulated]. 1206600.**

Сирт кимёвий модификацияланган қутбланган, октадесилсилил гуруҳлари бўлган нозик тупрокли силикагель. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, модификацияланган амилаза билан [Silica gel for chromatography, amylose derivativeof]. 1109800.**

Ўта майдаланган силикагель. Заррачалар ўлчами 10 мкм бўлган ва юзаси амилаза билан кимёвий жиҳатдан модификацияланган.

**Силикагель хроматография учун, нитрил [Silica gel for chromatography, nitrile]. 1077300.**

Цианопропилсилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, нитрил R1 [Silica gel for chromatography, nitrile R1]. 1077400.**

Нитрил гуруҳларини боғлаш орқали, ғовакли сферик заррачалардан ташкил топган, кимёвий ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, нитрил R2 [Silica gel for chromatography, nitrile R2]. 1170700.**

Цианопропилсилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель. 20 ppm дан кам металллар сақлайди.

**Силикагель хроматография учун, оксилсилилли, юқори зичликдаги боғли, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, octylsilyl, extra-dense bonded, end-capped]. 1200900.**

Ўта майдаланган силикагель, оксилсилил гуруҳларининг ортиқча зич бирикиши натижасида кимёвий жиҳатдан модификацияланган. Асос хоссали бирикмалар билан ҳар қандай таъсирни минималлаштириш учун қолган силанол гуруҳларининг аксариятини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октадесилсилилли, полициклик ароматик углеводородларни ажратиш учун [Silica gel for chromatography, octadecylsilyl, for separation of polycyclic aromatic hydrocarbons]. 1202900.**

Полициклик ароматик углеводородларни таҳлил қилиш учун оптималлаштирилган жуда нозик бўлинган ўта тозасиликагель, сиртида октадецилсилил гуруҳларини боғлаш орқали кимёвий жиҳатдан ўзгартirilган.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсилилли R2 [Silicagel for chromatography, octadecylsilyl R2]. 1115300.**

Полициклик ароматик углеводородларни таҳлил қилиш учун оптималлаштирилган ўта майдаланган (пора ўлчами 15 нм) октадесилсилил гуруҳлари (углерод миқдори 20 %) билан боғлаш орқали кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта тоза силикагель.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсилилли, ишқорсизлантирилган [Silicagel for chromatography, octadecylsilyl, base-deactivated]. 1077600.**

Ўта майдаланган силикагель. Октадецилсилил гуруҳларини боғлашдан аввал асосий таркибий қисмлар билан ўзаро таъсирни қамайтириш учун уни синчиковлик билан ювилади ва аксарият силоксан кўприклари юзаси гидролизи орқали олдиндан ишлов берилади.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсилилли, ишқорсизлантирилган, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, octadecylsilyl, end-capped, base-deactivated]. 1108600.**

Аксарият силоксан кўприклари юзасини ювиш ва гидролиз қилиш орқали октадецилсилил гуруҳларини боғлашдан олдин олдиндан ишлов берилган, 10 нм ҳажмдаги ва 16 % углеводород юкланишига эга ўта

майдаланган силикагель. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсиллил, ишқорсизлантирилган, эндкепирланган R1 [Silicagel for chromatography, octadecylsilyl, end-capped, base-deactivated R1]. 1162600.**

Ўта майдаланган силикагель. Октилсиллил гуруҳларни боғлашдан аввал уни синчиковлик билан ювилади ва аксарият силоксан кўприклари юзаси гидролизи орқали олдиндан ишлов берилади. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсиллил, қутбли гуруҳлари аниқланган, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, octadecylsilyl, with polar incorporated groups, end-capped]. 1165100.**

Ўта майдаланган силикагель. Заррачалар силика асосида, кимёвий жиҳатдан модификацияланган реагент ёрдамида сиртни қутбланган гуруҳларга эга ва октадецил гуруҳларга эга занжирлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, қадоклаш материаллари эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсиллил, қутбли гуруҳлари аниқланмаган, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, octadecylsilyl, with embedded polar groups, end-capped]. 1177900.**

Ўта майдаланган силикагель. Заррачалар силика асосида, кимёвий жиҳатдан модификацияланган реагент ёрдамида сиртни қутбланган гуруҳларга эга ва октадецил гуруҳларга эга занжирлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, қадоклаш материаллари эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсиллил, монолитик, эндкепирланган [Silicagel for chromatography, octadecylsilyl, monolithic]. 1154500.**

Октадецилсиллил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси модификацияланган, бимодал порали тузилишга эга бўлган металл сақламаган силикат (80 %) монолит. Асосий хусусиятли бирикмалар билан ҳар қандай ўзоро таъсирларни минималлаштириш учун уни кўпгина қолган силанол гуруҳларини ёпишга синчиковлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октадецилсиллил, юқори зичликдаги боғли, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, octadecylsilyl, extra-dense bonded, end-capped]. 1188500.**

Ўта майдаланган силикагель, сиртда октадексилсиллил гуруҳларининг ўта зич боғлаш натижасида кимёвий жиҳатдан модификацияланган. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, октилсиллил R1 [Silica gel for chromatography, octylsilyl R1]. 1077701.**

Ўта майдаланган силикагель, октилсиллил ва метил гуруҳлари (икки томонлама боғланган фаза) билан юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган,

**Силикагель хроматография учун, октилсиллил R2 [Silica gel for chromatography, octylsilyl R2]. 1077702.**

Ўта майдаланган силикагель, октилсиллил гуруҳларини боғлаш орқали (19 % углерод сақлайди), ғовақларининг ўлчами 10 нм бўлган ва юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган. Металлар 20 ppm дан кам бўлади.

**Силикагель хроматография учун, октилсиллил, ишқорларга нисбатан фаолсизлантирилган [Silica gel for chromatography, octylsilyl, base-deactivated]. 1131600.**

Ўта майдаланган силикагель. Октилсиллил гуруҳларини боғлашдан олдин, асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун аксарият силоксан кўприкларининг юзасини эҳтиёткорлик билан ювиш ва гидролизлаш орқали олдиндан қайта ишланади.

**Силикагель хроматография учун, октилсиллил, ишқорларга нисбатан фаолсизлантирилган, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, octylsilyl, end-capped, base-deactivated]. 1148800.**

Ўта майдаланган силикагель. Октилсиллил гуруҳларни боғлашдан олдин эҳтиёткорлик билан ювилади ва аксарият силоксан кўприклари гидролиз юзаси олдиндан қайта ишланади. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, пропилсиллил [Silica gel for chromatography, propylsilyl]. 1170700.**

Пропилсиллил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, пропоксibenзолли [Silica gel for chromatography, propoxybenzene, end-capped]. 1174600.**

Пропоксibenзол гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, триметилсиллил [Silica gel for chromatography, trimethylsilyl]. 1115500.**

Триметилсиллил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, фенилсиллил R1 [Silica gel for chromatography, phenylsilyl R1]. 1075700.**

Фенил гуруҳларини боғлаш орқали, заррачалар ўлчами 5 мкм бўлган ва юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

Сферасимон кремний диоксид: 8 нм.

Солиштирма сирт юзаси: 180 м<sup>2</sup>/г.

Углерод миқдори: 5,5 %.

**Силикагель хроматография учун, фенилсиллил, эндкепирланган, асосларга нисбатан фаолсизлантирилган [Silica gel for chromatography, phenylsilyl, end-capped, base-deactivated]. 1197900.**

Ўта майдаланган силкагель. Фенил гуруҳларини боғлашдан аввал уни синчковлик билан ювилади ва аксарият силоксан кўприклари юзаси гидролизи орқали олдиндан ишлов берилади. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель хроматография учун, цианосилилли [Silica gel for chromatography, cyanosilyl]. 1109900.**

Цианосилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, юқори сув таркибига эга кўзгалувчан фазалардан фойдаланиш учун алкил-боғланган [Silica gel for chromatography, alkyl-bonded for use with highly aqueous mobile phases]. 1160200.**

Юқори сув таркибига эга кўзгалувчан фазалардан фойдаланиш учун мос бириктирилган алкил гуруҳлар билан ўта майдаланган силикагель.

**Силикагель хроматография учун, юқори сув таркибига эга кўзгалувчан фазалардан фойдаланиш учун алкил-боғланган, эндкепирланган [Silica gel for chromatography, alkyl-bonded for use with highly aqueous mobile phases, end-capped]. 1176900.**


Юқори сув таркибига эга кўзгалувчан фазалардан фойдаланиш учун мос бириктирилган алкил гуруҳлар билан ўта майдаланган силикагель. Асос хоссали бирикмалар билан ўзаро таъсирни минималлаштириш учун улар қолган силанол гуруҳларининг кўп қисмини қамраб олиш мақсадида эҳтиёткорлик билан эндкепирланади.

**Силикагель эксклюзион хроматографии учун [Silica gel for size-exclusion chromatography]. 1077900.**

Заррача ҳажми 10 мкм ва жуда гидрофил юзаси билан ута майдаланган силкагель. Пораларнинг ўртача диаметри 30 нм атрофида рН 2 дан 8 гача бўлганда сувли эритмалар ва аниқ эритувчилар билан мос келади.  $1 \times 10^3$  дан  $3 \times 10^5$  гача молекуляр оғирликдаги оксиларни ажратиш учун жавоб беради.

**Силикагель CR+ хирал ажратиш учун [Silica gel CR+ for chiral separations]. 1192400.**

Хроматография учун ўта майдаланган силикагель (5 мкм), қуйидаги хирал краун-эфир билан қопланган:



(R<sub>a</sub>)-6,23-дифенил-8,9,11,12,14,15,17,18,20,21-декагидродинафто[2,1-*q*:1',2'-*s*][1,4,7,10,13,16]гексаоксацклокозин.

**Силикагель, сувсиз [Silicagel, anhydrous]. 1076100. [CAS: 112926-00-8].**

Аморфкремний кислота, қисман сувсизлангиланган ва полимерланган, 20 °С ҳароратда ўзининг массасига нисбатан 30 % атрофида сувни ютади. Сувда амалда эрмайди, натрий гидроксид эритмаларида қисман эрийди. Намлик ҳолатини аниқлаш учун мос келадиган индикатор ёрлиғида кўрсатилган гидратлангандан сувсизгача бўлган шакли ранг ўзгаришини саклайди.

**Силикагельхроматография учун, оксипропионитрилсилилли [Silica gel for chromatography, oxypropionitrilsilyl]. 1184700.**

Оксипропионитрилсилил гуруҳларини боғлаш орқали юзаси кимёвий жиҳатдан модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикагельхроматография учун, октадеканоиламинопропилсилилли [Silica gel for chromatography, octadecanoylaminopropylsilyl]. 1115200.**

Октадеканоил гуруҳлари билан ацелланган, аминопропилсилил гуруҳлари юзасига кимёвий модификацияланган ўта майдаланган силикагель.

**Силикрестин [Silicristin]. C<sub>25</sub>H<sub>22</sub>O<sub>10</sub>. (М.м. 482,4). 1151500. [CAS: 33889-69-9].**

(2*R*,3*R*)-3,5,7-Тригидрокси-2-[(2*R*,3*S*)-7-гидрокси-2-(4-гидрокси-3-метоксифенил)-3-гидроксиметил-2,3-дигидро-1-бензофуран-5-ил]хроман-4-он.

Оқ ёки сарғиш рангли кукун, сувда амалда эрмайди, ацетон ва метанолда эрийди.

**Симоб (II) ацетат [Mercuric acetate]. C<sub>4</sub>H<sub>6</sub>HgO<sub>4</sub>. (М.м. 318,7). 1052000. [CAS: 1600-27-7].**

Симобдиацетат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар. Сувда жуда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди.

**Симоб (II) ацетат эритмаси [Mercuric acetate solution]. 1052001.**

3,19 г симоб (II) ацетат R сувсиз сирка кислота R да эритилади, ҳажми шу кислота билан 100 мл гача етказилади. Агар керак бўлса олинган эритма 0,1 М перхлорат кислота эритмаси билан нейтралланади, индикатор сифатида 0,05 мл кристалл бинафша эритмаси R ишлатилади.

**Симоб (II) йодид [Mercuric iodide]. HgI<sub>2</sub>. (М.м. 454,4). 1052300. [CAS: 7774-29-0].**

Симоб дийодид.

Алвон рангли зич кристалл кукун. Сувда кам эрийди, ацетонда, 96 % спиртда ўртача эрийди, калий йодид эритмаси R нинг ортиқча эритмасида эрийди.

Сақланиши: ёруғликдан химояланган жойда.

**Симоб (II) нитрат [Mercuric nitrate]. Hg(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>·H<sub>2</sub>O. (М.м. 342,6). 1052400. [CAS: 7783-34-8].**

Симоб динитрат моногидрат.

Рангсиз ёки бироз бўялган кристаллар. Гигроскопик, оз микдорда нитрат кислота иштирокида сувда эрийди.

Сақланиши: герметик идишда, ёруғликдан химояланган жойда.



**Симоб (II) оксид [Mercuric oxide].**  $\text{HgO}$ .

(М.м. 216,6). 1052500. [CAS: 21908-53-2].

Сариқ симоб оксиди. Симоб оксиди.

Сариқдан зарғалдоқ-сарикранггача бўлган кукун. Сувда ва 96 % спиртда амалда эримади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**Симоб (II) сульфат эритмаси [Mercuric sulphate solution].** 1052600. [CAS: 7783-35-9].

1 г симоб (II) оксид R 20 мл сув R ва 4 мл сульфат кислота R аралашмасида эритилади.

**Симоб (II) тиоцианат [Mercuric thiocyanate].**  $\text{Hg}(\text{SCN})_2$ . (М.м. 316,7). 1052700. [CAS: 592-85-8].

Симоб ди(тиоцианат).

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда жуда кам эрийди, 96 % спиртда кам эрийди, натрий хлорид эритмаларида эрийди.

**Симоб (II) тиоцианат эритмаси [Mercuric thiocyanate solution].** 1052701.

0,3 г симоб (II) тиоцианат R сувсиз спирт R да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100 мл гача етказилади.

Сақланиши: 1 ҳафта давомида ишлатилсин.

**Симоб (II) хлорид [Mercuric chloride].** 1052200. [CAS: 7487-94-7].

Симоб (II) хлорид (0120) га қаралсин.

**Симоб (II) хлорид эритмаси [Mercuric chloride solution].** 1052201.

54 г/л симоб (II) хлорид R эритмаси.

**Синенсетин [Sinensetin].**  $\text{C}_{20}\text{H}_{20}\text{O}_7$ . (М.м. 372). 1110500. [CAS: 2306-27-6].

3',4',5,6,7-Пентаметоксифлавонон.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, амалда сувда эримади, 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 177 °C атрофида

Оптик зичлик (2.2.25). Метанол R даги эритмаси 243 нм, 268 нм ва 330 нм тўлқин узунликларида учта ютилиш максимумларини намоён қилади.

Миқдорий таҳлил. Яван Чойи (1129) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, юқори самарали суюқлик хроматографияси усули (2.2.29) ёрдамида аниқланади.

Миқдори: 95 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Синоменин [Sinomenine].**  $\text{C}_{19}\text{H}_{23}\text{NO}_4$ . (М.м. 329,4). 1183400. [CAS: 115-53-7].7,8-Дидегидро-4-гидрокси-3,7-диметокси-17-метил-9 $\alpha$ ,13 $\alpha$ ,14 $\alpha$ -морфинан-6-он. Куколин.**Сирка ангидриди — сульфат кислота эритмаси [Acetic anhydride – sulphuric acid solution].** 1000502.

5 мл сирка ангидриди R ва 5 мл сульфат кислота R эҳтиёткорлик билан аралаштирилади. Олинган аралашма совиганда 50 мл сувсиз спирт R га томчилатиб қўшилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Сирка ангидриди [Acetic anhydride].**  $\text{C}_4\text{H}_6\text{O}_3$ . (М.м. 102,1). 1000500. [CAS: 108-24-7].Миқдори: 97,0 % (м/м) дан кам бўлмаган  $\text{C}_4\text{H}_6\text{O}_3$ .

Шаффоф, рангсиз суюқлик.

Қайнаш ҳарорати: 136 °C дан 142 °C гача.

Миқдорий таҳлил. Зич ёпиладиган тикинли шиша колбага 2,00 г солинади, 50 мл 1 M натрий гидроксид эритмасида эритилади, 1 соат давомида қайта оқимли конденсатор билан қайнатилади ва 1 M хлорид кислота эритмаси билан титрланади, индикатор сифатида 0,5 мл фенолфталеин эритмаси R ишлатилади. 1 г ( $n_1$ ) ни титрлаш учун сарф бўлган 1 M натрий гидроксид эритмаси миллилитр миқдори ҳисобланади.Зич ёпиладиган тикинли шиша колбага 2,00 г солинади, 20 мл циклогексан R да эритилади, музда совитилади, сўнг 10 мл анилин R ва 20 мл циклогексан R нинг совитилган аралашмаси қўшилади, 1 соат давомида қайта оқимли конденсатор билан қайнатилади, 50,0 мл 1 M натрий гидроксид эритмаси билан титрланади, индикатор сифатида 0,5 мл фенолфталеин эритмаси R ишлатилади. 1 г ( $n_2$ ) ни титрлаш учун сарф бўлган 1 M натрий гидроксид эритмасини миллилитр миқдори ҳисобланади. $\text{C}_4\text{H}_6\text{O}_3$  нинг миқдори фоизда формула бўйича ҳисобланади:

$$10,2(n_1 - n_2)$$

**Сирка ангидриди эритмаси R1 [Acetic anhydride solution R1].** 1000501.

25,0 мл сирка ангидриди R сувсиз пиридин R да эритилади, эритма ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Сақланиши: ёруғлик ва ҳаводан ҳимояланган жойда.

**Сирка кислота [Acetic acid].** 1000401.Миқдори: 290 г/л дан кам бўлмаган ва 310 г/л дан кўп бўлмаган  $\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$  (М.м. 60,1).

30 г 99,8 % сирка кислота R ни сув R билан 100 мл ҳажмгача етказилади.

**Сирка кислота, сувсиз [Acetic acid, anhydrous].**  $\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$ . (М.м. 60,1). 1000300. [CAS: 64-19-7].Миқдори: 99,6 % (м/м) дан кам бўлмаган  $\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$ .

Рангсиз суюқлик ёки оқ ялтироқ папоротниксимон кристаллар. Сув, 96 % спирт, глицерин (85 %) ва кўплаб ёғ ва эфир мойларида осон аралашади ёки осон эрийди.

 $d_{20}^{20}$ : 1,052 дан 1,053 гача.

Қайнаш ҳарорати: 117 °C дан 119 °C гача.

100 г/л эритмаси кучли кислота (2.2.4) ҳисобланади.

Суюлтирилган аммиак эритмаси R2 билан нейтралланган 5 г/л сирка кислота эритмаси, ацетатларга (2.3.1) реакция (b) беради.

Қотиш ҳарорати (2.2.18). 15,8 °C дан паст эмас.

Сув (2.5.12). 0,4 % дан кўп эмас. Агар сув миқдори 0,4 % дан ошса, ҳисобланган миқдорда сирка ангидрид R қўшилади.

Сақланиши: ёруғликдан ҳимояланган жойда.

**99,8 % Сирка кислота [Acetic acid, glacial].**  $\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$ . (М.м. 60,1). 1000400. [CAS: 64-19-7].

99,8 % сирка кислотаси (0590) га қаралсин.

**Сирка кислота, суюлтирилган [Acetic acid, dilute].** 1000402.Миқдори: 115 г/л дан кам бўлмаган ва 125 г/л дан кўп бўлмаган  $\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$  (М.м. 60,1).

12 г 99,8 % сирка кислота *R* ни сув *R* билан 100 мл ҳажмгача етказилади.

**Сирка кислота, суялтирилган R1. [Acetic acid, dilute R1]. 1000403.**

*Миқдори:* 57,5 г/л дан кам бўлмаган ва 62,5 г/л дан кўп бўлмаган (М.м. 60,1) сақлайди.

6 г 99,8 % сирка кислота *R* ни сув *R* билан 100 мл ҳажмгача етказилади.

**Сирилимус [Sirolimus].** C<sub>51</sub>H<sub>79</sub>NO<sub>13</sub>. (М.м. 914). 1205700. [CAS: 53123-88-9].

Рапамицин.

*Суяқланиш ҳарорати:* 183 °C дан 185 °C гача.

**Ситостанол [Sitostanol].** C<sub>29</sub>H<sub>52</sub>O. (М.м. 416,7). 1140100. [CAS: 19466-47-8].

Дигидро-β-ситостерол.

*Миқдори:* 95 % дан кам эмас.

**β-Ситостерол [β-Sitosterol].** C<sub>29</sub>H<sub>52</sub>O. (М.м. 414,7). 1140200. [CAS: 83-46-5].

Стигмаст-5-ен-3β-ол. 22,23-Дигидростигмастерол.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, сувда амалда эримайди, тетрагидрофуранда ўртача эрийди.

*Миқдори:* 75 % (м/м) данкам эмас (куруқ модда).

*Миқдорни таҳлил. Фитостерол (1911)* хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

*Синаладиган эритма.* 0,100 г синалаётган моддани тетрагидрофуран *R* да эритиб, эритма ҳажми шу эритувчи билан 10,0 мл гача етказилади. 100 мкл эритмани мос келадиган идишга солиб, қуруқ қолдиқ қолгунча азот *R* оқимида бўғатилади. Қуруқ қолдиқка 50 мкл 1-метилимидазол *R* ва 1,0 мл гептафторо-*n*-метил-*N*-(триметилсилил)бутанамид *R* дан ташкил топган янги тайёрланган эритмадан 100 мкл қўшилади. Идишни маҳкам ёпилади ва 100 °C да 15 мин давомида қиздирилади ва сўнгра совитилади.

*Қуриладиغان намуна ҳажми:* 1мкл синалаётган эритма.

**Сквалан [Squalane].** C<sub>30</sub>H<sub>62</sub>. (М.м. 422,8). 1084900. [CAS: 111-01-3].

2,6,10,15,19,23-Гексаметилтетракозан.

Рангсиз мойсимон суяқлик. Ёғли мойларда осон эрийди, ацетонда, 96 % спирт, 99,8 % сирка кислота ва метанолда кам эрийди.

*d*<sub>20</sub><sup>20</sup>: 0,811 дан 0,813 гача.

*n*<sub>20</sub><sup>20</sup>: 1,451 дан 1,453 гача.

**Склареол [Sclareol].** C<sub>20</sub>H<sub>36</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 308,5). 1139900. [CAS: 515-03-7].

(1*R*,2*R*,4*aS*,8*aS*)-1-[(3*R*)-3-Гидрокси-3-метилпент-4-енил]-2,5,5,8-тетраметилдекагидронафталин-2-ол.

Рангсиз кристалл.

[α]<sub>D</sub><sup>20</sup>: 6,7. Аниқлашни сувсиз спиртдаги эритмадан фойдаланиб ўтказилади.

*Қайнаш ҳарорати*<sub>19 мм</sub>: 218 °C дан 220 °C гача.

*Суяқланиш ҳарорати:* 96 °C дан 98 °C гача.

*Склареол, хроматография профил синовида ишлатиладиган Маврак мускат мойи (1850) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, қуйидаги қўшимча синонга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Маврак мускат мойи (1850)* хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.

*Миқдори:* 97 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Скополетин [Scopoletin].** C<sub>10</sub>H<sub>8</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 192,2). 1158700. [CAS: 92-61-5].

7-Гидрокси-6-метокси-2*H*-1-бензопиран-2-он. 7-Гидрокси-6-метоксикумарин.

Хирарок оч жигарранг, майда дисперс кристаллар.

*Суяқланиш ҳарорати:* 202 °C дан 208 °C гача.

**Смола анион-алмашинувчи [Anion-exchange resin]. 1007200.**

Хлоридсимон шаклдаги смола, ўзида полистиролдан иборат бўлган полимер панжарага қўндаланг боғланган 2 % дивинилбензол билан бириккан тўртламчи аммоний гурухларини [CH<sub>2</sub>N<sup>+</sup>(CH<sub>3</sub>)<sub>3</sub>] ўз ичига олади.

Хусусий мақолаларда кўрсатилган ҳажмдан катта бўлмаган гранулалар шаклида ишлаб чиқарилади.

Смола шиша фильтра (40) (2.1.2) 1 *M* натрий гидроксид эритмаси ювувчи эритмаси ёрдамида хлоридларга манфий реакция бергунча ювилади, сўнгра нейтрал реакция олингунга қадар сув *R* билан ювилади. Янги тайёрланган аммиак сақламаган сув *R* билан суспендирланади ва атмосферадаги углевод диоксиддан ҳимояланади.

**Смола анион-алмашинувчи R1 [Anion-exchange resin R1]. 1123400.**

Метакрилатли панжарага боғланган тўртламчи аммоний гурухлар [CH<sub>2</sub>N<sup>+</sup>(CH<sub>3</sub>)<sub>3</sub>] тутган смола.

**Смола анион-алмашинувчи R2 [Anion-exchange resin R2]. 1141900.**

Оксилларнинг анион-алмашинган хроматографияси учун мос келадиган, матрицалар билан таъминлайдиган тўртламчи аммоний тузлари ва заррачалар ўлчами 10 мкм бўлган гомоген гидрофил полиэфирларнинг конъюгати.

**Смола анион-алмашинувчи R3 [Anion-exchange resin R3]. 1180900.**

Этилвинилбензол панжарасига тикилган 55 % дивинилбензол билан боғланган тўртламчи аммоний гурухи тутган смола.

**Смола гидрофобик ўзаро таъсирли хроматография учун [Resin for hydrophobic interaction chromatography]. 1202700.**

Бутил гурухлари билан боғланган шарсимон полиметакрилат зарраларидан ташкил топган зич смолалар.

*pH* фойдаланиш чегаралари: 2 дан 12 гача.

**Смола катион-алмашинувчи [Cationexchange resin]. 1016700.**

Ўзида полистиролдан иборат бўлган полимер панжарага қўндаланг боғланган 8 % дивинилбензол билан бириккан, сульфон кислота гурухлари билан протонланган шаклли смола. Гранула шаклида чиқарилади, синовларда фойдаланилганда заррача ҳажмини реактив номидан сўнг кўрсатилади.

**Смола катион-алмашинувчи R1 [Cation-exchange resin R1]. 1121900.**

Сульфон кислота гуруҳлари билан протонлашган шаклдаги смола. Бу гуруҳлар 4 % дивинилбензол билан кўндаланг тикилган полистиролдан иборат полимер панжарасига бириккан. Гранула шаклида чиқарилади, синовларда фойдаланилганда гранула ўлчами реактив номидан сўнг кўрсатилади.

**Смола катион-алмашинувчи R2 [Cation-exchange resin R2]. 1195400.**

Пропиленсульфон кислотанинг кучли кислотали гуруҳларини сақловчи смола.

**Смола кучли асосли, анион-алмашинувчи [Anion exchange resin, strongly basic]. 1026600.**

ОН-шаклидаги гелсимон смола, ўзида полистиролдан иборат бўлган полимер панжарага кўндаланг тикилган 8 % дивинилбензол билан бириккан тўртламчи аммоний гуруҳларини  $[\text{CH}_2\text{N}^+(\text{CH}_3)_3, 1\text{-чи тип}]$  ўз ичига олади.

Жигарранг, шаффоф гранулалар.

Заррачалар ўлчами: 0,2 мм дан 1,0 мм гача.

Намлик миқдори: 50 % атрофида.

Тўлиқ алмашиниш сигими: 1,2 мэкв/мл дан кам эмас.

**Смола кучли кислотали ион-алмашинувчи [Ion-exchange resin, strongly acidic]. 1085400.**

Ўзида полистиролдан иборат бўлган полимер панжарага кўндаланг боғланган 8 % дивинилбензол билан бириккан сульфон кислота гуруҳлари билан протонланган шаклли смола. Шарсимон гранула шаклида ишлаб чиқарилади, агар бошқа кўрсатмалар кўрсатилмаган бўлса, заррача ҳажми 0,3 мм дан 1,2 мм гача бўлади.

Сигими: 50 % дан 60 % гача сув тутган ҳолда 4,5 ммоль/г дан 5 ммоль/г гача.

Колонкани тайёрлаш. Агар бошқа кўрсатмалар кўрсатилмаган бўлса, ғовак шишадан тайёрланган дискни ичига қўйилган 400 мм узунликдаги, ички диаметри 20 мм ва тўлдириш баландлиги 200 мм бўлган найча.

Смолани олдиндан сув R билан аралаштирилади, заррачалар орасида ҳаво шарчаларини қолишига йўл қўймасдан олинган аралашмани найчага солинади. Иш жараёнида суяқлик смола юзасидан пастга тушмаслигига аҳамият бериш керак. Агар смола протонланган шаклда бўлса, уни сув R билан 50 мл суяқлик учун индикатор сифатида 0,1 мл метил зарғалдоқ эритма-си R дан фойдаланганда 0,1 M натрий гидроксид эритмасидан, 0,05 мл дан кўп бўлмаган ҳолатда ювилади.

Агар смола натрийли шаклда ёки регенерацияга муҳтож бўлса, колонка орқали аста секин, 100 мл хлорид кислота R1 ва сув R нинг аралашмасини ўтказилади, сўнг сув R билан юқорида кўрсатилганидек ювилади.

**Смола кучли кислотали ион-алмашинувчи [Strongly acid ion-exchange resin]. 1085400.**

Кучли кислотали, ион-алмашинувчи смола R га қаралсин

**Смола кучли кислотали, катион-алмашинувчи (кальцийли шакли) [Cation exchange resin (calcium form), strong]. 1104600.**

Кальцийли шаклдаги смола, 8 % дивинилбензол билан кўндаланг тикилган полистирол полимери панжара-расига бириккан сульфон кислота гуруҳлари сақланган. Синовларда фойдаланилганда заррачалар ўлчами реактив номидан сўнг кўрсатилади.

**Смола кучли кислотали, катион-алмашинувчи (натрийли шакли) [Cation exchange resin (sodium form), strong]. 1176100.**

Сульфон кислота гуруҳлари ва натрийли туз шаклидаги смола. Бу гуруҳлар дивинилбензол билан кўндаланг тикилган полистиролдан иборат бўлган полимер панжарасига бириккан. Синовларда фойдаланилганда смола заррачалари ўлчами реактив номидан сўнг кўрсатилади.

**Смола кучли кислотали, катион-алмашинувчи [Cation-exchange resin, strong]. 1156800.**

Дивинилбензол билан кўндаланг тикилган полистиролдан ташкил топган полимер панжарасига бириккан сульфон кислота гуруҳлари бўлган, протонлашган шаклдаги кучли кислотали, катион-алмашинувчи смола.

**Смола кучсиз асосли, анион-алмашинувчи [Anion exchange resin, weak]. 1146700.**

Полиметилметакрилатдан ташкил топган панжарага боғланган диэтиламиноэтил гуруҳлари тутган смола.

**Смола кучсиз кислотали, катион-алмашинувчи [Cation-exchange resin, weak]. 1203200.**

Дивинилбензол билан ўзаро боғланган полистиролдан ташкил топган полимер панжарасига бириктирилган карбоксилат функционал гуруҳлари билан протонлашган шаклдаги кучсиз катион-алмашинадиган смола.

**Смола стронцийнинг селектив экстракцияси учун [Strontium selective extraction resin]. 1167100**

Савдода мавжуд бўлган смола, инерт хроматографик ташувчи устида 4,4'(5')-ди-учламчи-бутилциклогексан-18-краун-6 (краун-эфир) октанолга ботириш орқали олинган. Бу смоланинг зичлиги тахминан 0,35 г/мл бўлади.

**Смола тескари фаза ион-алмашиниш хроматографияси учун [Resin for reversed-phase ion chromatography]. 1131100.**

Нейтрал, катта ғовакли, юқори махсус кутбсиз юзали, полистиролдан иборат бўлган полимер панжарага кўндаланг тикилган дивинилбензол тутган смола.

**Смола хроматография учун кучли асосли, анион-алмашинувчи [Anion exchange resin for chromatography, strongly basic]. 1112700.**

Латекс панжарасига кўндаланг тикилган дивинилбензолга боғланган тўртламчи аммоний гуруҳи тутган смола.

**Смола хроматография учун кучли асосли, анион-алмашинувчи R1 [Anion exchange resin for chromatography, strongly basic R1]. 1187400.**

Функционал алкил-тўртламчи аммоний гуруҳчалари ва латексдан иборат 100 нм заррачалар билан тўлдирилган ғоваксиз смолалар.

**Смола эксклюзион хроматография учун [Ion-exclusion resin for chromatography]. 1131000.**

Сульфон кислота гуруҳлари билан полистиролдан иборат бўлган полимер панжарага кўндаланг тикилган дивинилбензол тутган смола.

**Сорбитол [Sorbitol].** 1084800. [CAS: 50-70-4].

*Сорбитол (0435)* га қаралсин.

**Соя ёғи, рафинатланган [Soya-bean oil, refined].** 1201500.

*Рафинатланган соя ёғи (1473)* га қаралсин.

**Соялецитини [Soya bean lecithin].** 1196400. [CAS: 8030-76-0].

**Спингомиелин тухум саригидан [Sphingomyelin from egg yolk].** 1199100. [CAS: 85187-10-6].

(2*R*,3*S*,4*E*)-2-(Ациламино)-3-гидроксиоктадец-4-ен-1-ил 2-(триметилазининил)этилфосфат.

**Спирт [Alcohol].** C<sub>2</sub>H<sub>6</sub>O. (М.м. 46,07). 1002500. [CAS: 64-17-5].

96 % спирт *R* га қаралсин.

**Ставудин [Stavudine].** 1187000. [CAS: 3056-17-5].

*Ставудин (2130)* га қаралсин.

**Станолон [Stanolone].** C<sub>19</sub>H<sub>30</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 290,4). 1154400. [CAS: 521-18-6].

17β-Гидрокси-5α-андростан-3-он.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун.

*Суюқланиш ҳарорати:* 180 °C атрофида.

**Стеарил спирти [Stearyl alcohol].** C<sub>18</sub>H<sub>38</sub>O. (М.м. 270,5). 1156400. [CAS: 112-92-5].

1-Октадеканол.

*Суюқланиш ҳарорати:* 60 °C атрофида.

*Миқдори:* 95 % дан кам эмас.

**Стеарин кислота [Stearic acid].** C<sub>18</sub>H<sub>36</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 284,5). 1085200. [CAS: 57-11-4].

Октадеканкислота.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун ёки ёрма. Пайпаслаганда мойсимон, сувда амалда эримади, қайноқ 96 % спиртда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 70 °C атрофида.

*Сереноа пальмаси мевалари (1848) даги ёғ кислоталарининг умумий миқдорини аниқлашда ишлатиладиган стеарин кислота қуйидаги қўшимча синовга жавоб бериши керак.*

*Миқдорий таҳлил. Сереноа Пальмаси мевалари (1848) хусусий фармакопея мақоласига мувофиқ, газ хроматографияси усули (2.2.28) ёрдамида аниқланади.*

*Миқдори:* 98 % дан кам эмас, ички нормаллаштириш усули билан ҳисоблаб чиқилган.

**Стигмастерол [Stigmasterol].** C<sub>29</sub>H<sub>48</sub>O. (М.м. 412,7). 1141400. [CAS: 83-48-7].

(22*E*)-Стигма-5,22-диен-3β-ол. (22*E*)-24-Этилхолеста-5,22-диен-3β-ол.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун, сувда амалда эримади.

*Суюқланиш ҳарорати:* 170 °C атрофида.

[α]<sub>D</sub><sup>22</sup>: – 51 атрофида, 20 г/л концентрацияли *хлороформ R* даги эритмасида аниқланади.

**Стирен [Styrene].** C<sub>8</sub>H<sub>8</sub>. (М.м. 104,2). 1151700. [CAS: 100-42-5].

Этенилбензол.

*Қайнаш ҳарорати:* 145 °C атрофида.

Рангсиз, мойсимон суюқлик, сувда жуда кам эрийди.

**Стирол-дивинилбензол сополимери [Styrene-divinylbenzene copolymer].** 1085500.

Кўндаланг тикилган полимердан ташкил топган қаттиқ, ғовак гранулалар. Турли хил ўлчамдаги гранулаларнинг ҳар хил даражалари мавжуд. Синовларда фойдаланилганда гранула ўлчами реактив номидан сўнг кўрсатилади.

**Стрептомицин сульфат [Streptomycin sulphate].** 1085300. [CAS: 3810-74-0].

*Стрептомицин сульфат (0053)* га қаралсин.

**Стрихнин [Strychnine].** C<sub>21</sub>H<sub>22</sub>N<sub>2</sub>O<sub>2</sub>. (М.м. 334,4). 1190600. [CAS: 57-24-9].

(4*aR*,4*bR*,5*aS*,8*aR*,13*aS*,15*aS*)-2,4*a*,4*b*,5,5*a*,7,8,13*a*,15,15*a*-Декагидро-4,6-метано-6*H*-индоло[3,2,1-*ij*]оксепино[2,3,4-*де*]пирроло[2,3-*h*]хинолин-14-он. Стрихниндин-10-он.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун.

Сувда ўртача эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 285 °C атрофида.

**Стронций карбонат [Strontium carbonate].** SrCO<sub>3</sub>. (М.м. 147,6). 1122700. [CAS: 1633-05-2].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун.

*Миқдори:* 99,5 % дан кам эмас.

**Стронций хлорид гексагидрат [Strontium chloride hexahydrate].** SrCl<sub>2</sub>·6H<sub>2</sub>O. (М.м. 266,6). 1167000. [CAS: 10025-70-4].

Оқ ёки деярли оқ рангли кристаллар, сувда жуда осон эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 115 °C атрофида (кристаллизация суви йўқолади) ва 872 °C.

**Стронций-85 стандарт эритмаси [Strontium-85 standard solution].** 1166900.

51,5 г/л *хлорид кислота R* эритмасидаги Sr<sup>2+</sup> ионлар шаклидаги стронций-85 эритмаси.

**Стронций-85 эритмаси маълум концентрацияли [Strontium-85 spiking solution].** 1166800.

*Стронций-85 стандарт эритмаси R* ни тахминан 10 кБк/мл радиоактивликкача суюлтирилади, сўнгра 0,27 г/л *стронций хлорид гексагидрат R* нинг *хлорид кислота R* даги 1,03 г/л концентрацияли эритмаси билан аралаштирилади.

**Сув [Water].** 1095500. [CAS: 7732-18-5].

*Тозаланган сув (0008)* га қаралсин.

**Сув R1 [Water R1].** 1095509.

Кўп марталик дистилляция усулида *сув дистилланган R* дан тайёрланади. Фойдаланишидан аввал суюлтирилган кварц ёки боросиликатли шиша колбада 15 мин дан кам бўлмаган вақт давомида қайнатиб карбонат ангидриди чиқариб юборилади ва совитилади. Шунингдек бошқа мос усулдан фойдаланиш мумкин. Дастлабки фойдаланишда қайнатиш учун, аввал синовда фойдаланилган ёки *сув R* билан тўлдирилган ва 121 °C ҳароратда 1 соат давомида автоклавланган колбани ишлатиш мақсадга мувофиқ. Синов вақтида бевосита фойдаланишидан олдин *сув R1*, *метил кизили эритмаси R* бўйича нейтрал бўлиши, яъни ўрганилаётган сувга 0,05 мл *метил кизили эритмаси R* қўшилганда, pH 5,5 ± 0,1

ифодасига мувофиқ келувчи, зарғалдоқ-қизил (бинафша-қизил ёки сариқ ранг эмас) рангга бўялиши керак.

*Электр ўтказувчанлиги:* 25 °C ҳароратда кондуктометр ёрдамида аниқланганда 1 мкСм·см<sup>-1</sup> дан кўп эмас (*тозаланган сув* (0008) га қаралсин).

**Сув дистилланган [Water, distilled]. 1095504.**

Ҳайдаш йўли билан олинган сув R.

**Сув дистилланган, ионсизлантирилган [Water, distilled, deionised]. 1095508.**

Ҳайдаш орқали тайёрланган *ионсизлантирилган сув R* 0,18 Мом·м дан кам бўлмаган қаршиликка эга бўлиб, 25 °C аниқланади.

**Сув инъекция учун [Water for injections]. 1095505.**

*Инъекция учун сув* (0169) га қаралсин.

**Сув хроматография учун [Water for chromatography]. 1095503.**

25 °C ҳароратда қаршилик кўрсаткичи 0,18 Мом·м дан кам бўлмаган дистилляция, ион алма-шиниш, тескари осмос ёки бошқа ҳар қандай мос усуллар орқали олинган, ваколатли органлар томонидан тасдиқ-ланган, инсон истеъмоли учун яроқли, сув бўйича қонунлар талабларига мос келувчи *ионсизлантирилган сув*.

Хроматографияда қўлланилганда сезгирликнинг йўқолиши ёки аниқлашда ҳалакит берувчи ҳар қандай чўққилар кузатилмаслиги унинг сифатини белгилайди.

Қисқа тўлқин узунлиқдаги (яъни 230 нм дан кам) ултрабинафша детекторлаш, бугланиш детекторлари (масалан, ёруғлики сочувчи детектор, заррачаларни сановчи детектор, зарядланган аэрозол детектори) изократик элюирлаб ёки масса детектори ёки градиент элюирлаш органик углерод умумий миқдори 5 ppm кўп бўлмаган сувдан фойдаланиланишни талаб этиши мумкин.

**Сув, аммиак сақламаган [Water, ammonium-free]. 1095501.**

100 мл сув R га 0,1 мл *сульфат кислота R* қўшилади, *Ҳайдаш ҳарорати чегаралари* (2.2.11) аниқлаш учун ускунадан фойдаланиб ҳайдалади, дастлабки 10 мл тўкиб ташланиб, кейинги 50 мл йиғиб олинади.

**Сув, ион заррачалари сақламаган [Water, particle-free]. 1095507.**

Сув R ни поралар ўлчами 0,22 мкм бўлган мембрана-ли филтр орқали филтрланади.

**Сув, нитратлар сақламаган [Water, nitrate-free]. 1095506.**

100 мл сув R га бир неча миллиграмм *калий перманганат R* ва *барий гидроксид R* қўшилади; *Ҳайдаш ҳарорати чегаралари* (2.2.11) аниқлаш учун ускунадан фойдаланиб ҳайдалади, дастлабки 10 мл тўкиб ташланиб, кейинги 50 мл йиғиб олинади.

**Сув, углерод диоксид сақламаган [Water, carbondioxide-free]. 1095502.**

Сув R ни атмосфера таъсиридан ҳимоялаган ҳолда бир неча минут давомида қайнатади ва совитилади. Бунда 0,18 Мом·м дан кам бўлмаган қаршиликка эга ионсизлантирилган сув R ишлатилиши мумкин, аниқлаш 25 °C олиб борилади.

**Сув, юқори даражали тозаланган [Water, highly purified]. 1095510.**

Сув, юқори даражали тозаланган (1927) га қаралсин.

**Сувнинг микромиқдорини аниқлаш учун стандарт эритма [Standard solution for the micro determination of water]. 1147300.**

Мос эритувчи таркибда сертификатланган миқдорда сув тутган, калориметрик титрлаш учун савдода мавжуд бўлган сув.

**Сувсиз спирт [Ethanol, anhydrous]. [CAS: 64-17-5].**

*Сувсиз спирт* (1318) га қаралсин.

**Судан зарғалдоқ [Sudan orange]. C<sub>16</sub>H<sub>12</sub>N<sub>2</sub>O.**

(М.м. 248,3). 1110700. [CAS: 842-07-9].

Ранг кўрсаткичи № 12055.

1-(Фенилазо)нафталин-2-ол. Судан I.

Зарғалдоқ-қизил кукун, сувда амалда эримади, метиленхлоридда эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 131 °C атрофида.

**Судан қизили G [Sudan red G]. C<sub>17</sub>H<sub>14</sub>N<sub>2</sub>O<sub>2</sub>**

(М.м. 278,3). 1085800.

Шульц кўрсаткичи № 149.

Ранг кўрсаткичи № 12150 сонли.

Эрувчан Қизил I.1- [(2-Метоксифенил)азо] нафталин-2-ол.

Қизғиш-жигарранг рангли кукун. Сувда амалда эримади.

*Хроматография.* Аниқлаш юпка-қатламли хроматография (2.2.27) усули билан олиб борилади, юпка қатлам сифатида *силикагель G R* қўлланилади. Хроматография пластинкасига 0,1 г/л *метиленхлорид R* даги эритмасидан 10 мкл суртилади, ва шу эритмада хроматография қилинади. Эритувчи фронт узунлиги тахминин 10 см. Олинган хроматограммада фақат битта асосий доғ кўриниши керак.

**Сульфамин кислота [Sulphamic acid]. H<sub>3</sub>NO<sub>3</sub>S. (М.м. 97,1) 1085900. [CAS: 5329-14-6].**

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, ёки кристаллар. Сувда осон эрийди, ацетон, 96 % спирт ва метанолда ўртача эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 205 °C атрофида, парчаланиш билан.

**Сульфан кўки [Sulphan blue]. C<sub>27</sub>H<sub>31</sub>N<sub>2</sub>NaO<sub>6</sub>S<sub>2</sub>.**

(М.м. 566,6). 1086000. [CAS: 129-17-9].

Шульц кўрсаткичи № 769.

Ранг кўрсаткичи № 42045.

Дисульфид кўки. Кислота кўки 1. Кўк VS. Натрий [[4-(диэтиламино)фенил](2,4-дисульфonatoфенил)метилен]циклогекса-2,5-диен-1-илиден]диэтиламмоний.

Бинафша рангли кукун. Сувда эрийди. Суюлтирилган эритмалари кўк рангли бўлиб, концентранган хлорид кислота қўшилганда сариқ рангга ўтади.

**Сульфанил кислота [Sulphanilic acid]. C<sub>6</sub>H<sub>7</sub>NO<sub>3</sub>S. (М.м. 173,2) 1086200. [CAS: 121-57-3].**

4-Аминобензолсульфон кислота.

Рангсиз кристаллар. Сувда ўртача эрийди. 96 % спиртда амалда эримади.

**Сульфанил кислота диазотланган эритмаси [Sulphanilic acid solution, diazotised]. 1086202.**

0,9 г сульфанил кислота *R* 9 мл хлорид кислота *R* да киздириб эритилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 100 мл гача етказилади. 10 мл ҳосил бўлган эритмани музли сувда совитилади, 45 г/л концентрацияли, музда совитилган натрий нитрит *R* эритмасидан 10 мл қўшилади. 15 мин давомида 0° С ҳароратда тиндирилади (эритма шу ҳароратда 3 сутка давомида барқарор бўлади), фойдаланишидан олдин тезда 20 мл 100 г/л концентрациядаги натрий карбонат *R* эритмаси қўшилади.

**Сульфанил кислота эритмаси [Sulphanilic acid solution]. 1086203.**

0,33 г сульфанил кислота *R* зарур бўлса, эҳтиётлик билан киздириб 75 мл сув *R* да эритилади ва эритма ҳажми 99,8 % *сирка* кислота *R* билан 100 мл гача етказилади.

**Сульфанил кислота эритмаси R1 [Sulphanilic acid solution R1]. 1086201.**

0,5 сульфанил кислота *R* ни 75 мл суюлтирилган *сирка* кислота *R* ва 75 мл сув *R* дан иборат аралашмада эритилади.

**Сульфаниламид [Sulfanilamide]. C<sub>6</sub>H<sub>8</sub>N<sub>2</sub>O<sub>2</sub>S. (М.м. 172,2). 1086100. [CAS: 63-74-1].**

4-Аминобензолсульфонамид.

Оқ ёки деярли оқ рангли кукун. Сувда кам эрийди, қайнаётган сувда, ацетонда, суюлтирилган кислоталарда ва ишқорий металл гидроксидларининг эритмаларида осон эрийди, 96 % спирт ва петролейн эфирида ўртача эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 165 °С атрофида.

**Сульфат кислота [Sulphuric acid]. H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>. (М.м. 98,1). 1086800. [CAS: 7664-93-9].**

Миқдори: 95,0 % (м/м) дан кам эмас ва 97,0 % (м/м) дан кўп эмас.

Рангсиз, ўювчан, мойсимон консистенциядаги, ўта гигроскопик суюқлик. Сув ва 96 % спирт билан аралашиб, интенсив равишда иссиқлик ажратади.

$d_{20}^{20}$ : 1,834 дан 1,837 гача.

10 г/л эритмаси кучли кислота ҳисобланади ва сульфатларга ҳос реакция беради (2.3.1).

Ташиқ қўриниши (2.2.1). Сульфат кислота шаффоф бўлиши лозим.

Ранглилик (2.2.2, усул II). Сульфат кислотаси рангсиз бўлиши керак.

Оксидловчи моддалар. Эҳтиёткорлик билан совитган ҳолда 20 г сульфат кислотасини 40 мл сув *R* га солинади, 0,5 мл 0,002 М калий перманганат эритмаси қўшилади; бинафшаранг камида 5 минут давомида сақланиши керак.

Хлоридлар. 0,5 ppm дан кўп эмас.

Эҳтиёткорлик билан совитиб турган ҳолда 10 г сульфат кислота 10 мл сув *R* га солинади, эритма ҳажми ушибу эритувчи билан 20 мл гача етказилади. 0,5 мл кумуш нитрат эритмаси *R2* қўшилади ва 2 минут давомида ёруғликдан химояланган жойда сақланади. Олинган эритма хлоридлар учун синовларга бардош бериши лозим. Эталон 1 мл хлорид эталон эритмаси (5 ppm Cl) *R* дан, 19 мл сув *R* ва 0,5 мл кумуш нитрат эритмаси *R2* дан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Нитратлар: 0,5 ppm дан кўп эмас. Эҳтиёткорлик билан совитиб турган ҳолда 50 г ёки 27,2 мл сульфат кислота 15 мл сув *R* га солинади, сўнгра 99,8 % *сирка*

кислотаси *R* даги 0,2 мл янги тайёрланган 50 г/л бруцина *R* эритмаси қўшилади. 5 минутдан сўнг олинган эритма ранги синовдагига ўхшаш тайёрланган 12,5 мл сув *R*, 50 г таркибида азот сақламаган сульфат кислота *R*, 2,5 мл нитрат эталон эритмаси (10 ppm NO<sub>3</sub>) *R* ва 0,2 мл бруциннинг 99,8 % *сирка* кислотадаги 50 г/л эритмасидан фойдаланган ҳолда тайёрланган эритма эталон эритма рангидан интенсивроқ бўлмаслиги керак.

Аммоний: 2 ppm дан кўп эмас.

Эҳтиёткорлик билан совитган ҳолда 2,5 г сульфат кислотасини 20 мл сув *R* га солинади, эритма ҳажми ушибу эритувчи билан 20 мл гача етказилади, совитилади ва томчилаб 10 мл 200 г/л натрий гидроксид *R* эритмаси ва 1 мл калий тетрагидромеркурат ишқорий эритмаси *R* қўшилади; эритма ранги 5 мл аммоний эталон эритмаси (1 ppm NH<sub>4</sub>) *R*, 15 мл сув *R*, 10 мл 200 г/л натрий гидроксид *R* эритмаси ва 1 мл калий тетрагидромеркурат ишқорий эритмаси *R* дан фойдаланган ҳолда тайёрланган эталон эритма рангидан интенсивроқ бўлмаслиги керак.

Мишьяк (2.4.2, А усул). 0,02 ppm дан кўп эмас.

Эҳтиёткорлик билан совитган ҳолда 50 г сульфат кислотасига 3 мл нитрат кислотаси *R* солинади, секин-аста 10 мл ҳажмгача буғлатирилади, совитилади, қолган эритмага 20 мл сув *R* қўшилади ва 5 мл гача буғлатирилади. Эритма мишьяк учун синовга бардош бериши керак. Эталон 1,0 мл мишьяк эталон эритмасидан (1 ppm As) *R* фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Оғир металллар (2.4.8, метод А): 2 ppm дан кўп эмас. Темир учун синовга олинган 10 мл эритма ҳажмини сув *R* билан 20 мл гача етказилади. Олинган 12 мл эритма оғир металллар учун синовга бардош бериши керак. Эталон қўрғошин эталон эритмасидан (2 ppm Pb) *R* фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Темир (2.4.9): 1 ppm дан кўп эмас.

Куйдирилгандан сўнг қолган қолдикни аниқлаш вақтида олинган қул қолдигини, салгина қиздирган ҳолда 1 мл суюлтирилган хлорид кислотаси *R* да эритилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 50,0 мл гача етказилади. 5 мл олинган эритма сув *R* билан 10 мл ҳажмгача етказилади. Эритма темир учун синовга бардош бериши керак.

Қиздирилгандан сўнгги қолдиқ. 0,001 % дан кўп эмас. Аниқлаш 100 г сульфат кислотасида кичикроқ тиглда очик аланга устида аста буғлантириш ва қолдикни чўллангунча киздириш йўли билан ўтказилади.

Миқдорий таҳлил. Зич беркитилган шиша тикили қолбага 30 мл сув *R* қўшилади, аниқ тортилади, 0,8 мл сульфат кислотаси қўшилади, совитилади ва яна эритилади. Индикатор сифатида 0,1 мл метил қизил эритмаси *R* дан фойдаланган ҳолда 1 М натрий гидроксид эритмаси билан титрланади. 1 мл 1 М натрий гидроксид эритмаси 49,04 мг H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> мос келади.

Сақланиши: шиша ёки бошқа инерт материалдан тайёрланган зич беркитилган шиша тикили идишда сақланади.

**Сульфат кислота R1 [Sulfuric acid R1]. H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>. (М.м. 98,1). 1190900. [CAS: 7664-93-9].**

Миқдори: 75 % (ҳажм/ҳажм).

**5 М Сульфат кислота эритмаси [Sulfuric acid 5 M]. 1086809.**

28 мл сульфат кислота *R* 100 мл гача сув *R* билан суюлтирилади.

**Сульфат кислота, азот сақламаган [Sulphuric acid, nitrogen-free]. 1086806.**

Сульфат кислота *R* талабларига мувофиқ ва қуйидаги қўшимча синовларга бардош бериши керак.

*Нитратлар.* 5 мл сув *R* га эҳтиёткорлик билан 45 мл сульфат кислотаси қўшилади, 40 °C ҳароратгача совитилади ва 8 мг дифенилбензидин *R* қўшилади, олинган эритма оч-пушти ёки оч-ҳаворанг тусда бўлиши керак.

**Сульфат кислота, азот сақламаган R1 [Sulphuric acid, nitrogen-free R1]. 1086808.**

Азот сақламаган сульфат кислота *R* талабларига мос келади.

*Миқдори:* 95,0 % (м/м) дан 95,5 % (м/м) гача.

**Сульфат кислота, оғир металллар сақламаган [Sulfuric acid, heavy metal-free]. 1086807.**

Оғир металллар сақлаган сульфат кислота *R* га қўйиладиган талабларга мос келиши ва таркибида қуйида кўрсатилган концентрациялардан ошмаслиги керак.

As: 0,005 ppm.

Cd: 0,002 ppm.

Cu: 0,001 ppm.

Fe: 0,05 ppm.

Hg: 0,005 ppm.

Ni: 0,002 ppm.

Pb: 0,001 ppm.

Zn: 0,005 ppm.

**Сульфат кислота, суюлтирилган [Sulphuric acid, dilute]. 1086804**

Таркибида 98 г/л H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> сақлайди.

5,5 мл сульфат кислота *R* ни 60 мл сув *R* га солинади, совитилади ва эритма ҳажми ушбу эритувчи билан 100 мл гача етказилади.

*Миқдорий таҳлил.* Зич беркитилган шиша тикинли колбага 30 мл сув *R*, 10,0 мл суюлтирилган сульфат кислотаси қўшилади ва 1 *M* натрий гидроксид эритмаси билан, индикатор сифатида 0,1 мл метил қизил эритмаси *R* дан фойдаланган ҳолда титрланади.

1 мл 1 *M* натрий гидроксид эритмаси 49,04 мг H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> га мос келади.

**Сульфат кислота, суюлтирилган R1 [Sulfuric acid, dilute R1]. 1086810.**

*Миқдори:* 4,9 г/л H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>.

Сульфат кислотаси *R* дан тайёрланади.

**Сульфат кислотанинг 0,25 *M* спиртли эритмаси [Sulphuric acid, alcoholic, 0,25 *M*]. 1086802.**

10 мл сульфат кислотанинг 2,5 *M* спиртли эритмаси *R* сувсиз спирт *R* билан 100 мл гача суюлтирилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Сульфат кислотанинг 2,5 *M* спиртли эритмаси [Sulphuric acid, alcoholic, 2,5 *M*]. 1086801.**

Эҳтиётлик билан доимий совитилган ва аралаштирилган ҳолатда 14 мл сульфат кислота *R* га 60 мл сувсиз спирт *R* қўшилади, совитилади ва эритманинг ҳажми сувсиз спирт *R* билан 100 мл га етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Сульфат кислотанинг спиртли эритмаси [Sulphuric acid, alcoholic solution of]. 1086803.**

Эҳтиёткорлик билан доимий совитган ва аралаштирилган ҳолда 20 мл сульфат кислотаси *R* 60 мл

96 % спирт *R* га қўшилади, совитилади ва эритма ҳажмини 96 % спирт *R* билан 100 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Сульфатиазол [Sulfathiazole]. C<sub>9</sub>H<sub>9</sub>N<sub>3</sub>O<sub>2</sub>S<sub>2</sub>. (М.м. 255,3). 1086300. [CAS: 72-14-0].**

4-Амино-*N*-(тиазол-2-ил)бензолсульфонамид.

Оқ ёки сарғиш-оқ рангли кукун ёки кристаллар. Сувда жуда кам эрийди, ацетонда эрийди, 96 % спиртда кам эрийди. Суюлтирилган минерал кислоталарда, ишқорий металлларнинг гидроксидлари ва карбонатлари эритмаларида эрийди.

*Суюқланиш ҳарорати:* 200 °C атрофида.

**Сульфомолибден реактиви R2 [Sulphomolybdic reagent R2]. 1086400.**

Тахминан 50 мг аммоний молибдат *R* 10 мл сульфат кислота *R* да эритилади.

**Сульфомолибден реактиви R3 [Sulphomolybdic reagent R3]. 1086500.**

2,5 г аммоний молибдат *R* 20 мл сув *R* да қиздириб эритилади. 28 мл сульфат кислота *R* сув *R* билан 50 мл ҳажмгача суюлтирилади, сўнгга совитилади. Иккала эритма аралаштирилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 100 мл га етказилади.

*Сақланиши:* пластик контейнерда.

**Сульфосалицил кислота [Sulphosalicylic acid]. C<sub>7</sub>H<sub>6</sub>O<sub>6</sub>S·2H<sub>2</sub>O. (М.м. 254,2). 1086600. [CAS: 5965-83-3].**

2-Гидроксис-5-сульфобензой кислота.

Қайнаш ҳарорати: 135 °C атрофида.

**Этилендиамин [Ethylenediamine].**  $C_2H_8N_2$ . (М.м. 60,1). 1036500. [CAS: 107-15-3].

Этан-1,2-диамин.

Шаффоф, рангсиз, тутайдиган суюқлик, кучли ишқорий хоссага эга. Сув ва 96 % спирт билан аралашади.

Қайнаш ҳарорати: 116 °C атрофида.

**(Этилендинитрил)тетрасирка кислота [(Ethylenedinitrilo)tetra-acetic acid].**  $C_{10}H_{16}N_2O_8$ .

(М.м. 292,2). 1105800. [CAS: 60-00-4].

*N,N'*-1,2-Этандиилбис[*N*-(карбоксиметил)глицин].

Эдет кислота. Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун. Сувда жуда кам эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 250 °C атрофида, парчаланиш билан.

**Этиленоксид [Ethylene oxide].**  $C_2H_4O$ . (М.м. 44,05). 1036400 [CAS: 75-21-8].

Оксиран.

Рангсиз, алангаланадиган газ. Сувда ва сувсиз спиртда жуда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 12 °C атрофида.

**Этиленоксид бошланғич эритмаси [Ethylene oxide stock solution].** 1036401.

Эритмаларни тайёрлашда олиб бориладиган ҳамма жараёнлар мўрили шкафта бажарилади. Қўл ва юзни ҳимоялашда полиэтилендан тайёрланган қўлқоп ва юзни ҳимоялаш учун ниқобдан фойдаланилади. Эритмалар герметик идишда, 4 °C дан 8 °C гача бўлган ҳароратда совиткичда сақланади. Ҳамма текишувлар уч маротаба олиб борилади.

1 қисм натрий хлорид R ва 3 қисм майдаланган муз билан совитилган куруқ тоза пробиркага аста-секинлик билан газ ҳолатдаги этиленоксид R оқими юборилиб, пробирканинг ички деворида конденсирланишига имкон берилади. Аввалдан – 10 °C гача совитилган шиша шприц ёрдамида 300 мкл атрофида (тахминан 0,25 г этиленоксидга мос келади) суюқ этиленоксид R 50 мл макрогол 200 R1 га юборилади. Сўнгра абсорбирланган этиленоксидини миқдорини абсорбциялашдан аввалги ва кейинги миқдорини ( $M_{eo}$ ) тортиш усули билан аниқланади. Макрогол 200 R1 билан 100,0 мл ҳажмгача суюлтирилади. Қўллашдан аввал яхшилаб аралаштирилади.

Миқдорий таҳлил. 500 г/л магний хлорид R нинг сувсиз спиртдаги 10 мл суспензиясига, 20,0 мл 0,1 M хлорид кислотанинг спиртдаги эритмаси R қўшилади. Колба пробка билан беркитилиб, тўйинган эритма ҳосил бўлгунча чайқатилади ва эритма тиндириш учун бир кечага қолдирилади. 5,00 г бошланғич эритмадаги 2,5 г/л этиленоксид R колбага жойлаштирилиб, тортилади. 30 мин давомида ушлаб турилади ва потенциометрик усулда (2.2.20) 0,1 M калий гидроксид спиртли эритмаси R билан титрланади. Этиленоксид бошланғич эритмасини ўрнига, шу миқдордаги макрогол 200 R1 билан назорат тажрибаси ўтказилади. Этиленоксидини 1 г даги миқдорини миллиграммда қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$((V_0 - V_1) \times f \times 4,404) / m$$

бу ерда:

$V_0$  ва  $V_1$  - назорат ва синалаётган эритмаларни титрлашга сарф бўлган 0,1 M калий гидроксид спиртли эритмасининг ҳажми;

$f$  — 0,1 M калий гидроксид спиртли эритмасини тузатиш коэффициенти;

$m$  - синалаётган намуна массаси, г да.

**Этиленоксид бошланғич эритмаси R1 [Ethylene oxide stock solution R1].** 1036406.

Этиленоксид R нинг метанол R даги 50 г/л концентрацияли эритмаси.

Бунда савдода мавжуд бўлган реактивдан фойдаланилади ёки юкорида кўрсатилган аралашмалар каби эритма тайёрланади.

**Этиленоксид бошлангич эритмаси R2 [Ethylene oxide stock solution R2]. 1036408.**

50 г/л концентрацияли этиленоксид R1 ни метилхлорид R даги эритмаси.

Бунда савдода мавжуд бўлган реактивдан фойдаланилади ёки юкорида кўрсатилган аралашмалар каби эритма тайёрланади.

**Этиленоксид эритмаси [Ethylene oxide solution]. 1036402.**

Совитилган этиленоксид бошлангич эритмаси R нинг 2,5 мг этиленоксидига мос келадиган миқдори совитилган колбада тортиб олинади ва макрогол 200 R1 билан 50,0 г гача етказилиб, яхшилаб аралаштирилади. 2,5 г олинган эритма макрогол 200 R1 билан 25,0 мл гача етказилади (1 г эритмада 5 мкг этиленоксиди).

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

Эритмани Этиленоксид бошлангич эритмаси R ни ўрнига савдода мавжуд бўлган реактивлардан фойдаланиб, тегишли суялтиришлар орқали тайёрлаш мумкин.

**Этиленоксид эритмаси R1 [Ethylene oxide solution R1]. 1036403.**

1,0 мл (аниқ тортиб) совитилган бошлангич этиленоксид эритмаси R ни макрогол 200 R1 билан 50,0 мл ҳажмгача етказилади ва яхшилаб аралаштирилади. 2,5 г ҳосил бўлган эритмани макрогол 200 R1 билан 25,0 мл гача етказилади. Макрогол 200 R1 зичлиги 1,127 г/см<sup>3</sup> (20 °C) атрофида. Зичлик: 1,206 г/см<sup>3</sup> (20 °C) атрофида.  $n_D^{20}$ : 1,418 атрофида. Қайнаш ҳарорати: 213 °C атрофида.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

Эритмани Этиленоксид бошлангич эритмаси R ни ўрнига савдода мавжуд бўлган реактивлардан фойдаланиб, тегишли суялтиришлар орқали тайёрлаш мумкин.

**Этиленоксид эритмаси R2 [Ethylene oxide solution R2]. 1036404.**

1,00 г совитилган этиленоксид бошлангич эритмаси R ни (2,5 мг этиленоксидига мос келадиган) аввалдан тортилган 40,0 г совитилган макрогол 200 R1 сақлаган колбага жойлаштирилади ва аралаштирилади. 1 г эритмада 50 мкг этиленоксиди сақловчи эритма ҳосил қилиш учун унинг аниқ массаси аниқланади ва шу ҳисобланган масса бўйича суялтирилади. Эритмадан 10,00 г тортиб олиб, 30 мл сув R сақлаган колбага жойлаштирилиб, аралаштирилади ва сув R билан 50,0 мл (10 мкг/мл этиленоксиди) гача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

Эритмани этиленоксид бошлангич эритмаси R ни ўрнига савдода мавжуд бўлган реактивлардан фойдаланиб, тегишли суялтиришлар орқали тайёрлаш мумкин.

**Этиленоксид эритмаси R3 [Ethylene oxide solution R3]. 1036405.**

10,0 мл этиленоксид эритмаси R2 ни сув R билан 50,0 мл (2 мкг/мл этиленоксид) гача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Этиленоксид эритмаси R4 [Ethylene oxide solution R4]. 1036407.**

1,0 мл этиленоксид эритмаси R1 ни сув R билан 100,0 мл гача етказилади. 1,0 мл ҳосил бўлган эритмани сув R билан 25,0 мл гача етказилади.

**Этиленхлорид [Ethylenechloride]. C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>Cl<sub>2</sub>. (М.м. 99,0). 1036000. [CAS: 107-06-2].**

1,2-Дихлорэтан.

Шаффоф, рангсиз суюқлик. Тахминан 120 қисм сувда ва 2 қисм 96 % спиртда эрийди.

$d_{20}^{20}$ : 1,25 атрофида.

Ҳайдаш ҳарорати чегаралари (2.2.11). 82 °C дан 84 °C гача; 95 % дан кам бўлмаган миқдорда хайдалиши керак.

**N-Этилмаленимид [N-Ethylmaleimide]. C<sub>6</sub>H<sub>7</sub>NO<sub>2</sub>. (М.м. 125,1). 1036700. [CAS: 128-53-0].**

1-Этил-1Н-пиррол-2,5-дион.

Рангсиз кристаллар. Сувда ўртача эрийди. 96 % спиртда осон эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 41 °C дан 45 °C гача.

Сақланиши: 2 °C дан 8 °C гача бўлган ҳароратда.

**Этилметансульфонат [Ethyl methanesulfonate]. C<sub>3</sub>H<sub>8</sub>O<sub>3</sub>S. (М.м. 124,2). 1179300. [CAS: 62-50-0].**

Шаффоф, рангсиз суюқлик.

Миқдори: 99,0 % дан кам эмас.

Зичлик: 1,206 г/см<sup>3</sup> (20 °C) атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,418 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 213 °C атрофида.

**Этилметилкетон [Ethyl methyl ketone]. 1054100. [CAS: 78-93-3].**

Метиэтилкетон R га қаралсин.

**2-Этил-2-метилкаҳрабо кислота [2-Ethyl-2-methylsuccinic acid]. C<sub>7</sub>H<sub>12</sub>O<sub>4</sub>. (М.м. 160,2). 1036800. [CAS: 631-31-2].**

2-Этил-2-метилбутанди кислота.

Суюқланиш ҳарорати: 104 °C дан 107 °C гача.

**Этилпарагидроксibenзоат [Ethyl parahydroxybenzoate]. 1035700. [CAS: 120-47-8].**

Этилпарагидроксibenзоат (0900) га қаралсин.

**2-Этилпирдин [2-Ethylpyridine]. C<sub>7</sub>H<sub>9</sub>N. (М.м. 107,2). 1133400. [CAS: 100-71-0].**

Рангсиз ёки жигаррангсимон суюқлик.

$d_{20}^{20}$ : 0,939 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,496 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 149 °C атрофида.

**Этилтолуенсульфонат [Ethyltoluenesulfonate]. C<sub>9</sub>H<sub>12</sub>O<sub>3</sub>S. (М.м. 200,3). 1191000. [CAS: 80-40-0].**

Этил 4-метилбензолсульфонат. Этил тозилат.

Миқдори: 97,0 % дан кам эмас.

Зичлик: 1,17 г/мл (25 °C) атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 160 °C атрофида

Суюқланиш ҳарорати: 33 °C атрофида.



**Этилформиат [Ethyl formate].**  $C_3H_6O_2$ . (М.м. 74,1). 1035600. [CAS: 109-94-4].

Этилметаноат.

Шаффоф, рангсиз, осон алангаланадиган суюқлик. Сувда осон эрийди, 96 % спирт билан аралашади.

$d_4^{20}$ : 0,919 атрофида.

$n_D^{20}$ : 1,36 атрофида.

Қайнаш ҳарорати: 54 °C атрофида.

**Этилцианоацетат [Ethyl cyanoacetate].**  $C_5H_7NO_2$ . (М.м. 113,1). 1035500. [CAS: 105-56-6].

Рангсиз ёки сўниқ-сарик рангли суюқлик. Сувда кам эрийди. 96 % спирт билан аралашади.

Қайнаш ҳарорати: 205 °C дан 209 °C гача парчалануш билан.

**Этион [Ethion].**  $C_9H_{22}O_4P_2S_4$ . (М.м. 384,5). 1127100. [CAS: 563-12-2].

Суюқланиш ҳарорати: – 24 °C дан – 25 °C гача.

Мос стандарт намуна эритмаси (10 нг/мкл циклогександаги) ишлатилиши мумкин.

**Этоксихризоидин гидрохлорид [Ethoxychrysoidine hydrochloride].**  $C_{14}H_{17}ClN_4O$ . (М.м. 292,8). 1035200. [CAS: 2313-87-3].

4-[(4-Этоксифенил)диазенил]фенилен-1,3-диамин гидрохлорид.

Қизилсимон рангли кукун, 96 % спиртда эрийди.

**Этоксихризоидин эритмаси [Ethoxychrysoidine solution].** 1035201.

1 г/л *этоксихризоидин гидрохлорид R* 96 % спирт *R1* даги эритмаси.

*Сезувчанликка синов.* 5 мл суюлтирилган *хлорид кислота R* ва 0,05 мл *этоксихризоидин эритма аралашмасига* 0,05 мл 0,0167 М *бромид-бромат эритмаси* қўшилади. Эритма ранги 2 мин давомида қизилдан оч сарик ранггача ўзгариши керак.

**Эуглобулин, одамдан олинган [Euglobulins, human].** 1037200.

Тайёрлаш учун антикоагулянт эритмага (масалан, натрий цитрат эритмаси) янги йиғиб олинган одам қони ёки одамга қон қуйиш учун фойдаланиладиган, эндигина сақланиш муддатидан ўтган қонларни сақлаш учун қўлланиладиган пластмасса контейнерларда йиғилган одам қони ишлатилади. Ҳар қандай гемолизланган қон ташлаб юборилади. Кам миқдордаги тромбоцитларни сақловчи супернатант плазмасини олиш учун 15 °C ҳароратда, 1500 g дан 1800 g гача бўлган тезланишда центрифугаланади. Бир хил қон гуруҳидан олинган плазмаларни аралаштириш мумкин.

1 л қон плазмаларига 75 г *барий сульфат R* қўшиб, 30 мин давомида чайқатилади, сўнгра 15 °C ҳароратда 15000 g тезланишда центрифугаланади ва чўкма устидаги тиниқ суюқлик ажратиб олинади. Ажратилган суюқлик устига 10 мл 0,2 мг/мл *апротинин R* эритмаси қўшилади ва аралашиб кетгунча чайқатилади. Минимал сифими 30 литрли контейнернинг 4 °C ҳароратдаги камерасига 25 литр 4 °C ҳароратгача совитилган *дистилланган сув R* қуйилиб, устига 500 г атрофида каттик углерод диоксида солинади ва шу заҳоти аралаштириб турган ҳолда, плазмалардан олинган чўкма устидаги суюқлик қўшилганда, оқ чўкма ҳосил бўлади. Чўкмани чўктириш учун 4 °C ҳароратда 10-15 соатга қолдирилади. Сифонлаш ёрдамида чўкма устидаги шаффоф суюқлик олиб

ташланади. Чўкма 4 °C ҳароратда центрифугаланиб, йиғиб олинади. Чўкма механик диспергирлаш орқали 500 мл *сув, дистилланган R* билан 4 °C ҳароратда суспензияланиб, 5 мин давомида чайқатилади ва чўкмани 4 °C ҳароратда ажратиб, центрифугаланади. Чўкма 9 г/л *натрий хлорид R* ва 0,9 г/л *натрий цитрат R* сақлаган, 60 мл эритмада механик диспергирланади ва pH муҳитни 10 г/л натрий гидроксид эритмаси билан 7,2-7,4 гача етказилади. Чўкма шиша фильтр орқали филтрланади. Олинган чўкма тегишли асбоб ёрдамида майдаланади. Фильтр ва ҳовонча 40 мл 9 г/л *натрий хлорид R* ва 0,9 г/л *натрий цитрат R* сақлаган эритма билан ювилади ва шу эритма билан 100 мл ҳажмгача суюлтирилади. Лиофилизация қилинади. Одатда эуглобулинни 1 л одам плазмасидан чиқиш унуми 6 г дан 8 г гача ташкил этади.

*Яроқлилик синов.* 30 г/л бука альбумини сақлаганга тенг бўлган *фосфат буфер эритмаси pH 7,2 R* дан фойдаланиб, эритма тайёрланади. Диаметри 8 мм бўлган, сув ҳаммомида 37 °C ҳароратига жойлаштирилган синов найчасига 10 ХБ/мл фаолликга эга бўлган стрептокиназа сақловчи 0,1 мл стрептокиназа солиштирилувчи эритмаси ва 20 ХБ/мл сақловчи 0,1 мл *одам тромбини R* эритмаси солинади. Тезлик билан 1 мл 10 мг/мл одам эуглобулин сақлаган эритма қўшилади. 10 сек дан кам вақтда қалин қуйқа ҳосил бўлиши керак. Одам эуглобулин эритмаси қўйилган вақт билан қуйқанинг парчалануш вақти белгиланади. Лизис вақти 15 мин дан кўп бўлмаслиги керак.

*Сақланиши:* курук жойда, 4 °C ҳароратда. Яроқлилик муддати 1 йил.

**Эуглобулинлар, букадан олинган [Euglobulins, bovine].** 1037100.

Антикоагулянт эритмасига (масалан, натрий цитрат эритмаси) янги йиғиб олинган бука қонидан фойдаланилади. Ҳар қандай гемолизланган қон ташлаб юборилади. Тромбоцитларнинг миқдори кам бўлган плазма супернатантини олиш учун 1500 g дан 1800 g гача тезланишда, 15 °C дан 20 °C гача бўлган ҳароратда центрифугаланади.

1 литр бука қони плазмасига 75 г *барий сульфат R* қўшилади, 30 мин давомида чайқатилади, сўнгра 1500 g дан 1800 g гача тезланишда, 15 °C дан 20 °C гача бўлган ҳароратда центрифугаланади ва чўкма устидаги шаффоф суюқлик ажратиб олинади. 10 мл 0,2 мг/мл *апротинин R* эритмаси қўшилади ва аралашиб кетгунча чайқатилади. Ҳарорати 4 °C бўлган минимал сифими 30 литрли контейнер камерасига 4 °C гача совитилган 25 литр *дистилланган сув R* солинади, устига 500 г атрофида каттик углерод диоксида қўшилади ва шу заҳотиёқ аралаштириб турган ҳолда, плазмадан ажратиб олинган чўкма устидаги шаффоф суюқлик қўшилади. Оқ чўкма ҳосил бўлади. Чўкмани тўлиқ чўктириш учун 4 °C ҳароратда 10 соатдан 15 соатгача сақланади. Чўкма устидаги шаффоф суюқликини сифон ёрдамида ажратилади. Чўкмани 4 °C ҳароратда центрафугалаб, йиғилади. Чўкмани 4 °C ҳароратда 500 мл *дистилланган сув R* билан механик диспергирлаш орқали суспензияланади ва 5 мин давомида чайқатилиб, чўкмани 4 °C ҳароратда центрифугаланади. Чўкма 9 г/л *натрий хлорид R* ва 0,9 г/л *натрий цитрат R* сақлаган 60 мл эритмада механик диспергирланади. Эритма pH муҳитини 10 г/л *натрий гидроксиди R* эритмаси билан 7,2 дан 7,4 гача келтирилади ва шиша фильтр орқали филтрланади. Ҳосил қилинган чўкмани ҳовончада майдаланади. Фильтр ва ҳовончани 9 г/л *натрий хлорид R* ва 0,9 г/л *натрий*

*цитрат R* сақлаган 40 мл эритма билан ювилади, шу эритма билан 100 мл ҳажмгача етказилади ва лиофилизацияланади. Одатда 1 литр бука плазмасида эуглобулинни чиқиш унуми 6 г — 8 г ни ташкил этади.

**Яроқлилик синов.** Таркибида 30 г/л бука альбумин *R* сақлаган, фосфатли буфер эритма *pH* 7,4 *R* дан фойдаланиб, эритма тайёрланади. Ҳарорати 37 °C бўлган сув ҳаммомига жойлаштирилган диаметри 8 мм синов найчасига 100 МЕ/мл сақлаган 0,2 мл урокиназа солиштирилувчи эритмаси ва 20 МЕ/мл сақлаган 0,1 мл одам тромбин *R* эритмаси солинади. Тезлик билан миллилитр ҳисобида 10 мг бука эуглобулинлари сақлаган 0,5 мл эритма қўшилади. 10 секунд дан кам вақтда қуюқ куйка ҳосил бўлиши керак. Бука эуглобулинлари эритмасини қўшилган вақтнинг ўтган оралиғи билан куйкани парчаланиш вақти белгиланади. Лизис вақти 15 мин дан кўп бўлмаслиги керак.

**Сақланиши:** куруқ жойда, 4 °C ҳароратда. Яроқлилик муддати 1 йил.

**Эфир [Ether].**  $C_4H_{10}O$ . (М.м. 74,1). 1035000. [CAS: 60-29-7].

Шаффоф, рангсиз, учувчан, жуда ҳаракатчан, осон алангаланадиган суюқлик. Гигроскопик, сувда эрийди, 96 % спирт билан аралашади.

$d_{20}^{20}$ : 0,713 дан 0,715 гача.

**Қайнаш ҳарорати:** 34 °C дан 35 °C гача.

**Агар эфир пероксид синовидан ўтмаса, ҳайдалмайди.**

**Пероксидлар.** 8 мл калий йодидли крахмал эритмаси *R* билан сиғими 12 мл ва диаметри 1,5 см атрофида бўлган, зич ёпиладиган тикинли цилиндрга куйилади, синовдаги эфир билан тўлик тўлдирилади. Интенсив равишда чайқатилади ва қоронғи жойда 30 мин давомида сақланади; ранги ўзгармаслиги керак.

Этикеткада ҳар қандай қўшилган стабилизаторни номи ва концентрацияси кўрсатилади.

**Сақланиши:** ёруғликдан химояланган жойда, герметик идишларда ва 15 °C дан юқори бўлмаган ҳароратда.

**Эфир, пероксидлар сақламаган [Ether, peroxide-free].** 1035100.

**Наркоз учун эфир (0367)** га қаралсин.

**Эхинакозид [Echinacoside].**  $C_{35}H_{46}O_{20}$ . (М.м. 786,5). 1159400. [CAS: 82854-37-3].

$\beta$ -(3',4'-Дигидроксифенил)-этил-*O*- $\alpha$ -L-рамнопиранозил (1→3)-*O*- $\beta$ -D-[ $\beta$ -D-глюкопиранозил (1→6)]-(4-*O*-кофеил)-глюкопиранозид.

Ҳидсиз, сўниқ сариқ рангли кукун.

**ЮҚХ алюминий оксидининг пластинкаси G [TLC aluminium oxide G plate].** 1165200.

Алюминий оксиди қатлами билан қопланган (заррачалар ўлчами 5 дан 40 мкм гача), боғловчи модда сифатида 10 % атрофида кальций сульфат гемигидрати сақлаган металл, шиша ёки пластик ташувчи:.

**ЮҚХ аминополиэфирларни текшириш учун силикагель қатламли пластинка [TLC silica gel plate for aminopolyether test].** 1172700.

**Силикагель қатламли ЮҚХ пластинкаси** 5-10 сек йодплатинали реактив *R* га солинади. Хона ҳароратида 12 соат давомида ёруғликдан химояланган жойда куриштилади.

**Сақланиши:** тайёрлангандан сўнг 30 сутка ичида фойдаланади, ёруғликдан химояланган жойда, очик контейнерда.

**ЮҚХ октадецил силикагель  $F_{254}$  пластинкаси [TLC octadecylsilyl silica gel  $F_{254}$  plate].** 1146600.

Октадецил силикагель қатлами билан қопланган металл, шиша ёки пластмасса ташувчи. 254 нм тўлқин узунлиги да спектрнинг УБ-соҳасида максимал ютилиши билан флюоресцент индикатори сақлайди.

**ЮҚХ октадецилсилил, хиралларни ажратиш учун силикагель қатламли пластинкаси [TLC silica gel plate for chiral separations, octadecylsilyl].** 1137700.

$Cu^{2+}$  ионлари ва хирал тоза гидроксипролин сингдирилган, октадецилсиликагель қатлами билан қопланган металл, шиша ёки пластинк ташувчи. Пластинка органик боғловчи модда сақлаши мумкин.

**ЮҚХ силанизирланган силикагель қатламли пластинкаси [TLC silica gel, silanised plate].** 1117100.

Мос қалинликдаги ва заррачалар ўлчамига (ўлчами майда заррачали пластинка учун одатда 2 мкм дан 10 мкм гача (юқори самарали юпқа қатламли хроматография (ЮСЮҚХ)) ва 5 мкм дан 40 мкм гача оддий ЮҚХ пластинкаси учун) эга бўлган, силанланган силикагель қатлами билан қопланган шиша, металл ёки пластикдан иборат таглик. Зарурат бўлса, қўлланиладиган синовларда сорбент номидан кейин заррачалар ўлчами кўрсатилади.

Сорбент боғловчи органик модда сақлаши мумкин.

**Хроматографик ажратиш қобилияти.** 0,1 г дан метилаурат *R*, метилмеристат *R*, метилпальмитат *R* ва метилстеарат *R* сиғими 250 мл бўлган конуссимон қолбага солинади, 40 мл калий гидроксиднинг спиртдаги эритмаси *R* қўшилади ва 1 соат давомида сув ҳаммомида қайта оқимли конденсатор билан қиздирилади. Совитилади, эритма 100 мл сув *R* ёрдамида ажратиш воронкасига солинади, суюлтирилган хлорид кислота *R* билан кислотали муҳитда *pH* 2 дан 3 гача келтирилади ва ҳар бири 10 мл дан бўлган учта қисм метиленхлорид *R* билан чайқатилади. Бирлашган метиленхлоридли ажрал-малар сувсиз натрий сульфат *R* устида куриштилади, филтрланади ва сув ҳаммомида қуритилганча бўғлатилади. Куруқ қолдик 50 мл метиленхлорид *R* (синаладиган эритма) да эритилади. Аниқлаш ЮҚХ усулида (2.2.27), силанизирланган силикагель қатламли ЮҚХ пластинка-си *R* дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Пластинкага керакли ҳажмда синаладиган эритмадан учта нуктага томизилади (10 мкл атрофида оддий ЮҚХ пластинкаси учун ва 1 мкл дан 2 мкл гача майда ўлчамли заррачалар учун ЮСЮҚХ пластинка). 99,8 % сирка кислота *R* – сув *R* – диоксан *R* (10:25:65) эритувчилар тизимида хроматографияланади. Эритувчи-лар фронти пластинка узунлигининг учдан икки қисмини кесиб ўтганда, уни камерадан чиқарилади ва 30 мин давомида 120 °C ҳароратда куриштилади. Пластинка совитилади, 2-пропанол *R* даги 35 г/л фосфор-молибден кислота *R* билан пуркалади ва доғлар пайдо бўлгунча 150 °C ҳароратда қиздирилади. Сўнг оқ рангли фон ҳосил бўлгунча, аммиак буғи билан ишлов берилади. Агар унда тўртта аниқ ажратилган доғлар кўринадиган бўлса, пластинка яроқли деб ҳисобланади.

**ЮҚХ силианизланган силикагель F<sub>254</sub> қатламли пластинкаси [TLC silica gel F<sub>254</sub>, silanised plate]. 1117200.**

Силианизланган силикагель қатламли ЮҚХ пластинкаси R га қўйилган талабларга қуйидаги модификациялар билан жавоб бериши керак. 254 нм бўлган тўлқин узунлигида ютилиш максимумли флуоресцент индикатор сақлайди.

**ЮҚХ силикагель F<sub>254</sub> қатламли пластинка [TLC silica gel F<sub>254</sub> plate]. 1116800.**

Силикагель қатламли ЮҚХ пластинкаси R учун қуйидаги ўзгаришлари бўлган талабларга жавоб бериши керак. 254 нм бўлган тўлқин узунлигидаги ютилиш максимумли флуоресцент индикатор сақлайди.

Флуоресценцияни сўниши. Пластинкани бешта нуқта-сига кетма-кетликда ортиб борувчи ҳажмда 1 мкл дан 10 мкл гача оддий ЮҚХ пластинкаси учун ва 0,2 мкл дан 2 мкл гача ЮСЮҚХ пластинкаси учун 1 г/л бензой кислота R нинг этанол, сувсиз R – циклогексан R (15:85) эритувчилар аралашмасидаги 1 г/л эритмасидан томизилади. Ўша эритувчилар аралашмасида хроматографияланади. Эритувчи fronti пластинканинг ярмидан ўтганида, уни камерадан чиқарилади ва эритувчилар буғланиб кетгунча қурилади. Пластинкани 254 нм тўлқин узунлигида УБ нурида кўрилади. Оддий ЮҚХ пластинкаларида бензой кислотаси флуоресцент фонда қора доғлар кўринишида аниқланиши керак, тахминан хроматограмманинг ўртасида 2 мкг ва ундан ортиқ миқдорда томизилади. ЮСЮҚХ пластинкаларида бензой кислота флуоресцент фонда қора доғлар кўринишида аниқланиши керак, хроматограмманинг ўртасида 0,2 мкг ва ундан ортиқ миқдорда томизилади.

**ЮҚХ силикагель G қатламли пластинкаси [TLC silica gel G plate]. 1116900.**

Силикагель қатламли ЮҚХ пластинкаси R учун қуйидаги ўзгаришлари бўлган талабларга жавоб бериши керак. Боғловчи модда сифатида кальций сульфат яримгидратини сақлайди.

**ЮҚХ силикагель GF<sub>254</sub> қатламли пластинкаси [TLC silica gel GF<sub>254</sub> plate]. 1117000.**

Силикагель қатламли ЮҚХ пластинкаси R учун қуйидаги ўзгаришлари бўлган талабларга жавоб бериши керак. Боғловчи модда сифатида кальций сульфат гемигидрати ва 254 нм тўлқин узунлигида ютилиш максимумига эга бўлган флуоресцентли индикатор сақлайди.

Флуоресценцияни сўниши. Силикагель қатламли ЮҚХ пластинкаси F<sub>245</sub> R учун ўрнатилган талабларга жавоб бериши керак.

**ЮҚХ силикагель қатламли пластинка [TLC silica gel plate]. 1116700.**

Мос калинликдаги ва мос заррачалар ўлчамига эга бўлган силикагель қатлами билан қопланган, шиша, металл ёки пластикдан иборат таглик, заррачалар ўлчами (одатда 2 мкм дан 10 мкм гача ўлчами майда заррачали пластинка учун (юқори самарали юпқа қатламли хроматография (ЮСЮҚХ) ва 5 мкм дан 40 мкм гача оддий ЮҚХ пластинкаси учун). Зарур бўлганда, қўлланиладиган синовларда сорбент номидан кейин заррачалар ўлчами кўрсатилади.

Сорбент таркибида органик боғловчи модда сақлаши мумкин.

Хроматографик ажратиш қобилияти.

ЮҚХ пластинкаси R яроқлилигини аниқлаш учун зарур бўлган эритма ҳажми пластинкага томизилади (оддий пластинка учун 10 мкл ва 1 мкл дан 2 мкл гача ўлчами майда заррача ли пластинка учун). Метанол R – толуол R (20:80) эритувчилар системасида хроматографияланади. Эритувчилар fronti пластинка узунлигининг учдан икки қисмини кесиб ўтганда, у яроқли деб ҳисобланади. Агар унда тўртта аниқ ажратилган доғлар кўринса, яшил бромрезол доғи R<sub>F</sub> 0,15 куп бўлмаган, метилоранж доғи R<sub>F</sub> 0,1 дан 0,25 гача бўлган оралигида, метилкизил доғи R<sub>F</sub> 0,35 дан 0,55 гача бўлган оралигида, судан қизил G доғи R<sub>F</sub> 0,75 дан 0,98 гача бўлган оралигида ҳосил бўлади.

**ЮҚХ целлюлоза пластинкаси [TLC cellulose plate]. 1191400.**

Целлюлоза қатлами билан қопланган металл, шиша ёки пластмасса ташувчи.

**Қалай [Tin]. Sn. (А.м. 118,7). 1090800. [CAS: 7440-31-5].**

Кумушсимон-оқ рангли гранулалар. Хлорид кислотада водород ажралиши билан эрийди.

Мишьяк (2.4.2, А усул). 0,001 % (10 ppm) дан кўп эмас. Аниқлаш 0,1 г дан амалга оширилади.

**Қалай (II) хлорид [Stannous chloride]. SnCl<sub>2</sub>·2H<sub>2</sub>O. (М.м. 225,6). 1085000. [CAS: 10025-69-1].**

Қалай дихлорид дигидрат.

Миқдори: 97,0 % кам бўлмаган SnCl<sub>2</sub>·2H<sub>2</sub>O.

Рангсиз кристаллар. Сувда жуда осон эрувчан, 96 % спиртда, 99,8 % сирка кислотада, суолтирилган ва концентранган хлорид кислотада осон эрийди.

Миқдорий таҳлил. Зич беркитилган шиша тиқинли колбага 0,500 г солинади, 15 мл хлорид кислота R да эритилади, 10 мл сув R ва 5 мл хлороформ R қўшилади. 0,05 М калий йодат эритмаси билан хлороформ қатлами рангсизлангунча тезда титрланади.

1 мл 0,05 М калий йодат эритмаси 22,56 мг SnCl<sub>2</sub>·2H<sub>2</sub>O га мос келади.

**Қалай (II) хлорид эритмаси [Stannous chloride solution]. 1085001.**

20 г қалай R 85 мл хлорид кислота R билан водород ажралиши тугагунга қадар қиздирилади, совитилади.

Сақланиши: ортиқча қалай R эритма устида, ҳаводан ҳимоя қилган ҳолда.

**Қалай (II) хлорид эритмаси R1 [Stannous chloride solution R1]. 1085002.**

Қалай (II) хлорид эритмаси R ишлатилишидан аввал суолтирилган хлорид кислотаси R (1:10) билан суолтирилади.

**Қалай (II) хлорид эритмаси R2 [Stannous chloride solution R2]. 1085003.**

8 г қалай (II) хлорид R га 100 мл 20 % (ҳажм/ҳажм) хлорид кислота эритмаси R дан қўшилади, эригунга қадар чайқатилади, керак бўлса сув ҳаммомида 50 °C ҳароратда қиздирилади ва 15 мин давомида азот R ўтказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Қалай синов тўплами, ярим миқдордаги [Tin test kit, semi-quantitative]. 1194100.**

Қалай-тест-тасмалари ва 10-200 мкг/мл диапазонда сувли эритмаларда қалайни аниқлаш учун реагентлар йиғмасидан ташкил топган, савдода мавжуд реагентлар тўплами.

**Қаҳрабо кислота [Succinic acid].**  $C_4H_6O_4$ .  
(М.м. 118,1). 1085600. [CAS: 110-15-6].

Бутанди кислота.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун, ёки рангсиз кристаллар. Сув ва 96 % спиртда эрийди.

Суюқланиш ҳарорати: 184 °C дан 187 °C гача

**Қон ивиши V омил эритмаси [Coagulation factor V solution].** 1021400.

Қон ивиши V омил эритмаси қуйидаги усул билан тайёрланиши керак ёки VIII омилдан ташқари, бошқа ҳар қандай усул билан V омил реактиви янги оксалатланган буқа плазмасидан.

Қон ивиши V омил эритмаси қуйидаги усул ёки VIII омилдан ташқари, бошқа ҳар қандай усул ёрдамида тайёрланиши мумкин.

V омил реактиви янги оксалатланган буқа плазмасидан 4 °C да ҳароратда тайёрланган аммоний сульфат R нинг тўйинган эритмаси билан 4 °C ҳароратда фракцияларга ажратиб тайёрланади. 38 % дан 50 % гача тўйиниш оралиғида чўкадиган, таркибида VIII омил билан унча ифлосланмаган V омил тутувчи фракция ажратиб олинади. Аммоний сульфат диализ билан йўқотилади ва одам янги қон плазмаси таркибида мавжуд бўладиган, V омил миқдори 10 % дан 20 % гача тутган эритма ҳосил бўлгунча натрий хлорид R 9 г/л эритмаси билан суюлтирилади.

V омил миқдорини аниқлаш. Имидазол буфер эритмаси pH 7,3 R нинг, таркиби 1 ҳажм препаратга тегиш-лича 10 ва 20 ҳажм буфер эритмасидан иборат V омилнинг иккита суюлтирилган эритмаси тайёрланади. Ҳар бир эритма қуйидагича синовдан ўтказилади: 0,1 мл V омил этишмайдиган миқдордаги таркибли плазма субстрати R, 0,1 мл синалаётган эритма, 0,1 мл термобластин R ва 3,5 г/мл кальций хлорид R эритмасидан 0,1 мл аралаштирилади ва қон ивиш вақти, яъни кальций хлорид қўшилган вақти ва фибрин ҳосил бўлиши биринчи белгиси пайдо бўлгунча оралиқ ўлчанади, бунини кўз билан ёки тегишли асбоблар ёрдамида кузатиш мумкин. Шундай усулда, таркиби тегишлича 1 ҳажм ўндаги (100 % V омилга эквивалент), 1 ҳажм 50 (20 %), 1 ҳажм 100 (10 %), 1 ҳажм 1000 даги (1 %), имидазол буфер эритмаси pH 7,3 R даги одам оддий плазмаси тўртта эритмасининг қон ивиш вақти (иккита параллел ўлчаш) аниқланади. Икки ёқлама логарифмик қоғоздан фойдаланиб, одам плазмаси ҳар бир эритмаси учун қон ивиш вақтининг ўртача қиймати V омилнинг фоизлардаги миқдорига эквивалент ҳолда, фоизларда, киритилади ва интерполяция ёрдамида, V омилнинг иккита суюлтирилган эритмалари учун V омил миқдори фоизларда аниқланади. Иккита натижанинг ўртача қиймати синаладиган эритмадаги V омил миқдорини фоизларда беради.

Сақланиши: эритма музлатилган ҳолда, – 20 °C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақланади.

**Қуён эритроцитлари суспензияси [Rabbit erythrocyte suspension].** 1074500.

Қуён эритроцитларининг 1,6 % (ҳажм/ҳажм) суспензияси қуйидагича тайёрланади: 15 мл янги олинган қуён қони шиша шарчалар билан силкитиш оркали фибриндан тозаланади, сўнгра 10 мин давомида 2000 g

тезланиш билан центрифугаланади ва ҳар бири 30 мл дан бўлган 9 г/л натрий хлорид R эритмасининг 3 қисми билан эритроцитлар ювилади. 1,6 мл эритроцитлар суспензияси фосфатли буфер pH 7,2 R – 9 г/л натрий хлорид R (1:9) эритмалари аралашмаси билан 100 мл ҳажмга етказилади.

**Қум [Sand].** 1075800.

Оқ ёки бироз кулрангсимон рангли кремний диоксидининг дончалари, заррачалар ўлчами 150 мкм дан 300 мкм гача.

**Қўрғошин (II) ацетат [Lead acetate].**

$C_4H_6O_4Pb \cdot 3H_2O$ . (М.м. 379,3). 1048100. [CAS: 6080-56-4]. Қўрғошин ди-ацетат.

Рангсиз кристаллар, ҳавода учувчан. Сувда осон эрийди, 96 % спиртда эрийди.

**Қўрғошин (II) ацетат эритмаси [Lead acetate solution].** 1048103.

95 г/л қўрғошин ацетат R, углерод диоксиди сақламаган сув R даги эритмаси.

**Қўрғошин (II) нитрат [Lead nitrate].**  $Pb(NO_3)_2$ .

(М.м. 331,2). 1048300. [CAS: 10099-74-8].

Қўрғошин динитрат.

Оқ ёки деярли оқ рангли кристалл кукун ёки рангсиз кристаллар. Сувда осон эрийди.

**Қўрғошин (II) нитрат эритмаси [Lead nitrate solution].** 1048301.

33 г/л қўрғошин (II) нитрат R эритмаси.

**Қўрғошин (II) субацетат эритмаси [Lead subacetate solution].** 1048400. [CAS: 1335-32-6].

Қўрғошин ацетат асосий эритмаси.

Тахминан  $C_8H_{14}O_{10}Pb_3$  формулага мос келувчи бирикмалар кўринишида 16,7 % (м/м) кам бўлмаган ва 17,4 % (м/м) кўп бўлмаган Pb (А.м. 207,2) сақлайди.

40,0 г қўрғошин (II) ацетат R 90 мл углерод диоксиди сақламаган сув R да эритилади. Эритманинг pH 7,5 гача натрий гидроксид концентрланган эритмаси R билан етказилади, центрифугаланади ва чўкма устидаги шаффоф, рангсиз эритма ишлатилади.

Яхши беркитилган контейнерда сақланади, сақланганда эритма шаффоф бўлиши керак.

**Қўрғошин (IV) оксид [Lead dioxide].**  $PbO_2$ .

(М.м. 239,2). 1048200. [CAS: 1309-60-0].

Қиздирганда кислород ажратади, тўқ-жигарранг кукун. Сувда амалда эримади, хлор ажралиши билан хлорид кислотада эрийди. Водород пероксид, оксалат кислота ёки бошқа қайтарувчи реагентлар иштирокида суюлтирилган нитрат кислотада эрийди, ишқорий металл гидроксидларининг иссиқ концентрланган эритмаларида эрийди.

**Қўрғошин-ацетат қоғози [Lead acetate paper].** 1048102.

Зичлиги 80 г/м<sup>2</sup> атрофида бўлган фильтр қоғоз суюлтирилган сирка кислота R — қўрғошин (II) ацетат эритмаси R (1:10) аралашмасига ботирилади, сўнгра олиб қурилади ва 15 мм × 40 мм ўлчамли тасмаларга ажратиб кесилади.

**Қўрғошин-ацетатли пахта [Lead acetate cotton].** 1048101.

Гигроскопик пахтани суюлтирилган сирка кислота *R* — қўрғошин (II) ацетат эритмаси *R* (1:10) эритмалар аралашмасига ботирилади.

Пахтани сикмасдан, ортиқча микдордаги суюқлик олиб ташланади, бир неча қават филтр коғозга жойланади ва хавода қурилади.

Сақланиши: герметик идишда.

**Қутбли моддаларга нисбатан фаолсизлантирилган полиэтиленгликоль [Polyethyleneglycol, polar-deactivated].** 1179000.

Газ хроматографияси учун стационар фаза.

**SDS-PAGE намуналарини (концентрланган) тайёрлаш учун буфер эритма [SDS-PAGE sample buffer (concentrated)].** 1115000.

1,89 г *трис*(гидроксиметил)аминометан *R*, 5,0 г натрий лаурилсульфат *R*, 50 мг бромфенол кўки *R* ва 25,0 мл глицерин *R* 100 мл сув *R* да эритилади. Хлорид кислота *R* билан эритманинг pH 6,8 га ва сув *R* билан ҳажми 125 мл гача етказилади.

**SDS-PAGE учун ишчи буфер эритма [SDS-PAGE running buffer].** 1114900.

151,4 г *трис*(гидроксиметил)аминометан *R*, 721,0 г глицин *R* ва 50,0 г натрий лаурилсульфат *R* сув *R* да эритилади ва шу эритувчи билан ҳажми 5000 мл гача етказилади. Фойдаланишидан олдин сув *R* билан 10 марта суюлтирилади ва аралаштирилади. Ҳосил бўлган эритманинг pH (2.2.3) 8,1 дан 8,8 гача бўлиши керак.

**SDS-PAGE учун қайтарилиш шароитларда (концентрланган) намуналар тайёрлаш учун буфер эритма [SDS-PAGE sample buffer for reducing conditions (concentrated)].** 1122100.

3,78 г *трис*(гидроксиметил)аминометан *R*, 10,0 г натрий дodeцисулфат *R*, 100 мг бромфенол кўки *R* ва 50,0 мл глицерин *R* 200 мл сув *R* да эритилади. Олинган эритмага 25,0 мл 2-меркаптоэтанол *R* қўшилади, хлорид кислота *R* билан эритманинг pH (2.2.3) 6,8 гача ва эритма ҳажми сув *R* билан 250,0 мл гача етказилади.

Баъзи ҳолларда, қайтарувчи модда сифатида 2-меркаптоэтанолнинг ўрнига дитиотреитол ҳам қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда намуна тайёрлаш учун буфер эритма қуйидагича тайёрланади: 3,78 г *трис*(гидроксиметил)аминометан *R*, 10,0 г натрий дodeцисулфат *R*, 100 мг бромфенол кўки *R* ва 50,0 мл глицерин *R* 200 мл сув *R* да эритилади. Хлорид кислота *R* билан эритма pH (2.2.3) 6,8 га ва эритма ҳажми сув *R* билан 250,0 мл гача етказилади. Эритма ишлатилишидан аввал якуний концентрация 100 мМ гача дитиотреитол *R* қўшилади.

03/2021:40102

#### 4.1.2. МИҚДОРИЙ ТАРКИБИНИ СИНАШ УЧУН ЭТАЛОН ЭРИТМАЛАР

**Алюминий эталон эритмаси (10 ppm Al)** [Aluminium standard solution (10 ppm Al)]. 5000201.

1,39 г  $\text{Al}(\text{NO}_3)_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O}$  га мос келувчи алюминий нитрат *R* тортими сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Алюминий эталон эритмаси (100 ppm Al)** [Aluminium standard solution (100 ppm Al)]. 5000203.

8,947 г алюминий хлорид *R* сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Алюминий эталон эритмаси (2 ppm Al)** [Aluminium standard solution (2 ppm Al)]. 5000202.

0,352 г  $\text{AlK}(\text{SO}_4)_2 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$  га мос келувчи алюминий-калий сульфати *R* тортими 10 мл суюлтирилган сульфат кислота *R* да эритилади ва эритма ҳажмини сув *R* билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Алюминий эталон эритмаси (200 ppm Al)** [Aluminium standard solution (200 ppm Al)]. 5000200.

0,352 г  $\text{AlK}(\text{SO}_4)_2 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$  га мос келувчи алюминий-калий сульфат *R* тортими сув *R* да эритилади, 10 мл суюлтирилган сульфат кислотаси *R* қўшилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 100,0 мл гача етказилади.

**Алюминий эталон эритмаси (5 ppm Al).** [Aluminium standard solution (5 ppm Al)]. 50006600.

0,695 г  $\text{Al}(\text{NO}_3)_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O}$  га мос келувчи алюминий нитрат *R* тортими сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади. Эритмани фойдаланишидан аввал сув *R* билан 100 марта суюлтирилади. Мукобил сифатида маълум микдордаги алюминий (5 ppm Al) сақлаган савдода мавжуд бўлган стандарт эритмадан фойдаланилади.

**Аммоний эталон эритмаси (1 ppm NH<sub>4</sub>)** [Ammonium standard solution (1 ppm NH<sub>4</sub>)]. 5000302.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин аммоний эталон эритмаси (2,5 ppm NH<sub>4</sub>) *R* ни 2,5 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Аммоний эталон эритмаси (100 ppm NH<sub>4</sub>)** [Ammonium standard solution (100 ppm NH<sub>4</sub>)]. 5000300.

0,741 г  $\text{NH}_4\text{Cl}$  га мос келувчи аммоний хлорид *R* тортими сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади. Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 мл олинган эритмани сув *R* билан 25 мл гача етказилади.

**Аммоний эталон эритмаси (2,5 ppm NH<sub>4</sub>)** [Ammonium standard solution (2,5 ppm NH<sub>4</sub>)]. 5000301.

0,741 г  $\text{NH}_4\text{Cl}$  га мос келувчи аммоний хлорид *R* тортими сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Аммоний эталон эритмаси (3 ppm NH<sub>4</sub>)** [Ammonium standard solution (3 ppm NH<sub>4</sub>)]. 50006100.

0,889 г  $\text{NH}_4\text{Cl}$  га мос келувчи аммоний хлорид *R* тортими сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Ацетальдегид эталон эритмаси (100 ppm C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>O) R1**  
[Acetaldehyde standard solution (100 ppm C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>O) R1]. 5000101.

1,0 г *ацетальдегид R сув R* да эритилади ва эритма ҳажмининг шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади. 5,0 мл олинган эритма *сув R* билан 500,0 мл ҳажмгача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Ацетальдегид эталон эритмаси (100 ppm C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>O)**  
[Acetaldehyde standard solution (100 ppm C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>O)]. 5000100.

1,0 г *ацетальдегид R 2-пропанол R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади. 5,0 мл олинган эритмани *2-пропанол R* билан 500,0 мл ҳажмгача етказилади.

Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Барий эталон эритмаси (0,1 % Ba) [Barium standard solution (0,1 % Ba)].** 5000601.

0,178 г BaCl<sub>2</sub>·2H<sub>2</sub>O га мос келувчи *барий хлорид R* тортимини *дистилланган сув R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Барий эталон эритмаси (2 ppm Ba) [Barium standard solution (2 ppm Ba)].** 5005600.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин *барий эталон эритмаси (50 ppm Ba) R*, *дистилланган сув R* суюлтирилади.

**Барий эталон эритмаси (50 ppm Ba) [Barium standard solution (50 ppm Ba)].** 5000600.

0,178 г BaCl<sub>2</sub>·2H<sub>2</sub>O га мос келувчи *барий хлорид R* тортимини *дистилланган сув R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 20 маротаба *дистилланган сув R* билан суюлтирилади.

**Ванадий эталон эритмаси (1 г/л V) [Vanadium standard solution (1 g/L V)].** 5003300.

0,230 г NH<sub>4</sub>VO<sub>3</sub> га мос келувчи *аммоний ванадат R* тортимини *сув R* да эритилади ва шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Висмут эталон эритмаси (100 ppm Bi) [Bismuth standard solution (100 ppm Bi)].** 5005300.

0,500 г Bi га мос келадиган *висмут субнитрат R* тортимини 50 мл *нитрат кислота R* да эритилади ва эритма ҳажмини *сув R* билан 500,0 мл гача етказилади. Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба *нитрат кислота R* билан суюлтирилади.

**Водород пероксид эталон эритмаси (2 ppm H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>)**  
[Hydrogen peroxide standard solution (10 ppm H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>)]. 5005200.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10,0 мл *суюлтирилган водород пероксид эритмаси R* ни *сув R* билан 300,0 мл гача етказилади. 2,0 мл олинган эритмани *сув R* билан 1000,0 мл гача етказилади. Эритма бевосита ишлатилишидан аввал тайёрланади.

**Германий эталон эритмаси (100 ppm Ge)**  
[Germanium standard solution (100 ppm Ge)]. 5004400.

0,307 г (NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>GeF<sub>6</sub> га мос келадиган *аммоний гексафторгерманиати (IV) R* тортимини 0,01 % (*ҳажм/ҳажм*) *фторид кислота R* да суюлтирилади.

Шаффоф эритма 1000 мл гача *сув R* билан суюлтирилади.

**Глиоксал эталон эритмаси (2 ppm C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>)**  
[Glyoxal standard solution (2 ppm C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>)]. 5003701.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин *глиоксал эталон эритмаси (20 ppm C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>) R* 10 маротаба *сувсиз спирт R* билан суюлтирилади.

**Глиоксал эталон эритмаси (20 ppm C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>)**  
[Glyoxal standard solution (20 ppm C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>)]. 5003700.

0,200 г C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> га мос келган *глиоксал эритмаси R* ни микдори 100 мл ҳажмли ўлчов колбасида тортилади ва эритма ҳажми *сувсиз спирт R* билан колбанинг белгисигача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба *сувсиз спирт R* билан суюлтирилади.

**Йодид эталон эритмаси (10 ppm I) [Iodide standard solution (10 ppm I)].** 5003800.

0,131 г KI га мос келадиган *калий йодид R* тортимини *сув R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Кадмий эталон эритмаси (0,1 % Cd) [Cadmium standard solution (0,1 per cent Cd)].** 5000700.

0,100 г Cd га мос келувчи *кадмий R* тортимини *хлорид кислота R* ва *сув R* ни тенг ҳажмлардаги минимал микдорда зарур бўлган аралашмасида эритилади, эритма ҳажмини 1 % (*ҳажм/ҳажм*) *хлорид кислота R* эритмаси билан 100,0 мл гача етказилади.

**Кадмий эталон эритмаси (10 ppm Cd) [Cadmium standard solution (10 ppm Cd)].** 5000701.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин *кадмий эталон эритмаси (0,1 % Cd) R* ни 100 маротаба 1 % (*ҳажм/ҳажм*) *хлорид кислота R* эритмаси билан суюлтирилади.

**Калий эталон эритмаси (0,2 % K) [Potassium standard solution (0,2 per cent K)].** 5002402.

0,446 г K<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> га мос келувчи *калий сульфат R* тортимини *дистилланган сув R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Калий эталон эритмаси (100 ppm K) [Potassium standard solution (100 ppm K)].** 5002400.

0,446 г K<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>га мос келувчи *калий сульфат R* тортмасини *сув R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 20 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Калий эталон эритмаси (20 ppm K) [Potassium standard solution (20 ppm K)].** 5002401.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин *калий эталон эритмаси (100 ppm K) R* 5 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Калий эталон эритмаси (600 ppm K) [Potassium standard solution (600 ppm K)].** 5005100.

2,676 г K<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> га мос келувчи *калий сульфат R* тортимини *сув R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 20 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Кальций эталон эритмаси (10 ppm Ca) [Calcium standard solution (10 ppm Ca)]. 5000803.**

0,624 г  $\text{CaCO}_3$  мос келувчи *кальций карбонат R* тортимини 3 мл *сирка кислота R* да эритилади ва эритманинг ҳажми *дистилланган сув R* билан 250,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба *дистилланган сув R* билан суюлтирилади.

**Кальций эталон эритмаси (100 ppm Ca) [Calcium standard solution (100 ppm Ca)]. 5000801.**

0,624 г  $\text{CaCO}_3$  га мос келувчи *кальций карбонат R* тортимини 3 мл *сирка кислота R* да эритилади ва эритманинг ҳажми *дистилланган сув R* билан 250,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба *дистилланган сув R* билан суюлтирилади.

**Кальций эталон эритмаси (100 ppm Ca) R1 [Calcium standard solution (100 ppm Ca) R1]. 5000804.**

2,769 г  $\text{CaCl}_2$  га мос келувчи *сувсиз кальций хлорид R* тортимини *суюлтирилган хлорид кислота R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Кальций эталон эритмаси (100 ppm Ca), спиртли [Calcium standard solution (100 ppm Ca), alcoholic]. 5000802**

2,50 г  $\text{CaCO}_3$  га мос келувчи *кальций карбонат R* тортимини 12 мл *сирка кислотаси R* да эритилади ва эритманинг ҳажми *дистилланган сув R* билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба 96 % *спирт R* билан суюлтирилади.

**Кальций эталон эритмаси (400 ppm Ca) [Calcium standard solution (400 ppm Ca)]. 5000800.**

1,000 г  $\text{CaCO}_3$  га мос келувчи *кальций карбонат R* тортимини 23 мл 1 *М хлорид кислота эритмасида* эритилади ва эритманинг ҳажми *дистилланган сув R* билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба *дистилланган сув R* билан суюлтирилади.

**Кобальт эталон эритмаси (100 ppm Co) [Cobalt standard solution (100 ppm Co)]. 5004300.**

0,494 г  $\text{Co}(\text{NO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  га мос келувчи *кобальт нитрат R* тортимини 500 мл 1 *М нитрат кислотада* эритилади ва эритма ҳажмини *сув R* билан 1000,0 мл гача етказилади.

**Кумуш эталон эритмаси (5 ppm Ag) [Silver standard solution (5 ppm Ag)]. 5002600.**

0,790 г  $\text{AgNO}_3$  га мос келувчи *кумуш нитрат R* тортимини *сув R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан аввал 100 маротаба *сув R* да суюлтирилади.

**Қалай ёғда эрувчан эталон эритмаси (1000 ppm Sn) [Tin liposoluble standard solution (1000 ppm Sn)]. 5005000.**

Қалай (металл) органик эритмасини мойдаги эритмаси.

**Қалай эталон эритмаси (0,1 ppm Sn) [Tin standard solution (0,1 ppm Sn)]. 5003101.**

Қалай эталон эритмаси (5 ppm Sn) *R* фойдаланишидан аввал 50 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Қалай эталон эритмаси (5 ppm Sn) [Tin standard solution (5 ppm Sn)]. 5003100.**

0,500 г Sn га мос келувчи *қалай R* тортими 5 мл *сув R* ва 25 мл *хлорид кислота R* аралашмасида эритилади ва эритманинг ҳажми *сув R* билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба 2,5 % (*ҳажм/ҳажм*) *хлорид кислотаси R* билан суюлтирилади.

**Қўрғошин ёғда эрувчан эталон эритмаси (1000 ppm Pb) [Lead liposoluble standard solution (1000 ppm Pb)]. 5004800.**

Қўрғошин (металл) органик эритмасининг мойдаги эритмаси.

**Қўрғошин эталон эритмаси (0,1 % Pb) [Lead standard solution (0,1 per cent Pb)]. 5001700.**

0,400 г  $\text{Pb}(\text{NO}_3)_2$  га мос келувчи *қўрғошин (II) нитрат R* тортимини *сув R* да эритилади ва шу эритувчи билан 250,0 мл гача етказилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (0,1 % Pb) R1 [Lead standard solution (0,1 per cent Pb) R1]. 5005400.**

0,400 г  $\text{Pb}(\text{NO}_3)_2$  га мос келувчи *қўрғошин (II) нитрат R* тортимини *қўрғошин сақламаган нитрат кислота R* да эритилади ва шу эритувчи билан 250,0 мл га етказилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (0,25 ppm Pb) [Lead standard solution (0,25 ppm Pb)]. 5006000.**

*Қўрғошин эталон эритмаси (1 ppm Pb) R* фойдаланишидан аввал *сув R* да 4 маротаба суюлтирилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (0,5 ppm Pb). [Lead standard solution (0,5 ppm Pb)]. 5005402.**

*Қўрғошин эталон эритмаси (10 ppm Pb) R2* *қўрғошин сақламаган нитрат кислота R* да 20 маротаба суюлтирилади.

Яроклик муддати 1 кун.

**Қўрғошин эталон эритмаси (1 ppm Pb) [Lead standard solution (1 ppm Pb)]. 5001704.**

*Қўрғошин эталон эритмаси (10 ppm Pb) R* фойдаланишидан аввал 10 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (10 ppm Pb) [Lead standard solution (10 ppm Pb)]. 5001702.**

*Қўрғошин эталон эритмаси (100 ppm Pb) R* фойдаланишидан аввал 10 маротаба *сув R* билан суюлтирилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (10 ppm Pb) R1 [Lead standard solution (10 ppm Pb) R1]. 5001706.**

0,160 г *қўрғошин (II) нитрат R* 100 мл *сув R* да эритилиб, 1 мл *қўрғошин сақламаган нитрат*

кислота *R* қўшилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 1000,0 мл гача етказилади. Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (10 ppm Pb) R2 [Lead standard solution (10 ppm Pb) R2]. 5005401.**

Қўрғошин эталон эритмаси (1 % Pb) *R* қўрғошин сақламаган нитрат кислота *R* да 100 маротаба суюлтирилади.

Яроқлик муддати 1 ҳафта.

**Қўрғошин эталон эритмаси (100 ppm Pb) [Lead standard solution (100 ppm Pb)]. 5001701.**

Қўрғошин эталон эритмаси (0,1 % Pb) *R* фойдаланишидан аввал 10 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (2 ppm Pb) [Lead standard solution (2 ppm Pb)]. 5001703.**

Қўрғошин эталон эритмаси (10 ppm Pb) *R* фойдаланишидан аввал 5 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Қўрғошин эталон эритмаси (0,1 ppm Pb) [Lead standard solution (0,1 ppm Pb)]. 5001705.**

Қўрғошин эталон эритмаси (1 ppm Pb) *R* фойдаланишидан аввал сув *R* да 10 маротаба суюлтирилади.

**Лютеций эталон эритмаси (20 ppm Lu) [Lutetium standard solution (20 ppm Lu)]. 5006500.**

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 0,445 г лютеций хлоридгексагидрат *R* ни тенг ҳажмдаги оғир металл сақламаган нитрат кислота *R* ва сув *R* аралашмасида эритиб олинади ва 100,0 мл гача шу аралашма билан суюлтирилади.

Ушбу эритманинг 1,0 мл сув *R* билан 100,0 мл гача суюлтирилади.

**Магний эталон эритмаси (0,1 % Mg) [Magnesium standard solution (0,1 % Mg)]. 5001803.**

1,010 г  $MgSO_4 \cdot 7H_2O$  га мос келувчи магний сульфат *R* тортимини дистилланган сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Магний эталон эритмаси (10 ppm Mg) [Magnesium standard solution (10 ppm Mg)]. 5001801.**

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин магний эталон эритмаси (100 ppm Mg) *R* 10 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Магний эталон эритмаси (10 ppm Mg) R1 [Magnesium standard solution (10 ppm Mg) R1]. 5001802.**

8,365 г магний сульфат *R* хлорид кислота *R* да эритилади ва эритманинг ҳажми шу эритувчи билан 1000,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 100 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Магний эталон эритмаси (100 ppm Mg) [Magnesium standard solution (100 ppm Mg)]. 5001800.**

1,010 г  $MgSO_4 \cdot 7H_2O$  га мос келувчи магний сульфат *R* тортимини сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

Эритма бевосита фойдаланишидан олдин 10 маротаба сув *R* билан суюлтирилади.

**Магний эталон эритмаси (1000 ppm Mg) [Magnesium standard solution (1000 ppm Mg)]. 5006200.**

5,275 г магний нитрат *R* 16 мл суюлтирилган нитрат кислота *R* да эритилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 500,0 мл гача етказилади.

Титрни ўрнатиш: магний комплексометрик усулда аниқланади (2.5.11).

**Марганец эталон эритмаси (100 ppm Mn) [Manganese standard solution (100 ppm Mn)]. 5004500.**

0,308 г  $MnSO_4 \cdot H_2O$  га мос келувчи марганец сульфат *R* тортимини 500 мл 1 *M* нитрат кислотада эритилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 1000 мл гача етказилади.

**Марганец эталон эритмаси (1000 ppm Mn) [Manganese standard solution (1000 ppm Mn)]. 5005800.**

3,08 г  $MnSO_4 \cdot H_2O$  га мос келувчи марганец сульфат *R* тортимини 500 мл 1 *M* нитрат кислотада эритилади ва эритманинг ҳажми сув *R* билан 1000 мл гача етказилади.

**Мис ёғда эрувчан эталон эритмаси (1000 ppm Cu) [Copper liposoluble standard solution (1000 ppm Cu)]. 5004700.**

Мис (металл) органик бирикмасининг мойдаги эритмаси.

**Мис эталон эритмаси (0,1 % Cu) [Copper standard solution (0,1 per cent Cu)]. 5001100.**

0,393 г  $CuSO_4 \cdot 5H_2O$  га мос келувчи мис (II) сульфат *R* тортимини сув *R* да эритилади ва эритма ҳажмини шу эритувчи билан 100,0 мл гача етказилади.

**Мис эталон эритмаси (0,1 ppm Cu) [Copper standard solution (0,1 ppm Cu)]. 5001102.**

**2 М Хлорид кислота эритмаси [2 М Hydrochloric acid]. 3001700.**

206,0 г хлорид кислота  $R$  сув  $R$  билан 1000,0 мл ҳажмгача етказилади.

**3 М Хлорид кислотанинг эритмаси [3 М Hydrochloric acid]. 3001600.**

309,0 г хлорид кислота  $R$  сув  $R$  билан 1000,0 мл ҳажмгача келтирилади.

**6 М Хлорид кислота эритмаси [6 М Hydrochloric acid]. 3001500.**

618,0 г хлорид кислота  $R$  сув  $R$  билан 1000,0 мл ҳажмгача етказилади.

**0,1 М Хлорид кислотанинг спиртдаги эритмаси [0,1 М Hydrochloric acid, alcoholic]. 3008800.**

9,0 мл хлорид кислота  $R$  96 % альдегидлар сақламаган спирт  $R$  билан ҳажмини 1000,0 мл гача етказилади.

**0,1 М Церий сульфатнинг эритмаси [0,1 М Cerium sulphate]. 3001100.**

40,4 г церий (IV) сульфат  $R$  500 мл сув  $R$  ва 50 мл сульфат кислота  $R$  аралашмасида эритилади; совитилади ва эритманинг ҳажми сув  $R$  билан 1000,0 мл гача етказилади.

Титрни ўрнатиш. 0,300 г темир (II) этилендиаммоний сульфат  $RV$  50 мл суюлтирилган сульфат кислота эритмаси  $R$  (49 г/л  $H_2SO_4$ ) да эритилади ва церий сульфат эритмаси титрланади, титрлашни охирги нуктаси потенциометрик усул (2.2.20) ёрдамида аниқланади. Индикатор сифатида 1 мл ферроин  $R$  ишлатилади.

1 мл 0,1 М церий сульфат эритмаси 38,21 мг  $Fe(C_2H_{10}N_2)(SO_4)_2 \cdot 4H_2O$  га тўғри келади.



## **V. БОБ**

---

### **5. УМУМИЙ МАТНЛАР**

---





## 5.1. МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАТНЛАР

5.1. Микробиология бўйича умумий матнлар .....	1417	муқобил усуллари.....	1431
5.1.1. Стерил маҳсулотларни олиш усуллари.....	1419	5.1.7. Вирус хавфсизлиги.....	1444
5.1.2. Биологик индикаторлар ва стерил маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган турдош микробли препаратлар.....	1423	5.1.8. Ўсимлик хом ашёсидан олинган, ичга қабул қилиш учун мўлжалланган дори препаратлари ва уларни тайёрлашда қўлланиладиган экстрактларнинг микробиологик тозаллиги.....	1445
5.1.3. Антимикроб консервантларнинг самарадорлиги.....	1428	5.1.9. Стериллик синовини ўтказиш учун қўлланма ..	1446
5.1.4. Ностерил дори препаратлар ва фармацевтикада қўлланиладиган моддаларнинг микробиологик тозаллиги .....	1430	5.1.10. Бактериал эндотоксинлар синовини ўтказиш учун қўлланма.....	1446
5.1.5. Сувли эритмаларни буғ усулида стериллашда $F_0$ концепциясининг қўлланилиши .....	1431	5.1.11. Антисептик дори воситаларининг бактерицид, фунгицид ёки замбуруғларга қарши фаоллигини аниқлаш .....	1451
5.1.6 Микробиологик тозаллиқни назорат қилишнинг			



## 5.1. МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАТНЛАР

03/2021:50101

### 5.1.1. СТЕРИЛ МАҲСУЛОТЛАРНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

#### КИРИШ

Стериллик – бу  $10^{-6}$  га тенг ёки кам бўлган стерилликни таъминлаш даражаси орқали аниқланадиган тирик микроорганизмлардан ҳоли бўлишдир. Стериллик кўрсаткичи инсонларда қўллаш учун мўлжалланган препаратлар, шунингдек:

– юбориш йўлига кўра, стерил бўлиши шарт бўлган, жумладан, парентерал, офтальмологик ва интрамаммар ҳамда айрим ингаляцион, ирригацион ва бачадон ичига юбориладиган препаратлар;

– каттик жароҳатланган тери учун қўлланиладиган препаратлар, масалан, тери устига суртиш учун ярим каттик препаратлар сифатининг критик кўрсаткичи бўйича ҳисобланади.

Стерилизация жараёнига тақдим этилган умумий маҳсулотлар сонидagi ҳар қандай маҳсулот учун стерилликка эришиш кафолатланмайди ва намойиш этилмайди. Танланган стерилизация процедурасининг маҳсулотга (унинг охириги контейнерига) таъсирини ўрганиш, унинг самарадорлиги ва яхлитлигини таъминлаш ҳамда амалиётда қўлланилишидан олдин процедуранинг текшириш зарур ҳисобланади. Пухта ўрнатилган жараёнга синчковлик билан риюя қилмаслик ностерил ва ёки маҳсулотнинг ёмонлашуви хавфини келтириб чиқаради.

Стерил маҳсулотлар тегишли шароитларда ишлаб чиқарилади ҳамда мос контейнерларга кадокланади. Контейнер танлашда маҳсулот учун оптимал стериллаш жараёнини қўллаш имкони мавжуд бўлишига эътибор қаратиш тавсия этилади. Маҳсулотни сақлаш муддати давомида, унинг стерилигини таъминлаши учун контейнер ва ёпиш тизими талаб қилинади.

Стериллаш жараёнининг шароитлари, дори препарати билан мутаносиб ҳолда, маҳсулотнинг охириги контейнерда (терминал стерилизация) стериллаш имконини берувчи стерилликни таъминлашнинг энг юқори даражасига эришиш мақсадида танланади. Агар буг (нам иссиқлик), қуруқ иссиқлик ёки ионлаштирувчи усул билан тўлиқ тасдиқланган, терминал стериллаш усули қўлланилганда, стерилликни (яъни, стерилланган маҳсулотнинг намунасини стерилизация синовиға топшириш ўрнига технологик маълумотларга асосланиб ишлаб чиқариш) ваколатли орган руҳсати асосида амалга оширилиши мумкин. Терминал стерилизацияни қўллаш имкони бўлмаган ҳолатларда, асептик шароитларда ишлаб чиқариш ёки бактерияларни ушлаб қола оладиган филтрлардан фойдаланиш мумкин. Иложи борича, стерилликни кафолатлаш даражасини таъминлаш учун маҳсулотни қўшимча контейнерда (масалан, маҳсулотни киздириш) қўшимча ишлов бериш қўлланилади.

Стериллаш жараёнини текшириш учун биологик индикаторларни қўллаш учун талаблар 5.1.2. бўлимда батафсил келтирилган.

Ушбу умумий бўлим, стериллаш жараёни шароитлари, текшируви ва назорати бўйича умумий қўлланмани ўз ичига олади. Ушбу тавсифланган усуллар, асосан, бактериялар, ачитки ва моғорларни фаолсизлантириш ёки бартараф этиш учун қўлланилади. Одам ёки ҳайвондан олинадиган биологик маҳсулотлар ёки уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиш ҳолатларида мос вирусларнинг йўқотилиши ёки фаолсизлантирилишига ишлаб чиқариш жараёнининг қодирлиги текширув жараёнида намойиш қилиниши ва тасдиқланиши шарт. Кейинги кўрсатмалар 5.1.7. *Вирус хавфсизлиги* умумий бўлимда келтирилган.

Стерилизация жараёнининг самарадорлиги маҳсулотнинг табиатиға, қайта ишлаш шароитлари (масалан, вақт, ҳарорат, намлик), стерилизация олдида микроблар билан ифлосланиши ва маҳсулотнинг шаклланишиға боғлиқ бўлади. Микроорганизмларни физик ва кимёвий воситалар ёрдамида фаолсизлантириш экспоненциаль қонунға асосан амалға оширилади ва шунинг учун стерилизация жараёниға микроорганизмларнинг бардош бера олиш нолға тенг бўлмаган эҳтимоли доим мавжуд бўлади.

#### Стерилликни таъминлаш даражаси (SAL – Sterility Assurance Level).

Зарурат мавжуд бўлганда қуйида келтирилган усулларни қўллашда стерилликни таъминлаш даражаси (SAL) кўрсатилади. Ушбу стериллаш жараёни учун SAL, жараён таъсиридан сўнг буюмда қоладиган микроорганизмларнинг яшовчанлик эҳтимолиги билан ифодланади. Масалан,  $SAL = 10^{-6}$ ,  $1 \times 10^6$  стерилланган тайёр маҳсулотларда 1 дан кўп бўлмаган стерил бўлмаган предметнинг борлиги эҳтимолини англатади. Айнан бир маҳсулот учун стериллаш жараёнининг SAL кўрсаткичи тегишли текширув тадқиқотлари олиб бориш орқали ўрнатилади. Микроб билан ифлосланиш микроорганизмларнинг сони, тури ва қатъийлиги билан тавсифлаш мумкин. Шунинг учун, микробиологик кузатув ва мос чегараларни ўрнатиш стерил препаратларнинг барча таркибий қисмлари учун муҳим ҳисобланади. Микроб билан ифлосланишни камайтиришға йўналтирилган, стериллашдан аввалги филтрлаш каби босқичлар стерилликни таъминлашда катта ҳисса қўшади. Маҳсулот таркиби унинг таркибида мавжуд бўлган микроорганизмларнинг ўзини тутишға, бу эса ўз навбатида, стериллаш жараёни самарадорлигиға таъсир кўрсатади. Сув фаоллиги ( $A_w$ ), pH ва микробларға қарши фаоллиги бўлган бирикмалар мавжуд бўлган ҳар қандай микроорганизмларнинг қаршилигиға таъсир кўрсатадиган омилларға мисолдир. Сув фаоллиги ёки маҳсулот таркиби (шу жумладан, озуқа моддаларининг мавжудлиги) микроорганизмлар сонига таъсир қилиши мумкин ва бу эса ўз навбатида, мембранали филтрлаш жараёнининг самарадорлигиға таъсир кўрсатиши мумкин.

#### СТЕРИЛЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Стериллаш қуйида келтирилган усуллардан бири орқали амалға оширилиши мумкин. Танланган процедуранинг самарадорлиги ва маҳсулотнинг яхлитлиги, шунингдек, унинг контейнери яхлитлигиға нисбатан тасдиқланган бўлса, ушбу усуллар учун модификация ёки комбинациялардан фойдаланиш мумкин. Стериллашнинг барча усуллари учун жараёнининг критик параметрлари назорат қилинади. Бунда олдин аниқланган ҳар қандай талаблар ёки шартлар бутун стерилизация

жараёни давомида бутун партия учун амал қилинаётгани тасдиқланади. Бу талаб барча ҳолатларда, шу жумладан, бирламчи шартлар қўлланилганда ҳам қўлланилиши мумкин.  $F_0$  концепциясини қўллаган ҳолда, буг билан стериллаш жараёнининг валидацияси бўйича қўлланма 5.1.5. умумий бўлимда келтирилган. Стериллаш жараёнини ишлаб чиқиш ва текшириш, шунингдек, газ билан стериллаш жараёнининг мониторинги учун стериллашнинг биологик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Биологик индикаторлардан фойдаланиш бўйича қўлланма 5.1.2. умумий бўлимда келтирилган.

Стериллаш босқичидан сўнг, стерилланган буюмларнинг ифлосланишининг олдини олиш учун эҳтиёт чоралари қўрилиши лозим.

## БУҒ ОРҚАЛИ СТЕРИЛЛАШ

### Тамойил

Буг билан стериллаш, стерилланувчи предметлар юзасига сувнинг тўйинган буг фазасидан конденсатланишида ҳосил бўладиган иссиқлик алмашинуви ҳисобига амалга оширилади. Агар элементлар (очиқ ёки кадокланган ҳолда) буг билан бевосита алоқа орқали стерилланса, конденсатнинг намлантирувчи хусусияти стериллаш самарадорлигини кучайтиради. Бугнинг тўғридан-тўғри таъсир қилиши учун элементларнинг ҳаво ва конденсатланмайдиган бошқа газлардан ҳоли бўлган тўйинган буг билан тўлиқ ишланган бўлиши жуда муҳим. Агар предметлар ёпиқ контейнерларда стерилланса, стерилизатор камераси “буг — қўйлак” сифатида намоён бўлади. Контейнер юзасидаги конденсация энергия узатиш учун юқори самарали механизм сифатида хизмат қилсада, у ўз ҳолича қўшимча стериллаш вазифасини бажармайди. Ёпиқ контейнер ҳолатида стериллашда жараённинг самарадорлиги ёпиқ контейнердаги маҳсулотнинг ўзида ва эркин бўшлиқда стериллик даражасига эришиш шартлари орқали аниқланади.

### Жихоз

Буг билан стериллаш автоклавлар, яъни назорат қилинувчи даражаларда босим ва температурани бир хилда ушлаб туриш учун бугни қабул қилиш ёки уни тўхтовсиз ҳосил қилиш ва камерадан конденсатни бартараф этишга мўлжалланган босим остидаги идишларда амалга оширилади.

Бугнинг тўғридан-тўғри таъсир қилиш циклини амалга оширишда қўлланилаётган жихоз учун конденсатланмаган газлардан ҳоли бўлган тўйинган буг узатиш таъминланади. Ёпиқ идишларни стериллашга мўлжалланган автоклавларда иссиқлик узатишда қиздирилган сувни сепиш ёки буг-ҳаво аралашмаларидан фойдаланиш мумкин. Мос автоклавлар камера ва юкламалар ичида бир хил шароитга эришиш учун квалификацияланади. Операция тамойили стерилланувчи предметларга ва юкламалар тузилмасига мос келади. Стерилланиши керак бўлган предметлар учун жихознинг яроқлилиги ва танланган циклда унумдорлиги автоклавнинг квалификация тадқиқотларида намоёиш этилган бўлади. Энг секин қизийдиган предметлардаги температура қайд қилинади.

Мос автоклавлар температура ва босим кўрсаткичлари датчики билан таъминланади, бу узатгичлар тегишли сезгирликка эга бўлиб, жараённи самарали бошқариш учун қулай жойлаштирилган бўлади. Камерадаги температура ва босим ҳар бир цикл учун қайд қилиб борилади. Энг камида 1 та мустақил термозонд мавжуд

бўлиб, у юкламанинг қиздириш учун энг қўп вақт кетадиган ҳолатда жойлашганида ёки энг секин қизийдиган юкнинг ёпиқ контейнери ичидаги температурани назорат қилади.

Ёпиқ идишлар учун стериллаш жараёни сўнггида камера ичига сепиладиган совитувчи сув стерилланувчи предметларнинг стериллик кўрсаткичига салбий таъсир қилмайдиган сифатга эга бўлади.

### Стериллаш цикли

Стериллашнинг мос усули стерилланувчи предметлар билан мутаносиб ва юклама тузилишига кўра танланади.

Камерадаги ҳаво оғирлик кучи таъсирида сиқиб чиқарилганда, автоклавга қўйиладиган предметлар ҳавони олиб ташлаш учун мўлжалланган ва ҳаво чўнтагининг шаклланишига йўл қўймаслик учун автоклав ичида жойлаштирилади. Ҳаво буг импульслари билан кечадиган вакуум цикли ёрдамида бартараф этиладиган ҳолларда эса, предметларга эвакуация жараёни дахл этмаслиги кафолатланади. Босимга сезгир бўлган ёпиқ контейнердаги маҳсулотлар учун тўйинган буг билан стериллаш имкони бўлмаслиги мумкин. Камера ичига буг-ҳаво аралашмалари ёпиқ контейнерлар ичида босим шароитини тенглаштириш учун киритилиши мумкин. Бугнинг кириб бориши ғовак юклар ёки ичи бўш жисмлардан ҳавони бартараф қилишнинг мос циклини танлаш билан таъминланади. Бугнинг кириб бориши цикли ишлаб чиқиш вақтида физик/кимёвий кўрсаткичлар ёрдамида текширилса, унинг биологик самарадорлиги эса биологик кўрсаткичлар (5.1.2) орқали аниқланади. Юклашнинг керакли схемалари кўрсатилади.

### Цикл самарадорлиги.

121 °C да 15 мин тўйинган буг билан стериллаш учун бошланғич цикл камеранинг энг совуқ ҳолатида аниқланади. Маҳсулот ва юклашга боғлиқ бўлган цикллар учун, масалан, бошқа вақт ва температура комбинациясини қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш ва назорат цикли асосида қабул қилиниши мумкин. Буг билан стериллашда мақбул бўлган энг кам ҳарорат 110 °C ни ташкил этади. Юкламани энг секин қизиши ҳолатида ҳисобланган  $F_0$  нинг энг кам қиймати 8 мин ни ташкил этади.  $F_0$  концепцияси бўйича стериллашнинг самарадорлигини ҳисоблаш 5.1.5 умумий бўлимга мувофиқ амалга оширилади.

Физик ўлчамлар бўйича ҳисобланган самарадорлик ( $F_{phys}$ ) биологик самарадорлик билан ( $F_{bio}$ ) ўзаро боғлиқдир.  $F_{bio}$  фойдаланилган биологик индикаторларнинг йўқ қилиш жараёни билан ифодаланган леталликини билдиради.  $F_{bio}$  қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$$F_{bio} = D_{121}(\log_{10} N_0 - \log_{10} N)$$

бу ерда:

$D_{121}$  – 121 °C температура таъсирида биологик индикатор D қиймати;

$N_0$  – таъсир этишдан аввал биологик индикатор таркибидаги тирик микроорганизмлар миқдори;

$N$  – таъсир этишдан кейинги биологик индикатор таркибидаги тирик микроорганизмлар миқдори.

Циклини валидациялашда юклашнинг стериллаш қийин бўлган тегишли ҳолатлари аниқланади ва биологик индикаторлар (5.1.2) таъсири ёрдамида шу ҳолатларга ёки маҳсулотга, нима муҳимлигига қараб, адекват биологик самарадорлиги текширилади. Спораларни стерилизация таъсиридан (масалан, бугнинг физик

окклюзия йўли билан ёки маҳсулотнинг химоявий хоссалари) химоя қилиш тегишли усулда қўриб чиқилади. Қийин стерилланадиган ҳолат учун аниқланган  $F_{bio}$ , танланган цикл учун  $10^{-6}$  га тенг ёки ундан кам бўлган талаб этилаётган SAL га эришиш параметрларини аниқлашда қўлланилади.

#### Жорий назорат

Автоклавлаш цикллари камеранинг энг совуқ ҳолати шароитида босим ва температура профилини физик аниқлаш орқали назорат қилинади. Ҳар бир цикл учун босим, вақт ва температура имкони бўлганда эса  $F_0$  ҳисобланиб, қайд этилиб борилади.

#### ҚУРУҚ ИССИҚЛИК БИЛАН СТЕРИЛЛАШ

##### Тамойил

Қуруқ иссиқлик билан стериллаш – стерилланаётган буюмларга иссиқлик узатишга асосланган охириги стериллаш усулидир. Иссиқлик конвекция воситасида, нурланиш ёки тўғридан-тўғри узатилиши мумкин.

##### Жиҳоз

Қуруқ иссиқлик билан стериллаш ҳавонинг мажбурий циркуляцияси мавжуд печларда ёки масалан, туннельга ўхшаш махсус шу вазифа учун ишлаб чиқилган ускунада амалга оширилади.

##### Стериллаш цикли

Стерилизатор бир текисда тақсимланиши таъминланадиган ёки талаб қилинган температурага эришадиган даражада юкланади. Цикл давомида камера ичидаги температура ҳақидаги маълумот, юкланган камеранинг олдиндан аниқланган энг паст температурали тарафига яхши кўринадиган элементлар устида ёки уларнинг ичига жойланган температурага сезгир элементлар воситасида олинади. Ҳар бир цикл давомида вақт ва температура тегишли шаклда ёзиб борилади.

##### Цикл самарадорлиги

Стериллашнинг ушбу усули учун стандарт шарт 2 соатдан кам бўлмаган вақт давомида энг камида  $160^\circ\text{C}$  температура ҳисобланади. Танланган жараён ўрнатилган чегаларда ишлаганда адекват ва такрорланувчи даражадаги микроорганизмлар леталлигини таъминлаши қониқарли кўрсатилган бўлса, у ҳолда вақт ва температуранинг бошқа комбинацияларидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Қўлланиладиган процедуралар ва эҳтиёт чоралари SAL кўрсаткичини  $10^{-6}$  га тенг ёки ундан кам бўлишини таъминлай олади. Қуруқ иссиқлик билан стериллаш жараёнлари температура харитаси ва биологик индикатор тадқиқотларининг комбинациялари ёрдамида валидация қилинади (5.1.2).

Белгиланган вақт давомида  $220^\circ\text{C}$  дан юқори температураларда қуруқ иссиқлик тез-тез шиша идишларни депирогенизациялаш учун қўлланилади. Бу ҳолда, иссиқликка чидамли эндотоксиннинг  $3\log_{10}$  камайишининг намоён бўлиши валидация мезони сифатида қўлланилади ва биологик индикаторлар зарур бўлмади.

#### Жорий назорат

Қуруқ иссиқлик билан стериллаш цикллари температура профилини аниқлаш орқали, камида камеранинг энг совуқ ҳолатида кузатилади. Ҳар бир цикл учун вақт ва температура қайд қилиниб борилади.

#### ИОНЛАШТИРУВЧИ РАДИАЦИЯ ОРҚАЛИ СТЕРИЛЛАШ УСУЛИ

##### Тамойил

Нурлантириш билан стериллаш маҳсулотга мос изотоп манбаси (масалан, кобальт-60) нинг гамма нурлар кўринишидаги ионлаштирувчи нурланиши, электрон тезлаштиргич узатадиган электронлар боғлами ёки электронлар кучланиши ва яқинлашган нишон ўртасида ҳосил бўладиган бомбардимон ҳолат натижасида юзага келадиган рентген нурлари таъсири орқали амалга оширилади. Ионлаштирувчи нурланиш тайёр дори воситаларининг якуний стерилизациясида, тўқима ва хужайраларнинг микробни фаолсизлантиришда ёки асептик ишлов беришда фойдаланиладиган контейнер ёки материалларни стериллашда қўлланилиши мумкин. Стерил маҳсулотларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган изоляторларга кириш вақтида, материалларни юзаки стериллаш учун кам энергияли электронлардан фойдаланиш мумкин.

##### Цикл самарадорлиги

Стериллашнинг ушбу усули учун стандарт абсорбцион доза  $25\text{ kGy}$  ни ташкил қилади. Агар белгиланган талаблар доирасида стерилловчи доза текширувида, адекват ва қайта такрорий даражага эга бўлган микро-организмларнинг леталлик даражасини танланган доза таъминлаши қониқарли даражада намоён қилган бўлса, бошқа дозалардан фойдаланишга рухсат берилади. Қўлланилаётган процедуралар ва эҳтиёт чоралари SAL кўрсаткичини  $10^{-6}$  га тенг ёки ундан кам бўлишини таъминлай олади. Тўқималар ва хужайралардан тайёрланган маҳсулотлар стерилизациясини ишлаб чиқиш ва текшириш учун биологик индикаторлар талаб этилиши мумкин. Улар спораларни фаолсизлантиришнинг олдини оладиган маҳсулотлар учун ҳам талаб қилиниши мумкин.

#### Жорий назорат

Стериллаш жараёни давомида етказиладиган стерилловчи доза миллий стандартларга мувофиқ, назорат қилинадиган дозиметр тизими ёрдамида назорат қилинади.

#### ГАЗ ОРҚАЛИ СТЕРИЛЛАШ (БУҒ ФАЗАСИНИ СТЕРИЛЛАШ)

##### Тамойил

Юзаларни газ билан стериллаш усули бирламчи қадоқланган материалларини, жиҳоз ва айрим фармацевтик препаратларни стерилизациялашда қўлланилиши мумкин.

Газ ва намликни стерилланувчи материал ичига кириши таъминланиши сўнгра маҳсулот қўлланилиши давомида токсик таъсир кўрсатиши мумкин бўлган газ ва унинг қолдиғи билан боғлиқ ножўя ҳосилаларнинг микдори ўрнатилгандан кам концентрацияда бўлиши учун аввалдан аниқланган шароитда газни сиқиб чиқариб ташланиши муҳимдир.

##### Стерилловчи агентлар

Газга ўхшаш стерилловчи агентларнинг бир-бирдан антимикроб таъсири билан фарқ қилувчи иккита асосий категорияси мавжуд: алкилловчи агентлар ва оксидловчилар.

*Алкилловчи агентлар.* Алкилловчи агентлар юқори реактивликка эга бирикмалар бўлиб, амина, оксиллар-

даги сульфгидрил ва гидроксил гуруҳлар ва нуклеин кислоталардаги пурин асослари каби қўплаб таркибий қисмлар билан ўзаро таъсирлашади.

Этилен оксиди цитотоксик, канцероген ва мутаген таъсирга эга бўлган алкилловчи агент ҳисобланади.

**Оксидловчи моддалар.** Оксидловчи моддалар юқори реактивликка эга бўлган захарли бирикмалардир. Ҳозирги кунда стерилловчи агентлар сифатида қўлланилиб келинаётган бундай бирикмаларга водород пероксиди ва переуксус кислота киради.

#### **Стериллаш жараёнини ишлаб чиқиш ва валидациялаш**

Газли стерилизация маълум шароитларда герметик камерада стерилизацияланувчи моддага таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Газли стериллашнинг одатий жараёни 3 фазадан иборат: (олдиндан) кондиционирлаш, стериллаш ва азрация. Бу фазалар учун талаб этилаётган SAL га эришиш учун параметрлар жараёни ишлаб чиқиш вақтида аниқланади. Физик ва биологик усулларнинг ўзаро бирикмаси стериллаш учун оптимал шароитларни аниқлашда қўлланилади. Цикл ҳеч бир маҳсулот ёки контейнернинг яроқчилигини хавф остида қолдирмаслиги лозим.

#### **Стериллаш цикли**

Температура, намлик ва газнинг концентрацияси мониторинги учун текширув вақтида ҳам, одатий иш вақтида ҳам маҳсус жиҳоз талаб этилиши мумкин.

#### **Цикл самарадорлиги**

Микробиологик тавсифларнинг валидацияси маълум жараёнинг маҳсулотлар ва стерилизатордаги юкланиш комбинацияси учун самарадорлиги тасдиқланиши шарт. Цикл леталлиги тегишли ёндашув орқали аниқланиши мумкин: вақт билан таъсир қилишдан кейин, текширилаётган микроорганизмларнинг фаолсизлантириш тезлиги (*D*-қиймат) тирик қолган ёки инкор этувчи усулдаги фракция ёрдамида эгри чизма тузиш орқали аниқланиши мумкин.

Биологик индикаторлар энг камида стерилланувчи маҳсулотнинг микробиологик ифлослантирувчилари каби стерилловчи агентга нисбатан барқарор бўлиши шарт. Улар маҳсулот ичида стериллаш шароити таъминланиши қийин бўлган жойда жойлаштирилиши лозим.

Жараёнинг самарадорлиги қатор кўрсаткичлар, жумладан, газ концентрацияси, температура, намлик, вақт, юкланиш конфигурацияси ва маҳсулот ҳамда унинг кадоқ материали тавсифларига боғлиқ бўлади. Жараён самарадорлигига юқоридагиларнинг бири ёки бир нечтаси ўзгариши билан таъсири тадқиқ қилиниши шарт.

#### **Жорий назорат**

Цикл жараёнининг тегишли параметрлари (биологик индикатор синовлари натижалари билан бирга) қайд қилиниши шарт.

#### **МЕМБРАНАЛИ ФИЛЬТРЛАШ**

##### **Тамойил**

Мембранали филтрация газ ва суюқ маҳсулотлар таркибидаги киздириш ёки нурланиш билан стерилланмайдиган тирик ва нотирик заррачалар миқдорини камайтириш учун қўлланилади. Бошқа стериллаш усулларида фарқли равишда, мембранали филтрлаш моҳияти маҳсулотдаги микроорганизмларни фаолсиз-

лантириш эмас, балки уларни бутунлай бартараф қилишдан иборатдир. Микроорганизмларни бартараф этилиши элаш жараёни ва юза билан ўзаро таъсирлашувнинг биргаликда амалга оширилиши ҳисобига эришилади.

#### **Ускуна**

Мембранали филтрлар мос ушлагичларда ёки картридж кўринишида ясси материал (дисклар) ҳолатида ишлаб чиқарилади. Ғоваклар ўлчамини баҳолаш микробларни ушлаб қолиш билан диффузион тавсиф ёки орасидаги корелляцияга “ҳаво шарчаси ҳосил бўлиш нуктаси”ни ўлчашга асосланади. Филтрлаш жараёни самарадорлигига шакл, ғоваклар ўлчами, юза хоссалари, филтрловчи элементнинг тузилиши ва жойлашуви, филтр матрицасининг маҳсулот билан ўзаро таъсирлашуви, белгиланган босим, жараён кечиши ва вақти каби қўплаб омиллар ёрдам беради. Филтр тавсифи аниқ бир маҳсулот текшируви вақтида аниқланиши шарт. Филтр яхлитлигини текширишнинг мос процедуралари (масалан, диффузион оқимни ўлчаш, қайнаш нуктасини аниқлаш ёки сувнинг киришини синаш) филтр ишлаб чиқарувчиси тавсиясига кўра амалга оширилади. Мембраналарнинг филтрланувчи маҳсулот билан кимёвий ва физикавий мутаносиблиги ва филтрлаш жараёнининг шароити ривожланиш тадқиқотларида кўрсатилади. Филтр ўлчами филтрланувчи маҳсулот ҳажми ва биоюкламасига мос бўлади.

Технологик газларни стериллашда физик яхлитликни текшириш частотаси аниқланади.

#### **Филтрлаш самарадорлиги**

Мос модель тизими иштирокидаги микробиологик синовлар филтрлаш жараёни самарадорлигини кўрсатиши керак. Маҳсулот иштирокида (масалан, маҳсулотнинг антимиқроб хоссалари билан боғлиқ ҳолда) синов имконияти бўлмаса, маҳсулотни намоён қилувчи суюқлик қўлланилиши ёки синов шароити ўзгартирилиши лозим бўлади.

Филтрлаш жараёни иложи борица, тўлдириш нуктасига яқин жойда амалга оширилиши тавсия этилади.

#### **Мембрана филтрларининг стерилизацияси**

Мембрана филтрлари автоном режимда ёки ҳақиқий вақт режимида стерилланиши мумкин. Агар стериллаш ўчирилган бўлса, буғнинг кириши текширилади ва филтр ифлосланишдан тегишли равишда ҳимояланади. Асептик шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар текширилган процедуралар асосида филтрлар орқали стерилланади. Оқим билан стериллаш учун буғнинг филтрловчи жиҳоз орқали кириб боришини таъминланади, мембранада босимнинг тушиб кетиши мембранани шикастланишининг олдини олиш учун мембранада назорат қилинади.

#### **Филтрлаш жараёни**

Мембранали филтрлаш билан стериллаш маҳсулотнинг номинал ўлчами 0,22 мкм дан катта бўлмаган микроғовакли мембрана орқали ўтиши билан амалга оширилади.

Маҳсулотнинг ҳар бир партияси учун микроб билан ифлосланиш даражаси стериллашдан аввал аниқланган ҳолда, жараён параметрлари филтрлаш жараёнини ишлаб чиқишда ўрнатилган параметрларга мувофиқ қўлланилади.

Филтрлаш жараёни самарадорлигини ошириш учун биоюклamani камайтириш мақсадида бир нечта филтр

қўлланилганда, тўлдириш нуктасига энг яқин жойлашган охирги контейнердаги фильтр стерилловчи фильтр деб ҳисобланади.

Маҳсулотни қайта ифлосланишини олдини олишда, фильтрация нуктасидан пастда бўлган жиҳознинг яхлитлиги ва стериллиги, атроф-муҳит шароитини квалификацияси ва филтраб бўлинган маҳсулотни қайта ишлашда қўлланиладиган, тасдиқланган асептик процедуралар маҳсулотнинг иккиламчи ифлосланишининг олдини олишни таъминлайди. Бу масала асептик йиғиш бўлимида батафсил кўриб чиқилади.

#### Жорий назорат

Филтрлаш жараёни валидация тадқиқотлари давомида ўрнатилган параметрларни физик ва микробиологик аниқлаш орқали назорат қилинади. Ушбу параметрлар, стериллашдан олдинги микроб билан ифлосланиш, филтрлашдан аввалги яхлитлик учун синов, филтрлаш давомийлиги, фильтр хажми, дифференциал босим ва филтрлашдан кейинги яхлитлик синов натижаларини ўз ичига олади.

#### АСЕПТИК ЙИҒИШ

##### Тамоийил

Асептик йиғишнинг мақсади, ҳар бир таркибий қисми алоҳида юқорида кўрсатилган усулларнинг бири билан стерилланган маҳсулотнинг стериллигини ушлаб туришдан иборат. Бунга микроб билан ифлосланишнинг олдини олиш учун мўлжалланган шароитлар ва объектлардан фойдаланиш орқали эришилади.

Асептик қайта ишлов бериш маҳсулотларни контейнер ёпиш тизимида асептик тўлдириш, асептик шароитда сублимацион қуриштириш, таркибни асептик аралаштириш ва кейин асептик тўлдириш ҳамда асептик кадоклашни ўз ичига олиши мумкин.

##### Асептик йиғишни ишлаб чиқиш ва текшириш

Таркибий қисмлар ва маҳсулотнинг стериллигини сақлаш учун уларни йиғиш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- атроф-муҳит;
- ходимлар
- критик юзалар;
- контейнер ва ёпиш тизимини стериллаш жараёни;
- охирги контейнерни тўлдирилишига қадар дори воситасининг максимал сақланиш вақти.

Жараён валидацияси юқорида санаб ўтилганларнинг барчасини текшириш, шунингдек, микроб билан ифлосланиш мавжудлигига ўтказиладиган синовларда фойдаланиладиган озик муҳитлар иштирокида жараёни моделлаштириш (озик муҳитлар билан тўлдириш) синовларини ўтказиш орқали тизимли назоратни амалга оширишни кўзда тутати. Бундан ташқари, асептик ишловни ўтган ҳар қандай маҳсулотнинг ҳар бир партиясидан мос намуна стериллик учун текширилади (2.6.1).

### 5.1.2. БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР ВА СТЕРИЛ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТУРДОШ МИКРОБЛИ ПРЕПАРАТЛАР

*Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.*

**Инокуляция** – бу тирик микроорганизмлар, инфекцияланган материаллар, зардоблар ёки бошқа моддаларни ўсимликлар, ҳайвонлар ёки одамларнинг тўқималарига (шунингдек, озукавий муҳитга) киритиш.

#### 1. КИРИШ

Ушбу умумий бўлим тайёр маҳсулотларни стерилизация қилишда биологик индикаторлардан фойдаланиш ва тегишли стерилизация жараёнларида, яъни охирги стерил маҳсулотлар билан бевосита алоқада бўладиган жисмларни стерилизация қилиш жараёнларини тавсифлашга қаратилган. Бошқа нотерминал бирликлар стерилизациясини текшириш учун биологик индикаторлардан фойдаланиш ушбу умумий бўлимнинг тавсифига киритилмаган.

Биологик индикаторлар – бу кўрсатиб ўтилган стерилизация жараёнларининг талаб этилувчи самарадорлигининг маълум вазифасини бажарувчи, ўзида тирик микроорганизмларни (одатда, бактерияларнинг споралари) ўзида сақловчи синов-тизимлардир.

Биологик индикаторлар стерилизация жараёнларини ишлаб чиқиш ва текшириш учун мўлжалланган бўлиб, агарда ушбу мақолада алоҳида кўрсатиб ўтилмаган бўлса, жараёни оддий кузатишга мўлжалланмаган.

Стерилизация жараёнининг тўғрилиги ва биологик индикаторларнинг тўғри ишлаётганлиги, стерилизация жараёнининг пасайтирилган шароитларидан фойдаланиш орқали таъминланиши мумкин, шунда индикаторлардаги микроорганизмларнинг озроқ қисмининг яшовчанлиги сақлаб қолинади. Аммо стерилизациянинг валидация қилинган жараёнидан фойдаланилганда тирик яшовчан микроорганизмлар мавжуд бўлмайди (3-1-2. бўлимга қаралсин).

Ҳаётнинг барқарор шакллари бўлган бактерия спораларини ишлаб чиқариш ва стандартлаштириш ҳамда тегишли шароитларда узоқ вақт давомида сақланиши мумкин.

Савдода мавжуд бўлган биологик индикаторлар, одатда, мос келувчи бактериянинг стандартлаштирилган спора популяциясини ўз ичига олади. Моддада стерилизация таъсирини тавсифлаш учун тегишли савдо биологик индикаторлари бўлмаганда ёки стерилизация қилувчи модданинг ўтиши қийин бўлган ҳолатда буюртмага тайёрланган биологик индикаторлардан фойдаланиш мумкин. Бундай биологик индикаторлар стандартлаштирилган спорали суспензиянинг ташқарига ва ичкарига инокуляция йўли билан олиниши мумкин ёки маҳсулот стерилизация қилинади ва бундай ҳаракат биологик индикаторнинг хусусиятларини ўзгартириши мумкин.

Вегетатив бактериялар хужайраларнинг суспензиялари асептик ишлаб чиқариш жараёнида стерилизация

боскичи сифатида қўлланилганда, стерилизация қилувчи даражаланган филтрнинг бактерияларни ушлаб қолиш хусусиятини валидация қилишда қўлланилади.

## 2. СТЕРИЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР

Физик стерилизация параметрларига қўшимча қилиб, 5.1.1. умумий бўлимда тавсифлаб ўтилганидек, стерилизация жараёнининг самарадорлиги кўп сонли, лекин доим ҳам эмас, қуйидаги ўзгарувчан кўрсаткичларни ўз ичига олади: ифлослантирувчи микроорганизмларнинг сони ва чидамлилиқ даражаси, стерилизация қилувчи модданинг кириб бориши, вақти, температура, концентрация, рН, стерилизация қилинаётган маҳсулотнинг намлик даражаси ва кимёвий таркиби.

Стерилизацияни валидация қилиш учун 5.1.1. умумий бўлимда кўрсатилганидек, юкланган маҳсулотлар стерилизацияси стерилликни таъминлаш даражаси (SAL)  $10^{-6}$  га тенг ёки ундан кам бўлишига эришиш учун физик шароитлар яратилган бўлиши керак. Физик валидация жараёнида стерилизация шароитлари юкланган модда катта ҳажмининг барча қисмларини бир хил равишда камраб олиши зарур. Биологик валидациядан мақсад – жараён давомида қўлланиладиган физик шароитларнинг тахмин қилинаётган самараси ва биологик кўрсаткичларда кузатиладиган биологик таъсир орасидаги корреляцияни намойиш этилиши ҳисобланади. Талаб этилаётган биологик самарадорликни таъминлаш учун қўлланилган жараён параметрларидан фойдаланиш оддий қайта ишлов беришда олинган маҳсулотнинг стериллигини таъминлайди.

Қўлланиладиган биологик индикатор турини танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

- стерилизация қилинувчи маҳсулотнинг табиати (масалан: иссиқлик, газ ёки нурланиш);
- жараённинг кутилаётган самарадорлиги (масалан, жараён параметрлари бўйича ҳисобланган  $F_{phys}$ );
- жараён шароитлари (масалан, температура, вақт, нисбий намлик, газ концентрацияси, нурланиш дозаси);
- стерилизация қилиниши керак бўлган фармацевтик маҳсулот ёки модданинг хусусиятлари (масалан, охириги контейнердаги маҳсулот, қадоқланувчи материал, пробиркалар ёки насослар каби идишлар).

Юкланган маҳсулотни стерилизация қилиш жараёни вақтида барча кириб бориши қийин бўлган қисмлар ҳисобга олиниши ва уларнинг стерилизацияси учун шароитлар яратилиши керак (масалан, совуқ жойлар, флакон устининг тиқин билан алоқаси, кириш қийин бўлган зоналар). Биологик тошширикни оптимал ҳал қилинишида юкланган модда ва маҳсулотнинг кириб бориш қийин бўлган жойларини стерилизация қилиниши максимал аниқлик билан моделлаштирилиши лозим.

Маълумки, спора биологик индикаторлари бирликлари билан таққосланганда, маҳсулот ичига ёки юзасига киритилганлар стерилизация шароитларига турлича жавоб беради. Баъзи ҳолатларда савдода мавжуд бўлган биологик индикаторлар стерилизация самарадорлигини аниқлаш учун мос келмаслиги мумкин ва спораларнинг яхши тавсифланган суспензиясидан тайёрланган киритилган синовдан ўтказилаётган маҳсулот/модда стерилизация цикли самарадорлигини баҳолаш учун энг яхши модел бўлиши мумкин.

## 2-1. СТЕРИЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Тавсифланиши лозим бўлган мос келувчи биологик вазифага боғлиқ тарзда, жараён синовдан ўтказилаётган микроорганизмларнинг суспензиялари, инокуляция қилинган ташувчилар ва автоном биологик индикаторлар кўринишида бўлган биологик индикаторлардан иборат бўлиши мумкин. Истеъмолчи ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатиб ўтилган хусусиятларга (2-2 бўлимга қаралсин) таянган ҳолда, биологик индикаторлар (масалан, аудит орқали) учун сифат стандартларига жавоб беришига юқори ишончга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, биологик индикаторларнинг таъкидлаб ўтилган хусусиятлари истеъмолчи ёки миждоз томонидан расмий тарзда тасдиқланган мустақил шартномали лаборатория томонидан текширилиши лозим. Буюртма асосидаги биологик индикаторлар учун хусусиятлар истеъмолчи ёки шартномали лаборатория томонидан текширилиши керак (2-1-4 бўлимга қаралсин).

### 2-1-1. Инокуляция қилинган ташувчилар

Инокуляция қилинган ташувчилар мос келувчи ташувчига ёки унинг ичига киритилган ва кўпинча ҳимоя қутиларида бўлган бактериал спораларнинг маълум популяциясидан иборат бўлади. Ташувчининг тури (қўлланилаётган бўлса, қадоқ ҳам) бактерия спораларининг резистентлигига таъсир қилиши мумкин ва танланган стерилизация жараёни билан мос келиши керак (масалан, шиша конвертлардаги филтр қоғоз тасмалари кўпинча бугли ва этилен оксиди стерилизация учун кўпроқ қўлланилади, шу билан бирга, тўқилмаган толали қадоқда қадоқланган металл дискларидан водород пероксид бугларидан фойдаланилади). Стерилизация жараёни таъсир қилингандан сўнг ташувчи ишлаб чиқарувчи кўрсатмаларига мувофиқ, стерил шароитларда сақланади, мос келувчи ўстириш муҳитига ўтказилади ва етарли вақт даври давомида тегишли температурада инкубация қилинади.

### 2-1-2. Автоном биологик индикаторлар

Автоном биологик индикаторлар қуйидагича бўлиши мумкин, масалан:

– микроорганизмларни синовдан ўтказиш учун мос келадиган озиқ муҳити билан инокуляция қилинган ташувчи ва контейнердан (масалан, ампула) иборат маҳсулот; тизим шундай тарзда лойихалаштирилганки, стерилизация қилинаётган агент инокуляция қилинган ташувчи (масалан, эгри-бутри йўл ёки филтр) билан мулоқотга киради. Шу билан бирга, ўсишни рағбатлантирувчи озиқ муҳити стерилизация жараёнининг салбий таъсирида бўлмайди. Стерилизациядан сўнг ташувчи озиқ муҳити билан оддий манипуляция билан мулоқотда бўлади. Биологик индикаторлар тизимининг бундай тури бугнинг тизимга киришини ўз ичига олган нам иссиқлик билан стерилизация қилиш жараёнларини тавсифлаш учун фойдаланилиши мумкин;

– мос келувчи озиқ муҳитида синовдан ўтказилаётган микроорганизм популяциясининг контейнери (масалан, ампула). Стерилизациядан сўнг, контейнер кейинчалик манипуляцияларсиз инкубация қилинади. Биологик индикаторларнинг бу тури таъсир қилиш вақтига ва температурага сезгир бўлиб, асосан, сувли суюқликларнинг стерилизациясини назорат қилиш учун фойдаланиш мумкин. Ўсишни аниқлашни осонлаштириш учун озиқ муҳити ўзида индикатор сақлаши мумкин (масалан,



pH индикатори).

Автоном биологик индикаторлар маълум стерилизация жараёнларини валидация қилиш учун мос келмаслиги мумкин.

### 2-1-3. Тавсифланган спорали суспензиялар

Ўзига хос бўлган спорали суспензиялар аниқ тавсифланган ва барқарор суспензияда спора ҳосил қилувчи бактериялар турининг (масалан, *Bacillus* ёки *Clostridium* авлодлари) тегишли равишда ушлаб турилувчи штаммидан олинган бактериялар спораларининг маълум популяциясидан иборат бўлади.

### 2-1-4. Буюртма асосида тайёрланган биологик индикаторлар

Буюртма асосида тайёрланган биологик индикаторлар назорат намуналари (масалан, резинали тикин) ёки мос келувчи синовдан ўтказилаётган микроорганизм билан, одатда, спораларнинг тавсифланган суспензиясидан, бироқ, шунингдек, ташқи муҳит мониторинги изоляторларидан олинган спораларнинг суспензиялари ёки қоникарли споруляцияни таъминлаш учун ишлаб чиқилган яхши аниқланган процедурадан фойдаланган ҳолда бошқа микробиологик синовлардан иборат бўлади. Споралар суспензиясининг *D*-қиймати (кўрсатиб ўтилган шароитларда микроорганизмлар сонининг 90 % га камайиши учун кетган вақт) ва зарур ҳолларда *z*-қиймати (3-1-1 бўлимга қаралсин) аниқланиши керак. Шунингдек (зарурат бўлганда), инокуляция қилинган синовдан ўтказилаётган элементлар/маҳсулотларнинг *D* ва *z*-қийматлари ҳам аниқланиши керак. Чунки улар суспензиядаги споралардан фарқ қилиши мумкин.

Стерилизация циклининг таъсиридан сўнг буюртмадаги биологик индикатор рақамланади ёки синалган, мос келувчи микробиологик усулни қўллаган ҳолда тирик қолган, синовдан ўтказилаётган микроорганизмларнинг мавжудлиги/йўқ эканлиги текширилади.

## 2-2. БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАРНИНГ СИФАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Фойдаланувчи ҳар бир партияни қабул қилишда қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши керак:

- микроорганизмнинг авлоди, тури ва генотиби (шу жумладан, қўлланилиши мумкин бўлган жойдаги типга оид культура коллекциясининг рақами);
- ноёб ҳавола (масалан, партия рақами);
- илмий ёзувдаги 1 ўнликларгача аниқликда ифодаланган тирик споралар сонининг логарифми;
- фойдаланилаётган тикланиш усули;
- транспортировка (ташиш) тури;
- кадоклаш тури (масалан, пакет);
- агарда зарурат бўлса, тикланиш муҳитининг таркиби (масалан, автоном биологик индикаторлар ҳолатида);
- агарда зарурат бўлса, ўстириш учун индикатор тури (масалан, pH индикатори);
- биологик индикатор тавсифланган стерилизация жараёнлари ва шароитларининг тури (лари);
- кўрсатиб ўтилган стерилизация жараёнига ва белгиланган сақланиш муддатига тайёр биологик индикаторнинг партиясига резистентлик (*D*-қиймат). *D*-қийматни тегишли бирликларда (масалан, вақт ёки дозада) кўрсатилиши ва агар бунинг имкони бўлса, 95 % ишончлилик билан 1 ўнликларгача аниқликда ифодаланиши;
- резистентликни (*D*-қиймат) аниқлаш учун фойда-

ланиладиган усул (инактивация кинетикаси ёки манфий фракция усули); тасдиқлаш учун параметрлар, масалан, таъсир қилиш шароитлари, озик муҳитларини синовдан ўтказишлари сони ва тикланиш учун инкубация шароитлари ва ҳ.к;

– биологик индикатор учун илмий ёзувларда 1 ўнликларгача аниқликда ифодаланган *z*-қиймат (тегишли ҳолатларда), шу жумладан *z*-қийматни аниқлаш учун қўлланиладиган температура диапазонлари;

– сақлаш шароитлари ва яроқлилиқ муддати.

### 2-2-1. Фойдаланувчи талабларининг спецификацияси (URS)

Стерилизациянинг маълум жараёни (нам иссиқлик, куруқ иссиқлик, газ ёки ионланувчи нурланиш) биологик индикаторларни танлашда асос сифатида кўриб чиқилади. Ушбу танлов синовдан ўтказилаётган микроорганизмнинг танлови, биологик индикаторнинг тури (инокуляция қилинган ташувчи, автоном ёки буюртма асосида тайёрланган), *D*-қиймат ва спораларнинг бошланғич сонини ўз ичига олади. Бундан ташқари, синов кучланишининг резистентлиги стерилизациянинг маълум бир усулига мос келади ва маҳсулотни потенциал тарзда ифлослантирувчи микроорганизмларнинг резистентлигига нисбатан аҳамиятлидир.

### 2-2-2. Сифатни назорат қилиш

Биологик индикаторларнинг сифат назорати тозаликни, ўхшашликни текшириш ва яшовчан хужайралар сонини баҳолашдан иборат бўлади. Биологик индикатор URS га мос келиши лозим. Ишлаб чиқарувчининг тавсифланган тавсияларидан ташқари, биологик индикаторларга буюртма берувчи фойдаланувчилар стерилизациянинг аниқ жараёни учун биологик индикаторларни синчиклаб тавсифлашлари керак.

#### Тозалик

Микроорганизмларни тегишли шароитларда инкубация қилинган мос келувчи культура муҳитида текшириш, ифлосланишнинг ҳеч қандай белгиларини кўрсатмаслиги керак.

#### Идентификация

Колонияларнинг морфологияси ва популяциялар бир хиллиги зарур ҳолатларда текширилади.

#### Яшовчан микроорганизмлар сони

Яшовчан микроорганизмлар сонининг ҳисобланиши ишлаб чиқарувчининг кўрсатмасига мувофиқ ёки бошқа ҳар қандай синалган усулга мувофиқ ўтказилади.

### 2-2-3. Мақсадга мувофиқлиги

Фойдаланувчи биологик индикаторни қўлланилаётган стерилизация шароитларининг аниқ диапазони билан кутилаётган яшовчанликкача инактивация қилинганлигини таъминлаши зарур.

## 3. ИССИҚЛИК СТЕРИЛИЗАЦИЯСИ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР

### 3-1. ИССИҚЛИК СТЕРИЛИЗАЦИЯСИ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАРНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ

#### 3-1-1. *Z*- Қиймат

Стерилизация жараёнлари стандарт 121 °C дан паст температураларда (экспозициянинг янада узокроқ вақти давомида) ёки ундан юқори температураларда (бир оз

қисқароқ вақт таъсир қилиш учун) қўлланиши мумкин.  $Z$ -қиймати (биологик индикатор  $D$ -қийматининг 10 баробар ўзгаришига олиб келади) температураларнинг фарқи турли температураларда ишлайдиган иккита циклининг самарадорлигини таққослаш учун қўлланилади.  $Z$ -қийматини аниқлаш учун  $D$ -қиймати 3 ёки ундан ортиқ температураларда аниқланиши керак. Жараённинг тахмин қилинаётган температураси 3 температура-ларнинг оралиғида бўлиши керак.  $D$ -қийматнинг  $\log_{10}$  температурада ва Цельсий градусларида келтирилиши керак.  $Z$ -қиймати  $\log_{10}$ -чиқиқли регрессия таҳлили ёрдамида аниқланганидек, энг яхши чиқиқли эгрилик қияли-гининг манфий тескари катталиғига тенг.

### 3-1-2. Валидация циклини тузиш

Стерилизация жараёнининг хусусиятлари (масалан, вақт ва температуранинг бирлиги, стериликни таъмин-лашнинг талаб этиладиган даражаси ёки талаб этила-диган  $F_0$ ) биологик индикаторни танлашнинг (биологик индикаторнинг тури, синалаётган микроорганизм ва бошланғич яшовчан микроорганизмларнинг бошланғич сони) асоси ҳисобланади.

Стерилизация шароитида микроорганизмларнинг фаолсизлантирилиши, леталлик кинетикаси ва статистик эҳтимоллик орқали тавсифланиши мумкин.

Бирликка нисбатан  $N_0$  микроорганизмларнинг бош-ланғич популяцияси билан биологик индикаторларнинг бирликлари ва ушбу  $D$ -қийматга келсак, қачонки, барча бирликлар тирик қолганларни олиб юришидаги (бир-ликка ўртача 100 тирик қолган спора) минутлардаги таъсир қилиш вақти қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади (1):

$$t_s = D \times (\log_{10} N_0 - 2) \quad (1)$$

$t_s$  = тирик қолиш вақти

Қачонки, барча бирликлар фаолсизлантирилган бў-лиши зарур бўлгандаги минутлардаги таъсир қилиш вақти (ўртача ҳар бир бирлик учун  $10^{-4}$  тирик қолган споралар) қуйидаги тенглама (2) билан ҳисобланади.

$$t_k = D \times (\log_{10} N_0 + 4) \quad (2)$$

$t_k$  - ўлдириш вақти

Валидацияни ўрганиш мақсади физик жараён пара-метрларидан қутилган стерилизация самарадорлиги биологик стерилизация самарадорлиғига тенг эканлигини намоён этишдир. Ушбу мақсаднинг бир қисми сифа-тида, валидация жараёнидаги ушлаб туриш вақти  $t_{vl}$ ,  $t_k$  дан ошмаслиги керак. Агарда  $t_{vl}$  нинг энг юқори қиймати танланса, ҳаттоки,  $D$ -қийматининг нисбатан ўсиши ҳам, биологик индикаторлар бирликларига микроорганизм-ларнинг нобуд бўлиши билан таъсир қилади. Бундай ҳолатда стерилизациянинг оптимал шароитлари мавжуд бўлади. Шунга қўра, агарда, яшаб қолган микроор-ганизмлар билан биологик индикаторларнинг 1000 бирлигидан 1 тасига ҳисобланса,  $t_{vl}$  қутиллаётгандан юқори олинмаса, мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунга қарамай,  $t_{vl}$  жуда қисқа бўлмаслиги керак. Агар  $t_{vl}$  жуда қисқа танланганидан бўлса, у ҳолда биологик индикатор-ларнинг 50 % да тирик қолган микроорганизмлар мавжуд бўлади ва ҳаттоки, стерилизация шароитларидаги ўзга-ришлар (масалан, вақт, температура) ҳам биологик индикаторларнинг 100 % да тирик қолган микроорга-

низмларнинг мавжуд эканлиғига олиб келади ва бундай синов маъносиз деб ҳисобланади. Шу сабабли,  $t_{vl}$  шундай танлаб олинishi керакки, бунда қутиллаётган назарий томондан тирик қолиш  $10^{-1}$  ва  $10^{-3}$  оралиғида бўлади ва қуйидагича ифодаланади:

$$D \times (\log_{10} N_0 + 1) \leq t_{vl} \leq D \times (\log_{10} N_0 + 3) \quad (3)$$

Умуман олганда, биологик индикаторлар стерили-зациянинг режалаштирилган жараёнларига боғлиқдир. Бироқ, стерилизация жараёнларининг юқори самарадор-лиги учун циклининг ҳисобланган самарадорлиги шундай бўлиши керакки,  $t_k$  катта захира билан ошиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда биологик валидация стерили-зациянинг камайтирилган цикллари орқали амалга оширилади. Бундай қисқартирилган цикллари вақтида (масалан, ярим цикл) қисқарган бўлиши ёки бир оз паст-роқ температурада бажарилиши мумкин. Сўнгги ҳолатда синовдан ўтказиладиган микроорганизм учун  $z$ -қиймати стерилизациянинг реал шароитларида маълум бўлиши керак. Қисқартирилган цикл шундай танланадики, температура стерилизация жараёнининг эталон темпера-турасидан 1  $z$ -қийматига ошмаган тарзда пастроқ бўлиши керак. Ушбу цикл учун мос келувчи резистентликдаги биологик индикаторлар пастки  $t_{vl}$  ва  $t_k$  орасидаги ойна ичида микроорганизмларнинг қутиллаётган яшовчан-лигини кўрсатади (тенглама (3) га қаралсин). Жараёни ўтказиш тўғрисидаги қарор синовлар асосли бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Синовининг  $D$ -қиймат катталиғига ва танланган  $t_{vl}$  боғлиқ тарзда, тирик қолган микроорганизмлар билан биологик кўрсаткичлар паст частотага эга бўлиши мумкин (10 та ичида 1 дан ошмаслиги керак). Тирик қол-ган микроорганизмлар билан биологик индикаторлар-нинг частотаси қутилган диапазонда эканлиги ва мос келмайдиган стерилизация шароитлари билан боғлиқ эмаслиги аниқ бўлса, жараён қабул қилиниши мумкин.

Стерилизациянинг тўлиқ циклидан сўнг валидация вақтида барча биологик индикаторлар инактивация қи-линган бўлиши керак бўлиб, бу эса микроорганизм-ларнинг камида  $10^6$  камайишига олиб келиши керак. Спораларнинг қўлланилаётган резистентлигидан келиб чиққан ҳолда, шуни ҳулоса қилиш мумкинки, стерил-ликнинг талаб қилинаётган даражасига эришиш учун жараён микроорганизмларнинг етарлича нобуд бўлиши-ни таъминлаши керак.

## 3-2. НАМ ИССИҚЛИ СТЕРИЛИЗАЦИЯ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР

### 3-2-1. Микроорганизмларни синовдан ўтказиш

Нам иссиқли стерилизация жараёнлари учун *Geobacillus stearothermophilus* биологик индикаторнинг кенг миқёсда тан олинган микроорганизм ҳисобланади. Споралар учун кўрсатилган  $D_{121^\circ\text{C}}$  - қиймати споруля-циянинг шароитлари, споралар инокуляция қилинган ташувчининг материали, инокуляция қилинган ташув-чини ўраб турган бирламчи қадоқлаш ва стерилизация вақтидаги атроф-муҳитга боғлиқ тарзда, 1,5-4,5 мин диапазонида бўлади. ATCC 7953, NCTC 10007, CIP 52.81, NCIMB 8157 ва ATCC 12980 штаммлари (NRRLB-4419 эквиваленти) мос келувчи, деб қабул қилинган. Бошқа бир хил хусусиятларни намоён қилинишида бошқа штаммлардан фойдаланиш мумкин. Маълумки, *Geobacillus stearothermophilus* нинг  $10^5$  ёки  $10^6$  микдор-даги популяцияси  $F_0$  етказилиб берилиши 8-15 бўлган

стерилизация жараёнлари учун мос келмайди. Шунинг учун бу ерда спораларнинг камроқ миқдоридан (яъни  $10^3$  ёки  $10^4$ ) ёки синовдан ўтказилаётган бошқа микроорганизмлардан фойдаланилади. Агарда *Geobacillus stearothermophilus* дан фарқ қилувчи синовдан ўтказилаётган микроорганизмдан фойдаланилса (масалан, *Bacillus subtilis* ATCC 35021), у ҳолда унинг жараён учун яроқлилигини таъминлаш учун синовдан ўтказилаётган микроорганизмнинг чидамлилиги баҳоланади.

### 3-3. ҚУРУҚ ИССИҚЛИК БИЛАН СТЕРИЛИЗАЦИЯ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР

Стандарт шартлар 5.1.1 умумий бўлимда келтирилган. Қуруқ иссиқлик билан иссиқликнинг узатилиши буғ орқали иссиқлик узатишга нисбатан кам самара беради. Қуруқ иссиқлик стерилизаторларида температуранинг тақсимоли эса буғ стерилизаторига нисбатан бир хил бўлмайди.

Масалан, қуруқ иссиқлик билан стерилизация қилиш ҳаммабоп бўлган биологик индикаторлар 1-5 мин диапазонда  $D_{160^\circ\text{C}}$  қийматига эгадир. Стандарт циклнинг  $160^\circ\text{C}$  да 2 соат давомийликда таъсир этганда  $D_{160^\circ\text{C}}$  катталикидаги 2,5 мин биологик индикатор 48  $\log_{10}$  шкала бўйича фаолсизлантирилади. Қуруқ иссиқлик билан стерилизация қилиш жараёнлари учун эквивалентликни ҳисоблашда тахминан  $20^\circ\text{C}$  з-қиймати одатда, цикл самарадорлигига тенгдир ( $F_n$  - ҳисоби).  $F_n$  - бу  $160^\circ\text{C}$  температурада минутлардаги стерилизация жараёни томонидан маҳсулотга унинг охири контейнерида етказиладиган эквивалент вақтидир. 5 мин га тенг бўлган  $D_{160^\circ\text{C}}$  катталикидаги биологик индикатор учун  $D_{150^\circ\text{C}}$  қиймати 16 мин атрофида бўлади, назорат циклидаги фаолсизлиги эса 7,5  $\log_{10}$  шкаласини ташкил этади. Стерилизация вақтида температуранинг  $10^\circ\text{C}$  даражага пасайиши, биологик индикаторларнинг 30 бирлигининг биттасида тирик қолган микроорганизмларнинг аниқланишига олиб келади.

#### 3-3-1. Микроорганизмларни синовдан ўтказиш

*Bacillus atrophaeus* спораларининг (масалан, ATCC 9312, NCIMB 8058, NRRLB 4418 ёки CIP7718)  $160^\circ\text{C}$  -  $180^\circ\text{C}$  гача бўлган температурада ўтказиладиган қуруқ иссиқлик стерилизация жараёнлари учун биологик индикаторлар сифатида яроқли эканлиги аниқланди. *Bacillus atrophaeus* дан фарқ қилувчи бошқа микроорганизмдан фойдаланилаётганда, унинг яроқли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун синовдан ўтказиладиган микроорганизмнинг стерилизация жараёнига резистентлиги 3-1-2 бўлимда тавсифлаб ўтилганидек баҳоланади.

### 4. ГАЗЛИ СТЕРИЛИЗАЦИЯ УЧУН БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР

Биологик индикаторлардан фойдаланиш барча газли стерилизация жараёнларининг ишлаб чиқилиши, валидацияси ва мониторинги учун зарурдир. Газли стерилизация – бу кўп омилли жараёндир: газнинг концентрацияси, намлик, температура, вақт ва юзанинг хусусиятлари мураккаб тарзда ўзаро таъсир қилади. Ҳозирги вақтда газли стерилизациянинг қатор жараёнлари, шу жумладан, этиленоксид, водород пероксиди ва перуксус кислота ёки уларнинг бирикмалари қўлланилади.

Газ юзали стерилизация қилиниши тиббиёт ускуналари, изоляторлар, камералар ва бошқалар учун кенг қўлланилади. Бундай мақсадларда қўллаш Европа

Фармакопеяси доирасига кирмайди, аммо умумий бўлимда тавсифланганидек, фойдаланиш дезинфекциянинг бундай жараёнларини валидация қилинишида ёрдам бериши мумкин.

### 4-1. СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН МИКРООГАНИЗМЛАР

#### 4-1-1. Этиленоксид билан стерилизация.

Этиленоксид билан стерилизация қилиш учун *Bacillus atrophaeus* спораларини (масалан, ATCC 9372, NCIMB 8058, NRRLB 4418 ёки CIP 7718) ёки микроорганизмнинг эквивалент самарадорликни намойиш қилувчи бошқа штаммларидан фойдаланиш тавсия этилади. Тирик споралар сони ташувчига нисбатан  $10^6$  дан кўп ёки тенг бўлиши керак. Синовдан ўтказиладиган микроорганизмлар валидация қилиниши лозим бўлган жараёнга мос келадиган  $D$ -қийматига эга бўлиши керак. Ушбу био-логик индикаторлар одатда стерилизациянинг ҳар бир цикли вақтида қўлланилади, бу эса жараённинг самарадорлигини текширишга имконият беради.

#### 4-1-2. Бошқа жараёнлар.

Фойдаланувчи стерилизация цикли ва қўлланиладиган ҳар қандай биологик индикаторнинг яроқлилигини аниқлаш учун масъулдир. *Geobacillus stearothermophilus* жараёнда водород пероксид бугларидан фойдаланиш учун яроқли, деб топилган.

### 5. ИОНЛАШТИРУВЧИ РАДИАЦИОН НУРЛАНИШЛИ СТЕРИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БИОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАРИ

Агар кўрсатилмаган бўлса, одатда, биологик индикаторлар радиацион стерилизациянинг стерилизацион дозасининг валидацияси учун зарур бўлмайди. Бироқ, ионлаштирувчи радиацион стерилизацияни ишлаб чиқиш ва валидация қилиш учун биологик индикаторлардан фойдаланиш талаб этилиши мумкин, масалан; тана тўқималари, хужайрали препаратлар ёки бошқа махсус ҳолатлардан (масалан, спораларни ҳимоя қилиш учун маҳсулотлар) фойдаланишда.

### 5-1. СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН МИКРООРГАНИЗМЛАР

*Bacillus pumilus* споралари (масалан, ATCC 27142, NCTC 10327, NCIMB 10692, CIP 7725) ёки микроорганизмнинг эквивалент ёки энг яхши самарадорликни намойиш қилувчи бошқа штаммларидан фойдаланиш тавсия этилади.

### 6. ФИЛЬТР ЁРДАМИДА СТЕРИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН МИКРОБЛИ ПРЕПАРАТЛАР

5.1.1 умумий бўлимда кўрсатилганидек, якуний кадоқдаги стерилизация қилиниши мумкин бўлмаган баъзи маҳсулотлар филтрлаш усул орқали стерилизация қилиниши мумкин. Бу ерда биологик вазифа аввалги бўлимларда кўриб чиқилганидек, стерилизация микроорганизмларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган биологик ингибиторлардан фарқли равишда микроорганизмларни филтрлаш ёрдамида ушлаб қолишдан иборатдир.

Стерилизация жараёнини валидация қилиш учун филтрлаш жараёни (одатда, кичрайтирилган моделда)

синовдан ўтказиладиган мос келувчи микроорганизмдан фойдаланган ҳолда, филтнинг самарадор юзасининг сантиметр квадратига камида  $10^7$  CFU микробли зарарланишини тўлиқ ушлаб қолиш хусусиятини намоён этиши лозим. Ушбу синов ҳақиқий филтлаш жараёнини иложи борица аниқ тақлид қилиши керак. Иложи бўлса, синов филтлашнинг кўрсатиб ўтилган шартларидан фойдаланилган ҳолда маҳсулотда ўтказилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, масалан, синалаётган модданинг микробга қарши хусусияти туфайли моддага иложи борица ўхшаш бўлган мухитдан фойдаланиш керак.

#### 6-1. СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН МИКРООРГАНИЗМЛАР

Говакларининг белгиланган ўлчами 0,22 микрондан ошмайдиган филтлаш тизимидан фойдаланиладиган жараёнлар учун *Brevundimonas diminuta* суспензияси (ATCC 19146, NCIMB 11091 ёки CIP 103020) тавсия этилади. *Brevundimonas diminuta* суспензияси иложи борица энг кичик ўлчамдаги якка тартибдаги хужайраларни олиш учун тайёрланиши керак. Агарда, *Brevundimonas diminuta* стерил филтлаш тизимига янада жиддийроқ муаммо келтириб чиқарса, бошқа микроорганизмлар, масалан, кўриб чиқиладиган моддани ёки жараёндан ажратилган табиий флорадан фойдаланиш мумкин. Говакларининг белгиланган ўлчами 0,1 мкм ёки ундан камроқ бўлган филтрация тизимлари учун *Acholeplasma laylawii* (ATCC 23206) суспензиясидан фойдаланиш мумкин.

03/2021:50103

#### 5.1.3. АНТИМИКРОБ КОНСЕРВАНТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ушбу бўлимда келтирилган қўйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Пролиферация** – бўлиниш орқали хужайралар сонини кўпайиши ҳисобига тана тўқималарининг ўсиши.

Дори воситаларини, айниқса, кўп дозали контейнерларда сақлашда ёки ундан фойдаланишда содир бўлиши мумкин бўлган пролиферация ёки микроорганизмлар билан контаминациянинг олдини олиш учун микробга қарши етарли фаолликка эга бўлмаган дори препаратлари, шунингдек, сувли эритмалар таркибига микробга қарши консервантлар киритилиши мумкин. Антимикроб консервантларни зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) талабларини бажаришнинг ўрнини босувчиси сифатида қўллаш мумкин эмас.

Антимикроб консервантларнинг самарадорлиги дори препарати таркибига таъсир этувчи модда ёки унинг бошқа таркибий қисмлари, шунингдек, қўлланиладиган қадоқ ва тикили беркитиш воситалари билан ўзаро таъсири натижасида ортиши ёки камайиши мумкин. Шу сабабли, бирламчи ўрамга қадоқланган дори препаратнинг антимикроб фаоллиги, сақлаш вақтида камайганлигини тасдиқлаш учун амал қилиш муддати давомида баҳоланади. Бундай тадқиқотлар бевосита синовдан олдин контейнерлардан ажратиб олинган намуналар устида ўтказилиши зарур.

Дори препарати ишлаб чиқариш босқичида антимикроб фаоллик препаратнинг ўзида ёки зарур ҳолатларда таркибга консервант ёки консервантларнинг қўшилиши билан уни қўллаш ва сақлаш вақтида микробларнинг кўпайиши ва контаминацияси натижасида юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатлардан самарали ҳимоя таъминланганлиги исботланиши керак.

Антимикроб фаолликнинг самараси қўйида келтирилган синов ёрдамида кўрсатилиши мумкин. Ушбу синов ҳар кунлик назорат мақсадида қўлланилишига мўлжалланмаган.

#### АНТИМИКРОБ КОНСЕРВАНТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИНИ АНИҚЛАШ СИНОВИ

Ушбу синов бирламчи қадоқдаги дори препарати таркибига мос микроорганизмларнинг маълум миқдорини мумкин бўлган барча ҳолатларда киритиб, инокуляцияланган намунани кўрсатилган температурада сақлаш ҳамда инокуляцияланган контейнерлардан маълум вақт ораликларида намуна олиб, улардаги микроорганизмлар миқдорини аниқлашни ўз ичига олади.

Синов ўтказиш шароитида инокуляцияланган препаратда белгиланган сақлаш температурада, кўрсатилган вақт ораликларида микроорганизмлар миқдорининг сезиларли камайиши ёки (талабларга мувофиқ) уларнинг миқдори ортмаслиги дори препарати таркибига консервантнинг самарадорлиги қониқарли эканидан далолат беради. Маълум вақт оралиғида микроорганизмлар миқдорининг камайишига нисбатан маъбуллик мезони дори препаратининг талаб қилинадиган ҳимоя даражасига боғлиқ бўлади (5.1.3.-1/2/3 жадвалга қаралсин).

#### Микроорганизмларнинг синов штаммлари

<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	ATCC 9027; NCIMB 8626; CIP 82,118.
<i>Staphylococcus aureus</i>	ATCC 6538; NCTC 10788; NCIMB 9518; CIP 4.83.
<i>Candida albicans</i>	ATCC 10231; NCPF 3179; IP 48,72.
<i>Aspergillus brasiliensis</i>	ATCC 16404; IMI 149007; IP 1431,83.

Синовларда фақат битта бактерия синов штамми қўлланилади. Танланган микроорганизмлар билан ўтказиладиган синовлар дори препарати таркибига бўлиши мумкин бўлган микроорганизмларнинг бошқа штамми ва тури билан бажариладиган синовлар билан тўлдириб борилиши мумкин. Масалан, ичга қабул қилинадиган дори препаратлари учун *Escherichia coli* (ATCC 8739, NCIMB 8545 CIP 53,126) ва ичга қабул қилинадиган таркибига катта миқдорда шакар сақлаган препаратлар учун *Zygosaccharomyces rouxii* (NCYC 381, IP 2021,92) дан фойдаланиш тавсия этилади.

#### Экиладиган материални тайёрлаш

Юқорида кўрсатилган ҳар бир микроорганизмларнинг янги ўстирилган бирламчи культурасини синовга тайёрлаш учун бактерия ёки декстрозали Сабуро агарини антибиотик қўшмасдан ўстириш (2.6.12) ҳолатида замбуруғларни ўстириш ҳолатида соя-казеинли агар юзасига ўтказилади (2.6.12). Бактериялар культураларини 30-35 °C температурада 18-24 соат давомида инкубация қилинади. *C.albicans* 20-25 °C да 48 соат давомида ва *A.brasiliensis* 20-25 °C температурада 1 ҳафта давомида яхши ривожланган споралар ҳосил бўлгунча инку-

бацияланади. Микроорганизмларнинг оптимал культура-сини олиш учун уларни қайта экиш талаб этилиши мумкин, бироқ қайта экишлар сонини иложи борица минимумга тушириш тавсия этилади.

Бактериялар ва *C. albicans* культураларининг суспензиясини тайёрлаш учун микробли масса озик муҳити ёрдамида ювилиб, мос идишга ўтказилади. Сўнгра шу суюқликнинг ўзи билан микроорганизмлар миқдорини миллилитрда  $10^8$  бўлгунча етказилади.

*A. brasiliensis* суспензиясини тайёрлаш учун био-масса, таркибида 9 г/л *натрий хлорид R* ва 0,5 г/л *полисорбат 80 R* сақлаган суспензия ҳосил қилувчи стерил суюқлик билан ювилиб, шу суюқлик билан споралар миқдорини 1 миллилитрда  $10^8$  га етказилади. Ҳар бир суспензиядан дарҳол тегишли танлаб олиниб, мембранали филтрлаш ёки чашкада санаш усули ёрдамида уларнинг 1 мл да колония ҳосил қилувчи бир-лик сони аниқланади (2.6.12).

Олинган натижа экиш материалидаги микроорга-низмларнинг миқдорини аниқлашда ва синов ўтказишда қўлланиладиган микроорганизмларнинг бошланғич сони сифатида хизмат қилади. Суспензиялар тайёрлангандан кейин дарҳол фойдаланилиши керак.

## УСЛУБ

Инокуляцияланган маҳсулотларда яшовчан микро-организмларни санашда тегишли микроорганизмларни бирламчи культивация қилинганди қўлланилган агар-ланган озик муҳитдан фойдаланилади.

Синалаётган маҳсулот солинган контейнерга ҳар бир синов штаммининг 1 г ёки 1 мл препаратда микроорга-низмларнинг концентрацияси  $10^5$  дан  $10^6$  миқдоргача ҳосил бўлиши учун зарур бўлган миқдордаги суспен-зиясидан солинади. Суспензия ҳажми маҳсулот ҳаж-мининг 1 % дан ортиқ бўлмаслиги керак. Микроорга-низмларнинг бир текисда тақсимланишини таъминлаш учун яхшилаб аралаштирилади.

Инокуляцияланган маҳсулот 20-25 °C температурада, ёруғликдан химояланган жойда ушланади. Ҳар бир контейнердан бевосита инокуляциялангандан кейин ва маълум вақт оралиғида намуна одатда 1 г ёки 1 мл миқдорда олиниб, яшовчан микроорганизмлар миқдори чашкада (косачада) ҳисоблаш усули ёки мембранали филтрлаш усули ёрдамида аниқланади (2.6.12).

Дори препаратининг ҳар қандай қолдиқ антимикроб фаоллигини суўлтириш, филтрлаш ёки тегишли фаол-сизлантирувчлар ёрдамида бартараф қилиш лозим. Суўлтириш усулидан фойдаланилса, яшовчан микро-организмларнинг кўп бўлмаган миқдори аниқланганда, пасайган сезгирликни ҳисоблаш бўйича маълум меъёр киритилади. Фаолсизлантирувчлардан фойдаланганда, унинг иштироки микроорганизмлар яшовчанлик хосса-сига таъсир қилмаслиги назорат синовлари ёрдамида тасдиқланиши лозим.

Усулнинг яроқлилиги яшовчан микроорганизмлар сонининг талаб этиладиган даражагача камайитирили-шини исботлаш учун тасдиқланиши лозим.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНИ

Антимикроб фаолликни баҳолаш мезонлари 5.1.3.-1/2/3 жадвалда экиладиган материал таркибидаги яшов-чан микроорганизмларнинг сони билан солиштирилган ҳолда камайиб борувчи логарифм кўринишида келти-рилади.

### 5.1.3.-1.-жадвал.

*Парентерал, офтальмологик, бачадон ичи, интрамаммар дори препаратлари*

		Логарифмнинг камайиши				
		6 соат	24 соат	7 сутка	14 сутка	28 сутка
Бактериялар	A	2	3	-	-	НУ
	B	-	1	3	-	НУ
Замбуруғлар	A	-	-	2	-	НУ
	B	-	-	-	1	НУ

НУ – аниқланмади.

НУ – аввалги натижаларга солиштирганда яшовчан микро-организмлар миқдорида кўпайиш йўқ.

А мезон консервантнинг тавсия этилган самара-дорлигига мос келади. А мезонга эришиш дориларнинг, масалан, ножўя реакциялари содир бўлишининг эҳти-моли юқори бўлганлигига сабабли асосланган бўлса В мезон бажарилиши шарт.

### 5.1.3.-2.-жадвал.

*Қулоқ ва бурун ичига, терида суртиш ва ингаляцияга мўлжалланган дори препаратлари*

		Логарифмнинг камайиши			
		2 сутка	7 сутка	14 сутка	28 сутка
Бактериялар	A	2	3	-	НУ
	B	-	-	3	НУ
Замбуруғлар	A	-	-	2	НУ
	B	-	-	1	НУ

НУ – аввалги натижаларга солиштирганда яшовчан микро-организмлар миқдорида кўпайиш йўқ

А мезон консервантнинг тавсия этилган самарадор-лигига мос келади. А мезонга эришиш дориларнинг, масалан, ножўя реакциялари содир бўлишининг эҳти-моли юқори бўлганлигига сабабли асосланган бўлса, В мезон бажарилиши шарт.

### 5.1.3.-3- жадвал.

*Ичга қабул қилинувчи, оғиз шиллиқ қавати орқали киритиладиган ва ректал препаратлар*

		Логарифмнинг камайиши	
		14 сутка	28 сутка
Бактериялар		3	НУ
Замбуруғлар		1	НУ

НУ – аввалги натижаларга солиштирганда яшовчан микро-организмлар миқдорида кўпайиш йўқ.

Юқорида келтирилган мезонлар тавсия этилган самарадорликка мос келади.

03/2021:50104

#### 5.1.4. НОСТЕРИЛ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАР ВА ФАРМАЦЕВТИКАДА ҚўЛЛА- НИЛАДИГАН МОДДАЛАРНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТОЗАЛИГИ

Ностерил препаратларда айрим микроорганизмларнинг бўлиши, дори воситасининг терапевтик самардорлигини камайиши ва ҳаттоки, нофаоллигига олиб келиши мумкин. Бу пациент саломатлигига жиддий зарар туғдиради.

Шунинг учун ишлаб чиқарувчилар тайёр дори воситаларининг паст биоюкламасини дори воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва дистрибуция қилишда амалдаги зарур ишлаб чиқариш амалиётининг (GMP) қўлланмалари талабини бажариш орқали таъминлашлари керак. Ностерил маҳсулотларнинг микробиологик таҳлиллари 2.6.12 ва 2.6.13 умумий бўлимларда келтирилган усулларга мувофиқ ўтказилади. Ностерил фармацевтик маҳсулотлар учун аэроб микроорганизмларнинг (ТАМС) ва замбуруғларнинг (ТҮМС) умумий сонини санаш асосида қабул қилинган мезонлари 5.1.4-1 ва 5.1.4-2.-жадвалларда келтирилган.

Репликация ҳисоблашлари амалга оширилганда (масалан, тўғридан-тўғри экиш усулида), мақбуллик мезонлари алоҳида натижалар ёки ўртача репликация ҳисоб-китобларига асосланади.

Микробиологик тозаликнинг ўрнатилган мезонлари куйидагича изоҳланади:

- 10<sup>1</sup> КХҚБ: рухсат этилган максимал сон = 20;
- 10<sup>2</sup> КХҚБ: рухсат этилган максимал сон = 200;
- 10<sup>3</sup> КХҚБ: рухсат этилган максимал сон = 2000 ва

х.к.

5.1.4-1-жадвалда микдорига талаблар қўйилган алоҳида микроорганизм рўйхати келтирилган. Мазкур рўйхат тўлиқ бўлмай, муайян препаратнинг ишлаб чиқарилиш жараёни ҳамда дастлабки материалларнинг табиатидан келиб чиқиб, бошқа микроорганизмлар учун ҳам синовлар талаб этилиши мумкин.

Мақолада келтирилган синовларда микроорганизмлар сонини талаб этилган даражада ишончли аниқлашнинг имкони бўлмаса, ўрнатилган мезонга максимал яқин аниқлаш чегараси бўлган, валидация қилинган усул қўлланиши мумкин.

5.1.4-1.-жадвалда келтирилган микроорганизмлар рўйхатига қўшимча равишда, аниқланган бошқа микроорганизмларнинг мавжудлиги аҳамияти куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади:

- маҳсулот кўрсатмаси: киритилиш йўлига кўра хавфлилик даражаси ўзгаради (кўз, бурун бўшлиғи, нафас олиш йўллари);
- маҳсулот табиати: унинг ўсишни қўллаш қобилияти, микробга қарши консервантларнинг бўлиши;
- қўллаш усули;
- тахмин қилинган бемор: хавфлилик даражаси янги туғилган чақалоқларда, болаларда ва кучсизлашган беморларда турлича бўлиши мумкин;
- иммунодепрессантлар ва кортикостероидларнинг қўлланилиши;
- касалликлар, яралар, шикастланган аъзоларнинг мавжудлиги.

Зарур ҳолларда, тегишли омилларнинг хавфга асосланган баҳоланиши, микробиология ва микробиологик маълумотлар талқини бўйича махсус ихтисослаштирилган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Дастлабки материалларни баҳолашда ва маҳсулотни қайта ишланиши замонавий таҳлилий технологиялар ва талабга жавоб берувчи сифатли материаллар мавжудлиги ҳисобга олинади.

5.1.4 -1-жадвал.

Ностерил дори шакллари микробиологик тозаллиги учун қўйилган мақбуллик мезонлари

Юбориш йўли	ТАМС (КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл)	ТҮМС (КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл)	Текширилиши керак бўлган микроорганизмлар
Ичга ичилувчи сувсиз препаратлар	10 <sup>3</sup>	10 <sup>2</sup>	<i>Escherichia coli</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас
Ичга ичилувчи сувли препаратлар	10 <sup>2</sup>	10 <sup>1</sup>	<i>Escherichia coli</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас
Ректаль қўлланиш	10 <sup>3</sup>	10 <sup>2</sup>	-
Оромукозал юборилиши (оғиз бўшлиғини шиллик каватига суртилиши) Гингивал қўлланиш Сиртга қўлланиши Бурун бўшлиғига юборилиши Қулоқ бўшлиғига юбориш	10 <sup>2</sup>	10 <sup>1</sup>	<i>Staphylococcus aureus</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас <i>Pseudomonas aeruginosa</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас
Вагинал қўлланиш	10 <sup>2</sup>	10 <sup>1</sup>	<i>Pseudomonas aeruginosa</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас <i>Staphylococcus aureus</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас <i>Candida albicans</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас
Трансдермал пластрлар (1 пластр учун меъёр, елимли қават ва асосни ҳисобга олганда)	10 <sup>2</sup>	10 <sup>1</sup>	<i>Staphylococcus aureus</i> (1 пластрда) мавжуд эмас <i>Pseudomonas aeruginosa</i> (1 пластрда) мавжуд эмас
Ингаляцион қўлланиш (небулайзер учун қўлланадиган суёқ препаратларга махсус талаблар қўйилади)	10 <sup>2</sup>	10 <sup>1</sup>	<i>Staphylococcus aureus</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас <i>Pseudomonas aeruginosa</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас Ўт сафросига чидамли грамманфий бактерияларни (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмаслиги
◆ Микробга қарши қайта ишловнинг имкони бўлмаган ва компетентли орган томонидан дастлабки материаллари учун 10 <sup>3</sup> КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл юқори этиб белгиланган, келиб чиқиши табиий дастлабки материаллар тутувчи (хайвон, ўсимлик ёки минерал), ичишга мўлжалланган меъёрлаштирилган дори шакллари	10 <sup>4</sup>	10 <sup>2</sup>	Ўт сафросига чидамли грамманфий бактерияларни (1 г ёки 1 мл да) 10 <sup>2</sup> КХҚБ дан кўп бўлмаганлиги <i>Salmonella</i> (10 г ёки 10 мл да) мавжуд эмас <i>Escherichia coli</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас <i>Staphylococcus aureus</i> (1 г ёки 1 мл да) мавжуд эмас

◆ Келиб чиқиши (ўсимлик дунёсига мансуб) табиий бўлган ичга қўлланувчи дори воситаларига тавсия қилинган микробиологик тозаллик талаблари ◆ 5.1.8 умумий бўлимда келтирилган.

## 5.1.4.-2.-жадвал.

Фармацевтикада қўлланиладиган ностерил  
моддаларнинг микробиологик тозаллиги учун қўйилган  
мақбуллик мезонлари

	ТАМС(КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл)	ТҮМС(КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл)
Фармацевтикада қўлланиладиган моддалар	10 <sup>3</sup>	10 <sup>2</sup>

ИЗОХ: стерилизация қилинадиган стерил доривор  
воситаларни ишлаб чиқариш учун фармацевтикада  
фойдаланиладиган субстанциялар, агар хусусий  
мақолаларда бошқа кўрсатмалар бўлмаса,  
микробиологик тозаллигининг мезонлари қуйидагилардир:

- аэробларнинг умумий сони-10<sup>2</sup> КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл дан  
кўп бўлмаганлиги;  
- ачитқи ва могол замбуруғларининг умумий сони-10<sup>1</sup>  
КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл дан кўп бўлмаганлиги;  
- ўт сафросига чидамли грамманфий бактерияларни (1 г  
ёки 1 мл да) мавжуд эмаслиги;  
- *Pseudomonas aeruginosa* (1 г ёки 1 мл) мавжуд  
эмаслиги;  
- *Staphylococcus aureus* (1 г ёки 1 мл) мавжуд эмаслиги.  
Ишлаб чиқариш жараёнида стерилизация қилиб  
бўлмайдиган, стерил доривор воситаларни ишлаб  
чиқариш учун ишлатиладиган субстанциялар стерил  
бўлиши керак.

03/2021:50105

### 5.1.5. СУВЛИ ЭРИТМАЛАРНИ БУҒ УСУЛИДА СТЕРИЛЛАШДА F<sub>0</sub> КОНЦЕПЦИЯСИНING ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Мазкур бўлим маълумот учун нашр этилмоқда

Стерилизация жараёнида тўйинган буғнинг F<sub>0</sub> кий-  
мати – бу назарий Z-киймати 10 га тенг бўлган микро-  
организмлар билан таққослаганда, маҳсулотга унинг  
охирги қадоғида етказилган 121 °C ҳароратда минут-  
лардаги эквивалент вақт билан ифодаланган ўлиmdir.

Жараённинг F<sub>0</sub> умумий киймати ичига иссиқ ва совуқ  
босқичини олади ҳамда дискрет температуралар орали-  
ғида микроорганизмларнинг вақтга нисбатан ўлиши  
тезлигини интеграллаш йўли орқали ҳисобланиши  
мумкин.

Агар буғ стерилизацияси жараёнинг параметрлари F<sub>0</sub>  
концепцияси асосида танланган бўлса, у ҳолда ҳар бир  
серия стерилланаётган маҳсулотнинг етарлича стерил-  
лигини таъминлашга эришишга катта аҳамият берилиши  
лозим.

SAL ни 10<sup>-6</sup> га тенг ёки яхшироқ бўлишини таъмин-  
лаш учун микробиологик параметрлар рухсат этилган  
чегараларда бўлишини исботлаш учун жараёни  
валидациялаш учун қўшимча равишда кундалик иш  
давомида узлуксиз микробиологик назорат қилиш талаб  
этилади.

Буғ ёрдамида стериллашга нисбатан Z-киймати бу  
микроорганизмларнинг иссиқликка чидамлилиги темпе-

ратуранинг ўзгаришига боғлиқ бўлган киймат ҳисоб-  
ланади.

Z-киймати бу D-кийматни 10 баробар камайтириш  
учун керак бўлган температура ўзгаришидир. D-киймати  
(ёки кийматини ўн баробар камайтириш) – яшовчан микро-  
организмларнинг дастлабки сонидан 10 % гача камайти-  
рини таъминловчи стериллаш параметри (давомийлиги  
ёки ютилган доза) киймати. Ушбу катталик аниқ тажриба  
шароитларида аниқланган кийматдир.

Ҳисоблашлар учун қуйидаги математик ифодадан  
фойдаланилади:

$$F_0 = D_{121}(\log_{10} N_0 - \log_{10} N) = D_{121} \log_{10} IF$$

D<sub>121</sub> = 121 °C температурада стандарт споралар (5.1.2)  
учун D-киймати;

N<sub>0</sub> = яшовчан бактерияларнинг дастлабки сони;

N = яшовчан бактерияларнинг охириги сони;

IF = инактивация коэффиценти.

$$Z = \frac{T_2 - T_1}{\log_{10} D_1 - \log_{10} D_2}$$

D<sub>1</sub> = микроорганизмларни T<sub>1</sub> температурадаги  
D-киймати;

D<sub>2</sub> = микроорганизмларни T<sub>2</sub> температурадаги  
D-киймати;

$$IF = \frac{N_0}{N} = 10^{t/D}$$

t = экспозиция вақти;

D = микроорганизмларнинг экспозиция шароитидаги  
D-киймати.

03/2021:50106

### 5.1.6 МИКРОБИОЛОГИК ТОЗАЛИКНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРИ

Мазкур бўлим маълумот учун нашр этилмоқда

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар)  
изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши  
лозим.

**Генетик “бармоқ изи” (ёки ДНК фингерпринтинг)**  
– ҳар бир тирик мавжудот ДНК нуклеотидлар кетма-  
кетлигининг ўзига хослиги (битта тухум хужайрадан  
бўлган эгизаклардан таиқари) асосида индивидуумларни  
(организмларни) биологик идентификациялашнинг илмий  
усуллари тизими, индивидуал равишда ва бутун умр  
давомида ўзгаришсиз қоладиган “генетик из” (организм).

#### ҚИСҚАРТМАЛАР

DEFT – бевосита эпифлуоресцентли филтр усули

FISH – флуоресцентли *in situ* гибридланиш

RFLP – рестрикция фрагментлар узунлигининг  
полиморфизми

PFGE – импульсли гель-электрофорез

AFLP – фрагментлар узунлигининг кучайтирилган  
полиморфизми

RAPD – тасодифан амплификация қилинган  
полиморфли ДНК

VNTR – ўзгарувчан сонли тандемли такрорланишлар

## 1. УМУМИЙ КИРИШ

Мазкур бўлимнинг мақсади – иқтисодий самарадор бўлган микробиологик назоратга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда муқобил микробиологик усулларнинг тадбиқ этилиши ҳамда қўлланилишига ёрдам бериш ва фармацевтик маҳсулотлар сифатининг таъминланишини оширишдан иборатдир.

Европа фармакопеясида тавсифлаб ўтилган микробиологик усуллар деярли юз йил давомида қўлланилиб келинмоқда. Микроорганизмларни ҳисоблаш ва идентификация қилиш учун мўлжалланган ушбу усуллар ҳали ҳам микробиологлар учун ишончли хизмат қилмоқда. Ўн йилликлар давомида ушбу усуллар дори воситаларини ишлаб чиқарилишининг назорат қилинишида ва микробиологик хавфсизлигини таъминлашда алмаштириб бўлмайдиган ҳисобланади. Бирок микробиологик усуллар кўп вақтни олади, стериликка синовдан ўтказиш ҳолатида эса натижалар одатда 14 суткагача давом этадиган инкубация даврининг охиригача маълум бўлмаслиги мумкин.

Биобарин, ушбу усулларнинг натижалари камданкам ҳолатларда фаол тўғирловчи ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради. Микробиологик тозаликни назорат қилишнинг муқобил усуллари натижаларни янада эртaroқ тўғирловчи ҳаракатларнинг эҳтимоллиги билан реал вақтда ёки деярли реал вақтда олишнинг эҳтимоллигини кўрсатди. Ушбу янги усуллар агарда кундалик фойдаланиш учун валидация қилинган ва мослаштирилган бўлса, синовнинг сифатини сезиларли тарзда яхшиланишига олиб келиши ҳам мумкин.

Муқобил усуллардан фармацевтик маҳсулотларнинг қайта ишланаётган намуналари учун, хусусан, Жараёнларни таҳлил қилиш технологияси (РАТ) қўллаш учун, атроф муҳитнинг мониторинги учун ва саноат корхоналари учун (масалан, сув, буғ ва ҳ.з. ишлаб чиқарилиши ва тақсимланиши) фойдаланиш мумкин бўлиб, бу эса ушбу маҳсулотларнинг сифатини назорат қилинишига ёрдам беради.

Ушбу бўлимда фармацевтикада қўлланилиши учун тавсия этиладиган янги микробиологик усуллар тавсифлаб ўтилган. Ҳар бир усул учун асосий тамойил тавсифлаб ўтилган, ҳисобга олиниши зарур бўлган танқидий қирралари билан бирга усулнинг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама этилган. Мос келувчи усулнинг тамойиллари асосида қўлланилишнинг потенциал вариантлари келтириб ўтилади, аммо бу бундай дастурлар амалга оширилганлиги ёки рўйхат тўлиқ эканлигини аниқлатмайди.

Ушбу бўлим бир усулни бошқа усулнинг ўрнига тавсия этиш учун, фармацевтик микробиологик назорат учун қўлланилиши мумкин бўлган муқобил усулларнинг эксклюзив ёки тўлиқ рўйхатини таъминлаш учун мўлжалланмаган. Бирок ушбу информацион бўлим муқобил микробиологик усулнинг қўшимча ёки фармакопеяли микробиологик ёндашувларга муқобил сифатида танлаш жараёнида, ҳамда танланган усул валидацияси жараёнининг услубий тамойилларини тавсия этиш учун қўлланилиши мумкин. Фармакопеяда тавсифлаб ўтилган қўлланилувчи ҳар қандай усул эталон усул ҳисобланади. Тезлик билан ривожланаётган ушбу соҳада эҳтимол, бу ерда тавсия этилган бошқа усуллар ва қўлланмалар пайдо бўлиши мумкин бўлиб, улар ушбу ҳолатларда тенг равишда қўлланилиши мумкин.

Микробиологик синовлар учун хос бўлган 3 та асосий таъриф турлари мавжуд:

- микроорганизмларнинг мавжуд эканлиги ёки йўқ эканлигига сифат синовлари;
- микроорганизмлар сонини ҳисоблаш бўйича миқдорий синовлар;
- идентификацион синовлар.

### 1-1. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ МАВЖУД ЭКАНЛИГИ ЁКИ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИГА СИФАТ СИНОВЛАРИ

Стандарт микробиологик таҳлилда синовнинг ушбу тури синовдан ўтказилаётган намунада яшовчан микроорганизмлар мавжудлигини, тиникликнинг ўзгариши ва озиқ муҳитидаги микроорганизмларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлган бошқа ўзгаришларни тасдиқлаш учун фойдаланиш билан тавсифланади. Ушбу синовнинг энг одатий намунаси – стерилликка текширувдир. Ушбу турдаги синовларнинг бошқа намуналари намунада аниқ турдаги яшовчан микроорганизмларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган синовлар ҳисобланади. Стерилликка бўлган одатий синов, масалан, биолюминесценция ёки қаттиқ фазали цитометрияга, газ ёки автоматик флуоресценцияни аниқлашга асосланган синовга алмаштирилиши мумкин. Микоплазмаларни аниқлаш учун (2.6.7) нуклеин кислоталарни амплификация қилиш усуллари (NAT) (2.6.21) ҳам фойдаланиш мумкин.

### 1-2. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ СОНИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА МИҚДОРИЙ СИНОВЛАР

Мембранали филтрация ва косачали ҳисоблаш усуллари намунада мавжуд бўлган яшовчан микроорганизмларнинг сонини баҳолаш учун қўлланиладиган стандарт усуллар ҳисобланади. Энг эҳтимоли бўлган сон усули (MPN) – бундай усулларнинг бошқа намунаси бўлиб, намунада мавжуд бўлган ва косачаларга бевосита экилмайдиган яшовчан микроорганизмларнинг сонини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган. Автофлуоресценция, окимли цитометрия, тўғри эпифлуоресцентли филтр усули (DEFT) ва қаттиқ фазали цитометрия ҳам муқобил ҳисоблаш усулларининг намуналари ҳисобланади.

### 1-3. ИДЕНТИФИКАЦИЯ СИНОВЛАРИ

Номаълум бўлган микроорганизмнинг биокимёвий ва морфологик хусусиятлари – бу идентификациянинг классик усулидир. Ишлаб чиқилган янги усуллар, айниқса, натижаларни қайта ишлаш, уларни таҳлил қилиш ва сақлаш соҳасида ушбу идентификациянинг кўпчилик элементларини тезлаштирди ва автоматлаштирди. Ушбу усулларда бирлаштирилган қатор янги ёндашувлар биокимёвий реакциялар, углеродли субстратнинг ютилиши, ёғ кислоталари таркибининг тавсифномаси, комбинацион сочилишнинг масс-спектроскопия ва раман спектроскопияси, эндонуклеаз ва прокариотлар учун 16S rРНК генлари кетма-кетлигини таҳлил қилиниши каби геномни секвенирлаш усуллари фойдаланишни ўз ичига олади.

Анъанавий биокимёвий ва фенотипик усуллар генотипик усулларга нисбатан камроқ аниқ ва равшан бўлиб чиқди.

Аниқ идентификациялаш учун тоза културалар талаб этилади ва бундай културалар янги бўлиши ҳамда мос келувчи муҳитларда ўстирилиши керак.



Маълумотлар базаси тизимларнинг қисми ҳисобланади ва бирламчи валидацияга киритилган бўлади. Идентификация усуллари маълумотлар базасидан фойдаланишга боғлиқ бўлгани учун, микроорганизмлар тарафини намоён қилувчи диапазонга (оралик) нисбатан маълумотлар базасини қамраб олиниши даражаси валидацияда эътиборга олиниши керак. Мос келувчи дастурий таъминот маълумотлар базасини созлашга имконият бериб, шу орқали фойдаланувчига аввал киритилмаган микроорганизмларни қўшиш имкониятини беради. Ушбу имконият валидация вақтида кўриб чиқилиши керак.

## 2. МУҚОБИЛ УСУЛНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Муқобил микробиологик усулларда детекторлашнинг бевосита ва билвосита усулларида фойдаланилиб, қатор ҳолатларда сигналнинг кучайиши бойитиш усуллари билан эришилади. Ушбу фарқларни ҳисобга олган ҳолда ва уларни кўриб чиқилишининг қулайлиги учун ушбу бўлимнинг доирасида микробиологик тозаликни назорат қилишнинг муқобил усуллари 3 та тоифага ажратилган:

- микроорганизмларнинг ўсишига асосланган усуллар, бу ерда детекторловчи сигнал одатда ўсишнинг маълум давридан кейин олинади;

- бевосита ўлчаслар, бу ерда алоҳида хужайралар дифференциация ва/ёки визуализация қилинади;

- хужайравий компонентларнинг таҳлили, бу ерда специфик хужайралар компонентларининг экспрессияси микроблар мавжудлигининг билвосита баҳоланиши ва микроорганизмларнинг идентификацияси учун фойдаланилади.

Қатор ҳолатларда тақдим этилган фарқланишлар сунъий ҳисобланади, бироқ, улар ишчи таснифланишни ўтказиш имкониятини беради.

### 2. 1. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ЎСИШИГА АСОСЛАНГАН УСУЛЛАР

#### 2-1-1. Ўсишни эрта аниқлашга асосланган усулларнинг умумий асосий хусусиятлари

Ушбу усуллар сезиларли даражада микроорганизмларнинг ўсиши билан боғлиқдир, бу эса микроорганизмларнинг мавжуд эканлигидан ва/ёки сонидан далолат беради. Дори воситаларида паст даражали микробли контаминацияда, уларнинг аниқланиши 24 ва ундан ортиқ соатни талаб этиши мумкин. Усулнинг сезгирлигини ортишига намуналарнинг филтрацияси ёрдамида эришиш мумкин. Ушбу ҳолатда филтрациядан сўнг мембранали филтр озиқ муҳида инкубация қилинади, натижалар эса филтрланаётган ҳажмга мос равишдаги миқдорда мавжуд эканлиги ёки йўқлиги сифатида ифода этилади. Ушбу синовлардан миқдорий аниқлаш учун эмас, балки фақатгина намунанинг таҳлил қилинаётган миқдорида микроорганизмларнинг мавжуд эканлиги/йўқлигини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин, чунки уларда суяқ муҳидаги инкубация босқичидан фойдаланилади. Биттадан ортиқ намунанинг таҳлил қилиниши ярим миқдорий баҳолаш билан (чегаравий миқдорга синов) ўтказилиши мумкин. Классик усулларга нисбатан кўпинча бундай усулларнинг асосий афзалликлари кўп сонли намуналарнинг бир вақтда таҳлил қила олиш хусусияти ва натижаларни минимал муддатларда олиш имконияти ҳисобланади.

Қуйида тавсифлаб ўтилган усуллардан миқдорий, ярим миқдорий ёки сифатли таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Улар шунингдек, деструктив эмас, шунинг учун микроорганизм кейинчалик идентификация қилиниши мумкин.

#### 2-1-2. Электрохимий усуллар

*Ўлчов тамойиллари.* Мос келувчи озиқ муҳитларида кўпаядиган ва метаболизация қиладиган микроорганизмлар суств зарядланган органик озиқ моддалардан кучли зарядланган ионли метаболитларни ишлаб чиқаради, бу эса ушбу муҳитлардаги электр хусусиятларининг модификациясига олиб келади. Қаршилиқнинг ушбу ўзгаришлари (электр ўтказувчанлик ёки ҳажмни ўлчаш йўли билан ўлчанади) озиқ муҳитига туширилган ва унга тегиб турадиган электродлар билан ўлчанади. Ўлчанадиган охириги нукта – бу қаршилиқнинг аввалдан аниқланган ўзгаришини аниқлаш учун сарф этилган вақт; микроорганизмларнинг алоҳида турлари учун бирламчи инокулят ўлчамига тескари пропорционал тарзда сарфланган вақт. Электр қаршилиқда фақатгина бир оз ўзгаришларни келтириб чиқарадиган ачитқи ва моғор замбуруғлари учун одатда ўтказувчанликнинг билвосита ўлчови қўлланилади. Ҳажмнинг бевосита ўлчовига ҳам йўл қўйилади.

*Критик жиҳатлар.* Бу ерда бошланғич микробли даража ва аниқланадиган охириги нукта орасида тўғри боғланиш мавжуд эмас.

*Қўлланилишининг потенциал соҳаси.* Антителоларнинг микробиологик таҳлили, антимикробли консервантлар самарадорлигини баҳолаш ва яшовчан анаэроб микроорганизмларнинг мавжудлиги/йўқлигини баҳолаш.

#### 2-1-3. Истеъмол қилинадиган ёки ишлаб чиқариладиган газнинг ўлчови

*Ўлчов тамойиллари.* Мос келувчи озиқ муҳитидан микроорганизмларнинг фаол кўпайиши ва метаболизми йўли билан фойдаланилади, бу эса метаболитларнинг ишлаб чиқарилиши ёки муайян озиқ моддаларнинг йўқ қилинишига олиб келади. Ушбу усуллар микробларнинг ўсишини ёки газ таркибининг ўзгаришига жавобан датчик электр хусусиятларининг ўзгариши бўйича ёки ушбу датчик билан мулоқот вақтида ўсиш муҳидаги физик-химий ўзгаришларга жавобан датчикнинг колориметрик ўзгаришлари бўйича аниқлайди. Тизимлар деструктив бўлмаган усулларга асосланган бўлиб, улар микроорганизмлар штаммларини кейинчалик идентификация қилиниши ёки турларга ажратиш имкониятини беради. Бактериялар ва/ёки замбуруғлар ёпиқ контейнерларда ўстирилиши мумкин ва узлуксиз мониторинг автоматлаштирилган асбобларни қўллаган ҳолда ўтказилиши мумкин бўлиб, улар газнинг ажрелиши (масалан, CO<sub>2</sub>) ёки ютилишини (масалан, O<sub>2</sub>) микроорганизмлар ўсишининг суррогат маркерлари сифатида ўлчайдилар. Бундан ташқари, метаболитларнинг ишлаб чиқарилиши ёки озиқ моддаларнинг етиштирилиши pH ёки оксидланувчи-тикланувчи потенциалнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Ушбу барча ўзгаришлар ўсиш муҳидаги колориметрик маркерларнинг ўзгариши сифатида ёки бевосита ёки билвосита ўлчаниши мумкин.

*Критик жиҳатлар.* Бошланғич микробли даража ва аниқланадиган охириги нукта орасида тўғри боғланиш мавжуд эмас. Микроорганизмнинг инкубация температураси, физиологик ҳолат ва тури, бошланғич юклама ва маълумотларга қайта ишлов беришнинг алгоритми нати-

жаларга ёки аниқлаш учун сарф этиладиган вақтга сезиларли таъсир этиши мумкин.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Фильтрланувчи ва фильтрланмайдиган намуналарнинг (масалан, охирги дори препаратлари, жараёндаги назорат намуналари, тўлдиригич ёки контейнерлар бутунлигини синовдан ўтказилиши) мавжуд эканлиги/йўқлигини синовдан ўтказиш.

#### 2-1-4. Биоломинесценция

**Ўлчов тамойиллари.** Аденозинтрифосфат (АТФ) хужайралар ҳаётидаги яхши ўрганилган маркер ҳисобланади.

Ушбу усулда АТФ энг аввало, микроорганизмлардан намунада мавжуд бўлган АТФ миқдорига пропорционал бўлган ёруғлик тарқатувчи люциферин/люциферазли ферментли тизимдан фойдаланган ҳолда, кейинчалик миқдорий аниқлаш билан мос келувчи ажратиб олувчи модда ёрдамида ажратиб олинishi керак. Сигнал – шовқин нисбати АДФ нинг қўшилиши ва ушбу АДФ нинг АТФ га айлантириш йўли билан кўпай-тирилиши мумкин.

Сифат усули: микроорганизмлар суюқ муҳитда етиштирилади. Тарқалаётган ёруғлик биоломинесценция ёрдамида ўлчанади ва нисбий ёруғлик бирликларида (RLU) ифодаланади (масалан, пробиркадаги ёки микротитрлаш учун планшет ўйиғидаги биоломинесценция). Намунадан олинган RLU аввалдан аниқланган бўсага қиймати билан таққосланади. Агарда, таҳлил қилинаётган синама билан олинган RLU бўсага қийматидан ортик бўлса, натижа мусбат ҳисобланади.

Миқдорий усул: мембранада ушлаб қолинган ва агарлашган (агаризованной) муҳитда инкубация йўли билан етиштирилган микроорганизмлар.

Зарядланган боғланишли асбоб билан камерадан (CCD) фойдаланган ҳолда, микроколониялардан ажратиб олинган АТФ ёруғлигининг тарқалиши бўйича аниқланиши, ва эҳтимол миқдорий аниқланиши мумкин.

**Критик жиҳатлари.** Агар намуна бактериал ифлосланишининг юқори даражасига эга бўлса, у ҳолда унинг аниқланиши тезроқ рўй беради. Ифлосланишнинг паст даражалари учун културал муҳитдаги (суюқ ёки қаттиқ) инкубацияни қўллаган ҳолда микроорганизмларнинг сонини кўпайтириш зарурдир. АТФ маҳсулдорлиги бир микроорганизмдан бошқасига қараб ўзгаради ва бир нечта омиллардан, шу жумладан, хужайраларнинг турлари, ўсишининг фазаси, озикланиш ҳолати, хужайравий стресс ёки хужайравий ёшга боғлиқ бўлади. Хираланиш, намунанинг ранги ёки маҳсулот матрицасининг таъсири каби қўшимча омиллар ҳам биоломинесценциянинг ўлчовига таъсир этиши мумкин. АТФ ажратиб олинishi, одатда, деструктив жараён бўлиб, у аниқланган микроорганизмлар идентификациясидаги кейинги эҳтиёжга муносиблиги бўйича баҳоланиши керак.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Фильтрланувчи ва фильтрланмайдиган намуналарнинг (масалан, охирги дори препаратлари, жараёндаги назорат намуналари, муҳитнинг тўлдирилиши) мавжуд эканлиги/йўқлигини синовдан ўтказиш, анаэроб микробларнинг умумий сони (ТАМС), атроф-муҳит ва сувнинг мониторинги, антимикробли препаратларнинг сақланиш самарадорлигини тестдан ўтказиш.

#### 2-1-5. Турбидиметрия

**Ўлчов тамойиллари.** Микроорганизмларнинг ўсиши муҳитнинг кўринувчан хиралашувини келтириб чиқаради. Ушбу ўзгариш белгиланган тўлқин узунлигидаги

оптик зичликда ўлчаш йўли билан миқдорий тўғри аниқланиши мумкин. Бундай оддий шаклда ушбу ўлчовлар стандарт спектрофотометрда одатда 420 – 615 нм диапазондаги тўлқинлар узунлигида ўтказилади. Микропланшетларни қўллаган ҳолда муқобил автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланилиб, улар оптик зичликдаги ўзгаришларни эрта аниқлаб, маълумотларни доимий ҳисоблашни ўтказишнинг имкониятини беради.

**Критик жиҳатлар.** Аниқланган вақтдан бошлаб микробли контаминациянинг бошланғич қийматларини экстраполяция қилишга уринишлар қилинган, бироқ, бу ҳолат фақатгина кўпаядиган ўсиш хусусиятларига эга бўлган интактли микроорганизмлар учун мос келади.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Фармакопеяли синовларда фойдаланиш учун калибрлашган эгриликлар ёрдамида микробли суспензиялар инокулянтининг ўлчовини аниқлаш. Автоматик режимда антибиотикларнинг микробиологик таҳлили ва антимикробли сақланишнинг самарадорлигини синовдан ўтказилиши амалга оширилади.

#### 2-1-6. Селектив ва/ёки индикатив муҳитлардан фойдаланган ҳолда ўсишнинг аниқланиши.

**Ўлчов тамойиллари.** Мос келувчи субстратлар ёрдамида маълум ферментларнинг аниқланиш имконияти микроорганизмлар идентификациясини қўл билан ёки автоматлаштирилган асбобларни қўллаган ҳолда кўп сонли услубларнинг ишлаб чиқилишига олиб келди. Микроорганизмларни ажратиб олиш учун селектив ёки селектив бўлмаган бирламчи муҳитга бундай субстратларнинг киритилиши маълум микроорганизмларнинг идентификацияси учун кейинчалик ўтказиладиган пассаж ва биокимёвий тестларни истисно қилади.

Хромоген суюқ ёки қаттиқ озик муҳитлари микроорганизмларнинг аниқланиши ва дифференциация қилиш ўтказиладиган специфик ферментли фаоллик учун шароитларни таъминлайди. Ушбу специфик муҳитларнинг таркибига маълум субстратлар киритилиб, улар ўсиш жараёнида ушбу бактерия ёки замбуруғнинг специфик хужайравий ферменти томонидан гидролизланади. Ушбу субстратлар рангли индикаторлар билан боғланган бўлиб, диагностик ферментатив фаолликка мувофиқ танланади. Бундан ташқари хромогенли бўлгон контаминацияни эрта ёки яхшиланган аниқланиши учун қўлланилиши мумкин (масалан, муҳитнинг тўлдиригичларида ёки бўлгон асосида аниқлаш усулида).

Инновацион муҳитларнинг қўлланилиши қатор афзалликларга эгадир, айнан: аралаш културада колонияларнинг яхшиланган дискриминацияси, қўлланилишнинг оддийлиги ва интерпретациянинг оддийлиги. Бундан ташқари, жавоб қайтариш вақти камроқ бўлади, чунки микроорганизмнинг ўсиши ва идентификацияси бир вақтда рўй беради.

**Критик жиҳатлар.** Услубнинг спецификлиги, селективлиги ва барқарорлигини тасдиқловчи муҳитнинг пухта валидацияси ўтказилиши лозим. Сигналнинг сифати нафақат детекторлашнинг тамойили сифатида фойдаланиладиган ферментларнинг пухталики билан танланишига (чунки ушбу ферментлар турли микроорганизмларда мавжуд бўлиши мумкин), балки муҳитнинг рН каби физик-кимёвий хусусиятларига ҳам асосланади.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Маълум микроорганизмларнинг аниқланиши ва сифатли синовдан ўтказиш (масалан, муҳитнинг тўлдирилиши ва контейнер

беркилишининг синови) ва миқдорий синовдан ўтказилиши (масалан, сувнинг синовдан ўтказилиши).

## 2-2. БЕВОСИТА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

### 2-2-1. Каттиқ фазали цитометрия

*Ўлчов тамойиллари.* Микроорганизмлар яшовчанликка конъюгацияланган, дастлаб флюорогенли бўлмаган флуорофор билан таъсир қилиш йўли билан бўялади. Шикастланмаган хужайравий мембрана цитоплазмада флуорофорнинг сақланиши ва тўпланиши учун зарурдир. Метаболик фаол микроб хужайралари ичида конъюгат ферментатив тарзда парчаланади ва флуоресцентли ҳосила хужайра ичига чиқарилади. Микроорганизмлар бўялишдан аввал ёки кейин мембранали филтрга ййгилади.

Мембранали юзалар яшовчан – бўялган хужайраларни сақлаган ҳолда, кейин лазер нури билан сканерланади ва эпифлуоресцентли таъсирот якка, яшовчан флуоресцентли микроорганизмларни аниқлаш имкониятини беради. Мос келувчи дастурли таъминот яшовчан микроорганизмларни автофлуоресцентли заррачалардан дифференциация қилишга йўл беради. Усулнинг юқори сезгирлиги ва тезкорлиги микробли ифлосланишни бир неча соатлар давомида аниқлаш имкониятини беради. Хужайраларнинг умумий сони (яшовчан ва яшовчан бўлмаган) флуоресцентли бўяш ёрдамида олиниши мумкин бўлади.

*Критик жиҳатлари.* Ушбу усул ёрдамида метаболик фаол, қийин ўстириладиган ёки ўстиришнинг имкони бўлмаган микроорганизмларни аниқлаш мумкин. Бу эса синовдан ўтказилаётган намуналар учун белгиланган микробиологик меъёрларнинг ортиқча баҳолалишига олиб келиши мумкин. Спораларни аниқлаш учун уларнинг ўсишини қайта фаоллаштириш лозим бўлади. Маълум бўлган турнинг битта хужайрасини аниқлаш мумкин, бироқ, изолятларни аниқлашнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Сохта позитив аниқланишлар микроорганизмлардан фарқланиши қийин бўлган автофлуоресцентли заррачалар туфайли вужудга келиши мумкин. Микроколонияларнинг ўсиши сигналнинг фарқланиши ва кучайишига ёрдам бериши мумкин.

*Қўлланилишининг потенциал соҳаси.* Микробли контаминацияни носпецифик баҳолашнинг тез ва сезгир усули.

### 2-2-2. Оқимли цитометрия

*Ўлчов тамойиллари.* Флуорофор билан белгиланган микроорганизмлар цитометрнинг оқимли кюветаси орқали ўтаётган вақтда аниқланиши мумкин. Яшовчан микроорганизмларни яшовчан бўлмаган заррачалардан микроорганизмларнинг яшовчанлигини аниқлайдиган флуорофор ёрдамида фарқлаш мумкин бўлади (2-2-1 га қаралсин). Хужайралар суспензиясининг оқими ингичка каналда ёйилади ва флуорофорни кўзгатувчи лазер таъсирида бўлади. Микроорганизмлар ва заррачалар кейин уларнинг таркибида флуоресцентли хужайранинг мавжудлигига боғлиқ тарзда турли каналларда саналади.

*Критик жиҳатлар.* Тўғри оқимли цитометрия ҳам филтрланувчи, ҳам филтрланмайдиган материалларнинг микробиологик таҳлилда, ҳамда контаминациянинг даражаси паст бўлган ҳолатда мумкин бўлган бойитишдан кейин қўлланилиши мумкин. Ушбу усул деярли тўлиқ аниқланишни беради, бироқ у каттиқ фазали цитометрия сингари сезгир эмас. Фармацевтик соҳада қўлланилишда сезгирликни ошириш учун,

кўпинча културал муҳитга инкубация усулининг қўшилиши зарур бўлиб, бу эса ўсиш ва бевосита аниқлашга асосланган усулларнинг комбинациясига олиб келади. Заррачаларнинг ўлчами ва сони маҳсулдорликка сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин ва намуналар серияли суюлтиришларни талаб этиши мумкин.

Мембранали фильтрациянинг қўлланилишидан мустасно тарзда, аналогик ҳолат каттиқ фазали цитометрияда ҳисобга олиниши мумкин. Бактерияларнинг (масалан, *Staphylococcus aureus*) агглютинацияси ҳам муаммо бўлиши мумкин.

*Қўлланилишининг потенциал соҳаси.* Каттиқ фазали цитометриядан фарқли равишда ушбу усул ўзида каттиқ заррачалар сақловчи, ҳамда филтрланмайдиган материалда микроорганизмларнинг контаминациясини аниқлаш ва ҳисоблаш учун қўлланилиши мумкин. Агарда инкубациядан аввалги ёндошув талаб этилса, усул сифат синовига айланади.

### 2-2-3. Бевосита эпифлуоресцентли фильтрация усули (DEFT)

*Ўлчов тамойили.* Ушбу усул каттиқ фазали цитометриянинг ўтмишдоши ҳисобланиши мумкин. Намунадан фильтрация йўли билан тўпланган микроорганизмлар илгари флуоресцентли бўёқ (олдин сарғиш акридин билан бўялган, ҳозирги вақтда 4',6-диамидин-2-фенилиндол (DAPI)) кенг қўлланилиб, у эпифлуоресцентли ёритиш йўли билан детекторланиши мумкин. Каттиқ фазали цитометрияда қўлланиладиган яшовчан хужайраларни флуоресцентли бўяш услуби (2-2-1 бўлимга қаралсин), DEFT га берилувчан бўлади ва 5-циано-2,3-дитолилтетрзолия хлорид (СТС) сингари флуоресцентли оксидланувчи-тикланувчи бўёқлардан тирик хужайраларни аниқланиши учун фойдаланиш мумкин. Микроскопия билан биргаликда ушбу усул микроорганизмларни тезда аниқлаш имкониятини беради, унинг мутлоқ сезгирлиги филтрланувчи маҳсулотнинг ҳажми ва ўрганилаётган кўрув майдонлари сонига боғлиқ бўлади. Автофокуслашнинг ярим автоматик тизимлари тасвири таҳлил қилиш билан биргаликда ушбу усулнинг кенгайтирилган тарзда қўлланилишига ёрдам бериши мумкин. Усулнинг модификацияси мавжуд бўлиб, унда намуналарнинг олиниши ёпишқоқ материални қўллаган ҳолда амалга оширилади, бу эса кейинчалик хужайраларни бўяш ва эпифлуоресцентли микроскоп орқали визуал кузатиб, уларни юзадан ййгиш имкониятини беради.

*Критик жиҳатлари.* Мембранада микроорганизмларнинг тақсимланиши усулнинг барқарорлигига таъсир этади. Флуоресценциянинг интенсивлигига бўяш жараёни ва микроорганизмларнинг метаболик ҳолати таъсир этиши мумкин. Флуоресценция албатта яшовчанликнинг кўрсаткичи ҳисобланмайди. Културанинг филтёр юзасида бўялишгача қисқа муддат бўлиши микроколонияларнинг шаклланишига олиб келади, улар эса енгил бўялади, осон саналиши мумкин ва яшовчанликнинг исботи ҳисобланади.

*Қўлланилишининг потенциал соҳаси.* Дастлабки суюлтиришлар ёки дастлабки фильтрация даврий равишда қовушқоқ ёки дисперсли маҳсулотлар учун қўлланилганлигига қарамасдан, DEFT қовушқоқлиги паст бўлган суюқликлар билан чегаралангандир. Микробли контаминациянинг кузатувлари суюқ фармацевтик препаратлар учун муваффақиятли қўлланилган.

## 2-2-4. Автофлуоресценция

**Ўлчов тамойиллари.** Микроорганизмларда эндоген флуоресцентли молекулалар ва метаболитларнинг (масалан, NADPH, флавопротеинлар) бўлишлиги эрта аниқлаш ва микроколониялар ёки алоҳида ҳужайраларни микдорий аниқлаш имкониятини беради. Бевосита аниқлаш учун, алоҳида микроорганизмнинг лазер билан индуцирланган автофлуоресценцияси детектор билан ушлаб қолинади, шу билан бир вақтда ўсишга асосланган тизимлар учун инкубация даври давомидаги агарлашган муҳитдаги мембрана юзасини автоматик кетма-кет визуаллашувидан фойдаланилади ва тасвирларнинг бири-бирига қўйилиши ўстирилган колонияларни флуоресцентли заррачалардан фарқлай олиш имкониятини беради. Нурланаётган ёруғлик CCD-камера билан аниқланади. Путур етказмаган ҳолда аниқлаш контаминантларни инкубацион даврининг охирида аниқлаш имконини беради.

**Критик жиҳатлари.** Ўсишга асосланмаган текширувларда яшовчан, аммо, ўстирилмайдиган микроорганизмлар аниқланиши мумкин. Ўстириладиган ва яшовчан, аммо, ўстирилмайдиган микроорганизмлар ва ёки бошқа заррачалар орасида фарқлашда кийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Атроф-муҳитни кузатиш, синамани жараён давомида филтрлаш, сувни текшириш ҳамда стерил ва ностерил қўлланишлар учун маҳсулотни чиқариш.

## 2-3. ҲУЖАЙРАВИЙ КОМПОНЕНТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

### 2-3-1. Фенотипик услублар

#### 2-3-1-1. Иммунологик усуллар

**Ўлчов тамойиллари.** Антитело-антиген реакцияларидан маълум микроорганизмларда махсус ҳужайравий хусусиятларни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Ушбу реакциялар ҳам сифат, ҳам микдорий аниқланишнинг имкониятини берувчи агглютинация реакцияси, колориметрик ёки флуориметрик текширувлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Каттик фазали иммуноферментли таҳлил (ELISA) кўпгина оддий каттик фазали усуллар учун асос ҳисобланади.

**Критик жиҳатлари.** Иммунологик детекторлаш усуллари специфик идентификаторларнинг ноёб экспрессиясига боғлиқ бўлади, бироқ, яшовчан микроорганизмларнинг мавжудлигини албатта тасдиқламайди.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Маълум микроорганизмларни аниқлаш ва идентификация қилиш.

#### 2-3-1-2. Ёғ кислоталарининг профиллари

**Ўлчов тамойиллари.** Микроорганизмлар ёғ кислоталарининг таркиби барқарор бўлиб, аниқ белгиланган ва турли таксонометрик гуруҳлар доирасида юқори даражадаги гомогенлик билан тавсифланади. Изоляция қилинган микроорганизмлар стандарт муҳитда етиштирилади ва йиғилади. Ёғ кислоталари совунланади, метилланади ва ажратиб олинади. Ёғ кислоталарининг олинган мураккаб метилли эфирларининг мавжудлиги ва сони юқори аниқликдаги газли хроматография ёрдамида ўлчанади. Синовдан ўтказилаётган изоляция қилинган культура ёғ кислоталарининг таркиби эҳтимоли бўлган мос келувчанлик ва идентификация учун маълум микроорганизмларнинг маълумотлар базаси билан таққосланади.

**Критик жиҳатлар.** Микробиологик идентификация учун ёғ кислоталари профилларининг қўлланилиши

юқори даражадаги стандартизацияни талаб этади. Микробли ҳужайралар ёғ кислоталари таркибини аниқлаш учун изоляция қилинган микроорганизмларнинг ўстирилишини стандарт муҳитлар ва инкубациянинг стандарт шароитлари билан таъминланиши жуда муҳимдир. Хроматографик таҳлилнинг стандарт шароитлари қўлланилиши керак бўлиб, калибрлашган стандартлар ва изоляция қилинган маълум микроорганизмларнинг кўп маротаба аниқланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Атроф – муҳит ва маҳсулотнинг микробли ифлосланишини идентификация қилиш ёки тавсифлаш (ифлослантирувчиларни кузатиш ва маълум микроорганизмларни аниқлаш).

### 2-3-1-3. Фурье – трансформацияси билан инфрақизил соҳада спектроскопия (FTIR).

**Ўлчов тамойиллари.** Интакти микроорганизмларнинг ИҚ-спектрининг Фурье - трансформацияси микроорганизмларнинг таксономик гуруҳлари учун хос бўлган барқарор, танилувчан образни беради. Фурье-трансформацияси билан ИҚ-спектрининг таҳлили сотувда бўлган асбобларда бажарилиши мумкин. Изоляция қилинган култура стандарт муҳитда ўстирилади ва йиғилади. Ҳужайравий масса ташувчига ўтказилади ва ИҚ спектр олинади. Фурье - трансформацияси ўтказилади ва олинган спектр мос келувчанлик ва идентификацияни танлаб олиш учун маълум изоляция қилинган култураларнинг маълумотлар базаси билан таққосланади.

**Критик жиҳатлар.** Фурье-трансформацияси билан ИҚ спектрлар намуналарининг қўлланилиши юқори даражадаги стандартизацияни талаб қилади. Фурье трансформацияси билан ИҚ-спектрларидан фойдаланиш учун изоляция қилинган микроорганизмларнинг ўстирилишини стандарт муҳитлар ва инкубациянинг стандарт шароитлари билан таъминланиши жуда муҳимдир. Таҳлил қилишда ҳужайралар ўсиш циклининг бир хил ҳолатида бўлиши керак ва валидация бўйича иш-ларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Ташқи муҳит ёки маҳсулотнинг микробли контаминациясини идентификация қилиш ёки тавсифлаш (контаминантларни кузатиш ва муайян микроорганизмларни аниқлаш учун).

### 2-3-1-4. Масс-спектрометрия

**Ўлчов тамойиллари.** Изоляторларнинг микроорга- низмларига вакуумда лазер билан таъсир қилганда ажра- ладиган ионлашган заррачалар характерли спектрларни олган ҳолда масса — спектрометрия билан таҳлил қили- ниши мумкин. Бундай спектрлар маълум бўлган профиллар билан таққосланиши мумкин.

**Критик жиҳатлар.** Таҳлил қилишдан аввал изоляция қилинган микроорганизмларнинг ўстирилиши талаб этилади.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Атроф – муҳит ва контаминацияни назорат қилиш ва маълум микро- организмларни аниқлаш учун маҳсулотнинг микробли контаминациясини идентификация қилиш ёки тавсиф- лаш.

### 2-3-1-5. Физиологик реакцияларга асосланган био- химёвий микдорий таҳлил

**Ўлчов тамойиллари.** Физиологик реакцияларга асо- сланган биохимёвий таҳлилларни ўтказа оладиган тизимлар микроорганизмларни идентификация қилиш

учун қўлланилади. Тоза колониянинг мавжудлигида ушбу таҳлилларнинг бешта асосий босқичлари тайёргарлик, инокуляция, инкубация, ҳисоблаш ва талқин қилиш ҳисобланади. Синовларнинг мос келувчи протоколини аниқлаш учун ушбу босқичлардан аввал колониянинг морфологиясининг тавсифланиши, фарқлаш синови (масалан, Грам бўйича бўйаш), хужайравий морфологияни тавсифлаш ва/ёки биокимёвий фарқлашнинг бошқа эрта синовлари (масалан, оксидаза, каталаза, коагулаза) келади.

Грамм бўйича бўйаш кўпинча кейинчалик синовдан ўтказиш асосланган муҳим хусусият ҳисобланади. Бўйашнинг анъанавий усулига муқобиллар ўз ичига калий гидроксид (KOH) нитридидаги синов, аминопептидазага синов, флуоресцентли бўйаш усули ва Лимулус амебоцит лизати (*Limulus amoebocyte lysate*; LAL) асосидаги таҳлилни олади. Охирги 3 та усул учун синов тўпламлари ҳаммабоп ҳисобланади. Флуоресцентли бўйаш учун флуоресцентли микроскоп ёки окимли цитометр талаб этилади.

Микробли хужайраларнинг суспензиялари биокимёвий тестлардан фойдаланган ҳолда (ассимиляция ёки берилувчанлик) (планшетлар ёки тасмалар) синовдан ўтказилади. Анаэроб ва аэроб микроорганизмлар танланган биокимёвий моддаларга ўзига хос реакцияларни ривожлантиради. Шунингдек, маълумки, улар углерод, азот, фосфор ва олтингурутнинг маълум манбаларидан фойдаланадилар ёки микробга қарши агентнинг маълум концентрацияси билан ингибирланадилар. Текширилаётган микроорганизмнинг ўсиши ёки тормозланиши оқибатида натижалар ўлчанадиган ўзгаришларга (масалан, хиралашиш, хромогенли ёки флюорогенли реакция) асосланган бўлади. Метаболик ва/ёки антимикробли барқарорлик профилининг маълумотлар базаси билан таққосланиши културани идентификация қилиш имкониятини беради. Ушбу усуллар қўл билан ёки ярим ёки тўлиқ автоматлаштирилган асбоблар ёрдамида бажарилиши мумкин. Қўшимча синовлар ёмон дискриминация ҳолатларида ўтказилиши мумкин. Суб-культуралар ноаниқ натижалар ҳолатларида ёрдам бериши мумкин.

**Критик жиҳатлар.** Янги физиологик култура талаб этилади. Тизимнинг маҳсулдорлиги танланган фенотипик параметрларга ҳам боғлиқ бўлиб, улар барқарор, сезиларли ва етарли миқдорда бўлиши керак.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Атроф – муҳит ва маҳсулотнинг микробли ифлосланишини идентификация қилиш ёки тавсифлаш (ифлослантирувчиларни кузатиш ва маълум микроорганизмларни аниқлаш учун).

### 2-3-2. Генотипик усуллар

Генотипни (ДНК ёки РНК) аниқлаш усулининг асосий мақсади микроорганизмларни идентификация қилиш ва аниқлаш, ҳамда битта турнинг ўзига тааълуқли бўлган штаммларни тавсифлашдан иборат бўлиб, улар фақатгина микроорганизмларнинг аниқ тури ёки микроорганизмларнинг гуруҳига хос бўлган нуклеотидли кетма-кетликлар нишонларини бевосита топилиши йўли билан аниқланиши мумкин. Аниқлашнинг ушбу усуллари 3 та кенг тоифага ажратилиши мумкин: бевосита гибридизация, нуклеин кислоталарнинг амплификацияси ва генетик идентификация.

#### 2-3-2-1. Бевосита гибридизация

**Ўлчовнинг умумий тамойиллари.** ДНК – зондлар қисқа, нишонланган бир занжирли ДНК сегментларидан иборат бўлиб, улар микробли ДНК ёки РНК компле-

ментар соҳаси билан гибридланади. ДНК — зонд ёки нишон гибридизация сигналининг таъминланиши учун одатда радиоактив, флуоресцентли ёки хромогенли молекулалар билан белгиланади. Гибридизация флуоресцентли гибридизация *in situ* (FISH) ва микрочиплар ёрдамидаги таҳлилдан иборат бўлади.

**Умумий критик жиҳатлар.** Гибридизация одатда таҳлил учун кўп миқдордаги ДНК – нишонларни талаб этади, бу эса аниқланиш сезгирлигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Мос келувчи зондларнинг мавжудлиги ҳам чегараланиши мумкин.

**Қўлланилишининг потенциал соҳаси.** Кетма-кетликлар асосидаги гибридизация реакциясининг юқори спецификлиги туфайли ушбу усулдан ҳам микроорганизмларни аниқлаш, ҳам идентификация қилиш учун фойдаланиш мумкин.

#### 2-3-2-2. Нуклеин кислоталар амплификацияси (NAT) усуллари

**Ўлчовнинг умумий тамойиллари.** Нуклеин кислоталар амплификацияси (НКА) (NAT – *nucleic acid amplification*), ДНК полимерланиши жараёнининг такрорланишига асосланади, бу эса нуклеин кислота специфик фрагментининг экспоненциал катталашувига олиб келади. Полимеразали занжирли реакция (PCR) ДНК-нишон амплификациясининг кенг қўлланиладиган усули ҳисобланади. Ушбу циклик жараёнда ДНК нинг муайян фрагменти аввал мақсадли кетма-кетлик ва унинг гибридлашувини бирлаштириш учун мўлжалланган нуклеотидлар ва олигонуклеотидли праймерлар иштирокида ДНК-полимеразанинг термостабил ферменти билан нусха олинади (2.6.21 бўлимга ҳам қаралсин). ПЦР дан сўнг нуклеин кислотали амплификация қилинган нишонлар бир нечта пост-амплификацион таҳлилларни қўллаган ҳолда текширилиши мумкин: гель – электрофорезда фрагментлар ўлчамининг таҳлили, ДНК секвенирлаш ёки флуоресцентли – белгиланган зонд билан гибридланиш йўли билан специфик аниқлаш. ПЦР реал вақтда пост – амплификацион таҳлилларнинг заруратини истисно қилади ва қўшимча афзаллиқни таклиф этиб, у кесиммали ифлосланиш эҳтимоллигини минимал даражага етказишдан иборат бўлади. ПЦР реал вақтдаги муҳим афзаллиги охириги нуқтани аниқлашга асосланган ПЦР анъанавий усуллари билан фарқли равишда, дастлабки намунада ДНК – нишон кетма – кетлигининг бошланғич миқдорини миқдорий аниқлаш эҳтимоллиги ҳисобланади. Амплификация реакцияси экспоненциал фазасининг аввалида аниқланган ПЦР маҳсулотларининг сони ДНК – нишоннинг бошланғич сони билан ўзаро боғлиқ бўлгани туфайли, реакциянинг ушбу экспоненциал фазасини ўлчаш учун ПЦР нинг реал вақтдаги замонавий усуллари ишлаб чиқилган. ПЦР нинг реал вақтдаги автоматлаштирилган тизимлари тижорат жиҳатидан ҳаммабоп ҳисобланади. Турларни идентификация қилиниши учун ёки турга хос бўлган зондлар, ёки праймерлардан фойдаланиш мумкин.

РНК ҳам ПЦР каби кДНК тескари транскриптаза ферментини қўллаган ҳолда реал вақтдаги транскрипциясидан сўнг одатдагидек амплификация қилиниши мумкин. Ушбу усул тескари транскриптаза билан ПЦР (ТТ-ПЦР) сифатида (RT-PCR – *Reverse transcription polymerase chain reaction*) маълум бўлиб, у РНК-вируслар ёки яшовчан организмларни аниқлаш ва идентификация қилиш имкониятини беради. Муқобил равишда РНК асосидаги специфик амплификация усуллари, масалан, нуклеин кислотасининг кетма – кетлиги асосидаги

амплификация ёки транскрипцион – билвосита амплификацияни қўллаш мумкин. Ҳаттоки, РНК – нишондан бошланса ҳам, фақатгина ДНК ампликонларни ҳосил қилувчи ПЦР дан фарқли равишда, иккита усул ҳам РНК ампликонларини ҳосил қилади.

*Кучайтириш учун нишон турлари.* Қўлланилаётган NAT туридан қатъий назар, синовининг спецификлиги ДНК – нишоннинг баҳоланаётган кетма – кетлиги билан аникланади. Идентификация/тавсифлаш мақсадлари учун нишон сифатида рибосомал ДНК нинг 16S ёки 23S генлари қўлланилиши мумкин. 16S рРНК гени эволюцион – консерватив ген бўлиб, барча турдаги бактерияларда мавжуд бўлади ва кенг спектрдаги нишон ҳисобланади, чунки у бактерияларни аниқлаш учун универсал маркер ҳисобланади. 23S рРНК гени ягона нишон сифатида кенг қўлланилмайди, бироқ, 16S-23S рРНК транскрибланувчи генлараро спейсерли соҳалари баъзи бир яқин қардош бўлган турларни фарқлаш учун ва/ёки кичик турларни идентификация қилиш учун қўлланилиши мумкин. Кенг диапазондаги муқобил нишонлар groEL ва tuf генларни ўз ичига олади. Кенг спектрдаги нишонлардан ташқари, микроорганизмларни идентификация қилиш учун нишон сифатида турга оид бўлган кетма – кетликлардан фойдаланиш мумкин. Турга боғлиқ равишда, микроорганизмларни аниқлаш ва идентификация қилиш учун аниқ юзаки антигенлар, вирулентлик омиллари ёки генлар, токсинлар кучайтирилиши мумкин.

*Умумий критик жиҳатлар:*

- нишон ва танланган праймерлар муайян микроорганизм ёки микроорганизмлар гуруҳи учун специфик бўлиши керак;

- усулларнинг сезгирлиги сезиларли даражада лизиснинг баённомаси ва ДНК –нишонларнинг қанчалик муваффақият билан тозаланиши мумкинлиги ва намунада тўпланишига боғлиқ бўлади;

- ферментатив жараён ингибиторларининг мавжудлиги сохта манфий реакцияларга олиб келади;

- процедуралар фонга оид ДНК кесишмалари ифлосланишга учрайди, бу эса сохта мусбат натижаларга олиб келади.

Мақсадга боғлиқ равишда, танлов ДНК ёки РНК нишоннинг кучайтирилиши орасида қилиниши керак, чунки нишоннинг ушбу танлови яшовчанлик билан корреляцияга таъсир этади. ДНК – нишонлар одатда, идентификация мақсадлари учун янада кенгрок қўлланилади, бироқ, ДНК маркер сифатида фойдаланишнинг камчилиги бор, чунки ўлик микроорганизмлар аниқланиши мумкин. мРНК ўлик хужайраларда тез парчалангани сабабли, у яшовчанликнинг маркери ҳисобланади.

Бундан ташқари, мРНК РНК – вирусларни идентификация қилиниши учун мажбурий нишон ҳисобланади.

*Реал вақтда ПЦР ёрдамида (ярим) миқдорий аниқлашнинг критик жиҳатлари.*

Мақсаднинг миқдорий баҳоланиши мос келувчи стандартларнинг ишлаб чиқилиши ва стандартлаштирилган процедуралардан фойдаланишни талаб этади.

*RT-PCR нинг критик жиҳатлари.* РНК ДНК нисбатан камрок барқарор бўлиб, шунинг учун қайта ишлашда кўпроқ диққатни талаб этади. РНК ажралишининг сифатига боғлиқ равишда, қДНК синтезининг самарадорлиги ўзгариши мумкин. Агар РНК намунасининг ДНК ифлосланиши паст бўлса, RT-PCR РНК специфик аниқланиши учун қўлланилиши мумкин.

*Турларни идентификация қилиниши учун 16S ёки 23S рРНК генидан нишон сифатида фойдаланишнинг критик жиҳатлари.*

Маълумотлар базаларидан мос келувчи универсал праймерларни танлаш шарти билан 16S рРНК генининг секвенирланиши бактерияларнинг идентификация қилиниши учун муҳим усул ҳисобланади. Унинг дискриминацион кучи маълум турнинг доирасида 16S рРНК генининг ўзгарувчанлиги ва узунлигига боғлиқ бўлади. 16S-23S рРНК генлараро спейсерли соҳага мақсадга йўналтирилган таҳлиллардан фойдаланишда эса, мос келувчи турга оид праймерлар/зондларнинг танланиши эса ушбу соҳаларнинг потенциал полиморфизми туфайли муҳим аҳамият касб этади.

*NAT нинг потенциал қўлланилиши.* Кучайтириш усулларининг юқори сезгирлиги ва ўзига хослиги туфайли, улар ҳам микроорганизмларни аниқлаш учун, ҳам идентификация қилиниши учун мос келади. Реал вақтда ПЦР нишоннинг миқдорий ва ярим миқдорий таҳлил қилиниши учун зарурдир. Миқдорий аниқланишлардан ташқари, мультиплексация қилиш имконини берувчи мос келувчи праймерлар ва зондлардан фойдаланиш шарти билан, реал вақтдаги ПЦР бир вақтнинг ўзида битта намунада бир нечта нишонларни аниқлаш имкониятини беради. Энг яхшиси, микроорганизмларни идентификация қилиниши учун турли генларнинг секвенирланишидан фойдаланишдир (масалан, 16S рДНК, 23S рДНК, groB, Gyr).

### 2-3-2-3. Генетик “бармоқ изи”

*Ўлчов тамойиллари.* Бармоқлар изларини генетик идентификация қилиниши – ДНК (ёки РНК – вируслари учун РНК) профили асосида штаммни идентификация қилиниши. Битта турнинг штаммлари орасидаги генетик фарқланиш туфайли ДНК индивидуал профилилари фарқ қилиши мумкин, ва бармоқлар изларини идентификация қилиниши усулларининг мақсади ушбу штаммларни фарқлашдан иборат бўлади. Бармоқлар изларини генетик идентификация қилинишининг классик усули бактериял ва замбуруғли геномлардан бўлган хромосомали ДНК рестрикция фрагментларини қўллаган ҳолда, микроорганизмларни тавсифлайди.

Битта турнинг турли штаммлари турли намуналарни намоён қилиши мумкин ва ушбу фарқлар рестрикция фрагментлар узунлигининг полиморфизмлари (RELPs) деб номланади. Хромосомали ДНК нинг рестрикция ферментлар билан кесирилиши самарадор ва аниқ таққослаш учун жуда кўп фрагментлашган тасмалар ҳосил қилгани учун, RELPs асосидаги аналитик усулнинг бир нечта модификациялари ишлаб чиқилган. Риботиплаш, импульсли гель электрофорези (PFGE) ва фрагментлар узунлигининг кучайтирилган полиморфизми (AFLP) қўлланилаётган технологияларнинг намунаси ҳисобланади. Баъзи бир бошқа бармоқ изи (молекуляр-генетик идентификацион таҳлил-бармоқ изи) усулларида ПЦР бутун бир геномдан ДНК муайян тўпламлар рестрикцияси бўлақларини танланган ҳолда амплификация қилиниши учун фойдаланилади, масалан, тасодифан амплификация қилинган полиморфли ДНК (RAPD) ва ўзгарувчан сонли тандемли такрорланишлар (VNTR).

*Критик жиҳатлар.* “Бармоқ изи” ни аниқлашнинг барча усуллари микроорганизмнинг тоза культура сифатида бўлишлигини талаб этади. Агарда синов учун маълум миқдордаги ёки муайян ДНК препарат талаб этилса, масалан, AFLP ва PFGE, усулга боғлиқ равишда дастлабки бойитиш босқичи талаб этилиши мумкин.

Дискриминацион куч, кўпайиш қобиляти, зарур бўлган тажриба ва меҳнат ҳажми боғлиқ равишда ўзгаради. Анъанавий RFLP таҳлилининг асосий критикаси – тасмалар шаблонларининг мураккаблигидир. Риботиплашнинг дискриминацион кучи (рРНК генларининг намуналари асосида) PFGE га (барча геноми ДНК намуналари асосида) ёки PCR га асосланган баъзи бир усулларга нисбатан камроқ, бироқ, юқори автоматлаштирилган тизим бўла оладиган афзалликка эгадир. PFGE бармоқлар изларини олишнинг энг дискриминацион усулларида бири ҳисобланишига қарамадан, у автоматлаштирилмаган бўлгани учун, лабораторияда кўп вақтни олади ва техник ҳаражатларни талаб этади. Бу ҳам стандартлаштирилган баённомаларнинг қўлланилишини талаб этади. AFLP юқори кўпая олиш хусусиятига эгадир, бироқ, техник экспертизани талаб этади, натижаларни талқин қилиш учун эса автоматлаштирилган компютерли таҳлил талаб этилиши мумкин. RAPD кўпая олишлиги етарли бўлмаслиги мумкин, шунинг учун у стандартлаштирилган усул билан бажарилиши керак.

*Қўлланилишнинг потенциал соҳаси.* Генетик идентификация қилиш усуллари асосан штаммларни аниқлаш учун қўлланилади (турларнинг даражасидан паст бўлган хусусият). Улар микробли контаминациянинг манбаъни ва тарқалишини текшириш ва кузатиш учун кучли восита ҳисобланади.

### 3. МУҚОБИЛ МИКРОБИОЛОГИК УСУЛЛАРНИНГ ВАЛИДАЦИЯСИ

#### 3-1. КИРИШ

Валидация контекст учун кўпчилик специфик аниқланишларга боғлиқ бўлса ҳам, одатда жараённинг ўз олдига қўйилган мақсадга кетма – кетлик билан эришишни ҳужжатлаштирилган исботларини аниқлаш учун усул сифатида аниқланиши мумкин. Шунинг учун, муқобил микробиологик усулни текшириш учун процедуранинг нима учун эканлигини тушуниш ва аниқлаш муҳимдир.

Одатда, фармацевтик микробиологик усуллар микроорганизмларнинг специфик хусусиятларини микробиологиянинг сифатини топиш учун аниқлашнинг индикаторлари ёки принциплари сифатида фойдаланадилар. Одатда сўралаётган маълумот – бу ушбу маҳсулот ёки атроф – муҳитдаги микроорганизмларнинг мавжудлиги/йўқлиги, сони, яшовчанлиги ва/ёки ўхшашлиги. Берилган ҳар қандай усул одатда микробиологик сифатнинг билвосита ва шартли ўлчовини таъминлайди. Масалан, микроорганизмларнинг умумий сони ва яшовчанлиги намуна тайёрланиши шароити, ўстирилиши ва инкубация қилинишининг муайян тўпламида пайдо бўладиган колониялар сони билан кўрсатилиши мумкин; шундай қилиб, классик микробиологияда кўпая олиш яшовчанликнинг умумий кўрсаткичи сифатида қабул қилинади. Бироқ, АТФ даражаси ёки тўпланиш ёки тирик ҳужайралардаги субстратлар метаболизми сингари яшовчанликнинг ўлчамлари сифатида қўлланилиши мумкин бўлган бошқа параметрлар ҳам мавжуддир. Яшовчанликни аниқлашнинг турли усуллари натижалари доим ҳам ўхшаш бўлавермайди; микроорганизмлар ушбу муҳитни қайта тикламаслиги мумкин, бироқ, субстратни тўплаши ва метаболизация қилиши мумкин. Аксинча, микроорганизмлар шикастланишининг ушбу ҳолатида субстратни тўплай олиш хусусиятига эга бўлмаслиги

мумкин, аммо, ҳали ҳам тикланиши ва кўпая олиши мумкин.

Аналогик тасаввурлар микроорганизмларни идентификация қилиниши учун фойдаланиладиган кўп сонли усуллар билан боғлиқ равишда вужудга келади. Шундай қилиб, гарчи турларни идентификация қилиниши учун кўпинча метаболик фаоллик кўрсаткичларининг хусусиятидан фойдаланилса ҳам, муқобил усуллар ҳам мавжуддир. Яна ҳам, олинган натижалар идентификация қилинишининг турли усуллари учун тўлиқ мослаштирилмаган бўлиши мумкин, чунки битта жавоб тўғри филогенетик корреляцион дарахтни тузиш учун мос келиши мумкин, шу билан бирга бошқаси патогенлик контекстида ёки дифференциация қилинган микроорганизмларнинг бошқа хусусиятларида фойдали бўлиши мумкин.

#### 3-2. ВАЛИДАЦИЯ ЖАРАЁНИ

Муқобил микробиологик усулларнинг қўлланилиши учун валидациянинг иккита даражаси кўзда тутилиши керак: бирламчи валидация ва мўлжалланган мақсад бўйича валидация. Муқобил технологиянинг таъминотчиси, одатда усулнинг бирламчи валидациясини бажаради, шу билан бирга, ушбу вазиятда усулнинг яроқли эканлиги ёки қўлланилишининг валидацияси ҳисобланган, мўлжалланган мақсад бўйича валидация истеъмолчининг масъулияти сифатида кўриб чиқилиши керак.

Усулнинг қўлланилиши учун ускуна ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жойда, ускуна, шу жумладан, компютерли ускуна ва дастурий таъминот тўлиқ малакали бўлиши лозим.

##### 3-2-1. Усулнинг тавсифи

Муайян микробиологик усулни тавсифлаш учун, таъминотчи аниқлаш тамойилини аниқ тасвирлаб бериши керак. Бирламчи валидацияда усул қўлланилиш учун шароитлар, зарур бўлган материаллар ва ускуналар ва қутилаётган сигнални ҳисобга олган ҳолда тўлиқ деталлаштирилиши зарур. Истеъмолчи ҳаммабоп маълумотни танқидий тарзда кўриб чиқиши керак.

##### 3-2-2. Хавф – фойда таҳлиллари

Муайян муқобил микробиологик усулларнинг валидацияси учун, сифатни таъминлаш процедурасининг мақсади аниқ белгиланган бўлишлиги муҳимдир, чунки бу ҳолат керакли маълумотларнинг тури ва чуқурлигини аниқлайди. Фармакопеяли усул ва муқобил усул ёрдамида олинган маълумот, ва ушбу усулнинг чекловлари “хавф – фойда” таҳлилида ҳисобга олиниши ва таққосланиши керак.

Муқобил усулнинг танловида хавфнинг даражаси кўриб чиқилаётган технология, унинг томонидан ўрнини босадиган методология, ўтказилаётган ўлчовларнинг хусусияти (микдорий, сифат ёки идентификацион), маҳсулот ёки жараённинг муайян баҳоланаётган атрибути, ишлаб чиқариш жараёни занжирида ўлчовнинг жойлашуви ва турли бошқа омилларга боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Хавф таҳлилининг воситалари уни амалга оширишни асослаш учун ёрдам беришда қайси муқобил усулни қўллаш керак эканлиги ёки ишлаб чиқариш ва/ёки маҳсулот

сифатига тадбиқ этишнинг таъсирини яхши тушуниш учун қўлланилиши мумкин. Агарда, олинган маълумот микробиологик сифатнинг илмий асосланган ўлчовини берадиган бўлса ва усулнинг чекловлари фармакопеяли усулнинг чекловларига нисбатан янада жиддийроқ бўлмаса, муқобил усул қўлланилиш учун асосли бўлиши мумкин.

### 3-2-3. Бирламчи валидация

Таъминоти, синовдан ўтказилаётган мос келувчи микроорганизмларнинг панелини қўллаган ҳолда, аниқланиш тамойилларини тавсифлаб бериши керак. Муқобил усулнинг турига боғлиқ равишда қуйида келтирилганлардан мос келувчи валидация мезонлари танланиши керак:

- намуна ёки микроорганизмга дастлабки қайта ишлов берилиши;
- реакциянинг тури;
- спецификлик;
- аниқлаш чегараси;
- миқдорий чегара;
- диапазон;
- чизиқлилик;
- аниқлик ва тўғрилиқ;
- усулнинг модели тизимдаги ишончлилиги.

### 3-2-4. Фойдаланиш мақсади учун валидация

Фойдаланиш мақсади учун валидация микробиологик синов дастурининг ҳар қандай жиҳатларини ўзгартириш тўғрисидаги қарордан тортиб то доимий фойдаланишга қадар бўлган барча жараёнларни қамраб олиши керак. У қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши керак.

- истеъмолчи талабларининг спецификацияси (URS);
- лойиҳавий квалификация (DQ);
- ўрнатиш квалификацияси (IQ);
- операцион квалификация (OQ);
- амалга ошириш квалификацияси (PQ).

Таъминотчи ва истеъмолчи муқобил усулнинг текширилиши ва тадбиқ этилиши билан боғлиқ бўлган турли вазифаларга эгадир. Ушбу вазифалар 5.1.6.-1-жадвалда келтирилган.

#### 3-2-4-1. Истеъмолчи талабларининг спецификацияси (URS)

URS усул томонидан бажарилиши шарт бўлган функцияларни тавсифлайди ва усулни танлаш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу муҳим ҳужжат ҳисобланади, чунки қабул синовлари унда батафсил баён этилган талабларга асосланади. Ушбу босқичда маълумотларни бошқариш эҳтимоллигини, айниқса тартибга солиш контекстида ҳисобга олиш муҳимдир.

5.1.6.-1-жадвал

Валидация жараёнида бажарилиши зарур бўлган вазифалар

Фазолик	Одатда ўтказилади	
	Таъминотчи	Истеъмолчи
Бирламчи текширув	+	-(1)
URS (асбоб, илова)	-	+
Усулнинг тавсифи	+	-(2)
Хавф ва фойданинг таҳлили	-(3)	+
Лойиҳавий квалификация (DQ)	-	+
Ўрнатиш квалификацияси (IQ)	-(4)	+
Операцион квалификация (OQ)	-(4)	+
Амалга ошириш квалификацияси (PQ): - Таъминотчи томонидан тақдим этилган текширув бирламчи	-	+

маълумотларининг текшируви;		
— Фойдаланиш мақсади учун валидация (масалан, стерилликка синовдан ўтказиш, ТАМС/ТУМС, ...);	-	+
- Яроқли эканлигини синовдан ўтказиш усули	-	+

(1) Истеъмолчи томонидан бирламчи валидация ўтказилади, агарда у таъминотчи томонидан аниқланган усулдан фарқ қилувчи муқобил усулдан фойдаланса.

(2) Истеъмолчи таъминотчи томонидан тақдим этилган маълумотни танқидий кўриб чиқиши керак.

(3) Тижоратлаштириш доирасида таъминотчи фармакопеяли усулларга нисбатан муқобил усулнинг афзалликларини санаб ўтиши мумкин.

URS камида қуйидаги масалаларни кўриб чиқиши керак:

- асбобнинг қўлланилиши;
- бажарилиши зарур бўлган таҳлилнинг тури (масалан, микдорий, ярим микдорий, сифат ёки идентификацион).

– аниқлаш чегараси ёки миқдорий аниқлаш чегараси (сезгирлик):

– аниқлаш чегараси аниқлаш вақти билан боғлиқ бўлиши мумкин (TTD);

– сезгирлиكنинг талаб этиладиган даражаси бўлиб, у жорий спецификация, суюлтириш режими ва синовнинг ўрнини босувчи мавжуд бўлган усул учун синовдан ўтказилаётган синаманинг ўлчамига боғлиқ бўлади.

– спецификлик;

– усулнинг муқобил усулининг микроорганизмлар ёки микроорганизмлар синфларини танлаб аниқлаш хусусияти; бу фармакопеяли синовлар усули ва муқобил усул таъминотчидан қўшимча маълумотлар ёрдамида олинган тарихий маълумотларга асосланиши керак;

– фақатгина зарур бўлган яшовчан микроорганизмларни аниқлаш хусусияти;

– идентификация усуллари учун – микроорганизмлар манфаатининг диапазонида нисбатан маълумотлар базасини қамраб олиш даражаси.

– намуналарнинг сони ва тури:

– синовдан ўтказилиши лозим бўлган намуналарнинг хусусияти, ва партия ёки ишчи сменага ишлаб чиқариш ҳажми.

– аниқлашгача бўлган вақт (TTD) ёки натижагача бўлган вақт (TTR):

– TTD ёки TTR муқобил микробиологик усуллар учун муҳим атрибут ҳисобланади; мониторинг мақсадлари учун нисбатан қисқа вақт TTD (масалан, бир неча соат) эрта босқичда тузатувчи ҳаракатларни қилиш имкониятини беради; сифатни назорат қилиш мақсадларида қисқа TTD камроқ критик бўлиши мумкин.

– маълумотларни бошқариш имкониятлари:

– янги ўлчов асбоби эҳтимол, маълумотни бошқаришнинг лаборатор тизимининг (LIMS) ўзаро таъсири имкониятига эга бўлиши керак ва ташки сервер билан мувофиқлик ва маълумотларни дастурли бошқарилиши аниқланиши керак; Дастурий таъминот ва ўрнатилган дастурли таъминот функцияларининг ҳар бир қисмини тасдиқлаш учун дастурли таъминот ва функционал синовдан ўтказишнинг текшируви тўғрисидаги гувоҳномалар талаб этилади.

#### 3-2-4-2. Лойиҳанинг квалификацияси (DQ)

DQ ҳар қандай боғланган асбобнинг конструкцияси усулнинг тўғри ишлаши учун мос келишини ҳужжатли тасдиқлашни ифода этади. Муқобил усулларнинг кўп-



чилик тизимлари тижорат стандартли ускуналарга асосланган. Шундай қилиб, DQ асбобни ишлаб чиқувчиси/ишлаб чиқарувчиси томонидан энг мос келувчи тарзда бажарилади. Шунга қарамай, истеъмолчи ускунанинг мўлжалланаётган қўлланилиши учун URS баён этилган спецификацияларга мос келишлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

### 3-2-4-3. Ўрнатиш квалификацияси (IQ)

IQ ускунанинг унинг спецификацияларига мос равишда тақдим этилганлиги ва ўрнатилган эканлигини ҳужжатли тасдиқлашни ифода этади.

### 3-2-4-4. Операцион квалификация (OQ)

OQ ўрнатилган жиҳоздан унинг операцион процедураларига мос равишда фойдаланилганда, унинг белгиланган чегараларда ишлаётган эканлигини ҳужжатли тасдиқлашни ифода этади.

### 3-2-4-5. Амалга ошириш квалификацияси (PQ)

PQ операцион процедураларга мос равишда ўрнатилган ва операцион ускуна усулнинг аввалдан белгиланган мезонларга мувофиқ кетма – кетликда ишлаётган эканлигини ҳамда шу тарзда усулнинг тўғри натижаларни бераётган эканлигини ҳужжатли тасдиқлашни ифода этади. Одатда бу микроорганизмлар панели (масалан, синовдан ўтказиладиган фармакопеяли штаммлар, ички изолятлар ёки стрессли/секин ўсувчи микроорганизмлар) ёрдамида бажарилади. Бу эса истеъмолчининг лабораториясида фойдаланиладиган шароитлар бирламчи валидация учун фойдаланиладиган модели тизимда таъминотчи томонидан тавсифлаб ўтилган мезонларни қондириш имкониятини беришини кафолатлайди.

Таъминотчи томонидан тақдим этилган текширувнинг бирламчи маълумотларини текшириш (3-2-3 га қаралсин). Усул фармакопеянинг тегишли бўлимида келтирилган синовдан ўтказиладиган микроорганизмлар панелини қўллаган ҳолда текширилган. Муқобил усул таъминотчининг муайян процедурасига мувофиқ, истеъмолчининг маъсулияти остида ўрганилиши керак бўлган намуналарсиз қўлланилиши керак, ва таъминотчи томонидан фойдаланиладиган модели тизимда тавсифланадиган таққосланувчи натижаларни намоён этиши керак.

Мўлжалланган фойдаланиш учун текширув (масалан, стерилликка синовдан ўтказиш, аэроб микроорганизмларнинг умуми сони (ТАМС)/ацитқиларнинг умумий сони/могор (ТУМС) ва ҳ.з). Буни қўллаш мумкин бўлган ҳолатларда қуйидаги бандлар қўриб чиқилиши зарур:

- реакциянинг одатда истеъмолчи томонидан маҳсулотни синовдан ўтказиш учун (ярокли эканликни синовдан ўтказиш усули) бажарадиган препарат намунаси билан мувофиқлиги;

- намуна ўлчови ва намунанинг ҳаммабоплигини ҳисобга олган ҳолда, усулнинг аниқлаш чегараси ва диапозони;

- маҳсулот ингредиентлари таъсир этишига муайян реакция;

- таҳлил қилинаётган намуналарнинг турига нисбатан жавобнинг чизиқлилиги;

- таҳлил қилинаётган намуна турларига нисбатан жавобнинг пухта ва аниқлиги.

Усул учун мувофиқлик мезонлари илова ва валидация маълумотларининг функцияси сифатида аниқланиши керак.

## 3-3. МИКРОБИОЛОГИК СИНОВЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Микробиологик усулнинг валидацияси – бу истеъмолчи томонидан экспериментал белгиланган ишчи хусусиятларнинг мўлжалланаётган қўлланилишнинг талабларига мос келиш жараёни. Микробиологик синовлар 3 та асосий қўлланилишга эга бўлганлиги учун (сифат, миқдорий ва идентификацион), валидация мезонларининг 3 та алоҳида тўплами талаб этилади. Ушбу мезонлар қуйида тавсифлаб ўтилган ва 5.1.6.-2-жадвалда жамланган.

5.1.6.-2 жадвал

Сифат, миқдорий ва идентификацион синовлар учун валидация мезонлари

Мезон	Сифат синовлари	Миқдорий синовлар	Идентификацион синовлар
Тўғрилиқ	+(1)	+	+
Аниқлик	-	+	-
Спецификлик	+	+	+
Миқдорий аниқлаш чегараси	+	_(2)	-
Миқдорий чегара	-	+	-
Чизиқлилиқ	-	+	-
Диапазон	-	+	-
Баркарорлик	+	+	+
Ярокли эканликка синов	+	+	-
Эквивалентликка синов	+	+	-

(1) Фармакопеяли усулга нисбатан муқобил усулнинг аниқлиги синовнинг бажарилиши синовни аниқлаш чегараси валидациясининг ўрнига қўлланилиши мумкин.

(2) Баъзи ҳолатларда керак бўлиши мумкин.

### 3-3-1. Муқобил сифат синовларининг микроорганизмларнинг мавжудлиги ёки йўқлигига текширилиши

#### 3-3-1-1. Спецификлик

Муқобил сифат усулининг спецификлиги бу унинг фақатгина талаб этилаётган микроорганизмларни аниқлаш хусусиятидир, яъни сохта мусбат натижаларни бермайди. Бу ҳолатни мос келувчи микроорганизмлар панели ёрдамида намоён этиш мумкин. Синов мақсадлари учун мос келган жойда, текширув вақтида микроорганизмларнинг аралашмаларидан фойдаланилади. Микроорганизмларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини намоён этиш учун ўсишга асосланган сифат усулларида эса, муайян муаммо адекват тарзда ўсишга ёрдам берувчи муҳитнинг хоссаларини намоён этиш йўли билан қўриб чиқилади. Микроб мавжудлигининг индикатори сифатида ўсишни талаб этмайдиган усуллар учун, ушбу специфика синов тизимидаги бегона моддалар синовга ҳалақит бермаслигини кафолатлайди.

### 3-3-1-2. Аниқлаш чегараси

Микдорий сифатли усулнинг чегараси – бу кўрсатилган таҳлилий шароитларда намунадаги аниқланиши мумкин бўлган микроорганизмларнинг энг кам сонидир. Микробиологик чегаравий синов текширилаётган намунанинг маълум микдорида микроорганизмларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлайди. Микробиологик синовларнинг характери туфайли аниқлаш чегараси суюлтириш ёки инкубация қилишнинг ҳар қандай босқичларидан олдин бошланғич намунада мавжуд бўлган микроорганизмлар сонини акс эттиради. Муқобил усулнинг аниқлаш чегараси фармакопеяли усулга нисбатан кўп бўлмаслиги керак.

Аниқлаш чегараси етарли микдордаги такрорланишлар, ҳамда бир қатор мустақил аниқланишлар ёрдамида аниқланиши муҳимдир.

### 3-3-1-3. Барқарорлик

Муқобил сифат усулининг барқарорлиги бу унинг усул параметрларининг катта бўлмаган, лекин атайлаб қилинган ўзгаришларига бефарқ қолиш хусусиятининг ўлчови ҳисобланади (масалан, инкубацион давр ёки инкубация температурасининг диапазони). Барқарорлик валидациянинг параметри ҳисобланади ва таъминотчи усулларининг аниқланиши учун энг мос тушади. Шунга қарамай, агарда истеъмолчи критик параметрларни ўзгартирадиган бўлса, барқарорликка бўладиган ҳар қандай таъсир баҳоланиши лозим бўлади. Сифатли усулнинг барқарорлиги унинг усул параметрларининг атайлаб қилинган ўзгаришларидан сўнг синовдан ўтказиладиган микроорганизмларни аниқлаш хусусияти бўйича баҳоланади.

### 3-3-1-4. Яроқли эканлигига синов

Муқобил усул кўрсатиб ўтилган процедура ва таҳлил қилиниши керак бўлган намуналарга мувофиқ, истеъмолчининг масъулияти остида қўлланилиши керак. Синов намунаси тизимнинг микробларни аниқлаш ёки тиклаш хусусиятига таъсир этмаслиги исботланиши лозимдир. Ўзибор қаратилиши лозим бўлган муайян саволлар қуйидагилар:

- синовнинг матрица намунасининг иштирокида микроорганизмларни аниқлаш хусусияти;

- намуна матрицасининг муқобил тизимга таъсир этишлигининг текшируви (масалан, фонли сигнал ёки кимёвий реакцияларнинг ингибирулашуви).

Бир хилликка қўлланиладиган усул учун мувофиқлик мезонлари илова ва валидация маълумотларига боглиқ тарзда аниқланиши зарур бўлади.

### 3-3-1-5. Эквивалентликка синов

2 та сифатли усуллар эквивалентлигининг текшируви бевосита валидация параметрлари бўйича ўтказилиши мумкин. Синовдан ўтказиладиган микроорганизмларнинг мос келувчи штаммлари учун етарли микдордаги такрорланишлар билан инокуляциянинг паст даражаларида (масалан, 5 ПХБ дан кам) ушбу ёндошув таққослашнинг адекватлиги экспериментини талаб этади. Муқобил сифатида, баъзи ҳолатларда эса қўшимча равишда намуналарнинг аввалдан аниқланган сонини параллел тарзда синовдан ўтказиш йўли билан ёки вақтнинг аввалдан аниқланган даври давомида эквивалентликка синовдан ўтказиш амалга оширилиши мумкин. Ушбу параллел синовдан ўтказиш хавфни баҳолаш асосида асосланиши мумкин. Муқобил усул, агарда расмий усулдан фойдала-

нилса, монографияларнинг стандартларига мувофиқликка эришилишига нисбатан аниқ қарорнинг имкониятини бера олиши керак.

### 3-3-2. Микроорганизмларни санаш учун муқобил микдорий синовларнинг валидацияси

#### 3-3-2-1. Тўғрилиқ

Муқобил микдорий усулнинг тўғрилиги – бу муқобил усул билан олинган синовлар натижаларининг фармакопеяли усул билан олинган натижаларга яқинлигидир. Аниқлик синовининг барча амалий диапазонида намоён бўлиши керак. Статистик таҳлилни ҳисобга олган ҳолда, одатда микроорганизмларни тикланиш фойдаларида ифода этилади ва микдорий усулнинг фармакопеяли усулга нисбати сифатида аниқланади.

Тўғрилиқ микроорганизмлар суспензиясини юқори текширилаётган диапазонда тайёрлаш ва синовдан ўтказиш ва пастки диапазонгача кетма-кетлик билан суюлтириш йўли билан намоён этилиши мумкин. Масалан, агарда муқобил усул яшовчан микроорганизмларни ҳисоблаш учун фармакопеяли пластинкани ҳисоблаш учун усулни ўрнини босиш учун мўлжалланган бўлса, мантикий диапазон  $10^0$ - $10^6$  КХБ/мл ташкил этиши мумкин. Агарда бунинг ўрнига у MPN усулнинг ўрнини босадиган бўлса, янада тор диапазондан фойдаланиш мумкин. Синовдан ўтказиладиган микроорганизмнинг ҳар бир суюлтириши учун камида 1 та суспензия таҳлил этилиши керак. Муқобил усул камида мос келувчи статистик таҳлилни қўллаган ҳолдаги фармакопеяли усул сингари микроорганизмларнинг тикланишини кўрсатиши керак.

Усулнинг чиқиқчилигининг текширилиши учун қўлланиладиган баённомадан (3-3-2-5 га қаралсин) ҳам аниқликнинг текшируви учун фойдаланиш мумкин бўлади. Микроорганизмларнинг муқобил усул учун тайёрланган суспензиялари фармакопеяли усулнинг қўлланилиши билан бир вақтда ҳисобланади.

#### 3-3-2-2. Мос келувчанлик

Муқобил микдорий усулнинг мос келувчанлиги – бу белгилаб қўйилган шароитларда микроорганизмларнинг гомоген суспензияларини кўп маротаба олиниши учун процедура такроран қўлланилганда синовларнинг алоҳида натижалари орасидаги мувофиқлик даражасидир. Аниқлик нормал ёки одатдаги эксплуатация шароитларида такрорланишлик ва оралиқ аниқликка ажратилиши зарур. Такрорланишлик (жараён ичидаги ўзгарувчанлик деб ҳам номланади) микробиологик усулнинг худди шу намуна (нусха) билан худди шу лабораториянинг ўзида, қисқа вақт давомида худди шу таҳлилий ва худди шу ускуна билан қўлланилишига таъблуклидир. Бу эса усулнинг тебранишини беради. Оралиқ аниқлик (шу жумладан, циклар орасидаги ўзгарувчанлик ва серия ичидаги бекарорлик) синовдан ўтказиладиган маҳсулотнинг турли синамалари препаратларига худди шу лабораториянинг ўзида турли таҳлилчилар, ускуналар ва/ёки турли кунларда фойдаланиладиган микробиологик усулнинг қўлланилишига таъблуклидир. Бу эса усулнинг максимал ўзгарувчанлигини беради. Микробиологик усулнинг аниқлиги одатда стандарт оғиш ёки нисбатан стандарт оғиш сифатида ифода этилади (вариация коэффициенти). Диапазоннинг ўртасида камида 1 та суспензия таҳлил этилади. Такрорланишлар сони шудай тарзда танланадики, синовнинг ҳаммаси худди ўша ишчи сессиянинг

ўзида, яъни бир хил ишчи шароитларда ва микро-организмлар суспензиясидаги бирор – бир ўзгаришларсиз ўтказилиши мумкин бўлиши керак. Оралик аниқлик учун, бошқа ишчи сессиялар кейинроқ максимал беқарорлик шароитларида (турли реагентлар, операторлар ва/ёки суткалар, ва ҳ.з) ўтказилади. Ишчи сессияларнинг ҳар бирида кузатиладиган натижаларнинг тебранишлари ҳисобланади. Агарда тебранишлар бир хилда бўлса, у ҳолда такрорланишларнинг тебранишлари ҳисоблаб чиқилади. Натижаларнинг гуруҳлараро тебранишлари ҳисобланади ва оралик аниқлик билан натижавий тебраниш такрорланишнинг тебранишлари ва гуруҳлараро тебранишнинг йиғиндиси сифатида берилади. Сўнгра вариация коэффиценти ҳисобланади. Муқобил усуллар фармакопеяли усуллар билан таққосланадиган аниқликни намоён этиши керак.

### 3-3-2-3. Спецификлик

Муқобил микдорий усулнинг спецификлиги – бу унинг фақатгина талаб этилаётган микроорганизмларни микдорий аниқлаш хусусиятидир, яъни у сохта мусбат натижаларни бермайди. Бу ҳолат мос келувчи микроорганизмларнинг панелидан фойдаланган ҳолда намоён этилиши мумкин. Синов мақсадлари учун мос бўлган жойда, текширув вақтида микроорганизмларнинг аралашмаларидан фойдаланилади. Микроб мавжудлигининг индикатори сифатида ўсишни талаб этмайдиган усуллар учун ушбу специфика синов тизимидаги бегона моддаларнинг синовга ҳалакит бермаслигини кафолатлайди.

### 3-3-2-4. Микдорий аниқлашнинг чегараси

Муқобил микдорий усулнинг микдорий аниқлашнинг чегараси — бу мос келувчи аниқлик ва ишончлилик билан микдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган намунадаги энг кам КХҚБ (CFU) микдори. Микдорий аниқлашнинг чегараси такрорланишлар сони бўйича аниқланиши муҳимдир. Чизиқлилиги ва аниқлигининг текширув натижаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолатда чизиқли диапазонда энг паст концентрация усулнинг микдорий аниқлаш чегараси ҳисобланади. Муқобил усулнинг микдорий аниқлаш чегараси фармакопеяли усулга нисбатан кўп бўлмаслиги керак.

### 3-3-2-5. Чизиқлилиги

Муқобил микдорий усулнинг чизиқлилиги – бу унинг намунада мавжуд бўлган микроорганизмларнинг концентрациясига пропорционал бўлган натижаларни бериш хусусиятидир (берилган диапазонда). Муқобил усулнинг мақсадига мос келишлиги учун чизиқлилиги мантаний чегараларда бўлиши керак (масалан,  $10^0$ - $10^6$  КХҚБ (CFU)/мл). Ёндашувлардан бири ҳар бир синовдан ўтказилаётган микроорганизмни турли концентрацияларда танлаш ва бир нечта такрорланишларни синовдан ўтказишдан иборатдир. Чизиқлилиги тасдиқлаш учун, ҳар бир концентрация учун такрорланишларнинг мос келувчи сони танланади. Такрорланишлар сони шундай тарзда танланадиги, барча синов битта ишчи сессия давомида ўтказилиши мумкин бўлиши керак. Ҳар бир концентрация учун олинган натижалар тебранишларининг бир турда эканлигига текширувдан сўнг, регрессиянинг чизиги ҳисобланади. Агарда, мўлжалланаётган оғишлик сезиларли бўлса ва агарда, чизиқлиликтан оғиш мезони қийматга эга бўлмаса, чизиқлилиги намоён этилади (5.3. Умумий бўлимга қаралсин).

### 3-3-2-6. Диапазон

Муқобил микдорий усулнинг диапазони – бу микроорганизмларнинг юкори ва пастки даражалари орасидаги интервал бўлиб, у махсус усулни қўллаган ҳолда аниқлик, тўғрилиги ва чизиқлилигининг мос келувчи текширувларидан аниқланади; бу эса мўлжалланаётган қўлланилишга боғлиқ бўлади.

### 3-3-2-7. Барқарорлик

Муқобил микдорий усулнинг барқарорлиги бу унинг усул параметрларининг катта бўлмаган, лекин атайлаб қилинган ўзгаришларига бефарқ қолиш хусусиятининг ўлчови ҳисобланади (масалан, инкубацион давр ёки инкубация температурасининг диапазони). Барқарорлик – бу валидациянинг параметри бўлиб, таъминотчи томонидан усулларининг аниқланиши учун энг мос тушади. Шунга қарамай, агарда истеъмолчи критик параметрларни ўзгарирадиган бўлса, у ҳолда барқарорлигининг самарадорлиги баҳоланиши лозим бўлади. Муқобил микдорий усулнинг барқарорлиги унинг усул параметрларининг атайлаб қилинган ўзгаришларидан сўнг синовдан ўтказиладиган микроорганизмларни аниқ санаб ўтиш хусусияти бўйича баҳоланади.

### 3-3-2-8. Яроқли эканлигига синов

Муқобил усул кўрсатиб ўтилган процедура ва таҳлил қилиниши зарур бўлган намуналарга мувофиқ, истеъмолчининг масъулияти остида қўлланилиши керак. Синов намунасининг тизимнинг ҳисоблаш ҳажми ёки микробларнинг тикланишига таъсир этмаслиги кўрсатилиши лозимдир. Ўтибор қаратилиши керак бўлган муайян саволлар қуйидагилар:

- синовнинг матрица намунасининг иштирокида микроорганизмларни аниқлаш хусусияти;
- намуна матрицасининг муқобил тизимга таъсир этишлигининг текшируви (масалан, фонли сигнал ёки кимёвий реакцияларнинг ингибирулашуви).

Усул учун мувофиқлик мезонлари илова ва валидация маълумотларининг функцияси сифатида аниқланиши зарур.

### 3-3-2-9. Эквивалентликка синов

2 – та микдорий усуллар эквивалентлигининг текшируви бевосита валидация параметрлари бўйича ўтказилиши мумкин. Синовдан ўтказиладиган микроорганизмларнинг мос келувчи штамлари учун етарли микдордаги такрорланишлар билан инокуляциянинг паст даражаларида (масалан, 5 КХҚБ кам) ушбу ёндошув таъқослашнинг адекватлиги экспериментини талаб этади. Муқобил сифатида, баъзи ҳолатларда эса қўшимча равишда намуналарнинг аввалдан аниқланган сонини параллел тарзда синовдан ўтказиш йўли билан ёки вақтнинг аввалдан аниқланган даври давомида эквивалентликка синовдан ўтказиш амалга оширилиши мумкин. Ушбу параллел синовдан ўтказиш хавфни баҳолаш асосида асосланиши мумкин.

Агарда муқобил усулнинг натижаси вазн ёки ҳажмга нисбатан КХҚБ микдори сифатида ифодаланиши мумкин бўлса, статистик таҳлил натижалари агарда расмий усулдан фойдаланилганда, монографияларнинг стандартларига мувофиқликка эришилишига нисбатан аниқ қарор қабул қилиш имконини бера олишини намоён этиши лозим.

Агарда муқобил усулнинг натижаси КХҚБ рақами кўринишида ифодалана олинмаса, эквивалентлигининг синови мос келувчи параметрларини қўллаган ҳолда

бажарилади, ундан сўнг эса, муқобил усул натижаларининг агарда расмий усулдан фойдаланилганда, монографияларнинг стандартларига мувофиқликка риоя қилиниши тўғрисидаги аниқ қарорни қабул қилиш имконини бера олишини намоён эта олиши учун статистик таҳлил ўтказилади.

### 3-3-3. Муқобил идентификацион синовларнинг валидацияси

Кўпчилик усулларнинг ўзларида микроорганизмларни идентификация қилиш хусусиятлари бўйича сезиларли тарзда фарқ қилишлари бўйича кўп сонли далиллар мавжуддир. Таъкидлаш жоизки, идентификация усули ички томондан мунозарали бўлиши керак, бироқ, бошқалардан ўзининг микроорганизмларни идентификация қилишида фарқ қилиши мумкин.

#### 3-3-3-1. Тўғрилиқ

Муқобил идентификацион усулнинг тўғрилиги унинг исталаётган микроорганизмнинг талаб этилаётган таксономик даражага қадар идентификация қилиш хусусиятидан иборатдир. Бу эса яхши тавсифланган стандарт микроорганизмлар, масалан, штаммларнинг турларини қўллаган ҳолда намоён этилиши лозим. Идентификация усулининг тўғрилиги одатда тўғри идентификациялар сонининг идентификацияларнинг умумий сонига нисбати сифатида ифодаланади.

#### 3-3-3-2. Спецификлик

Муқобил усулнинг спецификлиги бу унинг аслида мавжуд бўлган микроорганизмларни идентификациянинг сохта натижаларини келтириб чиқарадиган ҳалақит берувчи омиллардан фарқлай олиш хусусиятидан иборатдир. Ушбу омилларга кимёвий моддалар ва микроорганизмларнинг аралашмалари таълуқли бўлиб, улар тестни материал намунасида аслида мавжуд бўлмаган микроорганизмларни идентификация қилишга мажбур қилади (масалан, секвенирлаш синовида 2 та микроорга-низмлар ДНК материали аралашмаларининг мавжудлиги бўлиб, учинчи микроорганизмнинг сохта идентификация қилинишига олиб келади).

#### 3-3-3-3. Барқарорлик

Муқобил идентификация қилиш усулининг барқарорлиги бу унинг усул параметрларининг катта бўлмаган, лекин атайлаб қилинган ўзгаришларига бефарқ қолиш хусусиятининг ўлчови ҳисобланади (масалан, инкубацион давр ёки инкубация температурасининг диапазони). Барқарорлик – бу валидациянинг параметри бўлиб, таъминотчи томонидан усулларнинг аниқлаштириш учун энг мос тушади. Шунга қарамай, агарда истеъмолчи критик параметрларни ўзгартирадиган бўлса, у ҳолда барқарорликнинг самарадорлиги баҳоланиши лозим бўлади. Идентификация усулининг барқарорлиги унинг усул параметрларининг атайлаб қилинган ўзгаришларидан сўнг синовдан ўтказиладиган микроорганизмларни тўғри идентификация қилиш хусусияти билан аниқланади.

03/2021:50107

## 5.1.7. ВИРУС ХАВФСИЗЛИГИ

Ушбу бўлимда, ишлаб чиқарилиш жараёнида келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонга оид материаллардан фойдаланиладиган дори препаратларининг вирус хавфсиз-

лигига оид умумий талаблар келтирилади. Вирус хавфсизлиги мураккаб масала бўлганлиги сабабли, хавфни баҳолаш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Муайян дори воситасига қўйиладиган талаблар ваколатли орган томонидан белгиланади.

Вирусли контаминация хавфи мавжуд бўлган ҳолатларда, дори препаратларининг вирус хавфсизлигини таъминлашда қуйидагиларни ўз ичига оладиган тегишли қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади:

- материал манбасини танлаш ва ёт агентлар мавжудлигига синовлар ўтказиш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг вирусларни йўқотиш ёки фаолсизлантириш қобилиятини текшириш;
- ишлаб чиқаришнинг тегишли босқичларида вирусли контаминацияга синовлар.

Зарурат бўлганда, вирусларни йўқотиш ёки фаолсизлантириш учун бир ёки бир нечта валидацияланган жараёнлардан фойдаланиш мумкин.

Вирус хавфсизлиги борасидаги валидацияланган тадқиқотларни ўз ичига олган қўшимча ва батафсил тавсиялар, патентланган дори препаратлари Қўмитасининг *Вируслар бўйича валидацияланган тадқиқотлар тавсиялари: режа, вирусларни йўқотиш (CPMP/BWP/268/95), фаолсизлантириш жараёнларининг валидацияси бўйича тадқиқотларни баҳолаш ҳамда уларнинг аҳамияти ва шунингдек, ICH Q5A қўлланма: инсон ёки ҳайвон ҳужайралари тизимида олинган биотехнологик маҳсулотларнинг вирус хавфсизлигини баҳолаш* (шу жумладан, ушбу ҳужжатларнинг барча қайта қўрилган нашрлари)да келтирилган.

### Хавфни баҳолаш

Вирус хавфсизлигига оид хавфни баҳолаш, дори препаратларидаги таркибий қисмлар, таъсир этувчи моддалар, ёрдамчи моддалари ёки дори препаратларини ишлаб чиқаришида келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонга оид бўлган материаллардан фойдаланилганда амалга оширилади.

Хавфни баҳолаш тамойили, дори препаратидagi инфекция агентининг даражасига таъсир қиладиган ҳамда дори препаратини қўллашда беморлар учун вирусланиш хавфини аниқлаш ёки бунга таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни кўриб чиқишдан иборат бўлади.

Хавфни баҳолаш тегишли омилларни кўриб чиқишни ўз ичига олади, масалан:

- турларнинг келиб чиқиши;
- аъзолар, тўқималар, суюқликларнинг келиб чиқиши;
- бошланғич материалнинг келиб чиқиши ва донор(лар)нинг эпидемиологик маълумотларни ўз ичига олган тарихи билан боғлиқ бўлган потенциал ёт агентлар;
- ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган потенциал ёт агентлар (масалан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган материаллар хавфи);
- юбориш йўлини ҳисобга олган ҳолда дори препаратининг истеъмолчилари учун потенциал бегона агентларнинг инфекция юқтириш ва патогенлик хусусияти;
- дори препаратининг бир дозаси учун қўлланиладиган материал миқдори;
- донор(лар), бошланғич материал, ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр дори препаратиди ўтказилган назорат;
- ишлаб чиқариш жараёни ва унинг вирусни йўқотиш ва/ёки фаолсизлантиришга қодирлиги.

Хавфни баҳолашда вирусларни қатъий шароитларда фаолсизлантириш (масалан, стериллик учун умумий

синовлар (5.1) да таърифланганидек, сўнгги боскичда иссиқ буг ёки қуруқ ҳаво ёрдамида стерилланадиган желатин ва бошқалар учун) ишлаб чиқариш шароитини баҳолашга таяниш мумкин.

03/2021:50108

### 5.1.8. ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИДАН ОЛИНГАН, ИЧГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЭКСТРАКТЛАРНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТОЗАЛИГИ

Ушбу умумий бўлимда, ўсимлик хом ашёси асосида тайёрланган дори препаратлари ва уларни тайёрлашда қўлланиладиган экстрактларнинг микробиологик тозаллиги бўйича мақбуллик мезонлари келтирилган.

Ностерил дори препаратларининг микробиологик синовлари 2.6.12, 2.6.13 ва 2.6.31 каби умумий бўлимларда келтирилган усулларга мувофиқ амалга оширилади. Қуйида аэроб микроорганизмларнинг умумий миқдори (ТАМС) ва ачитки ҳамда моғор замбуруғларининг умумий миқдори (ТУМС) га асосланган мақбуллик мезонлари келтирилган.

Ушбу мезонлар алоҳида натижалар ёки репликация ҳисоблашлари амалга оширилганда (масалан, тўғридан-тўғри чашка усули) параллел синовларнинг ўртача киймати асосланади.

Қуйида мақбуллик мезонлари ўрнатилган маълум микроорганизмлар рўйхати келтирилади. Ушбу рўйхат тўлиқ деб ҳисобланмайди. Сабаби, алоҳида препарат учун бошланғич материал табиати, ишлаб чиқариш жараёни ва мўлжалланган қўллаш усулига кўра, бошқа микроорганизмлар учун синов талаб қилиниши мумкин.

#### ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИ АСОСИДАГИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ

**А. Таркибида ёрдамчи моддалар мавжуд бўлган ёки бўлмаган доривор ўсимлик хом ашёси сақлаган ва қайноқ сув орқали дамлама ҳамда қайнатма (масалан, ҳушбўйлаштирувчи моддалар қўшилган ёки қўшилмаган ўсимлик чойлари) тайёрлаш учун мўлжалланган дори препаратларидир.**

ТАМС (2.6.12)	Мақбуллик мезони: $10^7$ КХҚБ/г Энг юқори мақбуллик сони: 50 000 000 КХҚБ/г
ТУМС (2.6.12)	Мақбуллик мезони: $10^5$ КХҚБ/г Энг юқори мақбуллик сони: 500 000 КХҚБ/г
<i>Escherichia coli</i> (2.6.31)	Мақбуллик мезони: $10^3$ КХҚБ/г
<i>Salmonella</i> (2.6.31)	Мавжуд эмас (25 г)

**В. Таркибида экстракт ва/ёки ёрдамчи модда билан ёки уларсиз доривор ўсимлик хом ашёси асосидаги дори препаратлари, ишлаб чиқариш услуби (масалан, экстракция) ёки ўсимлик хом ашёсига тегишли қайта ишлов беришда микроорганизмлар миқдори ушбу тоифа учун ўрнатилган кўрсаткичдан паст бўлишига олиб келади.**

ТАМС (2.6.12)	Мақбуллик мезони: $10^4$ КХҚБ/г ёки КХБ/мл Энг юқори мақбуллик сони: 50 000 КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл
ТУМС (2.6.12)	Мақбуллик мезони: $10^2$ КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл Энг юқори мақбуллик сони: 500 КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл
Сафрога чидамли грамманфий бактериялар (2.6.31)	Мақбуллик мезони: $10^2$ КХҚБ/г ёки КХҚБ/мл
<i>Escherichia coli</i> (2.6.31)	Мавжуд эмас (1 г ёки 1 мл да)
<i>Salmonella</i> (2.6.31)	Мавжуд эмас (25 г ёки 25 мл да)

**С. Ўсимлик хом ашёси, масалан, ёрдамчи моддалар сақлаган/сақламаган ҳолда ва/ёки экстрактлардан тайёрланган дори препаратлари ишлаб чиқариш жараёни (масалан, қайнашгача етказилмайдиган ёки концентрацияси паст температурага эга кучсиз концентранган метанол ёки сув билан экстракция қилиш жараёни) ёки ўсимлик хом ашёсига тегишли қайта ишлов бериш микроорганизмлар миқдорини В пунктида келтирилган мақбул қийматгача камайтирмаслиги исботланган ҳолларда.**

ТАМС (2.6.12)	Мақбуллик мезони: $10^5$ КХБ/г ёки КХБ/мл Энг юқори мақбуллик сони: 500 000 КХБ/г ёки КХБ/мл
ТУМС (2.6.12)	Мақбуллик мезони: $10^4$ КХБ/г ёки КХБ/мл Энг юқори мақбуллик сони: 50 000 КХБ/г ёки КХБ/мл
Сафрога чидамли грамманфий бактериялар (2.6.31)	Мақбуллик мезони: $10^4$ КХБ/г ёки КХБ/мл
<i>Escherichia coli</i> (2.6.31)	Мавжуд эмас (1 г ёки 1 мл да)
<i>Salmonella</i> (2.6.31)	Мавжуд эмас (25 г ёки 25 мл да)

#### ЭКСТРАКТЛАР

Экстрактлар ўсимлик хом ашёси асосида тайёрланган дори препаратлари учун В тоифа мезонларига мос бўлиши керак. Бироқ, ишлаб чиқариш услуби микроорганизмлар миқдорини В тоифа мезонларигача камайтириш имконини бермаслиги исботланса, экстрактлар ўсимлик хом ашёси асосида тайёрланган дори препаратлари учун С тоифа мезонларига жавоб бериши керак.

Тавсия этилган мақбуллик мезонлари, ичга қабул қилиш учун ўсимлик хом ашёси асосида тайёрланадиган дори препаратларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган экстрактлар учун тааллуқдир. Бошқа йўл билан қабул қилинадиган дори препаратларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган экстрактлар учун препаратнинг тахмин қилинаётган юбориш йўлига кўра қатъийроқ мақбуллик мезонлари талаб этилиши мумкин (5.1.4).

Келиб чиқиши ўсимлик хом ашёси ва экстрактлар асосида бўлган айрим дори препаратларининг юқорида келтирилган А, В ёки С бўлимларидаги мезонларга мувофиқ келмаслиги ТАМС, ТУМС ва сафрога чидамли грамманфий бактериялар учун микробларнинг типик контаминацияси сабаб деб ҳисобланади. Биоеклама тавсифи ва дори препарати ёки экстрактнинг тахми-

ний қўллаш соҳасининг сифат ва миқдорий жиҳатини инобатга олган ҳолда хавфни баҳолаш асосида қатъий бўлмаган мақбуллик мезонлари қўлланилиши мумкин.

Фармакопеяда таърифланган ҳеч бир усул ўрнатилган даражада микроорганизмлар ҳисобининг ишончли бўлишини таъминлай олмаслиги исботланса, ўрнатилган мақбуллик мезони кўрсаткичига энг яқин чегарани аниқлашнинг валидацияланган усули қўлланилиши мумкин.

03/2021:50109

### 5.1.9. СТЕРИЛЛИК СИНОВИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Стериллик учун ўтказиладиган синовнинг (2.6.1.) мақсади, барча фармакопея синовларидаги каби, мустақил назоратчи-таҳлилчини, синалаётган маҳсулотнинг Давлат фармакопея талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи усуллар билан таъминлашдир. Ишлаб чиқарувчи расмий усулдан фойдаланган вақтда материалнинг Давлат Фармакопеяси талабларига жавоб беришига амин бўлса, ишлаб чиқарувчи бу каби синовларни ўтказишга мажбур эмас ва тавсифланганлар ўрнига модификацияланган ёки мукобил усуллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

#### МИКРОБ КОНТАМИНАЦИЯСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Синовларни ўтказиш учун асептик шароитга, В таснифдаги тоза хонада ёки изоляторда жойлашган, ламинар ҳаво оқими мавжуд бўлган А таснифдаги бокслардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

#### ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Стериллик учун синовнинг ижобий натижаси (намунада контаминацияланган бирликларнинг йўқлиги) билан таъминланган, серия сифатига тааллуқли стерилликнинг кафолати даражаси, сериянинг бир хиллиги, ишлаб чиқариш шароити ва намуна саралаб олишнинг тасдиқланган схемаси самарадорлигига боғлиқдир. Шунинг учун, ушбу бўлимда серия тушунчаси деганда, бир хил шароитда, ҳар бир намуна учун алоҳида бир хил контаминация хавфи билан ишлаб чиқарилган, бир турдаги герметик контейнерларнинг қўплиги тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг охириги босқичида стерилизация қилинган маҳсулотларга нисбатан, стерилизация жараёнида серияга самарали ишлов беришни таъминлайдиган, биологик асосга эга ва автоматик равишда ҳужжатлаштирилган, физик далиллар стерилизация синовидан кўра кўпроқ ишончлилик хусусиятига эга.

Хоссалар бўйича ишлаб чиқариш мақбул деб қабул қилиниши мумкин бўлган шароит 5.1.1. *Стерил маҳсулотларни олиш усуллари* умумий бўлимида келтирилган. Асептик ишлаб чиқариш жараёнини баҳолашда озик муҳитларини қуйиш билан боғлиқ синовларни қўллаш мумкин. Бундан ташқари, асептик шароитда ишлаб чиқарилган препаратларда, стериллик учун ўтказиладиган синовлар препарат стериллик кўрсаткичини кафолатлайдиган ягона таҳлилий усул ҳисобланади. Шунингдек, бу синовлар маҳсулотнинг стериллигини текширувчи ваколатли орган учун ҳам яроқли таҳлилий усулдир.

Стериллик учун ўтказиладиган синов ёрдамида микроорганизмларнинг аниқланиш эҳтимоллиги, сина-

лувчи намунада уларнинг сони кўпайиши билан ортади ва бу мавжуд микроорганизмларнинг ўсиш хусусиятига кўра ўзгариши мумкин. Жуда кам миқдордаги микроорганизмларни аниқлаш эҳтимоллиги партияда бир хиллик бўлган тақдирда ҳам минимал ҳисобланади. Стерилликни аниқлашдаги синовларнинг натижаларини изоҳлаш, синалувчи партиядаги исталган контейнер таркибини текширганда бир хил натижа олинади, деган тахминга асосланади. Ҳар бир контейнерни синаш имкони йўқлиги сабаб, намуналарни саралаб олишнинг тегишли режаси тасдиқланиши лозим. Асептик шароитдаги ишлаб чиқаришда жараён бошида ва партия якунида ҳамда сезиларли аралашувлардан сўнг намуналарни синаш тавсия этилади.

#### НАТИЖАЛАРНИ КУЗАТИШ ВА БАҲОЛАШ

Одатда анъанавий микробиологик/биокимёвий усуллар микроорганизмларнинг идентификациясини, стериллик учун синовларда қайта тикланишини таъминлайди. Бироқ ишлаб чиқарувчи (d) шароитни стериллик учун ўтказиладиган синов ишончсизлигининг истисно мезони сифатида қўллашни истаса, синалувчи препаратдан изоляцияланган микроорганизм, синовда фойдаланилган материаллар ва/ёки иш зонасининг муҳитидан ажратилган микроорганизм билан бир хиллигининг исботи сифатида этилиши мумкин. Идентификациянинг стандарт микробиологик/ биокимёвий усуллари 2 ажратманинг бир хил эмаслигини исботлай олишига қарамай, бу усуллар етарли даражада сезгир эмас ёки 2 ажратма умумий келиб чиқишга эгаллигининг мутлақ далили бўлишга ишончли эмас. Янада сезгир синовлар, масалан, гомологик РНК/ДНК билан молекуляр туркумлаш аниқланган микроорганизмлар клонлар бўлиб, умумий келиб чиқишга эгаллигини исботлашда зарур бўлиши мумкин.

03/2021:50110

### 5.1.10. БАКТЕРИАЛ ЭНДОТОКСИНЛАР СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

#### 1. КИРИШ

Грамманфий бактерияларнинг эндотоксинлари дори препаратларини пироген моддалар билан контаминацияси оқибатида содир бўладиган токсик реакцияларнинг умумий сабабчисидир. Уларнинг пироген фаоллиги бошқа кўпчилик пироген моддаларга нисбатан юқори бўлади. Бу эндотоксинлар липополисахаридлар ҳисобланади. Тузилиши жиҳатидан бошқача бўлган пироген моддаларнинг кам миқдорда мавжудлигига қарамай, агар эндотоксинлардан фарқ қиладиган пироген моддаларнинг мавжудлигини тўлиқ рад этиш имконияти бўлса, хулоса одатда, бактериал эндотоксинларнинг йўқлиги препарат таркибида пироген таркибий қисмларнинг мавжуд эмаслигини тақозо қилади, деган тахминга асосланади. Моноцитларни фаоллаштириш синовлари (2.6.30) эндотоксин бўлмаган пирогенларнинг модда ёки маҳсулот таркибида мавжудлигини инкор этишнинг энг муносиб усули ҳисобланади.

Субстанция ёки препаратда эндотоксинлар амебоцит лизати билан эндотоксинлар орасидаги реакцияга халакит қилувчи омиллар билан ниқобланиши мумкин. Бундан ташқари, эндотоксинларни аниқлаш сақлаш шароити ва вақтига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шу

сабабли, фармакопея мақоласида келтирилган куёнларда ўтказилиши лозим бўлган пирогенлик учун синовни бактериал эндотоксинларни аниқлаш учун синовга алмаштиришни истаган таҳлилчи, текширилаётган маҳсулотда ишончли синовни ўтказиш имконияти борлигини исботлаши керак. Ушбу ҳолатда, ҳалақит қилувчи омилларни йўқотиш процедураларини амалга ошириш зарурияти пайдо бўлиши мумкин.

Бактериал эндотоксинлар учун синовда (2.6.14) кўрсатилганидек, намунада олиб борилаётган синов ишончли деб, тасдиқланишидан аввал, икки муҳим шароит ҳақида маълумот олиниши шарт:

– Синовда фойдаланиладиган материал яроқлилиги тасдиқланиши керак. ВЕТ (Бактериал эндотоксинлар синови учун олинган сув) ва бошқа реактивлар таркибида эндотоксинларнинг йўқлиги, амебоцитлар лизатининг сезгирлиги эса ишлаб чиқарувчи эътироф этган сезгирлик даражаси билан мос эканлиги текширишлар билан тасдиқланиши лозим.

– Синалаётган маҳсулот синовга ҳалақит бериши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, амебоцитлар лизатининг сезгирлиги маҳсулот иштирокида ва у йўқлигида аниқланади. Бу икки текширувдан олинган натижалар орасида сезиларли фарқ бўлмаслиги лозим.

2.6.14. *Бактериал эндотоксинлар* умумий бўлимида ҳалақит қилувчи омилларни бартараф этиш усуллари таърифланган. Бу усуллар қўлланилгач, ҳалақит қилувчи омилларнинг нейтраллангани ёки бутунлай бартараф қилинганини тасдиқлаш учун бошқа синов амалга оширилиши лозим.

Ушбу умумий бўлимда бактериал эндотоксинлар учун синовларга қўйиладиган талабларнинг ўрнатилиш сабаблари, шунингдек, олинган натижаларни ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича тушунтиришлар келтирилган.

Фармакопея мақоласида зарур бўлган куёнлардаги пирогенлик синовини амебоцитлар лизати синови ёки моноцитларни фаоллаштириш синови, амебоцитлар лизати ўрнига рекомбинант С омилли реагенти фойдаланиладиган синовлар каби бошқа усулларга алмаштириш таҳлилнинг муқобил усулини қўллашдир. Шунинг учун, берилган маҳсулот ёки модда учун усулнинг тўғри келишини ҳамда умумий бўлимларда келтирилган усуллар ёрдамида олинган натижалар билан мувофиқ келадиган натижалар беришини намоён этиши талаб этилади (шунингдек, 12 бўлимга ҳам қаралсин).

Бактериал эндотоксинлар учун белгиланган усул ушбу модда ёки маҳсулот тўғрисидаги мақолада кўрсатилиши мумкин. Мақолада белгиланган усулдан ташқари бошқа усулдан фойдаланиш муқобил усулдан фойдаланиш ҳисобланади. Агар усул кўрсатилмаган бўлса, 2.6.14. *Бактериал эндотоксинлар* бўлимида А дан F гача бўлган усулларнинг ҳар биридан фойдаланиш мумкин.

## 2. ҚАБУЛ ҚИЛИШ УСУЛИ ВА МЕЗОНЛАРИ

### 2-1. ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Амебоцитлар лизати билан эндотоксинлар орасида содир бўладиган реакция оқибатида реакция аралашмада хиралашиш, чўкма тушиши ёки зич гел (гель тромб) ҳосил бўлиши кузатилиши мумкин. Бактериал эндотоксинларни аниқловчи биринчи тур синовни баҳолаш мезони сифатида Фармакопеяда фақатгина гел тромб синовни қўлланилган. Ушбу усулнинг афзаллиги, маълум препарат учун ижобий ёки салбий қарорни

куролланмаган кўз билан кўриш мумкин бўлган гел-тромб мавжуд ёки йўқлигига кўра қабул қилиш осонлигидадир. С, D, E ва F усуллари сифатида таърифланган микдорий усуллар кейин ишлаб чиқилган бўлиб, қурилма билан таъминлашни талаб этади. Бироқ, уни бир препаратнинг кўп микдордаги намуналарини доимий синовлари учун автоматлаштириш мумкин.

Эндотоксинлар пластик ва шишанинг маълум турларидан тайёрланган найчалар ва пипетка деворларида адсорбланиши мумкин. Ҳалақит қилувчи таъсирлар пластик материаллардан моддаларнинг ажрალიши натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Бу эса, қўлланиладиган материаллар текширувдан ўтиши кераклигини англатади.

### 2-2. ЭНДОТОКСИННИНГ ЧЕГАРАВИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯЛАРИ

Препаратда бактериал эндотоксинларнинг рухсат этилган чегарада мавжудлигини аниқлаш синалаётган препарат учун, биринчидан, бактериал эндотоксинлар концентрациясининг чегараси белгиланишини, иккинчидан, синалаётган препарат таркибидаги эндотоксинларнинг концентрацияси белгиланган шу чегарадан кам ёки кўплигини аниқлашни мақсад қилади. С, D, E ва F микдорий усуллар синалаётган намунадаги эндотоксинлар концентрациясини аниқлаш имконини беради, бироқ Фармакопеяга мувофиқ бўлиш учун ва сифатнинг кундалик назоратида асосий масала, ушбу концентрация рухсат этилган чегарада эканлиги ёки бунинг акси бўлишидадир.

Эндотоксиннинг чегаравий концентрациялари ўрнатилаётганда текширилувчи модда ёки маҳсулот дозаси инобатга олиниши керак. Бу чегара шундай ўрнатиладигани, бунда препарат ёки субстанциядаги эндотоксин концентрацияси ушбу чегарадан паст бўлмайди, ҳатто, максимал терапевтик дозада беморга бир соат давомида юборилганда ҳам унинг таркибидаги эндотоксинларнинг микдори ўрнатилган чегарадан паст бўлиб, токсик реакция юзага келиши учун етарли бўлмайди.

Агар препарат ёки субстанция таркибидаги эндотоксин концентрацияси белгиланган чегарага мувофиқ бўлса, гел ҳосил бўла бошлайди. Эндотоксин концентрацияси анча юқори бўлганда, препарат синовга бардош беролмайди. Сабаби синовнинг “барчаси ёки ҳеч бири” тамойили таркибдаги эндотоксинларнинг белгиланган чегарасига тўла мувофиқлиги ва концентрациянинг чекловдан кўпроқ бўлиши орасида фарқни ўрнатилишига йўл қўймайди.

Фақатгина гел тромбнинг ҳосил бўлмаган ҳолатида таҳлилий, эндотоксин концентрацияси ўрнатилган чекловдан паст, деган хулосага келади. Қаттиқ ҳолатдаги маҳсулотлар учун эндотоксинларнинг масса бирлиги ёки Халқаро бирлик (ХБ) даги ушбу ўрнатилган чеклов, синовнинг эритма устида ўтказилиши мумкинлигидан, эндотоксиннинг концентрацияси синалаётган эритманинг миллилитри учун ўтказилиши лозим. Суюқлик ҳолатида бўлган (масалан, инфузион эритмалар) қуйида муҳокама қилинади.

## 2-3. ЭНДОТОКСИНЛАРНИНГ ЧЕГАРАВИЙ МИҚ-ДОРНИНИ ҲИСОБЛАШ

Парентерал қўлланиладиган таъсир этувчи моддалар учун эндотоксинларнинг чегаравий миқдори доза асосида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\frac{K}{M}$$

$K$  = тана вазнининг бир килограммига эндотоксиннинг бўсага пироген дозаси;

$M$  = препаратнинг тана вазнининг бир килограммига тавсия этилган бир марталик максимал дозаси.

Маҳсулот тез-тез интервал билан ёки доимий инфузион юбориладиган ҳолатларда,  $M$  - бир соат давомида юборилган умумий максимал доза.

Эндотоксинларнинг рухсат этилган миқдори препарат ва уни юбориш йўлларига боғлиқ бўлиб, Фармакопея мақоласида кўрсатилади.  $K$  учун кўрсаткичлар 5.1.10.-1-жадвалда келтирилган.

Препарат юборишнинг бошқа йўллари учун бактериял эндотоксинларнинг мақбуллик мезони препарат ишлаб чиқишнинг тадқиқот босқичида олинган натижаларга асосланган ҳолда аниқланади.

5.1.10.-1 жадвал

Юбориш йўли	$K$
Вена ичига	5,0 (ХБ эндотоксин килограмм тана вазнига)
Вена ичига, радиофармацевтик препаратлар учун	2,5 (ХБ эндотоксин килограмм тана вазнига)
Инtrateкал	0,2 (ХБ эндотоксин килограмм тана вазнига)
Парентерал препаратлар тана юзасининг 1 квадрат метр юзасига юборилади.	100 ХБ/м <sup>2</sup>

## 2-4. ЭНДОТОКСИН ЧЕГАРАСИНИ ЎРНАТИШНИНГ АНИҚ БИР СУБСТАНЦИЯ ЁКИ ПРЕПАРАТ УЧУН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

Субстанция ёки препарат учун эндотоксиннинг чегара миқдорини қуйидаги жиҳатлар инобатга олинган ҳолда ўрнатади:

**Эндотоксиннинг ҳисобланган чегараси.** Эндотоксин чегараси 2-3 бўлимда кўрсатилгандек ҳисобланади. Бу хавфсизлик чегараси бўлиб, маҳсулот инсонларга юборилганда миқдор бу чегарадан ошмаслиги керак.

**Алоҳида субстанцияга тегишли мақолада белгиланган чегара.** Алоҳида субстанцияга тегишли мақолада белгиланган чегара, одатда, назорат қилинадиган ишлаб чиқариш шароитида эришса бўладиган миқдорни кўрсатади. Шунинг учун, мақолада белгиланган чегара ҳисобланган эндотоксин чегарасидан паст бўлиши мумкин. Бироқ, ишлаб чиқарувчи миқдорий чегарани мақолада келтирилганига нисбатан аниқроқ кўрсатиши мумкин.

**Жараён имкониятлари.** Ишлаб чиқаришда, жараёнининг бактериял эндотоксинларини камайтириш ёки йўқотиш хусусияти специфик жараёнлар учун эндотоксин миқдорининг чегараси пасайишига олиб келиши мумкин.

**Хавфсизликка қўшимча талаблар.** Беморлар популяцияси (масалан, педиатрияда, тўйиб овқатланмаслик, беморнинг хахексия ҳолати ва ҳ.к.), маҳаллий

маҳсул талаблар (масалан, ўртача тана вазнининг энг кам кўрсаткичи 70 кг ўрнига 60 кг билан ишлашни маъқул кўрадиган мамлакатлар, одатда Европада ишлайдиганлар) ни ёки ваколатли орган расмий талаб қилган бошқа хавфсизлиكنинг ҳар қандай қўшимча чоралари эътиборга олинади.

**Маҳсулотни шакллантириш.** Маҳсулотни тиклаш ва/ёки суюлтиришда қўлланиладиган таркибий қисмлар (масалан, инъекция учун сув) ёки таркибга киритиладиган бошланғич материал ва/ёки хом ашё каби таркибий қисмлардаги эндотоксиннинг назарий бактериял юклама-си инобатга олинishi шарт.

## 2-5. МАКСИМАЛ РУХСАТ ЭТИЛГАН СУЮЛТИРИШ

Манфий натижа, препарат таркибидаги эндотоксинларнинг концентрацияси рухсат этилган чегарадан камлигини ва ижобий натижа ЛАЛ – реактив шу чегарага тенг ёки ундан юқори бўлган эндотоксинлар концентрацияси аниқланганини англатишига максимал ишонч ҳосил қилиш учун препаратнинг қандай нисбатдаги суюлтирилиши синовда қўлланилиши лозим.

Бу суюлтириш таркибда эндотоксинларнинг рухсат этилган чегарада мавжудлиги ҳамда ЛАЛ – реактив сезгирлигига боғлиқ бўлади. Бу суюлтириш нисбати максимал рухсат этилган суюлтириш (MVD) деб номланиб, қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$\frac{\text{Эндотоксиннинг рухсат этилган миқдори} \times \text{синалаётган эритманинг концентрацияси}}{\lambda}$$

*Синалаётган эритманинг концентрацияси:*

– мг/мл да, агар эндотоксиннинг рухсат этилган миқдори масса бирликларида ифодаланган бўлса (ХБ/мг);

– Б/мл да, агар эндотоксиннинг рухсат этилган миқдори биологик фаоллик бирлигида ифодаланган бўлса (ХБ/Ед);

– мл/мл да, агар эндотоксиннинг рухсат этилган миқдори ҳажм бирлигида ифодаланган бўлса (ХБ/мл).

$\lambda$  = гел-тромб-синов усулида (ХБ/мл), амебоцитлар лизатининг сезгирлиги, ёрликда кўрсатилади ёки турбидиметрияда стандарт эгри ёки хромоген усулларда аниқланган минимал концентрация.

Агар MVD бутун сон бўлмаса, кундалик қўллашда MVD дан камроқ суюлтирилган препарат эритмасини тайёрлашни аниқлаш MVD дан кам бўлган мос бутун сондан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда, манфий натижа, препарат таркибидаги эндотоксинларнинг концентрацияси рухсат этилган чегарадан паст миқдорда эканлигини кўрсатади. Шундай бўлсада, бу каби синовда препарат таркибидаги эндотоксин концентрацияси рухсат этилган чегарадан пастлиги, бироқ, ЛАЛ – реактив билан реакция оқибатида гел ҳосил қилишга етарли бўлиши синовдан ижобий натижа олиш имкониятини беради. Агар ушбу “яроқли” даража билан суюлтирилган препарат синови ижобий натижа берса, маҳсулот MVD кўрсаткичига суюлтирилиб синов тақорланиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, мунозарали ёки шубҳали натижаларни олдини олиш учун MVD қўлланилиши керак.

Бу факт ЛАЛ – реактив сезгирлигини тасдиқлаш муҳимлигини таъкидлайди.



*Мисол*

Фенитоин натрийнинг 50 мг/мл концентрациядаги (вена ичига юбориш учун мўлжалланган) эритмаси синалиши лозим. MVD кўрсаткичини куйидагиларга асосланган ҳолда аниқлаш зарур:

$M$  = инсон учун максимал терапевтик доза = тана массасининг бир килограммига 15 мг;

$c$  = 50 мг/мл;

$K$  = 5 ХБ эндотоксин тана массасининг бир килограммига;

$\lambda$  = 0,4 ХБ эндотоксин бир миллилитрга

$$MVD = \frac{5 \times 50}{15} \times \frac{1}{0,4} = 41,67$$

Бу маҳсулотнинг кундалик синовлари учун 1 мл синалаётган эритмани 20 мл (MVD/2 кейинги кам бутун сонгача яхлитланган) гача суюлтириш мумкин. Бирок, синов натижаси ижобий бўлган ҳолда, таҳлилчи 1 мл ни 41,67 мл гача суюлтириб, керак ва синовни такрорлаши лозим. 41,67 мл гача суюлтириш, шунингдек, мунозарали масалани ҳал қилиниши учун ўтказилаётган синов учун зарур ҳисобланади. Агар мунозарани ҳал қилиш учун синов ўтказилса, 41,67 мл гача суюлтириш ҳам керак.

### 3. ХАВФНИ БАҲОЛАШ

Умумий бўлимнинг 1-бўлимасида келтирилгандек, агар эндотоксинлардан фарқ қиладиган пироген моддаларнинг мавжудлигини тўлиқ рад этиш имконияти бўлса, хулоса одатда, бактериял эндотоксинларнинг йўқлиги, субстанция ва препарат таркибида пироген таркибий қисмларни мавжуд эмас, деган тахминга асосланади. Эндотоксин бўлмаган пирогенларнинг моддалар ёки маҳсулот таркибида мавжудлигини инкор этиш учун ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқот босқичида ёки бевосита ишлаб чиқариш вақтида моноцитларни фаоллаштириш синовини қўллаш тавсия этилади. Агар ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотнинг пирогенликка тааллуқли сифатига таъсир этувчи бирон бир ўзгартириш киритилса, моноцитларни фаоллаштириш синовини такрор ўтказилади. Бундай ўзгаришларга мисоллар турли хил хомашёлардан, турли хил ишлаб чиқариш майдонларидан ва турли хил жараёнларнинг параметрларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Эндотоксин бўлмаган пирогенларни сақлаган модда ёки маҳсулот хавфи синчиклаб баҳолангандагина, бактериял эндотоксинларни аниқлаш синовини пирогенликни аниқловчи ягона синов сифатида қўллаш қарорини қабул қилинади. Хавфни баҳолаш, бактериял эндотоксинларни аниқлаш синовинида намоён бўлмаган пирогенларни қўшилишига олиб келадиган ҳар қандай омилни ўз ичига олиши шарт. Қуйида келтирилган бандлар хавфни баҳолашда инobatта олиш лозим бўлган омилларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатини ташкил этади:

**Ишлаб чиқариш жараёни** (кимёвий синтез, ферментация, биотехнологик усул). Ферментация маҳсулотлари учун экспрессия тизимини (прокариотик, эукариотик), прокариотларнинг экспрессия тизими учун грамманфий ёки граммусбат бактерияларни ҳисобга олиш керак бўлади. Шунингдек, келиб чиқишига (синтетик, хайвон, ўсимлик) кўра, озиқ муҳитларнинг таркибий қисмлари текширилади.

**Биоюклама.** Фаол, ёрдамчи моддалар ёки дори воеитасини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бирламчи материал ва хомашёларни ифлослантирувчи сифатида

граммусбат бактериялар ва замбуруғларнинг потенциал мавжудлиги ҳамда хомашёнинг келиб чиқиши (синтетик, хайвон, ўсимлик) эътиборга олинishi шарт. Сувнинг сифати умумий баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

**Кейинги жараён имкониятлари.** Бактериял эндотоксинни йўқотиш босқичи кейинги жараённинг бир қисми эканлиги текширилиши зарур.

**Хавфсизлик.** Аҳолининг мўлжалланган гуруҳи ва дорини юбориш йўллари (масалан, вена ичига, интра-текал) хавфсизликни баҳолашда эътиборга олинishi шарт.

**Аниқланадиган эндотоксинларнинг турғунлиги.** Эндотоксинларни аниқлашга маълум таркибий қисмлар билан ўзаро таъсирлашув, сақлаш шароити ва вақти, температура ва синалаётган намуна билан ишлаш кабилар таъсир қилиши мумкинлигини эътиборга олиш керак. Намуналарни сақлаш, қайта ишлаш ва аралаштириш учун аниқланадиган эндотоксин таркибининг турғунлигини кўрсатадиган процедуралар белгиланиши керак.

### 4. СТАНДАРТ МАТЕРИАЛ

*Эндотоксиннинг стандарт намунаси BRP* стандарт препарат сифатида қўллаш учун мўлжалланган. Унинг миқдорий таҳлили ЖССТнинг эндотоксин бўйича халқаро стандартига нисбатан ўтказилган. Унинг фаоллиги бир ампуладаги эндотоксин Халқаро Бирлигида ифодаланади. Эндотоксиннинг Халқаро Бирлиги Халқаро стандарт маълум массасининг специфик фаоллиги сифатида таърифланади. Кундалик синовлар ўтказишда, фаоллиги Халқаро эндотоксин стандартига ёки BRP эндотоксин стандартига нисбатан ўрнатилган ҳамда эндотоксин Халқаро Бирлигида ифодаланган бошқа стандарт намуналардан фойдаланиш мумкин.

*ИЗОХ: Эндотоксиннинг 1 Халқаро Бирлиги (IU), 1 Эндотоксин Бирлиги (EU) га тўғри келади.*

### 5. БАКТЕРИАЛ ЭНДОТОКСИНЛАРНИ АНИҚЛАШ СИНОВЛАРИ (ВЕТ) УЧУН СУВ

ВЕТ учун сув – бу аниқланадиган эндотоксин даражаларига эга бўлмаган стерил сувдир. Одатда у савдода мавжуд бўлиб, сертификатга эга бўлади.

**2.6.14. Бактериял эндотоксинлар** умумий бўлимда уч каррала дистиллаш усулидан ташқари, барча усуллар ВЕТ учун сув тайёрлашда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган. Тесқари осмос усулини қўллаш ёмон натижалар бермаган. Айрим таҳлилчилар дистиллаш жараёнини уч мартадан кўпроқ бажаришни афзал кўради. Қайси усул билан олинишидан қатъий назар, маҳсулот аниқланишга мойил эндотоксинлардан ҳоли бўлиши керак.

### 6. АРАЛАШМАЛАРНИНГ рН КўРСАТКИЧИ

Бактериял эндотоксинларни аниқлаш синовларида оптимал гелнинг ҳосил бўлиши рН нинг 6,0 дан 8,0 гача бўлган кўрсаткичи оралиғида содир бўлади. Бирок, ЛАЛ-реактивининг намунага қўшилиши рН нинг пасайишига олиб келиши мумкин.

### 7. ЛАЛ–РЕАКТИВИНИНГ ВАЛИДАЦИЯСИ

ЛАЛ–реактив эритмаларини тайёрлашда ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига риоя қилиш керак.

Реакция якуний нуктасининг суюлтириш омиллари асосида олинган ижобий натижалар, гель-тромб-синовининг А ва В усулида логарифмга ўзгартирилади. Бу ўзгартириш, тақсимланиш графигида ушбу логарифмик кийматларнинг такрорланиш даражаси, омилларнинг ўз графигидан кўра нормал тақсимланиш эгриси билан мос келишига асосланади. Аслида, улар ўзаро шунчалар ўхшашки, нормал тақсимланишни математик модель сифатида қўллаб, Стюдент мезони ёрдамида ишонч интервалини ҳисоблаш мумкин.

#### 8. ХАЛАҚИТ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР УЧУН ДАСТЛАБКИ СИНОВЛАР

Таркибдаги бактериал эндотоксинларни аниқлаш учун синовлар айрим субстанция ёки препаратларда, уларнинг реактивлар билан аралашмаслиги ва рН кўрсаткичини 6,0 дан 8,0 гача етказиш мумкин эмаслиги ёки ферментатив реакция (масалан,  $\beta$ -D-глюканлар) ни ингибирилаши ва аксинча, кучайтириши сабаб, бевосита амалга ошириш имкони бўлмайди.

Шунинг учун, халақит қилувчи омилларни текшириш мақсадида дастлабки синовларни ўтказиш талаб этилади. Халақит қилувчи омиллар аниқланган ҳолда, таҳлилчи уларни бартараф этиш усулининг самарадорлигини ва бу усулни қўллаганда мавжуд бактериал эндотоксинлар йўқотилмаслигини тасдиқлаши лозим.

Дастлабки синовларнинг мақсади – ЛАЛ-реактивнинг текширилувчи субстанция ёки препарат иштирокидаги сезгирлиги препаратсиз ҳолатдаги сезгирлигидан катта фарқ қилмаслиги ҳақидаги бошланғич фарзни текширишдир.

А ва В усулларида оддий мезон: агар ЛАЛ-реактивнинг синалаётган препарат иштирокидаги сезгирлиги 0,5 дан кам бўлмаса, шунингдек, реактивнинг ўзидан икки қаррадан ошмаса бошланғич фарз исботланган ҳисобланади.

Халақит қилувчи омилларга синовларнинг А ва В усуллари таркибида аниқланган концентрациядаги эндотоксинлар бўлмаган препарат намунаси қўлланилишини талаб қилади. Бу, ўз навбатида, бутунлай янги препаратларда синов ўтказишда назарий муаммони келтириб чиқаради. Шу сабабдан, С, D, E ва F микдорий усуллар учун бошқача ёндашув ишлаб чиқилган.

Хромоген пептидлар қўлланиладиган D ва E усуллар учун, А, В, С ва F усулларида бўлмаган реагентлар талаб қилинишига эътибор қаратилсин. Бундан, А, В, С ёки F усуллари халақит қилувчи омиллар талабларига жавоб беришини, D ёки E усулларига нисбатан кейинги синовларсиз экстраполяция қилиш мумкин эмас.

#### 9. ХАЛАҚИТ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Халақит қилувчи омилларни йўқотиш усуллари синалаётган субстанция ёки препарат таркибидаги эндотоксинлар микдорининг қўпайиши ёки камайишига (масалан, адсорбция йўли билан) таъсир кўрсатмаслиги керак. Танланган усул самарадорлигини текширишнинг тўғри усули, синалаётган препарат намуналарини уларга маълум микдорда эндотоксинлар қўшиб тайёрлаб, сўнг уларнинг очилувчанлигини аниқлаш, яъни қўшимча қўпиш усули ҳисобланади.

**С ва D усуллар.** Таҳлил қилинаётган препарат табиати халақит қилувчи омил мавжудлигини тақозо этса ва уни классик усуллар (масалан, суюлтириш ёки

центрифугалаш) ёрдамида бартараф этиш имкони бўлмаса, худди шу турдаги эндотоксин сақламаган, тегишли қайта ишлов бериш ёки суюлтириш йўли билан олинган субстанция ёки препаратни қўллаган ҳолда стандарт эгрисини тузиш мумкин.

Сўнгра эндотоксин учун синов мана шу стандарт эгрисига солиштириш йўли билан бажарилади. Қўп ҳолларда триацетат целлюлозадан тайёрланган асимметрик мембраналар ёрдамида ультрафилтрлашни қўллаш мумкин. Целлюлоза ҳосилалари ( $\beta$ -D-глюканлар), маълум шароитларда нотўғри бўлган ишончли натижалар олинишига сабаб бўлишини инобатга олган ҳолда, филтрлар тегишлича валидацияланган бўлиши шарт.

Халақит қилувчи омилларни бартараф этишдаги бошқа вариант икки босқичли процедурадир. Бунда 1) халақит қилувчи омил ичидаги эндотоксин қаттиқ фазада маҳкамланади ва 2) халақит қилувчи омил бартараф этилгач (масалан, ювиш йўли орқали), мос синов шароитида эндотоксин ўзгармаган ҳолда аниқланади.

#### 10. НАЗОРАТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

Назорат, ВЕТ учун сув билан тайёрланган ЛАЛ-реактивнинг маълум қилинган сезгирлигидан икки баробар концентрацияга эга эндотоксин стандарт эритмаси реактивнинг фаоллигини синов шароити (А ва В усуллари)да тасдиқлаш учун қўлланади. Салбий назоратнинг мақсади, ВЕТ учун сув таркибида эндотоксиннинг аниқланувчи концентрацияда мавжуд эмаслигини тасдиқлашдир.

Ижобий назорат синовидида қўлланиладиган концентрациядаги синалувчи препаратни ўз ичига олиб, синов давомида ва шароитида халақит берувчи омилларнинг йўқлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган.

#### 11. ҲИСОБ ВА НАТИЖАЛАРНИ БАҲОЛАШ

ВЕТ учун сув ёки синов давомида ЛАЛ-реактив контакт қилиши мумкин бўлган бошқа реактив, материал таркибидаги бактериал эндотоксинларнинг минимал микдори ЛАЛ-реактив сезгирлиги чегарасидан паст бўлса, аниқланмаслиги мумкин. Бирок, ушбу из қолдирувчи микдор синалувчи эритмада бактериал эндотоксинларнинг микдорини ЛАЛ-реактив сезгирлик чегарасидан озгина кўпроқ микдорга қўпайишига олиб келиши ва реакциянинг ижобий натижасига сабаб бўлиши мумкин.

Бу каби нохуш асорат содир бўлиш эҳтимolini ЛАЛ-реактив ёки маҳсулот синовидида қўлланиладиган бошқа сезгирлиги юқори реактив билан ВЕТ учун сув ва бошқа реактивлар ҳамда материалларни синаш орқали камайтириш мумкин.

#### 12. МОНОГРАФИЯДА ТАЪРИФЛАНГАН УСУЛЛАРНИ АЛМАШТИРИШ

##### 12-1. БОШҚА ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИ УСУЛИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ

Умумий бўлимларда кўрсатилганидек, мақолаларда келтирилган усуллар, илмий тажриба ва таҳлилий валидация бўйича амалдаги тавсияномаларга мувофиқ текширилган. 2.6.14. Бактериал эндотоксинлар ва 2.6.30. Моноцитларни фаоллаштириш синовини умумий бўлим-

ларида таърифланган усуллар аниқ бирон бир модда ёки маҳсулот учун маълум таҳлилий муҳитда қўлланилиши нуқтаи назаридан ташқари, тақрорий валидацияни талаб қилмайди.

Усулда қўлланиладиган процедура, материал ва реагентлар мос синов учун таърифланганидек тасдиқланган бўлиши керак.

Халақит қилувчи омилларнинг йўқлиги (ва зарурат бўлганда, уларни бартараф этиш тартиби) камида 3 та серия партиясидан кам бўлмаган ҳолда олинган намуналарда текширилади.

Зарур маълумотлар ишлаб чиқарувчилардан сўраб олинади; компанияларга модда ва маҳсулотлар учун ўринбосар синовларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган исталган текширув маълумотларини бериш таклиф этилади. Бу каби маълумотлар, намунани тайёрлаш тафсилотлари ва халақит қилувчи омилларни бартараф этиш учун исталган процедураларни ўз ичига олади.

**2.6.30. Моноцитларни фаоллаштириш синовини** умумий бўлимида кўрсатилганидек, моноцитларни фаоллаштириш синовини, биринчи навбатда, куёнларда ўтказиладиган пирогенликини аниқлаш синовини алмаштириш учун мўлжалланган. Бу синовни қўллаш усуллари (А, В ёки С), моноцит фаоллаштириш синовини текшириш йўллари бўйича тавсиялар **2.6.30. Моноцитларни фаоллаштириш синовини** умумий бўлимида таърифланган.

## 12-2. ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИДА ТАЪРИФЛАНМАГАН МУҚОБИЛ УСУЛ БИЛАН АЛМАШТИРИШ

Рекомбинант С фактори каби муқобил реагентларни амebaцитлар лизати ўрнига қўллаш, тирик хайвонлардан ажратиб олинган реагентлардан фойдаланишни инкор этади.

Умумий хабарномада кўрсатилганидек, мақолада белгиланган куён пирогенини ёки бактериал эндотоксин синовини амebaцит лизатини алмаштириш учун рекомбинант С фактори реактиви ёки бошқа бирон бир реагент ёрдамида синов билан алмаштиришда муқобил усули фармакопея синовини қўллаш сифатида қаралиши керак.

03/2021:50111

### 5.1.11. АНТИСЕПТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ БАКТЕРИЦИД, ФУНГИЦИД ЁКИ ЗАМБУРУҒЛАРГА ҚАРШИ ФАОЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Ушбу умумий бўлимда антисептик дори препаратларидаги антимикроб фаоллигини аниқлаш учун қўллаш мумкин бўлган синов таърифланган, улар сув билан аралаштирилади ва бевосита сиртга, териға ёки ишлқ қаватига қўллаш учун мўлжалланган. Синов даражаси маҳсулотни кўрсатилган антимикроб фаоллигига боглиқ.

У бактерицид, фунгицид ёки замбуруғларга қарши фаоллигини ва бундай фаолликини спецификацияда ўрнатилганларга мувофиқлигини аниқлайди.

Бу тадқиқот ушбу препаратларни клиник самардорлигини баҳолаш ўрнини босмайди ёки тасдиқламайди.

## 1. ТАМОЙИЛ

Антимикроб фаоллик синов ўтказиладиган микроорганизмлар (бактериялар, замбуруғлар ёки алоҳида ачитқилар) бўлган суспензияга антисептик маҳсулот намунасини қўшиш йўли билан аниқланади. Аралашма бактерицид фаоллик учун 5 мин ва фунгицид ёки замбуруғларга қарши фаоллик учун эса 15 мин  $33 \pm 1$  °C ҳароратда контактда ушлаб турилади. Тўлиқ контакт учун қўшимча вақт антисептик дори воситасини қўлланишида кўрсатилганга мувофиқ танланиши мумкин. Контакт охирида алиқвота ажралиб чиқади ва бу алиқвотада микробга қарши фаоллик дарҳол валидация қилинган усул билан тўхтатилади. 2 усул мумкин, бу суיותириш-нейтрализация ва мембрана филтрацияси.

Процедура унинг мувофиқ назоратларни қўллаш йўли билан яшовчан микроорганизмлар сонини талаб қилинадиган даражада камайтириш қобилятини намоён қилишини тасдиқлаш учун валидация қилинади.

## 2. СИНАЛАДИГАН МИКРООРГАНИЗМЛАР ВА ЎСИШ ШАРОИТИ

Синаладиган штаммларни стандартлаштирилган турғун суспензиялари 2-1 бўлимда кўрсатилгандек тайёрланади. Экиладиган материал культураларини ушлаб туриувчи усуллари (экма материали тизими), шундай қилиб, инокуляция учун қўлланиладиган яшовчан микроорганизмлар уруғларни дастлабки асосий партиаларидан 5 марта экилганда олиб ташланган бўлиши керак.

Ҳар бир синаладиган микроб штаммларини 5.1.11.-1 жадвалда кўрсатилгандек алоҳида етиштирилади.

5.1.11.-1-жадвал

### Синаладиган микроорганизмлар ва ўсиш шароити

Бактерицид фаолликини синаш учун штаммлар	
<i>Staphylococcus aureus</i>	ATCC 6538, NCIMB 9518, CIP 4.83, NBRC 13276 кабилар
<i>Enterococcus hirae</i>	ATCC 10541, NCIMB 8192, CIP 58.55, DSM 3320 кабилар
<i>Escherichia coli</i>	NCIMB 10083, CIP 54.117, NCTC 10538, DSM 11250 кабилар
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	ATCC 15442, NCIMB 8626, CIP 103467, NBRC 13275 кабилар
Бактерияларнинг ўсиш шароити	
Соя-казеинли агар ёки соя – казеинли бульон - синаладиган штаммларни тайёрлаш учун: 30-35 °C, 18-24 соат ва субкультура камида икки марта - маҳсулотни текшириш ва синовни валидация қилиш учун: 30-35 °C, ≤ 3 кун	синов суспензиясидаги КХҚБ микдори: $1-5 \times 10^8$ КХҚБ/мл
Ачитқиларни фаоллигини синаш учун штамм	
<i>Candida albicans</i>	ATCC 10231, NCPF 3179, CIP 48.72, NBRC 1594 кабилар
Ачитқиларнинг ўсиш шароити	
Сабуру-декстрозали агар ёки сабуру-декстрозали бульон - синаладиган штаммларни тайёрлаш учун: 20-25 °C, 2-3 сутка ва субкультура камида икки марта - маҳсулотни текшириш ва синовни валидация қилиш учун: 20-25 °C, ≤ 5 сутка	синаладиган суспензиядаги КХҚБ микдори: $1-5 \times 10^7$ КХҚБ/мл
Фунгицид фаолликини синаш учун штаммлар	
<i>Candida albicans</i>	ATCC 10231, NCPF 3179, CIP 48.72, NBRC 1594 кабилар
<i>Aspergillus brasiliensis</i>	ATCC 16404, IMI 149007, CIP 1431.83, NBRC 9455 кабилар
Замбуруғларнинг ўсиш шароити	

Сабуро-декстрозали агар ёки сабуро-декстрозали бульон - <i>C. albicans</i> суспензиясини тайёрлаш учун синов: 20-25 °C, 2-3 сутка - синаладиган <i>A. brasiliensis</i> споралари суспензиясини тайёрлаш учун синов : 20-25 °C, яхши спора ҳосил бўлгунча камида 5 сутка - маҳсулотни синаш ва синовни <i>C. albicans</i> ва <i>A. Brasiliensis</i> билан валидация қилиш учун: 20-25 °C, ≤ 5 сутка	Синаладиган суспензияда КХҚБ микдори: 1-5 × 10 <sup>7</sup> КХҚБ/мл
--	---

Тавсия қилинадиган эритмалар ва муҳитлар 2.6.13 умумий бўлимида таърифланган. Тозаланган сув қўлланилади. Ҳамма реагентлар қўлланишидан олдин стерил бўлиши керак.

Бактерицид, фунгицид ёки ачитки фаоллигига синовларни кўрсатилган штаммлар билан 5.1.11.-1-жадвалда таърифлангандек ўтказилади.

Бу микроорганизмларга қўшимча бошқа бактериал ёки замбуруғ штаммларни қўшиш зарурати пайдо бўлиши мумкин, улар синаладиган антисептик дори воситалари.

Ягона штаммлари бўлган синамалар қўлланилади. Санашлар иккита экземплярда бажарилади, ўртача арифметик натижалар эса ҳисобланади ва КХҚБ/мл ифодланади.

## 2-1. СИНАЛУВЧИ СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Микроорганизмларни тўплаш учун *натрий хлорид R* 9 г/л эритмасини (бактериялар ва *C. Albicans* учун) ёки 9 г/л *натрий хлорид R* ва 0,5 г/л *полисорбат 80 R* сақлаган эритма (*A. brasiliensis* учун), 5.1.11.-1-жадвалда таърифланган КХҚБ дан рақамли синов суспензиясини олиш учун қўлланилади.

2 соат давомида ёки 24 соат давомида 2-8 °C ҳароратда сақланган суспензияни қўллаш лозим.

## 2-2. АНТИСЕПТИК МАҲСУЛОТНИ СИНАЛАДИГАН ЭРИТМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Антисептик маҳсулотни синаладиган эритмасининг концентрацияси, агар иложи бўлса эксплуатацияда синовда қўлланиладиган концентрациясидан 1,25 марта кўп бўлиши керак, чунки у синов вақтида ва валидация усулида 80 % гача суюлтирилади.

## 2-3. НЕЙТРАЛЛАШТИРУВЧИ АГЕНТЛАР

Нейтраллаштирувчи агентлар антисептик маҳсулотни антимикроб фаоллигини нейтраллаштириш учун қўлланилади. Умумқабул қилинган нейтраллаштирадиган агентлар 2.6.12 умумий бўлим, 2.6.12.-2-жадвалда *Ностерил маҳсулотларни микробиологик текширишлар: микроблар миқдорини аниқлаш* келтирилган. Нейтраллизация вақти 10 сек дан кам ва 60 сек дан кўп бўлмаган вақтни ташкил қилади.

## 3. УСУЛЛАР

Синовдан олдин барча реагентлар температураси 33 ± 1 °C гача тенглаштирилади.

### 3-1. СУЮЛТИРИШ-НЕЙТРАЛЛАШТИРИШ УСУЛИ

*Қорамол альбумини R* эритмаси 3 г/л дан 1,0 мл ли пробиркага ўтказилади, 1,0 мл синалаётган суспензия

қўшилади ва 33 ± 1 °C ҳароратда 2 мин давомида ушла-нади. 8,0 мл антисептик маҳсулотнинг синаладиган эритмаси қўшилади ҳамда 33 ± 1 °C ҳароратда контакт учун танланган вақт давомида ушлаб турилади. Кейин 1,0 мл синаладиган аралашма намунаси олинади, 1,0 мл сув *R* ва 8,0 мл нейтралловчи агенти сақлаган пробиркага ўтказилади ҳамда 33 ± 1 °C ҳароратда нейтраллизация вақтига мувофиқ вақт давомида ушлаб турилади. 1,0 мл нейтраллаштирилган синов аралашмаси иккита намунада олинади ва қуйиб берувчи пластина ёки юзага тақсимлаш усули ёрдамида инокуляция қилинади. Инкубация шароити 5.1.11.-1-жадвалга қаралсин. Инкубациядан кейин санаш амалга оширилади.

### 3-1-1. Синов/назорат учун яроқлилиги

Ҳамма усуллар учун миллилитрда 100-1000 КХҚБ синаладиган микроорганизмларни сақлаган валидация учун суспензия тайёрланади.

#### 3-1-1-1. Эспериментал шароитларни назорати

*Қорамол альбумини R* эритмасини 3 г/л дан 1,0 мл пробиркага ўтказилади, 1,0 мл валидация учун суспензияси қўшилади ва 33 ± 1 °C ҳароратда 2 мин давомида ушлаб турилади. 8,0 мл сув *R* қўшилади ва 33 ± 1 °C ҳароратда контакт учун танланган вақт давомида ушлаб турилади. Ушбу аралашмадан 1,0 мл дан иккита намунада олинади ва қуйиб берувчи пластина ёки юзага тақсимлаш усулини қўллаб инокуляция қилинади. Инкубация шароити 5.1.11.-1-жадвалда келтирилган. Инкубациядан кейин санаш амалга оширилади. Инкубациядан кейин ажратиб олинган КХҚБ микдори камида 0,5 × (валидация суспензиясидаги КХҚБ микдори)/10 ташкил қилади.

#### 3-1-1-2. Нейтралловчи агент назорати

*Қорамол альбумини R* эритмасини 3 г/л дан 1,0 мл пробиркага ўтказилади, 1,0 мл валидация суспензияси ва синовда қўлланилган 8,0 мл нейтралловчи агент қўшилади ҳамда 33 ± 1 °C ҳароратда нейтраллаштириш вақтига мувофиқ вақт давомида ушлаб турилади. Ушбу аралашмадан 1,0 мл дан иккита намунада олинади ҳамда қуйиб берувчи пластина ёки юзага тақсимлаш усули ёрдамида инокуляция қилинади. Инкубация шароити 5.1.11.-1-жадвалда келтирилган. Инкубациядан кейин санаш амалга оширилади. Инкубациядан кейин ажратиб олинган КХҚБ микдори камида 0,5 × (валидация суспензиясидаги КХҚБ микдори)/10 ташкил қилади.

#### 3-1-1-3. Суюлтириш-нейтраллаштириш усулининг назорати

*Қорамол альбумини R* эритмасини 3 г/л дан 1,0 мл пробиркага ўтказилади, 1,0 мл 9 г/л *натрий хлорид R* эритмаси ва 8,0 мл синалаётган эритма қўшилади ҳамда 33 ± 1 °C ҳароратда контакт учун танланган вақт давомида ушлаб турилади. Ушбу аралашмадан 1,0 мл олиб, 9,0 мл нейтралловчи агент сақлаган пробиркага ўтказилади ва 33 ± 1 °C ҳароратда нейтралловчи вақтига мувофиқ вақт давомида ушлаб турилади. Сўнгра 1,0 мл валидация суспензияси қўшилади ҳамда аралаштирилади. 30 мин дан кейин 1,0 мл аралашма иккита намунада олинади ва қуйиб берувчи пластина ёки юзага тақсимлаш усули ёрдамида инокуляция қилинади. Инкубация шароити 5.1.11.-1-жадвалга қаралсин. Инкубациядан сўнг санаш амалга оширилади. Инкубациядан ажратиб олинган КХҚБ микдори камида, 0,5 × (КХҚБ текширувчи суспензиядаги микдори)/10 ташкил қилади.

### 3-2. МЕМБРАНАЛИ ФИЛЬТРАЦИЯНИ УСУЛИ

Нейтрализация босқичи ўрнига дарҳол фильтрация босқичини бажариб, 3-1 бўлимда таърифланган ҳаракатларни амалга оширилади. Тешиклари 0,45 мкмдан катта бўлмаган номинал ўлчамли мембрана фильтрларини қўлланилади. Фильтр материални тури шундай тарзда танланадики, бунда микробларни сақланишига нисбатан самарадорлигига текширилаётган намунанинг компонентлари таъсир қилмаслиги керак. Санаб ўтилган ҳар бир микроорганизмлар учун битта мембрана фильтри қўлланилади. 0,1 мл синаладиган эритмани тегишли тарзда суюлтирилади ва дарҳол умумий ҳажмни филтрдан ўтказилади, кейин мембрана фильтрини мос келадиган ҳажмдаги суюлтирувчи билан ювилади. Синовлар иккита намунада бажарилади. Инкубация шароити 5.1.11.-1-жадвалга қаралсин. Инкубациядан кейин санаш амалга оширилади.

#### 3-2-1. Танланган экспериментал шароитларни ва мембрана фильтрацияси усулини текшириш.

##### 3-2-1-1. Экспериментал шароитлар назорати

Контакт вақтини тугашидан ташқари, 3-1-1-1 бўлимда таърифланган ҳаракатлар бажарилади, намунани иккита нусхада олинадиган ҳамда алоҳида мембрана фильтрацияси қўрилмасига ўтказилади. Дарҳол филтрдан ўтказилади, кейин ҳар бирини мембрана филтрларидан алоҳида пластинкалар юзасига ўтказилади. Инкубация шароити учун 5.1.11.-1-жадвалга қаралсин. Инкубациядан сўнг санаш амалга оширилади. Инку-

бациядан ажратиб олинган КХҚБ миқдори камида,  $0,5 \times$  (КХҚБ текширувчи суспензиядаги миқдори)/10 ташкил қилади.

##### 3-2-1-2. Мембранали фильтрация усулининг назорати

Контактни танланган вақтини тугашидан ташқари, 3-1-1-1 бўлимида таърифланган ҳаракатларни бажарилади, бу намунани иккита нусхада олинадиган ва мембрана филтрлаш учун алоҳида ускунага ўтказилади. Филтрдан ўтказилади ва 3-2 бўлимда таърифлангандек ювилади, сўнгра мембраналарни ювувчи суюқлик билан ёпилади ва валидация суспензия намунаси қўшилади. Яна филтрдан ўтказилади ва ҳар бири мембрана филтрларидан алоҳида пластинкаларнинг юзасига ўтказилади. Инкубация шароити учун 5.1.11.-1-жадвалга қаралсин. Инкубациядан кейин санаш амалга оширилади. Инкубациядан ажратиб олинган КХҚБ миқдори камида,  $0,5 \times$  (КХҚБ валидация суспензиясидаги миқдори)/10 ташкил қилади.

### 4. МУВОФИҚЛИК МЕЗОНЛАРИ

Агар бошқача асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, препарат:

- агар КХҚБ аниқ миқдори камида  $5 \log_{10}$  га камайса, бактерицид фаолликка эга;
- агар КХҚБ аниқ миқдори камида  $4 \log_{10}$  га камайса, фунгицид фаолликка эга;
- агар КХҚБ аниқ миқдори камида  $4 \log_{10}$  га камайса, замбуруғлар фаоллигига эга.



## 5.2. БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР БЎЙИЧА УМУМИЙ МАТНЛАР

5.2. Биологик препаратлар бўйича умумий матнлар .	1455
5.2.1. Биологик препаратларнинг фармакопея мақолаларида қўлланиладиган умумий атамалар .....	1457
5.2.2. Вакциналарни ишлаб чиқариш ва сифат назоратида қўлланиладиган, махсус патоген микрофлорадан холи товуклар галаси .....	1458
5.2.3. Тиббиётда қўлланиладиган вакциналарни ишлаб чиқариш учун ҳужайра – продуцентлари .....	1461
5.2.8. Тиббий дори воситаларини қўллашда ҳайвонларнинг ғоваксимон энцефалопатия касаллиги қўзғатувчиларининг юқиш хавфини камайтириш .....	1466
5.2.11. Одам учун конъюгирланган полисахаридли вакциналарни ишлаб чиқариш учун оксил- ташувчилар.....	1483
5.2.12. Ҳужайра ва ген терапиясида қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш учун биологик табиатли хом ашёлар .....	1484
5.2.14. Вакциналарнинг сифатини назорат қилишда <i>in vivo</i> усулини <i>in vitro</i> усули (лар)га алмаштириш .....	1488





## 5.2. БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР БЎЙИЧА УМУМИЙ МАТНЛАР

03/2021:50201

### 5.2.1. БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРНИНГ ФАРМАКОПЕЯ МАҚОЛАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УМУМИЙ АТАМАЛАР

Ушбу мақоланинг айрим бандларида муқобил атама-лар қавс ичида келтирилган.

**Экиладиган материал тизими [Seed-lot system].** Ушбу тизимга мувофиқ, (бу) битта асосий экиладиган материалдан маҳсулотнинг кетма-кет сериялари олинади. Кундалик ишлаб чиқаришда, ишчи экиладиган материал асосий экиладиган материалдан тайёрланиши мумкин. Асосий экиладиган материал ва ишчи экиладиган материал келиб чиқиши ва пассажлар миқдори қайд этилади.

**Асосий экиладиган материал [Master seed-lot].**

Ишлаб чиқаришнинг бир циклида, маҳсулот серия-ларидан бирининг микроорганизмлар культу-раси ало-ҳида контейнерларга қадокланган бўлиб, уларга шундай қайта ишлов бериладики, бунда бир хиллик, барқарорлик ва бегона агентларнинг йўқлиги таъминланади. Асосий экиладиган материални суюқ ҳолда, одатда  $-70^{\circ}\text{C}$  ёки ундан паст ҳароратда; лиофилизация қилинган ҳолда – барқарорлигини аниқ таъминлайдиган ҳароратда сақла-нади.

**Ишчи экиладиган материал [Working seed-lot].**

Асосий экиладиган материалдан олинган ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун мўлжалланган микро-организмлар культу-раси. Ишчи экиладиган материал алоҳида контейнерларда тарқатилади ва юқорида келти-рилган, асосий экиладиган материални сақлашга мўлжал-ланган шароитларда сақланади.

**Хужайралар банки тизими (Экиладиган хужай-ралар культу-раси тизими) [Cell-bank system (cell-seed system)].**

Бу тартибда, тайёр маҳсулотнинг кетма-кет серияси (партияси), битта асосий хужайралар банкининг бири-дан (экиладиган хужайралар культу-расининг асосий банки) келиб чиқувчи хужайра культу-раси ёрдамида ишлаб чиқариладиган тизимдир. Ишчи хужайралар банкини (экиладиган хужайралар культу-расининг ишчи банки) тайёрлаш учун асосий хужайралар банкининг (экиладиган хужайралар культу-расининг асосий банки) бир нечта контейнерларидан фойдаланилади. Хужай-ралар банки тизими (экиладиган хужайралар культу-раси тизими), кундалик ишлаб чиқаришда фойдаланиш мум-кин бўлган энг кўп рухсат этилган пассажлар даражасида валидация қилинади.

**Хужайралар асосий банки (Экиладиган хужай-ралар культу-расининг асосий банки) [Master cell bank (Master cell bank)].** Ишлаб чиқаришнинг бир циклида, микроорганизмлар культу-раси алоҳида контейнерларга қадокланган бўлиб, уларга шундай қайта ишлов бери-

ладики, бунда бир хиллик, барқарорлик ва бегона агент-ларнинг йўқлиги таъминланади. Одатда, асосий хужайралар банки  $-70^{\circ}\text{C}$  ёки ундан паст ҳароратда сақланади.

**Хужайралар ишчи банки (экиладиган хужайралар культу-расининг ишчи банки) [Working cell bank (Working cell seed)].** Хужайралар асосий банкидан (эки-ладиган хужайралар культу-расининг асосий банки) яратиладиган ва ишлаб чиқариш хужайра культу-ралари. Хужайралар ишчи банки (экиладиган хужай-ралар культу-расининг ишчи банки) асосий хужайралар банкига (экиладиган хужайралар культу-расининг асосий банки) ўхшаш шароитларда, алоҳида контейнерларга қадокланади ва сақланади.

**Хужайраларнинг бошланғич (бирламчи) культу-раси [Primary cell cultures].** Тегишли тўқима ва аъзонинг трипсинзация қилиниши натижасида олинган хужайралар культу-раси. Хужайралар, қайси тўқима хужайраларидан олинган бўлса, улар билан амалда айнан ўхшаш бўлиб, ҳайвон тўқимасининг бошланғич препара-тидан 5 та дан кўп бўлмаган *in vitro* пассажда амалга оширилади.

**Хужайра линиялари [Cell lines].** *In vitro* усулида кўп маротаба кўпая олиш учун юқори қобилятга эга хужай-ралар культу-раси. Диплоид хужайралар культу-расининг линияси, амалда, ушбу линия олинган тўқима хужайра-лари билан ўхшаш тавсифларга эга бўлади. Узлуксиз хужайра линияларида, хужайралар культу-раси чексиз кўпайишга қодир бўлиб, соғлом ёки ўсмасимон тўқима-дан олинган бўлиши мумкин. Айрим узлуксиз хужайра-лар линиялари, маълум бир шароитларда онкоген потен-циалга эга бўлади.

**Хужайралар ишлаб чиқарувчи культу-раси [Pro-duction cell culture].** Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хужайралар культу-раси; ишчи хужайралар банкининг (экиладиган хужайралар культу-расининг ишчи банки) бир ёки бир нечта контейнерларидан олинган бўлиши мумкин ёки бу бошланғич хужайралар культу-раси бўлиши мумкин.

**Назорат хужайралари [Control cells].** Вирус юкти-рилмаган ва инфекцияланмаган хужайралар культу-раси сифатида фойдаланалидиган, ишлаб чиқарувчи хужай-раларнинг маълум бир миқдори. Инфекцияланмаган хужайралар, ишлаб чиқарувчи хужайралар культу-раси учун фойдаланиладиган шароитларда инкубация қили-нади.

**Бир марталик йиғим [Single harvest].** Бир ишлаб чиқарувчи хужайралар культу-расидан бир марта ёки кўп марта олинган материал ёки бир ишлаб чиқариш циклида инкубация қилинган ва йиғилган, ишчи экиладиган мате-риалдан олинган суспензия.

**Моновалент бирлаштирилган йиғим [Monovalent pooled harvest].** Бир вақтнинг ўзида ишлов бериладиган, маълум бир миқдордаги тухумлар, хужайра культу-раси контейнерлари ва ҳ.к. олинган битта штамм ёки микро-организм тури ёки антиген тутувчи бирлаштирилган материал.

**Қадокланмаган тайёр вакцина [Final bulk vaccine].** Қуйиш ва қадоклашдан ташқари, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларидан ўтган маҳсулот. Тиндирилганидан, суюлтирилганидан ёки адъювант ёки ёрдамчи моддалар қўшилганидан сўнг, бир ёки бир неча тур ёки турли микроорганизмларнинг культу-расини бир ёки бир неча моновалент бирлашган йиғимларидан ташкил топган. Уни бир хиллигини таъминлаш мақсадида, унга ишлов берилади ҳамда бирламчи ўрамга бир ёки бир неча

серияларини (партиясини) қадоқлаш учун фойдаланилади.

**Тайёр маҳсулот серияси (партияси) [Final lot (Batch)].**

Тайёр маҳсулотни тўлдириш ёки тайёрлаш пайтида контаминация хавфи нуктаи назаридан гомоген ва эквивалент бўлиши керак бўлган, истеъмолчи фойдаланадиган ўрамларда муҳрланган алоҳида контейнерлар ёки бошқа дори шакллари бўлиши мумкин. Истеъмолчи фойдаланиладиган ўрам бирлиги, тайёр қадоқланмаган вакцинанинг битта партиясидан тўлдирилади ёки бошқа усул билан тайёрланади, лиофилизация (заруриятга қўра) қилинади ва бир узликсиз ишлаб чиқариш цикли даврида тикинлаб қўйилади. Улар, тайёр серия (партия)ни идентификацияловчи, бошқалардан ажратиб турадиган тартиб рақами ёки кодга эга. Агарда қадоқланмаган вакцина қуйиб чиқилса ва/ёки бир неча алоҳида операциялар орқали лиофилизация қилинса, бу бир неча боғлиқ тайёр маҳсулот серияси (партияси) пайдо бўлишига олиб келади, улар одатда тартиб рақами ёки коднинг умумий қисми ёрдамида идентификация қилинади. Тайёр маҳсулотнинг ушбу бир-бирига боғлиқ серияси (партияси) баъзан суб-партия, суб-серия ёки қадоқлашга оид партиялар деб аталади.

**Комбинацияланган вакцина [Combined vaccine].**

Таркибига кирувчи антигенларнинг бир пайтда қилиниши таъминловчи кўп компонентли препарат. Турли хил антиген компонентлари, турли хилдаги турлардан ёки турлича организм ва/ёки турли хил организмлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Комбинацияланган вакцина, ишлаб чиқарувчи томонидан фақат суюқ ёки лиофилизация қилинган препарат ёки фойдаланишдан аввал аралаштириш кўрсатмаларига эга бўлган бир неча таркибий қисм қўрилишида тақдим этилиши мумкин.

03/2021:50202

## 5.2.2. ВАКЦИНАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СИФАТ НАЗОРАТИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН, МАХСУС ПАТОГЕН МИКРОФЛОРАДАН ХОЛИ ТОВУҚЛАР ГАЛАСИ

*Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.*

**Преципитация** — мураккаб аралашмалардан оқсилга мойиллиги бўлган антитаналар ёрдамида оқсилни ажратиб олиш усули.

Кўрсатилган ҳолатларда, вакциналарни ишлаб чиқариш ёки сифат назоратида фойдаланиладиган жўжалар, эмбрионлар ёки ҳужайра культураларини, махсус патоген микрофлорадан холи (SPF) товуқлар тухумидан олинади. Товуқлар галасининг SPF даражаси қуйида келтирилган тизим асосида таъминланади. Микроорганизмлар бўлимида келтирилган рўйхат, мавжуд билимларга асосланган бўлиб, эҳтиёжга қўра янгилашиб турилади.

Гала, бир хил муҳитда кўпайтирилган қушлар гуруҳини ифодалаб, уларга SPF даражасига эга бўлмаган галалар билан алоқада бўлмаган ишчилар хизмат кўрсатади. Галага SPF даражаси берилиши билан, уларга ушбу даражага эга бўлмаган қушлар қўшилмайди.

Гала зарарланиш эҳтимоллиги энг кичик бўлган шароитларда сақланади. Уни SPF даражасига эга бўлмаган галалар ёнига жойлаштириш мумкин эмас, истисно гала сифатида, SPF-гала даражаси берилиш жараёнига тайёрланаётган ёки SPF-гала тутиладиган мос шароитларда сақланаётган бўлиши лозим. Гала изоляторда ёки хаво фильтрация қилинадиган ва мусбат босим остида келадиган бинода сақланиши керак. Шу билан бирга, кемирувчилар, ёввойи қушлар, ҳашоратлар ва тегишли рухсатга эга бўлмаган инсонлар киришининг олдини олиш чоралари қўрилиши лозим.

Хонага киришга рухсат этилган ходимлар, бошқа қушлар ёки галани зарарловчи агентлар билан алоқада бўлмаслиги керак. Назорат қилинадиган хонага ходим киришидан олдин, душ қабул қилиши ва кийимини алмаштириши ёки ҳимоя кийимини кийиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатларда, хонага олиб келинадиган буюмлар стерилизация қилиниши лозим. Жумладан, ем-хашакга шундай ишлов бериш лозимки, унга номақбул микроорганизмларнинг тушишининг олдини олиш, масалан, сув, хлорланган ичимлик суви талабларига жавоб бериши тавсия этилади. SPF-галадаги қушларга дори воситалари юборилмайди. Чунки бу галада касалликни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Галанинг умумий соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар доимо қайд этиб борилади, ҳар қандай четта оғишлар текширилади.

Асосий назорат кўрсаткичларига касалланиши, ўлими, умумий физик ҳолати, озуқа ейиши, ҳар кунги тухум қўйиши ва тухум сифати, серпуштлиги ва жўжа очириши киради. Ушбу маълумотлар ёзилган қайдномалар камида 5 йилгача сақланади. Текширилаётган кўрсаткичларда, метёрдан ҳар қандай четта чиқишлар ёки қандайдир инфекция аниқланса, имкони борича қисқа муддатларда тухумлар истеъмолчиларига хабар берилади.

Қуйида келтирилган синовлар ёки синовлар комбинацияси, вирусларнинг тегишли серотипларига мос келувчи махсуслик ва сезгирликка эга бўлиши керак.

Синовлар учун намуналар тасодифий қўрилишда танлаб олинади. Жўжалар анемияси вируси (ЖАВ (CAV)) борлиги бўйича олинган ижобий натижа, галадан олинган материални ишлатишни сўзсиз рад этмайди, аммо, 7 кунлик ёшга етмаган қушлар учун қўлланиладиган тирик вакциналар, ЖАВ манфий реакцияли қушлардан олинган материалдан фойдаланиб тайёрланади. 7 кунлик ёшга етмаган қушлар учун қўлланиладиган, инактивация қилинган вакциналарни, ЖАВ га манфий реакция бермаган галадан олинган материалдан тайёрлаш мумкин, бироқ вакцинани инактивация қилиш жараёнида, ЖАВ инактивация қилиниши мумкинлиги тасдиқланган бўлиши лозим.

### SPF ДАРАЖАЛИ ГАЛАНИ ЯРАТИШ

Бўлғуси SPF-гала, текширувда, 5.2.2-1-жадвалда келтирилган, вертикал йўл билан юқадиган инфекция қўзғатувчилари йўқлиги аниқланган қушлардан яратилади. Текширувлар, SPF-гала шаклланишидан олдинги қушларнинг иккита авлодида ўтказилади. SPF-галани олиниш ва сақлаб туриш тартибларининг умумий схемаси 5.2.2-1-жадвалда схематик келтирилган. Янги SPF-галани шакллантириш учун қушларнинг уч авлодида бир қатор синовлар ўтказилади. Биринчи авлоддаги ҳамма қушлар, 20 ҳафталик ёшга етгунга қадар ҳеч бўлмаганда бир марта қушлар лейкози гуруҳи антигени ва қушлар лейкози вирусининг А, В ва J субтурларига қарши антителолар йўқлигига иммуно-фермент таҳлили (ИФА (ELISA)) ёки

вирусни нейтраллаш реакцияси (НР (VN)) усуллари ёрдамида текширилган бўлиши лозим. Шунингдек, барча қушлар 5.2.2-1-жадвалда келтирилган, вертикал йўл билан юқадиган инфекция қўзғатувчиларга қарши антителоларга текширилиши керак. 8 ҳафталик ёшидан бошлаб, яратилаётган галани *Salmo-nella* йўқлигига текширилади. Галани 8 ҳафталик ёшидан бошлаб, клиник текширувлари ўтказилади, бунда, қушларда юқумли касалликларнинг белгилари бўлмаслиги лозим. Шаклланаётган галани баҳолашда қўлланиладиган текширув усуллари жадвалда кўрсатилган ва қўшимча тавсиялар SPF-галани стандарт текшириш бўлимида келтирилган. 20 ҳафталик ёшидан бошлаб, галани “SPF-галани стандарт текшириш” бўлимига мувофиқ текширилади. Ушбу тартибнинг барча босқичлари, кейинги икки авлодга ҳам қўлланилади, ҳар бир қушни вертикал йўл билан юқадиган касаллик қўзғатувчиларига текшириш бундан мутасно. Синовларнинг барча натижалари, галанинг уччала авлодида патоген микроорганизмлар йўқлигини кўрсатиши шарт, учинчи авлоддан SPF-гала шакллантирилади.

Галага, битта қуш фермасида алоҳида хонада сақланган бошқа SPF-галадан олинган SPF-товуқ эмбрионлари қўшилиши мумкин. 8 ҳафталик ёшидан бошлаб, ушбу алмаштирилган қушлар гала ҳисобланади ва уларда юқорида келтирилган процедуралар асосида текширувлар ўтказилади.

#### SPF ДАРАЖАДАГИ ГАЛАЛАРДАН ОЛИНГАН КЕЙИНГИ АВЛОДЛАРНИ ТЕКШИРИШГА ҚУЙИЛАДИГАН БОШЛАНГИЧ ТАЛАБЛАР

Янгиланган гала фақатгина SPF даражага эга галадан олинган бўлса, янги авлод, дастлаб SPF даража олиши учун текширилади. 8 ҳафталикдан бошлаб, галани *Salmonella* борлигига, умумий соғлиғи ва функционал ҳолати бўйича текширувларга қўшимча равишда, қуйида келтирилган текширувлар ўтказиш талаб этилади. Текширувлар галадан танлаб олинган 5 % ли иккита намунада амалга оширилади (10 тадан кам бўлмаган ва 200 қушдан кўп бўлмаган). Қушларни 12-16 ҳафталик ва 16-20 ҳафталик ёшларда, ҳеч бўлмаганда, 4 ҳафталик оралиқда танлаб олинади.

Ҳамма намуналар алоҳида танлаб олинади ва текширилади. Антителоларга синовлар ўтказиш учун қон намуналари ва лейкоз вирусига мос намуналар танлаб олинади. Қўлланиладиган назорат усуллари “SPF-галани стандарт текшируви” бўлимига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши шарт. Ҳар қандай инфекциянинг йўқлигини тасдиқловчи барча синовларда ижобий натижалар олинган, янги авлодга SPF даражаси берилади.

#### SPF-ГАЛАНИНГ СТАНДАРТ ТЕКШИРУВИ

Умумий қўрик ва патологоанатомик текширув. Клиник текширувлар ҳеч бўлмаганда, гала ҳаёти давомида, ҳафтада бир марта, уй қушларининг чечак вируси ва инфекцияни қайсидир белгилари йўқлигини тасдиқлаш учун ўтказилади. Агарда, ўлим даражаси ҳафтасига 0,2 % дан юқори бўлса, имкони борича, барча ўлган қушлар ёриб кўрилади. Бунда қайсидир инфекциянинг йўқлигини тасдиқлаш лозим бўлади. Заруриятга кўра, ташхисни тасдиқлаш учун гистопатологик ва/ёки микробиологик/вирусологик текширувлар ўтказилади. Сил касаллиги белгилари борлигини аниқлаш учун махсус

текширувлар ўтказилади. Шикастланиш жойларининг гистологик намуналарида *Mycobacterium avium* йўқлигини тасдиқлаш учун махсус бўёқлар билан бўялади. Имкониятга кўра, барча ўлган қушларнинг кўричаги ичидаги намуналар *Salmonella spp.* ларнинг ҳар хил турлари борлигига микробиологик текширувлар қуйида келтирилган усуллар ёрдамида ўтказилади. Заруриятга кўра, 5 та қушнинг кўричаги ичидаги намуналар бирлаштирилиб текширилиши мумкин.

*Salmonella* тури микроорганизмларини аниқлашнинг культурал усули. *Salmonella spp.* аниқлаш культурал усулида қушларнинг тўғри ичагидан олинган ювинди ёки нажаслар ёки ректал тампон ёрдамида олинган суртмалар қўлланилади. Нажаслар ёки ювиндиларни текширишда, галанинг бутун умри давомининг ҳар 4-ҳафтасида жами 60 та намуна текширилади. Текширувлар учун ўнтагача намунани бирлаштириш мумкин. Суртмаларни текширишда, иккитадан кам бўлмаган намуна танлаб олиниб, галанинг бутун умри давомининг ҳар 4-ҳафтасида ўтказилади. *Salmonella spp.* ни аниқлаш учун намуналар олдиндан бойитилади, кейин *Salmonella* учун селектив бўлган озиқ муҳитларда ундирилади.

*Қушлар лейкози вируси борлигини аниқлаш.* Тухум қўйишдан олдин, ректал суртмалар ёки қон намуналарида (қон қуйқасининг оқиш қавати экилади), лейкознинг махсус-гуруҳ антигенларини аниқлаш учун текширувлар ўтказилади. Ҳар 4 ҳафтада, ҳаммаси бўлиб, галанинг 5 % дан (10 тадан кам бўлмаган, 200 тадан кўп бўлмаган қушлар) намуналар танлаб олинади. Тухум қўйиш даврида, оксил намуналари барча тухумларнинг 5 % дан (10 тадан кам бўлмаган, 200 тадан кўп бўлмаган) танлаб олинади ва ҳар 4 ҳафтада текширилади. Қушлар лейкозининг махсус-гуруҳ антигенларини ИФА усулида текширилади. Бунда антигенларнинг А, В ва J субгуруҳларини аниқлаш имконини берадиган усуллардан фойдаланилади.

*Бошқа юқумли касаллик қўзғатувчиларига қарши антителоларни аниқлаш.* 5.2.2.-1-жадвалда санаб ўтилган барча юқумли касаллик қўзғатувчиларига қарши антителоларни аниқлаш, галанинг бутун тухум қўйиш даврида амалга оширилади. Ҳар 4 ҳафтада, қушлар галанинг 5 % дан (10 тадан кам бўлмаган, 200 тадан кўп бўлмаган) намуналар танлаб олинади. Ҳар ҳафтада, галанинг 1,25 % ни текшириш тавсия этилади, чунки айрим касаллик қўзғатувчиларига текшириш ҳар ҳафтада ўтказилиши лозим. 5.2.2.-1-жадвалда, галада тезда тарқалувчи касаллик қўзғатувчиларининг ва секин тарқалувчи ёки эҳтимол, барча галани зарарламайдиган касаллик қўзғатувчиларнинг таснифи келтирилган. Секин тарқалувчи касаллик қўзғатувчилари учун ҳар бир намуна алоҳида текширилади. Тезда тарқалувчи касаллик қўзғатувчилари учун, ҳар 4 ҳафтада танлаб олинган, ҳеч бўлмаганда, 20 % алоҳида намуналар текширилади. Зардобни нейтраллаш реакциясини ёки қаттиқ фазадаги иммунофермент текшириш усули (ELISA) қўлланилганида, барча намуналар алоҳида текширилиши ёки бир вақтда танлаб олинганларини 5 та намунадан бирлаштириш мумкин бўлади. 5.2.2.-1-жадвалда, касаллик қўзғатувчиларини аниқлашга керакли бўлган усуллар келтирилган.

Давлат ваколатли ташкилоти билан келишилган ҳолда, ҳеч бўлмаганда, кўрсатилганлари каби сезгирлик ва махсусликка эга бошқа турдаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

5.2.2.-1.- жадвал

Касаллик қўзғатувчи	Ўтказиладиган текширувлар**	Вертикал юқиш йўли	Тез/секин тарқалиши
Кушларнинг аденовируслари, 1 гуруҳ	РДП, ИФА	ҳа	секин
Кушларнинг энцефаломиелит вируси	РДП, ИФА	ҳа	тез
Кушларнинг юқумли бронхит вируси	РТГА, ИФА	йўқ	тез
Кушларнинг ларинготрахеит вируси	РН, ИФА	йўқ	секин
Кушларнинг лейкоз вируси	Вируслар учун ИФА, антителолар учун РН, ИФА	ҳа	секин
Кушларнинг нефрит вируси	ИО	йўқ	секин
Кушларнинг ортороевируси	ИО, ИФА	ҳа	секин
Кушларнинг ретикулэндотелиоз вируси	РДП, ИФА	ҳа	секин
Жўжаларнинг анемия вируси	ИО, ИФА, РН	ҳа	секин
Тухум қўйишни пасайиш синдроми вируси	РТГА, ИФА	ҳа	секин
Кушларнинг инфекцион бурсит вируси	1-серотип: РДП, ИФА, РН 2-серотип: РН	йўқ	тез
Грипп А вируси	РДП, ИФА, РТГА	йўқ	тез
Марек касаллиги вируси	РДП	йўқ	тез
Ньюкасл касаллиги вируси	РТГА, ИФА	йўқ	тез
Куркаларнинг (кушларнинг) ринотрахеит вируси	ИФА	йўқ	секин
<i>Mycoplasma gallisepticum</i>	Ижобий тестни тасдиқлаш учун РА ва РТГА ИФА, РТГА	ҳа	секин
<i>Mycoplasma synoviae</i>	Ижобий тестни тасдиқлаш учун РА ва РТГА ИФА, РТГА	ҳа	тез
<i>Salmonella pullorum</i>	РА	ҳа	секин

РА: Агглютинация реакцияси
РДП: Гелдаги диффуз преципитация реакцияси. Ушбу усул ҳар кунги текширувлар учун ишлатилади
ИО: Имунбўйаш
РН: Вирусни нейтраллаш реакцияси
ИФА: Иммунофермент текшириш усули
РТГА: Гемагглютинацияни тормозлаш реакцияси

\*\* Ваколатли Давлат ташиклоти билан келишилган ҳолда бошқа усуллари қўллаш ҳам мумкин, аммо улар ҳеч бўлмаганда, кўрсатилганлар каби сезгирлик ва махсусликка эга бўлишлари лозим.

5.2.2.-2.-жадвал.

Галага SPF даражасини тақдим этиш ва ушбу даражадаги галани ушлаб туриш тартибларини схематик таърифи

Янги кушлар	Вертикал йўл билан юқадиган касаллик қўзғатувчиларининг йўқлиги аникланади
	Барча кушлар ҳаётининг 20 ҳафтасидан ошмасдан, кушларнинг лейкоз вируси йўқлиги ва унга қарши антителоларга текширилади
	Ҳаётининг 8 ҳафтасидан <i>Salmonella</i> spp. борлигига текширилади ва умумий клиник текширувлар ўтказилади
	20 ҳафталик ёшидан бошлаб, айрим касаллик қўзғатувчиларини аниклаш бўйича стандарт текширувлар ўтказилади
2-авлод	Кушлар ҳаётининг 20 ҳафтасидан ошмасдан, кушларнинг лейкоз вируси йўқлигига ва унга қарши антителоларга текширилади
	Ҳаётининг 8 ҳафтасидан <i>Salmonella</i> spp. борлигига текширилади ва умумий клиник текширувлар ўтказилади
	20 ҳафталик ёшидан бошлаб, айрим касаллик қўзғатувчиларини аниклаш бўйича стандарт текширувлар ўтказилади
3-авлод	Кушлар ҳаётининг 20 ҳафтасидан ошмасдан, кушларнинг лейкоз вируси йўқлигига ва унга қарши антителоларга текширилади
	Ҳаётининг 8 ҳафтасидан <i>Salmonella</i> spp. борлигига текширилади ва умумий клиник текширувлар ўтказилади
АГАРДА ҲАММА ТЕКШИРУВЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ ҚОНИҚАРЛИ БЎЛСА, ГАЛАГА SPF ДАРАЖАСИ БЕРИЛАДИ	
3-авлод	20 ҳафталик ёшидан бошлаб, айрим касаллик қўзғатувчиларини аниклаш бўйича стандарт текширувлар ўтказилади
	Тухум қўйганидан кейин, тик йўл билан юқадиган касаллик қўзғатувчиларига текширувлар ўтказилади
Кейинги авлод	12 ва 20 ҳафталик кушлардан 5 % танлаб олинганларида, кушларнинг лейкоз вируси ва айрим юқумли касаллик қўзғатувчиларининг йўқлигига текширилади
	Ҳаётининг 8 ҳафтасидан <i>Salmonella</i> spp. борлигига текширилади ва умумий клиник текширувлар ўтказилади
	20 ҳафталик ёшидан бошлаб, айрим касаллик қўзғатувчиларини аниклаш бўйича стандарт текширувлар ўтказилади
	Тухум қўйганидан кейин, тик йўл билан юқадиган касаллик қўзғатувчиларига текширувлар ўтказилади

Тухумларни охирги йиғиб олинганидан сўнг, 5.2.2.-1-жадвалда кўрсатилган, вертикал йўл билан юкувчи касаллик қўзғатувчилари йўқлигини тасдиқлаш учун якуний текширувлар амалга оширилади. Тухумларни охирги йиғиб олинганидан сўнг, ҳеч бўлмаганда, 4 ҳафта давомида, текширишлар учун галанинг 5 % (10 тадан кам бўлмаган, 200 тадан кўп бўлмаган) танлаб олинади. 4 ҳафталик давр мобайнида, гуруҳдаги ҳар бир кушдан кон намуналари олинади, бунда, ҳеч бўлмаганда, кушларнинг 1,25 % да (25 % намуналар) намуналарни, тухумларни охирги йиғиб олинганидан сўнг, 4 ҳафта ўтганидан кейин танлаб олинади. Зардоб намуналарини, вертикал йўл билан юкадиган касаллик қўзғатувчилари (5.2.2.-1.-жадвалга қаралсин) борлигига, кўрсатилган усуллар ёрдамида текширилади. Агарда намуналарни танлаш ҳар ҳафтада амалга оширилса, бу даврда 1,25 % дан (25 % намуналар) кам бўлмаган кушларда текширишлар ўтказилади. Муқобил сифатида, тухумларни охирги йиғиб олинганидан сўнг, 4 ҳафта ичида қон ва/ёки текширишларга мувофиқ келадиган бошқа материаллар танлаб олинади, ҳеч бўлмаганида, галани 5 % да вертикал йўл билан юкадиган касаллик қўзғатувчиларига, валидация қилинган нуклеин кислоталар амплификацияси (2.6.21) усуллари ёрдамида текширилади.

#### МАХСУС КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИСИ АНИҚ- ЛАНГАН ҲОЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲАРАКАТЛАР

Агарда гала, 5.2.2.-1-жадвалда кўрсатилган секин тарқалувчи касаллик қўзғатувчиси билан зарарланганлиги аниқланса, қўзғатувчи борлиги аниқланган намуна танлаб олинган суткадан олдинги 4 ҳафта ичидаги даврда галадан олинган барча материаллар қоникарсиз ҳисобланади. Ўхшаш ҳолда, агарда гала, 5.2.2.-1-жадвалга кўрсатилган тез тарқалувчи касаллик қўзғатувчиси билан зарарланганлиги аниқланса, қўзғатувчи борлиги аниқланган намуна танлаб олинган суткадан олдинги 2 ҳафта ичидаги даврда галадан олинган барча материаллар қоникарсиз ҳисобланади. Шундай материаллардан ишлаб чиқарилган ҳар қандай ва SPF материалларини ишлатиш мажбурий бўлган маҳсулотлар яроқсиз деб ҳисобланади. Ушбу материаллардан фойдаланган ҳолда ўтказилган барча сифат назорати синовлари бекор қилинади.

Ишлаб чиқарувчилар барча тухум истъеомчиларини, зарарланиш аниқланганлиги тўғрисида, эпидемия тарқалиши бошланиши билан иложи борица тезроқ ха-бардор этишга мажбурдирлар.

Ҳар қандай маълум бир касаллик қўзғатувчиси билан зарарланганлиги тасдиқланган ҳар бир гала, SPF даражасини қайта ола олмайди. Охирги манфий намунагача бўлган 4 ҳафталик даврда ёки ундан сўнг олинган галанинг ҳар қандай авлоди SPF даражасига киритилиши мумкин эмас.

#### 5.2.3. ТИББИЁТДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ВАКЦИНАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚА- РИШ УЧУН ҲУЖАЙРА – ПРОДУЦЕНТЛАРИ

Ушбу бўлим, тиббиётда қўлланиладиган вакциналарни ишлаб чиқаришда ҳужайра-продуцентлари сифатида фойдаланиладиган диплоид ҳужайралар линияси ва узлуксиз ҳужайралар линиясига тааллуқли. Рекомбинант ДНК технологияси ёрдамида тайёрланган вакциналар билан боғлиқ қўшимча саволлар, “*Рекомбинант ДНК-технологияси ёрдамида олинган маҳсулотлар*” (0784) фармакопея мақоласида таърифланган. 5.2.3.-1.-жадвалда турли босқичларда ўтказилиши керак бўлган синовлар кўрсатилган (экиладиган ҳужайралар культураси, асосий ҳужайралар банки (МСВ), ишчи ҳужайралар банки (WCB), ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳужайраларнинг юқори ёки энг юқори даражада икки баробар кўпаядиган популяциясига мувофиқ келадиган тайёр маҳсулотнинг ҳужайралари (ЕОРС) ёки кенгайтирилган ҳужайралар банки (ЕСВ)). Қуйида ҳужайралар линиясидан фойдаланиш ҳамда текшириш усуллариининг умумий шартлари келтирилган. Алоҳида вакциналарни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий (бирламчи) ҳужайралар ёки ҳужайралар культураси банкни ташкил қилмасдан бир неча бор қайта пассаж қилинган ҳужайраларга қўйиладиган талаблар, хусусий фармакопея мақолаларида келтирилган.

**Диплоид ҳужайралар линияси.** Диплоид ҳужайралар линияси юқори, аммо *in vitro* шароитда чегараланган кўпайиш қобилиятига эга.

**Узлуксиз ҳужайралар линияси.** Узлуксиз ҳужайралар линияси *in vitro* шароитда чексиз кўпайиш қобилиятига эга бўлади; кўпинча ҳужайралар кариотипида бирламчи ҳужайраларга нисбатан фарқларга эга бўлади. Уларни соғлом тўқима ёки ўсма, ёки сут эмизувчи, ёки ҳашо-ратлардан олиш мумкин.

Агар, давомий ҳужайра линияларининг канцероген потенциали тадқиқотларда тасдиқланган бўлса, улардан фойдаланиш билан боғлиқ назарий хавфлар мавжуд бўлади. Бу хавфлар вакцинадаги ҳўжайин-ҳўжайранинг ДНК қолдигини потенциал биологик фаоллиги билан боғлиқ. Агар, ҳўжайра ДНКсида вирус-ДНКси ёки про-вирусининг геноми (ёки хромосомага бириккан ёки хромосомадан алоҳида жойлашган) мавжуд бўлса, ҳўжайин-ҳўжайра ДНК-қолдигини юктириш хавфига эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, агар, ҳўжайра субстрати канцероген бўлса, онкогенлигининг потенциал хавфи мавжуд бўлади.

Давомий ҳўжайра линиясида ишлаб чиқариладиган вакциналар, уларни канцероген эканлиги ёки йўқлигидан қатъий назар, хавфни баҳолаш ва камайтириш, тайёр маҳсулотда ҳўжайин ҳўжайранинг ДНК қолдигининг муқобил мезонларини аниқлаш ва ҳўжайин ҳўжайра оксилларининг консистенциясини баҳолашни, ҳўжайра продуцентининг яроқчилигини аниқлаш учун амалга ошириш зарур.

**Ҳўжайра банки тизими.** Вакциналарни диплоид ҳўжайралар линияси ва узлуксиз ҳўжайралар линиясидан фойдаланиб ишлаб чиқариш, ҳўжайра банк тизимига асосланган. *In vitro* ҳўжайралар ёши, МСВ орқали ҳисобланади. Ҳар бир WCB, бир ёки бир нечта МСВ контейнерларидан фойдаланган ҳолда тайёрланади. Кон-

тейнерлардан фойдаланишда, келиб чиқиши ва тарқатилиши эҳтиёткорлик билан ҳужжатлаштирилади.

**Одам ва ҳайвонлардан олинадиган муҳит ва моддалар.** Ажратиб олиш ва кейинчалик кўпайтириш учун қўлланадиган озик муҳитларнинг таркиби батафсил ёзиб олинади. Уларда фойдаланиладиган одам ёки ҳайвонлардан олинган моддалар ёт агентларни тутмаслиги лозим (2.6.16) ва 5.1.7 Вирусли хавфсизлик умумий фармакопея мақоласига мувофиқ келиши лозим.

Агар донор альбуминидан фойдаланилса, унинг “Донор альбумин эритмаси” (0255) фармакопея мақоласига мувофиқлиги таъминланиши лозим.

Агарда, қорамол зардобини қўлланилса, у “Қорамол зардобини” (2262) хусусий фармакопея мақоласи талабларига жавоб бериши зарур.

Агар, ҳужайра культурасини тайёрлашда ишлатиладиган трипсин рекомбинант келиб чиқишга эга бўлмаса, уни тегишли усуллар билан микоплазмалар ва вирусларнинг йўқлигига текширилади.

**Экиладиган ҳужайралар культураси.** Экиладиган ҳужайралар культурасининг яроқчилигини баҳолаш учун фойдаланиладиган маълумотлар, мавжуд бўлган жойда, унинг манбаи, тарихи ва тавсифи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

**Ҳужайралар манбаи.** Одам ҳужайралари линияси учун донор тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар қайд этилади: этник ва жугрофий келиб чиқиши, ёши, жинси, умумий физиологик ҳолати, ишлатилган тўқима ёки аззоси, патоген микроорганизмларни аниқлаш бўйича ўтказилган ҳар қандай текширувларнинг натижалари.

Ҳайвон ҳужайралар линияси учун ҳужайралар манбаи бўйича қуйидаги маълумотлар қайд этилади: ҳайвон тури, линияси, кўпайтириш шароитлари, жугрофий келиб чиқиши, ёши, жинси, умумий физиологик ҳолати, ишлатилган тўқима ёки аззоси, патоген микроорганизмларни аниқлаш бўйича ўтказилган ҳар қандай текширувларнинг натижалари.

Нейрон ҳужайраларини келиб чиқишида, масалан, нейробластома ва P12 ҳужайра линиялари, уларда ғоваксимон энцефалопатия касаллиги қўзғатувчилари тўпланиши сабабли, бундай ҳужайралардан вакциналарни ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди.

**Ҳужайралар тарихи.** Бу ҳолда қуйидаги маълумотлар қайд этилади: бирламчи ҳужайраларни ажратиб олишда қўлланилган усул, ундириш усуллари ва МСВ ни яратишда фойдаланилган ҳар қандай бошқа процедуралар, хусусан, ҳужайрлар культурасига ёт агентларни тушириши мумкин бўлган ҳолатлар.

Ҳужайраларни кўпайтиришда олдин қўлланилган озик муҳитларнинг таркибий қисмлари, масалан, ҳай-вондан олинадиган моддаларнинг манбаи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Агарда бу асосланган ва рухсат этилган бўлса, шундай культуралардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган ҳужайра банклари вакциналарни ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин.

**Экиладиган ҳужайрлар культурасини тавсифи.** Бунда қуйидаги хусусиятлар аниқланади:

(1) ҳужайралар хоссалари қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда, масалан, изоферментлар таҳлили, *in vitro* иммунохимёвий усуллар, нуклеин кислоталарини изини ажратиб олиш ва нуклеин кислоталарининг амплификацияси (NAT) усуллари;

(2) ҳужайраларнинг ўсиш тавсифи ва уларнинг морфологик хоссалари (оптик ва электрон микроскопия);

(3) кариотипи — диплоид ҳужайрлар линияси учун;

(4) *in vitro* ҳаётининг давом этиш муддатини назарда тутган ҳолда, популяция микдорини икки марта ортиши — диплоид ҳужайрлар линиялари учун.

**Ҳужайра-продуцентларнинг барқарорлиги.** Кўзланган сақлаш шароитларида ҳужайралар линияларининг муқобил яшовчанлиги тасдиқланган бўлиши лозим. Ҳужайралар линиясидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган ҳар бир препаратга, мўлжалланган фойдаланиш муддатининг бошланғич ва охириги пассажининг турли даражасидаги ҳужайраларда ва/ёки популяцияни икки марта кўпайиш даражасида, доимо ишлаб чиқарилиши мумкинлигини тасдиқлаш керак бўлади.

**Бегона инфекцион агентлар.** Вакцинларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ҳужайра линияларида, бегона инфекцион агентларнинг мавжудлиги синовлари хавфни баҳолаш асосида ўтказилиши лозим. Мос келувчи рухсат этилган ҳужайраларни танлашда, ҳужайра продуцентининг келиб чиқиши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ёки ҳайвон ёки ўсимлик манбаи хом ашёдан тасодифий тушиб қолиши мумкин бўлган потенциал ёт агентларни ҳисобга олиш зарур. Ёт агентларни аниқлаш учун синовлар 5.2.3.-1-жадвалда келтирилганларга мувофиқ амалга оширилади, аммо асосий ҳужайралар банки (МСВ) ёки ишчи ҳужайралар банки (WCB) даражасида ўтказиладиган кўпгина муқобил синов усуллари ҳам мавжуд. Ҳар қандай ҳолатда, ҳар бир синов асосланган бўлиши ва 5.2.3.-1-жадвалда келтирилган хавфсизлик даражасига олиб келиши керак. Ҳозирги вақтда янги, кенг имкониятларга эга бўлган сезгир молекуляр усуллар мавжуд, жумладан, салмоқли параллел секвенация (MPS), бир қанча вирус оилалари учун дегенератив поли-мераз занжирли реакция (PCR) ёки тасодифий прай-мирлаш (секвенация билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган) усуллари, ДНК-микрочипларини гибридизацияси ва масс-спектрометрия. Ваколатли орган рухсатига биноан ушбу усуллар, *in vivo* усулларига ёки махсус NAT синовларига муқобил сифатида ёки *in vitro* культурал усулларига қўшимча/муқобил бўлиши мумкин. Ҳужайра линиялари ва бегона вирусларни келиб чиқиши ва кўпайтирилишида, маълум бир вирусларни йўқ қилиш/инактивациялаш жараёнлари ҳисобга олинishi зарур. Маълумки ушбу вируслар ҳар доим биологик турларни зарарлайди, масалан, макак-резуслардаги одамсимон маймунларнинг 40 вируси, хашорат ҳужайра-раларидаги Flock house вирус ёки ишлаб чиқариш жараёнида бундан ташқари, ҳайвон ёки ўсимлик манбаи хомашёдан тасодифий тушиб қолиши мумкин бўлган вируслар. Ҳашоратлардан ажратиб олинган ҳужайра линияларида, хашоратларнинг биологик турига тегишли бўлган вируслар ва арбовирусларга (бўғимоёқлилар ташувчи вируслар) синовлар ўтказилади. Синовдан ўтказиладиган вируслар тўплами, шу кундаги илмий билимлар ҳолатига мувофиқ танлаб олинади. Эндоген ретровирус қолдиқлари аниқланадиган ҳужайра линия-ларини (масалан, кемирувчиларнинг ҳужайралари), қайта транскриптаза билан текшириш талаб этилмайди, чунки у мусбат бўлади. Демак, ушбу эндоген ретровирус қолдиқлари юқумли ёки юқумли эмаслигини аниқлаш учун синовлар ўтказилиши лозим.

Юқумли ретровируслар мавжудлиги аниқланган ҳужайралар линиялари, агар бошқача асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, вакциналарни ишлаб чиқариш учун яроқли ҳисобланмайди.

## Хужайра линияларининг синовлари

Синовлар	Бирламчи хужайралар	Хужайраларнинг асосий банки (МСВ)	Хужайраларнинг ишчи банки (WCB)	Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган популяциянинг икки баробар кўпая олиш даражасидаги ёки унданда кўпроги
<b>1. ЧИНЛИГИ ВА ТОЗАЛИГИ</b>				
Морфологияси	+	+	+	+
Чинлиги	+	+	+	+
Кариотиби (диплоид хужайралар қатори)	+	+	+(1)	+(1)
Ҳаётининг давомийлиги (диплоид хужайралар қатори)	-	+	+	-
<b>2. БЕГОНА АГЕНТЛАР</b>				
Бактерия ва замбуруғлар билан зарарланиши	-	+	+	-
Микобактериялар	-	+(2)	+(2)	-
Микоплазмалар	-	+	+	-
Спироплазмалар <sup>(3)</sup>	-	+	+	-
Электрон микроскопия	-	+(4)	-	+(4)
Хужайра культураларини бегона агентларга текшириш (яшовчан хужайралар ёки эквивалент хужайралар лизатлари билан)	-	+	+	+
Янги туғилган сичқонлар ва тухумларда текшириш	-	-	+(5)	+(5)
Махсус вирусларни NAT усулида текшириш	-	+(6)	+(6)	+(6)
Кенг молекуляр усуллардан фойдаланган	+(7)	+(7)	+(7)	+(7)
Ретровируслар	-	+(4)	-	+(4)
<b>3. КАНЦЕРОГЕНЛИГИ</b>				
Канцерогенлиги	+(8,9)	-	-	+(8)

(1) Ҳар бир ишчи хужайралар банки (WCB) диплоид тавсифи аникланади. Аммо бунда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хужайраларнинг имкон қадар ёки унданда юқори кўпайиш даражасидан фойдаланилади.

(2) Агар, хужайралар *Mycobacterium tuberculosis* ёки бошқа тур инфекцияларга сезгир бўлса.

(3) Агар, ҳашорат хужайралари ва ўсимлик манбали материаллардан фойдаланилган бўлса.

(4) Синовлар асосий хужайралар банки (МСВ) учун, аммо популяцияни икки марта кўпайишини энг юқори даражасидаги хужайра-лардан фойдаланилиб, ўтказилади.

(5) Синовлар ҳар бир ишчи хужайралар банки (WCB) учун, аммо популяцияни икки марта кўпайишини энг юқори даражасидаги хужайралардан фойдаланилиб, ўтказилади.

(6) Эхтимолый ифлослантирувчи моддаларга (масалан, вируслар) махсус текширишлар хавфни баҳолашга мувофиқ ўтказилиб, бунда хужайраларнинг келиб чиқиши ва ишлаб чиқариш жараёнлари ёки ҳайвон ёки ўсимлик манбали хомашёлардан фойдаланилганида тасо-дифан тушган потенциал ёт агентларга асосланади. Текширишларнинг тегишли босқичлари хавфни баҳолаш асосида танлаб олиниши лозим.

(7) Ушбу усуллардан *in vivo* синовлари ва махсус NAT усулига ёки *in vitro* культурал синовларига қўшимча ёки муқобил сифатида, хавфни баҳолаш асосида ва ваколатли орган билан келишган ҳолда фойдаланиш мумкин. Текширишларнинг тегишли босқичлари хавфни баҳолаш асосида танлаб олиниши лозим.

(8) MRC-5, WI-38 ва FRhL-2 хужайра линиялари онкоген эмас деб тан олинган, шу сабабли уларни текширилиши талаб этилмайди. Онкоген деб тан олинган ёки тахмин қилинган хужайра линияларида (масалан, CHO ва BHK-21) текширишлар ўтказилмайди.

(9) Синовлар бошланғич хужайраларда, аммо, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хужайраларнинг даражаси ёки икки баробар кўпая оладиган энг юқори даражасидан фойдаланиб, ўтказилади.

**Канцерогенлик.**

Канцерогенлик, бу ушбу хужайра линияларининг иммунотанқислиги мавжуд/иммунитети пасайган ҳайвонларга (одатда, кемирувчилар) интакт тирик хужайралар инъекция қилинганда ўсма чакира олиш хусусияти ҳисобланади. Канцерогенликка текширишлар вакцинларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хужайралар даражаси ёки икки баробар кўпая оладиган энг юқори даражасидан фойдаланиб ўтказилади.

MRC-5, WI-38 ва FRhL-2 хужайра линиялари онкоген эмас деб тан олинган, шу сабабли уларни қўшимча текшириш шарт эмас. Канцероген деб тан олинган хужайра

линияларини (масалан, CHO) хужжатлаштириш талаб этилмайди.

Хужайра линияларининг канцерогенлигини аниклаш учун ва онкоген компонентларни йўқлигини кўрсатиш мақсадида, ДНК дан тозаланган хужайралар линиялари ва/ёки хужайралар линиялари лизатидан фойдаланиб, онкогенлик учун текширишлар ўтказилиши зарур. Олинган натижалар вакциналарни ишлаб чиқаришда хужайра линияларидан фойдаланиш учун хавф таҳлилининг бир қисми сифатида фойдаланилади. TPD<sub>50</sub> аниклаш (ҳайвонларнинг 50 фоизда ўсма чакирувчи микдори) ва ўзига хос хусусиятларга эга метастазлар ҳосил қилиш қобиля-яти,

хавф таҳлилини қисми сифатида қўлланилиши лозим.

Онкоген фенотип билан мукамал ва ишончли корреляцияни кўрсатишдаги қийинчиликларга қарамай, хужайра продуцентининг бошқа хоссаларини, жумладан, юмшоқ агарли гелларда ўсиши, сичконларда инвазив ўсишни кучайтириш хоссаси ва/ёки ЗТЗ хужайраларнинг трансформациясини кучайтириш қобилиятини тавсифлаш учун қўшимча *in vitro* текширишлар ўтказилиши зарур.

**Хўжайин-хужайранинг ДНКсини қолдиғи.** Узлуксиз хужайра линияларида ишлаб чиқариладиган ҳар бир муайян вакцина учун, хўжайин-хужайра ДНКсининг қолдиғи текширилган бўлиши ва охириги маҳсулотда, хавфни баҳолашга асосланган, унинг мақбул бўлган юқори чегараси белгиланган бўлиши керак, бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

(1) хужайра продуцентининг табиати (канцерогенлиги, онкогенлик даражаси) ва унинг келиб чиқиши (одам/ одам бўлмаган);

(2) ишлаб чиқариш жараёнида хўжайин-хужайра ДНКсининг қолдиғи билан боғлиқ потенциал биологик фаоллигини (онкогенлиги, юкумлиги) инактивация қилиш учун амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат (масалан, бетапропиолактон ва/ёки ДНКза каби кимёвий агентлар билан ишлов бериш);

(3) хўжайин-хужайра ДНКсининг қолдиғи билан зарарланиш даражаси ва миқдорини камайитириш жараёнининг лаёқати;

(4) вакцинани мақсадга мувофиқ ишлатилиши (масалан, киритиш йўли);

(5) хўжайин-хужайра ДНКсининг қолдиғи миқдорини аниқлаш учун ишлатиладиган усул.

Умуман, парентерал вакциналарни тозалаш жараёнида, охириги маҳсулотларда хўжайин-хужайра ДНКсининг қолдиғи дозасида 10 нг дан кам даражага пасайтирилади, аммо, рухсат этилган чегараси ваколатли орган томонидан тасдиқланган бўлиши зарур.

Баҳоловчи текширишлардан сўнг (масалан, ДНК ўлчамли бўйича айнан бир хил тақсимланишини қўлаб қўқиларга текширишлар) ва хўжайин-хужайра ДНКсининг қолдиғини кутилган даражагача камайиш жараёнининг такрорланувчанлигини кўрсатиш, бунда ваколатли орган рухсатига биноан хўжайин-хужайранинг ДНК қолдиғини текшириш талаб этилмайди.

**Хромасомалар тавсифи.** Диплоид хужайралар линия хромасомаларнинг диплоид тўпламига эга эканлиги тасдиқланиши лозим. Агарда, йиғилган биомассани қайта ишлашда зарарланмаган хужайраларни йўқотиш жараёни валидация қилинмаган бўлса, диплоид хужайралар линиялар кариотипини таҳлил қилиб батафсилроқ тавсифлаш мумкин бўлади. Синовлар, хужайраларнинг ҳаёт даври давомидаги тенг ораликларда олинган 4 пассажнинг намуналарида ўтказилади. Хромасомаларни аниқ ҳисоби ва гиперплоидия, гипоплоидия, полиплоидия, шикастланган ва тузулма аномалияларининг частоталарини ўрганиш учун метафазадаги энг камида 200 хужайрани текшириш керак бўлади.

MRC-5, WI-38 ва FRhL-2 хужайра линиялари дип-лоид деб тан олинган ва етарли ҳажмда тавсифланган; агарда, улар ирсий модификацияларга учрамаган бўлса, уларнинг қўшимча тавсифланиши зарур бўлмайди.

**ХУЖАЙРА КУЛЬТУРАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**Морфологияси:** хужайралар морфологияси айнан бирхиллиги тавсифланган ва хужжатлаштирилган бўлиши лозим.

**Чинлиги.** Хужайраларни идентификациялаш учун нуклеин кислоталарнинг кетма-кетлиги ва қуйидагиларнинг тегишли танлови қўлланилади:

(1) биокимёвий тавсифлар (изофермент таҳлил);

(2) иммунологик тавсифлар (гистомослик антигенлар, *in vitro* иммунокимёвий текширишлар);

(3) цитогенетик маркерлари;

(4) NAT.

**Бегона (контаминацияловчи) хужайралар.** Нуклеин кислоталар нуклеотидларининг кетма-кетлигини аниқлаш, идентификация қилиш ҳамда бегона хужайраларнинг йўқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

**Бактерия ва замбуруғлар.** МСВ ва ҳар бир WCB стериллик учун синовларга (2.6.1) жавоб бериши лозим. Ҳар бир озиқ муҳит учун синовларда хужайралар культурасининг 10 мл супернатантдан фойдаланилади. Синов 1 % контейнерда ёки ҳеч бўлмаганида, 2 та контейнерда текширилади.

**Микобактериялар.** Агарда, хужайралар *Mycobacterium tuberculosis* инфекцияси ёки бошқа турларига сезгир бўлса, МСВ ва ҳар бир WCB микобактериялар мавжудлигига текширилади (2.6.2). Агар бундай таҳлил тасдиқланган ва қўпайтириш усули билан солиштирилдиган бўлса, қўпайтириш усулига муқобил сифатида NAT (2.6.21) дан фойдаланиш мумкин.

**Микоплазмалар** (2.6.7). МСВ ва ҳар бир WCB микоплазмалар учун синовларга мувофиқ келиши лозим. Текширишлар бир ёки ундан ортик контейнерларда амалга оширилади.

**Спиролазмалар.** Спиролазмалар, хужайра продуцентларига ўсимлик асосидаги хом ашё ёки хашоратларнинг хужайра линияларидан фойдаланилган вақтда тушиб зарарлаши мумкин. МСВ ва ҳар бир WCB, заруриятга қўра, ваколатли орган томонидан рухсат этилган ва тасдиқланган усул билан спиролазмалардан тозаланган бўлиши лозим. Шунингдек, микоплазмаларни (2.6.7) аниқлашга мўлжалланган NAT усуллари, ваколатли орган билан келишилган ҳолда спиролазмаларни аниқлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бу текширишлар бир ёки ундан ортик контейнерларда ўтказилади.

**Электрон микроскопия (хашоратлардан ажратиб олинган хужайралар линиялари).** МСВ, ёт агентлар мавжудлигига электрон микроскопия усули ёрдамида текширилади. Хужайралар линиялари, одатда, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳароратда сақланади ва уларни мумкин қадар ёки икки баробардан юқори қўпайиш даражасига етганида танлаб олинади. Шу билан бирга, хашоратлардан ажратиб олинган хужайра линияларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёки унданда юқори ҳароратда ушлаб турилади ва қайта ишлашнинг хужайралар линияларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳароратдан юқори ёки паст шароитларда сақлаб турилади, улар бошқа турдаги ишлов беришларга, масалан, кимёвий стресс-омилларга таъсир эттирилади. Ваколатли ташкилот сақлаш ҳарорати ва ишлов бериш турлари билан бир қаторда, секцияланган хужайраларнинг миқдорини белгилаб беради.

**Хужайра культураларида бегона агентлар мавжудлигига текшириш.** Сут эмизувчилар учун, яшовчан хужайралар (камида,  $10^7$  хужайралар) ёки унга эквивалент хужайралар лизати, уларнинг супернатант культурасида биргаликда ўстирилади (яшовчан хужайралар учун) ёки қуйидаги бир қаватли культураларга уланади



(хужайралар лизати учун):

- (1) одамнинг диплоид хужайралари;
- (2) маймунларнинг ўзгармаган буйрак хужайралари;
- (3) одам ва маймунлардан фаркли турларнинг хужайра продуцентларининг алоҳида серияси.

Ҳашоратларнинг хужайралар линияси бошқа бир қаватли, жумладан, одам, маймуннинг хужайралар тизимида уланади ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланилиши бўйича фарқ қиладиган, ҳашорат вирусларига мос келадиган, ҳеч бўлмаганида, битта хужайра линияси одам арбовирусларини аниқлашга имкон беради (масалан, ВНК-21).

Биргаликда ўстириладиган хужайра культураси (яшовчан хужайралар учун) ёки инокуляция қилинган хужайра культуралари (хужайра лизати учун) учун вируслар мавжудлигига, энг камида 2 ҳафта давомида, уларнинг цитопатик таъсири ёрдамида кузатиб борилади. Агар, хужайра культураси одам ёки маймун цитомегаловирусининг ўсишини ушлаб туриш хоссасига эга бўлса, одам диплоид культурасини энг камида 4 ҳафта давомида кузатилади. Одам ёки маймун цитомегаловирусини аниқлаш мақсадида, одам диплоид хужайраларининг 4-ҳафталик кенгайтирилган хужайра культураси NAT (2.6.21) усулини қўллаш орқали алмаштирилиши мумкин. Агарда, қўшимча 2 ҳафта давомида хужайра культураларини соғлом сақлаб туриш қийин бўлган ҳолатларда, вирус агентларини аниқлаш учун янги мухит қўлланилишига ёки 2 ҳафтадан сўнг янги культурага қайта экишга тўғри келади. Кузатувнинг охиригидан, хужайра культураларини супернатантларида гемагглютинацияловчи вирусларнинг ёки яшовчан хужайраларда гемадсорбциялови вирусларни аниқлаш денгиз чўчкаси эритроцитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун денгиз чўчкаси эритроцитларини  $5 \pm 3^\circ\text{C}$  ҳароратда 7 суткадан ортиқ бўлмаган муддатда сақлаш мумкин. Культураларни ярмини  $5 \pm 3^\circ\text{C}$  ҳароратда 30 мин, қолган ярмини  $20-25^\circ\text{C}$  ҳароратда 30 мин давомида инкубация қилинганидан сўнг текшириш амалга оширилади. Гемагглютинацияловчи вируслар учун синовлар арбовируслар учун тўғри келмайди.

Агар, ҳеч бўлмаганда 80 % хужайра культураларининг яшовчанлиги сақланиб қолса, текширишлар ишончли ҳисобланади. Хужайра продуцентига ҳеч қандай ёт агент белгилари аниқланмаганини текшириш тасдиқланиши лозим.

**Ретровируслар.** Хужайра линиясида ретровирус қолдиқларини ишлаб чиқараётганини тасдиқлаш учун, бу қолдиқлар куйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланади:

(1) Қайта транскриптаза таъсирида (PERT) (2.6.21) маҳсулоти ҳосил бўлишини миқдорий аниқлаш хужайралар банки супернатантида амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хужайраларни икки баробар кўпайишининг юқори даражасида ёки ундан ҳам кўпрогидан фойдаланилади;

(2) трансмиссион электрон микроскопия.

(1) ва/ёки (2) текширишлардаги ижобий натижа ҳолатида, зарарланишга текширишни мумкин бўлган одам хужайраларида, супернатантда PERT таҳлил билан бирга ўтказилади.

Агар бу хужайра линиялари ретровирус зарраларини (масалан, кемирувчи хужайра линияларини) ҳосил қилса, у ҳолда куйидаги таҳлиллар ёрдамида ретровирусларнинг мавжудлиги текширилади.

– трансмиссион электрон микроскопия

– зарарланишга текширишни, рухсат этилган одам хужайраларида ва тегишли қўшимча хужайраларда (масалан, СНО хужайралар продуценти учун *Mus dunni* ёки SC-1 хужайралари) супернатантдаги PERT таҳлили билан бирга, бундан истисно ҳолатлар, қайта транскриптаза учун амплификация хужайралари ижобий бўлса, бундай ҳолатда, ҳисоблаш пиллақча таҳлили ёки флюоресцент фокус таҳлилидан фойдаланиб амалга оширилади.

PERT усулининг сезгирлиги жуда юқори эканлиги сабабли, мусбат сигналнинг интерпретацияси хато бўлиши мумкин ва хужайра-продуцентларни яроқлилиги тўғрисидаги қарор ҳамма бор бўлган маълумотлардан келиб чиқиб қабул қилинади.

**Янги туғилган сичқончалардаги текширишлар.** Агар, ушбу хужайра продуцентига қўлланилган барча чоралар хавфнинг камайишини таъминласа ва бу хавфни баҳолаш ҳолатида кузатилса, синов амалга оширилади.

24 соатгача бўлган муддатда янги туғилган сичқончаларга  $10^7$  яшовчан хужайралар ёки 2 литр супернатант культурасидаги хужайра лизати киритилади. Бунда ҳайвонлар сони 10 та дан кам бўлмаслиги керак;

Қорин бўшлиғига камида 0,1 мл ва интрацеребровентрикуляр тарзда 0,01 мл киритилади.

Янги туғилган сичқончалар камида 4 ҳафта давомида кузатилади. Агар, улар касал бўлиб қолса ёки метёрдан четланиш аниқланса, касалликнинг сабабини аниқлаш учун текширилиши лозим. Агар, қандайдир ёт агентнинг ҳеч қандай белгилари кузатилмаса, хужайра продуценти текширишдан ўтган ҳисобланади. Агарда, ҳар бир гуруҳда, 80 % дан кам янги туғилган сичқончалар соғлом қолса ва кузатув охирига қадар тирик қолса, текшириш ишончсиз деб ҳисобланади.

**Қуш эмбрионларида текширишлар (фақатгина қушларнинг хужайра продуцентларига мос келади).** Агар хавфни баҳолаш, маълум бир хужайра продуцентига қўлланиладиган умумий синов тўпламини ҳисобга олган ҳолда, хавфни камайишини таъминласа, синов амалга оширилади.  $10^6$  яшовчан хужайралар ёки супернатант культурасидаги хужайра лизатининг эквивалентини 9-11 кунлик ёшдаги SPF ўнта товуқ тухумининг (5.2.2) эмбрионини аллантоис қопчасига ва 5-7 суткалик SPF ўнта товуқ тухумининг эмбрионини сариклик қопчасига инокуляция қилинади. Эмбрионларни 5 суткадан кам бўлмаган муддатда инкубация қилинади. Сут эмизувчилар ва қушларнинг эритроцитларидан фойдаланган ҳолда, аллантоис суякклигида гемагглютининларнинг мавжудлиги текширилади. Текширишлар ( $5 \pm 3^\circ\text{C}$  ва  $20-25^\circ\text{C}$  ҳароратда ўтказилади) ҳамда натижалар 30-60 мин дан кейин ҳисобга олинади. Агар, қандайдир ёт агентнинг мавжудлиги тасдиқланмаган бўлса, хужайра продуценти текширишдан ўтган ҳисобланади. Агарда, 80 % дан кам эмбрионлар соғлом қолса ва кузатув охирига қадар тирик қолса, тадқиқот ишончсиз деб ҳисобланади.

**Махсус вирусларга текширишлар.** Текширилиши керак бўлган махсус вируслар рўйхати, 5.1.7. *Вирус хавфсизлиги* умумий бўлимида батафсил баён этилган тамойилларга мувофиқ, вирусли контаминация хавфини баҳолашга асосланган ҳолда аниқланади ва хужайраларни келиб чиқиши ҳамда вирус билан контаминациясининг потенциал манбаларини (масалан, ҳайвон ёки ўсимликдан олинган хом ашё) ҳисобга олади (лекин чегараламайди). NAT (2.6.21) синовлари хужайраларда олдиндан амплификация ўтказиб ёки ўтказмасдан амалга оширилади. Ҳашоратлар хужайра линияларига нисбатан,

NAT (2.6.21) ёки сичқонлар, каламушлар ёки оғмахонларда антителоларни ишлаб чиқариш текширишлари турига хос вирусларни аниқлашда фойдаланилади.

**Молекуляр усуллардан фойдаланган ҳолда вирусларга текшириш.** Ваколатли орган билан келишилган ҳолда, кенг молекуляр усуллар (масалан, юкори самарали секвенация) усули *in vivo* текширишлар ва аниқ NAT усулига нисбатан муқобил сифатида ёки хавфни баҳолаш асосида културадаги *in vitro* текширишларга қўшимча ёки муқобил усул сифатида қўлланилиши мумкин.

Ҳам NAT (2.6.21) усули, ҳам кенг молекуляр усуллар учун текширишни ўтказиш керак бўлган босқичи (масалан, MCB, WCB, EOPC/ECB) хавфни баҳолашга асосланган бўлиб, вируслар билан ифлосланишни аниқлаш мумкин бўлган босқичларга боғлиқ. Қўп молекуляр ёки NAT усулларининг мусбат натижалари кузатилган ҳолатда, қўшимча текширишлар ўтказиш лозим. Бунда аниқланган нуклеин кислоталар юқумли ёт агентлар эканлиги ва/ёки одам соғлиғи учун хавф туғдириши мумкинлиги аниқланади.

***In vivo* канцерогенликка текширишлар.** Текшириладиган узлуксиз ҳужайра линияси ва мувофиқ мусбат назорат култураси (масалан, HeLa ёки Hep2 ҳужайра култураси) ўртасида солиштирма таҳлил ўтказилади.

Ушбу текширишга яроқли ҳайвонларнинг биологик моделига қуйидагилар қиради:

(1) тимуссиз сичқонлар (Nu/Nu генотиби);

(2) тимоцитга қарши зардоб ёки иммуноглобулин киритилган сичқон, каламуш ёки оғмахонларнинг янги туғилган болалари;

(3) соғлом сичқонлардан суяк қўмиги олинган (T, B<sup>+</sup>), айрисимон беги олиб ташланган ва нурлан-тирилган сичқонлар.

Танлаб олинган биологик моделидан қатъи назар, текшириладиган ва мусбат назорат ҳужайралари, ҳар бири 10 та ҳайвондан иборат алоҳида гуруҳларга ажра-тилган ҳайвонларга инъекция йўли билан киритилади. Иккала ҳолатда, 10<sup>7</sup> та ҳужайралар суспензияси 0,2 мл ҳажмдаги эмлаш материали мушак ичига ёки тери остига киритилади.

Янги туғилган ҳайвонларга туғилгандан кейинги 0, 2, 7 ва 14 суткаларда 0,1 мл дан тимоцитга қарши зардоб ёки иммуноглобулин киритилади. Кучли таъсир этувчи зардоб ёки иммуноглобулин, ўсаётган ҳайвоннинг иммун механизмларини шу даражагача бостирадики, бунда кейинги 10<sup>7</sup> даражадаги мусбат назорат ҳужайра-ларини киритилиши доимий равишда ўсма ва метас-тазларни келтириб чиқаради. Оғир шикастланиш белги-лари ва тез ўсаётган ўсмалари бор ҳайвонлар, текши-ришни охиригача кутиб ўтирмасдан эвтаназия қилиниши лозим, бунда ортиқча азобланишдан халос бўлинади.

Кузатув якунида барча ҳайвонлар, жумладан, мусбат назорат гуруҳ (лар) эвтаназия қилинади ва инъекция қилинган жойида ва бошқа аъзоларда (масалан, лимфа тугунлари, ўпка, буйраклар ва жигар) киритилган ҳужайралар пролиферациясининг макроскопик ва микроскопик белгилари текширилади.

Ҳайвонларнинг ҳар қандай биологик моделлари ишлатилганида, инъекция қилинган жойда қаттиқлашишни аниқлаш учун кузатилади ва уни маълум бир хил вақт оралиғида пайпаслаб кўрилади. Ҳар қандай шаклланган қаттиқлашишни икки перпендикуляр йўналишда ўлчанади, бунда ўлчанган ҳажмларни тез қатта-лашиб бораётган қаттиқлашишни баҳолаш учун ўлчанган

ҳажмлар қайд этиб борилади. Кузатув давомида қаттиқлашиши камаётган ҳайвонлар эвтаназия қилинади. Бунда қаттиқлашиш сезилмай қоладиган ҳолатгача олиб бормаслик лозим ва гистологик текширишлар ўтказилади. Қаттиқлашиши тез ўсаётган ҳайвонлар 1-2 ҳафта давомида кузатилади. Қаттиқлашиш йўқ ҳайвонларнинг яримини 3 ҳафта, иккинчи ярим 12 ҳафта давомида кузатилади. Бунда ҳайвонлар эвтаназияси ва гистологик текширишлар амалга оширилади. Ҳар бир ҳайвонда некропия ўтказилади, жумладан, инъекция жойида ва бошқа аъзоларда (масалан, лимфа тугунлари, ўпка, мия, талок, буйраклар ва жигар) ўсма ҳосил бўлишининг макроскопик белгиларига текширилади. Инъекция қилинган жойида ҳосил бўлган барча ўсма ҳосилалари гистологик текширишдан ўтказилади. Бундан ташқари, айрим ҳужайра линиялари ўсманинг маҳаллий белгиларини намоён қилмасдан метастазлар қақариши мумкин. Бунда, ҳайвонларнинг аниқланадиган маҳаллий лимфа тугунлар ва ўпкаларини гистологик текшириш-лари ўтказилади.

Агар, мусбат асос ҳужайралар киритилган ўнта ҳайвонларнинг камида тўққизтасида тез ўсувчи прогрессив ўсмалар кузатилса, синов ҳақиқий ҳисобланмайди.

Янги онкоген ҳужайра линиясининг канцерогенлик даражасини ҳужжатлаштириш учун, ҳужайра продуценти турли хил миқдорда (масалан, 10<sup>5</sup>, 10<sup>6</sup> ва 10<sup>7</sup> ораликдаги ҳужайра дозаси) 10 та ҳайвондан иборат ҳар хил гуруҳларига киритилади. Ҳайвонлар гуруҳида тезда ўсувчи тугунчаларни намоён қилаётган ҳайвонлар сонини TPD<sub>50</sub> ҳисоблаш учун назорат қилинади.

03/2021:50208

## 5.2.8. ТИББІЙ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ГОВАКСИМОН ЭНЦЕФАЛОПАТИЯ КАСАЛЛИГИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ ЮҚИШ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ

*Европа фармакопеясини ташкил этиш тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ ушбу бўлим талабларига риоя қилиш Европа фармакопеясига аъзо мамлакатлар учун мажбурий ҳисобланади.*

*Ушбу бўлим Европа фармакопея комиссиясига аъзо бўлмаган мамлакатларда маълумот бериш учун мўлжалланган. Келиб чиқишига кўра ҳайвонлар хом ашёларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг хавфсизлигини тан олиш, миллий қонунчиликка мувофиқ таъминланади. Шу билан бирга, қонунчиликни амалга ошириш барча муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда хавф даражасини баҳолашга асосланган бўлиши керак.*

*Ушбу бўлим дори воситаларини қўлашда ҳайвонларнинг говаксимон энцефалопатия касаллиги қўзгатувчиларини юқиш хавфини камайтириш бўйича тавсияларга айнан ўхшаши, 3 версия (ЕМА/410/01 версия.3).*

*Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.*

**Коагуляция** – коллоид эритмадаги модда заррачаларини ёпишиши, қатталашиши ва чўкмага тушиши билан кечувчи жараёни.

**Мундарижа****1. КИРИШ****1-1. Илмий маълумот****1-2. Қонунчилик талабларига мувофиқ келиши****2. УМУМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИ****3. УМУМИЙ МАЗМУНИ****3-1. Юз бериши мумкин бўлган хавфни камайтиришнинг илмий тамойиллари.****3-2. Хайвонлар – материал манбасидир.****3-2-1. Жуғрофий келиб чиқиши.****3-2-1-1. Йирик қорамолдан олинган материал.****3-2-1-2. Қўйлар ва эчкилар (кавш қайтарувчи кичик хайвонлар).****3-2-2. ЙШҚҒЭ (BSE) бироз хавфи мавжуд йирик қорамол подаси (изоляцияланган).****3-3. Хайвонларнинг тана бўлаги, биологик муҳитлар ва ажралмалар бошланғич материаллар сифатида.****3-4. Хайвонларнинг ёши.****3-5. Ишлаб чиқариш жараёни.****4. ДОРИ ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛ ВА МОДДАЛАРНИНГ ХАВФ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШНИ ЎРНАТИЛГАН ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИШ****5. ФОЙДА/ХАВФ НИСБАТИНИ БАҲОЛАШ****6. АЛОҲИДА МАТЕРИАЛЛАР БЎЙИЧА ҲОЛАТ****6-1. Қоллаган****6-2. Желатин****6-3. Қорамол қони ва қорамол қони материаллари****6-4. Қаттиқ ёғ материаллари****6-5. Хайвон қўмири****6-6. Сут ва сутдан олинадиган материаллар****6-7. Жундан олинадиган материаллар****6-8. Аминокислоталар****6-9. Пептонлар****1. КИРИШ****1-1. Илмий маълумот**

Трансмиссив говаксимон энцефалопатия (ТГЭ) (Transmissible Spongiform Encephalopathies – TSEs), сурункали нейродегенератив касаллик ҳисобланади, PrP (ёки прион-оксил) деб маълум бўлган, хужайра глико-протеиннинг аномал изошаклини тўпланиши билан тавсифланади. PrP (PrP<sup>C</sup>) нинг аномал изошакли нормал PrP (PrP<sup>TSE</sup>) дан протеазага чидамлилиги ва юқори температурадаги денатурацияга учраши билан фарқ қилади. PrP<sup>TSE</sup>, ТГЭ чақирувчи инфекцион агент ҳисобланади.

Хайвонларнинг ТГЭ касалликларига қуйидагилар киради:

– йирик шохли қорамолнинг говаксимон энцефалопатияси (ЙШҚҒЭ) – (Bovine Spongiform Encephalopathy – BSE),

– қўй ва эчкиларнинг скрейпи,

– бугулар ва лосларнинг сурункали ориқлаш касаллиги (СОК, chronic wasting disease – CWD),

– қоракузан трансмиссив энцефалопатияси (КТЭ) (Transmissible Mink Encephalopathy – TME),

– мушуксимонлар говаксимон энцефалопатияси (МҒЭ) (Feline Spongiform Encephalopathy – FSE) (айниқса, уй мушукларида ва тутқунликда ушлаб турила-диган мушуксимонлар оиласига мансуб йирик хайвон-ларда),

– хайвонот боғида сақланувчи туёқлиларнинг экзотик говаксимон энцефалопатияси.

Одамлардаги говаксимон энцефалопатияга, турли хил шаклдаги Крейтцфелдт-Якобс касаллиги (КЯК) (Creutzfeldt-Jacob Disease – CJD), Куру, Герстман-

Штройс-лерг-Шейнкер синдромлари (ГШШ) (Gerstmann-Sträussler-Scheinker Syndrome – GSS)) ва фатал (сурункали) оилавий уйқусизлик (ФОУ) (Fatal Familial Insomnia – FFI) кабилар киради.

Трансмиссив говаксимон энцефалопатиянинг ятро-ген ривожланган ҳолатлари маълум. Қўйлар скрейпи, Louping III вакцинаси қўлланилганида тасодифан юққан, ушбу вакцина қўйларнинг мияси ва талоғининг формаль-дегид билан ишлов берилган умумлашган бирлашт-ирилган партиясидан олинган бўлиб, унга скрейпи билан касалланган қўйларнинг материали тушган. Бундан ташқари, скрейпини қўй ва эчкиларга юқиши, ўта юқумли бўлган ағалактия касаллигига қарши *Mycoplasma agalactiae* билан касалланган қўйларнинг сут безлари ва миясининг гомогенатларидан олинган, формолинакти-вация қилинган вакцина қўлланилганида юз берган.

Одам гипофизидан олинган соматотропин ва гонадо-тропин гормонлари одамга парентерал йўл билан киритилганида КЯК юқиши ҳолатлари кузатилгани тўғ-рисида хабар берилган. Шу билан бирга, БКЯ юзага келиш ҳолатини, одамнинг мия, қаттиқ мия қобиғида ва кўзнинг муғуз пардасини кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик операциялари ўтказилаётганида ифлосланган асбоблар ишлатилгани билан боғлашади.

ТГЭ турлараро тарқалиши кўпгина табиий тўсиқ-ларни, турнинг касалликка мойиллиги, прион штамм-лари, дозаси, таъсир йўллари, айрим турлар учун эса хўжайин PRNP гени аллелларини чегаралаб туради. Тегишли шароитларда ушбу тўсиқлар енгиб ўтилиши мумкин.

Йирик шохли қорамол говаксимон энцефалопатияси (ЙШҚҒЭ) биринчи бўлиб Буюк Британияда 1986 йил аниқланган эди. Касаллик билан кўпгина хайвонлар ва алоҳида подалар зарарланади. Маълумки, ЙШҚҒЭ – ТГЭ билан касалланган хайвонлардан олинган гўшт ва суяк уни билан озикланиш натижасида юзага келади. Бошқа давлатларда ҳам, Буюк Британиядан импорт қилинган хайвонларда ҳамда маҳаллий хайвонларда ҳам ЙШҚҒЭ ҳолатлари қайд этилди. КЯКнинг вариантли шакли, йирик қорамолда ЙШҚҒЭ чақирувчи қўзғатувчи томо-нидан чақирилгани тўғрисида ишончли далиллар мавжуд. Шундай қилиб, дори воситаларини ишлаб чиқа-ришда, ТГЭ касалликлари билан зарарланган турлардан, аиниқса йирик қорамолдан олинадиган биологик мате-риаллардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим.

Фаол назорат дастурлари жараёнида, олдин аниқлан-маган ЙШҚҒЭ икки атипик шакли (BSE-L, шунингдек BASE, ва BSE-H деб маълум бўлган) идентификация қилинди, улар спорадик ҳолларда Европа, Шимолий Америка ва Японияда учрайди. «L» ва «H» белгилари протеазага чидамли PrP<sup>TSE</sup> изошакллари юқори ва пастки электрофоретик жойлашувини кўрсатади. Эъти-борни тортадиган ҳақиқат шундаки, атипик ҳолатлар, ҳозирги пайтгача ЙШҚҒЭ қайд этилмаган давлатлардан Швеция ёки ЙШҚҒЭ бир неча ҳоллардагина қайд этилган Канада ва АҚШда аниқланган. ЙШҚҒЭ атипик қўзғатувчиси, одам прион оксилени экспрессия қи-ладиган трансген сичқонлар ва ява макакаларига (крабхўр-макалар) эксперимент йўли билан юқтирилган.

Скрейпи (кичима) бутун дунёда ва Европанинг кўп-гина давлатларида аниқланган. Касалликнинг энг юқори даражаси Кипрда кузатилган. Гарчи инсонлар 250 йил давомида табиатда учровчи скрейпи билан касаллан-ганликларига қарамай, скрейпини одам говаксимон энцефалопатияси билан билвосита боғлиқлиги тўғриси-даги эпидемиологик далиллар мавжуд эмас<sup>(1)</sup>. Аммо,

назарий жиҳатдан ва ҳозирги пайтда хавфини баҳолаш мумкин бўлмаган, ЙШҚҒЭ билан зарарланган озуқа оксил қўшимчалари, балки қўйларга бериладиган озуқа-ларда бўлиши мумкин. Яна шунинг эътиборига олиш лозимки, ЙШҚҒЭ ни ҳар қандай қўзғатувчиси, кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг кичик популяциясига зарар-ланган озуқа орқали тушса, эҳтимол қайта ишланади ва тарқатилади<sup>(2)</sup>.

ТҒЭ касаллиги қўзғатувчилари юққан ҳужайралар, микдорий аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш ва фундаментал илмий изланишлар учун қизиқиш уйғотади. Одатда (лекин ҳар доим эмас) нейтрал ҳужайра қаторлари қўлланилганида бирмунча ютуқларга эришилгани тўғрисида хабар берилган. Ҳужайраларни зарарланиши учун керак бўладиган шароитлар етарли даражада тушунарли эмас, жараён мураккаб, чунки бунда қўзғатувчи ва ҳужайраларнинг аниқ комбинациялари талаб этилади. Биологик/биотехнологик субстанцияларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳужайра продуцентларини тавсифлари бўйича махсус тавсиялар бериш тўғри ҳисобланмайди. Шунга қарамай, ҳужайра қаторларини ТҒЭ қўзғатувчилари билан зарарланиши, хавф даражаларининг баҳолашда эътиборга олинishi керак.

## 1-2. ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ-ЛИГИ

**Хавф даражасини баҳолаш.** Баъзи бир дори воситаларини ишлаб чиқаришда, ҳайвонлардан олинган материалларни ишлатиш керак бўлганлиги сабабли, хавфни тўлиқ бартараф қилиш мумкин эмаслигидан, дори воситаларини қабул қилишда ҳайвонларнинг ЙШҚҒЭ касаллиги қўзғатувчиларини юктириш хавфини бошқариш бўйича қабул қилинадиган чоралар, хавфни истисно қилиш эмас, балки энг озигача камайитиришга қаратилган бўлиши лозим. Биобарин, қонунчилик талабларини бажариш, ушбу кичик бўлимда келтирилган ҳамма муҳим омилларни назарда тутган ҳолда, хавф даражасини баҳолашга асосланган бўлиши шарт (кейингисига қаралсин).

**Ҳукукий асослар.** Европа Комиссияси томонидан чоп этилган раҳбарий кўрсатмалар:

– I илова, I қисм, 3 модуль, 3.2 бўлим: *Мундарижа: асосий тамойиллари ва талаблари*, 2001 йил 6 ноябрдаги 2001/83/ЕС Европа Парламенти ва Кенгаши Кўрсатмаси тиббий дори воситаларига тааллуқли (киритилган ўзгартиришлар билан) (9) пункти<sup>(3)</sup>,

– I илова, I сарлавҳа, 2 қисм, C бўлим *“Бошланғич материалларни ишлаб чиқариш ва назорат қилиш”* Европа Парламенти ва Кенгаши Кўрсатмаси 2001/82/ЕС. Европа Иттифоқи 2001 йил 6 ноябрдаги (киритилган ўзгартиришлар билан) ветеринария дори воситаларига тааллуқли<sup>(4)</sup>.

Кўрсатилган кўрсатмаларнинг талабларига асосан ариза берувчи ветеринар ва тиббий дори воситаларини рўйхатдан ўтказишда, дори воситалари, *Европа Итти-*

*фоқининг Расмий журналида* чоп этилган Тавсиялар-нинг охири версияларига мувофиқ ишлаб чиқарилган-лигини тасдиқлаш шарт. Ушбу мажбурият дори восита-сининг қайд этилганлик муддатининг ҳамма даврида давом этади.

Таърифи бўйича, Европа Парламенти ва Кенгашининг<sup>(5)</sup> Қарорида ЕС №999/2001 белгиланган махсус хавфдаги материаллар учун тамойилларни дори воситаларига қўллаб бўлмайди. Бироқ, Европа Парламенти ва Кенгашининг<sup>(6)</sup> 2003 йил 1 майдан кучга кирган ЕС № 1774/2002 Қарорида, инсон истеъмол қилишига мўлжалланмаган, ҳайвондан олиннадиган суб-махсулотлар учун санитар маъёрлар белгиланган. Умумий ҳолатда, агарда бошқа кўрсатмалар бўлмаса, дори воситаларини ишлаб чиқаришда бошланғич материаллар сифатида ишлатиладиган, ҳайвондан олиннадиган ҳамма суб-махсулотлар учун, (ЕС) № 1774/2002 Қарорда кўрсатилган “3 тоифали (яъни хавфсиз) ёки шунга ўхшаш материаллар”га мувофиқ бўлиши шарт. Инфекцион омиллар мавжудлиги юқори хавфи бўлган тўқималардан олинган моддаларни қўллашда, фойда/хавфни мувофиқ баҳолаш ёрдамида ҳар томонлама асосланган бўлиши лозим (кейингига қаралсин).

Мазкур тавсияларни, Европа Иттифоқининг турли хил норматив ҳукукий воситалари, шу жумладан, 1991 йилдан бошлаб, доимо киритиб борилган Комиссия қарорлари билан бирга қўллаш керак. Ушбу қарорларга ҳаволалар матнда келтирилган. Тиббий дори воситалари Комитети (CHMP) томонидан берилган расмий баёот ва изоҳлар, агар қўлланма йўриқномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, талабларни бажариш учун амал қилади.

Европа Фармакопеясининг умумий фармакопея мақоласи *“Говаксимон энцефалопатияни юктириш хавфи мавжуд ҳайвон манбали дори воситалари”* ушбу умумий бўлимга, далил келтиради, у Тавсияларга тўғри келади. Фармакопея мақоласи, тиббий ва ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган модда ва ашёларни, ТҒЭ юзага келиш хавфини бошқариш бўйича ўрнатилган талабларга мувофиқ келишини тасдиқловчи процедурага мос келиш Сертификатларини берилишига асос бўла олади.

**Қўлланмани аниқлаштириш бўйича тушунтиришлар.** ТҒЭ тўғрисидаги илмий билимларнинг кенгайиб бориши билан, хусусан касалликни патогенези борасида, балки келажакда, CHMP ва унинг биологик препаратлар бўйича ишчи гуруҳи, CVMP ва унинг иммунологик препаратлар бўйича ишчи гуруҳи ҳамкорликда, Қўлланманинг талабларини тушунтириш учун қўшимча қўлланма, расмий баёот ва изоҳлар кўринишида топшириқ берилиши мумкин. Қўшимча ёрдамчи қўлланма Европа тиббий агентлигини веб-сайтида жойлаштирилади ва дори воситалари сифати ва соғлиқни сақлаш Европа Директорати (EDQM) моддаларни сертификация қилганида ҳисобга олинади.

(1) Ҳозирда EFSA ва ECDC баҳоланади. Янгиланган маълумот учун қуйидаги манбага эътибор қаратилсин: <http://registerofquestions.efsa.europa.eu/roqFrontend/questionsListLoader?mandate=M-2009-0221>

(2) 2005 йил Францияда эчкиларда ЙШҚҒЭ (BSE) тасдиқланганидан кейин, кавш қайтарувчи кичик ҳайвонларни текшириш даражасини кўтариш, мониторинг қилиш учун қўшимча қонуний чорлар кўрилди.

(3) СЗ ОJ L 311, 28.11.2001, 67 бет.

(4) ОJ L 311, 28.11.2001, 1 бет.

(5) ОJL 147, 31.05.2001, 1 бет.

(6) ОJ L 273, 10.10.2002, 1 бет. (ЕС) 1774/2002 Қарор, (ЕС) 1069/2009 Қарор билан ўзгартирилди, у 2011 йилнинг 4 мартидан қўллана бошланди (ОJ L 300, 14.11.2009, 1-бет).

## 2. УМУМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИ

### ТҒЭ га МОЙИЛ БЎЛГАН ХАЙВОН ТУРЛАРИ

Йирик қорамол, қўйлар, эчкилар ва табиатда транс-миссив ғоваксимон энцефалопатия қўзғатувчисига мойил бўладиган ёки оғиз орқали юқадиган инфекцияларга берилувчанлар, одам<sup>(7)</sup> ва маймунлардан ташқари, “ТҒЭ тез юқтирадиган хайвон турлари”<sup>(8)</sup> деб ҳисобланади.

### МАТЕРИАЛЛАР

Ушбу бўлим, “ТҒЭ тез юқтирадиган хайвон турлари” дан олинган материалларга тааллуқли бўлиб, улардан қуйидагиларни олишда фойдаланилади:

- таъсир этувчи моддалар;
- қўшима моддалар ва адъювантлар;
- ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, бошланғич материаллар ва реактивлар (масалан, қорамол зардоб альбумини; ферментлар; озиқ муҳитлар, шу жумладан, ҳужайралар ишчи банкини яратиш учун муҳитлар ёки биринчи қайд этилаётган дори воситалари учун ҳужайраларнинг янги асосий банки).

Ушбу бўлимнинг талаблари, дори воситаси билан бевосита алоқада бўладиган материаллар ёки дори воситасини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган жиҳозларга тааллуқли, чунки бунда маҳсулотни контаминация бўлиш эҳтимоллиги мавжуд.

Ишлаб чиқариш хоналари ва жиҳозларни квалификация қилишда фойдаланиладиган материаллар, масалан, қуйиш жараёнини имитация қилиш учун асептик жараёнлар валидациясида ишлатиладиган озиқ муҳитлар, ушбу бўлимнинг талабларига мос келади, агарда, озиқ муҳит компоненти ёки компонентлари юқумлилиги аниқланмаган тўқималардан олинган (1С даражали тўқималар), потенциал юқумли тўқималар билан кесишма контаминация хавфи (3-3 бўлимга қаралсин) эътиборга олинган ва материаллар ЙШҚҒЭ хавфи назорат қилинадиган ёки унча юқори бўлмаган давлатдан олинган бўлиши лозим (мувофиқ А ва В даражалар – 3-2 бўлимга қаралсин), ушбу бўлимнинг талабларига мос келади. Бундай маълумотлар қайд этиш ҳужжатлар тўпламида тақдим этилиши ва стандарт инспекция ўтказилганида Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) талабларига мувофиқлиги текширилиши лозим.

Бошқа ашёлар, масалан, тозаловчи реагентлар, юмшатувчилар ва мойловчи моддалар, стандарт технологик жараёнда ёки унинг охириги босқичида ёки бирламчи кадоқлашда дори воситаси билан таъсирлашиши, агарда улар 6 бўлимда келтирилганидек, қатъий физик-кимёвий жараёндан фойдаланиб ёғдан олинган бўлса, ушбу бўлимнинг мувофиқ талаблари ҳисобланади.

### ЭКИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР, ҲУЖАЙРАЛАР БАНКИ ВА СТАНДАРТ ФЕРМЕНТАЦИЯ/ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ўрнатилган талабларга мувофиқ, қайд этиш ҳужжатлар тўпламида кўрсатилган асосий экиладиган мате-

риаллар ва ҳужайраларнинг асосий банки, 2000 йилнинг 1 июлидан (тиббий дори воситалари учун) кейин кўриб чиқиш учун топширилганлари ушбу тавсияларга мувофиқ келиши лозим.

Асосий экиладиган материаллар ва ҳужайраларнинг асосий банки,

- вакцина антигенлари учун;
- Европа Парламенти ва Кенгаши (ЕС) № 726/2004 Қарорининг Иловасига<sup>(9)</sup> кўра аниқлаштирилган биотехнологик дори воситалари учун; ва
- бошқа дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлатувчи экиш материаллари тизими ва ҳужайралар банки қайд этилган дори воситаси қисмини олиш учун уларни ишлатишга рухсат берилган бўлса, ҳаттоки, агар улар қайд этиш ҳужжатлар тўпламига киритилган ва кўриб чиқиш учун 2000 йилнинг 1 июлидан (тиббий дори воситалари учун) кейин топширилган бўлса ҳам тавсияларга мувофиқ деб ҳисобланади.

Асосий ҳужайралар банки ва асосий экиладиган материаллар 2000 йилнинг 1 июлидан (тиббий дори воситалари учун) олдин яратилган, аммо қайд этилган дори воситасининг таркибий қисми сифатида рухсат этилмаган бўлса, Тавсиялар талабаларига мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар тақдим этилиши лозим.

Агарда, ушбу ҳужайралар банки ёки экиладиган материаллар олиш учун ишлатиладиган ашё, бошланғич материал ёки реактив учун тўлиқ ҳужжатлар тўплами бўлмаса, ариза берувчи Тавсияларнинг 4 бўлимига мувофиқ хавфни баҳолаш натижаларини тақдим этиши шарт.

2000 йилнинг 1 июлидан (тиббий дори воситалари учун) қайд этилган дори воситаларини ишлаб чиқариш учун яратилган ишчи экиладиган материаллар ёки ҳужайралар банкининг хавфини баҳолаш Европа Кенгашига аъзо давлатнинг ваколатли ташкилоти ёки Европа тиббиёт агентлиги томонидан амалга оширилган ва мақбул деб топилган бўлса, ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлади.

Бирок, ферментация/ишлаб чиқариш ёки ишчи экиладиган материаллар ва ҳужайралар ишчи банки “ТҒЭ га мойил хайвон турлари” дан олинган бўлса, ариза берувчи уларни Тавсияларнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиши керак.

## 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 3-1. ХАВФ ЭҲТИМОЛИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Агар, ишлаб чиқарувчида танлаш имконияти бўлса, материалларни “ТҒЭ га мойил бўлмаган хайвон турлари”дан ёки хайвонлардан бошқа манбалардан олинганларини ишлатиши авзал. “ТҒЭ га мойил бўлмаган хайвон турлари”дан олинадиган ёки сунъий ишлаб чиқариладиган материаллар ўрнига “ТҒЭ га мойил хайвон турлари” дан олинган материаллар ишлатилганлигига асослар тақдим этилиши лозим. Агарда, “ТҒЭ га мойил хайвон турлари” дан олинган материалларни ишлатиш зарур бўлса, ТҒЭ юқиш хавфини камайитиришга қаратилган ҳамма чорлар кўрилиши керак.

(7) Қўлланма ва ахборот хатлари Одам учун дори воситалари қўмитаси ва унинг биотехнологик препаратларга нисбатан Ишчи гуруҳи томонидан ҚЯК ва варианты ҚЯК одам тўқималари ишлатиб олинадиган дори воситаларига нисбатан чиқарилган. Ушбу қўлланмани қуйидаги сайтда топиш мумкин: <http://www.ema.europa.eu>

(8) Дори воситаларини ишлаб чиқаришда энг кўп ишлатиладиган хайвон турлардан чўчка ва кушлар оғиз орқали юқадиган касалликларга нисбатан табиий резистентликка эга. Мос равишда, улар ушбу бўлим доирасида ТҒЭ мойил турлар гуруҳига кирмайди. Жумладан, ит, қуён ва балиқлар ҳам ушбу гуруҳга мансуб.

(9) ОЛ 136, 30.04.2004, 1-бет.

ТҒЭ юкумли омилларини *in vivo* аниқловчи тайёр ташхис воситалари ҳозирча йўқ. ТҒЭ ташхиси ўлимдан сўнг, ўзига хос мия шикастланишларини гистопатологик белгилари ва/ёки PrP<sup>TSE</sup> Вестерн-блот ёки иммунологик текширувлар ёрдамида аниқлашга асосланган. Шу билан бирга, ТҒЭ юкумли омили борлигини тасдиқлаш учун тахмин қилинаётган зарарланган тўқимани ушбу касалликка сезгир лаборатория ҳайвонларига юбориб текширилади. Аммо, ТҒЭ ҳамма омилларининг яширин даврлари узоқ давом этганлиги сабабли, *in vivo* текширишларни натижалари бир неча ойлар ёки йиллардан кейин олинади.

Ҳайвонлар ўлганидан кейин, намуналарда PrP<sup>TSE</sup> аниқлаш учун бир неча иммункимёвий текширишлар ишлаб чиқилган; улардан айримлари ҳозирда ўта сезгир ҳисобланади. Бироқ, уларнинг зарарланган ҳайвонни топишдаги фойдалилиги, таъсир қилиш вақтига қараб намуна олиниш вақти, қайта ишланган тўқима тури ва дучор бўлган зарарланиш миқдори, касалликни клиник бошланиш вақтини танлаш кетма-кетлиги билан бирга боғлиқ. Ҳозирги пайтда, штамм турларини қандай таъсир қилиши бўйича маълумотлар етарли эмас.

Шунга қарамай, материаллар манбаи бўлган ҳайвонларни *in vitro* текширишлар ёрдамида скрининг қилиш, касаллик ривожланишини охириги даврларида ҳайвонларнинг ишлатилишини олдини олиш ва маълум бир давлат ёки ҳудуддаги эпидемиологик ҳолат тўғрисида маълумот бериши мумкин, лекин шундай текширишларнинг ҳеч бири ҳайвоннинг манфий статусини шубҳасиз тасдиқлаш учун яроқли деб ҳисобланмайди.

ТҒЭ юкиш хавфини пасайтириш учта ўзаро тўлдирувчи кўрсаткичларга асосланган:

– материал манбаи-ҳайвонлар ва уларнинг жуғрофий келиб чиқиши,

– ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳайвонларга оид материалнинг хусусияти ва юқори хавфга эга материаллар билан кесимишга контаминациясини олдини олиш тадбирларини амалга ошириш,

– маҳсулотни бир хиллигини ва кузатиб борилишини қафолатлаш учун ишлаб чиқариш жараён(лари), шу жумладан, сифатни таъминловчи тизимнинг мавжудлиги.

### 3-2. ҲАЙВОНЛАР – МАТЕРИАЛ МАНБАСИДИР.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларни олишда фойдаланиладиган бошланғич материаллар, одам овқатига ишлатишга яроқли ҳайвонлардан олинган ва сўйишдан олдин ва кейин Европа Кенгаши талаблари ёки ўхшаш (учинчи давлат) шартлари мувофиқ текширилган бўлиши керак, клиник текширишлар натижасида соғлом деб тан олинган тирик ҳайвонлардан олинган материаллар бундан мустасно бўлади.

10. [http://www.oie.int/eng/Status/BSE\\_en\\_BSE\\_freq.htm](http://www.oie.int/eng/Status/BSE_en_BSE_freq.htm)

11. Қарор (ЕС) № 722/2007 (ОJ L 164. 26.06.2007, 7-бет).

12. ОJ L 172, 30.06.2007, 84-бет.

13. 97/404/ЕС Комиссияси Қарори билан ташкил этилган илм бўйича бажарувчи Қўмита томонидан истеъмолчиларни соғлиги билан боғлиқ энг яхши илмий тавсияларни олиш учун комиссияга ёрдам бериши лозим. 2003 йилнинг майдан ушбу вазифа овқатлар хавфсизлиги бўйича Европа Агентлигига берилди (EFSA): <http://www.efsa.europa.eu>

14. Илм бўйича Европа комиссиясини Ижровий Қўмитасини ЙШҚҒЭ (BSE) (GBR) жуғрофий хавфи бўйича таснифи, ушбу давлатда ёки ҳудудда бир ёки ундан ортик ҳайвонларда ЙШҚҒЭ (BSE) клиник белгилари ёки латент кечиши эҳтимоллик даражасини баҳолаш учун мўлжалланган. Ушбу 4 даражани аниқлаш қуйидаги жадвалда келтирилган:

GBR даражаси	Географик минтақада/мамлакатда бир ёки ундан ортик ҳайвонларда ЙШҚҒЭ клиник белгилари ёки латент кечиши эҳтимоллик даражаси
I	Эҳтимоллиги жуда кам
II	Эҳтимоллиги кам, аммо мустасно эмас
III	Эҳтимоллиги бор, аммо тасдиқланмаган ёки кам сонли ҳайвонларда тасдиқланган
IV	Кўп сонли ҳайвонларда юқори даражада тасдиқланган (йилига 1 млн катта ёшдаги ҳайвонларда 100 дан ортик ҳолатлар).

Давлатларни GBR таснифи бўйича баҳолашни SSC вебсайтида топиш мумкин ([http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/outcome\\_en.html](http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/outcome_en.html)).

(15) Экспертлар фикри бўйича GBR таснифи етарли даражада барқарор бўлиб, уни ҳали ҳам ўтиш даврида ушбу мақолага мувофиқлигини кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин.

### 3-2-1. Жуғрофий келиб чиқиши

#### 3-2-1-1. Йирик шохли қорамол материаллари

Ҳайвонлар соғлигини химоя қилувчи Бутунжаҳон ташкилоти (МЭБ, OIE)<sup>(10)</sup> йирик шохли қорамол говаксимон энцефалопатия бўйича Ҳайвонларнинг Соғлиги Ҳалқаро Кодекси бошчилигида давлатнинг ҳуқуқий ҳолатини баҳолаш учун мезонлар ўрнатди. Давлатлар ва ҳудудлар қуйидагича тавсифланади:

А. ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи унча кўп бўлмаган давлатлар ёки ҳудудлар;

В. ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи назорат қилинадиган давлатлар ёки ҳудудлар;

С. ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи аниқ бўлмаган давлатлар ёки ҳудудлар.

Европа Кенгашининг № 999/2001 (тўлдиришлар ва ўзгартиришлар билан)<sup>(11)</sup> Қарорига кўра ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи бўйича давлатлар ёки ҳудудлар таснифи, МЭБ ўрнатган қоидаларга асосланган бўлиб, 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб амалда. 2007/453/ЕС<sup>(12)</sup> Комиссия Қарорида ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи бўйича давлатлар ёки ҳудудларнинг таснифи келтирилган.

Аввал Европа Кенгашининг илм-фан бўйича Ижро тувчи Қўмитаси<sup>(13)</sup>, ЙШҚҒЭ (BSE) (Geographical BSE Risk, GBR)<sup>(14)</sup> жуғрофий юзага келиш хавфига кўра, давлатлар таснифининг вақтинчалик тизимини ўрнатди.

МЭБ (OIE) ўрнатган қоидаларга кўра ЙШҚҒЭ таснифи ушбу мақола мақсадлари учун ишлатилади. Олдин SSC GBR мезонлари асосида таснифланган давлат учун, аммо ҳозирда МЭБ қоидалари бўйича таснифланмаган бўлса, бунда GBR таснифи ишлатилиши мумкин, бунда унинг ЙШҚҒЭ (BSE) хавфида<sup>(15)</sup> жиддий ўзгаришлар бўйича далиллар бўлмаган шароитлар бўлиши керак.

Агарда, ЙШҚҒЭ (BSE) бўйича юқори хавфга эга давлатлардан олинган материалларни ишлатиш бўйича кўрсатмалар бўлмаса, иложи борида, ҳайвонлар ЙШҚҒЭ (BSE) бўйича энг кам хавф бўлган давлатлардан (ЙШҚҒЭ бўйича жиддий хавф бўлмаган давлатлар (А даражали)) олиниши лозим.

6 бўлим “Махсус шартлар” да санаб ўтилган айрим материаллар, ЙШҚҒЭ (В даражали) хавфи назорат қилинадиган давлатлардан, айрим ҳолларда, қуйида кўрсатилганидек, назорат ва талабларни қўллаш шарти билан ЙШҚҒЭ (С даражали) номаълум хавф мавжуд давлатлардан олинади. Бундай истиснолардан ташқари, ҳайвонлар ЙШҚҒЭ (С даражали) номаълум хавф бўлган давлатлардан келиб чиқиши мумкин эмас; ҳайвонлар ЙШҚҒЭ (С даражали) номаълум хавф бўлган давлатлардан келиб чиққанларини ишлатилиши бўйича мувофиқ асослар келтирилган бўлиши лозим.

Қўйларда ЙШҚҒЭ (BSE) намоён бўлиш эҳтимоллиги сабабли, ТҒЭдан холи пода<sup>(17)</sup> ҳолатига эга бўлиши учун, ЙШҚҒЭ (BSE)/скрейпи нисбатан чидамлилини таъминловчи маълум бир генотип(лар) ишлатилиши мумкин. Аммо, скрейпиға чидамли генотиплари ЙШҚҒЭ (BSE) (ичға қабул қилиш орқали тажрибавий таъсир ўтказиш) ёки атипик скрейпи (табиий шароитлар) сезувчан бўлиши мумкинлигини ҳисобға олиш лозим бўлади. Эчкиларда, ЙШҚҒЭ (BSE) қўзғатувчиларига нисбатан генотипли маълум бир сезирликка эғалиги бўйича ҳали етарли даражада маълумотлар йўқ. Кавш қайтарувчи кичик ҳайвонлардан материал, одатда, скрейпи йўқлиги бўйича кўп йиллик статусға эға давлатлардан олинйиш шарт. Материал бошқа манбалардан олинйидиган бўлса, бунға мос асослар бўлиши керак. Эчкиларда, ЙШҚҒЭ қўзғатувчиларига нисбатан генотипли маълум бир сезирликка эғалиги бўйича ҳали етарли даражада маълумотлар йўқ. Кавш қайтарувчи кичик ҳайвонлардан материал, одатда скрейпи йўқлиги бўйича кўп йиллик статусға эға давлатлардан олинйиш шарт. Материал бошқа манбалардан олинйидиган бўлса, бунға мос асослар бўлиши керак.

### 3-2-2. ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи унча катта бўлмаган йирик шохли қорамол (изоляцияланган) подаси.

Энг хавфсиз материал манбаи, бу ЙШҚҒЭ (BSE) (А даражадаги давлатлар) хавфи унча катта бўлмаган давлат ёки худудлар. Бошқа давлатларда, ЙШҚҒЭ (BSE) касаллиги аниқланган ёки маълум бир даврдагина касаллик ҳоллари аниқланган бўлса, CHMP ва CVMP қўлланиладиган “ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи унча катта бўлмаган катта шохли қорамол (ажратиб олинган) подаси” амалий концепцияси ишлаб чиқилган. “ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи унча катта бўлмаган катта шохли қорамол (ажратиб олинган) подаси”ни ушлаб туриш ва яратиш мезонлари 1999 йилнинг 22-23 июлидаги SSC хулосада баён этилган<sup>(17)</sup>.

Ҳозирда, “ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи унча катта бўлмаган йирик шохли қорамол (изоляцияланган) подаси”дан олинган ҳайвонлар учун ЙШҚҒЭ (BSE) жуғрофий хавфи камайиш даражасини ўлчаш мумкин эмас. Аммо, ушбу пасайиш етарлича муҳим деб тахмин қилинмоқда. Шундай экан, изоляцияланган йирик шохли қорамол подасидан олинган бошланғич материаллар хавфини баҳолашда, ОЕ таснифи бўйича давлатлар даражасини назарда тутиб кўриб чиқилади.

### 3-3. ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТАНА ҚИСМЛАРИ. БИОЛОГИК СУЮҚЛИКЛАР ВА АЖРАЛМАЛАР БОШЛАНҒИЧ МАТЕРИАЛЛАР СИФАТИДА

ТҒЭ юққан ҳайвонларнинг турли хил аъзолари ва биологик суюқликлари ҳар хил даражадаги юқумли фаолликка эға. “ТҒЭ-мойил ҳайвон турлари”дан олинган материаллар учун паст даражадаги хавф бор тўқималарни ишлатгандаги чораларни кўриш лозим. Ушбу бўлим иловасидаги жадвалда<sup>(18)</sup>, ЙШҚҒЭ (BSE) билан оғриган йирик шохли қорамол ва скрейпи билан касалланган қўй ва эчкилар<sup>(19)</sup> организмда PrP<sup>TSE</sup> миқдори ва инфекцион фаоллигини турли даражаси тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумот, фақатгина табиатда касалликни учраш ҳоллари ёки тажриба моделларида бирламчи қўзғатувчини (йирик шохли қорамолда) оғиз орқали юкишини ўрганиб олинган бўлиб, лаборатория ҳайвонларига мослаштирилган ТҒЭ штаммлари ишлатилган касаллик моделларидан олинган маълумотларни тутмайди, чунки мажбурий қайта экилган штамм фенотиплари, табиатда учрайдиганларидан сезиларли фарк қилиши мумкин. Модомики, иммуногистокимёвий текширишлар ва/ёки нотўғри ўралган оксил хўжайин (PrP<sup>TSE</sup>)нинг Вестр-блотинги, инфекцион фаоллиликни шартли маркери ҳисобланиши исботланганлиги сабабли, PrP<sup>TSE</sup> текшириш натижалари биологик тадқиқотлар маълумотлари билан бирға тақдим қилинган. Касаллик босқичларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, инфекцион фаолликка нисбатан тўқималар учта асосий даражаларға гуруҳланади:

IA даража	<b>Юқори фаолликка эға тўқималар</b> марказий нерв тизими тўқималари (ЦНС), уларда ТҒЭ сўнгги босқичларида юқори инфекцион титрлар аниқланади ва ЦНС билан анатомик боғлиқ айрим тўқималар
IB даража	<b>Кучсиз фаолликка эға тўқималар</b> сиртки тўқималар, текшириш натижалари инфекцион фаоллики ва/ёки PrP <sup>TSE</sup> ни ҳеч бўлмаганда ТҒЭ шаклларида бирида тасдиқлади
IC даража	<b>Инфекцион фаоллик аниқланмаган тўқималар</b> инфекцион фаоллик ва/ёки PrP <sup>TSE</sup> га текшириш натижалари манфий бўлган тўқималар

IA даража тўқималари ва улардан олинган моддалар, дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин эмас, аммо, истисно ҳолларда, уларни ишлатилиши асосланган бўлиши керак (5 бўлимға қаралсин).

Ҳеч нарсаға қарамай, хавф камроқ гуруҳдаги тўқималар (IB даражадаги тўқималар) деярли ҳар доим хавф даражаси камроқ айрим тўқималар (масалан, қон), бошқаларға қараганда (масалан, лимфоретикуляр тўқималар), ушбу тўқималарда инфекцион фаоллик даражалари тўғрисидаги маълумотлар унча кўп эмас, шу сабабли, ушбу даражада хавф даражаси турли хил бўлган даража остиларни ажратиши қийин. Эҳтимол, маълум бир тўқимани у ёки бу даражаға киритиш, касаллик ёки ҳайвон турига боғлиқ бўлиши мумкин ва янги маълумотлар пайдо бўлиб бориши билан қайта кўриб чиқиши лозим.

Хавфни баҳолашда (4 бўлимға қаралсин) ишлаб чиқарувчилар ва/ёки ариза берувчилар/қайд этиш гувоҳномасига эғалик қилувчилар ушбу умумий бўлим иловасидаги<sup>12</sup> жадвалда келтирилган тўқималар таснифини эътиборға олишлари керак.

Жадвалдаги даражалар тахминий ҳисобланади, шунинг учун қуйидаги жиҳатларни эътиборға олиш лозим.

– Маълум бир ҳолатларда, турли хил даражали инфекцион фаолликка эға тўқималар билан **кесишма-контaminaция** юзаға қелиши мумкин.

Хавф эҳтимоллигига, тўқималар олинган шароитлар, жумладан, тўқималарни камроқ инфекцион фаолликка эға тўқималар билан таъсирлашиши ёки инфекцион фаоллиги аниқланмаган тўқималарни (IB ва IC даражадаги тўқималар) юқори инфекцион фаолликка эға тўқималар (IA даражадаги тўқималар) билан таъсирлашуви таъсир кўрсатади.

(16) Экспертларнинг илмий гуруҳини “Қўйларнинг ТҒЭ чидамлилиги бўйича селекция дастури”даги биологик хавфсизлиги бўйича фикри: [http://www.efsa.europa.eu/EFSA/efsa\\_locale-1178620753812\\_1178620775678.htm](http://www.efsa.europa.eu/EFSA/efsa_locale-1178620753812_1178620775678.htm)

(17) 1999 йил 22-23 июлдаги учрашувда қабул қилинган “ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи унча кўп бўлмаган (ажратиб олинган) қорамол” билан боғлиқ SSC Илмий хулосаси [http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out56\\_cn.html](http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out56_cn.html)

(18) Тўқималарнинг таснифини жадваллари WHO Guidelines on Tissue Infectivity Distribution in Transmissible Spongiform Encephalopathies (2010) охирига наширға асосланган [http://www.who.int/blodddproducts/tablestissue\\_infectivity.pdf](http://www.who.int/blodddproducts/tablestissue_infectivity.pdf)

(19) Ҳозирги вақтда кавш қайтарувчи кичик ҳайвонларнинг тўқималарини ЙШҚҒЭ (BSE/TSE) бўйича юқумлилиги тўғрисидаги илмий фикр EFSA (Савол № EFSA-Q-2010-052) муҳокама қилинмоқда. Маълумотни янгилаш учун қуйидаги дастакка мурожат қилинсин: <http://registerofquestions.efsa.europa.eu/roqFrontend/questionsListLoader?man date=M-2010-004>

Шундай қилиб, айрим тўқималарнинг кесишган контаминация даражаси ошиши мумкин, агарда, зарарланган ҳайвонларни ўлдиришда, миясига зарб билан уриб қарахт қилинганда (ичига кирувчи ёки кирмай-диган) ёки боши мия ва/ёки орқа мия кесиб ташланса айрим тўқималарнинг кесишган контаминация даражаси ошиши мумкин. Биологик суюқликлар тўқималарни минимал шикастлаш билан олинса ва ҳўжайра компо-нентлари олиб ташланса ва шунингдек, эмбрионал қон йиғилганда бошқа она ёки эмбрионал тўқималар, шу жумладан йўлдош, амнионик ва алантоис суюқликлари билан контаминация бўлмаса кесишган контаминация хавфи камроқ бўлади.

Айрим тўқималарни IА даражали тўқималар билан кесишма контаминацияни олдини олиш жуда қийин ёки олдини олиш мумкин эмас (масалан, бош суяги). Бу хавфни баҳолашда ҳисобга олинши лозим. Маълум бир туркум моддалар учун қўлланиладиган қарахт қилиш/сўйиш усули потенциал хавфни<sup>(20)</sup> аниқлаш учун жуда муҳим бўлиши мумкин, чунки бунда мия қолдиқлари сиртки аъзолар, жумладан, ўпгакага тушиб қолиш эҳтимоллиги мавжуд. Қарахт қилиш/сўйиш усули ҳам юқори инфекцион фаолликка эга тўқималарни йўқ қилиш жараёнлари каби таърифланган бўлиши лозим. Ишлатилиши керак бўлган ҳайвонларнинг тўқима/аъзоларини йиғиш жараёнлари ва юқори хавфли материал билан кесишма контаминацияни олдини олиш учун қўриладиган чоралар тўлиқ таърифланган бўлиши шарт.

– Тўқима ва аъзоларни, МНС дан олинган материалда потенциал мавжуд бўлган ЙШҚҒЭ қўзғатувчилари билан контаминация бўлиш эҳтимоллигига, йирик шохли қорамолга қарахт қилиш усули ишлатилганда, қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- ўлдирилган ҳайвон миясидаги ЙШҚҒЭ инфекцион фаоллик даражаси,
- бош мияни шикастланиш даражаси,
- мия қолдиқларини ҳайвон танаси бўйича тарқалиши.

Ушбу омилларни, OIE/GBR таснифига қўра ҳайвонларнинг келиб чиқиш жойини даражаси, йирик шохли қорамол ишлатилганда ҳайвон ёши ва қорамол ўлганидан кейин валидация қилинган усулларда текширилиши билан бирга баҳолаш лозим бўлади.

Юқорида келтирилган тамойилларни қўй ва эчкиларга ҳам қўлласа бўлади.

Кесишма контаминациянинг юзага келиш хавфи бир неча қўшимча омилларга боғлиқ бўлади, шу жумладан:

- тўқималарни йиғишда контаминацияни олдини олиш учун қўриладиган чоралар (юқоридагига қаралсин),
- контаминация даражаси (контаминация бўлган тўқималар сони),
- бир вақтда олинган материалларни сони ва тури.
- Ишлаб чиқарувчилар ва аризачилар/қайд этиш гувоҳномасини эгалари кесишма контаминация эҳтимоллигини ҳисобга олиб, хавфни баҳолашлари лозим.

### 3-4. ҲАЙВОНЛАР ЁШИ

Модомики, йирик шохли қорамол ТҒЭ билан касалланганда инфекцион фаоллик яширин даврида ошиб боради, бу давр бир неча йил давом этади, материаллар

манбаи сифатида ёш ҳайвонлардан фойдаланиш тавсия этилади.

ТҒЭ қўзғатувчисига боғлиқ ҳолда (йирик шохли қорамолда ГЭКРС) ёки қўй ва эчкиларда скрейпи), марказий нерв тизими ва яқин тўқималарда ҳамда лимфотетикалар тизимда юқумли материал мавжудлигини синчиклаб аниқлаб ҳужжатлаштириш лозим. Юқорида келтирилган турларда тегишли ҳайвон қисми ва тўқималарида инфекцияни юқиш вақти аниқ бўлмаганлиги сабабли, инфекциянинг кечиш муддатини билиш қийин, шундан келиб чиқиб, уларнинг ёши тўғрисида аниқ бир қўлланма бериш ҳам қийин, чунки бу ёшдан ошганда турли тўқималар зарарланган бўлиши мумкинлиги сабабли уларни ишлатиш мумкин бўлмайди. Ёш ҳайвонлар тўқималарини йиғиш бўйича энг асосий тавсиялар ҳозиргача амал қилади. Бундан ташқари, ёш мезонлари жуғрофий келиб чиқишига ҳам боғлиқлигини таъкидлаш жоиз. Ёш айниқса, ЙШҚҒЭ хавфи унча катта бўлмаган давлатлардан (А даражали давлатлар) кўра, юқори хавфли давлатлардан (В ва С даражали давлатлар) олинган материалга нисбатан ўта муҳим.

### 3-5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ

ТҒЭ нисбатан дори воситаларининг потенциал хавфини умумий қамайтиришни баҳолашда қуйидаги назорат чораларини назарда тутиш лозим:

- хом ашё манбаи/бошланғич материаллар ва
- ишлаб чиқариш жараёни.

ТҒЭ қўзғатувчиларини кўпгина инактивация қилиш жараёнларига нисбатан резистентлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигига қўра, материаллар манбаларини назорат қилиниши маҳсулотнинг хавфсизлигини мувофиқ таъминлаш бўйича муҳим мезон бўлиб, материалларни назорат қилинувчи манбалари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг сериялиги (яъни, серияни шакллантириш, партияни ажратиш, турли серияларни ишлаб чиқариш орасидаги тозалаш жараёнлари) сифатни таъминлаш тизими доирасида амалга оширилиши лозим, масалан, ISO 9000, HACCP<sup>(21)</sup> ёки GMP. Материалларни кузатиб борилиши, ашёлар/бошланғич материалларни аудитлари ва ички аудитларни ўтказилишини таъминловчи жараёнлар бажарилиши шарт.

Маълум бир технологик жараёнлар ТҒЭ контаминацияси хавфини сезиларли даражада қамайтириши мумкин, масалан, ёғларни ишлаб чиқаришда қўлланилувчи жараёнлар (6 бўлимга қаралсин). Кимёвий ишлов беришнинг каттик жараёнлари кўпгина маҳсулотларга қўлланилиши мумкин эмаслиги учун, прионларга бой материалларда чўктириш ва сузғичлаш каби физик йўқотиш жараёнларини қўллаш улар учун мақбул бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнлари, жумладан, ишлаб чиқаришни ички назоратини тўлиқ тавсифи тақдим этилган ҳамда ТҒЭ контаминацияси хавфини мустасно қилувчи ёки қамайтирувчи технологик босқичлар муҳокама қилинган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш жараёнида бир неча ишлаб чиқариш майдончалари катнашса, ҳар бир майдончада бажариладиган босқичлар аниқ кўрсатилиши керак. Ҳар бир ишлаб чиқариш сериясини бошланғич материалгача кузатиб борилишини таъминланганлиги бўйича амалга оширилган ҳамма чоралар тавсифлаб берилган бўлиши зарур.

(20) Уриб қарахт қилиш усуллари ва ЙШҚҒЭ (BSE) хавфи (маълум бир уриб қарахт қилиш усуллари ишлатилганда мия қолдиқлари қон ва танасига тушиш хавфи) бўйича SSC ҳулосаси 2002 йил 10-11 январдаги учрашувда қабул қилинган. [http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out245\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out245_en.pdf). Ишчи гуруҳнинг ЙШҚҒЭ (BSE) мия қолдиқларидан қонга ва танага тарқалиш хавфи бўйича Ишчи гуруҳнинг маърузаси мақуланган. Савол №EFSA-Q-2003-122, 2004 йил 21 октябрда мақуланган, [http://www.efsa.europa.eu/EFSA/efsa\\_locale-1178620753812\\_117862077397.htm](http://www.efsa.europa.eu/EFSA/efsa_locale-1178620753812_117862077397.htm)

(21) Hazard Analysis And Critical Control Points (Хавф ва критик назорат нуқталарини таҳлили).



**Тозалаш жараёни.** Технологик жиҳозларнинг тозалаш жараёнини ТҒЭ қўзғатувчиларини йўқотиш хусусиятини валидациялаш қийин бўлиши мумкин. ТҒЭ қўзғатувчилари бўйича инфекция агентлар миқдорини аниқлаш мумкин бўлган титрга эга препаратлар билан ишлагандан сўнг, адсорбция қилиниши мумкинлиги тўғрисида хабарлар мавжуд. Агарда, жиҳоз потенциал контаминацияланган материал билан таъсирланган ва уни алмаштириш мумкин бўлмаса, ҳамма адсорбция-ланган оксилларни натрий гидроксиднинг 1 М эритмаси ёки хлор тутувчи дезинфекцияловчи воситалар (масалан, 1 соат давомида 20 000 ppm хлор) ёрдамида йўқотиш муқобил усул ҳисобланади. Паст концентрациядаги ишқорлар ёки стабиллаштирилган оқартирувчилар, детергентлар билан тегишли нисбатда аралаштирилган ва қўлланмага асосан температурада ишлов берилган анча авайловчи шароитлар, классик NaOH ёки хлор тутувчи дезинфекцияловчи воситалар билан ишлов бериб каби прионларни йўқотиш бўйича ўхшаш самарадоликка эга эканлиги кўрсатилган. Бугсимон водород пероксидни ишлатиб тозалаш тизими, ТҒЭ қўзғатувчиларини инактивация қилишда самарадор бўлиши мумкин. Зарарлантиришнинг ушбу замонавий усуллари нозик материалларга мос келади ва амалий қўллашга яроқли бўлиши мумкин<sup>(22)</sup>.

Агарда, ишлаб чиқаришда, хавф даражасига кирувчи материаллардан фойдаланилса, маҳсулот сериялари орасидаги кесимша контаминация хавфини энг кичик даражага етказиш учун мувофиқ тозалаш жараёнларини, жумладан ишлаб чиқаришнинг ички назоратини киритиш лозим бўлади. Агарда, турли хавф даражаларга эга материалларга битта ишлаб чиқариш майдонида ва битта жиҳозда ишлов берилса, бу жуда муҳим ҳисобланади. Агарда, ишлаб чиқаришда IA даражасига эга материаллардан фойдаланилса ва ваколатли орган томонидан бошқасига рухсат берилмаган бўлса, ишлаб чиқариш махсус вазифага эга жиҳозда амалга оширилиши керак.

ЖССТ тавсия этган деконтаминациялаш жараёнларига мос келмаган материаллар ва жиҳозлар учун, кесимша контаминация хавфини камайтирувчи янги жараёнларни ишлаб чиқиш ва валидация қилиш учун кейинги текширувларни ўтказиш зарур.

**Йўқотиш/инактивация қилиш жараёнларининг валидацияси.** ТҒЭ ни йўқотиш/инактивация қилиш жараёнларини валидация қилиш ишларини баҳолаш осон эмас. Бунда, намуналарга қўшилаётган материалнинг табиатини ва оддий ҳолатда уни қўлланишини, тадқиқотлар дизайни (жумладан, технологик жараёнлар миқёсини камайиши) ва қўзғатувчиларни аниқлаш усулини (*in vitro* ёки *in vivo* миқдорий аниқлаш) эътиборга олиш лозим. Намуналарга қўшимчалар қўшиш ишларига энг мувофиқ келувчи валидация усули бўйича тавсиялар бериш учун кейинги текширувларни ўтказиш керак бўлади. Шу сабабли, ҳозирда валидация бўйича ишларни ўтказиш одатда талаб этилмайди. Аммо, агарда, қайд этиш ҳужжатлар тўпламида, ишлаб чиқариш жараён-ларнинг ТҒЭ қўзғатувчиларини йўқотиш ёки инактивация қилишга кодирлиги бўйича асослар бўлса, улар мувофиқ тадқиқотларда тасдиқланган бўлиши лозим<sup>(23)</sup>.

Материалларни келиб чиқишини назоратига қўшимча, ишлаб чиқарувчи томонидан ТҒЭ қўзғатувчиларини инактивацияси ёки йўқотишини самаралироқ таъминлай оладиган, ҳаракатлар/жараёнларни идентификация қилишга қаратилган, инфекция агентларни йўқотиш ва инактивациялаш усуллари ўрганишни давом эттириш тавсия этилади. Ҳар қандай ҳолатда, корхона ишлаб чиқариш жараёни доимо, қачон иложи бўлганида, ТҒЭ қўзғатувчиларини инактивация қилиш ёки йўқотишга яроқли бўлган усуллар тўғрисида бор маълумотларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариши жараёнини йўлга қўйиш зарур.

Маълум бир маҳсулотлар (6-3 бўлимга қаралсин): Қорамол қони ва қон компонентлари) учун йўқотиш/инактивация қилишни валидацияланган жараёнини тадбиқ қилиш қийин бўлганида, жараённи баҳолаш талаб этилиши мумкин. У бошлангич материал хоссаларини назарда тутиши ва ТҒЭ хавфи тўғрисида чоп этилган маълумотларга таяниши керак бўлади.

#### 4. ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР ЁКИ МОДДАЛАР ХАВФИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎРНАТИЛГАН ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИШ

ТҒЭ билан боғлиқ хавфни баҳолашда, 3-1 бўлим (Эхтимолли хавфни камайитиришнинг илмий тамойиллари) да умумий қўринишда баён этилган барча кўрсаткичлар синчковлик билан кўриб чиқилиши зарур.

Ушбу умумий бўлимнинг кириш қисмида кўрсатиб ўтилганидек, ўрнатилган талабларга мувофиқлиги хавфни баҳолашнинг ижобий натижаларини олинишига асосланади. Ишлаб чиқарувчи ва/ёки аризачи ёки қайд этиш гувоҳномасига эгалик қилувчи томонидан ТҒЭ мойил ҳайвон турларидан олинган ва дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган турли материаллар ёки моддалар хавфини баҳолашда, ТҒЭ хавфи омилларини ҳаммаси ҳисобга олингани ва иложи бўлганида, ушбу умумий фармакопея мақоалари бўлимида келтирилган тамойиллар бажарилиши ҳисобига хавф энг кичик даражага туширилганини кўрсатиши зарур. EDQM томонидан тақдим этилган ТҒЭ бўйича сертификатлар, аризачи ёки қайд этиш гувоҳномасига эгалик қилувчи томонидан хавфни баҳолашга асос сифатида фойдаланиши мумкин.

Аризачи ёки қайд этиш гувоҳномасига эгалик қилувчи томонидан дори воситасининг ҳар томонлама хавфини баҳолашда, “ТҒЭ мойил ҳайвонлардан” олинган турли хил материаллар хавфини баҳолаш зарурлиги ва иложи бўлса, таъсир этувчи модда ва/ёки дори препаратини ТҒЭ агентлари камайганлигини ёки ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларидаги инактивация қилинишини баҳолаш лозим.

Охирги қарорни ўрнатилган талабларга кўра маъсул қафолатли орган қабул қилади.

“ТҒЭ мойил ҳайвон турларидан” олинган маълум бир материални танлаш ва назорати тартибини асослаш, аризачи ёки қайд этиш гувоҳномасига эгалик қилувчи томонидан тиббий дори воситаларига замонавий илмий ва технологик билимларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

(22) ЖССТ Қўлланмаси - WHO Guidelines on Tissue Infectivity Distribution in Transmissible Spongiform Encephalopathies (2006) <http://www.who.int/bloodproducts/tse/WHO%20TSE%20Guidelines%20FINAL-22%20JuneupdatedNL.pdf>

(23) Қон плазмаси асосида ишлаб чиқариладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнини КЯК (vCJD) CPMP/BWP/5136/03 хавфига текшириш бўйича Қўлланма.

## 5. ФОЙДА/ХАВФ НИСБАТИНИ БАҲОЛАШ

3 ва 4 бўлимларда кўрсатилган кўрсаткичларга қўшимча (улар EDQM томонидан берилган ТҒЭ бўйича мувофиқлик Сертификати (TSE Certificate of Suitability) орқали тавсифланиши мумкин) ва “ТҒЭ мойил ҳайвон турларидан” олинган маълум бир материалларни тутувчи дори воситасининг яроқлилигини баҳолаш ёки ишлаб чиқаришнинг охириг босқичларида ушбу материаллардан фойдаланилса, қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- дори воситасини киритиш йўли,
- дори воситасини таркибига киритилган ҳайвон манбаидан олинган материалнинг миқдори,
- энг юқори терапевтик дозаси (суткалик доза ва даволашнинг давомийлиги),
- дори воситасини қўллаш бўйича кўрсатма ва унинг клиник самарадорлиги,
- турга хос тўсиқнинг мавжудлиги.

Юқори инфекцион фаолликка эга тўқималар (IA даражадаги тўқималар) ва улардан олинган моддалар, агарда, бошқасига рухсат берилмаган бўлса, дори воситалари, улар учун бошланғич материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар (шу жумладан, амалдаги ва ёрдамчи маҳсулот ва реактивлар) ишлаб чиқаришда фойдаланилиши керак эмас. Фақатгина ушбу материалларни қўлланилиши зарурлиги асослаб берилган бўлиши лозим. Ушбу алоҳида ва ўринли ҳолатларда юқори инфекцион фаолликка эга тўқималарни таъсир этувчи моддалар ишлаб чиқаришда ишлатишга, фойдаланишга мўлжалланган кўрсатмалар ва 4 бўлимга мувофиқ хавфни баҳолаш натижаларига асосланган, аризачи томонидан фойда/хавф нисбати ижобий баҳоланганлиги тақдим этилганидагина рухсат этилиши мумкин. IA даражадаги материаллардан тайёрланган моддалар, агарда уларни ишлатилиши асосланган бўлса, ЙШҚҒЭ хавфи унча катта бўлмаган давлатлардаги (A даража) ҳайвонлардан олинган бўлиши лозим.

## 6. АЛОҲИДА МАТЕРИАЛЛАР БЎЙИЧА ҲОЛАТЛАР (ҚОИДАЛАР)

“ТҒЭ га мойил бўлган ҳайвон турлари”дан олинган материаллар, ҳеч бўлмаганда қуйида белгиланган шартларга мувофиқ келган ҳолатлардагина Давлат Фармакопеясининг умумий бўлими талабларга мувофиқ ҳисобланади. EDQM берган яроқлилик сертификати ёки тегишли маълумот, аризачи ёки қайд этиш гувоҳномасини тутувчи томонидан тақдим этилиши лозим.

## 6-1. КОЛЛАГЕН

Коллаген – бу сут эмизувчилар бириктирувчи тўқималарининг фибрилляр оксил компоненти.

Моддага тегишли умумий бўлим талабларига мувофиқ келишини тасдиқлаш мақсадида, 3-5 бўлимлардаги қоидаларни инобатга олган ҳолда коллагенга ҳужжат тақдим этилиши керак. Бундан ташқари, қуйидагилар кўриб чиқилиши зарур.

– Суяклардан олинadиган коллаген учун желатинга қўйилган талаблар қўлланилади (юқорига қаралсин); Коллагенни ишлаб чиқариш жараёнида, желатинни ишлаб чиқариш жараёнига қараганда инактивация қилиш эҳтимоллиги пастроқ. Шу сабабли, материални олиш

манбаи эътиборга олинади керак бўлган жиҳат ҳисобланади.

– Агар ишлов бериш жараёнида потенциал зарарланган материал билан контаминация бўлиш эҳтимоллиги, масалан қон тушиши ва/ёки марказий нерв тизими тўқималари тушиши истисно этиладиган бўлган тақдирда, мўйна, тери, тери спилок, пай ва пайчалардан ишлаб чиқарилган коллагеннинг ТҒЭ га нисбатан хавфи эътиборга олинadиган даражада эга бўлмайди. Шунинг учун, тери коллагендан ишлаб чиқарилган одам имплантлари учун хавфсизроқ бошланғич материал ҳисобланади. Бирок, бунда кесишган контаминация эҳтимоллигини аниқлаш қийин бўлади, чунки бундай ҳолат ҳайвон сўйилаётган вақтда, терисига тушиб қуриган мия материали ҳисобига юзага келиши мумкин. Бу хавфсизлиқни баҳолашга эътибор қаратилганида қабул қилинадиган бошқа жиҳатидир.

Коллаген ишлаб чиқариш жараёни желатин ишлаб чиқариш билан айрим умумий босқичларга эга бўлиши мумкин, масалан, натрий гидроксид ва натрий сульфат билан ишлов бериш, кальций гидроксид ва натрий гидроксид билан ишлов бериш ёки фермент билан ишлов бериш. Аммо, ушбу умумий босқичлар кечиш муддати ва муҳит рН билан фарқланиши мумкин, бу ҳолат эса инактивация қила олиш хусусиятидаги сезиларли фарқга олиб келиши мумкин. Маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ишлаб чиқарувчи энг камида, коллагенга ишлов бериш босқичларини ўхшашлигига асосланиб, желатинни ишлаб чиқаришда маълум бўлган инактивация қилиш босқичлари билан солиштириб баҳолаш жараёнини амалга ошириши лозим. Ишлаб чиқариш босқичларига қўшимча қилиб, ҳам материални якуний қўлланишида ва хавфни баҳолашда ҳам фарқлар мавжуд, яъни желатин ичга қабул қилиш учун кенг қўлланилади, коллаген эса кўп жарроҳлик имплантлари шаклида ишлатилади. Ушбу жиҳат хавфни якуний баҳолашда эътиборга олинади зарур.

## 6-2. ЖЕЛАТИН

Желатин – гелсимон ёки гелсимон бўлмаган, ҳайвонларнинг териси ва жуни, суякларида ишлаб чиқарилувчи, коллагенни қисман гидролиз қилиш йўли билан олинadиган табиий эрувчан оксил.

Моддани ушбу умумий бўлимнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, желатинга ҳужжатлар 3-5 бўлимлардаги ҳолатларни инобатга олиб тақдим этилиши лозим. Бундан ташқари, қуйидагилар кўриб чиқилиши керак<sup>(24)</sup>.

## Фойдаланиладиган бошланғич материал

Дори воситалари таркибига кирувчи желатин суяк ва терилардан ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

*Терилар бошланғич материал сифатида.* Ҳозирги вақтдаги маълумотларга кўра, желатин ишлаб чиқаришда ишлатиладиган терилар, суякларга нисбатан хавфсизроқ бошланғич материал ҳисобланади. Бунда, маҳсулот тайёрлашда потенциал зарарланган материаллардан кесишган контаминация юзага келишининг олдини олиш чоралари таъминланган бўлиши зарур.

*Суяклар бошланғич материал сифатида.* Желатинни суяклардан олишда, тайёр маҳсулотнинг хавфсизлигини қафолатлаш учун, бошланғич материалларнинг сифати назорат қилиниши керак. Шундай қилиб, қуйидагиларни эътиборга олиш зарур.

(24) Овқат хавфсизлиги бўйича Европа Агентлигининг биологик хавфсизлик бўйича экспертлари илмий гуруҳини фикрига асосланган бўлиб, “ЙШҚҒЭ (BSE) колдик хавфига нисбатан желатин билан боғлиқ одам учун ЙШҚҒЭ (BSE) хавфини миқдорий баҳолаш”. Журнал EFSA, 312, (1-28)..

1. Йирик шохли қорамолнинг ёши ёки келиб чиқиш давлатидан қатий назар, бош чаноғи ва орқа мия йиғилган суяклардан (хом ашё/бошланғич материал) ажратиб олиниши лозим.

2. ЙШҚҒЭ хавфи аниқ бўлмаган ёки назорат қилинадиган давлатлардан (В ва С даражасидаги давлатлар) келиб чиққан, 30 ойлик ёшдан катта бўлган қорамолларнинг умуртқалари бошланғич материалдан ажратилган бўлиши лозим.

3. Парентерал қўлланиладиган желатин, фақатгина ЙШҚҒЭ хавфи унча юқори бўлмаган ёки назорат қилинадиган давлатлардан (мувофиқ, А ёки В даражасидаги давлатлар) олинган суяклардан ишлаб чиқарилиши керак. Ичга қабул қилинадиган желатин, ЙШҚҒЭ хавфи унча юқори бўлмаган, назорат қилинадиган ёки хавфи аниқ бўлмаган давлатлардан (мувофиқ, А, В ёки С даражасидаги давлатлар) келиб чиққан суяклардан ишлаб чиқарилиши зарур.

4. Желатин қуйида келтирилган усуллардан бири ёрдамида ишлаб чиқарилиши лозим.

#### Ишлаб чиқариш усуллари

**Терилар.** Агарда териларга ишлов беришда ва ишлаб чиқариш жараёнида кесимма контаминацияни олдини олиш бўйича ҳамма назорат операциялари амалга оширилса, желатинни ишлаб чиқаришда алоҳида усуллар ва қайта ишлаш шароитлари талаб этилмайди.

**Суяклар.** Агарда желатинни ишлаб чиқаришда суяклар ишлатилса, ишлаб чиқариш технологияси желатин хавфсизлигини таъминловчи иккинчи параметр бўлади.

– Желатин, ЙШҚҒЭ хавфи унча юқори бўлмаган, назорат қилинадиган ёки хавфи аниқ бўлмаган давлатлардан (мувофиқ, А, В ёки С даражасидаги давлатлар) келиб чиққан суяклардан ишлаб чиқарилиши ва 6-2 бўлимнинг “Ишлатиладиган бошланғич материални ишлаб чиқариш жараёнида кислота, ишқор ёки қизди-риш/босимдан фойдаланиш” бўлим остида келтирилган шароитларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

– Хавфни баҳолашда, ушбу мақоланинг 4 бўлимида келтирилган ишлаб чиқариш жараёнини ҳисобга олиш зарур. Валидация бўйича тадқиқотларда, желатинни ишлаб чиқаришда ҳам кислотали, ҳам ишқорий усуллар ТҒЭ юқумлилигини умумий инактивация қилиш/ йўқотишда ўхшаш хусусиятларни намоён қилади. Тек-ширишлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш жараёнида, суяклар/оссеинга ишқор (рН 13, 2 соат) билан қў-шимча ишлов бериш ТҒЭ инактивация қилиш/йўқо-тишга эҳтимоллигини кўпайтиради. Ишлаб чиқаришнинг бошқа босқичлари, фильтрациялаш, ионалмашув хроматографияси ва ўта юқори ҳароратда стерилизация қилиш кабилар желатинни хавфсизлик даражасини оширади.

– Ишлаб чиқаришдаги стандарт ишқор билан ишлов беришда, суяклар яхшилаб майдаланилади, иссиқ сув билан ёғсизлантирилади ва суюлтирилган хлорид кислота (4 % дан кам бўлмаган ва рН < 1,5) билан деминерализация қилинади, булар ҳеч бўлмаганида оссеинни олишдан олдин 2 сутка давомида амалга оширилади. Сўнг, унга кальций гидроксидни тўйинган эритмаси (рН 12,5 дан кам бўлмаган) билан ишқорий ишлов берилади, бу ҳеч бўлмаганида 20 сутка давомида амалга оширилади.

– Йирик шохли қорамол суякларига кислота ёрдамида қайта ишлов берилади. Бунда, кальций гидроксидни тў-

йинган эритмаси билан ишлов беришни кислота билан дастлабки ишлов беришга алмаштирилса, оссеин рН < 3,8 шароитда 10 соат ичида ивителиди.

– 4 соатдан кам бўлмаган вақт давомида, камида 138 °С температурада “қиска” иссиқ ишлов берилса (стерилизация қилинса), буни желатин ишлаб чиқаришда ҳам кислотали, ҳам ишқорий усулида қўлласа бўлади.

– Иситиш/босимни қўллаш билан амалга оширилладиган ишлаб чиқариш жараёнида, қуритилган, майдаланган, ёғсизлантирилган суякларни 20 мин давомида камида 133 °С бўлган температурада 3 бардан юқори бўлган босимда тўйинган буг ёрдамида автоклав қилинади, кейин оксил иссиқ сув ёрдамида экстракцияланади.

Охириги босқичлари ишқорий, кислотали жараёнларни ва ишлаб чиқаришда иситиш/босимни ишлатилишига ўхшаш бўлиб, желатинни экстракциялаш, ювиш, филтрлаш ва концентратциялашни ўз ичига қамраб олади.

#### 6-3. ҚОРАМОЛ ҚОНИ ВА УНИНГ КОМПОНЕТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

Қорамол эмбрионал (фетал) зардоби хужайра культуралари билан ишлашда кенг қўлланилади. Қорамол эмбрионал зардоби қушхоналардаги одам овқатига яроқли соғлом сигирлардан олинган ҳомилалардан олинади; бачадон тўлиқлигича олиб ташланиши лозим; эмбрионал қон ёпиқ қон йиғиш тизимида, бунинг учун махсус мўлжалланган жойда ёки асептик шароитли зонада юрак пункцияси йўли билан йиғилади.

Янги туғилган бузоқнинг қон зардоби 20 кунга етмаган ёшдаги бузоқлардан олинади; бузоқча қон зардоби – 12 ойликка етмаган ҳайвонлардан олинади. Бузоқча донор қон зардоби 36 ойликка етмаган ёшдагилардан олинади, бунда ТҒЭ нисбатан поданинг манфий статуси аниқ белгиланган ва қайд этилган бўлиши лозим. Барча ҳолатларда, юқори хавфга эга тўқималар билан кесимма контаминациянинг олдини олиш учун қон зардоби маълум бир процедураларга мос равишда шу процедура-ларга ўқитилган ходимлар томонидан олиниши лозим.

Бузоқ қони ва унинг компонентлари мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, ушбу умумий бўлимнинг талабларига тўғри келадиган ҳужжатлар, 3 дан 5 гача бўлимлардаги қондаларни инобатга олган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бундан ташқари, қуйидагилар кўриб чиқилиши керак.

#### Кузатувчанлик

Қушхонагача ҳар бир қон зардоби ёки плазмасини серияси учун кузатувчанлик таъминланиши зарур. Қушхонада, ҳайвонлар олиб келинган фермаларнинг рўйхатлари бўлиши зарур. Агарда қон зардоби тирик ҳайвонлардан олинган бўлса, қон зардобларининг ҳар бир серияси учун, мувофиқ фермагача кузатувчанликни таъминловчи маълумотлар ёзиб борилиши лозим.

#### Жугрофий келиб чиқиши.

Скрепейга нисбатан йирик шохли қорамол тўқималарида ЙШҚҒЭ инфекцион фаоллиги юқорироқ бўлганлиги сабабли, эҳтиёткорлик чоралари сифатида бузоқ қони А даражага мансуб бўлган давлатлардан олиниши зарур. В даражага мансуб давлатлардан олинган бузоқча қони, 21 ойликдан ошган ёшдаги ўлдирилган ҳайвонлар мияси материалдан қонига кесишган контаминация юзга келиш хавфи йўқлиги тасдиқланган шароитдагина ишлатилиши мумкин<sup>(25)</sup>.

(25) Маълум бир махсус хавфли материалларни (SRM) йўқотиш бўйича қорамолнинг ёши чегарасини баҳолаш бўйича Биологик хавфсизлик бўйича экспертлар илмий гуруҳини фикри. Савол № EFSA-Q-2004-146, 2005 йил 28 апрелда мақулланган.

#### Қарахт қилиш усуллари

Агарда намуналар ўлдирилган ҳайвонлардан олинаётган бўлса, қарахт қилиш усули материал хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сурилиз зарба берадиган стерженли тўппонча билан орка мияни тешиб ёки тешмасдан, пневматик зарбли ускуна билан, айниқса ҳаво киритиб қарахт қилинганида мия емирилиши мумкин, мия тўқималари қон орқали тарқалишини олиб қилиши мумкин. Санчмасдан қарахт қилиш, санчиб қарахт қилишга муқобил эмаслиги кўриб чиқилмаётгани, чунки бунда қонни мия материаллари билан зарарланиши кўрсатилган<sup>(26)</sup>. Унча катта бўлмаган хавф, санчмасдан қарахт қиладиган ускунада ва электро-наркоз қўлланилганида кузатилиши мумкин<sup>(27)</sup>, аммо, ушбу усуллар ҳам бевосита хавфсизлигини таъминлай олмайди, чунки муваффақиятсиз уринишда, қўшимча қарахт қилиш керак бўлиб қолиши мумкин. Қарахт қилиш усуллари, бузоқча қонини йиғиш жараёни учун албатта баён этилган бўлиши лозим.

ЙШҚҒЭ хавфи назорат қилинувчи давлатларда (В даража) оддий мол сўйишда, мия билан қоннинг зарарланишини кесимча контаминация бўлиш хавфини олдини олишни иложи бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда, ишлаб чиқаришда молни ёшини чеклаш ва/ёки юқумли

агентлар миқдорини камайтириш каби хавфсизлик чоралари қўрилиши зарур.

#### Ёши

ЙШҚҒЭ хавфи назорат қилинувчи давлатларда (В даража), ишлаб чиқаришда ТҒЭ агентларини сезиларли камайитирилиши кузатилмаса, қорамолдан олинган қон ва унинг компонентлари учун ҳайвонларда огоҳлантирувчи ёш чегараси — 21 ойлик –деб қабул қилиниши керак. Агарда, қуйида келтирилгани каби ТҒЭ агентларини сезиларли камайиши кўрсатилган бўлганида, 30 ойлик ёшдаги чегара қон компонентлари учун етарли бўлиши мумкин.

#### Ишлаб чиқаришда ТҒЭ агентларини камайитириш

Экспериментал текширишлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнида қон компонентларида ТҒЭ агентларини камайитириш/йўқотиш мумкинлигини баҳолаш зарур. Баҳолаш чоп этилган ёки хусусий маълумотларга асосланган бўлиб, ушбу маълумотлар ҳар сафар аниқ бир ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор эканлиги кўрсатилган бўлиши лозим. Агарда, ишлаб чиқаришда агентларни камайишини таққослаш мумкинлиги бўйича хулоса чиқариш мумкин бўлмаса, унда ишлаб чиқарувчилар аниқ бир маҳсулотларда экспериментал текширувлар ўтказишлари бўйича тавсия берилади.

5.2.8.-1-жадвал.

Қорамол қони/зардоблари ва компонентларини қабул қилиш концепцияси

Маҳсулот	Эмбрионал букача қон зардоб	Донорли бузоқча қон зардоб	Донорли катта ёшдаги букача қон зардоб	Бузоқча қон зардоб	Катта ёшдаги букача қон зардоб/ плазмаси	Катта ёшдаги букача қон зардоб/ плазмаси/ зардоб	Катта ёшдаги букача қон зардоб/зардоб компонентлари	
Қорамолнинг жугрофий келиб чиқиши	А ва В даража	А ва В даража	А ва В <sup>1</sup> даража	А ва В даража	А даража	В даража	А даража	В даража
Қорамолнинг ёши	туғилмаган	< 1 йилгача	< 36 ойликкача	< 1 йилгача	Чегаралан- маган	< 21 ойликкача <sup>2</sup>	Чегаралан- маган	< 30 ойликкача
Сўйиш/маркази ва нерв тизими материалининг қон билан кесилган контаминацияси	Кесилган контаминация хавфи мавжуд эмас			Кесимча контаминация хавфи				
Ишлаб чиқариш жараёнида прионларнинг камайишини кўрсатиши	Йўқ			Йўқ/Ҳа <sup>3</sup>				

1. В даражадаги давлатлардан келиб чиққан мол аниқланган ва ҳужжатланган подадан бўлиши лозим.

2. Агарда марказий нерв тизими материаллари билан қонни кесимча контаминацияси истисно этиладиган, катта ёшдагисига ҳам рухсат берилади (масалан, ҳалол сўйиш).

3. Агарда марказий нерв тизими материаллари билан қонни кесимча контаминацияси истисно этиладиган, прионлар миқдорини камайитиришни намоён этиши талаб этилмайди (масалан, ҳалол сўйиш).

Агарда, биокимёвий таҳлил ёрдамида текширишлар ўтказиш етарли бўлса ҳамда ушбу таҳлил юқумлилиги бўйича маълумотлар билан боғлиқлигини илмий исботлари мавжуд бўлса, биокимёвий таҳлил ёрдамида текширишлар ўтказиш етарли бўлиши мумкин. Биокимёвий таҳлил ёрдамида ўтказилган текширишлар, юқумлилиги

бўйича маълумотлар билан боғлиқлигини илмий далиллари мавжуд бўлса етарли бўлади.

ТҒЭ агентларининг камайишини экспериментал текширишлари бўйича умумий қўлланма ишлаб чиқилган<sup>(28)</sup>. Мия материаллари билан зарарланган қондан хавфни ўрганиш бўйича текширишлар учун мия компонентлари билан зарарланган препаратлар тўғри келади.

(26) Тўқималар таснифининг жадваллари WHO Guidelines on Tissue Infectivity Distribution in Transmissible Spongiform Encephalopathies (2010) охирига нашрига асосланган <http://www.who.int/bloodproducts/tablestissueinfectivity.pdf>

(27) Ишчи гуруҳнинг ЙШҚҒЭ (BSE) мия қолдиқларидан қонга ва танага тарқалиш хавфи бўйича Ишчи гуруҳнинг маърузаси мақуланган. Савол № EFSA-Q-2003-112, 2004 йил 21 октябрда мақуланган, [http://www.efsa.europa.eu/en/sciencebiohaz/biohaz\\_opinions/opinion\\_annexes/733.html](http://www.efsa.europa.eu/en/sciencebiohaz/biohaz_opinions/opinion_annexes/733.html)

(28) Қон плазмаси асосида ишлаб чиқариладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнини КЯК (vCJD) CPMP/BWP/5136/03 хавфига текшириш бўйича Қўлланма.

## 6-4. ҚАТТИҚ ЁҒДАН ОЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАР

Қаттиқ ёғ тўқималарнинг тери ости, корин бўшлиғи ва мушак ораси соҳаларидан ва суяклардан олинади. Ёғ ҳосилаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган материал сифатида ишлатиладиган қаттиқ ёғ, овқатга қўллашга мўлжалланмаган, ҳайвон субмахсулотларга тааллуқли қоидаларни ўрнатадиган Европа Парламенти ва Кенгабини 2002 йил 3 октябрдаги (ЕС) №1774/2002 Қарорига мувофиқ “3 даржали материал ёки унга ўхшаш материал” бўлиши лозим.

Қаттиқ жараёнлардан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган глицерин ва ёғ кислоталари каби қаттиқ ёғ материаллари инфекция манбаи бўлиши мумкин эмас, бу СНМР ва СММР томонидан ўтказилган махсус таҳлилинг мавзуси ҳисобланади. Шунинг учун, ҳеч бўлмаганда қуйида келтирилган қаттиқ шароитларда ишлаб чиқариладиган материаллар, жуғрофий келиб чиқиши ва улар олинган тўқималар табиати умумий бўлимнинг талабларига жавоб бериши керак. Қаттиқ технологик жараёнларга мисоллар:

– 20 мин босим остида 200 °C дан кам бўлмаган температурада перестерификациялаш ёки гидролизлаш (глицерин, ёғ кислоталари ва мураккаб эфирларни ишлаб чиқариш);

– NaOH нинг 12 М эритмаси ёрдамида совунлаш (глицерин ва совун ишлаб чиқариш);

– тизимли жараён: 95 °C дан кам бўлмаган температурада 3 соатдан кам бўлмаган вақтда;

– узлуксиз жараён: 140 °C кам бўлмаган температурада, босим остида 8 мин дан кам бўлмаган вақтда ёки шунга ўхшаш ишлов бериш.

– 200 °C температурада таркибий қисмларга ажратиш.

Ушбу шароитларга мос равишда қаттиқ ёғдан олинган материаллар, ТҒЭ юктириш хавфини туғдирмайди ва шунинг учун, ушбу умумий бўлим талабларига мос келади.

Бошқа шароитларда ишлаб чиқарилган қаттиқ ёғдан олинган материалларни ушбу бўлимга мос келишини тасдиқлаш лозим бўлади.

1. В даражадаги давлатлардан келиб чиққан мол аниқланган ва ҳужжатланган подадан бўлиши лозим.

2. Агарда марказий нерв тизими материаллари билан конни кесишма контаминацияси истисно этиладиган, қатта ёшдагисига ҳам рухсат берилади (масалан, ҳалол сўйиш).

3. Агарда марказий нерв тизими материаллари билан конни кесишма контаминацияси истисно этиладиган, прионлар миқдорини камайтиришни намоён этиши талаб этилмайди (масалан, ҳалол сўйиш).

## 6-5. ҲАЙВОН КЎМИРИ

Ҳайвон кўмирини, суяк каби ҳайвон тўқималарини 800 °C дан юқори температурада қуйдириб кўмирга айлантириб олинади. Агарда бошқасига рухсат берилмаган бўлса, овқатга қўллашга мўлжалланмаган, ҳайвон

субмахсулотларга тааллуқли қоидаларни ўрнатувчи Европа Парламенти ва Кенгабини 2002 йил 3 октябрдаги (ЕС) №1774/2002 Қарорига мувофиқ ҳайвон кўмирини ишлаб чиқаришга ишлатиладиган бошлангич материал “3 даржали материал ёки унга ўхшаш материал” бўлиши лозим. Тўқима табиати ва жуғрофий келиб чиқишидан қатъий назар, қонунчилик талабини бажариш учун ҳайвон кўмирини умумий бўлим маълумотларига мос равишда баҳолаш зарур.

Ушбу шартларга мувофиқ ишлаб чиқарилган ҳайвон кўмири, ТҒЭ юктириши бўйича хавф туғдирмайди ва ушбу бўлим талабларига жавоб беради. Бошқа шароитларда ишлаб чиқарилган ҳайвон кўмирини ушбу бўлим талабларига мувофиқ келишини тасдиқлаш лозим бўлади.

## 6-6. СУТ ВА СУТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Мавжуд илмий билимларга асосан, қорамол сути жуғрофий келиб чиқишидан қатъий назар ТҒЭ контаминацияси хавфини туғдирмайди<sup>(29)</sup>.

Айрим материалларни, жумладан лактозани, сут зардобидан ёки пишлоқ ишлаб чиқариш жараёнида коагуляциядан кейин ишлов берилган суюқлигидан ажратиб олинади. Коагуляция вақтида бузоқчанинг ренин моддаси, ошқозон экстракти (ширдони) ёки бошқа қавш қайтарувчи ҳайвонлардан олинган ренин ишлатилади. СНМР/СММР лактоза ва бузоқча ренинини ишлатиб сут зардобидан олинган бошқа материалларни хавфини баҳолаб, хавфни баҳолаш ҳисоботида келтирилган жараёнга мос келувчи бузоқча ренинни ишлаб чиқарилган бўлса, ТҒЭ хавфи аҳамиятли эмаслиги тўғрисида ҳулоса қилинади<sup>(30)</sup>. Ушбу ҳулоса SSC<sup>(31)</sup> билан тасдиқланиб, у ҳам ТҒЭ нисбатан ренин хавфини умумий баҳолашни амалга ошириди<sup>(32)</sup>.

Йирик шохли қорамол сутидан олинган материаллар, қуйида келтирилган шартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлса, ТҒЭ юктириш хавфига эга эмас ва бинобарин, ушбу умумий бўлимнинг талабларига тўғри келади:

– Одам томонидан овқат сифатида истеъмол қилиниши учун олинган сут шароитларда, соғлом ҳайвонлардан олинган сут ва

– Шундай материалларни олишда бузоқча рениннидан ташқари бошқа қавш қайтарувчи ҳайвонлардан ҳеч қандай материаллар ишлатилмайди (масалан, казеинни панкреатик гидролизати).

Бошқа жараёнлар ёрдамида олинган сут ҳосилалари ёки бошқа тур қавш қайтарувчи ҳайвонлардан олинган ренин ушбу бўлимнинг талабларига мувофиқ келиши тасдиқланган бўлиши лозим.

## 6-7. ЖУНДАН ОЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

Қавш қайтарувчи ҳайвонлардан олинган материаллар, масалан, ланолин ва сочдан олинадиган жун муми спиртлари, агарда тирик ҳайвонлардан олинган бўлса, ушбу бўлимнинг талабларига мувофиқ келади.

(29) Қавш қайтарувчи кичик ҳайвонлардан олинган сут ва унинг компонентлари, Савол № EFSA-Q-2008-310 бўйича EFSA фикрига қаралсин, 2008 йил 22 октябрда мақуланган, <http://www.efsa.europa.eu/en/scdocs/scdoc/849.htm>

(30) Одам учун дори препаратлари Қўмитаси ва унинг биотехнологик препаратлар бўйича ишчи гуруҳи бузоқча ренинидан фойдаланиб олинган лактозани хавфини баҳоладилар. Хавфни баҳолаш ҳайвон манбаи, ширдонни ажратиб олиш жараёни ва сифатни таъминлашни тегишли жараёнлари борлигини ўз ичига олади. Ҳайвонларни боқишда ишлатиладиган сутнинг ҳар қандай ўрнини босувчи, улардан олинадиган ширдон, айниқса муҳим. Матнни қуйидаги сайтда топиш мумкин <http://www.cma.europa.eu/pdfs/human/press/pus/057102.pdf>

(31) Лактозани тайёрлаш учун, ишлатиладиган бузоқчалардан олинган ренинни хавфсизлиги бўйича дастлабки ҳулоса 2002 йил 4-5 апрелда SSC йиғилишида қабул қилинган ([http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out255\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out255_en.pdf)).

(32) Ҳайвонларнинг ренинини ТҒЭ ҳайвонларга юктиришини хавфсизлиги бўйича SSC ҳулосасини, жумладан ЙШҚҒЭ бўйича, 2002 йил 16 майдаги учрашувда қабул қилинган ([http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out265\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/food/fs/sc/ssc/out265_en.pdf)).

Истеъмол қилишга мўлжалланган деб тан олинган ўлдирилган ҳайвонларнинг жундан олинган материаллар ва технологик жараёнда рН, температура ва ишлов беришни давомийлиги, қуйидаги келтирилган шартларнинг ҳеч бўлмаганида биттасига тўғри келса, ТҒЭ юктириш хавфига эга бўлмайди ва бинобарин, ушбу бўлимнинг талабларига мувофиқ келади.

– 60 °С температурада рН > 13 (бошланғич; NaOH концентрацияси 0,1 М дан кам бўлмаслиги зарур) ҳеч бўлмаганида 1 соат давомида ишлов бериш. Бу жунни ювишда органик-ишқорий ишлов бериш босқичини стандарт шароитларидир.

– Молекуляр дистилляция > 220 °С температурада паст босимда.

Бошқа шароитларда жундан олинган материаллар умумий бўлимнинг талабларига тўғри келиши тасдиқланган бўлиши керак.

#### 6-8. АМИНОКИСЛОТАЛАР

Аминокислоталарни турли манбалардан олинган материалларни гидролиз қилиниб олинishi мумкин.

Агар бошқача кўрсатилган бўлмаса, истеъмол қилишга мўлжалланмаган, ҳайвон субмахсулотларига таалуқли бўлган коидаларни ўрнатадиган Европа Парламенти ва Кенгабини 2002 йил 3 октябрдаги (ЕС) № 1774/2002 Қарорига мувофиқ ҳайвон қўмирини ишлаб чиқаришга ишлатиладиган бошланғич материал “3 тоифада ёки эквиваленти бўлиши лозим.

Аминокислотлар қуйида келтирилган шароитларда олинган бўлса ва ТҒЭ юктириш бўйича хавфга эга бўлмаса, умумий бўлим талабларига мос келади:

– тери ва мўйнадан олинadиган аминокислоталар шундай технологик жараён ёрдамида олинadики, бу жараён бошланғич материалларни рН 1-2 эритма билан ишлов бериш, кейин рН > 11, ундан сўнг 3 бар босимда 30 мин давомида 140 °С температурада ишлов беришни ўз ичига олади,

– олинган аминокислоталар ва оксиллар ишлов берилганидан сўнг сузгичланиши зарур, ва

– тозалик таҳлили валидация қилинган ва сезгир усул ёрдамида амалга оширилади, бу ҳамма гидролизланмаган қолдик макромолекуларни ўрнатилган рухсат бериладиган чегарада сақланишини баҳолаш имкониятини беради.

Бошқа шароитларда олинган аминокислоталар, ушбу бўлим ҳозирги талабларига мувофиқ келиши тасдиқланган бўлиши лозим.

#### 6-9. ПЕПТОНЛАР

Пептонлар – бу оксилнинг қисман гидролизати бўлиб, ферментатив ва кислотали парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Улар микробиологик озик муҳитларда микроорганизмларнинг озиқланишини таъминлаш учун ишлатилади, шу билан бирга, ўсувчи материал сифатида ёки саноат микёсида тиббий дори воситалари, жумладан вакциналарни ишлаб чиқаришдаги фермент-цияда фойдаланилади. Ҳайвон манбали оксилга муқобил сифатида ўсимлик оксиги сезиларли қизиқиш билдирилади.

Аммо:

– агарда оксил сифатида желатин ишлатилса, 6-2 параграфнинг “Желатин” бўлимига ҳавола этилади;

– агарда оксил сифатида казеин ишлатилса, 6-6 параграфнинг “Сут ва суддан олинadиган материаллар” бўлимига ҳавола этилади;

– агарда оксил сифатида ТҒЭ мойил ҳайвон турларини тўқималари ишлатилса, тўқималар овқатга ишлатиши мумкин бўлган ҳайвонлардан олинishi лозим (3-2 бўлимга қаралсин. “Ҳайвонлар материал манбаи”), шу билан бирга, қорамол бўлса, ёши 30 ойликка етмаган, ЙШҚҒЭ (В даража) хавфи назорат қилинадиган давлатлардан олинishi зарур. ЙШҚҒЭ (А даража) хавфи юқори бўлмаган давлатлардан олинган ҳайвонлар ёши кам аҳамиятга эга.

#### Илова: тўқималарнинг юқумлилигини асосий даражалари

Қуйида келтирилган жадвал “Трансмиссив говаксимон энцефалопатиянинг юқумлилигини тўқимада тақсимланиши бўйича ЖССТ қўлланмаси” дан олинган (2010).

Жадвалда келтирилган белгилар:

+ = юқумлилиги ёки PrP<sup>TSE</sup> мавжудлиги;

– = юқумлилиги ёки PrP<sup>TSE</sup> белгиларини йўқлиги;

ТЎ = тадқиқотлар ўтказилмаган;

ТҚ = тадқиқотлар қўлланилмайди

? = аниқ бўлмаган изоҳлаш

() = чекланган ёки олдинги маълумотлар

[] = юқумлилиги ёки PrP<sup>TSE</sup> маълумотлар фақатгина PrP-кодли генни юқори экспрессия қилувчи трансген (Tg) сичқонларда ёки PrP<sup>TSE</sup> амплификация қилиш биологик усулларга асосланган.

IA даража: юқумлили юқори бўлган тўқималар						
Тўқималар	Қорамол ЙШҚҒЭ (BSE)		Қўйлар ва эчкилар (скрейпи)		Буғи ва кийиклар СОК (CWD)	
	Юқумлилиги <sup>1</sup>	PrP <sup>TSE</sup>	Юқумлилиги <sup>1</sup>	PrP <sup>TSE</sup>	Юқумлилиги <sup>1</sup>	PrP <sup>TSE</sup>
Мия	+	+	+	+	+	+
Орқа мия	+	+	+	+	ТЎ	+
Тўр парда	+	ТЎ	ТЎ	+	ТЎ	+
Кўз нерви <sup>2</sup>		ТЎ	ТЎ	+	ТЎ	+
Орқа мия ганглияси	+	+	+	+	ТЎ	+
Учбошли нерв ганглияси	+	+	ТЎ	+	ТЎ	

Гипофиз <sup>3</sup>	-	ТЎ	+	+	ТЎ	+
Миянинг қатқ пардаси <sup>3</sup>	ТЎ	ТЎ	ТЎ	ТЎ	ТЎ	ТЎ
ІВ даража: юқумлилиги ўта паст тўқималар						
Тўқималар	Қорамол ЙШҚҒЭ (BSE)		Қўйлар ва эчкилар (скрейпи)		Лось ва буғулар СОК (CWD)	
	Юқумлилиги <sup>1</sup>	PrP <sup>TSE</sup>	Юқумлилиги <sup>1</sup>	PrP <sup>TSE</sup>	Юқумлилиги <sup>1</sup>	PrP <sup>TSE</sup>
Переферик нерв тизими						
Сиртки нервлар	[+]	+	+	+	ТЎ	+
Веgetатив ганглиялар	ТЎ	+	ТЎ	+	ТЎ	+
Лимфаретикуляр тўқималар						
Талок	-	-	+	+	ТЎ	+
Лимфа тугунлари	-	-	+	+	ТЎ	+
Бодом беzi	+	-	+	+	ТЎ	+
Пирпиратадиган парда	+	-	[+]	+	ТЎ	+
Тимус	-	ТЎ	+	+	ТЎ	-
Овқат хазм қилиш тракти						
Қизилўнгач	-	ТЎ	[+]	+	ТЎ	+
Ошқозонли (фақатгина кавш қайтарувчи ҳайвонлар учун)	-	ТЎ	[+]	+	ТЎ	+
Ошқозон/ширдон	-	ТЎ	[+]	+	ТЎ	+
Ўн икки бармоқ ичак	-	-	[+]	+	ТЎ	+
Оч ичак	-	+	[+]	+	ТЎ	+
Ёнбош ичак	+	+	+	+	ТЎ	+
Қўричакнинг чувалчангсимон ўсимтаси	ТЎ	ТЎ	ТЎ	ТЎ	ТЎ	ТЎ
Йўғон ичак/қўричак	-	-	+	+	ТЎ	+
Тўғри ичак	ТЎ	ТЎ	ТЎ	+	ТЎ	+
Репродуктив тўқималари						
Йўлдош <sup>8</sup>	-	ТЎ	+	+	ТЎ	-
Тухумдон <sup>3</sup>	-	ТЎ	-	-	ТЎ	-
Бачадон <sup>3</sup>	-	ТЎ	-	-	ТЎ	-
Бошқа тўқималар						
Сут беzi/елин <sup>9</sup>	-	ТЎ	-	+	ТЎ	ТЎ
Тери <sup>3, 10</sup>	-	ТЎ	-	+	[+]	[+]
Ёғ тўқимаси	-	ТЎ	ТЎ	ТЎ	[+]	ТЎ
Юрак/перикард	-	ТЎ	-	ТЎ	ТЎ	+

Ўпка	-	Тў	-	-	Тў	+
Жигар <sup>3</sup>	-	Тў	+	-	Тў	-
Буйрак <sup>3, 11</sup>	-	-	[+]	+	Тў	+
Буйрак усти беи	[+]	+	+	-	Тў	+
Ошқозон ости беи <sup>3</sup>		Тў			Тў	+
Суяк кўмиги <sup>12</sup>	[+]	Тў		Тў	Тў	+
Скелет мушаклари <sup>13</sup>	[+]	Тў	[+]	Тў	Тў	-
Тил <sup>14</sup>	-	Тў	[+]	+	[+]	-
Қон томирлари	-	Тў	Тў	+	Тў	-
Бурун шиллик қавати <sup>15</sup>	-	Тў	+	+	Тў	+
Сўлак безлари	-	Тў	+	Тў	-	-
Мугуз парда <sup>16</sup>	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
<b>Биологик суюқликлар, ширалар, ажралмалар</b>						
Орқа мия суюқлиги	-	Тў	+	-	Тў	Тў
Қон <sup>17</sup>	-	?	+	?	+	?
Сўлак	Тў	Тў	-	Тў	+	[-]
Сут <sup>18</sup>	-	-	+	[+]	Тў	Тў
Пешоб <sup>19</sup>	-	Тў	-	-	-[+]	[+]
Нажас <sup>19</sup>	-	Тў	-	Тў	-[+]	Тў
<b>ИС даража: юқумлилиги аниқланмаган тўқималар</b>						
	<b>Юқумлилиги<sup>1</sup></b>	<b>PrP<sup>TSE</sup></b>	<b>Юқумлилиги<sup>1</sup></b>	<b>PrP<sup>TSE</sup></b>	<b>Юқумлилиги<sup>1</sup></b>	<b>PrP<sup>TSE</sup></b>
<b>Репродуктив тўқималар</b>						
Мояклар	-	Тў	-	-	Тў	-
Простата/эпидидимис/уруғ пуфакчалари	-	Тў	-	-	Тў	-
Маний (сперма)	-	Тў	-	-	Тў	Тў
Йўлдош суюқлиги	-	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Ҳомила <sup>20</sup>	-	Тў	-	-	Тў	(-)
Эмбрионлар <sup>20</sup>	-	Тў	?	Тў	Тў	Тў
<b>Мушак-скелет тўқималари</b>						
Суяк	-	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Пай	-	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў



Бошқа тўқималар						
Гингивал тўқималар	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Тиш пульпаси	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Трахея	-	Тў	Тў	Тў	Тў	-
Қалқонсимон без	Тў	Тў	-	Тў	Тў	-
Тана суюқликлари, секретлари ва ажралмалари						
Оғиз сути <sup>21</sup>	(-)	-	(?)	Тў	Тў	Тў
Киндик қони <sup>21</sup>	-	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Тер	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Кўз ёши	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Бурун шиллиғи	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў
Сафро	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў	Тў

1. Одам тўқималари юқумлилигини ўрганиш тадқиқотлари приматлар ва сичқонларда (ёки иккаловида) ўтказилган, йирик шохли қорамол тўқималарини ўрганиш тадқиқотлари йирик шохли қорамолда ёки сичқонларда (ёки иккаловида) ўтказилган, қўй ва/ёки эчкилар тўқималарининг кўпгина текширувлари фақатгина сичқонларда ўтказилган. Қўй ва эчкиларга нисбатан ҳамма натижалар ҳам иккала тур учун ўхшаш бўлмади, масалан, икки эчки (лекин қўйлар эмас) табиий равишда ЙШҚҒЭ (BSE) билан касалланди [Eurosurveillance, 2005, Jeffrey ва бошқалар, 2006]. Шундай қилиб, СОК (CWD) келтирилган кўпгина натижалар бугулардаги тадқиқотлардан олинган бўлиб, натижалар лослар ёки бошқа бўғусимонларда ҳам бир хил бўлмаслиги мумкин.

2. ТҒЭ моделлари билан ўтказилган тадқиқотларда, кўз нерви нейроинвазияга йўлиқиши ва юқори титрдаги юқумлилиқни тутиши тасдиқланди.

3. Одамнинг гипофизи ёки қаттиқ мия қобиғини юқумлилиги мавжудлиги тўғрисида қандайдир тадқиқотлар бўйича чоп этилган маълумотлари йўқ, аммо қаттиқ мия қобиғи қисмлари ва одам гипофизидан олинган соматотропин ишлатилганида трансмиссив инфекция кўпгина ҳолларда учраганлиги таъкидланган, шунинг учун, ушбу аъзо юқори хавфли тўқималар даражасига киритилиши лозим. КЯК (vCJD) пациентни миянинг қаттиқ пардаси иммуноблотинг усулида текширилганида PrP<sup>TSE</sup> аниқланган, у АКШда касаллиқни узоқ вақт давом этган яширин давридан кейин вафот этган (яна жадвалда қаралсин, IV бошқа мусбат тўқималар учун: тери, буюрак, ошқозон ости бези, тухумдонлар ва бачадон) [Notari ва бошқалар, 2010]. Шунинг таъкидлаш лозимки, Буюк Британияда олдинроқ ўтказилган кўпгина текширувлар, ушбу барча тўқималар манфийдир [Ironsides ва бошқалар, 2002, Head ва бошқалар, 2004].

4. Йирик шохли қорамол PrP<sup>TSE</sup> ёнбош ичакнинг дистал бўлимида тўғрив бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши тўғрисида хабар берилган, аммо Японияда ЙШҚҒЭ (BSE) молларни ёппасига ўлиши бир ҳолатида тўқималарни иммуногистокимёвий текширишда (гарчи икки хил маънода) бутун ингичка ва йўғон ичакнинг мушакли қобиғи қатнашишини кўрсатган [Kimura ва Haritani, 2008].

5. КЯК касаллигида PrP<sup>TSE</sup> ичак билан боғланган лимфоид ва нерв тўқималари билан чегараланади (шиллик қават, мушаклар ва зардобли қобикда аниқланмайди).

6. Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ошқозонолдиси (ретикулими, чандиқ ва омасуми) ошқозон (ширдон) каби кенг қўлланилади. Қорамол ширдони (айрим ҳолларда қўйларники) ҳам ренин манбаи ҳисобланади.

7. Тадқиқотларда йирик шохли қорамолга экспериментал юктириш учун ЙШҚҒЭ нинг катта перорал дозаси юборилганида, унинг юқумлилиги PrP юқори экспрессияли трансген сичқонларнинг ингичка ичагида ва ёнбош кўричагида аниқланган [Dr. M. Groschup томонидан аниқланган]. Оғиз орқали ўхшаш тарзда юктирилганда ҳам йирик шохли қорамол ичагининг лимфоид тўқимасида PrP<sup>TSE</sup> паст концентрацияда аниқланди [Terry ва бошқалар, 2003] ва ҳаттоки ингичка ичагининг лимфоид тўқималарида ундан ҳам қамроқ миқдорда аниқланди [EFSA, 2009].

8. Одам йўлдошидан КЯК (CJD)нинг спорадик юқиши тўғрисидаги биргина хабар ҳам тасдиқланмаган бўлиб, бунинг эҳтимоллиги жуда кам.

9. PrP<sup>TSE</sup> сурункали маститли скрейпи билан касалланган қўйларда аниқланган бўлиб, лекин бу маститсиз касалланган қўйларда аниқланмаган [Ligios ва бошқалар, 2005].

10. Скрейпи билан оғиз орқали зарарланган оғмахонларда ўтказилган текширишлар, PrP<sup>TSE</sup> асосан уларнинг терисида унча катта бўлмаган нерв толаларида тўпланиши намён бўлди. Бундан ташқари, CWD билан зарарланган бугу-мулаларнинг апикал терисининг “бахмал” қисмида инфекция PrP<sup>TSE</sup> аниқланганлиги тўғрисида хабар берилади [Angers ва бошқалар, 2009].

11. PrP<sup>TSE</sup> иммуногистокимё усули ёрдамида скрейпи билан зарарланган қўйларнинг буйрак жомиди [Siso ва бошқалар, 2006] ва CWD билан зарарланган бугуларнинг буйрак жомига ёндош бўлган бириктирувчи тўқиманинг лимфоид фолликулаларда аниқланди [Fox ва бошқалар, 2006].

12. ЙШҚҒЭ (BSE) билан зарарланган мияни қорамолларга оғиз орқали кўп мартаба юктирилганда, фақат бир ҳолатдагина суяк кўмигида ижобий натижа олинган [Wells ва бошқалар., 1999, Wells, 2005, Sohn ва бошқалар., 2009].

13. Спорадик КЯК (CJD) да мушак гомогенатлари одамдан приматларга касалликни юктирмайди ёки ЙШҚҒЭ (BSE) бор йирик шохли қорамолдан йирик шохли қорамолга юқмайди. Шунга қарамай, яримпайли мушаклар гомогенати (жумладан, нерв ва лимфа тизими элементлари) билан мия ичига эмланганида, ЙШҚҒЭ (BSE) клиникаси бор бир сигирдан PrP юқори экспрессияли трансген сичқонларга юқумлиликни индикатив изи даражадаги миқдорда касалликни юқишига имкон берди. [Buschmann va Groschup, 2005]. Бундан ташқари, яқинда чоп этилган ва чоп этилмаган тадқиқотлар, кемирувчиларда скрейпи ва КЯК (vCJD) инфекциялари бор экспериментал моделларда [Beekes ва бошқалар, 2005], қўй ва эчкиларнинг экспериментал ва табиий скрейпи инфекцияларида [Andreoletti ва бошқалар, 2004], ЙШҚҒЭ (BSE) оғиз орқали киритилган қўйларда [Андреолетти, чоп этилмаган маълумотлар] ва одамлардаги БКЯ (CJD) касаллигини спорадик учрайдиган, ятроген ва бошқа шаклларида [Glatzel ва бошқалар, 2003, Kovacs ва бошқалар, 2004, Peden ва бошқалар, 2006] скелет мушакларда PrP<sup>TSE</sup> мавжудлиги тўғрисида хабар берди. PrP экспрессия қиладиган трансген сичқонларнинг мушакларида ўтказилган биологик текширувлар (CWD)-инфекцияли бугу-мулаларда юқумлилик борлигини кўрсатди [Angers ва бошқалар, 2006], бундан ташқари, ТҒЭ бошқа турларида учрайдиган PrP<sup>TSE</sup> борлиги юқумлилиги билан боғлиқлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

14. Йирик шохли қорамолларда тилда юқумли касаллик биотахлили натижаси манфий бўлди, аммо, танглай бодомсимон беида юқумлиликни мавжудлиги тил асосида жойлашган тилнинг бодомсимон безларини юқумли касаллик бўлиши мумкинлиги тўғрисида савол пайдо бўлди, уни сўйиш вақтида олиб ташлаш мумкин [Wells ва бошқалар, 2005, EFSA, 2008]. Скрейпи билан табиий шароитларда зарарланган қўйларнинг 10 тадан 7 тасининг тилида PrP<sup>TSE</sup> борлиги аниқланган [Casalone ва бошқалар, 2005, Corona ва бошқалар, 2006].

15. Ҳид сезувчи рецепторлар катнашувчи соҳалар билан чегараланган.

16. Модомики, 100 000 рецепиентларда мутуз парданинг трансплантациясида, КЯК (CJD) билан касалланиш факатгина бир ҳолатда-гина асосланган бўлиб (бир қўшимча ҳолат эҳтимоли бор, бошқаси эса юз бериши мумкин деб қаралган), шу сабабли мутуз парда кам хавфга эга тўқималар даражасига киритилади: кўз олди камерасининг бошқа тўқималари (кўз гавҳари, кўз ичи суюқлиги, кўзнинг рангдор пардаси, конъюнктив) вКЯК (vCJD) ва одамнинг ТҒЭ бошқа касалликларини юктириши бўйича манфий натижа берди ва уларни ятроген йўл билан юқиши мумкинлиги тўғрисида эпидемиологик маълумотлар маълум эмас.

17. Кемирувчилардаги ТҒЭ экспериментал моделларида конни юқумлилигини ўрганиш бўйича кўпгина маълумотлар қўйидаги тадқиқотлар ҳисобига кенгайди, бунда табиий скрейпи бор қўйлар, ЙШҚҒЭ (BSE) билан зарарланган сигирлар қони қуйилган қўйлар [Floustone ва бошқалар, 2008], табиий СОК (CWD) бор қийиқлар [Mathiason ва бошқалар, 2006] ва (эпидемиологик кузатишлар) КЯК (vCJD) инфекция вариантнинг клиник олди фазасидаги тўртта донор қонидаги эритроцитлар фракцияси (у сезиларли миқдорда ҳам плазма, ҳам лейкоцитларни қамраб олди) ўрганилди [умумий мақола Brown, 2006, Hewitt ва бошқалар, 2006]. Плазманинг VIII омилини гемофилия билан оғрийдиган беморларга буюрилиши КЯК (vCJD) субклиник ҳолатга олиб келиши ҳам мумкин [Peden ва бошқалар, 2010]. ТҒЭ қўзғатувчисининг ҳар қандай “классик” шаклини одам қони [Dorsey ва бошқалар, 2009] ёки ЙШҚҒЭ (BSE) бор қорамолдан (жумладан, эмбрионал бузоқча қони) юқиши тасдиқланмаган. PrP<sup>TSE</sup> аниқлашга мўлжалланган юқори сезгир янги усулларни ишлатадиган бир қатор лабораториялар, ТҒЭ ҳайвонлар ва одамлардаги ҳолатлар бўйича муваффақиятлари тўғрисида хабар беришди. Бироқ, шундай айрим лабораториялар плазмадаги натижаларни қайтарувчанлигида қийинчиликларни ҳис этишди, яна юқиш эҳтимолигини тасдиқловчи мусбат натижалар ёки «сохта-ижобий» ёки PrP<sup>TSE</sup> суб-трансмиссив миқдори ҳисобига “ҳақиқий- ижобий” кўринишида олинганлиги учун ҳалигача аниқ эмас. Ушбу мулоҳазалар натижасида (яна табиий йўл билан зарарланган одамлар ва ҳайвонларнинг намуналарини “кўр” текширишлар бўйича маълумотларни йўқлиги натижасида) экспертлар гуруҳи ушбу тестларнинг ҳақиқийлигини тўлиқ ишончли баҳолашга ва манфий ёки ижобий ҳулоса беришга ҳали эрта эканлигини таъкидлайди.

18. ЙШҚҒЭ (BSE) билан зарарланган сигирларнинг сути юқумли эмаслигини тасдиғи узок вақтли эпидемиологик кузатишларга асосланган бўлиб, сут билан узок вақт эмизганда онасидан юқиши мумкинлиги аниқланмаган, бунда зарарланган сигирларни эмган 100 тадан ортиқ бузоқчани клиник кузатишларида ЙШҚҒЭ (BSE) ривожланиши аниқланмаган ва экспериментал кузатишларда, ёши минимал инкубацион даврдан ошган касалланган сигирларнинг сути сичқонларга мия ичига ва оғиз орқали киритилганда касаллик юкмаган [Middleton ва Barlow, 1993, Taylor ва бошқалар, 1995]. Шунингдек ЙШҚҒЭ (BSE) иммунитет оғиз орқали киритиб экспериментал текширилган йирик шохли қорамол сутида PrP<sup>TSE</sup> аниқланмаган [SEAC, 2005]. Шунга қарамай, нормал PrP паст миқдори (мкг дан нг/л гача) ҳайвон ва одамнинг сутида аниқланган [Franscini ва бошқалар, 2006]. Сурункали маститли скрейпи билан зарарланган қўйларнинг сут безларида PrP<sup>TSE</sup> аниқланган [Ligios ва бошқалар, 2005], ва яқинда, скрейпи билан зарарланган қўйларнинг сути (айрим ҳолатларда оғиз сути ҳам тутати) соғлом ҳайвонларга касалликни юктириши тўғрисида хабар берилди [Konold ва бошқалар, 2008, Lacroix ва бошқалар, 2008].

19. СОК (CWD) табиий юккан бўғуларнинг пешоби ва нажасининг аралаш инокуляти (96 G/S) гетерозигот PRNP генотиби билан эмланган соғлом бугу 18 ойлик кузатув даврида касалликни юктирмаган [Mathiason ва бошқалар, 2006]. Бироқ, яқинда Тg сичқонлардан олинган биологик намуналар касалликни ҳам пешоб [Haley ва бошқалар, 2009], ҳам нажас орқали юқишини кўрсатди [Tamginey ва бошқалар, 2009]. Бундан ташқари, лимфоцитар нефрити бор сичқонларга, тадқиқотларда скрейпи юктирилганида, Тg сичқонлардаги биологик синовларда пешобнинг юқумлилиги ва PrP<sup>TSE</sup> тарқатиши аниқланди [Seegeret ва бошқалар, 2005]. Скрейпи экспериментал юктирилган оғмагонларнинг пешобиди (гистологик меъёрдаги буюракларда ҳам) кичик даражадаги юқимлилик борлиги ҳам аниқланган [Gregori va Rohwer 2007 йил Gonzalez-Romero ва бошқалар, 2008]. Ва ниҳоят, оғмагонлардаги скрейпини экспериментал моделида, оғиз орқали киритилганида, PrP юқори экспрессияли Тg сичқонлардаги биологик текширувлар нажаснинг юқимлилигини кўрсатди [Safar ва бошқалар, 2008].

20. ЙШҚҒЭ (BSE) бор йирик шохли қорамолнинг эмбрионлари сичқонларда касаллик чақирмасди, аммо, қондан (сичқоннинг манфий биологик намунаси) ташқари бузоқча эмбрионининг тўқималарини юқумлилиги ўрганилмаган [Fraser va Foster, 1994]. ЙШҚҒЭ (BSE) бор бузоқча эмбрионлари киритилган сигирлардан туғилган бузоқчалар етти йил давомида кузатилганида тирик қолишди, сигирлар ва уларнинг бузоқчаларини бош мияси текширилганида, унда говаксимон энцефалопатия ёки PrP<sup>TSE</sup> борлиги аниқланмади [Wrathall ва бошқалар, 2002].

21. Олдин хабар берилганидек, КЯК (CJD) одам киндик қони ва оғиз сути орқали юқиши мумкинлиги тасдиқланмади ва ишончли ҳисобланмади. PrP юқори экспрессияли трансген сичқонларда, ЙШҚҒЭ (BSE) бор сигирларнинг биологик намуналари манфий натижа берди [Buschmann va Groschup, 2005], PrP<sup>TSE</sup> эса, иммуногенлиги оғиз орқали тадқиқотларда текширилганида, PrP<sup>TSE</sup> йирик шохли қорамолнинг оғиз сутида аниқланди [SEAC, 2005].

### 5.2.11. ОДАМ УЧУН КОНЬЮГИР- ЛАНГАН ПОЛИСАХАРИДЛИ ВАКЦИНАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ОҚСИЛ- ТАШУВЧИЛАР

*Муқобил оқсил-ташувчилардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш усуллари ва синовлар, агар ваколатли органлар томонидан рухсат этилган бўлса, мақбул ҳисобланади.*

Бактериал полисахаридлар хотиранинг иммун эффекти олиниши учун зарур бўлган иммун Т-хужайрали боглик бўлган В-хужайралар жавобини индуцирлай олмайди ва одатда, 2 ёшгача бўлган болаларда суст иммуногенли ҳисобланади. Ушбу чекловлар полисахаридларни оксил-ташувчилар билан конъюгация қилиш йўли орқали енгитса бўлади. Оксил-ташувчилар юқори иммуноген ҳисобланади ва бактериал полисахаридлар билан конъюгация қилинганда, полисахаридларнинг гўдакларда ҳимоя реакциясини индуцирлаш хусусиятини оширади.

Ҳозирги вақтда одам учун полисахаридли вакциналарда фойдаланиладиган оксил-ташувчилар анатоксинлар, токсик бўлмаган мутант токсинлар, микроорганизмлардан ажратиб олинган юзаки оксиллар ёки ташки мембрана оксилларидан иборат бўлади. Оксил ишлаб чиқарилиши учун фойдаланиладиган микроорганизмлар генетик модификацияланган бўлиши мумкин.

Оксил-ташувчини олиш усули учун оксил-ташувчининг полисахаридли антиген билан конъюгацияси учун мос келувчи партияларнинг бир хил олиниши исботланган бўлиши лозим.

Полисахаридлар билан конъюгациягача паст микробиологик ифлосланиш учун мақбулликнинг мос келувчи мезонлари ўрнатилиши мумкин. Сақлашдан аввал оксил-ташувчи бактерия ушлаб қолувчи филтр орқали ўтказилиши ҳамда ифлосланиш ва сақланиш вақтида микроорганизмлар ўсишининг олдини олиш учун етарли чоралар қўрилиши зарурдир.

Оксил-ташувчиларнинг ишлаб чиқарилиши экиш материали тизимига асосланган. Экиш материалида ифлосланишларнинг бўлмаслиги мос келувчи сезгирлиги бўлган тўғри келувчи усуллар ёрдамида намоён этилиши керак. Мухит инактивланган бўлиши керак, оксил-ташувчи эса мос келувчи усул билан тозаланади.

Оксил битта ёки бир неча усуллар билан тавсифланади (масалан, ПААЕ да SDS-электрофорез (SDS-PAGE), изоэлектрик фокуслаш, ВЭЖХ, лазер нури ёйилишини аниқлашнинг кўп бурчакли гель-хроматографияси (MALLS), аминокислотали таҳлил, аминокислотали секвенирлаш, айланали дихроизм, флуоресцентли спектроскопия, пептидли хариталаш ва масс-спектрометрия) ва унинг тозаллиги мос келувчи усул билан тасдиқланади. Зарурат бўлган ҳолатда, маҳсулотнинг аниқ токсиндан ҳоли эканлигини тасдиқлаш учун тегишли валидация ёки мунтазам синовлар ўтказилади. Тозалаш жараёнининг мос келишини тайинлаш учун, тозалаш босқичлари бўлишлиги ҳолатида, ишлаб чиқарилиш жараёни билан боглик бўлган танланган аралашмалар ва чиқиндиларнинг камайишини назорат қилиш зарур.

Рекомбинант оксил-ташувчилар ҳолатида ҳеч бўлмаганда, қуйидаги аралашмалар билан ҳам синовлар ўтказилиши керак:

- хўжайин — хужайранинг қолдиқ оксиллари, шу жумладан, экспрессия векторидан олинган оксиллар;
- қолдиқ хужайрали ДНК.

Конъюгат олинаётганда фақатгина қуйидаги синовларга мос келувчи оксил-ташувчидан фойдаланиш мумкин.

**Чинлиги.** Оксил-ташувчи мос келувчи усул орқали идентификация қилинади.

**рН (2.2.3).** Қўллаш мумкин бўлган ҳолатларда, конъюгациядан аввал оксил-ташувчининг рН қиймати назорат қилиниши ва аниқ маҳсулот учун ўрнатилган чегараларда бўлиши лозим.

**Оксил миқдори (2.5.16).** Мос келувчи усул билан аниқланган оксил-ташувчининг миқдорий таркиби ваколатли орган томонидан тасдиқланган чегараларда бўлиши лозим.

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14).** Эндотоксинларнинг миқдори аниқ маҳсулот учун ўрнатилган чегараларда бўлиши лозим.

Оксил-ташувчилар учун қуйида тавсифлаб ўтилган талаблар қўйилади.

**Дифтерия анатоксини.** Дифтерияни олдини олиш учун вакцина (адсорбцияланган) (0443) бўлимида кўрсатилгандек ўтказилади ва бажарилиши шарт бўлмаган стериллик учун мавжуд талаблардан ташқари, кадокланмаган, тозаланган анатоксин учун у ерда кўрсатилган талабларга мос келиши зарур (2.6.1).

**Қоқшол анатоксини.** Қоқшолни олдини олиш учун вакцина (адсорбцияланган) (0443) бўлимида кўрсатилгандек ўтказилади ва бажарилиши шарт бўлмаган оксил азотининг миллиграммига камида 1500 Lf мос келувчи антиген тозалikka ва стерилikka бўлган талаблардан ташқари, кадокланмаган, тозаланган анатоксин учун у ерда кўрсатилган талабларга мос келиши зарур (2.6.1).

**Дифтерия оксили CRM 197.** Ушбу оксил генетик модификацияланган (C7/(β 197) ёки генетик модификацияланмаган (mCRM) *Corynebacterium diphtheria* дан ёки *Escherichia coli* каби организмларда рекомбинант ДНК технологияси ёрдамида олиниши мумкин. Мухитнинг чўкма усти қатлами (супернатант) ультрафилтрация йўли билан концентрацияланиши ва кетма-кет чўкма, филтрлаш ва хроматография босқичлари ёрдамида тозаланиши мумкин. Агар оксил дифтерия токсини олинадиган ишлаб чиқариш қисмида олинадиган бўлса, мос келувчи усулдан фойдаланган ҳолда фаол токсин иштирокида дифтерия оксили CRM 197 тозаллигини назорат қилиш эҳтимоллиги назарда тутилиши лозим. Тозалик камида 90 % ни ташкил этиши керак.

**OMP (ТМО) (В гуруҳи *Neisseria meningitidis* ташки мембрана оксиллари).** В гуруҳи *Neisseria meningitidis* ташки мембрана оксиллари таркибида ювиш воситаси сакловчи буферли эритмадан фойдаланган ҳолда бактериал хужайраларнинг культураларидан олинади. Дастлаб хужайраларнинг бўлаклари олиб ташланади. Хужайра мембранасининг оксиллар комплекси концентрацияланиши ва филтрлаш йўли ҳамда тозаланишнинг қўшимча мос келувчи кетма-кетликдаги босқичлари билан тозаланиши мумкин. Липополисахаридларнинг таркибий миқдори 8 % дан ошмаслиги керак. Асосий ОМР (ТМО) нисбий миқдори ваколатли орган томонидан ўрнатилади ва тасдиқланади. ОМР (ТМО) комплекси пирогенларга синовдан ўтиши лозим (2.6.8): хар бир қуёнга тана вазни килограммига 0,25 мкг ОМР (ТМО) юборилади.

**Д-рекомбинант оксили.** D оксил *Haemophilus influenzae* ноаниқ штаммининг юзаки оксили ҳисобланади. Уни *E.coli* нинг таркибида D оксилнинг кодланувчи кетма-кетлигини сакловчи, плазмидани олиб юрувчи алоҳида штаммидан фойдаланган ҳолда олинади.

D оксилнинг экспрессияси учун модификацияланган штамм мос келувчи суяқ мухитда ўстирилади. Этиштиришнинг сўнггида тозалаш босқичи ўтказилади. Маҳсулотнинг тозалиги D оксилнинг камида 95 % ни ташкил этиши керак.

03/2021:50212

## 5.2.12. ХУЖАЙРА ВА ГЕН ТЕРАПИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН БИОЛОГИК ТАБИАТЛИ ХОМ АШЁЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган қўйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Плазма пули** – бирлаштирилган қон плазмаси қон ивиши омиллини алмаштиришни талаб қиладиган, операциядан олдинги ёки қон кетаётган беморларни даволаш учун тасдиқланган, синчковлик билан танланган бир нечта нормал донорлардан тўпланган қон плазмаси.

Ушбу умумий бўлим маълумот олиш учун нашр этилмоқда.

У тиббиёт амалиёти учун хужайра ва ген терапиясида қўлланиладиган дори препаратларини ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатига қўйиладиган талабларига оид бўлимлардан ташкил топган. Бўлимнинг қоидалари ишлаб чиқариш ва назорат қилишнинг турли хил усул-ларида фойдаланишни истисно қилмайди. Хом ашё ишлаб чиқарувчиси ушбу умумий бўлимда кўрсатилган талабларга мувофиқ хом ашёнинг сифати (мақсадга мувофиқлигини исботлаш) учун жавобгардир.

Бироқ, охир-оқибат, маълум бир фойдаланишга яроқли бўлган хом ашё сифатини таъминлаш учун жавобгарлик истеъмолчига юклатилади.

Хом ашёнинг сифатини хужайра ёки ген терапиясида қўлланиладиган дори препаратининг ривожланиш босқичига қараб кўриб чиқиши мумкин. Шу билан маҳсулотнинг фарматцевтик ва клиник ривожланиши давомида сифат кўрсаткичларининг табиий эволюцияси тан олинади. Аммо беморнинг хавфсизлиги клиник ривожланишининг дастлабки босқичида таъминланиши керак. Мақсад, хужайра ёки ген терапияси амалиётида қўлланиладиган дори препаратларни ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг яроқлилиги бўйича тегишли стратегияга эга бўлишидир. Шунини таъкидлаш керакки, хужайра ёки ген терапиясида қўлланиладиган дори препаратларнинг ҳаётий цикли давомида хом ашёнинг ўзгариши дори препаратининг сифатига таъсир қилиши мумкин ва шунинг учун таққослашни намоёни этиш учун қўшимча тадқиқотлар талаб қилинади.

Хужайралар ва ген терапияси учун дори препаратининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигида хом ашёнинг таъсири хавфга асосланган ёндашув ёрдамида баҳоланади. Фаол модда ёки препаратни доимий ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё сифати, масалан, биологик фаоллик, тозалик/ифлосланиш даражаси, ёт агентлар хавфи (бактериялар, вируслар ва бошқалар) ва барқарорлик орқали белгиланади.

Хавф нуқтаи назаридан, инсон ёки ҳайвон маҳсулотларидан иборат бўлмаган хом ашёлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хужайра ва ген терапияси учун дори препаратларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёнинг биологик табиати унинг сифатига алоҳида талабларни белгилайди. Хом ашёнинг ҳар бир синфига хос бўлган муҳим сифат кўрсаткичларининг намуналари ушбу умумий бўлимда келтирилган.

### 1. ҚЎЛАШ ДОИРАСИ

Ушбу умумий бўлим, хужайра ва ген терапиясида дори препаратларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган биологик табиатли хом ашёларга бағишланади. Фаол моддаларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, фаол модданинг бир қисмини ташкил қилиши учун мўлжалланмаган. Хом ашёни турли хил биологик манбалардан ажратиб олиниши ёки рекомбинант ДНК технологиясидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилиши мумкин.

Ушбу умумий бўлим қўйидаги хом ашё синфларига тегишли:

- зардоб ва қон зардоб ўрнини босувчи моддалар;
- ўсиш омиллари, ситокинлар, гормонлар, ферментлар ва моноклонал антителолар каби рекомбинант ДНК технологияси асосида олинган оксиллар;
- ферментлар ва поликлонал антителолар каби биологик материалдан ажратиб олинган оксиллар;
- векторлар.

Ушбу умумий бўлимнинг тамойиллари, агар зарур бўлса, биологик хом ашёнинг бошқа синфларига ҳам қўлланилиши мумкин.

Тиббий асбоблар, пластмасса ва кимёвий жиҳатдан синтезланган хом ашё, масалан, базал мухит (фақат кимёвий моддалардан иборат), синтетик пептидлар ёки синтетик полинуклеотидлар ушбу умумий бўлим доирасига кирмайди.

### 2. ХАВФНИ БАҲОЛАШ

Хужайра/ген терапияси учун дори препаратларининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигига хом ашёнинг таъсирини баҳолаш хом ашё фойдаланувчиси (бююртмачиси) томонидан амалга оширилиши керак. Ҳеч қандай ўлчов ёки ўлчовлар мажмуаси хом ашёнинг белгиланган мақсадда ишлатилиши учун унинг сифати, вазифаси ва хавфсизлигини кафолатлай олмайди. Шу сабабли, хавфни баҳолашда хом ашёнинг биологик келиб чиқиши ва изчиллиги, унга қўлланиладиган ишлаб чиқариш босқичлари ва препаратни ишлаб чиқариш жараёнининг охириги дори препаратидан хом ашёни назорат қилиш ёки олиб ташлаш қобилияти ҳисобга олиниши керак.

Ҳар қандай хавф омиллини хужайра ёки ген терапиясида ишлатиладиган препаратнинг клиник самараси/зарарига кўра баҳолаш керак. Якуний дори препарат учун хом ашё билан боғлиқ хавфни баҳолашда беморнинг хом ашё қолдиқ миқдорига потенциал салбий таъсир кўрсатадиган таъсирини (масалан, салбий иммунитет реакциялари) препаратнинг хужайравий ёки ген терапияси учун клиник самараси/зарари билан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак.

### 3. УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

### 3-1. КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Хом ашёнинг келиб чиқиши ва агар керак бўлса, хом ашёни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҳар қандай биологик моддалар маълум бўлиши керак. Хом ашёни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган моддаларнинг манбаи (шу жумладан, сув манбалари) билан боғлиқ хавфларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хом ашё манбаи ва уни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддаларга кўра, хом ашёни 3 тоифага бўлиш мумкин.

- 1) келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонга оид хом ашёлар;
- 2) келиб чиқиши инсон ёки ҳайвон моддалари ёрдамида ишлаб чиқарилган хом ашёлар;
- 3) келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонга оид бўлмаган хом ашёлар.

Барча хом ашёларни кузатиб бориш талаб этилади, яъни келиб чиқиши одам ёки ҳайвонлар учун хос бўлган хавфсизлик материалларига алоҳида эътибор бериш керак.

Ёт агентларнинг юқиши хавфи туфайли, иложи борида, келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонга оид бўлган хом ашёдан фойдаланишни камайитириш тавсия этилади. Агар ушбу турдаги хом ашёлардан фойдаланиш ҳу-жайра/ген терапияси учун дори препаратларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлса, унда вируслар, прионлар, бактериялар ва протозойлар каби ёт агентларнинг юқиши хавфини камайитириш учун тегишли чоралар кўрилади.

Донор қони ва тўқималаридан олинган материаллар учун фақат юқумли трансмиссив агентлар учун етарли даражада текширилган, эҳтиёткорлик билан баҳоланган донорлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу материаллар трансплантация ва қон қуйиш учун қўлланиладиган Ҳалқаро бирлик (ЕU) ва/ёки миллий қонунларга мувофиқ бўлиши керак. Кузатув чоралари ҳар бир донорни хом ашёни олиш босқичидан якуний маҳсулотни олишгача ва аксинча кузатишга имкон беради.

Ҳайвонлардан олинган хом ашёлардан фойдаланилганда, ушбу ҳайвонларнинг соғломлиги муайян талабларга жавоб бериши ҳамда инсон истеъмоли учун мос бўлиши керак ва агар зарур бўлса, назорат қилинадиган шароитларда ўстирилиши керак. Агар ҳайвонларнинг келиб чиқиши тўлиқ кузатиб бўлмайдиган бўлса (масалан, ёввойи табиатда тўпланган ҳайвонлар), манбани олиш вақтида уларнинг географик жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олиниши керак.

Рекомбинат ДНК технологияси ёрдамида олинган векторлар ёки оксиллар хом ашё сифатида ишлатилганда, асосий ҳужайра банки/вирус уруғи партияси учун кузатиш талаб этилади.

Келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонларга оид барча хом ашёлар ёки келиб чиқиши инсон ёки ҳайвонларга оид моддалар ёрдамида ишлаб чиқарилган хом ашёлар учун вирусли хавфни баҳолаш 5.1.7. *Вирус хавфсизлиги* умумий бўлим талабларига мувофиқ амалга оширилади. Вирусли хавфсизликни текшириш даражаси дастлабки хавфни баҳолаш натижаларига боғлиқ. Бундан ташқари, трансмиссив ғоваксимон энцефалопатиянинг юқиши билан боғлиқ хавфни баҳолаш амалга оширилади ва 5.2.8. *Тиббий дори воситаларини қўллашда ҳайвонларнинг ғоваксимон энцефалопатия касаллиги қўзғатувчиларининг юқиши хавфини камайитириш* умумий бўлимда тасифланганидек, хавфларни камайитириш учун тегишли чоралар кўрилиши керак.

### 3-2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Барча хом ашёлар тегишли сифат менежменти тизими ва ишлаб чиқариш объектлари доирасида ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш жараёни назорат остида бўлишини ва доимий равишда сифатли хом ашё ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун тегишли жараён ичидаги назорат ўрнатилади.

Хом ашёнинг сифат хусусиятлари ўзига хослигини, тозаллигини ва биологик фаоллигини ўз ичига олади ва улар тегишли, малакали назорат усулларида фойдаланиб намоиш этилиши керак. Чинлиги, тозаллик/ифлосланиш профилига ва миқдорий аниқлаш синови бўйича тегишли техник шартлар белгиланиши керак.

Хом ашё сифатини сақлаб қолиш билан бирга, ёт агентлар ва зарарли аралашмаларни доимий равишда камайитириш ва/ёки олиб ташлаш учун ишлаб чиқариш жараёни оптималлаштирилади.

Бунга қуйидаги чора-тадбирларнинг бири ёки мажмуаси орқали эришиш мумкин:

- иложи борида, хроматография пайтида гамма стерилизацияси ёки паст рН каби тасдиқланган инактивация/олиб ташлаш процедураларидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш жараёни ёт агентларни ёки зарарли аралашмаларни камайитириш, олиб ташлаш ёки инактивация қилиш қобилиятини намоиш қилиш;
- ёт агентлар ёки зарарли аралашмалар учун синов.

Хом ашё стерилизация қилинади ва асептик шароитда ишлаб чиқарилади ва/ёки агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, терминал стерилизация қилинади.

Агар хом ашё стерилизация қилинмаса, микробли контаминация даражаси маълум бўлиши керак. Хом ашёга стабилизатор каби қўшимчалар қўшилиши мумкин. Антибиотиклар ва келиб чиқиши биологик стабилизаторлардан хом ашёни ишлаб чиқаришда фойдаланилганда, уларнинг мавжудлиги асосли бўлиши керак. Уларни эҳтиёткорлик билан танлаш, улардан фойдаланиш, уларни хом ашё таркибига ва концентрациясига, шунингдек, уларнинг хом ашёга бўлган таъсирига эътибор қаратиш лозим.

### 3-3. УМУМИЙ СИФАТ ТАЛАБЛАРИ

Хом ашё чинлиги, тозаллик ва биологик фаоллик учун олдиндан белгиланган сифат талабларига жавоб бериши керак. Хом ашёнинг ишлашини текшириш учун улар тегишли усуллардан фойдаланган ҳолда синовдан ўтказилиши керак. Чинлик синови хом ашёнинг ўзига хослигини акс эттириши ва уни бошқа тегишли ёки ўхшаш моддалардан ажратиб туриши керак. Аралашмалар ҳар иккала жараён билан боғлиқ моддаларни ўз ичига олади (масалан, рекомбинант оксиллар ҳолатида: мезбон ҳужайрадан олинган оксиллар (НСР), ҳўжайин ҳужайрадан олинган ДНК ва вектордан олинган ДНК, (қолдик ДНК)), бошқа биологик ёки кимёвий моддалар) ва маҳсулот билан боғлиқ моддалар (масалан, агрегатлар ва парчаланиш маҳсулотлари). Хом ашёнинг таркиби мутлақ ёки нисбий бирликларда ифодаланиши мумкин. Таркибни аниқлаш учун биологик фаолликни аниқлаш бўйича таҳлилдан фойдаланиш мумкин.

#### 3-3-1. ЧИНЛИГИ

Чинлиги синовлари маълум бир хом ашё учун ҳосдир ва молекуляр тузилиши/таркиби ёки бошқа тегишли физик-кимёвий, биологик ёки иммунокимёвий хусусиятларга қаратилган. Биологик фаоллик ва тозалликни аниқлашда қўлланиладиган усуллар хом ашёнинг чинлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Чинлигини

маълум бир стандарт материал ёки одатий хом ашё партияси билан таққослаш орқали амалга ошириш мумкин.

### 3-3-2. СИНОВЛАР

Хом ашё учун қўлланилиши мумкин бўлган синовлар қуйидагиларни ўз ичига олади (шунингдек, аниқ хом ашё учун қуйидаги бўлимларга қаралсин):

**Ташқи кўриниши.** Суюқ ёки қайта тикланувчи лиофилизация қилинган хом ашёлар маълум бир хом ашё учун опалесценция (2.2.1) ва бўялиш даражаси (2.2.2) бўйича белгиланган стандартларга жавоб бериши керак

**Эрувчанлик.** Лиофилизация қилинган хом ашёлар маълум бир хом ашё учун белгиланган ҳароратда, маълум вақт давомида, белгиланган ҳажмдаги қайта тикланадиган суюқликда тўлиқ эритилади.

**Осмоляльлик** (2.2.35): маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**pH** (2.2.3): маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**Элементар аралашмалар:** маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**Умумий оксил** (2.5.33): маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**Тегишли моддалар.** Маҳсулот билан боғлиқ моддалар таркиби маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**Микробиологик назорат.** Кўриб чиқиладиган хом ашёга қараб, у стериллик синови (2.6.1) га жавоб бериши керак ёки микробли контаминацияси (2.6.12) аниқланади.

#### **Вирусли контаминантлар.**

Тегишли хом ашёларга қараб, тегишли вирусли ифлосланиш аниқланади.

**Бактериал эндотоксинлар** (2.6.14): маълум бир хом ашё учун белгиланган меъёрдан кам бўлиши керак.

**Микоплазмалар** (2.6.7). Хом ашё таркибида микоплазмалар мавжуд бўлмаслиги керак.

**Стабилизатор.** Қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда, у маълум бир хом ашё учун белгиланган стандартларга жавоб бериши керак.

**Сув** (2.5.12). Лиофилизация қилинган хом ашё маълум бир хом ашё учун белгиланган стандартларга жавоб бериши керак.

### 3-3-3. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

**Таркиби.** Таркиб (масалан, оксил миқдори)/хом ашёнинг таркиби тегишли малакали усул билан аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Зарур бўлганда, биологик фаоллик тегишли синов орқали аниқланади. Керакли ҳолларда (масалан, ферментлар учун), биологик фаоллик оксилнинг умумий миқдорида (ўзига хос фаоллик) мил-лиграммда ифодаланади.

### 3-3-4. СТАНДАРТ МАТЕРИАЛ ЁКИ СТАНДАРТ ПАРТИЯ

Юқорида келтирилган чинлиги (идентификация), синовлар ва миқдорий аниқлашларни ўтказиш учун тегишли стандарт материал ёки хом ашёнинг ваколатли партиясидан фойдаланилади. Агар мавжуд бўлса, Европа фармакопеяси ёки Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг белгиланган халқаро стандартлари каби маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

### 3-4. САҚЛАШ

Яроқлилик муддати ва сақлаш шароити ўрнатилади.

### 3-5. ЁРЛИҚЛАШ

Ёрлиқда фойдаланиш муддати, сақлаш ва фойдаланиш шартлари кўрсатилган, кузатув учун талаб қилиниши мумкин бўлган код, шу жумладан, хом ашёнинг биологик келиб чиқиши.

## 4. ЗАРДОБ ВА ҚОН ЗАРДОБ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МОДДАЛАР

### 4-1. ТАЪРИФ

Одам ёки ҳайвон манбаларидан олинган зардоблар ва зардоб ўрнини босувчи моддалар (шу жумладан, тромбцит лизатлари ва бошқа аниқланмаган ўстирувчи қўшимчалар, шартли муҳит, қон ва бошқа ҳужайравий компонентлар) ҳужайралар ўсиши учун қўшимча сифатида фойдаланилади.

Ҳужайра ўсишини рағбатлантириш учун фойдаланиладиган зардоб ва зардоб ўрнини босувчи моддалар, одатда, мураккаб биологик аралашмалар бўлиб, уларнинг аниқ таркибини ҳар доим ҳам аниқлаб бўлмайди. Ушбу мураккаб табиат туфайли ҳар бир партияннинг мувофиқлиги ва ишлашини текширишга алоҳида эътибор берилади.

**Қорамол зардоб.** Агар қорамол зардобидан фойдаланилса, у *Қорамол зардоб* (2262) мақоласига мос келиши керак.

**Инсон зардоб** ва **тромбоцит лизатлари.** Ҳужайра/ген терапияси учун дори препаратларини ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ишлатиладиган инсон зардоб ва тромбоцит лизатлари – бу инсон қонидан олинган материал бўлиб, улар реципиент (аутологик) ёки бошқа шахсдан (аллоген) келиб чиқиши мумкин.

**Шартли муҳит.** Культивация қилинган ҳужайра супернатантдан ажратиб олинган ва тозаланган шартли муҳитлар, шунингдек, ҳужайралар томонидан муҳитга ажратиладиган турли хил ўсиш омиллари ва цитокинлар туфайли ҳужайралар пролиферациясини кучайтириш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

**Номаълум таркибга эга бўлган бошқа ўсиш қўшимчалари.** Ўсиш қўшимчалари сифатида ҳужайралар ва/ёки тўқима лизатларидан фойдаланиш мумкин.

**Мураккаб муҳитлар.** Мураккаб муҳит ўзида ўстириш қўшимчалари, масалан, қорамол зардоб, ўсиш омиллари ва бошқаларни сақлайди. Умумий бўлимнинг ушбу бўлимида тасвирланган таъйинлар мураккаб муҳитнинг биологик келиб чиқиши ва/ёки биологик фаол ингредиентларига қўлланилади.

### 4-2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Қон зардоб, ҳужайра ёки тўқима лизати партиялари ўртасидаги сифат жиҳатидан потенциал фарқлар сабабли, ҳар бир партияни ҳужайра/ген терапиясида қўлланиладиган дори препаратлари ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ишлатишдан олдин уларнинг мувофиқлигини текшириш учун тегишли чоралар кўрилади.

Плазма пули, зардоб пули ёки одам аллоген қони ёки плазмаси пулидан олинган бошқа ҳосилалар орқали инфекцион агентларни юқиши хавфи борлиги сабабли, агар ишлаб чиқариш жараёнида вирусларни зарарсизлантириш/йўқ қилиш учун етарлича такомиллаштирилган усуллар қўлланилмаётган бўлса, қўллаш мумкин бўлган ҳолда донорлар пулининг сонини чеклаш масаласи кўриб чиқилади.

Шартли муҳит учун ҳужайра банк тизими танланади. Ҳужайраларни муҳитдан олиб ташлашни таъминлаш керак ва агар мумкин бўлса, ушбу ҳужайралардан келиб чиқадиган потенциал аралашмаларни аниқлаш керак.

#### 4-3. ЧИНЛИГИ

Зардоб ва зардоб ўрнини босувчи моддаларнинг аниқ сифат таркибини аниқлаш қийинлиги тан олинган. Аммо, иккала ҳолатда ҳам тахминий оксил таркиби, масалан, оксил электрофорези орқали аниқланиши мумкин. Иложи бўлса, умумий оксил миқдори ёки ҳар қандай кимёвий қўшимчалар бўйича синовлар амалга оширилади. Инсон зардоби учун электрофоретик намуна мос стандарт зардоб намунасига тўғри келади. Шу билан бирга, зардобнинг тегишли стандарт тўпламидаги альбу-мин миқдорини таққослаш орқали чинлигини аниқлаш мумкин. Зардоб ўрнини босувчилар учун, электро-форетик схема ёки хужайралар/тромбоцитлар томонидан ажралиб чиққан маркерлардан фойдаланиш мумкин. Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, инсоннинг келиб чиқиши тегишли иммунокимёвий усул (2.7.1) ёрдамида аниқланади.

#### 4-4. СИНОВЛАР

3-3-2 бўлимга қаралсин.

**Гемоглобин:** зарурат туғилганда, маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**Хужайрадан ҳосил бўлган аралашмалар:** зарурат туғилганда, маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда.

**Вирусли контаминантлар учун махсус синовлар.** Қорамол зардоби учун “Қорамол зардоби” (2262) мақола-сида кўрсатилган вирусли контаминантлар учун синовлар қўлланилади. Инсон зардоби учун “Фракциялаш учун инсон плазмаси” (0853) мақолада кўрсатилган вирусли хавфсизлик бўйича синовлар амалга оширилади.

#### 4-5. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

Зардоб ёки зардоб ўрнини босувчи моддада маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда жойлашган хужайралар ўсишини намойиш этиши керак. Белгиланган фойдаланиш учун яроқчилигини тасдиқлаш учун бир нечта турдаги миқдорий аниқлаш синовлари талаб қилиниши мумкин.

### 5. РЕКОМБИНАНТ ДНК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ОКСИЛЛАР

#### 5-1. ТАЪРИФ

Рекомбинант ДНК технологияси асосида ишлаб чиқарилган хом ашё сифатида ишлатиладиган оксиллар ва пептидлар ўсиш омиллари, цитокинлар, гормонлар, ферментлар ва моноклонал антикорларни ўз ичига олади.

**Ўсиш омиллари, цитокинлар ва гормонлар.** Улар хужайра култураси тизимидаги хужайраларнинг ўси-шини рағбатлантириш ёки фарқлаш, шунингдек, инактивация қилиш учун кенг тарқалган моддалардир.

**Бошқа оксиллар.** Хом ашё сифатида ферментлар (масалан, коллагеназлар) тўқималардан ва/ёки суюқлик-лардан фаол моддаларни ажратиб олиш учун фойда-ланилиши мумкин. Бошқа оксилларни (масалан, фибро-нектин) культурани қўллаб-қувватловчи ёки муҳитнинг таркибий қисмлари сифатида ишлатилиши мумкин.

**Моноклонал антителолар.** Хом ашё сифатида улар маълум хусусиятларга эга иммуноглобулинлар ва имму-ноглобулин бўлақларини ўз ичига олади. Антителолар конюгацияланган (кимёвий жиҳатдан модификация-ланган) ёки конюгацияланмаган бўлиши мумкин. Одатда кимёвий модификацияларга люминесцент ёрликлаш ва магнитли шарчалар конюгацияси қиради. Антителолар

хом ашё сифатида хужайра културасидаги хужайра-ларни танлаб олиш, активация қилиш/рағбатлантириш, ажратиш ёки тозалаш учун фойдаланилиши мумкин.

#### 5-2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Рекомбинант ДНК технологиясидан фойдаланган ҳолда оксилларни ишлаб чиқариш асосий хужайра банкидан ва агар иложи бўлса, асосий хужайра банкидан келиб чиққан ишчи хужайра банкидан фойдаланган ҳолда яхши тавсифланган хўжайин-вектор тизимига асосланади. Кўрсатилган оксил экстракция, чўктириш, центрифугалаш, концентрация, филтрация ва/ёки хрома-тография каби турли усуллар ёрдамида ажратиб олинади ва тозаланади.

Рекомбинант ДНК технологиясидан фойдаланган ҳолда оксил ишлаб чиқариш жараёнида қолдиқ хўжайин хужайралар ёки ДНК векторлари ва хужайралар оксил-ларини ўз ичига олган жараён аралашмалари мақбул даражага пасайтирилиши керак. Маҳсулот билан боғ-лиқ бўлган аралашмаларга алоҳида эътибор берилиши керак.

#### 5-3. ЧИНЛИГИ

Чинлиги, электрофорез (2.2.31), пептид хариталаш (2.2.55), изоэлектрик фокуслаш (2.2.54) ёки суюқлик хроматографияси (2.2.29) каби тегишли малакали усул-лар билан белгиланади. Антителолар учун чинлиги иммуноглобулин синфига, изотип ва/ёки спецификликка асосланади. Юқорида келтирилган усулларга қўшимча равишда, иммунокимёвий усуллар (2.7.1) ва фаолликни аниқлаш ҳамда чинлигини аниқлаш учун мос деб ҳисобланади.

#### 5-4. СИНОВЛАР

3-3-2 бўлимга қаралсин.

**Хўжайин хужайрадан келиб чиққан оксиллар ва қолдиқ хўжайин хужайра ёки ДНК вектори.** Агар маълум хом ашё учун муносиб бўлса, қолдиқ хўжайин хужайра ёки ДНК вектори ва/ёки оксилнинг миқдори, агар ишлаб чиқариш жараёни мос тозаланиш намойиш қилиш учун сифатли бўлмаса, мос усул ёрдамида аниқланади. Маълум бир хом ашё учун белгиланган чегаралардаги миқдорда бўлиши керак.

**Тегисли оксиллар.** Тегисли оксиллар (масалан, номаълум хусусиятларга эга бўлган поликлонал антите-лолар, гликоформалар, парчаланиш ва оксидланиш маҳ-сулотлари, олигомерлар ва агрегатлар) суюқ хромато-графия, электрофоретик ёки иммунологик усуллар ёрдамида аниқланади ва маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда бўлади.

#### 5-5. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

**Миқдори.** Оксил миқдори тегишли малакали усуллар масалан, суюқлик хроматографияси (2.2.29) ёки УБ-спектрофотометрияси (2.2.25) орқали аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Рекомбинант оксилнинг биоло-гик фаоллиги, масалан, хужайра пролиферацияси, хужай-раларни фарқлаш ёки фермент таҳлили ёрдамида аниқланади. Муайян оксил учун бир нечта мақбул био-тахлиллар мавжуд бўлиши мумкин. Антителолар учун хужайрага асосланган иммунотахлиллар ва лиганднинг боғланиши ҳамда яқинлигига асосланган синовлардан фойдаланиш мумкин. Иложи бўлса, биологик фаоллик умумий оксилнинг миллиграммида (ўзига хос фаоллик) ифодланади.

## 6. БИОЛОГИК МАТЕРИАЛДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН ОҚСИЛЛАР

### 6-1. ТАЪРИФ

Биологик материалдан ажратиб олинган ва хом ашё сифатида ишлатиладиган оқсилларга ферментлар (масалан, чўчкалардан олинган трипсин ва эндонуклеазалар), поликлонал антителолар, келиб чиқиши биологик бўлган бошқа оқсиллар (масалан, албумин ва трансферрин) ва келиб чиқиши биологик пептидлар киради. Уларнинг келиб чиқиши инсон, ҳайвон, ўсимлик ёки микробиологик бўлиши мумкин.

Биологик материалдан олинган оқсиллар ўсишни рағбатлантириш, кўпайтирилган ҳужайраларни фарқлаш ёки тозалаш ҳамда фаол моддаларни тўқималардан ва/ёки суюқликлардан ажратиб олиш каби кенг миқёсда қўлланилади.

### 6-2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Оқсиллар механик ва/ёки кимёвий усуллар ёрдамида ҳайвонларнинг ёки одамларнинг қонидан ёки тўқималаридан ёки ўсимлик ёки микробиологик манбалардан олинади. Кейинчалик уларда центрифугалаш, филтрлаш, хроматографиялаш ва концентрлаш каби турли усуллар ёрдамида қўшимча тозалаш жараёнлари амалга оширилади.

Поликлонал антителолар маълум бир антиген билан иммунизациялаш, сўнгра тозалаш жараёни орқали олинади. Антителоларни тозалаш физик-кимёвий фракцияга, синфга хос хусусиятли яқинлик ва/ёки антигеннинг ўзига хослик яқинлик асосида антителоларни зардобдан селектив бойитишни ёки ўзига хос ажратиб олишни ўз ичига олади.

Ушбу оқсилларни ишлаб чиқариш жараёнида қон таркибидаги таркибий қисмлар, тўқима бўлаклари ёки оқсиллар контаминантлари каби жараён билан боғлиқ аралашмалар мақбул даражага камайтирилиши керак. Махсулот билан боғлиқ бўлган аралашмаларга алоҳида эътибор берилади.

### 6-3. ЧИНЛИГИ

Чинлиги, электрофорез (2.2.31), изоэлектрик фокуслаш (2.2.54), пептид хариталаш (2.2.55), суюқлик хроматографияси (2.2.29) ва иммунокимёвий усуллар (2.7.1) каби тегишли малакали усуллар билан белгиланади.

### 6-4. СИНОВЛАР

3-3-2 бўлимга қаралсин.

**Жараён билан боғлиқ аралашмалар.** Бошланғич материалдан олинган моддалар (масалан, қон таркибий қисмлари, тўқима бўлаклари ёки ифлослантирувчи оқсиллар) тегишли усуллар ёрдамида аниқланади ва маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда бўлади.

**Тегшли оқсиллар.** (Масалан, номаълум хусусиятларга эга антителолар, парчаланиш ва оксидланиш махсулотлари, олигомерлар ва агрегатлар) тегишли усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланади ва маълум бир хом ашё учун белгиланган чегараларда бўлади.

### 6-5. МИҚДОРҲИЙ АНИҚЛАШ

**Миқдори.** Оқсил миқдори тегишли малакали усул масалан, суюқлик хроматографияси (2.2.29) ёки УБ спектрофотометрияси (2.2.25) ёрдамида аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Имкон қадар оқсилнинг биологик фаоллиги, масалан, фермент таҳлиллари, иммунотаҳлиллар ёки ҳужайралар пролиферацияси/фарқланишига асосланган таҳлиллар ёрдамида аниқланади. Трипсинни ўрганиш учун “Трипсин” (0694) мақоласида кўрсатилгандек таҳлил амалга оширилиши мумкин.

Иложи бўлса, биологик фаоллик умумий оқсилнинг миллиграммида (ўзига хос фаоллик) ифодаланади.

## 7. ВЕКТОРЛАР

Ҳужайра ва ген терапияси дори препарат ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ишлатилиши мумкин бўлган векторларга ДНК векторлари (масалан, плазмидлар, транспозон векторлар), шунингдек, вирусли векторлар ва бактериялар (масалан, модификацияланган *Lactococcus* турлари) киради. Векторлар одатда бошланғич материаллар сифатида қабул қилинади ва шунинг учун ушбу умумий бўлимнинг доирасидан ташқарида ҳисобланади. Векторлар, ёрдамчи плазмидлар ёки ёрдамчи вируслар сифатида ишлатиладиган векторлар каби бошланғич материал сифатида қаралмаган ҳолларда, ушбу умумий бўлимнинг тамойилларига ва ишлаб чиқариш ва сифат назорати бўйича 5.14. *Тиббиёт амалиётида ген терапияси учун қўлланиладиган дори воситалар* бўлимида келтирилган қоидаларга риоя қилиниши керак.

03/2021:50214

### 5.2.14. ВАКЦИНАЛАРНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА *IN VIVO* УСУЛИНИ *IN VITRO* УСУЛИ (ЛАР)ГА АЛМАШТИРИШ

#### МАҚСАД

Ушбу умумий бўлимнинг мақсади сифат назоратида *in vivo* усулини *in vitro* усулга алмаштиришни осонлаштириш учун қўлланма тақдим этишдир. Айрим ҳолларда бир ёки бир неча *in vitro* усулининг қўлланилишига қарши кўрсатма бўлмаган бўлса ҳам, номаълум сабабларга кўра, *in vivo* текширишлари усуллари *in vitro* усуллари ўрнига фойдаланишни татбиқ этмоқчи бўлинганда натижалар бирга-бир тарзда мос келмайди. Ушбу умумий бўлимда таҳлил валидациясининг тафсилотлари муҳокама этилмайди, чунки ушбу тамойиллар бошқа бир ерда тавсифланган.

Умумий бўлим асосан одам вакциналари ва ветеринария амалиётида фойдаланиладиган вакциналарга тегишлидир ва келтирилган тамойиллар бошқа биологик препаратлар, шунингдек, зардоблар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

#### КОНТЕКСТ

Вакциналар сифатини мунтазам назорат қилишда фойдаланиладиган назорат усуллари ишлаб чиқаришни мониторинг қилиш ҳамда савдо партияларининг сифат хусусиятлари билан клиник олди синовларда зарарсиз ва самарали деб тан олинган ўзига хос мақсадларда фойдаланиладиган вакциналар партиялари сифат кўрсаткич-



ларининг таққосланишини таъминлаш учун мўлжалланган.

Вакциналар ҳақидаги Европа фармакопеяси мақолаларида вакциналарнинг *in vivo* фаоллиги ва зарарсизлиги ҳақидаги тадқиқотлар уларнинг сифатини таъминлашда тарихий роль ўйнаган. Лекин *in vivo* таҳлилларнинг ички ўзгарувчанлиги уларнинг *in vivo* таҳлилдаги ўзгарувчанлигига қараганда ҳамда ишлаб чиқариш мониторинги ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга потенциал таъсир этишини кўрсатади.

Натижада, *in vivo* текширишларининг илмий аҳамияти ва долзарблиги доимий равишда текшириб турилиши керак.

Қачонки, *in vivo* синовлари тор доирали бўлиб қолса ёки ўз қийматини йўқотса, этика (одоб-ахлоқ) қоидалари нуқтаи назардан ҳамда тегишли конвенциядаги бурчларни ҳисобга олган ҳолда улардан воз кечилади.

Бундан ташқари, ҳайвонларда синов усулларини алмаштириш учун (иммунологик, молекуляр ва физик-кимёвий синовлар қўшиб) *in vivo* усулларини яртиш бўйича зарур вазифалар бажаришга киришиш чоралари кўрилади.

Бир қатор ҳолатларда, ушбу вакциналар мақолаларига янги *in vitro* усулларини илмий жиҳатдан самарали тадбиқ этилишига олиб келди.

*In vitro* тадқиқотларидан фойдаланиш нафақат мавжуд тадқиқотларнинг илмий аҳамиятини сақлаб қолиш ёки яхшилашда ҳайвонлардан фойдаланишни камайтирибгина қолмай, балки тадқиқотларнинг ўзгарувчанлигини, талаб қилинадиган вақт ва ресурсларни сезиларли даражада камайтиради ва фойдаланиш учун хавфсиз ва самарали вакциналарнинг башорат қилиш имкониятини оширади.

*In vivo* текшириш усуллари ўрнига *in vitro* усулларини қўллашнинг афзалликлари яна шундан иборатки, конвенцияга биноан умуртқали ҳайвонларни экспериментал тадқиқотлар ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланишдан ҳимояловчи Европа конвенцияси доирасида Eur. Ph. комиссияси ҳозирги кунда *in vivo* тадқиқотларида фойдаланиладиган ҳайвонлар сонини имконият даражасида қискартиришни, айниқса, имконият бўлганда фармакопея тадқиқотларида камайтиришни ўз ичига олади.

Конвенцияга биноан, Европа Фармакопеяси билан боғлиқ бўлган ишлар *in vitro* процедураларини ишлаб чиқиш ва/ёки амалга оширишни тавсия қиладилар ва General Notices Eur.Ph. мақолаларида тасвирланган *in vivo* усулларига муқобилларини киритишни қўллаб-қувватлайди.

## УМУМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

*In vivo* таҳлилларининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ оқибатлардан бири бу муаммони янада изчил *in vitro* усуллари билан алмаштириш билан боғлиқ бўлиб, одатда, таҳлилларни алоҳида-алоҳида таққослашни талаб қилади.

Баъзи ҳолларда бу айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки кўп марказли халқаро бирдамликдаги тадқиқотлар *in vivo* усулларининг ўзгарувчанлиги туфайли муваффақиятсизликка учрайди.

Яна бир эътиборга олинadиган жиҳати шундаки, вакциналарни *in vivo* тадқиқотларидаги хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича кўплаб натижалар, одатда, уларни мақсадли фойдаланишга яроқчилигини кўрсатади ва вакциналарнинг самарадорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашда тарихий аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

Аммо, бу ICH Q2 (R1) ёки VICH GL2 қўлланмаси каби тасдиқлаш талаблари мавжуд бўлмаган даврда бўлиб, расмий таққослашни қийинлаштирган ёки баъзи ҳолларда ҳатто имконсиз бўлган.

*In vivo* тадқиқотлари учун аниқлик, такрорланувчанлик, аниқлаш чегаралари ва микдорларни аниқлаш белгиланмаганлиги сабабли, битта усулнинг бошқасига таққосланишини баҳолаш қийин бўлади.

Шунингдек, the General Notices га мос келадиган Eur. Ph. усуллари валидацияланган деб ҳисобланади ва ҳозирги вақтда ретроспектив ICH/VICH валидацияси ўтказилиши қийин ва жуда қиммат бўлганлиги сабабли, фармакопея тадқиқотларида юқорида қайд этилган конвенцияни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлардан фойдаланиш одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди.

*In vivo* асосидаги таҳлили сифат назоратининг *in vitro* асосидаги тизимга ўтиш масаласи кўрилганда, *in vivo* тадқиқотларини таклиф этиш ҳам, таклиф этмаслик ҳам мумкин эканлигини тушуниш зарур.

Лаборатория ҳайвонларида ўтказиладиган, тўғри йўлга қўйилган потенциал *in vivo* тадқиқотлари мураккаб функционал реакцияни ўлчаши потенциалига эга бўлиб, концепцияни исботлаш учун хизмат қилади. Лекин мақсадли популяция учун ҳақиқий реакцияни олдиндан башорат қила олмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, *in vitro* биотадақиқотлари, одатда, паст ўзгарувчанлик ва юқори сезувчанлик билан *in vivo* реакцияларида ўзига хос мураккаб элементларни тақлид қилиш имкониятига эга.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, берилган маҳсулот учун *in vivo* синовини *in vitro* билан алмаштирилиши лозим бўлганда, маҳсулотнинг сифат атрибутлари бошқача баҳоланиши мумкин.

Мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади: *in vivo* фаоллик ўрнига, *in vitro* биотадақиқотида антиген микдорини аниқлаш ёки функционал реакция (масалан, вирус ёки токсинни нейтраллаш); *in vivo* даги нейровирулентлик ёки аттенуирланган (пасайтирилган) фенотип ўрнига молекуляр консистенция; *in vivo* синовлари давомида микроорганизмлар иштироки бўлмаганда ёт агентлар геноми йўқлигида молекуляр усуллардан фойдаланиш; *in vivo* усулида махсус заҳарлилик ҳамда ферментлар фаоллигини боғлаб олинишини намоёиш қилиш.

Унинг натижаси сифатида ушбу икки усул мутаносиблигини намоёиш қилиш, одатда, илмий асосланган ва ҳар доим ҳам қўллангандек бўлмайди.

Агар тадқиқотлар натижалари ўхшаш бўлсада, барча диапазонда 2 та микдорий усул корреляцияси паст даражада бўлиши мумкин. *In vitro* усул (лар) ёки синов стратегиялари, маҳсулотнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги изчиллигини таъминлаш учун зарур бўлган асосий сифат атрибутлари етарли даражада назорат қилинишига камида тенг ишончни таъминлаши керак.

Ушбу бўлимда асосий эътибор тасдиқланган маҳсулотлар учун ишлатиладиган усулларни алмаштиришга қаратилган бўлсада, *in vitro* усулларини маҳсулотлар сифатини назорат қилишга татбиқ этиш масалаларини кўриб чиқиш ва *in vivo* усулларидан фойдаланиш мажбурий эмаслигини тушуниш керак.

## IN VIVO УСУЛЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ УЧУН МУҚОБИЛ ЁНДАШУВЛАР

Сифатни назорат қилиш тизимида таклиф этилган ҳар қандай *in vitro* усулларини амалга оширишда асосий эътибор *in vitro* таҳлилининг тегишли сифат атрибутларини назорат қилиш учун илмий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Европа Фармакопеясида вакциналар учун *in vivo* таҳлиллари одатда кўп марказли ҳамкорликдаги тадқиқотлар натижасида *in vitro* таҳлиллари билан алмаштирилади, аммо одатда, *in vitro* га алмаштирилади ва ушбу ҳаракат алоҳида маҳсулотлар учун шартли бўлиб қолмаслиги керак.

Бундан ташқари, маҳсулотлар синфига кенг татбиқ этиладиган тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлса ҳам, бу талаб бўлиши керак эмас.

Қуйидаги қўлланмада тушунтирилганидек, мавжуд синов томонидан ўлчанадиган асосий сифат ва миқдорий хусусиятларни тавсифлаш учун, баъзи ҳолларда мавжуд усулни биттадан кўпроғини *in vitro* синов билан алмаштириш керак бўлиши мумкин.

#### ПОТЕНЦИАЛ ТАДҚИҚОТЛАР

*In vitro* ва *in vivo* синовлари орасидаги мосликни тафовутнинг пастлиги ва/ёки ўзгарувчанликнинг юқорилиги сабабли кўрсатиш имконияти бўлмаганда қуйидагича ёндашилади.

Кўрилатган маҳсулот кейинчалик ишлаб чиқарилганда ўзининг зарарсизлиги ва самарадорлиги бўйича ўзини кўрсатган деб башорат қилинади.

*In vitro* тадқиқот(лар) ишлаб чиқариш жараёни назоратига тааллуқли ўзгаришларни сезиб олиш имкониятига эга бўлиши керак, бу илмий томондан асосланган бўлади.

Ушбу ҳолат таклиф этилатган синовнинг имкониятини намоён этиувчи кўрсаткичлар билан асосланган бўлиши керак. Шунингдек, вакцина сифати атрибутининг нозик нуқталарини назорат қилиш ва чиқарилаётган партиялар ва клиник синовлар натижасида зарарсиз ҳамда самарадорлиги тан олинган ёки оддий ишлати-лаётган партиялар билан боғлиқлиги қўллаб-қувватланиши керак.

Мос келадиغان ишлаб чиқариш спецификациялари билан *in vitro* усуллари мослиги қўллаб қувватланади. Вакцина сифатини назорат қилиш бўйича тадқиқот/тадқиқотлар тизими ишланмаси антиген таркиби билан бир қаторда унинг функционаллигини ҳам кўрсатиши керак.

Агар битта усулдан фойдаланилса, у таклиф этилаётган вакцинани ҳимоялашга тааллуқли эпителиога йўналтирилган антигеннинг бутунлигини сақлаб қолиши ва миқдорини аниқлаши лозим.

Бунга мисол сифатида, моноклонал антители ёки эпителиога қарши моноклонал антителолар ёки нейтралловчи антителолар генерацияси учун асосий мақсад сифатидаги эпителио ёки эпителиолар бўлиши мумкин.

Эпителио ёки эпителиолар кўпчилиги турғунлик таҳлили бўлиши учун конформацион бўлиши керак. (кутуришга қарши вакцина мисол бўлади).

Баъзи ҳолларда бир марта ўтказилган *in vitro* усулларида таркиби ва функционаллиги бир хилликни кўрсатмаслиги мумкин.

Ушбу ҳолат бир неча текширишдан фойдаланган ҳолда тўғрилианиши мумкин. Конъюгат полисахарид вакциналар молекулалари ўлчамлари, конъюгат яхлитлиги ва шунингдек, умумий ва эркин полисахаридлар кўриладиган чораларга мисол бўладилар.

*In vitro* усулида миқдорий ўлчамлар ўтказишга жавоб катталиги бўйича фарқ қиладиган намуналар керак

бўлади. Кўп ҳолларда *in vivo* усулида аниқланган фаоллиги спецификацияда кўрсатилган минимал кўрсаткичдан паст бўлган намуналар мавжуд бўлмайди. Чунки қоида тарикасида ишлаб чиқариш турғунлиги қўллаб-қувватлаб турилади, партиялар орасидаги самарадорлик деярли фарқ қилмайди ва/ёки *in vivo* таҳлиллар аниқлиги шундай бўладики, партиялар орасидаги фарқ катта бўлмаганда, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Шунинг учун тадқиқотнинг бошланғич баҳоси турли концентрацияли намуналарда ўтказилиши керак. Кейин турли стресс шароитларига туширилган намуналар синовлари ўтказилиши мумкин. Шундагина янги усулнинг турғунлигини кўрсатувчи кейинги потенциали баҳоланади.

*In vitro* ва *in vivo* усулларининг мос келувчанлигини кўрсатиб бера олмаслиги *in vitro* усули тўғри келмайди/тўғри келади деган хулосани билдирмайди.

Кўп ҳолларда, *in vitro* усули, маҳсулот профилидаги *in vivo* усули билан аниқланмайдиган ўзгаришларни аниқлайди.

Бундай ҳолларда *in vitro* усули ишлаб чиқариш доимийлиги учун яхшироқ ҳисобланиб, ишлаб чиқариш шароитидаги ўзгаришларга баҳо бериш учун зарурроқ бўлиши мумкин.

#### ЗАРАРСИЗЛИК СИНОВЛАРИ

##### Специфик токсиклик

*in vitro* усули қолдиқ токсик таркибий қисмларни аниқлаш учун ўзига хос бўлиши энг камида *in vivo* усулидаги сезгирликка эга бўлиши керак. Иложи бўлганда, *in vitro* функционал тизимидан (масалан, токсинларга таъсирчан ҳужайра линияси) тўлиқ фойдаланиш керак.

Агар бирон-бир функционал *in vitro* тизими мавжуд бўлмаса, *in vitro* синов стратегияси 1 дан ортиқ параметрларни аниқлаш/ўлчашга асосланиши мумкин. Улар кетма-кет бўлганда токсик таркибий қисмларнинг ҳара-кат усулини ақс эттиради.

Иммунологик ва биокимёвий стадияларнинг фермент фаоллиги ва рецепторлар боғланишига таъсирини ўрганиш ушбу мисолларга қаради.

Кўп ҳолларда *in vivo* таҳлилини алмаштириш керак бўлганда, ушбу моделнинг ўрганилаётган токсинни аниқлашдаги таъсирчанлик кўрсаткичлари керак бўлади.

Шундай қилиб, чўккили экспериментлардан фойдаланиб ва *in vitro* тадқиқотлари тарихий кўрсаткичларидан фойдаланиб, янги *in vitro* усуллари анча сезгирлиги кўрсатилган ҳолда характерланади.

Ушбу таҳлиллардан ўзига хос вақт ва ҳарорат танланган аниқ анатоксин реверсияси йўқлигини намоён қилиш учун фойдаланилади.

##### Нейровирулентликка қарши синовларнинг чуқур секвенирлаш молекуляр консистенциялари.

Вирус вакцинасининг молекуляр консистенциясининг *in vitro* генотипик усули *in vivo* амалдаги нейровирулентлик синовининг ўрнини босиши мумкин.

Ҳар қандай *in vitro* генотипик усули учун молекуляр маркерларни чуқур билиш асосий шарт ҳисобланади. Молекуляр маркерлар тирик вирус вакциналарининг кучсизланишига жавобгар бўлади. (масалан, оғиз орқали қабул қилинадиган полиовирус вакцинаси). Бундай ҳолда, вакциналар партиясини изчил назорат қилиш зарур бўлган молекуляр пасайиш белгиларининг мавжуд-лигини ва мутантлар фозини, масалан, чуқур секвенция-лаш каби усуллар ёрдамида тасдиқланади.

**Ёт вирус агентларини янги молекуляр усуллар орқали аниқлаш.**

Ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида вирусли ёт агентларни аниқлаш, ҳозирги вақтда *in vivo* ва *in vitro* усулларида панеллардан фойдаланиб ҳужайрали банкаларда, уруғ партияларида ва ҳужайра ўстирилган йиғмаларда ўтказилади.

Янги сезгирлиги юқори, кенг аниқлаш имкониятларига эга бўлган усуллар, шу билан бир қаторда, чуқур секвенирлаш ёки юқори унумдорли секвенирлаш туғма полимераз реакция (PCR) катта оилалари ёки тасодифий вирусларнинг преёмирлаш усуллари (секвенирлаш билан боғланган ва боғланмаган), олигонуклеотид массиви билан гибридизация ва масс-спектрометрия усулларида фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ушбу янги молекуляр усуллардан фойдаланиш тадқиқотлар стратегиясидаги камчиликларни кўрсатиб, тайёр маҳсулотда аниқланган вирусли ифлосликларни, оралик ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган ҳужайра банкалари қолдиқларини ҳам аниқлади.

Ушбу янги молекуляр усуллар (масалан, чуқур секвенирлаш) геномларни аниқлайди, амалдаги *in vivo*

усуллари эса экспериментал ҳайвонларда вируслар таъсирини кузатишга асосланган.

Шундай молекуляр усулларни *in vivo* усулларини алмаштиришга жорий этилиши спецификани солиштириш (ошкор этиш кенглиги) ва янги усулларни амалдагилар билан солиштиришни талаб этади.

Ушбу мақсадда ўзига хос, кўзга кўринган яхши тавсифланган вируслар модели янги усулнинг вирусларни аниқлаш қобилиятини баҳолаш учун фойдаланилиши керак. Вирусларнинг *in vivo* усулида аниқланиши (ёки аниқланмаслиги), шунингдек, сезгирлик *in vivo* усулидаги билан эквивалентлигини аниқлаш зарур.

Ушбу охириги элемент, айниқса, мураккабдир. Чунки ушбу янги молекуляр усуллар вирусли ифлослантирувчи модданинг бир хил хусусиятини аниқламайди (молекуляр усул учун геном *in vivo* усулида юқумли вирус билан), шунингдек, *in vivo* усуллари учун чекланган ёки чекланган маълумотлар мавжуд бўлмайди.

Шунингдек, янги молекуляр усулларнинг натижалари охириги натижа ҳисобланмайди. Чунки геном ёки геном фрагменти инфекцион вирус мавжудлигини кўрсатмайди.



## 5.3. БИОЛОГИК СИНОВЛАР ВА МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

5.3. Биологик синовлар ва миқдорий аниқлаш натижаларининг статистик таҳлили.....	1493	5. Мисоллар.....	1509
1. Кириш .....	1495	6. Миқдорий аниқлаш натижаларининг бирлаштирилиши .....	1522
2. Алоҳида тадқиқотларнинг рандомизацияси ва боғлиқсизлиги .....	1496	7. Қўшимчалар.....	1524
3. Миқдорий эффектга асосланган миқдорий аниқлаш .....	1496	8. Жадваллар ва генерациялаш тартиби .....	1525
4. Квант эффектига асосланган миқдорий таҳлиллар.....	1506	9. Белгилар лугати .....	1528
		10. Адабиётлар.....	1530



### 5.3. БИОЛОГИК СИНОВЛАР ВА МИҚДОРИЙ АНИҚ- ЛАШ НАТИЖАЛАРИ- НИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Аниқлик** – аниқ белгиланган шароитларда олинган ўзаро боғлиқ бўлмаган ўлчов натижаларининг бир-бирига яқинлик даражаси.

**Гомнит-таҳлил** – экстремал қийматларнинг тақсимида ишлатилади (Гомперц тақсимоти).

**Итерация** – бирор математик операцияни такрорий қўллаш натижасидир. Итерациялар, интеграл тенгламалар назариясида муҳим рол ўйнайдиган итерацион усуллар (масалан, итерация усули) бўйича тенгламалар ва тенгламалар тизимларини ечишда вужудга келади. *n*-индекси итерация индекси (кўрсаткичи) деб аталади.

**“Доза-таъсир”** – маълум лиганднинг биологик объектга таъсири ўзгаришини шу лиганднинг концентрацияси билан боғлиқликда таърифлайди.

**Леталь** – ўлимга олиб борадиган, ўлим билан тугайдиган, ўлдирувчи.

**Логит-таҳлил** – бу ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоллини логистик эгри чизиқ билан таққослаш орқали башорат қилиш учун ишлатиладиган статистик моделдир.

**Пробит-таҳлил** – белгиланган миқдордаги индивидларга маълум бир модданинг турли дозалари (масалан, маълум бир токсик модданинг) таъсири билан боғлиқ.

**Рандомизация** – тадқиқот иштирокчилари даволашни гуруҳига тайинланадиган, тасодифга асосланган усул.

#### 1. КИРИШ

Ушбу бўлимда биологик усулда синовлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини таҳлил этишнинг Давлат Фармакопеясида (ЎЗРДФ) белгилаб берилган қоидаларга оид қўлланма келтирилган. У статистика бўйича махсус маълумотга эга бўлмаган ва бу соҳада хизмат фаолияти олиб бормайдиган, аммо статистикларнинг ёрдамисиз ва маслаҳатсиз таҳлил натижаларини баҳолаш ёки талқин этиш учун масъул бўлган мутахассислар учун мўлжалланган. Ушбу бўлимнинг баён қилинадиган ҳисоблаш усуллари ЎЗРДФнинг энг зарурий қисмини ташкил этишига қарамай, биологик усулда миқдорий аниқлаш усулларидадан фойдаланишда мажбурий талаб этилмайди. Муқобил усуллардан, агар улар тегишли маълумотлар билан қўллаб-қувватланган ва яроқчилиги асосли далиллар билан тасдиқланган бўлса, ваколатли органлар билан келишилган ҳолда фойдаланишга рухсат этилади. Таҳлилчи учун, унинг билимлари ва тажрибасига мувофиқ, фойдали бўлиши мумкин бўлган компьютер дастурий таъминотининг кенг спектрли манбалари мавжуд.

Қуйидаги ҳолларда тўлақонли маслаҳатлар олиш зарур бўлади: янги дори воситаларини яратиш ёки

ўрганиш учун мос келувчи дизайн ва таҳлилни ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур бўлганда; миқдорий аниқлаш намунаси дизайнига мазкур бўлим томонидан қўйилган чекловлар бажарилмаган, масалан, махсус лаборатория шароитларига мос алоҳида таҳлил схемаси зарур бўлиши ёки бир хил миқдордаги тенг тақсимланмаган дозалардан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда; худди, масалан, намунавий иммунологик таҳлиллардаги каби, таъсир эффектининг киритилаётган дозага боғлиқлигини ифодаловчи хусусияти эгри чизикнинг кенгайтирилган таҳлили зарур бўлганда. Шунга қарамай, кенг миқёсда қўлланиладиган битта модель учун “доза-таъсир” эгри чизигининг кенгайтирилган таҳлил схемаси 3.4-бўлимда келтирилади, 5.4-бўлимда эса ушбу таҳлилга оид содда мисол келтирилади.

#### 1.1. УМУМИЙ РЕЖА ВА АНИҚЛИК ДАРАЖАСИ

Биологик усуллар биологик фаоллиги кимёвий ёки физикавий таҳлил орқали етарли даражада баҳоланиши мумкин бўлмаган айрим моддалар ва препаратларни намунавий таҳлил этишда қўлланилади. Барча ҳолларда биологик намунавий таҳлил этиш давомида стандарт препарат билан таққослаш тамойили қўлланилади. Ушбу тамойил, муайян миқдордаги (таъсир бирлигидаги) стандарт препарат билан бир хил биологик таъсир кўрсатувчи, синалаётган модданинг миқдорини аниқлашдан иборат. Бундай биологик миқдорий аниқлаш ўтказишнинг муҳим шarti шундан иборатки, синалаётган модда ва стандарт препаратнинг синовлари бир вақтда ва бир хил шарт-шароитларда бажарилиши лозим.

Баъзи миқдорий аниқлашлар учун (масалан, вирус титрини аниқлашда) синов намунасининг фаоллиги стандартга нисбатан ифода этилмайди. Бундай турдаги намунавий таҳлил ушбу бўлимнинг 4.5 бўлимасида кўриб чиқилади.

Биологик миқдорий аниқлаш усулида олинган фаоллиқнинг ҳар қандай баҳоси, биологик реакцияларга хос бўлган ўзгарувчанлик туфайли, тасодифий хатоликларга эга бўлади ва имкон қадар, ҳисоблашлар расман қабул қилинган усулларга асосланган бўлса ҳам, ҳар бир намунавий таҳлил натижасининг хатолигини ҳисоблаш зарур бўлади. Шу муносабат билан қуйидаги миқдорий аниқлашни режалаштириш ва уларнинг хатоликларини баҳолаш усуллари баён қилинади. Ҳар сафар, бирор зарур статистик усул танланишидан олдин, ушбу усулнинг яроқли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида, дастлабки текширувларни маълум миқдордаги намуналарда ўтказиб кўриш лозим.

Фаоллиқнинг ишонччилик интервали миқдорий аниқлашдаги фаоллиқнинг аниқлик даражасини тавсифлайди. Бу интервал тадқиқот усули ва танлаб олинган намуна ҳажмига асосан ҳисобланади. Биологик усул орқали миқдорий аниқлашда одатда 95 % ишонччилик интервали танланади. Фаоллиқнинг ҳақиқий қиймати берилган интервалда бўлиш тасдиғини 95 % эҳтимоллик билан кафолатлаш учун бу интервалнинг чегараларини ҳисоблаш математик статистика усуллари ёрдамида амалга оширилади. Муайян препарат (дори воситаси) учун ушбу аниқлик даражасининг Давлат Фармакопеясига мувофиқлиги ўша препаратга бағишланган алоҳида монографияда махсус белгиланган талаблар билан аниқланади.

“Ўртача қиймат” ва “стандарт оғиш” атамалари бу ерда ҳам биометрия бўйича кўпгина замонавий дарсликларда аниқланган маъноларда қўлланилади. Мазкур бўлимда “кўрсатилган фаоллик” ёки “ёрликда белги-

ланган фаоллик”, “тасдиқланган фаоллик”, “тахмин қилинган фаоллик”, “фаоллик коэффициент” ва “натижавий фаоллик” атамалари қуйидаги тушунчаларни ифодалашда қўлланилади:

- “кўрсатилган фаоллик”: ёки “ёрликда белгиланган фаоллик”: тайёр препарат учун – номинал қиймат, у кадокланмаган маҳсулотнинг маълум бўлган фаоллиги асосида ёрликда кўрсатилади; кадокланмаган маҳсулот учун эса ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган ёки баҳоланган фаоллик;
- “тасдиқланган фаоллик”: стандарт препаратнинг фаоллиги;
- “тахмин қилинган фаоллик”: синалаётган препаратнинг вақтинчалик тайинланган фаоллик даражаси бўлиб, у стандарт препарат дозаларига тенг кучли бўлиши мумкин бўлган дозаларни ҳисоблашга асос бўлади;
- синалаётган препаратнинг “фаоллик коэффициенти”: намунавий таҳлил шартларига мувофиқ ҳолда, стандарт препарат ва синалаётган препаратнинг тенг кучли бўлган дозалари нисбати;
- “натижавий фаоллик”: миқдорий аниқлаш натижалари бўйича ҳисобланадиган фаоллик.

9-бўлимда (Белгилар луғати), ушбу иловада фойдаланилган муҳим белгилашлар жадвали келтирилган. Агар бирор матнда ушбу бўлимда келтирилмаган белгилашдан фойдаланилган бўлса ёки бу белгилаш бошқа бирор тушунчани ифодалаш учун қўлланилган бўлса, бу белгилашнинг маъноси ўша матннинг тегишли қисмида келтирилади.

## 2. АЛОҲИДА ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ РАНДОМИЗАЦИЯСИ ВА БОҒЛИҚСИЗЛИГИ

Ҳар хил экспериментал объектлар (ҳайвонлар, пробиркалар ва ҳ.к.) таъсирида препаратларни қўллаш тартиби аниқ, қатъий тасодифийлаштирилган жараёнга асосан амалга оширилиши керак. Синов режасида олдиндан назарда тутилмаган ҳар қандай бошқа синов шартларини танлаб олиш ҳам тасодифий равишда амалга оширилиши шарт. Масалан, лабораториядаги катакларнинг жойлашув ҳолатини ва муолажалар ўтказиш тартибини танлаш. Хусусан, агар тегишли ўзгарувчанлик (масалан, вақтлар ва ҳолатлар ўртасида) манбаи аҳамиятсиз эканлигини тасдиқловчи ишончли далиллар мавжуд бўлмаса, бирор препаратнинг бир хил дозасини қабул қилган ҳайвонлар гуруҳи биргаликда (бир вақтнинг ўзига ёки бир хил ҳолатда) муолажага жалб этилиши мумкин эмас. Бундай тасодифий тайинлаш тартиби *Рандомизация жараёни* деб аталади. Рандомизация жараёнини компьютерда тасодифий миқдорлар генерацияси ёрдамида амалга ошириш мумкин. Ҳар сафар, дастур ишга туширилгандан сўнг, таҳлилчи янги тасодифий миқдорлар кетма-кетлиги генерацияси амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ҳар бир тажриба объектига ажратилган препаратлар имкон қадар мустақил бўлиши керак. Ҳар бир тажриба гуруҳи доирасида ҳар қандай муолажа учун ажратилган эритмалар айнан бир хил дозага эга бўлиш билан бирга алоҳида тайёрланган бўлиши керак. Бундай эҳтиёт чоралари қўрилмаса, препаратнинг ўзига хос бўлган ўзгарувчанлиги экспериментал хатолар вариациясида тўла намоён бўлмайди. Натижада қолдиқ хатолиги етарли аниқликда баҳоланмайди ва бу ўз навбатида, қуйидаги ҳолатларга олиб келади:

- 1) дисперсион таҳлилда асосланмаган қатъийлик мезони (3.2.3- ва 3.2.4-бўлимлар);
- 2) синовлар учун ишонч чегараларининг нотўғри баҳоси, бу баҳо эса 3.2.5-бўлимда кўрсатилганидек, ўртача квадратик четланиш  $s^2$  нинг баҳоларидан топилади.

## 3. МИҚДОРИЙ ЭФФЕКТГА АСОСЛАНГАН МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

### 3.1. СТАТИСТИК МОДЕЛЛАР

#### 3.1.1. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР

Давлат Фармакопеяси (ЎЗРДФ)га киритилган биологик фаолликни миқдорий аниқлаш “суюлтириш таҳлили” тамойилига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий шарти шундан иборатки, синалаётган препаратнинг фаол моддаси (таъсир қилувчи модда) миқдори стандарт препарат миқдори билан бир хилда олинади, аммо унинг фаол ва инерт таркибий қисмлари нисбати стандарт препаратдагига нисбатан фарқ қилади. Бу ҳолда синалаётган препарат назарий жиҳатдан стандарт препаратга инерт таркибий қисмлар қўшиб суюлтириш орқали ҳосил қилиниши мумкин. Бирор таҳлилни “суюлтириш таҳлили” тамойилларига мос келишини текшириш учун стандарт ва синалаётган препаратларнинг “доза-таъсир” муносабатлари боғлиқлигини таққослаш зарур. Агар бу “доза-таъсир” боғлиқлиги сезиларли даражада фарқ қиладиган бўлса, у ҳолда суюлтириш таҳлиliga асосланган назарий модель яроқли эмаслиги келиб чиқади. Стандарт ва синалаётган препаратлар учун “доза-таъсир” муносабатларидаги жиддий тафовутнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, препаратлардан бири фаол моддадан ташқари, инерт бўлмаган, аммо ўлчанилаётган эффектга таъсир кўрсатадиган бошқа таркибий қисмларга эга эканлигидан далолат беради.

Назарий моделда суюлтириш эффектининг ишончли бўлишини таъминлаш учун доза-таъсир боғлиқлиги, дозаларнинг мумкин қадар энг кенг спектрида, чизиқли функция билан ифодалаш самаралидир. Иккита статистик моделлар: параллел чизиқлар модели ва бурчак коэффициенти (оғишлар нисбати) модели, белгиланган биологик фаолликни миқдорий аниқлаш модели сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Бу моделлардан ихтиёрий биттасини қўллаш қуйидаги шартларнинг бажарилишига боғлиқ:

- 1) ҳар хил турдаги муолажалар синов объектларига тасодифий равишда тавсия этилган бўлса;
- 2) ҳар бир муолажага нисбатан таъсир эффекти нормал тақсимланган бўлса;
- 3) ҳар бир муолажалар гуруҳи доирасида стандарт ва синалаётган препаратлар таъсир эффектларининг стандарт оғишлари бир биридан жиддий фарқ қилмаса.

Миқдорий аниқлаш усулини ишлаб чиқишда таҳлилчи бошқа қўллаб миқдорий аниқлаш натижасида олинган маълумотларнинг ушбу назарий шартларни қаноатлантиришига ишонч ҳосил қилиши лозим.

– Биринчи шартнинг бажарилишини 2-бўлимдан самарали фойдаланиш орқали таъминлаш мумкин.

– Иккинчи шарт – бу амалда деярли ҳар доим бажариладиган талаб. Ҳар бир синов бир неча такрорий муолажалардан иборат бўлар экан, ушбу шартдан кичик оғишлар (четлашишлар), умуман олганда, таҳлил жараёнида жиддий камчиликлар келтириб чиқармайди. Шубҳа тугилган тақдирда, нормал тақсимотдан оғишларни



текшириш учун синов (масалан, Шапиро-Уилк (Shapiro-Wilk)<sup>(1)</sup> синов) ўтказиш мумкин.

– Учинчи шартнинг бажарилишини дисперсиялар бир хиллигини текшириш мезони ёрдамида аниқлаш мумкин (масалан, Бартлетт (Bartlett)<sup>(2)</sup> мезони, Кокран (Cochran)<sup>(3)</sup> мезони). Бу мақсадда таҳлил натижаларининг график тасвирини ўрганиш ҳам жуда фойдали бўлиши мумкин (5 - бўлимдаги мисолларга қаралсин).

Юқоридаги 2- ва/ёки 3-шартлар бажарилмаган ҳолда натижаларнинг функционал алмаштирилиши бу шартлар бажарилишининг таъминланишига олиб келиши мумкин. Бундай функционал алмаштиришлар сифатида ушбу  $(\ln y)$ ,  $(\sqrt{y}, y^2)$  функцияларни олиш мумкин.

– Дисперсияларнинг бирхиллиги қониқарли даражада бўлмаган ҳолда олинган натижаларни  $y$  кўринишдан  $\ln y$  логарифмик кўринишга алмаштирилиши фойдали бўлиши мумкин. Бу ҳолда тақсимотнинг, агар  $y$  ўнг томонга силжиган бўлса, нормаллиги ҳам яхшиланиши мумкин бўлади.

– Кузатувлар натижалари Пуассон қонуни бўйича тақсимланган ҳолда натижаларни  $y$  кўринишдан  $\sqrt{y}$  кўринишга алмаштирилиши фойдали бўлади.

– Баъзан, масалан, киритилаётган доза катта эҳтимоллик билан таъқиқланган зонанинг ўлчанган диаметрига эмас унинг юзасига пропорционал бўлса, натижаларни  $y$  кўринишдан  $y^2$  кўринишга алмаштириш мумкин.

Иммунологик таҳлиллар ёки ҳужайра даражасидаги *in vitro* каби таъсир эффекти миқдорида боғлиқ баъзи миқдорий аниқлаш учун катта миқдордаги дозалардан фойдаланилади. Бу дозалар мумкин бўлган барча таъсир эффектлари диапазонини қамраб олувчи эффектни беради ҳамда кенг қамровли “доза-таъсир” нотекис эгри чизигини ҳосил қилади. Бундай эгри чизиклар барча биологик усулда миқдорий аниқлаш учун ҳосил, аммо кўпгина синовлар учун катта миқдордаги дозаларни қўллаш этика нуқтаи назаридан маъқул эмас (масалан, *in vivo* таҳлили) ёки амалда мумкин эмас ва бунда синов мақсадларига чекланган миқдордаги дозалар билан эришиш мумкин бўлади. Одатда, шу сабабали, 3.2-ёки 3.3- бўлимларда келтирилган усулларни қўллаш мумкин бўлиши учун доза-таъсир диапазонининг тегишли алмаштиришлар натижасида чизикли бўлиши мумкин бўлган қисмига дозаларни чеклаш амалиётидан фойдаланилади. Аммо баъзи ҳолларда доза-таъсир эгри чизигини чуқур таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таҳлил учун қўллаш мумкин бўлган битта моделнинг схемаси 3.4-бўлимда келтирилади, унга мос содда мисол эса 5.4-бўлимда кўриб чиқилади.

Яна бир миқдорий аниқлаш категорияси мавжудки, бунда таъсир эффектлари ҳар бир алоҳида синов (муолажа) учун ҳисоблаб бўлмайди, аммо ҳар бир муолажага мос эффект улушини баҳолаш мумкин. Бу категория 4- бўлимда кўриб чиқилади.

### 3.1.2. ОДАТИЙ (КУНДАЛИК) МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

Кундалик миқдорий аниқлаш таҳлилининг амалга оширишда камдан-кам ҳолларда 1- ва 3-шартларни текшириб бориш имконияти бўлади, чунки кузатувларнинг чегараланган сони статистик синовларнинг сезгирлигига салбий таъсир этиши мумкин. Бирок,

статистиклар томонидан ишотланганки, симметрик мувозанатдаги тажрибаларда дисперсия бир жинслиги ва тақсимотнинг нормаллигидан кичик оғишлар миқдорий аниқлаш натижаларига жиддий таъсир этмайди. Агар бир қанча тажрибалар натижалари ишончлилиги шубҳали бўлган маълумотларни бера бошласа, статистик моделнинг қўлланилишини мақсадга мувофиқлигига шубҳа қилиш мумкин. Бунда 3.1.1-бўлимда келтирилгани каби бирламчи тадқиқотларнинг янги кетма-кетлигини бажариш зарурати пайдо бўлиши мумкин.

Қўлланилаётган статистик моделга қараб яна 2 та қўшимча шартни бажарилишини назорат қилиш керак:

– параллел чизиклар модели учун:

4А) қўлланилаётган дозалар диапазонида доза ва таъсир эффекти логарифми нисбати тўғри чизик билан ифодаланиши мумкин; бу чизикни “логарифмик доза-таъсир эгри чизиги” деб номланади;

5А) ҳар қандай синалаётган препарат учун логарифмик доза-таъсир эгри чизиги стандарт препаратнинг мос тўғри чизигига параллел бўлади;

– бурчак коэффиценти (оғишлар нисбати) модели учун:

4В) қўлланилаётган дозалар диапазонида дозанинг таъсир эффектига нисбати, ҳар бир синалаётган препарат учун, тўғри чизик кўринишида ифодаланиши мумкин; бу чизикни “доза-таъсир чизиги” деб номланади;

5В) синалаётган ҳар қандай препарат учун доза-таъсир чизиги ўқини (ноль дозада) стандарт препаратнинг чизиги билан айнан битта нуқтада кесиб ўтади (бошқача айтганда, таҳлил давомида барча синалаётган препаратларнинг эффект функцияси графиги стандарт препаратнинг эффект функцияси графиги билан бир нуқтада кесишиши керак);

4А ва 4В шартларнинг бажарилиши фақат ҳар бир синалаётган препаратнинг камида учта эритмаси иштирок этган тажрибада тасдиқланиши мумкин. Битта ёки иккита эритмалар иштирокидаги миқдорий аниқлаш фақат шундай ҳолларда асосли бўлиши мумкинки, бунда тажрибалар чизиклилиги шарт, параллелик ёки кесишиш нуқталари устма-уст тушиши шартларининг мунтазам бажарилишини йиғилган тажрибалар тасдиқласа.

Миқдорий аниқлаш усули натижалари жамлангандан кейин ва ҳар бир препаратнинг нисбий фаоллигини ҳисоблашдан олдин 4А ва 5А (ёки 4В ва 5В) шартларнинг бажарилишини текшириш мақсадида дисперсион таҳлил бажарилади. Бунинг учун квадратларнинг умумий йиғиндиси бажарилиши керак бўлган ҳар бир шартга мос келувчи муайян сондаги квадратлар йиғиндисига ажратилади. Қолган квадратлар йиғиндиси тажрибанинг қолдиқ хатолигини ифодалайди ва  $F$ -нисбатлар ёрдамида бу хатолик билан тегишли вариация манбаларининг аҳамияти таққосланиши мумкин.

Натижаларнинг ишончлилиги қафолатлангандан кейин ҳар бир синов намунасининг стандарт препаратга нисбатан фаоллиги ҳисобланиши ва фаоллик коэффиценти сифатида ифодаланиши ёки синалаётган препаратга мос келувчи бирор бирликка, масалан, Халқаро Санок Бирликлари тизимига ўтказилиши мумкин. Ҳар бир синов натижалари маълумотлари тўпламига кўра ишончлилиги интервали ҳам баҳолалиши мумкин.

(1) Wilk, B. and Shapiro, S.S. (1968). Ҳар хил боғлиқсиз намуналарнинг нормаллигини қўшма баҳолаш, *Technometrics* 10, 825-839

(2) Bartlett, M.S. (1937). Етарлилик хусусиятлари ва статистик синовлар, *Proc. Roy. Soc. London, A* серия 160, 280-282.

(3) Cochran, W.G. (1951). Оғишлар орасидаги чизикли муносабатлар синов, *Biometrics* 7, 17-32.

3.2-бўлим параллел чизиклар моделига асосланган микдорий аниқлашлар усули муҳокамасига бағишланган, 3.3-бўлимда эса бурчак коэффициентлари моделига асосланган тахлилларга тўхталамиз.

Агар санаб ўтилган бешта шартларнинг (1, 2, 3, 4А, 5А ёки 1, 2, 3, 4В, 5В) бирортаси бажарилмаса, ушбу бўлимда келтирилган ҳисоблаш усулларини қўллаш мумкин эмас ва микдорий таҳлил усули тартибини ўрганиб чиқиш керак.

Агар ушбу шартларнинг бажарилмаслиги тасодиф бўлмай балки синов шароитларининг мунтазам ўзгариб туриши билан боғлиқ эканлиги тасдиқланмагунча таҳлилчи натижалар учун бошқа хил алмаштиришлар қабул қилмаслиги керак. Бу ҳолда, одатий синовлар учун янги хил алмаштиришлар қабул қилингунга қадар, 3.1.1-бўлимда баён этилган синовлар такрорланиб турилиши керак.

Стандарт материал билан намуналарни таққослаш ўтказиладиган одатий тахлилларда параллел бўлмаганлиги ёки чизикли бўлмаганлиги туфайли келиб чиқадиган кўп сондаги нотўғри натижалар, одатда, такрорийлиги етарлича бўлмаган синовлар қўлланилганлигини билдиради. Бу ҳолат одатда, микдорий аниқлашга таъсир этувчи ўзгарувчанликнинг барча манбаларини тўлиқ эътиборга олинмаслиги сабабли келиб чиқади ва натижада қолдиқ хатоликнинг нотўғри баҳолалинишига, оқибатда эса  $F$ -нисбатнинг катта қиймати ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Битта микдорий аниқлаш доирасида ўзгарувчанликнинг мумкин бўлган барча манбаларини ҳисобга олиш ҳар доим ҳам мумкин бўлмайди (масалан, лаборатория ичидаги ўзгаришлар). Бундай ҳолда битта препарат устида ўтказилган такрорий микдорий аниқлаш тахлилининг ишончлилиқ интерваллари бир-бирига қониқарли даражада мос келмаслиги мумкин ва алоҳида ишончлилиқ интервалларини баҳолашда эҳтиёткорликни талаб қилади. Ишончлилиқ интервалини янада аниқроқ баҳосини олиш учун бир неча боғлиқсиз микдорий аниқлашлар ўтказиш ва уларни бирлаштириб, битта фаоллик баҳоси ва битта ишончлилиқ интервалини олиш керак (6-бўлимга қаралсин).

Кундалиқ микдорий аниқлашларнинг сифатини назорат қилиш мақсадида регрессия коэффициентлари ва қолдиқ хатоларининг қийматлари қайд этиб бориладиган назорат карталарини юритиш тавсия этилади.

– Юқори даражадаги қолдиқ хатоликлари бирор техник муаммолар мавжудлигидан дарак бериши мумкин. Бу ҳолларни текшириб кўриш керак ва агар синов давомида бирор амал нотўғри бажарилганлиги маълум бўлса, синов қайта бажарилиши зарур. Шунингдек хатоликнинг фавқулодда юқори даражаси тасодифий катта оғиш ёки хато ўлчаш натижаси бўлиши мумкин. Микдорий аниқлашни хато бажариб олинган шубҳали натижалар рад этилади. Агар натижалар қайд қилингандан кейин ҳам аномаль талқиндаги маълумотлар аниқланса ва улар синовни хато ўтказилганлик оқибати эканлиги асосланса, уларни, натижаларни баҳолашдан олиб ташлаш мақсадга мувофиқ. Аномаль натижаларни кўр-кўрона рад этиш ёки қабул қилиш жиддий хатоликларга асос бўлиши мумкин. Умуман олганда кузатув натижаларидан, уларнинг оқибатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги туфайли, воз кечиш тавсия этилмайди.

– Вақти-вақти билан қолдиқ хатолигининг етарлича паст кўрсаткичи кузатилиши мумкин, бу  $F$ -нисбатларнинг критик қийматлардан ортиб кетишига олиб келади.

Бундай ҳолларда алоҳида микдорий аниқлаш синов натижасида олинган қолдиқ хатолиги назорат карталарида қайд этиб борилган статистик маълумотлар асосида ҳисобланган ўртача хатолик кўрсаткичи билан алмаштирилиши асосли деб ҳисоб-ланиши мумкин.

### 3.1.3. ҲИСОБЛАШЛАР ВА ЧЕКЛОВЛАР

Синовларни тўғри режалаштиришнинг умумий тамойилларига кўра одатда, таҳлил режасига қуйидаги учта чекловлар қўйилади. Бу чекловлар ҳисоблашларни соддалаштириш учун ҳам, натижалар аниқлигини таъминлашда ҳам афзалликлар яратади.

- Тахлилда ҳар бир синалаётган препарат эритмаларининг сони бир хил бўлиши керак.
- Параллел чизиклар моделида барча муолажалар учун қўлланиладиган кетма-кет дозалар нисбати синовлар давомида бир хил бўлиши керак; бурчак коэффициенти моделида кетма-кет киритиладиган дозалар орасидаги вақт оралиғи бир хил бўлиши керак.
- Ҳар бир муолажада тажриба объектлари сони бир хил бўлиши керак.

Агар қўлланилаётган режа схемаси (дизайни) ушбу чекловларга жавоб берса, ҳисоблашлар соддалашади. Ҳисоблаш формулалари 3.2- ва 3.3-бўлимларда келтирилган. Ушбу мақсад учун махсус ишлаб чиқилган дастурлардан фойдаланиш тавсия этилади. Монографияларда келтирилган барча таҳлил схемаларига осон мос келувчи бир қанча дастурий тизимлар мавжуд. Ҳамма дастурлар ҳам бир хил формула ва алгоритмлар билан ишламайди, аммо уларнинг барчаси бир хил натижалар бериши керак.


Юқоридаги чекловларга жавоб бермайдиган микдорий аниқлаш режалари фойдаланиш учун яроқли ва тўғри бўлиши мумкин, бироқ бу схемалар учун зарур бўлган формулалар жуда мураккаб бўлганлиги сабабли уларни бу бўлимда баён қилинмайди. Ҳисоблаш усулларининг қисқача баёни 7.1-бўлимда келтирилган. Бу усуллар нисбатан тор схемаларда ҳам қўлланилиши мумкин, ва бу ҳолда улар содда формулалар кўринишига келади.

Бундай формулалардан, масалан, электрон жадвал ёрдамида махсус дастурларни яратиш учун фойдаланиш мумкин. Статистик маълумотларни аниқроқ тушуниш ва бундай дастурлар натижалари тўғрилигини текширишда, масалан, 5-бўлимда келтирилган мисоллардан фойдаланиш мумкин.

## 3.2. ПАРАЛЛЕЛ ЧИЗИҚЛАР МОДЕЛИ

### 3.2.1. КИРИШ

Параллел чизиклар модели 3.2.1-1-расмда график кўринишда тасвирланган. Дозаларнинг логарифмлари абсцисса ( $x$ ) ўқи бўйлаб шундай жойлашадики, уларнинг қийматлари чапдан ўнга қараб ўсиб боради. Кузатилган эффектларнинг қийматлари ордината ( $y$ ) ўқи бўйлаб жойлашган. Ҳар бир муолажа учун алоҳида эффект қийматлари қора нуқталар билан кўрсатилган. Иккита чизик эса стандарт ва синалаётган препаратлар учун доза ( $\ln(\text{доза})$ )-эффект) логарифмларининг ҳисобланган нисбатини билдиради.



3.2.1-1-расм. — 3+3 миқдорий аниқлаш учун параллел чизиклар модели.

**Изоҳ:** Ушбу бўлимдаги барча ҳолларда натурал логарифм ( $\ln$  ёки  $\log_e$ ) қўлланилади. “Антилогарифм” атамаси қўлланилган ҳолларда,  $e^x$  қиймат назарда тутилади. Бироқ, ўнли логарифмдан ( $\log$  ёки  $\log_{10}$ ) ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ҳолга мос “антилогарифм” нинг қиймати  $10^x$  га тенг.

Миқдорий аниқлашнинг қониқарли даражада бўлиши учун синалаётган препаратнинг тахмин қилинган фаоллиги ҳақиқий фаолликка яқин бўлиши керак. Синалаётган препаратнинг ушбу тахмин қилинган фаоллиги ва стандарт препаратнинг тасдиқланган фаоллиги асосида бир хил (мумкин қадар) фаолликка эга бўлган эритмалар тайёрланади, яъни стандарт ва синалаётган препаратнинг мос дозалари бир хил таъсир эффектини бериши керак. Агар синалаётган препаратнинг тахмин қилинган фаоллиги ҳақида маълумотлар бўлмаса, эгри чизикнинг тўғри чизикли хусусиятга эга бўладиган кенг дозалар спектрида дастлабки синовлар ўтказилиши керак.

Синалаётган препаратнинг тахмин қилинган фаоллиги қанча аниқ бўлса, бу чизиклар бир-бирига шунча яқин бўлади, чунки бир хил дозаларда ушбу препаратлар бир хил таъсир эффекти бериши керак. Чизиклар орасидаги горизонтал масофа синалаётган препаратнинг унинг тахмин қилинган фаоллигига нисбатан “ҳақиқий” фаоллиги қийматини билдиради. Чизиклар орасидаги масофа қанча катта бўлса, синалаётган препаратнинг тахмин қилинган фаоллиги шунча ноаниқ бўлади. Агар синалаётган препаратга мос келувчи чизик стандарт препаратнинг чизигидан ўнг томонга силжиган бўлса, у ҳолда тахмин қилинган фаоллик ҳаддан ташқари орттирилган ва натижавий фаоллик тахмин қилинган фаолликдан паст бўлади. Худди шу каби, агар синалаётган препаратга мос келувчи чизик стандарт препаратнинг чизигидан чап томонга силжиган бўлса, у ҳолда тахмин қилинган фаоллик паст баҳоланган ва натижавий фаоллик тахмин қилинган фаолликдан юқори бўлади.

### 3.2.2. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ УСУЛИ РЕЖАСИ

Синовлар режасининг аниқлигини оптималлаштириш учун қуйидаги талабаларга риоя этиш фойдали бўлади:

1) бурчак коэффициентлари ва қолдиқ хатолар нисбати имкон қадар катта бўлиши керак;

2) дозалар диапазони максимал катта бўлиши керак;

3) чизиклар бир-бирига имкон қадар яқин бўлиши керак, яъни тахмин қилинган фаоллик ҳақиқий фаолликка етарлича яқин бўлиши керак.

Хар хил таъсир усуллари учун синов объектилари (жониворлар, тиббий найчалар ва ҳ.к.) турли хил усулларда тақсимланиши мумкин.

#### 3.2.2.1. Тўлиқ рандомизацияланган схема

Агар синов объектилари тўпламини етарлича бир хил деб ҳисоблаш мумкин бўлса ва бирор усулда тузилган кичик гуруҳлар ичида таъсир эффектнинг вариацияси кичик бўлади деб ҳисоблашга асос бўлмаса, синов объектиларини турли эффектларга эга гуруҳларга тақсимлаш тасодифий схемада амалга оширилиши керак.

Агар кичик гуруҳлардаги объектилар, худди жойлашган ҳолати ёки синов ўтказиладиган кунлар каби умумий гуруҳ объектиларига қараганда бир хил турда бўлса, синовлар схемасига бир ёки бир неча чекловлар киритиш орқали миқдорий аниқлаш натижалари аниқлигини ошириш мумкин. Бундай чекловлар ёрдамида объектиларни эҳтиёткорлик билан тақсимлаш ортиқча вариация манбаларини бартараф қилиш имконини беради.

#### 3.2.2.2. Рандомизацияланган блоклар режаси

Ушбу режада, масалан, синовдаги жониворларнинг чиқиндиси орасидаги сезгирлик вариацияси ёки диффузияли микробиологик таҳлилда Петри чашкалари орасидаги вариация каби аниқланиши мумкин бўлган вариация манбалари фарқланиши мумкин. Ушбу режага мувофиқ, хар бир муолажа хар бир блокда бир хил марта такрорланиши керак (чиқинди ёки Петри чашкаси) ва блок барча процедураларни бир вақтда қабул қила оладиган даражада катта бўлганда мос келади. Бу 5.1.3-бўлимда келтирилган. Такрорий рандомизацияланган режа схемасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Муолажалар хар бир блок орасида тасодифий тақсимланиши лозим. 8.5-бўлимда тасодифий ўрин алмаштиришлар ҳосил қилиш алгоритми келтирилган.

#### 3.2.2.3. Лотин квадрати схемаси бўйича тажриба режаси

Ушбу режа кузатилаётган эффектга хар бири  $k$  та хар хил даража ва ўринлар билан характерланувчи икки хил вариация манбалари таъсири остида қолиши мумкин бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, чашкалардан фойдаланган ҳолда, антибиотиклар миқдорий аниқланганда, изланишлар  $k \times k$  ўлчамли матрица шаклидаги планшетда ташкил этилиши мумкин, бунда хар бир таъсир эттириш хар бир устун ва хар бир сатрда бир марта амалга оширилади. Ушбу схема қаторлар сони, устунлар сони ва муолажалар сони бир хил бўлган ҳол учун мос келади. Натижалар Лотин квадрати деб номланувчи квадратда қайд этиб борилади.  $k$  та сатр ва  $k$  та устунлар эффектлари орасидаги фарқлар туфайли вужудга келган вариацияларни гуруҳлаш мумкин, бу эса хатоликнинг камайишини таъминлайди. 5.1.2-бўлимда Лотин квадрати схемасининг тадбиқига оид мисол келтирилган. Лотин квадратларини қуриш алгоритми 8.6-бўлимда тавсифланган. Баъзи ҳолларда битта Лотин квадрати доирасида бир ёки бир неча муолажалар такрорланадиган, нисбатан мураккаброқ бўлган схемадан фойдаланиш мумкин. Мазкур бўлимда келтирилган содда формулалар бундай схемалар учун мос келмайди, шунинг учун малакали мутахассис маслаҳатини олиш зарур бўлади.

**3.2.2.4. Кесишма режа**

Ушбу режадан тажрибани блокларга ажратиш мумкин бўлган ҳолда фойдаланиш мумкин, бироқ ҳар бир блокда фақат иккита муолажани қўллаш мумкин. Бундай блок сифатида, масалан, икки марта синовдан ўтказилиши мумкин бўлган синов объекти олиниши мумкин. Мазкур режа эффект даражалари бир хил бўлган иккита тажрибада объектлар орасидаги натижалар тафовутларини йўқ қилиш ҳисобига аниқликни ошириш учун мўлжалланган. Агар стандарт ва намуна препаратларининг иккита дозаси синалаётган бўлса, бундай режа иккиланган кесишма режа деб аталади.

Тажриба етарлича вақт оралликлари билан 2 қисмга бўлинади. Синов объектлари 4 гуруҳга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ тажрибанинг биринчи қисмида 4 таъсирдан биттасини қабул қилади.

Синовнинг биринчи қисмида битта препарат қабул қилган объект иккинчи қисмда иккинчи препаратни қабул қилади, синовнинг биринчи қисмида кичик дозаларни қабул қилган объект иккинчи қисмда катта дозаларни қабул қилади. Дозаларнинг тақсимланиш тартиби 3.2.2-1-жадвалда кўрсатилган. 5.1.5-бўлимда режани қўлланилишига оид мисол келтирилган.

3.2.2-1-жадвал. – Кесишма режадан фойдаланган ҳолда дозаларнинг тақсимланиши.

Синов объектлари гуруҳи	I босқич	II босқич
1	$S_1$	$T_2$
2	$S_2$	$T_1$
3	$T_1$	$S_2$
4	$T_2$	$S_1$

**3.2.3. ДИСПЕРСИОН ТАҲЛИЛ**

Ушбу бўлимда дисперсион таҳлилни ўтказишда зарур бўлган формулалар келтирилган. 5.1-бўлимда эса бу формулаларнинг вазибаларини тушунишга ёрдам берадиган аниқ мисоллар тақдим этилган. Шунингдек, зарур бўлганда, атамалар ва шартли белгилар рўйхати (9-бўлим) мурожаат қилиш мумкин.

Келтирилган формулалар бир ёки бир неча синаладиган препаратлар ( $T$ ,  $U$  ва бошқалар) стандарт препарат ( $S$ ) билан таққосланадиган симметрик микдорий аниқлашлар учун фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, бу формулалар фақат қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: дозалар сони бир-биридан бир хил сонга фарқ қилса, барча препаратлар учун дозаларнинг таъсир даражаси бир хил бўлса ва ҳар бир дозанинг қўлланилиш сони бир хил бўлса. Бу шартлар бажарилмаган ҳолда келтирилган формулаларни статистик таҳлилда қўллаш мумкин эмас.

Хатоликларга оид баъзи фарқларни ҳисобга олмганда, тўла Рандомизацияланган режа, Рандомизацияланган блоклар схемаси ва Лотин квадратлари учун синовлар натижаларини статистик таҳлил усуллари бир хил. Кесишма режалар учун формулалар сезиларли даражада фарқ қилади ва улар 5.1.5-мисолда келтирилган.

3.1-бўлимдаги мулоҳазаларга асосланиб ва зарур ҳолда таъсир эффекти натижаларини функционал алмаштирган ҳолда, 3.2.3-1-жадвалда келтирилгани каби ҳар бир гуруҳ ва препаратнинг ҳар бир дозаси учун ўртача қийматни ҳисоблаш керак. Шунингдек,  $\ln(\text{доза})$ -эффект чизигига оид чизиқчилик контрастини ҳисоблаб топиш

лозим. 3.2.3-2-жадвалда дисперсион таҳлил учун зарур бўлган учта қўшимча формулалар келтирилган.

Натижаларнинг турли препаратлар таъсири кетма-кетликлари натижасида келиб чиқадиган умумий дисперсияси 3.2.3-3-жадвалда баён қилинган тарзда турларга ажратилади; бунда квадратлар йиғиндиси 3.2.3-1- ва 3.2.3-2-жадваллардаги маълумотлар асосида ҳисобланади. Чизиқсизлик шартига бўйича квадратлар йиғиндиси фақат шундай ҳол учун ҳисобланиши мумкинки, агарда таҳлил давомида ҳар бир препаратнинг камида учта дозаси қўлланилган бўлса.

Микдорий аниқлаш натижасининг қолдиқ хатолари тажриба схемасига асосан ҳосил бўлган вариацияларни эффектнинг умумий вариациясидан ажратиш йўли орқали ҳисобланади (3.2.3-4-жадвал). Бу жадвалда  $\bar{y}$  белги микдорий аниқлаш якунига кўра олинган барча натижаларнинг ўртача қийматини ифодалайди. Шунини таъкидлаш зарурки, Лотин квадрати схемаси учун такрорланишлар сони ( $n$ ) лотин квадратининг қаторлари, устунлари ёки тасирлар даражалари (дозалар кетма-кетлиги) ( $dh$ ) сонига тенгдир.

Дисперсион таҳлил қуйидагича якунланади. Квадратлар йиғиндиларининг ҳар бирини мос эркинлик даражасига бўлиш орқали дисперсия (ўртача квадратик четланиш) топилади. Кейин эса ҳар бир ўзгарувчи учун дисперсияни қолдиқ хатолигига ( $s^2$ ) нисбатининг статистик аҳамияти баҳоланади ( $F$ -нисбат). Бунинг учун 8.1-жадвалдан ёки тегишли компьютер дастурий таъминотидан фойдаланиш мумкин.

**3.2.4. ИШОНЧИЛИКНИ ТЕКШИРИШ**

Агарда дисперсион таҳлил натижаларига кўра қуйидагилар олинган бўлса, микдорий аниқлаш таҳлили натижалари статистик жиҳатдан ишончли деб ҳисобланади.

1) Бажарилган ҳисоб-китоблар чизиқли регрессиянинг аҳамиятчилигидан далолат берса, яъни топилган эҳтимоллик 0,05 дан кичик бўлса. Агар бу шартлар бажарилмаса, ишончилилик интервали 95 % ишонч билан топиш мумкин бўлмайди;

2) Ҳисоб-китоблар нопараллеллик аҳамиятсиз эканлигини кўрсатади, яъни ҳисоблаб топилган эҳтимоллик 0,05 дан кам эмас. Бу эса 3.1-бўлимда келтирилган 5А шартнинг бажарилишини билдиради;

3) Ҳисоб-китоблар чизиқсизлик аҳамиятсиз эканлигини кўрсатади, яъни ҳисоблаб топилган эҳтимоллик 0,05 дан кам эмас. Бу эса 3.1-бўлимда келтирилган 4А шартнинг бажарилишини билдиради.

Такрорий таҳлилларда параллелликдан сезиларли даражада оғиш даражаси синовларда киритилган препаратларнинг бири учун  $\ln(\text{доза})$ -эффект чизигининг бурчак коэффициенти бошқа препаратнинг худди шундай қийматидан фарқланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолда бутун синовлар натижаларини ишончсиз деб қабул қилишдан кўра ушбу препаратга тааллуқли барча маълумотларни инкор этиб, статистик синовни дастлабки қадамдан қайтадан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил натижаларининг статистик ишончилиги ўрнатилгандан кейин, препаратларнинг фаоллиги ва ишончилилик интервалларининг чегаралари қуйидаги бўлимда келтирилган усуллар ёрдамида ҳисобланиши мумкин.

3.2.3-1-жадвал. – Параллел чизиқ моделидан фойдаланган ҳолда ҳар бир препаратнинг дозалари ( $d$ ) билан миқдорий аниқлаш учун формулалар

	Стандарт препарат (S)	1-синалаётган препарат (T)	2- синалаётган препарат (U, ва бошқалар)
Минимал дозанинг ўртача эффекти	$S_1$	$T_1$	$U_1$
Иккинчи дозанинг ўртача эффекти	$S_2$	$T_2$	$U_2$
...	...	...	...
Максимал дозанинг ўртача эффекти	$S_d$	$T_d$	$U_d$
Препаратнинг умумий эффекти	$P_S = S_1 + S_2 + \dots + S_d$	$P_T = T_1 + T_2 + \dots + T_d$	$P_U = \dots$ в.х.к.
Чизиқли контраст	$L_S = 1S_1 + 2S_2 + \dots + dS_d - \frac{1}{2}(d+1)P_S$	$L_T = 1T_1 + 2T_2 + \dots + dT_d - \frac{1}{2}(d+1)P_T$	$L_U = \dots$ в.х.к.

3.2.3-2-жадвал. – Дисперсион таҳлил учун формулалар

$H_P = \frac{n}{d}$	$H_L = \frac{12n}{d^3 - d}$	$K = \frac{n(P_S + P_T + \dots)^2}{hd}$
---------------------	-----------------------------	---

3.2.3-3-жадвал. – Квадратчалар йиғиндиси ва еркинлик даражалари сонини ҳисоблаш формуллари.

Вариация манбаи	Эркинлик даражаси ( $f$ )	Квадратлар йиғиндиси
Препаратлар	$h-1$	$SS_{\text{prep}} = H_P(P_S^2 + P_T^2 + \dots) - K$
Чизиқли регрессия	1	$SS_{\text{reg}} = \frac{1}{h} H_L(L_S + L_T + \dots)^2$
Нопараллеллик	$h-1$	$SS_{\text{par}} = H_L(L_S^2 + L_T^2 + \dots) - SS_{\text{reg}}$
Чизиқсизлик	$h(d-2)$	$SS_{\text{lin}} = SS_{\text{treat}} - SS_{\text{prep}} - SS_{\text{reg}} - SS_{\text{par}}$
Таъсир даражаси (Дозалар кетма-кетлиги)	$hd-1$	$SS_{\text{treat}} = n(S_1^2 + \dots + S_d^2 + T_1^2 + \dots + T_d^2) - K$

(\*) Икки дозали миқдорий аниқлаш учун ҳисобланмайди

3.2.3-4-жадвал. – Қолдиқ хатони ҳисоблаш

Вариация манбаи	Эркинлик даражаси	Квадратлар йиғиндиси
Блоклар (қаторлар) (*)	$n-1$	$SS_{\text{block}} = hd(R_1^2 + \dots + R_n^2) - K$
Устун (**)	$n-1$	$SS_{\text{col}} = hd(C_1^2 + \dots + C_n^2) - K$
Қолдиқ хато (***)	$hd(n-1)$ $(hd-1)(n-1)$ $(hd-2)(n-1)$	$SS_{\text{res}} = SS_{\text{tot}} - SS_{\text{treat}}$ $SS_{\text{res}} = SS_{\text{tot}} - SS_{\text{treat}} - SS_{\text{block}}$ $SS_{\text{res}} = SS_{\text{tot}} - SS_{\text{treat}} - SS_{\text{block}} - SS_{\text{col}}$
Умумий вариация	$nhd-1$	$SS_{\text{tot}} = \sum (y - \bar{y})^2$

Лотин квадратлари режалари учун формулаларни фақат  $n=hd$  ҳолдагина қўллаш мумкин

(\*) Тўлиқ рандомизациялаштирилган режалар учун ҳисобланмайди

(\*\*) Фақат лотин квадратлар режаси учун ҳисобланади

(\*\*\*) Режанинг турига боғлиқ

## 3.2.5. ФАОЛЛИК ВА ИШОНЧИЛИК ИНТЕРВАЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Агар  $I$  орқали ихтиёрий препаратнинг кетма-кет дозалари қийматлари нисбатининг логарифмини белгиланса, у ҳолда ҳар бир препаратдан  $d$  дозадаги намуна иштирок этган таҳлиллар учун умумий бурчак коэффициенти ( $b$ ) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$b = \frac{H_L(L_S + L_T + \dots)}{Inh} \quad (3.2.5. -1)$$

Синалаётган препаратнинг фаоллик нисбатининг логарифми, масалан,  $T$  қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$M'_T = \frac{P_T - P_S}{db} \quad (3.2.5. -2)$$

Ҳисоблаб топилган фаоллик қиймати ҳар бир синалаётган препарат учун “ҳақиқий фаоллик” баҳосидир. Ишончилиқ интервалларининг чегаралари қуйидаги ифодани антилогарифми сифатида ҳисобланиши мумкин:

$$CM'_T \pm \sqrt{(C-1)(CM'^2_T + 2V)} \quad (3.2.5.-3)$$

ушбу ифодада;

$$C = \frac{SS_{\text{reg}}}{SS_{\text{reg}} - s^2 t^2} \quad \text{ва} \quad V = \frac{SS_{\text{reg}}}{b^2 dn}$$

$t$  миқдорнинг қийматини 8.2-жадвалдан  $p = 0,05$  ва эркинлик даражалари сони қолдиқ хатоликнинг эркинлик даражалари сонига тенг ҳолда топиш мумкин. Фаоллик баҳоси ( $R_T$ ) ва мос ишончилиқ интерваллари чегаралари натижалар антилогарифмини  $A_T$  миқдорга қўпайтириш орқали аниқланади. Агар тахмин қилинган ва қутилаётган натижавий фаоллик асосида тайёрланган дастлабки эритмалар фаолликлари ўзаро тенг эмаслиги намоён бўлса, тузатиш коэффициентини амалга киритилиши зарур (5.1.2- ва 5.1.3-мисолларга қаралсин).

### 3.2.6. ТУШИРИБ ҚОЛДИРИЛГАН ҚИЙМАТЛАР

Мувозанатланган миқдорий аниқлашда, синовларга мутлақо боғлиқ бўлмаган сабаблар, масалан, синалаётган жониворнинг ўлими оқибатида бир ёки бир неча синов натижаларининг йўқотилиш эҳтимоллиги мавжуд. Агар синалаётган жониворнинг ўлими қўлланилаётган препаратнинг таркибига боғлиқ эмаслиги асосланса, у ҳолда аниқ ҳисоб-китоблар бажариш имконияти сақланиб қолади, аммо ҳисоблаш формулалари сезиларли мураккаблашади ва улар фақат умумий чизикли моделлар доирасида берилиши мумкин бўлади (7.1-бўлимга қаралсин). Бироқ, йўқотилган натижаларни ҳисобланган қийматлар билан алмаштириш орқали мувозанатланган схеманинг соддалиги сақлаб қолинадиган тақрибий ҳисоблаш усуллари мавжуд. Маълумотларнинг йўқотилиши қуйидагича ҳисобга олинади: квадратларнинг умумий йиғиндиси ва қолдиқ хатоликнинг эркинлик даражалари сони йўқотилган натижалар сонигача камайтирилади, йўқотилган қийматларни ҳисоблаш учун эса қуйида келтирилган формулаларнинг биридан фойдаланилади. Шунинг назарда тутиш лозимки, мазкур усул тақрибий ҳисоблашлардан иборат, ва амалда аниқ ҳисоб-китобларга устувор эътибор қаратиш керак. Бир неча натижалар йўқотилган ҳолда ҳам бу формулалардан фойдаланиш мумкин.

Бундай ҳолда, биттадан ташқари тушириб қолдирилган қийматлар учун қўпол тақрибий баҳолашлар бажарилади. Бунинг учун қийматлар барча мавжуд маълумотларни, жумладан, ҳосил бўлган қўпол хатоликларни ҳисобга олган ҳолда тегишли формулалар ёрдамида ҳисобланади. Ушбу ҳисобланган қийматлар умумий маълумотлар каторига киритилади ва қўпол баҳолашнинг биринчиси учун қийматлар шунга ўхшаш ҳисобланади. Тушириб қолдирилган қийматлар ҳисоблангандан кейин ҳар бир натижанинг формуладан фойдаланиб аниқроқ баҳоланган ёки ҳисобланган қийматлари учун бутун цикл бошдан такрорланади. Бундай ҳисоблаш цикллари кетма-кет иккита цикл бир хил қийматларни бермагунича такрорланади. Одатда бунга тезда эришилади.

Агар алмаштирилган натижалар сони тажрибадаги маълумотларнинг умумий сонига нисбатан кўп бўлмаса (масалан, 5 % дан кам) йўқотилган маълумотлар сонича эркинлик даражаларини камайтириш орқали ушбу алмаштиришдаги яқинлаштиришлар одатда қониқарли бўлади. Олинган натижалар, айниқса, бир хил таъсир даражасида ёки блокда ўтказиб юборилган натижалар

мавжуд бўлса, жуда эҳтиёткорлик билан талқин қилиниши керак. Ноаниқлик ёки қутилмаган ҳолатларда биостатистика бўйича мутахассис билан маслаҳатлашиш лозим. Такрорланмайдиган синовлар учун ўтказиб юборилган натижаларни алмаштириш мақбул ҳисобланмайди.

#### Ўтказиб юборилган қийматлар режа.

Бу ҳолда, ўтказиб юборилган қиймат бир хил таъсир даражасида (дозада) олинган барча бошқа натижаларнинг ўртача арифметик қиймати билан алмаштирилиши мумкин.

#### Рандомизациялаштирилган блоклар схемаси

Ўтказиб юборилган қиймат қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$y' = \frac{nB' + kT' - G'}{(n-1)(k-1)} \quad (3.2.6.-1)$$

бунда  $B'$  - йўқотилган қийматни ўз ичига олган блокдаги натижалар йиғиндиси,  $T'$  - блок доирасида (препарат дозаси) таъсирининг умумий сони,  $G'$  - миқдорий аниқлашда олинган барча натижалар йиғиндиси.

#### Лотин квадрати схемаси

Ўтказиб юборилган қиймат  $y'$  қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$y' = \frac{k(B' + C' + T') - 2G'}{(k-1)(k-2)} \quad (3.2.6.-2)$$

бунда  $B'$  ва  $C'$  мос равишда йўқолган қийматни ўз ичига олган сатр ва устундаги натижалар йиғиндиси. Мазкур ҳолда  $k = n$ .


#### Кесишма режа

Агар кесишма режадан фойдаланилганда миқдорнинг қийматлари тасодифан йўқотилган бўлса, статистикадан қўлланмага мурожаат қилиш лозим (масалан, қуйидаги йўриқномага: D.J. Finney, 10-бўлимга қаралсин), чунки у ёки бу формуладан фойдаланиш таъсир даражаларининг (дозаларнинг) муайян комбинациясига боғлиқ.

### 3.3. БУРЧАК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ МОДЕЛИ

#### 3.3.1. КИРИШ

Ушбу модел, масалан, микробиологик усуллар ёрдамида баъзи миқдорий аниқлашларда қўлланиши мумкин, бунда боғлиқсиз ўзгарувчи микроорганизмлар учун зарур бўлган озуқа муҳитидаги асосий ўсиш омилнинг оптимал концентрациядан паст концентрациясини ифодаловчи катталиқ. 3.3.1-1-расмда бурчак коэффициенти модели акс эттирилган.



3.3.1-1-расм. —  $2 \times 3 + 1$  миқдорий аниқлаш учун бурчак коэффициентлари модели.

Горизонтал ўқ бўйича дозалар қийматлари белгиланади; координаталар ўқининг бошланиши нол дозага мос келади; дозалар қийматлари чапдан ўнгга томон ошиб боради. Олинган натижа кўрсаткичлари эса вертикал ўқда белгиланади. Ҳар бир таъсир даражаси (дозаси) учун натижалар қора нуқталар шаклида кўрсатилади. Стандарт ва синалаётган препаратлар учун доза миқдори ва таъсир самараси орасидаги боғланишлар графикда икки тўғри чизик кўринишида келтирилган, бунда улар нол дозага мос келадиган нуқтада бир-бири билан кесишади деб фараз қилинади. Параллел чизиклар моделидан фарқли ўлароқ, бу моделда дозалар қийматлари логарифм шаклида келтирилмайди.

Параллел чизиклар моделига асосланган миқдорий таърифлашда бўлгани каби, тахмин қилинаётган фаоллик имкон қадар ҳақиқий фаолликка яқин бўлиши ва иложи бўлса, бир хил фаолликка эга бўлган синалаётган ва стандарт препарат эритмаларини тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Кутилаётган фаоллик қанчалик аниқ бўлса, чизиклар бир-бирига шунчалик яқинроқ жойлашган бўлади. Бурчак коэффициенти модели - бу препарат фаоллигининг “ҳақиқий” қийматининг унинг фараз қилинаётган фаоллигига нисбатидир. Агар синалаётган препаратга мос келган чизикнинг оғиш бурчаги стандарт препаратга мос келган чизикнинг оғиш бурчагидан катта бўлса, бу препаратнинг фаоллик даражаси паст баҳоланганлигини ва тажриба натижасида олинган фаоллик даражаси фараз қилинган фаоллик даражасидан юқорилигини аңлатади. Худди шу тарзда, агар синалаётган препаратга мос келган чизикнинг оғиш бурчаги стандарт препаратга мос келган чизикнинг оғиш бурчагидан кичик эканлиги фаоллик даражасининг баҳоси ошириб юборилгани ва ҳисоб-китоблар натижалари аниқланган фаоллик фараз қилинган фаоллик даражасидан паст бўлишини аңлатади.

Тажриба синовларини ишлаб чиқишда барча эффектлар 3.1-бўлимда келтирилган 1-, 2- ва 3-шартларга мувофиқ текширилиши лозим. Дисперсион таҳлил ўтказиш тартиби 3.3.3-бўлимда келтирилади. Шундай қилиб, у (дисперсион таҳлил) 3.1-бўлимда келтирилган 4В ва 5В шартларига мувофиқлиги текширилиши мумкин.

### 3.3.2. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАСИ

Ушбу бўлимда келтирилган статистик таҳлил усулларида фойдаланиш миқдорий аниқлаш услубига қуйидаги чекловларни таъқазо этади:

- стандарт ҳамда синовдаги препаратлар бир хил сондаги текис тақсимланган эритмалар билан таҳлил қилиниши керак;
- препарат қўлланилмаган экспериментал объектларнинг қўшимча гуруҳи бўлиши мумкин (назорат гуруҳи);
- барча гуруҳларда бир хил сондаги экспериментал объектлар бўлиши керак.

3.1.3-бўлимда таъкидланганидек, ушбу чекловлар талабларига жавоб бермайдиган миқдорий аниқлашларнинг амалга ошириш режалари ҳам тўғри ва асосли бўлиши мумкин. Бироқ, бу ерда келтирилган статистик таҳлилнинг содда усуллари ушбу ҳолатда қўлланилиши мумкин эмас ва мутахассисдан ёрдам сўраш ёки тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиш керак бўлади.

Одатда, ҳар бир препаратнинг иккита дозаси ва битта назорат гуруҳидан фойдаланган ҳолда тадқиқотнинг “умумий нол нуқтага эга ( $2h+1$ ) нуқтали схема” номли режасидан фойдаланиш афзалдир, ушбу схема юқорида айтиб ўтилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда ишончлилигини текшириш имконияти билан бирга энг юқори аниқликни таъминлайди. Бироқ чизикли боғланиш ҳар доим ҳам, ҳатто, нол дозага қадар, тўғри бўлмаслиги мумкин. Агар аниқликни бироз йўқолишига йўл қўйиш мумкин бўлса, у ҳолда назоратни амалга ошириш кўзда тутилмайдиган режадан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда, ҳар бир препаратнинг иккита дозасини эмас, балки “умумий нол нуқтага эга ( $3h$ ) нуқтали схема” ни қўллаш афзалроқдир. Ушбу дозалар қуйидагича белгиланади:

- стандарт препарат катта дозада киритилиб, бу доза “доза-таъсир” эгрисининг тўғри чизикли кесмасидаги ўртача самарага мос бўлган энг катта дозага яқин бўлиши, аммо ундан ошмаслиги керак;
- қолган иккита доза максимал ва ноль дозалари оралиғида текис равишда тақсимланади;
- синалаётган препарат маҳсулотнинг фараз қилинаётган фаоллик даражаси асосида аниқланган дозаларда қўлланилади.

3.2.2-бўлимда келтирилган тўлиқ рандомизацияланган, рандомизацияланган блоклар ёки лотин квадратлари схемаси режаларини қўллаш мумкин. Параллел чизиклар модели каби ушбу схемалардан ихтиёрий бирортасидан фойдаланиш квадратлар хатоси йиғиндисини тузатишни талаб қилади. Қуйида стандарт препарат билан бир ёки бир нечта синов препаратлари солиштиришда статистик таҳлил схемаси тавсифланади.

### 3.3.3. ДИСПЕРСИОН ТАҲЛИЛ

#### 3.3.3.1. ( $hd+1$ ) режа

Натижалар 3.1-бўлимда тавсифланган талабларга мувофиқ текширилади ва агар зарур бўлса, уларни ўзгартирилади. Сўнгра, ҳар бир таъсир даражаси (дозаси) ва ҳар бир препарат учун 3.3.3.1-1-жадвалда келтирилган тартибда ўртача қиймат ҳисобланади. Қўшимча равишда назорат гуруҳлари ( $B$ ) учун ўртача қиймат ҳисобланади.

Дисперсион таҳлил учун квадратлар йиғиндисини 3.3.3.1-дан 3.3.3.1-3-гача бўлган жадвалларда кўрсатилгандек ҳисобланади. Чизиксизлик билан асосланган квадратлар йиғиндисини фақат ҳар бир препаратнинг

камида учта дозаси миқдорий аниқлаш режасига киририлган тақдирда ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Қолдиқ хато, тажриба режасида кўзда тутилган вариацияларни тадқиқот натижасининг умумий вариациясидан айириш орқали аниқланади (3.3.3.1-4-жадвал).

Сўнгра, дисперсион таҳлил қилиш қуйидагича яқунланади: дисперсияни (ўртача квадратлар оғиши) ҳисоблаш учун четлашишлар квадратларининг йиғиндисини эркинлик даражаларининг тегишли сонига бўлинади. Кейинчалик, ҳар бир ўзгарувчи учун дисперсиянинг (ўртача квадратлар оғиши) қолдиқ хато ( $s^2$ ) га нисбати ( $F$ -нисбати) билан ифодаланади. Бунинг учун 8.1-жадвалдан ёки компьютер дастурий таъминотининг тегишли функциясидан фойдаланиш мумкин.

### 3.3.3.2. ( $hd$ ) - режа

Ушбу схема учун, асосан,  $(hd + 1)$  режа учун қўлланилган формулалардан фойдаланилади, баъзи бир кичик фарқлар бундан мустасно:

–  $B$  ўзгарувчи барча формулалардан чиқариб ташланади.

$$K = \frac{n(P_S + P_T + \dots)^2}{hd}$$

- $SS_{\text{blank}}$  дисперсион таҳлилдан чиқарилади.
- *Гуруҳлар* асосида аниқланган вариациялар учун эркинлик даражаси томонидан  $hd-1$  га тенг.
- Қолдиқ *хато* ва умумий вариация учун эркинлик даражалари сони параллел чизиқлар модели каби ҳисобланади (3.2.3-4-жадвалга қаралсин). Миқдорий аниқлаш учун асосланганлик, фаоллик ва ишончлилиқ интервалининг чегаралари 3.3.4- ва 3.3.5-бўлимда тасвирланганидек аниқланади.

3.3.3.1-1-жадвал. – Ҳар бир препарат ва назорат учун бурчак коэффициенти моделида  $d$ -дозали миқдорий аниқлаш учун формулалар

	Стандарт препарат ( $S$ )	1-синалаётган препарат ( $T$ )	2-синалаётган препарат ( $U$ , ва $x$ , $k$ .)
Минимал доза учун ўртача қиймат	$S_1$	$T_1$	$U_1$
Иккинчи доза учун ўртача қиймат	$S_2$	$T_2$	$U_2$
...	...	...	...
Максимал доза учун ўртача қиймат	$S_d$	$T_d$	$U_d$
Препарат учун умумлашма натижа	$P_S = S_1 + S_2 + \dots + S_d$	$P_T = T_1 + T_2 + \dots + T_d$	$P_U = \dots$
Чизиқли қўпайтма	$L_S = 1S_1 + 2S_2 + \dots + dS_d$	$L_T = 1T_1 + 2T_2 + \dots + dT_d$	$L_U = \dots$
Кесишиш нуқтаси	$a_S = (4d + 2)P_S - 6L_S$	$a_T = (4d + 2)P_T - 6L_T$	$a_U = \dots$
Бурчак коэффициенти	$b_S = 2L_S - (d + 1)P_S$	$b_T = 2L_T - (d + 1)P_T$	$b_U = \dots$
Гуруҳлар учун дозалар миқдори	$G_S = S_1^2 + \dots + S_d^2$	$G_T = T_1^2 + \dots + T_d^2$	$G_U = \dots$
Чизиксизлик (*)	$J_S = G_S - \frac{P_S^2}{d} - \frac{3b_S^2}{d^3 - d}$	$J_T = G_T - \frac{P_T^2}{d} - \frac{3b_T^2}{d^3 - d}$	$J_U = \dots$

(\*) икки дозали миқдорий таҳлиллар учун ҳисобланмайди

3.3.3.1-2-жадвал. – Дисперсияни таҳлил қилиш учун қўшимча формулалар

$H_B = \frac{nhd^2 - nhd}{hd^2 - hd + 4d + 2}$	$H_1 = \frac{n}{4d^3 - 2d^2 - 2d}$	$a = \frac{a_S + a_T + \dots}{h(d^2 - d)}$	$K = \frac{n(B + P_S + P_T + \dots)^2}{hd + 1}$
--	------------------------------------	--	---

3.3.3.1-3-жадвал. – Квадратлар йиғиндиларини ва эркинлик даражаларини аниқлаш формулалари

Вариация манбаси	Эркинлик даражаси ( $f$ )	Квадратлар йиғиндисини
Регрессия	$h$	$SS_{\text{reg}} = SS_{\text{treat}} - SS_{\text{blank}} - SS_{\text{int}} - SS_{\text{lin}}$
Нazorat	$l$	$SS_{\text{blank}} = H_B(B - a)^2$
Кесишиш нуқтаси	$h - 1$	$SS_{\text{int}} = H_l((a_S^2 + a_T^2 + \dots) - h(d^2 - d)^2 a^2)$
Чизиксизлик (*)	$h(d - 2)$	$SS_{\text{lin}} = n(J_S + J_T + \dots)$
Гуруҳлар	$hd$	$SS_{\text{treat}} = n(B^2 + G_S + G_T + \dots) - K$

(\*) икки дозали миқдорий таҳлиллар учун ҳисобланмайди



3.3.3.1-4-жадвал. – Қолдиқ хатолик баҳоси

Вариация манбаси		Эркинлик даражаси	Квадратлар йиғиндис
Блоклар (*)	{ Тўлик рандомизацияланган режа Рандомизацияланган блоклар режаси Лотин квадратлари	$n - 1$	$SS_{block} = hd(R_1^2 + \dots + R_n^2) - K$
Устунлар (**)		$n - 1$	$SS_{col} = hd(C_1^2 + \dots + C_n^2) - K$
Қолдиқ вариация (***)		$(hd + 1)(n - 1)$	$SS_{res} = SS_{tot} - SS_{treat}$
		$hd(n - 1)$	$SS_{res} = SS_{tot} - SS_{treat} - SS_{block}$
		$(hd - 1)(n - 1)$	$SS_{res} = SS_{tot} - SS_{treat} - SS_{block} - SS_{col}$
Умумий вариация		$nhd + n - 1$	$SS_{tot} = \sum (y - \bar{y})^2$
Лотин квадратлари режалари учун формулаларни фақат $n=hd$ ҳолдагина қўллаш мумкин			
(*) Тўлик рандомизациялаштирилган режалар учун ҳисобланмайди			
(**) Фақат лотин квадратлар режаси учун ҳисобланади			
(***) режанинг турига боғлиқ			

## 3.3.4. ИШОНЧЛИЛИКНИ ТЕКШИРИШ

Агар дисперсион таҳлил натижалари қуйидаги шартларни қондирса, миқдорий аниқлашнинг натижалари “статистик жиҳатдан асосли” ҳисобланади.

- 1)  $(hd+1)$  режалардаги назорат асосида аниқланган вариация статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас, яъни эҳтимоллик 0,05 дан кам эмас. Бу шуни англатадики, назорат гуруҳларида олинган натижалар умумий кесиш нуқтасидан сезиларли фарқ қилмайди ва чизикли боғланиш ноль дозага қадар сақланиб қолади;
- 2) Кесиш нуқтаси билан боғлиқ вариация аҳамиятли эмас, яъни ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан кам эмас. Бу ҳолат 3.1-бўлимда келтирилган 5В шартни бажарилишини англатади.
- 3) Ҳар бир препарат учун камида учта дозани ўз ичига олган миқдорий аниқлашларда чизиксизликка асосланган вариация аҳамиятли эмас, яъни ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан кам эмас. Бу ҳолат 3.1-бўлимда келтирилган 4В шартни бажарилганини англатади.

Нazorat гуруҳларида олинган статистик жиҳатдан аҳамиятли вариация, нол нуқтаси яқинидаги дозалар диапазони учун чизиклилик ҳақидаги тахминнинг тасдиқланмаганлигини кўрсатади. Агар бу вариация тасодифий эмас, балки систематик бўлса, энг мақбул режа сифатида  $(hd)$  режа қўлланилади. Шу билан бирга, назорат гуруҳларидаги ҳар қандай таъсирларни эътиборга олмаслик керак.

Агар амалга оширилган барча статистик тадқиқотлар миқдорий аниқлашнинг ишончлилиги ҳақида далолат берса, фаоллик кўрсаткичи ва ишонч оралиғи чегаралари 3.3.5-бўлимда келтирилганидек аниқланади.

## 3.3.5. ФАОЛЛИК КЎРСАТКИЧИ ВА ИШОНЧ ИНТЕРВАЛИ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

3.3.5.1.  $(hd + 1)$  режа.

Препаратлар учун умумий кесишиш нуқтаси  $a'$  ни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$a' = \frac{(2d + 1)V + (2d - 3)ha}{n(2d - 3) + 2d + 1} \quad (3.3.5.1.-1)$$

стандарт дори учун бурчак коэффиценти ва шунга ўхшаш бошқа препаратларнинг ҳар бири учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$b'_s = \frac{6L_s - 3d(d + 1)a'}{2d^3 + 3d^2 + d} \quad (3.3.5.1.-2)$$

Синалаётган препаратларнинг ҳар бири учун фаоллик нисбати қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$R'_T = \frac{b'_T}{b'_S} \quad (3.3.5.1.-3)$$

Синалаётган препаратнинг фаоллик кўрсаткичини ҳисоблаш учун 3.3.5.1-формуласидан олинган  $R_T$  қийматни синалаётган препаратнинг қутилаётган фаоллик кўрсаткичи  $A_T$  га кўпайтириш керак. Агар стандарт ва синалаётган препаратларининг кетма-кет дозалари орасидаги интервал турлича бўлса, фаоллик кўрсаткичи  $I_S/I_T$  қийматига кўпайтирилиши керак. Шуни эътиборга олиш керакки, параллел чизиклар моделидан фаркли ўлароқ, бунда антилогарифмлар ҳисобланмайди.

$R'_T$  ўзгарувчи учун ишончлилик интервали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$CR'_T - K' \pm \sqrt{(C - 1)(R'^2_T + 1) + K'(K' - 2CR'_T)} \quad (3.5.1.-4)$$

Бунда;

$$C = \frac{b'^2_S}{b'^2_S - s^2 t^2 V_1} \text{ ва } K' = (C - 1)V_2$$

$V_1$  ва  $V_2$  қийматлар  $R_T$  миқдорнинг сурати ва махражининг дисперсияси ва ковариацияси билан боғлиқ бўлиб, улар ушбу формулалар бўйича ҳисобланади:

$$V_1 = \frac{6}{n(2d - 1)} \left( \frac{1}{d(d + 1)} + \frac{3}{2(2d + 1) + hd(d - 1)} \right) \quad (3.3.5.1.-5)$$

$$V_2 = \frac{3d(d + 1)}{(3d + 1)(d + 2) + hd(d - 1)} \quad (3.3.5.1.-6)$$

Ишончлилик интервали  $A_T$  миқдорга ва агар керак бўлса,  $I_S/I_T$  қийматига ҳам кўпайтирилади.

3.3.5.2.  $(hd)$ -режа

Қуйидаги фарқларни эътиборга олган ҳолда ушбу режа учун  $(hd+1)$ -режадаги каби формулалар қўлланилади:


$$a' = a \quad (3.3.5.2.-1)$$

$$V_1 = \frac{6}{n(2d + 1)} \left( \frac{1}{(d + 1)} + \frac{3}{h(d - 1)} \right) \quad (3.3.5.2.-2)$$

$$V_2 = \frac{3(d+1)}{3(d+1) + h(d-1)} \quad (3.3.5.2.-3)$$

### 3.4. СИГМАСИМОН ЧЎЗИЛГАН «ДОЗА-ТАЪСИР» ЭГРИЛАРИ

Ушбу модел, масалан, иммунокимёвий усуллар ёрдамида ўтказиладиган миқдорий аниқлаш синовларида «доза-таъсир» чўзилган эгри чизиқлар таҳлили талаб қилган вақтда бажарилади. Ушбу модел 3.4-1-расмда кўрсатилган.



3.4-1-расм. – Логистик эгри чизигининг тўрт параметрли модели.

Дозаларнинг логарифмлари горизонтал ўқда, чапдан ўнгга концентрациянинг минимал қийматидан бошлаб максимал қийматигача белгиланади. Вертикал ўқда эса эффект қийматлари белгиланади.

Графикда ҳар бир доза учун алоҳида эффектлар қоралаш шаклида кўрсатилади. Стандарт ва синалаётган препарат учун дозаларнинг логарифмлари ( $\ln(\text{доза})$ -эффект) ва эффектлар орасидаги боғланишни ифодаловчи икки эгри чизиқ қурилади.

Эгри чизиқларнинг умумий шаклини осонгина логистик функция ёрдамида ифодалаш мумкин, аммо эгри чизиқларни ифодалашнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд. Ҳар бир эгри чизиқ тўртта параметр орқали тавсифланиши мумкин: юқори асимптота ( $\alpha$ ), қуйи асимптота ( $\delta$ ), бурчак коэффициент ( $\beta$ ) (оғиш коэффициент) ( $\gamma$ ) ва эгри чизиқлар орасидаги масофа ( $\gamma$ ). Шунинг учун, ушбу модел кўпинча тўрт параметрли модел деб аталади. Эффектнинг дозани натурал логарифмига боғлиқлигини тасвирловчи эгри чизиқнинг математик ифодаси қуйидагича:

$$u = \delta + \frac{\alpha - \delta}{1 + e^{-\beta(x-\gamma)}}$$

Ишончилилик синовини учун стандарт ва синалаётган препаратга мос келган эгри чизиқлари учун бурчак коэффициентлари, ҳамда эгри чизиқларнинг четки қисмларида эффектнинг максимал ва минимал даражалари бир хил бўлиши керак. Эгри чизиқлар фақатгина фазодаги жойлашуви (улар орасидаги масофа)  $\gamma$  билан фарқланиши мумкин. Эгри чизиқлар орасидаги горизонтал масофа синалаётган препаратнинг “ҳақиқий фаоллиги” билан боғлиқ. Агар тажриба мунтазам равишда амалга

оширилса, услубни ишлаб чиқиш босқичида эффектнинг юқори ва қуйи даражаларининг тенглигини текшириш кифоя қилади, кейин эса ушбу шартнинг бажарилишини белгиланган вақт оралиқларида мунтазам равишда, шунингдек қўлланиладиган материаллар ёки синов шартлари ўзгартирилганда текширилади.

Параметрларнинг ҳақиқатга максимал яқинлик баҳоларини ва улар учун ишончилилик интерваллари баҳоларини тегишли компьютер дастурлари ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Ушбу компьютер дастурлари натижаларининг ишончилигини текширишни таъминлайдиган баъзи статистик функцияларни ўз ичига олиши мумкин. Мисол учун, агар юқори ва пастки асимптоталар ҳамда бурчак коэффициентларининг тенглиги ҳақидаги фарзларнинг қўйилган шартлар остида ҳақиқатга максимал ўхшашлик баҳосининг тахминий моделдан ишончилилик оғишларини кўрсатса, унда ушбу ҳолат шартларнинг бир ёки бир нечтаси бажарилмаслиги мумкинлигини аниқлатади.

Логистик моделдан фойдаланилганда турли статистик муаммолар юзага келиши мумкин, бу турли хил миқдорий аниқлашлар учун турли ечимларни талаб қилиши мумкин ва бунда натижаларни оддий йиғиндисини ҳисоблаш билан кифояланиб бўлмайди. Ушбу мавзунинг ёритувчи адабиётда турли хил ёндашувлар тасвирланган. Шу сабабли, ушбу турдаги таҳлил учун мутахассис маслаҳатидан фойдаланиш тавсия этилади. Шунга қарамай, 5.4-бўлимда келтирилган маълумотларни таҳлил қилишнинг «мумкин бўлган» бир йўлни кўрсатиш мақсадида содда мисол келтирилади. 7.5-бўлимда муқобил ёндашувлар ва бошқа статистик мулоҳазалар бўйича қисқача фикрлар муҳокамаси тақдим этилган.

Агар профессионал маслаҳат олиш ёки тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиш имкони бўлмаса, қуйидаги мавжуд бўлган муқобил ёндашувлардан фойдаланиш мумкин:

- 1) агар юқори ( $\alpha$ ) ва қуйи ( $\delta$ ) чегараларнинг «яроқли» баҳоси бўлса, барча препаратлар учун таъсирларининг (эффектларининг) ўртача қийматлари ( $u$ ) тахминан четки максимал қийматларининг 20-80 % даги оралиққа тушувчи дозалари танлаб олинади, ҳамда ушбу дозалар таъсири натижалари қуйидаги формуладан фойдаланиб алмаштирилади:

$$y = \ln\left(\frac{u - \delta}{\alpha - u}\right)$$

Сўнгра эса таҳлил учун параллел чизиқлар моделидан (3.2-бўлим) фойдаланилади;

- 2) Дозаларнинг эффектлар ( $u$ ) ёки тегишли ҳолда шакл алмаштирилган, масалан,  $\ln(u)$  каби, эффект кўрсаткичларига боғлиқлигини ифодаловчи графикда тахминан чизикли бўладиган дозалар диапазонини аниқланади; сўнгра эса таҳлил қилиш учун параллел чизиқлар моделини қўллаш мумкин (3.2. бўлим).

## 4. КВАНТ ЭФФЕКТИГА АСОСЛАНГАН МИҚДОРИЙ ТАҲЛИЛЛАР

### 4.1. КИРИШ

Баъзи ҳолларда ҳар бир тажриба объект учун эффектни миқдорий баҳолаш иложсиз ёки жуда мушкул бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига, ўлим ёки гипогликемия белгилари каби натижалар тажриба объектида мавжудлиги ёки қузатилмаслиги асосида қайд этилиши мумкин.

Шу билан синовлар натижаси бундай таъсир ўринли бўлган объектларнинг сонига боғлиқ бўлади. Ушбу турдаги синовлар мукобил (дискрет) натижалли микдорий аниқлашлар ёки “ҳамма нарса ёки ҳеч нарса” турдаги қвантланган эффектлар деб аталади.

Умуман олганда, ушбу вазият 3.1-бўлимда тасвирланган ҳолатга жуда ўхшаш, аммо ҳар бир дозага мос келган  $n$  та алоҳида эффектлар ўрнига битта қиймат қайд этилади, яъни ҳар бир гуруҳдаги эффект намоён бўлган объектларнинг улуши. Объектларнинг улушини доза логарифмига боғланишини ифодаловчи график курганда чизикли эмас, балки сигмасимон эгри чизик ( $S$ -симон шакл) ҳосил қилинади. «Доза-таъсир» сигмасимон эгри чизикни таҳлил қилиш учун ушбу эгри чизикни тасвирлайдиган математик функция қўлланилади. Одатда нормал тақсимотнинг кумулятив функцияси (характеристик эгри чизик) қўлланилади. Бу функция назарий жиҳатдан устунликларга эга ва табиийки, агар тажриба объектларининг кўрсатилаётган эффектга нисбатан бардошлиликни акс эттирадиган бўлса, ушбу функция афзалроқдир. Агар эффектлар, ўсиш жараёнлари билан боғлиқ бўлса, у ҳолда логистик тақсимот функциясига афзаллик берилади, гарчи бу икки функциядан фойдаланилганда олинган натижалардаги фарқ одатда аҳамиятсиз бўлса ҳам.

Бурчак коэффициенти ва эгри чизиклар жойлашуви-нинг ҳақиқатга максимал ўхшашлик усулида баҳолаш фақат итерацион жараён ёрдамида аниқланиши мумкин. Бир хил натижаларга олиб келувчи кўплаб бундай статистик процедуралар мавжуд бўлсада, уларни конвергенция (яқинлашиш) тезлиги турли бўлганлиги туфайли самарадорлик жиҳатидан фарқ қилинади. Энг тезкор усуллардан бири – ҳақиқатга максимал ўхшашлик функциясининг тўғридан-тўғри оптималлаштириш усули (7.1-бўлимга қаралсин). Ушбу усул ёрдамида таҳлил қилиш тегишли функцияга эга бўлган компьютер дастурлари ёрдамида осонгина амалга оширилиши мумкин. Афсуски, ушбу жараёнларнинг аксарияти ишончлилик интерваллари чегараларини аниқлашга имкон бермайди ва уларни ҳисоблаш услублари ушбу бўлимда кўриб чиқиш учун анча мураккаб. Қуйида келтирилган усул энг тезкор усуллардан бўлмаса ҳам, у бошқа усулларга нисбатан анча содда. Ушбу усул бир ёки бир нечта синалаётган препаратларнинг стандарт препарат билан солиштиришга асосланган микдорий аниқлашлар учун қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- 1) дозанинг логарифми ва олинган эффект ўртасидаги боғлиқлик нормал тақсимотнинг кумулятив эгри чизиги (характеристик эгри чизик) сифатида ифодаланиши керак;
- 2) стандарт ва синалаётган препаратларга мос келган эгри чизиклар параллел бўлиши керак, яъни бир хил шаклга эга бўлиши ва фақат абсцисса ўқи бўйича жойлашуви билан фарқ қилиши мумкин;
- 3) назарий жиҳатдан жуда кичик дозани қўллаш самараси кузатилмаслиги ва жуда катта дозани киритишдан таъсир бўлмаслиги мумкин эмас.

## 4.2. ПРОБИТ-ТАҲЛИЛ

Сигмасимон эгри чизикни тўғри чизик шаклига ҳар бир эффектни унга мос стандарт нормал тақсимотнинг кумулятив функцияси қийматига алмаштириш орқали келтириш мумкин. Алмаштирилган бу қийматлар “нормитлар” деб аталади ва назарий жиҳатдан қиймат-

лари  $-\infty$  дан токи  $+\infty$  га қадар бўлади. Илгари, ҳар бир “нормит” га 5 қийматини қўшиш орқали “пробитлар” деб аталган катталиклар ҳосил қилинган. Бу эса манфий қийматлардан халос бўлиш эвазига қўлда бажариладиган ҳисоб-китобларни осонлаштирган. Компьютерларнинг пайдо бўлиши билан 5 қийматини қўшишга бўлган эҳтиёж йўқолди. Шу сабабли, қуйида келтирилган усулни “нормит-таҳлил” деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Бироқ, “пробит-таҳлил” атамаси кенг тарқалган ва адабиётларда қўлланилганлиги сабабли, ушбу бўлимда тарихийлик нуктаи назаридан сақланиб қолди.

Бир қарашда, натижаларни чизиклаштирилганидан сўнг, 3.2-бўлимида келтирилган параллел чизиклар усули қўлланилиши керакдек туюлади. Бироқ, бу ундай эмас. Чунки ҳар бир доза учун дисперсияларнинг бир жинслилиги шарти бажарилмайди. Қиймати нолга тенг нормит учун дисперсия минимал ва нормитнинг ҳам мусбат ҳам манфий қийматларида у (дисперсия) катталашиб боради. Шу сабабли, эгри чизикнинг марказий қисмида жойлашган қийматларга каттароқ ва четки қисмларида жойлашган қийматларига кичикроқ аҳамият бериш керак. Қуйида ушбу усулнинг тавсифи, шунингдек, дисперсион таҳлил қилиш тартиби, фаоллик ва ишончлилик интерваллари чегараларининг баҳоси келтирилган.

### 4.2.1. НАТИЖАЛАР АСОСИДА ИШЧИ ЖАДВАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ

4.2.1-1-жадвалга устунлар бўйича қуйидаги тартибда киритилади:

- (1) стандарт ёки синов препаратининг дозаси;
- (2) ушбу дозада таъсир кўрсатилган объектлар сони  $n$ ;
- (3) ушбу дозада ижобий жавоб олинган объектлар сони  $r$ ;
- (4) дозанинг логарифми  $x$ ;
- (5) гуруҳдаги ижобий таъсирининг нисбати  $p=r/n$ ;

Сўнгра биринчи цикл бошланади.

- (6) биринчи итерация пайтида  $Y$  устуни нол билан тўлдирилади;
- (7) стандарт нормал тақсимот (кумулятив) функциясининг  $Y$  лардаги қийматлари  $\Phi = \Phi(Y)$  (8.4-жадвалга ҳам қаралсин);
- (8) - (10) устунларга киритилган қийматлар ушбу формулалар бўйича ҳисобланади:

$$(8) \quad Z = \frac{e^{-Y^2/2}}{\sqrt{2\pi}} \quad (4.2.1.-1)$$

$$(9) \quad y = Y + \frac{p - \Phi}{Z} \quad (4.2.1.-2)$$

$$(10) \quad w = \frac{nZ^2}{\Phi - \Phi^2} \quad (4.2.1.-3)$$

(11) дан токи (15) устунларга киритиладиган  $wx$ ,  $wy$ ,  $wx^2$ ,  $wy^2$  ва  $wxy$  қийматларини (4), (9) ва (10) устундаги маълумотлар ёрдамида осонгина ҳисобланиши мумкин. Сўнгра эса ҳар бир препарат учун ушбу қийматларнинг йиғиндилари ҳисобланади.

Олинган йиғинди натижаларини 4.2.1-1-жадвалдан, 4.2.1-2-жадвалнинг (1) - (6) устунларига кўчирилади. Иккинчи жадвалнинг (7) дан (12) гача бўлган қолган 6 устундаги қийматлар қуйидагича ҳисобланади:

$$(7) \quad SS_{xx} = \sum wx^2 - \frac{(\sum wx)^2}{\sum w} \quad (4.2.1.-4)$$

$$(8) \quad SS_{xy} = \sum wxy - \frac{(\sum wx)(\sum wy)}{\sum w} \quad (4.2.1.-5)$$

$$(9) \quad SS_{yy} = \sum wy^2 - \frac{(\sum wy)^2}{\sum w} \quad (4.2.1.-6)$$

$$(10) \quad \bar{x} = \frac{\sum wx}{\sum w} \quad (4.2.1.-7)$$

$$(11) \quad \bar{y} = \frac{\sum wy}{\sum w} \quad (4.2.1.-8)$$

Кейин умумий бурчак коэффициентини  $b$  ҳисобланади:

$$b = \frac{\sum S_{xy}}{\sum S_{xx}} \quad (4.2.1.-9)$$

Ординаталар ўқи билан кесишиш нуқтаси  $a$  ҳам стандарт, ҳам синалаётган препаратлар учун бир хил тарзда аниқланади:

$$(12) \quad a = \bar{y} - b\bar{x} \quad (4.2.1.-10)$$

Кейин эса биринчи ишчи жадвалининг (6) устунда берилган қийматлар  $Y=a+bx$  қийматлар билан алмаштирилади ва цикл такрорланади. Такрорланишлар икки кетма-кет цикл натижалари орасидаги фарқ етарли даражада кичик бўлгунга қадар (масалан, иккита кетма-кет цикл натижалари учун  $Y$  лар орасидаги максимал фарқ  $10^{-8}$  дан кам) амалга оширилади.

4.2.1-1-жадвал. – Биринчи ишчи жадвал.

	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)	(8)	(9)	(10)	(11)	(12)	(13)	(14)	(15)
	доза	$n$	$r$	$x$	$p$	$Y$	$\Phi$	$Z$	$y$	$w$	$wx$	$wy$	$wx^2$	$wy^2$	$wxy$
$S$	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
										$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$
$T$	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
										$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$	$\Sigma=$
ва ҳ.к.															

4.2.1-2-жадвал. – Иккинчи ишчи жадвал.

	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)	(8)	(9)	(10)	(11)	(12)
	$\Sigma w$	$\Sigma wx$	$\Sigma wy$	$\Sigma wx^2$	$\Sigma wy^2$	$\Sigma wxy$	$S_{xx}$	$S_{xy}$	$S_{yy}$	$\bar{x}$	$\bar{y}$	$a$
$S$	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
$T$	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.
ва ҳ.к.	.	.	.	.	.	.	$\Sigma=$	$\Sigma=$	.	.	.	.

#### 4.2.2. ИШОНЧЛИЛИКНИ ТЕКШИРИШ

Фаоллик ва ишончлилик интерваллари чегараларини ҳисоблашдан олдин синов натижаларининг ишончлилиги баҳоланиши керак. Агар ҳар бир препарат 3 ва ундан кўп дозаларда текширилган бўлса, чизиклиликдан оғиш қуйидаги тарзда ҳисобланиши мумкин: 4.2.1-2-жадвалга ўн учинчи устун қўшилади ва қуйидаги қийматлар билан тўлдирилади:

$$S_{yy} - \frac{S_{xy}^2}{S_{xx}} \quad (4.2.2.-1)$$

Ушбу устундаги маълумотларнинг йиғиндисини чизиклиликдан оғиш метъеридир ва тахминан эркинлик даражалари  $N - 2h$  га тенг бўлган  $\chi^2$ -таксимотга бўйсунди. Бу қийматнинг ишончлилиги 8.3-жадвал ёки компьютер дастурий таъминотининг тегишли функцияси ёрдамида баҳоланиши мумкин. Агар 0,05 эҳтимоллик даражасида ҳисобланган қиймат ишончли бўлса, миқдорий аниқлаш натижалари рад этилиши керак (4.2.4-бўлимга) қаралсин.

Агар чизикли регрессиядан сезиларли оғиш аниқлангмаган бўлса, улар 0,05 ишончлилик даражасида параллелликдан четлашиш шартини текширилади. Бунинг

учун эркинлик даражаси  $h-1$  га тенг бўлган қиймат ҳисобланади.

$$\chi^2 = \sum \frac{S_{xy}^2}{S_{xx}} - \frac{(\sum S_{xy})^2}{\sum S_{xx}} \quad (4.2.2.-2)$$

#### 4.2.3. ФАОЛЛИК ВА ИШОНЧ ОРАЛИҒИ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Агар чизиклиликдан ва параллелликдан сезиларли оғиш аломатлари бўлмаса, фаолликлар нисбатининг натурал логарифми  $M'_T$  қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$M'_T = \frac{a_T - a_S}{b} \quad (4.2.3.-1)$$

Ушбу қийматнинг антилогарифми ҳисобланади. Сўнгра эса,  $t = 1,96$  ва  $s = 1$  деб ишончлилик интервали чегараларини қуйидаги ифоданинг антилогарифми сифатида ҳисобланади:

$$CM'_T - (C - 1)(\bar{x}_S + \bar{x}_T) \pm \sqrt{(C - 1) \left( V \sum S_{xx} + C(M'_T - \bar{x}_S + \bar{x}_T)^2 \right)} \quad (4.2.3.-2)$$

$$\text{Бу ерда: } C = \frac{b^2 \sum S_{xx}}{b^2 \sum S_{xx} - s^2 t^2} \quad \text{ва} \quad V = \frac{1}{\sum_S w} + \frac{1}{\sum_T w}$$

#### 4.2.4. ИШОНЧСИЗ МИҚДОРІЙ АНИҚЛАШЛАР

Агар 4.2.2. бўлимда келтирилган чизиқликлдан оғишлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлса, миқдорий аниқлаш натижаларини одатда ишончсиз деб топилади. Натижаларни сақлаб қолиш учун асослар мавжуд бўлса, формулалар бироз ўзгартирилади.  $t$  катталиқ  $p = 0,05$  га мос чизиқликлка текширишда фойдаланиладиган эркинлик даражасига эга бўлган  $t$ -қиймати каби олинади.  $s^2$  қиймати эса  $\chi^2$  қийматини айнан юқорида қайд этилган эркинлик даражасига нисбати каби олинади (одатда бу қиймат 1 дан катта).

Параллелликка текшириш тартиби ҳам бир оз ўзгаради. Параллел бўлмаган ҳолат учун  $\chi^2$  нинг қиймати унинг эркинлик даражасига бўлинади. Ҳосил қилинган қийматни аввалроқ аниқланган  $s^2$  қийматига бўлиш билан эркинлик даражалари  $h-1$  ва  $N-2h$  га мос келган  $F$ -нисбат аниқланади ва одатий тарзда 0,05 ишончлилик билан баҳоланади.

#### 4.3. ЛОГИТ-ТАҲЛИЛ

4.1. бўлимда таъкидланганидек, айрим ҳолларда логит-таҳлил энг мақбул таҳлил шакли бўлиб қолади. Ушбу усулнинг номи логистик тақсимотининг тақсимот функциясига тескари бўлган логит функцияси номидан келиб чиққан. Бу ҳол учун таҳлил жараёни пробит-таҳлил сингари бўлиб, фарқ фақат  $\Phi$  ва  $Z$  қийматларини ҳисоблаш формулаларида бўлади.

$$\Phi = \frac{1}{1 + e^{-Y}} \quad (4.3. -1)$$

$$Z = \frac{e^{-Y}}{(1 - e^{-Y})^2} \quad (4.3. -2)$$

#### 4.4. ЭГРИ ЧИЗИҚНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ

Давлат фармакопеяси томонидан назарда тутилган синовларнинг квантланган натижалар таҳлили учун пробит ва логит таҳлиллар деярли ҳар доим мақбулдир. Шу билан бирга, “ln(доза)-эффeк” эгри чизиги шакли бу икки таҳлил эгри чизиклари шаклларида фарқ қилса, бошқа боғлиқлик шакли -  $\Phi$  олиними даркор. Бу ҳолда  $Z$  қиймати  $\Phi$  нинг биринчи тартибли ҳосиласи сифатида олинади.

Мисол учун, агар эгри чизик носимметриклиги аниқланса, таҳлил учун Гомпертц (Gompertz) тақсимоми мақбул бўлиши мумкин (гомпит таҳлил). Бундай ҳолда;

$$\Phi = 1 - e^{-e^Y} \quad \text{ва} \quad Z = e^{Y - e^Y}$$

#### 4.5. ЎРТАЧА ЭФФЕКТИВ ДОЗА.

Баъзи миқдорий аниқлашларда ўртача (медиан) самарали дозани, яъни 50 % экспериментал объектларда ( $ED_{50}$ ) таъсир кўрсатадиган доза миқдорини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу дозани аниқлаш учун пробит таҳлилдан фойдаланиш мумкин бўлиб, бунда дозани стандарт препарат билан солиштиришнинг ҳожати йўқлиги сабабли формулалар бироз ўзгаради.

*Иҳоҳ:* ушбу усулни қўллашда стандарт препарат миқдорий аниқлаш ишончлигини текшириш мақсадида қўлланилиши мумкин. Одатда, стандарт препарат учун ҳисобланган  $ED_{50}$  қиймати  $ED_{50}$  нинг тасдиқланган қийматига етарлича яқин бўлса, миқдорий аниқлаш натижалари ишончли ҳисобланади. Бу ерда “етарлича яқин” атамасининг маъноси хусусий фармакопея мақола-сида кўрсатилган талабларга боғлиқ.

Синалаётган препаратлар учун зарур бўлса стандарт препарат учун ҳам олинган натижалар асосида ишчи жадвалларни тайёрлаш 4.2.1-бўлимда тасвирланган. Чизиқликлка текшириш жараёни 4.2.2-бўлимда келтирилган. Ушбу турдаги миқдорий аниқлаш учун параллелликка текшириш талаб қилинмайди. Синалаётган препарат  $T$  учун (ва бошқа синов намуналари учун ҳам шунга ўхшаш равишда) препаратининг  $ED_{50}$  қиймати 4.2.3-бўлимда тасвирланганидек ҳисобланади, аммо 4.2.3-1- ва 4.2.3-2-формулалар ўрнига қуйидаги формулалар қўлланилади:

$$M'_T = \frac{-a_T}{b} \quad (4.5. -1)$$

$$CM'_T - (C - 1)\bar{x}_T \pm \sqrt{(C - 1) \left( V \sum S_{xx} + C(M'_T - \bar{x}_T)^2 \right)} \quad (4.5. -2)$$

бунда  $V = \frac{1}{\sum_T w}$  ва  $C$  ўзгаришсиз қолади.

#### 5. МИСОЛЛАР

Ушбу бўлимда юқоридаги формулалардан фойдаланишни назарда тутувчи мисоллар келтирилади. Мисоллар, асосан, натижаларни қайта ишлашнинг статистик усулларини кўрсатиш учун танланган. Ҳар бир ҳолатда усулларнинг танлови муқобил усуллар орасида миқдорий аниқлашнинг хусусий мақолаларда келтирилган усуллардан афзаллигини аниқлашмайди. Мисоллар таҳлилин натижаларини компьютер дастурларида текширишда уларнинг аниқлигини ошириш учун миқдорларнинг сонли ифодасида одатда амалда зарур бўлганидан кўра кўпроқ каср қисми қўрилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, муқобил эквивалент ҳисоблаш усуллари ҳам мавжуд. Ушбу услубларни қўллашда олинган натижалар келтирилган мисолларда олинган натижалар билан бир хил бўлиши керак.

##### 5.1. ПАРАЛЛЕЛ ЧИЗИҚЛАР МОДЕЛИ

##### 5.1.1. ТЎЛА РАНДОМИЗАЦИЯЛАНГАН РЕЖА ЁРДАМИДА ИККИ ДОЗАЛИ ТАКРОРИЙ МИҚДОРІЙ АНИҚЛАШ

*Каламушларга тери остига инъекция қилиш йўли билан кортикотропин фаоллигини миқдорий аниқлаш.*


Стандарт препарат 100 г тана вазнига 0,25 дан 1,0 бирлик (ЕД) гача бўлган дозаларда киритилди. Ҳар икки синалаётган препарат фаоллиги 1 бирлик/мг га (ЕД/мг) тенг деб фарз қилинган ва уларнинг ҳар бири стандарт препарат билан бир хил миқдорда киритилади. Эффeк кўрсаткичлари ва ўртача қийматлар 5.1.1-1-жадвалда келтирилган.

Натижаларнинг график кўриниши (5.1.1-1-расм) маълумотлар учун дисперсияларнинг бир жинслилиги ва тақсимотнинг нормаллиги ҳақидаги фаразларга шубҳа қилиш учун ҳеч асос йўқлигидан далолат беради, лекин  $U$

препаратининг натижалари учун параллеллик шартлари бажарилиши ҳақида баъзи шубҳаларни келтириб чиқарди.

5.1.1-1-жадвал. – Ўлчанадиган эффект  $y$  – буйрак усти безининг 100 граммга тўғри келадиغان аскорбин кислотаси массаси (мг)

	Стандарт препарат $S$		Синалаётган препарат $T$		Синалаётган препарат $U$	
	$S_1$	$S_2$	$T_1$	$T_2$	$U_1$	$U_2$
	300	289	310	230	250	236
	310	221	290	210	268	213
	330	267	360	280	273	283
	290	236	341	261	240	269
	364	250	321	241	307	251
	328	231	370	290	270	294
	390	229	303	223	317	223
	360	269	334	254	312	250
	342	233	295	216	320	216
	306	259	315	235	265	265
Ўртача	332,0	248,4	323,9	244,0	282,2	250,0



5.1.1-1-расм

3.2.3-1- ва 3.2.3-2-жадвалларда келтирилган маълумотлар бўйича формулалар ёрдамида ҳисоблаш натижалари қуйидагича:

$$\begin{aligned} P_S &= 580,4 & L_S &= -41,8 \\ P_T &= 567,9 & L_T &= -39,95 \\ P_U &= 532,2 & L_U &= -16,1 \end{aligned}$$

$$H_P = \frac{10}{2} = 5 \quad H_L = \frac{120}{6} = 20$$

Сўнгра, 3.2.3-3- ва 3.2.3-3-жадваллар учун аниқ-ланган формулалар асосида дисперсион таҳлил ўтказилди. Натижалар 5.1.1-2-жадвалда келтирилган.

Таҳлил чизикли регрессиянинг юқори аҳамиятлигини тасдиқлади. Натижаларнинг график кўриниши асосида стандарт препаратга нисбатан  $U$  препарати учун параллелликдан оғиш мавжудлиги фараз қилинган бўлишига қарамай, параллеллик аҳамиятли бўлиб чиқди ( $p=0,0075$ ). Шу сабабли,  $U$  препаратининг натижалари чиқариб ташланади ва таҳлил фақат  $T$  ва стандарт препаратлар учун такрорланади (5.1.1-3-жадвал).

5.1.1-2-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбаси	Эркинлик даражалари	Четланишлар квадратларининг йиғиндис	Дисперсия (четлашишлар квадратларининг ўртачаси)	F-нисбат	Эҳтимоллик
Препаратлар	2	6256,6	3128,3		
Чизикли регрессия	1	63830,8	63830,8	83,38	0,000
Нопараллеллик	2	8218,2	4109,1	5,37	0,007
Гуруҳлар (дозалар)	5	78305,7			
Қолдиқ вариация	54	41340,9	765,57		
Умумий вариация	59	119646,6			

5.1.1-3-жадвал. –

$U$  препаратисиз ўтказилган дисперсион таҳлил

Вариация манбаси	Эркинлик даражалари	Четланишлар квадратларининг йиғиндис	Дисперсия (четлашишлар квадратларининг ўртачаси)	F-нисбат	Эҳтимоллик
Препаратлар	1	390,6	390,6		
Чизикли регрессия	1	66830,6	66830,6	90,5	0,000
Нопараллеллик	1	34,2	34,2	0,05	0,831
Гуруҳлар (дозалар)	3	67255,5			
Қолдиқ вариация	36	26587,3	738,54		
Умумий вариация	39	93842,8			

$U$  препаратисиз олиб борилган таҳлил регрессиянинг чизиклилиги ва параллеллик ҳақидаги шартларга мувофиқлигини кўрсатади, бу еса фаоллик кўрсаткичини ҳисоблашга ўтиш имкон беради. 3.2.5 бўлимда келтирилган формулалардан фойдаланганда қуйидаги натижалар олинган:

– умумий бурчак коэффициент:

$$b = \frac{20(-41,8 - 39,95)}{\ln 4 \times 10 \times 2} = -58,970$$

– фаолликлар нисбатининг натурал логарифми:

$$M'_T = \frac{567,9 - 580,4}{2 \times (-58,970)} = 1,060$$

$$C = \frac{66830,6}{66830,6 - 738,54 \times 2,028^2} = 1,0476$$

$$V = \frac{66830,6}{(-58,970)^2 \times 2 \times 10} = 0,9609$$

– ишончлилик интервали чегараларининг натурал логарифмлари:

$$1,0476 \times 0,1060 \pm \sqrt{0,0476(1,0476 \times 0,1060^2 + 2 \times 0,9609)} = 0,1110 \pm 0,3034$$

Антилогарифми ҳисоблаш орқали фаолликлар нисбатининг 1,11 га тенг бўлган қиймати ва 95 % ишончлилик билан 0,82 дан то 1,51 гача бўлган ишончлилик интервали ҳосил қилинади.

Т препаратининг фараз қилинаётган фаоллик кўрсаткичига кўпайтириш 1,11 бирлик/мг (ЕД/мг) га тенг бўлган ҳисобланган фаоллик қиймати ва 95 % ишонч-лилик билан 0,82 дан то 1,51 бирлик/мг (ЕД/мг) гача бўлган ишончлилик интервали аниқланади.

### 5.1.2. ЛОТИН КВАДРАТЛАРИ УСУЛИ ЁРДАМИДА УЧ ДОЗАЛИ МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

Антибиотикнинг антимикроб фаоллигини тўрт-бурчак планиет ёрдамида “агар диффузия” усули билан миқдорий аниқлаш


Стандарт препарат 4855 МБ/мг (МЕ/мг) га тенг бўлган тасдиқланган фаоллик кўрсаткичига эга. Синалаётган препаратининг фараз қилинаётган фаоллик кўрсаткичи 5600 МБ/мг (МЕ/мг) га тенг олинди. Бошланғич эритмалар қуйидагича тайёрланди: 25,2 мг стандарт препарат 24,5 мл эритувчи воситада ва 21,4 мг синалаётган препарат 23,95 мл эритувчи воситасида эритилади. Таҳлил учун дастлабки эритмалар 1/20 нисбатда суюлтирилади ва кейинчалик суюлтириш даражасини 1,5 каби олинди.

Лотин квадратлари 8.6. бўлимда тасвирланган усул ёрдамида яратилади (5.1.2-1-жадвалга қаралсин). Ушбу миқдорий аниқлаш давомида олинган натижалар 5.1.2-2-жадвалда келтирилган (ўсишни ингибирлаш зонаси мм × 10 да). Гуруҳлар учун ўртача қийматлар 5.1.2-3-жадвалда келтирилади. Маълумотларнинг график кўриниши (5.1.2-1-расмга қаралсин) тақсимотнинг нормаллиги ва дисперсияларнинг бир жинслилиги ҳақида шубҳа қилиш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигидан далолат беради.

$$\begin{aligned} P_S &= 529,667 & L_S &= 35,833 \\ P_T &= 526,333 & L_T &= 39,333 \\ H_P &= \frac{6}{3} = 2 & H_L &= \frac{72}{24} = 3 \end{aligned}$$

Кейинчалик, 3.2.3-3- ва 3.2.3-4-жадвалларида берилган формулалар бўйича дисперсион таҳлил ўтказилади. Олинган натижалар 5.1.2-4-жадвалда келтирилган.

Таҳлил сатрлар орасидаги сезиларли фарқларни кўрсатди. Бу шуни англатадики, Лотин квадратлари схемасидан фойдаланиш бу ҳолатда тўлиқ рандомизациялаш схемасига нисбатан юқори аниқликни таъминлайди. Регрессиянинг юқори аҳамиятлилиги, шунингдек, алоҳида регрессия чизиқларининг параллеллик ва чизиқликлдан аҳамиятли даражада оғмаслиги, миқдорий аниқлаш натижалари фаолликни ҳисоблаш учун яроқли эканлигини тасдиқлайди.



5.1.2-1-расм.

5.1.2-1-жадвал. – Препаратлар ва уларнинг дозаларини планиетга тақсимланиши

	1	2	3	4	5	6
1	S <sub>1</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>2</sub>	S <sub>3</sub>	S <sub>2</sub>	T <sub>3</sub>
2	T <sub>1</sub>	T <sub>3</sub>	S <sub>1</sub>	S <sub>2</sub>	T <sub>2</sub>	S <sub>3</sub>
3	T <sub>2</sub>	S <sub>3</sub>	S <sub>2</sub>	S <sub>1</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>1</sub>
4	S <sub>3</sub>	S <sub>2</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>1</sub>	S <sub>1</sub>	T <sub>2</sub>
5	S <sub>2</sub>	T <sub>2</sub>	S <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>1</sub>	S <sub>1</sub>
6	T <sub>3</sub>	S <sub>1</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>2</sub>	S <sub>3</sub>	S <sub>2</sub>

5.1.2-2-жадвал. – Ўсишни ингибирлаш зоналари мм × 10 да.

	1	2	3	4	5	6	Сатрлар бўйича ўртача қийматлар
1	161	160	178	187	171	194	175,2=R <sub>1</sub>
2	151	192	150	172	170	192	171,2=R <sub>2</sub>
3	162	195	174	161	193	151	172,7=R <sub>3</sub>
4	194	184	199	160	163	171	178,5=R <sub>4</sub>
5	176	181	201	202	154	151	177,5=R <sub>5</sub>
6	193	166	161	186	198	182	181,0=R <sub>6</sub>
Устунлар бўйича ўртача қийматлар	172,8=C <sub>1</sub>	179,7=C <sub>2</sub>	177,2=C <sub>3</sub>	178,0=C <sub>4</sub>	174,8=C <sub>5</sub>	173,5=C <sub>6</sub>	

5.1.2-3-жадвал. - Дозалар бўйича ўртача қийматлар

	Стандарт препарат S			Синалаётган препарат T		
	S <sub>1</sub>	S <sub>2</sub>	S <sub>3</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>3</sub>
ўртача	158,67	176,50	194,50	156,17	174,67	195,50

5.1.2-4-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбан	Эркинлик даражаси	Квадратлар йиғиндис	Ўртача квадрат	F-нисбат	Эҳтимоллик
Препаратлар	1	11,1111	11,1111		
Регрессия	1	8475,0417	8475,0417	408,1	0,000
Нопараллеллик	1	18,3750	18,3750	0,885	0,358
Чизиқсизлик	2	5,4722	2,7361	0,132	0,877
Таъсир даражаси (дозалар миқдори)	5	8510			
Сатрлар	5	412	82,40	3,968	0,012
Устунлар	5	218,6667	43,73	2,106	0,107
Қолдиқ хатолик	20	415,3333	20,7667		
Умумий вариация	35	9556			

3.2.5-бўлимда келтирилган формуладан фойдаланиб, қуйидаги натижалар олинади:

– умумий бурчак коэффиценти:

$$b = \frac{3 \times (35,833 + 39,3333)}{\ln(1,5) \times 6 \times 2} = 46,346$$

– фаолликлар нисбати чегараларининг натурал логарифми:

$$M'_T = \frac{526,333 - 529,667}{3 \times 46,346} = -0,023974$$

$$C = \frac{8475,0417}{8475,0417 - 20,7667 \times 2,086^2} = 1,0108$$

$$V = \frac{8475,0417}{46,346^2 \times 3 \times 6} = 0,2192$$

– ишончилилик интервалларининг натурал логарифмлари:

$$1,0108 \times (-0,0240) \pm \sqrt{1,0108 \times (0,0108 \times (-0,0240)^2 + 2 \times 0,2192)} \\ = -0,02423 \pm 0,06878$$

Антилогарифмни ҳисоблаб, қиймати 0,9763 га тенг фаолликлар нисбати аниқланади, ҳамда 95 % ишончилилик билан 0,9112 дан 1,0456 гача ишончилилик интервали ҳосил қилинди. Кутилаётган фаоллик асосида тайёрланган эритмалар тўлиқ эквиваол (фаоллик даражаси эквивалент) бўлмаганлиги учун

$$\frac{4855 \times 25,2/24,5}{5600 \times 21,4/23,95} = 0,99799$$

тузатиш коэффициенти киритилади.

Ушбу коэффициентни препаратнинг кутилаётган фаоллиги 5600 МЕ/мг га қўпайтириб, натижалар асосида ҳисобланган фаоллик қиймати 5456 МЕ/мг ҳосил қилинади ва 95 % ишончилилик билан 5092 дан 5843 МЕ/мг гача ишончилилик интервали олинади.

### 5.1.3. ТҶРТ ДОЗАЛИ СИНОВЛАР УЧУН РАНДОМИЗАЦИЯЛАНГАН БЛОКЛАР РЕЖАСИ


*Антибиотикнинг антимикроб фаоллигини турбидиметрик усул орақли миқдорий аниқлаш*

Ушбу миқдорий аниқлаш битта флаконга тўғри келадиган халқаро бирликлардаги антибиотикнинг фаоллигини аниқлаш учун амалга оширилади. Стандарт препарат 670 МЕ/мг аттестацияланган фаолликка эга. Текширилаётган препарат кутилаётган фаоллиги 20000 бирлик/флаконга тенг деб қабул қилинади. Ушбу маълумотларга асосланиб, дастлабки аралашмалар қуйидагича тайёрланади: 16,7 мг стандарт препарат 25 мл эритувчи моддада эритилади. Текширилаётган препарат битта флаконини эса 40 мл эритувчида эритилади. Таҳлил қилиш учун дастлабки эритмалар биринчи навбатда 1/40 нисбатда, сўнгра 1,5 суюлтириш даражаси ёрдамида суюлтирилди. Пробиркалар рандомизация қилинган блоклар режасига мувофиқ сув ҳаммомига жойлаштирилади (8.5. бўлимга қаралсин). Олинган натижалар 5.1.3-1-жадвалда келтирилади.

5.1.3-1-расмнинг таҳлили маълумотларнинг нормал тақсимланганлиги ва дисперсияларнинг бир жинслилиги ҳақидаги фаразларнинг тўғрилигига шубҳа қилишга асос бўла олмайди. Стандарт четланиш  $S_3$  бирмунча катта, аммо критик ҳолатда эмас.

5.1.3-1-жадвал. – Суспензияларнинг оптик зичлиги кўрсаткичи ( $\times 1000$ )

Блок	Стандарт препарат S				Синалаётган препарат T				Ўртача
	$S_1$	$S_2$	$S_3$	$S_4$	$T_1$	$T_2$	$T_3$	$T_4$	
1	252	207	168	113	242	206	146	115	181,1
2	249	201	187	107	236	197	153	102	179,0
3	247	193	162	111	246	197	148	104	176,0
4	250	207	155	108	231	191	159	106	175,9
5	235	207	140	98	232	186	146	95	167,4
Ўртача	246,6	203,0	162,4	107,4	237,4	195,4	150,4	104,4	



5.1.3-1-расм

3.2.3-1- ва 3.2.3-2-жадвалларда келтирилган формулалардан фойдаланган ҳолда, қуйидаги натижалар олинади:

$$P_s = 719,4 \quad L_s = -229,1 \\ P_T = 687,6 \quad L_T = -222 \\ H_P = \frac{5}{4} = 1,25 \quad H_L = \frac{60}{60} = 1$$

Кейин 3.2.3-3- ва 3.2.3-4-жадвалларда келтирилган формулалар ёрдамида дисперсион таҳлил ўтказилади. Олинган натижалар 5.1.3-2-жадвалда келтирилади.

5.1.3-2-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбан	Эркин-лик даражаси	Квадрат-лар йиғиндиси	Ўртача квадрат	F-нисбат	Эҳтимолилик
Препаратлар	1	632,025	632,025		
Регрессия	1	101745,6	101745,6	1887,1	0,000
Нопараллеллик	1	25,205	25,205	0,467	0,500
Чизиксизлик	4	259,14	64,785	1,202	0,332
Гуруҳлар	7	102,662			
Блоклар	4	876,75	219,188	4,065	0,010
Колдик вариация	28	1509,65	53,916		
Умумий вариация	39	105048,4			

Блоклар орасида сезиларли фарқ аниқланади. Бу шуни англатадики, рандомизацияланган блоклар режасидан фойдаланиш услубнинг анча юқори аниқлигига эришиш имконини беради. Регрессиянинг юқори аҳамиятлилиги, шунингдек, параллеллик ва чизиклиликдан сезиларли оғиш йўқлиги, миқдорий аниқлаш натижалари фаолликни ҳисоблаш учун яроқли эканлигини тасдиқлайди.



3.2.5-бўлимда келтирилган формуладан фойдаланиб, куйидаги натижалар олинади:

– умумий бурчак коэффициенти:

$$b = \frac{1 \times (-229,1 - 222)}{\ln(1,5) \times 5 \times 2} = -111,225$$

– фаолликлар нисбатининг натурал логарифми:

$$M'_T = \frac{687,6 - 719,6}{4 \times (-111,225)} = 0,071457$$

$$C = \frac{101745,6}{101745,6 - 53,916 \times 2,048^2} = 1,00223$$

$$V = \frac{101745,6}{(-111,225)^2 \times 4 \times 5} = 0,4110$$

– ишончлилик интервалларининг натурал логарифмлари:

$$1,00223 \times 0,0715 \pm \sqrt{0,00223 \times (1,00223 \times 0,0715^2 + 2 \times 0,4110)} = 0,07162 \pm 0,04293$$

Антилогарифмни ҳисоблаб, қиймати 1,0741 га тенг фаолликлар нисбати аниқланади, ҳамда 95 % ишончлилик билан 1,0291 дан 1,1214 гача ишончлилик интервали ҳосил қилинади. Фараз қилинаётган фаоллик асосида тайёрланган эритмалар тўлиқ эквиваол (фаоллик даражаси эквивалент) бўлмаганлиги учун куйидаги тузатиш коэффициенти киритилади:

$$\frac{670 \times 16,7/25}{20\,000 \times 1/40} = 0,89512$$

Препаратнинг кутилаётган фаоллиги 20000 МЕ/флакон кўрсаткичини ушбу коэффициентга кўпайтириб, натижалар асосида ҳисобланган фаоллик қиймати 19228 МЕ/флакон ҳосил қилинади ва 95 % ишончлилик билан 18423 дан 20075 МЕ/флакон гача ишончлилик интервали олинади.

#### 5.1.4. ФАОЛЛИКНИНГ КЎП МАРТАЛИ МИҚДОРИЙ ТАҲЛИЛИ УЧУН БЕШ ДОЗАЛИ ТЎЛИҚ РАНДОМИЗАЦИЯЛАНГАН БЛОКЛАР РЕЖАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Гепатит В профилактикаси учун учта вакцинанинг in vitro фаоллигини стандарт препарат билан солиштириб миқдорий таҳлил қилиш.*

Ҳар бир вакцина учун ҳар бири бешта икки каррали эритишдан иборат, учтадан боғлиқсиз серияда эритмалар тайёрланади. Миқдорий аниқлаш усулида кўзда тутилган маълум тайёргарлик ишларидан сўнг, эритмаларнинг оптик зичлиги ўлчанади. Олинган натижалар 5.1.4-1-жадвалда келтирилган.

5.1.4-1-жадвал.

*Вакцина эритмаларининг оптик зичликлари*

Эритма	Стандарт препарат S			Синалаётган препарат T		
1:16000	0,043	0,045	0,051	0,097	0,097	0,094
1:8000	0,093	0,099	0,082	0,167	0,157	0,178
1:4000	0,159	0,154	0,166	0,327	0,355	0,345
1:2000	0,283	0,295	0,362	0,501	0,665	0,576
1:1000	0,514	0,531	0,545	1,140	1,386	1,051

Эритма	Синалаётган препарат U			Синалаётган препарат V		
1:16000	0,086	0,071	0,073	0,082	0,082	0,086
1:8000	0,127	0,146	0,133	0,145	0,144	0,173
1:4000	0,277	0,268	0,269	0,318	0,306	0,316
1:2000	0,586	0,489	0,546	0,552	0,551	0,624
1:1000	0,957	0,866	1,045	1,037	1,039	1,068

Эритмалар оптик зичликларининг натурал логарифмлари вакциналар дозаларининг натурал логарифмлари билан чизикли боғлиқлиги аниқланади. Оптик зичлик логарифмик алмаштиришининг ўрта қийматлари 5.1.4-2-жадвалда келтирилган. Натижаларнинг график кўриниши маълумотлар жойлашувида бирон бир ғайриоддий қонуниятларни аниқламади (5.1.4-1-расм).

5.1.4-2-жадвал. – *Вакцина эритмаларининг оптик зичликлари натурал логарифмларининг ўртача қийматлари*

S <sub>1</sub>	-3,075	T <sub>1</sub>	-2,344	U <sub>1</sub>	-2,572	V <sub>1</sub>	-2,485
S <sub>2</sub>	-2,396	T <sub>2</sub>	-1,789	U <sub>2</sub>	-2,002	V <sub>2</sub>	-1,874
S <sub>3</sub>	-1,835	T <sub>3</sub>	-1,073	U <sub>3</sub>	-1,305	V <sub>3</sub>	-1,161
S <sub>4</sub>	-1,166	T <sub>4</sub>	-0,550	U <sub>4</sub>	-0,618	V <sub>4</sub>	-0,554
S <sub>5</sub>	-0,635	T <sub>5</sub>	0,169	U <sub>5</sub>	-0,048	V <sub>5</sub>	0,047

3.2.3-1- ва 3.2.3-2-жадвалларда келтирилган формулалардан фойдаланиб, куйидагилар олинади:

$$P_s = -9,108$$

$$L_s = 6,109$$

$$P_t = -5,586$$

$$L_t = 6,264$$

$$P_u = -6,544$$


$$L_u = 6,431$$

$$P_v = -6,027$$

$$L_v = 6,384$$

$$H_p = \frac{3}{5} = 0,6$$

$$H_L = \frac{36}{120} = 0,3$$



5.1.4-1-расм

Сўнгра 3.2.3-3- ва 3.2.3-4-жадвалларда келтирилган формулалар ёрдамида дисперсион таҳлил ўтказилди. Олинган натижалар 5.1.4-3-жадвалда келтирилган:

5.1.4-3-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбаи	Эркинлик даражаси	Квадратлар йиғиндиси	Ўрта квадрат	F-нисбат	Эҳтимолик
Препаратлар	3	4,475	1,492		
Чизиқли регрессия	1	47,58	47,58	7126	0,000
Нопараллеллик	3	0,0187	0,006	0,933	0,434
Чизиксизлик	12	0,0742	0,006	0,926	0,531
Гуруҳлар	19	52,152			
Қолдиқ вариация	40	0,267	0,0067		
Умумий вариация	59	52,42			

Чизиқли регрессиянинг юқори аҳамиятлилиги, шунингдек, параллеллик ва чизиклиликдан сезиларли оғиш йўқлиги, ўтказилган синов натижалари фаолликини ҳисоблаш учун яроқли эканлигини тасдиқлайди.

3.2.5-бўлимда келтирилган формуладан фойдаланиб, қуйидаги натижалар олинади:

– умумий бурчак коэффициентини:

$$b = \frac{0,3 \times (6,109 + 6,264 + 6,431 + 6,348)}{\ln 2 \times 3 \times 4} = 0,90848$$

– синовдан ўтказилаётган  $T$  препарат учун фаолликлар нисбатининг натурал логарифми:

$$M'_T = \frac{-5,586 - (-9,108)}{5 \times 0,90848} = 0,7752$$

$$C = \frac{47,58}{47,58 - 0,0067 \times 2,021^2} = 1,00057$$

$$V = \frac{47,58}{0,9085^2 \times 5 \times 3} = 3,8436$$

– синовдан ўтказилаётган  $T$  препарат учун ишончлилик интервалларининг натурал логарифмлари:

$$1,00057 \times 0,7752 \pm \sqrt{0,00057 \times (1,00057 \times 0,7752^2 + 2 \times 3,8436)} = 0,7756 \pm 0,0689$$

Антилогарифмни ҳисоблаб, қиймати 2,171 га тенг вакцина фаоллиги аниқланади, ҳамда 95 % ишончлилик билан 2,027 дан 2,327 гача ишончлилик интервали ҳосил қилинади. Барча стандарт препарат намуналари 20 мкг протеин/мл аттестацияланган фаолликка эга, демак синовдан ўтказилаётган  $T$  препаратнинг топилган фаоллиги 43,5 мкг протеин/мл га тенг, ҳамда 95 % ишончлилик билан 2,027 дан 2,327 гача ишончлилик интервалига эга. Синовдаги бошқа препарат учун фаоллик ва ишончлилик интервали шунга ўхшаш тарзда ҳисоблаб чиқилган. Олинган натижалар 5.1.4-4-жадвалда келтирилган.

5.1.4-4-жадвал. – Синовдан ўтказилаётган вакциналар фаоллигининг якуний баҳолари (мкг протеин/мл) ва 95 % ишончлилик интерваллари.

	Қуйи чегара	Ҳисобланган қиймат	Юқори чегара
Вакцина $T$	40,5	43,4	46,5
Вакцина $U$	32,9	35,2	37,6
Вакцина $V$	36,8	39,4	42,2

## 5.1.5. КАРРАЛИ КЕСИШМА РЕЖА

Қуёнларда тери ости инъекцияси орқали инсулиннинг биологик фаоллигини миқдорий аниқлаш


Стандарт препарат 1 ва 2 бирлик/мл дозасида киритилди. Номатлум фаолликка эга синов дори воситасининг эквивалент дозалари унинг фараз қилинган 40 бирлик/мл фаоллиги асосида белгиланади. Қуёнларга 5.1.5-1-жадвалда кўрсатилган схема бўйича 0,5 мл мос эритмалар тери остига юборилди. Олинган натижалар 5.1.5-2-жадвалда ва 5.1.5-1-расмда келтирилган. Дисперсия катталиги қуёнлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар мавжудлигини кўрсатади ва тадқиқотнинг кесишма схемасидан фойдаланиш зарурлигини тасдиқлайди.

5.1.5.1-1-жадвал. – Тадқиқот режаси

	Қуёнлар гуруҳи			
	1	2	3	4
1-кун	$S_1$	$S_2$	$T_1$	$T_2$
2-кун	$T_2$	$T_1$	$S_2$	$S_1$

5.1.5-2-жадвал. – Эффе́кт у: 1 соатдан кейин ва 2,5 соатдан кейин қондаги глюкоза концентрациясининг йиғиндиси (мг/100 мл)

	1 гуруҳ		2 гуруҳ		3 гуруҳ		4 гуруҳ	
	$S_1$	$T_2$	$S_2$	$T_1$	$T_1$	$S_2$	$T_2$	$S_1$
	112	104	65	72	105	91	118	144
	126	112	116	160	83	67	119	149
	62	58	73	72	125	67	42	51
	86	63	47	93	56	45	64	107
	52	53	88	113	92	84	93	117
	110	113	63	71	101	56	73	128
	116	91	50	65	66	55	39	87
	101	68	55	100	91	68	31	71
Ўртача	95,6	82,8	69,6	93,3	89,9	66,6	72,4	106,8



5.1.5-1-расм.

Миқдорий аниқлашнинг кўриб чиқилаётган схемаси учун дисперсион таҳлилни қўллаш илгари кўриб чиқилган схемаларни қўллашдан кўра мураккаброкдир, чунки

параллелликка асосланган квадратлар йиғиндисининг компоненти қуёнлар ўртасидаги фарқка асосланган компонентдан боғлиқсиз эмас. Шу сабабли, регрессия чизиқларининг параллеллигини текшириш қўшимча равишда ўртача квадратик четланиш (дисперсия) хатоси учун иккинчи тузатиш коэффициентини киритишни талаб қилади, бу коэффициент қуёнлар ўртасидаги фарқка боғлиқ компонентдан параллеллик компоненти ва иккита "ўзаро таъсир қилувчи" компонентларни айлариш йўли билан ҳисобланади.

Дисперсион таҳлилда такрорланишлар туфайли ҳар бир гуруҳда учта "ўзаро таъсир қилувчи" компонентлар мавжуд:

кунлар × препаратлар; кунлар × регрессия; кунлар × параллеллик.

Ушбу коэффициентлар синовнинг турли кунларида компонентлар (препарат, регрессия ва параллеллик) ўзгариши тенденциясини тавсифлайди. Шундай қилиб, мос  $F$ -нисбатлар ушбу компонентларни миқдорий аниқлаш натижаларининг ишончилигига таъсирини текширишни таъминлайди. Агар олинган  $F$ -нисбатларнинг статистик аҳамияти юқори бўлса, тажриба натижаларини эҳтиёткорлик билан талқин қилиш керак ва агар мумкин бўлса, инсулин фаоллигини миқдорий аниқлашни такрорлаш лозим.

3.2.3-1- ва 3.2.3-3-жадвалларда келтирилган формулалар ёрдамида ҳар бир кун учун алоҳида, жамланган маълумотлар тўплами учун алоҳида дисперсион таҳлил ўтказилди.

3.2.3-1- ва 3.2.3-2-жадвалларда келтирилган формулалардан фойдаланиб, қуйидаги натижалар олинади:

$$\begin{aligned} 1\text{-кун:} \quad P_S &= 165,25 & L_S &= -13 \\ P_T &= 162,25 & L_T &= -8,75 \\ H_P &= \frac{8}{2} = 4 & H_L &= \frac{96}{6} = 16 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} 2\text{-кун:} \quad P_S &= 173,38 & L_S &= -20,06 \\ P_T &= 176 & L_T &= -5,25 \\ H_P &= \frac{8}{2} = 4 & H_L &= \frac{96}{6} = 16 \end{aligned}$$

Жамланган маълумотлар тўплами:

$$\begin{aligned} P_S &= 169,31 & L_S &= -16,53 \\ P_T &= 169,13 & L_T &= -7,00 \\ H_P &= \frac{16}{2} = 8 & H_L &= \frac{192}{6} = 32 \end{aligned}$$

3.2.3-3-жадвалда келтирилган формулалардан фойдаланиб, қуйидаги натижалар олинган:

1-кун	2-кун	Жамланган маълумотлар тўплами:
$SS_{\text{prep}} = 18,000$	$SS_{\text{prep}} = 13,781$	$SS_{\text{prep}} = 0,141$
$SS_{\text{reg}} = 3784,5$	$SS_{\text{reg}} = 5125,8$	$SS_{\text{reg}} = 8859,5$
$SS_{\text{par}} = 144,5$	$SS_{\text{par}} = 1755,3$	$SS_{\text{par}} = 1453,5$

Ўзаро таъсир коэффициентлари қуйидагича ҳисобланади: 1-кун + 2-кун – Жамланган маълумотлар тўплами:

$$SS_{\text{days} \times \text{prep}} = 31,64$$

$$SS_{\text{days} \times \text{reg}} = 50,77$$

$$SS_{\text{days} \times \text{par}} = 446,27$$

Бундан ташқари, турли синов кунлари ("кундан-кунгача") ўзгаришига асосланган четланишлар квадратлари йиғиндиси қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$SS_{\text{days}} = \frac{1}{2} N(D_1^2 + D_2^2) - K = 478,52$$

Шу билан бирга, блоклар (қуёнлар ўртасидаги фарқ) ўзгаришига четланишлар квадратлари йиғиндиси ҳам ҳисобланади:

$$SS_{\text{block}} = 2 \sum B_i^2 - K = 39794,7$$

бу ерда

$B_i$  = ҳар бир қуён учун кузатишланган эффектнинг ўртача қиймати.

Кейин дисперсион таҳлил ўтказилди, таҳлил натижалари 5.1.5-3-жадвалда келтирилган.

5.1.5-3-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбаи	Эркинлик даражаси	Квадратлар йиғиндиси	Ўрта квадрат	F-нисбат	Эҳтимоллик
Нопараллеллик	1	1453,5	1453,5	1,064	0,311
Кунлар × Препаратлар	1	31,6	31,6	0,023	0,880
Кунлар × Регрессия	1	50,8	50,8	0,037	0,849
Қуёнлар гуруҳлари орасидаги қолдиқ хатолик	28	38258,8	1366,4		
Қуёнлар	31	39794,7	1283,7		
Препаратлар	1	0,14	0,14	0,001	0,975
Регрессия	1	8859,5	8859,5	64,532	0,000
Кунлар	1	478,5	478,5	3,485	0,072
Кунлар × Нопараллеллик	1	446,3	446,3	3,251	0,082
Бир гуруҳдаги қуёнлар орасидаги қолдиқ вариация	28	3844,1	137,3		
Умумий вариация	63	53423,2			

Дисперсион таҳлил шуни тасдиқладики, олинган маълумотлар инсулин фаоллигини аниқлаш натижалари ишончилигининг зарур шартларини қаноатлантиради, яъни: чизикли регрессиянинг юқори статистик аҳамиятлиги, параллелликдан статистик аҳамиятли оғишларнинг йўқлиги ва ҳар учта ўзаро таъсир коэффициентларининг аҳамиятсиз эканлиги.

3.2.5. бўлимда келтирилган формулалардан фойдаланиб, қуйидаги натижалар олинган:

– умумий бурчак коэффициенти:

$$b = \frac{32 \times (-16,53 - 7)}{\ln 2 \times 16 \times 2} = -33,95$$

– фаолликлар нисбатининг натурал логарифми:

$$M'_T = \frac{169,13 - 169,31}{2 \times (-33,95)} = 0,00276$$

$$C = \frac{8859,5}{8859,5 - 137,3 \times 2,048^2} = 1,0695$$

$$V = \frac{8859,5}{(-33,95)^2 \times 2 \times 16} = 0,2402$$

– ишончилилик интервалларининг натурал логарифмлари:

$$1,0695 \times 0,00276 \pm \sqrt{0,0695 \times (1,0695 \times 0,00276^2 + 2 \times 0,2402)} \\ = 0,00295 \pm 0,18279$$

Антилогарифмни ҳисоблаб, қиймати 1,003 га тенг фаолликлар нисбати аниқланади, ҳамда 95 % ишончлилиқ билан 0,835 дан 1,204 гача ишончлилиқ интервали ҳосил қилинади.  $A_T = 40$  кўпайтириб, фаоллик қиймати 40,1 бирлик/мл аниқланади, ҳамда 95 % ишончлилиқ билан 33,4 дан 48,2 бирлик/мл гача ишончлилиқ интервали ҳосил қилинади.

## 5.2. БУРЧАК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ МОДЕЛИ

### 5.2.1. ТЎЛИҚ РАНДОМИЗАЦИЯ (0,3,3) РЕЖАСИ VIII фактор фаоллигини миқдорий аниқлаш.

Мисол тарикасида, лабораторияда рангдор маҳсулот ҳосил қилиш учун препаратлардаги VIII омил фаоллигини аниқлаш учун миқдорий аниқлаш олиб борилмоқда. Яна фарз қиламизки, лаборатория бундай миқдорий аниқлаш ўтказиш учун тажрибага эга эмас, аммо шунга қарамай ушбу услубни бажаришга ҳаракат қилинган. Стандарт ва синов препаратлари учун учтадан эквивалент эритма тайёрланади. Бундан ташқари, паст дозали соҳада, эффектнинг дозадан чиққилиқ боғлиқ эканлиги кутилмаса ҳам, назорат эритмаси тайёрланади. Ҳар бир эритиш учун такрорлашлар сони саккизтани ташкил этади, бу эса одатий миқдорий таҳлилни амалга оширишда талаб қилинганидан бир оз кўп.

Маълумотларнинг график кўриниши, паст дозали соҳада натижанинг дозага боғлиқлиги йўқлигини аниқ кўрсатиб турибди. Шунга асосан, назорат эритмасининг таҳлилидан олинган натижалар, ҳисоб-китобларда қўлланилмайди (бу қарорни асослаш учун, албатта, қўшимча аниқлашларни амалга ошириш керак бўлади).

3.3.3.1-1- ва 3.3.3.1-2-жадвалларда келтирилган формулалардан фойдаланиб, қуйидаги натижаларни олинади.

$$\begin{aligned} P_S &= 0,6524 & P_T &= 0,5651 \\ L_S &= 1,4693 & L_T &= 1,2656 \\ a_S &= 0,318 & a_T &= 0,318 \\ b_S &= 0,329 & b_T &= 0,271 \\ G_S &= 0,1554 & G_T &= 0,1156 \\ J_S &= 4,17 \cdot 10^{-8} & J_T &= 2,84 \cdot 10^{-6} \end{aligned}$$

ва

$$H_1 = 0,09524 \quad a' = 0,05298 \quad K = 1,9764$$

Сўнгра 3.3.3.1-3- ва 3.3.3.1-4-жадвалларда келтирилган формулар бўйича дисперсион таҳлил ўтказилади. Чизикли регрессиянинг юқори статистик аҳамиятлилиги, чизиклиликдан аҳамиятли оғишларнинг йўқлиги ва ордината ўқи билан кесишиш нуқталари, келгусида фаоллиқни ҳисоблаш учун маълумотларнинг ишончли эканлигини кўрсатади.

Стандарт препарат бурчак коэффиценти:

$$b'_S = \frac{6 \times 1,469 - 36 \times 0,0530}{84} = 0,0822$$

Синовдаги препаратнинг бурчак коэффиценти:

$$b'_T = \frac{6 \times 1,266 - 36 \times 0,0530}{84} = 0,0677$$

3.3.5.1-3-формуладан қуйидагилар олинади:

$$R = \frac{0,0677}{0,0822} = 0,823$$

$$C = \frac{0,0822^2}{0,0822^2 - 3,86 \cdot 10^{-6} \times 2,018^2 \times 0,0357} = 1,000083$$

$$K' = 0,000083 \times 0,75 = 0,000062$$

95 % ишончлилиқ интервалининг чегаралари:

$$0,823 \pm \sqrt{0,000083 \times 1,678 + 0,000062 \times (-1,646)} \\ = 0,823 \pm 0,006$$


Шундай қилиб, фаоллиқнинг ҳисобланган қиймати 0,823 га тенг, ҳамда 95 % ишончлилиқ билан 0,817 дан 0,829 гача ишончлилиқ интервали ҳосил қилинади.

5.2.1-1-жадвал. – Оптик зичлик кўрсаткичлари

Кон-цент-рация	Назо-рат эрит-маси	Стандарт препарат S (МЕ/мл)			Синалаётган препарат T (МЕ/мл)		
	B	S <sub>1</sub> 0,01	S <sub>2</sub> 0,02	S <sub>3</sub> 0,03	T <sub>1</sub> 0,01	T <sub>2</sub> 0,02	T <sub>3</sub> 0,03
	0,022	0,133	0,215	0,299	0,120	0,188	0,254
	0,024	0,133	0,215	0,299	0,119	0,188	0,253
	0,024	0,131	0,216	0,299	0,118	0,190	0,255
	0,026	0,136	0,218	0,297	0,120	0,190	0,258
	0,023	0,137	0,220	0,297	0,120	0,190	0,257
	0,022	0,136	0,220	0,305	0,121	0,191	0,257
	0,022	0,138	0,219	0,299	0,121	0,191	0,255
	0,023	0,137	0,218	0,302	0,121	0,190	0,254
Ўртача	0,0235	0,1351	0,2176	0,2996	0,1200	0,1898	0,2554

5.2.1-2-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбаи	Эркин-лик да-ражаси	Квадрат-лар йиғин-диси	Ўртача квадрат	F-нисбат	Эҳти-моллик
Чизикли регрессия	2	0,1917	0,0958	24850	0,000
Кесишиш нуқтаси	1	$3 \cdot 10^{-9}$	$3 \cdot 10^{-9}$	$7 \cdot 10^{-4}$	0,978
Чизиксизлик	2	$2 \cdot 10^{-5}$	$1 \cdot 10^{-5}$	2,984	0,061
Гуруҳлар (эритмалар)	5	0,1917			
Қолдиқ вариация	42	$1,65 \cdot 10^{-4}$	$3,86 \cdot 10^{-6}$		
Умумий вариация	47	0,1919			



5.2.1-1-расм.

## 5.2.2. (0.4,4,4) ТҶЛИҚ РАНДОМИЗАЦИЯ РЕЖАСИ

*In vitro* групп вакцинасининг биологик фаоллигини микдорий аниқлаш

Грипп олдини олиш учун иккита вакцинада гемагглютинин антиген (НА) таркиби радиал иммуно-диффузия усули билан аниқланади. Иккала вакцина ёрликларида ҳам бир дозада 15 мкг НА фаоллик кўрсатилган бўлиб, бу 30 мкг НА/мл фаолликка тенг. Маълумки, стандарт препарат 39 мкг НА/мл аттестацияланган фаолликка эга.

Тажриба аттестацияланган ва ёрликда кўрсатилган фаолликлар асосида ҳисобланган стандарт ва синов вакциналарининг тўртта концентрацияни икки марта такрорлаш ёрдамида амалга оширилди. Ички ва ташқи реагентлар ўртасида мувозанат ўрнатилганидан сўнг, преципитация айланма зоналари ўлчанади. Натижалар 5.2.2-1-жадвалда келтирилган.

5.2.2-1-жадвал. – Преципитация айланма зоналари юзаси (мм<sup>2</sup>)

Концентрация (мкг/мл)	Стандарт препарат S		Синалаётган препарат T		Синалаётган препарат U	
	I	II	I	II	I	II
7,5	18,0	18,0	15,1	16,8	15,4	15,7
15,0	22,8	24,5	23,1	24,2	20,2	18,6
22,5	30,4	30,4	28,9	27,4	24,2	23,1
30,0	35,7	36,6	34,4	37,8	27,4	27,0

Маълумотларнинг график кўриниши ҳеч қандай ғайриоддий оғишларни аниқламади (5.2.2-1-расмга қаралсин). 3.3.3.1-1- ва 3.3.3.1-2-жадвалларда келтирилган формулалардан фойдаланиб, қуйидаги натижалар олинади:

$$\begin{aligned}
 P_S &= 108,2 & P_T &= 103,85 & P_U &= 85,8 \\
 L_S &= 301,1 & L_T &= 292,1 & L_U &= 234,1 \\
 a_S &= 141,0 & a_T &= 116,7 & a_U &= 139,8 \\
 b_S &= 61,2 & b_T &= 64,95 & b_U &= 39,2 \\
 G_S &= 3114,3 & G_T &= 2909,4 & G_U &= 1917,3 \\
 J_S &= 0,223 & J_T &= 2,227 & J_U &= 0,083
 \end{aligned}$$

ва

$$H_I = 0,0093 \quad a' = 11,04 \quad K = 14785,8$$

Сўнгра 3.3.3.1-3- ва 3.3.3.1-4-жадвалларда келтирилган формулалар бўйича дисперсион таҳлил ўтказилди. Натижалар 5.2.2-2-жадвалда келтирилган.

Чизиқли регрессиянинг юқори аҳамиятлилиги, чизиқлиликдан ва кесишиш нуқтасидан сезиларли оғиш йўқлиги, олинган натижаларнинг ишончлилигини ва фаоллиқни ҳисоблаш мумкинлигини тасдиқлайди. Стандарт препарат бурчак коэффициент:

$$b'_S = \frac{6 \times 301,1 - 60 \times 11,04}{110} = 6,356$$

Синалаётган T препаратнинг бурчак коэффициенти:

$$b'_T = \frac{6 \times 292,1 - 60 \times 11,04}{180} = 6,056$$

Синалаётган U препаратнинг бурчак коэффициенти:

$$b'_U = \frac{6 \times 234,1 - 60 \times 11,04}{180} = 4,123$$

Натижада қуйидаги фаоллик нисбатлари олинади: T вакцина учун  $6,056/6,356 = 0,953$  ва U вакцина учун  $4,123/6,356 = 0,649$ .

$$C = \frac{6,356^2}{6,356^2 - 1,068 \times 2,179^2 \times 0,0444} = 1,0056$$

$$K' = 0,0056 \times 0,625 = 0,0035$$

Ишончлилик интерваллар 3.3.5.1-4-формула бўйича ҳисобланади.

T вакцина учун:

$$0,955 \pm \sqrt{0,0056 \times 1,191 + 0,0035 \times (-1,913)} = 0,955 \pm 0,063$$

U вакцина учун:

$$0,649 \pm \sqrt{0,0056 \times 1,423 + 0,0035 \times (-1,301)} = 0,649 \pm 0,058$$


Вакцинанинг 1 дозасида НА нинг мкг даги микдорини фаоллик нисбатлари ва ишончлилик интервали чегараларини НА нинг фарз қилинаётган (15 мкг/доза) микдорига кўпайтириш орқали аниқланади. Натижалар 5.2.2-3-жадвалда келтирилган.

5.2.2-2-жадвал. – Дисперсион таҳлил

Вариация манбаи	Эркинлик даражаси	Квадратлар йиғиндиси	Ўртача квадрат	F-нисбат	Эҳтимолик
Чизиқли регрессия	3	1087,7	362,6	339,5	0,000
Кесишиш нуқтаси	2	3,474	1,737	1,626	0,237
Чизиқсизлик	6	5,066	0,844	0,791	0,594
Таъсир даражалари (гуруҳлар)	11	1096,2			
Қолдиқ вариация	12	12,815	1,068		
Умумий вариация	23	1109,0			

5.2.2-3-жадвал. – НА таркибини баҳолаш (мкг/доза)

	Қуйи чегара	Ҳисобланган қиймат	Юқори чегара
Вакцина T	13,4	14,3	15,3
Вакцина U	8,9	9,7	10,6



5.2.2-1-расм.

## 5.3. КВАНТЛАНГАН ЭФФЕКТЛАР

## 5.3.1. СИНАЛАЁТГАН ПРЕПАРАТНИ СТАНДАРТ ПРЕПАРАТ БИЛАН СОЛИШТИРИШДА ПРОБИТ-ТАҲЛИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ

*in vivo* дифтерия профилактикаси учун вакцинанинг биологик фаоллигини миқдорий аниқлаш

Дифтерия (фараз қилинадиган фаоллиги 140 МЕ/флакон) профилактикаси учун вакцинани миқдорий аниқлаш стандарт препарат (аттестацияланган фаоллиги 132 МЕ/флакон) билан солиштириш орқали олиб борилди. Ушбу маълумотларга асосланиб, эквивалент дозалар тайёрланади ва тасодифий равишда Денгиз чўчкалари гуруҳларига киритилади. Маълум вақтдан сўнг, хайвонларни ўлимга олиб келувчи дифтерия токсини киритилади. Тирик қолган чўчкалар сони ҳисобга олинади. Олинган натижалар 5.3.1-1-жадвалда келтирилган.

5.3.1-1-жадвал. Дифтерия профилактикаси учун вакцина фаоллигини аниқлашда Денгиз чўчкаларида ўлимга олиб келадиган синов усули билан олинган дастлабки маълумотлар.

Стандарт препарат (S) Аттестацияланган фаоллик			Синалаётган препарат (T) Кутилаётган фаоллик		
Доза (МЕ/мл)	Касалланган хайвонлар сони	Тирик қолган хайвонлар сони	Доза (МЕ/мл)	Касалланган хайвонлар сони	Тирик қолган хайвонлар сони
1,0	12	0	1,0	11	0
1,6	12	3	1,6	12	4
2,5	12	6	2,5	11	8
4,0	11	10	4,0	11	10

Шундан сўнг, кузатувлар натижалари биринчи иш жадвалига ўтказилди, қолган устунлар 4.2.1-бўлимда келтирилган тавсияларга мувофиқ тўлдирилди. 5.3.1-2-жадвалда итерацион таҳлилнинг биринчи цикли натижалари келтирилган.

Кейин ҳар бир препарат учун охириги олтита устунларнинг маълумотлари қўшиб чиқилди, натижалар иккинчи иш жадвалига киритилди (5.3.1-3-жадвалга қаралсин). Қолган устунлар 4.2.1-4- ва 4.2.1-10-формула-

лар ёрдамида ҳисобланган маълумотлар билан тўлдирилади. Натижада, умумий бурчак коэффициенти  $b$  нинг 1.565 га тенг бўлган қиймати олинади.

Сўнгра, биринчи иш жадвалининг  $Y$  қийматлари  $a+bx$  қийматлари билан алмаштирилди ва иккинчи цикл бажарилди (5.3.1-5-жадвалга қаралсин).

Циклларни кетма-кет иккита цикл натижалари орасидаги фарқ етарлича кичик бўлмагунча такрорланади. Натижада, 5.3.1-5-жадвал шаклида келтирилган иккинчи иш жадвали олинади.

Чизиклилики текшириш 4.2.2-бўлимда кўрсатилганидек ўтказилди. Эркинлик даражаси 4 бўлган  $\chi^2$  қиймати  $0,851 + 1,070 = 1,921$  га тенг ва унга  $p = 0,750$  мос келади, бу эса статистик аҳамиятли эмас.

Чизиклиликтан оғиш статистик аҳамиятли бўлмаганлиги сабабли, параллелликдан оғишни текшириш ҳам, ўша бўлимда айtilганидек амалга оширилиши мумкин. Эркинлик даражаси бир бўлган  $\chi^2$  қиймати қуйидагича:

$$(16,71 + 17,27) - \frac{14,15^2}{5,89} = 0,001$$

унга  $p = 0,974$  мос келади, бу ҳам статистик аҳамиятли эмас.

Сўнгра 4.2.3. бўлимда кўрсатилганидек, фаоллик нисбатининг натурал логарифми ҳисоблаб чиқилади

$$M'_T = \frac{-1,721 - (-2,050)}{2,401} = 0,137$$

Кейин қуйидагилар топилади:

$$C = \frac{2,401^2 \times 5,893}{2,401^2 \times 5,893 - 1^2 \times 1,960^2} = 1,127$$

$$V = \frac{1}{18,37} + \frac{1}{17,96} = 0,110$$

Ишончлилиқ интервали чегараларининг натурал логарифми:

$$0,155 - 0,013 \pm \sqrt{0,127 \times (0,649 + 1,127 \times 0,036^2)} = 0,142 \pm 0,288$$

5.3.1-2-жадвал. – Итерациянинг биринчи цикли учун биринчи иш жадвали

Вакцина	Доза	$n$	$r$	$x$	$p$	$Y$	$\Phi$	$Z$	$y$	$w$	$wx$	$wy$	$wx^2$	$wy^2$	$wxy$
S	1,0	12	0	0,000	0,000	0	0,5	0,399	-1,253	7,64	0,00	-9,57	0,00	12,0	0,00
	1,6	12	3	0,470	0,250	0	0,5	0,399	-0,627	7,64	3,59	-4,79	1,69	3,00	-2,25
	2,5	12	6	0,916	0,500	0	0,5	0,399	0,000	7,64	7,00	0,00	6,41	0,00	0,00
	4,0	11	10	1,386	0,909	0	0,5	0,399	1,025	7,00	9,71	7,18	13,46	7,36	9,95
T	1,0	11	0	0,000	0,000	0	0,5	0,399	-1,253	7,00	0,00	-8,78	0,00	11,00	0,00
	1,6	12	4	0,470	0,333	0	0,5	0,399	-0,418	7,64	3,59	-3,19	1,69	1,33	-1,50
	2,5	11	8	0,916	0,727	0	0,5	0,399	0,570	7,00	6,42	3,99	5,88	2,27	3,66
	4,0	11	10	1,386	0,909	0	0,5	0,399	1,025	7,00	9,71	7,18	13,46	7,36	9,95

5.3.1-3-жадвал. – Итерациянинг биринчи цикли учун иккинчи иш жадвали

Вакцина	$\sum w$	$\sum wx$	$\sum wy$	$\sum wx^2$	$\sum wy^2$	$\sum wxy$	$S_{xx}$	$S_{xy}$	$S_{yy}$	$\bar{x}$	$\bar{y}$	$a$
S	29,92	20,30	-7,18	21,56	22,36	7,70	7,79	12,58	20,64	0,68	-0,24	-1,36
T	28,65	19,72	-0,80	21,03	21,97	12,11	7,46	12,66	21,95	0,69	-0,03	-1,17


5.3.1-4-жадвал. – Итерациянинг иккинчи цикли учун биринчи иш жадвали

Вакцина	Доза	n	r	x	p	Y	Φ	Z	y	w	wx	wy	wx <sup>2</sup>	wy <sup>2</sup>	wxy
S	1,0	12	0	0,000	0,000	-1,36	0,086	0,158	-1,911	3,77	0,00	-7,21	0,00	13,79	0,00
	1,6	12	3	0,470	0,250	-0,58	0,279	0,336	-0,672	6,74	3,17	-4,53	1,49	3,04	-2,13
	2,5	12	6	0,916	0,500	0,15	0,561	0,394	-0,001	7,57	6,94	-0,01	6,36	0,00	-0,01
	4,0	11	10	1,386	0,909	0,93	0,824	0,258	1,260	5,07	7,03	6,39	9,75	8,05	8,86
T	1,0	11	0	0,000	0,000	-1,17	0,122	0,202	-1,769	4,20	0,00	-7,43	0,00	13,14	0,00
	1,6	12	4	0,470	0,333	-0,39	0,349	0,370	-0,430	7,23	3,40	-3,11	1,60	1,34	-1,46
	2,5	11	8	0,916	0,727	0,35	0,637	0,375	0,591	6,70	6,14	3,96	5,62	2,34	3,63
	4,0	11	10	1,386	0,909	1,13	0,870	0,211	1,311	4,35	6,03	5,70	8,36	7,48	7,90

5.3.1-5-жадвал. – Итерациянинг иккинчи цикли учун иккинчи иш жадвали

Вакцина	$\sum w$	$\sum wx$	$\sum wy$	$\sum wx^2$	$\sum wy^2$	$\sum wxy$	$S_{xx}$	$S_{xy}$	$S_{yy}$	$\bar{x}$	$\bar{y}$	$a$
S	18,37	14,80	-2,14	14,85	17,81	5,28	2,93	7,00	17,56	0,81	-0,12	-2,05
T	17,96	12,64	-0,55	11,86	18,35	6,76	2,96	7,15	18,34	0,70	-0,03	-1,72

Антилогарифмни ҳисобланади ва топилган қийматни фарз қилинаётган фаоллик 140 МЕ/флакон га қўпайтириб, фаоллиكنинг 160,6 МЕ/флакон га тенг қиймати аниқланади, ҳамда 95 % ишончлиликл билан 121,0 дан 215,2 МЕ/флакон гача ишончлиликл интервали ҳосил қилинади.



5.3.1-1-расм.

### 5.3.2. СИНАЛАЁТГАН ПРЕПАРАТНИ СТАНДАРТ ПРЕПАРАТ БИЛАН СОЛИШТИРИШДА ЛОГИТ-ТАХЛИЛ ВА ТАХЛИЛНИНГ БОШҚА УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ушбу бўлимда, 5.3.1-бўлимда келтирилган маълумотларни логит-тахлил ва ушбу типдаги “классик” усуллар ёрдамида қайта ишлаш натижалари тавсифланади. Келтирилган материал пробит-тахлил усулига муқобил сифатида эмас, балки мисол сифатида қабул қилиниши керак. Агар эгри чизик шаклини алмаштириш зарурати экспериментал маълумотлар ёки назарий ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган бўлса ва фақат шу ҳолда эгри чизикнинг бошқа шакли қабул қилиниши мумкин (5.3.2-1-жадвалга қаралсин).

5.3.2-1-жадвал. – Таҳлилнинг муқобил усулларида фойдаланган ҳолда олинган натижалар

	Логит	Гомпит	Бурчак <sup>(*)</sup>
Φ	$\frac{1}{1 + e^{-Y}}$	$1 - e^{-e^Y}$	$\frac{1}{2} \sin Y + \frac{1}{2}$
Z	$\frac{e^{-Y}}{(1 + e^{-Y})^2}$	$e^{Y - e^Y}$	$\frac{1}{2} \cos Y$
Оғиш бурчаги b	4,101	2,590	1,717
χ <sup>2</sup> чизиклиликл	2,15	3,56	1,50
χ <sup>2</sup> параллелликл	0,0066	0,168	0,0010
Фаоллик	162,9	158,3	155,8
Қуйи чегара	121,1	118,7	122,6
Юқори чегара	221,1	213,3	200,7

$$* \begin{cases} \text{Агар } Y - \frac{1}{2}\pi, \text{ кейин } \Phi = 0 \text{ ва } Z = 0 \\ \text{Агар } Y + \frac{1}{2}\pi, \text{ кейин } \Phi = 1 \text{ ва } Z = 0 \end{cases}$$

### 5.3.3. ПРОБИТ-ТАХЛИЛ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ED<sub>50</sub> МОДДАНИ АНИҚЛАШ

Полиомиелит профилактикаси учун ичга қабул қилинадиган вакцина фаоллигини *in vitro* усулида миқдорий аниқлаш.

Полиомиелит профилактикасида ED<sub>50</sub> вакцинасини фермент билан боғлиқ иммунофермент таҳлил (ELISA) усули орқали миқдорий аниқлашда дастлабки вакцинанинг 50 мкл миқдорида 10 хил эритма (8 нусхада) ишлатилган. Олинган натижалар 5.3.3-1-жадвалда келтирилган.

Олинган натижалар биринчи иш жадвалига ўтказилади, қолган устунлари эса 4.2.1. бўлимда кўрсатилганидек тўлдирилади. 5.3.3-2-жадвалда итерация жараёнининг биринчи цикли натижалари келтирилган.

5.3.3-1-жадвал. – Эритмалар (дастлабки вакцинадан  $10^x$  мкл)

-3,5	-4,0	-4,5	-5,0	-5,5	-6,0	-6,5	-7,0	-7,5	-8,0
+	+	+	+	-	-	-	-	-	-
+	+	+	+	-	-	-	-	-	-
+	+	-	-	-	-	-	-	-	-
+	+	+	+	-	-	-	-	-	-
+	+	+	-	-	-	-	-	-	-
+	+	+	+	+	-	-	-	-	-
+	+	+	+	+	-	+	-	-	-
+	+	+	+	-	+	-	-	-	-

Кейин ҳар бир препарат учун охирги олти устунларнинг маълумотлари қўшиб чиқилади ва натижалар иккинчи иш жадвалига киритилади (5.3.3-3-жадвалга қаралсин). Қолган устунлар 4.2.1-4- ва 4.2.1-10-формулалар ёрдамида ҳисобланган маълумотлар билан тўлдирилади. Натижада, умумий бурчак коэффициенти  $b$  нинг  $-0,295$  га тенг бўлган қиймати олинади.

Сўнгра, биринчи иш жадвалининг  $Y$  қийматлари  $a+bx$  қийматлари билан алмаштирилади ва иккинчи цикл бажарилади. Циклларни кетма-кет иккита цикл натижалари орасидаги фарқ етарлича кичик бўлмагунча такрорланади. Натижада иккинчи иш жадвали ҳосил қилинади (5.3.3-4-жадвал).

Чизиқлилиқни текшириш 4.2.2-бўлимда кўрсатилганидек амалга оширилади. Эркинлик даражаси 8 бўлган

$\chi^2$  қиймати 2,711 га тенг ва унга  $p = 0,951$  мос келади, бу эса статистик аҳамиятли эмас.

4.5. бўлимда тафсифланганидек, фаоллик нисбати баҳосини ушбу

$$M'_T = \frac{-(-7,931)}{-0,646} = -12,273$$

кўринишга келтириш мумкин. Қуйидагига эгамиз:

$$C = \frac{(-0,646)^2 \times 55,883}{(-0,646)^2 \times 55,883 - 1^2 \times 1,960^2} = 1,197$$

$$V = \frac{1}{19,39} = 0,052$$

Ишончлилиқ интервали чегараларининг логарифмлари қуйидагиларга тенг:

$$-14,692 - (-2,420) \pm \sqrt{0,197 \times (2,882 + 1,197 \times 0,009^2)} = -12,272 \pm 0,754$$

Бу баҳолар эритманинг  $\ln$  кўринишида ифодаланган. Фаоллик қийматини  $\ln(ED_{50})$ /мл кўринишдаги миқдорларда ҳосил қилиш учун, натижалар ушбу

$$-M'_T + \ln\left(\frac{1000}{50}\right)$$

кўринишдаги миқдорларга алмаштирилади. Одатда бундай турдаги вакцинанинг фаоллиги  $\log_{10}(ED_{50})$ /мл ўнли логарифм орқали ифодалангани учун, олинган натижаларни  $\ln(10)$  га бўлиш керак. Натижада, 95 % ли 6,30-6,96  $\log_{10}(ED_{50})$ /мл ишончлилиқ интервалида 6,63  $\log_{10}(ED_{50})$ /мл фаоллик қиймати ҳосил бўлади.

5.3.3-2-жадвал. – Итерациянинг биринчи цикли учун биринчи иш жадвали

Вак-цина	Доза	$n$	$r$	$x$	$p$	$Y$	$\Phi$	$Z$	$y$	$w$	$wx$	$wy$	$wx^2$	$wy^2$	$wxy$
$T$	$10^{-3,5}$	8	0	-8,06	0,000	0,00	0,5	0,399	-1,253	5,09	-41,04	-6,38	330,8	8,00	51,4
	$10^{-4,0}$	8	0	-9,21	0,000	0,00	0,5	0,399	-1,253	5,09	-46,91	-6,38	432,0	8,00	58,8
	$10^{-4,5}$	8	1	-10,36	0,125	0,00	0,5	0,399	-0,940	5,09	-52,77	-4,79	546,8	4,50	49,6
	$10^{-5,0}$	8	2	-11,51	0,250	0,00	0,5	0,399	-0,627	5,09	-58,63	-3,19	675,1	2,00	36,7
	$10^{-5,5}$	8	6	-12,66	0,750	0,00	0,5	0,399	0,627	5,09	-64,50	3,19	816,8	2,00	-40,4
	$10^{-6,0}$	8	7	-13,82	0,875	0,00	0,5	0,399	0,940	5,09	-70,36	4,79	972,1	4,50	-66,1
	$10^{-6,5}$	8	7	-14,97	0,875	0,00	0,5	0,399	0,940	5,09	-76,23	4,79	1140,8	4,50	-71,7
	$10^{-7,0}$	8	8	-16,12	1,000	0,00	0,5	0,399	1,253	5,09	-82,09	6,38	1323,1	8,00	-102,9
	$10^{-7,5}$	8	8	-17,27	1,000	0,00	0,5	0,399	1,253	5,09	-87,95	6,38	1518,9	8,00	-110,2
	$10^{-8,0}$	8	8	-18,42	1,000	0,00	0,5	0,399	1,253	5,09	-93,82	6,38	1728,2	8,00	-117,6


5.3.3-3-жадвал. – Итерациянинг биринчи цикли учун иккинчи иш жадвали

Вак-цина	$\sum w$	$\sum wx$	$\sum wy$	$\sum wx^2$	$\sum wy^2$	$\sum wxy$	$S_{xx}$	$S_{xy}$	$S_{yy}$	$\bar{x}$	$\bar{y}$	$a$
$T$	50,93	-674,3	11,17	9484,6	57,50	-312,32	556,92	-164,43	55,05	-13,24	0,219	-3,690

5.3.3-4-жадвал. – Итерациянинг етарлича сондаги цикли учун иккинчи иш жадвали

Вак-цина	$\sum w$	$\sum wx$	$\sum wy$	$\sum wx^2$	$\sum wy^2$	$\sum wxy$	$S_{xx}$	$S_{xy}$	$S_{yy}$	$\bar{x}$	$\bar{y}$	$a$
$T$	19,39	-238,2	0,11	2981,1	26,05	-37,45	55,88	-36,11	26,05	-12,28	0,006	-7,931





5.3.3-1-рассм.

#### 5.4. «ДОЗА-ТАБСИР» ЧЎЗИЛГАН СИГМАСИМОН ЭГРИ ЧИЗИҚЛАР

##### 5.4.1. ТЎРТ ПАРАМЕТРЛИ ЛОГИСТИК ЭГРИ ЧИЗИҚНИНГ ТАҲЛИЛИ

Қоқишолга қарши зардобнинг серологик усулда миқдорий аниқланиши.

3.4. бўлимда келтирилганидек, ушбу мисол берилган маълумотлар таҳлиlining «ягона» ёки «энг мақбул» усули сифатида эмас, балки «эхтимолий» усули учун машқ сифатида берилган. Адабиётлар рўйхатида келтирилган манбаларда кўплаб бошқа ёндашувлар келтирилган бўлиб, кўпчилик ҳолларда бу усуллар бўйича олинган натижалар орасидаги фарқ катта бўлмайди. Берилган маълумотлар таҳлиlining муқобил усуллари ва бошқа статистик ечимлар ҳақидаги қисқача мулоҳазалар 7.5. бўлимда келтирилган.

Қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили (ELISA) ёрдамида Денгиз чўчкаларидан олинган антитазардобнинг миқдорий кўрсаткичлари стандарт зардоб (0,4 МЕ/мл.) билан солиштирилиб текширилган. Ҳар бир зардоб учун ўнта икки каррали эритмалар тайёрланади ва 96 та тешикли планшетнинг тешикларига қуйилди. Ҳар бир эритма учун икки мартадан текшириш ўтказилди. Кузатиш таъсир 5.4.1-1-жадвалда келтирилган.

Ушбу мисол кузатиш олиб борилаётган лабораториянинг кундалик тажрибаларни ўтказиш усуллари ишлаб чиқишда ҳосил қилинган 1 дан 3 гача (3.1.1-бўлимга қаралсин) шартларнинг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатга эга деган таҳминда келтирилмоқда. Бундан ташқари, лабораторияда синовдан ўтказилаётган препарат фаоллик баҳосининг юқори ва қуйи чегаралари стандарт препаратнинг чегараларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатга ҳам эга бўлиши керак.

5.4.1-1-жадвал. – Кузатилган эффектлар

Стандарт препарат S			Синалаётган препарат T		
Суюлтириш	1	2	Суюлтириш	1	2
1/10	2,912	2,917	1/10	3,017	2,987
1/20	2,579	2,654	1/20	2,801	2,808
1/40	2,130	2,212	1/40	2,401	2,450
1/80	1,651	1,638	1/80	1,918	1,963
1/160	1,073	0,973	1/160	1,364	1,299
1/320	0,585	0,666	1/320	0,861	0,854

1/640	0,463	0,356	1/640	0,497	0,496
1/1280	0,266	0,234	1/1280	0,340	0,344
1/2560	0,228	0,197	1/2560	0,242	0,217
1/5120	0,191	0,215	1/5120	0,178	0,215

Натижаларнинг графикда тасвирланиши маълумотлар жойлашишининг бирор бир ғайриоддий қонунияти мавжудлигини кўрсатмаяпти. Олинган маълумотларни логистика функциясига мослаштириш учун, қолдиқ хато боғлиқсиз ва унинг тақсимооти нормал тақсимоот деган фарздан фойдаланиб, мос компьютер дастуридан фойдаланилади. Бундай ҳолда ўрта  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\delta$  параметрлар умумий бурчак коэффициенти ва умумий юқори ва қуйи асимптоталар билан тавсифланиши керак. Иккита эгри чизикнинг горизонтал жойлашишини тавсифлаш учун иккита  $\gamma_S$  ва  $\gamma_T$  қўшимча параметрлар талаб қилинади.

Юқорида айтиб ўтилган компьютер дастури ёрдамида олинган параметрлар қуйида келтирилган:

$$\alpha = 3,196 \quad \gamma_S = -4,307$$

$$\beta = 1,125 \quad \gamma_T = -4,684$$

$$\delta = 0,145$$

Бундан ташқари, эркинлик даражаси (гурӯх ичидаги вариация) 20 бўлган ( $s^2$ ) қолдиқ вариация 0,001429 га тенг бўлади.

Ишончлилиқ интервалини аниқлаш ҳамда параллеллик ва чизиклилиқка текшириш учун ( $u$ ) кузатилган таъсирлар чизикли бўлиб, кейин вазнли параллел чизиклар усули билан таҳлил қилиш учун компьютерга киритилади. Ушбу усул 4.2-бўлимда тавсифланган пробит таҳлил усулига жуда ўхшаш бўлиб, улар қуйидагича ўзгаради:

$$Y = \beta(x - \gamma) \quad y = Y + \frac{\left(\frac{u - \delta}{a - \delta}\right) - \Phi}{Z}$$

$$\Phi = \frac{1}{1 + e^{-Y}} \quad w = \frac{Z^2(a - \delta)^2}{s^2}$$

$$Z = \frac{e^{-Y}}{(1 + e^{-Y})^2}$$

Вазнларни ( $w$ ) ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилган эффектларининг ( $y$ ) вазнли дисперсион таҳлил натижалари 5.4.1-2-жадвалда келтирилган.

5.4.1-2-жадвал. – Вазнли дисперсион таҳлил

Вариация манбаи	Эркинлик даражалари	$\chi^2$	Эҳтимолилик
Препаратлар	1	0,529653	0,467
Чизикли регрессия	1	6599,51	0,000
Нопараллеллик	1	0,0458738	0,830
Чизиксизлик	16	8,89337	0,918
Таъсир даражалари (гурӯхлар)	19	6608,98	0,000
қолдиқ вариация	20	20,0000	
Умумий вариация	39	6628,98	

Параллеллик ва ва чизиклиликдан сезиларли статистик оғишларнинг йўқлиги миқдорий аниқлаш натижалари фаоллиқни ҳисоблаш учун яроқли эканлигини тасдиқлайди. Юқори ва пастки асимптоталарнинг мослик шарти бажарилмаганда, чизикли ва/ёки параллелликдан статистик аҳамиятга эга бўлган оғишларни кутмаслик керак, чунки чизиклилик ва параллеллиқни текшириш тўрт параметрли логистика эгри чизиги модели таклиф этган тажриба маълумотларининг яроқчилигини тасдиқлайди. Ушбу дисперсион таҳлилда, киритилган алмаштиришлар натижасида, қолдиқ хато ҳар доим 1 га тенг бўлади. Бирок, бир жинсли эмаслик факторини ҳисоблаш мумкин (пробит моделига ўхшаш).

Синалаётган препаратнинг нисбий фаоллиги бу  $\gamma_S - \gamma_T$  нинг антилогарифмини ташкил қилади. Синов препаратининг ҳисобланган фаоллигини стандарт дори фаоллигига кўпайтирганда,  $1,459 \times 0,4 = 0,584$  МЕ/мл га тенг фаоллик баҳоси ҳосил қилинади. 4.2.3-2-формула қўллаш орқали 0,557 дан 0,612 МЕ/мл гача бўлган 95 % ли ишончлилик интервали топилади.

## 6. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ БИРЛАШТИРИЛИШИ

### 6.1. КИРИШ

Фармакопея талабларига мослаштириш учун кўпинча бир нечта миқдорий аниқлашларни амалга ошириш ва натижаларни бирлаштириш керак бўлади. Шу сабабли, натижаларни қандай ҳолларда бирлаш-тириш мумкин ва бу қандай амалга оширилади деган савол туғилади.

Иккита миқдорий аниқлаш, улардан бирининг бажарилиши иккинчисининг мумкин бўлган натижалари юзага келиш эҳтимолликларига таъсир қилмаса, бу ҳолда улар ҳақиқатдан ҳам боғлиқсиз деб ҳисобланиши мумкин. Бу шуни англатадики, битта миқдорий аниқлашни амалга ошириш жараёнида натижага таъсир қилиши мумкин бўлган барча муҳим омилларнинг тасодифий ҳатолари (масалан, стандарт ва синов дори воситаларини суюлтириш, биологик кўрсаткичларнинг сезгирлиги), бошқа миқдорий аниқлашда ушбу мос омилларнинг тасодифий ҳатоларига боғлиқ эмас. Шундай қилиб, стандарт препаратнинг янги ва сақланган эритмаларидан фойдаланган ҳолда кейинги кунларда ўтказилган миқдорий аниқлашлар бир-бирига боғлиқсиз эмас, яъни улар боғлиқ бўлади.

Боғлиқсиз миқдорий аниқлашлар натижаларини бирлаштиришнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улардан назарий жиҳатдан энг мақбули етарлича мураккаб ва уни амалиётда қўллаш қийин. Қуйида учта оддий аппроксимация (яқинлаштириш) усули тавсифланган; аммо, натижаларни бирлаштиришнинг зарурий шартлари бажарилса, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Агар миқдорий аниқлаш маълумотлари параллел чизиклар ёки пробит-таҳлил моделига асосланган бўлса, у ҳолда фаоллиқнинг олинган қийматлари уларни бирлаштиришдан олдин логарифмик шаклда тақдим этилиши керак. Бирок, бурчак коэффициентлари модели ёрдамида олинган фаоллик қийматлари ўзгартиришсиз бирлаштирилади. Аввал айтиб ўтилган моделлар бурчак коэффициентлари моделига қараганда кўпроқ қўлланилганлиги сабабли, ушбу бўлимдаги формулаларда фаоллик нисбатининг натурал логарифминини билдирувчи  $M$  белги қўлланилади.  $M$  нинг ўрнига бурчак коэффи-

циентлари нисбати  $R$  ни қўйиб, бурчак коэффициентлари моделида фаоллиқни ҳисоблашдаги формулалардан фойдаланиш мумкин. Бирлаштиришдан олдин барча ўрганилган дориаларнинг фаоллик қийматлари белгиланган фаоллиққа мувофиқлаштирилиши керак.

### 6.2. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ВАЗНЛИ БИРЛАШТИРИЛИШИ

Ушбу усулдан фақат қуйидаги шартлар бажарилгандагина фойдаланиш мумкин:

- 1) фаоллик қийматлари боғлиқсиз миқдорий аниқлашларда ҳосил қилинган бўлса;
- 2) миқдорий аниқлашларнинг ҳар бири учун  $C$  нинг қиймати 1 га яқин (бошқача айтганда, 1,1 дан кам);
- 3) муайян қолдиқ ҳатоларининг озодлик даражалари сони 6 дан кам бўлмаслиги керак, аммо унинг 15 дан катта бўлиши мақсадга мувофиқдир;
- 4) фаоллиқ қийматларининг алоҳида қийматлари бир жинсли тўплам ҳосил қилса (6.2.2 бўлимига қаралсин).

Агар ушбу шартлар бажарилмаса, натижаларни вазнли бирлаштириш усулидан фойдаланиб бўлмайди. Бундай ҳолда тахмин қилинадиган фаоллик сифатида кейинги миқдорий аниқлашларда фойдаланиладиган, ўртача фаоллиқнинг энг яхши баҳосини топиш учун 6.3. бўлимда тавсифланган усулдан фойдаланиш мумкин.

#### 6.2.1. ВАЗНЛИ КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Фараз қилайлик,  $n'$  миқдорий аниқланишлар амалга оширилган бўлсин, бу жараёнда  $M$  нинг  $n'$  та қийматлари тегишли ишончлилик интерваллари билан олинган бўлсин. Ҳар бир миқдорий аниқлаш учун юқори қийматдан пастки қийматни айириш орқали  $L$  логарифмик ишончлилик интервал ҳисобланади.  $M$  нинг ҳар бир қиймати учун  $M$  вазн қуйидаги 6.2.1-1-формула билан ҳисобланади,

$$W = \frac{4t^2}{L^2} \quad (6.2.1. -1)$$

бу ерда;  $t$ -ишончлилик интервалини аниқлашда фойдаланиладиган қиймат.

#### 6.2.2. ФАОЛЛИК БАҲОСИНИНГ БИР ЖИНСЛИЛИГИ

Фаоллик баҳосининг бир жинслилиги қуйидагича аниқланади.  $M$  нинг ҳар бир қиймати билан унинг вазнли ўртача қиймати орасидаги фарқ квадратга оширилиб, мос вазнга кўпайтирилади ва барча миқдорий аниқлашлар бўйича йиғилади. Натижада, тахминан  $\chi^2$  миқдор (8.3-жадвалга қаралсин) каби тақсимланган ва фаоллик баҳоларининг натурал логарифмлари тўпламининг бир жинслилигини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин бўлган статистик қатор ҳосил қилинади:

$$\chi^2 \approx \sum_{n'} W (M - \bar{M})^2, \text{ бу ерда } \bar{M} = \frac{\sum WM}{\sum W} \quad (6.2.2. -1)$$

Агар  $\chi^2$  нинг ҳисобланган қиймати,  $(n' - 1)$  озодлик даражаси учун жадвалдаги мос қийматидан кичик бўлса, у ҳолда фаоллик бир жинсли бўлади ҳамда фаоллиқнинг ўртача қиймати ва 6.2.3. бўлимдаги метод ёрдамида ҳисобланган ишончлилик интерваллари асосли бўлади.

Агар статистик қаторнинг ҳисобланган қиймати жадвалдагидан катта бўлса, фаоллик бир жинсли бўлмайди. Бу шуни билдирадики,  $M$  нинг алоҳида баҳолари орасидаги фарқ, ишончлилик интервали чегаралари баҳоларидан келиб чиқиб, кутилиши мумкин бўлган сондан катта. Яъни, миқдорий аниқлашлар ўртасида сезиларли ўзгарувчанлик мавжуд. Бундай ҳолда, 6.1-бўлимдаги 4-шарт бажарилмайди ва 6.2.3-бўлимдаги формулаларни қўллаб бўлмайди. Бунинг ўрнига 6.2.4-бўлимда келтирилган формула-лардан фойдаланиш мумкин.

### 6.2.3. ВАЗНЛИ ЎРТАЧА ҚИЙМАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК ИНТЕРВАЛИ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Ҳар бир миқдорий аниқлаш учун  $WM$  қийматлар ҳисобланиб, уларнинг йиғиндисини барча миқдорий аниқлашларнинг умумий вазнига бўлинади. Натижада вазнли ўртача фаоллик логарифми ҳосил қилинади:

$$\bar{M} = \frac{\sum WM}{\sum W} \quad (6.2.3. -1)$$

Ўртача фаоллик натурал логарифмининг стандарт хатолиги жами вазнга тескари миқдор квадрат илдизи сифатида ҳисобланади:

$$s_{\bar{M}} = \sqrt{\frac{1}{\sum W}} \quad (6.2.3. -2)$$

Ишончлилик интервалининг тақрибий чегаралари ушбу

$$\bar{M} \pm t \times s_{\bar{M}} \quad (6.2.3. -2)$$

формулада олинган қийматнинг антилогарифмларига тенг, бунда эркинлик даражалари сони  $t$  алоҳида миқдорий аниқлашлар хатоликлари ўртача квадрат-ларининг эркинлик даражалари йиғиндисига тенг.

### 6.2.4. СИНОВЛАР ОРАСИДАГИ ВА УЛАР ИЧИДАГИ ДИСПЕРСИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ВАЗНЛИ ЎРТА ҚИЙМАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК ИНТЕРВАЛИ ЧЕГАРАЛАРИ

Бир нечта марта такрорланган миқдорий аниқлаш натижалари бирлаштирилганда  $\chi^2$  қиймат статистик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда, ҳосил қилинган вариация икки қисмдан иборат бўлади:

- битта синов чегараларидаги вариация  $s_M^2 = 1/W$ ;
- синовлар орасидаги вариация:

$$s_M^2 = \frac{\sum (M - \bar{M})^2}{n'(n' - 1)}$$

бу ерда  $\bar{M}$  - вазнли бўлмаган ўртача қиймат.

Вариациянинг биринчи қисми битта миқдорий аниқлашдан иккинчисига ўзгаради, иккинчиси эса барча  $M$  лар учун умумий бўлади.

У ҳолда  $M$  нинг ҳар бир қиймати учун ушбу

$$W' = \frac{1}{s_M^2 + s_{\bar{M}}^2}$$

ваззли коэффициент ҳисобланади ва у 6.2.3-бўлимдаги  $W$  қийматини алмаштиради; бу ҳолда  $t$  тақрибан 2 га тенг.

### 6.3. МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ВАЗНЛИ БЎЛМАГАН БИРЛАШТИРИЛИШИ

Биологик усуллар билан  $n^1$  та миқдорий аниқлашда  $M$  нинг қийматлари учун  $n^1$  та баҳоларни бирлаштиришнинг энг оддий усули ўртача қийматни ҳисоблаш ва стандарт оғишнинг баҳосини:

$$s_M^2 = \frac{\sum (M - \bar{M})^2}{n'(n' - 1)} \quad (6.3. -1)$$

формула бўйича, ишончлилик интервали чегараларини:

$$\bar{M} \pm ts_{\bar{M}} \quad (6.3. -2)$$

формула бўйича ҳисоблашдир, бу ерда  $t$  нинг эркинлик даражаси  $(n'-1)$  га тенг. Одатда  $M$  нинг қийматлари баҳолари сони  $n_1$  кичик,  $t$  нинг қиймати эса, мос ҳолда, етарлича катта бўлади.

### 6.4. ВАЗНЛИ ЎРТАЧА ФАОЛЛИКНИ ИШОНЧЛИЛИК ИНТЕРВАЛИ БИЛАН АНИҚЛАНИШИГА МИСОЛ

6.4-1-жадвалда битта препаратнинг фаоллигига олтига боғлиқсиз баҳолар, шунингдек уларнинг 95 % ишончлилик интерваллар ва уларнинг хатоликлари дисперсиялари учун эркинлик даражаси келтирилган. 6.2-бўлимда тавсифланган 1-, 2- ва 3-шартлар бажарилган. Фаолликнинг натурал логарифми ва вазнлар 6.2-бўлимда кўрсатилганидек ҳисобланган.

6.4-1-жадвал. – Олтига боғлиқсиз миқдорий аниқлашларнинг фаоллик ва ишончлилик интерваллари

Фаоллик баҳоси (МЕ/флак-кон)	Қуйи чегара (МЕ/флак-кон)	Юқори чегара (МЕ/флак-кон)	Озодлик даражалари сони	Фаолликнинг натурал логарифми $M$	Вазн $W$
18 367	17 755	19 002	20	9,8183	3777,7
18 003	17 415	18 610	20	9,7983	3951,5
18 064	17 319	18 838	20	9,8017	2462,5
17 832	17 253	18 429	20	9,7887	4003,0
18 635	17 959	19 339	20	9,8328	3175,6
18 269	17 722	18 834	20	9,8130	4699,5

Фаоллик баҳосининг бир жинслилиги 6.2.2-1 формула бўйича ҳисобланади, натижада эркинлик даражаси 5 бўлгандаги  $\chi^2$  миқдорнинг 4,42 га тенг қиймати ҳосил қилинади. Ушбу натижа статистик аҳамиятга эга эмас ( $p = 0,49$ ) ва натижада вазнли ўртача фаоллик баҳосини қўллаш учун барча шартлар бажарилади.

Вазнли ўртача фаоллик 6.2.3-1-формула бўйича ҳисобланади ва натижада 9,8085 қиймат ҳосил қилинади.

6.2.3-2-формуладан фойдаланиб, 0,00673 га тенг стандарт оғиш ҳисоблаб чиқилади ва 6.2.3-3 формуладан фойдаланиб, 9.7951 дан 9.8218 гача бўлган 95 %

ишончлилик интервали топилади, бу ерда  $t$  нинг озодлик даражаси 120 га тенг.

Антилогаритмни ҳисоблаш орқали, 95 % ишончлилик интервали 17,946 дан 18,431 МЕ/флакон гача бўлганда фаолликнинг 18,137 МЕ/флакон га тенг қиймати ҳосил қилинади.

## 7. ҚЎШИМЧАЛАР

Фармакопея бўлимидаги натижаларни таҳлил қилишда қўлланиладиган статистик усуллар ҳақида тўлиқ маълумот беришнинг имкони йук. Шунга қарамай, ушбу бўлимда тавсифланган усуллар қўллаб фармакопея мақсадларининг талабларига жавоб беради. Ушбу бўлимда муқобил ёки умумий статистик таҳлил усуллари ҳақида батафсилроқ маълумот беришга ҳаракат қилинган. Манфаатдор томонлар ушбу мавзу бўйича ихтисослашган адабиётларга мурожаат қилишлари мумкин. Статистик таҳлилни махсус усулларида фойдаланилганда малакали мутахассисларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

### 7.1. УМУМИЙ ЧИЗИҚЛИ МОДЕЛЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган усуллар умумий чизикли моделлар доирасида тавсифланиши мумкин (ёки пробит ва логит таҳлил усуллари киритиш учун умумлаштирилган чизикли моделлар). Барча усулларнинг тамойили,  $X$  структуранинг чизикли матричасини (ёки режа матричасини) қуришга асосланган бўлиб, унда ҳар бир сатр кузатув натижаларини ифода қилади ва ҳар бир устун чизикли факторлардан (дори, блок, устун, доза) биридир. Масалан, 5.1.2-бўлимда кўриб чиқилган Лотин квадрат схемасида, бундай матрица 36 қатор ва 13 устундан иборат бўлган эди. Препаратларнинг ҳар бири учун битта устун, дозалар учун битта устун, биринчи блокдан ташқари ҳар бир блок учун бешта устун ва биринчисидан ташқари ҳар бир қатор учун бешта устун. Барча устунлар, дозалар учун устундан ташқари, ушбу кузатув берилган фактор билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигига қараб 0 ёки 1 билан тўлдирилади.  $Y$  вектори кузатув натижалари билан тўлдирилган (ўзгаришлар билан). Изланаётган параметрлар  $X^T X^{-1} X^T Y$  формула орқали ҳисобланади, шундан сўнг фаоллик  $m$  нинг баҳоси тегишли параметрларнинг нисбати сифатида осонгина ҳосил қилинади.

$$m_L, m_U = \frac{\left[ m - \frac{g v_{12}}{v_{22}} \pm \frac{ts}{b} \sqrt{v_{11} - 2m v_{12} + m^2 v_{22} - g(v_{11} - \frac{v_{12}^2}{v_{22}})} \right]}{1 - g}$$

бу ерда  $g = \frac{t^2 s^2 v_{22}}{b^2}$  га тенг,  $v_{11}, v_{12}$  лар мос равишда сурат ва маҳраж дисперсиялари қўпайтувчилари,  $v_{12}$  вариация қўпайтувчиси. Бу қўпайтувчиларни  $(X^T X)^{-1}$  матрицадан тўғридан-тўғри ёки

$$Var(a_1 - a_2) = Var(a_1) + Var(a_2) - 2Cov(a_1, a_2)$$

ва

$$Cov(a_1 - a_2, b) = Cov(a_1, b) - Cov(a_2, b)$$

эканлигини ҳисобга олиб ҳисоблаш мумкин.

Таркибий қисмлари тўлиқ ажраладиган тўлиқ дисперсион таҳлил бироз мураккаброқ, чунки у  $X$  матрицани қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Бу

ҳолда матрицага параллеллик ва чизиклилик тахминларини заифлаштириш учун устунлар қўшилади, шундан сўнг чизиклилик фаразини текшириш мумкин. Квантланган эффектларга асосланган миқдорий аниқланишлар ўтказилганда, препаратлар таъсирлари  $n \ln \Phi(a_i + bx) + (n - r) \ln(1 - \Phi(a_i + bx))$  нинг гуруҳлар бўйича йиғиндиларини максималлаштириш орқали чизикли факторлар (эгри чизикнинг ордината ўқидан ажратган кесмалари  $a_S, a_T$  ва бошқалар; умумий бурчак коэффициент  $b$ ) топилади, бу ерда  $x$  -дозанинг натурал логарифми ( $\ln(\text{доза})$ ),  $\Phi$  - тақсимотнинг шаклини аниқлайди ва  $i \in \{S, T, \dots\}$

### 7.2. ДИСПЕРСИЯНИНГ БИРЖИНСЛИ ЭМАСЛИГИ

Дисперсиянинг бир жинсли эмаслик муаммосини ҳар доим ҳам эффектни оддий ўзгартириш орқали ҳал қилиб бўлмайди. Бундай ҳолда, ушбу муаммони ҳал қилишнинг мумкин бўлган усулларида бири вазнли чизикли регрессия усулини қўллашдир. Объектив баҳолаш учун кузатув натижаларининг вазнлари хатоларнинг дисперсиясига тескари пропорционал қилиб олинади. Хатолар дисперсиясининг ҳақиқий қиймати ҳар доим ҳам маълум эмаслиги сабабли, вазнларни чизикли итератив процедура ёрдамида танлаш мумкин. Бироқ, ишончлилик интервалларини ҳисоблашда қўшимча муаммолар пайдо бўлади.

### 7.3. КЕСКИН АЖРАЛАДИГАН ҚИЙМАТЛАР ВА РОБАСТ (БАРҚАРОР) УСУЛЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган энг кичик квадратлар усулининг камчилиги унинг маълумотларни ўртача қийматдан кескин оғишларига нисбатан юқори сезгирлигидир. Кўриниб турган бундай хатолик ҳисоблаш натижаларини бутунлай бузиши мумкин. Ушбу муаммо кўпинча маълумотлар тўпламидан ажралиб турадиган қийматларни олиб ташлаш орқали ҳал қилинади. Бундай ёндашув маълумотларнинг субъектив чиқариб ташлашига олиб келади, бу эса ҳар доим ҳам тўғри ва хавфсиз эмас. Кузатувнинг аниқ натижасини кескин ажралиб туриши ёки ажралмаслиги бўйича умумий тавсиялар бериш жуда қийин. Шу сабабдан бир қатор робаст (барқарор) таҳлил усуллари пайдо бўлган ва ривожланган. Тахмин қилинган қийматдан сезиларли фарқ қиладиган натижаларга кам вазн берилиши ҳисобига ушбу усуллар ташлаб юборишларга нисбатан кам сезгирдир. Бундай ҳолда, ишончлилик интервалларини ҳисоблаш, шунингдек, хатоларни минималлаштириш учун мос функцияни аниқлаш билан боғлиқ бир қатор янги муаммолар пайдо бўлади.

### 7.4. КОРРЕЛЯЦИЯЛАНУВЧИ ХАТОЛИКЛАР

Амалий нуқтаи назардан тўлиқ рандомизациялаштириш ҳар доим ҳам мумкин эмас ёки баъзи ҳолларда эса жуда мақбул эмас. Шу сабабли, суялти-ришлар серияларининг чегаралардаги кетма-кет дозалар учун корреляцияланадиган хато тез-тез учраб туради ва бу ишончлилик интервалларини кескин торайишига олиб келади. Автокорреляциянинг ушбу таъсирини баҳолашга имкон берадиган бир нечта усуллар мавжуд.

## 7.5. «ДОЗА-ТАБСИР» БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ЧЎЗИЛГАН НОЧИЗИҚЛИ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРИ

«Доза-табсир» боғлиқлигининг чўзилган чизиксиз эгри чизикларининг статистик таҳлили, профессионал ёндашув орқали топиладиган ечимларни талаб қиладиган махсус саволларни келтириб чиқаради. Бундай саволларнинг баъзилари куйида келтирилган.

- 1) Аввалроқ, тўрт параметрли логистика функциясида фойдаланган ҳолда таҳлил қилишга мисол келтирилган эди. Аммо, бу ҳолда сигмасимон шаклдаги графикка эга бўлган бошқа функцияларга мос келадиган моделлар ҳам қўлланилади. Масалан, қўшимча ассиметрия параметрларини ўз ичига олган модел тавсия этилиши мумкин.
- 2) Дисперсиянинг бир жинсли эмаслиги табсир қийматларининг кенг диапазонда тақсимланган ҳолларида кўп учрайди. Агар статистик таҳлилда бир жинсли эмаслик эътиборга олинмаса, талқин қилинган натижаларнинг баҳолари нотўғри бўлиши ва нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. Хатоликлар дисперсияларига тескари миқдор вазнларидан фойдаланиш усулини кузатишдаги чекли сондаги такрорланишлар ҳолати учун тадбиқ қилиб бўлмайди. Бундай ҳолда дисперсиянинг табсир ўртача қийматига боғлиқлигини ифодаловчи функциядан фойдаланиш яхшироқ бўлади.
- 3) Боғлиқлиқнинг статистик модел мослиги графигини келтириш процедураси, дисперсиялар ва табсир қийматлари диапозони ҳақидаги тахминларга боғлиқ ҳолда, турли хил баҳоларни беради.
- 4) Аслини олганда, миқдорий аниқлашда турли хил препаратлар учун табсирнинг пастки ва юқори чегараларининг эквивалентлиги ҳар бир серияни миқдорий аниқлаш пайтида тўғридан-тўғри текширилиши мумкин. Бироқ, ушбу аниқлашларни талқин қилиш билвосита бўлиши мумкин. Масалан, соддалаштирилган таҳлил усули (5.4.1-расмга қаралсин) ёрдамида ўтказилган чизиклилик ва параллеллиқни текшириш табсирнинг қуйи ва юқори чегараларининг эквивалентлиги ва тўғрилигини билвосита баҳосини ўз ичига олади.
- 5) Миқдорий аниқлашнинг кўплаб усуллари “назорат тажрибаси” дан фойдаланишни ўз ичига олади, ҳамда уларнинг натижалари табсирнинг юқори ва/ёки қуйи чегараларини аниқлашга мўлжалланган. Бироқ, ушбу чегараларнинг қийматлари, кенгайтирилган чизикли бўлмаган “доза-табсир” боғлиқлик графикаларига асосланган статистик моделларни қўллаш пайтида аниқланадиган қийматлар билан солиштириб бўлмайдиган даражада бўлиши мумкин.
- 6) 5.4.1-мисол сифатида келтирилган статистик таҳлилининг соддалаштирилган усули баҳонинг ишончлилик интервалининг тақрибий баҳосини кузда тутати. Бундай ҳолда, бошқа усуллардан, масалан, тўлиқ аниқланган модел учун номувофик қийматларга эга бўлган интерваллар усулидан фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, ҳар бир синалаётган препарат учун қийматларнинг бутун диапозони бўйлаб тарқаладиган эффектив миқдорий аниқлашлардаги одатий натижалар учун барча таҳлил усуллари ўхшаш натижаларни беради.

## 7.6. «ДОЗА-ТАБСИР» БОҒЛИҚЛИГИ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРИНИНГ ПАРАЛЛЕЛ ЭМАСЛИГИ

«Доза-табсир» боғлиқлигининг ўхшашлиги “суялтириш тамойили” га асосланган деб қараш мумкин бўлган миқдорий аниқлаш натижаларини баҳолашдаги асосий талаб ҳисобланади ва, демак, шунга мос равишда нисбий фаоллик натижаларини баҳолари ишончли бўлади (3.1.1-бўлимга қаралсин).

Ушбу талабга мувофиқлик, одатда, стандарт ва синов препаратлар учун график тасвирланган «доза-табсир» боғлиқлик эгри чизикларида статистик жиҳат-дан муҳим фарқ йўқлиги билан аниқланади. Қолдиқ хатонинг охиригача баҳоланмаслиги параллеллик ва/ёки чизиклиликдан статистик аҳамиятга эга оғиш мавжудлиги сабабли миқдорий аниқлаш натижаларининг кўпчилигини чиқариб ташланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳоллар кўпинча мос келмайдиган тадқиқот режасини ёки мос келмайдиган таҳлил натижаларини танлашдаги артефактни ўзида акс эттиради. Тадқиқот режасига киритилган кичик ўзгаришлар, аксарият ҳолларда, қолдиқ хатолик баҳосини сезиларли даражада тузатиши мумкин. Шунингдек, ушбу вазиятда, агар ўтказиш имкон бўлса, етарли сондаги такрор миқдорий аниқлашни ўтказиш ёрдам бериши мумкин. Агар тегишли қолдиқ хатолигини баҳолаш ҳар бир аниқ миқдорий аниқлаш учун амалга ошириш мумкин бўлмаса, масалан, бунинг имкони бўлмаса ёки амалда мақсадга мувофиқ бўлмаса, миқдорий аниқлаш услубларининг валидацияси жараёнида қолдиқ хатолигининг аниқроқ баҳоланиши амалга оширилиши мумкин.

Миқдорий аниқлашнинг таҳлил тизими, табсирнинг табиати туфайли параллел эмасликдан кичик оғишларни аниқлаш учун зарур бўлган аниқликка эга бўлган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Агар нопараллеллик ҳақиқий бўлса, у ҳолда муаммонинг тегишли ечимини ишлаб чиқиш ва қўллаш керак. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, масалан, таркиби синов препаратига (“параллел” равишда) мос келадиган стандарт доридан фойдаланиш талаб қилиниши мумкин. Агарда миқдорий аниқлашнинг таҳлил тизими стандарт ёки синов препарат воситаларининг аниқланмайдиган таркибий қисмларига ноаниқ жавоб берадиган бўлса, у ҳолда муаммонинг ечими дориларнинг бошқа таркибий қисмларига табсирчан бўлмаган янада аниқ таҳлил тизимидан иборат бўлади. Ушбу фундаментал муаммоларни ҳал қилиш учун оддий умумқўлланиладиган статистик усуллар мавжуд эмас. Статистик мутахассисларнинг ёрдамига таяниб, ҳар бир ҳолатда мос усулларни танлаш мумкин.

## 8. ЖАДВАЛЛАР ВА ГЕНЕРАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ

Ушбу бўлимда эркинлик даражаларининг энг кўп учрайдиган сонлари учун критик қийматларни кўрсатувчи жадваллар келтирилган. Агар керакли қиймат жадвалда бўлмаса, тўлиқ жадвалларга мурожаат қилиш керак бўлади. Жадваллар ўрнига ишлатилиши мумкин бўлган статистик функциялар кўплаб компьютер дастурларига киритилган. Шу билан бир қаторда, ҳар бир жадвалдан кейин берилган генерациялаш процедураларидан ҳам фойдаланиш мумкин, бу эса берилган статистик қаторга ва берилган озодлик даражаси сонига мос эҳтимоллиқни ҳисоблаш имконини беради.

8.1.  $F$  - ТАҚСИМОТ

Агар олинган қиймат 8.1-1-жадвалда келтирилган қийматдан катта бўлса, у ҳолда бу қиймат сезиларли (юқори сатрлар,  $p = 0,05$ ) ёки жуда сезиларли (пастки сатрлар,  $p = 0,01$ ) деб ҳисобланади.  $df1$  - суратнинг эркинлик даражаси сони,  $df2$  - маҳражнинг эркинлик даражаси сони.

Генерациялаш тартиби. Фараз қилайлик  $F$  сон  $F$ -нисбатга тенг бўлсин,  $df1$  ва  $df2$  лар юқорида тавсифланганидек қийматларга эга бўлсин.  $\pi = 3,14159265358979 \dots$  У ҳолда  $p$ -қийматни генерациялаш 8.1-2-жадвалда келтирилган тартиб бўйича амалга оширилади.

8.1-1-жадвал. –  $F$ -тақсимоотнинг критик қийматлари

$df1 \rightarrow$	1	2	3	4	5	6	8	10	12	15	20	$\infty$
$df2 \downarrow$												
10	4,965 10,044	4,103 7,559	3,708 6,552	3,478 5,994	3,326 5,636	3,217 5,386	3,072 5,057	2,978 4,849	2,913 4,706	2,845 4,558	2,774 4,405	2,538 3,909
12	4,747 9,330	3,885 6,927	3,490 5,953	3,259 5,412	3,106 5,064	2,996 4,821	2,849 4,499	2,753 4,296	2,687 4,155	2,617 4,010	2,544 3,858	2,296 3,361
15	4,543 8,683	3,682 6,359	3,287 5,417	3,056 4,893	2,901 4,556	2,790 4,318	2,641 4,004	2,544 3,805	2,475 3,666	2,403 3,522	2,328 3,372	2,066 2,868
20	4,351 8,096	3,493 5,849	3,098 4,938	2,866 4,431	2,711 4,103	2,599 3,871	2,447 3,564	2,348 3,368	2,278 3,231	2,203 3,088	2,124 2,938	1,843 2,421
25	4,242 7,770	3,385 5,568	2,991 4,675	2,759 4,177	2,603 3,855	2,490 3,627	2,337 3,324	2,236 3,129	2,165 2,993	2,089 2,850	2,007 2,699	1,711 2,169
30	4,171 7,562	3,316 5,390	2,922 4,510	2,690 4,018	2,534 3,699	2,421 3,473	2,266 3,173	2,165 2,979	2,092 2,843	2,015 2,700	1,932 2,549	1,622 2,006
50	4,034 7,171	3,183 5,057	2,790 4,199	2,557 3,720	2,400 3,408	2,286 3,186	2,130 2,890	2,026 2,698	1,952 2,563	1,871 2,419	1,784 2,265	1,438 1,683
$\infty$	3,841 6,635	2,996 4,605	2,605 3,782	2,372 3,319	2,214 3,017	2,099 2,802	1,938 2,511	1,831 2,321	1,752 2,185	1,666 2,039	1,571 1,878	1,000 1,000

8.1-2-жадвал. –  $F$ -тақсимоот учун генерация тартиби

Агар $df1$ жуфт сон $x = df1/(df1 + df2/F)$	Агар $df1$ жуфт бўлмаса ва $df2$ жуфт сон $x = df2/(df2 + df1 \times F)$	Агар $df1$ ва $df2$ жуфт бўлмаса $x = \text{atn}(\text{sqr}(df1 \times F/df2))$
$s = 1$	$s = 1$	$cs = \cos(x)$
$t = 1$	$t = 1$	$sn = \sin(x)$
2 – босқич $df1 - 2$ учун $i = 2$	2 – босқич $df2 - 2$ учун $i = 2$	$x = x/2$
$t = t \times x \times (df2 + i - 2)/i$	$t = t \times x \times (df1 + i - 2)/2$	$s = 0$
$s = s + t$	$s = s + t$	$t = sn \times cs/2$
next $i$	next $i$	$v = 0$
$p = s \times (1 - x)^{(df2/2)}$	$p = 1 - s \times (1 - x)^{(df1/2)}$	$w = 1$
		2 – босқич $df2 - 1$ учун $i = 2$
		$s = s + t$
		$t = t \times i/(i + 1) \times cs \times cs$
		next $i$
		2 – босқич $df1 - 2$ учун $i = 1$
		$v = v + w$
		$w = w \times (df2 + i)/(i + 2) \times sn \times sn$
		next $i$
		$p = 1 + (t \times df2 \times v - x - s)/\pi \times 4$

8.2.  $t$  - ТАҚСИМОТ

Агар олинган қиймат 8.2-1-жадвалда келтирилган қийматдан катта бўлса, у ҳолда бу қиймат сезиларли (юқори сатрлар, ( $p = 0,05$ )) ёки жуда сезиларли (пастки сатрлар, ( $p = 0,01$ )) деб ҳисобланади.

Генерациялаш тартиби.  $t$  нинг берилган қиймати учун озодлик даражаси  $df$  бўлганда  $p$ -қиймат 8.1. бўлимда келтирилган тартиб ёрдамида топилиши мумкин, бу ерда  $F = t^2$ ,  $df_1 = 1$ ,  $df_2 = df$ .

8.2-1-жадвал. —  $t$ -тақсимотнинг критик қийматлари

$df$	$p = 0,05$	$p = 0,01$	$df$	$p = 0,05$	$p = 0,01$
1	12,706	63,656	22	2,074	2,819
2	4,303	9,925	24	2,064	2,797
3	3,182	5,841	26	2,056	2,779
4	2,776	4,604	28	2,048	2,763
5	2,571	4,032	30	2,042	2,750
6	2,447	3,707	35	2,030	2,724
7	2,365	3,499	40	2,021	2,704
8	2,306	3,355	45	2,014	2,690
9	2,262	3,250	50	2,009	2,678
10	2,228	3,169	60	2,000	2,660
12	2,179	3,055	70	1,994	2,648
14	2,145	2,977	80	1,990	2,639
16	2,120	2,921	90	1,987	2,632
18	2,101	2,878	100	1,984	2,626
20	2,086	2,845	$\infty$	1,960	2,576

Берилган  $df$  эркинлик даражаси учун  $t$ -қийматни ( $p = 0,05$  бўлганда) 8.2-2- жадвалдаги процедура орқали топиш мумкин, улар 6 та касргача аниқ бўлиши керак.

8.2-2-жадвал.  $t$ -тақсимот учун генерациялаш тартиби

$$t = \frac{1,959964 + 2,37228/df + 2,82202/df^2 + 2,56449/df^3 + 1,51956/df^4 + 1,02579/df^5 + 0,44210/df^7}{1}$$

8.3.  $\chi^2$  – ТАҚСИМОТ8.3-1-жадвал.  $\chi^2$  – тақсимотнинг критик қийматлари

$df$	$p = 0,05$	$p = 0,01$	$df$	$p = 0,05$	$p = 0,01$
1	3,841	6,635	11	19,675	24,725
2	5,991	9,210	12	21,026	26,217
3	7,815	11,345	13	22,362	27,688
4	9,488	13,277	14	23,685	29,141
5	11,070	15,086	15	24,996	30,578
6	12,592	16,812	16	26,296	32,000
7	14,067	18,475	20	31,410	37,566
8	15,507	20,090	25	37,652	44,314
9	16,919	21,666	30	43,773	50,892
10	18,307	23,209	40	55,758	63,691

Агар олинган қиймат 8.3-1-жадвалда келтирилган қийматдан катта бўлса, у ҳолда ушбу қиймат сезиларли ( $p = 0,05$ ), ёки жуда сезиларли ( $p = 0,01$ ) деб ҳисоб-ланади.

Генерациялаш тартиби.  $\chi^2$  ни  $x^2$  орқали белгиланади, бу ҳолда  $df$  юқорида кўрсатилган қийматга тенг. 8.3-2-жадвалда келтирилган тартиб амалга оширилса  $p$ -қиймат шакллантирилади.

8.3-2-жадвал.  $\chi^2$  - тақсимот учун генерациялаш тартиби

Агар $df$ жуфт сон	Агар $df$ жуфт бўлмаган сон
$s = 0$	$x = \sqrt{\chi^2}$
$t = \exp(-x^2/2)$	$s = 0$
2 – босқич $df$ учун $i = 3$	$t = x \times \exp(-x^2/2) / \sqrt{\pi/2}$
$s = s + t$	2 – босқич $df$ учун $i = 3$
$t = t \times x^2/i$	$s = s + t$
next $i$	$t = t \times x^2/i$
$p = 1 - s$	next $i$
	$p = 1 - s - 2 \times \phi(x)$

Бу тартибда  $\phi$  миқдор нормал тақсимот  $\Phi$  нинг стандарт кумулятив функцияси (8.4. бўлимга қаралсин).

8.4.  $\Phi$  - ТАҚСИМОТ (НОРМАЛ ТАҚСИМОТНИНГ КОМУЛЯТИВ СТАНДАРТ ФУНКЦИЯСИ)

Манфий  $x$  лар учун  $\Phi$ -қийматлар 8.4-1-жадвалдан 1 -  $\Phi(-x)$  каби топилади.

8.4-1-жадвал.  $\Phi$  – тақсимотнинг критик қийматлари

$x$	$\Phi$	$x$	$\Phi$	$x$	$\Phi$
0,00	0,500	1,00	0,841	2,00	0,977
0,05	0,520	1,05	0,853	2,05	0,980
0,10	0,540	1,10	0,864	2,10	0,982
0,15	0,560	1,15	0,875	2,15	0,984
0,20	0,579	1,20	0,885	2,20	0,986
0,25	0,599	1,25	0,894	2,25	0,988
0,30	0,618	1,30	0,903	2,30	0,989
0,35	0,637	1,35	0,911	2,35	0,991
0,40	0,655	1,40	0,919	2,40	0,992
0,45	0,674	1,45	0,926	2,45	0,993
0,50	0,691	1,50	0,933	2,50	0,994
0,55	0,709	1,55	0,939	2,55	0,995
0,60	0,726	1,60	0,945	2,60	0,995
0,65	0,742	1,65	0,951	2,65	0,996
0,70	0,758	1,70	0,955	2,70	0,997
0,75	0,773	1,75	0,960	2,75	0,997
0,80	0,788	1,80	0,964	2,80	0,997
0,85	0,802	1,85	0,968	2,85	0,998
0,90	0,816	1,90	0,971	2,90	0,998
0,95	0,829	1,95	0,974	2,95	0,998

Генерациялаш тартиби.  $x$  нинг қийматини  $x$  га тенг деб олинади. Куйидаги процедура  $\Phi$ -нинг қийматларини  $0 \leq x \leq 8,15$  бўлганда ҳосил қилишга имкон беради. Агар  $x > 8,15$  бўлса,  $\Phi$  -қийматни 1 га тенг деб олиш мумкин. Манфий  $x$  лар учун юқорида келтирилган формуладан фойдаланиш мумкин. Ушбу процедурада компьютер 15 тага яқин ўнли рақамларни кўрсатиши мумкин деб ҳисобланади. Агар ўнли рақамлар сони 15 дан кам ёки кўп бўлса, процедурага оддий алмаштиришлар киритилиши керак.

8.4-2-жадвал.  $\Phi$ -тақсимот учун генерациялаш тартиби

```

s = 0
t = x
i = 1
Repeat
s = s + t
i = i + 2
t = t × x × x/i
t < 1E - 16 гача

phi = 0,5 + s × exp(-x × x/2) / sqrt(2 × pi)

```

## 8.5. ТАСОДИФИЙ ЎРИН АЛМАШТИРИШЛАР

Тасодифий ўрин алмаштиришлар зарурати тасодифий блоклар режасини қўлланилганда юзага келади. Қуйидаги алгоритм компьютернинг дастурий таъминотида киритилган тасодифий сонлар генераторидан фойдаланиб,  $N$  та (доза) таъсир даражаларнинг тасодифий ўрин алмаштиришларини олишга имкон беради.

1. Таъсир (доза) нинг  $N$  та мумкин бўлган даражаларини қатор қилиб ёзилади;
2.  $1 \leq r \leq N$  бўладиган тасодифий  $r$  бутун сон генерацияланади;
3. Таъсирнинг  $r$ -чи ўрни ва  $N$ -чи даражаларини ўрни алмаштирилади;
4.  $N$  ни биттага ( $N=N-1$ ) камайтирилади ва 2-4-босқичлар  $N$  сон 1 га тенг ( $N-1$ ) бўлмагунча такрорланади.

Масалан, ушбу алгоритм 6 та таъсир қилиш даражаси бўлган (дозалар) синов иши орқали тушунтирилади.

1.	$N = 6$	$S_1$	$S_2$	$S_3$	$T_1$	$T_2$	$T_3$
2.	$r = 2$	$\rightarrow$					$\leftarrow$
3.		$S_1$	$T_3$	$S_3$	$T_1$	$T_2$	$S_2$
4.	$N = 5$						
2.	$r = 4$	$\rightarrow$					$\leftarrow$
3.		$S_1$	$T_3$	$S_3$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
4.	$N = 4$						
2.	$r = 4$	$\downarrow$					
3.		$S_1$	$T_3$	$S_3$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
4.	$N = 3$						
2.	$r = 1$	$\rightarrow$					$\leftarrow$
3.		$S_3$	$T_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
4.	$N = 2$						
2.	$r = 1$	$\rightarrow$					$\leftarrow$
3.		$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
4.	$N = 1$						

## 8.6. ЛОТИН КВАДРАТЛАРИ

Қуйида келтириладиган мисол учта боғлиқсиз ўрин алмаштиришлардан фойдаланиб, Лотин квадратини қандай қилиш кераклигини кўрсатади.

- 1) Таъсирнинг(дозанинг)  $N$  та мумкин бўлган даражаларини тасодифий ўрин алмаштириш генерация қилинади (8.5-бўлимга қаралсин);

$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
-------	-------	-------	-------	-------	-------

- 2) Ушбу ўрин алмаштиришдан фойдаланиб, оддий Лотин квадратини қуриш мумкин. Бунинг учун ўрин алмаштириш соат стрелкаси йўналиши бўйича қуйидагича «айлантирилади». Биринчи босқичда ҳосил қилинган алмаштириш биринчи қаторда ёзилади. Иккинчи қатор худди шу қийматлар фақатгина битта устун ўнгга силжитилиб ёзилади. Бу ҳолда, энг чеккадаги қиймат чап четдаги бўш катакчада қайд этилади. Жараён ҳар бир текшириш битта устунда бир марта учрагунча такрорланади:

$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
$S_2$	$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$
$T_1$	$S_2$	$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$
$T_2$	$T_1$	$S_2$	$T_3$	$S_3$	$S_1$
$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$	$T_3$	$S_3$
$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$	$T_3$

- 3) 1 дан  $N$  гача бўлган натурал сонлардан иккита боғлиқсиз тасодифий ўрин алмаштиришлар ҳосил қилинади:

– биттаси сатрга:

2	3	6	1	4	5
---	---	---	---	---	---

– бошқалар учун устун:

3	4	6	2	5	1
---	---	---	---	---	---

- 4) Энди Лотин квадратини оддий Лотин квадратининг сатрлари ва устунларини сатр ва устунлар учун ушбу иккита ўзгартириш учун ўсиб бориш тартибида саралаш орқали қуриш мумкин:

	3	4	6	2	5	1
2	$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$
3	$S_2$	$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$
6	$T_1$	$S_2$	$T_3$	$S_3$	$S_1$	$T_2$
1	$T_2$	$T_1$	$S_2$	$T_3$	$S_3$	$S_1$
4	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$	$T_3$	$S_3$
5	$S_3$	$S_1$	$T_2$	$T_1$	$S_2$	$T_3$

↓

	1	2	3	4	5	6
1	$S_1$	$T_3$	$T_2$	$T_1$	$S_3$	$S_2$
2	$S_2$	$T_2$	$T_3$	$S_3$	$T_1$	$S_1$
3	$T_1$	$S_1$	$S_2$	$T_3$	$T_2$	$S_3$
4	$S_3$	$S_2$	$S_1$	$T_2$	$T_3$	$T_1$
5	$T_3$	$T_1$	$S_3$	$S_1$	$S_2$	$T_2$
6	$T_2$	$S_3$	$T_1$	$S_2$	$S_1$	$T_3$

## 9. БЕЛГИЛАР ЛУҒАТИ

## Белги

## Таъриф

$a$

Таъсирнинг доза (ёки дозанинг натурал логарифми) га боғлиқлик чизикли регрессия эгри чизигининг ордината ўқидан ажратган кесмаси узунлиги

$b$

Таъсирнинг доза (ёки дозанинг натурал логарифми) га боғлиқлик чизикли регрессия чизигининг бурчак коэффициенти

$d$

Препаратларнинг ҳар бири учун таъсир даражалари (дозалар) сони (бурчак коэффициенти моделидаги назорат қоришмадан ташқари)

$e$

Натурал логарифм асоси ( $=2,71828182845905\dots$ )

$g$

Филлер (Fieller) теоремасида қўлланиладиган статистика:

$$g = \frac{C - 1}{C}$$



$h$	Микдорий аниқлашларда фойдаланиладиган препаратлар сони (стандарт препаратни қўшиб ҳисоблаганда)	$G_S, G_T, \dots$	Бурчак коэффициентлар модели учун дисперсион таҳлилда ишлатиладиган таъсир (доза)ларнинг ўртача қийматлари
$m$	Умумий чизикли моделда таъсир нисбати сифатида ҳисобланган фаоллик қиймати	$H_p, H_L$	Микдорий аниқлаш учун параллел чизиклар усули ёрдамида ўтказилган дисперсион таҳлилда фойдаланиладиган кўпайтувчилар
$n$	Ҳар бир таъсир даражаларининг (дозаларнинг) такрорланишлари сони.	$H_B, H_I$	Микдорий аниқлаш учун бурчак коэффициентлар усули ёрдамида ўтказилган дисперсион таҳлилда фойдаланиладиган кўпайтувчилар
$p$	Берилган статистиканинг ҳосил қилинган қийматдан катта бўлиш эҳтимоллиги. Бундан ташқари, пробит таҳлилда $r/n$ нисбатини белгилаш учун ишлатилади.	$I$	Параллел чизиклар модели учун ёки қўшни дозалар орасидаги интервал, бурчак коэффициентлар модели учун қўшни дозалар ўртасидаги муносабатларнинг натурал логарифми
$r$	Квантланган таъсирли микдорий аниқлашларда гуруҳдаги таъсир кузатиладиган “тажрибалар” объектлар сони	$J_S, J_T, \dots$	Бурчак коэффициентлар модели учун дисперсион таҳлилда қўлланиладиган чизиклилик характеристикалари
$s$	Стандарт оғишнинг баҳоси ( $= \sqrt{s^2}$ )	$K$	Дисперсион таҳлилда: четланишлар квадратлари йиғиндисини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган тузатиш коэффициенти
$s^2$	Қолдиқ вариация дисперсиясининг қиймати. Дисперсион таҳлилда хатolikнинг ўртача квадрати деб ҳисобланади	$L$	Логарифмларда ифодаланган ишончлилик интервалининг кенглиги
$t$	Стъюдент мезони (8.2 жадвал)	$L_S, L_T, \dots$	Стандарт ва синов препаратининг чизикли контрастлари
$u$	4 та параметр бўйича олиб борилган таҳлилда олинган таъсир	$M'$	Берилган синов препарати учун фаоллик нисбатининг натурал логарифми
$v_{11}, v_{12}, v_{22}$	Филлер теоремасидаги $m$ нисбатнинг сурат ва махражи учун ковариацион кўпайтувчилар	$N$	Микдорий аниқлашдаги умумий таъсир қилиш даражалари (дозалари) сони ( $=dh$ )
$w$	Вазнли коэффициент (вазн)	$P_S, P_T, \dots$	Стандарт ( $S$ ) ва синов ( $T$ ) препаратлари йиғиндисини
$x$	Таъсир даражалари (дозалар) нинг натурал логарифми	$R$	Берилган препаратнинг ҳисобланган (баҳоланган) фаоллиги
$y$	Алоҳида натижа ёки ўзгартирилган натижа	$R'$	Берилган препаратнинг фаолликлари нисбати
$A$	Дозаларни танлаш босқичида синов дори воситаларининг тахмин қилинадиган фаоллиги	$R_1, \dots, R_n$	Лотин квадратининг 1 дан $n$ гача ҳар бир сатрида ёки рандомизациялаштирилган (тасодиқийлаштирилган) блоklar учун ҳар бир блокдаги таъсирларнинг ўртача қийматлари
$B$	Бурчак коэффициентлар модели учун назорат синовидаги ўртача таъсир	$S$	Стандарт препарат
$C$	Ишончлилик интервалларини ҳисоблашда фойдаланиладиган статистика: $C = \frac{1}{1 - g}$	$S_1, \dots, S_d$	Стандарт $S$ препаратнинг минимал дозаси 1 дан максимал доза $d$ гача бўлган таъсирларининг ўртача қиймати
$C_1, \dots, C_n$	Лотин квадратининг ҳар бир устуни учун ўртача қиймат	$SS$	Вариация манбалари таъсирида ҳосил бўлган квадратлар йиғиндисини
$D_1, D_2$	Кесишувчи иккита режанинг 1 ва 2 даври учун ўртача қиймат		
$F$	$F$ -тақсимотда (8.1 жадвал) дисперсиянинг иккита боғлиқсиз қийматлари нисбати		

$T, U, V, \dots$	Синов препаратлари
$T_1, \dots, T_d$	Синов $T$ препаратнинг минимал дозаси 1 дан максимал доза $d$ гача бўлган таъсирларининг ўртача қиймати
$V$	Ишончлилиқ интервали чегараларини ҳисоблашда фойдаланиладиган вариация коэффициенти
$W$	Микдорий аниқлашлар натижаларини бирлаштиришда қўлланиладиган вазнли коэффициент
$X$	Умумий чизиқли моделларда қўлланиладиган чизиқли тузилма ёки режа матрицаси
$Y$	Умумий чизиқли моделларда (ўзгартирилган) маълумотларни ифодаловчи вектор
$Z$	Ф нинг биринчи тартибли ҳосиласи
$\alpha$	Тўрт-параметрли таҳлилда «(доза)-таъсир» эгри чизигининг юқори асимптотатси
$\beta$	Тўрт-параметрли таҳлилда «(доза)-таъсир» эгри чизигининг оғиш коэффициенти
$\gamma$	Тўрт-параметрли таҳлилда таъсирни 50 % таъминлайдиган дозанинг натурал логарифми
$\delta$	Тўрт-параметрли таҳлилда «(доза)-таъсир» эгри чизигининг куйи асимптотатси

$\pi$	3,141592653589793238...
$\Phi$	Эгри чизикнинг кумулятив стандарт нормал тақсимоти функцияси (8.4 жадвал)
$\chi^2$	хи-квадрат мезони (8.3 жадвал)

## 10. АДАБИЁТЛАР

Ушбу бўлимда кейинги ўрганиш учун баъзи тавсия этилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Finney, D.J. (1971). *Probit Analysis*, 3<sup>rd</sup> Ed. Cambridge University Press, Cambridge.

Nelder, J.A. & Wedderburn, R.W.M. (1972). Generalized linear models, *Journal of the Royal Statistical Society*, Series A 135, 370-384.

DeLean, A., Munson, P.J., and Rodbard, D. (1978). Simultaneous analysis of families of sigmoidal curves: Application to bioassay, radioligand assay, and physiological dose-response curves, *Am. J. Physiol.* 235(2): E97-E102.

Finney, D.J. (1978). *Statistical Method in Biological Assay*, 3<sup>rd</sup> Ed. Griffin, London.

Sokal, R.R. Rohlf, F.R. (1981). *Biometry: Principles and Practice of Statistics in Biological Research*, 2<sup>nd</sup> Ed. W.H. Freeman CO, New York.

Peace, K.E. (1988). *Biopharmaceutical Statistics for Drug Development*, Marcel Dekker Inc., New York/Basel.

Bowerman, B.L. O'Connell, R.T. (1990). *Linear Statistical Models an Applied Approach*, 2<sup>nd</sup> Ed. PWS-KENT Publishing Company, Boston.

Govindarajulu, Z. (2001). *Statistical Techniques in Bioassay*, 2<sup>nd</sup> revised and enlarged edition, Karger, New York

## 5.4. ҚОЛДИҚ ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАР

5.4. Қолдиқ органик эритувчилар.....	1533	4. Эритувчилар қолдиқларининг чегаравий миқдорлари .....	1536
1. Кириш .....	1534	1-илова. Қўлланмага киритилган эритувчилар рўйхати .....	1538
2. Қўлланмадан фойдаланиш доираси .....	1534	2-илова. Қўшимча маълумотлар .....	1540
3. Умумий қоидалар .....	1534		



## 5.4. ҚОЛДИҚ ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАР

ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ ВА ЁРДАМЧИ  
МОДДАЛАР ТАРКИБИДАГИ ОРГАНИК  
ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ ҚОЛДИҚ МИҚДОРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ

Тиббиётда қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун техник талабларни уйғунлаштириш бўйича Халқаро конференция (ICH) таъсир этувчи ва ёрдамчи моддалар ҳамда дори препаратларида мавжуд бўлган эритувчилар миқдорининг чегара қийматларини тартибга солиш эритувчиларнинг қолдиқ аралашмалари бўйича Қўлланма қабул қилди. Қуйида келтирилган ушбу Қўлланма тижорат манбаларида мавжуд бўлган махсулотларга нисбатан қўлланилмайди. Шунга қарамай, фармакопеяга тегишли фармакопея мақоласи киритилганлигидан қатъий назар, Давлат фармакопеясида мавжуд бўлган таъсир этувчи ва ёрдамчи моддалар ҳамда дори препаратлари учун Қўлланма тамойиллари қўлланилади. Барча моддалар ва препаратларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган эритувчиларнинг қолдиқ миқдори назорат қилиниши керак.

Агар белгиланган миқдор даражасидаги меъёрлар қуйида келтирилган қийматларга мос келадиган бўлса, одатда хусусий фармакопея мақолаларида муайян эритувчиларнинг қолдиқ миқдорини аниқланиш бўйича усуллар кўрсатилмайди, чунки ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган эритувчилар, ишлаб чиқарувчига қараб ўзгариши мумкин; ушбу бўлимнинг талаблари *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий фармакопея мақоласига мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган эритувчилар тўғрисидаги маълумотлар ваколатли органга тақдим этилиши керак. Шунингдек, ушбу маълумот, Давлат фармакопеясининг фармакопея мақолалари учун яроқчилиги тўғрисидаги сертификатни олиш учун тақдим этиладиган маълумотномага киритилиши ва сертификатда кўрсатилиши керак.

Агар фақат 3-синф эритувчиларидан фойдаланилса, “Қуришти пайтида масса йўқотилиши” синови ўтказилиши ёки муайян эритувчи аниқланиши мумкин. Агар 3-синфдаги эритувчи учун белгиланган ва рухсат этилган миқдор даражаси 0,5 % дан ортиқ бўлса, унда эритувчи миқдорини аниқлаш учун ўзига хос синов талаб қилинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида 1-синф ёки 2-синф (ёки 0,5 % дан ортиқ бўлган 3-синфдаги) эритувчилар қолдиқларидан фойдаланилса, иложи борича, умумий бўлимда келтирилган усул (2.4.24.) қўлланилиши керак. Акс ҳолда, мос келувчи валидацияланган усул қўлланилиши талаб қилинади.

Модда таркибидаги эритувчининг қолдиқ миқдорини аниқлаш амалга оширилганда, модда миқдорини ҳисоблаш учун натижа ҳисобга олиниши керак, аниқлашни қуришти синови амалга оширилган ҳолатлар бундан мустасно.

АРАЛАШМАЛАР: ОРГАНИК  
ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ УЧУН  
ҚўЛЛАНМА СМР/ICH/82260/2006)

### АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

1. КИРИШ
2. ҚўЛЛАНМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ДОИРАСИ
3. УМУМий ҚОИДАЛАР
  - 3.1. ЭРИТУВЧИЛАР ҚОЛДИҚЛАРИНИ ХАВФ ДАРАЖАСИГА КўРА ТАСНИФЛАШ
  - 3.2. ЧЕГАРВИЙ ТАЪСИРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ
  - 3.3. 2-СИНФ ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ ЧЕГАРВИЙ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ
  - 3.4. ТАҲЛИЛИЙ УСУЛЛАР
  - 3.5. ЭРИТУВЧИЛАР ҚОЛДИҚЛАРИНИНГ ЧЕГАРВИЙ МИҚДОРИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ
4. ЭРИТУВЧИЛАР ҚОЛДИҚЛАРИНИНГ ЧЕГАРВИЙ МИҚДОРЛАРИ
  - 4.1. ҚўЛЛанилиши ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИГАН ЭРИТУВЧИЛАР
  - 4.2. ҚўЛЛанилиши ЧЕКЛАНДИГАН ЭРИТУВЧИЛАР
  - 4.3. ТОКСИКЛИГИ КАМ БўЛГАН ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАРИ.
  - 4.4. ЕТАРЛИ ТОКСИКОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРИ МАВЖУД БўЛМАГАН ЭРИТУВЧИЛАР

1-ИЛОВА. ҚўЛЛАНМАГА КИРИТИЛГАН ЭРИТУВЧИЛАР РўЙХАТИ.

### 2-ИЛОВА. ҚўШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

- 2.1. УЧУВЧАН ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА БўЛГАН ТАЪСИРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
- 2.2. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ

3-ИЛОВА. РУХСАТ ЭТИЛГАН ТАЪСИРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

### АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изохда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

*Генотоксик канцерогенлар* – генлар ёки хромосомаларга таъсир қилиш орқали саратон касаллиги пайдо бўлишига олиб келадиган канцероген моддалардир.

*Минимал самарадорлик кузатиладиган қиймат (LOEL)* – тадқиқот ёки тадқиқотлар гуруҳидаги модданинг минимал дозаси бўлиб, бу ерда инсонлар ёки ҳайвонлардаги ҳар қандай таъсирнинг қайтарилиш тезлиги ёки кучлилиги биологик жиҳатдан сезиларли даражада ортиши кузатилади.

*Тузатиш коэффициент* – токсикологнинг профессионал ҳулосасига асосан аниқланадиган ва бу маълумотларни одамларга хавфсиз равишда етказиш учун биологик таҳлиллар маълумотларига қўлланиладиган коэффициент.

*Нейротоксиклик* – модданинг асаб тизимига салбий таъсир кўрсатиш қобилияти.

*Таъсир даражаси кузатилмайдиган қиймат (NOEL)* – инсон ёки ҳайвонларда ҳар қандай таъсирнинг қайтарилиш тезлиги ёки кучлилиги биологик жиҳатдан сезиларли даражада ортишига таъсир кўрсатмайдиган модданинг энг юқори дозаси.

*Рухсат этилган суткалик таъсир (PDE)* – дори воситаларида эритувчилар қолдиқларининг максимал рухсат этилган суткалик истеъмол миқдори.

*Қайтариладиган токсиклик* – моддани қабул қилиши тўхтатилгандан сўнг пайдо бўладиган токсик таъсирлар.

*Инсон учун канцероген таъсирга эга бўлиш эҳтимоли юқори бўлган модда* – канцерогенлик ҳақида эпидемиологик маълумотлар мавжуд бўлмаган модда, бироқ генотоксикликнинг ижобий маълумотлари ва кемирувчиларда канцерогенликнинг аниқ далилининг мавжуд бўлиши.

*Тератогенлик* – ҳомиладорлик даврида модданинг киритилиши натижасида ҳомилада жисмоний ривожланиши бузилишларининг пайдо бўлиши.

## 1. КИРИШ

Ушбу қўлланманинг мақсади беморнинг хавфсизлиги учун дори воситалари таркибидаги қолдиқ эритувчиларнинг мақбул миқдорини аниқлашдир. Қўлланма токсик хусусияти кам бўлган эритувчилардан фойдаланишни тавсия қилади ва баъзи эритувчиларнинг қолдиқлари учун токсикологик жиҳатдан асосли деб ҳисобланган меъёрларни ўз ичига олади.

Дори воситалардаги эритувчилар қолдиқлари деб таъсир этувчи ёки ёрдамчи моддалар ёки дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ҳамда ҳосил бўлган учувчан органик моддалар назарда тутилади. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган усуллар ёрдамида эритувчилардан бутунлай ҳоли бўлинмайди. Таъсир этувчи моддани синтез қилиш учун мос эритувчини тўғри танлаш орқали унинг чиким унумини ёки кристалл шакли, тозаллиги ва эрувчанлиги каби хусусиятларни ошириш мумкин. Шундай қилиб, айрим синтез жараёнида эритувчи муҳим омил бўлиши мумкин. Ушбу қўлланма онгли равишда ёрдамчи ёки эритувчилар қаторига кирувчи моддалар ўрнида фойдаланилаётган эритувчилар учун қўлланилмайди. Шунга қарамай, бундай дори воситаларидаги эритувчилар миқдори назорат қилиниши ва асосланилиши керак.

Эритувчиларнинг қолдиқлари терапевтик таъсирга эга эмаслиги ҳамда махсулот спецификацияси, зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) тамойиллари ва сифатни таъминлайдиган бошқа талабларни қондириши учун уларнинг барчасидан имкон қадар тўлиқ ҳоли бўлиниши керак. Дори воситалардаги эритувчилар қолдиқларининг миқдори хавфсизлик бўйича белгиланган меъёрлардан ошмаслиги керак. Таъсир этувчи ва ёрдамчи моддалар ҳамда дори препаратларини ишлаб чиқаришда айрим юқори даражали токсик эритувчиларни (1-синф, 1-жадвал) қўлланилмаслиги керак, “хавф-фойда” нисбатини баҳолаш нуктаи назаридан етарли даражада асосланган ҳолатлар бундан мустасно. Токсик хусусияти камроқ бўлган айрим эритувчиларнинг (2-синф, 2-жадвал) қўлланилиши, беморларни улар келтириб чиқарадиган ножўя таъсирлардан ҳимоя қилиш учун чекланган миқдорда бўлиши керак. Идеал ҳолда, иложи бўлса, фақат токсик хусусияти кам бўлган эритувчилар (3-синф, 3-жадвал) қўлланилиши керак. Эритувчиларнинг тўлиқ рўйхати ушбу қўлланманинг 1-иловасида келтирилган.

Ушбу рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди ва бошқа эритувчилардан фойдаланиш ҳамда кейинчалик уларни рўйхатга киритиш мумкинлиги билан белгиланган. 1- ва 2-синф эритувчилари миқдорларининг тавсия этилган меъёр-

лари, шунингдек, эритувчилар таснифи уларнинг хавфсизлиги тўғрисида янги маълумотлар пайдо бўлганда тегишли ўзгартириш киритилиши мумкин. Янги эритувчи сақлайдиган янги дори воситаларини рўйхатга олиш хужжатлар тўпламида келтирилган хавфсизлиги ушбу қўлланманинг концепциясига ёки Таъсир этувчи моддалар (Янги таъсир этувчи моддалардаги аралашмалар, Q3A) ёки дори препаратлари (Янги дори препаратлардаги аралашмалар, Q3B) қўлланмаларида кўрсатилган аралашмаларнинг спецификациясига киритиш концепциясига кўра ёки барча учта қўлланма бўйича асосланган бўлиши мумкин.

## 2. ҚўЛЛАНМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ДОИРАСИ

Ушбу қўлланмадан фойдаланиш доираси – таъсир этувчи ва ёрдамчи моддалар ҳамда дори воситалардаги эритувчиларнинг қолдиқларидир. Шунинг учун, агар ишлаб чиқариш ёки тозалаш жараёни бундай эритувчилар иштирокида амалга оширилса, уларнинг таркибида мавжудлигини текшириш керак бўлади. Бунда, фақат таъсир этувчи ва ёрдамчи моддаларни ёки дори воситаларини ишлаб чиқариш ёки тозалаш жараёнида ёки ҳосил бўлган эритувчиларни текшириш керак. Ишлаб чиқарувчи дори воситасининг ўзини текшириши ёки уни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган таркибий қисмлардаги эритувчиларнинг қолдиқлари таркибига кўра дори воситасининг эритувчилар қолдиқларини ҳисоблаш учун умумий усуллардан фойдаланиши мумкин. Агар ҳисоб-китоб натижалари асосида эритувчиларнинг қолдиқлари концентрацияси ушбу қўлланмада тавсия этилган меъёрлардан ошмаса, тайёр дори воситалари таркибида эритувчиларнинг қолдиқлари учун синовларни ўтказишга ҳожат йўқ. Бироқ, агар ҳисобланган концентрация тавсия этилган чегарадан юқори бўлса, дори воситасининг ишлаб чиқариш жараёни ушбу эритувчи даражасини мақбул миқдорга камайитиришни таъминлаётганлиги ёки йўқлигини аниқлаш учун текширилиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнида эритувчидан фойдаланилса, дори воситаси синовдан ўтказилиши керак.

Ушбу қўлланма клиник тадқиқотлар босқичида бўлган потенциал янги таъсир этувчи ва ёрдамчи моддалар ёки дори воситаларига ва рўйхатдан ўтган дори воситаларига ҳамда савдода мавжуд бўлган дори воситаларига тааллуқли эмас.

Қўлланма талаблари дори воситасининг шакли ва қўлланиш усулидан катъий назар барча дори воситаларига тадбиқ этилади. Баъзи ҳолларда, айниқса, қисқа муҳдатли қабул қилиш (30 кун ёки ундан кам) ёки маҳаллий қўллашда эритувчилар қолдиқ миқдорининг юқори меъёрлари қабул қилиниши мумкин. Ушбу қийматларнинг мақбуллигини баҳолаш алоҳида-алоҳида амалга оширилиши керак.

Эритувчиларнинг қолдиқлари ҳақида қўшимча маълумот олиш учун 2 - иловага қаралсин.

## 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 3.1 ЭРИТУВЧИЛАР ҚОЛДИҚЛАРИНИ ХАВФ ДАРАЖАСИГА КЎРА ТАСНИФЛАШ

Токсик моддаларнинг таъсир чегараларини тавсифлаш учун Халқаро кимёвий хавфсизлик Дастури (International Program on Chemical Safety – IPCS) томонидан “рухсат этилган суткалик истеъмол” атамаси (tolerable daily intake – TDI), ЖССТ ва бошқа Миллий ва халқаро

соғлиқни сақлаш муассасалари ва институтлари томонидан “қабул қилинадиган суткалик истеъмол” (acceptable daily intake – ADI) атамаси қўлланилади. Мазкур қўлланмада бир хил моддаларнинг қабул қилинадиган суткалик истеъмоли учун турли хил қийматларни чалкаштириб юбормаслик мақсадида, эритувчилар қолдиқларининг фармацевтик жиҳатдан мақбул истеъмоли сифатида “рухсат этилган суткалик таъсир” (permitted daily exposure – PDE) янги атамаси жорий этилди.

Ушбу қўлланмада баҳоланадиган эритувчиларнинг қолдиқлари умумий қабул қилинган номланиши ва тузилиш формулалари 1-иловада келтирилган. Инсон саломатлиги учун рухсат этилган хавф даражасини баҳолаш натижаларига кўра, эритувчиларнинг қолдиқлари 3 синфга бўлинади:

**1-синф: қўлланилиши тавсия этилмайдиган эритувчилар.**

Инсон ва атроф-муҳит учун хавфлилиги эҳтимоли юқори бўлган, инсон учун канцерогенликка эга бўлган моддалар.

**2-синф: қўлланилиши чекланадиган эритувчилар.**

Ҳайвонлар учун ногенотоксик канцероген моддалар ёки нейротоксиклик ёки тератогенлик каби бошқа қайтарилмас таъсирга олиб келиши мумкин бўлган эритувчилар.

Сезиларли, аммо қайтариладиган заҳарликка эга бўлган эритувчилар.

**3-синф: токсик хусусияти кам бўлган эритувчилар.**

Чекланган таъсир қилиш дозасини белгилаш зарурати бўлмаган инсонлар учун паст даражали токсикликка эга бўлган эритувчилар. 3-синф эритувчилари учун PDE 50 мг/сутка ва ундан юқори қийматга эга.

### 3.2. ЧЕГАРВИЙ ТАЪСИРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Эритувчиларнинг қолдиқлари учун рухсат этилган суткалик таъсир – “PDE” ни аниқлашда фойдаланиладиган усул қўлланманинг 3-иловасида тасвирланади.

### 3.3. 2-СИНФ ЭРИТУВЧИЛАРНИНГ ЧЕГАРВИЙ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

2-синф эритувчилари учун меъёрларни белгилашда ҳисоблашнинг иккита усулидан бири қўлланилиши мумкин:

**1-ҳисоблаш усули:** 2-жадвалда келтирилган ppm да чегаравий концентрациялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Маҳсулотнинг кундалик қабул қилинувчи массаси 10 г деб ҳисобланиб улар қуйидаги тенглама (1) ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Концентрация (ppm)} = \frac{1000 \times \text{PDE}}{\text{Доза}} \quad (1)$$

PDE суткалик мг миқдори; ва доза-суткалик г миқдорлари билан ифодаланади.

Ушбу чегаравий меъёрлар барча таъсир этувчи ва ёрдамчи моддалар ёки дори воситалари учун мақбул ҳисобланади. Шунинг учун, ушбу ҳисоблаш усули суткалик доза маълум бўлмаган ёки белгиланмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Агар дори воситаси таркибидаги барча ёрдамчи ва таъсир этувчи моддалар 1-усул билан ҳисобланган талабларга жавоб берса, бу таркибий қисмлар ҳар қандай нисбатда қўлланилиши мумкин. Агар суткалик доза 10 г дан ошмаса, бошқа

ҳисоб-китоблар талаб қилинмайди. Суткасига 10 г дан юқори дозаларда қабул қилинган дори воситалари учун 2-ҳисоблаш усули қўлланилиши керак.

**2-ҳисоблаш усули:** Дори воситасининг ҳар бир таркибий қисми 1-ҳисоблаш усули бўйича тартибга солинган чегараларга мос келиши талаб этилмайди. 2-жадвалда кўрсатилган максимал суткалик доза ва рухсат этилган суткалик таъсир – PDE (мг/сутка) қийматидан фойдаланиб, (1) формула бўйича дори воситаси таркибида эритувчиларнинг қолдиқлари рухсат этилган концентрация чегарасини аниқлаш мумкин. Эритувчиларнинг қолдиқлари миқдори минимал даражага пасайиши исботланган бўлса, бундай меъёрлар мақбул деб ҳисобланади. Ушбу рухсат этилган меъёрларни белгилашда таҳлилий аниқлик, ишлаб чиқариш имкониятлари, ишлаб чиқариш жараёнининг асосланган ўзгарувчанлиги, шунингдек, замонавий ишлаб чиқариш стандартларига мувофиқлиги ҳисобга олинади керак.

2-усул дори воситасининг ҳар бир таркибий қисмида эритувчиларнинг қолдиқ миқдорини жамлашни ўз ичига олади. Эритувчининг умумий миқдори рухсат этилган суткалик таъсири – PDE дан кам бўлиши керак.

Дори воситасининг таркибидаги ацетонитрилни аниқлаш учун 1- ва 2-усулларни қўллаш бўйича мисолни кўриб чиқиш мумкин. Ацетонитрилнинг рухсат этилган суткалик таъсири суткасига 4,1 мг; шундай қилиб, 1-усул бўйича ҳисоб-китобларга кўра, унинг чегаравий миқдори 410 ppm. Дори воситасининг максимал суткалик миқдори 5,0 г, дори воситаси таркибига иккита ёрдамчи моддалар киради. Дори воситасининг таркиби ва ацетонитрил эритувчиси қолдиқининг максимал миқдорини ҳисоблаш жадвалида келтирилган:

1-ёрдамчи моддадаги ацетонитрилнинг миқдори 1-усул бўйича ҳисобланган чегаравий қийматга мос келади, аммо унинг таъсир этувчи моддадаги, 2-ёрдамчи модда ва дори воситасидаги миқдори бу меъёрга мос келмайди. Шу билан бирга, дори воситаси иккинчи усули бўйича белгиланган органик эритувчи қолдиқ миқдори – 4,1 мг/сутка бўлган талабларни қондиради ва ушбу қўлланманинг тавсиялари бажарилади.

Таркибий қисм	Таркибдаги миқдори, г	Ацетонитрил миқдори (ppm)	Суткалик таъсири, мг
Таъсир этувчи модда	0,3 г	800 ppm	0,24 мг
1-ёрдамчи модда	0,9 г	400 ppm	0,36 мг
2-ёрдамчи модда	3,8 г	800 ppm	3,04 мг
Дори препарати	5,0 г	728 ppm	3,64 мг

Ацетонитрилни эритувчининг қолдиғи деб ҳисобланган яна бир мисолни кўриб чиқиш мумкин. Дори воситасининг энг юқори истеъмол қилинадиган суткалик массаси 5,0 г, таркибида иккита ёрдамчи модда мавжуд. Дори воситасининг миқдори ва эритувчи қолдиғи бўлган ацетонитрилнинг ҳисобланган максимал миқдори қуйидаги жадвалда келтирилади.

Таркибий қисм	Таркибдаги миқдори, г	Ацетонитрил миқдори (ppm)	Суткалик таъсири, мг
Таъсир этувчи модда	0,3 г	800 ppm	0,24 мг
1-ёрдамчи модда	0,9 г	2000 ppm	1,80 мг
2-ёрдамчи модда	3,8 г	800 ppm	3,04 мг
Дори препарати	5,0 г	1016 ppm	5,08 мг

Бундай ҳолда, ацетонитрил миқдори 1- ва 2-усул орқали ҳисобланган миқдорга мос келмайди. Ишлаб чиқариш жараёнида ацетонитрил миқдорини камайтириш учун дори воситаси ишлаб чиқарувчи томонидан текширилиши мумкин. Агар ишлаб чиқариш жараёнида ацетонитрил миқдори камаймас, ушбу жараёнда ацетонитрил миқдорини камайтириш учун дори воситасининг ишлаб чиқарувчиси томонидан бошқа чоралар кўрилиши керак. Агар барча кўрилган чоралар эритувчилар қолдиқ миқдорини камайтиришни таъминламаса, истисно ҳолларда ишлаб чиқарувчи эритувчи қолдиқ миқдорини ушбу қўлланманинг талабларига жавоб берадиган меъёрларга камайтириши ва эритувчининг қолдиқ миқдори юқори бўлган дори воситасини тиббий мақсадларда қўллаш учун рухсат олиш мақсадида “хавф-фойда” нисбатини таҳлил қилиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар ҳақида ҳисобот тайёрлаши керак.

### 3.4. ТАҲЛИЛИЙ УСЛУБЛАР

Эритувчиларнинг қолдиқлари одатда газ хроматографияси каби хроматографик усуллар ёрдамида аниқланади. Фармакопеяда келтирилган ҳар қандай уйғунлаштирилган усуллар эритувчилар қолдиқларининг чекланган миқдорини аниқлаш учун қўлланилиши мумкин. Акс ҳолда, ишлаб чиқарувчилар ҳар бир ҳолат учун энг муносиб тасдиқланган таҳлилий услубни эркин танлаши мумкин. Агар маҳсулот таркибида фақат 3-синф эритувчилари мавжуд бўлса, қуришда масса йўқотилишини аниқлаш усулини қўллаш мумкин.

Эритувчиларнинг қолдиқларини аниқлаш усуллари “Аналитик усулларни тасдиқлаш бўйича қўлланма” ва “Аналитик усулларни тасдиқлаш бўйича ИСН қўлланмасини кенгайтириш” кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

### 3.5. ЭРИТУВЧИЛАР ҚОЛДИҚЛАРИНИНГ ЧЕГАРАВИЙ МИҚДОРИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

Дори препаратларини ишлаб чиқарувчилари ушбу қўлланманинг талабларини бажариш учун ёрдамчи ёки таъсир этувчи моддадаги эритувчиларнинг қолдиқ миқдори ҳақида аниқ маълумотга муҳтождирлар. Эритувчиларнинг қолдиқ миқдори ҳақидаги маълумот куйидаги формулалардан бирида дори воситаларини ишлаб чиқарувчиларига ёрдамчи ёки таъсир этувчи моддаларни етказиб берувчилари томонидан тақдим этилиши мумкин:

Ушбу бўлим тахлилчи учун хужайралар культураси ва қўлланилаётган цитопатик вируснинг комбинацияси аниқлангандан сўнг миқдорий аниқлашнинг ўхшаш услубларини қандай режалаштириш, оптималлаштириш ва валидация қилишга нисбатан маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган. Цитопатик антивирусли таъсирни аниқлашнинг аниқ миқдорий услубини бажариш бўйича батафсил процедураси тегишли услуб сифатида келтирилган, шунингдек, бошқа вирус-хужайра линияси комбинациялари ва бошқа шунга ўхшаш бирикмалар учун процедуранинг синовларни мослаштириш ва валидация қилиш бўйича кўрсатмалар билан тасвирланган.

### 2. АНТИВИРУСЛИ ТАЪСИРНИ (ЦИТОПАТИК ТАЪСИРНИ ПАСАЙТИРУВЧИ) МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ

Одам интерферонларининг антивирусли таъсирини миқдорий аниқлаш услублари одам хужайраларида хужайравий реакциянинг индукциясига асосланган бўлиб, у инфекция вируснинг цитопатик таъсирини олдини олади ёки пасайтиради. Интерфероннинг фаоллиги, унинг вирусли цитопатик таъсирга қарши химоявий таъсирини Халқаро бирликларда калибланган, мос келувчи стандарт препаратнинг шунга ўхшаш таъсири билан солиштириш орқали аниқланади.

### 3. Нер2с ХУЖАЙРАЛАРИ ВА ИНФЕКЦИОН ЭНЦЕФАЛОМИОКАРДИТ ВИРУСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲОЛДА ИНТЕРФЕРОН ФАОЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Таърифланган одам интерферонларининг антивирусли таъсирини миқдорий аниқлаш бу вируснинг цитопатик таъсирини камайтиришга асосланган. Одам интерферонининг синовдан ўтказиладиган турли препаратлари фаоллигини аниқлаш учун энцефаломиокардит вируси (EMCV) юктирилган Нер2с одам хужайраларидан фойдаланилади. Ушбу услуб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташки-лоти (WHO) томонидан ўрта Халқаро лабораториялараро солиштира тадқиқотларда: одам интерферони альфа, одам интерферони бета ва одам интерферони гамма халқаро стандарт намуналарини стандартлаш учун қўлланилган бўлиб, тадқиқотлар давомида одам интер-феронлари турли хилларининг биологик фаоллигини аниқлаш бўйича сезгирлиги, ишончлилиги ва кўпайиш қобиляти тасдиқланган.

Сут эмизувчилар хужайраларининг культураси билан иш олиб борилганда барча процедуралар культурада хужайра линияларни ушлаб туриш бўйича стандарт операцион процедураларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Реактивларнинг ҳажмлари юза майдони 75 см<sup>2</sup> бўлган флаконларда кўпайтирилган хужайра культуралари учун кўрсатилган. Контейнерларнинг бошқа турлари (флаконлар ёки планшетлар) қўлланилиши мумкин, бироқ, бу ҳолатда реактивларнинг ҳажмлари тегишли равишда мослаштирилиши зарур.

#### 3.1. Нер2с ХУЖАЙРАЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ.

Нер2с хужайралари А муҳитда кўпайтирилади ва қайта экилади. Хужайралар стандарт операцион процедураларни қўллаган ҳолда, музлатилган кўринишда сақланади. Кўпайтирилаётган хужайралар культурада рухсат этилган 30 та пассажгача сақланилиши мумкин, шундан сўнг музлатилган материалдан янги хужайралар олинади.

Миқдорий аниқлаш синовининг бошланишида флаконлардан 90 % монокатлам ҳосил қилувчи хужайралар культурага трипсин билан қайта ишлов бериш йўли орқали қуйидаги тарзда ажратиб олинади:

- Флаконлардан культурал суюқлиқни олиб ташланади.
- Ҳар бир флаконга 37 °С гача иситилган 5 мл трипсин қўшилади (трипсиннинг бошланғич эритмаси ўзида 4 мг/мл. трипсин R ва4 мг/мл. натрий эдетат R сақлайди; фойдаланишдан аввал бевосита трипсиннинг бошланғич эритмаси фосфат буферланган тузли физиологик эритма билан 50 ҳажмларда суюлтирилади). Хужайравий монокатламни ювиб ташлаш

учун тикин билан беркитилган флакон чайқатилади. Трипсин эритмасининг ортиқчаси олиб ташланади.

- Флаконлар 37 °C температурада 5-10 мин ушлаб турилади. Визуал ёки микроскопик тарзда хужайралар бўлинишининг белгилари кузатилади. Микроскопда кузатилганда хужайраларнинг думалоқлашуви ёки бўлиниши ва эркин тарзда сузиб юриши кўринади. Барча хужайраларнинг бўлиниши учун флаконлар каттик чайқатилади, тахминан 5 мл ўстириш муҳити А қўшилади. Алоҳида хужайраларнинг суспензияси ҳосил бўлиши учун флаконлар каттик чайқатилади.
- Синовдан фойдаланиладиган суспензияни тайёрлаш учун, хужайралар агрегатини бузиш учун чайқатиш пипетка ёрдамида аралаштириш йўли орқали хужайралар эҳтиёткорлик билан бўлинади. Хужайралар сони ҳисобланади ва улар ўстириш муҳитида  $6 \times 10^5$  хужайралар/мл концентрациягача қайта суспензия қилинади.

### 3.2. ЭНЦЕФАЛОМИЕЛИТ ВИРУСИНИ КЎПАЙТИРИШ

Талаб қилинадиган микдорни олиш учун энцефаломиокардит вируси (EMCV) сичқонларнинг L-929 хужайраларининг культурасида ўстирилади. L-929 хужайралари Нер2с хужайралари учун тавсифлаб ўтилган процедурага ўхшаш бўлган трипсинизация ва қайта экиш процедураси ёрдамида олинади. (ИЗОХ: хужайралар ёмон ўсганда янги туғилган бузоқ зардобини (neonatal calf serum) сизир эмбрионининг зардобига (foetal bovine serum) алмаштириш зарурати вужудга келиши мумкин).

Таркибида L-929 хужайралари культурасининг яхлит монокатламни сақловчи бир нечта флаконлар олинади. Муҳит олиб ташланади ва у миллилитрга тахминан  $2,5 \times 10^8$  пиллачка ҳосил қилувчи бирликлар (PFU) сақлаши учун В ўстириш муҳитида EMCV вирусининг суспензиясидан мос келувчи суюлтиришда 2 мл қўшилади. Ҳар бир флаконда  $4-6 \times 10^7$  L-929 хужайралар мавжуд бўлади ва шунинг учун инфекциянинг кўпайиши тахминан 10 PFU/хужайрани ташкил этади. Вирусли суспензия аста секинлик билан чайқатилиб, хужайравий монокатламда тақсимланган ҳолда флаконлар термостатга тахминан бир соатга қўйилади. Ўстириш муҳитининг pH қиймати 7,4 — 7,8 да ушлаб турилади.

EMCV адсорбциясидан кейин ҳар бир флаконга тахминан 40 мл дан В ўстириш муҳити қўшилади ва флаконлар 30 мин 37 °C температурадаги инкубаторга қайтариб қўйилади. Вируснинг максимал микдорини олиш учун pH қиймати 7,4-7,8 да ушлаб турилади. Инкубация қилиш ниҳоясига етгандан сўнг, культура суюқлиги олиб ташланади ва у тахминан 4 °C температурада сақланади.

Хужайравий монокатламни музлатиш учун флаконлар –20 °C температурага жойлаштирилади. Сўнгра хона температурасида эритилади. Тахминан 5 мл. ўстириш муҳити қўшилади ва хужайралар деворининг бузилиши учун флакон чайқатилади. Ҳар бир флакон ичидаги таркиби культурал суюқлик сақловчи контейнерга ўтказилади. Сўнгра таркибида EMCV сақловчи культура суюқлиги ҳажми 50 мл. бўлган пластик центрифугали пробиркаларга ўтказилади ва хужайра қисмларининг қолдиқларини олиб ташлаш учун центрифуга жараёни тахминан 500 g тезлашувда 10 мин давомида амалга оширилади. Тозаланган культура суюқлиги заруратга мувофиқ 20 мл, 10 мл, 5 мл, 1 мл, 0,5 мл ёки 0,2 мл. ҳажмлардаги бураладиган пластик қоққоқли шиша

бутилкаларга қўйилади ва –70 °C да сақланади. Зарурат бўлганда катта ҳажмларни эритиш, кичикроқ ҳажмдаги идишларга қўйиш ва такроран музлатиш мумкин бўлади. Тахминан –70 °C температурада доимий сақланганда EMCV намуналари ўзининг дастлабки кўринишини сақлаб қолади. Бироқ, музлатиш – эритишнинг такрорланадиган цикллари ёки юқорироқ температураларда, масалан, –20 °C да сақлаш титрининг прогрессив тарзда йўқотилишига олиб келади.

### 3.3. БИОЛОГИК ФАОЛЛИКНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИ

#### 3.3.1. Дозага-боғлиқ бўлган диапазонни аниқлаш

*Эритмаларни тайёрлаш.*

Интерфероннинг мос келувчи стандарт намунаси (масалан, WHO интерферони стандарт намунасининг кичик тури) А ўстириш муҳитида 10 карра такрорланувчи суюлтиришларда шундай тарзда суюлтириладики, бунда стандарт намунанинг дозалари 1000 – 0,001 МЕ/мл диапазон оралиғини қамраб олиши керак. Биологик фаолликни аниқлаш 96 уячали микропланшетларда ўтказилади. Ҳар бир уячага 100 мкл А ўстириш муҳити киритилади. Сўнгра, вирусли назоратлар учун мўлжалланган уячалардан ташқари, ҳар бир уячага 100 мкл ҳажмдаги кўп каналли пипеткалардан фойдаланган ҳолда стандарт препаратнинг ҳар бир эритмасидан тахминан 100 мкл қўшилади. Уячаларнинг таркиби аралаштирилади.

*Хужайравий суспензиянинг киритилиши.*

А хужайравий культурасида, таркибида тахминан  $6 \times 10^5$  хужайралар/мл сақловчи Нер2с хужайраларнинг суспензияси Петри пластик чашкаларига қўйилади. Кўп каналли пипетка ёрдамида хужайралар культураси 100 мкл дан Петри чашкаларидан планшетларнинг ҳар бир уячага ўтказилади.

Планшетлар термостатда тахминан 24 соат давомида 37 °C температурада, 5 % углерод диоксид (CO<sub>2</sub>) сақловчи атмосферада инкубация қилинади.

*Культуранинг вирус билан инфекциялаш*

Ушбу босқичда инвентирланган микроскоп ёрдамида Нер2с хужайралари монокатламининг сифати (яхлит монокатламининг мавжудлиги), хужайралар морфологиясининг тўғрилиги ва уларнинг ҳолати текширилади.

Планшетни ағдариб қўриб ва чайқатган ҳолда ўстириш муҳитининг кўпчилик қисми уячалардан олиб ташланади, сўнгра қоғоз сочиқ билан сингдирилади (процедура қўйида микротитр планшетлар суюқликни олиб ташлаш бўйича тавсифномалар билан бир хил). EMCV вируси янги А ўстириш муҳити билан тахминан  $3 \times 10^7$  PFU/мл гача суюлтирилади (ИЗОХ: ҳар бир уячада тахминан 20 мкл суюлтирилган вирусли суспензия ҳамда 5-10 % қўшимча ҳажм бўлиши керак). Диаметри 9 см бўлган стерил Петри чашкаларидан олинган суюлтирилган суспензияни кўп каналли пипеткалар ёрдамида 200 мкл дан ҳар бир уячаларга, шу жумладан, назорат хужайрали уячалардан ташқари, вирус назоратли уячаларга ҳам киритилади. Назорат хужайрали ҳар бир уячага тахминан 200 мкл А озуқа муҳити вирус бўлмаган ҳолда қўшилади.

Микроплашет инкубаторга жойлаштирилади ва термостатда тахминан 24 соат давомида 37 °C ҳароратда, 5 % углерод диоксид (CO<sub>2</sub>) сақловчи атмосферада инкубация қилинади.

*Бўйлиши*

Планшетнинг таркиби микроскоп остида вирус назоратли уячаларда EMCV цитопатик таъсирнинг (ц.п.т.)



мавжуд эканлигига текширилади. Максимал цитопатик таъсирга эришиш учун вақт оралиғи узлуксиз қўпайтиришда белгиланган давр давомида вируснинг киритилишига Нер2с ҳужайраларининг ўзига хос ўзгаришлари оқибатида турли синовларда ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Ўстириш муҳитининг қўпчилик қисми уячалардан мос келувчи дезинфекцияловчи эритмага (масалан, натрий гипохлорит) олиб ташланади. Ҳар бир уячага фосфат билан буферланган  $pH\ 7,4$  физиологик эритма  $R$  қўшилади. Фосфат билан буферланган  $pH\ 7,4$  физиологик эритма  $R$  дезинфекцияловчи эритмага олиб ташланади. Ҳар бир уячага 150 мкл ранг берувчи эритма киритилади. Ҳужайралар 30 минут давомида хона температурасида бўялади. Ранг берувчи эритма дезинфекцияловчи эритмага тўкиб юборилади. Уячаларга тахминан 150 мкл фиксацияловчи эритма киритилади. Фиксация 10 минут давомида хона температурасида ўтказилади. Фиксация қилувчи эритма дезинфекцияловчи эритмага тўкиб юборилади ва планшетларни ботиб турадиган пластик контейнерларга жойлаштирган ҳолда ҳужайравий монокатлам оқадиган сувда ювилади. Сув олиб ташланади ва планшетлар қоғоз сочиқлар орқали эҳтиётлик билан юзаки қурилади. Плашкалар барча намлик буғланиб кетгунга қадар  $20\ ^\circ C - 37\ ^\circ C$  температурада қурилади.

Ҳар бир уячага 150 мкл дан  $0,1\ M$  натрий гидроксид эритмаси киритилади. Планшетни эҳтиётлик билан силкитиб ёки унга қафт билан тақиллатган ҳолда бўёқни олиб ташланади. Спектрофотометридан аввал бўёқнинг барча уячаларда бир текисда тақсимланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Оптик зичликнинг ўлчаниши 610 – 620 нм тўлқин узунлигида микропланшетли анализатор ёрдамида ўтказилади; назорат сифатида таркибида тахминан 150 мкл  $0,1\ M$  натрий гидроксид сакловчи ва ҳужайралар сақламайдиган уячалар ёки уячалар қаторидан фойдаланилади.

Цитопатик таъсирни максимал ва минимал пасайишни келтириб чиқарган интерферон стандарт эритмасининг концентрациялари аниқланади. Улар микдорий аниқлаш услубининг дозага – боғлиқ бўлган ишчи интервалига мос келади.

### 3.3.2. Микдорий аниқлаш процедураси

Қуйдагилардан фойдаланган ҳолда, синов юқорида келтирилган тавсифларга мувофиқ ўтказилади:

- синовдан ўтказиладиган эритмалар сифатида микдорий аниқлаш услуби ишчи диапазонини камраб олган номинал концентрацияларни олиш учун  $A$  муҳитда икки марта суюлтирилган, текширилаётган мода;
- стандарт эритмалар сифатида ишчи диапазонини камраб олган номинал концентрацияларни олиш учун  $A$  муҳитда икки марта суюлтирилган интерфероннинг мос келувчи стандартидан (масалан, WHO интерферони специфик кичик турининг стандарт намунаси) фойдаланилади.

### 3.3.3. Синов натижаларини баҳолаш.

Цитопатик таъсирнинг пасайиш катталигини аниқлаш натижаларини асосан, киритилаётган дозага таъсирнинг боғлиқлик графигига, яъни, бўёқ абсорбциясининг интерферон концентрациясига боғлиқлик графигига (интерферон суюлтирилиши тескари катталигининг логарифми) мос келади.

Бўёқ абсорбцияси катталигининг интерферон концентрациясига боғлиқлик графиклари (суюлтирилиш тескари катталигининг логарифми) стандарт ва синовдан

ўтказилаётган эритмалар учун тузилади. Графикларнинг линияли қисмида синовдан ўтказиладиган намунада интерферон концентрацияси унинг таъсирини стандарт эритма билан микдорий аниқлаш натижаларини параллел таҳлил қилиш учун оддий статистик усуллар ёрдамида таққослаш йўли орқали ҳисобланади.

## 4. БОШҚА УСЛУБЛАРНИ ВАЛИДАЦИЯЛАШ

### 4.1. ҲУЖАЙРАЛАР ВА ВИРУС ЛИНИЯСИНИ ТАНЛАШ

Интерферонларнинг биологик вирусли фаоллигини аниқлаш учун ҳужайра линияси ва вируснинг бир бошқа қатор бутун комбинацияларидан фойдаланилди. Масалан, EMCV одам ўпкаси эпителиал карциномасининг A549 ҳужайра линияси билан комбинацияда қўлланилди, Semliki Forest вируси ёки Sindbis вируси одам фибробластлари билан қўлланилди, везикуляр стоматит вируси эса одам диплоид фибробластлари, одам амниотик келиб чиқишга эга бўлган WISH ҳужайралар линияси ёки Madin-Darby йирик шохли қорамол буйраклари ҳужайралари линияси билан қўлланилди. Ҳар бир ҳолатда ҳужайра линия/вирус комбинациясининг тан-лови одатда, ушбу комбинациянинг интерфероннинг синовдан ўтказиладиган препаратига яққол реакцияни таъминлай олиши ва параллел тарзда синовдан ўтказиладиган препарат ва интерферон стандарт намунасининг таққослаш имкониятлари асосланади.

### 4.2. РЕАКЦИЯ ТАНЛОВИ

Юқорида тавсифлаб ўтилган бўяш процедураси қолган яшовчан ҳужайралар микдорини ўлчаш имкониятини беради. Бундан ташқари, бошқа реакцияларнинг бутун бир қатори қўлланилди, шу жумладан, метил бинафша ёки кристалл бинафша ранг билан бўяш ёки тиазолил кўки (МТТ) нинг қайта ҳосил бўлиш процедураси. Ҳар бир ҳолатда усулнинг танлови оптик зичликнинг ўлчанадиган катталиги ва яшовчан ҳужайраларнинг микдори орасидаги талаб этиладиган чизикли ва сезгирли боғлиқликни олиш имкониятига асосланади.

### 4.3. ҲАҚҚОНИЙЛИКНИНГ СТАТИСТИК ТАСДИҚЛАНИШИ

Микдорий аниқлашнинг биологик усуллар билан ўтказилишининг бошқа ҳолатларидаги каби ушбу синовнинг услуби чизикли реакция, параллелизм ва дисперсиянинг оддий статистик мезонларига жавоб бериши лозим.

### 4.4. СИНОВ РЕЖАСИНИНГ ВАЛИДАЦИЯСИ

Микротитр планшет қўлланилиши билан биологик синовларининг бошқа ҳолатларидаги каби таҳлил қилиш тартиби валидациясига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, пипетка ёрдамида аралаштириш бўйича хатоликлар тасодифий бўлмаган тартибда ўрганилиши ва истисно қилиниши ёки чекка уячаларнинг таъсири, масалан, синов бажарилиши режасини рағдомизация қилиш ёки чекка уячалардан фойдаланишни истисно қилиниши.

## ОЗУҚА МУҲИТЛАРИ ВА РЕАКТИВЛАРИ

*А озуқа муҳити (NCS янги туғилган бузоқнинг 10 % зардоби)*

RPMI-1640 озуқа муҳити, зарурат бўлганда антибиотиклар қўшимчаси билан (пенициллин 10000 МЕ/мл; стрептомицин 10 нг/мл)	450 мл
L-глутамин, 200 мМ, стерил	5 мл
Янги туғилган бузоқ зардоби (NCS)	50 мл

*В озуқа муҳити (2 % сигир ҳомиласининг қон зардоби)*

RPMI-1640 озуқа муҳити, зарурат бўлганда антибиотиклар қўшимчаси билан (пенициллин 10000 МЕ/мл; стрептомицин 10 нг/мл)	490 мл
L-глутамин, 200 мМ, стерил	5 мл
Сигир ҳомиласининг қон зардоби	10 мл

*Бўяладиган эритма*

Нафталин кора	0,5 г
99,8% ли сирка кислота	90 мл
Натрий ацетат, сувсиз	8,2 г
Сув ҳажмигача	1000 мл

*Фиксация қилувчи эритма*

Формальдегид, 40 %	100 мл
Сирка кислотаси яхлатилган	90 мл
Натрийацетат, сувсиз	8,2 г
Сув ҳажмигача	1000 мл

## **5.7. ФАРМАКОПЕЯДА КЕЛТИРИЛГАН РАДИОНУКЛИДЛАРНИНГ ФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ ЖАДВАЛИ**

5.7. Фармакопеяда келтирилган радионуклидларнинг физикавий хоссалари жадвали ..... 1717



03/2021:50700

Агар бошқа (қийматлари замонавийроқ) маълумотлар манбаи ишлатилган бўлса, у келтирилади.

Ярим емирилиш давридаги четланиш оддий қавсларда келтирилади.

Аслида, оддий қавс ичида келтирилган рақам охирги рақамга мос келувчи стандарт четланиш ҳисобланади ("Ўлчовлардаги четланишларни ифодалаш тўғрисида кўрсатма", Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO), 1993, ISBN 92-67-10188-9.).

## 5.7. ФАРМАКОПЕЯДА КЕЛТИРИЛГАН РАДИОНУКЛИДЛАРНИНГ ФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ ЖАДВАЛИ

Куйидаги жадвал *Радиофармацевтик препаратлар (0125)* умумий мақоласини тўлдириш мақсадида келтирилган.

Маълумотлар, National Nuclear Data Center (NNDC) at Brookhaven National Laboratory, Upton, New York, USA маълумотлар базасидан олинган, тўғридан-тўғри кириш: [www.nndc.bnl.gov/nndc/nudat/radform.html](http://www.nndc.bnl.gov/nndc/nudat/radform.html).

Куйидаги қисқартмалар қўлланилади:

$e_A$  = Оже (Auger) электронлари,

$ce$  = конверсион электронлар,

$\beta^-$  = электронлар,

$\beta^+$  = позитронлар,

$\gamma$  = гамма нурлари,

X = рентген нурлари.

Радионуклид номи	Ярим емирилиш даври	Электрон эмиссияси			Фотон эмиссияси		
		Белгиси	Энергияси (МэВ)	Эмиссия эҳтимоли (хар 100 емирилиш даври учун)	Белгиси	Энергияси (МэВ)	Эмиссия эҳтимоли (хар 100 емирилиш даври учун)
Тритий ( $^3\text{H}$ )	12,33 (6) йил	$\beta^-$	0,006 <sup>(I)</sup> (макс: 0,019)	100			
Углерод-11 ( $^{11}\text{C}$ )	20,385 (20) мин	$\beta^+$	0,386 <sup>(I)</sup> (макс: 0,960)	99,8	$\gamma$	0,511	199,5 <sup>(II)</sup>
Азот-13 ( $^{13}\text{N}$ )	9,965 (4) мин	$\beta^+$	0,492 <sup>(I)</sup> (макс: 1,198)	99,8	$\gamma$	0,511	199,6 <sup>(II)</sup>
Кислород-15 ( $^{15}\text{O}$ )	122,24 (16) сек	$\beta^+$	0,735 <sup>(I)</sup> (макс: 1,732)	99,9	$\gamma$	0,511	199,8 <sup>(II)</sup>
Фтор-18 ( $^{18}\text{F}$ )	109,77 (5) мин	$\beta^+$	0,25 <sup>(I)</sup> (макс: 0,633)	96,7	$\gamma$	0,511	193,5 <sup>(II)</sup>
Фосфор-32 ( $^{32}\text{P}$ )	14,26 (4) сутка	$\beta^-$	0,695 (I) (макс: 1,71)	100			
Фосфор-33 ( $^{33}\text{P}$ )	25,34 (12) сутка	$\beta^-$	0,076 (I) (макс: 0,249)	100			
Сера-35 ( $^{35}\text{S}$ )	87,51 (12) сутка	$\beta^-$	0,049 (I) (макс: 0,167)	100			
Хром-51 ( $^{51}\text{Cr}$ )	27,7025 (24) сутка	$e_A$	0,004	67	X	0,005 0,320	22,3 9,9
Кобальт-56 ( $^{56}\text{Co}$ )	77,27 (3) сутка	$e_A$	0,006	47	X	0,006-0,007	25
		$\beta^+$	0,179 <sup>(I)</sup> 0,631 <sup>(I)</sup>	0,9 18,1	$\gamma$	0,511 0,847 1,038 1,175 1,238 1,360 1,771 2,015 2,035 2,598 3,202 3,253	38 <sup>(II)</sup> 100,0 14,1 2,2 66,1 4,3 15,5 3,0 7,8 17,0 3,1 7,6
		$e_A+ce$	0,006-0,007	177,4	X	0,006-0,007	57
		$ce$	0,014 0,115 0,129	7,4 1,8 1,3	$\gamma$	0,014 0,122 0,136 0,692	9,2 85,6 10,7 0,15
		$e_A$	0,006	49,4	X	0,006-0,007	26,3
		$\beta^+$	0,201 <sup>(I)</sup>	14,9	$\gamma$	0,511 0,811 0,864 1,675	29,9 <sup>(II)</sup> 99,4 0,7 0,5
Кобальт-57 ( $^{57}\text{Co}$ )	271,79 (9) сутка	$e_A+ce$	0,006-0,007	177,4	X	0,006-0,007	57
Кобальт-58 ( $^{58}\text{Co}$ )	70,86 (7) сутка	$e_A$	0,006	49,4	X	0,006-0,007	26,3
		$\beta^+$	0,201 <sup>(I)</sup>	14,9	$\gamma$	0,511 0,811 0,864 1,675	29,9 <sup>(II)</sup> 99,4 0,7 0,5

(I)  $\beta$ -спектрининг ўртача энергияси,

(II) 100 та емирилиш даври учун манбанинг тўлиқ йўқ бўлишига мос келадиган эмиссиянинг максимал эҳтимоли,

(МэВ)- Мега электрон-вольт

Кобальт-60 ( <sup>60</sup> Co)	5,2714 (5) йил	$\beta^-$	0,096 <sup>(I)</sup> (макс: 0,318)	99,9	$\gamma$	1,173 1,333	100,0 100,0
Галлий-66 ( <sup>66</sup> Ga)	9,49 (7) соат	$e_A$	0,008	21	X	0,009-0,010	19,1
		$\beta^+$	0,157 <sup>(I)</sup>	1	$\gamma$	0,511	112 <sup>(II)</sup>
			0,331 <sup>(I)</sup>	0,7		0,834	5,9
			0,397 <sup>(I)</sup>	3,8		1,039	37
			0,782 <sup>(I)</sup>	0,3		1,333	1,2
			1,9 <sup>(I)</sup>	50		1,919	2,1
						2,19	5,6
						2,423	1,9
						2,752	23,4
						3,229	1,5
						3,381	1,5
						3,792	1,1
						4,086	1,3
						4,295	4,1
						4,807	1,8
Галлий-67 ( <sup>67</sup> Ga)	3,2612 (6) сутка	$e_A$	0,008	62	X	0,008-0,010	57
		$\beta^+$	0,082-0,084	30,4	$\gamma$	0,091-0,093	42,4
			0,090-0,092	3,6		0,185	21,2
			0,175	0,3		0,209	2,4
						0,300	16,8
						0,394	4,7
Германий-68 ( <sup>68</sup> Ge) Галлий-68 ( <sup>68</sup> Ga) билан мувозананти	270,82 (27) сутка ( <sup>68</sup> Ga: 67,629(24) мин)	$e_A$	0,008	42,4	X	0,009-0,010	44,1
		$\beta^+$	0,353 <sup>(I)</sup>	1,2	$\gamma$	0,511	178,3
			0,836 <sup>(I)</sup>	88,0		1,077	3,0
Галлий-68 ( <sup>68</sup> Ga)	67,629 (24) мин	$e_A$	0,008	5,1	X	0,009-0,010	4,7
		$\beta^+$	0,353 <sup>(I)</sup>	1,2	$\gamma$	0,511	178,3
			0,836 <sup>(I)</sup>	88,0		1,077	3,0
Криптон-81m ( <sup>81m</sup> Kr)	13,10 (3) сек	$\beta^+$	0,176	26,4	X	0,012-0,014	17,0
			0,189	4,6	$\gamma$	0,190	67,6
Рубидий-81 ( <sup>81</sup> Rb) Криптон-81m ( <sup>81m</sup> Kr) билан мувозананти	4,576 (5) соат  ( <sup>81m</sup> Kr: 13,1 (3) сек)	$e_A$	0,011	31,3	X	0,013-0,014	57,2
		$\beta^+$	0,176	25,0	$\gamma$	0,190	64
			0,188	4,3		0,446	23,2
						0,457	3,0
			0,253 <sup>(I)</sup>	1,8		0,510	5,3
			0,447 <sup>(I)</sup>	25,0		0,511	54,2
Стронций-89 ( <sup>89</sup> Sr) Иттрий-89m ( <sup>89m</sup> Y) билан мувозананти	50,53 (7) сутка ( <sup>89m</sup> Y: 16,06 (4) сек)	$\beta^-$	0,583 <sup>(I)</sup> (макс: 1,492)	99,99	$\gamma$	0,909	0,01
Стронций-90 ( <sup>90</sup> Sr) Иттрий-90 ( <sup>90</sup> Y) билан мувозананти	28,74 (4) йил ( <sup>90</sup> Y: 64,1 (8) соат)	$\beta^-$	0,196 <sup>(I)</sup> (макс: 0,546)	100			
Иттрий-90 ( <sup>90</sup> Y)	64,10 (8) соат	$\beta^-$	0,934 <sup>(I)</sup> (макс: 2,280)	100			
Молибден-99 ( <sup>99</sup> Mo) Технеций-99m ( <sup>99m</sup> Tc) билан мувозананти	65,94 (1) соат  ( <sup>99m</sup> Tc: 6,01 (1) соат)	$\beta^-$	0,133 <sup>(I)</sup>	16,4	X	0,018-0,021	3,6
			0,290 <sup>(I)</sup>	1,1	$\gamma$	0,041	1,1
			0,443 <sup>(I)</sup>	82,4		0,141	4,5
						0,181	6
						0,366	1,2
						0,740	12,1
Технеций-99 ( <sup>99</sup> Tc)	6,01 (1) соат	$\beta^-$	0,002	74	X	0,018-0,021	7,3
		$e_A$	0,015	2,1	$\gamma$	0,141	89,1
		$\beta^+$	0,120	9,4			
			0,137-0,140	1,3			
Технеций-99 ( <sup>99</sup> Tc)	2,11 × 10 <sup>5</sup> йил	$\beta^-$	0,085 <sup>(I)</sup> (макс: 0,294)	100			
Рутений-103 ( <sup>103</sup> Ru) Родий-103m ( <sup>103m</sup> Rh) билан мувозананти	39,26 (2) сутка  ( <sup>103m</sup> Rh: 56,114 (20) мин)	$e_A + \beta^+$	0,017	12	X	0,020-0,023	9,0
		$\beta^-$	0,030-0,039	88,3	$\gamma$	0,497	91
			0,031 <sup>(I)</sup>	6,6		0,610	5,8
			0,064 <sup>(I)</sup>	92,2			

(I)  $\beta$ -спектрининг ўртача энергияси,  
(II) 100 та эмирилиш даври учун манбанинг тўлиқ йўқ бўлишига мос келадиган эмиссиянинг максимал эҳтимоли,  
(МэВ)- Мега электрон-вольт

Индий-110 ( <sup>110</sup> In)	4,9 (1) соат	e <sub>A</sub>	0,019	13,4	X γ	0,023-0,026 0,642 0,658 0,885 0,938 0,997	70,5 25,9 98,3 92,9 68,4 10,5
Индий-110m ( <sup>110m</sup> In)	69,1 (5) мин	e <sub>A</sub> β <sup>+</sup>	0,019 1,015 <sup>(I)</sup>	5,3 61	X γ	0,023-0,026 0,511 0,658 2,129	27,8 123,4 <sup>(II)</sup> 97,8 2,1
Индий-111 ( <sup>111</sup> In)	2,8047 (5) сутка	e <sub>A</sub> ce	0,019 0,145 0,167-0,171 0,219 0,241-0,245	15,6 7,8 1,3 4,9 1,0	X γ	0,003 0,023-0,026 0,171 0,245	6,9 82,3 90,2 94,0
Индий-114m ( <sup>114m</sup> In) Индий -114 ( <sup>114</sup> In) билан мувозананти	49,51 (1) сутка ( <sup>114</sup> In: 71,9 (1) сек)	ce β <sup>-</sup>	0,162 0,186-0,190 0,777 <sup>(I)</sup> (макс: 1,985)	40 40 95	X γ	0,023-0,027 0,190 0,558 0,725	36,3 15,6 3,2 3,2
Теллур-121m ( <sup>121m</sup> Te) Теллур - 121 ( <sup>121</sup> Te) билан мувозананти	154,0 (7) сутка ( <sup>121</sup> Te: 19,16 (5) сутка)	e <sub>A</sub> ce	0,003 0,022-0,023 0,050 0,077 0,180	88,0 7,4 33,2 40,0 6,1	X γ	0,026-0,031 0,212 1,102	50,5 81,4 2,5
Теллур-121 ( <sup>121</sup> Te)	19,16 (5) сутка	e <sub>A</sub>	0,022	11,6	X γ	0,026-0,030 0,470 0,508 0,573	75,6 1,4 17,7 80,3
Йод-123 ( <sup>123</sup> I)	13,27 (8) соат	e <sub>A</sub> ce	0,023 0,127 0,154 0,158	12,3 13,6 1,8 0,4	X γ	0,004 0,027-0,031 0,159 0,346 0,440 0,505 0,529 0,538	9,3 86,6 83,3 0,1 0,4 0,3 1,4 0,4
Йод-125 ( <sup>125</sup> I)	59,402 (14) сутка	e <sub>A</sub> +ce	0,004 0,023-0,035	80 33	X γ	0,004 0,027 0,031 0,035	15,5 114 26 6,7
Йод-126 ( <sup>126</sup> I)	13,11 (5) сутка	e <sub>A</sub> ce β <sup>-</sup> β <sup>+</sup>	0,023 0,354 0,634 0,109 <sup>(I)</sup> 0,290 <sup>(I)</sup> 0,459 <sup>(I)</sup> 0,530 <sup>(I)</sup>	6 0,5 0,1 3,6 32,1 8,0 1	X γ	0,027-0,031 0,388 0,491 0,511 0,666 0,754 0,880 1,420	42,2 34 2,9 2,3 <sup>(II)</sup> 33 4,2 0,8 0,3
Йод-131 ( <sup>131</sup> I)	8,0207 (11) сутка	ce β <sup>-</sup>	0,46 0,330 0,069 <sup>(I)</sup> 0,097 <sup>(I)</sup> 0,192 <sup>(I)</sup>	3,5 1,6 2,1 7,3 89,9	X γ	0,029-0,030 0,080 0,284 0,365 0,637 0,723	3,9 2,6 6,1 81,7 7,2 1,8
Ксенон-131m ( <sup>131m</sup> Xe)	11,84 (7) сутка	e <sub>A</sub> ce	0,025 0,129 0,159 0,163	6,8 61 28,5 8,3	X γ	0,004 0,030 0,034 0,164	8,3 44,0 10,2 2,0
Йод-133 ( <sup>133</sup> I) Емирилиш даврида радиоактив (Ксенон-133) ҳосил бўлади	20,8 (1) соат	β <sup>-</sup>	0,140 <sup>(I)</sup> 0,162 <sup>(I)</sup> 0,299 <sup>(I)</sup> 0,441 <sup>(I)</sup>	3,8 3,2 4,2 83	γ	0,530 0,875 1,298	87 4,5 2,4

(I) β-спектрининг ўртача энергияси,  
(II) 100 та емирилиш даври учун манбанинг тўлиқ йўқ бўлишига мос келадиган эмиссиянинг максимал эҳтимоли,  
(МэВ)- Мега электрон-вольт

Ксенон-133 ( $^{133}\text{Xe}$ )	5,243 (1) сутка	$\alpha$	0,026	5,8	X	0,004	6,3
		$\beta$	0,045 0,075-0,080	55,1 9,9		0,031 0,035	40,3 9,4
		$\beta^-$	0,101 <sup>(I)</sup>	99,0	$\gamma$	0,080	38,3
Ксенон-133m ( $^{133m}\text{Xe}$ ) Емирилиш даврида радиоактив (Ксенон-133) ҳосил бўлади	2,19 (1) сутка	$\alpha$	0,025	7	X	0,004	7,8
		$\beta$	0,199 0,228 0,232	64,0 20,7 4,6		0,030 0,034	45,9 10,6
		$\beta^-$	0,140 <sup>(I)</sup> 0,237 <sup>(I)</sup> 0,307 <sup>(I)</sup> 0,352 <sup>(I)</sup> 0,399 <sup>(I)</sup> 0,444 <sup>(I)</sup> 0,529 <sup>(I)</sup>	7,4 8 8,8 21,9 8 7,5 23,8	$\gamma$	0,527 0,547 0,837 1,039 1,132 1,260 1,458 1,678 1,791	13,8 7,2 6,7 8,0 22,7 28,9 8,7 9,6 7,8
Ксенон-135 ( $^{135}\text{Xe}$ )	9,14 (2) соат	$\alpha$	0,214	5,5	X	0,031-0,035	5,0
		$\beta$	0,171 0,308	3,1 96,0	$\gamma$	0,250 0,608	90,2 2,9
		$\beta^-$	0,174 <sup>(I)</sup> 0,416 <sup>(I)</sup>	94,4 5,6			
Цезий-137 ( $^{137}\text{Cs}$ ) Барий-137m ( $^{137m}\text{Ba}$ ) билан мувозананти	30,04 (3) йил  ( $^{137m}\text{Ba}$ : 2,552 (1) мин)	$\alpha$	0,026	0,8	X	0,005 0,032-0,036	1 7
		$\beta$	0,624 0,656	8,0 1,4	$\gamma$	0,662	85,1
		$\beta^-$	0,174 <sup>(I)</sup> 0,416 <sup>(I)</sup>	94,4 5,6			
Иттербий-175 ( $^{175}\text{Yb}$ )	4,185 (1) сутка	$\alpha$	0,00602	6,34	X	0,0530- 0,541	5,90
		$\beta$	0,05049 0,1029 0,0190 0,1024 0,1399	7,42 1,76 20,4 6,7 72,9	$\gamma$	0,1138 0,2825 0,3963	3,87 6,13 13,2
		$\beta^-$	0,00618 0,04001 0,0476 0,06315 0,08793 0,1017 0,04082 <sup>(I)</sup>	129,8 33,6 18,2 23,9 16,1 23,9 78,6	X  $\gamma$	0,0079 0,0546- 0,0649 0,2285 0,2818 0,3277 0,3785 0,4137 0,4185	45,6 115,2 37,1 14,2 18,1 29,9 17,5 21,3
Лютеций-177 ( $^{177}\text{Lu}$ )	6,647 (4) сутка	$\alpha$	4,3-11,2	8,8	X	0,007-0,011 0,054-0,056	3,2 4,4
		$\beta$	0,0477 0,1117 0,1494	11,6 9,1 79,3	$\gamma$	0,1129 0,2084	6,2 10,4
		$\beta^-$	0,285 0,353	3,4 1,4	X	0,010 0,069-0,071 0,08	32,0 63,3 17,5
Таллий-200 ( $^{200}\text{Tl}$ )	26,1 (1) соат	$\beta$	0,285 0,353	3,4 1,4	X	0,010 0,069-0,071 0,08	32,0 63,3 17,5
		$\beta^+$	0,495 <sup>(I)</sup>	0,3	$\gamma$	0,368 0,579 0,828 1,206 1,226 1,274 1,363 1,515	87,2 13,8 10,8 29,9 3,4 3,3 3,4 4,0
		$\beta^-$	0,285 0,353	3,4 1,4	X	0,010 0,069-0,071 0,08	32,0 63,3 17,5

(I)  $\beta$ -спектрининг ўртача энергияси,

(II) 100 та емирилиш даври учун манбанинг тўлиқ йўқ бўлишига мос келадиган эмиссиянинг максимал эҳтимоли,

(МэВ)- Мега электрон-вольт



Қўргошин-201 ( <sup>201</sup> Pb) Емирилиш даврида радиоактив (Таллий-201) хосил булади	9,33 (3) соат	α	0,055	3	X	0,070-0,073	69	
		α	0,246	8,5		0,083	19	
		β	0,276	2	γ	0,331	79	
		β	0,316	2,3		0,361	9,9	
						0,406	2,0	
						0,585	3,6	
						0,692	4,3	
						0,767	3,2	
						0,826	2,4	
						0,908	5,7	
Таллий-201 ( <sup>201</sup> Tl)	72,912 (17) соат	α	0,016-0,017	17,7	X	0,010	46,0	
			0,027-0,029	4,1		0,069-0,071	73,7	
			0,052	7,2		0,080	20,4	
			0,084	15,4	γ	0,135	2,6	
			0,153	2,6		0,167	10,0	
Таллий-202 ( <sup>202</sup> Tl)	12,23 (2) сутка	α	0,054	2,8	X	0,010	31,0	
		α	0,357	2,4		0,069-0,071	61,6	
					γ	0,080	17,1	
Қўргошин-203 ( <sup>203</sup> Pb)	51,873 (9) соат	α	0,055	3,0	X	0,010	37,0	
		α	0,194	13,3		0,071-0,073	69,6	
					γ	0,083	19,4	
						0,279	80,8	
0,401								3,4
(I) β-спектрининг ўртача энергияси, (II) 100 та емирилиш даври учун манбанинг тўлиқ йўқ бўлишига мос келадиган эмиссиянинг максимал эҳтимоли, (МэВ)- Мега электрон-вольт								



## 5.9. ПОЛИМОРФИЗМ

5.9. Полиморфизм .....	1725
------------------------	------



## 5.9. ПОЛИМОРФИЗМ

Полиморфизм (ёки кристалл полиморфизм) тушунчаси – бу модданинг қаттиқ ҳолати билан боғлиқ бўлган феномен бўлиб, у бир хил кимёвий таркибдаги модданинг турли кристалл шаклларда бўла олиш хусусиятини ўзида акс эттиради. Кристалл шаклда бўлмаган қаттиқ моддалар аморф моддалар дейилади.

Агарда бу феномен кимёвий элементларда кузатилса (масалан, олтингугурт), «полиморфизм» атамаси ўрнига «аллотропия» атамаси қўлланилади.

Кристалл панжарасида стехиометрик нисбатда эритувчи сақлаган сольватларни (жумладан, гидратлар) тавсифлашда «ёлғон полиморфизм» атамаси қўлланилади, шунингдек, ушбу атама кристалл панжарасида турли нисбатда эритувчи сақлаган моддаларни тавсифлашда ҳам қўлланилади. Бироқ «ёлғон полиморфизм» атамаси турли ҳолатдаги моддаларни тавсифлашда қўлланилиши сабабли, у қўп маъноли атама ҳисобланади. Шунинг сабабли, фақатгина «сольватлар» ва «гидратлар» атамасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Агарда фармакопея мақоласида модданинг полиморфизм хусусияти борлигига кўрсатмалар бўлса, бу моддада чин кристалл полиморфизм, сольватлар ҳосил қилиш, аллотропия ёки аморф шакллари эҳтимоли борлигини аниқлади.

Кимёвий таркибнинг бир хиллиги шунин билдирадики, аморф ва кристалл ҳолатдаги модда эриган ҳолатда ёки эритма ҳолатда бир хил кимёвий хусусиятга эга бўлади. Шу билан бирга, қаттиқ ҳолатда уларни физик-кимёвий ва физик хусусиятлари (эрувчанлик, мустаҳкамлик, зичланувчанлик, зичлик, эриш температураси ва ҳ.к) ҳамда мос ҳолатда уларнинг фаоллиги ва биосамардорлиги фарқ қилиши мумкин.

Агар модда полиморфизм хусусиятини намоён этса, унинг энг термодинамик жиҳатдан барқарор ҳолати, белгиланган температура ва босимда энг паст эркин энтальпияга эга бўлган ҳолати бўлади. Бу ҳолатда бошқа полиморф шакллар метастабил ҳолатда бўлади деб, ҳисобланади. Нормал температура ва босимда метастабил шакл ўзгаришсиз қолиши мумкин ёки термодинамик барқарор ҳолатга ўтиши мумкин.

Агар модданинг бир неча кристалл шакллари мавжуд бўлса, улардан бири ушбу температура ва босимда термодинамик турғунроқ бўлади. Аниқ кристалл ҳолат бошқа суюқ, газ ва қаттиқ фазалар билан мувозанатга келувчи фазадан ташкил топган бўлиши мумкин.

Агар ҳар бир кристалл шакли аниқ температура чегарасида турғун бўлса, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши ва аввалги ҳолатига қайтиши энантиотроп деб номланади. Бир фазадан бошқа фазга ўтиш мувозанатига эришилганлигини ва шунинг учун доимий аниқ босимда бу ҳолат ўтиш температураси билан характерланади. Фақат бир полиморф ҳолатлар температуранинг барча диапазонларида турғун бўлса, ҳолатлардаги ўзгаришлар қайтмас ва монокотроп бўлади.

Кристаллизация шароитлари турли хил бўлганида (температура, босим, эритувчи, концентрация, кристалланиш тезлиги, кристалланиш жараёни, ёғ моддаларнинг мавжудлиги ва концентрацияси ва ҳ.к) турли хил кристалл шакллар ва сольватлар ҳосил бўлади.

Полиморфизмни ўрганиш учун турли хил усуллар қўлланилиши мумкин:

- Кукунларда рентген нурунинг дифракцияси усули (2.9.33),
- Алоҳида кристалларда рентген нурунинг дифракцияси услуби,
- Термик таҳлил (2.2.34) (дифференциал сканерловчи колориметрия, термогравиметрия, термик микроскопия),
- Микрокалориметрия,
- Абсорбцион намликни аниқлаш,
- Оптик ва электрон микроскопия,
- Қаттиқ моддалар ядро-магнит резонанси,
- Инфракизил соҳада абсорбцион спектрофотометрия (2.2.24),
- Раман спектроскопияси (2.2.48),
- Эрувчанликни ва эриш тезлигини аниқлаш,
- Зичликни ўлчаш.

Бу усуллар кўпинча бир бирини тўлдирди ва бир неча усулни бир вақтда қўллаш керак бўлади.

Тажриба орқали олинган маълумотлар асосида олинган босим/температура ва энергия/температура-ларнинг фазали диаграммалари маълум модификациядаги полиморф модданинг термодинамик турғунлиги ва термодинамик муносабатини (энантиотропизм, монокотропизм) тўлиқ тушунтириш учун муҳим ахборотлаштирилган асбоблар ҳисобланади.

Сольватларни ўрганиш учун дифференциал калориметрик сканерлаш ва эрувчанликни, эриш тезлигини аниқлаш ҳамда рентген нурлари дифракцияси усуллари билан комбинацияланган термогравиметрия усуллари тавсия этилади.

Гидратларда нисбатан турғун ҳудудларни кўрсатиш мақсадида сорбция/дисорбция изотермияси аниқланади.

Одатда гидратлар сувсиз ҳолатдаги шаклига нисбатан сувда камроқ эрувчан бўлади, сольватлар ҳам эритувчида сольват бўлмаган шаклига нисбатан камроқ эрийди.



## **5.10. ФАРМАЦЕВТИКАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СУБСТАНЦИЯЛАРДАГИ АРАЛАШМАЛАРНИНГ НАЗОРАТИ**

5.10. Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялардаги аралашмаларнинг назорати .....1729





## 5.10. ФАРМАЦЕВТИКАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СУБСТАНЦИЯЛАР-ДАГИ АРАЛАШМАЛАРНИНГ НАЗОРАТИ

### АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган қўйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Аниқланмаган аралашма** – тузилиши аниқланмаган ва фақат сифатли тахлилий ўлчамлар билан аниқланадиган аралашма (масалан, нисбий ушланиш вақти).

**Аралашма** – фармацевтика мақсадларида қўлланиладиган модданинг ҳар қандай компонентларидан иборат бўлиб, кимёвий жиҳатдан ушбу модда молекуласи ҳисобланмайдиган.

**Бошқа аниқланадиган аралашмалар** – маълум тузилишли аралашмалар хусусий фармакопея мақола-сида келтирилган услублар ёрдамида аниқланиши мумкин. Лекин, қоида бўйича, Конвенцияда иштирок этувчи давлатларнинг ваколатли органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган дори воситалари, таркибда аниқлаш чегараси юқори бўлган миқдорда аралашма сақламайдиган моддалар бўлиши керак. Улар назорат қилинмайдиган аралашма ҳисобланади ва уларнинг миқдори қабул қилинган умумий мезонлардан фойдаланган ҳолда меъёрлаштирилади.

**Идентификацияланувчи аралашма** – тузилиши аниқ бўлган аралашма.

**Идентификациялаш чегараси** – аралашмаларнинг миқдорий чегараси ошган вақтда аралашма аниқланиши шарт.

**Инобатга олинмайдиган чегара** – хроматографик услубларда номинал миқдори кам бўлган аралашмалар миқдори ҳисобланганда уларнинг чўққи сигналлари инобатга олинмайдиган. Аралашмалар қиймат чегараси ва чўққини қайд этиш чегарасини ҳисобга олмаслик, одатда, мос келади.

**Квалификация** – айрим аралашма ёки маълум аралашмалар турини биологик безарарлигини аниқлаш мақсадида маълумотларни олиш ва баҳолаш жараёни.

**Квалификация чегараси** – таркибдаги миқдори даражасига қараб аралашма аниқланади.

**Номинал концентрация** – белгиланган тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, стандарт намунанинг концентрацияси асосида ҳисобланган концентрация.

**Потенциал аралашмалар** – ишлаб чиқариш ёки сақлаш жараёнида назарий жиҳатдан ҳосил бўлиши мумкин бўлган аралашма. У моддада бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Маълумки, потенциал аралашма фармакопея мақола-сида келтирилган услуб бўйича аниқланиши мумкин. Лекин, қоида бўйича, Конвенцияда иштирок этувчи давлатларнинг ваколатли органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган дори воситалари таркибдаги моддаларда учрамайдиган, улар “Аралашмалар” бўлимига “Бошқа аниқланадиган аралашмалар” сарлавҳаси остида киритилади.

**Қайд этиш чегараси** – аралашма қайд этилиши керак бўлган таркибдаги миқдор даражаси. Синоними: қайд этиш даражаси (reporting level).

**Специфик аралашма** – фармакопея мақола-сида алоҳида таркиб меъёрлари билан кўрсатилган аралашма. Назорат остидаги аралашма идентификацияланувчи ёки идентификация қилинмайдиган бўлиши мумкин.

**Специфик бўлмайдиган аралашма** – таркиби умумий мезонлар билан меъёрлаштирилган ва мақолада алоҳида таркиб меъёрлари кўрсатилмаган аралашма.

**Турдош аралашмалар (моддалар)** – дори препаратининг хавфсизлиги ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган, маълум фаолликка эга бўлган, ишлаб чиқариш ва (ёки) сақлаш жараёнида ҳосил бўладиган исталган маҳсулотнинг молекуляр моддалари. Бундай моддалар исталган маҳсулот билан таққосланадиган хоссаларга эга бўлмайди ва аралашмалар деб ҳисобланмайдиган. Бундай моддалар аралашма сифатида қаралмайди, исталган маҳсулот билан таққосланадиган хоссаларга эга.

### КИРИШ

Давлат фармакопеясининг хусусий фармакопея мақола-лари истеъмолчилар учун фармацевтикада қўлланиладиган субстанцияларнинг тегишли сифатини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Фармакопеянинг аҳоли соғлигини сақлашдаги роли фармакопея мақола-лари орқали аралашмаларни етарлича назорат қилишдан иборат. Мақола-ларда белгиланган сифат даражаси илмий таракқиёт, техник хавфсизлик ва тартибга солувчи жиҳатларга асосланган.

Аралашмаларга қўйиладиган талаблар хусусий фармакопея мақола-ларида ва Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034) мақола-ларида келтирилган. Хусусий мақола-лар ва умумий мақола бир-бирини тўлдиради: хусусий мақолада аралашма таркибининг мақбуллик мезонлари кўрсатилади, умумий мақолада эса таъсир этувчи моддаларда топилиши мумкин бўлган барча органик аралашмаларни назорат қилиш, аниқлаш ва фармацевтик ишлаб чиқариш бўйича ҳисоботларда кўрсатилиши мумкин.

Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034) умумий фармакопея мақола-сида кўрсатилган аралашмаларни назорат қилиш, идентификациялаш ва квалификациялаш чекловлари барча турдош аралашма-ларга ҳам тегишлидир. Аммо, агар фармакопея мақола-сида турдош аралашмаларни миқдорий аниқлаш учун синов келтирилмаган бўлса, белгиланган чегаралардан юқори бўлган ҳар қандай янги аралашма аниқланмаслиги мумкин, чунки синов уларни аниқлашга имкон бермайди.

Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034) умумий фармакопея мақола-сининг “Турдош аралашмалар” бўлими талаблари, хусусан, чекланган миқдори бўйича, ёрдамчи моддаларга тегишли эмас; шунингдек, бўлим талаблари биологик ва биотехнологик маҳсулотлар, пептидлар; олигонуклеотидлар, радиофармацевтик дори воситалари; ферментация маҳсулотлари ва улардан олинган яримсинтетик маҳсулотлар; ўсимлик асосида тайёрланган дори воситалари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган тозаланмаган хом ашёларга тааллуқли эмас.

Умумий мақолада ўрнатилган аралашмаларни миқдорий чегаравий меъёрларни татбиқ қилиб бўлмаслигига қарамай, шу маҳсулотлар учун аралашмалар таснифи,

чинлиги (идентификация) ва квалификация бўйича умумий концепцияни қабул қилса бўлади.

**Давлат фармакопеясининг хусусий фармакопея мақолаларига аниқликлар киритиш учун асослар.**

Давлат фармакопеясининг хусусий фармакопея мақолалари Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан рўйхатдан ўтган дори воситаларининг бир қисми бўлган моддалар учун ишлаб чиқилган, шундай қилиб, ушбу фармакопея мақолалари жаҳон бозорида мавжуд бўлган, фармацевтикада қўлланиладиган моддаларни олишнинг барча усулларини қамраб олмайди.

Фармакопея мақоласида тавсифланадиган ва ваколатли органлар томонидан баҳоланадиган, моддалардаги органик ва ноорганик аралашмаларнинг таркибига қўйиладиган талаблар рухсат этилган максимал миқдорнинг (максимал суткалик доза) хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва унчалик жиддий бўлмаган меъёрларни ўрнатишга имкон берадиган хавфсизлик бўйича янги маълумотлар мавжуд бўлганда қайта кўриб чиқилади.

Давлат фармакопеясининг фармацевтикада қўлланиладиган моддаларга тегишли бўлган субстанция учун фармакопея мақолалари ваколатли органлар томонидан ишлаб чиқилади, шунингдек, ушбу субстанциялардан фармацевтика ишлаб чиқарувчилар ва/ёки дори моддаларини ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватлайди.

**Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялардаги аралашмаларнинг назорати**

Фармацевтикада қўлланиладиган аралашмаларнинг сифати фармакопея мақоласида келтирилган синовлар тўплами билан белгиланади. Ушбу синовлар рўйхатдан ўтган дори воситалари таркибидagi фармацевтик субстанцияларда, келиб чиқиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда, учрайдиган органик ва ноорганик аралашмаларни аниқлаш учун ишлаб чиқилади.

Қолдиқ органик эритувчиларнинг таҳлили *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* фармакопея мақоласининг 5.4. Қолдиқ органик эритувчилар бўлимида келтирилади. Модда келиб чиқишининг маълум бир манбаи учун Давлат фармакопеясининг фармакопея мақоласи яроқлилик сертификати, таркибида қолдиқ органик эритувчилар ва уларнинг чегаралари, шунингдек, агар улар умумий 2.4.24. Қолдиқ эритувчиларни аниқлаш ва уларнинг миқдорий таҳлили бўлимида кўрсатилган усуллардан фарақ қилса, тасдиқланган таҳлил усулларини ўз ичига олади.

Органик моддаларнинг фармакопея мақоласида, тегишли органик аралашмаларни тавсифловчи “Турдош аралашмалар” бўлими мавжуд. Агар умумий синовлар маълум бир аралашмани таҳлил қилишни таъминламаса ёки алоҳида назорат қилиш учун маълум бир сабаблар бўлса (масалан, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш учун), бу таҳлил алоҳида назорат синовлари билан тўлдирилиши мумкин.

Агар фармакопея мақоласида “Турдош аралашмалар” учун синовлар (ёки эквивалент синовлар) мавжуд бўлмаса ва фақат махсус синовларда келтирилган бўлса, ташкилот модданинг органик аралашмаларнинг етарли даражада назорат қилинишини таъминлаши керак. Агар органик аралашмалар идентификациялаш чегарасидан юқори бўлса, (агар иложи бўлса) идентификация қилиниши шарт ва агар бошқача асосланмаган бўлса,

моддалардаги аралашмалар квалификацияланиши керак (“*Фаол моддалар бўйича махсус мақолалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар*”га ҳам қаралсин).

Агар фармакопея мақоласида турли хил аралашмали моддаларга қўйилган талаблар мавжуд бўлса, унда “Аралашмалар” бўлимида кўрсатилган барча аралашмалар синовини таъминлайдиган турдош аралашмалар учун битта синов бўлиши мумкин ёки барча маълум бўлган аралашмалар учун бир қанча синовлар ўтказиш керак. Ўрнатилган талабларга мувофиқлигини фақат маълум бир келиб чиқиш манбасига эга бўлган моддалардаги аралашмага тегишли синовларни ўтказиш орқали аниқлаш мумкин.

Аралашмаларни назорат қилиш бўйича кўрсатмалар фармакопея мақоласининг “Ишлаб чиқариш” бўлимига киритилиши мумкин, масалан, аниқ аралашмани назорат қилишга мос битта таҳлилий услуб ишлаб чиқарувчи томонидан бажарилиши керак. Чунки бу услуб умумий қўллаш учун техник жиҳатдан жуда мураккаб бўлиши ёки тайёр дори моддасида ишламаслиги мумкин. Қачонки, ишлаб чиқариш жараёнини валидациялаш (тозалаш жараёни босқичида) аралашмалар назоратини тўлиқ таъминлаган ҳолда қўлланилиши керак.

**Фаол моддалар бўйича фармакопея мақоласидаги “Аралашмалар” бўлими.**

Фармакопея мақоласининг “Аралашмалар” бўлимида аралашмалар (кимёвий тузилиши ва номи кўрсатилган ҳолда) киритилган бўлиб, одатда, мақолада келтирилган, синов усули ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган органик аралашмалар қиради. Ушбу бўлим хусусий фармакопея мақоласини ишлаб чиқиш ёки қайта кўриб чиқиш вақтида мавжуд бўлган маълумотларга асосланади ва ҳар томонлама қамраб олиш мажбурий ҳисобланмайди. Ушбу бўлимга таҳлил қилиниши керак бўлган (спецификацияга киритилган) аралашмалар ва агар кўрсатилган бўлса, яна бошқа аниқланадиган аралашмалар киритилади.

*Специфик аралашмаларнинг* рухсат этилган мезонлари ваколатли орган томонидан тасдиқланган меъёрлардан ошмаслиги керак.

Бошқа аниқланадиган аралашмалар – бу маълум бир тузилишга эга, аммо дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддаларда идентификация қилиш чегарасидан юқори бўлган тасдиқланмаган умумий таркибга эга потенциал аралашмалар. “Аралашмалар” бўлимида улар маълумот учун тақдим этилади.

Агар таъсир этувчи моддада мақоладагидан фарқ қиладиган бошқа ҳар қандай аралашма топилса, модда истеъмолчиси ушбу аралашма таркиби, табиати, максимал суткалик дозаси ва *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий фармакопея мақоласининг “Турдош аралашмалар (моддалар)” бўлимига мувофиқ, назорат қилиш чегарасидан қатъий назар, аралашма идентификацияланиши керак.

**Фармакопея мақолаларида фаол субстанциялар учун турдош аралашмалар (моддалар) бўйича синовларни талқин қилиш**

Фармацевтикада қўлланиладиган модда бўйича хусусий фармакопея мақоласи *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий мақоласига асосланган ҳолда ўқилиши ва изоҳланиши керак.

Агар аралашмаларни қабул қилишнинг умумий мезони (“бошқа ҳар қандай аралашма”, “бошқа аралашмалар”, “ҳар қандай аралашма”) номинал қийматга тенг

бўлиб, белгиланган изоҳлаш чегарасидан юқори бўлса, *(Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий мақоласига қаралсин) бу мезон фақатгина “Аралашмалар” бўлимида кўрсатилган назоратдаги аралашмаларга тегишли. Моддаларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган аралашмаларни изоҳлаш (агар мумкин бўлса), рўйхатдан ўтказиш, спецификацияга киритиш ва бошқа аралашмаларни назорат қилиш зарурияти, умумий фармакопея мақоласининг талабларига мувофиқ белгиланиши керак. “Аралашмалар” бўлимида келтирилмаган аралашмалар ва шу бўлимда “бошқа аниқланадиган аралашмалар” сифатида тавсифланган аралашмаларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш ушбу модданинг истеъмолчисига юклатилади.

Турдош аралашмалар (моддалар) нинг таркибий меъёри мавжуд бўлган фармакопея мақолаларида турли шаклда келтирилган; умумий қабул қилиш мезонларини изоҳлашга ёрдам сифатида ва уларнинг фармакопея мақоласида “Аралашмалар” бўлими билан ўзаро алоқада ечимлар манбаи қўлланилиши мумкин (5.10.-1 расм).

“Бошқа” аралашмаларни қабул қилиш мезонлари фармакопея мақолаларида турли йўлларда ифодаланади: “бошқа ҳар қандай аралашма”, “бошқа аралашмалар”, “ҳар қандай аралашмалар”, “ҳар қандай доғ”, “ҳар қандай чизик” ва бошқалар. Қабул қилишнинг умумий мезонлари фақат фаол модданинг келиб чиқиши ва қўлланиладиган изоҳлаш чегарасидан келиб чиқиб, маълум бир назорат қилинадиган ёки назорат қилинмайдиган аралашмаларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Аниқ терминологияни ишлатиш бўйича нашр қилинган фармакопея мақолаларининг тахририй мослашуви тўлиқ тугалланмаганли сабабли, қабул қилиш мезонларини аниқлаш учун ечимлар манбаи ишлатилиши мумкин (5.10.-1- расм).

#### **Фаол субстанциялар бўйича фармакопея мақолаларидан фойдаланувчиларга тавсиялари**

Ишлаб чиқишда ва ёки мақолаларни қайта кўришда инобатга олинган фармакопея мақолаларида турли аралашмаларга эга моддаларнинг мақбул сифати учун спецификациялар мавжуд. Модда истеъмолчиси мажбуриятларига фармакопея мақоласида маълум бир манбадан фармацевтикада қўлланиладиган моддалардаги аралашмаларни назорат қилиш усуллари борлигини текшириш, хусусан, сертификациялаш йўли орқали фармакопея мақолаларининг Давлат фармакопеясига мос келишини текширилади.

Турдош аралашмалар (моддалар)ни аниқлаш учун миқдорий таҳлилий услубга эга бўлган фармакопея мақоласи (масалан, суякли хроматографияси, газ хроматографияси ва капилляр электрофорез ёрдамида), агар аралашма миқдори изоҳлаш чегарасидан юқори бўлса, “Аралашмалар” бўлимида келтирилган, маълум бир манбадан олинган моддадаги аралашмаларни етарли даражада назорат қилишни таъминлайди.

Агар моддалар “Аралашмалар” бўлимида кўрсатилмаган аралашмаларни сақласа, ушбу аралашмалар мақолада келтирилган услублар ёрдамида аниқланганлигини тасдиқлаш лозим. Акс ҳолда янги услуб ишлаб чиқиши ва фармакопея мақоласини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида сўров берилиши керак. Аралашмаларнинг белгиланган таркиби ва чекланган меъёрига қараб, ушбу аралашмаларни аниқлаш/ёки квалификациялаш зарурати кўриб чиқиши лозим.

Агар турдош моддаларни баҳолашнинг битта услубидан турли хил аралашмаларни баҳолашда фойдаланиш

мумкин бўлса, таҳлил сертификатида моддадаги аниқ аралашмани кўрсатиш керак, рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома эгаси турли хил аралашмалардан иборат фаол моддаларни ишлатган ҳолатлар бундан мустасно.

#### **Аралашмаларни идентификациялаш (чўққиларни корреляциялаш)**

Агар фармакопея мақоласида аралашмалар миқдори бўйича алоҳида меъёрлар кўрсатилган бўлса, қўпинча уларнинг идентификацияси учун ёндашувларни аниқлаш керак, масалан, стандарт намунадан фойдаланган ҳолда репрезентатив хроматограммдан ёки нисбий ушланиш вақтидан фойдаланиш мумкин. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда моддалардан фойдаланадиган ташкилотлар фармакопея мақоласида идентификация усуллари мавжуд бўлмаган аралашмаларни аниқлаш зарурилиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, масалан, аниқ аралашмалар учун спецификациянинг тўғри келишини “Аралашмалар” бўлими билан таққосланган ҳолда. Давлат фармакопеяси агар фармакопея мақоласида кўрсатилмаган бўлса стандарт намуналар, репрезентатив хроматограммалар ёки ушбу мақсадлар учун нисбатан ушланиш вақтлари тўғрисида маълумот бермайди. Бундай ҳолларда фойдаланувчилар идентификациялаш учун мавжуд илмий услублардан фойдаланишлари керак.

#### **Янги аралашмалар/Назорат чегарасидан юқори назорат қилинувчи аралашмалар**

Агар янги ишлаб чиқариш жараёни ёки илгари ишлатилган жараённинг ўзгариши моддаларда янги аралашма пайдо бўлишига олиб келадиган бўлса, аралашмаларни идентификациялаш ва квалификациялаш бўйича *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* талабларини қўллаш ва хусусий фармакопея мақоласининг ушбу аралашмани назорат қилиш учун яроқлилигини текшириш лозим. Мувофиқлик сертификати янги аралашмаларнинг етарли даражада назорат қилиниши, маълум бир манбадан олинган моддаларни тасдиқлаш воситаси ҳисобланади ёки сертификатда муайян таркибий меъёрни назорат қилиш услуби берилади. Охириги ҳолатда хусусий фармакопея мақоласини қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Агар янги ишлаб чиқариш жараёни ёки илгари ишлатилган жараённинг ўзгариши белгиланган чегарадан юқори специфик аралашмаларнинг кўпайишига олиб келса, аралашмаларга нисбатан *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий фармакопея мақоласидаги квалификацияси бўйича талабларни қўллаш керак.


#### **Қабул қилиш меъёрларини ифодалаш усуллари**

Хусусий мақолаларда ёт аралашмалар таркибидаги моддаларни қабул қилиш мезонлари чўққи майдонларини таққослаш (таққослаш синови) ёки сон қийматлари шаклларида ифодаланади.

#### **Хроматография усуллари**

Умумий бўлим 2.2.46. *Ажратишнинг хроматографик услублари* аралашмалар назоратининг турли жиҳатларини тавсифлайди.

Хроматографик колонкалар ва бошқа реактив ва ускуналарни тижорат номлари тўғрисидаги маълумотлар, агар яроқлилиги фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш жараёнида ўрнатилиб, фойдали деб ҳисобланса, EDQM веб-сайти ([www.pheur.org](http://www.pheur.org))да келтирилади.



\*ушбу бўлимнинг талаблари фақат таъсир этувчи моддалар учун; биологик ва биотехнологик маҳсулотлар, олигонуклеотидлар, радиофармацевтик препаратлар бундан мустасно; ферментация маҳсулотлари ва улардан олинган ярим синтетик маҳсулотлар, ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинган хом ашёлар, ўсимликлардан олинган дори воситаларидан ташқари барча таъсир этувчи моддалар учун қўлланилади;

**\*\*Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)** фармакопея мақоласининг “Турдош аралашмалар” бўлими қоидалари қўлланилади;

Моддада идентификациялаш чегарасида ортиқ сақланувчи ҳар қандай аралашма учун айрим миқдорий таркиб аниқланиши керак;

- аниқлаш чегараси юқори бўлган ҳар қандай аралашма идентификация қилиниши шарт;
- аниқлаш чегараси юқори бўлган ҳар қандай аралашма баҳоланиши керак.

5.10.-1.-расм – *Фармакопея мақолаларида “бошқа” аралашмаларни қабул қилишнинг умумий мезонларини талқин қилиш учун қарор қабул қилиш чизмаси.*

#### **Аралашмаларни идентификациялаш (чўққиларни корреляциялаш)**

Агар фармакопея мақоласида аралашмалар миқдори бўйича алоҳида меъёрлар кўрсатилган бўлса, кўпинча уларнинг идентификацияси учун ёндашувларни аниқлаш керак, масалан, стандарт намунадан фойдаланган ҳолда репрезентатив хроматограммадан ёки нисбий ушланиш вақтидан фойдаланиш мумкин. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда моддалардан фойдаланадиган ташкилотлар фармакопея мақоласида идентификация усуллари мавжуд бўлмаган аралашмаларни аниқлаш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, масалан, аниқ аралашмалар учун спецификациянинг тўғри келишини “Аралашмалар” бўлими билан таққосланган ҳолда. Давлат фармакопеяси агар фармакопея мақоласида кўрсатилмаган бўлса стандарт намуналар, репрезентатив хроматограммалар ёки ушбу мақсадлар учун нисбатан ушланиш вақтлари тўғрисида маълумот бермайди. Бундай ҳолларда фойдаланувчилар идентификациялаш учун мавжуд илмий услублардан фойдаланишлари керак.

#### **Янги аралашмалар/Назорат чегарасидан юқори назорат қилинувчи аралашмалар**

Агар янги ишлаб чиқариш жараёни ёки илгари ишлатилган жараённинг ўзгариши моддаларда янги аралашма пайдо бўлишига олиб келадиган бўлса, аралашмаларни идентификациялаш ва квалификациялаш бўйича *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* талабларини қўллаш ва хусусий фармакопея мақоласининг ушбу аралашмани назорат қилиш учун яроқлилигини текшириш лозим. Мувофиқлик сертификати янги аралашмаларнинг етарли даражада назорат қилиниши, маълум бир манбадан олинган моддаларни тасдиқлаш воситаси ҳисобланади ёки сертификатда муайян таркибий меъёрни назорат қилиш услуби берилади. Охириги ҳолатда хусусий фармакопея мақоласини қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Агар янги ишлаб чиқариш жараёни ёки илгари ишлатилган жараённинг ўзгариши белгиланган чегарадан юқори специфик аралашмаларнинг кўпайишига олиб келса, аралашмаларга нисбатан *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий фармакопея мақоласидаги квалификацияси бўйича талабларни қўллаш керак.

#### **Қабул қилиш меъёрларини ифодалаш усуллари**

Хусусий мақолаларда ёт аралашмалар таркибидаги моддаларни қабул қилиш мезонлари чўққи майдонларини таққослаш (таққослаш синови) ёки сон қийматлари шаклларида ифодаланади.

#### **Хроматография усуллари**

Умумий бўлим 2.2.46. *Ажратилишнинг хроматографик услублари* аралашмалар назоратининг турли жиҳатларини тавсифлайди.

Хроматографик колонкалар ва бошқа реактив ва ускуналарни тижорат номлари тўғрисидаги маълумотлар, агар яроқлилиги фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш жараёнида ўрнатилиб, фойдали деб ҳисобланса, EDQM веб-сайти ([www.pheur.org](http://www.pheur.org))да келтирилади.



## **5.11. ФАРМАКОПЕЯ МАҚОЛАЛАРИДА “ТАЪРИФ” БЎЛИМИ**

5.11. Фармакопея мақолаларида “Таъриф” бўлими .....	1737
---	------





## 5.11. ФАРМАКОПЕЯ МАҚОЛАЛАРИДА “ТАЪРИФ” БЎЛИМИ

“Умумий маълумот” бўлимида фармакопея мақола-сининг “Таъриф” бўлимига киритилган маълумотлар тўғридан-тўғри кўрсатма ва талаблар сифатида қарал-маслиги кўрсатиб ўтилади. Ушбу бўлимда фойдала-нувчиларга маълумот учун мақолалар муаллифлари томонидан гигроскопиклик, кристаллик ва эрувчанликка оид асослар учун тавсия этилган усуллар келтирилади.

### ГИГРОСКОПИКЛИК

Ушбу усул куриштиш пайтида ёки сув таркиби бўйича масса йўқотилиши синовни учун мўлжалланган фарма-копея мақолалари талабларига мувофиқ келувчи моддалар учун қўлланилиши лозим. Ушбу усул ҳақиқий аниқ-лашдан кўра, гигроскопиклик даражасини баҳолаш имко-нини беради.

Синовни бажаришда ташки диаметри 50 mm ва баландлиги 15 mm бўлган, шишадан тайёрланган ўлчов идишдан фойдаланилади. Идиш тикин ( $m_1$ ) билан бирга оғирлиги тортилади. Идишга куриштиш ёки сувни аниқ-лашда йўқотилган масса синовидида кўрсатилган микдор-даги модда солинади ва оғирлиги тортилади ( $m_2$ ). Идиш қопқоқсиз 25 °C температурада тўйинган аммоний хлорид ёки аммоний сульфат эритмасини сақлаган эксикаторга жойлаштирилади. Ёки идиш температура ( $25 \pm 1$ ) °C ва нисбий намлик ( $80 \pm 2$ ) % бўлган климатик камерага жойлаштирилиши мумкин. Идиш ушбу шароитда 24 соат сақланади. Кейин идиш тикин билан ёпилади ва оғирлиги тортилади ( $m_3$ ).

Масса ортиши куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\frac{m_3 - m_2}{m_2 - m_1} \times 100$$

Олинган натижалар куйидагича талқин этилади:

- *хиралашиш*: суюқлик ҳосил бўлиши учун етарли микдордаги сув абсорбцияланади,
- *жуда гигроскопик*: масса 15 % ёки ундан ортган,
- *гигроскопик*: масса 2 % ёки ундан кўпроқ ошади, лекин 15 % дан кам,
- *кам гигроскопик*: масса 0,2 % ёки ундан кўп, лекин 2 % дан камга ортган.

Ушбу усул модданинг кристалл ёки аморф ҳолатини аниқлаш учун қўлланилади. Текширилувчи модданинг бир неча қисмлари минерал мой томчиси билан тоза буюм ойнасига жойлаштирилади ва қутбланган микроскоп ёрдамида текширилади. Микроскопнинг буюм столчаси айланганда кристалл зарралар икки ҳисса нур синдиради ва оптик текисликлар йўналишини ўзгартириш хусуси-ятини намоён қилади.

### ЭРУВЧАНЛИК

Ушбу синов учун 111 мг модда (ҳар бир эритувчи учун) ва ҳар бир эритувчидан 30 мл гача талаб қилинади.

#### Эритиш процедураси

Пробирка 1 минут давомида шиддат билан чайқа-тилади ва 15 мин ( $25,0 \pm 0,5$ ) °C температурани сақловчи термостатик қурилмага жойлаштирилади. Агар модда тўлиқ эримаса, пробирка 1 мин давомида қайта чайқа-тилади ва 15 мин давомида термостатик қурилмага жойлаштирилади.

#### Услуб

Қопқоқли (ички диаметри 16 мм, узунлиги 160 мм) пробиркада 100 мг яхши майдаланган модда (90) (2.9.12) тартиб олинади, пробиркага 0,1 мл эритувчи қўшилади ва модда эритиш процедурасига мувофиқ эритилади. Агар модда бутунлай эриган бўлса, у *жуда осон эрувчан* ҳисобланади.

Агар модда тўлиқ эримаса, 0,9 мл эритувчи қўшилади ва модда эритиш тартибига мувофиқ эритилади. Агар модда бутунлай эриган бўлса, у *осон эрувчан* ҳисоб-ланади.

Агар модда тўлиқ эримаса, 2,0 мл эритувчи қўшилади ва модда эритиш тартибига мувофиқ эритилади. Агар модда бутунлай эриган бўлса, у *эрувчан* ҳисобланади.

Агар модда тўлиқ эримаса, 7,0 мл эритувчи қўшилади ва модда эритиш тартибига мувофиқ эритилади. Агар модда бутунлай эриган бўлса, у *ўртача эрувчан* ҳисоб-ланади.

Агар модда тўлиқ эримаса, тикинли пробиркага 10 мг яхши майдаланган кукун (90) (2.9.12) тартиб олинади ва 10,0 мл эритувчи қўшилади ва модда эритиш тартибига мувофиқ эритилади. Агар модда бутунлай эриган бўлса, у *кам эрувчан* ҳисобланади.

Агар модда тўлиқ эримаса, тикинли пробиркага 1 мг яхши майдаланган кукун (90) (2.9.12) тартиб олинади ва 10,0 мл эритувчи қўшилади ва модда эритиш тартибига мувофиқ эритилади. Агар модда бутунлай эриган бўлса, у *жуда кам эрувчан* ҳисобланади.



## 5.12. СТАНДАРТ НАМУНАЛАР

5.12. Стандарт намуналар .....	1741	қилиш .....	1744
1. Кириш .....	1741	6. Европа фармакопеяси стандартларини қайта синов	
2. Атамалар.....	1741	дастури .....	1745
3. Стандарт намуналардан фойдаланиш .....	1741		
4. Стандарт намуналарни яратиш.....	1742		
5. Европа фармакопеяси стандарт намуналарини ишлаб			
чиқариш, ёрлиқлаш, сақлаш ва дистрибьюция			



## 5.12. СТАНДАРТ НАМУНАЛАР

*Мазкур бўлим маълумот учун келтирилмоқда*

### 1. КИРИШ

Мазкур бўлимда қўлланиладиган “Стандарт намуналар” атамаси стандарт моддалар, стандарт препаратлар ва стандарт спектрларни ўз ичига олган умумий атама ҳисобланади.

Стандарт намуналар кўпинча дори воситалари ва уларнинг компонентлари сифатини тегишли даражада назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Стандарт намуналар ушбу мақсадлар учун ишлаб чиқилган процедуралар ёрдамида ўрнатилади ва вақт давомида уларнинг яроқлилиги олдиндан белгиланган дастурга мувофиқ назорат қилинади. Стандарт намунадан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиш фармакопея мақоласининг ёки ишлаб чиқарувчи спецификациясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Фармакопея мақола-сида ёки умумий бўлимларда Европа фармакопеясининг стандарт намунасига ҳавола, шубҳали ёки мунозарали ҳолатларда мурожаат қилинадиган, ягона намуналигини англатади.

### 2. АТАМАЛАР

*Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.*

**Сериянинг валидлиги ҳақида эълон қилиш (Batch Validity Statement – BVS).** Эълон қилинган жараён, усул ёки тизимни аввалдан ўрнатилган мақбуллик мезон-ларига жавоб берувчи натижаларга изчиллик билан олиб келувчи юқори даражада ишончлилиқ берувчи процедура.

**Бирламчи (Асосий) стандарт (Primary standard).** Юқори метрологик сифатларга эга деб белгиланган ёки кенг миқёсда тан олинган стандарт бўлиб, уларнинг хусусиятлари шу контекстда бир хил хусусият ёки миқдорга эга бошқа стандартларга ҳавола қилинмасдан қабул қилинади. Ушбу таъриф халқаро стандартларга тааллуқли эмас.

**Халқаро стандарт (International standard).** Биоло-гик ёки иммунологик таҳлил жараёнлари натижаларини бутун дунёда тенг равишда ифодаланишига имкон берадиган асосий стандарт ҳисобланади. Қиймат халқаро бирликларда (IU) ёки бошқа тегишли бирликларда белгиланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) халқаро лаборатория тадқиқотлари асосида биринчи халқаро стандартга ўлчов бирлигини белгилайди. Уларни аввалги стандартлар билан таққосланганда, зарур ҳол-ларда халқаро стандартларни алмаштириш учун халқаро бирликларда амаллар бажарилади.

**Иккиламчи стандарт (Secondary standard).** Хусусиятлари, худди шундай хусусият ва миқдорга эга асосий стандарт билан таққослаш йўли оркали белгиланган стандарт.

**Европа фармакопеясининг стандарт намунаси (European Pharmacopoeia reference standard).** Европа Фармакопея Комиссияси томонидан қўллаб-қувватланган ва қабул қилинган стандарт намуна.

**Европа Фармакопеясининг фармакопея стандарт намунаси [European Pharmacopoeia chemical reference substance (CRS)].** Фармакопеянинг хусусий мақола-сида ёки умумий бўлимларида фойдаланиш учун мўлжаллан-ган модда ёки моддалар аралашмаси. Фармакопея стандарт намуналари бирламчи (асосий) стандартлар намуналардир. Халқаро бирликларда кўрсатилган фарма-копея стандарт намуналари (айниқса, антибиотиклар) бундан мустасно. Бундай намуналар Халқаро стандартлар билан таққосланганда иккиламчи стандарт намуна ҳисобланади.

**Европа фармакопеясининг ўсимлик стандарт намунаси [European Pharmacopoeia herbal reference standard (HRS)].** Доривор ўсимлик хом ашёси (одатда экстракт) асосида тайёрланган ёки доривор ўсимлик хом ашёсига тегишли Фармакопея мақола-сида ёки Европа Фармакопеясининг умумий бўлимида кўрсатилганидек фойдаланиш учун мўлжалланган дори воситаларидир. Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, ўсимлик стандарт намуналари (HRS) улардан фойдаланиш учун бирламчи (асосий) стандарт намуна каби аниқланади.

**Европа Фармакопеясининг биологик стандарт препарати [European Pharmacopoeia biological reference preparation (BRP)].** Фармакопея мақола-си ёки Давлат фармакопеясининг умумий бўлимларига муво-фиқ, фойдаланиш учун мўлжалланган моддалар ёки моддалар аралашмаси. Биологик стандарт препаратлар Халқаро Бирликларда калибрланган иккинчи даражали стандарт намуналар ёки Европа Фармакопеяси Бирлик-ларида (Ph. Eur. U.) белгиланиши мумкин бўлган бир-ламчи (асосий) стандарт намуналар ҳисобланади. Бу ерда бошқа белгиланган ўлчов бирликларидан ҳам фойдала-ниш мумкин, масалан, вирус титри ёки бактериялар сони.

**Стандарт материал [Reference material (RM)].** Ўлчаш процедуралари ва бундан ташқари, қурилма ёки материалларни баҳолаш учун фойдаланиладиган бир ёки бир нечта хоссалари етарлича бир хил бўлган материал ёки модда.

**Сертификатланган стандарт материал [Certified reference material (CRM)].** Бир ёки бир нечта хоссалари ушбу хусусият ифодаланган бирликнинг аниқ қиймати-га нисбатан уларнинг кузатилишини белгиладиган процедура билан сертификатланган ва ноаниқлик билан бирга белгиланган ишончлилиқ даражаси билан сертификатда кўрсатилган ҳар бир қиймат учун белгиланган сифат сертификати билан бирга бўлган стандарт материал.

### 3. СТАНДАРТ НАМУНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Стандарт намуналари фармакопея мақола-си ёки умумий бўлимда келтирилган идентификациялаш, тозалик синови ва миқдорий аниқлаш синовларини ўтказишда қўлланилади. Фармакопеянинг ушбу стандарт намуналари уларнинг белгиланган фойдаланиш мақса-дига мос келиши керак, улар бошқа мақсадлар учун мос

келмайди. Агар стандарт намуна белгиланганидан бошқа ҳар қандай мақсадлар учун ишлатилса, унинг янги фойдаланиш учун яроқлилиги тўлиқ намоёиш этилиши ва мавжуд бўлганда, сотиш учун рухсатномада акс эттирилиши керак. Стандарт намунага тайинланган ҳар қандай қиймат белгиланган мақсадга мувофиқдир ва бошқа мақсадларда қўлланилиши тавсия этилмайди.

Фармацевтик мақсадларда фойдаланиладиган моддани микдорий аниқлаш тахлилини ўтказишда унинг белгиланган микдори/фаоллигига эга стандарт намунаси *Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий мақолада келтирилган ва ушбу модданинг фармацевтик дори препаратлари микдори/фаоллигини аниқлаш учун қуйидаги барча шартлар бажарилганда мос келиши мумкин:

- микдорий аниқлаш учун фаол моддага тегишли фармакопея мақоласида тавсифланган хроматографик таҳлил усули қўлланилади;

- муайян дори воситасига усулнинг қўлланилиши (ўзаро таъсирлашув ва бошқа ҳалақит қилувчи таъсирларнинг мавжудлиги) фойдаланувчи томонидан текширилади;

- синов намунасини олдиндан тайёрлашнинг барча босқичлари (масалан, экстракция, филтрлаш) муайян дори учун синовдан ўтказилади.

Европа Фармакопеясининг кўрсатмасига кўра, шошилинч фойдаланиш учун контейнер очилгандан сўнг етарли микдордаги стандарт намуналарни (яъни, фармакопея мақоласида ёки умумий бўлимда кўрсатилган синовларни ўтказиш учун зарур бўлган микдорда) тақдим этиш учун қабул қилади. Бошқа шароитларда фойдаланиш таҳлилчининг зиммасидадир. Агар стандарт намуна очилмаган контейнерда тавсия этилган шароитларда сақланса, ушбу стандарт намуналар серияси тақсимлангунча фойдаланиш мумкин бўлади. Стандарт намунадаги жорий сериялар ҳақида маълумот Европа фармакопеясининг стандарт намуналари маълумотлар базасида тақдим этилади (<http://go.edqm.eu/RS>). Стандарт намуналарнинг янгиланган ва суюлтирилган эритмалари фойдаланувчи томонидан тасдиқланмагунча сақлаш тавсия этилмайди.

#### **Иккиламчи стандартлар (Secondary standards).**

Иккиламчи стандарт одатда бирламчи (асосий) стандартдан фойдаланишни камайтириш учун ўрнатилади ва мунтазам равишда сифат назорати мақсадлари учун ишлатилиши мумкин. Иккиламчи стандарт у билан боғлиқ бўлган асосий стандарт сифатида кузатилиши мумкин бўлган бир хил хусусиятларни намоён қилиши керак. Шунинг учун у асосий стандарт билан бир хил мақсадларда қўлланилиши керак.

Халқаро стандартлар, одатда, нисбатан чекланган микдорда бўлиб, иккиламчи стандартларни тавсифлаш ва калибрлаш фойдаланиш учун мўлжалланган; кейинчалик иккинчи даражали стандартлардан иш стандартлари сифатида фойдаланилиши мумкин.

### **4. СТАНДАРТ НАМУНАЛАРНИ ЯРАТИШ**

#### **4-1. БИРЛАМЧИ СТАНДАРТ НАМУНА**

Бирламчи стандарт сифатида сертификатланган модда ёки препарат бўлиб, уни қўллаш учун яроқлилигини тасдиқловчи турли хил аналитик усуллар орқали тавсифланган бўлиши керак.

Фармацевтик субстанциялар ва уларнинг аралашмаларини назорат қилиш учун қўлланиладиган стандарт

намуналар учун одатда қуйидаги синов дастурининг тегишли қисмлари қўлланилади.

Синов дастури:

- Модданинг структура ва эмпирик формуласи, молекуляр оғирлик ёки таркиби каби тегишли кимёвий хоссаларига кўра таснифланиши (структура характеристикаси) мумкин.

- Бунинг учун қуйидаги бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин, жумладан:

- ядро магнит-резонанс спектрометрия;
- масс-спектрометрия;
- инфрақизил соҳадаги спектрометрия;
- элементли таҳлил.

- Тозаликни аниқлаш:

- тегишли ажратиш усули ва/ёки спектрометрик усул ёрдамида турдош аралашмаларни таркибини аниқлаш;

- сув микдорини аниқлаш;

- қолдиқ органик эритувчилар таркибини аниқлаш;

- қуриштиш вақтида масса йўқотилишини аниқлаш, бу айрим ҳолларда сув ва қолдиқ органик эритувчилар учун синов ўрнини босиши мумкин;

- ноорганик аралашмаларни аниқлаш (сулфат кули, атом-абсорбцион спектрометрия, плазмага индуктив боғланган спектрометрияси, рентген нурли флуоресцент спектрометрия); олинган натижалар асосий компонентнинг белгиланган таркибини микдорий аниқлаш учун ишлатилмайди, улар ушбу қийматга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно;

- тозаликни мустақил усул орқали аниқлаш (масалан, микдорий ядро-магнит резонанс спектрометрия, зарур ҳолларда дифференциал сканерлаш калориметрияси ёки титрлаш; ушбу синовлардан олинган натижалар одатда ажратиш усуллари орқали олинган натижаларни асослаш ва тасдиқлаш учун қўлланилади; улардан белгиланган таркибини ҳисоблаш учун фойдаланилмайди.

Биологик маҳсулотлар учун эса, ЖССТ (WHO Technical Report Series) нинг тавсияларидаги халқаро ва бошқа биологик стандарт намуналарни тайёрлаш, тавсифлаш ва ўрнатиш бўйича қўлланма келтирилган.

#### **4-2. ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИНИНГ СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИ (ФСН).**

Фармакопея стандарт намунасини яратишда иштирок этадиган синов даражаси ва лабораториялар сони ФСН дан фойдаланишга боғлиқ ва тегишли мақсадларни амалга ошириш учун мўлжалланган.

Агар ташкил қилиш вақтида лабораториялараро тадқиқот амалга оширилса, ҳар бир иштирокчи учун баённома тақдим этилади ва фақатгина баённома мувофиқ олинган ишончли натижалар белгиланган таркибни аниқлаш учун қўлланилади акс ҳолда яроқлилигини тасдиқлаш керак бўлади.

Одатда қуйидаги дастурнинг тегишли қисмлари қўлланилади:

**4-2-1. Чинлиги (идентификация).** Қоидага кўра, бу мақсад учун субстанциянинг ишлаб чиқарилган сериясидан бири танланади. Ушбу серия монографиянинг тегишли талабларига тўлиқ жавоб бериши кўрсатилиши керак, биринчи серия учун тўлиқ структуравий тушунтириш амалга оширилади.

**4-2-2. Турдош моддалар учун синов.** Стандарт намунага мос келиши модда “чинлиги” ва “тозалик” кўрсаткичлари бўйича тавсифланади. Агар стандарт намунаси берилган ушбу модданинг микдорини аниқлашда фойдаланилса, минимал таркиб 95 % ни ташкил

килади; агар бунга эришилган бўлса, белгиланган қиймат кўрсатилмайди ва 100 % сифатида қабул қилинади; чунки у моддалар таркибини аниқлашда сезиларли таъсир кўрсатмайди ва шу сабабли бу тахмин мақбул ҳисобланади. Агар ушбу минимал миқдорий таркибни олишнинг имкони бўлмаса, белгиланган таркиб стандарт намунага бериледи.

Берилган модданинг миқдорини аниқлаш учун қўлланиладиган стандарт намуналар одатда бир хил кислота, асос ёки туз шаклидаги моддалар бўлиб, улар мақола мавзусига мос келади. Агар шундай бўлмаса ва бошқача асосланмаган бўлса, стехиометрик конверсион коэффициентни қўлланилади.

Агар модда стандарт намунани сертификатлаш учун етарли миқдорда мавжуд бўлмаса, яна бир қанча ёндашувлар мавжуд:

- стандарт намунани тайёрлаш, модда ва унинг аралашмаси ёки аралашмаларини ўз ичига олади;
- белгиланган аралашмаларни ўз ичига олган стандарт намуна тайёрлаш.

Агар бундай аралашма берилган модда таркибини аниқлаш учун қўлланилса бўлса, стандарт намуна таркибидеги аралашма таркиби тегишли ажратиш усуллари билан аниқланади ва стандарт намуна белгиланади.

#### 4-2-3. Миқдорий аниқлаш

4-2-3-1. *Миқдорий аниқлашнинг кимёвий усули.* Агар фармакопея стандарт намунаси (ФСН) фармацевтикада қўлланиладиган таъсир этувчи моддаларнинг (миқдорий аниқлаш стандарти) миқдорий аниқлашда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, у ҳолда синов доираси бошқа мақсадлар учун қўлланиладиган фармакопея стандарт намуналарига қараганда кенгрок бўлади. Модданинг юқори даражадаги тозаллигига эришиш учун, синовда одатда бир нечта ҳамкорлик лабораториялари иштирок этади. Олинган натижалар таркибни ҳисоблаш учун ишлатилади. Агар селектив усулда миқдорий аниқлаш амалга оширилса, стандарт намунадаги аралашмалар миқдорини аниқлаш муҳимдир. Бундай ҳолда тавсия этилаётган نموذج моддани иложи борича, мустақил усулларни ва турли хил тамойилларга асосланган усулларни ўз ичига олган қўшимча аналитик тамойилларга илмий асосланган усуллар ёрдамида тавсифлаш тавсия этилади.

Миқдорий аниқлаш мақсадида белгиланган фармакопея стандарт намунаси учун таркиб, одатда масса мувозанати тамойилини қўллаш орқали аралашмаларни (органик, ноорганик, сув ва эритувчиларни) аниқлаш учун ўтказилган таҳлиллардан олинган қийматлар асосида ҳисобланади; бу ерда бошқа мос келувчи усуллар ҳам қўлланилиши мумкин. Иложи бўлса, белгиланган миқдор мустақил усул билан олинган натижага нисбатан таққослаш орқали тасдиқланади.

Агар стандарт намуна хроматографик текшириш усули учун мўлжалланмаган бўлса, (масалан, колориметрия ёки ультрабинафша спектрометрия), у ҳолда моддада мавжуд бўлган аралашмаларнинг нисбий реактивлиги ёки нисбий ютилиши уларнинг асосий компонентдан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги учун текширилиши керак.

Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, модданинг ёки препаратнинг белгиланган таркиби контейнерда кўрсатилган тарзда қабул қилинади ((‘as is’ – “борича”)) ва стандарт намунани ишлатишдан олдин қуриштириш талаб этилмайди. Миқдорий аниқлашда қўлланиладиган ва лиофилизациялаш асосида тайёрланган стандарт намуна-

лар учун тоза модданинг таркиби ҳар бир контейнер учун миллиграммда ёки Халқаро бирликларда кўрсатилади.

#### 4-2-3-2. *Микробиологик усулда миқдорий аниқлаш.*

Агарда Халқаро стандартлар мавжуд бўлмаса, фаоллик Халқаро бирликлар ёки Европа Фармакопеяси бирликларида ифодаланади. Белгиланган фаолликнинг қиймати ишонч чегаралари билан биргаликда одатий статистик процедураларга (5.3) мувофиқ, лабораториялараро тадқиқотларнинг статистик жиҳатдан асосланган натижалари асосида ҳисобланади.

4-2-3-3. *Доривор ўсимлик хом ашёси ва доривор ўсимликлар хом ашёси асосида олинган препаратлар таркибини миқдорий аниқлаш.* Доривор ўсимликлар хом ашёсидан тайёрланган препаратлар тўғрисидаги фармакопея мақолаларида келтирилган стандарт намуналарнинг синов доираси, уларнинг турига қараб, ўтказилган синовлар билан фарқланади.

Фармакопея стандарт намунаси сифатида ишлатиладиган фаол модда ёки маркер одатда чинлиги ва тозаллик синовлари учун тавсифланади ва баҳоланади; миқдорий таркиб қиймати тозаллигидан қатъий назар белгиланади.

#### 4-2-4. Стандарт намунани яратиш бўйича ҳисобот.

Уни ишлаб чиқиш жараёнида олинган тадқиқот натижалари, шунингдек дори воситалари ва соғлиқни сақлаш сифати бўйича Европа директорати (EDQM) томонидан тақдим этилган стандарт намунадан фойдаланиш тўғрисидаги стандарт намуналарни ўз ичига олган стандарт намунани яратиш бўйича тайёрланган ҳисобот тегишли экспертлар гуруҳи томонидан тасдиқланади ва Европа Фармакопея комиссияси томонидан қабул қилинади. Стандарт намунани кимёвий усулда миқдорий аниқлаш бўйича ҳисоботда унинг берилган таркиби билан бирга мантиқий асосланиши кўрсатилиши керак. Белгиланган қиймат учун тахминий ноаниқлик ҳисобланади ва агар у миқдорий таркибнинг қабул қилинган метёрларига нисбатан аҳамиятсиз, деб ҳисобланган ва олдиндан белгиланган қийматдан паст бўлса, бажарилган ишлар натижалари қабул қилинади. Акс ҳолда, тадқиқот тўлиқ ёки қисман такрорланиши мумкин ёки фаол моддалар учун белгиланган чекловлар кенгайтирилиши мумкин. Белгиланган таркибнинг ноаниқлиги одатда фармакопея стандарт намунаси билан таъминланган маълумотларнинг бир қисми сифатида кўрсатилмайди, чунки ушбу усулнинг аниқлиги ва стандарт намуна учун берилган таркибнинг ноаниқлиги монографияда чеклов(лар)ни белгилашда ҳисобга олинади.

#### 4-3. ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИНИНГ ЎСИМЛИК СТАНДАРТ НАМУНАСИ (HRS)

Миқдорий аниқлаш учун мавжуд бўлган тоза таркибий қисмнинг миқдори етарли бўлмаслиги ёки барқарор эмаслиги аниқланган ҳолларда ўсимлик стандарт намунаси (HRS) қўлланилади. Ўсимлик стандарт намунасидан, шунингдек, миқдорий аниқлашдан ташқари бошқа мақсадлар учун, хусусан, қалбакилаштириш ёки тизимнинг яроқлилиги учун синовларда ҳам фойдаланиш мумкин. Ўсимлик стандарт намунасининг мақсадга мувофиқлигини намоён қилиш учун танланган турли хил аналитик усуллар билан тавсифланади. Бунда қуйидаги синов дастурининг тегишли қисмлари қўлланилиши мумкин.

Синов дастури:

- макроскопик текширув;
- микроскопик текширув;
- юпқа қатлам хроматографияси;

- газ хроматографияси;
- суюклик хроматографияси;
- сув микдорини аниқлаш;
- қолдиқ эритувчилар микдори;
- қуритиш вақтидаги йўқотиш;
- бегона моддалар;

– стандарт намуналардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ таркибий қисмларни (масалан, маълум терапевтик фаолликка эга бўлган компонентлар, фаол маркерлар, аналитик маркерлар) таҳлил қилиш.

Синов даражаси ва ўсимлик стандарт намунасини яратишда иштирок этадиган лабораториялар сони унинг фойдаланиш мақсадига боғлиқ.

Микдорий аниқлаш мақсадлари учун қўлланиладиган Европа Фармакопеясининг ўсимлик стандарт намунаси, одатда белгиланган таркибни стандарт намунадан фойдаланишни назарда тутувчи хусусий мақолаларда кўрсатилган микдорий аниқлаш усулидан фойдаланган ҳолда, белгиланиши керак бўлган таркибнинг таркибий қисмлари ёки таркибий қисмларининг тоза намунасини таққослаш орқали лабораториялараро тадқиқотлар томонидан белгиланади.

**Стандарт намунани яратиш бўйича ҳисобот.** Ўсимлик стандарт намунаси (HRS) учун стандарт намунани яратиш бўйича ҳисобот фармакопея стандарт намунаси (ФСН) билан бир хил тарзда тайёрланади (4-2-4 бўлимга қаралсин).

#### 4.4. ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИ БИОЛОГИК СТАНДАРТ ПРЕПАРАТЛАРИ ВА БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР УЧУН ФАРМАКОПЕЯ СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИ

Кўпинча биологик моддалар ва препаратларни синаш учун қўлланиладиган биологик стандарт препаратлар (BPR) ва фармакопея стандарт намуналари (ФСН) нинг айримлари Европа Кенгаши ва Европа Комиссияси ҳомийлигида Биологик стандартлаштириш дастури орқали ташкил этилади. Ушбу стандарт намуналар одатда Жаҳон соғлиқни сақлан ташкилоти (WHO) нинг тегишли Халқаро стандартига солиштирилган ҳолда иккинчи даражали стандарт намуналар ҳисобланади. Агарда Халқаро стандартлар мавжуд бўлмаса, улар Европа Фармакопеяси бирликларида ёки бошқа муносиб бирликларда белгиланган таркибга/фаолликка эга бўлган асосий стандарт намуналар ҳисобланади. Улар лабораториялараро тадқиқотлар орқали ташкил этилиб, унда иштирок этадиган лабораториялар номзод материал (лар)ни синаб кўришди ва расмий фаоллик/таркибни белгилаш учун тегишли маълумотлардан фойдаланилади. Ушбу тадқиқотларнинг баъзилари бошқа ташкилотлар билан биргаликда умумий материал ёки материаллар сериясини стандарт сифатида белгилаш учун ташкил этилади. Бундай ҳолларда, Европа фармакопеяси стандарт намунасининг таркибий қисми ҳисобланган материал халқаро стандарт билан бир хил бўлса ҳам ва ундан фойдаланиш бир хил лабораториялараро тадқиқот орқали тасдиқланган бўлишига қарамай, ишчи стандарт каби иккиламчи стандарт намуна ҳисобланади.

Тадқиқот бўйича ҳисоботлар тадқиқот иштирокчилари томонидан тасдиқланади ва зарур ҳолларда Европа Фармакопеяси тегишли эксперт гуруҳлари ва биологик стандартлаштириш дастурининг бошқарув қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Тадқиқот натижалари кейинчалик Европа фармакопея комиссиясига тақдим этилади. Биологик стандарт-

лаштириш дастури доирасида белгиланган стандарт намуналар/материаллар Европа фармакопея комиссияси томонидан расман қабул қилинади. Яратиш бўйича ҳисоботлар *Pharm europa Bio & Scientific Notes* (<http://pharmeuropa.edqm.eu/PharmeuropaBioSN>) дастурида чоп этилади.

#### 4-5. ИККИЛАМЧИ СТАНДАРТ НАМУНА

Иккиламчи стандарт намуналар аттестация синови (лар) учун мос бўлган бирламчи стандарт намуна билан бир хил хусусият (лар) ни ўзида намоён қилиши керак. Синовларнинг ҳажми асосий стандарт намунани аттестация қилиш учун етарлича кенг қамровли бўлмаслиги мумкин. Иккиламчи стандарт намуналарни бирламчи (асосий) стандарт намуналар билан таққослаш орқали аттестация қилинади. Расмий бирламчи стандарт намуна, иложи борица иккиламчи стандартни аттестация қилиш учун қўлланилади.

### 5. ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИ СТАНДАРТ НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЁРЛИҚЛАШ, САҚЛАШ ВА ДИСТРИБЬЮЦИЯ ҚИЛИШ

#### 5-1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Барча ишлаб чиқариш жараёнлари стандарт намунанинг мос келиши ва яхлитлигини таъминлаш учун мавжуд бўлган зарур ишлаб чиқариш амалиётининг амалдаги стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ҳужжати (баённомаси) қадоқлаш, ёрлиқлаш ва сақлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Стандарт намуналарнинг яхлитлигини таъминлаш мақсадида тегишли тўлдириш ва ёпиш тизими шартларига риоя қилган ҳолда, контейнерларга жойлаштирилади. Контейнерлар бир марталик ёки кўп марталик фойдаланиладиган бўлиши мумкин. Аммо парчаланиш, ифлосланиш ёки сувнинг сингиш хавфини камайтириш учун бир марталик контейнерлардан фойдаланиш афзал ҳисобланади.

#### 5-2. ЁРЛИҚЛАШ

Ёрлиқда стандарт намунанинг номи, етказиб берувчининг номи ва манзили, серия рақами ва бирлик микдори (флакон/ампула учун микдор) кўрсатилади.

Кўшимча илова одатда ёрлиқнинг бир қисми сифатида тақдим этилади.

Агар стандарт намуналар микдорий аниқлаш учун қўлланилса, ёрлиқда куйидаги маълумотлар ҳам келтирилади:

- белгиланган % микдори;
- ёки кимёвий моддаларнинг концентрацияси ҳар бир контейнер учун миллиграмм ёки миллилитрда;
- ёки белгиланган фаоллик (биологик ёки микро-биологик микдорий аниқлаш учун) ҳар бир миллиграмм ёки ҳар бир миллилитр ёки ҳар бир флакон/ампула учун бирликларида.

Европа фармакопеясининг стандарт намуналари учун қайта текшириш муддати ёки яроқлилик муддати кўрсатилмайди, чунки қайта текшириш дастури (6-бўлимга қаралсин) стандарт намуналарнинг фойдаланиш учун яроқчилигининг доимий назоратини таъминлайди. Европа фармакопеясининг ҳар бир стандарт намунаси учун Сериянинг валидлиги ҳақида эълон қилиш (Batch Validity Statement – BVS) Европа фармакопеясининг стандарт намуналари базасида (<http://go.edqm.eu/RS>) мавжуд.



### 5-3. САҚЛАШ ВА ТАРҚАТИШ

Стандарт намуналар энг мақбул барқарорликни таъминлайдиган шароитларда сақланади ва тарқатилади.

Европа фармакопеясининг аксарият стандарт намуналари  $5 \pm 3$  °C ҳароратда назорат қилинадиган хоналарда сақланади. Шу билан бирга, бир қатор стандарт намуналар  $-20 \pm 5$  °C ҳароратда, айримлари (масалан, тирик вирус препаратлари)  $-80 \pm 10$  °C ёки  $-196$  дан  $-170$  °C гача бўлган ҳароратларда суёқ азотда сақланади.

Амалдаги транспорт коидаларига мувофиқ, транспортда ташиш вақтида шикастланиш хавфини камайтириш ва тегишли ҳароратда стандарт намунани сақлаш учун жавоб берадиган махсус қadoқлар қўлланилади.

Одатда  $5 \pm 3$  °C ҳароратда сақланадиган стандарт намуналар учун узоқ муддатли сақлаш вақтида қисқа муддатли ҳароратнинг ўзгариши зарарли бўлмаса, совитилмасдан ташилади. Ҳароратнинг кўтарилиши уларнинг барқарорлигига зарар етказадиган ҳолатларда, улар совуқ идишлар билан бирга қadoқланган ҳолатда  $+5$  °C ҳароратда юборилиши мумкин.  $-20$  °C ҳароратда сақланадиган стандарт намуналар совуқ пакетларга ёки куруқ музга (қаттиқ карбон диоксида) қadoқланиб, экспресс почта ёки ҳаво транспорти орқали юборилади.  $-80$  °C ҳароратда ёки суёқ азотда сақланадиган стандарт намуналар “куруқ муз” (қаттиқ карбон диоксид) билан қadoқланади ва экспресс-почта орқали юборилади. Етказиб бериш шартлари, жўнатиш ва сақлаш ҳарорати стандарт намуналар рўйхатида, етказиб бериш шартлари ва Европа фармакопеясининг стандарт намуналари маълумотлар базасида (<http://go.edqm.eu/RS>) мавжуд.

### 6. ЕВРОПА ФАРМАКОПЕЯСИ СТАНДАРТЛАРИНИ ҚАЙТА СИНОВ ДАСТУРИ

Европа фармакопеяси стандарт намуналарининг яроқлилигини тасдиқлаш учун вақт ўтиши билан қайта синов дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Одатда, стандарт намуна учун маълум физик-кимёвий хусусиятлар ва барқарорлик маълумотларини ҳисобга олган ҳолда қайта синов дастури қўлланилади. Сақлаш мобайнида вақти-вақти билан стандарт намуналарнинг барқарорлиги текширилади. Қўлланиладиган барқарорлик мониторинги дастури тегишли таҳлилий услублардан фойдаланиб, намунанинг сифати ёмонлашувининг ҳар қандай белгисини эрта босқичда аниқлаш учун мўлжалланган. Амалдаги усуллар, одатда, дастлабки маълумотларга эга бўлиш учун стандарт намуналарни аттестация қилишда қўлланиладиган усуллардан танланади.

Стандарт намуналарни қайта синов қилишда синовларнинг частотаси ва тўлиқлиги бир қатор омилларга боғлиқ, жумладан:

- барқарорлик;
- контейнер ва ёпиш тизим;
- сақлаш шароити;
- гигроскопиклик;
- физик ҳолати;
- фойдаланиш мақсади;
- чиқарилиш шакли (бир ёки кўп марта фойдаланиш).

Қайта синов муддати етарли маълумотларнинг мавжудлиги билан узайтирилиши мумкин. Белгиланган таркибдаги максимал рухсат этилган ўзгариш олдиндан белгиланиши керак, агарда ортиқча бўлса, партия қайта аттестациядан ўтказилиши ёки алмаштирилиши керак.



## **5.14. ТИББИЁТ АМАЛИЁТИДА ГЕН ТЕРАПИЯСИ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ**

5.14. Тиббиёт амалиётида ген терапияси учун қўлланиладиган дори воситалари .....1749



## 5.14. ТИББИЁТ АМАЛИЁТИДА ГЕН ТЕРАПИЯСИ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

Мазкур умумий бўлим маълумот учун келтирилмоқда.

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Вектор** – реципиент (қабул қилувчи) геноми ёки плазмонида кўчирилган, мустақил қайта тиклана олиш хусусиятига эга генетик тизим (ДНК нинг маълум узунлигидаги кесмаси).

**Плазмидлар** – хромосомалардан жисман ажратилган ва ўзини-ўзи репликация қилишга қодир кичик ДНК молекулалари. Плазмидлар асосан бактерияларда, шунингдек баъзи архей ва эукариотларда (замбуруғлар ва юқори ўсимликлар) учрайди. Кўпинча плазмидлар икки занжирли ҳалқали молекулалардир. Кўпайтириш қобилиятига қарамай, плазмидлар, вируслар сингари, тирик организм сифатида қаралмайди.

**Полимераза занжир реакцияси (ПЗР)** – бу молекуляр биологиянинг экспериментал усули, биологик материалдаги (намуна) нуклеин кислота (ДНК) нинг баъзи қисмларининг кичик концентрациясини сезиларли даражада ошириш усули.

**Секвенирлаш (инглизча “sequence” – “кетма-кетлик”)** – ДНК молекуласида нуклеотидлар кетма-кетлигини ўрнатишга имкон берадиган усулларнинг умумий номи.

**Трансдукция (кўчириш, силжииш)** – генетик ахборот (ДНК молекуласининг бир қисми) ни бир бактериядан (донор) иккинчиси (реципиент)га вируслар (бактериофаглар) ёрдамида кўчириш ҳодисаси. Бу жараёнда реципиент ҳисобланган бактериал ҳужайра генотипида ўзгариш содир бўлади.

**Трансфекция** – бу нуклеин кислоталарни эукариотик ҳужайраларга вируссиз усул билан киритиш жараёнидир. Трансфекция одатда плазма мембранасида тешикларни ҳосил қилишни ўз ичига олади, улар орқали ҳужайрадан ташиқаридаги материал ҳужайранинг ички қисмига кириб бориши мумкин.

Ушбу умумий бўлимда тиббиёт амалиётида ген терапияси учун қўлланиладиган дори воситалари бўйича бир қатор матнлар келтирилган бўлиб, улар ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда сифатини назорат қилиш учун тегишли талаблар тўпламини ташиқил этади. Маълум бир дори воситаси учун ушбу талабларни қўллаш ёки бошқа барча матнлардан фойдаланишнинг зарурати тегишли ваколатли орган томонидан белгилаб берилади. Ушбу бўлим қоидалари ваколатли орган билан келишилган ҳолда муқобил ишлаб чиқариш ва назорат қилиш усулларида фойдаланиш имкониятини истисно қилмайди.

Тиббий мақсадларда ген терапияси учун қўлланиладиган дори воситаларига оид батафсилроқ тавсиялар

Ген терапияси учун дори воситаларининг сифати, клиник олди ва клиник жиҳатлари бўйича қўлланма тавсияларида (СРМР/ВВР/3088/99) ҳамда Тиббиёт амалиётида қўллаш учун дори воситалари қўмитасининг (СНМР/ВВР/ 2458/03) Лентивирал векторларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш бўйича қўлланмада (жумладан, ушбу ҳужжатларнинг кейинчалик қайта кўриб чиқилган матнларида) баён этилган.

### ТАЪРИФ

Ушбу умумий бўлим доираси учун тиббиёт амалиётида ген терапияси учун қўлланиладиган дори воситаси (GTMP) дейилганда қатор ишлаб чиқариш жараёнларида олинган, *in vivo* ёки *ex vivo* ишлаб чиқариладиган, профилактика, ташхис ёки даволаш генини (масалан, нуклеин кислоталарнинг бир қисмини) инсонлар/ҳайвонлар ҳужайраларига кўчириб ўтказиш учун мўлжалланган ҳамда унинг кейинчалик *in vivo* экспрессияси учун мўлжалланган маҳсулот тушунилади. Генини кўчириш вектор деб номланган келиб чиқиши вирусли ва вирусли бўлмаган экспрессия тизимини ўз ичига олади. Вектор, шунингдек, одам ёки ҳайвон ҳужайрасига киритилиши мумкин.

Рекомбинант векторлар, хусусан, вирусли векторлар ва плазмидлар. Рекомбинант векторлар бевосита бемор организмга юборилади (*in vivo* ген узатиш) ёки беморга ушбу генетик модификацияланган ҳужайраларни юборишдан олдин (*ex vivo* ген кўчириш) ҳужайрини ҳужайрасига ўтказилади. Вирусли векторлар турли хил вируслардан ҳосил қилинади (масалан, аденовируслар, поксвируслар, ретровируслар, аденоассоциацияланган вируслар, лентивируслар, герпивируслар). Ушбу векторлар репликатив, норепликатив ёки шартли-репликатив шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Плазмид векторлар нуклеин кислоталарни соф ҳолда (масалан, “ечилган” ДНК) ёки бошқа турли молекулалар билан мажмуа кўринишида (синтетик векторлар, масалан, липидлар ёки полимерлар) сақлайди. Ген терапияси (GTMPs) учун дори воситаси билан кўчириладиган генетик материал, нуклеотидлар кетма-кетлигидан иборат бўлиб, кодловчи геном, маъносиз (ноинформатив) транскриптлар (antisense RNA) ёки рибозимлар сақловчи маҳсулотдан иборат бўлиши мумкин. Кимёвий синтез усулида олинган олигонуклеотидлар ушбу умумий бўлимнинг қўллаш соҳасига қармайди. Кўчиришдан сўнг (трансфекция), генетик материал цитоплазмада ёки эпизомда бўлиши мумкин ёки векторнинг геномга интеграцияланишига кўра, қабул қилувчи ҳужайранинг геноми таркибига кириши мумкин.

Генетик жиҳатдан модификацияланган ҳужайралар. Генетик модификацияланган эукариотик ёки бактериал ҳужайралар векторлар ёрдамида талаб этилаётган маҳсулотнинг экспрессияси учун модифицирланади.

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

**Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган моддалар.** Ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган бирламчи маҳсулотлар, жумладан, вируси ёкиш материаллини тайёрлаш ва ҳужайралар банкни яратиш, зарурат бўлса назорат қилинади. Агар бошқа кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, фойдаланилган барча моддалар тегишли ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланган ҳолда, тан олинган сифат менежменти тизими шароитларида ишлаб чиқарилиши лозим. Мавжуд специ-

фикацияларда энг камида, чинлиги, биологик фаоллигини (талаб этилган ҳолларда) аниқлаш, микробиологик тозаллиги ва бактериал эндотоксинлар билан контаминацияланганлиги жиҳатидан тозаллиги ва хавфсизлиги бўйича синовлар ўтказилиши талаблари белгиланган. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган сувнинг сифати тегишли (Тозаланган сув (0008), Юқори даражада тозаланган сув (1927), Инъекция учун сув (0169)) фармакопея мақолалари талабларига жавоб берувчи сув ишлатилиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган қорамол зардобини Қорамол зардобини (2262) фармакопея мақоласи талабига жавоб бериши керак. Имкон қадар, ишлаб чиқариш жараёнида антибиотиклардан фойдаланишни истисно қилиш керак.

**Вирус хавфсизлиги.** 5.1.7. бўлим талаблари қўлланилади.

**Трансмиссив ғоваксимон энцефалопатиялар** (5.2.8). Маҳсулотнинг трансмиссив ғоваксимон энцефалопатиялар билан боғлиқ хавфини баҳолаш амалга оширилади ва ушбу хавфни камайтириш учун тегишли чоралар қўлланилади.

### Рекомбинант векторлар

#### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Вирусли векторларни ишлаб чиқариш хужайра банки ва вирусларни экиш (шароит мавжуд ҳолларда) тизимларига асосланган.

Плазмида векторларни ишлаб чиқаришда бактериал хужайралар банки тизимидан фойдаланилади.

Танланган ишлаб чиқариш усули тегишли сифатга эга векторни олишни таъминлаши намоён қилиниши керак. Агар бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, самарадорлиги ва мақбул хавфсизлиги клиник синовларда исботлангани вектор каби тайёр маҳсулот таркибидаги вектор ҳам асосий экиш материалдан шундай миқдордаги пассажлар ва қайта экишлар амалга оширилиши керак.

#### ВЕКТОР КУЛЬТИВАЦИЯСИ УЧУН ХУЖАЙРА-ПРОДУЦЕНТЛАР

Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хужайра – продуцентлар Давлат Фармакопеясининг (5.2.2, 5.2.3. ва “Тиббиётда қўллаш учун плазмида векторларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бактериал хужайралар” бўлими) талабларига мувофиқ бўлиши керак.

#### ВЕКТОРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Векторнинг яратилиши ҳақидаги барча маълумотлар, шу жумладан, векторнинг келиб чиқиши ва унинг кейинги ўзгартиришлари, хусусан, векторнинг бир қисmini олиб ташлаш ёки модификациялаш хужжатлаштирилади. Вектор шу мақсадлар учун мос келадиган валидация услублари ёрдамида тавсифланади.

Векторнинг генетик барқарорлиги тегишли усуллар ёрдамида вектор ишлаб чиқаришда қўлланиладиган максимал даражада рухсат этилган пассажлар билан ёки икки баробар кўпайган хужайралар линияси хужайраларида баҳоланади.

#### БИОМАССАНИ КУЛЬТИВАЦИЯЛАШ ВА ЙИГИШ

Хужайра банклари ва олинган хужайра, озуқа муҳитлари билан амалга ошириладиган барча жараёнлар бир вақтнинг ўзида бошқа хужайралар ёки векторлар

билан иш олиб борилмайдиган ҳудудда амалга оширилади. Хужайра культураларини тайёрлашда ишлатиладиган одам ёки ҳайвонларнинг барча материаллари ва озуқа муҳитлари назорат қилинади. Биомассанинг тозаллиги тегишли махсус бўлимларда кўрсатилган, ушбу мақсадлар учун мўлжалланган синовлар ёрдамида баҳоланади.

#### ТОЗАЛАНГАН БИОМАССА

Фаол модда ангроси деб тозаланган рекомбинант вектор серияси (вирус вектори, “ечилган” ДНК ёки мажмуавий плазмидалар серияси) ҳисобланади.

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Агар бошқа талаб асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, тайёр маҳсулотни олиш ва қуйиш стерил идишларда асептик шароитда амалга оширилади (3.2). Тайёр маҳсулотнинг турғунлиги давомийлик ва сақлаш шароитлари, баҳоланадиган сериялар сони, синов графиги ва амалга оширилган миқдорий аниқлаш усулларини ўз ичига олган барқарорликни баҳолаш протоколларига мувофиқ баҳоланади.

#### МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА БОШҚА СИНОВЛАР

Ген терапияси учун дори воситалари (GTMPs) тегишли айрим бўлимларда кўрсатилган миқдорий аниқлаш синовлари ва бошқа синовларда кўрсатилган талабларга мос бўлиши керак.

#### Генетик модификацияланган хужайралар

Хужайраларни модификацияловчи рекомбинант векторлар тўғрисидаги маълумотлар юқорида “Рекомбинант векторлар” бўлимида баён қилинган тартибда қайд этилади.

#### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

#### ПРОДУЦЕНТ ХУЖАЙРАЛАР

Ксеноген хужайра линияси, шу жумладан, бактериал хужайралар қўлланилганда, асосий хужайра ва ишчи хужайра банкларидан ташкил топган хужайралар банки тизими ташкил этилади.

Аутологик ва аллоген хужайралардан фойдаланганда, иложи бўлса, асосий хужайралар банки ва ишчи хужайралар банкидан ташкил топган хужайралар банки тизими яратилади.

#### ТРАНСФЕКЦИЯ/ТРАНСДУКЦИЯ

“Рекомбинант векторлар” бўлимида мувофиқ назорат қилинадиган рекомбинант векторнинг (плазмида ёки вирусли вектор) трансфекция/трансдукцияси жараёни валидацияланади. Хужайралар билан амалга ошириладиган жараёнлар бир вақтнинг ўзида бошқа хужайралар ва векторлар билан ишлашдан холи бўлган ҳудудларда асептик шароитларда олиб борилади. Хужайралар билан ишлашда қўлланиладиган барча реагентлар тўлиқ назорат қилинади. Бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса антибиотиклардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Трансфекциялаш/трансдукциялаш асептик шароитларда амалга оширилади.

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Музлатилган ҳолатда хужайраларни сақлашда генетик модификацияланган хужайраларнинг ҳаётлиги

музлашдан олдин ва эригандан кейин баҳоланади.

Агар хужайралар қисқа вақт давомида ишлатилмаган бўлса, барқарорлик хужайранинг ҳаётийлигини ва генетик материалнинг экспрессиясини тасдиқлаш орқали аниқланади.

Агар генетик модификацияланган хужайралар инсонларга имплантация қилинишдан олдин капсула билан қопланса, барча капсулаланган таркибий қисмлар тайёр маҳсулотнинг бир қисми ҳисобланади ва шунга мос равишда сифати назорат қилинади ҳамда тўлиқ тавсифланади (масалан, физик яхлитлик, селектив ўтказувчанлик, стериллик).

#### МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ УСУЛИ ВА БОШҚА СИНОВЛАР

Ксеноген, аллоген ёки аутологик хужайраларни назорат қилиш қуйидаги синовларни ўз ичига олади:

– чинлигини аниқлаш синови ва хужайраларнинг яшовчанлигини баҳолаш ва ҳисоблаш;

– умумий яхлитлик, функционаллик, битта хужайрадаги нусхалар сони, генетик материалнинг кўчирилиши ва экспрессиясининг самарадорлиги;

– хужайра маҳсулотларини микробиологик назорат қилиш (2.6.1 ёки 2.6.27), эндотоксинлар миқдори, микоплазмалар билан контаминацияланиши (2.6.9), ёт вирус-лар билан контаминацияланиши ва талаб мавжуд ҳолларда репликацион вирус генерацияси.

Тегишли ваколатли орган хужайралар миқдори чегараланганлиги сабабли қисқартирилган синов дастурини тасдиқлаши мумкин. Вақтлар чегараланиши муносабати билан, маҳсулот муайян синовлар тугашидан олдин фойдаланишга чиқарилиши мумкин.

#### ТИББИЁТДА ҚўЛЛАШ УЧУН ПЛАЗМИДА ВЕКТОРЛАРИ

##### ТАЪРИФ

Тиббиётда қўллаш учун плазмада векторлари – бу икки занжирли ҳалқа шаклидаги бактериал ДНК дан иборат бўлиб, талаб этилаётган ген ёки нуклеотидлар кетма-кетлигини сақлайди. Қарши маъноли кетма-кетлик ёки рибозимлар ва уларнинг экспрессион қобиғи, улар бактерияларга экстрасомал тарзда амплификацияланади. Плазмидалар генетик материални одамнинг соматик хужайраларига *in vivo* ёки беморларга юборишдан олдин генетик модификацияланган аутологик, аллоген, ксеноген ёки бактериал хужайраларга юборишда фойдаланилади. Плазмада векторлари тоза “ечилган” ДНК бўлиши ёки мажмуавий синтетик етказиб бериш тизими, масалан, липидлар (липоплекслар), полимерлар (полипекслар) ва/ёки пептид лигандлари бўлиши мумкин бўлиб, генетик материални хужайра мембранаси орқали ўтказилишини ва хужайрага етказилишини ёки махсус рецепторлар орқали тегишли соҳага етказиб берилишини осонлаштиради.

Синтетик етказиб бериш тизимларидан иборат плазмидалар ушбу бўлимда кўриб чиқилмайди.

##### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

##### ПЛАЗМИДА КОНСТРУКЦИЯСИ

Оддий плазмада вектори қуйидагилардан иборат:

– генетик материални кўшиш учун рестрикция эндо-нуклеазаси ёрдамида кўп сонли аниқлаш сайтлари сақ-

ловчи ҳамда плазмидалар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бактериялар элементлари, масалан, рекомбинант вектор таркибидаги хужайраларни аниқлаш учун танланган генетик маркерлар сақловчи плазмада вектор қарқаси;

– генетик материалнинг экспрессиясини таъминлаш учун муҳим бўлган зарурий тартибга солувчи генетик элементлар;

– генетик материал;

– полиадениллаш сигнали.

Плазмада ДНКсининг тўлиқ баёни, шу жумладан, унинг нуклеотидлари кетма-кетлигининг баёни генетик материалнинг манбалари, ажратиш усуллари ва нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Репликациянинг бошланиши, вирусли ва эукариотик (промоторлар) кўзгатувчилар, селектив маркерларни кодловчи генлар каби плазмада таркибий қисмларининг манбаи ва функциялари ҳужжатлаштирилади.

##### УМУМИЙ ҲОЛАТ

**Хужайра банклари.** Плазмада векторларини ишлаб чиқариш “Тиббиёт амалиётида қўлланиладиган плазмада векторларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бактерия хужайралар” бўлимининг қоидаларига мос бўлиб, у асосий хужайра банки (МСВ), ишчи хужайра банки (WCBs) ва сўнгги ишлаб чиқариш хужайраларини (ЕОРС) яратиш ва уларни тавсифловчи бактериал хужайралар банки тизимига асосланган.

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган бошланғич материаллар, шу жумладан, хужайра банкини яратиш назорат қилиниши керак.

**Селекция усули.** Агар бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, селектив ген маркерлари сифатида қўлланиладиган, жумладан, терапевтик жиҳатдан самарали антибиотикларга чидамлик генлари вектор конструкциясига киритилмайди. Рекомбинант плазмидалар учун бошқа селекция усулларида фойдаланиш афзал ҳисобланади.

##### Стандарт намуналар.

Тайёр плазмиданинг асосан клиник тадқиқотларда тўлиқ тавсифланган мақбул серияси сақлаб қўйилади ва зарур ҳолларда сифат назорати учун стандарт намуна сифатида фойдаланилади.

##### БИОМАССАНИ КўПАЙТИРИШ ВА ЙИҒИШ

Плазмада ДНКси бактериал хужайра-реципиентлар (қабул қилувчи хужайралар) культурасига ўтказилади ва трансформацияланган бактерияларнинг ягона клони асосий хужайра банкини яратиш учун кўпайтирилади. Кейин асосий хужайралар банкidan ишчи хужайралар банки олинади. Сўнгги ишлаб чиқариш хужайралари ишлаб чиқариш шароитларида ферментация ёрдамида фойдаланиб ишчи хужайра банкidan олинади. Плазмада ДНКси экстракция йўли билан биомассадан ажратилади ва кадокланмаган тайёр маҳсулотгача тозаланади. Агар бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, ишлаб чиқариш учун цезий хлорид-итидий бромид зичлик градиентларидан фойдаланилмайди.

##### ТОЗАЛАНГАН ПЛАЗМИДА

Биологик фаолликни сақлаб қолган ҳолда бегона моддаларни мақбул усулда олиб ташлаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёни оптималлаштирилади. Айрим аралашмалар миқдорини баҳолашга қўйиладиган талаблар қуйидагиларга боғлиқ:

– муайян миқдорий аниқлаш усулларини қўлаган ҳолда валидация қилиш орқали ўстириш ва тозалаш жараёнларининг бегона моддаларни олиб ташлаш ёки инактивация қилишининг исботланган хоссаси;

– аралашмаларнинг эҳтимоли мавжуд заҳарлилиги;

– киритилган генетик материал самарадорлигининг бегона моддалар билан боғлиқ бўлган пасайиши.

Селекциялаш учун маълум бир антибиотикларга танланган резистентлик қўлланилган бўлса, маҳсулотнинг қолдиқ антибиотиклардан тозаланганлигини тасдиқлаш учун тозалаш жараёнининг валидацияси бўйича маълумотлар талаб қилинади.

Жараёни узлуксиз назорат қилишни таъминлаш мақсадида ички ишлаб чиқариш назоратида тегишли синовлар ўтказилади, масалан, плазмиданинг миқдори ва шаклини, экстракция босқичидан сўнг бактериал эндотоксинлар миқдорини аниқлаш.

Кейинги фойдаланиш учун қуйидаги талабларга жавоб берадиган тозаланган плазмидалар сериясидан фойдаланишга рухсат берилади.

**Тозаланган плазмиданинг чинлигини ва яхлитлилиги.** Тозаланган плазмиданинг чинлиги ва яхлитлилиги тегишли усуллар билан аниқланади, масалан, секвенирлаш ёки нуклеин кислоталарининг амплификацияси (2.6.21); агар усул имкониятлари плазмиданинг эҳтимоли мавжуд критик модификацияларни аниқлаш ва плазмиданинг чинлигини аниқлаш имконини берса, у ҳолда рестрикция ферментатив таҳлил усулидан фойдаланиш мумкин.

**Плазида ДНКси.** Қуйидаги талаблар мисол тариқасида келтирилган.

ДНК нинг 500 нг/мл дан юқори концентрацияси 260 нм да ютиш катталигини ўлчаш орқали аниқланади. Икки халқали ДНК нинг 50 мкг/мл концентрацияли эритмасининг ютилиш киймати 1 га тенг (нисбий ютилиш 200).

500 нг/мл дан кам концентрациядаги ДНК миқдори флуоресцент бўёқ билан инкубациядан сўнг аниқланиб, бўёқ икки халқали ДНК билан танлаб боғланади ва калибрлаш чизигини олиш учун стандарт ДНК намунасидан фойдаланади.

Плазида ДНКси концентрациясини аниқлаш учун стандарт намунадан фойдаланган ҳолда суюқлик хроматографияси усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Баъзи ҳолларда капилляр электрофорез усули қўлланилади.

**ДНК шакллари.** Плазида ДНКси ўта спиралланган, кўп ўлчовли, чўзилган мономерлар ва чизикли шаклларнинг нисбатидан иборат бўлиб, улар мос таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланиб, ушбу усулларнинг айримлари мисол сифатида қуйида келтирилган. Ўта буралган шаклларни миқдорий аниқлаш учун юқори самарали анион-алмашинадиган суюқлик хроматографияси (HPLC) ёки капилляр электрофорездан фойдаланиш мумкин. Капилляр электрофорез бошқа шаклларнинг миқдорини аниқлаш учун ҳам мос келади.

**Хўжайин-хўжайранинг қолдиқ ДНКси.** Жараён валидацияси маҳсулотнинг тегишли даражадаги тозалаш даражасига эришилмаганини кўрсатса, хўжайин хўжайранинг қолдиқ ДНКси таркиби бунинг учун мос усул ёрдамида аниқланади. Сезувчанлик ва маҳсусликни ҳисобга олган ҳолда, бунинг учун миқдорий полимераза занжир реакцияси (ПЗР, PCR) усули тавсия этилади, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Қолдиқ РНК.** Валидация жараёни маҳсулотнинг тегишли тозалаш даражасига эришилмаганини кўрсатса қолдиқ РНК таркиби назорат қилинади. Бунинг учун тес-

кари фазали юқори самарали суюқлик хроматографияси (RP-HPLC) усули ёки миқдорий таҳлилнинг пастки чегарасини аниқлаш зарур бўлган ҳолларда тескари транскриптази полимераза занжир реакциясининг миқдорий усули (RT-PCR) (2.6.21) қўлланилиши мумкин.

**Хўжайин хўжайранинг қолдиқ оксиллари.** Хўжайин хўжайра қолдиқ оксиллари концентрацияси оксилларни миқдорий аниқлашнинг стандарт усуллар ёрдамида аниқланади (2.5.33), валидация жараёни маҳсулотнинг тегишли тозалаш даражасига эришилмаганини кўрсатса, SDS-PAGE кумуш билан бўйшдан сўнг ёки махсус иммунобиологик таҳлил усуллари, масалан, Вестерн-блот ёки ELISA.

**Микробиологик назорат.** Назорат қилинаётган препаратдан келиб чиққан ҳолда, препарат стериллиги (2.6.1) ёки микробиологик тозаллиги бўйича синовлар талаб-ларига жавоб бериши керак (2.6.12).

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14).** Маълум препарат учун ўрнатилган нормадан камроқ миқдорда.

#### ТАЙЁР ҚАДОҚЛАНМАГАН МАҲСУЛОТ

Тайёр қадокланмаган маҳсулот олишда бир нечта тозаланган биомассалар бирлаштирилиши мумкин. Ушбу босқичда стабилизатор ва бошқа ёрдамчи моддаларни қўшиш мумкин. Ҳосил қилинган маҳсулот бактерияларни ушлаб қолувчи филтрдан ўтказилади.

Тайёр препаратни олиш учун фақатгина қуйида келтирилаётган талабларга жавоб берувчи маҳсулотдан фойдаланилади.

**Стериллик (2.6.1.)** Маҳсулот стерил бўлиши шарт.

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

“Чинлиги”, “Миқдорий таҳлил”, “Синовлар” кўрсаткичлари бўйича талабларга мувофиқ тайёр маҳсулотгина фойдаланиш учун чиқарилишига рухсат этилади.

#### ЧИНЛИК

Плазида вектори рестрикция ферментатив таҳлил ёки секвенирлаш ёрдамида идентификация қилинади. Шунингдек, биологик фаолликни аниқлаш синовлари ҳам маҳсулот чинлигини аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

#### СИНОВ

Тайёр маҳсулотнинг ўтказиладиган синовлари қуйидагилардан иборат:

#### Таърифи.

**рН (2.2.5):** маълум препарат учун белгиланган чегараларда.

**Ажратиб олинадиган ҳажм. (2.9.17).** Ажратиб олинадиган ҳажм синовларига мувофиқ келади.

**Қолдиқ намлик (2.5.12):** Маълум бир лиофилизация қилинган препарат учун белгиланган меъёрга мос келади.

**ДНК шакли.** Маълум бир мономер ўта буралган шаклнинг фонлардаги миқдори тозаланган плазида учун баён қилинганидек аниқланади.

**Стериллик (2.6.1).** Стерил бўлиши шарт.

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14):** муайян препарат учун белгиланган меъёрдан камроқ.

#### МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

**Плазида ДНКси:** ёрликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаслиги керак ва у қуйида келтирилган усуллардан бири ёрдамида аниқланади.

ДНКнинг 500 нг/мл дан юқори концентрациясини 260



нм да ютиш қийматини ўлчаш орқали аниқлаш мумкин. Икки халқали ДНК концентрацияси 50 мкг/мл бўлганда эритманинг ютилиш қиймати 1 га тенг (нисбий ютиш кўрсаткичи 200).

ДНКнинг 500 нг/мл дан кам бўлган концентрацияси флуоресцентли бўёқ билан инкубациядан сўнг аниқланиб, у икки халқали ДНК билан танлаб бирикади. Бунда калибрлаш эгри чизигини тузиш мақсадида ДНКнинг стандарт намунасидадан фойдаланилади.

Плазмида ДНКси концентрациясини аниқлаш учун, шунингдек, стандарт намунадан фойдаланиб, суюқлик хроматографияси усулини қўллаш мумкин. Айрим ҳолларда капилляр электрофорез усулини ҳам қўлланилади.

**Биологик фаоллик.** Мумкин бўлган ҳолларда биологик фаолликни баҳолаш биологик фаолликни аниқлашнинг *in vitro* ёки *in vivo* усуллари ёрдамида баҳоланади. Ушбу аниқлашлар учун яхши тавсифланган, тегишли стандарт намуна талаб этилади. Плазмида векторлари микдорини аниқлашда қўлланиладиган биологик фаолликни аниқлаш усулини баҳолашда, одатда, мувофиқ хужайралар линиясининг *in vitro* трансфекциясидан фойдаланиб, кейинчалик экспрессив генетик материалнинг бирон-бир функцияси бўйича ўлчашлари олиб борилади. Микдорий аниқлашнинг бундай функционал усуллари генетик материалнинг экспрессияси даражаси ўрнига генетик материал билан кодланган маҳсулот фаоллиги тўғрисида маълумот беради. Экспрессияланган маҳсулотнинг яхлитлиги ва микдорини аниқлаш учун Вестерн-блот усули ёки қаттиқ фазали иммуофермент таҳлили ёрдамида биологик фаолликнинг қўшимча таҳлиллари амалга оширилиши талаб этилиши мумкин.

#### ЁРЛИҚЛАШ

Ёрликда қуйидагилар кўрсатилади:

- плазмида ДНК концентрацияси;
- тиббиётда қўллаш учун тавсия этиладиган доза;
- лиофилизацияланган препаратлар учун;
- қўшилидиган эритувчининг номи ва ҳажми;
- эритилганидан сўнг препаратни қўллаш мумкин бўлган давр.

#### ТИББИЁТ АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЛАЗМИДА ВЕКТОРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН БАКТЕРИАЛ ХУЖАЙРАЛАР

Тиббиёт амалиётида қўлланиладиган плазмида векторларни олиш асосий хужайралар банки (МСВ), ишчи хужайралар банки (WCBs) ва якуний ишлаб чиқариш хужайралари (ЕОРСs) ни яратиш ва тавсифлаш билан бактериал хужайра банки тизимининг қўлланилишига асосланган. Плазмида векторларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бактериал хужайралар банки бу муайян шароитларда сақланадиган, бир хил таркибга эга бўлган ва трансформацияланган хўжайин хужайранинг бир клонидан ҳосил бўлган пул (бирлаштирилган) хужайралардан олинган, бактериал хужайраларни сақловчи ампулалар тўпламини ифодалайди. Асосий хужайралар банкининг аниқ хужжатлаштирилган ҳосил бўлиш тарихи мавжуд бўлиб, у одатда назоратга олинган манбадан олинади. Ишчи хужайралар банки асосий хужайралар банкининг бир ёки бир неча ампулалардаги хужайраларини ўстириш йўли билан олинади. Банк ҳосил қилишда фойдаланиладиган реактивлар, таҳлил усуллари ва сақлаш шароитлари қайд этилади.

Банкда сақланаётган материалнинг аликвоти ёки хужайралар банки субкультуралари синовларини ўтказиш йўли билан асосий ва ишчи хужайралар банки назорат қилинади. Ушбу жадвалда ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган синовлар келтирилган.

Микдорий аниқлаш	Хўжайин-хужайраси	Асосий хужайралар банки	Ишчи хужайралар банки	Якуний ишлаб чиқариш хужайралари
<b>Чинлиги ва тозаллиги</b>				
Хужайралар яшовчанлиги	+	+	+	+
Бактериал хужайралар линияси хусусиятлари	+	+	-	+
Генотиплаш/фенотиплаш	+	+	-	+
Плазмиданинг мавжудлиги				
- Плазмида ДНКсининг кетма-кетлиги	-	+	-	+
- Нусха рақами	-	+	+	+
- Рестрикция харитаси	-	+	+	+
- Плазмида сақловчи хужайралар %	-	+	+	+
<b>Бегона агентлар</b>				
Бегона микрофлора	+	+	+	+
Бактериофагларнинг мавжудлиги	+	+	-	+

\*Якуний ишлаб чиқариш хужайралари (ЕОРСs) бу – ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хужайралар каби ёки камроқ пассажлари ўтказиладиган хужайралардир. Таҳлил ҳар бир янги ишчи банк хужайралари учун бир марта олиб борилади, ҳар бир ферментация жараёнида олиб бориладиган тозаликни аниқлаш бундан мустасно.

#### ЧИНЛИГИ ВА ТОЗАЛИК СИНОВЛАРИ

**Хужайраларнинг яшовчанлиги.** Яшовчан хужайралар сони бактериал хужайралар аликвоталари суюлтиришларини тегишли озуқа муҳитларига экиш ва айрим колониялар сонини ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

**Бактериал линияларнинг биокимёвий ва физиологик хусусиятлари.** Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган бактерияларнинг линиясига кўра, хужайраларнинг маълум бир турга мансублигини исботлаш мақсадида хужайраларнинг тегишли биокимёвий ва физиологик хусусиятлари аниқланади.

**Генотиплаш/фенотиплаш.** Бактериал хужайраларнинг генотипини тасдиқлаш тан олинган фенотипик маркерларни аниқлаш ёки тегишли генетик таҳлиллар ёрдамида амалга оширилади.

#### Плазмиданинг мавжудлиги.

**Секвенирлаш.** Плазмиданинг тўлиқ нуклеотид кетма-кетлиги тасдиқланади.

**Нусха рақами.** Плазмида ДНКси маълум бир микдордаги бактериялардан ажратиб олинади ва тозаланади, нусха рақами шу мақсадлар учун яроқли микдорий ПЗР усулида аниқланади (2.6.21).

**Рестрикция харитаси.** Рестрикцион эндонуклеазалар гидролизи бактериал хужайрада жойлашган плазмида

тузилиши бузилмаганлигини тасдиқлаш учун етарли даражада аниқлик билан амалга оширилади.

**Плазмида сакловчи ҳужайралар фоизи.** Селектив генетик маркерлар каби плазмидада мавжуд бактериал элементлар плазмида сакловчи бактерияларнинг фоиз миқдорини аниқлаш учун фойдаланилади.

#### БЕГОНА АГЕНТЛАР ВА ЭНДОГЕН ВИРУСЛАР

**Бегона микрофлора.** Бактериал ҳужайралар мувофиқ озук муҳитига штрихли экиш усулида экилиб, бегона бактериал агентларни аниқлаш учун зарур бўлган шароитларда термостатланади. Бегона микроорганизмлар ўсишининг ингибирланишини аниқлаш учун ижобий назорат сифатида назорат бактериялари иштирокида қўшимча синовлар ўтказилади. Талаб этилаётган колониялар миқдори баҳоланади, бунда бегона микрофлора мавжуд бўлмаслиги керак.

**Бактериофаглар мавжудлиги.** Бактериофагларнинг мавжудлигини аниқлаш учун бактериал ҳужайралар бактериофагларнинг ўсиши ва кўпайишини таъминлайдиган озук муҳитига экилади ва термостатланади. Синовнинг мақбуллиги ижобий назорат сифатида бактериофаглар ва факультатив ҳужайраларнинг референт линияларидан фойдаланиш йўли билан тасдиқланади. Талаб этилаётган колониялар миқдори баҳоланади, бунда бегона микрофлора мавжуд бўлмаслиги керак.

#### ТИББИЁТДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АДЕНОВИРУС ВЕКТОРЛАРИ

##### ТАЪРИФ

Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган аденовирус векторлари генетик материални инсоннинг соматик ҳужайраларига *in vivo* ёки *ex vivo* ўтишини таъминлаш учун генетик модификацияланган рекомбинант аденовирусларнинг лиофилизацияланган ёки суяқ препаратларидир.

##### ИШЛАБ ЧИКАРИШ

##### ВЕКТОР КОНСТРУКЦИЯСИ

Аденовирус векторини яратиш ва ишлаб чиқиш учун турли хил ёндашувлар мавжуд. Усулни танлаш клиникада фойдаланиш мақсади билан белгиланади. Репликацияланувчи аденовирус векторлари ҳосил бўлиши хавфини камайтирадиган ёки ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин бўлган ёрдамчи вирусларни самарали равишда йўқ қиладиган усул танланади.

##### ВЕКТОРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Векторларни ишлаб чиқариш усуллари тегишли сифатга эга векторнинг доимий ишлаб чиқарилишини таъминлаши исботланиши зарур. Агар бошқа талаблар асосланмаган ва тасдиқланмаган бўлса, тайёр маҳсулотдаги вектор самарадорлиги ва хавфсизлиги клиник тадқиқотларда исботланган векторга қараганда асосий ҳужайралар банкидан кўпроқ пассажлар қилинишига йўл қўйилмаслиги керак.

Пассажларнинг максимал ёки ундан кам миқдорда олинган ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган векторнинг генетик ва фенотипик барқарорлиги мақбул усуллар билан баҳоланади.

##### ВЕКТОРНИ ЎСТИРИШ УЧУН ПРОДУЦЕНТ ҲУЖАЙРАЛАР

Вектор ҳужайра банки тизими ёрдамида доимий

культивация қилинадиган ҳужайра линиясида (5.2.3) ўстирилади. Вирус гени ва реципиент ҳужайранинг геномлари ўртасида катта гомологик ҳудудларнинг мавжудлигида репликацияланувчи аденовирусларнинг ҳосил бўлиши кўпроқ бўлиши мумкин. Ушбу ҳосил бўлиш иккала геном ўртасидаги гомологияни қисқартириш орқали камайтирилиши мумкин. Ишлаб чиқариш учун вектор билан гомологик нуклеотидлар кетма-кетлигига эга бўлмаган ҳужайралардан фойдаланиш тавсия этилади.

##### ЭКИЛАДИГАН МАТЕРИАЛ

Вектор ишлаб чиқариш экиш материали тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Аденовирус линияси векторнинг олиниши маълумотлари ёрдамида, жумладан, унинг келиб чиқиши ва кейинги манипуляциялар, шунингдек, чиқариб ташланган ёки модификацияланган соҳалар тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида идентификацияланади. Генетик материал ва ён томон назорат майдонларининг, шу жумладан, нуклеотидлар кетма-кетлигининг батафсил баёни аниқланган.

Генетик материални векторга киритиш усули ҳужжатлаштирилган.

Вектор ишлаб чиқариш учун қуйидаги талабларга жавоб берадиган экиш материалидан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Вектор асосий экиш материали ва ҳар бир ишчи экиш материали намуналарида иммунохимий усулда (2.7.1), нуклеин кислоталар амплификацияси (NAT) усулида (2.6.21) ёки ферментатив рестрикцион таҳлил ёрдамида идентификация қилинади.

##### Генетик ва фенотипик хусусиятлар.

Қуйидаги синовлар ўтказилади.

– Векторнинг тўлиқ геноми ишлаб чиқариш сериясига мос келадиган пассажда секвенирланади ва таҳлил воситалари ёрдамида тасдиқланган кетма-кетлик вектор тузилиши ва мавжуд маълумотлар базасидан келиб чиққан ҳолда аниқланган назарий кетма-кетлик билан таққосланади.

– Рестрикцион ферментатив таҳлил асосий экиш материалнинг ДНК векторида, ҳар бир ишчи экиш материали ва ишлаб чиқариш сериясида ўтказилади. Вирусли ДНК ажратилади, тозаланади ва етарли даражада тўлиқ гидролизланади. Гидролизланган сегментлар гель электрофорези ёки капилляр электрофорез ёрдамида ажратилади, олинган рестрикцион намуналари векторнинг тузилиши асосида ҳисобланган назарий рестрикцион намуналар билан солиштирилади.

– Изоляция қилинган суб-клонларнинг мақбул сони ишлаб чиқариш сериясига мувофиқ келувчи пассажда генетик материал экспрессияси белгилари мавжудлиги ва биологик фаоллик бўйича текширилади. Экспрессиянинг ёки биологик фаолликнинг пастки даражаларидаги суб-клонлар аниқланса, қўшимча синовлар талаб қилинади.

**Вектор концентрацияси.** Асосий экиш материалида ва ҳар бир ишчи экиш материалида юқумли вируснинг титри ёки вектор зарралари концентрацияси аниқланади.

**Бегона агентлар (2.6.16).** Асосий экиш материалида ва ҳар бир ишчи экиш материалда бегона агентлар мавжуд бўлмаслиги керак.

**Репликацияга кодир аденовируслар.** Репликацияга кодир аденовируслар рекомбинант вирус ДНКси ва ёрдамчи реципиент ҳужайраларнинг геномига интеграцияланган аденовирус кетма-кетлиги ўртасидаги гомологик рекомбинацияси натижасида ҳосил бўлади.

Репликацияга кодир аденовирусларни аниқлаш вако-

латли орган билан келишилган ҳолда бунинг учун тегишли усул ёрдамида амалга оширилади. Одатда, бунинг учун вектордан чиқариб ташланган ген билан комплементацияга кодир бўлмаган хужайра-детекторлар сезгир линиясининг инфекцияцион фаоллигини аниқлаш қўлланилади. Вирус репликациясининг бошқа мақбул индикаторларидан фойдаланиш мумкин.

Агар синов намунасида репликацияга кодир аденовирусларнинг мавжудлиги тахмин қилинмаса, вектор тузилиши ва фойдаланиладиган хужайралар линиясидан келиб чиққан ҳолда камида 2, қўллаш имкони бўлса, 3 ёки 4 кетма-кетликда пассажлар амалга оширилади.

Пассажлар ниҳоясида кузатиладиган цитопатик таъсир, препарат таркибида репликацияга кодир аденовирусларнинг мавжудлигини аниқлатади. Ҳар бир таҳлилга усул сезгирлигининг мониторинги учун мусбат назоратлар киритилган.

Синов намунаси таркибида репликацияга кодир аденовирусларнинг мавжудлиги тахмин қилинса, детектор хужайралар линиясида пиллакча ҳосил қилиш ёки суюлтириш чегараси таҳлиллари ўтказилиши мумкин.

#### БИОМАССАНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ЙИҒИШ

Хужайралар банки ва кейинги хужайра культуралари билан боғлиқ барча жараёнлар бошқа хужайралар ёки векторлар билан бир вақтнинг ўзида жараёнлар амалга оширилмайдиган, контаминация даражаси мавжуд бўлмаган ҳудудда олиб борилади. Хужайра суспензиялари ва озукавий муҳит тайёрлашда қўлланиладиган ҳар қандай одам ёки ҳайвон организмидан олинган материал назорат қилинади. Хужайра культураларини кўпайтириш учун мўлжалланган муҳит таркибида рН-индикатори бўлиши мумкин, масалан, фенол қизили ва энг паст самара берувчи концентрацияда мос келувчи антибиотик бўлиши мумкин. Лекин ишлаб чиқариш таркибида антибиотик сақламайдиган хужайра культурасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Агар бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, пенициллин ёки стрептомицин бирон-бир технологик босқичда қўлланилмайди. Ишлаб чиқариладиган хужайра культураларининг бир қисми инфекцияланмаган хужайра культуралари сифатида фойдаланиш учун танлаб олинади.

Тозаланган биомассани тайёрлаш қуйида келтирилган талабларга жавоб берувчи ҳар бир айрим биомассалар қўлланилиши мумкин.

**Чинлиги.** Векторнинг чинлиги иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталарни амплификациялаш (NAT) (2.6.21) усули ёки рестрикция-ферментатив усуллар ёрдамида аниқланади.

**Вектор концентрацияси.** Биомассанинг ҳар бир партиясида векторнинг инфекцияцион титри ва вектор зарралар концентрацияси аниқланади.

**Бегона агентлар** (2.6.16). Биомассанинг ҳар бир партиясида бегона агентлар мавжуд бўлмаслиги керак.

**Назорат хужайралари.** Назорат хужайралари чинлигини аниқлаш (5.2.3) ва бегона агентлар мавжуд эмаслигини аниқлаш синовларидан ўтиши керак (2.6.16).

#### ТОЗАЛАНГАН БИОМАССА

Тозалаш босқичидан олдин биомассанинг бир неча партияси бирлаштирилиши мумкин. Аралашмалардан етарли даражада халос бўлишни тасдиқлаш мақсадида тозалаш жараёни валидацияланади. Тайёр кадокланмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қуйида келтирилган талабларга жавоб берадиган тозаланган биомассадан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Векторнинг чинлиги иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталарни амплификациялаш (NAT) усули (2.6.21) ёки рестрикция-ферментатив усуллар ёрдамида аниқланади.

**Геном яхлитлиги.** Векторли геномнинг яхлитлиги мувофиқ усуллар, масалан, рестрикция ферментатив таҳлил каби усул ёрдамида тасдиқланади.

**Вектор концентрацияси.** Биомассанинг ҳар бир партиясида инфекцияцион векторнинг титри ва вектор зарраларининг концентрацияси аниқланади.

**Хужайин хужайрасининг қолдиқ оксиллари.** Агар валидация жараёнида маҳсулотнинг керакли тозалаш даражасига эришилганлиги тасдиқланмаган бўлса, хужайин хужайраси қолдиқ оксилнинг концентрацияси тегишли иммунокимёвий усуллар (2.7.1) билан аниқланади.

**Хужайин хужайраси қолдиқ ДНКси.** Жараён валидацияси ёрдамида маҳсулотнинг керакли даражада тозаланганлиги тасдиқланмаган бўлса, хужайин хужайраси қолдиқ ДНКси миқдори бунинг учун мос усул ёрдамида аниқланади. Сезгирлиги ва маҳсултигини инобатга олган ҳолда миқдорий полимераза занжир реакцияси (PCR) тавсия этилади, шунингдек, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Қолдиқ реактивлар.** Ишлаб чиқариш жараёнида реактивлардан фойдаланилган ҳолларда, жараён валидацияси ёрдамида маҳсулотнинг керакли даражада тозаланганлиги тасдиқланмаган бўлса, тозаланган биомассада ушбу моддаларнинг мавжудлиги синовлари ўтказилади.

**Қолдиқ антибиотиклар.** Жараён валидацияси ёрдамида маҳсулотнинг керакли даражада тозаланганлиги тасдиқланмаган бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида антибиотиклар қўлланилган ҳолларда, уларнинг қолдиқ концентрацияси микробиологик усул (2.7.2. умумий усули билан мослаштирилган) ёки бошқа мос усуллар (масалан, суюқлик хроматографияси усули) билан аниқланади.

#### ТАЙЁР ҚАДОҚЛАНМАГАН МАҲСУЛОТ

Тайёр маҳсулотни тайёрлашдан олдин тозаланган биомассанинг бир неча партиясини бирлаштириш мумкин.

Стабилизатор ва бошқа қўшимча моддалар қўшилиши мумкин. Тайёр маҳсулотнинг стерилизацияловчи филтрланиши учратилиши мумкин.

Тайёр маҳсулотни олиш учун қуйидаги талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлатилади.

**Стериллик** (2.6.1). Маҳсулот стерил бўлиши керак.

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Қуйида баён этилган “Чинлиги”, “Миқдорий аниқлаш”, “Синовлар” бўлимларида қўрсатилган талабларга жавоб берадиган тайёр маҳсулот фойдаланиш учун чиқаришга рухсат берилади.

Қорамол зардобини албумини (агар вектор ишлаб чиқариш учун зардобдан фойдаланилса) ва репликацияга кодир аденовируслар мавжудлиги синовлари тайёр кадокланмаган маҳсулотда ижобий натижалар билан амалга оширилган бўлса, тайёр маҳсулот партиясида ушбу синовлар амалга оширилмайди.

**Чинлиги.** Векторнинг чинлиги иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталарни амплификациялаш (NAT) усули (2.6.21) ёки рестрикция-ферментатив таҳлил ёрдамида аниқланади.

#### СИНОВЛАР

**Осмолярлик** (2.2.35). Бу маълум бир дори воситаси

учун белгиланган меъёрий чегараларда бўлиши керак.

**pH (2.2.3).** Муайян препарат учун белгиланган меъёрий чегараларида бўлиши керак.

**Ажратиб олинадиган ҳажм (2.9.17).** Ажратиб олинадиган ҳажм талабларига жавоб бериши керак.

**Сув (2.5.12).** Лиофилизация қилинган препарат учун белгиланган меъёрларга мос келиши керак.

**Қорамол зардобини альбумини.** Агар ишлаб чиқариш жараёнида қорамол зардобидан фойдаланилса, у маълум бир дори воситаси учун белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак, ишлаб чиқариш жараёнида қорамол зардобини ишлатилган, ушбу мақсад учун мақбул иммунокимёвий усул (2.7.1) ёрдамида аниқланади.

**Репликацияга қодир аденовирус концентрацияси.** Муайян дори воситаси учун белгиланган меъёр доирасида бўлиши керак.

**Вектор агрегатлари.** Вектор агрегатлари ушбу учун мақбул усул билан аниқланади (масалан, ёруғлик тарқалиши).

**Стериллик (2.6.1).** Стерил бўлиши керак.

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14).** Маълум бир препарат учун белгиланган меъёр миқдоридан камроқ.

**Термик барқарорлик.** Вектор тайёр маҳсулоти партияси намуналари маълум бир препарат учун белгиланган ва тасдиқланган ҳароратда ва вақт давомида сақланади. Иситилгандан сўнг инфекция векторнинг умумий концентрацияси “Микдорий аниқлаш” бўлимида тавсифланган усулга мувофиқ аниқланади. Параллель синовларда, иситилмаган намунадаги векторнинг концентрацияси аниқланади. Иситилмайдиган намуна ва иситиладиган намуналарнинг вектор концентрациясида аниқланган фарқ маълум бир дори воситаси учун белгиланган меъёрий чегарада бўлиши керак.

## МИКДОРИЙ АНИҚЛАШ

**Вектор зарраларининг концентрацияси.** Физик титрлаш мос усул ёрдамида амалга оширилади (масалан, суюқлик хроматографияси, нур ютиш қийматини ўлчаш ёки нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21)). Ҳар бир синовнинг валидацияси учун тегишли вектор стандарт намунаси ишлатилади. Синов намунасидаги вектор зарраларининг концентрацияси ёрликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

**Инфекцион вектор титри.** Синов намунасининг титри унинг хужайра культурасига киритилгандаги таъсири орқали аниқланади. Ҳар бир синовни валидация қилиш учун векторнинг тегишли стандарт намунасида фойдаланилади.

Қуйидаги ҳолларда синов натижалари ишончли бўлмайди:

- вектор концентрациясининг логарифмига бўлган ишонч оралиғи ( $P = 0,95$ ) тегишли ваколатли орган томонидан белгиланган меъёрдан катта бўлса;

- стандарт намунадаги инфекция вектор титри назорат графигида кўрсатилган қийматлардан ошиб кетса.

**Вектор зарралари концентрациясининг инфекция вектор титрига нисбати.** Маълум бир препарат учун белгиланган меъёрга мос келиши керак.

**Генетик материалнинг маҳсулотдаги экспрессияси.** Генетик материал (лар)нинг маҳсулотдаги экспрессияси имкони бўлган ҳолларда, олдиндан белгиланган инфекцияловчи дозада препаратни хужайра культурасига киритишдан сўнг тегишли иммунокимёвий (2.7.1) ёки биокимёвий миқдорий аниқлаш усуллари, шунингдек, оқимли цитометрия (2.7.24) усулидан

фойдаланган ҳолда аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Агар бошқа талаб асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, биологик фаоллик тегишли *in vitro* ёки *in vivo* синов усулларида аниқланади.

## ЁРЛИҚЛАШ

Ёрликда қуйидагилар кўрсатилади:

- фаол модданинг таркиби;
- вектор зарралари концентрацияси бирликларида ифодаланган тавсия этилган терапевтик доза;
- лиофилизацияланган препаратлар учун;
- дори эритмаси олинадиган эритувчининг номи ва ҳажми;
- эритилганидан сўнг препаратни қўллаш даври.

## ТИББИЙ МАҚСАДЛАРДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ПОКСВИРУС ВЕКТОРЛАР

### ТАЪРИФ

Тиббий мақсадларда қўлланиладиган поксвирус векторлар генетик материални инсоннинг соматик хужайраларига *in vivo* ёки *ex vivo* ўтказишга имкон берувчи генетик модификацияланган рекомбинант поксвирусларнинг лиофилизацияланган шаклдаги ёки суюқ препаратлари сифатида ишлаб чиқарилади.

### ИШЛАБ ЧИКАРИШ

#### ВЕКТОР КОНСТРУКЦИЯСИ

Ҳозирги вақтда поксвирус векторининг умумий дизайни қуйидаги кўринишда ифодаланади: генетик материал поксвирус кўзгатувчиси йўналишида киритилади. Ушбу экспрессия кассетаси поксвирус геномига шундай киритиладики, бунда у репликация учун муҳим бўлмаган вирус генини узади ёки санаш учун очик бўлган вируснинг иккита рамкалари орасига жойлаштирилган.

Шу тарзда ишлатиладиган қатор векторлар қурилиши стратегиясида экспрессия кассетаси биринчи навбатда бактериал плазмадада клонланган вирус ДНКси сайтининг мақсадли фрагменти орасига жойлаштирилади. Кейин плазмада *in vitro* ўстириш билан бир вақтнинг ўзида асл поксвирус юктирилган қабул қилувчи хужайрага киритилади. ДНК рекомбинацияси инфекцияланган хужайраларда кечиб, вирусли геномдаги гомологик кетма-кетлик ва плазмададаги вирусли кетма-кетликда содир бўладики, ушбу ёндашув генетик материалнинг вирусли геномнинг мақсадли сайтига киритилишини таъминлайди. ДНКнинг геномга киритилишининг тўғрилиги рестрикция харитаси, нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21) ва секвенирлаш усуллари билан текширилади. Рекомбинант поксвирусларни оналик ва поксрекомбинант вируслар аралашмасидан ажратиш учун пиллачка ҳосил қилувчи клонлашнинг босқичма-босқич жараёнлари амалга оширилади. Асл вирус билан аралаштирилган рекомбинант поксвирусни таниб олиш ва ёки танлашни осонлаштириш учун бир қатор усуллар қўлланилади (масалан, бегона маркер-генлари, ДНКнинг гибридлашиши, иммунологик детекция, вируснинг фенотипик ўзгариши). Бу мақсадлар вақтинчалик бегона ген-маркерлари қўлланилган ҳолларда, улар кейинчалик рекомбинант вируснинг якуний геномидан олиб ташланади.

Поксвирус вектори ишлаб чиқаришнинг альтернатив

стратегияси экспрессия кассетасини танланган мақсад сайтига жойлаштириш орқали бутун вирус геномини олдиндан *in vitro* яратишдан иборат. Кейин ушбу рекомбинант геном хўжайин хужайрасига киритилади ва бир вақтнинг ўзида кўпайишга қодир бўлмаган ёрдамчи поксвирус билан юктирилади. Кўмакчи вирус кўпайиш қобиляти йўқотилган худди шундай турдаги поксвирус ёки хўжайин хужайрасида кўпаймайдиган бошқа тур поксвируси бўлиши мумкин.

Репликация қилинмайдиган поксвирус векторларининг конструкцияси махсус хўжайин хужайралар линияси хоссалари ёки табиатига кўра, вирусларга чидамли бўлган бирламчи хужайралар ёки поксвирус генининг талаб қилинадиган экспрессияси учун модификацияланган хўжайин хужайра линияларининг хоссаларига боғлиқ. Ушбу хужайралар (5.2.3) дори воситаларини ишлаб чиқаришда асосий талабларнинг бажарилишини таъминлайди ва репликация векторлари кўпайишининг олдини олади.

#### ВЕКТОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Векторларни ишлаб чиқариш усуллари талаб қилинган сифатли векторнинг доимий олиншини таъминлаши кўрсатилиши керак. Агар бошқача талаб асосланмаган ва рухсат этилган бўлса, тайёр маҳсулотдаги векторнинг эталон хужайралар партиясидан амалга ошириладиган пассажлари самарадорлиги ва хавфсизлиги клиник синовларда исботланган вектор пассажларига нисбатан кўпроқ бўлмаслиги керак. Ишлаб чиқаришда қўлланилган пассажларнинг максимал ёки кам миқдорда олинган векторнинг генетик ва фенотипик барқарорлиги учун яроқли усуллар билан баҳоланади.

#### ВЕКТОРНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН ХУЖАЙРА-ПРОДУЦЕНТЛАР

Вектор асептик шароитда одам диплоид хужайраларида (5.2.3), доимий кўпайтириладиган хужайралар линиясида (5.2.3) ёки специфик патоген микрофлоралардан ҳоли бўлган жониворлар галасидан олинган товук эмбриони хужайралари культурасида кўпайтирилади (5.2.2). Агар вектор доимий кўпайтириладиган хужайра линиясида ёки одам диплоид хужайраларида кўпайтирилса, хужайраларнинг банк тизими яратилади.

#### КЎПАЙТИРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛ

Векторни ишлаб чиқариш экиш материали тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Поксвирус линияси векторни олиш маълумотлари ёрдамида, шу жумладан, унинг келиб чиқиши ва кейинги жараёнлар ҳақидаги, хусусан, модификацияланган ёки чиқарилган соҳалари тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида идентификация қилинади. Генетик материал ва конструкция бўлаклари назорати учун фойдаланиладиган, жумладан, нуклеотидлар кетма-кетлигининг батафсил баёни аниқланган. Генетик материални векторга киритиш усули баён этилган. Векторни ишлаб чиқиш учун қуйидаги келтирилган талабларга жавоб берадиган экиш материалдан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Вектор асосий экиш материали ва ҳар бир ишчи экиш материали намуналарида иммунокимёвий усуллар (2.7.1) ёки нуклеин кислоталар амплификацияси усуллари (2.6.21) ёрдамида аниқланади.

#### Генетик ва фенотипик хусусиятлар.

Қуйида келтирилган синовлар ўтказилади:

– Векторнинг тўлиқ геномлари ишлаб чиқариш сериялари пассажларига мос келувчи пассажларда секвенир-

ланади, воситалар ёрдамида тасдиқланган кетма-кетлик вектор конструкцияси ва мавжуд маълумотлар базаси асосида аниқланган назарий кетма-кетлик билан таққосланади.

– Рестрикцион ферментатив таҳлил асосий экиш материали, ҳар бир ишчи экиш материалида ва ишлаб чиқариш серияси ва вектор ДНКсида бажарилади. Вирус ДНКси ажратиб олинади, тозаланади ва тегишли даражада гидролизланади. Гидролизланган сегментлар гелда электрофорез ёки капилляр электрофорез ёрдамида ажратилади, ҳосил бўлган рестрикцион моделлар вектор конструкцияси бўйича ҳисобланган назарий рестрикцион моделлар билан таққосланади.

– Изоляция қилинган суб-клонларнинг мақбул миқдори генетик материалнинг экспрессия белгилари мавжудлигига ва ишлаб чиқариш сериялари даражасидаги биологик фаолликка текширилади. Пастроқ даражадаги экспрессия ва биологик фаолликка эга субклонларнинг кейинги тавсифланиши талаб этилади.

– Хўжайин хужайраларнинг рухсат этилган ўзгарувчанлиги векторнинг репликацион хусусиятларини тасдиқлаш ва ишлаб чиқариш сериясига мувофиқ пассажадаги мос келадиган бирламчи вирус хоссалари билан солиштириш орқали баҳоланади.

**Инфекцион вирус титри.** Инфекцион вирус титри асосий экиш материали ва ҳар қайси ишчи экиш материалда аниқланади.

**Бегона агентлар (2.6.16).** Асосий экиш материали ва ҳар бир ишчи материалда бегона агентлар бўлмаслиги лозим, бироқ цитопатик штаммлар нейтралланмаган ёки вектор бузилишлар қақариши ҳолатлари бундан мустасно. Агар синовни ўтказиш имкони бўлмаса, муқобил валидацияланган услубдан фойдаланишга рухсат этилади.

#### БИОМАССАНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ЙИГИШ

Хужайра банклари ва хужайра культуралари билан амалга ошириладиган барча жараёнлар контаминацияланишининг мақбул даражаси ва бир вақтнинг ўзида бошқа хужайралар ёки векторлар билан иш олиб борилмайдиган ҳудудда амалга оширилади. Хужайра суспензияларини ва озуқа муҳитларини тайёрлашда ишлатиладиган инсон ёки ҳайвонлардан олинган барча материаллар назорат қилинади. Хужайра культураларини кўпайтириш учун мўлжалланган муҳит таркибида pH-индикатори бўлиши мумкин. Масалан, фенол қизили ва энг паст самара берувчи концентрацияда мос келувчи антибиотик бўлиши мумкин. Лекин ишлаб чиқаришда таркибида антибиотик сақламайдиган хужайра культурасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Агар бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, пенициллин ёки стрептомицин бирон-бир технологик босқичда қўлланилмайди. Ишлаб чиқариладиган хужайра культураларининг бир қисми инфекцияланмаган хужайра культуралари сифатида фойдаланиш учун танлаб олинади.

Қуйидаги талабларга жавоб берадиган ҳар бир партия тозаланган биомассани тайёрлашда ишлатилиши мумкин.

**Чинлиги.** Вектор иммунокимёвий усуллар (2.7.1) ёки нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21) усули ёрдамида аниқланади.

**Инфекцион векторнинг титри.** Инфекцион векторнинг титри ҳар бир биомасса партияларида аниқланади.

**Бегона агентлар (2.6.16).** Ҳар бир биомасса партияларида бегона агентлар бўлмаслиги лозим, бироқ

цитопатик штаммлар нейтралланмаган ёки векторнинг бузилишлар чакириши ҳолатлари бундан мустасно. Агар синовни ўтказиш имкони бўлмаса, муқобил валидацияланган усулдан фойдаланишга рухсат этилади.

**Назорат хужайралари.** Агар ишлаб чиқариш учун одам диплоид хужайралари ёки трансплантация қилинадиган хужайра линиясидан фойдаланилса, назорат хужайралари чинликни аниқлаш синов талабларига жавоб бериши керак (5.2.3). Хужайралар бегона агентлар сақламаслиги керак (2.6.16).

#### ТОЗАЛАНГАН БИОМАССА

Жараёнлар асептик шароитда олиб борилади. Бир неча биомассалар партияси тозалаш жараёнидан олдин бирлаштирилиши мумкин. Биомасса аввал хужайраларни олиб ташлаш йўли билан, қўллаш мумкин бўлган ҳолларда валидацияланган усулларда тозаланади. Қадоқланмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришда қуйида кўрсатилган талабларга мувофиқ келувчи тозаланган биомасса ишлатилади.

**Чинлиги.** Вектор иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21) усуллари ёрдамида аниқланади.

**Геномнинг яхлитлиги.** Геномнинг яхлитлиги мувофиқ усуллар билан, масалан, рестрикция ферментатив таҳлил усули билан тасдиқланади.

**Инфекцион вектор титри.** Биомассанинг ҳар бир партиясида инфекцион вектор титри аниқланади.

**Юқумли вектор титрининг умумий оксил концентрациясига нисбати.** Умумий оксил концентрацияси мувофиқ усулда аниқланади. Юқумли вектор титрининг умумий оксил концентрациясига нисбати ҳисобланади.

**Хўжайин-хужайранинг оксил қолдиғи.** Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг исталган тозалик даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса, хўжайин-хужайра оксили қолдиғи концентрацияси қуйидаги иммунокимёвий усул (2.7.1) ёрдамида аниқланади.

#### Хўжайин-хужайранинг ДНК қолдиғи.

Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг исталган тозалик даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса, хўжайин-хужайра ДНК қолдиғи миқдори ушбу мақсад учун мақбул усулда аниқланади. Сизгирлиги ва маҳсултигини инобатга олган ҳолда миқдорий полимераза занжир реакцияси (PCR) усулидан фойдаланиш тавсия этилади, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Қолдиқ реактивлар.** Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг исталган тозалик даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнида реактивлардан фойдаланилса, бу моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш тозаланган биомассаларда олиб борилади, агар валидациялаш жараёни талаб этилган маҳсулотнинг талаб даражасига эришиш кўрсатилмаган бўлса.

**Қолдиқ антибиотиклар.** Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг исталган тозалик даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида антибиотиклар қўлланилса, уларнинг қолдиқ концентрациялари микробиологик усул (мослаштирилган умумий усул 2.7.2) ёки бошқа мос келувчи усуллар ёрдамида (масалан, суяқлик хроматографияси) аниқланади.

#### ТАЙЁР ҚАДОҚЛАНМАГАН МАҲСУЛОТ

Тайёр маҳсулотни тайёрлашдан аввал тозаланган биомассаларнинг бир неча партияси бирлаштирилиши мумкин. Стабилизаторлар ва бошқа ёрдамчи моддаларни қўшиш мумкин. Тайёр препаратни олиш учун қуйида

келтирилган талабларга мос келувчи маҳсулотдан фойдаланилади.

**Стериллик.** Маҳсулот стерил бўлиши керак (2.6.1).

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Тайёр маҳсулот қуйида баён этилган “Чинлик”, “Миқдорий таҳлил”, “Синов” ва бўлимларда келтирилган талабларга жавоб берганда фойдаланиш учун чиқаришга рухсат берилади. Агар қорамол зардоби альбумини мавжудлигини текшириш (агар у векторни ишлаб чиқаришда фойдаланилса) тайёр қадоқланмаган маҳсулотда ижобий натижа билан олиб борилган бўлса, у ҳолда ушбу синов тайёр маҳсулотни назорат қилиш пайтида ўтказилмаслиги мумкин.

#### ЧИНЛИГИ

Вектор иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталарнинг амплификация (NAT) усуллари (2.6.21) ёрдамида аниқланади.

#### СИНОВ

**Осмолярлик** (2.2.35). Бу аниқ препарат учун белгиланган меъёр чегарасида бўлиши керак.

**pH** (2.2.3). Муайян препарат учун белгиланган меъёр чегарасида бўлиши керак.

**Ажратиб олинган ҳажм** (2.9.17). Ажратиб олинган ҳажм синов талабларига мос келиши керак.

**Сув** (2.5.12): маълум лиофилизацияланган перепарат учун белгиланган меъёрга мос келади.

**Қорамол зардоби альбумини.** Муайян препаратга белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак. Агар ишлаб чиқариш жараёнида қорамол зардоби ишлатилса, ушбу мақсад учун мақбул иммунокимёвий усул (2.7.1) ёрдамида аниқланади.

**Стериллик** (2.6.1). Стерил бўлиши керак.

**Бактериал эндотоксинлар** (2.6.14). Маълум бир препарат учун белгиланган меъёрдан камроқ.

**Термик барқарорлик.** Вектор тайёр маҳсулоти партияси намуналари маълум бир препарат учун белгиланган ва тасдиқланган ҳароратда ва вақт давомида сақланади. Иситилгандан сўнг инфекцион векторнинг умумий концентрацияси “Миқдорий аниқлаш” бўлимида тавсифланган усулга мувофиқ аниқланади. Параллель синовларда, иситилмаган намунадаги векторнинг концентрацияси аниқланади. Иситилмаган намуна ва иситилган намуналарнинг вектор концентрациясида аниқланган фарқ маълум бир дори воситаси учун белгиланган меъёрий чегарада бўлиши керак.

#### МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

**Инфекцион вектор титри.** Камида 3 флакондаги синалаётган препарат титрланади ва хужайра културасига киритилади. Ҳар бир синовнинг валидацияси учун мос келувчи вектор стандарт намунаси флаконларининг титри қўлланилади. Синалаётган препарат титри ёрликда кўрсатилган титрдан кам бўлмаслиги керак.

Синов натижалари ҳақиқий ҳисобланмайди, агар:

– вектор концентрацияси логарифмининг ишончли интервали ( $P - 0,95$ ) ваколатли орган томонидан ўрнатилган нормадан юқори бўлса;

– стандарт намунасидаги юқумли вектор титри назорат жадвалида кўрсатилган қийматлардан ошиб кетса.

**Маҳсулотдаги генетик материалнинг экспрес-**

**сияси.** Маҳсулотдаги генетик материал (лар) экспрессияси, имкони бўлган ҳолда, олдиндан аниқланган инфекцияловчи дозада препарат синалаётган хужайра културасига киритилганидан сўнг мақбул миқдорий иммунокимёвий (2.7.1) ёки биокимёвий ёки оқувчан цитометрия (2.7.24) усулларида аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Агар бошқа талаб асосланмаган ва рухсат этилган бўлса, биологик фаоллик мувофиқ *in vitro* ёки *in vivo* синовлари ёрдамида аниқланади.

#### ЁРЛИҚЛАШ

Ёрликда куйидагилар кўрсатилади:

- бир дозадаги векторнинг минимал титри;
- тавсия этиладиган терапевтик доза;
- лиофилизацияланган препаратлар учун;
- препарат эритмасини олишда фойдаланилган эритувчининг номи ва ҳажми;
- эритилганидан кейин препаратни қўллаш даври.

#### ТИББИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН РЕТРОВИРУСЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ ВЕКТОРЛАР

#### ТАЪРИФ

Тиббий мақсадларда қўлланиладиган рекомбинант ретровирус векторлар бу генетик материални одамнинг соматик хужайраларига *in vivo* ёки *ex vivo* усуллари ёрдамида ўтказиш учун фойдаланиладиган, уларнинг репликацияланиш хоссаларини бартараф этиш учун генетик модификацияланган рекомбинант ретровируслар, лентивируслар ёки спумаивирусларнинг суюқ ёки лиофилизацияланган препаратлари. Ушбу бўлим репликатив бўлмаган векторларга нисбатан қўлланилади.

#### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

##### ВЕКТОР КОНСТРУКЦИЯСИ

Типик вектор куйидагиларни сақлайди:

- вектор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган структуравий генетик элементларни сақловчи бошланғич вирусларнинг минимал геноми;
- мақсадли генетик материал экспрессияси учун зарур бўлган тартибга солувчи генетик элементлар (масалан, охириги узун тақроқланишлар (LTRs));
- мақсадли киритилган генетик материал.

Вектор конструкцияси репликацияга кодир вирусларнинг вужудга келишини олдини олиши керак.

##### ВЕКТОРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Векторларни ишлаб чиқариш усуллари мувофиқ сифатли векторларни узлуксиз олишни таъминлаши кўрсатилиши лозим. Агар бошқа талаб асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, қадоклаш хужайралари ёки продуцент хужайралар асосий хужайралар банкидан (МСВ) самарадорлиги ва хавфсизлиги клиник тадқиқотларда исботланган, вектор олиш учун ишлатиладиган хужайраларга нисбатан кўпроқ бўлинмаслиги керак. Қадокловчи хужайралар ёки продуцент хужайраларнинг ишлаб чиқаришда қўлланиладиган максимал ёки ундан ортиқ бўлинишидаги генетик ва фенотипик барқарорлиги хужайранинг максимал ёки кам миқдорда бўлиниши тегишли усул билан баҳоланади. Вектор хужайралар банк тизимидан фойдаланган ҳолда доимий кўпаядиган хужайра линиясидан (5.2.3) олинади. Ишлаб чиқаришда

доимий ёки вақтинча кўчириб ўтказиладиган хужайралардан фойдаланиш мумкин.

#### ТАЪРИФЛАР

**Қадоклаш хужайралари:** бўш вектор зарраларини ишлаб чиқариш зарур бўлган вирус генларини сақловчи плазмидалар билан доимий трансфекцияланган бошланғич хужайра линияси: *GAG, POL, ENV*.

**Продуцент (ҳосил қилувчи) хужайралар:** вектор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган экспрессион кассеталар ва вирус генларини сақлайди.

– Узлуксиз ишлаб чиқариш тизимида продуцент хужайралар зарур кетма-кетликни ўз ичига олган плазмидалар ёрдамида қадоклаш хужайра линиясини барқарор трансфекциялаш йўли билан олинади.

– Вақтинчалик ишлаб чиқариш тизимида продуцент хужайралар ишлаб чиқариш жараёнида бирламчи хужайра линиясининг бир вақтнинг ўзида вирус генлари ва трансген экспрессия плазмидаси билан трансфекцияланиши ёки зарур кетма-кетликни сақловчи трансмиссия плазмидаси билан вақтинча трансфекциялаш орқали ҳосил бўлади.

#### ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

##### Қадоклаш хужайралари

**Нусха рақами.** Хужайраларнинг маълум миқдоридан ДНК геноми ва *gag, pol* ва *env* генлар ажралиб чиқади ва тозаланади. Нусха рақами ушбу мақсад учун мақбул бўлган, масалан, миқдорий ПЗР (2.6.21) усули ёрдамида аниқланади.

**Вирус генлари кетма-кетлигининг яхлитлиги.** Киритилган вирус генлари ва уларни тартибга солувчи элементларни тўлиқ секвенирлаш олиб борилади.

**Генетик барқарорлик.** Қадоклаш хужайраларининг генетик барқарорлиги векторни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хужайраларнинг максималдан ёки максималдан юқори миқдорида бўлиниши билан тасдиқланади.

##### Плазмидалар

Векторни ишлаб чиқариш оралиқ плазмидадан фойдаланишни талаб қилади. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳар бир плазида ДНКси учун тўлиқ тавсиф, жумладан, идентификация, олинган манба, ажратиб олиш усуллари ва нуклеотидлар кетма-кетлиги келтирилади. Ушбу плазмидалар таркибий қисмларининг манбаи ва функциялари, масалан, репликациянинг келиб чиқиши, вирус ва эукариотик промотерлар, селектив маркерларни кодловчи генлар хужжатлаштирилади.

Оралиқ плазмидалар ишлаб чиқариш бактериал хужайра банки тизимида асосланган. Асосий хужайра банки “Тиббиётда қўлланиладиган плазида векторларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бактериал хужайралар” бўлимида келтирилган талабларга жавоб бериши керак. Плазмидалар мос келувчи усуллар ёрдамида тозаланади.

Вектор ишлаб чиқаришда фақатгина куйида келтирилган талабларга жавоб берадиган плазмидалар сериясидан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Плазмидалар рестрикцион ферментатив таҳлиллар, секвенирлаш ёки нуклеин кислоталар амплификацияси (NAT) усуллари (2.6.21) ёрдамида аниқланади.

**Геномнинг яхлитлиги.** Плазида геномлари яхлитлиги мос келувчи усуллар, масалан, вирус генларининг,

киритилган генетик материаллар ва мос равишда уларни тартибга солувчи элементларнинг рестрикцион фермент тахлили билан тасдиқланади.

**Плазмида ДНКси.** Қуйидаги кўрсатмалар мисол сифатида келтирилган. ДНКнинг 500 нг/мл дан юқори концентрацияси 260 нм да ютиш катталигини ўлчаш орқали аниқланади. Икки халқали ДНКнинг 50 мкг/мл концентрацияли эритмасининг ютилиш киймати 1 га тенг (нисбий ютилиш 200).

500 нг/мл дан кам бўлган концентрациядаги ДНК микдори флуоресцент бўёғи билан инкубациялангандан сўнг аниқланиб, флуоресцент бўёғи икки халқали ДНК билан танлаб боғланади, шунингдек, калибрлаш чизигини тузиш учун ДНК стандарт намунасида фойдаланилади.

Шунингдек, плазмида ДНКси концентрациясини аниқлаш учун стандарт намунадан фойдаланган ҳолда суюқлик хроматографияси усули қўлланилади. Айрим ҳолларда капилляр электрофорез усулидан ҳам фойдаланилади.

**Хўжайин хужайранинг ДНК қолдиғи.** Жараён валидациясида маҳсулотнинг талаб даражасидаги тозаллигига эришилиши исботланмаган бўлса хўжайин хужайра ДНК қолдиғи микдори мувофиқ усул ёрдамида аниқланади. Сизгирлиги ва махсулигини инобатга олган ҳолда ушбу мақсад учун микдорий полимераза занжир реакцияси (PCR) усули тавсия этилади, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14):** Маълум бир препарат учун белгиланган микдор меъёридан камроқ.

**Стериллик.** (2.6.1). Плазмида стерил бўлиши керак. Барқарор ишлаб чиқариш тизимида фойдаланиладиган продуцент хужайралар.

**Нусха раками.** Интеграцияланган вирус генлари ва экспрессион кассеталарнинг нусха раками ушбу мақсад учун мувофиқ усулда аниқланади.

**Генетик барқарорлик.** Продуцент хужайраларнинг генетик барқарорлиги ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хужайралар бўлинининг максимал ёки максималдан юқори микдори даражасида тасдиқланади.

**Вирус генлари ва экспрессия кассетаси кетма-кетлигининг яхлитлиги.** Кирилган вирус генлари, экспрессия кассетаси ва уларни тартибга солувчи элементларни (масалан, узун охири такрорланишлар (LTRs), промоутерлар, psi кетма-кетлик, полиадениллаш сигнали) тўлиқ секвенирлаш амалга оширилади.

**Репликационга қодир вируслар.** Репликацияга қодир вирусларни аниқлаш ушбу мақсадга мувофиқ келувчи усул ёрдамида амалга оширилади. Детекция усули бир неча кетма-кетликда кўпайган продуцент хужайралар культурасини рухсат берувчи хужайра линияси билан биргаликда кўпайтиришдан кейинги репликацияни аниқлашга асосланган (ёки вируснинг PG4 S+L- турдаги индикатор хужайраларига цитопатик ёки гемоадсорбцион таъсири мавжудлиги ёки индикатор хужайра линияларини қўллаш ва нуклеин кислоталар амплификацияси (NAT) (2.6.21) ёки маркернинг ажралиб чиқишини микдорий аниқлаш усули). Ҳар бир аниқлашда усул сезгирлигининг мониторинги учун мусбат назорат қўшилади. Репликацияга қодир вируслар мавжуд бўлмаслиги керак.

#### БИОМАССАНИ КУЛЬТИВАЦИЯЛАШ ВА ЙИГИШ

Хужайра банки ва кейинги хужайра культуралари билан боғлиқ барча жараёнлар бир вақтнинг ўзида бошқа хужайралар ёки векторлар билан ишланмайдиган, конта-

минация даражаси мақбул бўлган ҳудудда олиб борилади. Хужайра суспензиялари ва озуқа муҳити тайёрлашда фойдаланиладиган одам ёки ҳайвон организмидан олинган ҳар қандай материал назорат қилинади. Ишлаб чиқариш жараёнида имкон қадар таркибида антибиотик сақламайдиган субстрат ишлатилиши керак. Агар бошқа талаб асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, бирон-бир технологик босқичда пенициллин ёки стрептомициндан фойдаланилмайди.

Биомасса партияси қуйида кўрсатилган талабларга мос келса, унинг кейинги тозалаш босқичи олиб борилади.

**Чинлиги.** Вектор иммунохимёвий усуллар, нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (NAT) (2.6.21) усуллари ёки рестрикцион ферментатив таҳлиллар ёрдамида аниқланади.

**Вектор концентрацияси.** Биомассанинг ҳар бир партиясида инфекция вектор титри ва/ёки вектор заррачалар концентрацияси аниқланади.

**Бегона агентлар.** Ҳар бир биомассалар партиясида бегона агентлар бўлмаслиги лозим (2.6.16).

**Назорат хужайралари.** Назорат хужайралари чинлигини аниқлаш (5.2.3) ва таркибида бегона агентлар (2.6.16) мавжуд бўлмаслиги синовлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

#### ТОЗАЛАНГАН БИОМАССА

Бир неча биомассалар партияси тозалаш жараёнидан олдин бирлаштирилиши мумкин. Қадокланмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришда қуйида келтирилган талабларга мувофиқ келувчи тозаланган биомассадан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Вектор иммунохимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталар амплификацияси (2.6.21) усуллари) ёки рестрикцион-ферментатив таҳлил ёрдамида аниқланади.

**Геномининг бутунлиги.** Вектор геномининг бутунлиги мос келувчи усул орқали баҳоланади.

**Вектор концентрацияси.** Биомассанинг ҳар бир партиясида инфекция заррачалар титри мос келувчи усул ёрдамида аниқланади, масалан, рухсат берувчи хужайраларни инфекциялашдан сўнг нуклеин кислоталарнинг амплификациясини (масалан, микдорий ПЗР) микдорий аниқлаш усули. Саузерн блот ёки экспрессияланган оксилларни аниқлаш. Лентивирус векторлар учун физик титр, масалан, қаттиқ фазада имунофермент таҳлил (ELISA) ёрдамида аниқланади (р24).

**Репликацияга қодир вируслар.** Репликацияга қодир вирусларни аниқлаш мос келувчи усул ёрдамида олиб борилади. Қоидага қўра, бунинг учун рухсат берувчи хужайраларда амплификациядан сўнг нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21), вирус антигенини аниқлаш ёрдамида (масалан, ELISA р24 усули) ёки ажралиб чиққан маркерларнинг микдорий таҳлили қўлланилади. Ҳар бир аниқлашда усул сезгирлиги мониторинги учун мусбат назоратлар қўйиш талаб қилинади.

Синов тозаланган биомассада ёки тайёр маҳсулотда олиб борилади. Репликацияга қодир вируслар мавжуд бўлмаслиги керак.

#### Хўжайин хужайра оксили қолдиғи.

Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг тегишли тозалаш даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса хўжайин хужайра оксили қолдиғи концентрацияси мақбул иммунохимёвий усул (2.7.1) ёрдамида аниқланади.



#### Хўжайин хужайра ДНКси қолдиғи.

Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг тегишли тозалаш даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса хўжайин хужайра ДНКси қолдиғи миқдори мақбул усул ёрдамида аниқланади. Сизгирлиги ва маҳсулигини инобатга олиб, миқдорий полимераза занжир реакцияси (PCR) усули ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин.

**Қолдиқ реактивлар.** Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг тегишли тозалаш даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида реактивлардан фойдаланилган ҳолларда ушбу моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш тозаланган биомассаларда олиб борилади.

**Қолдиқ антибиотиклар.** Жараён валидацияси пайтида маҳсулотнинг тегишли тозалаш даражасига эришилганлиги кўрсатилмаган бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида антибиотиклардан фойдаланилган ҳолларда уларнинг қолдиқ концентрациялари микробиологик усул ёрдамида (мослаштирилган умумий усул 2.7.2) ёки бошқа тегишли усуллар орқали (масалан, суюклик хроматографияси) аниқланади, агар валидациялаш жараёни талаб этилган маҳсулотнинг талаб даражасига эришиш кўрсатилмаган бўлса.

#### Плазмидаларнинг қолдиқлари

Вақтинча ишлаб чиқариш жараёни қўлланилганда ёт аралашмалар сифатида плазмидаларнинг рухсат этилган қолдиқлари концентрациясида аниқланади.

#### ТАЙЁР ҚАДОҚЛАНМАГАН МАҲСУЛОТ

Тайёр маҳсулотни тайёрлашдан аввал тозаланган биомассаларнинг бир неча партиясини бирлаштириш мумкин. Стабилизаторлар ва бошқа ёрдамчи моддалар қўшилиши мумкин. Тайёр маҳсулот филтрлаш усули билан стерилизацияланади. Тайёр препаратни олиш учун қуйида келтирилган талабларга мувофиқ келувчи маҳсулотдан фойдаланилади.

**Стериллиги.** Маҳсулот стерил бўлиши керак.

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

“Чинлик”, “Миқдорий аниқлаш”, “Синов” ва бошқа бўлимларда келтирилган талабларга жавоб берувчи тайёр маҳсулот фойдаланиш учун чиқаришга рухсат берилади. Агар қорамол альбумин зардобининг мавжудлигини текшириш (агар у векторни ишлаб чиқаришда фойдаланилса) ижобий натижа билан тайёр қадокланмаган маҳсулотда олиб борилган бўлса, у ҳолда улар тайёр маҳсулот ушбу кўрсаткич бўйича назорат қилиш синовидан ўтказилмаслиги мумкин.

#### ЧИНЛИГИ

Ретровирус векторларнинг чинлиги иммунохимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталарнинг амплификация усуллари (2.6.21) ёки рестрикцион ферментатив таҳлил ёрдамида аниқланади.

#### СИНОВ

**Осмолялик** (2.2.35). Бу аниқ препарат учун белгиланган меъёр чегарасида бўлиши керак.

**рН** (2.2.3). Муайян препарат учун белгиланган меъёр чегарасида бўлиши керак.

**Ажратиб олинган ҳажм** (2.9.17). Ажратиб олинган ҳажм синов талабларига мувофиқ келиши керак.

**Қолдиқ намлик** (2.5.12). Маълум лиофилизацияланган перепаратлар учун белгиланган меъёрга мос келиши керак.

лиши керак.

**Қорамол зардобини альбумини.** Маълум препарат учун белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак, агар ишлаб чиқариш жараёнида қорамол зардобидан фойдаланилса, ушбу мақсад учун мақбул иммунохимёвий усул (2.7.1) ёрдамида аниқлаш яроқли ҳисобланади.

**Репликацияга қодир вируслар.** Репликацияга қодир вирусларни аниқлаш мос келувчи усул ёрдамида амалга оширилади. Қоидага кўра, бунинг учун рухсат берувчи хужайраларда амплификациядан сўнг нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21), вирус антигенини аниқлаш ёрдамида (масалан, ELISA p24 усули) ёки ажралиб чиққан маркерларнинг миқдорий таҳлили қўлланилади. Ҳар бир аниқлашда усул сезгирлиги мониторинги учун мусбат назоратлар қўйиш талаб қилинади.

Синов тозаланган биомассада ёки тайёр маҳсулотда олиб борилади. Репликацияга қодир вируслар мавжуд бўлмаслиги керак.

**Стериллик** (2.6.1). Стерил ҳолатда бўлиши керак.

**Бактериал эндотоксинлар** (2.6.14). Миқдорий таркиб учун белгиланган меъёр миқдоридан камроқ.

**Вектор заррачалар концентрацияси.** Физикавий титрлаш мос усул ёрдамида амалга оширилади (масалан, иммунохимёвий усуллар (2.7.1) ёки нуклеин кислоталар амплификацияси (2.6.21)). Ҳар бир синовни валидациялаш учун мос келувчи векторнинг стандарт намунаси қўлланилади.

**Инфекцион вектор титри.** Синалаётган намуна титри хужайра культурасига киритилганида унинг таъсири билан белгиланади. Ҳар бир синовни валидациялаш учун мос келувчи векторнинг стандарт намунаси қўлланилади. Синалаётган препаратнинг инфекцион вектор титри ёрликда кўрсатилган минимал титрдан кам бўлмаслиги керак.

Синов натижалари ҳақиқий ҳисобланмайди, агар:

– вектор концентрацияси логарифмининг ишонч интервали ( $P - 0,95$ ) ваколатли орган томонидан ўрнатилган нормадан юқори бўлса;

– стандарт намунадаги инфекцион вектор титри назорат эгрисида ўрнатилган қийматлардан ошиб кетса.

**Вектор зарралари концентрациясининг юқумли вектор титрига нисбати:** маълум бир препарат учун белгиланган нормага тўғри келади.

**Генетик материалнинг маҳсулотдаги экспрессияси.** Генетик материал (лар) нинг маҳсулотдаги экспрессияси имкони бўлган ҳолларда, олдиндан белгиланган инфекцияловчи дозада препаратни хужайра культурасига киритишдан сўнг тегишли иммунохимёвий ёки биохимёвий миқдорий аниқлаш усуллари, шунингдек, окимли цитометрия (2.7.24) усулидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Агар бошқа талаб асосланмаган ва рухсат этилган бўлса, биологик фаоллик мос келувчи *in vitro* ёки *in vivo* синовлар ёрдамида аниқланади.

#### ЁРЛИҚЛАШ

Ёрликда қуйидагилар кўрсатилади:

- терапевтик дозадаги векторнинг минимал титри;
- лиофилизацияланган препаратлар учун;
- тавсия этиладиган терапевтик доза;
- препарат эритмасини олишда ишлатилган эритувчининг номи ва ҳажми;
- эритилганидан кейин препаратни қўллаш даври.

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АДЕНО-АССОСАЦИЯЛАНГАН ВИРУС ВЕКТОРЛАРИ

### ТАЪРИФ

Тиббий мақсадларда қўлланиладиган адено-ассоциацияланган вирус (AAV) векторлари генетик материални одамнинг соматик ҳужайраларига *in vivo* ёки *ex vivo* усулида ўтказишга имкон берувчи генетик модификацияланган рекомбинант AAV (гAAV) ларнинг лиофилланган ёки суёқ шаклдаги препаратларидир.

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

#### ВЕКТОР КОНСТРУКЦИЯСИ

гAAV вектори *rep* ва *cap* генларни ушбу мақсад учун мос генетик материал билан алмаштириш йўли билан олинади. Инвертирланган терминал (охирги) такрорланишлари (ITR) кетма-кетлиги (гAAV) векторларида сақланади. Чунки улар репликациянинг асоси сифатида *cis* функцияни амалга оширувчи ягона AAV кетма-кетлиги ҳисобланади. *rep* ва *cap* генлари *trans* ва репликация ва қадоклаш функциялари учун талаб қилинади. Шундай қилиб, гAAV векторида ITR кетма-кетлиги ва ўрнатилган генетик материал мавжуд.

Ўввойи AAV турлари, одатда, ёрдамчи функциялар, хусусан, аденовирус ёки герпес вируслари билан биргаликда инфекцияланганда репликацияга учрайди. Шу муносабат билан AAV векторларини ишлаб чиқариш турли ёндашувлар асосида олиб борилади. Ишлаб чиқариш стратегияси репликацияга қодир AAV векторлари пайдо бўлиши хавфини камайтириш ва ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин бўлган ёрдамчи вирусларни самарали олиб ташлашни ҳисобга олган ҳолда танланади.

#### ВЕКТОРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Векторларни ишлаб чиқариш усуллари талаб этилган даражадаги сифатли векторни узлуксиз олинишини таъминлаши кўрсатилиши керак.

AAV векторларни олиш учун ҳозирги вақтда бир неча стратегиялар мавжуд, масалан:

- ёрдамчи функцияни бажарувчи ITRs ва генетик материал, *rep* ва *cap* генлари ва таркибий қисмларни ўз ичига олган плазмидалар билан ҳужайра линиясини вақтинча биргаликда трансфекциялаш;
- таркибида *rep* ва *cap* генлар, ITRs ва генетик материал сақловчи продуцент ҳужайралар линиясини репликация танқислиги мавжуд ёрдамчи вируслар билан инфекциялаш;
- вируслар билан осон инфекцияланадиган ҳужайра линиясини *rep* ва/ёки *cap*, ITRs ва терапевтик генетик материални кодловчи ҳамда ёрдамчи функцияларни бажарувчи ёки бажармайдиган (ёрдамчи вируслар ва бакуловирлар) бир ёки бир неча ишлаб чиқариш вируслари билан инфекциялаш.

Танланган ишлаб чиқариш стратегиясига қараб AAV векторлар ишлаб чиқариш учун турли хил оралиқ маҳсулотлар талаб қилинади (ишлаб чиқаришда қўлланиладиган плазмидалар, вируслар, қадокловчи ҳужайралар).

Оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи геном ва гAAV векторлар орасида гомологик ҳудудлар мавжуд бўлганда репликацияга қодир AAV векторлар ҳосил бўлиши хавфи катта бўлиши мумкин. Ушбу эҳтимолликни геномларнинг гомологиклигини жуда кичик даражага туши-

риш билан камайтириш мумкин. Ишлаб чиқариш учун гомологик кетма-кетликка эга бўлмаган оралиқ маҳсулотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ишлаб чиқаришда фойдаланилган пассажларнинг максимал ёки кичикроқ миқдоридан фойдаланиб олинган векторнинг генетик ва фенотипик барқарорлиги ушбу мақсад учун мақбул усуллар билан баҳоланади.

### ОРАЛИҚ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган вируслар ва гAAV вектор узлуксиз (доимий) ҳужайра линиясида экиш materiali ва ҳужайра банки тизимидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилади.

#### Қадоқловчи ва продуцент ҳужайралар.

**Нусха рақами.** Маълум миқдордаги ҳужайралардан ДНК геноми ажралиб олинади ва тозаланади, киритилган вирус генлари нусхалари рақами ва экспрессия кассеталари нусха рақами ушбу мақсад учун мақбул усул, масалан, миқдорий ПЗР (2.6.21) ёрдамида аниқланади.

**Вирус генлари ва экспрессия кассетлари кетма-кетлигининг яхлитлиги.** Киритилган вирус генлари, уларни тартибга солувчи элементлар, қўллаш мумкин бўлган ҳолларда экспрессия кассеталарини тўлиқ секвенирлаш амалга оширилади.

**Генетик барқарорлик.** Ҳужайраларнинг генетик барқарорлиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ҳужайралар бўлинишининг максимал ёки ундан пастроқ миқдори даражаси билан тасдиқланади.

**AAV нинг “ёввойи” тури.** AAV “ёввойи” турининг мавжуд эмаслиги нуклеин кислоталар амплификацияси (2.6.21) усули билан тасдиқланади.

#### Плазмидалар

AAV векторни биргаликда трансфекциялаш усулида ишлаб чиқаришда оралиқ плазмидалардан фойдаланиш талаб этилади. Ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ҳар бир плазмид ДНКсининг тўлиқ тавсифи, жумладан, идентификациялаш, олинган манба, ажратиб олиш усуллари ва нуклеотид кетма-кетлиги келтирилади. Ушбу плазмидалар компонентларининг функциялари ва манбаси, хусусан, репликацияларнинг келиб чиқиши, вирус ва эукариот промоутерлар, ва селектив маркерларни кодловчи генлар ҳужжатлаштирилади.

Плазмидаларнинг оралиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бактериал ҳужайралар банк тизимига асосланган. Асосий ҳужайра банки “Тиббиётда қўлланиладиган плазмид векторларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бактериал ҳужайралар” бўлимида келтирилган талабларга жавоб бериши керак. Плазмидалар мувофиқ усуллар ёрдамида тозаланади.

Вектор ишлаб чиқаришда фақат қуйида келтирилган талабларга жавоб берадиган плазмидалар сериясидан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Плазмидалар рестрикцион ферментатив таҳлил, секвенирлаш ва нуклеин кислоталарнинг амплификацияси (2.6.21) усуллари ёрдамида аниқланади.

**Геном яхлитлиги.** Плазмид геномлар яхлитлиги мувофиқ усуллар, масалан, *rep*, *cap* ва экспрессия кассетасига мос келувчи ҳудудларнинг рестрикцион ферментатив таҳлили асосида тасдиқланади.

#### Плазмид ДНКси.

Қуйидаги кўрсатмалар мисол сифатида келтирилган. ДНК нинг 500 нг/мл дан юқори концентрацияси 260 нм да ютиш катталигини ўлчаш орқали аниқланади.

Икки ҳалқали ДНКнинг 50 мкг/мл концентрацияли эритмасининг ютилиш қиймати 1га тенг (нисбий ютилиш 200).

500 нг/мл дан кам бўлган концентрациядаги ДНК таркиби флуоресцент бўёғи билан инкубациялангандан сўнг аниқланади. Бўёқ икки ҳалқали ДНК билан танлаб боғланади ва калибрлаш эгри чизиғини чизиш учун ДНК стандарт намунасида фойдаланилади. Шунингдек, плазмада ДНК сини аниқлаш учун стандарт намунадан фойдаланган ҳолда суюқлик хроматографияси усулида олиб борилади. Айрим ҳолларда капилляр электрофорез усули қўлланилади.

#### **Хўжайин хужайра ДНК қолдиғи.**

Жараён валидацияси маҳсулотнинг тегишли тозалик даражасига эришилмаганлигини кўрсатмаган ҳолларда хўжайин хужайра ДНКси қолдиғи микдори ушбу мақсад учун мувофиқ усул ёрдамида аниқланади. Сезгирлиги ва маҳсултигини инобатга олган ҳолда, микдорий полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усули қўлланилади, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14).** Маълум бир препарат учун белгиланган меъёр микдоридан камроқ.

#### **Стериллик. (2.6.1).** Плазмада стерил бўлиши керак.

#### **Ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган вируслар.**

Вирусларни ишлаб чиқиш экиш материали ва хужайра банк тизимига ёки қўллаш мумкин бўлган ҳолларда (масалан, бакуловирлар учун) вақтинчалик тизимга асосланган. Фойдаланиладиган вируслар линияси яратиш маълумотларига асосан, шу жумладан, унинг келиб чиқиши ва кейинги жараёнлари, хусусан, геном ҳудудларини йўқ қилиш ёки модификациялаш ҳақидаги маълумотларга асосан идентификацияланади. Вирусларнинг нуклеотид кетма-кетлиги баён этилади. Ишлаб чиқариш учун қуйидаги талабларга мувофиқ келувчи вирус қўлланилади.

**Чинлиги.** Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган вируслар иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталар амплификацияси (2.6.21) усуллари ёки рестрикция ферментатив таҳлиллар ёрдамида аниқланади.

**Геном яхлитлиги.** Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган вирусларнинг геном яхлитлиги мос келувчи усуллар, масалан, рестрикция-ферментатив таҳлиллар билан тасдиқланади. Агар вируслар *гер*, *сар* генлар экспрессияси ва экспрессия кассеталари учун модификацияланган бўлса, геном яхлитлиги секвенирлаш ёки шу ҳудудларнинг микдорий ПЗР усули билан баҳоланади.

**Генетик барқарорлиги.** Барқарор ишлаб чиқариш тизими қўлланилганда генетик барқарорлик вирусларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хужайралар бўлинишининг максимал ёки ундан пастроқ даражадаги микдори билан тасдиқланади.

**Вирус титри.** Инфекция титри мувофиқ микдорий усул ёрдамида аниқланади.

**AAV нинг “ёввойи” тури.** Қўллаш талаб этиладиган ҳолларда ёрдамчи вирусларнинг экиш материалида AAV “ёввойи” турининг мавжуд эмаслиги нуклеин кислоталар амплификацияси (2.6.21) усули билан тасдиқланади.

**Репликацияга қодир вируслар.** Репликацияга қодир вирусларни аниқлаш мос усуллар ёрдамида олиб борилади. Репликацияга қодир вируслар мавжуд бўлмаслиги зарур.

**Бегона агентлар (2.6.16).** Бегона агентлар бўлмаслиги зарур. Қўшимча тарзда, талаб этиладиган ҳолларда ҳашаротларнинг махсус вируслари билан эҳтимолий контаминациясини аниқлаш керак.

#### **Қўпайтириш ва биомассани йиғиш**

Хужайралар банки ва кейинги хужайра культуралари билан боғлиқ барча жараёнлар бошқа хужайралар ёки векторлар билан бир вақтнинг ўзида жараёнлар амалга оширилмайдиган, контаминация даражаси мавжуд бўлмаган ҳудудда олиб борилади. Хужайра суспензиялари ва озуқа муҳити тайёрлашда қўлланиладиган ҳар қандай одам ёки ҳайвон организмидан олинган материал назорат қилинади. Хужайра культураларини қўпайтириш учун мўлжалланган муҳит таркибида pH - индикатори бўлиши мумкин, масалан, фенол қизили ва энг паст самара берувчи концентрацияда мос келувчи антибиотик бўлиши мумкин. Лекин ишлаб чиқаришда таркибида антибиотик сақламайдиган хужайра культурасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Агар бошқа талаблар асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, пенициллин ёки стрептомицин бирон бир технологик босқичда қўлланилмайди. Ишлаб чиқариладиган хужайра культураларининг бир қисми инфекцияланмаган хужайра культуралари сифатида фойдаланиш учун танлаб олинади.

Қуйидаги талабларга мувофиқ келувчи ҳар бир айрим партия тозаланган партия ишлаб чиқарилишида қўлланилиши мумкин.

**Чинлиги.** Вектор иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталар амплификация усуллари (2.6.21) ёки рестрикция ферментатив таҳлиллар ёрдамида аниқланади.

**Вектор концентрацияси.** Биомассанинг ҳар бир партиясида инфекция заррачалар титри ва вектор заррачалар концентрацияси аниқланади.

**Бегона агентлар (2.6.16).** Биомассалар партиясида бегона агентлар мавжуд бўлмаслиги лозим.

**Назорат хужайралари.** Назорат хужайралари чинлиги (5.2.3), бегона агентларнинг мавжудлиги (2.6.16) ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ҳашаротлар хужайралари линияси қўлланилса, ҳашаротларнинг махсус вируслари кўрсаткичлари бўйича синовлар натижасида мувофиқ бўлиши лозим.

#### **ТОЗАЛАНГАН БИОМАССА**

Бир неча биомассалар партияси тозалаш жараёнидан олдин бирлаштирилиши мумкин. Тозалаш жараёни ёт аралашмаларнинг самарали чиқариб ташланганлигини исботлаш мақсадида валидация қилинади. Қадокланмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида қуйида кўрсатилган талабларга мувофиқ келувчи тозаланган биомассадан фойдаланилади.

**Чинлиги.** Вектор иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталар амплификацияси усуллари (2.6.21) ёки рестрикция-ферментатив таҳлил усуллари ёрдамида аниқланади.

**Генетик хусусиятлар.** Қуйида келтирилган синовлар олиб борилади:

– мақбул ишлаб чиқариш циклидан олинган бутун геном вектори секвенирланади. Синов тозаланган биомассада ёки қадокланмаган маҳсулотда олиб борилади. Таҳлил натижасида аниқланган кетма-кетлик вектор конструкцияси ҳақидаги маълумотлар ва мавжуд маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган назарий кетма-кетлик билан таққосланади.

– Геном яхлитлиги вектор ДНКда текширилади.

Бунинг учун ПЗР усулидан фойдаланиш мумкин.

**Вектор концентрацияси.** Векторнинг инфекция титри ва вектор заррачалар концентрацияси аниқланади.

**Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган қолдиқ вируслар.** Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қолдиқ

вирусларнинг мавжудлиги фойдаланилган ишлаб чиқариш тизимига кўра, пиллакча ҳосил қилишнинг миқдорий усули ёки вирусга сезгир ҳужайра линиялари 50 % тўқима культурасининг (TCID<sub>50</sub>) дозаси билан зарарланиши ёки миқдорий ПЗР усули ёрдамида баҳоланади.

**Қолдиқ оксиллар.** Жараён валидациясида маҳсулотнинг талаб даражасидаги тозалигига эришилиши исботланмаган бўлса ҳужайин ҳужайранинг ва/ёки вирусларнинг қолдиқ оксиллари концентрацияси ушбу учун мақбул иммунокимёвий (2.7.1) усул ёрдамида аниқланади.

**Ҳўжайин ҳужайранинг ДНК қолдиғи.** Жараён валидациясида маҳсулотнинг талаб даражасидаги тозалигига эришилиши исботланмаган бўлса, ҳўжайин ҳужайранинг ДНК қолдиғи ва оралик маҳсулотларининг ДНК қолдиғи, хусусан, плазмидалар ва ишлаб чиқариш вирусларининг қолдиқ миқдори ушбуларни аниқлаш учун мақбул усулдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Сезгирлиги ва маҳсулигини инобатга олган ҳолда, миқдорий полимераза занжир реакцияси (PCR) усулидан фойдаланиш тавсия этилади, бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Қолдиқ реактивлар.** Ишлаб чиқариш жараёнида реактивлардан фойдаланилган ҳолларда жараённинг валидациясида маҳсулотнинг талаб даражасидаги тозалигига эришилиши исботланмаган бўлса, ушбу моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш тозаланган биомассаларда олиб борилади.

**Қолдиқ антибиотиклар.** Ишлаб чиқариш жараёнида антибиотиклар ишлатилган ҳолларда жараён валидацияси маҳсулотнинг талаб этилган тозалиги даражасига эришилиши исботланмаган бўлса, антибиотикларнинг қолдиқ концентрацияси микробиологик усул (мослаштирилган умумий усул 2.7.2) ёки бошқа тегишли усуллар (масалан, суюклик хроматографияси) билан аниқланади.

#### ТАЙЁР ҚАДОҚЛАНМАГАН МАҲСУЛОТ

Тайёр маҳсулотни тайёрлашдан аввал тозаланган биомассаларнинг бир неча партияси бирлаштирилиши мумкин. Стабилизаторлар ва бошқа ёрдамчи моддаларни қўшиш мумкин. Тайёр маҳсулот мембранали филтрлаш ёрдамида стерилланади.

Тайёр препаратни олиш учун қуйида келтирилган талабларга мос келувчи маҳсулотдан фойдаланилади.

**Стериллик (2.6.1).** Маҳсулот стерил бўлиши лозим.

#### ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

Тайёр маҳсулот “Чинлик”, “Миқдорий аниқлаш”, “Синов” ва бошқа бўлимларда келтирилган талабларга мувофиқ келса, фойдаланиш учун чиқаришга рухсат берилади. Агар қорамол зардобы альбуминининг мавжудлигини аниқлаш (агар у векторни ишлаб чиқаришда фойдаланилса), репликацияга қодир AAV ва қолдиқ вирусларни аниқлаш тайёр қадоқланмаган маҳсулотда олиб борилган ва ижобий натижа олинган бўлса, у ҳолда ушбу кўрсаткичлар бўйича синовлар тайёр маҳсулот назорати пайтида ўтказилмаслиги мумкин.

#### ЧИНЛИГИ

Векторнинг чинлиги иммунокимёвий усуллар (2.7.1), нуклеин кислоталар амплификацияси усуллари (2.6.21) ёки рестрикцион ферментатив таҳлиллар ёрдамида тасдиқланади.

#### СИНОВЛАР

**Осмолялик (2.2.35):** маълум препарат учун белгиланган меъёр чегарасида бўлиши керак.

**pH (2.2.3):** муайян препарат учун белгиланган меъёр чегарасида.

**Ажратиб олинган ҳажм (2.9.17).** Ажратиб олинган ҳажм синови талабларига мувофиқ бўлиши керак.

**Қолдиқ намлик (2.5.12).** Маълум лиофилизацияланган перепаратлар учун белгиланган меъёрга мувофиқ бўлиши керак.

**Қорамол зардобы альбумини.** Маълум препарат учун белгиланган нормадан ошмаслиги керак. Агар ишлаб чиқаришда йирик қорамол зардобы ишлатилган бўлса, ушбу учун яроқли иммунокимёвий усуллар (2.7.1) ёрдамида аниқланади.

**Репликацияга қодир AAV концентрацияси:** маълум бир препаратга белгиланган меъёрлар чегарасида бўлиши керак. Репликацион компетент AAVни аниқлаш олдиндан вирус-хелпер билан инфекцияланган сезувчан ҳужайра линиясида репликацион миқдорий аниқлаш усулида репликацион шакллари паст молекуляр онгирлик ДНКсида Саузерн блот усули ёрдамида аниқланади ёки *rep* ген миқдорий ПЗР усули ёрдамида аниқланади.

**Вектор агрегатлари.** Вектор агрегатлари ушбу учун мос усул билан аниқланади (масалан, нур таралиши).

**Стериллик. (2.6.1).** Стерил бўлиши керак.

**Бактериал эндотоксинлар (2.6.14).** Маълум бир препарат учун белгиланган меъёрдан камроқ.

#### МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

**Вектор заррачалар концентрацияси.** Вектор заррачалар концентрацияси тегишли усул ёрдамида, масалан, рекомбинант AAV плазмидалар ёки AAV стандарт намунаси билан олинган калибрлаш чизигига солиштириб миқдорий ПЗР усули ёрдамида аниқланади. Синалаётган намунада вектор заррачалар концентрацияси маълум бир препарат учун белгиланган меъёрда бўлиши керак.

**Инфекцион вектор титри.** Синалаётган намуна титри у ҳужайра культурасига киритилганидан сўнг унинг таъсири билан белгиланади. Ҳар бир синовнинг валидацияси учун мос келувчи векторнинг стандарт намунаси қўлланилади. Синалаётган препарат юқумли вектори титри ёрликда кўрсатилган минимал титрдан кам бўлмаслиги керак.

Синов натижалари ҳақиқий ҳисобланмайди, қачонки:

– вектор концентрацияси логарифмининг ишонч интервали ( $P = 0,95$ ) ваколатли орган томонидан ўрнатилган меъёрдан юқори бўлса;

– стандарт намунадаги инфекцион вектор титри назорат жадвалида ўрнатилган қийматлардан ошиб кетса.

**Вектор зарралари концентрациясининг юқумли вектор титрига нисбати:** маълум бир препарат учун белгиланган меъёр бўйича.

**Генетик материалнинг маҳсулотдаги экспрессияси**

Генетик материалнинг маҳсулотдаги экспрессияси имкони мавжуд ҳолларда доимо синалаётган препаратни ҳужайра культурасига тегишли миқдорий таҳлилнинг иммунокимёвий (2.7.1) ёки биокимёвий усуллари ёки оқувчан цитометрия (2.7.24) усуллари ёрдамида олдиндан аниқланган инфекцияловчи дозасида юборилганидан сўнг аниқланади.

**Биологик фаоллик.** Агар бошқа усул асосланмаган ва рухсат этилмаган бўлса, биологик фаоллик мос келувчи *in vitro* ёки *in vivo* усули ёрдамида аниқланади.

#### ЁРЛИҚЛАШ

Ёрликда куйидагилар кўрсатилади;

- терапевтик дозадаги минимал титр вектори;
- лиофилизацияланган препаратлар учун;
- тавсия этиладиган терапевтик доза;
- препарат эритмасини олишда фойдаланилган

эритувчининг номи ва ҳажми;

- препарат эритилгандан сўнг қўллаш даври.



## **5.15. ЁРДАМЧИ МОДДАЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-БОҒЛИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

5.15. Ёрдамчи моддаларнинг функционал- боғлиқлик хусусиятлари .....	1769	Моддаларнинг физикавий синфлари .....	1770
Атамалар ва таърифлар .....	1769	Моддаларнинг кимёвий синфлари .....	1770
Кириш .....	1769	Фармакопея мақолаларининг “функционал- боғлиқлик хусусиятлари” бўлими .....	1771
Тартибга солувчи қўлланмалар .....	1770		





## 5.15. ЁРДАМЧИ МОДДАЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ- БОҒЛИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу умумий бўлим ва “Функционал-боғлиқлик хусусиятлари (FRCs)” хусусий мақолалар бўлими ихтиёрий бўлиб, ахборот ва қўлланма сифатида наш этилмоқда.

### АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган қўйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Жараёнлар бўйича таҳлил қилиш технологияси (Process Analytical Technology (PAT)):** ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотнинг якуний сифатини таъминлаш мақсадига хом ашё ва технологик материаллар ва жараёнларнинг критик сифат кўрсаткичларини ва яроқлилик хусусиятларини ўз вақтида ўлчаши (яъни қайта ишлов бериши жараёнида) орқали ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириши, таҳлил қилиши, бошқариши ва назорат қилиши тизими.

**Критик жараён параметри (CPP)** ўзгарувчанлиги критик сифат кўрсаткичига таъсир қиладиган ва шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида керакли сифатни таъминлаш учун тегишрилиши ёки кузатилиши керак бўлган жараён параметри.

**Критик хусусият ёки сифатнинг критик кўрсаткичлари (CQAs):** Дори воситасининг сифатини таъминлаш учун тегишли диапазонда ёки тегишли чегарада ёки тақсимотда бўлиши керак бўлган физикавий, кимёвий, биологик ёки микробиологик хосса ёки хусусият.

**Лойиҳа майдони параметри (Design space):** киритилган ўзгарувчиларнинг ўзаро таъсирлашуви (масалан, модданинг хусусияти) ва ишлаб чиқарилган дори воситасининг зарурий сифатини таъминлашга қодир эканлиги исботланган кўп ўлчовли комбинация жараёни параметри.

**Режаланштириладиган сифат (QbD):** олдиндан белгиланган мақсадлар билан бошланади ва маҳсулот ҳамда жараёни назорат қилиши, ишлаб чиқиши учун тизимли ёндашув, яъни, технологик операциялар мажмуасини аниқлаш, моддаларнинг дори шаклини пухта ўйланган ҳолда танлаш, уларнинг кетма-кетлик ва унинг ривожланиши босқичида дори сифатини таъминлаш параметрлари, шунингдек, жараён ва жараёни назорат қилиши, оқилона илм-фан ва сифат хавфини бошқаришга асосланган.

**Функционал-боғлиқлик хусусияти (FRC):** ёрдамчи модданинг функционалликка боғлиқ равишда назорат қилинадиган физикавий ёки кимёвий хусусияти

### КИРИШ

Хавфсизлиги илгари синалган ёрдамчи моддалар, функция хусусиятларининг белгиланган дори шаклини олишда дори препаратларини ўзига хос функциялар билан таъминлаш учун ишлатилади. Ёрдамчи моддаларнинг

асосий вазифаси дори воситаларининг талаб қилинадиган физик-кимёвий ва биофармацевтик хусусиятларини таъминлашдан иборат.

Ёрдамчи моддаларнинг талаб қилинадиган функцияларни бажариши унинг физикавий ва кимёвий хусусиятларига ва айрим ҳолларда, унинг функционал хусусиятларини яхшилашга мўлжалланган ишлаб чиқаришдаги қўшимча маҳсулотлар ёки қўшимчалар миқдори билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, ушбу хусусиятлар дори препаратини ташкил қилувчи таркибий қисмларнинг орасидаги ўзаро мураккаб таъсирларлашувга ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ташқи таъсирларга боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун, ёрдамчи моддаларнинг функционал хусусиятлари, қўпинча бир неча аналитик усуллардан фойдаланган ҳолда, фақатгина аниқ рецептура асосида ва ишлаб чиқариш жараёни контекстида ўрнатилиши мумкин.

Фармацевтик ишлаб чиқиш илмий жиҳатдан асосланган бўлиши ва юқори сифатли дори препарати чиқарилишини таъминлаши керак. Бу “ICH Q8 Pharmaceutical Development” номли Қўлланмада белгиланган. Асосий мақсад, танланган дори шаклини асослаш, дори препаратларининг сифати ва миқдорий таркибини, ишлаб чиқариш жараёнини, таркибий қисмлари ва препаратнинг критик сифат кўрсаткичларини (CQAs) ҳамда критик жараён параметрларини (CPPs) таъминлашдан иборат. ICH Q8 Қўлланмасида баён этилган “Режаланштирилган сифат” (QbD) тушунчаси алоҳида фаол ва ёрдамчи моддаларнинг кимёвий ва физикавий табиати, уларнинг хоссалари ва бир-бири билан ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро таъсирини ҳар томонлама тушунишни талаб қилади.

Фармацевтик ишлаб чиқиш қўшимча моддаларнинг сифат кўрсаткичларининг критиклигини аниқлашни қилишни ўз ичига олади.

Критик сифат кўрсаткичи (CQA) – бу препаратнинг керакли сифатини таъминлаш учун тегишли чегараларда бўлиши керак бўлган физикавий, кимёвий, биологик ёки микробиологик хосса ёки хусусиятдир. Давлат Фармакопеясининг ёрдамчи моддаларга оид мақолалари дори препаратларини ишлаб чиқарувчилар нуктаи назаридан уларнинг сифатини таъминлаш учун мўлжалланган. Ёрдамчи моддаларнинг ташқи кўриниши ва умумий параметрлари, чинлигини тасдиқлаш талаблари, кимёвий ва микробиологик тозалик ҳамда кимёвий тузилиши билан боғлиқ физикавий хусусиятлар, масалан, оптик буриш, хусусий фармакопея мақолаларида ва фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034) умумий мақоласида келтирилган.

Ёрдамчи моддаларнинг белгиланган хусусиятлари, масалан, қаттиқ дори шакллари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган заррача ҳажми ёки препаратнинг қовушқоқлигини оширувчи компонент сифатида қўлланиладиган полимер материалнинг молекуляр оғирлиги, кенг маънода, модданинг функционаллик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу хусусиятлар функционал-боғлиқлик хусусиятлари (FRCs, ФБХ) деб аталади. Маълум бир маҳсулот учун фармацевтик ишлаб чиқиш босқичида ёрдамчи моддалар учун бир ёки бир неча критик функционал хусусиятларнинг (CQAs) мавжудлиги аниқланса, улар бу ёрдамчи моддалар учун муҳим сифат кўрсаткичлари ҳисобланади ва шунга мос равишда назорат қилиниши керак.

Ушбу хусусиятлар ҳақидаги билимлар жараёнлар бўйича таҳлил қилиш технологиясини (Process Analytical Technology (PAT)) амалиётга жорий этишга ёрдам беради.

Стандарт таҳлилий услубларга асосланган ҳолда спецификацияларни ишлаб чиқишда ёрдамчи моддаларнинг ишлаб чиқарувчилари ва фойдаланувчиларига ёрдам бериш учун функционал-боғлиқлик хусусиятлари ёрдамчи моддаларнинг фармакопея мақолаларига киритилган. Улар ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларига ўрнатилган хусусиятларга эга бўлган ёрдамчи моддаларни етказиб беришни таъминлаш учун ягона терминологик қурилма билан таъминлайди. Ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарувчиси ёрликларда (масалан, таҳлил сертификатида) функционал-боғлиқлик хусусиятларини акс эттириб, кўрсатилган параметрни назорат қилиш учун қўлланиладиган усул тавсифини ўз ичига олган фармакопея мақоласига мурожаат қилиши мумкин. Хусусий фармакопея мақоласида “функционал-боғлиқлик хусусиятлари” бўлимида кўрсатилган фойдаланишда ёрдамчи моддалар томонидан муайян функцияларни бажаришга таъсири аниқланган параметрларни ўз ичига олади. Фармакопеяда келтирилган ёрдамчи моддалар ва ушбу функционал-хусусиятларини тайинлаш қўллаб ёрдамчи моддаларни кенг қўллаш ва улардан фойдаланишнинг янги усулларини ишлаб чиқиши туфайли тўлиқ деб ҳисобланмайди.

#### ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚўЛЛАНМАЛАР

Дори воситалари, хусусан, “Фармацевтик ишлаб чиқиш” ни тартибга солиш бўйича амалдаги ICH Q8 Қўлланмага мувофиқ, рўйхатга олиш ҳужжатларида танланган ёрдамчи моддалар ва уларнинг концентрацияси, шунингдек, ушбу дори воситаларининг таъсири ва улар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилиши мумкин бўлган хусусиятлар кўриб чиқиши керак. Шунингдек, ёрдамчи моддалар ўзларининг хусусиятларини дори препаратининг талаб қилинадиган сақлаш муддати давомида ҳам бажара олиш қобилиятини намоён қилиши керак. Ёрдамчи моддаларнинг хусусиятлари ва параметрлари тўғрисидаги маълумотлар орқали ёрдамчи моддаларни танлаш ва унинг сифат кўрсаткичларини асослашда фойдаланиш мумкин.

Фармацевтик ишлаб чиқиш жараёнида дори препаратининг ишлаб чиқариш жараёни ва сифатига таъсир қилувчи критик кўрсаткичлар аниқланади. Ёрдамчи моддаларнинг критик кўрсаткичлари аниқланганидан сўнг, хавфни баҳолаш усуллари ёрдамида, фармацевтик ишлаб чиқиш жараёнида материалларнинг критик хусусиятларининг рухсат этилган кийматлари, жумладан, физикавий ва кимёвий хоссаларнинг ўзгаришини аниқлаш мумкин. Баҳоланган функционал-боғлиқлик хусусиятлари ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарувчиси томонидан назорат қилинмаслиги мумкин ва шунга мос равишда стандартлаштириш талаб этилмайди. Шу нуқтаи назардан, препаратда мавжуд бўлган ёрдамчи моддаларнинг ўзгарувчан таъсирини чеклайдиган дори препаратини қатъий назорат қиладиган ишлаб чиқариш жараёнининг лойиҳасини қўллаш тавсия этилади.

Моддаларнинг физикавий ва кимёвий синфларини баҳолаш ва зарур бўлганда критик кўрсаткичлар учун спецификация тузиш ва шу сабабли, критик функционал-боғлиқлик хусусиятлари, функционал-боғлиқлик хусусиятларининг мажбурий бўлмаган хусусиятидан қатъий назар, фармацевтик ишлаб чиқишнинг бир қисми ҳисобланади. Бу баҳолаш дори препаратларини ишлаб чиқишни тартибга солувчи қўлланма асосида кўриб чиқиши керак ва қабул қилишнинг тегишли мезонлари критик функционал хусусиятларнинг ўзгариши дори препарати

сифатига таъсир қилиши мумкин бўлган тушунчага асосланган бўлиши лозим. Функционал-боғлиқлик хусусиятларининг мақбул оралиғи лойиҳа майдонида ўрнатилиши мумкин. Лойиҳа майдони бу компонентларнинг сифат кўрсаткичлари ва жараён параметрлари дори препарати сифатини ўзгартирмасдан ўзгартириши мумкин бўлган доира деб тавсифланиши мумкин.

#### МОДДАЛАРНИНГ ФИЗИКАВИЙ СИНФЛАРИ

Сочилувчан қаттиқ ёрдамчи моддалар одатда етказиб берувчи томонидан назорат қилинадиган турли хил физикавий хусусиятларга эга бўлган (масалан, зарралар ўлчами тақсимооти) турли хил синфларда мавжуд бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу моддаларнинг ФБХ лари моддаларнинг қаттиқ ҳолати туфайли, шунингдек, қаттиқ моддаларнинг сочилувчанлиги туфайли бошқа хусусиятларга таъсир қилиши мумкин, бу ёрдамчи моддаларни етказиб берувчиси томонидан бошқарилиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, ушбу ёрдамчи моддаларнинг ФБХ лари ёрдамчи моддаларни етказиб берувчиси томонидан назорат қилинмайдиган қаттиқ жисм хоссалари ва сочилувчанлиги билан боғлиқ турли хил хусусиятларни ўз ичига олиши мумкин.

Сочилувчан моддаларнинг хоссалари, масалан, заррачаларнинг ўлчами бўйича таъсимланиши, ўзига хос сирт майдони, зичлик ҳажми, оқувчанлик, намлик ва сувнинг сорбциясини ўз ичига олади. Заррачалар ўлчамига кўра, заррачалар ўлчамининг тақсимланишини элак таҳлили орқали амалга оширилиши мумкин (2.9.38. *Заррачалар ўлчамини аналитик элак йўли билан аниқлаш* умумий бўлимига қаралсин) ёки ускунавий усуллар, масалан, 2.9.31. *Лазерли дефрактометрия усули ёрдамида заррачалар ўлчамини аниқлаш*. Ушбу усул, 2.9.26. *Газ адсорбция усули билан солиштирма сирт майдонини аниқлаш* умумий бўлимларида тасвирланган бўлиб, Брунауер-Эмметт-Теллер (ВЕТ) тенгламасига асосланади. Кукунларнинг сочилувчанлик қобилияти ва қуйма зичлигини баҳолаш учун қўлланиладиган қуйдаги умумий бўлимлардаги усуллар келтирилган. 2.9.36. *Кукунларнинг сочилувчанлигини баҳолаш* ва 2.9.34. *Сочилувчан зичлик ва зичланишдан кейинги зичлик*. Моддаларнинг қаттиқ хоссалари параметрлари намланишга таъсир қилиши мумкин (2.9.45. *Говак қаттиқ жисмлар ва кукунларнинг намланиши* умумий бўлимига қаралсин) ва қаттиқ заррачаларнинг сув билан ўзаро таъсири (2.9.39. *“Сув-қаттиқ моддалар” ўзаро таъсири: сорбция-десорбция изотермини тузиш ва сувнинг фаоллигини аниқлаш* умумий бўлимларида қаралсин.).

Қаттиқ дори шакллари ишлаб чиқишда баҳолашни керак бўлган қаттиқ параметрларга мисоллар, полиморфизм, ёлғон полиморфизм, кристаллик ва зичликни ўз ичига олади. Уларни ўрганиш 5.9. *Полиморфизм*, 5.16. *Кристаллик* ва 2.2.42. *Қаттиқ жисмлар зичлиги* усуллари умумий бўлимларида келтирилган:

#### МОДДАЛАРНИНГ КИМЁВИЙ СИНФЛАРИ

Келиб чиқиши бўйича ёрдамчи моддалар турли хил кимёвий хусусиятларга эга бўлиб, табиий, ярим синтетик ва синтетик синфларда мавжуддир. Хусусий фармакопея мақолаларида, одатда, бир-бирига яқин бирикмалар аралашмасини ўзида намоён қилувчи ёрдамчи моддаларнинг кимёвий таркиби назорат қилинади, масалан, сирт фаол моддалар ёки ўсимлик мойларидаги ёғ кисло-

талари таркиби. Шу билан бирга, фармакопеяда полимер материаллар синфини тавсифловчи хусусий мақолалар тармоғи мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби гомополимерлар, блок полимерлар ва сополимерларнинг тузилишига, полимерланиш даражаси, молекуляр масса ва масса тақсими даражасига қараб ўзгариши мумкин ва айрим ҳолларда, ҳатто, полимер молекуласи таркибидаги турли хил ўринбосарлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу ўзгарувчанлик ёрдамчи модданинг функционал хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин ва у фармацевтик ишлаб чиқиш жараёнида, ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир параметр учун муҳим бўлгани каби, тайёр дори воситасининг хусусиятлари учун ҳам мақбул қийматларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

#### ФАРМАКОПЕЯ МАҚОЛАЛАРИНИНГ “ФУНКЦИОНАЛ-БОҒЛИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ” БЎЛИМИ

Ёрдамчи моддаларга тегишли хусусий мақолалар “Функционал-боғлиқлик хусусиятлари” деб номланган бўлимни ўз ичига олиши мумкин. Бу бўлим маълумот учун келтирилган бўлиб, мақоланинг ушбу қисми бажарилиши мажбурий ҳисобланмайди. Бўлимда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш бўйича муҳим хусусиятлар келтирилган. Шунингдек, ушбу хусусиятлар оптимал фойдаланиш учун ҳам кўрсатилган. Бошқа мақсадларда фойдаланилганда ушбу хусусиятлар аҳамиятли бўлмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан, ушбу бўлимга фармакопея мақоласидаги оддий қўшимча сифатида қаралмаслиги керак. Дори воситасини ишлаб чиқарувчи технолог жараёнда ёрдамчи моддаларнинг функционал-боғлиқлик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни

қўллаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун жавобгар бўлади.

Функционал-боғлиқлик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар турли хил усулларда келтирилиши мумкин:

- функционал-боғлиқлик хусусият номи;
- фармакопеянинг тегишли умумий қисмига ҳавола (агар иложи бўлса) қилинган функционал-боғлиқлик хусусияти номи ва уни аниқлашнинг тавсия этилган усул;
- функционал-боғлиқлик хусусият номи, уни аниқлаш учун тавсия этилган усул ва номинал қийматдан четланиш шаклида берилиши мумкин бўлган одатий қийматлар.

Шу ва шунга ўхшаш хусусиятлар хусусий фармакопея мақоласининг мажбурий талабларига киритилиши мумкин. Шунингдек, зарур ҳолларда, “Функционал-боғлиқлик хусусиятлари” бўлимига ишлаб чиқарувчи аниқ бир дори воситасини ишлаб чиқариш учун фойдаланган ёрдамчи моддалар синфининг спецификациясига киритилиши мумкин бўлган функционал-боғлиқлик хусусияти сифатида ҳам мурожаат қилинади.

“Функционал-боғлиқлик хусусиятлари” бўлими ёрдамчи моддаларни қўллашнинг асосий усуллари билан боғлиқ жорий билимларни акс эттиришга мўлжалланган. Айрим ёрдамчи моддалардан кенг қўлланилиши ва улардан фойдаланишнинг янги усуллари доимий равишда ривожланиб бораётганлиги нуқтаи назаридан ушбу бўлим тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Муайян функционал хусусиятларни аниқлаш усуллари ушбу мақсадлар учун уларнинг яроқлилиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, қўлланма сифатида берилган ва бошқа усуллардан фойдаланиш имкониятини истисно этмайди.



## 5.16. КРИСТАЛЛИК

5.16. Кристаллик.....	1775
Кириш – кристаллик тушунчаси .....	1775
Кристалликни мониторинг қилиш ва аниқлаш усуллари.....	1775



## 5.16. КРИСТАЛЛИК

*Ушбу бўлимда кристаллик тўғрисида умумий маълумотлар баён этилиб, уларни аниқлашда қўлланиладиган фармакопеянинг турли хил усуллари келтирилган.*

*Ушбу бўлимда келтирилган қўйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.*

**Рентген нурланишининг кукунли дифрактометрияси (XPRD)** – ўрганилаётган кукун ёки поликристалл намунада рентген нурлари дифракцияси (рентген тузилиши таҳлили) ёрдамида материалнинг таркибий тузилиши хусусиятларини ўрганиш усули. Кукун усули деб ҳам аталади.

### КИРИШ – КРИСТАЛЛИК ТУШУНЧАСИ

Фармацевтикада қўлланиладиган органик ва ноорганик моддаларнинг аксарияти идеал кристаллдан аморф моддагача тузилишга эга бўлиши мумкин бўлган қаттиқ моддалар ҳисобланади.

Ҳақиқий кристаллар идеал кристалл ва аморф ҳолатлар оралиғида жойлашган тузилишга эга бўлади. Кристаллнинг ушбу икки ҳолат ўртасидаги шкала бўйича жойлашишига кристаллик дейилади.

Идеал кристалл – бу камдан-кам ҳолатларда эришиш мумкин бўлган модданинг идеал ҳолатидир. Элементар ячейкалар деб номланувчи кристаллнинг тузилиш бирлиги фазонинг уч ўлчамида бир текис ёки чексиз равишда такрорланади. Элементар ячейка алоҳида жойлашув ва шаклга эга бўлиб, ўтиш вектори деб номланувчи  $a$ ,  $b$  ва  $c$  ҳамда  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчакларда аниқланади.  $V$  эса кристалл шаклланиши учун зарур бўлган атомлар ва молекулалар мавжуд бўлган аниқ ҳажмга эга бўлади. Кристалл тизим узок масофали симметриянинг учта (трансляцион, ориентацион ва конформацион) операторлар томонидан аниқланади; турли мезофазалар (суюқ кристаллар, кристаллар ёки пластик кристаллар) узок масофали симметриянинг бир ёки икки операторларига эга бўлади; идеал аморф ҳолатда барча уч операторлар мавжуд бўлмайди.

Ҳар бир кристалл элементар ячейканинг  $a$ ,  $b$  ва  $c$  индивидуал ўлчамлари ҳамда  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  индивидуал бурчаклари ўртасидаги нисбат билан белгиланидиган 7 та мумкин бўлган кристалл тизимлардан биринидан вакил сифатида таснифланиши мумкин. Муайян кристаллнинг тузилиши 7 та тизимнинг бирига, Браве (Bravais) фазовий панжараларидан бирига ва 230 фазовий гуруҳлардан бирига мувофиқ таснифланиши мумкин. Мумкин бўлган барча 230 фазовий гуруҳлар, уларнинг симметриялари ва симметрия дифрактограммалари Халқаро кристаллография жадалларида йиғилган.

Полиморфизм бу – кўпгина моддаларнинг кристалланишида биттадан кам бўлмаган кристалл панжара турини ҳосил қилиш хусусиятидир. Органик моддалар орасида полиморфизм кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, физик-кимёвий хусусиятларнинг фарқланишига олиб келади. Чунки кристалл полиморфлар бир хил кимёвий таркибга эга, аммо турли хил кристалл тузилишга эга ва шу сабабли турли хил физик-кимёвий хусусиятларга эга бўлади. Турли кристалл тузилишнинг мавжудлиги атом-

ларнинг турли жойлашуви ва ёки молекулаларнинг турли конформацияланиши туфайли юзага келади (5.9. Полиморфизм умумий бўлимга қаралсин).

Яна бир кристаллик ҳолати идеал ёки ҳақиқий аморф ҳолат бўлиб, бунда узок масофали симметрия тартиби йўқолади. Кўпгина органик тизимлар учун яқин масофадаги симметрия тартиби сақланиб қолади, аммо у яқин тузилиш ёки яқин тузилишнинг олдида жойлашувига татбиқ қилинади, бу кичик органик молекулалар учун 2-2,5 нм дан камни ташкил этади.

Аморф материал кукун ёрдамида олинган рентген нурланиш дифрактограммасида аниқ доғларнинг мавжуд эмаслиги билан характерланади. (2.9.33.).

Ҳақиқий кукуннинг кристаллигини иккита кристалланиш модели ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Бир фазали моделнинг барча заррачалари бир хил кристалликка эга, икки фазали моделда ҳар бир заррача кристалл ёки аморф бўлиши мумкин. Шунинг учун кукуннинг ҳақиқий кристаллиги бу икки кристалликнинг ўртача ўлчанганлигидир. Бундай кукун тоза кристаллар ва аморф фазаларни физик аралаштириш натижасида ҳосил бўлади. Аслида, кукун таркибида турли ўлчамдаги ва шаклдаги заррачалар бўлиши мумкин бўлганидек, турли даражада кристалланиш даражаси бўлган заррачалар ҳам бўлиши мумкин.

Фармацевтикада қўлланиладиган қаттиқ модда кристалларида тартибсизлиkning мавжудлиги модданинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир қилиши мумкин. Ушбу хусусиятларнинг аҳамияти юқори бўлганлиги боис қаттиқ моддаларнинг кристаллигини ёки тартибсизлигини муносиб миқдорий усул орқали баҳолаш мумкин.

### КРИСТАЛЛИКНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Қаттиқ моддаларнинг кристаллигини аниқлаш учун турли усуллар қўлланилади. Аммо кўпгина усуллар мустақил равишда ушбу хусусиятларнинг миқдорини аниқлаш ёки ўлчаш имкониятига эга эмас. Шу сабабли, қўйидаги бир нечта усулларни бирлаштириш фойдали ҳисобланади. Ушбу усуллар кўпинча аниқ натижалар бермайди ва миқдорий чегаралар одатда, кимёвий аралашмаларга нисбатан анча юқори ҳисобланади.

Бундан ташқари, калибрлаш учун ишлатиладиган ва одатда кристалл ва аморф заррачалар аралашмаси (икки фазали модель) дан ташкил топган стандарт намуналар модданинг кам миқдорини ўзида сақлаган, бир фазали моделга хос синалаётган намуналар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича баъзи тахминларни амалга ошириши керак. Натижада 100 % кристалл ёки 100 % аморф моддалар учун яхши ўрганилган стандарт намуналарнинг мавжуд эмаслиги бундай усулларнинг тасдиқланишини қийинлаштиради. Юқорида келтирилган тушунтиришлардан кўриниб турибдики, қаттиқ кукунда турли аморф ва нокристаллик фазалар мавжуд бўлади. Қаттиқ модданинг ушбу турли нокристаллик шакллари кристаллик даражасини аниқлашда ишлатилган усулларга боғлиқ равишда турли жавоблар олишга сабаб бўлиши мумкин.

**Рентген нурлантиришли кукун дифрактометрия усули (XPRD)** (2.9.33.). Ушбу усул миқдорий аниқлашни ва интерпретацияни қийинлаштирувчи чўққиларнинг кенгайиши, аморф гало ва жойлашувига боғлиқ бир қанча камчиликларга эга бўлсада, кўпинча кристаллик даражасини аниқлаш учун фойдаланиладиган усул ҳисобланади.

Фақат рентген нурлантиришли кукун дифрактометрияни қўлланилиши бир биридан фаркланадиган нокристаллик фазаларни аниқлаш учун етарли ҳисобланмайди. Соф аморф ва нокристаллик фазанинг рентген нурланишининг дифрактограммаси кенг диффузия галосини ташкил этади. Рентген нурлантиришли дифрактограмманинг батафсил таҳлили, нокристаллик материал дифрактограммадаги диффузия галоси, бошланғич кристаллик фаза дифрактограммасида, баъзи бир соф аморф фаза ҳолатида мавжуд бўлмаган ўзаро боғлиқликни кўрсатади. Рентген нурлантириш ёрдамида аморф сифатида аниқланган материалнинг ҳақиқий табиатини билиш учун қўшимча процедура талаб этилиши мумкин.

**Термик таҳлил.** Кристаллик материалларнинг термик таҳлили (2.2.34.) эритувчининг парчланиши ёки буғланиши билан кечадиган суюқланишга ўтиш жараёнини кўрсатади. Ҳақиқий аморф моддалар ҳолатида термик таҳлил шишасимон ҳолатга ўтишини аниқлайди, нокристалл моддаларда эса фақат суюқланиш кузатилади.

**Микрокалориметрия** (2.2.61.). Кимёвий реакцияларнинг тезлиги ва тўлақонлилиги, фазовий ўзгаришлар ёки тузилишининг ўзгаришларини аниқлашга имкон берадиган жуда ҳам сезгир усул. Модданинг аморф қисми намунага юқори нисбий намлик ёки органик моддалар буғлари сақлаган атмосфера таъсирида қайта кристалланишини мумкин. Қайта кристалланиш иссиқлигини ўлчаш қайта кристалланиш энтальпиясидан келиб чиққан ҳолда аморф қисмини аниқлаш имконини беради. Синалаётган намуна учун микрокалориметр маълумотларини аморф стандарт намуна учун олинган маълумотлар билан таққослаш орқали синалаётган намунанинг аморф қисмини миқдорий аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу усул ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган аморф қисмининг миқдор диапозони маълум бир синалаётган модданинг қулай шароитларда аниқлаш чегараси 1 % дан кам бўлганида ҳам аниқлаш имконини беради.

**Эритмалар калориметрияси** (2.2.61.). “Эритмаларнинг калориметрияси қаттиқ модда учун энтальпияни аниқлаш воситаси ҳисобланади. Синалаётган қаттиқ намунанинг кристаллиги қаттиқ намунанинг эритма энтальпиясидан ( $\Delta H_x^S$ ) худди шу модданинг айнан худди шундай шароитларда ушбу модданинг танлаб олинган стандарт намунаси эритмаси энтальпияси ( $\Delta H_x^S$ ) айирмаси ёрдамида аниқланади. Одатда стандарт намуна, унинг юқори даражада қабул қилинган кристалланиши асосида танланганлиги сабабли, ушбу эритувчидаги қаттиқ синалаётган намунанинг энтальпиясидан эритманинг энтальпияси одатда алгебраик жиҳатдан юқори (эндотермик қўп бўлган ёки экзотермик кам бўлган) бўлади. Шундай қилиб маълум даражада кристалланиш

СИ бирлигида манфий кДж/моль ёки Дж/г (Дж/кг дан катталиги ва хатолар эҳтимоли қўплигидан фойдаланилмайди) миқдорни ифодалайди. Стандарт намунанинг юқори кристаллигининг манфий қиймати, қўпгина намуналарнинг кристаллик даражаси стандарт намунага нисбатан пастлигидан далолат беради.

**Яқин инфракизил соҳада спектроскопия (NIR).** Кристаллик даражасини аниқлаш учун яна бир усул полиморфизмни аниқлашда ҳам фойдали бўлган яқин инфракизил соҳада спектроскопия (NIR) (2.2.40.) усули ҳисобланади. Яқин инфракизил соҳада спектр (NIR) кимёвий таркиб ҳамда физик ҳолат тўғрисидаги маълумотни сақлайди. Хона температурасида фойдаланиладиган ноинвазив, парчаламайдиган усул ҳисобланади. NIR аморф ва кристалл ҳолатлар ўзгаришини баҳолаш учун аҳамиятли ҳисобланади.

**Инфракизил соҳада абсорбцион спектрофотометрия ва раман спектрометрияси.** Кристаллик даражасини аниқлаш учун инфракизил соҳада абсорбцион спектрофотометрия (2.2.24.) ва раман спектрометрияси (2.2.48.) усуллари ишлатилади. Шунингдек, улар полиморфизмни аниқлашда фойдали ҳисобланади. ИҚ-спектр ва раман спектри ҳам кимёвий таркиб ва физик ҳолат бўйича маълумотларни сақлайди.

**Қаттиқ жисмлар ЯМР.** Қаттиқ жисмлар ядровий магнит-резонанс спектрометрия (Solid-state NMR) (2.2.33.) боғланган ёндош молекуляр конформациялари ҳақида маълумот олиш учун ишлатиш мумкин. Бироқ, натижаларнинг интерпретацияси эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши керак. Чунки турли хил физик шаклларнинг аралашмаси (икки фазали модель) ва ўрнини босувчи нуксонлари бўлган кристалларни ўз ичига олган намуналарни ажратиш олиш қийинчилик туғдиради. Худди шундай, турли хил молекуляр конформациялар ёки фарқ қилувчи молекуляр тузилишдаги (бир фазали модель) моддалардан келиб чиққан нуксонларни ўз ичига олган намуналар қўшимча сигналларни бериши мумкин. Қаттиқ жисмлар ЯМР ушбу ҳолатларга жуда сезгир бўлиши мумкин, ҳатто кристалл панжара параметрлари деярли таъсир қилмаса ҳам XRPD дан фойдаланишда ўзгаришлар кузатилмайди ёки жуда кам кузатилади. Шубҳасиз, фармацевтикада қўлланилишга мўлжалланган моддаларнинг кристаллиги кенг қамровли бўлиши, шу билан бирга, кристаллик нуксонлар ва аморф моддалар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши мумкин.

**Оптик микроскопия.** Моддаларнинг кристаллиги ёки кристалл эмаслиги поляризацион (қутбланган) микроскоп ёрдамида (2.9.37.) микроскопнинг буюм столи бурилишида иккиламчи нур синдириш ва ютилиш зоналари юзага келиши бўйича аниқланади.



## **5.17. ДОЗАЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ УЧУН СИНОВЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

5.17. Дозаланган дори воситалари учун синовлар  
ўтказиш бўйича тавсиялар .....1777

5.17.1. “Эрувчанлик” синовини ўтказиш бўйича  
тавсиялар ..... 1779



## 5.17. ДОЗАЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ УЧУН СИНОВЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

03/2021:51701

### 5.17.1. “ЭРУВЧАНЛИК” СИНОВИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Ушбу умумий бўлимининг бажарилиши мажбурий эмас: бунда “Эрувчанлик” синовини ўтказиш учун муҳит ва ичга қабул қилинадиган дори шаклларида синовлар ўтказиш учун қабул қилиш мезонлари келтирилган (2.9.3. умумий бўлим қаттиқ дори турларини “Эрувчанлик” синовини аниқлашга қаралсин). Ушбу ахборот “Эрувчанлик” синовини аниқлашдаги умумий қабул қилинган мезонларни ўз ичига олади.

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Дозанинг тез ажралиб чиқиши (“дозанинг чиқариб юборилиши” ёки Доза демпинги)** – ушбу ҳодиса дори шаклидаги таъсир этувчи моддани режадан ташқари кўп миқдорда ажралишига олиб келиши мумкин бўлган дорилар метаболизми ҳисобланади. Бу препаратнинг организмдаги концентрациясини кескин ошишига ва шу булан дори воситасининг ноҳўя ёки токсик таъсирларини келтириб чиқариши мумкин.

Қаттиқ дори турларида таъсир этувчи модда (лар)нинг эриш тезлигини аниқлашда қуйидагиларга аниқлик киритилиши керак:

- фойдаланиладиган қурилма тури, агар қурилма эритувчи муҳит оқиб ўтадиган тизимда бўлса, қўшимча равишда оқиб ўтадиган ячейканинг тури кўрсатилиши керак;
- эритма муҳитининг таркиби, ҳажми ва температураси;
- эритма муҳити айланиш тезлиги ёки эритиш оқимининг тезлиги;
- намуна олинган синов эритмасининг вақти, усули ва миқдори ёки доимий кузатиш шартлари;
- миқдорий таҳлил усули;
- қабул қилиш мезонлари.

Қурилма турини танлаб олиш дори воситасининг кимёвий ва физик хусусиятларига боғлиқ. Агар “ботиш шартлари” ни бажариш учун кўп миқдорда эритиш суюқлиги керак бўладиган бўлса ёки синовлар жараёнида эритиш муҳитининг рН кўрсаткичини ўзгартириш талаб қилинса, у ҳолда, оқиб ўтувчи тизимли қурилмадан фойдаланиш тавсия этилади.

#### СИНОВ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Айланадиган кажава, куракчали аралаштиргич ёки поршенли цилиндрни қўллаш дори воситасининг эритувчи муҳитга “ботиш шартлари” таъминлаган ҳолда ботиши билан боғлиқ. Бунда эритувчи муҳитга ўтган дори

воситаси дори шаклида қолган дори воситасини эришига ва ажралиб чиқиш тезлигига ҳалакит бермаслиги керак. Дори воситасининг эритувчи муҳитга оптимал ботиши, одатда, эритувчи муҳит ҳажми дори воситаси тўйинган эритма ҳосил қилиши учун етарли бўлган ҳажмдан 3-10 баробар ортқ бўлганда эришилади.

Одатда сувли муҳитлар қўлланилади. Эритувчи муҳит таркиби дори воситасининг ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ва шунингдек, дори воситасини қабул қилгандан сўнг унга таъсир этувчи омилларга қараб танлаб олинади. Ушбу шарт-шароитларга эритма муҳитининг рН кўрсаткичи ва ион кучи киради.

Одатда, рН қиймати 1-8 бўлган эритма муҳити ишлатилади. Агар асосланган бўлса, бундан юқори рН кўрсаткичлари ҳам қўлланилиши мумкин. рН нинг паст кўрсаткичлари учун хлорид кислотанинг 0,1 М эритмасидан фойдаланилади. Тавсия этиладиган эритиш муҳитлари қуйида келтирилади.

Эритувчи сифатида фақат сув, рН кўрсаткичи дори воситасини эрувчанлигига жиддий таъсир кўрсатмаслиги исботланган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Алоҳида ҳолатларда ва ваколатли органлар томонидан рухсат берилганда, эритиш муҳити ферментлар, сирт фаол моддалар ва бошқа ноорганик, органик моддалар сақлаши мумкин. Сувда кам эрийдиган дори воситалари сақлайдиган дори препаратлари учун муҳитнинг таркибини ўзгартириш мумкин. Бу ҳолатда паст концентрацияли сирти фаол моддалардан фойдаланиш мумкин. Органик эритувчиларни қўйиш тавсия этилмайди.

Эритиш муҳитида эриган газлар “Эрувчанлик” синов натижаларига таъсир этиши мумкин. Бу айниқса, эритувчи муҳит оқиб ўтадиган тизимли қурилмаларда, ҳаво пуфакчалари ҳосил бўлмаслигини олдини олиш мақсадида эритувчи муҳит газсизлантирилган ҳолатлар учун ўта муҳим. Газсизлантиришнинг қуйидаги усули қўлланилади: бунда эритувчи муҳит оҳиста аралаштирилиб турган ҳолда 41 °С гача қиздирилади, ғовақларининг ўлчами 0,45 мкм ва ундан кам бўлган филтрларни қўллаган ҳолда дарҳол вакуум остида жадал чайқатиб, филтрланади. Сўнгра вакуум остида 5 мин давомида аралаштириш давом эттирилади.

Эриган газларни йўқотишнинг бошқа усулларини ҳам қўллаш мумкин. Айланадиган кажава ёки аралаштиргич усули қўлланилганда эритиш муҳити 500-1000 мл бўлиши мумкин. 50-100 айлана/мин айланиш тезлиги қўлланилади, тезлик 150 айлана/мин дан ошмаслиги керак.

Эритувчи муҳит оқиб ўтадиган тизимли қурилма учун, одатда 4 мл/мин дан 50 мл/мин гача бўлган оқим тезлиги қўлланилади.

#### ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭРИТИШ МУҲИТЛАРИ

Қуйидаги эритиш муҳитлари қўлланилиши мумкин:

5.17.1-жадвал.

Эритиш муҳитига мисоллар

рН	Эритиш муҳити
рН 1,0	HCl
рН 1,2	NaCl, HCl
рН 1,5	NaCl, HCl
рН 4,5	Фосфатли ёки ацетатли буфер эритма
рН 5,5 ва рН 5,8	Фосфатли ёки ацетатли буфер эритма
рН 6,8	Фосфатли буфер эритма
рН 7,2 вар рН 7,5	Фосфатли буфер эритма

Ушбу эритиш муҳитларининг таркиби ва тайёрланиши қуйида келтирилади.

#### Хлорид кислотали муҳитлар

– хлорид кислотанинг 0,2 М эритмаси.

– натрий хлориднинг 0,2 М эритмаси. 11,69 г натрий хлорид *R* сув *R* да эритилади ва ҳажми худди шу эритувчи билан 1000 мл гача етказилади. 5.17.1.-2-жадвалда келтирилган рН қийматлари орқали муҳитни тайёрлаш учун 250,0 мл натрий хлориднинг 0,2 М эритмаси ва аниқ белгиланган хлорид кислотанинг 0,2 М эритмаси аралаштирилади ва ҳажми сув *R* билан 1000,0 мл гача етказилади.

5.17.1.-2.-жадвал.

Хлорид кислота сақлаган эритиш муҳитлари

рН	НСІ (мл)
1,2	425,0
1,3	336,0
1,4	266,0
1,5	207,0
1,6	162,0
1,7	130,0
1,8	102,0
1,9	81,0
2,0	65,0
2,1	51,0
2,2	39,0

Хлорид кислота сақлаган муҳитларни, шунингдек, натрий хлорид ўрнига калий хлорид билан ҳам тайёрлаш мумкин.

#### Ацетатли буфер эритмалар:

– сирка кислотанинг 2 М эритмаси. 120,0 г 98 % сирка кислота *R* сув *R* да эритилади ва сув билан эритманинг ҳажми 1000 мл га етказилади.

– Ацетатли буфер эритма рН 4,5. 2,99 г натрий ацетат *R* сув *R* да эритилади, 14,0 мл сирка кислотанинг 2 М эритмаси қўшилади ва сув *R* билан эритманинг ҳажми 1000 мл га етказилади.

– Ацетатли буфер эритма рН 5,5.

5,98 г натрий ацетат *R* сув *R* да эритилади, 3,0 мл сирка кислотанинг 2 М эритмаси қўшилади ва сув *R* билан эритманинг ҳажми 1000 мл гача етказилади.

– Ацетатли буфер эритма рН 5,8. 6,23 г натрий ацетат *R* сув *R* да эритилади, 2,1 мл сирка кислотанинг 2 М эритмаси қўшилади ва сув *R* билан эритманинг ҳажми 1000 мл гача етказилади.

#### Фосфатли буфер эритмалар:

5.17.1.-3.-жадвалда кўрсатилган рН қийматидаги фосфатли буфер эритмаларни тайёрлаш учун 250,0 мл 0,2 М натрий дигидрофосфат *R* эритмасига жадвалда кўрсатилган 0,2 М натрий гидроксид эритмасидан қўшилиб эритма ҳажми сув *R* билан 1000 мл га етказилади.

5.17.1.-3.-жадвал.

Фосфатли буфер эритмалар

рН	5,8	6,0	6,2	6,4	6,6	6,8
NaOH (мл)	18,0	28,0	40,5	58,0	82,0	112,0
рН	7,0	7,2	7,4	7,6	7,8	8,0
NaOH (мл)	145,5	173,5	195,5	212,0	222,5	230,5

#### Бошқа фосфатли буфер эритмалар:

– Фосфатли буфер эритма рН 4,5. 13,61 г калий дигидрофосфат *R* 750 мл сув *R* да эритилади. Зарурат бўлса эритма рН кўрсаткичи (2.2.3) натрий гидроксиднинг 0,1 М эритмаси ёки хлорид кислотанинг 0,1 М эритмаси билан керакли рН кўрсаткичга етказилади. Эритма ҳажми сув *R* билан 1000 мл гача етказилади.

– Фосфатли буфер эритма рН 5,5. *R*.

– Фосфатли буфер эритма рН 6,8. *R*1.

– Буфер эритма рН 7,2. *R*.

– Фосфатли буфер эритма 0,33 М рН 7,2. *R*.

#### Сунъий ичак шираси рН 6,8

77,0 мл натрий гидроксиднинг 0,2 М эритмаси 6,8 г калий гидрофосфат *R* ва 500 мл сув *R* аралаштирилади. 10 г панкреатин кукуни *R* қўшилади ва аралаштирилади (2.2.3). Зарурат бўлса рН 6,8 га етказилади. Эритма ҳажми сув *R* билан 1000 мл гача етказилади.

#### Сунъий ошқозон шираси

2,0 г натрий хлорид *R* ва 3,2 г пепсин кукуни *R* сув *R* да эритиб олинади, 80 мл хлорид кислотанинг 1 М эритмаси қўшилади ва сув *R* билан 1000,0 мл га суюлтирилади. Агар талаб қилинса, пепсин кукуни ташлаб юборилиши мумкин.

#### рН кўрсаткичини ошириш

Синовлар ўтказилаётган вақтда рН кўрсаткичини ошириш мақсадида қуйидаги кетма-кетликларнинг бирдан фойдаланиш мумкин.

Вақт (соат)	0-1	1-2	2-3	3-4	4-5	5-6	6-7	7
рН	1,0							
рН	1,2				6,8			
рН	1,2	2-5	4,5		7,0		7,5	
рН	1,5		4,5			7,2		

Юқорида кўрсатилган рН ўзгаришларини амалга ошириш учун:

– битта буфер эритма бошқаси билан алмаштирилиши мумкин (тўлиқ алмаштириш);

– ҳар бир вақт ораллиғида эритувчи муҳитнинг ярмини чиқариб ташлаб, (эритувчи муҳитнинг ярмини алмаштириш усули) уни рН кўрсаткичи юқорироқ бўлган буфер эритма билан алмаштириш;

– бошланғич рН кўрсаткичи 1,2 бўлса, ундан кейинги эритиш муҳитининг рН кўрсаткичи рН 7,5 бўлган фосфатли буфер эритма бўлиши керак;

– ёки рН кўрсаткичи 1,5 бўлган бирламчи эритмага, рН кўрсаткичи 4,5 бўлиши учун *трис* (гидроксиметил) аминометан *R* ва сувсиз натрий ацетат *R* сақлаган кукун аралашмасидан маълум бир миқдорда қўшилади ва рН кўрсаткичини 7,2 га етказиш учун қуйида кўрсатилгандек иккинчи қисм кукунлар қўшилади:

– хлорид кислотаси рН 1,5: 2 г натрий хлорид *R* сув *R* да эритилади, 31,6 мл хлорид кислотанинг 1 М эритмаси қўшилади ва эритма ҳажми сув *R* билан 1000 мл га етказилади.

– буфер эритма рН 4,5: 2,28 г *трис* (гидроксиметил) аминометан *R* ва 1,77 г сувсиз натрий ацетат аралаштирилади, аралашма юқорида келтирилган, рН 1,5 бўлган буфер эритмада эритилади;

– буфер эритма рН 7,2: 2,28 г трис (гидроксиметил) аминометан R ва 1,77 г сувсиз натрий ацетат аралаштирилади, аралашма юқорида келтирилган, рН 4,5 бўлган буфер эритмада эритилади;

Эритма рН кўрсаткичини узлуксиз ўзгартириб бориш керак бўлганда, ускунадан эритувчи мухит оқиб ўтадиган тизимдан фойдаланиш тавсия этилади.

## КВАЛИФИКАЦИЯ ВА ВАЛИДАЦИЯ

Синовларнинг табиатига кўра “Эрувчанлик” синовини *in vitro* аниқлашда ускунанинг тузилиши бўйича сифати юқори савиядаги синовлар ўтказиш имкониятини бериши керак. Механик нуқсонлар туфайли ҳар қандай тебраниш ёки жиҳознинг камчилиги билан боғлиқ бўлган тебранишлар бартараф этилиши керак.

“Эрувчанлик” синовини аниқлаш учун мўлжалланган қурилма квалификацияси қурилма қисмларининг ўлчамлари ва йўл қўйиш мумкин бўлган четланишларни аниқлашни ўз ичига олади. Вақти-вақти билан синовнинг асосий кўрсаткичлари бўлган температура ва эритмаларнинг мухит ҳажми, айланиш тезлиги ёки эритувчи мухит оқиб ўтадиган жиҳознинг оқим тезлиги, намуна олиш учун қурилма ва намуна олиш жараёни сингари муҳим параметрлар баҳолашиб турилиши керак.

“Эрувчанлик” синовини аниқлаш учун мўлжалланган жиҳознинг тегишли маромда ишлашини гидродинамик шарт-шароитларга сезгир стандарт препаратларда текшириб кўриш мумкин. Бундай синовлар турли лабораторияларда олинган натижаларни солиштириш учун вақти-вақти билан ёки доимий равишда ўтказилиши мумкин.

Синовлар ўтказиш жараёнини яхшилаб кузатиш ва синовлар боришини назорат қилиш зарур. Бу натижалар каторида ўзгача бўлиб қолган айрим кўрсаткичларни изоҳлаш имконини беради.

Намуна олиш, таҳлил қилиш ёки эритма муҳитини тайёрлаш ва синовдан ўтказишни ўз ичига олган автоматлаштирилган тизимларни валидациялашда аниқлик, мос келувчанлик ва ҳар қандай суюлтириш, ишлов бериш, тозалаш ва намуна олиш ёки эритувчини тайёрлашдан ифлосланишининг олдини олиш керак.

Автоматлаштирилган тизимларни валидациялаш, шу жумладан, намуна олиш ва таҳлил қилиш ёки эритма муҳитини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш, ўтказилаётган синовларнинг тўғрилигини аниқлаш, эритма муҳитни суюлтириш, бошқа идишларга ўтказиш, тозалаш, намуналарни ва эритувчиларни тайёрлашда ифлосланишнинг олди олинганлигини аниқлашдан иборат.

## ИЧГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА “ЭРУВЧАНЛИК” СИНОВИ МЕЗОНЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

Ичга қабул қилинадиган дори воситаларининг “Эрувчанлик” синовининг мезони, дори воситаси ёрлиғида кўрсатилган миқдордан эритувчи мухитга белгиланган муддатда эриб ўтган таъсир этувчи модданинг фозизларда ифодаланган (Q) миқдоридир.

## Ажралиб чиқиш вақти стандартлаштирилган дори шакллари.

Кўпгина ҳолатларда тегишли асосланган шарт-шароитларда “Эрувчанлик” синовларни ўтказишда,  $S_1$  босқичидаги яроқлилик мезони бўйича эритма муҳитига эриб ўтган таъсир этувчи модданинг миқдори 80 % ни ташкил этиши керак ва бу белгиланган муддат ўтгандан сўнг, яъни одатда 45 мин ёки ундан кам вақтни ташкил этиши мумкин. Бу “Q” 75 % га тўғри келади. Чунки 2.9.3.-1-жадвалда келтирилганидек,  $S_1$  даражаси учун синов қилинган 6 бирликларнинг ҳар бирининг индивидуал қиймати Q+5 фозиздан кам бўлмаслиги керак, яъни камида 80 фозиз.

Одатда, таъсир этувчи модданинг асосий қисмини эритувчи мухитга ўтганлиги ва усулнинг яроқлилиги ҳақида хулоса қилиш учун бир вақт нуқтасида олинган намуна натижалари етарли ҳисобланади. Аммо айрим ҳолларда эриш жараёни тўлақонли кетаётганлигини тасдиқлаш учун бир нечта вақт нуқталарида синовлар ўтказилиши мумкин.

## Ажралиб чиқиш вақти узайтирилган дори шакллари.

Ажралиб чиқиши узайтирилган дори шакллари учун “Эрувчанлик” синовлари мезонларини одатда 3 ва ундан кўп вақт нуқталарида аниқланади. Бунда биринчи аниқланадиган нуқтада, таъсир этувчи модданинг қутилмаган ажралиб чиқиши аниқланади (дозалар демпинги). Шунинг учун бу нуқтани умумий ажралиб чиқишни аниқлашга белгиланган вақтнинг 20 % дан 30 % гачаси ўтгандан сўнг белгиланади. Иккинчи аниқланадиган нуқта эриш хусусиятини белгилаши сабабли бу умумий ажратилган вақтни 50 % га тўғри келади. Охириги вақт нуқтаси амалда дори воситасидан таъсир этувчи модда тўлиқ эритмага ўтганлиги назарда тутилади ва бу одатда камида 80 % ни ташкил этади.

## Ажралиб чиқиш вақти секинлаштирилган дори шакллари

Аста секин ажралиб чиқадиган дори шаклларида таъсир этувчи модданинг ажралиб чиқиши дори воситасининг таркиби танлаб олинган эритувчи мухитга қараб, масалан, (синовлар турли эритувчи мухитларда, масалан, рН муҳитининг кўрсаткичи ортиб бораётган вақтда) қисман ёки тўлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун “Эрувчанлик” синовиға спецификация ҳар бир ҳолат учун алоҳида қабул қилинади.

Ичакда эрийдиган дори шакллари учун кетма-кет аниқланадиган 2 вақт нуқтаси белгиланиши керак ва 2 турли мезонлар қабул қилиниши лозим. Кетма-кет синовлар ўтказилаётганда биринчи белгиланган вақт нуқтаси юқори чегара бўлиб, синовлар бошлангандан сўнг 1-2 соат ичида нордон мухитда ўтказилади, иккинчи вақт нуқтаси аввалдан аниқланган вақт ўтгандан сўнг белгиланади ва тегишли буфер мухитда ўтказилади (мақбул рН 6,8).

Кўп ҳолатларда В1 босқичидаги яроқлилик мезони сифатида белгиланган вақт ўтгандан сўнг таъсир этувчи модданинг эритувчи мухитга ўтган миқдори 80 % ташкил этиши керак. Бу “Q” ни 75 % тўғри келади ва 2.9.3-4-жадвалдаги В1 босқичидаги 6 синовнинг ҳар бирида Q +5 %, бўлиб, 80 % дан кам бўлмаслиги керак.



## **5.19. РАДИОФАРМАЦЕВТИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ЭКСТЕМПОРАЛЬ ТАЙЁРЛАШ**

5.19. Радиофармацевтик препаратларни экстемпораль тайёрлаш.....	1785	2. Хоналар ва жиҳозлар.....	1786
1. Қўллаш доираси ва тавсифлар .....	1785	3. Тайёрлаш жараёни .....	1786





## 5.19. РАДИОФАРМАЦЕВТИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ЭКСТЕМПОРАЛЬ ТАЙЁРЛАШ

Ушбу умумий бўлим маълумот учун келтирилмоқда

### АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Бошлангич материал** – Дори тайёрлаш учун фойдаланиладиган модда. генераторлар, синтез учун кимёвий моддалар, ион алмашинадиган смолалар, қадоқлаш таркибий қисмлари ва сарф материаллари бошлангич материаллар сифатида қўрилади.

**Бошлангич материал тўплами** – Радиофармацевтик препаратлар учун мақбул шакллардаги реактивлар, эритувчилар ва прекурсорларнинг тўплами. Қўлланиладиган шакллар асосан қаттиқ намунанинг ўлчанган миқдори ёки мос келадиган эритманинг ҳажми намунасидир. Қаттиқ моддалар ва суюқликлар қўпинча фойдаланишдан олдин сақлаш учун ёпиқ флаконларга солинади. Бошлангич материаллар тўплamlари савдода мавжуд бўлиши мумкин ёки жойида тижорат ёки жойида синтез қилинган кимёвий моддалар ва ўров материалларидан олинishi мумкин.

**Ёпиқ флаконларни тарқатиш** – Стерил филтрлашдан кейин тўлдириладиган эритма атроф-муҳит билан бевосита алоқада бўлмаган тарқатиш усули ва тарқатиш жараёнида стерилизация филтридан кейин тизимда асептик бириктиришлар амалга оширилмайди.

**Кассета** – Қайта йиғилган контейнерлар, клапанлар ва шприцлар тармоғидан, шу жумладан, бошлангич материаллар тўплами ёки радиофармацевтик дори препарати тайёрлаш учун синтез модулига ўрнатиш учун мўлжалланган бошлангич бўлмаган материаллар тўплamlаридан иборат бир марталик фойдаланиш учун ишлаб чиқариш жиҳози.

**Масъул шахс** – Радиофармацевтик препаратнинг чиқарилиши учун масъул этиб тайинланган, миллий қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб берадиган шахс.

**Препаратив хроматография** – бу аралашмани соф (тоза) шаклда алоҳида бирикмаларни ажратиш мақсидида олиб бориладиган хроматография тури. Аналитик хроматографиядан фарқли ўлароқ, препаратив ажратиш катта диаметрли колонкаларда амалга оширилади ва алоҳида компонентлар (фракциялар) йиғиш учун махсус мосламалар қўлланилади. Лаборатория амалиётида диаметри 8-15 мм бўлган колонкалар ишлатилади ва одатда 100 мг дан 10 г гача индивидуал моддалар ажратилади; санатда диаметри 0,5 метргача бўлган колонкалар яратилган бўлиб, улар устида бир неча тонна моддаларни ажратиш мумкин. Препаратив колонкалар аналитик хроматографияда қўлланиладиганидан кўра кам самарадорликка эга.

**Радиосинтез ёки тарқатиш учун очик усул (флаконларни тўлдириш)** – Жараёнинг бирон бир

нуқтасида эритмага бевосита атроф-муҳит таъсир қиладиган усул (ИЗОХ: тарқатиш пайтида стерилизация қилувчи ҳаво филтри тўғридан-тўғри таъсир деб ҳисобланмайди).

**Радиосинтезининг ёпиқ усули** – Радиосинтез жараёнида эритмага ҳеч қачон бевосита атроф-муҳит таъсир кўрсатмайдиган, аммо у синтез тизими ичида (масалан, кассетада) бўлган усул.

**Синтез ва/ёки дозалаш учун автоматлаштирилган модул** – Радиофармацевтик препаратни радионийшонлаш, тозалаш, шакллантириш, дозалаш ва/ёки стерилизация қилиш учун зарур бўлган жараёнлар кетма-кетлигини автоматик равишда амалга ошириш учун дастурий таъминот томонидан бошқариладиган электромеханик қурилма.

**Экстемпораль** – (лот. ex tempore, агар зарур бўлса,) бу фармацевтика амалиётида маълум бир бемор учун шифокорнинг рецепти асосида тўғридан-тўғри тиббийёт ташилотларида тайёрланадиган дори шакллари тайинлаш учун қабул қилинган атама.

**Электромагнит экранлаш** – бу махсус материаллар, ускуналар ва технологик ечимлар ёрдамида электромагнит тўлқинларнинг интенсивлигини маълум даражага тушириш усули.

### 1. ҚўЛЛАШ ДОИРАСИ ВА ТАВСИФЛАР

Кўпгина радиофармацевтик препаратлар мунтазам равишда жойида, одатда, маълум бир клиник эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, бир неча беморларга керакли дозаларда тайёрланади (Экстемпораль радиофармацевтик препаратлари – ЭРП) (Extemporaneous preparation of radiopharmaceuticals – EPRs). Гарчи радиофармацевтик препаратлар ва тадқиқот учун мўлжалланган дори препаратларининг ишлаб чиқарилиши амалдаги меъёрий ҳужжатларда яхши тавсифланган бўлсада, ушбу умумий бўлим фақат маҳаллий ваколатли органларнинг ҳар қандай талабларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши лозим бўлган экстемпораль радиофармацевтик дори препаратларини қамраб олади. Экстемпораль радиофармацевтик дори препаратлари фармацевтик препаратлар бўлиб, улар учун “Фармацевтик препаратлар” (2619) умумий мақоласидаги қондалари ва атамалари қўлланилади.

ЭРП алоҳида бемор учун тиббий рецепт ёки фармакопея мақоласига мувофиқ тайёрланади ва тўғридан-тўғри беморларга етказиб бериш учун мўлжалланган бўлади. Кўриб чиқилаётган радиофармацевтик препаратлар уларнинг яроқлилик муддати мобайнида қўлланилади ва уларга позитрон эмиссия томографияси (ПЭТ) (positron emission tomography – PET), бир фотонли эмиссия компьютер томографияси (БФЭКТ) (single photon emission computed tomography – SPECT) ёки терапевтик қўллаш учун радионуклидларни ўз ичига олган тўпламга (лицензияланган ва лицензияланмаган тўпламлар) асосланган препаратлар ва лицензияланмаган препаратлар киради.

Ушбу умумий бўлимнинг мақсади учун радиофармацевтик препаратларни тайёрлаш қуйидаги барча ёки баъзи босқичларни ўз ичига олган жараён сифатида қаралади: материал ва маҳсулотларни сотиб олиш, радиоактив бирикмалар учун радионуклидлар ишлаб чиқариш, кимёвий модификация ва/ёки тозалаш, рецептларни шакллантириш, дори шаклини дозалаш, стерилизация, таҳлилий назорат, қадоқлаш, ёрликлаш ва

чиқариш. Бемор томонидан дарҳол қўллаш учун мўлжалланган (масалан, кўп дозали флакондан) композицион дозалар радиофармацевтик препаратлар тайёрлашнинг бир қисми эмас, балки клиник амалиётнинг бир қисми ҳисобланади.

ЭРП керакли сифатни таъминлаш учун бундан кейин сифат тизими деб аталадиган тегишли тузилмани талаб қилади. Сифат тизимининг даражаси бемор учун микро-биологик тозалик, кимёвий реакцияларнинг издан чиқиши ва уларнинг оқибатлари, тайёрлаш жараёнида иштирок этадиган жиҳозларнинг носозлиги ва мос бўлмаган сақлаш шароитлари каби хатарлар билан белгиланади. Хавфни баҳолаш маҳсулотнинг тегишли сифатига эришиш ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун хавф даражаси ва талаб қилинадиган сифат даражасини аниқлаш учун қўлланилади. Сифат тизими мисолларини қуйидаги қўлланма ҳужжатларда ёки кейинги нашрларда топиш мумкин: *Фармацевтик инспекция конвенцияси ва фармацевтик инспекция ҳамкорлик схемаси (PIC/S): Соғлиқни сақлаш муассасаларида дори воситаларини тайёрлашда қўлланиладиган зарур амалиётлар бўйича қўлланма (PE 010); EudraLex 4-жилд, Европа Иттифоқининг зарур ишлаб чиқариш амалиёти, Инсонлар ва ветеринария учун дори воситалари; Европа ядро тиббиёт ассоциацияси (EANM) кўрсатмалари: радиофармацевтик препаратларнинг кичик серияларини тайёрлаш учун замонавий зарур радиофармацевтика амалиёти (cGRPP)* ва миллий ваколатли органнинг қўлланмаси. Хавфни баҳолаш бўйича қўлланма, масалан, *ICH Q9 Сифат учун хавфни бошқариш бўйича қўлланмадан* топилиши мумкин.

Қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- тегишли тайёргарликка эга малакали кадрлар;
- мос бўладиган хоналар;
- ишлаб чиқариш ва тадқиқотлар учун мос ва юқори сифатли жиҳозлар;
- ишлаб чиқариш ва синовнинг барча хавфли босқичлари учун валидация қилинган процедура;
- атроф-муҳитни назорат қилиш;
- тегишли ҳужжатлар;
- тайёрлашда фойдаланиладиган материаллар ва хизматларни харид қилиш;
- таҳлилий усуллар/сифат назорати.

Жалб қилинган ходимлар ва атроф-муҳитнинг маҳаллий ёки халқаро нормаларга мувофиқ келувчи радиация хавфсизлиги талабларини ҳисобга олган ҳолда радиофармацевтик препаратларни тайёрлашнинг барча босқичлари ишлаб чиқилади. Бу эса тегишли химоя ва радиоактив контаминациянинг олдини олиш ва назорат қилиш чораларини ўз ичига олади.

## 2. ХОНАЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР

Маҳсулот сифатини химоя қилиш учун қаттиқ заррачалар ва микроблар билан контаминациянинг паст даражасини таъминлаш, шунингдек, ходимлар ва атроф-муҳитни радиация таъсиридан химоя қилиш учун тегишли хоналар ва жиҳозлар лойиҳалаштирилади, қурилади, хизмат кўрсатилади, тозаланади ва дезинфекция қилинади.

Радиофармацевтикада, кўпинча бир вақтнинг ўзида ва бир жойда, кенг доирадаги радиофармацевтик препаратларни тайёрланиши мумкин. Хоналар, жиҳозлар ва иш жараёнида кесишувчи контаминация ва аралашуш хавфини камайтирадиган тарзда жойлаштирилиши керак.

Хоналар ва жиҳозлар препаратнинг микроблар билан контаминацияси эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда барча тегишли препаратлар билан боғлиқ бўлган ўзига хос хавфларни акс эттириш учун лойиҳалаштирилади ва назорат қилинади. Биологик материал билан ишлашда қўшимча мулоҳазалар ҳисобга олинади.

Жараён параметрлари, иш қўлами, атроф-муҳит шароитлари ва препаратнинг микробли аспектлари тўғрисида батафсил маълумот кимёвий, радиокимёвий, радионуклид ва микроблар билан контаминацияси эҳтимолидан сақланишга ёрдам беради. Алоҳида ҳолатларда қон хужайраларини радиоактив нишонлашни, лабораторияда операторларнинг қон хужайраларини нишонлаш зонаси ва бошқа радиофармацевтик препаратларни қабул қилиш зонаси ўртасида ҳаракатланиши, хоналарни мос равишда лойиҳалаштириш ва жойлаштириш орқали олди олинади. Ҳар қандай биологик хавфли материал фармацевтика учун қўлланиладиган бошқа моддалар, фармацевтик препаратлар ёки бошланғич материаллардан алоҳида сақланади ва ишлов берилади.

Умумий радиоактивликни ўлчаш 2.2.66. *Радиоактивликни аниқлаш ва ўлчаш* умумий бўлимида тавсифланганидек амалга оширилади. Ўлчов жиҳозлари, айниқса юқори даражадаги радиоактив ёндош соҳаларга ишлов бераётганда химояловчи шаклда бўлиши шарт. Ушбу жиҳознинг тўғри ишлашини таъминлайдиган, жумладан, кунлик текширувлар ва даврий калибрлашни ўз ичига олган тизим жорий этилади. Чизиқлилик диапазонининг ўзгариши, энергия ва самарадорлик бўйича калибрлаш ва фон кўрсаткичларида қўтилмаган ўзгаришлар каби барча оғишлар тадқиқ қилинади.

## 3. ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ

Лицензияланган маҳсулотни тайёрлаш жараёнининг бир қисми сифатида фойдаланишда савдо лицензиясининг эгаси маҳсулотнинг савдо лицензияси талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгардир. Қўллаш бўйича кўрсатмаларга мувофиқ, лицензияланган радиофармацевтик препаратларни тайёрловчи радиофармацевтик муассаса, ушбу радиофармацевтик препаратларни ўз объектида тайёрлаш ва улардан фойдаланиш сифати учун жавобгардир.

Агар лицензияланган радиофармацевтик препаратни қўллаш бўйича кўрсатмаларга қатъий риоя қилинмаса ёки препаратни тайёрлаш учун фойдаланиладиган бир ёки бир нечта таркибий қисмларни сотиш учун рухсатга эга бўлмаса, хавфни баҳолаш (шу жумладан, агар қўллаш мумкин бўлса, фармацевтик эквивалентликни асослаш) амалга оширилади ва ҳужжатлаштирилади. Радиофармацевтик муассаса якуний препаратнинг сифати фойдаланиш учун мослигини намойиш этишга жавобгардир.

Умуман олганда, ЭПР учун бошланғич материалларнинг биоюкламаси бактериял эндотоксиннинг миқдорини камайтириш ва кейинги операцияларда юқори даражада стериликка эришишда муҳим омил ҳисобланади. Кейинги фойдаланиш учун мўлжалланган бошланғич материаллари бўлган, очилган ёки қисман фойдаланилган пакетлар яхшилаб белгиланади (ёрликланади) ва кириш чекланган шароитда сақланади. Очилган, очилмаган ва эриган бошланғич материаллар учун яроқлилик муддатлари, айниқса, маълум иш шароитида микро-биологик фонни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бир марталик ишлатиладиган пакетлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бошланғич материаллар тўпламларининг яроқлилик муддати таркибий қисмларнинг парчаланиши,

микроблар билан контаминацияси ва қадоқлаш материалларининг барқарорлиги, пластик ва эластомер ўрамларнинг ўтказувчанлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Яроқлилик муддати фойдаланиш усулини акс эттирадиган барқарорлик тадқиқотлари орқали асосланади ва кўрсатилади.

Радиофармацевтик препаратларни дарҳол тайёрлаш жараёнида атроф муҳит ва ходимларни назорат қилиш, препаратга қўлланиладиган материалнинг келиб чиқишидан қатъий назар, охириги препарат сифатини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Мониторинг частотаси бўйича тавсияларни PIC/S Guide PE 010 қўлланмадан ёки бошқа ҳар қандай кейинги қайта кўриб чиқиладиган нашрлардан топиш мумкин. Тавсия этилган частотадан четга чиқиш хавфларни баҳолашга асосланади ва тасдиқланади. Стерил препарат олиш керак бўлса ва якуний стерилизация қилувчи филтрлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолда, барча бошланғич материаллар стерилизация қилинади. Тайёрлаш пайтида препарат билан бевосита алоқада бўлган асбоб-ускуналарнинг таркибий қисмлари стерил ва бир марта фойдаланиладиган бўлиши ёки фақат тасдиқланган тозалаш ва стерилизация процедурасидан кейин қайта фойдаланилиши керак.

### 3-1. РАДИОНУКЛИДЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Радионуклидни ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги асосий параметрлар орқали тавсифланади:

- нишон материали;
  - ядро реакцияси;
  - нишон материали учун ушлагич тузилиши;
  - нишон материали ва узатиш линиялари учун ушлагичга техник хизмат кўрсатиш;
  - энергия ва нурнинг интенсивлиги каби нурланиш маълумотлари;
  - қабул қилинган шароитлар учун одатий радионуклиднинг ифлосланиши (кўзғалиш функцияси);
  - керакли радионуклидни ажратиш/тозалаш жараёни;
- ва ишлаб чиқарилган радионуклиднинг сифати ва миқдори нуктаи назаридан ишлаб чиқариш самарадорлигига барча таъсирларни баҳолайди.

Радионуклидлар ва радиоактив нишонли молекулаларнинг прекурсорлари “Радиофармацевтик препаратлар” (0125) умумий мақоласининг ва агар мавжуд бўлса, ҳар қандай алоҳида мақолаларнинг талабларига мос келади.

### 3-2 КИМЁВИЙ ПРЕКУРСОРЛАР

Кимёвий прекурсорлар одатда кимёвий синтез орқали олинади. Уларни радиоактив нишонлаш процедуралари учун олдиндан тайёрланган тўплам шаклида бошқа моддалар билан бирлаштириш ёки олдиндан юклаш мумкин ва/ёки кассеталар ёки тўпламларда бошланғич материал сифатида қўлланилиши мумкин.

Изоляцияланган шаклда ёхуд бошланғич материаллар тўплами кўринишидаги кимёвий прекурсорлар, охириги маҳсулотни филтрлаш ёки якуний стерилизация қилинганлигидан қатъий назар, қабул қилинадиган, паст даражадаги микроблар билан контаминациясига эга бўлади. Агар кимёвий прекурсорлар томонидан микробларнинг кўпайиш хавфи мавжуд бўлса, стерилизация кўриб чиқиши керак.

Кимёвий прекурсорларнинг сифатига қўйиладиган талаблар тегишли алоҳида мақолаларда келтирилган. Мақолага кириш имконияти бўлмаган тақдирда, “Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар” (2034) уму-

мий мақоласи қўлланилади ва сифатни назорат қилиш дастури амалга оширилади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, “Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар” (2034) умумий мақоласининг баъзи қоидалари радиофармацевтик препаратларга ёки кимёвий прекурсорларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу қоидалар радиофармацевтик препаратлар (0125) умумий мақола-сида камраб олинган.

### 3-3. РАДИОНУКЛИД НИШОНЛАШ

Радионуклид нишонлаш босқичи радионуклиднинг кимёвий прекурсор билан реакцияси ҳисобланади. Оксиллар ёки ҳужайралар каби биологик материаллар тўғридан-тўғри радиоактив нишонлар учун субстрат бўлиши мумкин.

Радионуклид нишонлаш бошланғич материалларни бошқариладиган шароитларда (яъни ҳарорат ёки босимда) аралаштиришни ўз ичига олади. Радиоактив нишонлашдан сўнг химоя гуруҳларини олиб ташлаш ёки радионишолашни бошқа молекулага бириктириш учун, органик парча ёки пептид ёки антитело каби мураккаб тузилишга эга бўлган кейинги босқичлар бажарилиши мумкин.

Тўплам, таркибий қисмлар ёки бирламчи материалларнинг кимёвий ва физик таркиби билан боғлиқ радиоактив бирикманинг самарадорлиги, радиофармацевтик препаратнинг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги хавфи баҳоланади ва ҳужжатлаштирилади. Кимёвий ва физик барқарорлик ҳамда микроблар билан контаминация хавфи синчковлик билан ўрганилади.

Синтез жараёнини ишлаб чиқишда бошланғич материалларнинг манбаи ва сифати (масалан, металл ифлослантирувчилар), миқдорий ва сифат таркиби (масалан, концентрация, рН, стериллик, осмолярлик, ковушқоқлик, эрувчанлик, барқарорлик) ва ишлаш шароитлари (масалан, инерт газдан фойдаланиш, ҳарорат, босим) ҳисобга олинади. Синтезда бўлиши мумкин бўлган қўшимча маҳсулотларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Кассеталарни автоматлаштириш ва/ёки улардан фойдаланиш синтез жараёнларининг ишончли-лигини ошириш, микроблар билан ифлосланиш хавфини камайтириш ва радиациявий хавфсизликни оширишнинг мумкин бўлган усули ҳисобланади.

Клиник фойдаланишга янги синтезни киритишдан олдин, синтез жараёни камида 3 та партиядан фойдаланган ҳолда тайёрлаш пайтида тегишли назорат (жараён ичидаги назорат) ва охириги препаратнинг сифатини синчковлик билан текшириш орқали валидация қилинади. Жараён валидация қилинганидан сўнг, беморга юборишдан олдин, кимёвий мураккаблик, маҳсулот самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар каби турли жиҳатлар ва беморга нурлантириш дозасини ошириш билан боғлиқ муаммоларни эътиборга олган ҳолда, хавфни баҳолаш кўриб чиқилади масалан, радиокимёвий ва радионуклид аралашмалар назорати ёрдамида мунтазам текширувлар ўтказилиши керак.

#### 3-3-1. Тозалаш босқичини талаб этмайдиган радиофармацевтик препаратлар

Синтезнинг бу тури радионуклиднинг бошланғич материаллар аралашмаси билан бирикиши орқали тавсифланади. Бунинг ортидан радионуклиднинг кимёвий прекурсор билан яқин-миқдорий реакцияси кузатилади, шунинг учун препаратни тайёрлаш жараёни дарҳол тозалаш босқичини талаб қилинмайди. Микроблар билан контаминациянинг юқори хавфининг олдини олиш мақсадида радиосинтезнинг очиқ усулларидадан фойдалан-

маслики талаб қилинади. Барча таркибий қисмлар олинган радиофармацевтик фаол моддалар билан биргаликда юборилади. Талаб этиладиган хавфни баҳолаш барча бошланғич материалларнинг, шу жумладан, радионуклиднинг кимёвий, радиокимёвий ва микробиологик сифатига қаратилади. Бир нечта қўшимчалар киритилган тақдирда, хавфни баҳолаш турли хил бошланғич материалларни қўшиш ва реакция шартларига ва айниқса, реакция контейнерларига қаратилади.

### 3-3-2. Тозалашни талаб қиладиган радиофармацевтик препаратлар

Синтезнинг бу тури радионуклид эритмасининг бошланғич материаллар аралашмасига бир марта қўшилиши ёки турли хил бошланғич материалларнинг кўп маротаба қўшилиши билан тавсифланади ва кейинчалик уларни тозалашни талаб қиладиган (шунингдек, 3-5 бўлимга қаралсин). Талаб этиладиган радиоактив бирикмани реакция аралашмадан етарли даражада тозалаш радионуклид, кимёвий ва ёки радиокимёвий аралашмаларни паст даражасини таъминлаш учун зарур. Керакли сифат хусусиятларига жавоб берадиган радиофармацевтик препаратни олиш учун оралиқ маҳсулотлар ёки якуний маҳсулотни физик-кимёвий ва кимёвий ажратиш муҳим аҳамият касб этади. Иложи бўлса, ажратиш босқичларини ўз ичига олган тайёрлаш жараёни тегишли детекторлар ёрдамида кузатилади ва радиациявий хавфсизлик нуктаи назардан назорат амалга оширилади. Талаб этиладиган хавфни баҳолаш 3-3-1 бўлимида келтирилган мулоҳазалар каби, шунингдек тозалаш шартларига, айниқса ажратиш самарадорлиги ва хроматографик муҳитнинг маҳсулотнинг кейинги микробиологик сифати (эндотоксин микдори) таъсирига қаратилади.

### 3-3-3. Хужайравий радионишонлаш

Кесишган контаминация, кесишган инфекция, қон ва қон таркибий қисмларининг аралашуви, шунингдек, радиоактив нишондан кейин хужайраларнинг бутунлиги ёки яшовчанлиги – бу хужайраларни радиоактив нишонлаш хавфини баҳолаш учун эътибор берилиши керак бўлган аниқ нукталар ҳисобланади. Радиоактив нишонлашнинг бу тури 3-14. бўлимда батафсил кўриб чиқилади.

### 3-4. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАР

Юқорида тавсифланган баъзи босқичларни автоматлаштириш мумкин. Автоматлаштирилган модул (синтезатор) одатда контейнерлар, реакторлар, найчалар, шприцлар, қаттиқ фаза катрижлар ва ёки препаратив сувоқли хроматографияси тизими ўзаро боғланган тармоғи билан биргаликда фойдаланиладиган қувват манбалари, қўтарувчи насослар, иситкичлар ва датчикларнинг бирикмасидан иборат. Автоматлаштирилган модул савдода мавжуд ускуна бўлиши мумкин ёки буюртма орқали тайёрланиши мумкин. Турли хил радиофармацевтик препаратларни бир хил автоматлаштирилган модулда тайёрлаш одатий ҳол ҳисобланади.

Синтез жараёнида автоматлаштирилган модул жараён параметрларини радиофармацевтик препарат эритмаси ҳосил бўладиган тарзда назорат қилинади. Автоматлаштирилган модул билан қўлланиладиган контейнерлар ва тозалаш тизими бир марталик бўлиши (“радиофармацевтик кассета”) ёки кўп сонли ишлаб чиқариш циклларида фойдаланилиши мумкин.

Кетма-кет ишлаб чиқариш циклларида фойдаланилганда, кесишган контаминация хавфи ҳисобга олинади. Махсус таркибий қисмлар ёки жиҳозлардан фойдаланган

ҳолда ёки тозалаш процедурасининг самарадорлигини баҳолаш орқали кесишган контаминациянинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўрилади.

Контейнерлар ва тозалаш тизимлари (масалан, препаратив сувоқли хроматографик тизими) синтезаторнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Синтезаторнинг электрон таркибий қисмлари юқори даражадаги нурланиш таъсирига чидамли.

Бошланғич материаллар, эритувчилар ва ёки радиофармацевтик препаратлар билан алоқа қиладиган автоматлаштирилган модулнинг таркибий қисмлари кимёвий жиҳатдан инерт ҳисобланади. Нурланиш таъсири остида парчаланадиган ва бошланғич материаллар, эритувчилар ва ёки радиофармацевтик препаратлар билан алоқа қиладиган таркибий қисмларга алоҳида эътибор қаратилади, чунки улар вақт ўтиши билан ёт аралашмаларни ажратиши мумкин.

Автоматлаштирилган модуллар радиофармацевтик препаратларнинг таркиби ва дозасини, одатда микдорларни тўғри ўлчаш ва тарқатиш учун ҳажмларни ёки массани ўлчаш қурилмалари ва радиоактивлик детекторларидан фойдаланган ҳолда ҳам назорат қилиниши мумкин. Дозалаш учун бир марталик найчалар қўлланилади. Ўлчов тизими калибрланади.

Автоматик синтез ва ёки тарқатиш модули учун 2 босқич квалификация/валидация талаб қилинади. Автоматлаштирилган модул етказиб берувчи ёки фойдаланувчи томонидан квалификация қилинади. Ушбу квалификациядан сўнг дарҳол фойдаланиш учун тайёргарлик/дозалаш жараёни валидация қилинади.

Синтезаторда синтез жараёни одатда дастурий таъминот томонидан назорат қилинади ва валидация қилинади. Автоматлаштирилган тизим фойдаланувчисида синтезда фойдаланиладиган кетма-кетликларнинг рўйхати ва уларга киритилган ўзгаришлар тарихи мавжуд бўлади. Дастурий таъминотга кириш назорат қилинади ва унга киритилган ҳар қандай ўзгаришлар назорат қилинади ва ҳужжатлаштирилади. Компьютерлаштирилган тизимлардан фойдаланиш бўйича қўлланмани, масалан, EudraLex 4-жилд, 11-иловадан топиш мумкин.

Қўл билан аралашувлар ёки параметрларни мослаштириш (масалан, клапанни қўл билан бошқариш) ҳужжатлаштирилади ва агар улар тасдиқланган диапазондан ташқарида бўлса, жараённинг оғиши сифатида кўриб чиқилади. Ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган дастурий таъминот версияси пакет параметри сифатида қайд этилади. Дастурий таъминотга ўзгаришлар киритилганда, дастурий таъминотнинг эски версияси ушбу версия билан тузилган партия ҳужжатлари билан бир вақтнинг ўзида архивга топширилади.

Автоматлаштирилган тизимлар радиофармацевтик кассеталардан ва бошқа бир марта фойдаланиладиган қурилмалардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. Кассеталар уларда бўлиши мумкин бўлган бирламчи маҳсулотлар (прекурсорлар, эритувчилар, катализаторлар ва бошқалар) тўплами билан қўлланилади (олдидан тўлдирилган кассета) ёки алоҳида етказиб берилади (бўш кассета).

Кассеталар савдо ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган ёки жойида йиғилган бўлиши мумкин. Ушбу талаблар иккаласига ҳам тааллуқли ҳисобланади ва тегишли маълумотлар кассета фойдаланувчиларига уларнинг фойдаланиш талабларини белгилашга ёрдам бериш учун юборилади.

Реагентлар ёки маҳсулот билан алоқада бўлган тизимдаги барча материаллар сақланганда ва фойдаланилганда барқарорликни намоёниш этади. Материалларнинг (масалан, пластмассанинг) кимёвий жараён билан ўзаро мутаносиблиги баҳоланади ва ҳужжатлаштирилади. Шиша компонентлар камида 1-турга киради (3.2.1. *Фармацевтикада қўлланиладиган шиша контейнерлар* умумий бўлимга қаралсин).

Кассеталар ёрдамида тайёрланган препаратни юборишдан олдин, кассета ва автоматлаштирилган тизимнинг комбинацияси талаб қилинадиган сифат даражасидаги радиофармацевтик препарат ишлаб чиқарилишини тасдиқлаш учун валидация қилинади.

Қўлланиладиган кимёвий моддаларнинг сифати 3-2-бўлима кўрсатилган талабларга жавоб беради.

Кассета ўзининг яроқлилик муддати давомида келишилган хусусиятга мувофиқ радиофармацевтик препаратни синтез қилишга кодир.

Кассета ёрдамида тайёрланган радиофармацевтик препаратлар учун бактериал эндотоксиннинг паст микдори ушлаб туриш ва юқори даражадаги стерилликка эришиш учун кассетада паст бошланғич биоюклама бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш жараёнининг яроқлилиги кафолатланади ва фойдаланувчи томонидан маҳсулотнинг якуний сифати тегишли таҳлилий синовлар билан тасдиқланади.

Автоматлаштирилган тизимдан фойдаланувчи радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган потенциал оғишларни баҳолаш учун тизимда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва реакция жараёнлари ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиши керак. Самарасиз реакция ёки тизим носозликларида, маҳсулот чиқиши паст бўлиши ва/ёки қўшимча аралашмалар пайдо бўлиши мумкин. Тегишли спецификацияларини белгилаш учун фойдаланувчига тизимнинг мумкин бўлган носозликлари тўғрисида етарли маълумот тақдим этилиши керак.

### 3-5. ТОЗАЛАШ

Органик кимёвий реакцияларни ўтказишда кўпинча маҳсулотни ажратиш талаб қилинади. Тозалаш босқичи радиофармацевтик препаратларнинг якуний сифатини таъминлаганлиги сабабли, ажратиш самарадорлигини якуний радиокимёвий, радионуклид ва кимёвий тозалиги нуқтаи назаридан синчковлик билан баҳоланиши керак. Қолдиқ эритувчиларга алоҳида эътибор бериледи (5.4. *Қолдиқ органик эритувчилар* умумий бўлимига қаралсин). Барча тозалаш процедуралари валидация қилинади.

Хроматографик муҳитдан фойдаланганда, айниқса, қайта фойдаланиладиган суюқлик хроматографик колонкалар бўлса, микроблар билан контаминация хавфи мавжуд бўлади. Хавфларни баҳолаш хроматографик ташувчиларни тозалаш/конденсациялаш ва сақлаш шароитларига қаратилади. Парентерал дори шаклларида стерилизация қилиш имкониятини таъминлаш учун биоюклама ва бактериал эндотоксин микдори мос меъёрлардан паст даражада сақлаб турилади.

Қон хужайралари каби биологик материалларнинг радионишонлаш жараёни шундай ишлаб чиқилганки, тозалаш босқичида, одатда, центрифугалашда маҳсулотнинг қайтарилувчан сифати кафолатланади.

### 3-6. ШАКЛЛАНТИРИШ

Белгиланган бирикма тозаланганидан сўнг радиофаол нишонланган молекула беморларга юбориш учун мос шаклга айлантирилади.

Тўлдирувчилар, қўшимчаларнинг манбаи ва сифати ҳужжатлаштирилиши керак.

Бошланғич материалнинг ички тўпламидан фойдаланилганда охирги маҳсулот якуний стерилизация қилинганлиги ёки стерил филтрланганлигидан қатъий назар микроблар билан контаминацияси мавжуд бўлмаган (ёки мақбул паст даражадаги) таркибий қисмлар ишлатилиши тавсия этилади.

Бир вактнинг ўзида тўпламлардан турли хил радиофармацевтик препаратлар тайёрланиши керак бўлса, кесишган контаминациянинг олдини олиш мақсадида алоҳида эритувчи сақлаган флаконлар қўлланилади.

Радиофармацевтик препаратларнинг аксарияти парентерал юборишга мўлжалланган. Шу муносабат билан радиофармацевтик препаратлар ва бошланғич материалларнинг хусусий тўпламларини ишлаб чиқишда рН, осмолярлик, қовушқоқлик, ион кучи ва эрувчанлиги тегишли равишда ҳисобга олинади.

### 3-7. ДОЗАЛАШ

Дозалаш – бу тиббий юборишдан олдин ажралиб чиқиши керак бўлган охирги дори шаклига препарат эритмасининг аликвотасини олиш жараёни ҳисобланади (3-12 бўлимга қаралсин). У бир ёки бир нечта охирги маҳсулот флаконлари ёки шприцларидан иборат партияни тайёрлашни ўз ичига олади. Биоюкламани иложи борица паст даражада ушлаб туриш учун дозалаш жараёнида қўлланиладиган таркибий қисмлар стерилизация қилинади. Агар бунинг имкони бўлмаса, таркибий қисмлар валидация қилинган жараён орқали стерилизация қилинади. Агар таркибий қисмлардан қайта фойдаланилса, валидация қилинган тозалаш процедураси бир маҳсулотдан иккинчисига кесишган контаминацияни бартараф қилишни таъминлаши мумкин.

### 3-8. СТЕРИЛЛАШ

Парентерал юбориш учун мўлжалланган радиофармацевтик препаратлар стерил бўлади. Якуний стерилизацияда маҳсулотнинг стерил бўлишига энг юқори даражадаги кафолат таъминланади. Кўпгина ҳолларда, фақат стерилловчи филтрлаш босқичларини бажариш мумкин, аммо стерилизация мумкин бўлмаган бошқа ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин (масалан, аутологик хужайралар радиоактив нишон билан белгиланган бўлса). Улар асептик препаратлар сифатида қаралади. Қўллаш мумкин бўлган стерилизация усуллари 5.1.1. *Стерил маҳсулотлар олиш усуллари* умумий бўлимида келтирилган.

Асептик манипуляциялар А синф муҳитида (А синф зонасида) амалга оширилади. Атроф муҳитнинг контаминация даражаси фойдаланиладиган ҳимоя қобиғи тизимига, препарат учун контаминация хавфига, препаратнинг яроқлилик муддати ва тайёрлаш цикли вақтида тайёрланган бирликлар микдорига боғлиқ бўлади. Ҳавонинг тозалигига келсак, одатда очиқ иш жойлари учун С синф муҳити ёки изолятор учун Д синфидаги муҳит мақбул ҳисобланади.

Эксплуатациянинг мураккаблиги ва яроқлилик муддати стерил маҳсулотни таъминлаш учун кўрилиши керак бўлган чораларни белгилайди, масалан:

– кам ишлов беришни талаб қиладиган ёпиқ тизимдаги оддий операциялар учун (масалан, лицензия-

ланган тўплам ва генераторлардан радиофармацевтик препаратларни тайёрлаш), иш жойи муҳитининг атрофини бевосита тўғри назорат қилиш қўшимча чоралари (масалан, технологик кийим) мавжуд бўлганда, ҳаво тозаланиши мувофиқ даражада таъминланиши мумкин, бу борада хавфларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади;

– мураккаб операцияларни бажариш учун (масалан, стерилланган филтрлашдан кейин очиқ флаконларни тайёрлаш ёки флаконларни тўлдириш, асептик тайёрлаш, аутологик ҳужайраларни ёрликлаш) стерил маҳсулотни таъминлаш учун очиқ иш жойининг бевосита яқинида қўшимча чоралар талаб қилиниши мумкин.

Ёпиқ дозалаш процедуралари, имкони борича, очиқ флаконларни тўлдиришга муқобил сифатида айниқса, беморлар учун жуда кичик партиялар ёки алоҳида препаратлар учун қўлланилади. Ёпиқ асептик дозалаш жараёнида фойдаланиладиган дозаловчи тўплам (стерилизация филтрлари, игналар, найчалар ва флаконлар) стерил бўлиши керак. Бунга дозаловчи тўпламни стерилизация қилиш ёки стерил таркибий қисмлардан фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин. Бу стерил таркибий қисмлар ҳаво тозаллиги бўйича С синф муҳитида жойлашган А синф муҳитида йиғилади ва бирлаштирилади. Ёпиқ асептик дозалаш жараёни ҳаво тозаллиги бўйича камида С синф даражасидаги муҳитда бажарилиши мумкин.

А синф учун ҳаво етказиб беришнинг критик даражаси ва қаттиқ заррачалар ҳамда микроблар контаминацияси бўйича муҳит назорати мунтазам равишда амалга оширилади. Препаратни стериллаш учун стерилловчи филтрация қўлланилганда, беморга препаратни юборишдан олдин филтр бутунлиги текширилади. Ҳар бир препарат тури учун филтрнинг бутунлиги, масалан, кабарик нуқтани валидация қилиш орқали текширилади.

Ярим парчаланиш даври 10 минутдан камроқ бўлган радионуклид сақловчи препаратлар маҳсулот чиқарилишидан олдин филтр бутунлигини текширишдан озоқ қилинади. Инъекция беморга тўғридан-тўғри жиҳоз орқали юборилса, қўлланиладиган филтр одам томонидан бевосита фойдаланишга жавоб беради.

Филтрловчи мембрана ва корпуснинг маҳсулот эритмаси билан мослиги, етказиб берувчининг спецификацияси ёрдамида экспериментал равишда текширилади. Баъзи ҳолларда, муайян дастурлар учун (масалан, гидрофоб радиофармацевтик препаратлар учун) мақбул сертификатлаштирилган филтрларни топиш имкони бўлмайди. Бундай ҳолларда филтрлар бактериал эндотоксин таркиби, самарадорлигига ва маҳсулотни қайта тикланиши учун текширилиши керак.

### 3-9. ТАҲЛИЛИЙ НАЗОРАТ

Барча таҳлилий тизимлар аттестация қилинган ва барча усуллар тан олинган стандартларга мувофиқ валидация қилинган бўлиши керак (масалан, *Таҳлилий процедуранинг валидация қилиш: матн ва методология бўйича ICH Q2 Қўлланмаси*). Имкони борича, радиофармацевтик препаратнинг сифат назорати уни тайёрлашда иштирок этмаган шахс томонидан амалга оширилади.

#### 3-9-1. Бошланғич материаллар.

Экстемпораль тайёрлаш учун қўлланиладиган бошланғич материаллар, имкон қадар, *фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар (2034)* умумий мақоласига ва мавжуд бўлса хусусий мақолаларга мос келади.

Радиофармацевтик препаратлар таркибида мавжуд бўлмаган бошланғич маҳсулотлар учун (масалан,

тозалаш йўли орқали олиб ташланадиган реактивлар, катализаторлар, эритувчилар, картрижлар), спецификациялар ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган таҳлил сертификати, агар зарур бўлса, махсус синовлар билан тўлдирилган ҳолда текширилади. Агар синаш техник жиҳатдан мумкин бўлмаса, масалан, савдода мавжуд бўлган олдиндан тўлдирилган кассеталар фойдаланилганда, синов хавфни баҳолаш шарти билан амалга оширилмаслиги мумкин. Спецификациялар радиосинтезда кўзда тутилган мақсадга мувофиқ, сифатни таъминлаш учун зарур бўлган кимёвий ва микробиологик тозаллик даражасига мослаштирилиши керак. Якуний таркибга киритилган тўлдирувчиларнинг чинлиги, агар улар лицензияланмаган бўлса, тегишли таҳлилий усуллар орқали текширилади. Спецификациялар инъекция учун мўлжалланган фармацевтик препаратнинг таркибий қисмига, айниқса, биологик юклама ва бактериал эндотоксин таркибига мос келадиган сифатни таъминлаш учун зарур бўлган тозаллик даражасига мослаштирилади.

Айрим радионуклидларни радиосинтез жараёнида қўллашдан олдин таҳлил қилиш орқали тизимли равишда баҳолаб бўлмайди. Мақсадли материалнинг янги партиясидан фойдаланилганда ёки радионуклидни тайёрлаш жараёнининг модификацияси содир бўлганда, ҳар сафар қўзланган мақсадга мувофиқлиги аникланади.

Кимёвий прекурсорлар учун (i) чинлиги тегишли таҳлилий усул орқали текширилади; (ii) радиосинтез учун яроқлилиги барча спецификацияларига жавоб берадиган якуний радиофармацевтика маҳсулоти билан тўлиқ радиосинтезни бажариш орқали текширилади ва (iii) спецификациялар ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган, зарур бўлганда, аниқ синовлар билан тўлдирилган, таҳлил сертификатини баҳолаш йўли орқали тасдиқланади.

#### 3-9-2. Радиофармацевтика препаратлари

Экстемпораль тайёрланган радиофармацевтик препаратлар *Радиофармацевтик препаратлар (0125)* умумий фармакопея мақоласига ва мавжудлигига қараб хусусий мақолаларга мос келади. Бундан ташқари, бошқа қўлланилиши мумкин бўлган умумий мақолалар ва умумий матнлар, айниқса, *фармацевтик препаратлар (2619)*, 5.1.1. *Стерил маҳсулотларни тайёрлаш усуллари* ва 5.4. *Қолдиқ органик эритувчилар* мақолалари мос келади.

Алоҳида мақолалар ёки маҳсулот хусусиятининг тасдиқланган қисқача баёни бўлмаган тақдирда, ҳар бир радиофармацевтик препарат учун спецификациялар ва тегишли синов усуллари белгиланиши керак. 5.19.-1 жадвалда мувофиқ таҳлилий параметрлар ва усулларни аниқлашга оид мисоллар келтирилган. Синов усулларида радиоактивликни ўлчашнинг батафсил тафсилотларини 2.2.66. *Радиоактивликни аниқлаш ва ўлчаш* умумий бўлимида топиш мумкин. Режалаштирилган ҳар бир синов учун, унинг натижаси радиофармацевтик препаратни фойдаланиш учун чиқарилгунга қадар мавжуд бўлиши керакми ёки йўқлиги кўрсатилади. Агар синов фойдаланиш учун чиқарилгунга қадар кечиктирилса, бу бу асосланиши керак ва синовни ўтказиш учун максимал кечикиш даври белгиланиши керак.

5.19.-1-жадвал.

*Эсктемпораль тайёрланган радиофармацевтик препаратларни чиқариш учун тахлилий параметрлар ва усулларига мисоллар.*

Синов ёки параметр	Жихоз ва/ёки усул
Тавсифи, ташқи кўриниши	Визуал текшириш
Радионуклиднинг бир хиллиги	Ярим парчаланиш даврини аниқлаш; альфа спектрометрия; бета спектрометрия; гамма рентгеноспектрометрия
Радиоимёвий бир хиллиги	Суюқлик хроматографияси, юпка қатламли хроматография
Радиоимёвий тозалик	Суюқлик хроматографияси, юпка қатламли хроматография
Кимёвий тозалик	Суюқлик хроматографияси, юпка қатламли хроматография
Радионуклид тозалик	Ярим парчаланиш даврини аниқлаш; гамма-рентгеноспектрометрия; альфа-спектрометрия; бета спектрометрия
Қолдиқ эритувчилар	Газ хроматографияси
Фармацевтик ёки физиологик параметрлар	рН, осмоляллик
Микробиологик тозалик	Бактериал эндотоксинлар, стериллик
Радиоактивликнинг миқдори, концентрацияси	Ионизация камераси
Солиштирма радиоактивлик	Суюқлик хроматографияси, ионизация камераси
Энантиомерик тозалик	Хирал хроматография

### 3-10. ҚАДОҚЛАШ

Бирламчи қадоқлаш материаллари препаратга мос бўлиши керак

### 3-11. ЁРЛИҚЛАШ

Агар радиофармацевтик препарат айнан бир жойда тайёрланса ва қўлланилса, радиофармацевтик препаратнинг бирламчи қадоқлаш ёрлиғи препаратнинг чинлигини кўрсатади ва кузатувчанликни таъминлайди. У тегишли миллий ва Европа конун ҳужжатларига мос келади.

Ёрликда одатда қуйидагилар кўрсатилади:

- препаратнинг номи/фаол модданинг номи ва/ёки унинг ҳаволаси;
- препаратга бир маъноли ҳавола (радиофармацевтик дори препаратининг партия рақами ёки санаси);
- иложи бўлса, тайинланган бирлик учун серия рақами (агар турли хилдаги серия рақамлари тайинланган бўлса);
- радиациянинг халқаро белгиси (“учбарг”).

Зарур бўлганда, ҳимояланган ёрлиғини беморга ҳавола қилишни (идентификация рақами ёки номини) ўз ичига олади.

Суюқ ва газсимон препаратлар учун контейнердаги умумий радиоактивлик ёки белгиланган сана ва ўлчанган

вақтдаги радиоактив модданинг бир миллилитрдаги концентрацияси, шунингдек, контейнердаги суюқлик миқдори ҳимояланган ёрлиғида кўрсатилади.

Қаттиқ (масалан, капсулалар каби) препаратлар учун кўрсатилган санадаги умумий радиоактивлик ва зарур бўлганда ўлчаш вақти кўрсатилади.

Ёрликлаш баъзи ҳолатларда, маҳсулотнинг ярим парчаланиш даври жуда қисқа (яъни 10 минутдан кам) бўлганлиги сабабли, препарат барча маълумотлар мавжуд бўлгунга қадар қўлланиладиган айрим ҳолатларда мослаштирилиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳимояланган ёки ташқи қадоқ ёрлиғида қуйидагиларни кўрсатилади:

- мумкин бўлганда, ҳар қандай қўшимча моддаларнинг номи;
- ишлаб чиқарувчининг номи (тайёрланган жойи);
- юбориш усуллари;
- таъсир қилиш муддати ёки яроқлилик муддати;
- мумкин бўлганда ҳар қандай махсус сақлаш шартлари.

### 3-12. ЧИҚАРИШ

Юбориш учун яроқли радиофармацевтик препаратни чиқариш тўғрисидаги қарор, таҳлил натижаларининг спецификациялар ва уни тайёрлаш билан боғлиқ жараён маълумотларига, айниқса, назорат ва мониторинг жараёнидаги (масалан, зарралар, микроблар, атроф-муҳит) маълумотларга боғлиқ. Аммо радиофармацевтик препаратларнинг қисқа муддатли табиати туфайли, препаратнинг барча сифат кўрсаткичлари юбориш учун чиқарилган пайтида маълум бўлмаслиги мумкин. Чиқаришдан олдин бажарилиши керак бўлган тахлилий синовлар рўйхати 3-9-2-бўлимга мувофиқ белгиланади. Юбориш учун чиқариш ёзма шаклда барча зарур маълумотларни (тайёрлаш, сифат назорати, оғишларни баҳолаш ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу жараён хавфларни баҳолашга асосланган. Синов натижаларини, радиофармацевтик препаратни юборишдан олдин, техник жиҳатдан олиш имкони бўлмаган ҳолларда таҳлил натижаларини аввалгиларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш мақбул бўлади ва хавфларни баҳолашга асосланади. Масъул шахс томонидан препаратни юборишдан олдин текшириш ва чиқариш ҳужжатлар тўпламида ёзма равишда тасдиқланади.

Ёзма процедурада, шунингдек, препарат чиқарилгандан кейин синов натижалари қониқарсиз бўлса, масъул шахс томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар (аниқланган вақтга қараб препарат фойдаланувчиларини қақариб олиш ёки уларга маълумот тақдим этиш) келтирилади.

Масъул шахс томонидан препаратнинг якуний кўриб чиқилиши ва якуний чиқарилиши ҳужжатлар тўпламида ёзма равишда тасдиқланади.

### 3-13. АРХИВ НАМУНАЛАРИ

Сотиш учун рухсат этилмаган препаратлар ҳолатида, архив намуналар барча синовлар тугаган кундан бошлаб 1 ой ёки препаратнинг яроқлилик муддати тугагандан кейин 1 ой, қайси бири узоқроқ бўлса шунга қараб сақланади. Агар битта флаконда дозаланган бўлса, архив намуналари бўлмаслиги мумкин. Бу ҳар қандай хавфни баҳолашда синчковлик билан эътиборга олинади. Техник жиҳатдан мумкин бўлган жойларда, худди шундай ёндашув кимёвий прекурсорларга ва бошлангич материалларга қўлланилади. Радиоактив нишонли ҳужай-

раларни тайёрлаш учун ҳеч қандай архив намуналари талаб қилинмайди.

#### **3-14. РАДИОНИШОНЛАНГАН ҚОН ҲУЖАЙРАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ**

Ҳужайра манипуляцияси билан ишлаш ва радионишонлаш вақтида ҳужайраларнинг яшовчанлигини ва стериллигини сақлаб қолиш керак. Операторни ҳимоя қилиш биринчи даражадаги аҳамият касб этади ва оператор биологик ва радиацион хавфларга дуч келмаслиги керак.

##### **3-14-1. Қон ҳужайралари ва ҳужайра таркибий қисмларини радионишонлаш ва бирламчи донорга/беморга қайта инъекция қилиш учун йиғиш**

Қон ҳужайралари ва ҳужайра таркибий қисмлари уларнинг функцияларини сақлаб қолиш учун йиғилади (ортиқча центрифугалашдан сақланган ҳолда кенг тешикли игнадан фойдаланиш, аввалдан тегишли антикоагулянт билан қопланган шприцдан фойдаланиш, ортиқча центрифугаланишдан сақланиш). Аралашиб кетишнинг олдини олиш мақсадида контейнерлар бемор тўғрисидаги маълумот билан ёрлиқланади. Ҳужайраларни ажратишда фойдаланиладиган барча моддалар сифатига қўйилган талаблар агарда мавжуд бўлса, хусусий мақолаларда кўрсатилади. Хусусий мақола мавжуд ёки йўқлигидан қатъий назар *“Фармацевтикада қўлланиладиган субстанциялар” (2034)* умумий мақоласи қўлланилади. Тегишли қоидаларда кўзда тутилганидек, гетерологик ҳужайраларни қўллаш зарур бўлса, қўшимча чоралар кўрилиши мумкин.

Қон ҳужайралари таркибий қисмларининг ажратиши, тўкилиш ва/ёки ёрилиш пайтида (ёпиқ челақлар билан) сақлашни таъминлаш учун мўлжалланган центрифугани

талаб қилади. Ҳужайраларни нишонлаш учун фойдаланиладиган жиҳоз бир вақтнинг ўзида фақат битта процедура (битта бемор) учун қўлланилади ва бир марта фойдаланиладиган идишлар макбул танлов ҳисобланади. Турли беморларнинг намуналарига ишлов бериш қулай вақт оралиғи бўйича ажратилади ва идиш ва жиҳозларни қон орқали юқадиган патоген микроорганизмлар ва вирусларни йўқ қилишни таъминлайдиган тозалаш/дезинфекциялаш жараёнини ўз ичига олади.

##### **3-14-2. Ҳужайраларни радионишонлаш**

Кесишган контаминацияни, кесишган инфекцияни ёки қоннинг аралашиб кетишини, шунингдек, микроб билан контаминацияни олдини олиш учун эҳтиёт чоралари кўрилади. Радионишонлаш шароитлари ҳужайраларнинг яхлитлигини ва/ёки яшовчанлигини камайтирмайди. Якуний стерилизация қилиш мумкин эмаслиги сабабли ҳужайраларни радионишонлаш (радиоёрлиқлаш) асептик тайёрлаш сифатида қаралади (3-8 бўлимга қаралсин).

##### **3-14-3. Сифат назорати**

Идентификация, нишонлашнинг рентабеллигини ҳисоблаш ва ҳужайралар йиғилиши ёки тўпланишининг йўқлиги радиоактив нишонланган ҳужайраларни яроқлилигини чиқаришдан ва қайта инъекция/юборишдан аввал текшириш учун баҳоланади. Вақти-вақти билан ҳужайраларнинг яшовчанлиги/яхлитлиги текширилади.

Радиобирикмали қон ҳужайраларини тайёрлашни валидация қилиш ҳужайранинг турига қараб ҳужайранинг яшовчанлиги, морфологияси ёки функциясини текширишни ўз ичига олади. радиоактив нишонланган ҳужайраларни тайёрланган процедурасидаги ҳар қандай ўзгаришлар валидация қилинади.



## 5.20. ЭЛЕМЕНТАР АРАЛАШМАЛАР

5.20. Элементар аралашмалар .....	1795
-----------------------------------	------



## 5.20. ЭЛЕМЕНТАР АРАЛАШМАЛАР

Инсонлар учун қўлланиладиган фармацевтик дори воситаларининг техник хусусиятларини уйғунлаштириш бўйича Халқаро конференция (The International Council for Harmonisation of Technical Requirements for Pharmaceuticals for Human Use – ICH) дори воситаларидаги элементар аралашмалар бўйича ICH Q3D Қўлланмани қабул қилган.

Давлат фармакопеясида ушбу Қўлланма дори воситаларига (бу ерда ICH Q3D Қўлланмасида “дори воситалари” деб номланади) татбиқ этилади, лицензияланмаган маҳсулотлар ҳамда ушбу Қўлланманинг фойдаланиш доирасидан чиқарилган ҳолатлар бундан мустасно ҳисобланади. Қўлланмада дори воситаларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган токсикологик хавфли элементлар учун фойдаланиш усулига мувофиқ, рухсат этилган суткалик доза (permitted daily exposure – PDE) белгиланган. Қўлланмада, шунингдек, ушбу аралашмалар учун PDE миқдори ортиб кетмаслигини таъминлайдиган дори воситалари ёки таркибий қисмларидаги аралашмаларининг концентрациясини аниқлаш учун айрим мақбул ёндашувлар белгиланган.

Ушбу Қўлланманинг кириш қисми ва қўлаш доираси қуйида келтирилган бўлиб, тўлиқ матн ICH веб-сайтида мавжуд.

Қўлланманинг қўлаш доирасига тозаланган оқсиллар ва полипептидлар (шу жумладан келиб чиқиши рекомбинант ёки рекомбинант бўлмаган манбалардан олинган оқсиллар ва полипептидлар), уларнинг ҳосилалари ва таркибий қисмлари бўлган маҳсулотларни ўз ичига олган (масалан, конъюгатлар), шунингдек, сунъий йўл билан олинган полипептидлар, полинуклеотидлар ва олигосахаридлардан ташкил топган дори воситалари ҳам Қўлланманинг қўлаш доирасига киритилган.

Ушбу Қўлланма ўсимлик препаратлари, радиофармацевтик препаратлар, вакциналар, ҳужайра метабо-

литлари, ДНК маҳсулотлари, аллерген экстрактлар, ҳужайралар, яхлит қон, шу жумладан, плазма ва плазма ҳосилаларини ўз ичига олган ҳужайра қон таркибий қисмлари ёки қон ҳосилалари, тизимли айланиш учун мўлжалланмаган диализат эритмалар ва терапевтик таъсир кўрсатиши мақсадида дори маҳсулоти таркибига киритилган элементларга татбиқ этилмайди. Қўлланма генга асосланган (ген терапияси), ҳужайралар (ҳужайра терапияси) ва тўқималарга (тўқима муҳандислиги) асосланган маҳсулотларга тааллуқли эмас. Айрим ҳудудларда ушбу дорилар илгор дори препаратлари сифатида танилган.

Қўлланма клиник синов босқичларида қўлланиладиган дори воситаларига тааллуқли эмас. Дори препаратлари савдоси ривожланиб боргани сайин, Қўлланмадаги тамойиллар янги дори препаратларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган элементар аралашмаларни баҳолашда фойдали бўлиши мумкин.

Дори препаратлари таркибидаги элементар аралашмалар бир нечта манбалардан келиб чиқиши мумкин: улар синтез жараёнида шартли равишда қўшилган қолдиқ катализаторлар бўлиши ёки улар аралашмалар шаклида мавжуд бўлиши мумкин (масалан, қайта ишлов бериш жиҳозлари ёки контейнер/тиқинлаб беркитилдиган тизимлар билан ўзаро таъсирлашганда ёки дори препарати таркибий қисмларида мавжуд бўлиши). Элементар аралашмалар беморга ҳеч қандай терапевтик самара келтира олмаслиги сабабли, уларнинг препарат таркибидаги рухсат этилган миқдори мақбул чегараларда назорат қилиниши керак.

Дори препарати таркибидаги элементар аралашмалар рухсат этилган суткалик доза (PDE) дан ошмаса, ариза берувчидан, жараённинг имкониятларига қараб, чекловларнинг кучайтирилиши кутилмайди. Қўлланмада келтирилган PDE аҳоли соғлигини сақлаш мақсадида беморларнинг барча гуруҳлари учун мўлжалланган. Айрим ҳолларда, элементар аралашмаларнинг паст даражалари, агар заҳарланиш чегарасидан паст бўлган элементнинг ифлосланиш даражаси препаратнинг бошқа сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатса, (масалан, дори моддасининг катализ элементлари билан парчаланиши) ўринли деб ҳисобланиши мумкин.



## **5.21. АНАЛИТИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА АСОСЛАНГАН ХЕМОМЕТРИК УСУЛЛАР**

5.21. Аналитик маълумотларни қайта ишлашга асосланган хеометрик усуллар .....	1799
1. Умумий аспектлар .....	1801
2. Хеометрик усуллар .....	1807



## 5.21. АНАЛИТИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА АСОСЛАНГАН ХЕМОМЕТРИК УСУЛЛАР

Ушбу бўлим фақатгина маълумот учун наир этилмоқда. Бўлимнинг мақсади, зарур хеометрия амалиёти ва талаблари бўйича кўрсатмалар билан таъминлаш бўлиб, аналитик маълумотлар тўпламларни қайта ишлаш учун хеометрик усуллардан фойдаланишни кўзда тутувчи кириш қисми ҳисобланади.

### АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу бўлимда келтирилган қуйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Аналитик маълумотларни тадқиқ этиш:** келажакдаги фаразларни яратиш учун қўйилмаган ёки яширин қонуниятларни аниқлаш жараёни.

**Априори** – ассоциатив қоидаларни қидириш учун кўпроқ машҳур бўлган алгоритмлардан бири. Анти-монотонлик хусусиятидан фойдаланган ҳолда катта миқдордаги маълумотни мақбул вақт ичида қайта ишлашга қодир.

**β-тақсимот** – зичлик функцияси қуйидаги кўринишда бўлган эҳтимоллик тақсимоти:

$$f(x; u, v) = \frac{1}{B(u, v)} x^{u-1} (1-x)^{v-1},$$

бу ерда  $u > 0$ ,  $v > 0$ -шакл параметрлари (эркинлик даражалари);  $B$  - бета функция:

$$B(u, v) = \int_0^1 t^{u-1} (1-t)^{v-1} dt;$$

$\gamma$  -  $B(u, v)$  бета тақсимотнинг квантили ва у  $\beta_{u, v; \gamma}$  орқали белгиланади ва бу  $\beta_{u, v; \gamma}$  квантил бета тақсимотнинг  $F$  тақсимот функцияси  $\gamma$  га тенг қийматни қабул қиладиган  $q$  аргумент қийматидир, яъни;

$$F(x; u, v) = \int_0^x f(x; u, v) dx = \gamma.$$

**Бегона қиймат** – бу қиймат миқдорий маълумотлар тўпламида статистик жиҳатдан қолганларидан фарқ қиладиган қийматни англатади. Шунингдек, у муҳим бўлган танланмага ҳам тегишлидир. Бегона қийматлар учун махсус статистик тадқиқотлар қўлланилиши мумкин.

**Билвосита прогноз** – кўп ўлчовли модел ва кузатув маълумотлари асосида жавоб қийматини баҳолаш жараёни.

**Биттадан намунани четлатувчи (Leave-subset out)** – “Биттадан намунани четлатувчи” процедурасида янги маълумотлар тўпламини яратиш учун маълумотлар тўпламидан танланмалар қисм тўплами чиқариб ташланади.

**Боглиқ ўзгарувчи** – шунингдек, жавоб, регресс: бир ёки бир нечта бошқа параметрларга (одатда  $Y$ -маълумотлар) эмпирик математик муносабатда ёки расмий (аниқ) боғланган ўзгарувчи.

**Боглиқсиз ўзгарувчи** – бошқа параметрларга математик муносабатлар орқали боглиқ бўлган кириш ўзгарувчи (одатда  $X$ -маълумотлар).

**Бутстрэп, бутстрэппинг (боглаш)** – ички ресурслардан фойдаланган ҳолда ташқи таъсирсиз такрорлаш ва ўзини ўзи қўллаб-қувватлаш тамойилини ўз ичига олган баъзи усул ва жараёнларнинг номи.

**Варимакс-буриш** – факторларни аналитик ортогонал буриш бўлиб, катта факторлар юкламасини ва катта хос қийматларни орттиргани ва кичик факторларни камайтиргани сингари факторлар юкламалари квадратларининг дисперсиясини максималлаштиради.

**Декомпозиция** – бу масаланинг тузилишидан фойдаланадиган ва битта катта масаланинг ечимини ўзаро боглиқ бўлса ҳам, аммо содда бўлган кичик масалалар ечими билан алмаштиришга имкон берадиган илмий усул.

**Евклид ўлчови (Евклид масофаси)** – бу геометрияда юзга келадиган табиий масофа функциясидир ва бу нуқталар орасидаги масофанинг интуитив хусусиятларини акс эттиради.

**Ўриқиш** – бу модел учун маълумотлардаги жуда кўп ўзгарувчанликни тавсифлаш тенденциясидир. Шунинг учун кетма-кет асосий тузилмага қўшимча равишда баъзи шовқинлар ёки номасъум ўзгарувчанлик ҳам ҳисобга олинади ва ишончсиз прогнозлар ҳосил қилинади.

**Инициализация** – яратиш, фаоллаштириш, ишга тайёрлаш, параметрларни аниқлаш. Дастурни ёки қурилмани фойдаланишга тайёр ҳолга келтириш. Ушбу атама дастурий таъминот учун ҳам, аппарат учун ҳам ишлатилади.

**Интерференция** – моддалар, физик ҳодисалар ёки танланган аналитик усул билан ўлчанадиган мақсадли аналитдан фарқ қиладиган асбоб хатоликларининг ўзаро таъсири. Агар интерференция йўқолмаса ёки аналитга нисбатан боглиқсиз ёки тасодифий равишда ўзгармаса, у ҳолда аналит ва интерференция ўртасида чалкашлик хавфи пайдо бўлиши мумкин.

**Калибрлашнинг стандарт хатолиги** – параметрлар сонини ҳисобга олинганда аниқлик баҳоси учун прогноз хатоликлари квадратлари йигиндисининг функцияси:

$$SEC = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y}_b)^2}{n - p}}$$

бу ерда  $n$  - ўрганилаётган тўпламдаги намуларнинг сони,  $p$  - моделдаги параметрлар сони бўлиб, намуна маълумотлари билан баҳоланади,  $i$  - танланма учун калибрланган қиймат,  $y_i$  -  $i$  - танланма учун кузатилган қиймат.  $p = m + 1$  ўзгарувчили  $m$  билан кўплик регрессияда ( $m$  ўзгарувчининг ҳар бири учун 1 та коэффициент ва 1 та чизикли сегмент)

**Кесишган текишириш, кросс-валидация ёки кесишган валидация** – бу прецедентлар томонидан ўргатилган алгоритмларнинг умумлаштирувчи қобилиятини эмпирик баҳолаш процедураси.

**Коллинеар/ноколлинеар** – агар векторларнинг камида биттаси бошқа векторларнинг чизикли комбинацияси кўринишида ифодаланиши мумкин бўлса, векторлар оиласи коллинеар бўлади. Демак, векторлар

оиласи ноколлинеар бўлади, агар бу векторларнинг биронтаси ҳам бошқа векторларнинг чизиқли комбинацияси кўринишида ифодаланиши мумкин бўлмаса.

**Компонент (ёки фактор, яширин ўзгарувчи):** хемометрияда: асосий, кузатилмайдиган, ўлчанмаган, ўлчанадиган ўзгарувчилар тўпламининг дисперсиясига олиб келадиган фараз қилинган (гипотетик) ўзгарувчи. Ўзгарувчилар бу факторларнинг чизиқли комбинацияси кўринишида ифодаланиб, бу факторлар бир-бири билан боғлиқ эмас деб, фараз қилинади.

**Лабораториянинг стандарт хатолиги** – нима татиби қилиниши мумкинлигига боғлиқ ҳолда оралиқ аниқлик ёки унумдорликка тааллуқли.

**Маълумотни интеллектуал таҳлили** – номаълум боғланишлар ва қонуниятларни априорлик билан аввалдан аниқлаш мақсадида маълумотларнинг катта тўпламини йиғиш, ўрганиш ва моделлаштириш жараёни.

**Марказлаш** – Маълумотлар тўплами ҳар бир ўзгарувчининг ўртача қийматини ҳисоблаш ва маълумотларнинг таққосланишини ҳамда изоҳланишини осонлаштириш учун ўзгарувчиларнинг ҳар бир устунидан ўртача қийматни айлариш орқали ўртача қиймат бўйича марказлаштирилади.

**Маҳаланобис масофаси** – евклид масофаси тушунчасини умумлаштириб, тасодифий ўзгарувчилар векторлари орасидаги масофани ўлчаши. Маҳаланобис масофаси ёрдамида маълум ва номаълум намуна ўртасидаги ўхшашликни аниқлаш мумкин.

**Миқдорлар ёки факторли миқдорлар коэффициентлари** – танланманинг янги координаталар системасидаги координаталари бўлиб, улар асосий компонентлар орқали аниқланади. Бу миқдорлар ўзгарувчиларни алмаштирганда танланмалар бир-бири билан қандай боғланганлигини кўрсатади.

**Миқдор (меъёрлаштирилган)** –  $i$ -танланманинг  $j$ -қиймати  $t_{ij}$  нинг қийматлар матрицасининг нормасига бўлинмаси:

$$|t_{ij}| = \frac{t_{ij}}{\sqrt{\sum_{j=1}^p t_{ij}^2}}$$

бу ерда  $p$  – моделдаги параметрлар сони.

**Назорат қилинадиган мустақил ўрганиш** – синфлар ёки қийматлар орқали белгиланган моделлаштириш маълумотларига тааллуқли.

**Назорат қилинмайдиган (текиширилмайдиган) ўрганиш** – бошланғич шартларсиз маълумотлар таҳлилга тегишли.

**Намуна** – маълумотлар қийматлари йиғиладиган текишириш учун ажратилган объект, кузатиш ёки индивид.

**Намунанинг хусусиятлари** – танланма элементларининг сон ёки сифат белгилари.

**Намунани ажратиши** – бош тўпладан унинг хоссаларини баҳолаш учун унинг бирор қисмини ажратиш жараёни.

**Объектларни алоҳида назорат қилиш** – “Объектларни индивидуал назорат қилиш” процедурасида янги маълумотлар тўпламини яратиш учун бир вақтда маълумотлар тўпламидан фақат битта намуна чиқариб ташланади.

**Ортогоналлик** – бу киритилган скаляр маҳсулот билан чизиқли бўшлиқлар учун перпендикулярликнинг умумлаштирилиши бўлган тушунча.

**Ортогонал** – агар иккита векторнинг скаляр кўпайтмаси 0 га тенг бўлса, улар ортогонал бўлади.

**Ортонормал векторлар** – ортогонал ва нормалланган (бирлик узунликка эга) векторлар.

**Охиригача зўриқмаслик** – тескариси зўриқиши.

**Прогнозлашнинг ўртача квадратик хатолиги** – аниқлик баҳолаш учун прогноз хатоликлари квадратлари йиғиндисининг функцияси:

$$RMSEP = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2}{n}}$$

бу ерда  $\hat{y}_i$ - танлама тўпламидан олинган  $i$ -танланма учун кутилаётган қиймат,  $y_i$  -  $i$ -танланма учун кузатилган қиймат,  $n$  - намуналар сони

**Қайта намуналаш** – дастлабки маълумотлар тўпладан тасодифий равишда қисм группа ажратиши ва қайта гуруҳлаш жараёни. Бу жараён хусусиятларни ва тегишли хатоликларни қайта-қайта ҳисоблайдиган оптималлаштириш/валидация процедуралари пайтида юз беради. Оддий мисоллар сифатида кросс валидация ва бутстрэпинг ҳисобланади, бу маълумотларни қайта намуналаш орқали танламаларни кетма-кет баҳолашни ҳосил қилади.

**Қайта танлаш** – намуналарни қайта ишлатиш (Қайта намуналашга қисмига қаралсин).

**Қолдиқлар:** модел томонидан ҳисобга олинмайдиган оғиш ёки прогноз қилинган ва назорат қийматлари ўртасидаги оғиш.

**Сунъий нейрон тармоғи** – нейрон тармоғи тирик организмнинг нерв ҳужайралари тармоқлари – биологик нейрон тармоқларини ташиқил этиши ва ишлаш тамойилига асосланган математик модел, шунингдек унинг дастурий ёки аппарат таъминоти.

**Центроидлар** – кластерларнинг тортишиши марказлари. Ҳар бир центроид – бу вектор бўлиб, унинг элементлари кластердаги барча ёзувлар бўйича ҳисобланган мос келадиган хусусиятларнинг ўртача қийматларини акс эттиради. Кластер маркази унинг центроидига силжиди, ундан сўнг центроид янги кластернинг марказига айланади.

**Ўзгарувчи** – намунанинг баҳолаш мумкин бўлган хусусияти (ифодалаш, тавсифлаш, белги, хосса, характеристика).

**Ўз-ўзини юклаш** –  $N$  ҳажмли танланма тўпламлар сони бўлиб, худди шу  $N$  ҳажмли дастлабки танланмалар тўпладан танланмаларни алмаштириш орқали тасодифий танлаш орқали ҳосил қилинади.

**Фактор** – компонент қисмига қаралсин.

**Ҳотеллинг  $T^2$  статистикаси** –  $t$ - статистиканинг кўп ўлчовли кўриниши. Умуман олганда, ушбу статистикадан маълумотлар тўпламининг кўп қиррали вектори ўртача қийматининг маълум қийматга эга ёки йўқлигини текишириш учун ёки ўзгарувчиларнинг ўртача қийматларини таққослаш учун фойдаланиш мумкин.  $T^2$  статистикаси, шунингдек, кўп ўлчовли маълумотлар тўпламидаги бегона қийматларни аниқлаш учун фойдаланилади. Хотеллинг  $T^2$  статистикаси ёрдамида кўп ўлчовли статистик текишириш ўтказиши мумкин. Эллипсдан ташқаридаги нуқталарни мумкин бўлган





Тегишли математик таъомиллар йиғирманчи асрнинг бошларидаёқ ишлаб чиқилган, аммо хемометрия рақамли технологияларнинг ривожланиши ва математик алгоритмлар ишлаб чиқилишининг ривожланиши билан юкори чўққига кўтарилди. Кўпгина услуб ва усуллар моделлаштирилган геометрик маълумотларнинг тузилишига, трансформацияси ва моделлаштиришга асосланган. Кейинчалик математик ва назарий ишланмалар бирлаштирилган.

#### 1-1-4. Хемометрияга кириш

Хемометрияда қизиқилаётган хусусият фақатгина ўлчанадиган намуналарни ўз ичига олган ахборотлар нуқтаи назаридан баҳоланади. Алгоритмлар тўғридан-тўғри маълумотлар тўпламига қўлланилади, қизиқилаётган маълумотлар моделлар (моделлаштириш ёки калибрлаш босқичи) ёрдамида ажратиб олинади. Хемометрик маълумотларнинг кўп ўлчовли таҳлилини ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, одатда кўпгина бошқа статистик моделларга нисбатан маълумотлар тақсимооти ҳақидаги фарзга боғлиқлиги кам бўлади, чунки у камдан-кам ҳолларда гипотезани текширишни ўз ичига олади. Моделлаштириш жараёнида қизиқиш хусусиятларининг энг сезгир ўзгаришлари кучайиши мумкин, шу билан бирга, таъсир килувчи омилларнинг аҳамиятсиз ўзгариши, уларнинг пайдо бўлишидан қатъий назар, яъни физикавий, кимёвий, экспериментал ёки инструментал ўзгарувчанлик шовқин даражаси минимумига келтирилади.

Хемометрияда модел – бу физика, кимё ва бошқа турдаги ҳодисаларнинг расмий ёки соддалаштирилган тасаввури бўлибгина қолмай, у прогноз қилиш усули ҳисобланади. Хусусиятни прогноз қилиш моделининг лаёқати, унинг бажариш самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Энг яхши модел ёки калибрлаш қизиқиш хусусиятларини энг яхши баҳолашни таъминлайди. Фойдали модел, масалан, қарор қабул қилишда ишончли ва фойдаланилиши мумкин бўлган моделдир. Қарорларни қабул қилиш жараёнида, моделини танлаш баҳолаш мақбул, ишончли ва яхши тушунилган процедураларга асосланган бўлиши керак.

Бир ўлчамли таҳлилда тизимдаги ажратилган ўзгарувчилар алоҳида таҳлил қилинади. Бироқ, аслида тизимлар жуда мураккаб бўлади, чунки танланган ўзгарувчилар орасида ўзаро таъсир ва комбинацион эффектлар ҳодисаси кечади, шунинг учун уларни ажратиш мумкин эмас. Маълумотларнинг кўп омилли таҳлилида бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўзгарувчиларга ишлов берилади ва ички ёки танланган маълумотлар ўртасидаги боғланиш (одатда матрицалар билан) мос маълумотларни очиш учун қайта тартибланиши лозим. Кўп ўлчовли усулларда маълумотларнинг изоҳланган қисми учун максимал ҳисобга олиш учун дастлабки маълумотлар кўпинча қизиқли тарзда бирлаштирилади ва идеал ҳолатда фақат шовқин моделлаштиришсиз қолади. Тўғри танланган модел бўйича янги прогноз қийматларини қимматга тушадиган ва кўп вақт талаб қиладиган ўлчовлар ўрнида фойдаланиш мумкин.

Одатда, асосий компонентларни таҳлил қилиш (PCA), асосий компонентлар регрессияси (PCR) ёки энг кичик квадратлар регрессияси (PLS) каби проекция услублари тавсия қилинади. Шунга қарамай, йиғилган маълумотлар режалаштирилган тажриба орқали ёки тасодифий равишда олинганлигига боғлиқ равишда ёндашув турлича бўлади. Режалаштирилган маълумотлар матрицаси

ёрдамида ўзгарувчилар тузилиши бўйича ортогонал бўлади, шунинг учун аънавий ярим қизиқли статистик усуллар ички маълумотларни тасвирлашда яхши мос келади. Бироқ, режалаштирилмаган маълумотлар матрицасида ўзгарувчилар тузилиши бўйича камдан-кам ортогонал бўлади. Улар кўпинча ёки қисман коллинеар бўлиб, кўп ўлчовли маълумотлар таҳлилин қўллашга имкон беради.

#### 1-1-5. Маълумотларнинг сифат ва миқдорий таҳлили

Маълумотларнинг сифат таҳлилин тадқиқот ва назорат қилинмайдиган қисмларга ажратиш мумкин. Бунда янги тизимдан олинган маълумотлар таҳлил қилиниши керак бўлган назорат қилинмайдиган таҳлил ва синф-ёрликлари прогнози назорат қилинадиган таҳлил асосида тавсифланади.

##### Назорат қилинмайдиган таҳлил

Маълумотларнинг таҳлилин тадқиқ қилишда, гипотезани куриш мақсадида маълумотларни йиғиш, мос таҳлилий усулларни танлаш, танлама схемаси учун ҳамда шу турдаги жорий ва келгуси маълумотларнинг кўп ўлчовли таҳлилин қандай ўтказиш мумкинлигини аниқлаш учун кўп ўлчовли асбоблардан фойдаланилади. Биринчи тадқиқот даволаниши тугатилганидан сўнг, таснифлаш иккинчи даражали даволаш кўринишида амалга оширилиши мумкин. Бунда танламалар муайян гуруҳларга ёки синфларга бирлаштирилади.

##### Назорат қилинадиган таҳлил

Таснифлаш – бу моделини куриш учун фойдаланиладиган танламаларни бир хил синфга тегишли ёки йўқлигини аниқлаш жараёнидир. Агар номаълум танлама муайян бир моделга яхши мос келса, у ҳолда ушбу синфнинг аъзоси дейилади. Кўпгина таҳлилий вазифалар шу тоифага мос келади. Масалан, материаллар сифати, физикавий даражаси ва бошқа хусусиятлари бўйича сараланиши мумкин. Идентификация синови – бу махсус ҳолат бўлиб, номаълум танламалар махсус стандарт материаллар билан бевосита таққослаш ёки билвосита баҳолаш, масалан, хемометрик моделлар ёрдамида таққослаш мумкин.

Бошқа томондан, маълумотларнинг миқдорий таҳлили, асосан уларни калибрлашдан иборат бўлиб, келгусида янги ва номаълум танламаларга бевосита татбиқ этилади. Калибрлаш баҳоланиши керак бўлган хосса (масалан, концентрация) ва ўлчанадиган параметрлар ўртасидаги математик боғланишни прогноз қилишдан иборат.

#### 1-2. ЗАРУП ХЕМОМЕТРИЯ АМАЛИЁТИ

Ушбу бўлимда қуйидаги қайдлар қўлланилади:

$X, Y$  - маълумотлар тўплами

$X$  - боғлиқсиз (эркли) ўзгарувчи

$Y$  - боғлиқли (эрксиз) ўзгарувчи

$X, Y$  - матрицалар

$x, y$  - векторлар

$x, y$  - скаляр қийматлар

$i, j$  - индекслар, баллар

$x_i, y_j$  -  $X$  векторнинг қиймати

$x_{ij}$  -  $X$  матрицанинг  $i$ -сатр ва  $j$ -устун қийматлари

$X^T$  - транспозицион  $X$  матрица

$X^{-1}$  -  $X$  матрицанинг тескари матрицаси (агар у мавжуд бўлса)

$\bar{X}$  -  $X$  матрицанинг ўртача маркази

$\hat{X}$  -  $X$  матрицани баҳолаш

$|X|$  -  $X$  матрица (квадрат)нинг аниқловчиси

$\|x\|$  -  $x$  векторнинг меъёри

$b$  - регрессия тенгламасининг коэффициенти

$e$  -  $X$  нинг қолдиғи

$f$  -  $Y$  нинг қолдиғи

**1-2-1. Регрессия учун аҳамиятли рақамлар** Микдорий таҳлилда, регрессион моделни қуриш эркил ўзгарувчи ( $X$ ) ва эркин ўзгарувчи ( $Y$ ) ларга мос келувчи математик боғланишларни танлашни ўз ичига олади. Боғлиқсиз маълумотлар, сигналлар тўпламини ифодалаши мумкин, яъни калибрлаш танламалари каторидан олинган жавоблар, бу вақтда боғлиқ маълумотлар бизни қизиқтираётган калибрлаш танламаларининг хусусиятлари қийматига мос келиши мумкин. Регрессион моделни ички ва ташқи синовлар тўпламлари орқали текшириш мақсадга мувофиқдир. Ички синов тўплами калибрлаш маълумотларида қайта танлама олиш ва моделни тасдиқлаш учун дастлаб калибрлашдан чиқариб ташланган танламаларни қўллаш орқали моделни яратиш (ёки калибрлашга эришиш) учун фойдаланиладиган танламалардан иборат. Ички синов тўпламидан фойдаланиш, бу моделни оптималлаштириш ва моделни танлашнинг бир қисмидир. Ташқи боғлиқсиз синовлар тўплами модел ўрнатилганидан сўнг мавжуд бўладиган маълумотлардан ташкил топади ва шундай қилиб, ташқи танланган синовлар кучли модел бўлиб, келгуси маълумотларни таҳлил қилиш учун ишончли эканлигини текширади.

**1-2-1-1. Прогнознинг ўртача квадратик хатолиги**

$X$  ва  $Y$  ўртасидаги боғлиқлик олинган иккала  $x$  ва  $y$  қийматлари йиғилган ва аниқ маълум бўлган танламаларнинг умумий тўплами (калибрлаш тўплами) орқали ўрганилади. Иккинчи (ҳақиқий) танламалар тўплами (валидация тўплами) учун у нинг прогноз қиймати у нинг стандарт қиймати билан солиштирилади. Натижада прогноз хатолиги юзага келади, ундан, прогнознинг ноаниқ ўлчови бўлган хатоликнинг дисперсиясини ҳисоблаш мумкин бўлади ва у прогнознинг ўртача квадратик хатолиги ( $RMSEP$ ) дейилади. Ушбу қиймат орқали янги танламалар учун у нинг қийматини прогноз қилишда қутилиши мумкин бўлган ноаниқлик баҳоланади. Моделлаштириш жараёнида статистик хатоларни тақсимлашга оид тахминлар келтириб чиқарилмаганлиги сабабли, прогноз хатоси, прогноз қилинаётган қийматлар тўғрисида муҳим статистик интервалга ҳисобот бериш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Шунга қарамай, калибрлаш ва валидация танлама тўпламлари келажакдаги танламаларнинг репрезентативи

бўлган ҳолларда,  $RMSEP$  хатоларни яхши баҳоловчи ҳисобланади.

Прогноз қилинган  $y$  - қийматлар учун ишонч оралиғи  $\pm n \times RMSEP$  га тенг бўлади,  $n$  оператор томонидан белгиланади. Умумий танланма  $n = 2$ . Бу танланма муайян таҳлил усулининг талабига боғлиқ бўлади. Хемометрик моделлар аниқ бир бирликка келтирила-диган маълумотларни ва тажрибаларни ўтказиш учун қўлланиладиган бошқа стандарт усулларга нисбатан анча аниқ бўлиши мумкин. Бу одатда NIR ва PLS орқали сув таркибини аниқлашда кузатилади, бунда ярим - микро аниқлаш бўйича титрлаш усули (2.5.12) стандарт усул ҳисобланади.

**1-2-1-2. Калибрлашнинг стандарт хатолиги ва аниқлаш коэффициенти.**

Калибрлашнинг маълумотларга қанчалик мос эканлигини баҳолаш учун ёрдам берадиган сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бундай статистик ифодалардан икkitаси, бу калибрлашнинг стандарт хатолиги ( $SEC$ ) ва детерминация коэффициентидир ( $R^2$ ).

$SEC$  боғлиқ бўлган ўзгарувчилар каби бир хил бирликлар ва моделлаш хатоси даражасини акс эттиради, аммо келажакда прогноз қилиш хатоларини баҳолаш учун фойдаланилмайди. Ушбу калибрлаш маълумотларга мос тенгламадан фойдаланиб топилган қиймат мўлжалдаги қийматни ҳисоблаш учун етарлича аниқ ёки аниқ эмаслигини кўрсатади. Амалиётда  $SEC$  ни стандарт усул хатолиги билан таққослаш лозим (*Лабораториянинг стандарт хатолиги* ( $SEL$ ), атамалар ва таърифларга қаралсин). Моделлаштириш танламалардаги тегишли барча тўсиқлар ҳисобга олинмаса ёки бошқа физик ҳодисалар иштирок этган вақтда, одатда,  $SEC$   $SEL$ дан катта бўлади.

Детерминация коэффициенти ( $R^2$ ) ўлчовсиз кўрсаткич бўлиб, калибрлаш маълумотларга қанчалик яхши мос келишини аниқлайди.  $R^2$  0 дан 1 гача бўлган қийматларни қабул қилади. Агар унинг қиймати 0 га яқин бўлса, у ҳолда калибрлаш маълумотлари стандарт қийматлар билан боғлиқ эмаслигини билдиради. Агар детерминация коэффициенти ошиб борса, у ҳолда  $X$  нинг маълумотлари стандарт қийматларни кўпроқ ва аниқроқ прогноз қила олади. Агар боғлиқсиз ўзгарувчилар сони биттадан кўп бўлса, у ҳолда  $R^2$  нинг ўзини эмас, балки тўғирланган  $R^2$  дан фойдаланишга тўғри келади. Чунки модел дисперсиясининг улуши ошмаса ҳам, моделда боғлиқсиз ўзгарувчилар сони ошади.

**1-2-2. Бажарилиш босқичлари**

Хемометрик усулларнинг бажарилиши таҳлил қилинаётган тизимнинг муайян талабларига боғлиқ равишда ҳолатдан-ҳолатга ўзгариб боради. Режалаштирилмаган маълумотлар тўпламини таҳлил қилишда қуйидаги умумий ёндашувларни назарда тутиш лозим бўлади:

– тадқиқот вазифасини шакллантиришда маълумотларни тўплашнинг аниқ мақсадини ва қутилаётган таҳлил натижасини белгилаш;

– маълумотларнинг келиб чиқиши ва мавжудлигини текшириш. Маълумотлар тўплами ўрганилаётган ўзгарувчи(лар) ёки хусусият(лар) нинг ўзгарувчанлигини қамраб олиши керак;

– агар мавжуд бўлган маълумотлар қутилаётган ўзгаришни қамраб олмаса, бўшлиқни тўлдирадиган танламаларни тайёрлаш ва ўлчаш;

– ўзгарувчиларни танлаш: баъзида ўзгарувчиларни тўғри танлаш юқори барқарорликни ва модел аниқлигини оширади;

- дастлабки маълумотларни тубдан ўзгартириш ва олдиндан математик қайта ишловдан ўтказиш;
- калибрлаш ва валидация қилиш орқали моделни ишлаб чиқиш;
- моделни муҳокама қилиш ва янги танламалар ва маълумотларда ишга яроқлилигини текшириш;
- усулнинг жорий фармацевтикада фойдаланилиши ва талабларга мослигини тасдиқлаш.

### 1-2-3. Маълумотларни кўздан кечириш

#### 1-2-3-1. Намуна сифати

Намуналарни синчковлик билан танлаш аналитик маълумотлар ичидан фойдали маълумотларни ажратиб олиш эҳтимолини оширади. Ҳар доим тажриба режасига мос танланган ўзгарувчилар ва параметрлар фаол мослаштирилиб борилганда натижаларнинг сифати оширилади. Тажриба режасида (тажрибавий режа ҳам дейилади, DoE), танламалар ўртасидаги тизимли ва бошқариладиган ўзгаришларни нафақат таҳлилчи учун, балки тўсиқлар учун ҳам фойдаланилиши мумкин. Моделлаштиришда умумий мулоҳазалар танламаларни етарлича тавсифлаш учун қайси ўзгарувчилар зарурлигини, қайси танламалар бир-бирига ўхшашлигини ва маълумотлар тўпламида тегишли кичик гуруҳларнинг мавжудлигини ўз ичига олади.

#### 1-2-3-2. Маълумотлар жадвали. Геометрик тасвир

Намуна реакцияси сигнал интенсивлиги ( $X$ -маълумотлар) билан боғлиқ бўлган рақамли қийматлар гуруҳининг натижасидир, яъни боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, математик таърифларга кўра, ушбу ўзгарувчилар чизикли боғлиқсиз бўлиши (яъни, ортогонал) талаб этилмайди. Ушбу қийматлар маълумотлар жадвалида энг яхши тарзда намоён этилади ва келишув бўйича ҳар бир танлама маълум бир маълумот катори билан боғланади. Бундай каторлар жамланмаси матрицани ташкил этади, бунда устунлар ўзгарувчилардир. Кейин танламалар уларнинг хусусиятларини акс эттирувчи маълум хусусиятлар билан, яъни физикавий ёки кимёвий хусусиятлар ёки хусусиятларнинг қийматлари билан боғланиши мумкин ва бу маълумотлар одатда  $Y$ -маълумотлар, яъни боғлиқ бўлган ўзгарувчилар деб, номланади. Танламанинг реакция матрицасига ушбу қийматлар устунини қўйиш ва шу билан жавоб ҳамда ҳар бир танламанинг белгиларини бирлаштириш мумкин.

$n$  та объектлар  $m$  ўзгарувчилар билан тавсифланганда маълумотлар жадвали  $n \times m$  матрицага тўғри келади.  $m$  ўзгарувчининг ҳар бири объектларга мос келадиган  $n$  та маълумот қийматларини ўз ичига олган вектор қўринишида бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир объект ўзининг  $m$ -координатли қийматлари билан ифодаланувчи  $m$ -ўлчовли фазода нуқта сифатида акслантирилади ( $m$ -ўқда ҳар бир ўзгарувчи учун 1 қиймат).

#### 1-2-3-3. Маълумотларни дастлабки баҳолаш

Маълумотларнинг кўп ўлчовли таҳлилини амалга оширишдан олдин намуналарнинг реакция сифати истакка кўра статистик асбоблар орқали баҳоланиши мумкин. График асбоблар маълумотларни дастлабки визуал баҳолаш учун тавсия этилади, масалан, маълумотларнинг тақсимиётини баҳолаш учун ўзгарувчилар учун графиклар ва/ёки гистограммлар, корреляцияни аниқлаш учун тарқоқлик диаграммалари. Тавсифловчи статистикалар кўп ўлчовли таҳлилни бошлашдан олдин ҳар бир ўзгарувчини тезкорлик билан баҳолаш учун фойдалидир. Масалан, ўртача қиймат, стандарт четланиш, дисперсия, медиана, минимум, максимум ва қуйи ва юқори

квartilлар маълумотларни баҳолашда ва қийматларни топишда ҳамда бегона қийматлар, шунингдек, нормалдан оғишиш ёки асимметрияда ҳам фойдаланилади. Ушбу статистикалар маълумот жадвалида метърдан четга чиқишни аниқлайди ва ўзгариш фойдалими ёки йўқми кўрсатади. Икки томонлама статистикалар, масалан, корреляция, иккита ўзгарувчиларнинг ўзгаришлари маълумотлар жадвалида қандай корреляцияда бўлишини ифодалайди. Ушбу статистик маълумотларни тасдиқлаш маълумот жадвалининг ўлчамини кичрайтириш учун ҳам фойдалидир, чунки улар ортикчаликдан қочишга ёрдам беради.

#### 1-2-3-4. Бегона қийматлар

Бегона қиймат - бу модел томонидан яхши тавсифланмаган намунадир. Келиб чиқишига кўра бегона қийматлар  $X$  ёки  $Y$  бўлиши мумкин. Улар дастлабки маълумотларга қутилмаганда тўқинлик қилишида ёки нотўғри ўлчашда намоён бўлади. Қутилаётган қийматдан кескин фарқ қилувчи башорат қилинган маълумотлар моделлаштириш процедурасининг яроқлилигини шубҳага қўяди ва бошланғич маълумотлар диапазонини қамраб олади. Прогноз қилиш режимида бегона қийматлар қурилмалар ва намуналарнинг ўзаро таъсири ёрдамида ўзгариши ёки маълумотлар модел доирасидан четга чиқиши натижасида рўй бериши мумкин. Агар янги манба ўзгарувчанлиги тасдиқланса ва ўринли бўлса, у ҳолда тегишли маълумотлар муҳим маълумотлар манбаи ҳисобланади. Мавжуд калибрлашни кучайтиришни (янгилашни) талаб қиладими ёки уларни жараён билан боғлиқ эмас (операторнинг хатоси) деб инкор этишни аниқлаш учун тадқиқот олиб борилиши тавсия этилади. Таснифлаш жараёнида бегона қиймат синови ҳар бир синф учун алоҳида олиб борилиши керак.

#### 1-2-3-5. Маълумотларнинг хатолиги

Маълумотларнинг хатолик турлари белгиларнинг стандарт қийматларидаги тасодифий хатолик, йиғилган реакция маълумотларидаги тасодифий хатолик ва улар орасидаги муносабатларнинг тизимли хатоликларини ўз ичига олади. Калибрлаш маълумотлар хатоликларининг манбаи муайян муаммодир, масалан, стандарт усулнинг хатоликлари ёки танламаларнинг бир хил тақсимланмаганлиги ёки калибрлаш жамланмасидан олинган танламаларнинг репрезентатив бўлмаслигидир. Калибрлаш жараёнида моделни танлаш, одатда аналитик услуб билан моделлаштирилган дисперсия ёки хатоликнинг кичик бўлишини ҳисобга олинади. Лекин, бу хатолик стандарт усулларнинг хатолигидан сезиларли даражада катта ёки аксинча бўлса, буни баҳолаш қийин.

#### 1-2-3-6. Дастлабки қайта ишлаш ва ўзгарувчиларни танлаш.

Қайта ишланмаган маълумотлар таҳлил учун қулай бўлмаслиги мумкин ва одатда, физик ва кимёвий маълумотларни ажратиб олинишини яхшилаш мақсадида хемометрик ҳисоблашларни бажаришдан аввал уларга олдиндан ишлов берилади.

Тўсиқлар, масалан, фон эффектлари, асосий линияларнинг силжиши ва ўлчашларни ҳар хил шароитда амалга оширилиши, кўп ўлчовли усулларда маълумотларни танлаш учун тўқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун, бундай тўсиқлар ҳосил қилувчи шовқинлар таъсирини дастлабки қайта ишлов бериш орқали пасайтириш муҳим ҳисобланади.

Моделлаштиришни такомиллаштириш учун кўп ўлчовли маълумотларни таҳлил қилишдан олдин дастлабки ишлов бериш учун  $X$ -маълумотларга, шунингдек,  $Y$ -маълумотларга кенг қўламли ўзгаришлар

(масштаблаш, текислаш, нормаллаштириш, ҳосилалар ва бошқалар) қўлланилиши мумкин. Ушбу ўзгартиришларнинг асосий мақсади маълумотлар тўпламига мос келадиган ўзгарувчанликни яратишдир. Масалан, дастлабки ишлов бериш параметрларнинг ўртача қийматини ўз ичига олиши мумкин, шунда ўртача қиймат моделга таъсир қилмайди ва шу билан моделнинг мақомини пасайтиради.

Дастлабки ишлов беришни танлаш асосан маълумотлар тури, курилма ёки танлама, моделнинг мақсади ва фойдаланувчиларнинг ўзаро таъсири каби параметрлар билан белгиланади. Дастлабки қайта ишлов бериш усуллари, масалан, эмпирик танлов сифатида стандарт нормал тақсимот (SNV) биринчи ҳосила билан бирлаштирилиши мумкин.

#### 1-2-4. Хемометрик моделга хизмат кўрсатиш

Хемометрик усулларнинг мақбул ишлаш даражасини намоён қилиш учун улар мунтазам равишда қайта баҳоланиши керак. Ушбу даврий вазифага қўшимча равишда, хемометрик моделни қўллаш шароитида (жараён, танлама манбалари, ўлчаш шароитлари, таҳлилий ускуналар, дастурий таъминот ва бошқалар) ўзгартиришлар киритилганда критик параметрлар баҳоланиши керак.

Хемометрик моделларнинг замонавийлигини таъминлашдан мақсад узокроқ муддат давомида фойдаланилиши учун ишончли дастурлар билан таъминлашдир. Талаб қилинадиган валидация даражаси шу жумладан, керакли параметрларни танлаш ўз ичига қўлланилаётган аналитик усул ва хемометрик моделининг хавфини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишга асосланиши керак.

#### 1-3. ХЕМОМЕТРИК УСУЛЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ВАЛИДАЦИЯ ҚИЛИШ

##### 1-3-1. Кириш

Ҳозирги вақтда фойдаланилаётган “Валидация” атамаси аналитик усулларга нисбатан қўлланиладиган тартибга солиш контекстига тааллуқлидир, аммо бу атама хемометрияда одатий ҳисоблаш босқичини тасвирлаш учун ҳам фойдаланилади. Хемометрик моделни баҳолаш, берилган маълумотлар тўплами ва дастлабки шарт-шароитлар билан энг яхши моделни ишлаб чиқиш мақсадида танланган моделнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат. Агар етарлича маълумотлар мавжуд


бўлса, ҳар доим 3 та кичик қисмларга бўлинишини кўриш мумкин: 1) моделларни ишлаб чиқиш учун ўқув тўплами; 2) энг яхши моделни танлаш учун валидацион тўплам, яъни прогнозларни яхшироқ амалга оширишга имкон берадиган моделлардир; 3) танланган якуний моделнинг самарадорлигини объектив баҳолаш учун мустақил тест тўплами.

Модел самарадорлигини объектив баҳолаш учун 3-тўпламни жорий этиш бошқа самарадор кўрсаткичлар билан бир қаторда, модел хатолигини баҳолаш учун зарурдир. Куйида, хемометрик моделни типик баҳолашни дастлабки валидациядан бошланиб, уни ортидан синовларни мустақил валидациясини олиб бориш ва якунига келиб меъёрий талаблар билан ассоциация/корреляцияси бўйича бажариш харитаси келтирилган.

#### 1-3-2. Хемометрик моделларни баҳолаш

##### 1-3-2-1. Моделлаштириш вақтида валидациялаш

Қоида тариқасида, алгоритмлар итератив ҳисобланади ва моделлаштириш вақтида самарадорлик мезонлари ва сифат кўрсаткичларини доимий равишда баҳолаш билан, ўзини-ўзи оптималлаштиришни бажаради. Ушбу босқич валидация деб аталади. Самарадорлик мезонлари фойдаланиладиган хемометрик усулнинг ва аналитик маълумотларнинг хусусиятига, шунингдек, аналитик томонини ҳам, хемометрик моделни ҳам ўз ичига оладиган умумий усулнинг мақсадларига боғлиқ. Валидациянинг мақсади моделни баҳолаш ва энг самарали моделни танлашда ёрдам беришдир. Танланган танламалар ушбу мақсад учун махсус тайинланган ёки олдинги маълумотлар тўпламидаги маълумотларни қайта танлаш ёки аввалги маълумотлардан қайта фойдаланиш орқали динамик равишда танланади (баъзан бу такрорий танлама олиш деб аталади), (аниклаштириш учун атамалар ва таърифларга қаралсин). Маълумотни қайта танлашнинг танламавий мисоли – бу алоҳида сегментлар билан ўзаро кросс-валидация усули, масалан, танламалар бир неча бўлганда “биттадан намунани четлатувчи кросс-валидация усули” (leave-one-out) кросс-валидация тамойили орқали баҳолаш ёки “намуналарнинг кичик тўпламларини ҳисобга олмаган ҳолда кросс-валидация усули” (leave-subset-out) кросс-валидацияси (5.21-1-расм). Қайта намуналарнинг бошқа тури бутстрэппинг ҳисобланади.



5.21-1-расм. – Чизиқли регрессияга нисбатан қўлланиладиган 3 та қисм тўпламлар бўйича назорат билан кросс-валидация. Маълумотларнинг регрессион модели = ●. Тажриба учун қўлланиладиган қисм тўплами = ○. Мослашув хатолари (узилган чизиқлар) кросс-валидация кумулятив хатолиқларини шакллантириш учун тўпланади.

### 1-3-2-2. Моделни баҳолаш

Модел оптималлаштириш талабларига мос келиши биланоқ, масалани бажаришга яроқлилиги баҳоланади. Моделни моделлаштириш ёки моделни оптималлаштиришда фойдаланилмайдиган мустақил намуналар ушбу босқичда моделнинг самарадорлигини баҳолаш учун мустақил текшириш сифатида тўплами тақдим этилади. Идеал ҳолда, етарли маълумотлар мавжуд бўлса, намуналар тўпламини 3 та қисм тўплamlарга ажратиш мумкин, шу жумладан, моделни ҳисоблаш учун 1 та ўқув тўплами, моделни оптималлаштиришни текшириш учун 1 та валидацион тўплaм, прогноз қилиш қобилятини баҳолаш учун 1 та синов тўплaм, яъни моделни мақсадга мос келишини тасдиқлаш учун тўплaм. Ушбу 3 та қисм тўплamlар алоҳида қайта ишланади ва уларни ажратиш шундай амалга оширилиши керакки, моделни ҳисоблашда ҳеч қандай аралаштириб юбориш бўлмасин. Мақсад шундан иборатки, маълумотларнинг хусусиятлари ва қутилаётган қийматларни ҳисобга олган ҳолда 3 та қисм тўплaм доирасида репрезентатив тақсимотни олишдир.

### 1-3-2-3. Маълумотлар тўпламини ҳажм ва қисмларга ажратиш

Калибрлаш учун зарур бўлган маълумотлар тўплaмининг ҳажми, моделдаги ишлов берилиши зарур бўлган таҳлил қилинаётган моддалар сони ва ҳалақит қилувчи хоссаларга боғлиқ. Калибрлаш учун йиғилган маълумотларнинг ҳажми, барча асосий тўсиқлар маълум бўлган вақтга нисбатан, тасодифий равишда олинганидан каттароқ бўлиши зарур ва улар тажрибанинг статистик режасига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Калибрлаш оралигини қоплаш учун талаб қилинадиган энг кам миқдордаги намунани тегишли режадан баҳолаш мумкин. Боғлиқсиз текширилаётган тўплaмнинг ўлчами моделни калибрлаш учун қўлланиладиган танланмаларнинг тахминан 20-40 фоизини ташкил қилиши керак. Шу билан бирга, кўплаб репрезентатив намуналар кўп бўлганда, синов маълумотлари тўплами қанчалик катта бўлса (40 фоиздан юқори), прогноз қилиш самарадорлигини ишончли баҳолаш мумкин бўлади. Одатий тажрибада ўқитиш ва тасдиқлаш моделлари аралаштирилади ва натижада моделнинг якуний баҳоси алоҳида тўплaмларда тадқиқ қилишга асосланади.

### 1-3-3. Меъёрий базага мувофиқ валидация қилиш.

Валидация тамойиллари ва мулоҳазалари белгиланган халқаро кўрсатмаларда тавсифланади ва аналитик усуллар валидацияси учун қўлланилади. Аммо, кўпгина хеометрик усулларда қужриладиган маълумотларни қайта ишлаш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусияти туфайли, аналитик процедураларни валидациялашда қўшимча жиҳатлар ҳисобга олиниши керак. Шу нуқтаи назардан, валидация, моделни баҳолашни ва аналитик усулнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади. Баъзи бир махсус ҳолатларда, фақат хеометрик моделни валидация қилиш талаб қилиниши мумкин (1-2-4. бўлимга қаралсин).

#### 1-3-3-1. Сифатли моделлар

Сифатли моделларни валидациялаш учун энг муҳим параметрлар ўзига хослик ва турғунлиқдир. Агар бу параметрларни қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда, илмий асослаш талаб қилинади.

### Спецификлик

Валидация вақтида модел етарли фарқлаш қобилятига эга эканлигини кўрсатиш керак. Шунинг учун чалкашлик хавфини тугдирувчи мувофиқ материаллар тўплами аниқлиниши ва асосланилиши керак. Агар кимёвий идентификациядан ташқари, бошқа параметрлар (масалан, полиморфизм, заррачалар ҳажми, намлик миқдори ва бошқалар) муҳим бўлса, ушбу параметрлар ҳам асосланилиши лозим. Спецификликни валидация қилиш учун киритилиши керак бўлган материалларни танлаш мантикий сабабларга (масалан, кўриб чиқи-лаётган жараёнга яқин ишлов бериладиган материаллар, айниқса, ўхшаш кўринишга эга бўлган материаллар), кимёвий омилларга (масалан, ўхшаш тузилишга эга бўлган материаллар), шунингдек, физикавий ҳолатларга (масалан, ҳар хил физик хусусиятларга эга бўлган материаллар) асосланган бўлиши керак. Бу материаллар тўплами аниқлангандан сўнг, хеометрик усулни фарқлаш қобиляти уларни рад этишини исботлаши керак. Шу сабабли, ҳар бир материал учун материалдаги одатий четланишни қамраб олувчи репрезентатив намуналар тўплами таҳлил қилиниши ва баҳолиниши керак. Агар хеометрик моделнинг спецификлиги етарли бўлмаса, модел параметрларини мос равишда оптималлаштириш ва усул қайта баҳолиниши керак.

Ҳар сафар янги элементлар киритилганда идентификацияга потенциал таъсир кўрсатиши мумкин, масалан, янги материаллар жойида кўриб (тартибга солиб) чиқилган бўлса ва аралашиб кетиш хавфи юзага келса, спецификликнинг тасдиқлиниши қайта ўтказилиши керак. Қайта валидациялаш янги элемент билан чекланиши мумкин ва унда тўлиқ элементлар тўплaмининг қамраб олиниши шарт эмас, уларнинг ташкил этувчилари ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин. Агар вақт ўтиши билан материалларнинг хусусиятлари ўзгарса (масалан, заррачалар ўлчами кичик ёки катта бўлган материаллар партияси, намлик миқдори паст ёки юқори даражада бўлган материаллар партияси ва бошқалар) ва бу ўзгаришлар муҳим бўлса, улар ҳам валидациянинг бир қисми сифатида киритилиши керак. Бунга, масалан, валидация баённомасига тузатиш киритиш орқали эришиш мумкин ва хеометрик моделни тўлиқ қайта тасдиқлашни талаб қилмайди. Ўзига хослик ни баҳолаш учун, нотўғри ижобий ва нотўғри салбий ҳатолар сонини, синовлар тўпламини таснифлаш орқали баҳолаш мумкин.

### Мустаҳкамлик

Мустаҳкамлик валидацияси учун критик параметрларнинг тўлиқ тўпламини кўриб чиқиш керак (масалан, жараённинг бундай параметрларига ҳарорат, намлик, аналитик жиҳозларнинг инструментал хусусиятлари мисол бўла олади). Ушбу параметрларнинг ўзгарувчанлиги билан аналитик усулнинг ишончлилиги шубҳа остига олиниши керак. Усулни баҳолаш учун тажрибаларни режалаштириш (DoE) усулидан фойдаланиш манфаатли бўлиши мумкин.

Мустаҳкамликни баҳолаш учун намуналарни мустаҳкамлик шароитларида таснифлаш орқали тўғри таснифлашлар сони, тўғри четланишлар, нотўғри ижобий ва нотўғри салбий ҳатолар аниқлиниши мумкин.

#### 1-3-3-2. Миқдорий моделлар

Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, спецификлик, чизиклилиқ, диапазон, аниқлик, тўғрилиқ ва барқарорлик каби параметрлар ҳисобга олиниши керак.

#### Спецификлик

Микдори аниқланадиган намуна калибрлаш майдонига нисбатан бегона қийматда эмаслигини аниқлаш муҳимдир. Буни намуналар орасидаги корреляция коэффициентидан ва ўртача калибрлаш маълумотларнинг ўрта қийматидан фойдаланиш, шунингдек, бошқалар орасида Хотеллингнинг  $T^2$  статистикаси ёрдамида амалга ошириш мумкин.

#### Чизиқлилиқ

Хеометрик модел натижаларини аналитик стандарт усулининг натижалари билан таққослаш орқали чизиқлилиқ валидация қилиниши керак. У усулнинг бутун оралиғини тўлиқ камраб олиши ва калибрлаш тўпламига кирмайдиган махсус танланган намуналар тўпламини ўз ичига олиши керак. Мўлжал учун, калибрлаш тўпламига асосланган кросс-валидация “биттадан намунани четлатувчи кросс-валидация усули” (leave-subset-out) тамоёйили етарли бўлиши мумкин, лекин у мустақил тест тўпламидан фойдаланиб олинган баҳони алмаштирмаслиги зарур. Чизиқлилиқни корреляция коэффициенти, оғиш ва чизиқлиқни узиб қўйиш орқали баҳолаш мумкин.

#### Диапазон

Стандарт аналит қийматлар диапазони хеометрик модел диапазонини белгилайди, унинг пастки чегараси эса аналитик усулнинг аниқланиш чегарасини ва микдорий аниқлаш чегараларини белгилайди. Натижалар ушбу диапазондан ташқарида эканлигининг тан олинниши ва идентификация қилинишини кафолатлайдиган назорат ўрнатилиши керак. Модел диапазони доирасида мос келувчанлик ва аниқлиқни қабул қилиш мезонлари бажарилиши керак.

#### Аниқлиги

Хеометрик моделнинг аниқлигини текшириш, хеометрик моделдан олинган аналитик натижаларни стандарт усуллар ёрдамида олинган натижалар билан таққослаш орқали аниқланиши мумкин. Аниқлиқни баҳолаш хеометрик моделнинг маълум бир доирасида, мустақил тест тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Моделнинг аниқлигини текширишда кросс-валидациянинг “биттадан намунани четлатувчи” усулидан фойдаланиш манфаатли бўлиши мумкин, аммо буни мустақил тест тўпламидан фойдаланган ҳолда олинган баҳо билан алмаштирмаслик керак.

#### Мос келувчанлик

Аналитик усулнинг мос келувчанлиги хеометрик модел ёрдамида ўтказилган ўлчашларнинг стандарт оғишларини баҳолаш орқали валидация қилиниши керак. Мос келувчанлик такрорланувчанликни (бир хил намунани ўша куннинг ўзида худди шу шахс томонидан такроран ўлчанишини) ва оралиқ мос келувчанликни (бир хил танланмани бошқа одам томонидан ҳар хил кунларда такроран ўлчашни) камраб олади. Мос келувчанлик хеометрик модел доирасида камраб олинган ёки ҳеч бўлмаганда мақсад қийматини ҳисобга олган ҳолда турли хил аналитик қийматларда баҳоланиши керак.

#### Мустаҳкамлик

Мустаҳкамликни валидация қилиш учун ҳам сифат усулларини тавсифлайдиган қондалар қўлланилади. Мустаҳкамлик билан боғлиқ ҳар қандай параметрларни хеометрик моделнинг аниқлигига ва мос келувчан-

лигига таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор берилиши керак. Бу экспериментал дизайн ёрдамида ушбу параметрларни баҳолаш учун устунлиқ бўлиши мумкин.

Хеометрик моделда шунингдек синон учун намуналардан фойдаланиб тадқиқот олиб бориш мумкин, бунда усул диапазони ташқарисида аналит концентрацияли намуналар ёки бошқа идентификацион намуналар бўлиши мумкин. Валидация жараёнида ушбу намуналар бегона қийматлар сифатида аниқланганлиги кўрсатилиши керак.

## 2. ХЕОМЕТРИК УСУЛЛАР

Кимёвий усулларнинг тўлиқ бўлмаган танлови куйида кўриб чиқилади. Танланган усулларнинг жадваллари 5.21-2-расмда келтирилган.

### 2-1. АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ

#### 2-1-1. Кириш

Йирик маълумотлар тўпламлари ёки жадвалларнинг мураккаблиги ушбу жараёнга ёрдам берадиган қўшимча усулларсиз инсон интерпретациясини (тафсирини) қийинлаштиради. Асосий компонентлар таҳлили (РСА) – бу маълумотларнинг катта ўзгарувчанликни визуализация қилиш учун қўлланиладиган проекцион усул ҳисобланади. РСА битта намунанинг бошқасидан қандай фарқ қилишини, ўзгарувчилар ушбу фарқга кўпроқ ҳисса қўишини ва бу ўзгарувчилар бир хил таъсирга эга эканлигини ҳамда ўзаро боғлиқлиги ёки мустақил эканликларини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, у маълумотлар тўпламидаги расмлар ёки гуруҳлар тўпламининг намуналарини кўрсатади. Бундан ташқари, РСА дан жадвалдаги фойдали маълумотларнинг микдорини, шунингдек, шовкин ёки маъносиз ўзгаришларни баҳолаш учун фойдаланилиши мумкин.

#### 2-1-2. Тамоёйил

Асосий компонентлар таҳлили (РСА) – бу маълумотларни чизиқли проекциялаш усули бўлиб, латент ўзгарувчилар (яширин ўзгарувчилар) деб аталадиган маълумотларни уларни тақсимланиши орқали компресслаш (сиқилади). Ортогонал векторлар (нукталар) ва ортонормал векторлар (юклашлар) устунлари кўрсатилган. Асосий компонентлар (РС) ёки латент ўзгарувчилар асл ўзгарувчан ўқларнинг чизиқли бирикмасини ўзида намаён қилади. Алоҳида яширин ўзгарувчиларни асл ўзгарувчилар билан ўзаро муносабати орқали изохлаш мумкин. Аслида, худди шу маълумотлар намойиш этилади, аммо янги координаталар тизимида. Намуналар орасидаги ўзаро боғлиқлик асосий таркибий қисмларнинг проекциялари (нукталар) орқали аниқланади. Шунга ўхшаш намуналар РСс бўйича гуруҳланади. Намуналар орасидаги масофа ўхшашлик/фарқлик ўлчовидир.

Дастлабки маълумотлар жадвали янги, қайта ташкил этилган матрицага айлантирилади. Унинг структураси асл матрицада яширинган сатрлар ва устунлар ўртасидаги муносабатни очиб беради (5.21-3-расм). Янги структура дастлабки маълумотларнинг тушунтирилган қисмини ташкил қилади. Процедура дастлабки маълумотларини қолдиқ хатога қадар моделлаштиради, бу маълумотларнинг тушуниб бўлмайдиган қисми деб, ҳисобланади ва бу қисм декомпозиция пайтида қискартирилади.

Асосий ғоя – мураккаб маълумотлар жадвалини, камроқ ўлчовлар билан содда версияга алмаштириш, бунда

ушбу маълумотлар дастлабкига маълумотларга керак-лигича яқин бўлишига мос келади. (5.21-4-расм). Маълумотлар жадвалидан маълумотни олиш намуналар орасидаги ўзгарувчанликни ўрганиш, яъни намунани бошқаларидан фарқли ёки ўхшашлигини аниқлашдан иборат. Агар кўп параметрларнинг иккита намунаси бир хил қийматга эга бўлса, унда уларни бир хил тавсифлаш мумкин. Геометрик жиҳатдан қаралганда, битта намуна учун ўлчовлар комбинацияси кўп ўлчовли фазодаги нуқтани ўзгарувчилар қанча бўлса, шунча ўлчовлар билан аниқлайди.

Яқин координаталар мавжуд бўлганда, иккита нуқта бир хил соҳада ёки ҳажмда жойлашган. PCA ёрдамида кўп ўлчовли фазодаги каби келиб чиқиши ўхшаш намуналарни бир-бирга яқин, келиб чиқиши турли хил бўлган намуналарни эса бир-биридан узоқ сақлаган ҳолда ўлчовлар миқдорини камайтирилиши мумкин, лекин координата тизими алтернатив қуйи ўлчовида сиқилади.



Расм 5.21-2-Бўлимда муҳокама қилинган кимёвий усулларнинг хариталари.

PCA тамойили бу – маълумотлар майдонида маълумотларнинг энг катта вариациясини тавсифлайдиган йўналишлар, яъни маълумотлар тафсилотлари бир-биридан узоқроқда жойлашган жойни топиш. Ҳар бир йўналиш бу намуналар ўртасидаги ҳақиқий фарқларга энг катта хисса қўшувчи дастлабки ўзгарувчиларнинг чизиқли комбинациясини ўзида акс эттиради. Тузилиши бўйича, асосий компонентлар (PCs) бир-бирига ортогоналдир ва шу тарзда тартибланганки, уларнинг ҳар бири кейинги маълумотларга қараганда кўпроқ маълумотга эгадир. Шунинг учун, энг катта вариацияни ўз ичига олган, биринчи даражадан бошлаб, ушбу PCs ларнинг талқин қилинишига устуворлик берилди ва шу тариқа маълумотлар структурасининг интерпретациясига кўпроқ мос келадиган, унчалик мураккаб тизимнинг альтернативлигини ўзида акс эттиради. Одатда, фақат биринчи даражадаги PCs лар муҳим маълумотни ўз ичига олади, бунда кейинчалик шовқинларни тасвирлаш PCs ларда эҳтимоли кўпроқ.

Амалда, шовқин маълумот билан янглишмаслигини таъминлаш учун маълум бир мезон қўлланилади ва ушбу мезонни таҳлил учун қўллашда фойдаланиладиган PCs миқдорини аниқлаш учун кросс-валидация ёки юкларни баҳолаш усуллари каби биргаликда қўллаш керак. Намуналар орасидаги ўзаро боғлиқликни кейинчалик бир ёки бир нечта баҳолаш графикларида кўриш мумкин. Қолдиқлар  $\hat{E}$ - модельга киритилмаган вариацияни

сақлайди ва у модельга намуналарни ва ўзгарувчанларни қанчалик яхши мос келишини кўрсатувчи кўрсаткичдир.

Агар барча асосий компонентлар сақланган бўлса, ҳеч қандай яқинлашиш бўлмас эди ва фақат оддийликдаги самара ўлчами бўйича энг асосий компонентлар тартибланган вариацияси таркибида бўлади. Асосий компонентларни таҳлил қилишда сақланиши керак бўлган компонентлар сонини ҳал қилиш соддалиги, барқарорлиги ва яхши ёндашуви ҳамда мувофиқлиги/ишлаши ўртасидаги мurosадир.

### 2-1-3. Моделни баҳолаш

Детерминация коэффиценти (умумий тушунтирилган вариация)  $R^2$  ҳақиқий маълумотларнинг ўзгариши модел томонидан қанчалик тавсифланганлигининг ўлчови ҳисобланади. Ушбу модел ёрдамида маълумотларда топилган тузилишнинг нисбатлари ифодаланади. Умумий қолдиқ ва тушунтирилган фарқлар моделнинг маълумотларга қанчалик мос келишини кўрсатади. Модель кичик умумий қолдиқ дисперсияси (0 % га яқин) ёки катта умумий тушунтирилган дисперсия (100 % га яқин) маълумотлардаги ўзгарувчанликни акс эттириши мумкин. Фақат бир нечта компонентлардан ташкил топган оддий моделларда қолдиқ дисперсия 0 га тушади, акс ҳолда, бу маълумотлар, одатда, жуда кўп шовқинни ўз ичига олади. Шу билан бир қаторда, бу маълумотларнинг тузилишини жуда оз таркибий қисмлардан



фойдаланиб тушунтириш учун жуда мураккаб эканлигини англатади. Кичик қолдиқ дисперсияси ва маълум бир таркибий қисм учун энг юқори тушунтириладиган дисперсия модель томонидан яхши аниқланади. Барча ёки биринчи таркибий қисмлар учун катта қолдиқ дисперсияси бўлган ўзгарувчилар бошқа параметрларга нисбатан кичик ёки ўртача алоқага эга. Агар баъзи бир ўзгарувчилар бошқаларга қараганда етарлича катта қолдиқ дисперсиясига эга бўлса, уларнинг барчаси биринчи таркибий қисмлар учун янги ҳисобдан чиқарилиши мумкин ва бу мақсадга кўпроқ мос келадиган моделни олишга олиб келади. Боғлиқсиз синовлар тўпламининг ўзгариши моделни ўзи яратишда қўлланилмаган маълумотлардан фойдаланган ҳолда моделни синаб кўриш йўли билан аниқланади.

#### 2-1-4. Критик аспектлар

Асосий таркибий қисмлар таҳлили (PCA) асосий ўзгарувчанликни маълумотлар тўпламида ушлаб туради. Шунинг учун нисбатан кичик ўзгарувчанликни ажратиб бўлмайди.

#### 2-1-5 Потенциал фойдаланиш


PCA – бу назорат қилинмайдиган усул бўлиб, тадқиқот маълумотларини таҳлил қилиш учун фойдали восита ҳисобланади. Шунингдек, уни визуализациялаш, маълумотларни сиқиш, маълумотлардаги гуруҳларни ва тенденцияларини текшириш, бегона қийматларни аниқлаш ва бошқалар учун қўлланилиши мумкин.

Маълумотларни тадқиқ қилиш учун, PCA моделлаштириш барча маълумотлар жадвалига бир марта қўлланилиши мумкин. Лекин, янги ўзгарувчанлик пайдо бўлишини батафсилроқ кўздан кечириш учун Эволюцион омил таҳлили (EFA) усулидан фойдаланилиши мумкин. Бунда PCA кўпроқ кенгайтирилган ёки белгиланган ойнада қўлланилади, масалан, кетма-кет олинган намуналардан янги компонентлар намоён бўлиши.

PCA, шунингдек, SIMCA каби таснифлаш услублари ва PCR каби регрессия усуллари учун асосни яратади. Биринчи асосий компонентларнинг энг катта вариацияларга эга бўлиш учун PCA нинг хусусияти кейинги регрессияни камроқ яширин ўзгарувчига асосланиш имконини беради. Таркибий қисмлардан регрессияда мустақил маълумотлар сифатида фойдаланиш учун мисоллар: Асосий компонентлар регрессияси (PCR), Кўп ўлчовли эгри чизикнинг имконияти (MCR) ва Сунъий нейрон тармоғи (ANN).

PCA, мавжуд бўлган барча маълумотларни битта чизикқа бирлаштириш ва ҳар бир бирлик ёки ҳатто бутун ишлаб чиқариш жараёнига имзо қўйиш учун, масалан,

Ҳотеллинг  $T^2$  статистикаси, PCA моделининг қолдиқлари ёки алоҳида қийматларга асосланган ҳолда, Кўп ўлчовли статистик жараён назорати (MSPC) тизимида қўлланилади. Бир ўлчовли бошқарув диаграммалардан ташқари, PCA нинг биринчи муҳим афзаллиги шундаки, у кўп даражали бегона қийматларни, яъни жараён шароитларини ёки мавжуд бўлмаганлардан фарқ қиладиган корреляцияга эга бўлган жараённинг натижаларини аниқлаш учун қўлланилиши мумкин.



Расм 5.21-3. 3 хил  $X$ -маълумотлар тўпламини геометрик тасвирланиши. Чапда объектлар кўп ўлчовли маконда акс этади ва қуйидаги мисоллар яширин тузилмани, яъни мос равишда текисликни ёки чизикни очиб беради.

$$\begin{array}{c}
 \begin{array}{|c|c|c|c|c|} \hline x_{1,1} & & & & x_{1,m} \\ \hline & & & & \\ \hline & & & & \\ \hline & & & & \\ \hline x_{n,1} & & & & x_{n,m} \\ \hline \end{array} = \begin{array}{|c|c|} \hline t_{1,1} & t_{1,p} \\ \hline & \\ \hline & \\ \hline t_{n,1} & t_{n,p} \\ \hline \end{array} = \begin{array}{|c|c|c|c|c|} \hline p_{1,1} & & \hat{P} & & p_{1,m} \\ \hline & & & & \\ \hline & & & & \\ \hline p_{n,1} & & & & p_{n,m} \\ \hline \end{array} + \begin{array}{|c|c|c|c|c|} \hline e_{1,1} & & & & e_{1,m} \\ \hline & & & & \\ \hline & & & & \\ \hline & & & & \\ \hline e_{n,1} & & & & e_{n,m} \\ \hline \end{array} \left. \vphantom{\begin{array}{|c|c|c|c|c|} \hline p_{1,1} & & \hat{P} & & p_{1,m} \\ \hline & & & & \\ \hline & & & & \\ \hline p_{n,1} & & & & p_{n,m} \\ \hline \end{array}} \right\} \text{ Калибрлаш}
 \end{array}$$

$$X = \hat{T} \cdot \hat{P}^T + \hat{E}$$

$$\left. \begin{array}{|c|c|} \hline t_{u,1} & t_{u,p} \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{|c|c|c|c|c|} \hline x_{u,1} & & & & x_{u,m} \\ \hline \end{array} \right\} \text{ Прогноз}$$

$$\hat{t}_u = x_u \cdot \hat{P}$$

$X = n$  сатрлар  $m$  устунлари асл маълумот матрицаси  
 $\hat{F} = n$  сатрлар ва  $p$  устунлар кийматлари матрицаси  
 $\hat{P}^T = p$  сатрлар ва  $m$  устунлар билан юклаш матрицаси  
 $\hat{E}$  = қолдиқ матрица ( $X$ -матрица каби бир хил ўлчамда)

$m$  = маълумотлар нукталари сони (ўзгарувчилар)  
 $n$  = ўлчовлар сони (намуналар)  
 $p$  = факторлар сони  
 $x_u$  = номаълум намуна маълумотлари  
 $\hat{x}_u$  = номаълум намуна учун миқдорларнинг кийматлари.

5.21-4-расм. Асосий компонентларни таҳлил (PCA) қилиш учун  $X$ -матрицанинг парчаланиши.

## 2-2. ОБЪЕКТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЛЧОВЛАР

Қуйидаги алгоритмларнинг асосий қўлланилиши, объект ва гуруҳ ёки маълумотлар маркази ўртасидаги ўхшашлик даражасини ўлчашдан иборат.

### 2-2-1. Ўхшашлик ўлчовлари. Ўхшашлик коэффициенти.

Агар маълумотлар тўпламлари бир хил ўлчовларга эга бўлса, масалан, спектрал маълумотлар, корреляцияни ҳисоблаш маълумотларнинг таққосланиши ва ўхшашлик даражасини аниқлаш учун қўлланиладиган энг оддий статистик воситадир. Бу жуфт векторлар орасидаги чизикли боғланиш ўлчовидир. -1 ва +1 ўртасидаги корреляция миқдори мослаштириш учун қуйидаги тизимга асосланган ҳолда ҳисобланади: бунда мукаммал мослик (кўзгу тасвири) + 1 бўлади ва мутлақо қарама-қарши бўлган иккита линиялар -1 миқдорга эга бўлади (5.21-5-расм).

Корреляция қуйидаги усулларнинг ҳар қандайдан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўпламларини таққослаш учун қўлланилади:

- танланган 2 та намунани таққослаш;
- маълумотлар кутубхонасида (гуруҳ ёки синфдан) векторлар томонидан тақдим этилган 1 ёки ундан ортиқ танланган намуналарни таққослаш.

Аналитик маълумотлар одатда типик хусусиятлар гуруҳидаги ўртача маълумотлардир.

Бир хил ўлчамдаги икки вектори  $x$  ва  $y$  ўртасидаги  $r$  корреляцияни қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$r = \frac{\sum_i x_i y_i}{\sqrt{\sum_i x_i^2 \sum_i y_i^2}}$$

### 2-2-2. Масофани ўлчаш.

Объект кенглигида объектлар тўплами бир-бирига яқинроқ ёки камроқ яқин бўлиб, гуруҳлар ёки кластерларда тўпланадиган нукталар сифатида қўринади. Нукталар орасидаги масофани ўлчаш объектлар ўртасидаги ўхшашлик даражасини англатади. Худди шу тарзда, нуктадан гуруҳ марказигача бўлган масофани ўлчаш, гуруҳнинг ушбу объектига тегишли эканлигини ҳақида маълумот беради. Объектларнинг таққосланишини кўрсатиш учун қуйидаги алгоритмлар келтирилган.

#### 2-2-2-1. Евклид масофаси


Евклид масофаси,  $ed_{i,j}$  2 нукталар  $i$  ва  $j$  орасидаги масофани қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$ed_{i,j} = \sqrt{\sum_{k=1}^{k=m} (x_{i,k} - x_{j,k})^2}$$

Худди шу тарзда, Евклид масофаси  $ed_{i,c}$   $i$  нукта ва  $c$  маълумотлар маркази ўртасидаги масофа,  $i$  нуктанинг координаталарининг квадрат фарқлари йиғиндисининг квадрат илдизи ҳар бир  $m$  ўқи учун  $x$ -координаталарнинг ўртача қийматига тенглигини ҳисоблаш мумкин, буни қуйидаги матрицали белги орқали ифодалаш мумкин:

$$ed_{i,j} = \sqrt{(x_i - \bar{x})(x_i - \bar{x})^T}$$

Бу ерда  $x_i$ ,  $i$  нуктани тавсифловчи координаталарнинг  $m$  қийматларини билдиради ва  $x$ ,  $m$  ўзгарувчилар учун ҳисобланган ўртача координаталарни билдиради. Даражадаги  $T$  белгиси тенгламадаги иккинчи ҳаднинг кўчирилишини билдиради.



Расм 5.21-5. Шаклларни таққослаш орқали тасвирланган корреляцион балларга мисоллар.

## 2-2-2-2. Маҳаланобис масофаси.

Маҳаланобис масофаси ( $md$ ) тескари дисперсия-коварианция матрицаси ёрдамида ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олади:

$$\begin{bmatrix} \text{Var}_1 & \text{Cov}_{1,2} & \text{Cov}_{1,3} \\ \text{Cov}_{1,2} & \text{Var}_2 & \text{Cov}_{2,3} \\ \text{Cov}_{1,3} & \text{Cov}_{2,3} & \text{Var}_3 \end{bmatrix}$$

Дисперсия-коварианция  $C_X$  матрицаси қуйидаги тенглама билан ҳисобланади:

$$C_X = (1/(n-1))X_C^T X_C$$

бу ерда  $X_C$  маълумотлар матрицаси  $n \times m$  ҳар бир устуннинг ўртасига тўғри келади. Шундай қилиб,  $C_X$  ҳар бир ўзгарувчининг диагоналига ва диагоналнинг ҳар икки томонидаги ўзгарувчилар ўртасидаги тарқалишини ўз ичига олган квадрат матрицадир. Маҳаланобиснинг  $i$  нуқтадан  $s$  маълумотлар марказигача бўлган масофаси қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$md_{i,c} = \sqrt{(x_i - \bar{x})C_X^{-1}(x_i - \bar{x})^T}$$

$C_X^{-1}$  матрицаси тескари дисперсия-ковариация матрицаси ва  $C_X C_X^{-1} = I$ , бу ерда  $I$ -идентификация матрицаси. Масофани ҳисоблашда қатнашадиган ўзгарувчилар ёки асосий компонентлар сони  $p$  билан белгиланади,  $n$ -гуруҳдаги ёки маълумотлар тўпламидаги объектлар сони. Маълумотлар меъёрий равишда таксимланади деган тахминда, тасодикий ўзгарувчи  $(n-1)^2/n \times md^2$  эркинлик даражасига кўра бета-таксимланади,  $u = p/2$  ва  $v = (n-p-1)/2$ . Шундай қилиб, агар  $x_i$  нуқта  $(1-\alpha)$ -кувентил бета таксимотидан юқори бўлса, бу нуқта а даражасининг аҳамиятлилигига эга бўлган бегона қийматга тааллуқли бўлиши мумкин (яъни,  $\alpha$  пункти  $I$ -турдаги хатонинг эҳтимоллиги, гарчи у мавжуд бўлмаса ҳам, а нуқта бегона қиймат деб таснифланади).

Худди шу тарзда, кўп ўлчовли моделнинг регрессия параметрларига  $X$ -бўшлиқнинг четида жойлашган маълумотлар нуқтасининг таъсир ричаги ( $h$ ) қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$h = \frac{1}{n} + \frac{T^2}{(n-1)}$$

Юқори левереджига (ричагига) эга бўлган маълумот нуқталари моделга катта таъсир кўрсатади.

## 2-2-2-3. Критик жиҳатлар

Ўзгарувчилар қатъий корреляция ҳолатида бўлмаганда, Евклид масофалари фақат маълумотларнинг нуқталари орасидаги ўхшашлик ёки фарқларни билдиради. Агар ўзгарувчилар ўртасида ўзаро корреляция мавжуд бўлса, улар ҳеч бўлмаганда қисман бир хил маълумотларни ўз ичига олади ва маълумотлар майдонининг ҳажми ўзгарувчилар сонидан кичикроқ бўлади. Маҳаланобис масофалари корреляцияларни тузатишга имкон беради, аммо уларнинг ҳисоблашлари дисперсия-коварианция матрицасининг ўзгаришини назарда тутати. Баъзи ҳолларда маълумотлар тўпламида юқори коллинеарлик мавжуд бўлса, ушбу матрица ягона бўлиб, уни ўзгартириб бўлмайди. Бу, айниқса, спектроскопик маълумотларга нисбатан тўғри келади, бу ерда

спектрометрларнинг юқори аниқлиги бир хил кетма-кет тўлқин узунликларида ўлчаш орқали бир хил сигнални мохирлик билан тавсифлайдиган ортикча кучланишни келтириб чиқаради. Дисперсия-коварианция матрицасини инверсиялашда яна бир чеклаши шундаки, ўзгарувчилар сони объектлар сонидан кичик бўлиши керак ( $n > m$ ).

Асосий таркибий қисмлар орасидаги масофалар ҳисобланиши мумкин, шу билан, ўлчовлилиқнинг камайиши, асосий таркибий қисмлар орасидаги ортогоналлик ва шунингдек, асосий компонентларнинг тартибланишини таъминлайди. Биринчи асосий таркибий қисмлар максимал миқдордаги маълумотни ўз ичига олганлиги сабабли, кейинчалик аҳамиятсиз асосий таркибий қисмларни йўқотиши орқали маълумотларни йўқотмасдан камайитиришга эришилиши мумкин.

Агар маълумотни яқиндан моделлаштириш учун етарли миқдордаги асосий таркибий қисмлардан фойдаланилса, Евклид маълумотлар нуқталарининг маълумотлар тўплами марказига масофаси асосий таркибий қисм қийматлари ва асл ўзгарувчилар координаталари бўйича ҳисобланганда бир хил бўлади. Буни асосий таркибий қисмлардан ҳисоб-китоби маълумотларни ўзгартирмаслигини, фақат маълумотларнинг майдонини бузмасдан тавсифлаш учун яширин ўзгарувчилардан ажрати олишини ҳисобга олиш орқали тушуниш мумкин. Худди шу нарса Маҳаланобис масофасидан фойдаланилганда қўлланилади, бу ерда асл маълумотлар майдони ёки PCs майдони қўлланилганлигидан қатъий назар, қийматлар бир-биридан фарқ қилади. Фарқ фақатгина Маҳаланобис масофасини ҳисоблашнинг соддалаштирилишида бўлади. PCs ўртасидаги ортогоналлик туфайли, Маҳаланобис масофаларини кўпайтириш коэффициентини  $\sqrt{n-1}$  ёрдамида меъёрлаштирилган баллар оралиғида, Евклид масофаларини ҳисоблаш каби ҳисобланиши мумкин.

## 2-2-3. Чизикли ва квадратик дискриминант таҳлил

## 2-2-3-1. Тамойил

Чизикли дискриминант таҳлилда ва Квадрат дискриминант таҳлилда (LDA, QDA), маълумотлар тўпламида белгиланган, олдиндан аниқланган  $K$  гуруҳларга (ёки синфларига)  $x_i$  синов объектини тайин-лаш таснифлаш қиймати орқали белгиланади:

$$cf(x_{i,K}) = (x_i - \bar{x}_K)^T C^{-1}(x_i - \bar{x}_K) + \ln|C| - 2\ln(\pi_K)$$

Бу ерда  $\pi_K$  -  $K$  гуруҳининг олдинги эҳтимоллиги ва  $K$  гуруҳидаги объектларнинг сонига тенг бўлиб, тўпламидаги объектларнинг умумий сонига бўлинади.  $C$ -дисперсия-коварианция матрицаси ва  $|C|$  унинг аниқловчисидир.

## 2-2-3-2. Критик жиҳатлар

Чизикли дискриминант таҳлил (LDA) барча синфлар учун дисперсия-коварианция матрицаси бир хил деб тахмин қилади, квадрат дискриминант таҳлил (QDA) эса ҳар бир синф учун дисперсия-коварианция матрицасини баҳолайди. Шунга кўра, квадрат дискриминант таҳлилда кўпроқ параметрлар баҳолалиши керак, улар етарли маълумотлар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

## 2-2-3-3. Потенциал фойдаланиши

У бевосита оддий таснифлаш схемаларида қўлланилиши мумкин.

### 2-3. СИНФ АНАЛОГЛАРИНИ РАСМИЙ БОҒЛИҚ-СИЗ МОДЕЛЛАШТИРИШ

#### 2-3-1. Кириш


Синф аналогларини расмий боғлиқсиз моделлаштириш (SIMCA) маълумотларни бошқариладиган таснифлаш усули ҳисобланади. Ушбу усул учун турли синфларга тегишли маълум белгиларга эга намуналардан иборат ўқув тўплами талаб қилинади. SIMCA синфларида умумий элементлар бир-бирига қисман мос келиши ва алмашиши мумкин. Шунинг учун намуна битта, бир нечта ёки ҳеч қайси синфлардан бирига тегишли бўлиши мумкин.

#### 2-3-2. Тамойил

Асосий компонентлар таҳлили (PCA) моделлари биринчи бўлиб алоҳида синфлар учун ишлаб чиқилади. Ўқув тўпланининг намуналари PCA томонидан таҳлил қилиниши керак (PCA бўлимига қаралсин) ва ҳар бир

синф учун алоҳида асосий таркибий қисмлар модели яратилади. Тегишли релевант асосий таркибий қисмлар сонини объектларнинг ҳар бир синфи учун алоҳида сошлаш мумкин. Ушбу процедурага мувофиқ, ҳар бир синф маълумот тўплари асосий таркибий қисмларининг тегишли моделларига қисқартириш мумкин.

Кейин янги объектлар алоҳида PCA моделлари асосида таснифланади. Ушбу моделларнинг ҳар бирига янги объект лойиҳалаштирилади ва унинг ушбу моделдан қолдиқ масофаси ушбу синф учун белгиланган чегарадан паст бўлганда маълум синфга тайинланади (5.21-6-расм). Тегишли синфларга объектларнинг масофалари Евклид ёки Маҳаланобис каби процедуралар ёрдамида ҳисобланиши мумкин. Бинобарин, мос келадиган масофалар зарур бўлган чегара қийматида бўлса, объект фақат битта ёки бир нечта синфларга тегишли бўлиши мумкин. Агар объектларнинг барча SIMCA синфларига масофаси белгиланган қийматдан ошса, у бегона қиймат сифатида таснифланади.



Расм 5.21-6-Икки синфли SIMCA таҳлилида ўрганилаётган объектларнинг 4 та таснифини акс эттирувчи график (□ = таснифлаш учун номаълум танлама, Δ = 1-синф танламаси, о = 2-синф танламаси).

#### 2-3-3. Критик жиҳатлар

SIMCA, асосан PCA тамойилларига асосланганлиги сабабли, усул валидацияси PCA текшируви валидациясига мувофиқ бўлиши керак. Бундан ташқари, турли синфларнинг ўзаро мутаносиблигини ҳисобга олиш лозим. Масалан, молекулада унинг спектроскопик режимида кўринадиган бир нечта кимёвий гуруҳлар бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бундай маълумотларни кимёвий кичик гуруҳларга гуруҳлаш натижасида ажратиш мумкин эмаслиги сабабли бир-бири билан ўзаро боғлиқлик юзага келади.

#### 2-3-4. Потенциал фойдаланиш

SIMCA кўпинча инфрақизил (NIR) ёки масс-спектроскопия каби усуллар ҳамда хроматография ва кимёвий визуализация каби бошқа аналитик услублар ёрдамида аналитик маълумотларни таснифлаш учун қўлланилади. SIMCA, PCA га қараганда ажратилиши

кийин бўлган синфлар ўртасидаги фарқланишни аниқлаш учун кўпроқ мос келади.

### 2-4. КЛАСТЕРЛАШ

#### 2-4-1. Кириш

Кластер бир-бирига ўхшаш объектлар гуруҳидан ёки маълумотлар нуқталаридан иборат. Кластерлаш усулларидан маълумотлар нуқталарини алоҳида гуруҳларга қандай қилиб “ўзини-ўзи ташкил этишини” тасаввур қилиш ёки маълумотлар объектлари ўртасидаги ўхшашлик даражасини таъкидлаш учун фойдаланилиши мумкин. Муайян кластердаги маълумотлар нуқталари уларни бошқа кластерларда тўпланганлардан ажратиб турадиган умумий хусусиятларга эга. Кластерлар учта асосий хусусиятлардан фойдаланган ҳолда таснифланади: ўлчами, шакли ва энг яқин кластерга бўлган масофа. Кластерлаш – бу маълумотларни таҳлил қилишнинг назорат қилинмайдиган усули бўлиб, тушунтириш

ёки тасдиқлаш учун қўлланилади. У дискриминацион таҳлилдан фарқ қилади, бу назорат қилинадиган таснифлаш услуби бўлиб, унда ёрликланмаган объект олдиндан таснифланган объектлар гуруҳига берилади.

#### 2-4-2. Тамойил

Кластерлаш маълумотларига кўп сонли ёндашувлар мавжуд бўлиб, одатда иерархик ёки ноиерархик деб, синфланади. Иерархик кластерлаш маълумотларнинг классик график дендрограмма кўринишида кўринишида тақдим этилишига олиб келади, аммо иерархик бўлмаган кластерлар иерархик тузилишга эга бўлмаган ҳолда кластерларни топади. Кўпгина алгоритмлар адабиётда тавсифланади, унда маълумотлар маълум бир усулда ёки муайян кластерлаш мезонини оптималлаштириш орқали қисмларга ажратилади. Ушбу оддий ва эксклюзив фарқ тўлиқ эмас, чунки аралаш алгоритмлар турли хил ёндашувлар билан ўхшашликларга эга. Иерархик кластерлаш рекурсив равишда дарахтга ўхшаш тузилмани ташкил этувчи агломерация (пастдан юқорига) ёки ажратиш (юқоридан пастга) режимида кластерларни топади. Агломерация режими ҳар бир маълумот нуктасини ўз кластери сифатида белгилашдан бошланади ва кейинчалик ушбу босқич такрорланишидан олдин тўлиқ маълумотлар тўплами таснифлангунча шунга ўхшаш кластерларни жуфт-жуфт қилиб бирлаштиради (5.21-7-расм). Ажратиш режими (Дивизив режими) барча маълумотлар тўпламини битта кластер сифатида кўриб чиқишдан бошланади, ундан кейин ягона ноёб маълумотлар нуктасини ўз ичига олган кластерлар олинмагунча рекурсив равишда бўлинади. Кластерлар ўртасидаги ўхшашликни ҳисоблаш усули билан алгоритмлар фарқланади. “Узоқ кўшни” тўлиқ алоқа ва “яқин кўшни” ягона алоқа қилиш алгоритмлари улар орасидаги ўхшашликни баҳолаш учун турли хил кластерларга тегишли бўлган барча жуфт объектлар орасидаги масофани ҳисоблаб чиқади. Ягона узатиш усулида бу масофа 2 хил кластердан келиб чиққан 2 та объектни ажратадиган минимал масофага тўғри келади, тўлиқ узатиш алгоритмида эса бу масофа 2 хил кластердан 2 та объект орасидаги энг катта масофага тўғри келади. Минимал дисперсия алгоритми деб ҳам аталадиган Уорд (Ward) алгоритми, энг ўхшаш 2 та кластер бирлаштирилганда кластерлар ўртасидаги фарқни камайтириш орқали кластерлар ўртасидаги ўхшашликни ҳисоблаб чиқади.



Расм 5.21-7. – Ноёб маълумотлар нуктасини ўз ичига олган кластерларни агломератив иерархик кластерлаш учун Дендрограмма

Иерархик бўлмаган кластерларни таърифлаш ва таснифлаш иерархик кластерлашдаги каби осонлик билан бўлмайди. Турли хил таснифлаш схемаларини яратадиган турли хил алгоритмлар мавжуд. Алгоритм-

ларнинг турли тоифаларига умумий тавсиф қуйида оддий масофага асосланган усуллардан тортиб минимал қопловчи дарахт алгоритми ва яқин кўшнилар алгоритмларига, *K*-ўртача алгоритми (одатда классик қисмларга ажратиш усули деб аталади) каби мураккаб усулларга, максималлаштириш алгоритми (“моделга асосланган” усуллар учун) ва “зичликка асосланган” алгоритмлар учун DBSCAN ҳамда “тўрга асосланган” усуллар ҳам статистик маълумотлар тармоғи (STING) алгоритми мисолида келтирилади.

Қопловчи дарахт минимал кластеризацияси, Крускал алгоритми каби графлар назарияси алгоритмига ўхшайди, чунки барча маълумотлар нукталари, биринчи навбатда, энг яқин нукталар орасидаги чизик билан боғланади. Барча маълумотлар нукталари бир-бирига уланганда энг катта узунликдаги линиялар узилиб, бир-бирига яқин жойлашган нукталарнинг кластерлари қолади. Яқин кўшнилар кластерлаши учун, ушбу нукта ва унинг яқин кўшниси (кластерга тегишли) орасидаги масофа олдиндан белгиланган чегарадан паст бўлганда, кластерга маълумотлар нуктасини белгилаш учун итератив процедура қўлланилади.

*K*-ўртача энг кўп қўлланиладиган алгоритмлардан бири бўлиб, қисм алгоритмларида бўлгани каби кластерлар сони кластер марказларининг бошланғич ҳолати билан бирга *априори* танланиши керак. Квадратларнинг хато мезони ҳар бир объект ва унга мос келадиган кластернинг центриоди орасидаги квадратнинг масофасини ўлчайди. *K*-ўртача алгоритми тасодифий бошланғич қисмдан бошланади ва керакли мезонлар минимал даражага тушгунча объектларни кластерларга қайта тайинлаш орқали ривожланади. *K*-ўртача алгоритмининг баъзи вариантлари кластерларнинг мақбул сонини топиш учун кластерларнинг бўлишига ёки бириктирилишига имкон беради, ҳатто ўзбошимчалик билан бошланғич кластерлашдан ҳам. Моделга асосланган кластерлаш олдиндан тахмин қилинган моделдан фойдаланган ҳолда маълумотларга энг мос келадиган нарсани топишга ҳаракат қилади. Бунга мисол ЕМ ёки кутиш-максималлаштириш алгоритми бўлиб, у ҳар бир объектни ушбу объект учун аъзолик эҳтимоли бўйича маълум бир кластерга тайинлайди. ЕМ алгоритмида эҳтимоллик функцияси кўп даражали Гаусс тақсимоти бўлиб, у максимал эҳтимоллик баҳоси ёрдамида маълумотларга итератив равишда ўрнатади. ЕМ алгоритми *K*-ўртача алгоритмининг кенгайтмаси сифатида қаралади, чунки *K*-ўртача учун қўлланиладиган квадратларнинг қолдиқ йиғиндисини максимал эҳтимоллик мезонига ўхшашдир.

DBSCAN алгоритми каби зичликка асосланган (DB) кластерлаш, зичлиги паст ёки умуман бўлмайдиган минтакалар билан ажратилган зичлиги юқори ҳудудларга кластерларни ассимиляция қилади. Белгиланган радиусга мос келадиган бошқа объектлар сонини аниқлаш учун ҳар бир объектнинг кўшнчилиги ўрганилади ва ушбу атрофда етарли миқдордаги объект мавжуд бўлганда кластер аниқланади.

Тўрга асосланган алгоритмлар, масалан, STING, маълумотлар фазосини чекланган сондаги ячейкаларга ажратади. Кейин ҳар бир ячейкадаги объектларнинг тақсимланиши ўрта қиймат, дисперсия, минимум, максимум ва тақсимот тури бўйича ҳисобланади. Турли хил ўлчамлар даражасини таъминлайдиган бир неча даражадаги ячейкалар мавжуд ва маълум даражадаги ҳар бир ячейка қуйи даражадаги 4 та ёрдамчи ячейкалар бирлашмасига тўғри келади.



### 2-4-3. Критик жиҳатлар

Алгоритмлар маълумотларни кластерлашни бошлаш учун қўлланиладиган бошланғич шартларга сезгирдир. Масалан,  $K$ - ўртача учун олдиндан белгиланган сондаги кластер талаб қилинади ва натижавий бўлиниш танланган кластер сонига қараб ўзгаради. Масофани ҳисоблашда қўлланиладиган ўлчовлар ҳам маълумотларни кластерлашга таъсир қилади.  $K$ - ўртача алгоритми Евклид масофалари учун сферик кластерларни аниқлайди, Маҳаланобис масофаларини қўлланилганда эса улар эллипсоидал бўлиши мумкин. Кластер шакли маълумотни кластер таҳлилидан аввал, олдиндан қайта ишлаш орқали ўзгартирилиши мумкин. Зичликка асосланган кластерлаш алгоритмларида ихтиёрий шаклдаги кластерлардан фойдаланиш мумкин, аммо уларнинг камчиликлари кўп ўлчовли маълумотларга ишлов беришда чекловлар мавжудлиги ва объектлар ўлчовлар бўйича жуда кам тақсимланганидир. Агар объект бирор маълум эҳтимоллик билан кластерга тегишли ҳисобланса, зичликка асосланган кластерлаш каби алгоритмлар юмшоқ ёки ноаниқ кластерлаш имконини беради. Бундай ҳолда, иккита қўшни кластерларнинг чегара соҳасида иккала кластерга ҳам тегишли баъзи объектлар жойлашган бўлиши мумкин.

### 2-4-4. Потенциал фойдаланиш

Кластерлаш – бу бир хил хусусиятларга эга объектларни гуруҳлаш орқали маълумотлар тузилишини тушунишга ёрдам берадиган таҳлилнинг тадқиқот усули ва бундан ташқари, иерархик кластерлаш маълумот объектларини таснифлаш имконини беради. Кластерлаш турли хил соҳаларда, хусусан, маълумотларнинг катта базаларидан маълумотларни олиш учун қўлланилади. Сўнгги ҳолатда, кўпинча “Маълумотларнинг интеллектуал таҳлили” атамаси қўлланилади, унинг мақсади ўзгарувчилар ўртасидаги ассоциациялар, тенденциялар ва муносабатларни излашда, катта ҳажмдаги таҳлил этилмаган маълумотлардан яширин ва фойдаланилмаган маълумотларни олишдир.

### 2-5. КўП ЎЛЧОВЛИ ЭГРИ ЧИЗИҚ ТАҲЛИЛИ

#### 2-5-1. Кириш

Кўп ўлчовли эгри чизик таҳлили (MCR) асосий компонентлар таҳлили (PCA) билан боғлиқ, аммо PCA максимал дисперсия ва ўзаро ортогонал бўлган йўналишларни изласа, MCR қўшилган улуш профилини (яъни, MCR баҳолари) ва соф компонентлар (яъни, MCR юкламалари) профилларини топишга интилади. MCR шунингдек, эгри чизикнинг автомодел имконияти (SMCR) ёки охириг аъзони ажратиш сифатида ҳам танилган. MCR параметрларини оптималлаштиришда алмашинувчи энг кичик квадратлар (ALS) алгоритми қўлланилади.

#### 2-5-2. Тамойил

Классик энг кичик квадратлар (CLS) каби MCR - ALS ҳам маълумот матрицаси  $X$  таркибидаги  $C$  улуш профилини ва  $S$  соф компонентлар профилини баҳолайди, яъни  $X = C \cdot S^T + E$ . CLS ва ALS ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ALS итератив процедура бўлиб, физик-кимёвий тизимни ўрганиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши ва ушбу маълумотлардан компонентларни/омилларни чеклаш учун фойдаланилиши мумкин. Масалан, улуш ҳам, ютилиш ҳам таърифга кўра, манфий бўлиши мумкин эмас. Ушбу далилни яхши натижаларга эга бўлган маълумотлар тўпламидан соф

таркибий қисмлар ва улушлар профилларини ажратиш олиш учун қўлланилиши мумкин. Тенглик, ноодатийлик, ёпилиш ва масса баланси каби фойдаланиш мумкин бўлган чекловларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд.

Кўпинча соф компонент спектрлари ёки улушлар профилнинг аниқ баҳосини олиш мумкин ва бу баҳолар кейинчалик чекланган ALS оптималлаштиришда бошланғич қийматлар сифатида ишлатилиши мумкин. Ҳар бир итерация пайтида  $S$  профил матрицаси ва  $C$  улуш профилнинг янги баҳолари олинади. Бундан ташқари, тизимнинг физикавий ва кимёвий билимлари натижани текшириш учун қўлланилиши мумкин ва рухсат этилган соф улуш профиллари мавжуд билимлардан фойдаланган ҳолда тушунтирилиши мумкин. Агар MCR натижалари маълум тизим маълумотларига мос келмаса, бошқа чекловлар талаб қилиниши мумкин.

### 2-5-3. Критик жиҳатлар

ALS ҳисоб-китоблари учун тўғри микдордаги компонентларни танлаш барқарор ечим учун муҳимдир, масалан, Эволюцион омил таҳлили (EFA) ёки маълум ўлчамдаги ҳаракатланувчи ойнанинг EFA ёрдамида яхши баҳолана олиниши мумкин. Бундан ташқари, чекловлар “каттик” ёки “юмшоқ” сифатида ўрнатилиши мумкин, бу ерда каттик чекловлар қатъиян бажарилади, юмшоқ чекловлар эса чекланган қийматдан четга чиқишга имкон беради. Одатда, олинган эритмадаги ноаниқликлар туфайли MCR баҳолаш, масалан, оддий чизикли регрессия босқичидан фойдаланиб, фаол фармацевтик модданинг концентрациясига ўтказиш керак бўлади. Бу шуни англатадики, ҳақиқий таркиб камида 1 та намунага маълум бўлиши керак. Иккита ёки ундан ортиқ кимёвий объектлар ўзгарувчанликлари қандайдир тарзда ўзаро боғлиқ бўлса, ранг тақчиллиги юзага келади, масалан, биринчи объект иккинчиси сарфланаётганда шаклланади ёки учинчи объектни олиш учун иккита объект бир хил тезликда сарф этилади. Натижада, алоҳида модданинг ўзгарувчанлиги моҳиятан ниқобланади ва бундай ҳолатларда мустақил тажрибалардаги маълумотларни турли хил шароитларда ёки иккита ўлчов усулини бирлаштирилган ўлчовлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиниши, одатда, тажрибаларни алоҳида, бирин-кетин таҳлил қилишдан кўра яхшироқ стратегияга олиб келади.

### 2-5-4. Потенциал фойдаланиш

MCR дан аналитик усул натижаси чизикли ёки чизикли бўлиши мумкин бўлган кўп ўлчовли маълумотлар ҳосил қиладиган ҳолларда фойдаланиш мумкин. Бунинг афзаллиги шундаки, ҳар бир таҳлил учун битта стандарт талаб қилинади, бу ўлчовлар ҳеч бўлмаганда аналитлар орасида қисман танланган ҳолда фойдалидир. Агар чизиклилик ва танланиш муаммоси бўлса, калибрлаш учун ҳар бир таҳлил учун кўпроқ стандартлар талаб қилиниши мумкин. Таҳлиллар учун аниқ аналитик жавоб бўлмаганда ҳам, дастлабки векторларни PCA координата тизимининг вирамакс-буриш билан бирга аналит аралашмаларга PCA ни қўллаш орқали баҳоланиши мумкин. MCR нинг ALS қўлланилиши алгоритм томонидан эркин ўзгариб турадиган аналит профилларга рухсат бериши мумкин. Уларни кейинчалик алоҳида-алоҳида ҳисоблаш қийин бўлган профилни, масалан, базални моделлаштириш учун фойдаланиш мумкин.

## 2-6. КЎП ЧИЗИҚЛИ РЕГРЕССИЯ

## 2-6-1. Кириш

Кўп чизикли регрессия (MLR) – бу классик кўп ўлчовли усул бўлиб, унда бирор  $y$  векторга иложи борича яқин жойлашган ҳамда комбинация қилинган  $x$ -векторлар ( $X$ -маълумотлар матрицаси) тўпламининг чизикли комбинациясидан фойдаланилади. Энг кичик квадратлар усули ёрдамида калибрлашни амалга ошириш учун MLR чизикли регрессияни бир нечта танланган ўзгарувчига оширади.

## 2-6-2. Тамойил

MLR да, тўғридан-тўғри энг кичик квадратик регрессия  $X$ - ва  $Y$ - маълумотлар ўртасида амалга оширилади. Соддалик учун фақат битта  $y$  устун-векторининг регрессиясини кўриб чиқилади, аммо усул  $Y$ -матрицага осонликча умумлаштирилиши мумкин, одатда, бундай ҳолатлар бир нечта жавобли экспериментал режадан (DoE) олинган маълумотларга MLR қўлланилганда вужудга келади. Ушбу ҳолда, ҳар бир  $y$ - ўзгарувчи учун алоҳида мустақил MLR моделлари бир хил  $X$ -матрицага қўлланилиши мумкин. MLR моделининг куйидаги тенгламаси нормал бир ўлчовли тўғри тенгламининг умумлашмасидир; у шунингдек, кўндаланг ва квадрат атамаларни ўз ичига олиши мумкин:

$$y = b_0 + b_1x_1 + b_2x_2 + \dots + b_kx_k + f$$

Буни қулай матрица шаклида ёзиш мумкин:

$$y = Xb + f$$

Мақсад  $f$  хатосини энг яхши камайтирадиган  $b$  регрессия коэффициентларининг векторини топишдир. Бу ерда энг кичик квадратлар мезони хато квадратлар йиғиндисига, яъни  $b$ - қийматларни топиш учун  $y$  - колдиклари  $f$  ни минималлаштириш учун қўлланилади. MLR куйидаги тенглама ёрдамида моделнинг коэффициентларини баҳолайди:

$$b = (X^T X)^{-1} X^T y$$

Ушбу операция дисперсия-коварианция  $(X^T X)^{-1}$  матрицасининг инверсия матрицасини ўз ичига олади. Агар  $X$ - ўзгарувчилардан бирортаси бир-бири билан коллинеарликни кўрсатса, яъни агар ўзгарувчилар чизикли боғлиқсиз (эркли) бўлмаса, MLR ечими барқарор бўлмайди ёки ечим ҳатто имконсиз бўлиши мумкин.

## 2-6-3. Критик жиҳатлар

Маълумотлар тўпламини етарли даражада тушунтириш учун MLR боғлиқсиз ўзгарувчиларни талаб қилади, аммо фармацевтика намуналари, компонентлар турли даражаларда ўзаро таъсирли мураккаб матрицадан иборат бўлганлиги сабабли, мос ўзгарувчиларни танлаш осон эмас. Масалан, ультрабинафша спектроскопиясида кузатилган абсорбция қийматлари ўзаро боғлиқ, чунки улар спектроскопик тўпланда ўзаро боғлиқ хатти-ҳаракатларни тасвирлашлари мумкин. Аралашмаларнинг спектрларини кузатишда одатда тўлқин узунликлари ўртасида коллинеарлик аниқланади ва шунинг учун MLR да иложи борича мос келадиган чизикли калибрлашни амалга оширишга ҳаракат қилинади. Ушбу усулда  $x$ -ўзгарувчиларни бир-биридан мустақил равишда ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги бу ўзгарувчиларни

предиктор сифатида қўллашда асосий талабдир. Шунинг учун, DoE усулида бошланғич проекция матрицаси ушбу мустақилликни (яъни ортогоналликни) таъминлаш учун бошиданок ишлаб чиқилади. MLR куйидаги чекловлар ва хусусиятларга эга:

–  $X$ -ўзгарувчилар сони намуналар сонидан кичикроқ бўлиши керак ( $n > m$ ), акс ҳолда матрицани тескари ўзгартириб бўлмайди;

–  $X$ -ўзгарувчилар ўртасида коллинеарлик мавжуд бўлса,  $b$  коэффициентлари ишончли бўлмайди ва модел бекарор бўлиши мумкин;

– MLR ҳаддан ташқари вазифа юклаш тенденциясига эга.

Вазифалар ҳаддан ташқари ортиб кетмаслиги учун, кўп ҳолларда MLR ўзгарувчиларни танлаш орқали ишлатилади.  $X$ -ўзгарувчиларнинг оптимал сонини танлаш уларнинг колдик дисперсия, шунингдек, тахмин қилиш хатосига асосланган бўлиши мумкин.

## 2-6-4. Потенциал фойдаланиш

MLR, одатда, юқори даражадаги ўзига хослик ва тўлиқ рангга эга бўлган оддий матрицалар/маълумотлар тўплamlари учун мос келади. Матрицалар мураккаблашиб борганлиги сабабли, янада аниқ ва/ёки ишончли калибрлашни таъминлаш учун мосроқ усуллар, масалан, PLS каби усуллар талаб қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларда, MLR ни яхшироқ калибрлаш техникаси қўлланилгунга қадар скрининг усули сифатида ишлатилиши мумкин.

## 2-7. АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР РЕГРЕССИЯСИ

## 2-7-1. Кириш

Асосий компонентлар регрессияси (PCR) – бу асосий компонентлар таҳлил қилишнинг умумлашмаси бўлиб, миқдорий татбиқ этишда фойдаланиш учун қўлланилади. Бу икки босқичли процедура бўлиб, унда  $X$  калибрлаш матрицаси, дастлаб PCA ёрдамида миқдор ва юкламаларнинг, яъни мос равишда  $\hat{T}$  ва  $\hat{P}$  ларнинг матрицасига айлантирилади. Кейинги босқичда,  $X$  ва  $Y$  маълумотлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун, асосий таркибий қисмлар миқдор матрицасидан MLR моделининг қиритиш маълумотлари сифатида фойдаланилади.

## 2-7-2. Тамойил

PCA да бўлгани каби, калибрлаш матрицаси миқдор ва юклама матрицаларига шундай ажратиладики, бунда мақсад фақат тасодифий хатолардан, яъни шовқиндан иборат бўлган  $\hat{E}$  колдик матрицани минималлаштириш бўлади. Миқдорий калибрлаш учун калибрлаш намуналарининг назорат таҳлил маълумотларидан ташкил топган қўшимча  $Y$  матрица керак бўлади. Матрицанинг  $\hat{T}$  ортогонал миқдорлар векторларида концентрация тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлганлиги сабабли, уни  $\hat{Q}$  матрица орқали  $Y$ -матрицадаги ҳақиқий концентрациялардан фойдаланиб, кўп чизикли регрессия ёрдамида оптимал равишда корреляциялаш мумкин (5.21-8-расм), шу билан бирга,  $\hat{F}$  колдик матрицадаги ёзувлар минимумга келтирилади.

## 2-7-3. Критик жиҳатлар

Моделни ишлаб чиқишда муҳим омил бу асосий компонентларнинг мақбул сонини танлаб олишдир. Шунинг учун, асосий компонентлар (CPs) сонининг колдик  $Y$ -ўзгарувчисига боғлиқлиги графиги компонентларнинг оптимал сонини аниқлашда жуда фойдали диагностик воситадир, яъни моделни баҳолаш пайтида


кузатилган қолдиқ  $Y$ -ўзгарувчининг минимумга эришиш нуқтаси қўрилади. Кўпгина ҳолларда, ушбу нуқтадан кейин, қўшимча асосий компонентларнинг прогнози яхшиланмайди, аммо калибрлаш модели ҳаддан ташқари юкланиш ҳудудига тушади.

Коллинеар  $X$ -маълумотлар билан ишлашда муҳим восита сифатида аҳамиятли бўлишига қарамай, PCR нинг заифлиги  $X$  ва  $Y$  матрицаларнинг мустақил равишда парчаланишида ётади. Бу ёндашув  $Y$ -маълумотларининг оптимал регрессия билан боғлиқ бўлмаган  $X$ -маълумотларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиши мумкин. Бундан ташқари,  $Y$ -корреляцияланган маълумотлар, юкорида кўрсатилган асосий компонентларнинг мақбул сонини танлаш жараёнида эътиборга олинмайдиган, юкори тартибдаги асосий таркибий қисмлар ичида бўлмаслиги мумкин.

Асосий компонентларни босқичма-босқич танлаш (масалан, PC1 ўрнига PC2 ни танлаш) калибрлаш моделининг самарадорлигини ошириш учун фойдали бўлиши мумкин.

#### 2-7-4. Потенциал фойдаланиш

Асосий компонентларнинг регрессияси (PCR) – бу микдорий калибрлаш моделларини оптималлаштириш ва хатоликларни ўлчашни аниқлаш учун кўплаб диагностик воситаларига эга бўлган кўп ўлчовли усулдир. Масалан, спектроскопияда PCR тўлиқ спектрли ёки катта спектрал соҳаларнинг калибрлаш маълумотлари билан ишлашда барқарор ечимларни таъминлайди. Аммо, одатда, PLS га қараганда кўпроқ муҳим компонентлар талаб қилинади ҳамда юкорида кўриб чиқилган чеклашлар ва камчиликлар туфайли, PLS регрессияси спектроскопик маълумотларни микдорий моделлаштириш учун яхшироқ муқобилга айланди.



$X = n$  сатрлар ва  $m$  устунлардан иборат маълумотнинг бошланғич матрицаси

$\hat{T} = n$  сатрлар ва  $p$  устунларнинг матрица қийматлари

$\hat{P}^T = p$  сатрлар ва  $m$  устунлардан иборат юкламалар матрицаси

$\hat{E} =$  қолдиқ матрица ( $X$ -матрица билан бир хил ўлчамда)

$Y = n$  сатрлар ва  $j$  устунлардан иборат хоссалар матрицаси

$\hat{Q}^T = p$  сатрлар ва  $j$  устунларнинг корреляцион матрицаси

$\hat{F} =$  қолдиқ матрица ( $Y$ -матрица билан бир хил ўлчамда)

$\hat{B} =$  регрессия коэффициентларининг матрицаси.

$m =$  маълумотлар нуқталари (ўзгарувчилар) сони

$n =$  ўлчашлар (танланмалар) сони

$j =$  ҳар бир танланмадаги хосса қийматлари сони

$p =$  асосий таркибий қисмлар (омиллар) сони

$x_u =$  номаълум намуна маълумотлари

$\hat{t}_u =$  номаълум намуна хосса қийматини прогноз қилиш

$\hat{y}_u =$  номаълум намуна учун қиймат баҳоси.



## 2-8. ҚИСМАН ЭНГ КИЧИК КВАДРАТЛАР РЕГРЕССИЯСИ

## 2-8-1. Кириш

Қисман энг кичик квадратлар регрессияси (PLSP, одатда, PLS деб танилган ва яна яширин тузилмаларга проекцион, деб ҳам аталадиган) энг оммабоп кўп ўзгарувчили регрессия алгоритмига айланди.


Коллинеар бўлишдан қатъий назар, PLS иккита маълумотлар тўпламини ( $X$  ва  $Y$ ) ўз ичига олади. PLS  $X$  ва  $Y$  маълумотлар блокларида яширин ўзгарувчиларни топади ва бир вақтнинг ўзида ушбу блоклар орасидаги ковариацион тузилишни максимал даражада оширади. Оддий яқинлашишда PLS ни бир вақтнинг ўзида  $X$  ва  $Y$  маълумотларига қўлланиладиган иккита PCA таҳлил сифатида қаралиши мумкин ва бунда,  $Y$  маълумотлар тузилиши  $X$  маълумотларидаги асосий компонентларни кидириш учун қўлланилади. Моделлаштирилган оғишлар сони, яъни маълумотларнинг тушунтирилган қисми ҳар бир компонент учун максимал даражада оширилади. Маълумотлар тўпламининг тушунтирилмаган қисми моделлаштириш сифатининг ўлчови бўлиб хизмат қиладиган қолдиқлардан иборат бўлади.

## 2-8-2. Тамоийил

Асосий компонентлар регрессияси ва қисман энг кичик квадратлар регрессиясининг асосий фарқи шундаки, иккинчиси компонентларни (PLS омиллар, омиллар ёки яширин ўзгарувчилар каби белгиланувчи) олиш учун  $X$  ва  $Y$  -матрицаларни бир вақтнинг ўзида парчаланишига асосланган. Шу сабабли, муҳим омиллар учун  $X$  нинг максимал ўзгарувчанликни тавсифловчи ҳамда  $Y$  билан максимал даражада боғлиқ бўлган маълумотлар тўпланади. Бу маълумот номаълум намуна-

ларнинг  $Y$ -қийматларини прогноз қилиш учун энг мос келадиган маълумот бўлади. Амалда PLS ни фақат 1  $Y$ -ўзгарувчига (PLS1) ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта  $Y$ -ўзгарувчини калибрлашда қўлланиши мумкин (PLS2 модели). Тўлиқ PLS алгоритмлари ушбу бўлим доирасига қирмаганлиги сабабли, унинг ўрнига соддалаштирилган тарзда кўриб чиқилади (5.21-9-расм). Ушбу итерация жараёнида элементларнинг ўзаро таъсирини акс эттириш учун ўқлар  $\hat{T}$  ва  $\hat{U}$  миқдорлар матрицалари орасига қиритилган.  $Y$ -матрицаси юқлар ва миқдорларнинг матрицаларига, мос равишда  $\hat{Q}$  ва  $\hat{U}$ , парчаланиб кетганда  $X$ -матрицанинг парчаланиши нафақат юк ва миқдорларнинг  $\hat{P}$  ва  $\hat{T}$  матрицасини, балки  $X$  ва  $Y$ -маълумотлар ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи юк оғирликларининг  $\hat{W}$  матрицасини ҳам яратади.

Миқдор қийматларининг биринчи баҳоси  $\hat{T}$  учун  $Y$ -матрицанинг миқдорлари  $X$ -матрица парчаланиши билан боғлаш учун  $Y$ -маълумотлар  $X$ -матрицанинг парчаланиши учун қўлланма сифатида фойдаланилади.  $\hat{U}$  ва  $\hat{T}$  матрицалар миқдорлари қийматларини алмашиш орқали  $X$  ва  $Y$  маълумотларини ўзаро боғлиқ ҳолда моделлаштиришга эришилади ва шунда  $Y$  билан мос келмайдиган катта  $X$ -ўзгарувчилари таъсирини камайтирилади. Бундан ташқари, кам сонли PLS омилларга эга бўлган содда калибрлаш моделларини ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Худди PCR ҳоли каби, фойдали маълумотларни моделлаштирадиган омилларнинг оптимал сонини аниқлаш ва ҳаддан ташқари юкламаслик учун валидация пайтида қолдиқ оғишлардан фойдаланилади.



$X = n$  сатр ва  $m$  устунлардан иборат маълумотнинг бошланғич матрицаси

$Y = n$  сатрлар ва  $j$  устунлардан иборат хоссалар матрицаси

$\hat{T} = n$  сатрлар ва  $p$  устунлар билан матрица қиймати

$\hat{P}^T = p$  сатр ва  $m$  устунлардан иборат юкламалар матрицаси

$\hat{W}^T = p$  сатр ва  $m$  устунлардан иборат вазн юкламалар матричаси

$\hat{E}$  = қолдиқ матрица ( $X$ -матрица билан бир хил ўлчамда)

$\hat{Q}^T = Y$ - маълумотлар юкламалар матричаси

$\hat{U} = Y$ - маълумотларбаллар матричаси

$\hat{F}$  = қолдиқ матрица ( $Y$ - матрица билан бир хил ўлчамда)

$\hat{B}$  = регрессия коэффициентларининг матричаси

$m$  = маълумотлар нукталари (ўзгарувчилари) сони

$n$  = ўлчашлар (намуналар) сони

$j$  = ҳар бир намунадаги хосса қийматлари сони

$p$  = асосий компонентлар (омиллар) сони

$x_u$  = номаълум намуна маълумотлари

$\hat{F}_u$  = номаълум намунанинг прогноз қилинган хосса қийматлари

$\hat{E}_u$  = номаълум намуна учун қиймат баҳоси

5.21-9-расм. – PLS регрессияси учун маълумотлар матричасининг парчаланиши

### 2-8-3. Критик аспекти

PLS даги муҳим қадам бу бир қатор омилларни танлашдир. Жуда оз сонли омилларни танлаш ўрганилаётган маълумотлар тўпламининг ўзгарувчанлигига етарлича таъсир кўрсатмайди, шу билан бирга, омилларнинг жуда кўп бўлиши калибрлашда ортқча юклама ва беқарорликка олиб келади (5.21-10-расм). Калибрлашни тасдиқлаш пайтида омилларнинг оптимал сони баҳоланади. 5.21-10-расмда моделда қўлланиладиган бир қатор омилларга мувофиқ, моделнинг калибрлаш хатоси (A) ва хатоларни тахмин қилишнинг иккита ҳолати (B, C) кўрсатилади. Омиллар сони ортиб бориши билан калибрлаш хатоси узлуксиз равишда камайиб боради. B ҳолатида хатоларнинг прогноз қилиш шунинг кўрсатадики, минимумни сақлаб қолиш мумкин эмас; аммо, C ҳолатида минималлик кузатилади. Агар минимумга эришилмаса, хатонинг сезиларли камайишининг кузатилмайдиган компонентлар сонини танлаш мумкин.

PLS1 ёки PLS2 моделлари орасидаги қарорга келсак, у ҳолда агар битта  $Y$  -ўзгарувчи қизиқтирадиган бўлса, PLS1 модели танланади. Агар 1 дан ортқ  $Y$ -ўзгарувчилар қизиқтирадиган бўлса ёки битта PLS2 модели, ёки ҳар бир  $Y$ -ўзгарувчига алоҳида PLS1 моделларини ҳисоблаш мумкин. Умуман олганда, PLS2 модели ҳам скрининг экранлаштириш мақсадида, ҳам кучли корреляцияланган  $Y$  ўзгарувчилар учун афзал қўрилган ёндашувдир; акс ҳолда, турли хил  $Y$ -ўзгарувчилар учун алоҳида олинган PLS1 моделлари нисбатан қониқарли прогноз натижа-ларини беради.

### 2-8-4. Потенциал фойдаланиш

PLS модел, микдорий калибрлаш учун асосий таркибий қисм регрессиясига афзал муқобил сифатида пайдо бўлди, чунки у калибрлаш  $X$ -матричасини парчаланиши учун  $Y$ -маълумотлар структурасининг аралашини ўз ичига олади. Шунинг учун энг муҳим омиллар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб,  $X$ -маълумотларнинг максимал ўзгарувчанлиги тавсифланади, шунингдек,  $Y$ -маълумотлар билан иложи борица ўзаро боғлиқлик ўрнатилади. Умуман олганда, бу PCR га қараганда камроқ омилларга эга бўлган содда моделларни беради, шунингдек, калибрлаш ишини оптималлаштириш учун юқори даражадаги талқин қилиш ва визуал диагностика имкониятларини беради. Бунга қўшимча равишда, PLS  $X$  ва  $Y$ -маълумотларида шовқин мавжудлигини бошқариши мумкин.

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида қисман дискриминат таҳлил (PLS-DA) усули - бу PLS нинг хусусий ҳоли бўлиб, унда  $X$ -матрица ноллар ва бир-

лардан ташкил топган сунъий  $Y$  -матрицага регрессияланади. Бирлар ва ноллар танламалари тегишли ёки тегишли бўлмаган синфни кўрсатади. PLS-DA ярим микдорий усул сифатида қўлланилади, масалан, пиксел компонентларининг кимёвий визуализация баҳоланиши учун фойдаланилади.



5.21-10-расм. – Моделга омиллар қўйишининг таъсири; калибрлаш аниқроқ бўлади, яъни қолдиқ хато камайди, C прогноз қилишда эса моделнинг прогноз унумдорлиги ёмонлашиши мумкин. Омилларнинг оптимал сони муросани акс эттиради.

## 2-9. ТАЯНЧ ВЕКТОРЛАР УСУЛИ

### 2-9-1. Кириш

Таснифлашга эришиш учун кўп ўлчовли услублар маълумотлар тўпламининг ўлчами ва мураккаблигини камайтиради. Ядро усули маълумотларни кўп ўлчовли белгиларнинг ноаниқ фазосида проекциялайди.

### 2-9-2. Тамойил

Таянч векторлар усули (SVM) ўрганилаётган тўплам  $X$ -маълумотларини белгилар фазосига проекциялайди, одатда бу фазоси дастлабки маълумотлар фазосига нисбатан анча катта ўлчовга эга бўлади. Белгилар фазосида гипертекислик (қарор қабул қилиш текислиги деб ҳам аталади) ҳисобланади. Бу текислик маълум гуруҳ аъзолигининг алоҳида нукталарини ажратиб туради (5.21-11-расм). Энг яхши фарқларни ажратишга гуруҳлар орасидаги чегарани максимал даражада ошириш орқали эришилади. Чегара қарор қабул қилиш текислигидан бир хил масофада жойлашган иккита параллел

гипертекислик орқали аниқланади. Қарор қабул қилиш текислигининг оптимал жойлашуви максимал бўлиниш орқали олинади. Белгилар фазосининг майдонни аниқлайдиган нукталарига таянч векторлар дейилади.

Ҳар бир синов нуктаси учун қарор қабул қилиш текислигига масофа ҳисобланади. Масалан, иккита синфга бўлинган тақдирда, масофа белгиси гуруҳга аъзоликни беради, қиймат эса синфлашнинг аниқлигига мос келади. Моделлаштириш пайтида синов нукталари ва гипертекислик орасидаги масофа, ушбу нуктага тўғри келадиган вазнга ҳисса қўшади. Жуда узоқ нукталар камроқ вазнга эга бўлади ва ортиқча иш бўлмаслиги учун мурасага келиш параметридан қисқа масофалар инобатга олинмайди.

Объектларнинг ажралмас гуруҳлари учун маълум даражада бир-бирини қоплашга йўл қўйилади. Объектларга кучсиз деб аталадиган ўзгарувчилар қўшилади, тўғри синфлашда уларнинг қиймати 0, акс ҳолда эса мусбат қиймат бўлади. Оптимал гипертекислик чегараларни максимал даражада ошириш орқали аниқланади. Бу эса синов нукталарининг минимал сонининг нотўғри таснифланишига имкон беради (5.21-12-расм). Нотўғри таснифланган нукталарнинг улуши чегараларни максимал даражада оширишда назорат параметрига айланади.

Амалда, SVM ҳисоблаш жуда мураккаб бўлади ва оптималлаштириш вазифасини соддалаштирмасдан амалга ошириб бўлмайди. X-маълумотларни белгилар фазосига проекциялаш учун дастлабки маълумотлар асосий функциялари тўплами билан кенгайтирилади. Муайян асосий функцияларни танлаш бутун оптималлаштириш процедурасини қайта ўзгартиришга имкон беради. Фақат кенгайтирилган ўзгарувчиларнинг маҳсулотлари оптималлаштириш процедурасининг бир қисми


бўлиб қолади ва уларни қулай тарзда ядро функцияси билан алмаштириши мумкин бўлади.

### 2-9-3. Критик жиҳатлар


SVM ни ҳисоблаш учун турли хил натижаларга олиб келувчи қўлаб алгоритмлар ва турли хил дастурлардан фойдаланиш мумкин. Оптималлаштириш фойдаланилган алгоритмга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бошқариш мезонлари фарқ қилиши мумкин, бу эса ёки итерация пайтида тафовутларга ёки ортиқча ва ахборотсиз маълумотларга сезгир бўлган беқарор ҳисоб-китобларга олиб келади.

SVM ҳисоб-китоблари пайтида, ўз синфидан ташқарида бўлган синов нукталари қарор қабул қилиш текислигининг ҳолатига бироз таъсир қилади ёки умуман таъсир қилмайди. Охириги асосан аниқ ажратиб бўлмайдиган нарсаларга эмас, ажратиш қийин бўлган нарсаларга қаратилади. Шундай қилиб, SVM керагидан ортиқ қийматларга ва типик бўлмаган нукталарга, масалан, бегона қиймат нукталарига сезгирдир. Натижада, SVM ни бажаришдан олдин маълум ўзгарувчиларни танлаш ёки саралаш тавсия қилиниши мумкин. Чегараларни оптималлаштириш учун ёмон шароитларга олиб келадиган турли хил масштабдаги киришти маълумотлари мавжудлигининг олдини олиш учун маълумотлар меъёрлаштирилган ва стандартлаштирилган бўлиши керак.

Энг яхши хусусиятларга эга модел етарли даражада тасдиқланган бўлиши керак ва шу мақсадда итерациялаш вақтида тўлиқ ёритилмаган тадқиқот маълумотлари талаб қилинади. Ҳам содда, ҳам мураккаб намуналар ўқув ва валидацион тўплamlарида бир хил ифодаланиши учун ушбу маълумотлар яхши мувозанатлашган ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилиниши керак.



5.21-11-расм. – Иккала синфни ажратиш мумкин бўлмаган объектлар фазоси, ажратиш мумкин бўлган белгилар фазосида аксланади.



5.21-12-расм. – Белгилар фазосида, 1 ва 2 синфларнинг ажралишига баъзи нотўғри таснифланган танламаларни киритиш орқали эришилган.

#### 2-9-4. Потенциал фойдаланиш

SVM лар асосан иккилик назорат остида таснифлаш учун қўлланилади. Улар кўп синфли таснифлаш учун умумлаштирилиши ёки регрессия муаммоларига татбиқ этилиши мумкин, аммо бундай татбиқ қилиш ушбу бўлимда ёритилмайди. Аниқ фарқланадиган объектлар эмас, балки таснифлаш қийин бўлган объектлар SVM оптималлаштириш жараёнини бошқаради. SVM лар объектларни аниқлаш учун эмас, балки объектларни синфларга ажратиш учун қўлланилиши мумкин. SVMлар PCA ва шунга ўхшаш усуллар қўлланилмайдиган, масалан, NIR-спектроскопия, магнит-резонансли томография, кимёвий визуализация ёки маълумотларни қазиб олиш орқали олинган маълумотлар катта тўпламлари билан яхши ишлайди. Уларнинг кучи асосан юқори даражада корреляцияланган сигналларга, яъни полиморф ва қўшимча моддаларга эга намуналарни ажратишдан, сохталаштирилган моддаларни кузатишдан ва бошқалардан иборат.

#### 2-10. СУНЪИЙ НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ

##### 2-10-1. Кириш


Сунъий нейрон тармоқлари (ANN) бу умумий ҳисоблаш воситалари бўлиб, уларнинг дастлабки ривожланиши биологик нейрон тармоқларини янада чуқурроқ тушуниш зарурати туфайли келиб чиққан ва шу вақтдан бери компьютерлар ёки машиналардан фойдаланиб маълумотларни қайта ишлаш талаб қилинадиган турли соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда. ANN моделларини қуриш усуллари ва уларни кейинчалик қўлланилиши нейрон тармоқларининг архитектурасига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Хемометрия соҳасида ANN лар кўп даражали калибрлаш ва назорат қилинмайдиган таснифлашда қўлланилади, бундай таснифлашга мос ҳолда кўп қатламли нейронлар тўғридан-тўғри алоқа тармоқлари (MLFF) ёрдамида ёки ўз-ўзини хариталашлар (SOM) орқали эришилади. Кўп ўлчовли калибрлаш воситаси сифатида, ANN лар одатда чизикли бўлмаган муносабатларни хариталаш билан боғлиқ.

#### 2-10-2. Тамойил

##### 2-10-2-1. Умумий

Сунъий нейрон тармоқдаги маълумотларни қайта ишлашнинг асосий элементи бу – вектор оғирлиги ва силжишнинг йиғиндисини кириш маълумотлари сифатида қўлланиладиган математик функция сифатида тушуниш мумкин бўлган сунъий нейрондир. Вектор бу нейроннинг “кириши” бўлиб, у маълумотлар тўпламидаги намунадан тўғридан-тўғри олинади ёки олдинги нейронлардан ҳисоблаб чиқарилади. Фойдаланувчи функциянинг шаклини танлайди (узатиш функцияси деб аталади). Оғирлик ва силжишлар ANN моделининг коэффицентлари бўлиб, ўрганиш жараёнида маълум мисоллар ёрдамида аниқланади. ANN – кўпинча қатламларда жойлашган кўплаб нейронларни ўз ичига олади, уларда ҳар бир қатламларда нейронлар параллел жойлашган. Улар кириш маълумотларини оладиган олдинги даражадаги нейронларга, шунингдек, чиқиш маълумотлари юбориладиган кейинги даражадаги нейронларга уланган (5.21-13-расм) бўлади. Шунинг учун битта нейроннинг чиқиши кейинги қатламдаги нейронлар учун кириш сифатида фойдаланилади. Кириш қатлами бу маълумотларни фойдаланувчидан тўғридан-тўғри қабул қиладиган ва бу маълумотларни узатиш функциясини ишлатмасдан тўғридан-тўғри кейинги даражага юборадиган махсус қатламдир. Чиқиш қатлами ҳам худди шундай, унинг чиқиш маълумотлари ҳам ҳеч қандай қўшимча ишловларсиз тўғридан-тўғри модел чиқиши сифатида қўлланилади. Турли хил сонларни ва нейронлар қатламларини улашда чексиз имкониятлар кўпинча ANN архитектураси деб аталади ва ANNга маълумотларни моделлаштиришнинг ҳар қандай мураккаб талабларини қондириш учун имконият яратади.





5.21-13-расм. – Нейрон қатламларининг типик жойлашуви ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

#### 2-10-2-2. Кўп қатламли тўғридан-тўғри сунъий нейрон тармоғи

Кўп қатламли тўғридан-тўғри тармоғи (MLFF ANN) кириш қатлами, чиқиш қатлами ва бир ёки бир нечта нейрон қатламларини ўз ичига олади, улар яширин қатламлар деб аталади. Яширин қатламлар сониди чеклов мавжуд эмаслигига қарамай, битта яширин қатламли MLFF ANN хеометрияда кўп ўлчовли калибрлаш ишларини бажариш учун етарлича кодир ҳисобланади. MLFF ANN да ҳар бир нейрон қўшни қатламлардаги барча нейронлар билан тўлиқ боғланган. Сигмоидал гиперболик тангенсининг узатиш функцияси, одатда, MLFF ANN да фойдаланилади, аммо бошқа узатиш функциялари, шу жумладан, чизикли функциялардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бошланғич вазн ва силжишлар катта бўлмаган тасодифий сонлар сифатида келтирилиши мумкин, аммо бошқа алгоритмлардан фойдаланиб тузилиши ҳам мумкин. Якуний оғирлик ва силжишларини аниқлаш учун энг кўп тарқалган ўрганиш алгоритми бу – орқага суриш (BP) ёки унинг тегишли вариантларидир. BP алгоритмида, ANN чиқиши ва ҳақиқий қиймат ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган прогноз хатоси, прогноз хатосини минималлаштириш учун вазн ва силжишларни мослаштириш учун зарур бўлган ўзгаришларни ҳисоблаш учун алгоритм тескарисига қўлланилади.

Мақбул унумдорликка эришиш учун MLFF ANN оптималлаштирилган бўлиши керак. Бу кўпинча бир қатор мулоҳазаларни ўз ичига олади, шу жумладан, қатламлар сони, ҳар бир қатламдаги нейронлар сони, ҳар бир қатлам ёки нейрон учун узатиш функциялари, оғирликнинг бошланғич даражаси, ўрганиш даражаси ва бошқалар.

#### 2-10-2-3. Ўз-ўзини яратувчи хариталаш

Ўз-ўзини яратувчи хариталаш (SOM) нинг мақсади харитани яратишдир. Унда бир-бирига яқин бўлган кузатув маълумотлари узокроқ кузатув маълумотларига қараганда ўхшаш хусусиятларга эга бўлади. Чиқиш қатламидаги нейронлар, одатда, икки ўлчовли харитада жойлашган бўлиб, унда ҳар бир нейрон квадрат ёки олти

бурчак шаклида ифодаланиши мумкин. SOMлар юқорида тавсифланган BP усулидан фарқли бўлган рақобатдош таълим асосида ўқитилади. Якуний ўқитилган SOM хусусиятларнинг икки ўлчовли харитаси сифатида тақдим этилади.

#### 2-10-3. Критик жиҳатлар

ANN дан фойдаланишда иккита энг кенг тарқалган чалкаш ҳисоблашлар бу қайта ўргатиш ва охиригача ўргатмасликдир. Қайта ўргатиш, ANN модел ўргатишлар мажмуасини жуда яхши прогноз қилиши мумкинлигини, аммо охирида яхши прогноз бермаслигини англатади. Охиригача ўргатмаслик, ANN ўргатишлари жуда эрта тугаганлигини ва шунинг учун ҳосил қилинган ANN модели прогноз қилишда натижалар бермаслигини англатади. Калибрлаш учун ANN қўлланилганда бу иккала ҳатоликларнинг олдини олиниши керак. Яхши ANN моделини ўргатиш учун тегишли ҳажмли репрезентатив маълумотлар тўплами, яъни ўзгарувчига қараганда кўпроқ кузатувлар ёки намуналар талаб қилинади. Одатда, моделлар чизикли бўлмаганлиги сабабли, чизикли моделлаштиришга олиб келинадиган таққосланадиган маълумотлар тўпламига қараганда кўпроқ кузатувлар талаб қилинади. Бошқа кўп ўлчовли калибрлаш усуллари учун ўзгарувчиларнинг нисбий таъсирини мувозанатлаштириш учун кириш маълумотлари дастлабки қайта ишлашни талаб қилиши мумкин. Дастлабки ишлов беришнинг афзалликларидан бири бу ANNга кириш эркинлиги даражалари сонини, масалан, PCA ёрдамида баҳолашларгача  $X$ -маълумотларни сиқиш ва кириш маълумотлари сифатида кузатиш учун олинган маълумотларнинг кейинги фойдаланиш орқали қисқартирилишидир.

#### 2-10-4. Потенциал фойдаланиш

MLFF ANNнинг кўп ўлчовли калибрлашда устунлиги унинг чизикли бўлмаган муносабатларни моделлаштириш олиш қобилиятидир. Нейронлар тўлиқ боғланганлиги сабабли, ўзгарувчилар орасидаги барча ўзаро таъсирлар автоматик тарзда кўриб чиқилади. Етарли миқдордаги яширин нейронларга эга MLFF ANNлар кириш ва чиқиш ўртасидаги ҳар қандай мураккаб муносабатни намойиш қилиши мумкинлиги исботланган.

SOMлар дастлабки маълумотларда топологияни сақлаган ҳолда кўп ўлчовли маълумотларни визуализация қилиш учун қўлланилиши мумкин. Улар назорат қилинмайдиган ўргатишга асосланади ва асосан шаблонлар ҳамда намуналарнинг ўзаро боғлиқлиги бўлмаган маълумотлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларга эга бўлмаган маълумотлар тўпламидаги хусусиятларни ўрганиш воситаси сифатида анча фойдалидир.

ANN ларда кўпинча жуда кўп коэффицентлар (оғирликлар ва узилишлар) мавжуд бўлиб, бу коэффицентлар ANNларга маълумотлар тўпламидаги ҳар қандай мураккаб муносабатларни моделлаштиришга имкон беради, аммо натижада коэффицентларни шарҳлаш қийинлашади. Бироқ, чизикли моделлаштириш усуллари керакли прогноз қилиш ёки таснифлашнинг аниқлигини таъминлаш учун етарлича қулай бўлмаганда, ANN яхши муқобил бўлиши мумкин.



## **5.22. ХИТОЙ АНЪАНАВИЙ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИНИНГ НОМЛАРИ**

5.22. Хитой анъанавий табобатида қўлланиладиган доривор ўсимлик хом ашёларининг номлари..1825





03/2021:52200

## 5.22. ХИТОЙ АНЪАНАВИЙ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИНИНГ НОМЛАРИ

Ушбу умумий бўлим маълумот учун келтирилмоқда

Ушбу бўлимда шаффофликни таъминлаш мақсадида, Давлат Фармакопеясида хусусий мақолалари чоп этилган, хитой анъанавий табобатида қўлланиладиган доривор ўсимлик хом ашёларининг хитой тилидаги пиньинь номланишида (хитой иероглифлари шархи) ва иероглифларда ўзаро боғлиқ ҳаволалар билан келтирилади.

Қатор ҳудудий ва миллий фармакопеяларда доривор ўсимликларни номлари лотин ва инглиз тилида келтирилганлигини инобатга олиб, матнларда доривор ўсимликларни номлари ўзбек, лотин ва инглиз тилларида келтирилади. Турли давлатларнинг миллий фармакопеяларида маҳаллий шароитларда ўсмайдиган ўсимликларни лотин тилидаги тур ва туркум номларини шаклини ўзгартиришсиз қолдириб, ўсимлик қисмлари ва сифатловчи белгилар маҳаллий тилга таржима қилинади. Доривор ўсимликларни ўзбек тилида номлашда тур-туркум-ўсимлик қисмлари-дори шакллари кетма-кетлигида номлашга қарор қилинди. Хитой анъанавий табобатида қўлланиладиган доривор ўсимликлар хом ашёси номлари лотин, инглиз ва хитой тилларида келтирилган бўлиб, уларни ўзбек ва рус тилларидаги номлари аниқланиб, уларни фармакопеяга киритиш орқали уйғунлаштирилди.

Мақола рақами	Ўзбек тилидаги номланиши	Лотин тилидаги номланиши	Инглиз тилидаги номланиши	Рус тилидаги номланиши	Pinyin	Иероглиф
2432	Аконтопанакс пўстлоғи	<i>Acanthopanax gracilistylis</i> cortex	<i>Acanthopanax bark</i>	Аконтопанакса кора	<i>wujiapi</i>	五加皮
2999	Иккитишли ахирантус илдизлари	<i>Achyranthis bidentatae</i> radix	<i>Achyranthes bidentata</i> root	Соломоцвета двузубого корни	<i>niuxi</i>	牛膝
2472	Акебия новдалари	<i>Akebiae</i> caulis	<i>Akebia</i> stem	Акебии стебли	<i>mutong</i>	木通
2554	Амома мевалари	<i>Amomi</i> fructus	<i>Amomum</i> fruit	Амомы плоды	<i>sharen</i>	砂仁
2555	Юмалок амома мевалари	<i>Amomi</i> fructus rotundus	Round amomum fruit	Амомы круглой плоды	<i>doukou</i>	豆蔻
2712	Андрографис (ўти) ер устки қисми	<i>Andrographidis</i> herba	<i>Andrographis</i> herb	Андрографиса трава	<i>chuanxinlian</i>	穿心莲
2661	Асфоделсимон анемаррена илдизпоялари	<i>Anemarrhenae asphodeloides</i> rhizoma	<i>Anemarrhena asphodeloides</i> rhizome	Анемаррены асфodelовидной корневища	<i>zhimu</i>	知母
2556	Даурия ангеликаси илдизлари	<i>Angelicae dahuricae</i> radix	<i>Angelica dahurica</i> root	Дудника даурской корни	<i>baizhi</i>	白芷
2557	Тукли ангелика илдизлари	<i>Angelicae pubescentis</i> radix	<i>Angelica pubescens</i> root	Дудника опушенного корни	<i>duhuo</i>	独活
2558	Хитой ангеликаси илдизлари	<i>Angelicae sinensis</i> radix	<i>Angelica sinensis</i> root	Дудника китайской корни	<i>danggui</i>	当归
2435	Монгол астрагали илдизлари	<i>Astragali mongholic</i> radix	<i>Astragalus mongholicus</i> root	Астрагала монгольской корни	<i>huangqi</i>	黄芪
2559	Наштарсимон атрактилодис илдизпоялари	<i>Atractylodis lanceae</i> rhizoma	<i>Atractylodes lancea</i> rhizome	Атрактилодиса ланцетного корневища	<i>cangzhu</i>	苍术
2560	Йирикбошли атрактилодис илдизпоялари	<i>Atractylodis macrocephalae</i> rhizoma	<i>Atractylodes</i> rhizome, largehead	Атрактилодиса крупноголовой корневища	<i>baizhu</i>	白术
1797	Окленд илдизлари	<i>Aucklandiae</i> radix	<i>Aucklandia</i> root	Оклендский корень	<i>muxiang</i>	木香
2561	Хитой беламкандаси илдизпоялари	<i>Belamcandae chinensis</i> rhizoma	<i>Belamcanda chinensis</i> rhizome	Беламканды китайской корневища	<i>shegan</i>	射干
2384	Илонсимон тарон илдизпоялари	<i>Bistortae</i> rhizoma	<i>Bistort</i> rhizome	Змеевика корневище	<i>quanshen</i>	拳参
2562	Буплеурум илдизлари	<i>Bupleuri</i> radix	<i>Bupleurum</i> root	Волoduшки корни	<i>chaihu</i>	柴胡
2386	Масхар гуллари	<i>Carthami</i> flos	<i>Safflower</i> flower	Сафлора цветки	<i>honghua</i>	红花

Мақола рақами	Ўзбек тилидаги номланиши	Латин тилидаги номланиши	Инглиз тилидаги номланиши	Рус тилидаги номланиши	Pinyin	Иероглиф
2430	Мандарин (норжон) меваси пўстлоғи ва эти	Citri reticulatae epicarpium et mesocarpium	Mandarin epicarp and mesocarp	Мандарина плодовых кора и мякоть	chenpi	陈皮
2463	Арманда клематиси поялари	Clematidis armandii caulis	Clematis armandii stem	Ломоноса Арманда стволы	chuanmutong	川木通
2714	Дугбўй илдизлари	Codonopsis radix	Codonopsis root	Коднопсиса корни	dangshen	党参
2454	Оддий коикс уруғлари	Coicis semen	Coix seed	Бусенника обыкновенного семена	yiwiren	薏苡仁
2715	Хитой коптиси илдизпоялари	Coptidis rhizoma	Chinese goldthread rhizome	Коптиса китайского корневища	huang lian	黄连
2976	Коридалис илдизпоялари	Corydalis rhizoma	Corydalis rhizome	Хохлатки корневища	yan husuo	延胡索
2890	Ниппон ямс илдизпоялари	Dioscoreae nipponicae rhizoma	Dioscorea nipponica rhizome	Диоскореи ниппонской корневища	chuanshanlong	穿山龙
2473	Қарама-қарши баргли ямс илдизпоялари	Dioscoreae oppositifoliae rhizoma	Dioscorea oppositifolia rhizome	Диоскореи супротивной корневища	shanyao	山药
2563	Дринария илдизпоялари	Drynariae rhizoma	Drynaria rhizome	Дринарии корневища	gusuibu	骨碎补
2564	Эвкалипт ўти (новдалари)	Ecliptae herba	Eclipta herb	Эклипта трава	mohanlian	墨旱莲
2451	Эфедра (зағоза, қизилча) ўти	Ephedrae herba	Ephedra herb	Эфедры трава	mahuang	麻黄
2412	Эвкоммия пўстлоғи	Eucommiae cortex	Eucommia bark	Эвкоммии кора	duzhong	杜仲
2718	Эводия мевалари	Evodiae fructus	Evodia fruit	Эводии плоды	wuzhuyu	吴茱萸
2452	Бурунбаргли шумтол пўстлоғи	Fraxini rhynchophyllae cortex	Fraxinus rhynchophylla bark	Ясени носолистной кора	qinpi	秦皮
2565	Гардения мевалари	Gardeniae fructus	Cape jasmine fruit	Плоды гардении	zhizi	栀子
2721	Гастродия илдизпоялари	Gastrodiae rhizoma	Gastrodia rhizome	Гастродии корневища	tianma	天麻
2722	Хауттуйния ўти (ер устки қисми)	Houttuyniae herba	Houttuynia herb	Хауттуйнии трава	yuxingcao	鱼腥草
2566	Бўёқдор ўсма илдизлари	Isatidis radix	Isatis root	Вайды красильной корни	banlangen	板蓝根
2634	Сичуан лигустикуми илдизпоялари	Ligustici chuanxiong rhizoma	Szechwan lovage rhizome	Сычуаньского любистока корневища	chuanxiong	川芎
2431	Лигустикум илдизпоялари ва илдизлари	Ligustici radix et rhizoma	Ligusticum root and rhizome	Лигустикума корни и корневища	gaoben	藁本
2612	Оддий жингил резавор мевалари	Lycii fructus	Barbary wolfberry fruit	Ягоды дерезы обыкновенной	gouqizi	枸杞子
2723	Ёрқин ликопус ўти (ер устки қисми)	Lycopi herba	Lycopus lucidus herb	Зюзника блестящего трава	zelan	泽兰
2742	Бионди магнолиясини гунчалари	Magnoliae biondii flos immaturus	Magnolia biondii flower bud	Магнолии Бионди бутоны	xinyi	辛夷
2567	Доривор магнолия пўстлоғи	Magnoliae officinalis cortex	Magnolia officinalis bark	Магнолии лекарственной кора	houpo	厚朴
2568	Доривор магнолия гуллари	Magnoliae officinalis flos	Magnolia officinalis flower	Магнолии лекарственной цветки	houpohua	厚朴花
2474	Мўтан пўстлоғи*	Moutan cortex	Moutan bark	Моутанская кора	mudanpi	牡丹皮
2383	Сохта женьшень илдизлари	Notoginseng radix	Notoginseng root	Женьшеня ложного корни	sanqi	三七
3000	Офиопогон илдизлари	Ophiopogonis radix	Dwarf lilyturf tuber	Офиопогона корни	maidong	麦冬
2424	Оқ саллагул илдизлари	Paeoniae radix alba	Peony root, white	Пиона корни, белые	baishao	白芍
2425	Қизил саллагул илдизлари	Paeoniae radix rubra	Peony root, red	Пиона корни, красные	chishao	赤芍
2727	Индиго барглари	Persicariae tinctoriae folium	Indigo plant leaf	Индиго листья	liaodaqingye	蓼大青叶

Мақола рақами	Ўзбек тилидаги номланиши	Лотин тилидаги номланиши	Инглиз тилидаги номланиши	Рус тилидаги номланиши	Pinyin	Иероглиф
2477	Қора мурч мевалари	Piperis fructus	Pepper	Перца черного плоды	hujiao	胡椒
2453	Чўзинчок мурч мевалари	Piperis longi fructus	Long pepper	Переца длинного плоды	bibo	荜茇
2660	Платикодон илдизлари	Platycodonis radix	Platycodon root	Ширококоло-кольчика корни	jiegeng	桔梗
2724	Япон тарони илдизпоялари ва илдизлари	Polygoni cuspidati rhizoma et radix	Polygonum cuspidatum rhizome and root	Горца японского корневища и корни	huzhang	虎杖
2433	Сергулли тарон илдизлари	Polygoni multiflori radix	Fleeceflower root	Горца многоцветкового корень	heshouwu	何首乌
2726	Шарк тарони мевалари	Polygoni orientalis fructus	Polygonum orientale fruit	Горца восточного плоды	shuihonghuazhi	水红花儿子
2475	Пория (замбуруғи)	Poria	Poria	Пория (гриб)	fuling	茯苓
2439	Оддий прунелла гулгўплами (бошоғи)	Prunellae spica	Common selfheal fruit-spike	Прунеллы обыкновенной соцветия (колосья)	xiakucao	夏枯草
2434	Бўлакки пуэрария илдизлари	Puerariae lobatae radix	Kudzu vine root	Пуэрарии дольчатой корни	gegen (yege)	葛根 (野葛)
2483	Томсон пуэрарияси илдизлари	Puerariae thomsonii radix	Thomson kudzu vine root	Пуэрарии Томсона корни	fenge	粉葛
2663	Кизил илдизпояли маврак илдизлари ва илдизпоялари	Salviae miltiorrhizae radix et rhizoma	Salvia miltiorrhiza root and rhizome	Шалфея краснокорневиш-ного корни и корневища	danshen	丹参
2385	Доривор кўкат (зангвизорба) илдизлари	Sanguisorbae radix	Sanguisorba root	Кровохлебки корни	diyu	地榆
2428	Хитой схизандраси (лимонниги) мевалари	Schisandrae chinensis fructus	Schisandra fruit	Лимонника китайского плоды	wuweizi (bei wuweizi)	五味子 (北五味子)
2438	Байкал кўкамарони илдизлари	Scutellariae baicalensis radix	Baical skullcap root	Шлемника байкальского корни	huangqin	黄芩
2450	Синомения пояси	Sinomenii caulis	Orienvine stem	Восточной лозы стебли	qingfengteng	青风藤
2440	Сарғиш софора илдизлари	Sophorae flavescens radix	Lightyellow sophora root	Софоры желтоватой корни	kushen	苦参
2639	Япон сафораси гуллари	Sophorae japonicae flos	Sophora flower	Софоры японской цветки	huaihua	槐花
2427	Япон сафораси гунчалари	Sophorae japonicae flos immaturus	Sophora flower-bud	Софоры японской бутоны	huaimi	槐米
2478	Стефания илдизлари	Stephaniae tetrandrae radix	Fourstamen stephania root	Стефании четырёхтычинковой корни	fenfangji (hanfangji)	粉防己 (汉防己)
2937	Тифа гулчанглари	Typhae pollis	Typhae pollen	Рогоза пыльца	puhuang	蒲黄
2729	Ункария поялари илмоқ (тикан) лари билан	Uncariae rhynchophyllae ramulus cum uncis	Uncaria stem with hooks	Ункарии стебли с (щип) крючками (кошачий коготь)	gou teng	钩藤
2656	Бунге мурчи перикарпи	Zanthoxyli bungeani pericarpium	Zanthoxylum bungeanum pericarp	Перца Бунге околоплодник	huajiao	花椒



## **5.23. ДОРИВОР ЎСИМЛИК ЭКСТРАКТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ФАРМАКОПЕЯ МАҚОЛАЛАРИ (МАЪЛУМОТ БЎЛИМИ)**

5.23. Доривор ўсимлик экстрактларига тегишли фармакопея мақолалари (маълумот бўлими) .....1831



## 5.23. ДОРИВОР ЎСИМЛИК ЭКСТРАКТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ФАРМАКОПЕЯ МАҚОЛАЛАРИ (МАЪЛУМОТ БЎЛИМИ)

**Доривор ўсимлик экстрактларига тегишли фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш асослари.**

Доривор ўсимликлар экстрактларига тегишли фармакопея мақолалари, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва/ёки рўйхатга олинган дори воситаларида қўлланилган экстрактлар асосида ишлаб чиқилган. Аммо, ушбу мақолалар савдода мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча экстрактларни қамраб олмайди.

Доривор ўсимликлар экстрактларига тегишли фармакопея мақолалари эксперт гуруҳлари ва ишчи гуруҳлар томонидан миллий фармакопея органлари, савдога рухсат берувчи ваколатли ташкилотлар, дори воситаларини назорат қилувчи расмий лабораториялар ҳамда дори воситаларининг сифат назорати бўйича фаолият олиб боровчи лабораториялар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Шунингдек уларга, доривор ўсимлик экстрактларини ишлаб чиқарувчилар ва/ёки ушбу экстрактлардан фойдаланиб, фармацевтик препаратлар ишлаб чиқарувчилари кўмаклашадилар.

Экстрактларга тегишли мақолаларни ишлаб чиқиш жараёнида экспертлар гуруҳи томонидан келиб чиқиши турлича бўлган, рухсат этилган ва/ёки рўйхатга олинган бир қанча дори воситаларида қўлланилган экстрактлар асос қилиб олинади. Ушбу экстрактлар турлича экстрагентлар ва/ёки турлича экстракция усулларида фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши ҳамда табиати ва таркибига кўра турлича бўлган (экстрактларни ишлаб чиқариш жараёнида технологик мақсадларда қўшиладиган) тўлдирувчи моддаларни таркибда сақлаши мумкин.

Экстрактларнинг таҳлил натижалари барча экстрактлар сифат кўрсаткичларининг ҳамма талабларга мос келишини кўрсатганда, мақола маълум ўсимлик экстрактини барча ишлаб чиқариш турларига қўлланилиши мумкин бўлади (масалан, *Harpagophytum procumbens* қуруқ экстракти (1871) мақоланинг “Ишлаб чиқариш” бўлимида келтирилган экстракция учун қўлланиладиган эритувчидаги фарқлар, ишлаб чиқариш жараёни нуктаи назаридан экстрактларнинг сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмайди).

Ишлаб чиқариш жараёнининг бир ёки бир неча жихатлари туфайли экстрактлар сифат кўрсаткичларида аниқ фарқ мавжуд бўлган ҳолларда, мақола бир ёки бир неча таҳлилий параметрларга нисбатан қўлланиладиган сифат ёки миқдорий жихатдан фаркланувчи туркуми мақола ҳолида тақдим этилади (масалан, *Болдо барглари экстракти* (1816) мақоласининг “Ишлаб чиқариш” бўлимида келтирилганидек, экстрагентлардаги фарқ туфайли, сувли экстрактда аникланадиган моддаларнинг энг кам миқдори, сув-спиртли экстрактда аникланадиган моддаларнинг энг кам миқдоридан кўра камроқ миқдорини

аниқлашни талаб этади; бошқа барча сифат кўрсаткичлари бир хил).

Ишлаб чиқариш жараёнининг бир ёки бир неча жихатлари туфайли, экстрактлар орасида сифат кўрсаткичлари бўйича жиддий фарқлар мавжуд бўлган ҳолларда, экстрактнинг учун биттадан ортиқ мақола ишлаб чиқилади (масалан, *Валериананинг сувли қуруқ экстракти* (2400) ва *Валериананинг сув-спиртли қуруқ экстракти* (1898), бу ерда мақоланинг “Ишлаб чиқариш” бўлимида келтирилганидек, экстракция учун қўлланилган эритувчи ва ишлов бериш усулидаги фарқлар сувли ва сув-спиртли экстрактлар учун таҳлил қилинадиган моддаларнинг турлича бўлган энг кам қийматини аниқлашни ҳамда хроматографиялашнинг турлича шароитларини талаб қилади.

### Экстракт турлари

*Доривор ўсимликлар экстрактлари* (0765) умумий мақоласида экстрактларнинг бир неча тури фарқланади. Ушбу тасниф дори воситаларининг савдоси учун рухсат бериш/рўйхатга олиш учун аризалардаги экстрактларни баҳолашда ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган тамойилларга асосланади. Ушбу тамойиллар 5.23.-1-жадвалда келтирилган.

Экстрактларнинг бундай таснифланиши *Доривор ўсимликлар экстрактлари* (0765) умумий мақоласида ушбу ўсимлик экстрактларининг ҳар бири учун ишлаб чиқаришнинг аниқ тамойиллари ва таркибий қисмларини аниқланиши ёки мослаштирилиши талаб қилинади.

*Хақиқий (маҳаллий) экстракт.* Хақиқий (маҳаллий) доривор экстракт нисбати тушунчаси (*DER<sub>ҳақиқий</sub>*) дастлаб қуруқ экстрактларга қўллаш учун ишлаб чиқилган эди (“*Доривор ўсимликлар экстрактлари*” (0765) умумий мақоласининг атамалар ва таърифлар бўлимига қаралсин). Бунда, доривор ўсимликни экстракциясидан сўнг, барча эритувчи тўлиқ олиб ташланади ва доривор ўсимлик хом ашёсидан ажралган фақат қуруқ ўсимлик моддаси қолади, яъни хақиқий (маҳаллий) экстракт. Аммо, бу ажратиб олинган қуруқ модда кўпинча технологик жихатдан мос экстракт бўлиши учун айрим ҳолларда қўшимчаларни талаб этади (ишлов бериш воситаси сифатида инерт қўшимчалар). Маълум доривор ўсимлик хом ашёсидан турли ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган бундай экстрактлар турли хил эритувчилар ва ишлов бериш усуллари ёрдамида ишлаб чиқарилган бўлиши ва экстракция қилиб олинган қуруқ модда миқдорида нисбатан турлича миқдорда тўлдирувчи моддалар сақлаши мумкин. Бундай экстрактларни таққослаш имконини яратиш учун хақиқий (маҳаллий) экстракт асосида доривор экстракт нисбати (*DER*) декларацияси киритилган. Шундай қилиб, тўлдирувчиларсиз олиниши мумкин бўлган экстрактлар учун *DER* ва *DER<sub>ҳақиқий</sub>* бир хил, лекин тўлдирувчилар керак бўлган экстрактлар учун *DER* ва *DER<sub>ҳақиқий</sub>* турлича қийматга эга бўлади. Кейинчалик, ушбу концепцияни, экстрактларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида мавжуд бўлган эритувчилар, баъзи ҳолларда бошқа моддалар сақловчи юмшоқ экстрактлар ва суюқ экстрактлар препаратларига қўллаш зарур деб топилади. Бундай экстрактлар учун ажратиб олинган қуруқ модданинг *DER<sub>ҳақиқий</sub>* га асосланган концепцияси бекор қилинади ва экстракт бутунлай (эритувчилар, технологик қўшимчалар ва бошқалар билан бирга) хақиқий (маҳаллий) экстракт ҳисобланади. Мос равишда, ушбу экстрактлар учун *DER* ва *DER<sub>ҳақиқий</sub>* бир хил кўрсаткичга эга.

## Экстрактлар таснифи ва ишлаб чиқариш

Таркибий қисмларнинг фармакологик/терапевтик аҳамиятини баҳолаш вақтидаги мавжуд бўлган маълумотлар	Экстракт тури	Экстракт концепцияси		Экстрактни мувофиқлаштириш
		Микдорий параметрлари		
		Таҳлил қилинадиган таркибий қисмлар	Тайёр махсулот таркибига қўшилган ҳақиқий (махаллий) экстракт микдори	
Маълум терапевтик фаолликка эга бўлган таркибий қисмлар	Стандартлаштирилган	Маълум терапевтик фаолликка эга бўлган таркибий қисмлар <i>Доимий</i>	<i>Ўзгарувчан</i>	1) Инерт қўшимчалар (куруқ экстрактлар) ёки эритувчилар (суюқ экстракт препаратлари ёки юмшоқ экстрактлар) қўшимчалар билан 2) Партияларни аралаштириш оркали
Терапевтик фаолликни таъминловчи умумқабул қилинган таркибий қисмлар	Микдорий	Фаол маркерлар <i>Оралиқ</i>	<i>Доимий</i>	Партияларни аралаштириш оркали
Фармакологик ёки терапевтик фаолликка эга бўлишдан қатъий назар, фақат аналитик мақсадлар учун қўлланиладиган таркибий қисмлар	Бошқалар	Аналитик маркер <i>Ўзгарувчан</i>	<i>Доимий</i>	Йўқ

**Микдорий аниқлаш учун таркибий қисмлар.**

Давлат фармакопеяси мақолалари одатда, сифатни назорат қилиш мақсадида микдорий аниқлашни ўз ичига олади. Микдорий аниқланадиган таркибий қисмларни танлаш, қўллаш мумкин бўлган ҳолларда, тартибга солиш жараёни билан боғлиқ ва қуйидаги мезонларга асосланади:

- агар маълум терапевтик фаолликка эга бўлган таркибий қисмлар мавжуд бўлса, уларни микдорий аниқлаш учун танланади.

*Маълум терапевтик фаолликка эга бўлган таркибий қисмлар* доривор ўсимлик хом ашёси, ўсимлик дори воситаси ёки доривор ўсимлик препаратининг терапевтик фаоллигига муҳим ҳисса қўшадиган, кимёвий табиати аниқ бўлган модда ёки моддалар йиғиндисидан иборатдир.

- Маълум терапевтик фаолликка эга бўлган таркибий қисмлар бўлмаганда, микдорий аниқлаш учун маркер моддалар танлаб олинади.

*Фаол маркерлар* – экстрактнинг терапевтик фаоллигида иштирок этувчи таркибий қисмлар ёки таркибий қисмлар гуруҳидир.

*Аналитик маркерлар* – ҳар қандай фармакологик ёки терапевтик фаолликка эга бўлиши мумкинлигидан қатъий назар, фақат микдорий аниқлаш мақсадлари учун қўлланиладиган таркибий қисмлар ёки таркибий қисмлар гуруҳидир.

**“Бошқа” экстрактларда аналитик маркерларнинг ишлатилиши.**

Микдорий аниқлаш усули алоҳида мақолада тасвирланади:

- одатда доривор ўсимлик хом ашёсини микдорий аниқлашда қўлланиладиган усулга мослаштирган ҳолда олинади;
- танланган аналитик маркер таркибини аниқлаш учун мос ҳисобланади;
- сифатни назорати қилиш мақсадида, мақолаларда келтирилган алоҳида экстрактларда маркер таркибини аниқлаш учун умумий таҳлилий платформа бўлиб хизмат қилади;
- усул экстракт турғунлигини аниқлашда ҳам яроқли бўлиши мумкин;

- тайёр дори воситаси таркибидаги экстракт микдорни аниқлаш учун таҳлил усулларини танлашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Микдорий аниқлаш усулидан фойдаланишда аналитик маркернинг минимал микдори:

- рухсат этилган ва рўйхатдан ўтган дори воситаларида қўлланилган экстрактларни микдорий аниқлаш усулларини қўллаб белгиланади;
- якуний экстракт асосида берилади (агар мавжуд бўлса, хақиқий (махаллий) экстракт тўлдирувчи моддалари билан);
- ва шунинг учун:

- тасдиқланганидан кейин, мақолаларни тузишда ажратмаларда аниқланган минимал қийматини ёки фойдаланувчилар, ишлаб чиқарувчилар ёки миллий ҳокимият органларининг оммавий сўров натижалари изоҳларидан сўнг ўзгартирилган қийматни ифодалайди;
- тегишли доривор ўсимлик хом ашёси мақоласида келтирилган минимал қиймати билан боғлиқ;
- экстракция жараёнида ушбу маълум бир маркернинг ажралиб чиқиш оралигини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида бу маркернинг турғунлигини акс эттиради;
- технологик заруратга кўра қўшилган ёрдамчи моддаларнинг микдорида боғлиқ.

Мақола кенг доирадаги экстрактларни қамраб олиши мумкинлиги сабабли, аналитик маркер учун белгиланган (Фармакопеяда берилган бошқа минимал кўрсаткичларга нисбатан) минимал қиймат алоҳида сифат мезони сифатида қабул қилинмайди. Шу билан бирга, у доривор ўсимлик мақоласига мутаносиб равишда унинг хом ашёсидан экстракт ишлаб чиқаришда қўйилиши мумкин бўлган минимал қийматлари ҳақида тасаввур беради.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, ваколатли органлар ишлаб чиқарувчилардан уларнинг экстрактлари учун алоҳида ишлаб чиқариш жараёни ва қўшилган ёрдамчи моддаларга қараб, минимал қиймат тўғрисидаги маълумотлар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.



## 5.24. КИМЁВИЙ ВИЗУАЛЛАШТИРИШ

5.24. Кимёвий визуаллаштириш.....	1835	3. Кимёвий визуаллаштириш жараёни	
1. Қўллаш доираси.....	1835	элементлари.....	1839
2. Кимёвий визуаллаштиришнинг аспекти			
.....	1835		



## 5.24. КИМЁВИЙ ВИЗУАЛЛАШТИРИШ

Ушбу бўлимда келтирилган қўйидаги атама(лар) изоҳда келтирилган таъриф бўйича талқин этилиши лозим.

**Вейвлет-филтрация** – “вейвлет” атамаси (wavelet) инглиз тилидан таржимаси “кичик (қисқа) тўлқин” деган маънони англатади. Вейвлетлар – бу маълум вақт ва частотада маҳаллий бўлган шакллар ва унда барча функциялар битта асосий (ҳосил чиқарувчи)дан унинг силжиши ва вақт ўқи бўйлаб чўзилиши орқали олинган математик функциялар оилаларининг умумий номи.

### ҚИСҚАРТМАЛАР

CIS	–	Кимёвий визуализация тизими.
RGB	–	Кизил, яшил ва кўк ранг.
HS	–	Гиперспектрал.
HSI	–	Гиперспектрал визуализация.
2D	–	Икки ўлчамли.
OCT	–	Оптик когерент томография.
MRI	–	Магнит резонанси.
SNV	–	Стандарт нормал таксимот.
MSC	–	Нур тарқалишини мультипликатив коррекцияси.

### 1. ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИ

Кимёвий визуаллаштириш (CI) биринчи навбатда унинг юзасидан олинган маълумотлардан фойдаланиб, намунани кимёвий ва физик жиҳатларини тавсифловчи маълумотлар таҳлил усули ва фазовий-руҳсат этилган детекторлашни ўзида мужассамлаштирувчи технологияни ўзида сақлайди. Кимёвий визуаллаштириш, айниқса, қаттиқ, ярим қаттиқ ва суюқ намуналарнинг хусусиятларини ва таркибий қисмларини (фаол фармацевтик ингредиент ва ёрдамчи моддалар) идентификация қилишни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўлчамлари ва доменларининг тарқалиши, полиморфизми ҳамда заррачаларнинг морфологиясини таҳлил қилиш учун мос келади. Шундай қилиб, визуализация фаол фармацевтик ингредиентлар, оралик маҳсулотлар, ёрдамчи моддалар, қадоқланмаган маҳсулотлар ёки қаттиқ дори шакллари, биологик намуналар, қадоқлаш материаллари ва тиббий буюмларнинг чинлиги, сифати ва миқдорини баҳолашда қўллаш мумкин. Визуаллаштириш намунанинг бир хиллигини, ундаги физик камчиликларнинг (ядрогаги ёки қобикдаги ёриқлар), ёт моддалар ёки контаминациялар мавжудлигини аниқлашда қўлланилади. Бу шунингдек, жараёни тушуниш ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, дори воситасининг қалбакилаштирилганлигини аниқлаш ва баҳолаш имконини ҳам беради.

Ушбу умумий бўлимда асосий эътибор, тебранма спектроскопия (Инфракизил спектроскопия) ёрдамида бажарилган сирт таҳлилига, масалан, ўртача инфракизил диапазондаги спектроскопия, яқин диапазондаги инфракизил спектроскопия, Раман спектроскопиясига асосланган кимёвий визуаллаштириш тизимига (CIS) қаратилган.

Шу билан бирга, бу усул тасвир орқали таҳлил қилинадиган бошқа усулларга ҳам тааллуқлидир.

Ушбу усулда тасвирдан сифат ва миқдорий фойдаланишда кимёвий визуаллаштириш тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун аниқ тавсиялар берилади. Агар кимёвий визуаллаштириш илмий тадқиқот мақсадларида қўлланилса, инфракизил абсорбцион спектrophотометрия (2.2.24) учун ишчи тавсифлар; яқин инфракизил спектроскопияга (2.2.40) ва Раман спектроскопиясига (2.2.48) талаблар илова қилинмайди. Бунинг ўрнига хавфни баҳолашга асосланган алоҳида мезонлар ўрнатилган бўлиши керак.

## 2. КИМЁВИЙ ВИЗУАЛЛАШТИРИШНИНГ АСПЕКТЛАРИ

### 2-1. ТАЪРИФ

Фармацевтик намуналарнинг кимёвий визуаллаштирилиши, намуна сиртига фазовий равишда тақсимланган бир неча тўлқин узунлигидаги ёритиш ҳолатида бўлган жавоблар тўпламидан иборат усулни ифодалайди. Ушбу сирт (пиксел) жойлашуви учун тўлқин узунлиги жавоблари тўплами, тушувчи тўлқин узунлиги билан боғлиқ. Тўлқин узунлигининг ҳамма дивазонида  $x$  ва  $y$  ўрни кетма-кет ўзгарганда ва ҳар бир ерда олинган жавоблар тўпланганда намуна сиртининг кенг тасвири шаклланади.

Визуаллаштириш тизими асосан намуна сиртидаги фазовий маълумот олиш имкониятини беради. Намуна юзасига тарқалган бир неча доменлар материалларидан иборат намунанинг кимёвий, морфологик тавсифлари ёки белгилари қўшилиб тасвир ҳосил қилади. Танлаб олинган ҳар бир нуқта (пиксел) жуда катта маълумот сақлайди ва ёзилган сигнал намунанинг кимёвий ва физик хусусиятларини, шунингдек, ингредиентнинг чинлиги, концентрацияси, кристаллилиги, йўналиш аниқлиги, шунингдек, домен ва заррача ўлчамини акс эттиради.

### 2.2. ТАСВИРГА ОЛИШ РЕЖИМЛАРИ

Кимёвий тасвирлар кенг полосали, мультиспектрал, гиперспектрал режимларда олиниши мумкин. Кенг полосали режимларга мисол қилиб, учта ўзгарувчан ранглар: кизил, яшил ва кўк (RGB) учун турли тўлқин узунликларнинг нисбий аҳамиятини солиштиришда фойдаланиладиган филтрлари бор камера мисол бўлади. Кўп спектрли визуаллаштириш, бир текис тарқалмайдиган, турли частота диапазонларида турли детекторларнинг комбинацияларидан фарқ қилмайдиган, танлаб олинган спектрал диапазонларни ўз ичига олади.

Гиперспектрал визуаллаштириш (ГС-визуаллаштириш, (HSI)) ҳар бир пиксел учун спектрнинг тўлиқ тўпламини ёзадиган икки ўлчамли (2D) визуаллаштириш техникасидир. Амалда гиперспектрал визуаллаштириш (HSI) намунанинг ҳар бир ўлчанган қисми учун чуқурликнинг охири кесимини 2D проекциясида намуналарнинг айрим нуқталарининг спектроскопик таҳлилин кенгайтиради. Гиперспектрал датчиклар классик спектроскопияда битта ўлчамда олинган ўртача спектрлардан кўпгина турдош каналлар ёрдамида айрим белгиларни аниқлашда фойдаланилади. Тасвирлар, аъъанавий олинган спектрларга ўхшаш спектрал сифат билан олиниши мумкин.

Бу катта ҳажмдаги маълумотлар ва мураккаб ҳисоблашлар ҳисобига ўлчаш вақтининг узайишига олиб келади. Спектрларнинг сифати, айрим ҳолларда тасвирнинг ўтиш тезлиги ошиши ҳисобига пасаяди. Танлов


доменлари, фақатгина визуал кўрик натижасида индентификация қилиш имконияти бўлмаган алоҳида пикселлар кўрсаткичларга жойлашган мураккаб спектрал структураларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай кўп ўлчашлар натижаларидан таҳлилий маълумотни олиш учун тасвирни тегишлича таҳлил қилиш керак. Гиперспектрал тасвирларни таҳлил қилиш, унинг натижалари бўйича хулоса қилиш учун ҳисоблашда турли усуллардан фойдаланиш керак.

### 2-3. МАЪЛУМОТЛАР КУБИ

Гиперспектрал визуаллаштиришда ҳар бир пиксел битта спектр билан боғланади. Ўлчовлар намуна сиртининг ҳар икки томонига тақсимланади. Ҳар бир ўлчашда,

спектрал ўлчашлар нуқталари сонига мос вектор – устун билан уйғунлашади. Натижалар уч ўлчамли блокка йиғилган бўлиб, куб ёки гиперкуб, деб аталади. Маълумотлар кубини бу  $x$ - $y$  координатлари пикселидан ва тегишли жавоблар серияси (масалан, ютилиш ёки ўтказиш) ёки сканерланган спектр сигнал интенсивлиги бўйича натижалар тўпламидир (5.24-1-расмга қаралсин).

Текширилаётган йўналишда кимёвий ва физик маълумотларни тўплайдиган классик спектроскопиядан фарқли ўлароқ, визуаллаштириш намунанинг спектрал ва фазовий тавсифини ўз ичига қамраб олади. Тасвир пикселларининг спектрал ва фазовий таҳлили итератив (такрорий) ёки ихтиёрий равишда бирлашган бўлиши мумкин.



5.24.-1-расм. – Намуналарнинг  $n \times r$  пикселларида  $k$  тўлқин сонлари спектрларини ёзиб олиш натижасида олинган  $n \times r \times k$  маълумотлар кубига мисол; кулранг тасвир тўлқин сони  $v_{k-4}$  бўлганда олинган.

### 2.4. ЮҚОРИ ЎЛЧАМЛИ КИМЁВИЙ ВИЗУАЛИЗАЦИЯ

Уч ўлчамли тасвирнинг фазовий рухсат этилганлигини  $x$ - $y$  визуаллаштиришни тўлдирувчи учинчи йўналиш ( $z$ ) бўйлаб фазовий рухсат этилганликни кенгайтириш сифатида тушуниш мумкин. Бу таҳлилнинг чуқурлигига нисбатан намунанинг чуқурлигини кўпроқ ўз ичига олган тасвирлар тўпламини жойлаштириш жараёнидир. Бу, масалан, микротом ёрдамида юзани босқичма-босқич кесиш, тегишли усулда тайёрланган қаттиқ намуналар тасвирини кетма-кет йиғиш орқали билвосита (инвазив, парчалаш жараёни) олиш мумкин. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри (ноинвазив, парчаланмайдиган жараён) фазовий ечимдаги спектроскопиядан фойдаланиб қаттиқ моддаларни 3D визуаллаштириш  $x$ - $y$ - $z$  қилиш имкониятини беради. Буларга, хроматография усулларининг оптик когерент томографияси (ОСТ), тера-

герц диапазони (THz)/узоқ инфрақизил спектроскопия (FIR) ва вақт давомийлигидаги THz спектроскопия, конфокал Раман спектроскопияси ва бошқалар, масалан, рентген томографияси ёки ядро-магнит резонанси (MRI) қиради. Хуллас, 4D ва юқори ўлчамдаги визуаллаштириш, бир вақтнинг ўзида хариталашнинг фазовий ( $x$ ,  $y$  ва  $z$ ) ва спектрал ечимини билдиради. Юқори ўлчамли визуаллаштириш бу умумий бўлимнинг фаолият соҳасига кирмасада, даставвал шу каби тавсиялар қўлланиши мумкин.

### 2-5. ҚЎЛЛАНИЛИШИ


Намуна юзаси белгилари тақсимланишининг визуал кўриниши намуналар орасида тезкор ва парчаламасдан солиштиришни осонлаштирадиган классик таҳлил усулларини тўлдиради. Намуналарнинг катта ва кичик юзаларни таҳлил қилишда СИ қўлланилиши мумкин.

Визуаллаштириш, таркибий ва морфологик хусусиятлари бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгариши билан ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шундай қилиб, ушбу услуб кимёвий таркиб ва физик морфологияси жиҳатидан турлича бўлган намуналарни тадқиқ этишда мос келади. Визуаллаштириш танлаб олинган таркибий қисмлар ва белгиларни, яъни намунанинг турли қисмлардаги кўринишларининг тарқалишини қайд этади. Масалан, визуаллаштириш маҳсулотнинг ишлашига бевосита таъсир кўрсатадиган белгиларнинг жойлашувини намоён қилиши мумкин. Улар таркибий қисм тегишли миқёсда бир текис тарқалганлигини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, фазовий рухсат этилганликнинг талабларидан келиб чиқиб СИ усулини қўллаш ўта муҳим.

Кимёвий визуаллаштиришнинг асосий қўллаш доираси каттик ҳолатдаги жисмларнинг кимёвий ёки физик хоссаларини, контаминацияни аниқлашга, контрафакт маҳсулот билан курашишга ҳамда кимёвий идентификация қилишга қаратилган. Масалан, кимёвий визуаллаштириш ёрдамида таблетка копламаларнинг қалинлигини ва копламанинг бир текислигини ўлчаш, шунингдек, таркибий қисмларнинг тасвирланишини, деформация чуқурлигини ва адгезия кучини аниқлаш каби юза хусусиятлари тавсифини кўриб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, заррача ўлчамини, агрегация ва

морфологиясини ўлчаш, юзадаги ғадир-будирликларни аниқлаш ва синган ёки ёт заррачаларни топиш мумкин. Заррачалар таҳлилинини суюқликларда ҳам ўтказиш мумкин.

Турли полиморф шаклларнинг фазовий тарқалишини, шунингдек, полиморф ўзгаришларни ва кўп фазали материалларни (масалан, каттик дисперсли) СИ усулида таҳлил қилиш мумкин. Нано ва микрокристаллик материалларини таснифлаш, стрессли шароитларда ва вақт давомида структуравий ўзгаришларни назорат қилиш ва кристаллардаги нуқсонларни, масалан, майдалаш ва микронизация жараёнида юзага келган натижаларни баҳолаш учун амалга оширилиши мумкин. Кимёвий визуаллаштиришга асосланган намуналарнинг кимёвий тавсифи, ўзига хос спектрал белгилар асосида (5.24.-2-расмга қаралсин) аралашмадаги алоҳида таркибий қисмларни идентификация қилиш, тарқалишини тавсифлаш ва кўпайишини аниқлашга асосланган. Ушбу таҳлил юзадаги молекуляр ва элементар атом заррачаларни аниқлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Фаол моддаларнинг эриш ва чиқарилишининг кинетикаси ва механизмини моделлаштириш мумкин ва яна бир мисол сифатида, каттик/эритма интерфейси ва қуйма эритма орасидаги дори концентрацияси градиентини аниқлаш мумкин.



1. Ацетильсалицил кислота

2. Кофеин

3. Парацетамол

5.24.-2-расм. — Раман визуаллаштириш ёрдамида ингредиентларга тавсиф бериш учун мисол.

## 2-6. КИМЁВИЙ ВИЗУАЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Аниқ визуаллаштириш ускунасини ёки услубини танлаш аниқ мўлжалланган таҳлилий дастурга боғлиқ. Кимёвий визуаллаштириш тизими намунанинг тури, кўпайиши ва ўлчамлари, намунани тайёрлаш ҳамда тақдим этишга ҳамда ўлчалар сонига, вақтига, таҳлил натижаларининг алгоритмига, дастур таъминотига, фазовий ва спектрал имконият ва бошқаларга боғлиқ.

Кўп сонли усуллар гиперспектрал визуаллаштириш яратишга имкон беради. Тебранма спектроскопияга асосланган усулларнинг қисқача таърифи, уларни қўллаш имкониятлари ва имкон чегаралари қуйида келтирилган.

### Ўртача-инфрақизил спектроскопия (MIR)

Материалнинг ички молекуляр тебранишларини ўрганишга мўлжалланган ўртача инфрақизил спектроскопия ёруғлик билан намуна ўртасидаги муносабатга асосланган. Одатда электромагнит спектри диапазони  $4000\text{--}400\text{ см}^{-1}$  ( $2,5\text{--}25\text{ мкм}$ ) кўрсаткични ўз ичига олади. Ўртача кимёвий визуаллаштириш бошқа ингредиентлар билан аралашган кимёвий моддаларни тавсифлашда ишлатилиши мумкин. Ўлчалар кўпинча намуна нур синдириш кўрсаткичи юқорироқ бўлган, ИҚ-шаффоф кристаллар билан алоқада бўлганда тўлиқ аттенуирланган (кучсизлантирилган) акс эттирувчи (ATR) микроскопия усули ёрдамида олиб борилади. Ортиқча намликка эга бўлган намуналарни ўлчаш, сув тўлқинларидаги шовқин туфайли қийин кечиши мумкин.

### Яқин-инфрақизил (NIR) спектроскопия.

Яқин инфрақизил спектроскопияда C-H, N-H, O-H ва S-H юқори тон ҳосил бўлган молекуляр тебранишларни, шунингдек, фундаментал ўртача инфрақизил тебранишларнинг бирикмалари аниқланади. Электромагнит спектрининг диапазони одатда,  $12500\text{--}4000\text{ см}^{-1}$  ( $0,8\text{--}2,5\text{ мкм}$ ) атрофида бўлади. Ўлчов алоқасиз бўлиб, тарқоқ акс эттириш усулида бўлади ва физик ва кимёвий маълумотларни етказиб беради.

### Узоқ инфрақизил (FIR) ва терагерц (THz) спектроскопия

Узоқ инфрақизил диапазонда, одатда электромагнит нурларининг тарқалиши  $400\text{ см}^{-1}$  дан тахминан  $10\text{ см}^{-1}$  гача ( $25\text{--}1000\text{ мкм}$ ) бўлади. Бу спектрга молекулаларо ва панжарасимон тебраниш усулида қоплаш имкониятини беради. Усулнинг водород боғларини олиш қаттиқ жисм шакллари аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради, масалан, полиморф шакллар ва кристалланиш даражаси. Нурланиш кўпгина нур ўтказмайдиган материаллардан ўтиши мумкин, аммо, металл ва сув каби нур ўтказадиган материаллардан ўтмайди ва намунанинг ичига чуқур кириб боради.

### Раман спектроскопияси

Раман спектроскопияси аввалдан интенсив монохроматик ёруғлик манбалари томонидан нурланган (одатда лазер нурлари билан) ёруғлик қатламида намуна таъсирида ҳосил бўладиган частотанинг ўзгаришини аниқлайди. Роман спектрларида кимёвий моддаларни аниқлаш имконини берадиган кўплаб ингичка тасмалар мавжуд. Натижада, Раман визуаллаштириш намунадаги кимёвий моддалар (шу жумладан, полиморфизм) ҳақида маълумот беради. Сув, ҳаво ва шиша Раман нурни кучсиз тарқатганлиги сабабли сув намуналари таҳлилин очиқ атмосфера шароитларида ёки оғзи зич ёпилган флаконларда ўтказилиши мумкин. Аммо ўлчанган сигнал флуоресценция сабабли нотўғри натижа бериши мумкин.

## 2.7. ҚАБУЛ ҚИЛИШ РЕЖИМЛАРИ

Визуаллаштиришни яратиш учун фазовий секвенирлаш ёки тўлқин узунлигини секвенирлаш усулларини қўллаш талаб қилинади. Маълумотлар кубини ёзиш учун 3 та режимдан фойдаланилади: нуктали хариталаш, чизиқли хариталаш ва глобал визуаллаштириш. Нуктали хариталаш (нуктални сканерлаш) энг оддий тасвирлаш бўлиб, одатда тўғри тўртбурчак тўри намунасига ўхшайди. Спектр тўрнинг ҳар бир нуктасида ёзилиб, танлов босқичи қўшни нукталарга ўтади. Сканерлаш ўқининг икки фазовий томонидан компьютер билан бошқарилади. Чизиқли хариталашда (чизиқли сканерлаш) намуна чизиқ бўйлаб ёритилади, тасвир сигнали эса детекторда битта фазовий ўқ бўйлаб тарқалади. Намуна охири оқибат тўлиқ визуаллаштиришга эришилмагунча, ўз ёнидаги қаторни эгаллаш учун, бошқа фазовий ўқ томонга ўтиб боради. Бу ерда тажриба қурилмасининг тезлиги ва мослашувчанлиги, аниқ вақт давомида СИ узлуксиз қўллаш имконини беради. Глобал визуаллаштириш (фокал юзада (текисликда) сканерлаш) намунанинг ҳамма нукталари бир вақтда матрица детекторида кўринганда бажарилади. Буни бажариш ҳар тўлқин узунлиги учун филтрлар ёрдамида ёки филтрларнинг ўрнини ўзгартириш орқали амалга оширилиши мумкин.

## 2-8. РУХСАТ БЕРУВЧИ ИМКОНИЯТ

Пикселларнинг сони намуна юзасида ва намуна юзаси яқинида юз берадиган кимёвий ва физикавий хусусиятларга боғлиқ. Визуаллаштиришнинг самарадорлиги тўғридан-тўғри у эришадиган фазовий ва спектрал имкониятларга боғлиқ. Чизиқли линия тасвирлаш тизимлари фазовий қаршиликларга жуда сезгир бўлганлиги сабабли, спектрал имконият фокал юзалар олишда ўта муҳимдир.

Визуаллаштириш услубига қараб спектрал имконият лазернинг тўлқин узунлигига, панжарага, детектор ва спектрометрнинг фокус оралиғига боғлиқ. Спектрал имконият намуналарнинг кимёвий хусусиятларни юзага чиқаришга таъсир этади, чунки у тасвирларда керак бўладиган микдорий ва сифат таҳлили масалан чинлигининг аниқлигини таъминлайди.

Фазовий имконият фарқ қилиши мумкин бўлган кетма-кет икки нукта оралиғидаги энг қисқа масофадир. У тасвирларни қайта ишлов берилишига таъсир этади, чунки маълумот худди имконсиздек кўринади. Масалан, кизиқтираётган таркибий қисмлар имконияти тизим томонидан эришилган фазовий имкониятга тўғри келиши керак. Олинган фазовий имконият қурилмасининг хусусиятларига боғлиқ, шу сабабли чекланган бўлиши мумкин, масалан, лазер доғи ўлчами, дифракцион чегаралар, детектор ўлчами, кўпайиши, сонли аппаратура ва бошқалар. Аниқ СИ тизими ёрдамида олинган фазовий имкониятларга, шунингдек, намуна юзаси бўйича нурланиш диффузияси таъсир қилади. Намуна юзаси остидаги нурни тарқалиши олинган тасвирларнинг хато қилиб кўрсатиши ва фазовий имкониятларни чегаралаши мумкин.

## 2-9. НАМУНА СИРТНИНГ РЕПЕРЗЕНТАТИВЛИГИ

Қурилмани созланишига қараб, намуна юзасининг топологияси тасвирнинг сифатига таъсир қилиши мумкин. Тадқиқ этилаётган намуна юзаси аниқлаш назарда тутилаётган мақсадга мос бўлиши керак. Шунга қараб намунанинг бир хиллиги таъсирини баҳолаш мумкин. Масалан, акс тасвир хусусиятига асосланган лойиҳалаштиришда, кириб боришни чегараланганлиги ва фазо-

вий имконияти сабабли намунада фақат морфология-нинг ҳақиқий имконияти ёки заррачалар ўлчами қўлами аникланади. Шундай қилиб, бутун намунанинг бир хил, бир текис эмаслиги сабабли тасвирларнинг таҳлили тўғри бўлмаслиги мумкин.

Ушбу чекланишни бартараф этиш йўлларида бири, барча намунага баҳо беришни яхшилаш йўлларида бири, намунадаги кўндаланг кесимларни ўлчашдир. Яна бир бошқа йўли эса, муқобил оптик конструкциядан фойдаланишдир. Бунда кириб бориш чуқурлиги оширилиши мумкин. Масалан, юзага яқин жойдан маълумот тўплаш учун конфокал ёки фазовий рухсат берилган тенглаштирилган ўлчовлардан фойдаланиш, томография ёки барча асосий маълумотни йўллаш учун ўлчашдан фойдаланиш мумкин.

### 3. КИМЁВИЙ ВИЗУАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Тасвирларга ишлов бериш давомийлиги куйидаги бир неча босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

- намунани тайёрлаш;
- асосий тайёргарликлар;
- қурилманинг таркибий қисмларини ва тизимнинг ишлашини назорат қилиш;
- қурилмани калибрлаш ва тизимнинг яроқчилигини текшириш;
- ўлчаш, тасвирларга ишлов бериш, дисплейда кўрсатиш ва сақлаш;
- тасвирлар таҳлили ва сон натижаларини ҳисоблаш;

#### 3-1. НАМУНА

##### 3-1.1. Намунани тайёрлаш (асосий тайёргарлик).

